O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

“ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI”

mavzusidagi

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI

(2021-yil 24-mart)

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

TARIX FAKULTETI

TARIX O‘QITISH METODIKASI KAFEDRASI

ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI

mavzusidagi

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari

2021-yil 24-mart

NAVOIY-2021

ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari- Navoiy, NavDPI 2021-yil. 276 bet.

Ushbu konferensiya materiallari 2021-yil 24-mart kuni Navoiy davlat pedagogika institutida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-martdagi “O‘zbekiston Respublikasida 2021-yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnikaviy anjumanlar to‘g‘risida”gi 76-f-sonli farmoyishiga asosan o‘tkazilgan “Zamonaviy tarix fani metodologiyasining dolzarb muammolari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallaridan iborat.

Konferensiya materiallari tarix fani metodologiyasi fani hamda tarix o‘qitish metodikasi fani o‘qituvchilari va boshqa qiziquvchilar uchun mo‘ljallangan.

Mas’ul muharrir: **B.Sobirov**

Ilmiy muharrir: **R.Rajabov**

Taqrizchilar: **G‘.Temirov**
A.Aminova

Tahrir haya’ti: **R.N.Tolibov, U.O.Narzullayev, Sh.Xoliqulova**
S.I.Hamroyeva, F.I.Shirinova, A.Egamberdiyeva
Sh.E.Toshturov, J.A.Mustafoyev

Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plamida berilgan tarixiy ma’lumotlar va chiqarilgan xulosalarning haqqoniyligiga mualliflar javobgar.

© Navoiy davlat pedagogika instituti – 2021

ВАТАН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Маълумки, Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бой маданий меросимиз ва тарихимизни чуқур ўрганилиши орқали ўзлигимизни англаш ҳамда миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида кун тартибига қўйилди. Ўтган давр оралиғида бу борада жуда кўп салмоқли ишлар қилинди ва унинг кўлами бугун янада кенгаймоқда.

“Мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди”[1]. Хусусан, Навоий вилояти ҳудуди ўтмишини ўрганишга хам алоҳида эътибор берилди. Зеро, вилоят ҳудуди ўзининг бой тарихи билан тавсифланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, азим Зарафшон воҳасида, беҳисоб табиий бойликлар макони бўлган Қизилқум минтақасида жойлашган Навоий вилояти, таъбир жоиз бўлса, дурру жавоҳирлар хазинасидир[2].

Навоий вилояти бой маданий ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айниқса, Кармана шаҳри, Қосим шайх мақбараси, Работи Малик ёдгорлиги, Қизилқум бағридаги тош ўрмон, Сармишсойдаги тошга ўйилган қадимий расмлар – буларнинг барчаси вилоятнинг кўҳна тарихи ва маданиятидан далолат беради[3]. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти ўзининг бой тарихи, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий ва демографик соҳалардаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу боис, туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида республика ҳар бир минтақасининг ўзига хос хусусиятларини, жумладан Ватанимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва қадимий бой тарихга эга эканлиги ҳам унинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишга асос бўлади. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, “ҳар қайси халқ ёки ҳар қайси миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”[4].

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда илк цивилизация ўчоқларидан бири бўлган Ватанимиз ҳудуди ўзининг кўҳна тарихига эга. Бу заминдаги ибтидоий одамлар шахталари, қоятош тасвирлар, кўҳна мозор қўрғонлар каби тарихий обидаларнинг Марказий Осиё минтақасида мисли йўқ десак хато бўлмайди. Чунончи, тарихни илмий тадқиқ этиш асосида аждодларимизнинг онгу тафаккури билан яратилган осори атиқалар, ноёб қоятош тасвирлари, қадимги манзилгоҳларни тарихий даврини аниқлаш, ўрганиш, тарихни тадқиқ қилиш борасида мазкур конференция муҳим методологик асос бўлади. Ушбу конференция Ватанимиз тарихини тадқиқ қилиш, улуғ авлиёлар қолдирган бебаҳо ўгитларни қалбда сақлаш, аждодлар меросини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш каби хусусиятларни ёшларимизнинг онги-шуурига сингдириб, уларни маънан баркамол бўлиб етишишига муҳим бир омил бўлиб хизмат қилади.

Навоий вилояти ҳокими
сенатор Қ.Турсунов

---

[1] Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқидан. 2017 йил 8 сентябр

[2]Мирзиёев Ш Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.-Б.111.

[3]Мирзиёев Ш Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.-Б.119.

[4]Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият, 2008. -Б. 19-20.

O‘ZBEK MA’RIFATPARVARLARINING TURKISTON XALQLARI TARAQQIYOTIGA QO‘SHGAN HISSASI

Sobirov B.B.
texnika fanlari doktori, professor,
Navoiy davlat pedagogika instituti rektori

Annotatsiya

Har bir jamiyatdagi o‘zgarishlar o‘z davrining tarixiy sharoitidan kelib chiqib namoyon bo‘ladi. Bu o‘zgarishlarga tarixiy shaxslar, ayniqsa ziyolilarning o‘rni katta bo‘lib, ularning har biri o‘ziga xos ilg‘or g‘oyalarni ilgari suradi. Ushbu maqolada XIX asr oxiri XX asr boshlarida jadid ma’rifatparvarlarining jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilish yo‘llarini topishga harakat qilishlari, madaniy-ma’rifiy islohotlarning ibtidosida, albatta, maktab-maorif tizimida olib borgan ishlari hamda ular tomonidan yaratigan madaniy meroslari haqida bilim berish tufayli yoshlarimiz ongida vatanparvarlik, insonparvarlik g‘oyalarini shakllantirish, milliy tuyg‘u va milliy g‘oyalar ruhida ularni tarbiyalash g`oyalari aks ettirilgan.

Kalit so‘zlar: ma’rifat, Turkiston, jadidchilik, milliy g`oya, ma’naviyat, ijtimoiy-siyosiy qarashlar, maorif, tarix, Turkiston jadidlari.

Mustaqillik sharoitida tub islohatlarni amalga oshirish jarayonida milliy tiklanish, ma’naviy yangilanish, milliy o‘zlikni anglab etgan, milliy g‘oya kuchi bilan birlashgan jamiyat a’zolarini tarbiyalash vazifalarini hal etishda tarix fanining roli ortib bormoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2021-yil 19-yanvardagi yig`ilishda “Milliy ma’naviyatimizni rivojlantirish, uni xalqimiz, ayniqsa, yoshlarimiz hayotiga singdirishda ijtimoiy-gumanitar fanlarning ahamiyati juda kattaligi hamda milliy tarixni milliy ruh bilan yaratish kerakligini, aks holda, uning tarbiyaviy ta’siri bo‘lmasligini aytib o’tdilar. “Biz yoshlarimizni tarixdan saboq olish, xulosa chiqarishga o‘rgatishimiz, ularni tarix ilmi, tarixiy tafakkur bilan qurollantirishimiz zarur” degan masalalarni qo‘ydilar va “O‘zbekiston tarixi” fanini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqish kerakligini ta’kidlab o’tdilar”.

Bugungi kunda tarix fani sohasida o‘zbek davlatchiligi tarixida ba’zi bir masalalar borki, ularni tadqiq etish o‘ziga xos muhim ahamiyatga ega. Ana shundaylardan biri – o‘zbek ma’rifatparvarlarining Turkiston xalqi taraqqiyotiga qo‘shgan hissasi masalasi hisoblanadi. Zero, o‘zbek ma’rifatparvarlarining g`oyalari, olib borgan amaliy ishlari jamiyatni barcha sohalarini tartibga solib turuvchi asosiy mafkuraviy kuch bo‘lgan. Bu o‘rinda tarix fani sohasida to‘plangan masalalarni hal qilishda Turkiston zaminida buyuk mutafakkirlarning boy ilmiy merosi umumjahon sivilizatsiyasi taraqqiyotida muhim rol o‘ynagani jumlai jahonga ma’lum qilish ulug` maqsadlarimizdan biridir. Ularning ilmiy merosini o‘rganib hayotga qayta tadbiq etmog‘imiz kerak. Shu munosabat bilan O‘zbekistonda tub o‘zgarishlar davri hisoblangan bir paytda ota-bobolarimiz tarixi, fan fidoyilarining ilmiy-ijodiy yo‘li va ijtimoiy-siyosiy qarashlarini xalqimizga yetkazishimiz dolzarbdir.

Har bir jamiyatdagi o‘zgarishlar o‘z davrining tarixiy sharoitidan kelib chiqib namoyon bo‘ladi. Bu o‘zgarishlarga tarixiy shaxslar, ayniqsa ziyolilarning o‘rni katta bo‘lib, ularning har biri o‘ziga xos ilg‘or g‘oyalarni ilgari suradi. Ziyolilar jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilish yo‘llarini topishga harakat qiladi. Xuddi shunday jarayon XIX asrning ikkinchi yarmida Rossiya imperiyasi tarkibiga Turkiston, Buxoro amirligi va Xiva xonligi protektoratga aylandi. Shu davrda mustamlaka zulmi ostidagi ziyolilar o‘z xalqlarini ma’rifatli qilish va ularning taraqqiyot darajasini ko‘tarishga qaratilgan harakatlarni boshladilar.[1]

Turkiston o‘lkasida millat istiqbolini o‘ylovchi ma’rifatparvar va taraqqiyparvar kuchlar xalqning deyarli barcha tabaqalari hunarmandlar, dehqon, savdogar, mulkdor, ulamolar orasida mavjud edi. Maorifparvarlik g‘oyalarining Turkistonda keng yoyilishida “Tarjimon” gazetasi katta o‘rin tutdi.[2] Ismoil G‘aspralining 1893-yilda Toshkent, Buxoro va Samarqandga tashrifi marifatchilik g‘oyalarining keyingi rivojiga turtki bo‘ldi. 1893-yilda Buxoro amirligida birinchi yangi usul maktabi faoliyat ko‘rsata boshladi. Keyinchalik bunday maktablar boshqa hududlarda keng tarqaldi.[3] Madaniy-ma’rifiy islohotlarning ibtidosida, albatta, maktab-maorif ishlari turardi.

Shu kezlari Toshkent, Samarqand, Buxoro va Farg‘ona vodiysi shaharlarida o‘nlab “usuli jadid” maktablari ochildi. Uning tashkilotchilari tatar ma’rifatparvarlari bilan birga, mahalliy ziyolilardan Mahmudxo‘ja Behbudiy, Abduqodir Shakuriy, Siddiqiy Ajziy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Abdulla Avloniy, Ashurali Zohiriy, Abdurauf Fitrat, Sadriddin Ayniy, Fayzulla Xo‘jaev, Abdulvohid Burhonov kabi atoqli zotlar edi.[4]

O‘rta Osiyoning milliy maorifparvarlari Turkiston, Buxoro va Xiva jadidlariga bo‘lingan bo‘lib, Turkistonning kelajagini mustaqil, rivojlangan davlat sifatida ko‘rishni orzu qilganlar. O‘zbek ma’rifatparvarlariga siyosiy hayotni isloh qilishlari uchun Turkiya va 1905-1911 yillardagi Eron inqiloblari sezilarli ta’sir ko‘rsatgan. XX asrning boshlarida shakllangan taraqqiyparvarlik kuchlari davlatning boshqaruv tizimi zamon talablariga javob bermasligini, ularning turmush darajasi past ekanligini va uni o‘zgartirish lozimligni chuqur anglagan edilar. Ular mavjud tuzum, uning iqtisodiy, ijtimoiy va huquqiy sohalardagi barcha salbiy ko‘rinishlarga va kamchiliklariga qarshi kurashish, ma’orifni rivojlantirish, ma’naviy va axloqiy me’yorlarni takomillashtirish, xalq ommasi manfaatlarini himoya qilish, xalq farovonligini oshirishga sidqidildan intilish yo‘lidan bordilar.

Ularning fikricha, mamlakatning iqtisodiy mustaqiligini, ta’minlamay turib, siyosiy va huquqiy erkinlikka erishish mumkin emas edi. Buning uchun birinchi navbatda, yerni, yer osti va yer usti boyliklarini, suvni Turkiston xalqlarining umumiy boyligi deb e’lon qilish, barcha sohalarni rivojlantirishga qodir mahalliy kadrlarni tayyorlash, zavod va fabrikalar qurib, mahsulotlarni o‘lkaning o‘zida ishlab chiqarishni zarur deb bildilar.[5]

Maktab-maorif ishlari bilan bir qatorda ilk o‘zbek milliy matbuotiga asos soldilar. Jamiyatni ham ma’naviy, ham moddiy davomiyligini ta’minlashni vazifa etib belgilab oldilar. Jadidlar ko‘plab yoshlarni rivojlangan xorijiy davlatlarga o‘qishga yuborish, u yerda ular tahsil olib kelib yurt va millat uchun xizmat qilish g‘oyalarini ilgari surdilar. O‘lkada va xorijda savdo-sotiq, sanoat va qishloq xo‘jaligi rivojining qiyosiy tahliliga bag‘ishlangan ko‘plab maqolalar e’lon qildilar.

Jadidchilik, ma’rifatparvarlikdan qudratli siyosiy harakatga qadar bo‘lgan murakkab rivojlanish yo‘lini bosib o‘tdi. Turkistondagi mustamlaka, uning turli tanazzulga yuz tutganligi, xalqning og‘ir iqtisodiy ahvoli, jahonning taraqqiy etgan mamlakatlaridan iqtisodiy jihatdan ortda qolishi, madaniy qoloqlik, ijtimoiy ongdagi turg‘unlik – jadidlarni jahon taraqqiyoti tajribalarini izlab topishga chorladi.

Xulosa qilib, aytganda O‘zbekiston tarixini o‘rganish mustaqillik yillarida alohida ahamiyatga ega bo‘lib, Vatan tarixini xolisona ilmiy tahlil etish tufayli o‘tmishda ma’rifpatparvar ajdodlarimizning yaratgan moddiy-ma’naviy merosini qayta tiklash, ijtimoiy–iqtisodiy va siyosiy jarayonlarni hozirgi yosh avlodga tushuntirish hamda ajdodlarimiz bosib o‘tgan shonli hayot yo‘lini o‘rganish muhim masaladir. Jadidlarning ilmiy madaniy, ma’rifiy, siyosiy faoliyati natijasida to`plangan boy madaniy meroslarni yoshlarimiz ongiga singdirish, ularda vatanparvarlik, insonparvarlik g‘oyalarini shakllantirish, milliy tuyg‘u va milliy g‘oyalar ruhida tarbiyalash hamda ona-zamin, uning muqaddas tuprog‘ini e’zozlashga o‘rgatish zarur.

ADABIYOTLAR

1. Sharipov R. Turkiston jadidchilik harakati tarixidan. T: O‘qituvchi, 2002. – B. 4.
2. Qosimov B. Milliy uyg‘onish. T: Ma’naviyat, 2002. – B. 21.
3. Qosimov B Milliy uyg‘onish. T: Ma’naviyat, 2002 – B. 21-22.
4. Rizayev SH. Jadid ma’rifatchiligi va teatr. /.Jadidchilik: islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. (Turkiston va Buxoro jadidchiligi tarixiga yangi chizgilar) Davriy to‘plam № 1. T: Universitet 1999. – B. 118-119.
5. Karimov N. XX asr boshlaridagi tarixiy vaziyat va jadidchilik harakatining vujudga kelishi. /.Jadidchilik: islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. (Turkiston va Buxoro jadidchiligi tarixiga yangi chizgilar) Davriy to‘plam № 1. T: Universitet 1999. – B. 36-38.

ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ФАНЛАРАРО ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

М.Рахимов,
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази бўлим раҳбари,
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация

Разнообразие происходящих трансформаций на постсоветском пространстве и в мире свидетельствует о неоднозначной динамике внутренних процессов, межгосударственных и межрегиональных отношений. Междисциплинарность является неотъемлемой чертой современной науки и связана с интегративными и инновационными тенденциями. В данной статье новейшая история Узбекистана и Центральной Азии рассматривается в контексте взаимосвязи национального и регионального развития с глобальными тенденциями. Отмечается, что комплексное изучение новейшей истории позволяет определить и прогнозировать ожидаемые тенденции в развития государства и общества как среднесрочные, так и долгосрочные, а также приоритеты межгосударственных взаимоотношений в Центральной Азии с учётом региональных и глобальных процессов.

Abstract: The variety of transformations taking place in the post-Soviet space and in the world testifies to the ambiguous dynamics of internal processes, interstate and interregional relations. Interdisciplinary is an integral feature of modern science and is associated with integrative and innovative trends. In this article, the recent history of Uzbekistan and Central Asia is considered in the context of the relationship of national and regional development with global trends. It is noted that a comprehensive study of recent history allows us to determine and predict the expected trends in the development of the state and society, both medium-term and long-term, as well as the priorities of interstate relations in Central Asia, taking into account regional and global processes.

Замонавий тадқиқотларда фанлараро ёндошувлар

XIX асрнинг охири ва XXI аср бошларидаги тарихий жараёнлар сайёрамизнинг кўплаб халқлари ҳаётида ижтимоий-сиёсий тузилиши ва қадриятлар йўналишидаги фундаментал ўзгаришлари билан характерланиб келмоқда. СССРнинг қулаши дунёнинг сиёсий харитасида янги мустақил давлатларнинг юзага келиши, халқаро муносабатлар тизимининг тубдан ўзгариши, глобаллашув ва минтақалашув, ноаъанавий таҳдидаларнинг пайдо бўлиши – бу энг янги тарихнинг муҳим ҳодиса ва воқеалари сифатида намоён бўлди. Энг янги тарихнинг кўплаб муҳокамларида даврнинг муҳим воқеалари турли ёндашувлар билан боғлиқлигини кузатиш мумкин жумладан, сиёсий мустақилликка эришиш масаласида. Бошқача айтганда, дунёнинг бошқа мамлакатларида ва маълум бир минтақаларда энг янги тарихни шакллантиришда турли ёндашувлар мавжуд. Муккамал ҳолда эса, “энг янги тарих” тушунчаси, “замонавий тарих” тушунчасига синоним ҳисобланиб, инглиз адабиётларида қўлланиладиган «Contemporary history»[1] (Новейшая история Центральной Азии, 2018: 86) тушунчасига мос келади.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бошланиш нуқтаси - 1991 йил ҳисобланади. 1991 йил сентябрь ойида давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг Ўзбекистон жиддий замонавий ечимлар талаб қиладиган, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги ўзи хос кўплаб тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни трансформациялашга киришди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий тизим модели давлат тузилмалари ва сиёсий институтларнинг кесимидан иборат бўлиб, қадриятларга асосланган шарқона цивилизацияга хос, халқаро эътироф этилган демократик моделлари асосида яратилгандир. Республиканинг ҳозирги ва истиқболдаги ривожланиш йўли бугунги кунга қадар тўпланган халқаро тажрибани ижодий асимиляциялаш, ҳамда миллий хусусиятлар, маданий анъаналарни ҳам ҳар томонлама инобатга олишга асосланган[2] (Central Asia today, 2014: 155). Натижада республиканинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти босқичма-босқич либераллаштирилади ва тизимли равишда барқарорлик таъминланади. Шу тариқа Ўзбекистон замонавий халқаро муносабатлар тизимида изчил равишда интеграцияга эришмоқда. Мамлакатнинг ташқи сиёсати чорак асрдан кўпроқ вақт давомида халқаро ва минтақавий жараёнларнинг ўзгариб бориши ва айниқса, Марказий Осиёдаги барқарор вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан такомиллашиб боради [3] (Рахимов, М. 2016:

5). Ҳозирги вақтда бу жараёнлар ва ходисаларни назарий жиҳатдан тушуниш вазифаси ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Табиийки, мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-гуманитар фанлар муқаррар ва сезиларли даражада ўзгаришларга дуч келди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи - тарих фанидаги янги йўналиш бўлиб, Республиканинг ривожланишидаги асосий тенденцияларини аниқ ва тўғри ёритишни талаб қилади. XX асрнинг охиридан то ҳозирги кунгача бўлган даврда юзага келган мураккаб ҳодиса ва жараёнларни халқимиз теран англаши учун тарих ва турдош фанлар олдида бир қатор жиддий вазифалар турибди. Ушбу вазифаларни англаш ва ҳал қилиш кўп жиҳатдан мавжуд методологик воситаларни танқидий таҳлил қилиш ҳамда шунга мос равишда Ўзбекистон энг янги тарихининг турли жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган илмий мактабнинг назарий салоҳиятини янгилаш билан боғлиқ.

Замонавий жараёнларни ўрганиш – бу тарих, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар, иқтисодиёт, социология, география, психология, антропология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларни кенг жалб қилишни талаб қилади. Ушбу фан вакиллари ўз тадқиқотларида янги концептуал ёндашувлардан ташқари, мавзуни батафсил ва чуқурроқ ўрганишга, кўп босқичли жараёнларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилишга имкон берувчи замонавий тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланишади. Таъкидлаш керакки, энг янги тарих деярли барча тарихий фанлар-жаҳон тарихи, халқаро муносабатлар тарихи ва бошқалар билан боғлиқдир.

Тарихий нашрлар халқимиз, айниқса ёш авлодни бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларга тўғри йўналтириш мақсадида асосий тушунчаларни англашга, замонавий ижтимоий ҳодисаларни баҳолашда мафкуравий позицияни шакллантиришга, уларни жаҳон тенденциялари билан боғлаш қобилиятига эга бўлишга қаратилган бўлса, мактабдаги тарихий маълумотлар эса ҳозирги ҳолатни англашга қаратилгандир. Бироқ, Ўзбекистон тарихидаги энг янги тарих тарих фанида нисбатан янги йўналиш бўлиб, ҳозирча ўз методологияси, тадқиқот воситалари ва ўқув ресурслари билан мустақил фанга айланмаган. Бу эса, соҳага ёндашувлар бўйича баъзи тадқиқот лойиҳаларининг сифатига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бу борада мамлакатимиз ҳаётининг муҳим воқеаларини юзаки ва тизимли таҳлил қилиш; хорижий тадқиқотларни етарлича билмаслик; заиф манбаий асослар ва кўп ҳолларда замонавий тарихнинг тугунли жойлари бўйича муқобил маълумотларнинг етишмаслиги каби сезиларли камчиликлар юзага келмоқда. Айни пайтда, илмий билимларнинг назарий ва услубий жиҳатларининг энг кўзга кўринган хусусияти фанлараро тўсиқларни енгиш бўлиб, янги кўп тармоқларни синтез қилишга интилиш ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу йўналишда эришилган ютуқларга қарамасдан, фанлараро ёндашув асосида тайёрланган илмий тадқиқотлар жуда камчиликни ташкил этмоқда[4] (Новейшая история Узбекистана, 2018: 12).

Фанлараро ёндашув замонавий илм-фаннинг ажралмас бир хусусияти бўлиб, интерациялашган ва инновацион тенденциялар билан, хусусан, бошқа фанни тадқиқ этишда бир фан томонидан ишлаб чиқилган усулларни қўллаш билан боғлиқ. Масалан, Марказий Осиёдаги замонавий халқаро муносабатларнинг динамикасини ва усулларнинг тарихий келиб чиқишини кенгроқ ўрганиш мақадида турли соҳа мутахассисларини, республика ва хорижий давлатларнинг амалдорларини, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг вакиллари билан суҳбатлар ҳамда ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш муҳимдир. Ушбу ёндашувдан фойдаланиш, расмий манбалар билан бир қаторда, ушбу воқеалар иштирокчиларининг хотираларини ва халқаро муносабатлар жараёнларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда эксперт хулосасини ишлатишга имкон беради.

Халқаро муносабатларнинг ривожланишини таҳлил қилиш, бизнинг фикримизча, сиёсий жараёнлардаги ташқи ва ички омилларини тизимли таҳлил қилишнинг бир неча даражаларини ўрганиш ва ишончли ахборотга асосланган бўлиши керак. Питер Комхей таъкидлаганидек: “Ташқи сиёсатнинг асосланган ва кучли назарияси ички сиёсатнинг чуқур назарий билимларини талаб қилади” [5] (Comhey, P. 1995: 203).

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати замонавий халқаро ва минтақавий муносабатлардаги трансформацияларга қарамай, биринчи навбатда, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни кучайтиришни ҳисобга олинган ҳолда йўналтирилди. Сиёсатшунос Карл Дойч таъкидлаганидек, шахслар ва ҳукуматлар томонидан амалга ошириладиган кўплаб мақсадлар орасида энг кенг тарқалгани ва энг муҳими хавфсизлик ҳисобланади [6] (Deutsch, K. 1988: 226). Чунки, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатининг асосий масалалари бўлмиш минтақавий этник гуруҳлараро кескинликлар, халқаро терроризм, наркотрафик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик (масалан, Орол) муаммолари нафақат, Марказий Осиё давлатлари барқарорлигига, балки бутун дунё тизимига таҳдид солмоқда.

Шундай қилиб, тарихшунослар ва бошқа ижтимоий гуманитар фан вакиллари олдида глобал илмий ва педагогик амалиётни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини замонавий назарий ва методологик даражага кўтариш, замонавий талабларга жавоб берадиган янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишдан иборат муҳим вазифалар турибди.

Марказий Осиё: ривожланиш муаммолари ва истиқболлари

Роберт Кокснинг таъкидлашича, ўтмишни, ҳозирги кун ва келажакни тушинтириб берадиган умумий модель йўқ[7] (Cox, R.W. 2006: 34-35). Собиқ Совет иттифоқи худудида ва дунёда давом этаётган ўзгаришларнинг хилма-хиллиги давлатлараро, минтақалараро, маданиятлараро муносабатларнинг муаййян динамикасини, уларнинг айрим давлатлар ва минтақаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатишидан далолат беради. Ушбу мураккаб жараёнларни ўрганиш мақсадида қиёсий таҳлил қилиш учун чуқур тарихий билимлар шаклидаги мустаҳкам пойдевор зарур. Ҳар бир мамлакат тарихий ўзгаришларнинг ўзига хос йўлидан ўтади ва турли мамлакатлар сиёсатига таъсир қилувчи хусусиятлар ва фарқларни аниқлаш қиёсий тадқиқотларнинг асосий жиҳати ҳисобланади [8] (Comparative politics, 2009: 2-3). Шу маънода, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг энг янги тарихи замонавий цивилизация тарихининг бир бўлаги ҳисобланиб, глобал жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон сингари бевосита чегарадош давлатлар билангина эмас, балки кенгроқ – Евроосиё, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ каби географик ҳудудларини ҳам қамраб олади.

Замонавий халқаро муносабатларда минтақавийлаштириш барқарор тенденция билан характерланади, бу муайян ҳолатларда глобаллашувнинг масъулиятсиз ёт ғояларини сингдиришини тўхтатиб туради. Дунёнинг турли бурчакларида босқичма босқич шахсий ва умумий манфаатларни ҳимоя қилувчи минтақавий сиёсий ва иқтисодий бирлашмаларнинг барқарор шаклланиши истаги кузатилмоқда. Ушбу янги тенденция ва муносабатлар турли хил назарий ёндашувлар ҳамда мактаблар доирасида ўрганилади, бу эса ўз навбатида муаййян ўзгаришларга учрамоқда.

Марказий Осиёнинг янги давлатлари миллий давлатчиликни ва ҳаракатлар стратегиясини шакллантириши йўлига кирди. Ҳар бир республика аниқ ижтимоий-сиёсий вазият, тарихий ва маданий хусусиятлар, иқтисодий ва сиёсий имкониятлар асосида ўз йўлини танлади. Шундай қилиб, Қозоғистон иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида сезиларли натижаларга эришмоқда, аммо уларнинг асосий йўналиши энергетика соҳасида кузатилмоқда ва иқтисодий диверсификация эканлиги кўринмоқда. Қирғизистон демократик ислоҳотларни амалга оширди, бироқ инқироз даврида ҳукуматнинг бир қатор заиф томонларини аниқлади. Тожикистон фуқаролар урушидан кейин ривожланиш моделини аста-секин шакллантира бошлашига қарамасдан, иқтисодий ва хавфсизлик муаммоларига дуч келмоқда. Туркманистон қатъий бетарафлик йўлини танлади, бироқ халқаро энергия ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Марказий Осиёда умумий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, масалан, олий таълим соҳасида– магистратура ва PhD тизимлари жорий этилди, аммо амалиёт жараёнида деярли барча республикаларда инновацияларнинг сифати ва даражасига, уларни янада чуқурлаштириш каби муаммоларга дуч келмоқда.

Марказий Осиё жаҳон ва минтақавий акторларнинг геостратегик манфаатлари намоён бўладиган муҳим геосиёсий минтақа эканлиги сабабли доимо диққат эътиборда бўлиб келмоқда. Бугунги кунда республикалар Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб мамлакатлар билан барқарор, мутаносиб ва прагматик алоқалар ўрнатган. Кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидан бориб, Марказий Осиё республикалари ўнлаб халқаро йирик минтақавий ташкилотларнинг аъзосига айланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Турманистон ўртасидаги замонавий муносабатларни ривожлантириш Марказий Осиёдаги халқаро муносабатларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Мавжуд замонавий мураккаб комплекс муносабатлар самарали сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, бой маданий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга ижодий ва илмий муносабатларни ҳам чуқурлаштиришни талаб қилади.

2017 йил февраль ойида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан бири давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга оширишдан иборат йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконига эга бўлиб, мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаб келмоқда [9] (Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони, 2017). Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёни ўзининг устувор йўналиши деб белгилаб олди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсатининг фаоллигини сифатида Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган илк кунлариданоқ қисқа вақт ичида барча Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларда қатъий ва аниқ позиция белгилаб олиб, Марказий Осиё давлат раҳбарлари билан расмий, норасмий ва ишчи учрашувлар ўтказиб келиши ёрқин намуна ҳисобланади. Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати қўшни давлатлар билан юқори даражадаги сиёсий мулоқотни фаоллаштиришда минтақада ҳам, ҳалқаро миқёсда ҳам сезиларли натижаларга эриша бошланди.

Ўзбекистон ташаббуси ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлаши билан 2018 йил 22 июнь куни БМТ бош Ассамблеяси томонидан "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюция минтақадаги давлатларнинг қўшма саъй-ҳаракатлари ва халқаро эътирофга мисолдир, чунки 55 мамлакат ушбу хужжатнинг муаллифи бўлишди. Резолюция Марказий Осиё давлатлари ўртасида таълим, илм-фан, технология, инновация, сайёҳлик, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлашга қаратилди. Шуни таъкидлаш керакки, 2017-2018 йилларда Марказий Осиё республикалари раҳбарларининг учрашувлари ва ташрифларидан сўнг дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, туризм, таълим, фан, маданият ва минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича қўшма хужжат имзоланди.

Марказий Осиё ҳудудида давлатлараро ва кўп томонлама муносабатларни шакллантириш жараёнида турли хил мураккабликлар ҳали ҳам мавжуд бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, минтақа республикалари "Марказий Осиё - ядро қуролидан холи ҳудуд" ғоясини биргаликда амалга оширди, улар Оролни қутқариш халқаро жамғармасини яратдилар. Бошқа томондан, минтақавий савдо ҳажми кенгайтирилиши керак, сувдан фойдаланиш, давлатлараро чегараларнинг айрим қисмларини делимитатция ва демаркатсия қилиш ва ҳоказоларни ҳал қилиш керак. Минтақадаги давлатларнинг интеграциялашувини объектив омилларидан иқлим ва географик шароитлар, экологик муаммолар ва бу ерда яшаётган халқларнинг умумий манфаатлари ҳисобланади. Мисол учун, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон аҳоли ҳамда қишлоқ хўжалигига сув етказиб бериш каби муаммоларга дуч келмоқда. Тожикистон ва Қирғизистонда эса музликларнинг тез эриши натижасида минтақанинг барча йирик дарёлари сувга тўйиниши кузатилмоқда. Экологик хавфсизликнинг доимий муаммоси бўлиб Марказий Осиёниг барча ҳудудларини қамраб олган юқори сейсмик зона ҳисобланади. Шу муносабат билан Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиш концепциясини шакллантириш бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал қилишда янги халқаро интеграциявий ёндашувни ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ биргаликда ҳаракатланишни талаб қилади.

2018 йил 15-16 март кунлари Остонада Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари президентларининг биринчи маслаҳатлашув учрашуви бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббусини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклиф қилган эди. Йиғилишда умумий баённома ва келишув асосида ҳар йили учрашувлар ўтказиш қарори қабул қилинди.

Марказий Осиёдаги мавжуд муаммолар мажмуаси самарали сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик ва бой маданий компонентлардан ташқари, ижодий ва илмий алоқалар, спорт ва ҳоказоларни ўз ичига олган барча муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни талаб қилади. Кўп томонлама алоқалар Марказий Осиёда шу жумладан, халқаро ва минтақавий интеграция лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда саъй-ҳаракатларни, шу жумладан минтақавий туризм соҳасини ҳам ривожлантиришни талаб қилади.

Минтақанинг, айниқса, Ўзбекистоннинг истиқболлари ҳақида гапирар эканман, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич кенгайтириш ва чуқурлаштириш муҳим бўлиб келмоқда. Бу ҳукуматнинг турли соҳаларини текшириш ва мувозанатларнинг самарали тизимини яратиш ва фуқаролик жамиятининг изчил ривожланиши учун қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятини такомиллаштириш концепциясини янада жорий этиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни янада диверсификация қилиш, хусусий секторни кенгайтириш ва инвестицияларни жалб қилиш, инновацион ривожланиш ва муқобил энергия манбаларини (масалан, қуёш, атом, шамол в.б.) кенг жорий этиш вазифалари ҳам муҳимдир. Таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришни, айниқса, олий таълимни, университетлар ва илмий институтларни халқаролаштириш тенденциясини чуқурлаштиришни ҳамда университет

автономлиги ва академик эркинликни мустаҳкамлашни кутишимиз керак. Ёшлар масаласида эса вертикал, горизонтал, трансмиллий ҳаракатларини ошириш ва кенгайтириш муҳимдир. Халқаро муносабатлар республикалар ўртасида давлат чегараларини легаллаштириш ва Марказий Осиё мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган бир қатор янги халқаро лойиҳаларини ишга тушириш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишга умид қилади.

Дунёдаги геосиёсий беқарорликка қарамасдан, Ўзбекистон минтақадаги бошқа давлатлар билан биргаликда ҳаётнинг барча соҳаларини ва халқаро тажрибани аста-секин янгилаб бориш йўлидан ривожланишни давом этади. Бироқ, келгуси ўн йилликлар хавфсизлик ва барқарорликда муайян қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш давлат тизимининг барча мавжуд ресурсларини, жумладан, инсониятни жалб қилишни талаб қилиши мумкин.

Глобал тенденциялар ва муаммолар

Дунёдаги жараёнлар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Турли мамлакатлар ўз институтларини такомиллаштириш мақсадида бир-бирларидан ўрганишлари, ўз моделларини яратиши ёки четдан ўзлаштиришлари мумкин. Қиёслаш эса, муваффақиятли тажрибалардан ижобий ва муваффақиятсиз бўлганларидан салбий сабоқ олиш имкониятини беради [10] (Kopstein J. and Lichbach M. 2009: 14–15).

Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга ошириш жараёнида замонавий халқаро муносабатларнинг воқеликларига дуч келиб, глобаллашувнинг барқарор тенденцияси хам ижобий, хам салбий оқибатларга олиб келиши билан ажралиб туради. Марказий Осиёда икки томонлама ва кўп томонлама замонавий муносабатларнинг динамикаси миллий, минтақавий ва глобал жараёнларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги билан белгиланади.

Замонавий глобал жараёнларга кўпгина омиллар - сиёсий, иқтисодий, харбий, ахборот, экологик ва бошқалар таъсир кўрсатади. Халқаро жараёнларга бир томондан глобаллашув, бошқа томондан давлатлар билан биргаликда минтақавий ташкилотлар ҳамда транснационал компаниялар фаол роль ўйнайдиган жаҳон миқёсидаги акторлар сонининг кўпайиши кучли таъсир кўрсатади.

Глобаллашув жараёнининг жадаллашуви замонавий дунё ривожланишининг энг муҳим хусусиятларидан биридир [11] (Современные международные отношения. / под. ред. А.В. Торкунова, А.В. Мальгина. 2012: 53). Бироқ, глобаллашувнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий ва технологик йўналишларида баҳсли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бир томондан, давлатлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди, мамлакатларнинг иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшади, уларнинг интеграциясини кучайтиради ва жаҳон ҳамжамиятининг шаклланишини белгилайди [12] (Frank Lechner and John Boli. 2006: 2).

Бошқа томондан, глобаллашув жараёни янги хавф-хатарларни келтириб чиқаради-турли низолар, халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликка зарар етказади. Масалан, терроризм, Афғонистондаги беқарорликнинг ички ва ташқи омиллари ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда миллий, минтақавий ва глобал даражаларда барқарор ривожланиш* масалалари муҳим фундаментал аҳамиятга эга бўлса, бошқа томондан унинг нисбатан кенгроқ формаси бўлган *sustainable development*"** концепцияси муҳим ўринга эгадир.

Марказий Осиё республикалари замонавий халқаро жараёнлардаги ўз ўрни ва ролини аниқлашга интилмоқда, бу ҳолат борган сари мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган тус олмоқда. Марказий Осиё ва Каспий минтақасида минерал заҳираларнинг катта қисми мавжудлиги сабабли энг йирик геосиёсий ўйинчилар ўртасида рақобат ва низоларнинг ошиши кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда Марказий Осиёда халқаро иштирокчиларни жалб қилишда турли манфаатларга эга МДҲ, ШҲТ, КХШТ, ЕИЖ, С5+1, Марказий Осиё+Япония, Марказий Осиё-Корея Республикаси, Бир макон, бир йўл, Марказий Осиё-Европа Иттифоқи ва бошқа кўп томонлама ташаббуслар ва институтлар мавжуд. Шу муносабат билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири Марказий Осиёдаги геосиёсий мувозанатни сақлаб қолиш ва дунёдаги етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларнинг кўп қиррали тизимини шакллантириш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Халқаро миқёсда маданиятлараро мулоқот, жумладан, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан то маданий муносабатларгача бўлган масалалар мажмуаси долзарбдир. Дунё жараёнининг

---

* *Барқарор ривожланиш - бу бутун ҳаёти учун зарур бўлган ўзгаришларни таъминлайдиган асосий хусусиятларни сақлаб, бир текисда ва олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада ўзгарадиган динамик тизимдир.*

** *Sustainable development (барқарор ривожланиш) – табиий ресурслардан фойдаланиш, илмий-техникавий ривожланиш ва инвестиция йўналиши, сиёсий ва институцсионал ўзгаришлар, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш жараёни, инсоннинг асосий эҳтиёжлари ва истакларини қондиришда мамлакатлар ва минтақаларнинг мавжуд ва келажакдаги потенциалини кучайтиради.*

ривожланиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Америкалик тадқиқотчи С. Хантингтонннинг энг таниқли назарияларидан бири “цивилизация қарама-қаршиликлари”дир, унга кўра муайян асосда ўзаро боғлиқлик юзага келади ва муқаррар равишда низоларни келтириб чиқаради [13] (Huntington S. 1996). Цивилизацион фарқлар тушунчаси давлатлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ф.Фукуяма томонидан тузилган “тарихнинг охири” фикрида либерал-демократик қадриятлар янада кенг тарқалган бўлса-да, улар XX асрнинг охирида унга тегишли универсаллик даражасига эга бўлмасдан, кўплаб давлатлар миллий хусусиятлар ва устуворликлар асосида ривожланишда давом этмоқдалар.

Замонавий ижтимоий ўзгаришларни ўрганиш чуқур тарихий билимларни, жамият ва давлатнинг ўхшашликлари ва ривожланиш моделларини қиёсий таҳлил қилишга асосланиб келмоқда. Асрлар давомида Марказий Осиё ва Европанинг савдо-сотиқ, иқтисодий ва маданий алмашувининг муҳим манбаларидан бири бўлиб, Буюк Ипак йўлининг асосий йўналиши ҳисобланган. Ўзбекистон ва Марказий Осиё энг бой ва ноёб меросга эгалиги билан жаҳон цивилизацияси хазинасидан ўрин олган. Бир вақтлар бизнинг минтақамиз (Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий ва бошқалар) мутафаккирлари цивилизациянинг интеллектуал ривожланишига катта ҳисса қўшган. Ф. Старрнинг фикрича, Марказий Осиё бир неча асрлар мобайнида дунёдаги интеллектуал марказ ҳисобланган [14] (Starr F. 2013: 5). Ўрта асрдаги буюк мутафаккирларимизнинг энг юксак хизматлари шундан иборатки, улар давлат ривожланиш ғояларини инсонпарварлик принциплари ва ўзаро ҳурматга асосланган маърифат негизида кўришган.

Немис олими Адам Мецнинг сўзларига кўра, классик Европа Уйғонишининг инсонийлиги Марказий Осиёдаги фалсафий уйғонишсиз амалга оша олмас эди. Ушбу мутахассисларнинг баёноти, Шарқ ва Ғарб ривожланишининг бир томонлама йўналтирилган тушунчаларига қарши бўлиб, дунёнинг турли минтақаларида тарихий жараёнларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги ҳамда олдиндан белгилаб қўйилган элементнинг йўқлиги ҳақидаги тезисимизни мустаҳкамлайди. Биз учун фақатгина мулоқотни давом эттириш ва кенгайтириш зарурлиги ва Марказий Осиёдаги барча халқларнинг тинч ва барқарор ривожланиши учун мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ўзаро тушунишга интилиш умидидан ҳоли эмаслиги равшан.

Шундай қилиб, тарих ҳали ҳам энг янги тарих ва халқаро муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Америкалик таниқли олимлар Ричард Нойштадт ва Эрнест Майнинг таъкидлашича, тарихни ўрганиш ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этадиган сиёсатчилар учун катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларни мақсадларга эришиш йўлларини аниқлашга ёрдам беради [15] (*Neustadt R. and May E*. 1986:xxii).

Глобал миқёсда давом этаётган ўзгаришларнинг хилма-хиллиги ва тезлиги давлатлараро, минтақалараро ва маданиятлараро муносабатларнинг ноаник динамикасини, минтақавий ва миллий миқёсда халқаро омилларнинг ортиб бораётган ролини кўрсатади. Шу муносабат билан замонавий халқаро ҳамкорликнинг турли жиҳатларини ва унинг давлатлар ва минтақаларни ривожлантиришга таъсирини, уларнинг ички ва ташқи алоқаларини ҳар томонлама ўрганиш жуда муҳимдир. Глобаллашув ва минтақавийлаштириш ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи тенденциялар билан боғлиқ бўлишига қарамасдан, айни пайтда зиддиятли, чунки дунёнинг барча давлатлари нафақат субъектлар, балки ушбу тенденцияларнинг объектлари, баъзида ҳатто қурбонлари ҳамдир. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар тарихининг кечиши жаҳон жараёнларининг ажралмас қисми бўлиб, ҳозирги кунда ҳам Робиндранат Тагорнинг хилма-хиллик бирлиги каби сўзлари долзарб бўлиб қолмоқда. Глобаллашув ва минтақавий жараёнлар кесишиш доирасида миллий ва минтақавий барқарор ривожланишнинг асосий жиҳатлари сифатида тарихий мерос ва халқаро гуманитар ҳамкорликни ўрганиш муҳим мустаҳкамловчи роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон бошқа Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликда ушбу минтақадаги ёш давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлигини, бошқа МДҲ давлатлари, Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаси билан ҳамкорлик қилишни рағбатлантириш учун Буюк Ипак йўлини жонлантириш мақсадида турли минтақавий ва халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Хулоса

Замонавий тарих ва халқаро алоқаларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган илмий фанлар йўналишидаги янги, аммо ўта муҳим соҳани ўзида акс эттиради. Замонавий тарихнинг мураккаб ва зиддиятли ҳодисаларини мунтазам ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ушбу фанлараро ўрганишни ва услубий ишланмаларни кенгайтиришни талаб қилади. Миллий тарихий тараққиётнинг глобал тенденциялар билан ўзаро алоқаси нуқтаи назаридан янада ривожлантиришга муҳтож. XX асрнинг охири XXI аср бошларидаги воқеалар миллий, минтақавий ва глобал жиҳатдан уч даражали таҳлил асосида олиб борилиши муҳимдир. Энг янги тарихни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш минтақа

ва глобал жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари ҳамда Ўзбекистон давлати ва жамиятнинг ривожланишидан кутилаётган тенденцияларни аниқлаш ва башорат қилиш имконини беради. Бой ва кўп жиҳатдан ноёб тарихга эга бўлган Марказий Осиё тарихи инсоният ҳаётидаги жараёнларнинг умумийлиги ва хилма-хиллигини аниқлашда, шунингдек, халқаро туризмни ривожлантиришда ва жаҳоннинг турли қиъалари ўртасидаги замонавий маданиятлараро ҳамкорликнинг янги форматини шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии. Отв. ред.и сост. А.Аликберов, М.Рахимов. Москва ИВ РАН. 2018. С.86.
2. Central Asia today: Countries, Neighbors, and the Region. Peter Lang Publishing House, Frankfurt/Berlin/Bern/Brussels, New York/Oxford/Vienna, 2014. P. 155.
3. Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. Ташкент: «Адабиёт Учкунлари», 2016. С. 5.
4. Новейшая история Узбекистана. Учебник для вузов. Ташкент, 2018. С. 12.
5. *Comhey P*. “The politics of Foreing Policy in Japan and the United States” in Peter Cowhey and Mathew D.McCubbins, eds., Structure and Policy in Japan and the United States. New York: Cambridge University Press., 1995. P. 203.
6. *Deutsch K.* The analysis of international relations. Englewood Cliffs, N.J.: Prentice Hall, 1988. P. 226.
7. *Cox R.W.* On thinking about future world order. In Theories of international relations. Volume 3. Approaches to International Relations: Structuralism 2006. Eds. Stephen Chan and Cerwyn Moore. SAGE publication. P. 34–35.
8. Comparative politics. Interests. Identities and institutions in a changing global order. Edited by J. Kopstein and M. Lichbach. Cambridge University Press. 2009. P. 2-3.
9. Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» // http://press-service.uz/ru/news/5482/ (10.02.2017 г.).
10. Kopstein J. and Lichbach M. What us comparative politics? In Comparative politics. Interests. Identities and institutions in a changing global order. Edited by J.Kopstein and M.Lichbach. Cambridge University Press. 2009. P. 14–15. Современные международные отношения: учебник / под. ред. А.В. Торкунова, А.В. Мальгина. М.: Аспект Пресс, 2012. С. 53. The Globization readers. By Frank Lechner (Emory University) and John Boli (Emory). USA: Blackwell publishing, 2006. P. 2.
11. Современные международные отношения: учебник / под. ред. А.В. Торкунова, А.В. Мальгина. М.: Аспект Пресс, 2012. С. 53.
12. The Globization readers. By Frank Lechner (Emory University) and John Boli (Emory). USA: Blackwell publishing, 2006. P. 2.
13. *Huntington S. P*. The Class of Civilization and the remaking of World Order. New York: Simon and Schuster, 1996.
14. *Starr F*. Lost Enlightenment. Central Asia’s golden age. From Arab conquest to Tamerlane. Princeton University Press. 2013. P. 5.
15. *Neustadt R. and May E*. Thinking in Time: The Uses of History for Decision-Makers. New York. 1986. P.XXII.

ABU RAYHON BERUNIYNING “QADIMGI XALQLARDAN QOLGAN YODGORLIKLAR” ASARINING AYRIM METDOLOGIK JIHATLARI

R.Rajabov,
Falsafa fanlari nomzodi, NavDPI

Annotatsiya

Ushbu maqolada Abu Rayhon Beruniyning “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asarining ayrim metodologik jihatlari tahlil qilingan. Asarni yozishda foydalanilgan metodlar to‘g‘risida fikr yuritilgan. Olimning tarix metodologiyasi metodlari to‘g‘risidagi tushunchalari tavsiflangan.

Kalit so‘zlar: Tarixning mazmuni, metod, metodologiya, ob’yekt, qiyoslash, Zaxau, rivoyat.

O‘rta asrlardan boshlab o‘lkamizda jahon tarixi va Orta Osiyo tarixi to‘g‘risida ko‘plab tarixiy asarlar yaratildi. Bu tarixiy asarlar o‘lkamizning iqtisodiy-siyosiy, ijtimoiy va madaniy-manaviy hayoti to‘grisida boy ma’lumotlar beradi. Ushbu asarlar vatanimiz tarixini o‘rganishda qimmatli tarixiy manba bo‘lib xizmat qiladi. Bu asarlarning har biri ma’lum bir metod va metodologiyaga asoslanib yozilgan. Hozirgi kunda milliy tarix metodologiyasining asosiy vazifalaridan biri o‘tmishda o‘lkamizda yaratilgan

tarixiy asarlarni metodologik tadqiqini amalga oshirishdir. Bizning fikrimizcha u yoki bu tarixiy asarni metodologiyasini o‘rganish uchun ushbu asarni o‘rganish kerak bo‘ladi. Asarni o‘qish jarayonida tadqiqotchi asarda tasvirlangan o‘sha davrga kirib bo‘radi, tarixiy voqeli vaziyatini tasavvur qilib tarixiy bilim oladi. Atroflicha tarixiy bilimga ega bo‘lgan tadqiqotchi o‘z tadqiqotida ma’lum bir natijsalarga erishadi. Chunki u tegishli tarixiy asarni metodologik tahlil qilish jarayonida ma’lum bir bilimga ega bo‘ldi. To‘plangan bilim tadqiqotchini muhohada qilishi uchun shart-sharoit yaratadi. Tarix metodologiyasining taniqli vakillaridan biri Robin Kollingvud bu to‘grisida shunday takidlaydi: ”... siz faqat mushohada qilishni boshlash bilan xulosalar uchun asoslarni to‘plashingiz mumkin. Chunki mushohada – mantiqchilar uchun ma’lumot- savollarni qo‘yishni belgilaydi va mantiqiy xulosani asoslanishi to‘g‘risida faqat aniq qo‘yilgan muammoga mos gapirish mumkin” (Р. Дж. Коллингвуд. Идея истории. Автобиография Издательство НАУКА. Москва 1980. Стр. 268) Bundan kelib chiqadiki tarixiy tadqiqotlarda faqat manbaga mu’rojaat qilgan holdagina tarixiy haqiqatni ochish mumkin, bu tarixiy bilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Yoki boshqacha aytganda, tarixiy tadqiqotlarda faqat tarixiy manbalarni atroflicha o‘rganish tadqiqotchining bilim saviyasini oshirishga xizmat qiladi va uning tadqiqotlarini ilmiy qiymatini ta’minlaydi. Shu sababli tarix yo‘nalishida tadqiqotchilar o‘tmish tarixiy asarlarni o‘rganishi maqasadga muvofiq bo‘ladi. Biz quyida buyuk olim Abu Rayxon Beruniyning va Abu Ja’far Narshaxiyning tarixiy asarlarini metodologik jihatlarini tahlil qilishga urinib ko‘rdik.

Abu Rayxon Beruniyning “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asari Yevropada sharqshunos olim Zaxau tomonidan tarjima qilingan. Rus olimlari bu asarga yuksak baho berganlar. Arxeolog olim .P. Tolstov asarning ruscha tarjimasiga so‘zboshi yozib, asarning Xorazm tarixini o‘rganishda, ijtimoiy tarixni o‘rganishdagi ahamiyatini ko‘rsatadi. Asarni o‘zbek tiliga tarjimasiga I. Abdullayev, A.Rasulovlar izohlar tuzganlar. O‘zbek faylasuf olimi O. Fayzullaev asarda olimning bilish masalalari, kuzatish va umumlashtirish, tabiiy hodisalar, urf-odat, rasm-rusumlar, afsonalar va taqvim masalalaridagi qarashlarini tahlil qiladi. Olim Z. Ilxomov Beruniyning metodologik qarashlari to‘grida ma’lumot beradi. O‘lkamiz olimlari o‘rta asrlar, yangi va eng yangi davrda tarix fanidan qator asarlarni yaratdilar. Lekin tarix metodologiyasi yo‘nalishida bu asarlarni tarix metodologiyasi yo‘nalishida tahlil va tadqiq etish yo‘q darajada. Bu milliy tarix fanini barqaror rivojlanishi va jahon tarix fanida o‘z munosib o‘rnini egallashiga salbiy ta’sir qiladi.

O‘lkamiz olimlarining tarix metodologiyasi yo‘nalishida qoldirgan ilmiy meroslarini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu maqola qomusiy olimning tarix metodologiyasi fanining taniqli vakili sifatida etirofga loyiq ekanligi va olimning tarix metodoloiyasi yo‘nalishidagi ilmiy merosini o‘rganish o‘ta dolzarb ekanligini ko‘rsatish maqsadida tayyorlandi. Tarix metodologiyasi fan sifatida tarix fani bilan birga XIX asrning birinchi yarmida yuzaga keldi. Bu fan tarixning mazmun mohiyati va tarixiy tadqiqotlarni amalga oshirishda qo‘llaniladigan metod va metodologiya to‘g‘risida fikr yuritadi. Yevropada tarixni mazmun-mohiyati, tarix fani nimani o‘rganishto‘grisidagi ilk fikr va qarashlar qadimgi davrdan boshlandi. Shu davrlarda tarix metodologiyasi fanining unsurlari ham paydo bo‘ldi. Yevropada bu davrda tarix metodologiyasi yo‘nalishida hali bunday keng qamrovli asar paydo bo‘lgani yo‘q edi. Tarix metodologiyasining taniqli mutaxassisi. L. Danilevskiy Yevropada faqat XVI asrda tarix metodologiyasi to‘g‘risida ilk asarlar paydo bo‘ldi deb aytadi. Sharqda esa tarix metodologiyasi fanini shakllanishi Abu Rayxon Beruniydan boshlandi deb aytsak mubolag‘a bo‘lmaydi.

“Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asari Beruniy davrigacha tarix fani sohasida yozilgan asarlardagi g‘alizliklar, noaniqliklarni metodologik tahliliga bag‘ishlangan mukammal asar. Abu Rayhon Beruniy Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asarini yaratilish sababi to‘g‘risida asarning so‘zboshisida yozganda o‘tmish tarix voqea-hodisalari, tarixiy jarayonlarni yoritishga xizmat qiladigan tarixiy asarlarda, yil sanalarida turli chalkashliklar, bir-biriga zid ma’lumotlar ko‘payib ketgani, va natijada tarixiy asarlar mualliflari orasida ixtiloflar, tushunmovchiliklar, bahs-munozaralar kuchayib ketganini aytadi. Olim bu chalkashliklarni tugatish uchun mavjud manba va adabiyotlarni atroflicha tadqiq etib bu chalkashlik va munozaralarga chek qo‘yishni maqsad qilganini aytadi.

Asarda tarixning o‘b’yekti va predmeti . XVIII asrda ham Yevropada tarix sohasida tadqiqot olib borgan olimlarining ko‘pchiligida tarixning mazmun mohiyati, tarix fani ob’ekti va predmeti to‘g‘risida noaniqlik, g‘alizlik hukm surar edi. XIX asrning boshlarida taniqli metodolog olim Donu tarixning ob’yekti to‘g‘risida shunday fikrlaydi, “Xususiy faoliyat, va ayniqsa ommaviy hodisalar to‘grisida hikoya”; u bir odamning yoki butun bir xalqning taqdiri manzarasini beradi (Л. Данилевский Методология истории стр.29). Beruniy esa XI asrda tarix fani o‘b’ekti va predmeti to‘g‘risida qisqa va hamma uchun tushunarli bo‘lgan o‘z ta’rifini beradi: “Biror o‘tib ketgan yilning avvalidan hisobga olinadigan ma’lum bir muddatga tarix deyiladi. O‘sha yilda turli alomatlar va dalillar bilan (qandaydir) payg‘ambar dunyoga kelgan yoki qudratli, sha’ni ulug‘ bir podshoh bosh ko‘targan, yoki xarob qiluvchi umumiy to‘fon, zilzila va halokatli yer yutish, halok etuvchi vabo va qattiq qahatchilik natijasida biror millat halokatga uchragan... Bunday

hodisalar orqali ma'lum vaqtlar, tarixlar aniqlanadi, dunyo va dinga oid barcha (ishlar)da bunga ehtiyoj seziladi[5]." Bu jumlalarda insoniyatning o'tmish siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy-ma'naviy taraqqiyoti haqida fikr yuritadigan tarix fani tushunchasi kelib chiqadi. Beruniygacha hech kim tarixiy asarlarni ko'p qirrali tadqiq va tahlil etmagan. U tarixni o'byekti va predmeti sifatida siyosiy, diniy, madaniy-ma'naviy va qadriyatlarni tadqiq etdi. Olim zamonaviy tarix fanida tarixiy bilimning obyekti, predmeti sifatida sanaladigan tarixiy jarayonni tashkil etadigan tarixiy voqea-hodisalarni mazmun mohiyati, tarixning sohaviy, tarmoq tuzilishini tushuntirib beriladi. Shu o'rinda tarixning vazifalarini aniqlashtirdi:

"Barcha mamlakatlarga tarqalgan xalqlardan har birining alohida tarixi bor, uning podshohlari, payg'ambarlari, davlatlari yoki men yuqorida aytgan hodisalarning biridan hisoblaydi. Shu tarix yordami bilan muomala ishlarida hamda vaqtlarni bilish xususida kerakli muddatlarni belgilaydi va bu tarix ularni bosha xalqlardan ajratadi."[6] Jumladan Beruniy tarixning sohaviy bo'linishlaridan hududlar, mamlakatlarni tarixiga to'xtalib, har bir millat va mamlakat va hududning o'z tarixi borligi va millat, mamlakat tarixi boshqasidan ajralib turishini aytadi.

Asosiy metodlar. Beruniy o'zigacha yozilgan tarixiy asarlarlarni o'rganishda manbalarni tahlilini tanqidiy metodini qat'iy qo'llagan holda amalga oshirdi. U insoniyat o'tmish tarixiy taraqqiyotini tavsiflashda uni soxtalashtirish, tarix uydirmalardan tozalashning eng maqbul yo'lini aniq manbalarni tekshirish asosida ularni soxta yoki haqiqiy ekanligini aniqlashtirish asosida manbadan foydalanish kerakligini ko'rsatdi: "Aqliy [narsalardan] qiyos qilish yo'li bilan u xabarlarni bilib bo'lmaydi. Buni faqat "kitob ahillari" va turli din arboblariga, shu [e'tiqodlarga] amal qiluvchi har xil maslak va ishonch egalariga ergashish, ularning tushunchalarini hamisha asos tutish bilan bilinadi"[7]. Beruniygacha faqat 710 yilda xitoy tarixchisi Lyu Chji Szi "Tarixga kirish" asarida xitoyda o'zidan oldin yozilgan tarixiy asarlarni tanqidiy tahlil qilgan. Lekin uning tahlili tor doirada bo'lib, Beruniydek tahlilidek bir necha xalqlarga , mamlakatlarga tegishli bo'lgan ko'p tarmoqli tahlil emas edi. Tarixiy tadqiqotlarda "kitob ahllari" ya'ni tadqiqotchilarning asarlari va diniy e'tiqodlarni o'rganish ya'ni dunyoviy va ilohiy mazmundagi manbalarni bir-biriga qiyoslash asosida tadqiqotni amalga oshirish tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarishning asosiy shart bo'ladi Olim har bir diniy e'tiqodning dunyoqarash- tasavvurini sinchiklab o'rganishni taklif qiladi. Nima uchun olim bu yerda diniy e'tiqodni o'rganishni ta'kidlaydi? Chunki qadimgi va o'rta asrlarda diniy etiqodga tegishli bo'lgan muqaddas kitob va adabiyotlarda tarixiy voqea-hodisalar ham bir qadar o'z aksini topgan edi. Tadqiqotchi tadqiqotni subyekti sifatida o'zini emas, o'sha e'tiqod odamini qo'yishni maqbul deb hisobladi. Shu bilan birga o'sha diniy e'tiqodga tegishli ilm ahllari fikrini o'rganishni taklif qildi. Diniy e'tiqod xizmatchilari bir vaqtni o'zida o'tmish tarixni yozish bilan ham shug'ullanar edilar. **Olim tarixiy tadqiqotning eng muhim metodlardan biri bo'lgan qiyoslash metodiga ham munosib o'rnini ko'rsatgan:** "Garchi qattiq urinib zo'r mashaqqat cheksak ham, o'shandan boshqa yo'l bilan maqsadga erisholmaymiz"[8]. **Bu jumlada olim ilmiy tadqiqotda faqat manbalarni qiyosiy tahlili asosida tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarish mumkinligini ta'kidladi. Bu haqiqat yevropa olimlarining 18-19 asrlardagi tushunchasiga mos keladi.**

Asarni yozish uchun o'zi foydalanadigan metodlar to'g'risida qisqacha eslatib o'tadi: "… [butun] kuchimni yig'ib, [bor] imkoniyatni ishga solib, goh eshitish, **goh ko'rish va qiyoslash** orqali bilimim yetganicha, u narsalarni bayon qilishga bel bog'ladim"[9]. Hozirgi kunda ham uzoq va yaqin o'tmishda tarixiy tadqiqotlarda unumli foydalanilgan **og'zaki tarix metodidan** unumli foydalangan. Shu paytgacha og'zaki tarix metodi tadqiqotchilar uchun ishonchsiz metod edi. Lekin XX asrning so'ngi yillari va bugungi kunda bu metod o'z o'rnini egallay boshladi. Ko'rinib turibdiki olim og'zaki tarixdan, manbalardagi dalillarni o'rganish va qiyoslash metodidan unumli foydalangan.

Olim asarni yozish uchun ozi foydalangan "eshitish"- ogzaki tarix ya'ni o'z zamondoshlaridan ma'lumotlar olish, "qiyoslash " metodlari va "ko'rish"(astronomiya va matematika fanlari asosida insoniyat o'tmish taraqqiyot tarixi sanalarini hisob-kitob qilib tekshirish) asosida tayyorgarlik ko'rdi. Olim tarixiy tadqiqotni amalga oshirishda faqat ilmiylik va xolisiylikdan chekinmasdan sub'ektivlik va yuzakilikka yo'l qo'ymadi.

Beruniy asarning boshlanishida tarix fanining metodologik muammolariga to'xtaladi. Tarix fanida tadqiqot olib borishning metodologik asoslari to'g'risida fikr yuritib, tarixiy tadqiqotnintg o'ziga xos tomonlarini aniqlashtiradi. Olim tarix metodologiyasi fani tarixida ilk bor insoniyatning o'tmish taraqqiyotiga bag'ishlangan tarixiy asarlarni metodologik tadqiq va tahlil qildi. Yevropa tarix

[5] Abu Rayhon Beruniy. "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar". T.1963.14-bet
[6]Shu kitob, 14-b.
[7]Shu kitob, 40-bet
[8]Shu kitob,41-bet.
[9]Shu kitob, 40-bet.

metodologiyasi esa bu muammo bilan faqat XIX asrdan boshlab shug‘ullana boshladi. Olim trixiy asarning tarixiy-ilmiy mukammaligini ta’minlashning asosiy tamoyillariga e’tibor qaratdi va tarixiy bilimning ilk unsurlarini aniqlashtirdi. Jamiyat, insonning tarixiy ongini shakllanishining eng muhim tomonlarini atroflicha ilmiy tahlil qildi.

Beruniy tarixchi olim sifatida insoniyatning ibtidosidan boshlab tarixni o‘rganishga hozirgi tarix metodologiyasining maxsus tarixiy metodi bo‘lgan tarixiy genetik metoddan foydalanish kerakligini aytadi. ***Tarixiy genetik metod*** **-** insoniyat tarixiy taraqqiyotini tahlil qilishga yo‘naltirilib, uning sababiyatli – oqibatlari, aloqalari va bosqichlarini aniqlashga qaratilgan. Tarixiy genetik-*(retrospektiv) metod* qandaydir tarixiy dalillar, voqealar, hodisalarning sabablarini aniqlash maqsadida o‘tmishga tizimli kirish bilan tavsiflanadi. Tarixiy genetik-*(retrospektiv) metod* tarixiy voqea (hodisa,tuzilmalar) rivojlanishining qonuniyatlari va sabab-oqibat aloqalarini aniqlashda yordam beradi. Ustoz tarix metodologi sifatida tarixni o‘rganishda ana shu metoddan foydalanishni tavsiya qildi. Olim asarda insoniyat tarixiy taraqqiyotining boshlanishi to‘g‘risida turli millatlarda turlicha qarama-qarshi fikrlar mavjudligini aniqlashtiradi va bu ixtiloflarni mazmun-mohiyatini ochib beradi: Insoniyatning millat va davlatlarning o‘tmish tarixiy taraqqiyoti turli xalqlarning tarixiy asarlarida turlicha talqin etilishi tabiiyligini tarixiy genetik metod asosida ilmiy asosladi.“ ...eroniylar va otashparastlar olamning umri burjlar va oylar soniga muvofiq o‘n ikki ming yil, deb da’vo qilganlar. Ular shariatining asoschisi Zardusht esa olam paydo bo‘lishidan to o‘zi yuzaga chiqqunicha chorak kunlar qo‘shilib uch ming yil o‘tdi, deb da’vo qilgan. Shunda u chorak kunlar jihatidan hamisha yillarda uchratiladigan nuqsonnni [topib], u choraklar qo‘shilib, yillar to‘g‘ri bo‘lgunicha, hisoblashni o‘z ustiga olgan”[10]. Beruniyning tadqiqot metodlari, ilmiy tadqiqotda yondashuvi keying avlod olimlar uchun namuna bo‘lib xizmat qiladi.

Asosiy tamoyillar. Tarix metodologiyasi tamoyillariga ko‘ra o‘tmish tarixiy taraqqiyotni ilmiy muammo sifatida ilmiy tadqiq qilish uchun ilmiy munozara, tadqiq-tahlil va ilmiy xulosalar asosida tasvirlash zarur. “Kitob ahllari bo‘lmish yahudiylar, xristianlar, otashparastlar va bularning barcha sinflarida bashariyatning boshlanishi va uning tarix boshi qilib olinishi xususida shunday ixtiloflar mavjudki, tarixlar haqida bu kabi xilma-xillik bo‘lishi mumkin emas.” Beruniy bu muammoni yechimini topish uchun turli manbalardagi dalillarni tadqiq etish va ularni qiyoslash orqali aniqlashtiradi.

“Yaratilishning boshlanishi va o‘tmish asrlar ahvoli orqali bilinadigan har bir narsa uydirma gaplar va afsonalar bilan qorishgandir, chunki bu ishlar juda uzoqda qolib, biz bilan ular orasida ko‘p zamon o‘tib ketgan, bunga e’tibor bermoqchi bo‘lgan kishi u voqealarni esda saqlab turish va aniqlashdan ojizdir”.[11] Ustoz olim tarixni afsona va uydirmadan tozalashni yoki ajratishni ko‘rsatib, afsona va ertaklar yordami bilan haqqoniy tarixni tiklash mumkin emasligini ko‘’rsatdi va tarixni o‘rganishda aniq manbalardan foydalanish shart ekanligini ta’kidladi. Zamonaviy tarix metodologiyasida ham manbalardan foydalanish muammosi do‘z dolzarbligini saqlab qolmoqda. Ma’lumki zamonaviy tarix metodologiyasida tarixiy manba tushunchasini nazariy jihatdan tavsiflagan metodolog olim L.Danilevskiy bo‘ladi. Nazariy bilishga ko‘ra bizning hissiy qabul qilishimiz mumkin bo‘lgan har qanday ma’lumot manba bo‘lishi mumkin. Ilmiy-empirik ma’noda boshqa obyekt to‘g‘risida bilim olinadigan har qanday mavjud obyekt manba deb aytilishi mumkin. Bu tushuncha tadqiqotobyektining mavjudligi va uning boshqa obyektni o‘rganish uchun yaroqli ekanini bildiradi. Aslida, har qanday tarixchi uchun bunday obyekt tadqiqotchining ongidagi “ma’lumot” sifatida tasavvur qilinadi.

Tarixchi nafaqat o‘z tushunchasi deb tan olib qolmay, balki tarixning mazmunida amalda mavjudlikni ko‘radi. Aks holda manba tarixchining hissiy qabul qiladigan obyekti bo‘lmay qolishi mumkin. Bunday obyektning manbalar asosida voqelikni bilishi mumkin bo‘lmaydi. Tarixiy tadqiqotni maqsadi tegishli manba asosida ma’lum bir tarixiy voqelikni bilishdir.Agar tarixiy ob’yekt boshqa ob’yektni bilish uchun yaroqli bo‘lsa, u manbaga aylanadi. Demak, har qanday mavjud ma’lum obyekt boshqa obyektni bilish uchun tarixiy manba bo‘lishi mumkin. Har qanday tarixiy manbani tarixiy dalil deyish mumkin. Ammo tarixchi bunday dalillardan boshqa dalilni bilish uchun manba sifatida foydalanadi. Lekin har qanday manba tanqidiy nuqtai-nazardan o‘rganiladi. Abu Rayhon Beruniy tarix fanida olib boriladigan ilmiy tadqiqot ishlarida albatta manbani tanqidiy o‘rganish muammosini ko‘tardi. Manbadagi dalillarni sinchiklab, tanqidiy o‘rganishni tavsiya qiladi va manbadagi ishonchli dalil orqali tadqiqotlarni amalga oshirish, qo‘yilgan muammoni yechimini topish mumkin deb ta’kidlaydi. Kitob yoki tadqiqotlarda keltirilgan ma’lumotlar (xabarlar) atroflicha asoslangan bo‘lsagina, uni qabul qilish mumkin degan fikrni ilgari suradi. Olim L.Abdullayev ushbu asarga yozishda shunday yozadi: U manbalarga tanqidiy nuqtai-

[10]Shu kitob, 15-bet
[11]Shu kitob 14-bet.

nazardan yondashadi, o‘zidan ilgari o‘tgan olimlarni ng tarixiy asarlarini dadil va qo‘rqmasdan tanqid qiladi”.[12]

Olimning o‘tmish tarixni xolisona tadqiq etish goyasi hozirgacha o‘z ahamiyatini yo‘qotgani yo‘q. Faylasuf olim O. Fayzullayev bu to‘g‘risida shunday yozadi”. Tarixiy voqealarni bilishda Beruniy tutgan yo‘l tarixiylikbilan mantiqiylik birligining ma’lum shaklidan iborat:davrimizga eng yaqin va mashhur rivoyatlardan boshlab, borgan sari nariga o‘bektga yaqinlashib boriladi va yo‘l-yo‘lakay tuzatib boriladi.”[13]. Beruniy o‘tmish tarixiy taraqqiyot to‘grisida yaratilgan tarixiy asarlardagi chalkashliklarni tugatish uchun tarix metodologiyasida hozirgi kunda keng foydalaniladigan metod va tamoyillardan foydalandi. O‘tmish tarixda bo‘lib o‘tgan har bir voqea-hodisani faqat ichonchli bir manba asosida tushuntirishni talab qildi. ”[Xudoyi] taolo “Ularga “o‘zlarida o‘zlaridan ilgarigilarning xabari yetib kelmadimi?”, “Ularni xudodan boshqa hech kim bilmaydi” demak ularning so‘zlarini o‘z holicha qabul qilib, bu so‘zlarning to‘g‘riligini ishonchli bir kitob yoki ko‘pchilik [ning] fikri asosida bizni ishontira oladigan biron xabar isbot etsa, shundagina qabul etamiz.”[14] O‘tmish taraqqiyotni yoki tarixiy jarayonni bilish uchun mavjud manbalarni o‘rganish, ularning ichidan ilmiy asoslangan yoki tekshirilgan dalillar asosida o‘tmish voqeligini xolisona, tarixiy-genetik va qiyoslash asosida tiklash mumkinligini asosladi.

Olim astronomiya va matematika fanlarining dahosi bo‘lgani uchun xristian va yahudiy olimlarining yer sayyorasida hayot va odamni shakllanishi to‘g‘risidagi qarashlarini astronomiya va matematika fanlari erishan yutuqlar asosida sinchiklab ilmiy tahlil qildi. Bu fanlar yordamida olimlarning tarix kitoblaridagi farqlarni aniqladi, xato-kamchiliklarini topib, chalkashylik va ixtiloflarni qat’iy ilmiy asosda isbotladi.

Tarix metodologiyasining tarixiy vaqt tushunchasi Beruniy asarida o‘z ifodasini topdi, ya’ni olim bu vaqtni izohladi. Olim vaqt hisobini voqe-hodisa yoki boshqa tarixiy jarayonlarni bilish uchun muhim ahamiyatga egaligini quyidagicha ifodalaydi: [Endi] o‘z maqsadimizga ko‘chib, kecha va kunduz haqiqatini, bu ikkovining majmuasi [sutka] nima ekanini va shu majmuaning faraz etilgan boshlanishini bayon qilishimiz kerak. Zero oylar, yillar va tarixlar uchun kecha va kunduz, adadlar uchun “bir” soni kabi [zarur]dir. Adadlar “bir” sonidan tarkib topadi va ”bir”ga borib tamom bo‘ladi; [shuningdek] kecha va kunduzni yaxshi bilish orqali u ikkovidan tarkib topgan va ularga asoslangan narsalarni bilish oson bo‘ladi[15]. Olim bu yerda tarixiy vaqt muammosiga e’tiborni qaratdi. Tarixda vaqt muammosini Beruniydan ming yildan keyinyigirmanchi asrda ilmiy muammo sifatida taniqli metodolog olim Mark Blok tadqiq va tahlil qildi. M. Blok uchun qandaydir bir tarixiy voqeaning davomiyligi emas, balki uning sodir bo‘lishida vaqtning o‘rni muhim. Tarixiy vaqt bu tarixiy voqea-hodisaning ma’lum bir vaqt oralig‘ida sodir bo‘lishidir. Vaqt oralig‘ida qandaydir tarixiy muhit-voqelik mavjud bo‘ladi. Ana shu muhitda tarixiy jarayon kechadi. Tarix odamlar yashagan vaqt to‘g‘risidagi fan deyish noto‘g‘ri bo‘ladi. Ana shu muhitda odamning tafakkuri harakat qiladi – bu vaqt oralig‘i. fanni vaqtdan mavhumlashtirish mumkin emas. Ko‘pgina fanlar uchun vaqtni bir xil tusdagi shartli holatda bo‘lakchalarga sun’iy bo‘lish qandaydir bir chora. Aksincha aniq bir jonli voqelik o‘zining olg‘a yurishida qaytarilmasligi – tarix vaqti bo‘lib, bu tarixda qandaydir bir muhit, qaysiki bu vaqtda ular tushunarli bo‘ladi. Vaqt kengligida bo‘lib o‘tgan tarixiy voqeani tadqiq qilish tarixchi uchun ahamiyatli bo‘ladi Tarixning vaqti chegara bilmaydi, uzoq o‘tmish ham yaqin o‘tmish ham vaqt cheksizligi bo‘yicha tarixdir. Beruniy tarixiy asarlardagi chalkashliklar, uydirmalar va soxtaliklarni bartaraf qilish uchun turli xalqlarning dunyo tarixini boshlanishi to‘g‘risidagi qarashlarini ularni yil hisoblari bo‘yicha tadqiq qiladi. Zardushtning yashagan vaqti, Makedoniyalik Aleksandrning erasi va qadimgi Eronning odam paydo bo‘lishini belgilagan tarixiy voqea sanasini (Qadimgi Eronda Qayumars davri birinchi odam yashagan davr hisoblanadi) qiyoslab, olim matematik hisob-kitoblar asosida yerda hayotni boshlanishini aniqlashga harakat qiladi. Bu yerda biz Abu Rayhon Beruniy miqdoriy metoddan unumli foydalanganini ko‘ramiz. Har uchala tomondan daliliy ashyolari asosida olamni paydo bo‘lishining ming yilligini aniq hisoblab beradi. Abu Rayhon Beruniy hisob-kitoblari har uchala tomonning olamni paydo bo‘lishi to‘g‘risidagi fikrlarini xatoligini matematik hisob-kitoblarida isbotlab beradi. Olim bu ishni bajarishda qiyoslash metodi, miqdoriy metod ba fanlararo yondachuvdan unumli foydalangan.Otashparastlar, eronylar va Iskandar erasini qiyoslash asosida insoniyat tarixini hisobini chiqaradi:**“... eronliklarda birinchi odam deb hisoblangan Qayumars davrining boshlanishidan hisoblasak va undan keyingi har bir podshoh davrini unga qo‘shsak (chunki eronliklarning podshohliklari uzilmay tutashib kelgan) bu sonlarning jami to Iskandargacha uch**

[12] Fayzullaey O. Abu Rayxon Beruniy Tanlangan asarlar. 1 tom. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asaridagi ba’zi masalalar to’g’risida. 14-b.
[13]Shu kitob, 22-b.
[14]Shu kitob, 22-b.
[15]Shu kitob, 41-bet.

ming uch yuz ellik to‘rt yil bo‘ladi[16]. Olimning astronomiya va matematika fanlari asosida insoniyat tarixini tadqiq qilish metodi zamonaviy tarix fanida faqat XX asrdagina tadbiq etila boshlandi. Olim qadimda g‘arb va sharqda hukm surgan sulolalar hukmronligi hukmronligi yillarini turli manbalar orqali tuzdi.jumladan arablargacha Eronda hukmron bo‘lgan sosoniylar sulolasining 280-yillik hukmronligini hisoblab beradi. Ilmiy adabiyotda sosoniylar hukmronligi Beruniy ma’lumotlari asosida mil.avv. 224-yilda boshlanib to arablar istilosi davrigacha davom etgani qayd etiladi.

Yerda hayotning paydo bo‘lishining Qayumarsgacha bo‘lgan davri (ilmiy tarixiy adabiyotda antropogenez ibtidoiy jamoa davri) qadimgi eron olimlari 6 ming yil bilan belgilanadi va ekvator atrofida hayot jadal rivojlanib, flora, fauna va ilk odam paydo bo‘lgan deb hisoblanadi. Zamonaviy fanda esa, yerda hayotning paydo bo‘lishiga bir necha milliard yil kerak bo‘lgani zamoanaviy odamning paydo bo‘lishi 3-4 mln yilni o‘z ichiga olgani belgilangan. Bizning fikrimizcha, aniq va tabiiy fanlar bo‘yicha yetuk mutaxassis bo‘lgan olim qadimgi xalqlarning yil hisobini juda yaxshi bilgan va ularni o‘rganib miqdoriy va qiyoslash metodlari orqali ulardagi xatoliklarni aniqlagan.

Tarix fanida arxeologiya, antropologiya va boshqa fanlarning ma’lumotlari asosida faqat XIX asrning ikkinchi yarmida yer sayyorasida hayot va odamni paydo bo‘lishi to‘grisida ilmiy qarashlar to‘la shakllandi. Beruniy esa bu muammoni Xi asrda aniq va tabiiy fanlar ma’lumotlari asosida ilmiy asosda juda oddiy tushuntirdi **“**Eronliklardan bir guruhining [fikricha] yuqorida aytilgan uch ming yil Qayumars yaratilgandan keyin o‘tgan, undan oldin [esa] olti ming yil muddat o‘tgan. Bu muddatda falak harakat qilmagan, tabiat o‘zgarmagan, unsurlar bir-biriga qo‘shilmagan, ularda tuzilish va buzilish vujudga kelmagan, yer obod bo‘lmagan edi. [Falak] harakat ettirilgach, ekvatorda bo‘yining yarmi shimol tomonga va yarmi janub tomonda bo‘lgan birinchi odam paydo bo‘lgan. [Hayvon]lar vujudga kelib, bir-biridan tug‘ila boshlagan, inson nasli paydo qilib ko‘paya boshlagan. Tuzilish va buzilish natijasida unsur bo‘laklari bir-biriga qo‘shilib, dunyo obod bo‘lgan va olam tartibga tushgan”.[17]

Qadimgi tarixlarning eng avvalgisi va eng mashhuri bashariyatning boshlanishidir deb ta’kidladi olim. Bu jumla Abu Rayhon Beruniy eroniylar va otashparatslarning o‘tmish tarixiy taraqqiyoti yoki dunyo tarixini boshlanish sanasi to‘g‘risidagi qarashlari har xilligi sabablarini sinchiklab o‘rganadi. Ularning qarashlari har xilligi sabablarini tekshirib, ilmiy tadqiqot asosida ularni ochib beradi. Olim o‘rtadagi ixtilofni yechish uchun yutuqlar asosida matematik aniq hisob-kitoblar asosida aniqlashtirib, olamning paydo bo‘lish sanasini ilmiy aniqlab beradi. Biz olimning bu mummoni yechishi asosida quyidagi tarixiy tushunchalarga kelamiz: Yevrosentrizm g‘oyasiga ko‘ra tarixiy bilimlar Yevropada paydo bo‘lgani tushunchasi noto‘g‘ri ekanligiga ishonch hosil qilamiz. Buning yaqqol dalili buyuk olim tekshirgan eronliklar va zardushtiylarning olam, uning taraqqiyoti, insoniyatning o‘tmishi to‘g‘risida o‘z davrining mukammal tarixiy bilimini mavjud bo‘lganidan dalolat beradi.

Ma’lumki, islomgacha ajdodlarimiz **zardushtiylik** diniga e’tiqod qilganlar. U o‘zlarining yashab turgan kishilik dunyosi, olamning paydo bo‘lishi to‘g‘risida ilohiy tushunchalar asosida astronomiya fani yutuqlari asosida ilmiy asoslangan g‘oyani ilgari surganlar. **“**Ular shariatning asoschisi Zardusht esa olam paydo bo‘lishidan to o‘zi yuzaga chiqqunicha chorak kunlar qo‘shilib, uch ming yil o‘tdi deb da’vo qilgan. Shunda chorak kunlar jihatidan hamisha yillarda uchratiladigan nuqsonni [topib], u choraklar qo‘shilib”, yillar to‘g‘ri bo‘lgunicha, hisoblashni o‘z ustiga olgan**[18].** Olim ushbu asarni yozish uchun uni ilmiy asosli bo‘lishi tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarish uchun bir necha metodlardan foydalanadi. O‘z davrining yetuk olimlarini fikrini eshitadi, ular bilan ilmiy munozara qiladi.

Asarda “goh ko‘rish” jumlasi ishlatiladi. Olim nimani ko‘rishni nazarda tutadi? Bu yerda uch narsani ko‘rsatish mumkin: 1) o‘tmishdagi olimlardan qolgan asarlarni; 2) o‘tmishda astronom-matematik olimlarning yil sanalariga tegishli hisob-kitoblarini; 3) eksperiment- tajriba-kuzatish asosida yil, oy, kunlar hisob-kitobini tekshirish.

Olim bu asarni yozish qiyinligini uch sababini ko‘rsatadi: “Bu ishning [yetishish] qiyin va olinadigan [manbai] uzoq ekanini va uni yaxshi bilgan odam qalbida shubha qolmaydigan aniq fanlar qatoriga qo‘ymoqchi bo‘lgan kishiga bo‘ysunmasligini bildim”.Olim qo‘yilgan muammoni yechish uchun o‘tmishga murojaat qilish zarurligini ta’kidlaydi. Haqiqatan ham tarixhi uchun tadqiqot obyekti bilan o‘zi o‘rtasida uzoq o‘tmish vaqt va obyektni o‘tmish qa’riga ketgani uchun qo‘yilgan muammoni yechish qiyinligini olim his qiladi. Yuqorida keltirilgan sabablarni tahlil qilganimizda Abu Rayhon Beruniy bu asar tarix fani sirasiga kirishi va tarixiy asarni yozishda tarixni o‘rganish tamoyillariga qat’iy rioya qilish va faqat manbalarga suyanish asosida amalga oshirish mumkinligini tushunganini ko‘ramiz. Olim bunday

[16]Shu kitob, 51-bet
[17]Shu kitob, 14-bet..
[18] Shu kitob, 14-bet.

asarni yozish uchun manbani o‘tmish tarixdan qidirish zaruriyatini bilgan. Demak, Abu Rayhon Beruniy tarix fanining metodologik muammolarini yaxshi bilgan va o‘z asarida bu muammolarni yechimini topishga harakat qilgan. Olim metodlar muammosiga to‘xtalib, qo‘yilgan muammoni yechishda o‘ziga kerakli tarixiy metodlarni ko‘rsatadi. Asarni kirish qismida olim tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarish uchun va asarni ilmiy qimmatini taminlashda quyidagi manbalarni eng muhim deb hisoblaydi:

“Asarni yozishga [kirisha] boshlab aytamanki, mendan so‘raglan narsaga yetkazuvchi vositalarning eng muhimi –qadimgi millatlar haqidagi rivoyatlar, o‘tmish avlodlar to‘g‘risidagi xabarlarni bilish.”[19]Ma’lumki tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarishda xalq og‘zaki ijodiyoti namunalari manba sifatida muhim o‘rin tutadi. Uning bag‘rida tarixiy ongning unsurlari yotadi. Shu sababli mifologiyadan og‘zaki tarix sifatida doimo foydalanib kelingan. Abu Rayhon Beruniy xalqlarning hayotida urf-odat va an’analarning o‘rni to‘grisida shunday uqtiradi: “Chunki, bularning ko‘pchiligi u millatlar avlodidan va ularning rasmu rusum va qoidalaridan iboratdir”.[20] Yana bir vosita sifatida o‘tmishdan qolgan xabarlarni (manbalar ma’lumotini) o‘rganish deb biladi. Ko‘rinib turibdiki olim o‘z tarixiy asarini ilmiy qimmatini ta’minlashda tarixiy manbalarning o‘rniga et’ibor bergan. Bundan tashqari olim manbalarga izoh ham beradi: “Chunki bularning ko‘pchiligi u millatlar avlodidan va ularning “rasmu-rusum va qoidalaridan iboratdir”[21]. Demak olim qo‘yilgan muammoni yechishda o‘rganilayotgan millatning urf-odat, an’analari, rasm-rusumlari – ya’ni etnografiyasini o‘rganishga jiddiy e’tibor beradi.

Abu Rayhon Beruniy o‘tmish tarixni bilishda, qo‘yilgan muammoni tadqiq qilishda “aqliy [narsalardan] dalil keltirish”[22] yetarli emas deb hisoblaydi. Bizning fikrimizcha, bu yerda olim faqat o‘tmish manbalardagi quruq dalillarga suyanish yetarli emasligini tushuntiradi. Yana shuningdek, “kuzatilgan [narsalarga] qiyos qilish yo‘li bilan qo‘yilgan vazifani to‘la qonli yechish mumkin emasligi uqtiriladi. Abu Rayhon Beruniyilmiy haqiqatni amalga oshirishda bulardan tashqari “Buni faqat “kitob ahllari” va turli din arboblariga, shu **[e’tiqodlarga]** amal qiluvchi har xil maslak va ishonch egalariga ergashish, ularning tushunchalarini asos tutish yo‘li bilan bilinadi”[23].Bu yerda “Kitob ahllari” deb Abu Rayhon Beruniy asari atamalar izohida yahudiy, xristian va zardushtiylar ko‘zda tutiladi. Bizning fikrimizcha ilm bilan shug‘ullangan kishilar ko‘zda tutilgan.

Bu jumlada olim o‘tmishdagi tarixiy asarlar mualliflari asarlari, ma’naviy-madaniy sohada o‘zining to‘la hukmronligini o‘rnatgan diniy e’tiqodlarning vakillariga tegishli bo‘lgan asarlarni, ulardagi tushunchalarni asos qilishga undaydi. Olim diniy e’tiqodlar tushunchalarini asos qilish deganda nimani ko‘zda tutgan? Ma’lumki, diniy e’tiqod, maslaklarda insoniyatning o‘tmish tarixiy taraqqiyoti to‘g‘risida shakllangan tushuncha va tasavvurlar mavjud. Olim bu tushuncha – tasavvurlar tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarishda muhim o‘rin tutadi deb hisoblaydi. Chunki, diniy e’tiqod va maslaklarda keltirilgan tushunchalar, tasavvurlar olimlar tomonidan bir necha bor tadqiq va tahlil qilingani uchun ularda tarixiy haqiqat zarralari borligiga shubha qilmaydi. Shu sababli ularni asos qilib olishni ko‘rsatadi. Olim bu fikrini yana quyidagi so‘zlar bilan mustahkamlaydi: bu yerda biror bir sohani tadqiq va tahlil qilishda faqat bir yo‘l yoki metod- bilishning eng sinalgan yo‘li ilmiy bilish metodi va metodologiyasiga tayanishga qat’iy ko‘rsatma berdi. Bu yo‘lning juda og‘ir mashaqqatli ekani, lekin undan boshqa yo‘l bilan haqiqatga erishish mumkin emasligiga shak-shubha qilmadi. “Ana shu aytib o‘tganim haqiqiy maqsadga yetkazuvchi eng yaxshi yo‘l va bunga dog‘ tushiruvchi shak-shubhani yuvib tashlash uchun eng kuchli yordamchidir. Garchi qattiq urinib zo‘r mashaqqat cheksak ham, o‘shandan boshqa yo‘l bilan maqsadga erisholmaymiz”[24].Ushbu satrlarda olim o‘z asarida tarixni tadqiq va tahlil qilishda faqat xolisiylik, tamoyiliga amal qilib, manbalarga suyangan holda qorani qora, oqni oq qilib ko‘rsatib tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarish maqsadini bayon qiladi.

Mifologiya. Olim o‘tmish tarixni o‘rganishda muhim manbalardan biri bo‘lgan mifologik manbalardan foydalanishga alohida e’tibor berdi. Olim mifologik manbani tanqidiy tahlilini amalga oshirish zaruriyatini ko‘rsatadi. O‘rganish maqsad qilib qo‘yilgan tarixiy muammoni tadqiq etishda rivoyatlarni o‘rganish va ularning orasidan ko‘pchilik e’tirof etgan rivoyatlarni ajratib olib, ularni tadqiq qilish maqsadga muvofiqligini ko‘rsatdi. Bu rivoyatlarni xronologik ketma-ketlikda tahlil qilib, ularni tahlil qilgan holda ba’zilarini tuzatishni qolganlarini o‘z holida qabul qilishga qaror qildi: “ Ish shu yo‘ldan boradigan bo‘lgach, u rivoyatlarning davrimizga eng yaqin va eng mashhurini, so‘ngra yaqinroq va mashhurrog‘ini [birin-ketin] olishimiz lozim. Ularning [ba’zilarini] o‘z arboblaridan qabul qilib, tuzatish

[19]Shu kitob, 40- bet
[20]Shu kitob, 40- bet
[21]Shu kitob, 40-41-bet..
[22] Shu kitob , 40-bet
[23] Shu kitob, 40-bet2
[24]Shu kitob, 40-bet.

mumkin bo‘lganini tuzatamiz, boshqalarini o‘z holida qoldiramiz”. Bu yerda olim o‘zi tadqiq etgan rivoyatlarni nazarda tutgan bo‘lsa kerak. “Tuzatiladiganini tuzatamiz” jumlasida manbalarni tanqidiy o‘rganish va boshqa manbalarga qiyoslagan holda noto‘gri ma’lumotlarni tuzatish to‘g‘risida fikr yuritiladi. Beruniy tarixiy manbani tanqidiy tahlilini amalga oshirish tajribasi boshqa tadqiqotchilar uchun tarixiy tadqiqotning samarali bo‘lishini ta’minlashda metodologik asos bo‘lishi quyidagi jumlada ko‘rinadi: “Biz erishmagan natijaga boshqalar erishuviga yordam beradi: “Shunda biz keltirgan rivoyatlar haqiqatni qidiruvchi va hikmatni sezuvchining boshqa rivoyatlar ustida ish yurguzishga yordamchi va bizga muyassar bo‘lmagan narsalarga erishishi uchun yo‘lovchi bo‘ladi.”..

Fanlararo yondashuv. Abu Rayhon Beruniy davriga kelib insoniyatning o‘tmish tarixiy taraqqiyoti, millat, xalqlarning hayotining turli sohalariga bag‘ishlangan juda ko‘p asarlar to‘planib qoldi. Ularni tadqiq va tahlil qilish uchun juda katta kuch va vaqt talab qilishini Beruniy juda yaxshi tushungan. Biror bir millat yoki xalqqa tegishli barcha xabarlarni birgina tadqiqotchining bilishi mumkin emasligi va ko‘p sonli manbalarni o‘rganishga bir kishini umri yetmaydi degan fikrga keladi. “Xalqlardan biriga [tegishli] xabarlar [ning hammasi]ni aniqlab bilishga inson umri kifoya qilmaydi-yu, hamma millatlar [haqidagi] xabarlarni bilishga qanday kifoya etsin? Bu mumkin emas!” Olim tarixni o‘rganishda birgina tadqiqotchining bir ymrlik faoliyati ham kifoya qilmasligini ta’kidlaydi. Shu sababli olim insoniyat o‘tmish tarixini to‘la qayta tiklash va bilish mumkin emasligini e’tirof etadi.

Olim insoniyatning o‘tmish tarixini o‘rganishda tarix fani boshqa fanlar bilan hamkorlik qilish goyasini ilgari suradi va bu sohada o‘asarini yozishda unumli foydalanadi. Cnunki insoniyatning o‘tmish taraqqiyotining barcha sohalari bo‘yicha juda katta bilimlar zahirasi to‘plandi. Bu zahiradanfoydalanish uchun turli fan vakillarining hamkorligi ta’minlanishi zarur. hozirgi kunda ham saqlanib qolmoqda. XX asrda fanda ulkan materiallar Lekin bu materillar turli tadqiqotchilarning yakka tartibda tadqiq qilish an’anasi saqlanib qo‘lmoqda. Bunday tadqiqot bir yoqlama bo‘lb tadqiqotchi i kutgan natijani bermaydi. XX asrning 30 yillarida tarix metologiyasining yirik vakili Lyus’en Fevr quyidagicha tasdiqladi: “Axir bugun har kim qayerda to‘gri kelsa joylashadi va kimdir ko‘proq, kimdir kamroq to‘gri kelgan yo‘nalishni tanlab qo‘liga tushgan birinchi materialdan o‘z shaxsiy fantaziyasi asosida o‘z joyini devor bilan o‘rab oladi”[25]

Beruniy insoniyat o‘tmish tarixiy taraqqiyotini tavsiflashda uni soxtalashtirish, tarix uydirmalardan tozalashning eng maqbul yo‘lini ko‘rsatdi. : “Aqliy [narsalardan] qiyos qilish yo‘li bilan u xabarlarni bilib bo‘lmaydi. Buni faqat “kitob ahllari” va turli din arboblariga, shu [e’tiqodlarga] amal qiluvchi har xil maslak va ishonch egalariga ergashish, ularning tushunchalarini hamisha asos tutish bilan bilinadi”[26]. Tarixiy tadqiqotlarda “kitob ahllari” ya’ni tadqiqotchilarning asarlari va diniy e’tiqodlarni o‘rganish ya’ni dunyoviy va ilohiy mazmundagi manbalarni bir-biriga qiyoslash asosida tadqiqotni amalga oshirish tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarishning asosiy shart bo‘ladi Olim har bir diniy e’tiqodning dunyoqarash- tasavvurini sinchiklab o‘rganishni taklif qiladi. Tadqiqotchi tadqiqotni subyekti sifatida o‘zini emas, o‘sha e’tiqod odamini qo‘yishni maqbul deb hisobladi. Shu bilan birga o‘sha diniy e’tiqodga tegishli ilm ahllari fikrini o‘rganishni taklif qildi. Olim tarixiy tadqiqotning eng muhim metodlardan biri bo‘lgan qiyoslash metodiga ham munosib o‘rnini ko‘rsatgan: “Garchi qattiq urinib zo‘r mashaqqat cheksak ham, o‘shandan boshqa yo‘l bilan maqsadga erisholmaymiz”[27]. Bu jumlada olim ilmiy tadqiqotda faqat manbalarni qiyosiy ahlili asosida tarixiy haqiqatni yuzaga chiqarish mumkinligini ta’kidladi. Bu haqiqat yevropa olimlarining 18-19 asrlardagi tushunchasiga mos keladi.

Xulosa. Beruniyning bu asari tarix fani va metodologiyasining noyob namunasi bolib xizmat qiladi. Asr tarix metodologiyasi tadqiqotchilari uchun tarix metodologiyasining tarixiy tadqiqotda manba va adabiyotlarni tadqiq va tahlili yuzasidan amalga oshirilgan keng qamrovli mukammal ilmiy tadqiqotdir. Asarda tarix metodologiyasi bo‘yicha olimning qarashlari va metodologik tadqiqoti qisqa va aniq barchaga tushunarli bo‘lishi va ilmiy teranligi hamda mazmunan boyligi bilan ajralib turadi. Biz faqat asarning kirish qismini tarix metodologiyasi yo‘nalishida tahlil qilishga urinib ko‘rdik. “Otmish xalqlardan qolgan yodgorliklar” asari tarix metodologiyasi to‘grisida dunyod yaratilgan noyob shoh asar bo‘lib, bu asarning muallifi olimlarning ustozidir. Tarix metodologiyasi yo‘nalishida bunday mazmunan teran va metologik savollarga to‘la javob berilgan asar Beruniygacha jahon tarix fanida yozilmagan edi. Bu asar tarix metodologiyasi sohasidagi shoh asar va tarix metodologiyasi tadqiqotchilari uchun **ilmiy-nazariy va amaliy metodologik yo‘riqnoma bo‘lib xizmat qiladi.** Tarix metodologiyasining barcha muammolariga e’tibor bergan. Shu sabab yozuvchi asarni yozishda turli metodlarni qo‘llaydi. Bir kichk maqolAda

[25]Shu kitob,. 41-bet
[26]Shu kitob,. 40-bet
[27]Shu kitob,41-bet.

Beruniyning “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asarini tarix metodologiyasi nuqtai nazaridan tahlil va tadqiq qilish mumkin emas. Ushbu asar manbashunoslik metodologiyasi, tarix metodologiyasining maxsus metodlari yo‘nalishlarida juda katta ilmiy-nazariy ma’lumotlarga ega. Hozirgi kunda tarix fanida ilmidolzarb bo‘lgan qator metodologik muammolarni yechimini ushbu asarda topish mumkin.Ustoz olimning tarix metologiyasining mazmun mohiyatini ifodalaydigan fikr va goyalarini tadqiq etish uchun bir necha o‘nlab tadqiqot ishlarini amalga oshirish kerak bo‘ladi. Biz ushbu maqolada olimlar ustozining tarix metologiyasi fani bo‘yicha ayrim fikrlarini ilgashga urinib ko‘rdik xolos.

ABU JA’FAR NARSHAXIYNING “BUXORO TARIXI” ASARIDA TADQIQOT METODLARI

R.Rajabov,
Falsafa fanlari nomzodi, NavDPI

Annotatsiya

Ushbu maqolada “Buxoro tarixi” asarini yozishda Narshaxiy foydalangan ayrim metodlar tahlil qilingan. Zamonaviy tarix metodologiyasi nuqtai nazaridan asarning ayrim metodologik jihatlari to‘g‘risida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Mavze, Buxoro, qozilar, miqdor metodi, metodologiya, narrativ metod, Somoniylar.

O‘rta asrlardan boshlab o‘lkamizda jahon tarixi va O‘rta Osiyo tarixi to‘g‘risida ko‘plab tarixiy asarlar yaratildi. Bu tarixiy asarlar o‘lkamizning iqtisodiy-siyosiy, ijtimoiy va madaniy-ma’naviy hayoti to‘g‘risida boy ma’lumotlar beradi. Ushbu asarlarlar vatanimiz tarixini o‘rganishda qimmatli tarixiy manba bo‘lib xizmat qiladi. Bu asarlarning har biri ma’lum bir metod va metodologiyaga asoslanib yozilgan. Hozirgi kunda milliy tarix metodologiyasining asosiy vazifalaridan biri otmishda o‘lkamizda yaratilgan tarixiy asarlarni metodologik tadqiqini amalga oshirishdir. Bizning fikrimizcha, u yoki bu tarixiy asarni metodologiyasini o‘rganish uchun ushbu asarni o‘rganish kerak bo‘ladi. Asarni o‘qish jarayonida tadqiqotchi asarda tasvirlangan o‘sha davrga kirib boradi, tarixiy voqeli vaziyatini tasavvur qilib tarixiy bilim oladi.Atroflicha tarixiy bilimga ega bo‘lgan tadqiqotchi o‘z tadqiqotida ma’lum bir natijalarga erishadi. Chunki u tegishli tarixiy asarni metodologik tahlil qilish jarayonida ma’lum bir bilimga ega bo‘ldi. To‘plangan bilim tadqiqotchini muhohada qilish qilishi uchun shart-sharoit yaratadi. Tarix metodologiyasining taniqli vakillaridan biri Robin Kollingvud bu to‘g‘risida shunday ta’kidlaydi : ”... siz faqat mushohada qilishni boshlash bilan xulosalar uchun asoslarni to‘plashingiz mumkin. Chunki mushohada – mantiqchilar uchun ma’lumot- savollarni qo‘yishni belgilaydi va mantiqiy xulosani asoslanishi to‘g‘risida faqat aniq qo‘yilgan muammoga mos gapirish mumkin”[1;268] Bundan kelib chiqadiki tarixiy tadqiqotlarda faqat manbaga murojaat qilgan holdagina tarixiy haqiqatni ochish mumkin, bu tarixiy bilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Yoki boshqacha aytganda, tarixiy tadqiqotlarlarda faqat tarixiy manbalarni atroflicha o‘rganish tadqiqotchining bilim saviyasini oshirishga xizmat qiladi va uning tadqiqotlarini ilmiy qimmatini ta’minlaydi.Shu sababli tarix yo‘nalishida tadqiqotchilar o‘tmish tarixiy asarlarni o‘rganishi maqsadga muvofiq bo‘ladi. Biz quyida buyuk olim Abu Rayxon Beruniyning va Abu Jafar Narshaxiyning tarixiy asarlarini metodologik jihatlarini tahlil qilishga urinib ko‘rdik.

Biz tobora globallashuv jarayoni kuchayib borayotgan XXI asrda yashamoqdamiz. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, matematika, fizika, kimyo, sanoat, menejment - bularning hammasi kerak, albatta. Lekin, avvalambor tarixni bilish - bu hayotiy zarurat[2;109]. Albatta, biz boy tariximiz, ulug‘ ajdodlarimiz bilan har qancha faxrlansak arziydi. Tariximiz-bitmas tuganmas xazina, biz uchun cheksiz g‘urur manbai[3;116]. Ana shunday buyuk ajdodlarimizdan biri Abu Ja’far Narshaxiydir. Abu Ja’far Narshaxiyning “Buxoro tarixi” asari O‘rta Osiyo xalqlari tarixi to‘g‘risida qimmatli ma’lumotlar jamlangan nodir asar hisoblanib, vatanimiz tarixining VIII-XII asrlar davri tarixini o‘rganishda qimmatli manba hisoblanadi. Asar voqealari asosan O‘rta O‘rta Osiyoda arablar istilosi natijasida islom dinining tarqalishi (VIII asr) va undan oldingi davrlar va shuningdek, IX-XII asrlarda Buxoro va uning atrofidagi shahar va qishloqlar aholisining ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy hayotiga oid muhim ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan.

Asar dastlab Buxoroning Narshax qishlog‘idan bo‘lgan Abu Bakr Muhammad ibn Ja’far an-Narshaxiy tomonidan 943-944-yillarda arab tilida yozilgan. Afsuski, asarning Abu Bakr Muhammad ibn Ja’far an-Narshaxiy tomonidan yozilgan arab tilidagi asl nusxasi bizgacha yetib kelmagan. Hozirgi vaqtgacha uning mavjudligi to‘g‘risida biror-bir ma’lumot yo‘q.

Asarning bizgacha yetib kelgan nusxasining bosh so‘zida aytilishicha, 1128-yili asli hozirgi Quva shahridan bo‘lgan Abu Nasr Ahmad ibn Muhammad ibn Nasr al-Quvoviy Narshaxiyning kitobini “ko‘pchilik kishilar arab tilida yozilgan kitobni o‘qishga rag‘bat ko‘rgazmaganliklari” sababli o‘z do‘stlarining iltimosiga ko‘ra arabchadan fors tiliga tarjima qilgan. U arab tilidagi nusxada keraksiz va buning ustiga o‘qiganda kishi tabiatida malollik orttiradigan narsalarni tarjimaga kiritmay qisqartirib

yuborgan. Asarni arab tilidan fors tiliga tarjima qilish jarayonida arab tilidagi nusxasida mavjud bo‘lgan Abu Nasr Ahmad al-Quvoviy Narshaxiyning ba’zi ma’lumotlarni tushirib qoldirish bilan bir qatorda asarga katta tarixiy qimmatga ega bo‘lgan ko‘pgina ma’lumotlarni kiritgan va bunda u o‘z davridan oldingi voqealarni yoritish uchun boshqa tarixiy manbalardan foydalangan. Abu Nasr Ahmad al-Quvoviy foydalangan ana shunday manbalardan biri Abu-l-Hasan Abdurahmon ibn Muhammad Nishopuriyning “Xazoin ul-ulum” asaridir. “Buxoro tarixi” asaridagi Abulhasan Nishopuriy “Xazoin ul-ulum”da aytishicha…” degan so‘zlari buning yaqqol misolidir.

Abu Nasr Ahmad al-Quvoviy va undan keying mualliflar asar matniga anchagina o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritgan bo‘lsalar ham, lekin Narshaxiy nomini asar musannif-muallifi sifatida saqlab qolganlar. Asardagi “Bu kitobning musannifi aytadi” degan so‘zlar bunga misol bo‘ladi. Undan yarim asr o‘tgandan so‘ng asar yana qaytadan yozilgan. 1178-1179-yillarda Muhammad ibn Zufar ibn Umar fors tilidagi tarjimani ikkinchi marta qisqartirib yozilgan. Ammo asarni o‘qish jarayonida 1220 yillargacha yuz bergan tarixiy voqealar haqida ham qisqa-qisqa ma’lumotlar keltirilgan. Bundan shu narsa ma’lum bo‘ladiki, asar keyingi davrlarda ham bir yoki bir necha noma’lum kishilar tomonidan qayta yozilgan. Asarga qo‘shimcha kiritilgan voqea-hodisalar buni yaqqol ko‘rsatadi.

Abu Bakr Muhammad ibn Ja’far an-Narshaxiy o‘z asariga qanday nom berganligi ma’lum emas. Shu sababli asar qo‘lyozma nusxalarda va hozirgi zamon ilmiy-tarixiy adabiyotlarda “Tarixi Narshaxiy” (“Narshaxiy tarixi”), “Tarixi Buxoro” (“Buxoro tarixi”), “Tahqiq ul-viloyat” (“Viloyat haqiqatini aniqlash”), “Axbori Buxoro” (“Buxoro haqida xabarlar”) kabi turli xil nomlar bilan yuritib kelgan. “Buxoro tarixi” asarining o‘zbekcha tarjimasi A.Rasulov tomonidan bir necha oldin O‘zbekiston SSR Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik institutida asarning Parij va Buxoro nashrlari hamda institutning qo‘lyozmalar fondida saqlanayotgan 5388-11 raqamli 1235 (1819-1820) yili ko‘chirilgan qo‘lyozma nusxasi asosida bajarilgan. Asarda keltirilgan tarixiy ma’lumotlar katta ilmiy-tarixiy qimmatga ega bo‘lib, bu ma’lumotlarni ilmiy jihatdan tahlil qilish tarix fani uchun foydadan holi emas. “Buxoro tarixi”da keltirilgan qimmatli ma’lumotlar O‘rta Osiyoning VIII-XII asrlar tarixini o‘rganishda muhim manba hisoblanadi. Undagi qimmatli ma’lumotlardan ilmiy tadqiqotlarda foydalanish hozirgi kunda ham davom etmoqda. Asarda Buxoro vohasi va uning atrofida ilk dehqonchilik madaniyatining shakllanishi, Buxoro shahrining yuzaga kelishi to‘g‘risida ma’lumot beriladi. Buxoro vohasida ilk odamlarning kelib o‘troqlashuvi sabablari tarixiy nuqtai-nazardan tushuntirib beriladi. Milliy tarixshunosligimiz xilma-xil tarixiy asarlarga juda boy. Bu asarlarni tahlil qilganda ularning har birida miqdoriy metodlardan ma’lum darajada foydalanilgani yaqqol ko‘rinadi. Abu Bakr Muhammad ibn Jafar an-Narshaxiy qalamiga mansub bo‘lgan 943-944 yillarda yozilgan “Buxoro tarixi” asari shunday asarlar sirasiga kiradi.

Asar X asr Buxoroning ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-siyosiy hayoti to‘g‘risida qimmatli ma’lumot beradi. Asarning 1128-yilda arab tilidan forschaga tarjima nusxasi bizgacha yetib kelgan. Muallif asarni yozishda miqdoriy metoddan unumli foydalangan. Bu asarning ilmiy qimmatini nihoyat darajada oshiradi. Olimning Buxoro qozilari to‘g‘risidagi ma’lumotini tahlil qilganimizda o‘sha davr jamiyatining yashashi uchun huquqiy asoslar qurilmasi to‘g‘risida tasavvur hosil qilish mumkin. Bizning fikrimizcha, Somoniylar hukmronligi davrida jamiyatning huquqiy asoslari yetarli darajada shakllangan. Davlat va jamiyatning barqarorligini ta’minlaydigan huquqiy normalar yaratilgan va amalda jamiyat hayotiga tadbiq etilgan. Buning uchun maxsus idora qozilik muassasasi tashkil etilgan. Bu muassasa musulmon huquqshunosligi qonun normalarini jamiyatda tadbiq etgan.

Shuningdek, asarda Buxoroda qozilik qilgan kishilar to‘g‘risida ma’lumot beriladi[4;89]. Muallif Buxoro shahrida IX asrda qozilik qilgan kishilar to‘g‘risida so‘zlab, qozilarni sanab o‘tadi va ularning ayrimlarini qozilik qilgan yillarini ko‘rsatib va qozilik faoliyatini tavsif qiladi. Sebavayx ibn Abdulaziz al-Buxoriy an-Naxviy… Buxoroga qozilik qilganida (xalqning ikki dirhamiga (miqdor) ham adolatsizlik qilmadi” So‘ng u yana: “Ikki dirham ko‘plik qiladi, u tariqcha ham javr (sitam) o‘tkazmadi”,-deydi[5;89]. Muallif IX asrda qozilik lavozimini egallagan shaxslarni birma-bir tilga oladi va uning faoliyatini ijobiy tahlil qilib, ularning har biriga xos bo‘lgan ezgulik xislatlarini ko‘rsatadi. Ular dunyoviy va ilohiy bilimlarining mukammaligini ko‘rsatadi[6;89-90]. Qozi bo‘lgan kishilarning har biriga xos bo‘lgan bilim, adolat, insof sifatlarini sanab o‘tadi. Olim asarni yozishda miqdoriy metoddan unumli foydalanadi. Asar orqali IX asrda Buxoroga qozilarning faoliyati to‘g‘risida atroflicha tasavvur, tushuncha va xulosalar chiqarish mumkin. Buxoro qozisi lavozimiga qo‘yish tartibini bayon qilganida bu jarayon demokratik ruhda tashkil etilganini tasavvur qilish mumkin. Hukmdor qozilik lavozimiga shu munosib nomzodlarni shaharning taniqli olim-u, ulamolarining fikriga asosan tayinlagani ko‘rinadi[7;89]. Asarda qozilik lavozimiga tayinlashga jiddiy e’tibor berilgani uchun bu lavozimda ishlagan kishilarning o‘z xizmat vazifalarini qonun doirasida amalga oshirganlarini ko‘rish mumkin. Muallif Buxoro qozilarining birortasini faoliyatida biror bir salbiy jihatni ko‘rsatmaydi. Demak, Narshaxiyning asarida miqdor ko‘rsatgichlardan unumli foydalangan holda Buxoro vohasida ijtimoiy hayotda qonun ustuvorligiga

jiddiy e’tibor berilganini tasavvur qilish mumkin. Qozilar ijtimoiy muammolarni hal qilishda katta ishlarni amalga oshirilganligi birgina vaziyat bilan ochib berilgan.

“Yana Said ibn Xalaf al Balxiyning ikki yuz o‘n uchinchi yil Jumod al-avval oyining oxirida (16 avgust 828-yil) qozilikka tayinladilar… U yaxshi qonun qoidalar o‘rnatdi. Ma’lumki, o‘lkamizda sun’iy sug‘orishga asoslangan dehqonchilik azaldan mavjud bo‘lgan. Suv taqchil bo‘lgani uchun dehqonchilik bilan mashg‘ul aholiga suv taqsimoti jiddiy muammo bo‘lgani uchun bu masala bilan davlat hokimiyati shug‘ullangan. Nufuzli lavozimlardan biri bo‘lga Buxoro shahri bosh qozisining asosiy vazifalaridan biri suv taqsimotini amalga oshirish bo‘lgan. Narshaxiy bu to‘g‘risida shunday yozadi: “Jumladan toki kuchli kishi zaif kishiga zulm o‘tkazmasligi uchun bu to‘g‘onlarni qurdirish, Buxoro suvini adolat va insof yuzasidan taqsim qilishni u kishi asoslagan”[8;89]. Olimning Buxoro qozilari to‘g‘risidagi ma’lumotlarini keltirishda miqdoriy metodga asoslanagani yaqqol ko‘rinib turadi. Qozilarni tayinlash jarayoni va ularni vazifa-lavozimlarini bajarishiga asarda keltirilgan tegishli miqdoriy ko‘rsatgichlar va sifat darajalari qozilar to‘g‘risida atroflicha tushuncha hosil qilishga yordam beradi. Asarda narrativ metoddan unumli foydalanilgan. Narrativ metod bu tasviriy hikoya qilish bo‘lib tarixiy asarlarda bu metoddan keng foydalaniladilar. XIX asrning taniqli metodologlari Sh.Langlua va Sh. Senobos “tarixchining vazifasi arxivlarda dalillarni to‘plash va ularni qayta ishlab hikoya qilishdir” deb ta’kidlagan edilar[9;325]. Olim aynan shu metoddan unumli foydalangani yaqqol ko‘rinadi. Bu metod o‘quvchini tarixiy matnni osongina tushunishini ta’minlaydi. Tarixdan ma’lumki, Somoniylar davrida Buxoroda Somoniylarning ulkan kutubxonasi va boshqa ko‘p xususiy kutubxonalar mavjud bo‘lgan. Hikoya qilishlaricha “Buxoroning amiri bir tabibni o‘z huzuriga chaqirganida “yangi maskanga ko‘chayotgan edim kitoblarimni to‘rt yuz tuyaga ortgan edim” deb uzr so‘ragan ekan”[10;81]. Demak muallif ushbu asarni yozish uchun Buxorodagi kutubxonalardan ma’lum bir manba va dalillarni to‘plagan, Shuningdek bu manba va dalillar o‘sha davrda musulmon dunyosida tarqalgan kutubxonalarda mo‘l-ko‘l bo‘lgan.

Narshaxiy qisqa va aniq miqdoriy ko‘rsatgichlardan foydalanib, Buxoro va boshqa shaharlarning paydo bo‘lishini ham asosli tavsiflaydi: “Samarqand tomonida bir katta (miqdor) daryo borki uni “ Rudi Mosof” – “Mosof daryosi” deb atardilar. Bu daryoga ko‘p suv (miqdor) yig‘ilgan. U bir talay yerlarni (miqdor) yuvib o‘pirib, ko‘p loyqalarni (miqdor) surib kelgan va natijada bu botqoqliklar to‘lib qolgan (miqdor). Suv ko‘p oqib kela berdi, loyqalarni to Bitik va Forobgacha surib keltira berdi (miqdor). So‘ng suv toshib kelishi to‘xtadi. Buxoro o‘rnashgan joy (asta-sekin) to‘lib tekis yerga aylandi va shunday qilib, u katta daryo So‘g‘d va bu (loyqalar bilan) to‘lgan mavze Buxoro bo‘lib qoldi: har tomondan odamlar yig‘ilib (miqdor) u joy obod bo‘ldi[11;90]”. Mavze iborasida tarixiy adabiyotda shahar tashqarisidagi aholi kelib o‘rnashgan joy tushiniladi.

Buxoroda ilm-fanning rivojlangani to‘g‘risida quyidagi qisqa va aniq miqdoriy ma’lumot orqali tasavvur hosil qilish mumkin: “Agar Buxoro olimlarining hammasini zikr qilsak bir necha daftarni tashkil etadi[12;90]”. Olim o‘tmishda Buxoro shahri barpo bo‘lguncha bu joyning yer tuzilishini miqdoriy sifat ko‘rsatgichlarida shunday aniq va mazmunli tavsifi bilan savolga o‘rin qoldirmaydi. Buxoro o‘rnashgan bu mavze ilgari botqoqlik (sifat) bo‘lib, uning ba’zi yerlarini to‘qayzor, daraxtzor va ko‘kalamzorlar (sifat) tashkil etgan, ayrim joylari esa shunday bo‘lganki, biron hayvon ham oyoq qo‘yishga joy ham topa olmagan (sifat). Ko‘rinib turibdiki, olim joy manzarasini tavsifi uchun aniq tasavvurni tug‘diradigan umumlashtirmani hosil qilgan. Olim Buxoro tarixida etnografik, huquqiy-siyosiy ma’lumotlarni xronologik ketma-ketlikda keltiradi. Ayniqsa Somoniylar davlati davrida davlat va jamiyat to‘g‘risida tushuncha hosil qilishga yordam beradigan qimmatli ma’lumotlarni beradi. Buxoro va uning atrofida odamlarning kelib o‘rnashib qolish sabablarini oddiy va asosli tushuntiradi. Olim bu yerda tarixiylik metodi asosida voqea hodisalarnini ketma ketlikda bayon qiladi. Sabab va oqibat kategoriyalaridan foydalanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Коллингвуд Р. Дж .Идея истории. Автобиография Издательство НАУКА. Москва,1980. стр 268
2.Karimov I. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat qilish- eng oily saodatdir. T.: O‘zbekiston. 2015 yil. 109-bet.
3.Karimov I. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat qilish- eng oily saodatdir. T.: O‘zbekiston. 2015 yil. 116-bet.
4.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 89-bet
5.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 89-bet
6.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 89-90- betlar.
7.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 89-bet
8.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 89-bet
9.R.Rajabo,H.Abuyev,X.Qurbonov.Tarix fani metodologiyasi.T.:Yangi asr avlodi,2018,325-bet.
10.Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.Олам ва одам,дин ва илм. T.:Hilol-Nashr,2019,81-бет.
11.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 90-bet
12.Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent.: Kamalak. 1991 yil. 90-bet

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

О.Б.Абдимўминов
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида амалга оширилган институционал ўзгаришлар, давлат ва жамият ҳаётидаги янгиланишлар, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, халқаро муносабатлар каби барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар энг янги тарихини ўрганишнинг асосий йўналишлари ва долзарб масалалари ёритилади.

Таянч тушунчалар

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", замонавий назарий-методологик, фанлараро ёндашув, тарихийлик ва холислик тамойиллари,

Кириш

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи тарих фанлари соҳасидаги янги йўналиш бўлиб, мамлакат тараққиётининг асосий тенденцияларини тўғри ва аниқ ёритишни талаб қилади[1]. Шунингдек, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи Ватанимиз тарихининг долзарб масалаларидан бири бўлиб, уни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва ёритиб бериш олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Республикамизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар ўтиш даврида тўпланиб қолган ва айниқса ижтимоий соҳада ҳал этилмаган муаммолар ечимига ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга қаратилган. Шу сабабли мамлакатнинг мустақилликка эришиш тарихи ва истиқлолнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий қиёфасини ўрганиш ва беғараз таҳлил қилиш бугунги кунда тобора долзарблашиб бормоқда. “Ушбу вазифаларнинг илмий идрок этилиши ва ҳал қилиниши муайян даражада тарих фанидаги мавжуд тушунча – методологик арсеналнинг танқидий таҳлили ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид турли сюжетларни тадқиқ этиш билан шуғулланаётган барча илмий йўналишлар назарий салоҳиятининг янгиланиши билан боғлиқдир”[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур”[3], - дея таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш, таълим жараёнининг барча босқичларида ўқитиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ва ўқитиш илмий холисликни талаб қилган ҳолда, фанлараро ёндашувга ҳам асосланади. Бу ёшларни ватанпарварлик ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, шунингдек, унинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи янги давлатчилик ўттиз йиллик миллий истилол тараққиёт даврини комплекс ўрганиш чуқур илмий таҳлилни талаб қилади. Шу боисдан, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини яхлит ва тизимли ўрганиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги [4] Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини замонавий назарий-методологик, фанлараро ёндашувларга, тарихийлик ва холислик тамойилларига асосланган ҳолда тизимли ўрганишни ташкил этиш, ҳозирги дунёда Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини чуқур ўрганиш ва яққол очиб бериш, илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва чоп этиш ишларини мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича илмий, ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастурлари мониторингини олиб бориш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот, ўқув-методик ишларнинг сифатини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, Ўзбекистон тарихи бўйича замонавий чет эл илмий ва ўқув адабиётларини ўрганишга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди. Шундан

сўнг бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш бир неча асосий йўналишларни қамраб олади.

Жумладан, бу борада биринчи навбатда “Мамлакатда мустақилликнинг қўлга киритилиши ва давлат тизимнинг такомиллаштирилиши”ни ўрганиш асосий масалалардан биридир. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бевосита мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш жараёни билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик арафасида бутун собиқ иттифоқда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам қизғин ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар юз бераётган эди. Қайта қуриш даврида бошланган ижтимоий фаоллик туфайли аҳоли турмуш шароитининг пастлиги, пахта яккаҳокимлиги, ижтимоий ҳимоялашдаги камчиликлар, халқ хўжалигидаги турғунлик, Орол муаммоси, қишлоқ хўжалигининг инқирози, экологик танглик, аҳолини ер ва уй-жой билан таъминлаш, ишсизлик каби жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар очиб ташланди. Шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларининг ислоҳотга муҳтожлиги маълум бўлди, адабиёт ва санъатда миллий тил ва мустақиллик масалалари кўтарила бошланди. Бир гуруҳ зиёлилар ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида” Қонун [5] қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу республикамизда халқ руҳини тиклаш, миллатни жипслаштириш ва уйғотиш учун катта туртки бўлиб хизмат қилди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши ва 1990 йил 20 июнда Мустақиллик Декларациясининг [6] қабул қилиниши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган улкан қадамлар бўлди. 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги [7] Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатнинг ҳуқуқий ва амалий мустақиллигини таъминлади.

Бироқ мустақил давлат ва янги жамиятни қуриш осон кечмади. Турли соҳаларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда кескин намоён бўлди ва бугун ўтиш даври деб номланаётган ҳолатни вужудга келтирди. Ўзбекистонда ўтиш даври қийинчиликлари ва муаммоларини босқичма-босқич, тадрижий босиб ўтишга қаратилган бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Бу эса ўз навбатида, *“Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” ҳамда “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар: асосий йўналишлар ва натижалар”* мавзуларини Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг асосий йўналишларидан бири сифатида ўрганишга туртки бўлади. Чунки, фуқароларнинг сиёсий онгини ривожлантириш, сайлов қонунчилигини ва тизимини такомиллаштириш, кўппартиявийлик, фикрлар хилма хиллигини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни қайта тиклаш ва либераллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш асосида мамлакатда кенг ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар самараси натижасида мамлакат тараққиётининг миллий модели шаклланиб, такомиллашиб борди.

Ўзбекистонда ижтимоий-демографик жараёнлар ҳамда этник ва конфессиялараро муносабатлар - Ўзбекистоннинг энг янги тарихи контекстида ўрганилиши зарур бўлган асосий йўналишлардан биридир. Демқочимизки, мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди[8]. Шунинг билан бирга мамлакат ижтимоий сиёсий ҳаётида тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, диний-маърифий соҳага муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу борада яратилга кенг имконият ва шароитлар асосида Ўзбекистонда жами 2276 та диний ташкилот ва 16 та диний конфессия фаолият юритиб келмоқда. Шулардан 2093 таси мусулмон ташкилоти, 166 та христиан ташкилоти, 8 та яҳудий жамоаси, 6 та Бахоийлик жамияти, 1 та кришначилар жамияти ва 1 та будда ибодатхонаси, шунингдек, Ўзбекистон конфессияларараро Библия жамияти ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ислом академияси ва Тошкент Ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро Ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Мустақиллик йилларида 308 минг нафар мусулмон Саудия Арабистонига зиёрат учун борган бўлса, шулардан 130 минг киши «Ҳаж», 178 минг киши эса «Умра» амалини бажаришга муваффақ бўлган. 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон фуқаролари учун «Умра» зиёратлари квотаси бекор қилинди. 2018 йилдан бошлаб “Умра” сафари квотаси 6 000 дан 10 000 га оширилди. Бугунги кунга келиб “Умра” қилувчи фуқаролар сони 30 000 га етди, “Ҳаж” эса 5000 дан 7,200 га кўпайди. Мамлакатда диний-маърифий соҳага берилаётган эътибор натижасида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳадис ва калом мактабларини ташкил этилди. Шунингдек,

нуфузли ислом уламо ва алломаларининг таваллуд айёмлари республика ва халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида *таълим, илм-фан, спорт маънавий-маданий ривожланиши ҳамда ёшлар сиёсати* муҳим йўналишлардан биридир. Таълим, ёшларга оид давлат сиёсати соҳаларида Ўзбекистонда босқичли ва тизимли таълим ислоҳотлари амалга оширилди. Бироқ кейинги жараёнларда бир қатор камчиликлар ва муаммолар ҳам кўзга ташлана бошлади. Бу муаммоларни батараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш борасида бир қатор муҳим вазифалар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон тарихида илк маротаба Мактабгаа таълим вазирлиги ташкил этилди. Президент мактаблари, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб, “Астрономия ва аэронавтика” боғи, Астрономия институти қошида математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати кабилар ташкил этилди. Янги йўналишдаги олий таълим муассасалари, хорижий олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилди. Мамлакатда таълим ислоҳотлари орқали янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мақсади илгари сурилди.

Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожаланиб борди. Республикада янги саноат объектлари ва марказлари бунёд этилди. Аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича маҳаллий ва халқаро даражадаги лойиҳалар амалга оширилди. Бироқ ҳудуднинг экологик фожеаси нафақат минтақа балки, бутун сайёрага таъсир этиши мутахассислар томонидан таъкидланди. Шунга асосан, Қорақалпоғистон ва Орол бўйи ҳудуди экологик вазиятини янада яхшилаш бўйича қатор халқаро даражадаги тадбирлар амалга оширилди. Шунга асосан, таъкидлаш керакки, “*Қорақалпоғистон Республикаси*”нинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг ажралмас бир қисми сифатида тадқиқ этишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва икки ва кўптомонлама муносабатларининг ривожланиши Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги тадқиқот талаб муҳим мазвзулардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатдаги асосий мақсади давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларини ҳимоялаш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни қарор топтириш, мамлакатнинг изчил ривожланиши учун қулай ташқи сиёсий шароитларни шакллантириш, ўз халқаро обрўсини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Давлат мустақиллиги эълон қилингач, Ўзбекистон Республикаси изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган мустақил ташқи сиёсий фаолиятни ташкил этиш ҳамда уни изчил олиб боришнинг мантиқли тизимини шакллантирди: Ташқи ишлар вазирлиги янгидан тузилди [9], 1991 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 1992 йил 25 майда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарорлари[10] қабул қилинди. Мамлакат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конститутиясида асосий ҳужжат сифатида мустаҳкмлаб қўйилди. Хусусан, Республика Конституциясининг 17-моддасида қайд қилинишича, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади [11]. Ўзбекистон Россия, Хитой, АҚШ, ЕИ, Германия, Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва бошқа етакчи мамлакатлар, шунингдек, минтақа давлатлари билан икки томонлама, БМТ, МДҲ, ЕҲҲТ, НАТО, ЮНЕСКО, ШҲТ, Халқаро Валюта фонди, ОТБ каби халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш жаҳон хўжалигига кириш, дунё бозорларига чиқиш имкониятларини юзага чиқарди. Жаҳон мамлакатлари ва йирик ташкилотлар билан ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги конструктив ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро нуфузининг ортишига хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4926-сонли Қарорида[12] Ўзбекистон Республикаси давлат

мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлимизни сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа – Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шунга асосан Ўзбекистоннинг энг янги тарихи илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва ёритиб бериш бир қатор илмий муаммоларни ҳал қилишни ҳам тақоза этади.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини даврлаштириш борасида бир неча ёндашувлар мавжуд. Жумладан, кўплаб илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда манбаларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан, айрим қарашларга асосан эса бу масала “Мустақиллик Декларацияси” нинг қабул қилиниши билан боғланган. Бошқа бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланишини мустақиллик сари ҳаракат учун асос деб ҳисоблаб, шу санани энг янги тарихнинг бошланиши сифатида қарашади. Ўзбекистонда 2016 йилдан сўнг барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳот ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакат энг янги тарихини даврлаштириш масаласида ҳам ўз аксини берди. Жумладан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини даврлаштиришда икки яъни мавзувий ва хронологик даврлаштириш тенденция кузатилмоқда. Унга ассоан айрим тадқиқочилар фикрича, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини 1991-2016 йиллар, иккинчи даврини эса 2017 йилдан хронологик асаонда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар фикрича эса бу масалага мавзувий ёндашиш муҳим. Бизнингча, бу борада, жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш, XX асрда мустақилликка эришган Осиё мамлакатлари олимларининг илмий қарашларини ўрганган ҳолда яхлит фикрни илгари суриш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш даври тарихини илмий таҳлил ва тадқиқ этиш бу масалани янада ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини умумжаҳон тарихи билан боғлиқ равишда, глобал тенденцияларни инобатга олган ҳолда ўрганиш лозим. Чунки, XX асрнинг 90-йилларида жаҳон тарихи учун ҳам муҳим бўлган воқеа ва ҳодисалар юз берди. Варшава Шартномаси блокининг тугатилиши, ССРнинг парчаланиши, Германиянинг бирлашуви, Афғонистондан совет қўшинларининг олиб чиқилиши, Ироқ ва Югославиядаги воқеалар, фан ва техника кашфиётлари, халқаро муносабатларда илиқликнинг вужудга келиши каби жараёнлар шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон тарихининг ажралмас қисми сифатида шу жараёнлар билан боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил қилиш лозим бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш жараёни тарихини фанлараро ёндашув асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга масалалардан биридир. Мураккаб даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий қиёфасини ёритиб беришда тарихчи, иқтисодчи, сиёсатшунос, жамиятшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, санъатшунос ва бошқа гуманитар соҳа олимларининг имкониятларини бирлаштириш ва ишга солиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мустақилликка эришиш тарихини Ўзбекистоннинг энг янги тарихи контекстида ёритиб берувчи маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллар манбаини янада бойитишга хизмат қилади ва давр тарихини батафсил ҳамда ҳаққоний кўрсатиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва мустақилликнинг дастлабки йиллари тарихи бўйича хорижий адабиётларни ўрганиш ва уларда ёритиб берилган масалаларни таҳлил қилиш ҳам давр тарихини объектив кўрсатиб бериш учун жуда муҳим. Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи нуфузли хорижий илмий марказларда минтақанинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари ёритилган илмий мақолалар, китоблар ва турли нашрлар чоп этилмоқда. Уларда билдирилган фикр ва қарашларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишга ёрдам беради. Бу ўз навбатида мамлакатнинг ташқи имиджини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва энг янги тарихи бўйича янги авлод адабиётларини янада кўпроқ яратиш, ўқувчи-ёшлар, талабалар ҳамда кенг халқ оммасига мамлакатимизда кечаётган тарихий ўзгаришлар ва модернизация жараёнларининг моҳиятини тушунтириш, илмий ва илмий-оммабоп тарзда очиб бериш вазифаси қўйилмоқда. Бу ҳозирги глобаллашув даврида давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тушунишда, мамлакатимизда инсон омилини янада ривожлантириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини англашда ёшларимизга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон мустақиллиги – Ўзбекистон халқларининг XX аср сўнггида қўлга киритган муҳим тарихий ғалабаси бўлди. Миллий давлатчиликнинг қайта тикланиши ва ривожланиши халқаро

ҳамжамият билан ҳамкорликни ўрнатишга олиб келди. Жаҳон тажрибасини кенг ўрганиш асосида Ўзбекистонда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб борилди. Ислоҳотлар миллий тикланиш ва тараққиёт учун асос бўлди.

Мамлакат иқтисодиётини тиклаш, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллигини юксалтириш халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқли алоқаларни олиб бориш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, замонавий фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш асосида барқарор ривожланиб бораётган демократик Ўзбекистон давлати бапро этилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган институционал ўзгаришлар давлат ва жамият ҳаётидаги янгиланишлар, муаммо ва камчиликлар, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, халқаро муносабатлар каби барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ташкил қилади. Ўзбекистонннинг энг янги тарихини комплекс равишда тизимли ўрганиш мамлакатнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шунга асосан, бизнингча, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича миллий мактабни шакллантириш ва ривожлантириш, уни ўрганиш ва ўқитиш борасида илм-фан интеграциясини чуқурлаштириш, кенг халқаро тажриба асосида янги авлод ва интерактив дарсликлар, ўқув адабиётларини яратиш, соҳа бўйича илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида ОАК талаблари асосида соҳага оид янги ихтисослик очиш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рахимов М. Новейшая история Узбекистана в системе взаимосвязи регионаньных и глобалных проссов // Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии. – Москва. ИВ РАН. 2018. – С. 88.
2. Абдуллаев Р. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг айрим долзарб масалалари // Ўзбекистон тарихи. 2016. №2. –Б.79.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/2228
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июньдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № 3105-сон Қарори.
5. https://www.lex.uz/acts/109394
6. Совет Ўзбекистони. 1990 йил 22 июнь.
7. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991 йил, №9. –Б.4.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги Қарори. Янги Ўзбекистон. 2020 йил 18 декабрь.
9. Ўзбекистонда дастлаб 1944 йилда Ўзбекистон ССРТашқи ишлар Халқ комиссарлиги ташкил этилган.
10. Ушбу ҳужжатлар соҳа фаолиятининг такомиллаштирилиши асосида янги ҳужжатлар қабул қилиниб, амалда ўз кучини йўқотган.
11. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 17.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги Қарори. Янги Ўзбекистон. 2020 йил 18 декабрь.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА НОИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР

Ж.Мавлонов, сиёсий фанлар доктори (DSc),
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар илмий методологик жиҳатдан таҳлил этилади. Мамлакатда оширилиши керак бўлган ислоҳотларнинг институционал ва ноинституционал жиҳатлари очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: ислоҳот, концептуал асос, Ҳаракатлар стратегияси, имплементация, «Электрон ҳукумат», институционал, ноинституционал.

Бугун мамлакатимиз ўз таррақиётининг янги тарихий босқичга қадам қўйган. Бу босқич замонавий ижтимоий-гумантар фанлар соҳасидаги вакиллари томонидан Янги Ўзбекистон номини олиб, у Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида диёримизда олиб борилаётган кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислоҳотларни амалга ошириш жараёни тушунилади.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг концептуал асосини Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда - Ҳаракатлар стратегияси)

ташкил этади[28]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги[29] ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[30] фармойишлари Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратган.

Ҳаркатлар стратегиясида қўйидаги бешта устувор йўналиш белгиланган:

давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида танқидий таҳлил, инновацион таррақиёт, инсон манфаатлари, электрон ҳукумат, ҳалқ билан мулоқот, виртуал қабулхона, йўл харитаси каби тушунчалар янги методологик аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ислоҳотларни ҳаётга жорий қилишда инсон манфаатларнинг устунлиги, давлат органларининг ҳалққа ҳизмат қилиш лозимлиги, давлат бошқарувининг номарказлашуви, миллий таррақиётдан миллий юксалиш каби янги методологик тамойиллар фанга жорий этилган.

Ҳаракатлар стратегия мазмунининг методологик таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатда оширилиши керак бўлган ислоҳотларнинг институционал ва ноинституционал жиҳатлари мавжуд.

Институционал ислоҳотлар деганда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизимини ҳаракатга келтирувчи муассасаса ва ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишига қаратилган ислоҳотлар тушунилади. Бу жараён амалиётга янги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жорий этиш орқали сиёсий-ижтимоий институтлар фаолиятинини ўзгартириш билан таъминланади. Масалан, Харакаталар стратегиясида мамлакатимиз парламенти, сиёсий партиялари, оммавий

[28]https://lex.uz/docs/3107036
[29]https://lex.uz/docs/3114480
[30]https://lex.uz/docs/3307879

ахборот воситалари, суд-ҳуқуқ тизими муассасаларини таркибий ўзгартириш орқали уларни модернизация ва демократизациялаш назарда тутилган.

Институтицонал ўзгаришларнинг негизида жамият хаётида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш, ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасини миллий қонунчиликка имплементациясини таъминлаш, жамиятни тизимли бошқариш каби масалалар ётади. Бугунги кунда институционал ўзгаришларнинг самарасини аниқлаш учун турли методикалар қўлланилади. Жумладан, бошқарув институтларининг самарадорлик меъзонлари ишлаб чиқилади, индекс ва рейтинглар шакллантирилади, ички ва ташқи мониторинг тадбирлари ўтказилади.

Лекин амалий тажриба шуни кўрсатадики, ислоҳотлар фақат бошқарув муассаса ва ташкилотлар тузилмавий ва функционал ваколатларининг ўзгариши билан керакли самара бермайди. Чунки институтларнинг фаолиятини инсон бошқаради ва унинг хатти-ҳаракатларидан самарадорлигини оширишда у ёки бу институтлар таркибидаги муносабатлар ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Шундай муносабатлар ислоҳотларнинг ноинституционал томонини ташкил этади.

Ноинституционал ўзгаришлар деганда давлат ҳизматчиларининг ўз вазифасини бажариш, мамлакат аҳолисининг ислоҳотларга бўлган муносабатлар, уларнининг қўллаб-қувватланиш даражаси, сиёсий-ҳуқуқий онг ва таффакурнинг ривожлантириш орқали ислоҳотлар мақсад ва вазифаларини тўғри англаши ҳамда келажак учун масъулиятини белгилайдиган омилларни тушуниш мумкин.

Сир эмас, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг нафақат оддий фуқаро, балки айрим раҳбарлар ҳам тўғри тушунмайди. Натижада йиллаб йиғилган ва ҳалқ дардига айланган ҳаётий муаммолар ечимсиз қолиб кетмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент Виртуал ва Ҳалқ қабулхоналарига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар бунинг яққол далилидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий тарихни ўрганиш жараёнида тадқиқотчи-олимлар ислоҳотларнинг нафақат институционал, кўришимиз мумкин бўлган томонини, балки ноинституционал, яъни инсон тафаккури, онги, маданияти билан боғлиқ жиҳатларини инобатга олиш жуда муҳим. Бундай жиҳатлар аҳамияти глобаллашув шароитида узининг долзарблиги нафақат йўқотмаслигини, балки оширишини ҳаётимиз кўрсатиб келмоқда. Бу борада гуманитар фанлар вакиллари олдида бир қатор муҳим вазифалар мавжуд. Уларнинг бажарилиши мамлакатимиз келажаги билан бевосита боғлиқдир.

КИШИЛИК ТАРИХИНИ ФОРМАЦИЯ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ДАВРЛАШТИРИШ

Ж.Я.Яхшиликов, Самарқанд давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори

Аннотация

Мақолада кишилик тарихининг формацион ва цивилизацион даврлаштириш муаммолари, ижтимоий замон, ижтимоий макон ҳамда ижтимоий формация масаллари методологик тамойиллар асосида ўрганилган ва илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тарих қонуният, ижтимоий макон, жамият ядроси, формация, қулдорлик, феодалистик, маданий борлиқ, цивилизацион ёндошув, локал цивилизация, тарихий билим.

Илмий адабиётларда ижтимоий макон ва замон масалалари баҳсли ҳисобланади[1:224]. “Тарих фанидаги қонуниятлар билан, - дейди тадқиқотчи Д.А.Алимова, - узвий боғланган яна бир жиҳат тарихни даврлаштириш ва тарихий замон категориялари масалаларидир”[2:107-108]. Кишилик тарихида формацион ва цивилизацион ёндошишлар, аслида даврлаштиришнинг кўринишларидир. Эътибор макон ва замон тушунчаларига қаратилганда, макон ва замон моддий борлиқнинг мавжудлик шаклларини ифодалайдиган фалсафий-физик тушунча сифатида гавдаланади. Ижтимоий макон ва замон тушунчалари эса бу фалсафий-физик тушунчаларнинг кишилик тарихига нисбатан кўринишларидир. Ижтимоий макон ва замон ижтимоий алоқадорликлар структурасини ифодалайди. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, ижтимоий маконнинг метрик ва топологик хусусиятлари, жамият ядроси – маданий борлиқнинг кўламига боғлиқдир. Ижтимоий замоннинг хусусиятлари эски маданий борлиқнинг ривожланиш темпига боғлиқ бўлади. Ижтимоий макон кишилик жамияти ва конкрет халқларнинг муайян географик муҳитда мослашганлиги билан хусусиятланса, ижтимоий замон эса, биринчидан, кишилик жамиятининг ибтидоий ҳолатидан то ҳозирги кунгача бўлган даврларини, иккинчидан, формоцион даврларни, учинчидан, ижтимоий формациялар ичидаги цивилизацион даврларни ва тўртинчидан, цивилизациялар ичидаги конкрет йилларни қамраб олади[3:185]. Тарихни материалистик тушунишнинг пировард мақсади – тарихга

формацион ёндошиш эди. Хўш, “формация” сўзи нимани англатади? “Формация” сўзи “шакл”, яъни “форма” деган маънони беради. Бу тушунчани К.Маркс геология фанидан олиб ишлатган[4:435;9]. “Ижтимоий” сўзи эса жамиятга хос, деган маънони англатади.

К.Маркс бешта ишлаб чиқариш усули - ибтидоий, қулдорлик, феодал, капиталистик ва коммунистик тартибдаги ишлаб чиқариш усуллари ўрнига “иқтисодий” сўзини ишлатган. К.Маркс бешта ишлаб чиқариш усули асосида кишилик тарихида Ф.Энгльс билан биргаликда бешта ижтимоий-иқтисодий формациялар мавжудлигини ишлаб чиққан. Шу тариқа “ижтимоий-иқтисодий формация” сўзи илмий муомилага киритилган[5:557]. Ва шунга боғлиқ ҳолда аввал сиёсий, сўнгра масалан, СССРда “жамоалаштириш” каби машъум жараёнлар бошланган.

Бешта ишлаб чиқарилган усули ва бешта ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотлар - тарих фани кишилик тарихини даврлаштиришда ушбу ижтимоий – фалсафий методология билан қуролланган эди. Лекин, “Ватан тарихшунослигида, -дейди В.Н.Сыров, -қабул қилинган бешта ижтимоий-иқтисодий формация назарияси кўплаб фактларни, хусусан, Европа бўлмаган жамиятлар тарихида, қониқарли тушунтириш ҳолатини бермайди”[6:13-14]. Бугунги кунда коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги таълимот кучли танқидга учради. Жумладан, СССР парчаланди ва унинг ҳудудида юзага келган 15 та мустақил давлатлар бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга киришди[7:8]. Лекин ҳозирги кунда бешта мамлакат – Хитой, Вьетнам, Шимолий Корея, Лаос ва Кубада асосий сектор социалистик давлат мулкчилиги ҳисобланади [8:335].

Хўш, унда биз жамиятнинг қайси формасини қуриш учун кетаяпмиз? Бу масала очиқлигича қолмоқда. Демократия манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилишидир. Биз ана шу позициядан туриб мустақил Ўзбекистонда қурилаётган жамиятимизни демократик фуқаролик жамияти деймиз[9:8-9]. Ҳозирги кунда тарих фанида кишилик тарихини даврлаштириш қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, янги давр тарихи ва энг янги давр тарихи тарзида хронологик услубда олиб борилади. “Формация” масаласида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ибратлидир: “тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашинаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий хавфсизликка, фуқаролар тинчлигига ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади”[10:211].

Демак, “ижтимоий-иқтисодий формация” сўзидан “иқтисодий” терминни олиб ташлаб “ижтимоий формация” деб фойдаланиш объективликка мос келади. Чунки ҳар бир индивид-инсоннинг болаликдан то кексаликкача бўлган даврларда шакллари ўзгариб боргани сингари, жамиятнинг илк даври формаси, ўрта аср даври формаси, янги давр ва энг янги давр формалари мавжуддир. “Ибтидоий – ижтимоий формация”, “қулдорлик ижтимоий формация”, “феодал ижтимоий формация” ва “капиталистик ижтимоий формация” терминлари қадимги, ўрта асрлар ва янги давр тарихларини ифодалайди. Бу ҳолат кишилик тарихи ижтимоий формациялардан, ижтимоий формациялар цивилизациялардан, цивилизациялар эса тарихий даврлардан ташкил топган, деган фикрни тасдиқлайди. Кишилик тарихи ядроси – маданий борлиққа умумий, хусусий ва алоҳида томонлар мавжуд. “Маданий борлиқ, кишилик тарихининг асоси, деган дастуруламал қоида унинг умумий томонини акс эттиради. Қадимги ва ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларнинг ҳар бирига хос хусусий томонлар яъни, ҳар бир ижтимоий формацияга хос томонлар бугунги кунда очиқлигича қолмоқда. Бунда ҳар бир катта ҳажмдаги тарихий даврлар, ижтимоий формацияларга хос ишлаб чиқариш усуллари формацион маданий борлиқнинг томонларидан бири сифатида амал қилади. Маданий борлиқнинг алоҳида томонлари – типлари эса цивилизацияларни шакллантиради. “Ҳозирги замон илмий адабиётларда, - дейди Ҳ.В.Воҳидов, - формацион ёндошув аста-секин ўз ўрнини цивилизацион ёндошишга бўшатиб бермоқда, чунки бу ёндошув ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ вазифаларига мосдир, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради...”[11:8]. Тарихни диалектик маданий тушунишнинг пировард мақсади – цивилизацион ёндошишдир. “Цивилизация” лотинчадан фуқароликка ва давлатга оид, деган маъноларни беради. Бу тушунча этимологик жиҳатдан ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакат маъносини беради. Чунки фуқаролик давлатсиз, давлат эса фуқароларсиз бўлиши мумкин эмас.

Илмий адабиётларда цивилизациянинг маъно-мазмуни тўғрисида бир хил фикрга келинмаган. С.Э.Крапивеский бу ҳақда шундай ёзган: “Цивилизация” терминг ўзи (лотинчадан civil – фуқароликка оид, давлатга оид, ҳозирча бир хил талқинга эга эмас. У жаҳон тарихий ва фалсафий, шу жумладан, футурологик) адабиётларда қуйдаги маъноларда ишлатилмоқда:

1. Маданиятнинг синоними сифатида. Масалан, А.Тойнби ва тарих шунослик ва фалсафадаги англо-саксон мактабларининг бошқа намояндалари А.Тойнби маданиятининг умумий, бир хил тарихий типлари мавжуд бўлганлигини илгари суриб, бир-бирлари билан боғланмаган

локал цивилизациялар мавжудлигини ҳисоблаб чиқди. У аввал 21 та цивилизация, сўнгра уларни қисқартириб 13 та цивилизациялар мавжудлигини санаб кўрсатади. Унинг фикрича, “ижодкор озчилик” цивилизацияларининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

2. Локал маданиятлар ривожланишининг муайян босқичлари, хусусан, уларнинг таназзули ва пасайиши сифатида. Ўз вақтида машҳур бўлган О.Шпенглернинг “Европанинг сўниши” китобини эслайлик. О.Шпенглер бир бутун жаҳон маданияти йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деган ғоя асосида саккизта – Миср, Ҳинд, Вавилон, Хитой, Грек-Рим, Византия-Араб, Ғарбий Европа ва Майя цивилизациялари тўғрисидаги фикр юритади.

3. Инсоният тарихий ривожланишининг ёввойиликдан кейинги босқичи. Биз цивилизацияни шундай тушунишни Л.Морган, ундан кейин Ф.Энгельсда, бугунги кунда А.Тоффлерда учратамиз.

4. У ёки бу ҳудуд ёки алоҳида этнос ривожланишининг даражаси (босқичи) сифатида. Бу маънода антик цивилизация, инклар цивилизацияси ва шунга ўхшашлар ҳақидаги гапиришади. Биз бу тушунишлар бир ҳолатда аҳамиятли даражада касб этиш ва бир-бирини тўлдиришини, бошқа ҳолатларда ўзаро инкор қилувчи ҳисобланишларни кўрамиз”.[12:164]

Биз ушбу фикрларга қўшимча қилиб айтамизки, Ерликларга нисбатан “ўзга цивилизациялар” термини ишлатилади. Шунингдек, муайян омиллар асосида умумийликка эга бўлган мамлакатлар ҳам мавжуд. Масалан, христиан ёки ислом цивилизациялари, ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларни қиёслаймиз. “Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг, дейди С.И.Попов, - кўп мамалакатларни ўз ичига оладиган ғарбий цивилизацияни суперцивилизация деб аташ мумкин. Бу концепцияга мувофиқ, “Ғарб” бутунлай бошқача цивилизация сифатидаги “Шарқ”қа қарши қўйилади. Баъзи мутафаккир ва шоирлар Ғарб ва Шарқнинг ўзига хосликларини абсолютлаштириб, уларнинг маънавий ҳаётларининг мувофиқлашмасликларига, тўлиқ “ўтказиб бўлмасликлари”га қатъий ишонадилар”[13:275].

Даврий жиҳатдан қадимги давр ёки ўрта асрлар цивилизацияларини таҳлил қилайлик. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов бу ҳақида шундай деган эди: “Улкан маданий мерос маскани бўлган заминимизда кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан-авлодга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради”.[14:144] Демак, И.А.Каримов цивилизацияни этимологик маъносида, яъни, ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакат маъносида ишлатган. Аммо “мамлакат” тушунчаси ижтимоий фалсафа ёки тарих назариясида категория сифатида ишлаб чиқарилмаган. Жумладан, “мамлакат, - дейди В.Д.Панков, - қайсики кишиларнинг этномаданий бирлигининг маконий авж олиши босқичи реализация қилинган экан, “фуқаролик жамияти - давлат” муносабатлари орқали қарор топувчи ўзининг ижтимоий маконий умумийлигини қанчалик ифода қилган бўлмасин, махсус тарихий реаллик сифатида ижтимоий-фалсафий тушунчалар аппарати мавжудлигида ўзининг айнан аксини топган эмас”.[15:10]

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики “Фуқаролик жамияти - давлат” мамлакат доирасида юз беради. “Фуқаролик жамияти, - дейди Г.Ф.В.Гегель, - оила ва жамият ўртасида юзага келган бўлинишдир, фуқаролик жамиятининг ривожини давлат ривожланишига нисбатан кейинроқ кириб келса-да, у бўлиниш сифатида мавжуд бўлиши учун давлат мавжудлигини тақозо этади. ...қачонки давлат ҳар хил шахсларнинг бирлиги сифатида ифодаланар экан, у бирлик сифатида фақат умумийликдирки, бу билан фақат муайян фуқаролик жамияти тушунилади”[16:211]. Француз олими Ф.Бродель ва М.Гефтерлар “мамлакат-цивилизация” тўғрисидаги ғояларни илгари суришган[17:465]. И.Артемов ҳам шу фикрга қўшилган[18:115]. Ушбу ғояларга таянган ҳолда В.Ф.Шаповалов ҳам “Россия цивилизация сифатида” номли таълимотини ишлаб чиқди[19:511-530]. Бунда ҳозирги Россия цивилизациясининг табиий географик ресурсларини, этник ва демографик тузилишини, Россиядаги қишлоқ хўжалиги хусусиятларини, техника ва фанни, сиёсий тизимни, социал-синфий тузилишни, санъат ва динни, жамият ва шахс муносабатларини ва Россиянинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнини ҳисобга олган[20:519]. Нафақат бу, балки шу билан бирга Пётр даври ислоҳатларидан то ҳозирги кунга бўлган эволюциясини ҳам ҳисобга олган[21:514].

Худди шундай, Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимги даврда Қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд номли мустақил цивилизациялар, Аҳамонийлар, Салавкийлар, Грек-Бақтрия мустамлака – цивилизациялар, Парфия, Фарғона (Довон), Кушонлар ва Қанғ цивилизациялари, ўрта асрларда Эфталитлар, Турк Хоқонлиги, Араб халифалиги, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Чиғатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар цивилизациялари, жаҳон тарихи хронологияси бўйича қараладиган бўлса, янги даврда мустамлака ўлка – Туркистон генерал-губернаторлиги ва Ўзбекистон ССР цивилизациялари мавжуд бўлган. 1991 йил 31 августдан бошлаб мустақил Ўзбекистон цивилизацияси бошланди. Юқорида С.Э.Крапивенский таъкидлаган цивилизация тўғрисидаги биринчи концепцияга эътибор берайлик.

Унда цивилизация маданият билан айнанлаштирилган. В.К.Карнаух бу фикрларга эътироз билдириб шундай дейди: “Агар, маданият кишилик жамияти билан бирга юзага келган бўлса, цивилизация эса унинг ривожланишининг муайян босқичида пайдо бўлди”[22:31].

Демак, кишилик тарихининг асосини маданий борлиқ ташкил этар экан, унинг муайян тарихий босқичлари бир бутунлиги ила цивилизациялар яъни, ўз муайян тарихий макон ва замондаги фуқароси ва давлатига эга бўлган фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Тарих фанида тарихий реконструкция асосий зарурий масалаларидан ҳисобланади. Тарихни “назарий қайта тиклаш, - дейди Т.М.Ларина, - конкрет, локал макон ва замондаги тарихий жараёнларни қайта кўриб чиқишга йўналтирилган. ...тарихий қайта тиклашда муҳим ўрин тарихий қонунларга тегишлидир. Қонун ёрдамида назарий ва эмпирик қайта тиклаш амалга ошади”[23:18-19]. Кишилик тарихи цивилизациялар тарихидан иборат. Шундай экан, “бир цивилизациядан иккинчи цивилизацияга ўтиш биринчи типдаги яъни, биринчи цивилизациянинг негизини ташкил этувчи маданий борлиқнинг иккинчи цивилизациянинг негзини ташкил этувчи маданий борлиққа ўсиб ўтиш орқали юз беради. ...янги типдаги маданий борлиқни яратиш муайян тарихий давр – ўтмиш даврларини таъқазо қилади”[24:233-234].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кишилик тарихига формацион ва цивилизацион ёндошиш, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асосини маданий борлиқ ташкил этиши ҳамда унинг негизида келиб чиқадиган қонуниятлар тўғрисидаги қоидаларга таяниш ва тарихий ҳақиқатларни билишда ёрдам беради. Кишилик тарихига формацион ёндошиш кишилик тарихини хронологик тарзда қадимги ва ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларга бўлиш билан муайян даражада мос келади. Аммо тарих ва бошқа ижтимоий фанлар олдидаги вазифалардан бири кишилик тарихининг демократик фуқаролик жамияти формасини ойдинлаштиришдир. Кишилик тарихини цивилизацион ёндошиш эса кишилик тарихини билишни янада осонлаштиради. Тарихни диалектик маданий тушунишнинг пировард мақсади – цивилизацион ёндошишдир. Формацион ёндошув аста-секин ўз ўрнини цивилизацион ёндошишга бўшатиб бермоқда, чунки бундай ёндошув ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ вазифаларига мос бўлиб, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Периодизация всемирной истории. –Казань, 1984. С. 224.
2. Алимова Д. Тарих фани методологияси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари илмий жамияти” нашриёти, 2018.107-108-бетлар.
3. Абдухаликов С. Виждон эркинлиги: методология муаммолари. –Т.: “Фан”, 1997. 185-бет.
4. Маркс К. Луи Бонапартнинг 18-брюмери. // К.Маркс ва Ф.Энгельс. Танланган асарлар. 1-том. –Т.: “Ўзбекистон”, 1980. 435-бет; Теория общественно - экономическая формация. –М.: “Наука” 1983. С. 9.
5. Маркс К. Сиёсий иқтисод танқидига доир. Сўз боши. // К.Маркс ва Ф.Энгельс. Танланган асарлар. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”, 1980. 557-бет.
6. Сыров В.Н. Способы концептуализации всемирной истории и их эволюция. Автореф. дисс. ….канд.филос.наук. –Томск, 1989. 13-14-бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992. 8-бет.
8. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. –Т.: “Наврўз”, 2005. 335-бет.
9. Абдухаликов С.О. Демократия ва фуқаролик жамияти диалектикаси. // “Конститутция ва фуқаролик жамияти” мавзусидаги илмий-назарий конференция тезислари тўплами (2006 йил 25 ноябрь). –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. 8-9-бетлар.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 211-бет.
11. Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси. // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003, 8-бет.
12. Крапивенский С.Э. Социалная философия: учебник для студентов вузов. –М.: Гуманит. Изд. Центр ВААДОС, 1998. С. 164.
13. Попов С.И. Глава IX. №1. Теория цивилизации. // Философия. Часть втарая: Основые проблемы философии: Учебное пособие для вузов. –М.: “Юристь”, 2003. С. 275.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон” 1995. 144-бет.
15. Понков В.Д. Страна как звено исторического прецесса. Автореф.дисс. ...канд.филос.наук. – Ростов н/Дон, 1990. С. 10.
16. Гегель Г. Философия права. Том 7. – М.: СОЦЭКГИЗ, 1934. С 211.
17. Бродель Ф. Что такое Франция. -М, 1995. С. 7; Гефтер М. Из тех и этих лет. –М, 1991. С. 465.
18. Артемов И. Россия: империя и цвилизация. // Неизбежность империи. – М, 1996. С. 115.

19. Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. –М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. С. 511-530.
20. Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. –М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. С. 519.
21. Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. –М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. С. 514.
22. Карнаух В.К. Понятие цивилизации. Автореф. дисс. ...конд.филос.наук. –Ленинград, 1985. С. 31.
23. Ларина Т.М. Методологические проблемы исторической рекострукции. Автореф. ...канд.филос.наук. – Саратов, 1984. С. 18-19.
24. Абдухаликов С. Виждон эркинлиги: методология муаммолари. –Т.: “Фан”, 1997. 233-234-бетлар.

ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР
(тарих фани мисолида)

Н.О.Сафарова, фалсафа фанлар доктори, профессор,
Навоий давлат педагогика институти

Аннотация

Ушбу мақолада илмий маънавий мерос замонавий методология асосида ижтимоий-гуманитар фанлар орқали хусусан, фалсафа, тарих, манбашунослик, этнография, адабиёт, фольклор ва шу каби фанлараро тадқиқотлар жараёнида муҳим методологик муаммо сифатида тарихий аспектда ёритилган. Замонавий тараққиёт жараёнида тарихий билим, маънавий тарбия, илмий тафаккур жамият тараққиётининг муҳим маданий, хам маърифий субстанцияси ва келажакни белгиловчи омил эканлиги ҳамда бу ҳолат ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор ва уларни замон талаблари доирасида таҳсил бериш ва методологиясини яратиш муҳим парадигмал аҳамият касб этиши асосланган.

Калит сўзлар: маънавий таназзул, маърифий субстанция, рақамли маданият, таҳлилий қобилият, информацион жамият.

Олий таълим жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида фаолият олиб борувчи ижтимоий институт сифатида шу жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ва жараёнларга ўз вақтида муносабат билдиради, чунки, Президентимиз таъкидлаганидек, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ривожланиш даражасини, унинг истиқболларини таъминлашда юқори малакали мутахассислар, илм-фан вакиллари етакчи омиллардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлиб ўтган учрашувда илм-фаннинг мамлакат ривожидаги аҳамиятини “Илмни, тарбияни тўғри ҳал қилсак, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар ўзлари ривожлантиради”сўзлари билан алоҳида таъкидлаган эди.

Олий таълим муассасалари ўз фаолиятини ҳозирги жамиятда муваффақиятли амалга оширишлари учун таълим хизматлари бозорида ва меҳнат бозоридаги содир бўлаётган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдиришга лаёқатли бўлишлари, тез ўзгариб бораётган шароитларга мослаша олишлари, шунингдек, таълимда янада янги, самарали ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштиришлари лозим. Ҳар қандай замонавий тараққиёт жараёнида тарихий билим, маънавий тарбия, илмий тафаккур жамият тараққиётининг муҳим маданий, хам маърифий субстанцияси ва келажагини белгиловчи стратегиядир. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор ва уларни замон талаблари доирасида таҳсил бериш ва методологиясини яратиш муҳим парадигмал аҳамият касб этувчи долзарб муаммолардан биридир.

Зотан, замонавий тараққиёт ракамли маданият, ракамли технология билан боғлиқ бўлиб, қадриятларнинг универсаллашувини юза келтирмоқда. Бу жараёнда турли минтақада яшовчи халқлар турмуш тарзининг бир хиллашувига олиб келмоқда. Кундалик ҳаётда эса, “Рақамли технология” муҳим ва доминант феноменга айланди. Онлайн форматдаги ҳаёт талаблари, жамиятга янгича муносабатни талаб этмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий жараёнларга кескин янгича талаблар кириб келмоқда. Рақамли маданият ҳаётимизнинг зарурий таркибий қисмига

айланди. Умумий маънода ахборотлашган дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви жараёни кучаймоқда. Бу ижобий ҳолат бўлиб, унинг натижасида одамларнинг тасаввур дунёси, онг ва тафаккури ўзгаради. Аммо шу билан бирга, у ёш авлоднинг маълум қисмида анъанавий қадриятдан, ахлоқ-одобдан узоқлашиш ҳолатларини вужудга келтиради. Интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги – янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда, шу билан бирга глобаллашув жараёнида вужудга келадиган маънавий-ахлоқий таназзул ана шундай муаммолардан биридир. Бундай шароитда ёшларни маънавий таназзулдан асраш учун биринчи галда ижтимоий гуманитар фанларнинг ўрни муҳим аҳамитя касб этади. Тарихий фанлар предмети доирасида:

- Жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ҳар қандай ҳодиса ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учунгина эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришини методологик жиҳатдан асослашга қодир.
- Инсоният учун қадрли бўлган, жамият тараққиёти учун ижобий таъсир этадиган, шахс маънавий камолотида зарур ҳисобланган воқеа ва ҳодисалар табиат ва жамият қонунлари доирасида илмий асосланади.
- Қадриятларнинг аҳамияти инсонларнинг унга бўлган муносабати асосида, глобаллашув жараёнида, айниқса, умумбашарий қадриятларнинг инсоният цивилизациясида тутган ўрнига юксак баҳо берилмоқда.
- Тарихий фанлар доирасида инсониятнинг тарихи ва мероси, барча халқларнинг манфаатлари асосида ташкил топган туташ маънавий ҳодисалар эканлиги ва бу қадриятлар дунёни жипслаштирувчи, аниқ мақсадлар йўлида курашга чорловчи, тамойиллар илмий –назарий ва методологтк жиҳатдан тизимли ўрганилади.

Сўнгги таҳлиллар шуни курсатдики ижтимоий гуманитар фанларга бўлган эъиборни янги бир ракурсга кўтариш лозим. Мавжуд дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг методологик таъминоти давр талабидаги шиддатли ўзгаришлар талабига жавоб бермайди. Дарсликдаги мавзуларни информацион жамият талаблари доирасида қайта кўриб чиқиб яратиш лозим. Бунда албатта рақамли маданият контекстида чуқур ўйланган ва тизимли ёндашилган фанлараро изланишлар асосида яратилиши лозим. Бевосита ижтимоий гуманитар фанларимиз предмети миллий ва умуминсоний қадриятларимиз талаблари доирасида бўлиши мақсадга мувофиқ.

- Ахборот оқими кенгайиб ва тезлашиб бораётган муҳитда миллий қадриятлар, азалий анъаналаримиз рақамли таълим тенденцияларига мос гуманитар фанлар предметида сингдирилиши мақсадга мувофиқ;
- Дарслик ва қўлланмалар мумтоз илмий методология билан бирга сўнги илмий кашфиётлар, илмий янгиликларнинг қиёсий таҳлили асосида академик аҳамиятга молик матнлар билан бойитилса соҳанинг методик таъминот тўғри йўналтирилган бўлади.
- Ёшларни маънавий таназзулдан асраш , ҳамда улар тарбиясида она-Ватанга садоқат, эл-юртга фойда келтириш ғояларини сингдиришда тарих фани ва унинг методологияси ўрни беқиёс.
- Олий таълимда фалсафий фанларни ўқитиш, муҳим методологик аҳамият касб этади. Чунки фалсафий фанлар ёрдамида мутахассисда илмийлик, таҳлилий қобилият, бошқарув маҳорати ва қарор қабул қилиш қобилияти каби зарур сифат ва хусусиятлар шакллантирилади. Шунингдек етук кадр деганда, мутахассис маданияти, ахлоқ одоби, интеллекти, зиёлилиги, акл фаросати тушунилади. Ушбу инсоний хусусиятлар ҳакида ўтмишда буюк бобокалонларимизнинг илмий маънавий меросда кўплаб маълумотлар борки, улар устида ҳали чуқур илмий- фалсафий тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Зотан мутафаккирларнинг қарашларида чуқур фалсафий мазмун, донолик, мантикий тафаккур ўз аскини топган. Биз ўзбек халқи мана шундай буюк авлод ворислари эканимизни унутмаслигимиз лозим.
- Маълумки, жаҳон илм фан цивилизациясига муҳим ўрин эгаллаган буюк бобокалонларимиз буюк мутафаккир, файласуф, олим деб тан олинган. Улар қолдирган илмий маънавий меросини замонавий методология асосида тизимли ўрганиш учун жтимоий гуманитар фанлар *(фалсафа, тарих, манбушунослик, этнография, адабиёт, фольклор ва х.к.)* доирасида фанлараро тадқиқотларни тизимли равишта амалга ошириш муҳим методологик муаммолардан бўлиб қолмоқда.

ЎРТА ОСИЁ ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБЛАРИДА ОҒЗАКИ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

З.А.Илҳомов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Низомий номидаги ТДПУ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўрта Осиёда тарихнавислик ва унда оғзаки тарих тадқиқотларининг қўлланилиши, унинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Ўрта аср тарихчиларининг ўз асарларида маълумотларни тўплаш ва ўз асарларига жалб қилиш жараёнларида оғзаки тарих тадқиқоти усулларини қўллаганликлари ва уларнинг илмийлик масалалари кўрсатиб берилади

Калит сўзлар: тарих, тарихшунослик, оғзаки тарих, тадқиқот, илмий қарашлар, ёндашувлар, назарий асослар, илмий асослар, тарих фани, манба.

Оғзаки тарих тарих фанининг нисбатан янги илмий йўналиши бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадаллик билан ривожлана бошлади. Замонавий тарих фанида оғзаки тарихга бир қатор таърифлар берилади, хусусан, оғзаки тарих илмий фан саналиб, унинг ёрдамида (ёки тадқиқот доирасида) оғзаки ахборот олиш орқали алоҳида шахсларнинг ўтмиш хақидаги субъектив қарашлари қайд этилади. Яна бошқа тушунчага кўра, оғзаки тарих воқеалар ва жараёнларнинг иштирокчилари ёки гувоҳларининг оғзаки ахборотларининг мутахассислар томонидан илмий жиҳатдан умумлаштирилишдир. Учинчи бир таърифга кўра, оғзаки тарих бу - бўлиб ўтган воқеалар иштирокчиларининг шахсий хотиралари ва тажрибаларини ўтмиш ҳақидаги маълумотларни қайд этиш ва сақлаб қўйиш мақсадида ташкилий методик жиҳатдан амалга ошириладиган илмий фаолиятдир [1.36-47]. Бошқа бир мутахассиснинг таъкидига кўра эса - "оғзаки тарих – воқеаларнинг иштирокчилари ва гувоҳларининг оғзаки ахборотини мутахассислар томонидан илмий асосда ташкил этилган қайд этилиш амалиётидир" [2].Бугунги кунда тарих фани ҳам барча соҳаларда бўлгани каби замон билан ҳамнафас тарзда тараққиётда давом этмоқда, айниқса, фаннинг тадқиқот соҳаларидаги янгиланишлар замонавий технологиялар имкониятларини тадқиқотлар мазмунига сингдирган ҳолда намоён бўлмоқда. Замонавий тарих фани аввалги барча даврлардан шуниси билан фарқ қиладики, ҳозирги кундаги тарих фани янги ахборот муҳитида тараққий этмоқда, бу ахборот муҳитидан тарих фани ўзи учун янги методлар, ёндашувлар ва ахборот технологияларининг чексиз имкониятларини ўзлаштирган ҳолда айни вақтда ўзи ҳам айни шу жараёнларнинг фанлараро ёндашув жиҳатларининг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда у ёки бу мавзуда тарих тадқиқотларини амалга ошириш эмас, балки илмий ижодий жамолар томонидан яратилган, йирик ва ишончли маълумотлар базалари билан текшириш имконияти мавжуд бўлган ишонарли, ҳақиқий, том маънодаги илмий тарихни яратиш биринчи ўринга кўтарилган[3].Жаҳон миқёсида тарихий ҳақиқатга эришиш учун бугунги кунгача мавжуд бўлган турли гнесеологик парадигмалардан фойдаланган ҳолда турли йўллар билан борилмоқда. Тарихий тадқиқотлардаги постмодернизм, ижтимоий антропология, гендер ёндашувларига ўрнига глобал тарих чиқмоқда, хаттоки унга қарши антиглобалистлар ҳам шаклланиб ва хаттоки ўзларининг баъзи қарашларини баён қилиб ҳам улгурган. Замонавий тарихда алоҳида тарихий жараёнлар тарихига ва айни вақтда микротарихга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда [3].

Умуман олганда тарих фани ва унинг методологияси соҳасида "оғзаки тарих" иборасининг 1852 йилда Б.д'Оревилли томонидан илк бора қўлланилганлиги ва XX асрнинг иккинчи ярмига келибгина Колумбия университети профессори Аллан Невинснинг 1948 йилда амалга оширган тадқиқотлари натижаларининг эълон қилиниши билан оғзаки тарих тарих фани тадқиқотлар соҳасида кенг оммалашиб борганлиги кўрсатиб ўтилади. 1948 йилда Колумбия университетида оғзаки тарих тадқиқотлари маркази ташкил этилган бўлса, 1967 йилда АҚШ оғзаки тарих тадқиқотлари ассоциацияси ташкил этилади, 1969 йилда эса Буюк Британияда худди шундай ассоциация иш бошлайди[4].Ҳозирги вақтда оғзаки тарих муаммоларига бағишланган бир қатор илмий журналлар ҳам нашр этилмоқда, масалан, Буюк Британияда "Oral History", Америка Қўшма Штатларида "Oral History review" журналлари чоп этилаётган бўлса, Канада, Бразилия, Австралия ассоциациялари ўзларининг махсус журналларига эга, Халқаро оғзаки тарих ассоциацияси эса 1997 йилдан буён "Words and Silences" номли илмий журналини учта тилда мунтазам нашр этиб келмоқда.

Бироқ оғзаки тарих ва унинг тадқиқотлари услублари қўлланилиб амалга оширилган тадқиқотлар ва яратилган тарихнавислик асарларининг шаклланиши янада илгарироқ даврларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Албатта,оғзаки тарих тадқиқотлари ва унинг тадқиқот

услубларидан фойдаланган ҳолда тарихнависликнинг амалга оширилиши, тарихий жараёнларнинг тавсифи ва воқеалар баёнининг амалга оширилиши шарқ тарихнавислигида, хусусан, Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар тарихнавислигида кенг қўлланилган ва ўзининг маълум даражада илмий асослари ва йўналишларига эга бўлган, бироқ минг афсуски, замонавий тарих фани методологиясида оғзаки тарих ва у билан алоқадор назарий ёндашувлар ва илмий қарашларнинг шаклланишида шарқ тарихнавислигида оғзаки тарихнинг кенг қўлланилганлиги омилларига етарли эътибор қаратилмаган. Замонавий тарих фанида, айниқса, оғзаки тарих тадқиқотлари жараёнлари ахборотнинг қайд этилиши ва сақланиши, ахборотнинг қиёсий таҳлилининг амалга оширилиши жараёнларида замонавий технологияларнинг ва техник воситаларнинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланаётган ва айтиш жоиз бўлса ана шу имкониятларга боғлиқ ҳолда амалга оширилаётган бўлса, бу жараён ўрта асрларда тарихнавислар томонидан қўлланилган ўзига хос услублардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган, уларнинг айримлари ҳақида бир қатор манбаларда қайд этиб ўтилган.

Бундай манбалар ва уларнинг муаллифлари қаторида Муҳаммад Ҳайдар мирзо ва унинг “Тарихи Рашидий” асари, Абулғози ва унинг “Шажараи турк” асари, Ўтамиш Ҳожи ва унинг “Чингизнома” асари каби бир қатор асарларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг аксариятида тарихий воқеаларнинг тавсфи ва баёнида мавжуд ёзма манбаларнинг етари эмаслиги сабабли китобга туширилаётган воқеани яхши биладиган кишиларёки ровийларга кўп маротабалаб мурожаат қилинганлиги ва улардан эшитилган ахборотни мавжуд манбалардаги ахборот билан солиштириб, унинг қиёсий таҳлили амалга ошрилган ва ишонч ҳосил қилингандан сўнггина китобга киритилганлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу жараённи эса замонавий тарих фани хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқотга тенглаштириш ўринлидир.

Фикримизни асослаш мақсадида XVI-XVII асрларда Хоразмда яшаб ижод қилган тарихчи Ўтамиш Хожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстийнинг “Ўтамиш Ҳожи тарихи” асарининг яратилиши ва тарихнавислик жиҳатларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Хоразмлик муаллиф томонидан туркий тилда Хивада яратилган Шайбонийлар даврига оид илк асарлардан бири “Чингизнома”дир” [5.3]. XVI аср ўртасида Ўтамиш Хожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстий томонидан биографик йилнома асар яратилдики, бу асар “Тарихи Дўст султон” ёки “Чингизнома” номлари билан машҳур бўлган [6.48-53].

“Ўтамиш Ҳожи тарихи” китобида Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қилган Жўжи авлодлари – Ботухон, Шайбон, Ўзбекхон, Ўрусхон, Тўхтамиш ва бошқалар ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Асар Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий томонидан шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига кўра ёзилган [7.]. Ўтамиш Ҳожи бу даврда маълум бўлган тарихчилар орасида ўзининг ўтмиш тарихий жараёнларнинг билимдони сифатида кўрсата олган, қаердаки ўтмиш ҳақида бирор-бир баҳс ёки мунозарага сабаб бўладиган ҳолатларда албатта уни чақириб, маслаҳати ёки фикри сўралган. Шу сабабли шайбонийлар хонадонига мансуб бўлган Эш Султон ўзини ва аждодларини Жўжихонга бориб тақалишини, Жўжи ва унинг авлодларининг Дашти Қипчоқдаги хукмронлигидан бошлаб ўзи яшаб турган кунларгача бўлган тарихини энг билимдон тарихчилардан бири сифатида Ўтамиш Ҳожига топширади. Мазкур асарнинг ўзбек тилидаги нашрини амалга оширган тадқиқотчи Ғ.Каримнинг таъкидлашича, Ўтамиш Ҳожи “асарни ёзишга киришганида Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг “Дафтари”ни истисно этганда, Ўтамиш Ҳожи қўл остида ёзма тарихий манбалар деярли бўлмаган. Шунинг учун у ўз асарини асосан ўзи йиғган оғзаки ривоятлар асосида ёзган” [8.3].

Ўтамиш Ҳожининг ўз асарини яратишда оғзаки ривоятлардан фойдаланганлигини академик Б.Аҳмедов ҳам таъкидлаб ўтган эди, асарнинг Олтин Ўрда ва Жўжи авлодлари ҳақидаги маълумотлари афсоналашган ривоятларга асосланган бўлиб, Тўхтамишхон (1380-1395 йй) ҳақидаги воқеалар баёнида узилиб қолган [9.76-747].

Бевосита Ўтамиш Ҳожининг сўзларига эътибор қиладиган бўлсак, муаллифнинг ўзида шу мазмундаги таъкидлар учрашини кўриш мумкин, - “ ... тилар эдимки, Чингизхон ўғлонларидан ул Дашт вилоятинда хон бўлғондин сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не ватга тегру на тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлук уруш ва не турлук можаролар кечти - буларнинг барчасини камоҳақ билсам” [10].

Ўтамиш Ҳожининг бу сўзларидан кўриш мумкинки, муаллиф Дашти Қипчоқда мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилишидан бошлаб то ўзи яшаб турган вақтгача бўлган даврларда кимлар хонлик тахтида ўтирганлиги, уларнинг давлат бошқаруви, давлатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаёти ва уларга боғлиқ жараёнлар, Жўжи авлодларининг ўзаро муносабатлари ва улар ўртасида кечган сиёсий курашлар тарихининг асл мазмуни ва моҳияти билан, ҳақиқатда қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича билишга ва тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Бироқ бунда етарли маълумотларнинг

мавжуд эмаслиги, ахборотнинг етишмаслиги ва манбаларнинг йўқлиги ҳақида таъкидлаб ўтади. - “Таворихларки кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлғонлари мазкур эрмас эрди” [8.6]. Шундай бир вазиятда муаррих ўз олдига қўйган мақсадга эришиш ва айни вақтда хон топшириғини бажариш учун имконият излайди ва энг аввало юқорида айтилган масалалар бўйича тарихий жараёнларнинг билимдонлари бўлган ровийларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. –“Чун манга доия ул эрдиким, буларнинг аҳволидин камоҳақ билсам, бу жиҳатдин ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусиға мувозана қилиб, маъқулини хотиримда гизлаб, номаъқулни бартараф қилур эрдим” [8.7].

Муаллифнинг бу таъкидларидан кўриш мумкинки, у қўлга киритган оғзаки ахборотни синчиклаб ўрганган, мавжуд ахборот ва маълумотлар билан таҳлилий равишда таққослаб, маълумотларнинг тўғрилигига аниқлик киритган ва энг ишончли, энг сара деб ҳисоблаган маълумотларни асардаги воқеалар ва тарихий жараёнлар тафсилотларига киритган[1.36-47].

Муаллифнинг юқорида келтирилган “таворихларки кўрдим...” жумласига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг ихтиёрида маълум даражада ёзма тарихий манбалар ҳам мавжуд бўлган, бироқ уларда келтирилган маълумотлар ва уларнинг тафсилотлари муаллифнинг таъкидлашича, қониқарли даражада бўлмаган бўлиши мумкин. Ўтамиш Ҳожининг ўз асарига маълумотларнинг аксарият қисмини оғзика тарих асосида тўплаганлигини тарихчи Б.Аҳмедов ҳам таъкидлаб ўтган эди: - “Ўтамиш хожи ўтган замонлар ҳақида билимдон одамлардан сўраб-суриштириб кўп ривоятлар тўплаган ва тез фурсат ичида ўзи ҳам ривоятларни яхши билувчи киши сифатида танилган. Хулласи калом, Ўтамиш хожи ўзига керак бўлган ривоятларни қунт билан битта-битталаб йиғиб, Дашти қипчоқ ва Қозоғистон тарихидан катта фактик материал тўплади. Лекин улардан фойдаланганда танқидий услубга амал қилди, ривоятларни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, сўнг китобига киритди” [7].

Тадқиқотчи И.А.Мустакимовнинг кўрсатишича, Ўтамиш Ҳожи асарни ёзишда Олтин Ўрда тарихига оид ёзма манбалардан ҳам фойдаланган, фақатгина тахмин қилинишича, бу ёзма манбалар оғзаки ахборот ёки достонлар, афсоналар ва ривоятлар бўлган бўлиши мумкин [6.48-53].

Айни вақтда муаллиф томонидан амалга оширилаётган тадқиқот объектининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тахмин қилиш мумкинки, оғзаки маълумотлар ёзма манбалардаги маълумотларни тўлдириш ва уларга аниқлик киритш эҳтиёжи мавжуд бўлганлиги учун тўпланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, шундай бўлсада, муаллиф ўзи тўплаган маълумотларнинг ишончли эканлигига даъво қилмайди, балки асосан оғзаки тарих, оғзаки маълумотларга асосланган асарининг хатолардан ҳоли эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади ва китобхонлардан бу ҳолатни инобатга олишларини сўрайди. -“Ғараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нусхани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азилардин ва улуғ-кичикдин, ёронлардан илтимос улдурким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нусхада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасини эшитмак бирла битиб турурмен” [8.7].

Ўтамиш Ҳожи ҳам ўз асарини қандай вазиятда ёзилганлигини, ундаги маълумотларга қанчалик ишонч билдирилиши ёки билдирилмаслигини, асарда келтирилган маълумотларни ўқиш ёки улардан фойдаланиш чоғида уларга танқидий ёндашиш лозимлигини қуйидаги сўзлар билан таъкидлаб ўтади: -“ Машҳур турурким, қулоқ эшитган сўзнинг кўпраги ёлғон дерлар. Ногоҳ, агар хатоси ё ғалати воқеъ бўлмиш бўлса, ғалатни чиқариб хатосини рост қилсалар” [8.8].

Шу тариқа Ўтамиш Ҳожи ўз асарининг ёзилиши жараёнлари, асар учун маълумотларнинг тўпланиши ва уларнинг танқидий таҳлилининг амалга оширилиши ва асарга киритилиши, шунга қарамай аксарият маълумотларнинг оғзаки манбалардан олинганлигини сабаб, уларда ҳақиқатга нисбатан ривоятга мойиллик кучлилиги кабилар ҳақида таъкидлаб, асарини ўқиш ва ундан фойдаланиш жараёнида албатта танқидий ёндашув зарурлигини таъкидлаб ўтади. Ўтамиш Ҳожи ўзи ёзган китобнинг аксарият маълумотлари, воқеалар тафсилотлари, тарихий жараёнларнинг талқини асосан оғзаки тарихга асосан яратилганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади.

Бундан кўриш мумкинки, оғзаки тарих тадқиқотлари замонавий тарих фанида кўрсатиб ўтилганидек, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср ўрталарида эмас, балки ундан анча аввалроқ шу даврда яшаб ижод қилган бир қатор тарихчилар ва уларнинг яратган асарларида, уларнинг яратилишидаги тарихнавислик амалиётларида илмий тадқиқот йўналиши сифатида қўлланилган, бу эса бугунги кунда Ўрта Осиёнинг ўрта аср тарихнавислиги мактбаларида яратилган тарихий асарларнинг фақатгина манбавий нуқтаи-назардан эмас, балки тарих фанининг назарий масалалари акс эттирилган илмий адабиётлар сифатида ўрганишни, айниқса, бу борада мукаммал илмий тадқиқотларни амалга оширишни ҳам тақозо этади.

Бу фикрлар албатта муаллифнинг фаннинг назарий масалалари юзасидан шахсий қарашлари, бу борада мутахассисларнинг муносабат билдиришлари табиий ва ўйлаймизки билдириладиган ҳар қандай фикрлар тарих фанининг ривожланишига хизмат қилиши шубхасиздир.

Адабиётлар

1. Илҳомов З.А. Хоразм тарихнавислик мактаби ва Ўтамиш Ҳожининг оғзаки тарих тадқиқотлари (The khorezm scientific sholl of history and oral historikal researches of Otamish Hodja). /Ўтмишга назар. 2020 йил 2-сон. 36-47-бб.
2. Шмидт С. О. Предпосылки «устной истории» в историографической культуре России // Реализм исторического мышления. — М., 1991. — С. 262.
3. Карпов С.П. Историческая наука и историческое образованиев современном информационном пространстве:тупики и перспективы. www.hist.msu.ru
4. Методология исторической науки. Устная история. www.socionauki.ru
5. Воҳидов Ш. Мунис ва Огахий. “Фирдавс ул-иқбол”. Т.: “Янги аср авлоди”. 2010.
6. Мустакимов И.А. Арабографичные нарративные источникипо истории тюрко-татарских государств XV–XVIII вв. // Средневековые тюрко-татарские государства. Сборник статей. Выпуск 5: Вопросы источниковедения и историография истории средневековых тюрко-татарских государств. – Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, 2013. Стр.48-53.
7. Аҳмедов Б. Ўтамиш ҳожи ва унинг «Чингизнома» асари ҳақида// e-tarix.uz
8. Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2009.
9. Ахмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари: (Био-библиографик маълумотнома). –Т.: “Чўлпон”, 2003. Б.76-77.
10. Камоҳақ – ҳақиқатда қандай бўлган бўлса. Қаранг: Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. – Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2009. 6-б.

ИСТОРИЧЕСКОЕ ПОЗНАНИЕ И ПРОБЛЕМА ЕЁ ОБЪЕКТИВНОСТИ

А.Аминова, кандидат исторических наук,
Навоийский государственный педагогический институт

Аннотация

В статье, на основе исследований и взглядов российских ученых освещены вопросы сущности исторического познания, её взаимосвязи с логикой, проблемы объективности и субъективности познания.

Ключевые слова: познание, логика, объективность, период, гносеология, адекватность, эвристика,консенсус.

Своеобразие механизма получения объективно-истинного знания в исторической науке определяется особенностями ее объекта, исторической действительности и не может анализироваться без опоры на историю познания. Речь идет не об историографии проблемы, а об изложении логики ее развития (возникновение, основные составляющие структуры мышления, этапы) причем не столько хронологического, но и, прежде всего содержательного характера. История познания и логика его развития взаимосвязаны: история дает ключ к пониманию логики, а логика помогает определить в развитии содержание вплоть до конкретных взглядов историка, которое позволяет нам наиболее полно ее раскрыть и охарактеризовать.

Логикой развития проблемы объективности обусловлен выбор конкретного историографического материала. Следует подчеркнуть, что этот материал неравнозначен с точки зрения полноты проявления в нем упомянутой логики. Это относится и к отдельным историкам, и к национальным школам историографии, и к целым периодам развития исторического познания. Вместе с тем, очевидно, что для создания целостной картины анализа данной проблемы необходимо опираться на развитие представлений, этапы которого являются и этапами развития исторического знания в целом. Этим объясняется привлечение историографического материала. Избирательность в его подборе обусловлена прежде всего степенью полноты отражения в нем логики развития исторического познания.

В российских исследованиях теоретического характера с наибольшей полнотой раскрыта гносеологическая суть проблемы -объективность, ее механизм и природа[1]. Диапазон взглядов российских историков весьма широк. По мнению академика И.Д. Ковальченко, цель всякого, в том числе, исторического научного познания состоит в получении истинных знаний, т.е. знаний,

которые адекватноотражают изучаемую реальность [2]. По мнению доктора исторических наук А.Я.Тишкова, историк должен стремиться к тому, чтобы достичь адекватности написанного им текста реальному ходу истории, но мысль о том, что этого можно достичь - заблуждение. А.Я.Гуревич считал, что всякая историческая реконструкция (восстановление прошлого) есть не что иное, как определенная конструкция видения мира, относительно которой историки достигли определенного консенсуса. У К.В.Хвостова и В. К. Финна проблема объективности и субъективности исторического познания не совпадает с вопросами, связанными с его адекватностью, предполагающей различение факта науки и факта действительности.[3] Согласно философа-мистика Н.А.Бердяева познание это выход за пределы субъекта к объекту. И если считать, что объект принадлежит к материальному и физическому миру, не всегда субъективный взгляд может быть идеальным.

Проблема объективности исторического познания является одной из самых фундаментальных теоретических проблем. Некоторые историки предполагают, что объективность исторического познания может быть констатирована только в рамках выбранных предпосылок, тогда как выбор самих точек зрения не есть строго обусловленная структура познания и носит эвристический характер. У потомков есть больше шансов на истинное понимание исторической ситуации прошлого. Историческая перспектива показывает место любого события в цепи развития, без чего также невозможно его понять. Согласно М.М.Бахтину оценка историками прошлого является диалогической, то есть эта активность вопрощающая, провоцирующая, возражающая ….».[4]

В настоящее время в научной и общественной жизни Узбекистана идет жесткая научная, политическая и идеологическая полемика вокруг оценки советского периода нашей истории.Кризис исторического познания того периода выражался и в отрицании значительной части нашей истории, как ненужных страниц. В области исторического образования это выразилось в отказе от систематического его изучения, его фрагментаризации. Конечно, такое отношение к прошлому узбекского народа не могло быть устойчивом и долговременным фундаментом построения новогообщества, хотя оно было распространено вплоть до 1934 года до известного Постановления ЦК ВКП(б) о преподавании истории. И даже в последующие годы в изучении истории народов постсовестких государств сохранялись субъективные, ограниченные взгляды.

В годы независимости историками ставится цель объективного пересмотра учащимися исторических фактов через призму объективного исторического познания. Опора познания на историческую перспективу, раскрывающую все самые отдаленные последствия происшедшего и роль любого события в общем ходе развития, является обязательным условием этого познания. Без его соблюдения познание не может быть всесторонним и истинным.

Литература

1.Дьяков В. А. Методология истории в прошлом и настоящем. — М., 1974. С. 78. ;Ерофеев Н.А.Что такое история. — М., 1976.- 238с. ; Могильницкий Б. Г.О природе исторического познания. — Томск, 1978. – 234.с.; Жуков Е. М. Очерки методологии истории. — М., 1980. – 123 с.; Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. — М., 1987. – 263с.; Хвостова К.В., Финн В.К. Проблемы исторического познания. — М., 1997; Смоленский Н. И. Проблема объективности исторического познания // Новая и новейшая история. —М. 2004. — № 6.

2. КовальченкоИ.. Теоретико-методологические проблемы исторических исследований. Заметки и размышления о новых подходах // Новая и новейшая история. - М., 1 9 9 5 . -№ 1.

3. Хвостова КВ.,Финн В.К.Проблемы исторического познания.- М 2007. -235с.

4. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.-М.,1979. – С.310.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҲУКУМАТИ ҲАМДА ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МАЖЛИСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ЯНГИЧА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ

Қ.Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон ФА Тарих институти етакчи илмий ходими

Аннотация

Мазкур мақолада 1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль ойларида қисқа муддат давомида фаолият кўрсатган Туркистон Миллий Мажлиси аъзолари ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирларининг фаолияти ва фожиали тақдири ҳақидаги назарий методологик қарашлар хулосавий тарзда берилган. Ундаги хулосалар архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари, ўша даврда яшаб ўтган замондошларнинг хотиралари ҳамда тарихий адабиётлар таҳлили ва тадқиқи асосида чиқарилган.

Калит сўзлар: Туркистон Мухторияти, Миллий Мажлис, мухторият ҳукумати, қурултой, большевиклар, дашноқлар, Қўқон фожиаси, совет ҳокимияти.

1917 йил ноябрь – 1918 йил февралда фаолият кўрсатган Туркистон Мухторияти ҳукумати ҳамда Туркистон Миллий Мажлиси аъзолари бўлган тараққийпарварлар ҳамда миллат ойдинлари аксариятининг ҳаёт йўли фожиали якунланди. Уларнинг тақдири ва қисмати аянчли кечди. Совет давлати ва коммунистик мафкура мухториятчиларни кечирмади. Ҳатто большевиклар ва Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилганлар ҳам кейинчалик қатағон қилинди. Хорижга жўнаб кетган ватандошларимиз турли жосуслар ва сотқинлар ёрдамида йўқотилди. Коммунистик мафкура бу инсонлар тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни сохталаштириш ҳамда уларни халқ хотирасидан ўчириш учун барча воситаларни ишга солди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1917 йил 26 ноябрда тузилган 8 кишидан иборат биринчи таркиби Муҳаммаджон Тинишбоев бошчилигида фақат бир неча кун фаолият кўрсатди, холос. Оренбургда Алаш Ўрда ҳукумати 1917 йил 13 декабрда ташкил қилингандан сўнг М.Тинишбоев бу ҳукуматнинг ҳам ички ишлар вазири лавозимига сайланиши муносабати билан Қўқондан бутунлай жўнаб кетгач, у Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибидан амалда чиқиб кетди.

1917 йил 12 декабрда Мустафо Чўқай Бош вазир сифатида ҳокимият тепасига келгач, ҳукумат таркиби 12 нафар кишига етказилди. Ҳукумат фаолиятида бу пайтга келиб Бухоро яҳудийлари ҳамда айрим сармоядорларнинг салмоғи ортиб борди. Иккинчи томондан, Тошкентда фаолият кўрсатаётган большевиклар ва сўл эсерлардан иборат Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Совети, яъни совет ҳокимияти Қўқондаги мухторият ҳукуматини йўқотиш учун барча куч ва воситаларни ишга солди.

Минтақадаги дастлабки демократик ҳукумат бўлган Туркистон Мухторияти ўзининг қисқа, бироқ ёрқин фаолияти билан тарихимизда ўчмас из қолдирди. Орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан Туркистон мунавварларининг мухторият учун кураши бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ҳозирги авлод ундан муҳим тарихий сабоқлар чиқариши лозим. Ушбу сатрлар муаллифи ўзининг 32 йиллик илмий изланишлари натижасида қуйидаги хулосаларга келди:

Биринчидан, 1917-1918 йиллардаги мураккаб сиёсий вазиятларни инобатга олган Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарлари минтақада мустақил давлат тузиш учун эмас, балки демократик Россия Федерацияси таркибида Туркистон ўлкаси халқларининг мухторияти учун курашдилар. Асосан Россия марказида олий таълим олган (вазирларнинг кўпчилиги ҳуқуқшунос эди), ёшлигидан рус маданияти таъсирида дунёқараши шаклланган, аксарият ҳолларда ўз оилавий ҳаётини ҳам славянлар ёки бошқа европалик аёллар билан боғлаган, мусулмон бўлишига қарамасдан, шариат ва ислом дини арконларига унчалик амал қилмайдиган мухторият ҳукумати вазирлари Туркистон келажагини Россия давлатисиз тасаввур қила олмас эдилар. Мухториятчиларнинг кўпчилиги аслида жадидлар эмас, балки демократлар эди. Улар Россиядаги социал-демократик ҳаракат таъсири остида бўлганлар. Бу – тарихнинг аччиқ ҳақиқати. Бу ҳақда Бош вазир Мустафо Чўқай кейинчалик ёзган хотираларида тўхталиб ўзлари йўл қўйган хатоларни афсусланиб ёдга олади.

Шунинг учун ҳам Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан бўлган, ёшлигидан ислом дини ва Шарқ маданияти таъсирида тарбияланган ҳамда мадраса

таълимини олган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат ва Мунаввар Қори каби тараққийпарварлар мухторият ҳукумати таркибига киритилмади. Ҳатто Мунаввар Қори бу ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватласа ҳам унда қатнашмади. Беҳбудийнинг Туркистон Миллий Мажлиси таркибига киритилиши декларатив хусусият касб этиб, аслида у ҳам ҳукумат фаолиятида мутлақо иштирок этмаган. Садриддин Айний, Ҳамза, Чўлпон сингари жадид шоирлари бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашган бўлишса-да, улар ҳам ҳукумат ёки парламент таркибида йўқ эди!

Иккинчидан, ҳукумат таркибидаги этник вазият ва айрим вазирларнинг жамиятдаги ижтимоий аҳволи Туркистондаги туб халқлар манфаатига мос келадиган тўғри қарорларни ўз вақтида қабул қилиш ва амалга оширишга халақит берган. Маълумки, мухторият вазирларининг 5 нафари ўзбеклар, 3 нафари қозоқлар, 4 нафари Бухоро яҳудийлари, 1-2 нафари татарлардан иборат бўлган. Қозоқ бовурларимизга бўлган чуқур ҳурматимизни сақлаган ҳолда шуни айтиш керакки, бу пайтда ўзбекларга нисбатан қозоқлар кўпроқ руслашган, уларга рус маданияти ва турмуш тарзи чуқурроқ таъсир қилган, қардош қозоқларнинг кўпчилиги мусулмончилик қоидаларидан кўра бошқа тутумларга амал қилган. Ҳатто уларнинг кўпчилиги даҳрий бўлган. Бухоро яҳудийлари тўғрисида тўхталиб ўтирмаса ҳам бўлади. Татарлар эса асрлар давомида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати натижасида дини, тили ва тарихий қадриятларидан мосуво қилинган, руслар томонидан эзилган ва таҳқирланган бир халқ эди. Шунинг учун бу пайтда татарларнинг кўпчилиги тирик қолиш учун рус маданияти ва проваславликни қабул қилган эди.

Туркистонда мухторият эълон қилинган пайтда тошкентлик ўзбек Убайдулла Хўжаев (у ҳам Саратовда ўқиб, ҳуқуқшунос бўлган) номзоди Бош вазирликка тавсия қилинганда унга қурултойда қатнашаётган қозоқ вакиллари қарши чиқишади. Шу пайтда ўзбеклар тантилик ва бағрикенглик қилиб, Муҳаммаджон Тинишбоев (этник қозоқ) номзодини Бош вазирликка, Ислом Султон Шоахмедовни (этник татар-бошқирд) Бош вазир ўринбосари лавозимларига сайлашга розилик беришади. Ҳолбуки, М.Тинишбоев ҳам, И.С.Шоахмедов ҳам Туркистон ўлкасидаги ҳақиқий аҳволни яхши билишмас, ўлка туб халқлари, хусусан, ўзбеклар манфаати учун империя даврида деярли ҳеч нарса қилмаган, бир сўз билан айтганда, Туркистон мустақиллиги учун курашдан кўра демократик Россияга кўпроқ хайрихоҳ заиф сиёсатчилар эди.

Учинчидан, Туркистон Мухторияти ҳукуматини асосан минтақанинг энг кўпчилик аҳолиси бўлган ўзбеклар (яъни ўтроқ аҳоли) қўллаб-қувватлади. Ҳолбуки, ҳукумат раҳбарлари қозоқлар эди. Тарихдан маълумки, Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган тараққийпарварларнинг аксарияти ҳам ўзбеклар бўлган. (Кейинчалик Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида ҳам ўзбеклар асосий ҳарбий куч сифатида тарих майдонига чиқди ҳамда минтақа халқларининг мустақиллик учун кураш тарихига шонли саҳифаларни ёзди!) Ўзбекларнинг кўпчилиги азалдан ўтроқ яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Қозоқлар ва қирғизлар, шунингдек, қорақалпоқлар эса кўпроқ чорвадор бўлиб, улар катта ҳудудларда кўчиб юрарди. Туркманлар ярим ўтроқ, ярим чорвадор ҳолатда яшаган.

Минтақада ўзбеклардан кейин сон жиҳатдан иккинчи ўринда турган қозоқлар (XX аср биринчи чорагида ҳам улар ўзларини қирғизлар деб атаган; қирғизлар бу пайтда қорақирғизлар деб номланган) туркий халқлар тақдири ҳал қилинаётган мураккаб даврда ўзларини ўзбекларга нисбатан русларга яқинроқ олишган. Ҳатто Мустафо Чўқай Оренбургда ўтаётган Алаш партиясининг қирғиз-қозоқ съездига мурожаат қилиб, ўз қавмдошларини Туркистон Мухторияти таркибига қўшилишга даъват этганда улар бунга рад жавобини беришган. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу пайтда эълон қилган “Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат” мақоласида қозоқ бовурларимизни бирлашишга чақирди. Бироқ улар на Мустафо Чўқай, на Беҳбудийнинг бундай даъватларига амал қилишмади. Шунинг учун ҳам Мустафо Чўқай Қўқон фожиаларидан кейин алашўрдачилар ҳукуматининг ҳам ташқи ишлар вазири бўлишига қарамасдан улар билан алоқа қилмай, Туркистондан чиқиб кетди. Алаш Ўрда ҳукумати эса кейинчалик большевиклар билан ҳамкорлик қилди.

Тўртинчидан, Туркистон Мухторияти ҳукумати икки ярим ой ҳам давом этмаган жуда қисқа фаолияти мобайнида мўлжалланган ишларни амалга ошира олмади. Мухторият ҳукумати давлат сифатида шаклланмади. Бироқ у ҳақиқатан ҳам миллий давлатчилик тарихимизда бир нодир тажриба бўлиб қолди. Мухторият ҳукуматидан мустақил миллий давлатга ўтиш жараёни учун большевиклар вақт ҳам, фурсат ҳам бермади. Туркистон Мухториятининг Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлса ҳам, уни қабул қилишга вақт етмади. Мухторият ҳукуматининг байроғи ҳам қабул қилинмади, ақча ҳам зарб этилмади. Миллий давлатчиликнинг бошқа рамзларини қабул қилишга ҳам улгурилмади. Таъсис Мажлиси ҳам чақирилмади. 1918 йил январь ойининг дастлабки кунларида большевиклар Петроград шаҳрида Таъсис Мажлиси съездига қатнашиш учун келган делегатларни тарқатиб юборган, норозилик билдирганлар эса қамоққа олинган ва отиб ташланган эди. Айнан Таъсис Мажлисининг Туркистонда ўтадиган бўлғуси съездида минтақа халқларининг

келгуси тақдири ҳал қилиниши, ўлканинг мухторият мақоми сақлаб қолиниши ёки ўзгартирилиши, Туркистонда миллий давлатчилик тўлиқ шаклланиши лозим эди. Нафақат Туркистонда, балки бутун Россия империясининг собиқ ҳудудларида большевиклардан алоҳида мустақил тарзда биринчи бўлиб ташкил қилинган дастлабки ҳукумат айнан улар Қўқонга юборган ҳарбий кучлар (қизил гвардиячилар ва дашноқлар) томонидан 1918 йил 19-22 февралда қонга ботирилди. Қўқон шаҳрида ва унинг атрофларида мухториятчилар билан биргаликда ўн минглаб тинч аҳоли вакиллари ҳам ўлдирилди.

Бешинчидан, Туркистонда 1917 йил ёзида кучайган жадидлар ва қадимчилар ўртасидаги турли низо ва ихтилофлар тараққийпарварлар ва мухториятчилар сафида парокандалик ва ажралиш юз беришига олиб келди. Бир гуруҳ консерватор уламолар “Шўрои Исломия” ташкилотидан ажралиб, “Шўрои Уламо” ёки “Уламо” жамиятини тузишди. Бу жамият Тошкентдан ташқари Фарғона водийси ва Самарқандда катта нуфузга эга бўлган. “Шўрои Уламо” жамиятининг Тошкент шуъбаси раҳбари Шерали Лапин (у ҳам этник қозоқ бўлиб, Санкт-Петербург университети юридик факультетини тугатган ҳамда XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори маҳкамасида хизмат қилган эди) ҳам европача тарбияланган бўлиб, у ва тарафдорлари ўзларини уламо ҳисоблашса ҳам улар аслида Россиядаги социал-демократик ҳаракатнинг таъсирида социализм (коммунизм) ғояларини қабул қилишган эди. Айнан Шерали Лапин уламо ниқоби остида мухториятчилик ҳаракатига катта зарар етказди. У 1917 йил ноябрида бўлган IV қурултойда Туркистон Миллий Мажлиси аъзолигига сайлангач, Миллий Мажлис раиси бўлишга рози бўлмайди. Айрим маълумотларга қараганда, Миллий Мажлис фаолиятини 1917 йил декабрдан унинг бошқа аъзоси тошкентлик муфтий Садриддинхон Шарифхўжа Қози ўғли мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган. Ш.Лапин бўлса Миллий Мажлис ҳамда мухторият ҳукумати фаолиятида 1917 йил декабрдан бошлаб умуман қатнашмайди. У большевизм ғояларини қабул қилиб, 1918 йил январдан бошлаб Тошкент уламоларининг ўзига эргашган радикал қисми билан биргаликда совет ҳокимияти томонига ўтади ҳамда уламочилар билан социалистларни яқинлаштиришга беҳуда уринади. Ш.Лапиннинг бу қарашлари кейинчалик Марказдан Туркистонга келган татар мусулмон ҳарбий коммунисти Ориф Кливлеев томонидан большевиклар ва мусулмонларнинг биргаликдаги таълимоти – “ислом социализми” ғоясини тарғиб ва ташвиқ қилишга олиб келди. Шунинг учун ҳам Мустафо Чўқай кейинчалик ёзган хотираларида ўзининг ҳамюрти ва собиқ сафдоши тўғрисида “Заволли Шерали мусулмон” деб киноя билан ёзади.

Олтинчидан, Туркистон Мухторияти ҳукумати большевикларнинг Қўқонга қилган дастлабки ҳужуми пайтида ағдариб ташланди. Минтақада бу пайтда мавжуд бўлган Бухоро амирлиги (дарвоқе, Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов Қўқонда ғалаба қозонилгандан мағрурланиб кетиб Бухорони ҳам советлаштириш ва руслаштириш учун 1918 йил 28 февраль – 1 март кунлари Янги Бухоро – Когонга келиб, Бухоро босқинини амалга оширди ҳамда Амир Саид Олимхонга сўзсиз таслим бўлиш ҳақида ультиматум қўйди, бироқ ўзи мағлубиятга учради) ва Хива хонлиги каби иккита “мустақил мусулмон” ўзбек давлати томонидан Қўқонга ҳарбий ёрдам юборилмади. “Ҳақ олинур, берилмас!” деб ўз пайтида ҳайқирган Беҳбудийнинг чақириғига мухторият кунларида эмас, балки сал кейинроқ жавоб қайтарилди.

Еттинчидан, Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, 1918 йил февраль ойи охирида аввал Қўқон ва унинг атрофларида, сўнгра бутун Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятида совет режимига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Маҳаллий аҳоли тинч парламент йўли билан озодликка эришиш мумкин эмаслигини тушуниб, қўлига қурол олди. Совет ҳокимияти йилларида коммунистик мафкура томонидан “босмачилик” деб қораланган бу ҳаракат қатнашчилари аслида Туркистон мустақиллиги ва озодлиги учун курашаётган истиқлолчилар эди. Россия давлати билан алоқаларни узишни истамаган ва унинг таркибида бўлишни хоҳлаган мухториятчилик ва жадидчилик ҳаракатлари намояндалари ҳамда миллий коммунистлар ва маҳаллий совет арбобларидан фарқли равишда истиқлолчилик ҳаракатида яхлит ва бўлинмас Туркистон мустақиллиги учун кураш ғояси устувор турган.

O‘ZBEKISTON O‘Z ISTIQLOL TARAQQIYOTINING NAZARIY-KONSEPTUAL ASOSLARI

Sh.Haitov, tarix fanlari doktori, professor, Buxoro davlat universiteti
A.Ahmadov, Buxoro davlat universiteti tayanch doktaranti.

O‘zbekiston milliy mustaqillikni qo‘lga kiritganligidan keyin taraqqiyot yo‘lini belgilab olishda bir qatot asoslarga tayandi. Mustaqillik sharoitida yashash qaramlik asoratlaridan qutilish uchun milliy urf-odatlar va an’analar zamirida dunyo tarixiy tajribasini o‘rganish asnosida bozor iqtisodiyotiga asoslangan,

ijtimoiy manfaatlarga yo‘naltirilgan, ochiq demokratik huquqiy davlat va adolatli fuqarolik jamiyatini shakllantirish dasturini islab chiqish va amalga tadbiq qilish vazifasi kun tartibiga dolzarb qilib qo‘yildi. Mustaqil atamasi arabcha so‘z bo‘lib “qaram emas” degan degan ma’noni anglatadi. Mustaqillikning eng muhim belgilari davlatning dahlsizligi, o‘z hududi va chegarasiga ega bo‘lish, o‘z boshqaruv hokimiyatini joriy etish, mustaqil konstitutsiyasi va harbiy tuzilmasi bo‘lishini taqozo qiladi. Shuningdek, xalqaro huquq sub’yekti sifatida boshqa mamlakatlar bilan teng aloqalar o‘rnatish pul birligiga ega bo‘lish, qonunlar tizimi va davlat tilini joriy etish, o‘z ramzlari: gerb, bayroq, madhiya o‘z nomini o‘zgartirish, taraqqiyot yo‘lini belgilash, poytaxtini o‘zgartirish huquqi kabi tamoyillar bilan belgilanadi. Mustaqillikning asosida nafaqat deyuri (siyosiy mustaqillik), shu bilan birga defakto (iqtisodiy mustaqillik) birdek muhim ahamiyatga ega bo‘ladi. O‘zbekiston mustaqilligining nazariy konseptual asoslari mustaqillikka erishishimizdan oldin qabul qilingan bir qator tarixiy hujjatlarda va jarayonlarda ishlab chiqilishi uchun dadil qadamlar qo‘yildi.

Avvalo konsepsiya atamasining mohiyati haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, bu tushuncha lotin tilidan olingan bo‘lib, “kanseptuo” – “majmua”, “tizim” degan ma’nolarni anglatib, biror bir sohaga oid qarashlar va tamoyillar tizimi, fakt va hodisalarni tushunish, anglash va izohlashning muayyan usuli hisoblanadi. Asosiy nuqtai-nazardan adabiyot va san’atda asarning asosiy g‘oyasi konsepsiyani ifodalaydi. Avvalo, barpo etilayotgan mustaqil davlatning modeli (yo‘li) shakl-shamoyili belgilab olinishi kerak. Ushbu nuqtai-nazardan qaraganda,“o‘zbek modeli”ning shakllanishi O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li dastlabki davrda bir qator qiyinchilik va ziddiyatlarni yengish jarayonida namoyon bo‘ldi. SSSR parchalanganidan so‘ng mustaqillikning nazariy konseptual asoslarini ishlab chiqish, borasida metadologik yondashuvlarning yangi yo‘nalishlari yuzaga kelganligi sir emas. Milliy o‘zlikning anglatishga xizmat qiladigan jarayonlar sovet hokimiyatining so‘ngi yillaridayoq kechganligi tarixiy jihatdan o‘z isbotini topmoqda. Mustaqillikning dastlabki odimlari 1989-yil 21-oktabrda O‘zbek tiliga davlat tili maqomini berish to‘g‘risidagi Qonunida, 1990-yil 20-iyundagi Mustaqillik deklaratsiyasida, Respublikada 1990-yil 24-martdan birinchi bo‘lib Prezidentlik boshqaruvining joriy etilishida namoyon bo‘ldi. Siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy voqeliklarning rivojlanishi O‘zbekistonning tom ma’noda mustaqil davlat sifatida xalqaro maydonda e’tirof etish imkoniyatlarini yaratdi. Mustaqillikning dastlabki yillarida evolitsion-tadrijiy, dialektik rivojlanish islohotchilik metadologiyasida bir qadar xilma-xilliklar yuz berganligini ham e’tirof etish kerak. O‘zbekiston taraqqiyotida “turk modeli”, “koreys modeli” kabilarni qo‘llash tajribasi ham kutilgan natijani bergan emas. O‘zbekiston taraqqiyotining nazariy konseptual asoslari O‘zbekiston Respublikasi birinchi prezidentining 5 ta tamoyilida ya’ni bozor munosabatlariga o‘tishning 5 tamoyili (1992-1993-yilar) da undan keyin, “o‘zbek modeli”ni ustovor yo‘nalishlari bilan bog‘liq bo‘lgan tavsiyalarda o‘zining aksini topdi. Mamlakatni siyosiy, iqtisodiy rivojlantirish jamiyat ma’naviyatini yanada yuksaltirish, kadrlar masalasi xalq turmush darajasini ko‘tarish, kuchli ijtimoiy himoyani yo‘lga qo‘yish, jamiyat barqarorligi tinchlik, millatlar va fuqarolar totuvligi, hududiy yaxlitlik, himoya tizimi tashqi siyosat konsepsiyasini ishlab chiqish asnosida yangi jamiyat qurishning yo‘llari belgilab berildi. Bu zaminda dahriylikdan holi bo‘lgan, din va dunyoviylik o‘rtasidagi mo‘tadil munosabatni jamiyat ma’naviy hayotiga olib kirishdek vazifa ham ko‘ndalang qilib qo‘yildi. Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda amalga oshirilgan siyosiy, iqtisodiy, ma’nanaviy-marifiy, madaniy islohotlarning nazariy konseptual asoslari ishlab chiqilar ekan, uning zaminida bir qator tarixiy hujjatlar qabul qilinganligiga amin bo‘lamiz. O‘zbekiston Konstitutsiyasining qabul qilinishi, yangi mustaqil davlatning eng muhim tarixiy yutug‘i bo‘ldi desak adashmaymiz. O‘zbekistonda amalga oshirilgan o‘zgarishlarning tadrijiy davomi “Yagi O‘zbekiston yangicha dunyoqarash” dasturi asosida O‘zbekistonning rivojlantirishning 2017-2021-yillarga mo‘ljallangan 5 ustuvor yo‘nalishi va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 5 muhim tashabbusi asnosida mustahkamlandi.

O‘zbekiston mustaqilligining nazariy uston va asoslari asrlar davomida xalqimiz tomonidan yaratilgan va bizga meros bo‘lib qolgan milliy qadryatlar shuningdek, ma’naviy xazina hisoblangan “Avesto” singari yozma manbalar, ushbu eng qadimiy qo‘lyozmada ilgari surilgan umuminsoniy g‘oya va fikrlar majmuasi muhim rol o‘ynaydi. Milliy qadryatlar bilan diniy qadryatlar uyg‘unligi Qur’oni Karim , Hadisi Sharif, diniy ulamolarning ma’naviy merosi dunyoviy ilm egalarining asarlari biz uchun nazariy asos hisoblanadi. O‘zbekiston rivojida istiqbolda xavfsizlik va barqarorlik tizimini mustahkamlash Yevroosiyo qitasidagi va dunyodagi mamlakatlar bilan do‘stona munosabatlarni yo‘lga qo‘yish mintaqaviy, submintaqaviy va xalqaro tashkilotlarda faol ishtirok qilish Markaziy Osiyo davlatlari bilan yaxshi qo‘shnichilik va qavm-qarindoshlik munosabatlari takomillashtirish kabi dolzarb vazifalar mavjud. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan jamiyatimizdagi ochiqlikni ta’minlash, erkin iqtisodiy raqobat muhitini yaratish, aholini kuchli ijtimoiy himoyalash tizimini shakllantirish borasida olib borayotgan ishlari mustaqil O‘zbekiston istiqbolini belgilashda muhim ahamiyatga ega bo‘lmoqda.

Foydalanilgan adabiyot ro‘yxati:

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020-yil. 29-dekabr. review.uz
2.Xolboev S. Milliy mustaqillik va taraqqiyotning O‘zbek modeli. Monografiya. T.: “O‘zbekiston”, 2015-yil.
3.Qo‘chqorov B. Milliy o‘zlikni anglash va barqaror taraqqiyot.-T.: “Akademiya”, 2013.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Г.Мўминова, тарих фанлари доктори, Қарши ДУ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асослари ёритилган. Соғликни сақлаш соҳасига доир бир қатор тадқиқотчиларнинг изланишлари қиёсий, тизимли ва миқдорий таҳлил, ретроспектив, муаммовий-хронологик, тарихий тадрижий каби усуллардан ва фанлараро ёндашувдан фойдаланилган ҳолда ёритилган.

Калит сўзлар: соғлиқни сақлаш тизими, тарих, математика ва миқдорий усуллар, трансформацион жараёнлар, тарихий даврлаштириш, статистик, синергетика каби методлар

Тарих шундай фанки, бунда ўтмиш ҳақидаги турли ахборотлар ҳаққоний ўрганилади, тизимлаштирилади ва умумлаштириб, якуний хулосалар чиқарилади. Тарих оғзаки, ёзма ёки моддий шаклда халқ хотирасида авлоддан авлодга ўтади, унинг саҳифаларида ҳар бир даврдаги мавжуд тузум, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, атроф-муҳит, миллий ва маданий анъаналар, урф-одатлар ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилишга имкон яратадиган лавҳалар акс эттирилади. Хусусан, совет даври тарихий воқеалари ва жараёнлари ижтимоий-гуманитар фан мутахассислари асарларида ўз ифодасини топди. Баъзан ушбу фан йўналишларини ўрганиш ва ўқитишнинг методологияси, усул ва тамойиллари ҳам мавжуд шарт-шароитга мослаштирилиши натижасида тарихий воқеа ва ҳодисалар бузиб талқин этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини асл манбаларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ва ўрганиш зарурияти келиб чиқди. Замон талабидан келиб чиқиб, тарихни ўрганишнинг янги методологияси, усул ва тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда тарихий воқеликни янгича ёндашувлар билан баён этиш бошланди. Аммо мустақилликнинг илк даврида тарих йўналишидаги тадқиқотларда методология масаласида жиддий қийинчиликлар мавжуд бўлиб, аста-секинлик билан бу муаммолар бартараф этиб борилди.

Соғлиқни сақлаш мавзусига доир тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишда тарих йўналиши методологияси бўйича жаҳоннинг машҳур олимларидан М. А. Барг, П. М. Бицилли, М. Блок, Болингброк, Б. А. Губман, А. Я. Гуревич, И. Г. Дройзен, И. Д. Ковальченко, Е. де. Мичелис, А. Дж. Тойнби, Л. Февр, Э. Фримен, А. Д. Хенопол, К. Ясперс ва бошқаларнинг асарларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, тарихий воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш ва уларни таҳлил қилишда М.Блок, Л.Февр ва Э.Фримен асарларига таяниб соғлиқни сақлаш соҳасини бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқликда ўрганишга ҳаракат қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизими тарихини тадқиқ этишда математика ва миқдорий усулларга кучли аҳамият берилдики, бунда айниқса И.Д.Ковальченконинг илмий асарлари қўл келади. Бу аввало ижтимоий-иқтисодий ва статистик маълумотларни қайта ишлаш жараёнида қўлланилади. Ушбу усулнинг қўлланилиши натижасида соҳага ажратилган маблағ, даволаш ўринлари ва тиббий кадрлар сонининг бошқа ҳудудларга нисбатан кўп ёки камлиги аниқланади.

Соҳага доир тадқиқотларда қиёсий, тизимли ва миқдорий таҳлил, ретроспектив, муаммовий-хронологик, тарихий тадрижий каби усуллардан ва фанлараро ёндашувдан фойдаланилади. Соғлиқни сақлаш соҳасининг совет ҳокимияти давридаги тарихини ўрганиш жараёнида тарихий далилларни қиёсий баён этишда қиёсий таҳлил усулига таянилади. Хусусан, совет давлатининг турли ҳудудларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан олиб борилган сиёсатнинг турлича эканлигини тасдиқловчи далилларни келтириб, бунда аввало, аҳоли жон бошига даволаш ўринлари ва тиббиёт кадрлари сони солиштирилади. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси турли ижтимоий ва юқумли касалликларга чалиниш кўрсаткичларининг юқорилиги мамлакатнинг марказий ҳудудлари билан таққослаб таҳлил этилади.

Миқдорий таҳлил усулидан соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техника базаси, хусусан, даволаш муассасалари ва ўринлари, тиббиёт кадрлари билан таъминланиши каби масалаларни

таҳлил этишда, жумладан уларнинг сон жиҳатдан ўсиб бориши ёки камайишини каби ҳисоб-китобларда фойдаланилади. Шунингдек, мамлакатнинг турли ҳудудларида соғлиқни сақлаш муассасалари сонини таққослашда ҳам қўлланилади.

Тадқиқотни тайёрлаш жараёнида тизимли таҳлил усулига ҳам амал қилиб, бу усулдан фойдаланиш масаланинг мураккаб ва хилма-хил томонларини ягона бирлик сифатида тасаввур этиш имконини беради. Шунингдек, муайян тарихий даврда турли соҳалар ўртасидаги диалектик алоқадорликни ўрганиш ва унинг соғлиқни сақлаш соҳасига таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Тизимли таҳлил усули соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятига доир тарихий воқеа ва ҳодисалар маълум белгиларига қараб гуруҳларга ажратилган ҳолда таснифланади. Масалан, ижтимоий ва юқумли касалликлар, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тиббий кадрлар тайёрлаш, халқ тиббиёти каби масалалари тизимли таҳлил этилади.

Тадқиқотда ретроспектив усулга таянилиши туфайли тадқиқ этилаётган даврда турли ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, аҳолининг яшаш тарзида трансформация жараёнларининг боришини кузатиш ва мавҳум масалаларга ойдинлик киритиш, соҳанинг ўша даврдаги ҳолати ҳақида якуний хулосалар чиқариш ва келгусида уни ривожлантиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради

Соғлиқни сақлаш соҳаси тарихига бағишланган тадқиқотларда фанлараро ёндашувдан фойдаланган ҳолда турли соҳа маълумотлари бир жойга жамланиб, хулосалар умумлаштирилади.

Муаммовий-хронологик усул тадқиқотда тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг даврлар бўйича жойлаштирилиши ва таҳлилига ёрдам беради. Хусусан, совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари, Иккинчи жаҳон уруши, XX асрнинг 40-йилларининг иккинчи ярмидан Иттифоқнинг инқирозигача бўлган даврларда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг аҳволи тадқиқ этилади. Ушбу усул ҳар бир тарихий даврда соҳа фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш имконини бериш билан бирга, тарихнинг муайян босқичида соғлиқни сақлаш тизимининг мутахассислар томонидан ўрганилиш ҳолати ҳақида аниқ тасаввурларини шакллантиришга имкон беради. Тадқиқотни тайёрлаш жараёнида цивилизациявий, географик детерминизм каби ёндашувларига асосланилади. География детерминизм ёндашувнинг вужудга келиши француз маърифатпарвари Ш.Л.Монтескье номи билан боғлиқ бўлиб, бунда турли жараёнларга табиий иқлим шароити, атроф-муҳит таъсири мавжудлигига таянилади. Хусусан, тарихий жараёнларга муайян давлатнинг жойлашган географик ўрни, иқлим шароитлари ҳам, албатта, таъсир этади. Хусусан, аҳоли саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳитга ва иқлим шароитларига боғлиқдир. Ўзбекистон иқлимининг иссиқлиги туфайли барча тарихий даврларда аҳоли турли юқумли ва бошқа касалликлардан азият чекиб келган. Айниқса, совет ҳокимиятининг Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида безгак, ичбуруғ, қичима каби касалликлар кенг тарқалганки, бундай ҳолатларга республиканинг жойлашган ўрни, иссиқ иқлим шароити ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, безгак касаллигини тарқатувчи зарарли ҳашаротлар ботқоқликларда яшаб, иссиқ иқлим уларнинг кўпайиши учун қулай имконият яратиб берган. Ёки Ўзбекистон вирусли гепатит юқумли касаллигининг тарқалиши бўйича Иттифоқда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тарихи мавзуси манбашунослиги масалалари муаммонинг қўйилиши ва манбавий асосларнинг кўплиги жиҳатдан алоҳида тадқиқ қилинишга муҳтож.

Хуллас, жаҳон тарихшунослигида тарих фанининг тадқиқот усуллари ҳақида кўплаб асарлар яратилган бўлса-да, бу масала ўз ечимини тўла топмаган бўлиб, фаннинг тадқиқот усуллари хусусидаги баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Тарих фани назарий методологияси мураккаб масалалардан бир бўлиб, унинг ечими манбашунослик, тарихшунослик, тарихий қарашлар, фалсафа ва фалсафа тарихи, шунингдек, бошқа фанлар методларига ҳам боғлиқдир. Тадқиқотчи ишни баён этишда миллий истиқлол ғоясига мувофиқ назарий методология, методлар, тамойиллар ва ёндашувларни танилади. Мустақиллик йилларида тарих фани тамойиллари масаласига алоҳида аҳамият берилиб, тадқиқотларда тарихийлик, ҳаққонийлик, ижтимоий ёндашув, альтернатив (муқобил), аниқлик, тарихий манбаларга асосланиш, тизимлилик, тарихшунослик анъаналарига содиқлик каби тамойиллардан фойдаланилмоқда. Тарихий жараёнларга баҳо беришда ҳаққонийлик тамойилига амал қилиниши натижасида муайян даврда соғлиқни сақлаш соҳасида давлатнинг олиб борган сиёсати ва ундан кўзланган мақсадни аниқлаш имкони яратилади. Соғлиқни сақлаш тизимида кечган жараёнларни ижтимоий ёндашув тамойилларига амал қилган ҳолда баён этишда ижтимоий табақалар манфаати масаласига ҳам эътибор қаратди. Хусусан, ишчи ва деҳқонлар, оналар ва болалар каби ижтимоий табақалар саломатлигини сақлаш ишининг ҳуқуқий асослари ва бошқа жиҳатлари ёритилади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси тарихини ўрганишда ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиб, тарихшунослик анъаналарига содиқлик тамойилига

амал қилиш талаб этилади. Соҳа тарихини ўрганган муаллифларнинг асарлари ва уларда келтирилган фундаментал фикр-мулоҳазалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асосларига оид фикр-мулоҳазалар якунида хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, мустақиллик даврида тарих фанига бўлган эътибор кучайтирилиб, уни асл манбаларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ва ўрганиш зарурияти келиб чиқди, тарихни ўрганишнинг янги методологияси, усул ва тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда тарихий воқеликни янгича ёндашувлар билан баён этиш бошланди. Жаҳон тарихшунослиги фанида тадқиқот усуллари ҳақида кўплаб асарлар яратилган бўлса-да, бу масала ўз ечимини тўла топмаган. Тарих фани назарий-методологияси муаммоларининг ечими манбашунослик, тарихшунослик, тарихий қарашлар, фалсафа ва фалсафа тарихи, шунингдек, бошқа фанлар методларига ҳам боғлиқлиги аниқланди. Шу боис тадқиқотларда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимлаштириш, аналогия ва таққосий таҳлил каби умумфанлар методлари билан бирга, тарих фанининг таққосий (компаратив), тизимлилик, типологик, ретроспектив, идеографик, хронологик-муаммоли, тарихий генетик, тарихий тадрижий, тарихий даврлаштириш, статистик, синергетика каби методлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ

Тадқиқотнинг турли бўлимларини тадқиқ этишда аниқ методни танлашда фойдаланилаётган манбанинг характери, кўриниши ва мазмунига, қўйилган вазифалар каби омилларга эътибор берилади. Умид қиламизки, тадқиқотда қўйилган муаммоларни очиб беришда қўлланилган метод ва ёндашувлар методология масаласидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш ҳамда тадқиқотнинг асосий вазифаларини ечишга ёрдам беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Астаханов М. В. Методология исторической науки. Историко-библиографическое исследование отечественной литературы 80–х-90–х гг. XX в. Том 1. Библиография. Историография. Общая и специальная методология исторической науки/СЦАИ.–Самара, 2006.–289 с.;
2. Алимова Д. А. История как история, история как наука.– Ташкент: 2008. Т. 1. История и историческое сознание. –280 с.;
3. Барг М. А. Эпохи и идеи. Становление историзма.– Москва, Мысль, 1987;
4. Блок М. Апология истории, или Ремесло историка.– Москва, 1986;
5. Болингброк. Письма об изучении и пользе истории.–М., 1978;
6. Бицилли П. М. Очерки теории исторический науки. СПб, Axioma, 2012.
7. Гуревич А. Я. Исторический синтез и школа “Анналов”– М., 1993;
8. Дербов Л. А. Введение в изучение истории.– М., 1981.–184 с.;
9. Xenopol A. D. La Theorie de L’ Histoire, Paris, 1908;
10. Michelis E. de, Ii problema delle scienze storiche, Torino, 1915, 315f;
11. Косолапов В. В. Методология и логика исторического исследования.– Киев, 1977;
12. Унпелев А. Г, Унпелев Г. А. Историографические очерки к проблемам методологии исторической науки. Владивосток, 1983.–139 с.;
13. Иванов В. В. Методология исторической науки.– М., 1985.–168 с.;
14. Пронштейн А. П. Вопросы теории и методики исторического исследования.– М., 1986;
15. Фримен Э. Методы изучения истории/ Пер. С англ.– Москва, 1986;
16. Жуков Е. М. Очерки методологии истории. 2-е изд.– М., 1987.–439 с.;
17. Ельчанинов В. А. Методологические проблемы исторической науки.–Барнаул, 1990.–118 с.;
18. Тойнби А. Дж. Постижение истории.– М., 1991;
19. Февр Л. Бои за историю.– М., 1991;
20. Губман Б. А. Смысл истории очерки современных западных концепций.– М., 1991;
21. Ясперс К. Смысл и назначение истории.– М., 1991;
22. Исхоқов М. Тарихий жараён ва холислик мезони: тарих ва тараққиёт. –Тафаккур. 1999.–№ 1. 20–31 б.;
23. Коломийцев В. Ф. Методология истории.– М., 2001.–191 с.;
24. Ковальченко И. Д. Методы исторического исследования.–М., 2003;
25. Лаппо-Данилевский А. С. Методология истории.– М., 2006.–622 с.;
26. Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей. Выпуск I. Ответственнь редактор Р.Абдуллаев.–Ташкент, 2011;

ЖАҲОН ЭТНОЛОГИЯСИ ФАНИ ВА УНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ

М.Б.Қурбонова, т.ф.н., доцент, БухДУ
М.Ш.Ярашова, БухДУ магистранти

Аннотация.

Мақолада жаҳон энологияси фани, унинг асосий мактаблари ва ушбу фанни таълим жараёнида ўқитишдаги замонавий методологиялар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Замонавий методология, концепция, этнология, этнологик мактаблар, жаҳон этнологияси, ижтимоий антропология, цивилизацион ёндашув.

Узоқ йиллар давомида яратиладиган жаҳон цивилизацияси тарихида эса ҳар бир дунёвий фаннинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Бугунги кунда жаҳон этнологияси фанини ўқитиш жараёнида ўзига хос замонавий методологияни давр талабига айланди. “Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти жуда катта. Афсус, бу фанлар ривожи замондан ортда қолмоқда. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас. Тарихга оид илмий тадқиқот ишлари асосан баённчилик, публицистик усулда олиб борилмоқда. Натижада, олис ва яқин ўтмишимиздаги кўпгина воқеалар моҳияти, уларни юзага келтирган омиллар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда. Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур: миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишимиз вақти-соати келди, деб ўйлайман. Тарих институтини бу фанни ривожлантириш бўйича таянч илмий муассаса этиб белгилаш керак”[1].

Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси ва методикасининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш учун жаҳон этнологияси фанига мурожаат этамиз. Маълумки, сўнгги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнида мустақил тарихий фан деб тан олинган этнология соҳасида шаклланган ҳамда яратилаётган янги замонавий йўналишлар, концепция, ёндашув ва назарияларни илмий нуқтаи назаридан ўрганиш кун тартибидаги долзарб масалага айланди.

Этнология мустақил фан сифатида бир қатор этнологлар жамиятлари: 1839-йилда Франция этнологлар жамияти,1842- йилда АҚШда Америка этнологлар жамиятининг тузилиши билан расман тасдиқланган [2]. Фақат мана шундан кейин турли илмий мактаблар ва янги йўналишлар, концепциялар пайдо бўлди. Мазкур фаннинг ривожланишида эволюционизм , диффузионизм, структурализм, этнологиянинг тарихий Америка мактаби, функционализм, маданий релятивизм сингари машҳур оқимлари муҳим ўрин эгаллаган эди. Чунки, ушбу илмий мактаблар ва йўналишлар доирасида этнология илмининг фанлар тизимидаги ўрни, тадқиқот мавзусига даҳлдор масалалар борасида кескин мунозаралар олиб борилган. Бу қизғин баҳс мунозараларнинг айримлари эса ҳатто, бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Масалан, ушбу муаммолардан бири фаннинг номланиши борасидаги масаладир[3]. Бугунги кунга келиб, айрим мамлакатларда мазкур фан ’’этнология’’ ёки ’’этнография’’ деб номланса, қатор Ғарб мамлакатларида ушбу фанни ’’маданий антропология’’ ёки ’’ижтимоий (социал) антропология’’ деб юритиш анъанага айланган. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жаҳон этнологияси фани ривожида унинг асосий йўналишлари, концепцияларининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Чунки, дунё мамлакатларида, хусусан, Европада этнология мактабларининг шаклланиши, АҚШ да этнология фани тараққиёти, Россия этнология мактабининг вужудга келиши, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки, яъни чор Россияси мустамлакаси ва совет даврида олиб борилган этнографик тадқиқотлар мазкур фаннинг тарихидан, балки, бугунги тараққиёти даражаси, ривожланиш истиқболларидан мутахассисларни, кенг жамоатчиликни хабардор қилади.

Этнология фанида вужудга келган асосий йўналишлар, концепция ва мактаблар шаклланиши, тараққиёти масалаларининг баъзи жиҳатлари С.А. Токарев [4], С.В. Луръе [5], А.А. Белик ва Ю. В. Резик сингари этнографлар тадқиқотларида ёритилган. Ушбу фанга оид дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда этнологиянинг мактаб ва йўналишлари ҳақида умумий маълумотларнинг келтирилиши бўлажак мутахассис талабалар учун жуда аҳамиятлидир[6].Бугунги даврда этнологиянинг замонавий мактаблари тадқиқотларининг кўпчилиги эндигина цивилизацияларни қиёсий ўрганиш зарурлигини илгари сурмоқдалар. Марказий Осиё давлатларида мустақилликдан

сўнг цивилизацион ёндашув кенг оммалашди.Ўзбекистон ижтимоий фанларида цивилизацион ёндашувдан фойдаланиш масаласи очиқ қолмоқда[7].

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон цивилизацияси ривожида ўз аҳамиятига эга бўлган этнографик йўналишда бажарилаётган ҳар қандай илмий тадқиқот маълум бир амалий аҳамиятга эга бўлиши ва унинг натижаларидан эса бугунги ва эртанги кун амалиётида унумли фойдаланишни давр тақазо этмоқда[8].

Фойдаланилган адабиётлар.

1.daryo.uz/2021/01/20/shavkat-mirziyoev-ijtimoiy-gumanitar-fanlar-rivoji-zamondan-ortda-qolmoqda/.
2.Луръе С .В Историческая этнология.Учебное пособие для вузов.Аспект Пресс,1998.-С.5.
3.Аширов А,Атаджанов Ш .Этнология ўқув қўлланма.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.Т.:2007,-Б.10.
4.Токарев С.А. История Зарубежной этнографии.-М.:’’Высшая школа ‘’,1978.-с.134-342.
5.Луръе С. В. Историческая антропология.-М.1997.
6.Этнология. Учебник для высших учебных заведений.Под.ред.А.П. Садохина.- М.,2000.
7.Хатамова М.М .Цивилизациявий ёндашув ва унинг асосий йўналишлари.//Ўзбекистон этнологиясининг назарий – методологик муаммолари.Илмий тўплам.Т.:’’Наврўз’’,2014.-Б.24-25.
8.Курбонова М.Б. Этнографик тадқиқотларнинг дунё цивилизацияларини ўрганишдаги аҳамияти//Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро.2020. –Б.15-17.

MIFOLOGIYA INSONIYAT TARIXINING IBTIDOSI SIFATIDA

U.Narzullayev, t.f.f.d., PhD.

Annotatsiya

Mazkur maqolada insoniyatning tarixiy ongi genezisi, ijtimoiy ongning shakllari, xalq eposlari uning vujudga kelishi, rivoji va uning insoniyat tarixidagi o‘rni atroflicha yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Tarixiy ong, tarixiy bilim, gnotseologiya, eposlar, Mahobhorat”, “Ramayana”, sak va massagetlar, “Shiroq”,“To‘maris”, mifologiya, poeziya, genezis, prozaik matn, poetika.

Insoniyatning tarixiy ongi uzoq yo‘lni bosib o‘tgan o‘z genezisiga ega. Uning shakllanishi insoniyatning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy taraqqiyoti bilan birgalikda bordi. Ijtimoiy ong siyosiy, mafkura, huquqiy ong, axloq, din, fan, san’at va falsafa shakllarida mavjud bo‘ladi. Lekin tarixiy ong ijtimoiy ongning turli xil shakllarini o‘zida u yoki bu darajada aks ettiradi.

Tarixiy bilimlar ijtimoiy ongning muhim tarkibidagi asosiy unsurlardir. Faylasuf Berdyayev “tarixiy bilim va tarix falsafasi o‘z gnotseologiyasiga va o‘z bilish nazariyasiga ega bo‘lishi kerak”, degan fikrni bildirgan edi. Tarixiy ong yozma matnda yaxlit ko‘rinishda jamiyat, inson to‘g‘risidagi yo‘riqlar, baholar, umumiy qarashlar matnlarda ifodalanadi. Kishilarning u yoki bu darajada ma’lum bir zamon va chegaralarda o‘z faoliyatining umumiyligi, xo‘jalik yoki til birligi barqaror guruhlari mavjud bo‘la boshlaydi. Tarixda har bir davrga oid avlodlar tomonidan hosil qilingan tasavvur va tushunchalar, bilimlar, ma’naviy meroslar va qarashlar yangi davr avlodlari dunyoqarashining asosiy tayanchi bo‘ladi. Tarixni yaratuvchilari alohida bir qatlam emas balki, tarix xalq va uning faol, fidoyi vakillarining mehnati, sa’y-harakatlari natijasida yaratiladi[1].Tarix xalq va uning o‘tmishdan qolgan matnlarida jamiyatdagi diniy, huquqiy, sinfiy, siyosiy, badiiy va ma’naviy hamda tarixiy ongning unsurlari aks etadi.

Xalq eposlarining eng qadimgi na’munalari ibtidoiy jamoa tuzumi davridayoq paydo bo‘ldi. Bu epos – dostonlar avloddan – avlodga og‘zaki uzatish natijasida o‘tib keladi. Bu albatta bir tomondan matnni xotirada saqlashni, boshqa tomondan uni aniq qayta tiklashni talab qiladi. Bu hol alohida kishilarning matnni xotirada saqlash qobilyati, malakasi shakllanishiga olib kelgan. Natijada doston, eposlarni aytish bilan shug‘ullanadigan alohida kishilar paydo bo‘lgan. Sharq mamlakatlarida bunday kishilarni baxshi, oqin, jirov, g‘arbda laerd deb atashgan. Yaqin – yaqinlargacha turkiy xalqlarda mashhur baxshilar qadimdan qolgan epos – dostonlarni to‘y – tomoshalarda biror musiqa asbob hamrohligi yordamida, boshdan oxirigacha aytar edilar. Albatta bunday matnlarni yodlash o‘ziga xos kuchli xotira va mashaqqatli mehnatni talab qiladi. “Yozuv paydo bo‘lganga qadar, tarixiy – ijtimoiy voqea – hodisalarni saqlovchi va yig‘uvchilar asosan donishmand yoki oqsoqollar edi. S.Skribner va M.Koulning ta’kidlashicha bunday muhim xotirani saqlovchining o‘limi, uning avlodlari uchun katta kutubxonaning yonib ketishi bilan barobar edi”.

Ijtimoiy hayotdagi ma’lum bir tarixiy davr voqea – hodisalari, vaziyatlar ko‘p vaqt o‘tmay afsona, ertak, eposlarda o‘z aksini topadi va ijodkor tomonidan bevosita tasvir etiladi. Davr ijodkorlari ko‘p hollarda ertak va afsonalarni o‘z davri ruhi bilan sug‘ordilar.

Sharqda tarixga qiziqish xalqlarning mifologik va qahramonlik eposlari hamda alohida afsonalarida, sulola ertaklarida tarixiy ongning unsurlarini ko‘rish mumkin. Shumerliklarning Gilgamesh eposi, hindlarning “Mahobhorat” va “Ramayana” dostonlari, sak va massagetlarning “Shiroq”, “To‘maris”

afsonalari shular jumlasidandir. Bu mifologik manbalar qadim o‘tmishni tabixiy ongining o‘ziga xos ko‘rinishi, uning ma’naviy shart – sharoiti edi. Darhaqiqat, buyuk nemis shoiri I.Shelling aytganidek, mifologiya insoniyat tarixining ibtidosidir. Biz mifologiyani tarixiy ong rivojlanishining ibtidosi deb qarar ekanmiz, mifologiyaning genezisi haqida ham qisqacha to‘xtalib o‘tamiz. Chunki mifologiyani tarixiy ongning ilk shakllaridan biri deb hisoblash mumkin. Mifologik nuqtai nazardan afsonalar yolg‘on va inson fantaziyalarining o‘yini deb tushunilmaydi.

Mashhur faylasuf A.F. Losev mifologiyani nazariy tahlil qilar ekan uni voqelikning va ongning o‘ziga xos ko‘rinishi ekanligini ta’kidlaydi.

Mifologiya ibtidoiy ongda voqeilikning inikosi bo‘lib, inikos qadimgi zamonga xos bo‘lgan xalq og‘zaki ijodida yaqqol gavdalanadi. Afsonalar ham insoniyat tarixining turli bosqichlarida paydo bo‘lib, tabiat va jamiyatning turli xil hodisalarini umumlashtirishga intilish edi. Mifologiya qadimgi davr ва jamiyatning dunyoqarashini o‘zida aks ettiradi. Qadimda aniq bir odam tuzgan matnlar mavjud emas, hamda doston, afsona, ertak, qadimgi urf – odatlar, diniy marosimlar ilk yozma matnlar ma’lum bir belgilangan qoida, mezon va yo‘riqlar mavjud bo‘lmagan davrdan paydo bo‘lgan. Mil .avv. X – IX asrlarda O‘zbekiston hududida yashovchi elatlar boy ijodga ega bo‘lgan. Bunday ma’lumotlarni O‘rta Osiyo halqlari, shu jumladan o‘zbek xalq og‘zaki ijodi yaratgan ba’zi asarlarda aks sadosi seziladi. Masalan, o‘zbek dostonlarida qadimgi sak-massaget qabilalari eposidagi ba’zi unsurlari saqlangan.

O‘tmishga qiziqish ijtimoiy, siyosiy tus kasb etmay, axloqiy qarashlar, adolatli qaror va hukmlar, yovuzlik va ezgulik o‘rtasidagi saboq, tarbiya beruvchi fikrlar bilan cheklanib qolgan. Bunday bayon qilish shakllari tarixiy jihatdan hali mo‘rtroq edi va ularda ko‘pincha xayoliy obrazlar ko‘proq ijobiy ahamiyat kasb etgan.Bu vaziyat tarixiy ongning ilk genezisi davriga xosdir. Belinskiy ta’riflaganidek: “Xalq poeziyasi, dostonlari uning tarixi bilan bog‘liq; poeziyada ham, tarixida ham xalqning sirli ruhiyati mujassamlashgan, shu sababli uning tarixini poeziya bilan, poeziyani esa tarix bilan tushuntirib berish mumkin”[2]. Tarixiy ong genezisi juda qiyinchilik bilan sekin – asta kechdi. Dastlab o‘tmish voqealari izchilligining bayon qilish yoki muhokama qilish uchun tayyor shart – sharoit, maxsus matnlar yo‘q edi. Dastlabki tarixiy ong unsurlari afsona, doston, ertak, epos, rivoyat kabi xalq og‘zaki ijodiyoti namunalarida namoyon bo‘ladi. Faqat yozuvning paydo bo‘lishi bilan bu jarayon ozroq tezlashdi.

Ijtimoiy taraqqiyot natijasida yozuvlar turli hududlarda turli davrlarda shakllandi. Qadimiy yozuvlarni rivojlanishi va shakllanishida Markaziy Osiyo qadimgi xalqlarining ham o‘z o‘rni bor. Sharqning boshqa mamlakatlari qatorida mifologiyaning eng qadimiy namunalarni o‘lkamizda yashagan ajdodlarimiz yaratgan. Xorazm tuprog‘ida joylashgan Qo‘yqirilgan qal’a xarobalaridan topilgan sopol idishlarga o‘yib yoki tush bilan bitilgan oromiy tilidagi yozuv mil.avv I- ming yillikga oiddir. Bundan tashqari xorazmshohlar poytaxti Tuproqqal’ada kashf etigan eramizning III asriga mansub arxiv hujjatlari, Nisodan topilgan hamda milodan avvalgi I asrga oid Parfiya arxivi hujjatlari O‘rta Osiyoliklarning qadimdan yuksak taraqqiyot, madaniyatga ega bo‘lganini isbotlaydi. “Afsuski, kommunistik mafkuraning “qudratli” kuchini va sotsialistik tuzumning “afzalligi”ni ko‘rsatish uchun yaqin davrlargacha O‘rta Osiyo xalqlari, shu jumladan O‘zbeklar ham butunlay savodsiz bo‘lgan, degan fikrlar ilgari surildi”[3].

Og‘zaki matnni yozib olish tarixiy ongning shakllanishida ijobiy ahamiyatga ega bo‘ldi. Yozuvni paydo bo‘lishi tarixiy ongni “ongli” ravishda shakllantirishga sabab bo‘ladigan, sifat jihatidan yangi bir mazmun va shakl yuzaga keldiki, bu tarixiy ong genezisini tezlashtirib yubordi. Bunga sabab bo‘lgan omil hayotning turli sohalari bo‘yicha yozuvga asoslangan bitiklarning paydo bo‘lishi edi.

Poetik shakldan prozaga o‘tilishi xotirada saqlash emas, balki matnni qayta o‘qish imkonini beradi. Chunki prozaik matnning o‘qilishi osonroq edi. Matnni tahlil qilib, o‘tmish bosqichiga begona bo‘lgan yo‘riqlarni aniqlash, yangi mazmun – tarixiy ong tuzilmasida tarixiy bilimning ajralib chiqishiga sabab bo‘ldi. Shu davrdan boshlab tarixiy bilimlar tarqoq emas, balki ongli ravishda shakllana boshladi. U endi ma’lum bir qoida, qonun, mezon, bir so‘z bilan aytganda, tarixiy ratsionallikdan kelib chiqadigan bo‘ldi. Xulosa qilib aytganda, insoniyat sivilizatsiyasida mifologiya va yozma manbalarning o‘rni beqiyosdir. Eposlar va yozma manbalar inson tafakkurining mahsuli, o‘tmish va kelajakni bog‘lab turuvchi zanjirdir. Undan kelajak avlod hamisha saboq olib yashaydi. Demak ibtidoiy jamoa davridan etnoslarda mavjud bo‘lgan mifologiya (doston, ertak,afsona va rivoyatlar)da tarixiy bilimning ilk unsurlari mavjud edi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bekmurodov M va boshqalar. Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanish sari. Risola. 2017 yil,10 bet.
2. Белинский В.Г. Соч. Т. 10. стр. - 29
3. Жабборов И. «Ўзбек халқ этнографияси». Т. 1994 й.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИДА ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Х. Хакназаров, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техник институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ёшларни ватанпарварлик руқида тарбиялашда ижтимоий фанлар- нинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.Ушбу мақолада ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини сингдиришнинг турли усул ва воситалари ҳақида баён этилган.

Ўзбекистоннинг янги тарихида ҳарбий тарихни ўрганиш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбий саркардалар ва қаҳрамонлар фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш орқали улар онгида миллий ғурур ва фахрланиш туйғуларини янада мустаҳкамлаш ҳаётий зарурият саналади.

Калит сўзлар. Ҳаракатлар стратегияси, «йўл хариталари» , “Темурбеклар мактаби”, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, («Партиотизм завтрашного дня») “Эртанги куннинг ватанпарварлиги” “ватанпарварлик туйғуси ва миллий қадр-қиммат”, “экологик кўнгиллилар йили”

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа жабҳалари билан бир қаторда, ҳарбий соҳанинг энг муҳим йўналишлари бўйича замон талабларига мос, тизимли ва стратегик комплекс чора-тадбирлар натижасида қисқа давр ичида миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва умуман мамлакатнинг мудофаа қобилияти сезиларли даражада ошди.

Сўнгги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг мудофаа салоҳияти янада мустаҳкамланмоқда. Биргина 2019 йилнинг ўзида мудофаа соҳасида 7 та қонун, 50 та фармон ва қарорлар, 20 дан ортиқ дастур ва «йўл хариталари» қабул қилангани ана шу масалаларни комплекс ҳал этишга давлат миқёсида қанчалик муҳим аҳамият берилаётганлигини кўрсатади [1: 128].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2021 йил 12 январда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳарбий таълим тизимида бошланган ислоҳотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий руҳ, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аждодларимиз, жумладан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларимизнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди [2].

Дарҳақиқат ватанпарварлик тарбиясида ижтимоий фанларнинг аҳамияти юқори бўлиб, хусусан ёшларни, айниқса ҳарбий хизматчиларни тарихий тафаккур воситасида тарбиялаш орқали уларни чинакам ватанпарвар қилиб тарбиялаш, тарихда ўтган буюк саркардалар, мард ва ватанпарвар аждодларга муносиб авлод бўлишга ёрдам бериши мумкин.

Хорижий давлатларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу жараёнда тил, давлат рамзлари, миллий аудио, видео ва босма маҳсулотлар миллий қаҳрамонлар, миллий анъаналар ва қадриятлар, давлат раҳбариятининг хулқ-атвори ва давлат тарғибот тизими кабиларга катта эътибор қаратилади. Масалан, АҚШда тарғибот учун давлат байроғини жуда фаол қўллашади. Франция ва Германия қонунчилигида чет тилларидан фойдаланиш қатъий тартибга солинган ва чет тилларидаги аудиовизуал маълумотлардан фойдаланиш чекланган. Данияда жамиятнинг этник андозалари белгиланган. Кўп давлатлар Инжил ва Қуръон қоидалари асосида яшайдилар [3]. Хитой, Шимолий Корея ва Вьетнамда жуда қаттиқ давлат тарғиботи фаол қўлланади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мактабгача ва мактаб таълими билан уйғун ҳолда олиб борилиши амалиётда исботланган. Польша ва Россияда аҳолининг ватанпарварлик тарбияси соҳасида улкан ишланмалар мавжуд. Хусусан Польша ҳукумати томонидан “Эртанги куннинг ватанпарварлиги” («Партиотизм завтрашного дня») давлат дастури ишлаб чиқилган. Польшада ватанпарварлик тарбияси мактабгача бўлган ёшлар орасидан бошланади. Музейларга, миллий қаҳрамонлар ва қадриятларни таништирувчиёдгорлик мажмуаларига экскурсиялар уюштирилади. Шу тариқа болаларнинг ватанпарварлиги шаҳар, вилоят, мамлакат миқёсида шаклланиб боради. Россия Федерациясида ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси шахснинг шаклланишига уруш ва тинчлик вақтида ватанпарварлик сифатларини намоён қилишга, фуқаролик мажбуриятларини бажаришга йўналтирилади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини сингдиришнинг турли усул ва воситалари мавжуд бўлиб, бунда дунё мамлакатларида турли одат ва анъаналар, айрим ҳолатларда эса мажбуриятлар амал қилади. АҚШда ўтказилган тадқиқотларда аҳолининг тахминан тўртдан уч қисми ўз мамлакати учун фахрланиш туйғусини ҳис этиши аниқланган. Америка оилаларининг деярли ярми ўз уйларида ўз миллий байроғини осади, ҳайдовчиларнинг 15-20 фоизи машиналарини байроқча ва бошқа рамзлар билан безайди. Ўндан тўққиз фоизида мамлакат мадҳияси янграганда фахрланиш туйғуси пайдо бўлади.

Ватанпарварлик тарбияси бўйича муайян давлат дастури мавжуд бўлмаса-да:

ватанпарварлик туйғуси фуқаролар онгига болалигидан ота-оналар, мактаб, университет ва бошқалар томонидан сингдирилади;

ОАВ орқали давлат рамзлари фаол тарғиб қилинади. Мамлакат аҳолиси орасида давлат рамзлари туширилган маҳсулотлар катта шуҳрат қозонган;

миллатнинг ватанпарварлик руҳини қўллаб-қувватлаш мақсадида Голливуд кинокомпанияси имкониятларидан кенг фойдаланилади.

мамлакат фуқароларининг ватанпарварлик тарбияси масалаларида ҳарбий-сиёсий характердаги болалар ташкилоти (скаут) ва ёшлар ташкилотлари муҳим роль ўйнайди.

Японияда ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси соҳасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. 2002 йилда Япония ҳукумати томонидан “ўз мамлакатига муҳаббат туйғуси”ни тарбиялаш бўйича ўқув режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ўрта мактабларда олти йиллик дастур жорий этилган. 2003 йилда ҳукумат қарорига асосан мактабларда ватанпарварлик мезонларини баҳоловчи “Японияда эркин сўз ва ватанпарварлик тўғрисида”ги тизим жорий этилган. 2006 йилда Япония парламентининг қуйи палатаси томонидан “Таълим тўғрисидаги қонун асоси” бўйича қонунлар қабул қилинди. Таълим тўғрисидаги янги қонунда ўқитувчилар мажбуриятларига бошланғич синфлар ўқувчиларига “ватанпарварлик туйғуси ва миллий қадр-қиммат” ҳиссиётларини сингдириш юклатилди. Бугунги кунда мазкур қонун амалиётда.

Хитой ОАВларида сўнгги йилларда сўнгги йилларда ватанпарварлик мавзусидаги материаллар сони сезиларли даражада кўпайган, шунингдек интернетда ва партия матбуотида ёшларга мурожаатлар тез-тез берилмоқда. Мазкур йўналишда Хитой коммунистик партияси, шу жумладан Хитой Коммунистик Ёшлар иттифоқи, Бутунхитой ёшлар федерацияси асосий етакчилардир. Ёшлар орасида шундай нуқтаи-назар оммалашиб бормоқдаки, унга кўра Хитой маънавий қадриятларига Ғарб демократияси зид. Хитойнинг ҳозирги вазифаси фикрларни эркин билдириш эмас, балки иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш орқали халқнинг жисмоний яшовчанлигини таъминлашдан иборат. Мамлакат ёшлари орасида Хитойнинг дунё миқёсида буюк давлат сифатида шаклланишига қизиқиш ортган. Мамлакатда ватанпарварлик ғояларини сингдириш мақсадида мамлакатдаги 1400 музейга бепул ташрифлар уюштириш йўлга қўйилган. Бу фаолият давлат ҳомийлигида ва партия марказий қўмитасининг тарғибот бўлими кўмагида Молия вазирлиги ва ХХР маънавий меросини қўриқлаш бўйичадавлат бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Германияда ҳарбий хизматдан ташқари давлат томонидан бошқариладиган Ватанга хизмат қилишнинг яна бир неча турлари мавжуд. Мамлакатда шундай оммалашган давлат дастурлари борки, улар “ижтимоий кўнгиллилар йили” ва “экологик кўнгиллилар йили” – дир. Мазкур дастурлар мактаб битирувчиларининг йил давомида ижтимоий ва экологик тадбирларда иштирокини кўзда тутган. Бунда иштирок этиш учун кўнгиллиларга давлат томонидан иш ҳақи тўланади. “Ижтимоий йил”даги иштирок учун ёшларга ОТМларга ўқишга кириши учун имтиёзлар берилади.

Юқоридаги тажрибалардан келиб чиқиб, шунингдек аввало миллий ўзликка хос бўлган қадриятларни инобатга олган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик тарбиясида тарихий билимларнинг аҳамияти юқорилигидан келиб чиқиб, қуйидагиларни алоҳида инобатга олган ҳолда фаолият олиб мақсадга мувофиқ.

биринчидан, глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқараётганини, мазкур жараёнда, миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортаётганини инобатга олган ҳолда вазиятга ҳушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб иш тутмоқ лозим;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш лозим;

учинчидан, миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур;

тўртинчидан, ёшлар қалбида миллий руҳ, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аждодларимиз, жумладан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларимизнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳим;

бешинчидан, ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини ошириш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 456 б.
2. Қуролли Кучларни ривожлантириш борасидаги ишлар сарҳисоб қилинди, янги вазифалар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгаши кенгайтирилган йиғилишидаги нутқи. 2021 йил 12 январ. https://president.uz/uz/lists/view/4076
3. Мўминов М. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси хориж давлатлари мисолида. Ватанпарвар. 2018 йил 25 май.

TARIX FANINI O‘RGANISHNING METODOLOGIK MASALALARI.

R.Qarshiyev, dotsent, NavDPI
X.Boysariyev, NavDPI

Annotatsiya

Tarix fanning o‘rganishning metodologik masalalarini o‘rganish bugungi kunning dolzarb mavzulardan biridir. Ushbu maqolada tarix fani uning mazmun mohiyati, tarix fanini o‘rganish obekti tarixiy manbalar, ilmiy adabiyot va rasmiy saytlar ma’lumotlari asosida ilmiy tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Tarix, tarixiy bilim.Vatan tarixi, o‘rta asr tarixi, yangi tarix.

Vatanimiz mustaqillikka erishgan yillardayoq Respublikamiz Birinchi Prezidenti I.A. Karimov tarixni o‘rganishni jahon standartlari darajasiga ko‘tarish masalasini dolzarb qilib qo‘ydi. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta’kidlab o‘tganidek, O‘z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini unutgan millatning kelajagi yo‘q[1.4]. Shulardan kelib chiqib, Tarixiylik tamoyili xalqning o‘tmishini yagona tabiiy- tarixiy jarayon deb, o‘tmish hozirgi zamonni tayyorlaydi, hozirgi zamon kelajakni yaratadi deb qaraydi. Insoniyat ana shunday umumiy yo‘ldan borayotgan ekan, istiqbolda porloq hayot, farovon turmush qurmoqchi bo‘lgan avlod tarix fani orqali o‘tmishni, ajdodlarimizning tarixiy tajribasini yaxshi bilmog‘i lozim. O‘tmishni, ajdodlarimiz tarixini qanchalik yaxshi bilsak, anglab etsak, hozirgi zamonni shunchalik mukammal tushunamiz, kelajakni to‘g‘ri tasavvur etamiz, taraqqiyotning alternativ yo‘llaridan to‘g‘risini tanlay olamiz. «...tug‘ilib o‘sgan yurtida o‘zini boshqalardan kam sezmay, boshini baland ko‘tarib yurishi uchun insonga, albatta, tarixiy xotira kerak... Tarixiy xotirasi bor inson - irodali inson» Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning tarix fani vakillari bilan uchrashuvidagi suhbatlarida ushbu fanning dolzarb muammolari muhokama qilinib, O‘zbekistonning ko‘hna tarixini rivojlanish qonuniyatlarni har tomondan chuqur o‘rganish, ko‘p asrlik tarixni va madaniy jarayonlarni yoritish kabi masalalar qo‘yilgan edi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev “Farzandlarimizni mustaqil fikrlaydigan zamonaviy bilim va kasb hunarlarni chuqur egallagan, mustahkam hayotiy pozisiyaga ega, chinakkam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun hamisha dolbzarb masala hisoblanadi”[2.89]deb aytishi bejiz emas.Shundan kelib chiqqan tarix bu zamonaviy muammolarni hal etishda va anglashda yo‘naltirilgan qator hodisalar va jarayonlardir.[3.64]

Tarixda ob’ektni o‘tmishini tiklash, xolisona tasvirlash va tushuntirish birlamchi hisoblanadi. Mutafakkurlar ta’kidlaganidek, tabiat tarixi mavjud va jamiyat tarixi mavjud. “Tarixiy bilimning asosiy maqsadi,- deyshadi E.P. Barinova, G.M. Ipolitovva E.YU.Bobnovalar, - ob’ektiv va holis, tizimli, konkret jamiyatning taraqqiyotidagi tarixiy jarayon haqidagi konkret bilimga va ilmiy jixatdan asoslangan tarixiy haqiqatga erishishdir”.[4.41] Har qanday muayyan tur doshbilimlar tizim hosil qiluvchi bilimlar fan darajasiga chiqishi uchun birinchidan metodologik asosi, jumladan prinsiplariga, ikkinchidan o‘z ob’ektining qonuniyatlarini aks ettiruvchi kategorialar, uchunchidan, emperik bazasiga ega bo‘lishi kerak.

Umumiy tarix fanining predmeti – kishilik jamiyatining o‘tmish va hozirgi kunida mamlakatlarning ichkarisi va tashqarisida yuz bergan voqealarni qonuniyatlari ila ilmiy tasvirlashdir. Shuning uchun ham B.G. Magilnitskiy va boshqalar tomonidan “konkret tarixiy qonuniyatlar” masalasi ham ilgari suriladi.[5.11]Bu masalada bizning fikrimiz shunday: jamiyat mavjudligi va rivojlanishining umumiy qonunlari har bir tarixiy mamlakatda konkiretlashadi, o‘ziga xos tusda namoyon bo‘ladi. Tarix fanlarining metodologik asoslari falsafa, ijtimoiy-falsafa, tarix falsafasi, tarix nazariyasi va ilmiy bilishning umumiy va xususiy metodlaridir.

“Tarix-inson haqidagi, odamlar haqidagi fan, - deydi N.Jo‘rayev, -Biroq, u bugunning odamlari, kechinmalari, his-tuyg‘ulari, faoliyatlari va munosabatlari xususida emas, balki o‘tgan ajdodlarimiz turmush tarzi, ma’naviy-ruhiy kechinmalari, maqsad va intilishlari haqidagi fandir”.[6.25] Amaliy tarix faniga berilgan bu ta’rif – tavsifda ajdodlarimizning ruhiy kechinmalari yozma manbalar va xalq og‘zaki ijodiyoti orqali yetib kelgan bo‘lsada, tarixiy voqealarning konkret namoyon bo‘lishlarini to‘liq bayon etaolmaydi. Yozma manba yoki xalq og‘zaki ijodida guruhiy kechinmalar faqat izlanishga undaydi. Shuning uchun “tarix fani ob’ekti – bu insoniyatni tashkil etuvchi jamiyatlar majmuidir, - deydi D.Alimova, - tarix fani predmeti – bu aniq (konkret) jamiyat va uning shakllangandan boshlab tanazuligacha zamon va makondagi taraqqiyoti bir butun holatda va ayni vaqtda uning ichki tarkibiy tuzilishlari, shuningdek boshqa aniq (konkret) jamiyatlar bilan aloqadorligi va munosobatlaridir”.[7.302] Biz D.Alimovaning fikrlariga qo‘shilgan holda ta’kidlaymiz: tarix fani va uning metodologik asoslari bo‘yicha fikrlarda birlik yo‘q. Chunki tarixiy fanlarning ontologik asoslariga bog‘liq holda oydinlashmagan. Jumladan, tarix falsafasi va tarix nazariyasi o‘rtasidagi umumiylik va tafovutlar oydinlashmagan.

Umumiy tarix barcha hududlarni qamrab olgan holda qadimgi, o‘rta asrlar, yangi va eng yangi davrlarga bo‘lib o‘rganiladi. Maxsus tarixiy fanlarga antropologiya, arxeologiya, etnografiyakiradi. Mabashunoslik, arxeografiya, poleografiya, geraldika, numizmatika, tarixshunoslik, geneologiya, tarixiy metrologiya, tarixiy xronologiya, onomastika, kartografiya kabilar yordamchi tarixiy fanlar hisoblanadi.

Madaniyat va san’at tarixi fanlarida esa umumiylik va tofavutlar uzil-kesil ko‘rsatilmagan. Holbuki, madaniyat tarixining bosh masalasi turli mintaqadagi xalqlarning o‘tmishi va bugunida ijtimoiy hayotning barcha sohalarida qo‘lga kiritgan yutuqlarini aniqlash bo‘lishi kerak. Shuning uchun ham D.Alimova “tarix fani ko‘p tarmoqli fan bo‘lib, inson va jamiyat taraqqiyoti bilan bog‘liq bir qator sohalar rivojlanishi jarayonlarining umumiyligi mahsulidir”[8.62], deydi. Gap ushbu umuiylikni topishdadir. Umumiylik esa metodologik masaladir.

Tarix fani insoniyatning butun o‘tmishi rivojida jamiyat hayotida sodir bo‘lgan voqea-hodisalar, jarayonlarni (jamiyatrivojini) yaxlit bir tarzda o‘rganadi. Bizningcha xuddi shu tarixiy yaxlitlik va unga bog‘liq jarayonlarning negizlarini izlab topish ko‘pgina masalalarning yechimini topishga yordam beradi, degan fikrdamiz.

Tarix fanlarining bunday xilma-xilligi ijtimoiy hayot sohalarining xilma-xilligidan kelib chiqadi. Xususan, uchinchi turkumdagi tarixiy fanlar umumiy tarixfanining boshqa fanlar bilan integratsiyasi natijasidir. Masalan, din tarixi tarix va dinshunoslik fanining o‘zaro bog‘lanishlari ichida bo‘lib, bunda davrlashtirishda tarixiy xronologiya, umumiy tarixga tayaniladi. Chunki din jamiyat-kishilik tarixining bir tomonidir xolos. Bunda ijtimoiy falsafiy bilish jamiyat va uning tarixining manzarasini berar ekan, umumiy tarix sohasida ham, fanlar aro integratsiya jarayonlarida hamkor din atsion ro‘lni o‘ynaydi.

Endi barcha fanlar, jumladan tarix fanlarining o‘rganish predmetlarini olaylik. Ular borliq, jumladan ijtimoiy borliqning umumiy aloqadorliklari tizimida yuz beradi tarix va tarixiy fanlarning falsafa va ijtimoiy falsafa bilan aloqadorliklari shu holadan kelib chiqadi. Ular o‘rganadigan ob’ekt-predmetlar borliqda butun qism va elementlarning aloqadorliklari yoki umumiylik, xususiylik va alohidalik dialektikasi kabidir. Yuqorida ko‘rganimizdek, umumiylik asos hisoblanadi, huddi shundayin falsafa va ijtimoiy falsafa tarix fanlari uchun metodologik asos hisoblanadi.

Jamiyatning umumiy aloqadorliklari kishilik tarixida konkret ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladilar. Umumiy tarixning yordamchi yoki to‘ldiruvchi tarix fanlari bilan aloqasi ham xuddi shundaydir. Yordamchi tarix fanlari yoki har bir fan tarixi, masalan, huquq yoki iqtisod tarixi bo‘lsin, ular umumiy tarixga tayanadi va o‘z navbatida umumiy tarix ham boshqa tarix fanlari yutuqlari hisobiga boyiydi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak tarix fanini bilish, voqelarga xolisona yondashib chuqir tahlil yetish, asosan har bir davrdagi voqea va hodisalarni anglashga qaratilgan. Bir so‘z bilan aytganda tarixni paydo bo‘lishidan boshlab, shu bugungi kungacha shakllanish jarayonlarini tarixiy nuqtai nazardan falsafiy mushohada yetgan holda ilmy metodologik tahlil etishdan iborat. Tarix fanining voqea va hodisalarini o‘rganish uchun tarix fanining yordamchi sohalarini mohiyatini o‘rganish ilmiy ishda alohida o‘z aksinitopgan.Tarix fanining yordamchi sohalari tarix fanini falsafiy tahlil etishda asosiy manba bo‘lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. KarimovI.A. Yuksak ma’naviyat-engilmas kuch.-Toshkent: Ma’naviyat, 2008-4-bet.
2. Shavkat Mirziyoyev. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz.-T. O‘zbekiston,2017 –b 189
3.Ясперс К. Смысл и назначения истории. –Москва. 1991,
4.AlimovaD. A. Tarix fani metodologiyasi [Matn]: o‘quv qo‘llanma. D.A. Alimova, Z.A. Jexamov. – Toshkent.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2018. 41-bet.
5.История исторической можли XX века. Вып-3. –Томск, 2008. Хайдаров Х. структуре социального познания и управления. –Тошкент.: “Фан”, 1994. ва бошқалар.
6.Jo‘rayevN. Tarixfalsafasiningnazariyasoslari . –Toshkent.: “Ma’naviyat”, 2008.25,bet
7. AlimovaD. Tarixfanimetodologiyasi. –Toshkent.: “O‘zbekiston faylasuflari ilmiy jamiyati” nashriyoti, 2018. 302-bet.
8.AlimovaD. Tarix fani metodologiyasi. –Toshkent.: “O‘zbekiston faylasuflari ilmiy jamiyati” nashriyoti, 2018.62-bet.

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ИСТОРИИ ТРАДИЦИОННЫХ РЕМЕСЕЛ (НА ПРИМЕРЕ ЗЕРАФШАНСКИЙ ОАЗИСА)

О.Остонов,
Кандидат исторических наук, доцент
Ташкентский государственный аграрный университет

Аннотация

В данной статье рассмотрены этапы развития узбекского национального ремесла в годы независимости. Также прослежена государственная политика, направленная на развитие традиционных видов ремесла, выход на мировой рынок изделий ручной работы.

Ключевые слова: *национально-традиционное искусство, ремесленник, чеканка, резьба по дереву, ювелирное искусство, искусство вышивки, золотошвеи, изготовление тюбетеек, ковроделие, гончарничество.*

В годы независимости, ученые проводящие исследования в области народных промыслов и исторических этапов развития и конкретных аспектов существующих проблем и его исследования изучили большое количество страниц в истории, этнографии и предметах искусства в Зерафшанское оазисе. А также истории, этнографии и искусства, посвященные актуальным проблемам различных наук, опубликованных в сборниках научных конференций.

После того, как страна обрела независимость, серьезные исторические изменения в истории и культуре узбекского народа объективно открыло широкий спектр вариантов освещения. Многие аспекты нашей истории и культуры, заложило к справедливому и всеобъемлющему решению. Для развития всех видов ремёсел, были приняты все необходимые меры. Были изменены отношения в национальных традиций мастерства. Изменения направлены на сохранение национального наследия Узбекистана, что связано с новой идеологической политикой. Учитывая приоритет национального ремесла, культурных ценностей в обществе доказало об этнокультурной независимости, в том числе расширение доступа к художественным опытам в предыдущие века на выводах доклада. Это, в свою очередь, применительно к разработке новых подходов для дальнейшего развития своих возможностей. Опыт в развитии современного общества, заключается в необходимости сохранения национального культурного наследия. Следует отметить, что за последние двадцать пять лет был накоплен традиционный опыт, что дало на значительное восстановление местной культуры.

Цель задачи исследования в качестве национальной идеологии, дух национальной независимости, объективной оценки советской системы, которая была создана для изучения фундаментальных работ, имеющих особое значение.

В то же время, возрос интерес к этому, исследователи сосредоточены в дальнейшем изучении вопроса о подготовке ремесленников и мастеров. Возросший интерес по этому направлению годы независимости можно объяснить на примере опубликованных книг и научных статей И. Гаибназарова, И. Джаббарова, Л. Кадзаевой, М. Хамидова и других [1.191]. В работах И.Гаибназарова идёт исследование, 20 г.г XX века насилие со стороны советских властей где осуществляется суть социально-экономических изменений и реализации новой экономической политики, в первую очередь объединение ремесленников в артели, деятельность которых полностью принадлежала государству, И.Джаббаров в истории отечественной кустарной промышленности Республики Узбекистан дал характеристику производственной деятельности и традиционному ремеслу, а также осветил уникальные этапы развития различных исторических и этнографических сведений и ресурсов.

В частности, в годы независимости посвященных изучению истории и развития определенных аспектов, были опубликованы, ряд научных статей, книг, монографий и учебников ремесленного дела Зеравшанского оазиса [2]. В литературе рассматриваемого периода раскрывается суть нового методологического подхода с точки зрения исторических процессов для обеспечения справедливой и объективной оценки. Например произведения авторов, Егоров, В.Г, К.Хакимова, Б.Бекмуродова, Б.Валихужаева, Г.Ахмаджанова, И.Санаева, Ф.Исхокова, Р.Киличева, Г.Агзамовой, Д.Зияевой, Ф.Касимова, Н.Мусаева [3].

В этих работах раскрывается суть социально-экономической жизни ремесла, бизнеса, промышленности и торговли Туркестанского края в Российской империи второй половине XIX века - начало XX века. В частности в работе Х.Зияев военные движения российских завоевателей в Туркестанском крае, политики колониального насилия, социально-экономической жизни страны народа занимает особое место в монографии. В исследованиях Р. Киличева [4] даётся информация о роли общественной и образ жизни в городе Бухара.

Н.Мусаев автор монографии [5], Формирование промышленного производства в Туркестане, на основе фактов и примеров раскрывает социально - экономическую жизнь Зеравшанского оазиса, где шёл процесс адаптирования к рыночной экономике. Книга И.Бекмурадова называется Краткая история Каттакургана [6] пишет общественно-политическую, экономическую и культурноую жизнь Зарафшанского оазиса. Книга И.Санаева под названием История Зиевуддин [7] даёт историческое и географическое описание оазиса Зиевуддин, Каттакурган и Карманинских бекств.

В период независимости были опубликованы несколько научно-исследовательских монографий, учебных пособий и учебников [8]. В них освещаются социально-экономическая история Зеравшанского оазиса, где уделяется внимание на вопросы влияния Российской империи в колониальный период. 1-томе трех томной книги по истории Узбекистана [9] описывается Зарафшанский оазис по истории колониального периода.

Для изучения истории более всесторонне и детально научного анализ, второй половине XIX века - начало XX века большое значение имеет работы Н.Мусаева, А.Тухтаева, Н.Барановой [10]. По нашему мнению, диссертация А.Тухтаева даёт общий анализ с 1917-1941 анализ общей ситуации во всей республике. Исследуя свою диссертацию в первые годы советской власти, автор приводит негативные изменения в хронологическом порядке.

Но хронология периода исследования охватывает только 1917-1941 годы и освещается национальная кустарная промышленность в целом по стране. Где не раскрываются негативные последствия принятых мер в советской истории отдельно по Зеравшанскому оазису. В работе не приводятся позитивные изменения в годы независимости.

В годы независимости началось новый период изучения учёными историками и культурологами кустарной промышленности как отдельное направление. В итоге мерами предпринятыми государствам дала толчок развитию традиционной культуры. Было напечатано множество научных публикаций и статей. Забытые стороны национального ремесла её стороны восстановления начали обобщать в научной сфере, что дало для выпуска научной литературы по теме.

Одним словом, история независимости народных промыслов, а также предпринятые для восстановления отрасли реформ, посвященных изучению мер научных работ и статей в научном анализе показывает, что они проводят по отношению к области традиционных ремесел в результате государственной политики и мер, осуществляемых ремесел осуществлять реконструкцию и развитие мер, много различных профессиональных областях, широкий круг научных статей, широкий спектр фактических материалов, импортируемых для потребления. Но, как уже отмечалось ранее, развитие ремесленной промышленности в годы независимости в регионе Зерафшанского оазиса не был изученным в срочности тематических исследований.

АДАБИЁТЛАР

1. Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20- йиллар таҳлили. –Тошкент: Ўзбекистон. 1994. – 191 б.; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Тошкент: Ўқитувчи. 1994. – 312 б.;Кадзаева Л.Х. Керамика Риштана. Традиции и мастера. –Ташкент.1998

2. Баракаев Ж., Ҳайдаров Й. Бухоро тарихи. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991; История Узбекистана (XVI-первая половина XIX вв). – Ташкент: Шарк. 1993; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). - Тошкент: Шарқ.1998; Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ. 2000.

3. Егоров, В.Г. Отечественная кооперация в мелком промышленном производстве: становление, этапы развития, огосударствление (первая треть XX века). – Казань, 2005; Хакимова К.З. Кресстьянство Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX вв. –Ташкент, 1991; Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқача тарихи. –Самарқанд: Зарафшон, 1993; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи

// Самарқанд ва самарқандликлар. –Ташкент, 1994; Ахмеджонов Г.А. Российская империя в центральной Азии. (История, историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Ташкент, 1995; Санаев И. Зиёвуддин тарихи. –Тошкент: Шарқ, 1995; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). -Ташкент, 1997; Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари). -Тошкент: Фан, 1996; Аъзамова Г.А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Зияева Д. Туркистон миллий озодлик харакати: (Мустабид тузумга қарши).–Тошкент, 2000; Қосимов Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро ҳукмронларининг ўрни. // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. –Тошкент, 2001; Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми-XX асрнинг бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. –Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008.
4. Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари). -Тошкент: Фан, 1996.
5. Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми-XX асрнинг бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. –Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008.
6. Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқача тарихи. –Самарқанд: Зарафшон, 1993.
7. Санаев И. Зиёвуддин тарихи. –Тошкент: Шарқ, 1995.
8. Ўзбекистон тарихи .II- жилд. – Тошкент: Фан, 1993; Туркестан в начале XX века. К истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб.Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.-Тошкент: Шарқ. 2000.
10. Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец XIX-начало XX вв). Дис.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1999; Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни социалистик асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар)Тарих фан. номз. дисс.–Тошкент, 2001;Буранова Н.А.Ўзбекистоннинг марказлашган халқ хўжалиги тизимига киритилиши ва унинг оқибатлари (саноат мисолида, 1925-1940 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. –Тошкент, 2010

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АНЪАНА ВА ТАРИХ ТУШУНЧАЛАРИ

Х.Қурбонов, тарих фанлари номзоди, доцент
Д.Саибов, НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақола ёшларнинг маданиятини оширишга катта ҳисса қўшади. Буюк маданият эгалари ўтмиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишдан воз кечмаган, чунки фақат ўтмишини билган одамгина ўз келажагини қуриши мумкин. Инсоннинг камол топишида аждодларимиз томонидан асрлар давомида тўпланиб келинган тажриба инсоннинг камол топишида, элат ва миллатнинг тарихий тараққиётида энг зарур пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: инсоният, тарих, маданият, анъананинг конструктив характери, таълим-тарбия.

Қадим замонлардан одамзод ўз илдизи қаердан эканлигини ва бугунги мавқега қандай эришганини билгиси келади. Инсониятнинг биронта ҳам буюк маданият эгалари ўтмиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишдан воз кечмаган, чунки фақат ўтмишини билган одамгина ўз келажагини қуриши мумкин. Ўтган асрнинг 80 йиллари Германияда бу жараённи “Келажак учун ёдда сақлаш”[1]деб атадилар ва бунда нафақат тарихчи ва сиёсий арбобларнинг ўз тарихини ўрганишга ва тушунишга ва нима муҳим эканлигини аниқлашга ва уни талқин қилишга ҳуқуқи ва мажбуриятигина эмас, балки ҳар бир одам ўз аждодлари, уларнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши назарда тутилган эди.

Тарих ва ўзлик конструкцияси сифатида талқин қилинганидек, унга боғлиқ анъана терминини замонавийлик доирасида ишлатилишини ҳам конструкция сифатида қўлланилиши мумкин. Буни Теодор В. Адорно ўйлаб топдики, саноатдан аввалги жамиятда маданият “узатиш” жараёни билан боғлиқ бўлмаган. Маданият бунақа функция билан шуғулланган ҳолда фуқаролик жамиятининг қонунийлигига жавоб беради. Маданият замонавийлаштириш дорирасида рационалликни йўқотилишининг эҳтиёт қисмига айланади. Антоний Гиддлес бу ҳақда шундай ёзган эди: “Маданият фақат шундай контекстда тушинтириладики, агар у ритуалга ўхшаш формал ҳақиқатга асосланса. Иккаласига ҳам боғлиқ бўлмаса, анъана оддий одатга айланади”[2].

Анъананинг конструктив характерини Хаалбвакс ваЭдвард Шилс очиб беришади. Уларнинг фикрича, ўтмишда ҳеч нарса сақланмайди ва ҳамма нарса ҳозирги даврда ўзгартирилади ва яратилади. Анъана сўзи узоқ жараённи билдирса ҳам тарих ўзгаришлар билан боғлиқдир. Анъана Гюнтер Шлее ва Карин Верне Мисрнинг тарихида кўрсатишганидек “шахсий” миллий ўзликни кучайтириш учун кўкларга кўтарилади. Шундай қилиб XIX асрда европа археологи томонидан кейинчалик туристларни ўзига ром қилган қадимги Миср маданиятининг қолдиқларини қидириш ишлари орқали топилди. Бу чет элликларнинг Миср маданиятига бўлган қизиқишини миллий харакат томонидан қабул қилинди ва кейинроқ Мисрнинг “миллий ўзлик” таълими учун жуда муҳим ўринни эгаллади. Адорно замонавийликдаги бу фикрни танқид қилади ва у анъана ва тарих ўртасида бирдан бир келишув имконияти танқидий назар билан қараш эканлигини таъкидлайди. Анъана афсонадан ажралиб туриши керак. У берилган тарихий контекст билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши ва таҳлил қилиниши керак. Бундан мақсад уларда “титрик асарни уларни ўзидан излаш” ва унинг ортидаги анъана “ўзагини” танқидий фарқ сифатида кўришдир. Фақат шу йўл орқали, дейди Адорно, анъананинг “тасдиқловчи, берилган намунага тўғри келувчи” жисмни ўзида мужассам қилмаган аутентик келажак ва ҳозирги замон юзага келади. Гидденс анъананинг формал ҳақиқатидан воз кечишни ва шу тасаввур ва конструкция ортида инсоният ҳаётининг аутентик формаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон тарихи – бу Ватан тарихи. Халқимиз, миллатимиз, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётимиз, қадриятларимиз, дунёвий ва исломий маънавиятимизтарихидир. Ўзбекистон тарихи – бу мустақиллик тарихи. Янги миллий давлатчилигимиз, демократик ислоҳотларимиз, Ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ғалабалари, нуфузи, буюк истиқболи тарихидир. Тарих фанининг бошқа жабҳалардан, фарқи, муҳимлиги, устунлиги ҳам шундада.

Мазкур конференциянинг бош мавзуси тарих фанининг долзарб муаммоларини қамраб олган. Ушбу конференция Ўзбекистоннинг янги тарихнинг назарий-методологик, услубий, маънавий, тарбиявий каби кўплаб жиҳатлаини қамраб олади. Биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитрат ўзининг “Раҳбари нажот” номли асарида ёш авлоднинг таълим-тарбия масаласидаги долзарб жиҳатларига эътибор қаратар экан, тарих фанини чуқур ўрганиш ва тарихий хотиранинг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдаги, миллий ифтихорини ўстириш, эл-юртини бирлаштириш негизида Ватан мустақиллигини таъминлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Унинг “Тарих миллатнинг ўтмиши, тараққиёти ва таназзулининг сабабларини ўрганатурғон илмдир”[3] деган сўзлари ҳам юқоридаги фикрлари билан уйғунлашиб кетади. Абу Райҳон Беруний тарих фанига “ўтмиш келажакнинг калитидир”, деб баҳо берса, Туркистон жадидларининг раҳнамоси, маърифатпарвар олим Маҳмудхўжа Беҳбудий “Дунёда яшамоқ учун, дироятлик, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқимоқ ва уни билмоқ керак”лигига даъват қилади. Демак аждодларимиз томонидан асрлар давомида тўпланиб келинган тажриба инсоннинг камол топишида, элат ва миллатнинг тарихий тараққиётида энг зарур пойдевор бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Тарих ва ўзликни ангаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси Тошкент “Фан” 2005 йил 97-бет
2. Тарих ва ўзликни ангаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси Тошкент “Фан” 2005 йил 20-бет
3. Наврўзова Г.Н., Раҳмонова М.А. Фитратнинг илмлар таснифида тарих илми//тарихий хотира-маънавият асоси/Республика илмий-назарий конференция материаллари. Бухоро-2010. 171-бет.

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИШДА В.БАРТОЛЬДНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.Э.Тоштуров, НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақола Ўрта Осиё халқлари тарихи билимдони, шарқшунос олим В.В.Бартольднинг илмий фаолияти ва манбалари билан ишлаш методологияси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: В.В.Бартольд, Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги, бўлими, Амир Темур, Ибн Халдун, Мирзо Улуғбек, туркий ва мўғул халқлари филологияси ва этнографияси, эпиграфия, нумизматика, манбашунослик

Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид “Мўғуллар истилоси даврида Туркистон” (1900 й.), “Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларнинг қадим замонлардан то XVII асргача бўлган

аҳволи ҳақида маълумотлар” (1902 й.), “Туркистоннинг суғорилиш ишлари тарихига оид” (1914 й.), “Улуғбек ва унинг даври” (1918 й.), “Ўрта Осиёда қадимдан то руслар келганига қадар ўтган даврда пахтачилик” (1924 й.), “Туркистоннинг маданий ҳаёти” (1927 й.) каби ўнлаб илмий ва амалий қийматга эга асарлар ёзиб қолдирган улкан шарқшунос олим, академик Василий Владимирович Бартольд (1869-1930 йй.) том маънода Ватанимиз тарихининг билимдони эди. Олим томонидан 685 асарнинг 320 нафари Туркистоннинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти таҳлил қилинади. В.В.Бартольд республикамизда, хусусан унинг пойтахти Тошкентда илмий, илмий-педагогик ва ўлкашунослик муассасаларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Олимнинг ҳаёти ва илмий фаолиятининг катта даври Ўзбекистон хусусанТошкент шаҳри билан боғлиқ. У фақат 1893-1928 йиллар орасида Тошкентга етти марта келиб кетди ва ҳар бир сафари катта, кўп ҳолларда ечимини кутиб ётган илмий ва илмий-ташкилий масалалар билан боғлиқ бўлган. [1]

Шарқшунос олим ўзининг биринчи маърузасини 1893 йил 11 декабрда аниқ фанлар, антропология ва этнография ишқибозлари жамияти – Туркистон бўлими мажлисида қилди. Бевосита унниг ташаббуси билан 1985 йил октябр ойида Туркистон Археология ҳаваскорлари тўгарагини очиш Низоми тузилди ва тасдиқланиб, унинг 107 нафар аъзоси бўлиб, улар орасида ташкилотчилардан В.В.Бартольд, Д.М.Левшин, Н.С.Ликошин, К.В.Аристов, В.Ф.Ошанин бор эди.[2] Бироқ ушбу тўгарак чор ҳукумати томонидан ҳеч қанақа маблағ билан таъминланмасди. Тез орада В.В.Бартольд раҳбарлигидаги ушбу тўгарак тарихчи ва археологларнинг илмий марказига айланди.

В.В.Бартольд Туркистоннинг ўрта асрлар тарихини ўрганишга оид кўплаб асарлари орасида энг машҳурларидан бири унинг “Туркистон мўғуллар босқини даврида” номли докторлик диссертациясидир. Ушбу тадқиқот ишидаЎрта Осиёнинг XI-XV асрлардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётини ёритган тарихий манбалар, таржималар, кўчирмалардан, хусусан, Гардизий (XI аср) “Зайнул ахбор”, муаллифи номаълум “Мужмал ат-таворих ва-л-қисса” (XII аср), Ал-Ғарнотий (XII аср) “Китоб туҳфат ул-албоб ва нуҳубат ул-аъжоб”, Ан-Насафий (XII аср) “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд”, Ас-Саъмоний (XII аср) “Китоб ал-ансоб”, Имодиддин Исфахоний (XII аср) “Харидат ал-қаср ва жаридат ал-аср”, Котиб ас-Самарқандий (XII аср) “Аърад ас-сийаса фи ағрад ар-рийаса”, Муайяд Бағдодий (XI-XII аср) “Китоб ат-тавассул ила тарассул”, Нажиб Бақрон (XIII аср) “Жаҳоннома”, Авфий (XIII аср) “Жомеъ-ул ҳикоёт ва ломъе ар-ривоёт”, Ота Малик Жувайний (XIII аср) “Тарихи жаҳонкушои”, Фазлуллоҳ Рашиддиддин (XIII-XIV аср) “Жомеъ-аттаворих”, Жамол Қарший (XIII-XIV аср) “Мулҳақат ас-Суроҳ”, Ҳамдуллоҳ Қазвиний (XIV аср) “Тарихи Гузида” каби муаллифларнинг ватанимиз тарихига бағишланган манбаларини танқидий ёндашган ҳолдашарҳлаган ва ушбу асарларидан самарали фойдаланган тадқиқот ишини ёзади[3]. “Туркистон мўғуллар босқини даврида” асарида мўғуллар босқинининг Ўрта Осиё таъсири, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётнинг издан чиққанлиги тўғрисидаги илмий маълумотлар берилади. Шарқ манбаларининг билимдони сифатида В.В.БартольдЕвропа, Шарқ, Россия ва Ўрта Осиёнинг кутубхоналарида кўрган барча маълумотларни синчиклаб тўплайди. Юқорида номлари келтирилган асарларнинг кўплари Европанинг турли кутубхонларида сақланса-да, олимнинг Шарқ муаррихлари асарларини тўплаш бўйича бажарган ишлари Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганиш, тарихшуносликни тиклаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга.

Мўғуллар истилосидан кейингидавр буюк Амир Темур асос солган салтанат, Темурийлар сулоласи ҳукмронлигида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга доир В.В.Бартольд қатор тадқиқотлар олиб боради. Тадқиқотчи буюк Амир Темур шахси ва фаолиятига доир XV-XX аср тарихчи ва адабиётчиларининг кўплаб асарларини ўрганар экан, “маълумотларнинг камлигидан эмас, кўплигидан қийналади. Чунки улар кўплаб кутубхонларда сочилиб кетган, уларни аввало танқидий нуқтаи назардан қараб чиқишни ва нашр этишни тақозо этади”[4]– дея таъкидлайди. Дарҳақиқат олимнинг бу фикрлари ҳозир ҳам ўз кучини сақламоқда. Олим буюк Амир Темур шахсинини манбалар асосида тадқиқ қилган ҳолда қуйидаги илмий хулосаларни беради: “Шубҳасиз Амир Темур уламо аҳлининг ҳомийси бўлган, улар билан тенгма-тенг мулоқот олиб борган ва айниқса пайғамбар авлодларига алоҳида ҳурмат билан қараган: соҳибқироннинг ўз туғишганларидан ташқари унинг давлатида ҳаёти дахлсиз ҳисобланган одамлар сайидлар бўлган дейиш мумкин. Бундан ташқари, Темур ислом динини мустаҳкамлаш учун ғамхўрлик қилган, у ҳеч қачон вақфларнинг пули билан боғлиқ ишларига аралашмас эди”[5].

В.В.Бартольд яна бир ўринда Амир Темур тарихни жуда яхши билган, деб ёзади. Олимнинг бу сўзлари тарихчи Ибн Халдун (1332-1406 йй.)-араб файласуфи)нинг Темур билан бўлган суҳбати мазмунига суяниб ёзилган.Бартольд Амир Темурнинг ўз она тили бўлган туркийдан ташқари форсийни ҳам яхши билган ва бу тилда олимлар билан суҳбат қурган, ўз саройида тез-тез бўлиб

турадиган “қиссахонлик”лардан олган тарихий билимлари билан тарихчи Ибн Халдунни ҳам ҳайратда қолдириши турган гап эди. Олим Соҳибқирон Амир Темур шахсига таъриф берар экан, унинг шахмат ўйинига қизиқиши ва бу соҳада юқори даражага эришганлиги; ислом дини таълимоти негизларини шу даражада яхши билардики, диний мунозараларни кузатиб бориши ва уларда бемалол иштирок этиши мумкин бўлганлигини эътироф этади. Буларнинг ҳаммаси унинг ҳарбий муваффақиятларига ёрдам берган. Амир Темур шу билан бирга ғайратли яратувчи ҳам эди. Унинг амри билан ажойиб боғлар яратилди, муҳташам бинолар қад кўтарди (биргина Самарқандда бундай бинолар 20 мингдан ошиқ эди), шаҳарлар, қишлоқлар обод қилинди, йўллар тикланди, суғориш иншоотлари барпо этилди. У ҳосил кўтариш мумкин бўлган бирон бир ер бўлагининг беҳуда ётишига йўл қўймаган. Ўрта Осиёдаги кўплаб улуғвор меъморлик ёдгорликлари буюк Амир Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ”[6].

Таниқли олим Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек фаолиятига оид ҳам қатор тадқиқотлар олиб боради. Олимнинг айтишича, Улуғбек шахси ҳамда у қурдирган Самарқанддаги расадхона фаолияти унинг алоҳида эътиборини тортади. Бу қизиқиш унга биринчи бўлиб “Улуғбек ва унинг даври” асарини ёзиш имконини беради. Ушбу асар 1915 йилда ёзилиб, 1918 йилда эълон қилинади. Ушбу асар “Туркистон мўғуллар босқини даврида”асарининг давоми бўлиб, унда Амир Темур давлати тавсифи, Мовароуннаҳрдаги Улуғбекнинг ички ва ташқи сиёсати, шахсий ҳаёти ва илмий машғулотларига бағишланади. Асардаги энг яхши саҳифалардан бири – Мирзо Улуғбек ҳаётининг сўнгги йилларида бошлаб, қирқ йил давомида Ўрта Осиё сиёсий ҳаёти марказида турган шайх Хўжа Аҳрор Валига ҳам илк бор тавсиф беради. Тадқиқотчи ушбу асарни ёзишда “ҳали бор манбалардан тўлароқ фойдаланмадим, асар камчиликларини кейинроқ тузатдим” деб ёзса-да, бу асар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Ва ҳозирги кунда унинг ўрганилмаган томонлари тадқиқотчиларнинг томонида тадқиқ қилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, В.В. Бартольднинг илмий қизиқишлари қарови жуда кенг бўлиб, асарларида Яқин ва Ўрта Шарқ ва айниқса Марказий Осиёнинг ўрта асрлар тарихини, ислом тарихини, Араб халифалиги тарихини, Эрон ва Афғонистон тарихи ва филологиясини, тарихий географиясини, Хитой ва Кавказ орти тарихини, туркий ва мўғул халқлари филологияси ва этнографияси, мусулмон эпиграфия ва нумизматикасини, манбашунослик, рус ва жаҳон шарқшунослигини қамраб олган[7].

В.В.Бартольд Ўрта Осиё, хусусан Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий обидаларини қўриқлаш ва тиклаш ишлари билан ҳам шуғулланади. У 1920 йилда Бухоро амирлигининг М.Фрунзе бошчилигидаги “қизил” қўшинлар тарафидан ағдарилгандан кейин кўп ўтмай Туркистон Марказий архив бошқармаси томонидан ташкил этилган экспедицияда иштирок этади.Унинг иштирокида Бухородаги тарихий обидалар, шунингдек, амир архиви, қўшбеги архиви, кўплаб нодир қўлёзмалар жами 380 нафар қимматли қўлёзма талон-тарождан асраб қолинди.

Олим ёшлигидан касалманд (буйраги) бўлганлигига қарамасдан, илм-фан соҳасида баракали меҳнат қилди ва улкан илмий мерос қолдирди. Бор йўғи 61 йиллик умри давомида фактик материалларга бой, илмий асосланган ва пухта асарлар яратдики, ҳозирги кунда ҳам тарихчи олимлар, географ ва филологлар унинг илмий тадқиқотлари натижалари ва хулосаларидан фойдаланиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Ватанимиз тарихи билимдони, фидоий олим В.В.Бартольд қолдирган илмий меросни ўрганиш, асарларида келтирилган илмий хулосаларини танқидий руҳда,холисона тадқиқ қилиш юзасидан илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994 йил, -Б.5
2. Сагдиев А.Историческая наука прошлого Средней Азии в Туркестане в XIX веке.Т.: Наука, 1960 г., Стр. 72
3. Саидқулов Т.С.Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм) Т.: Ўқитувчи, 1993 й., -Б.42-43
4. Бартольд В.В. Мир Алишер и политической жизнь. Сочинение. IIтом., 2-часть. М.: Наука, 1964 г. Стр. 199.
5. Бартольд В.В.Улугбек и его эпоха. II том, 2-часть., М., 1964 г. Стр -63-64.
6. Саидқулов Т.С.Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм) Т.: Ўқитувчи, 1993 й., -Б.56
7. Умняков И.И. Аннотированная библиография трудов академика В.В.Бартольда.СамГУ, Новая серия, выпуск 136, Самарканд, 1964 г., Стр.33

O’RTA MAKTABDA TARIX TA’LIMINING AYRIM METODOLOGIK MUAMMOLARI

Sh.Ravshanov, NavDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Usbu maqolada jamiyat rivojida ta’limning o‘rni, jumladan maktab tarix talimi, umuman bugungi kunda vatanimizda o‘rta maktab ta’lim tizimidagi islohatlar, muammo va yechimlar atroflicha yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Ta’lim sifati va samaradorligi, tarix ta’limining zamonaviy konsepsiyasi, Harakatlar strategiyasi, intelektual, geosiyosiy omil, strategik maqsad, dominant, etnomilliy, umummilliy, umuminsoniy, antropologik,novatsiya, innovatsiya.

Ta’lim sifati va samaradorligini oshirish, jahon ta’lim tizimi andozalariga mos ravishda rivojlantirish bugungi kunning dolzarb masalasi hisoblanadi. Bugungi kunda mamlakatlarning iqtisodiy va ma’naviy rivojlanishi ma’lum darajada ta’lim sifati bilan belgilanadi, intelektual, ya’ni aqliy resurslar sifati esa dunyodagi eng geosiyosiy omilga aylanib bormoqda. Ta’lim sifati jamiyatning turmush sifatini ham belgilab, nafaqat ta’lim tizimi uchun, balki, davlatning qanchalik ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun ham eng asosiy omil hisoblanadi. Aynan ta’lim va tarbiya sifati mamlakatlar rivojlanish darajasini ko‘proq belgilamoqda. Shu bois, bugungi kunda davlatlarning bosh strategik maqsadi ta’limning sifat va samaradorligini oshirishdir.

Bunga misol sifatida aytish mumkinki, 2017-2021 yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning besh ustivor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining 4-bandi bevosita vatanimizda ta’lim tizimiga bo‘lgan e’tiborning yorqin namunasidir. Bu borada keyingi yillarda vatanimizda boshqa sohalar qatori ta’lim tizimida ham ulkan islohotlar olib borilmoqda.

Bugungi ta’lim tizimida boshqa fanlar qatorida O‘zbekiston tarixi va jahon tarixi fanlarini o‘qitish jarayonida umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan sivilizatsiya nuqtai-nazaridan metodologik asoslarga tayanish uchun yo‘l ochildi.

Mamlakatimizda O‘zbekiston tarixini o‘qitish asosida o‘zbek xalqining o‘tmish siyosiy va madaniy-ma’naviy tarixini o‘rganish, o‘quvchilarda tarixiy bilim olish bilan birga milliy qadriyatlarga, urf-odat va an’analarga sodiqlik ruhini uyg‘otishda va uning shaxs bo‘lib rivojlanishida muhim o‘rin tutadi. Bugungi kunda o‘rta maktab tarix o‘qituvchisi samarali ta’lim berishi uchun nazariy va amaliy jihatdan yetarli bilim va malakaga ega bo‘lishi lozim. Bu borada Birinchi Prezidentimiz I.Karimov shunday ta’kidlagan edi: “Chuqur tahlil, mantiqqa asoslanmagan bir yoqlama fikr odamlarni, eng avvalo tarix o‘qituvchilarini chalg‘itadi.

Ular eshitganlarini haqiqat shu ekan deb o‘quvchilarga ham yetkazishadi, faqat bahs-munozara, tahlil mevasi bo‘lgan xulosalargina bizga to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatishi mumkin”[1: 27].

O‘rta maktab tarix kursi ilmiy-tarixiy tushunchalar va ular orasidagi bog‘lanishlar, aloqalar tizimidan iboratdir. Shu jihatdan olganda u tarix fani asoslarini o‘rganish, uni puxta va ongli o‘zlashtirish, ushbu fanning ilmiy tushunchlarini o‘zlashtirishni bildiradi. Tarix kursini ongli va faol o‘zlashtirish, albatta, undagi ilmiy tushunchlarga mos atamalar tizimidan to‘g‘ri foydalanishni nazarda tutadi.

Shu nuqtai nazardan tarix fanini o‘qitishda quyidagilarga e’tibor qaratish maqsadga muvofiqdir:

Birinchidan, tarix fanini o‘qitishda ma’lum nazariy-metodologik tamoyillar, ilmiy hamda g‘oyaviy asoslarga tayanish muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda quyidagilarga e’tibor berish zarur:

- tarixga xalqning milliy va umuminsoniy qadriyati hamda muqaddas ma’naviy me’rosi sifatida qarash;
- tarixiy moddiy va ma’naviy me’rosga chuqur hurmatda bo‘lish va unga umuminsoniy qadriyat sifatida yondashish;
- tarix jamiyat va tabiat hamda insoniyat taraqqiyotining ma’lum dialektik hamda sinergetik qonuniyatlari asosida rivojlanishini to‘g‘ri anglash;
- tarix insonlar ongida tarixiy xotira tuyg‘usini shakllantiruvchi moddiy va ma’naviy me’rosni vujudga keltiruvchi muhim manba, millatni g‘oyaviy-mafkuraviy jihatdan jipslashtiruvchi tamoyil ekanligini tushunish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ikkinchidan, tarix fanini o‘rganishda ma’lum ilmiy, nazariy-metodologik tamoyillarga tayanish hamda etnografiya, arxeologiya, antropologiya fanlarida qabul qilingan moddiy va yozma ma’lumotlarga tayangan holda ish yuritish metodi ham muhim ahamiyat kasb etadi [2:116].

Shuningdek, tarix fanining maktab kursi uchta vazifani bajarishga qaratilgan:

o‘quvchilarga tarixiy bilimlarning asoslarini berish, ularning chuqurligi va mustahkamligini taminlash;

o‘quvchilarda tarixni ilmiy tushunishning shakllanishi va milliy tarix, xorijiy mamlakatlar va xalqlar tarixiga hurmat munosabatida bo‘lishni taminlashga; o‘quvchilarda tarixiy ong, tarixiy xotira, tarixiy tafakkurni rivojlantirish va o‘quvchilarning bilimlarini mustaqil o‘zlashtirish va qo‘llashga o‘rgatishdir.

O‘quvchilarning tarixiy tafakkuri ularning umumiy tafakkurini, dunyoqarashini shakllanishi bilan birlikda boradi. O‘quvchilarning dunyoqarashida tarixiy tafakkurning rivojlanishi uning amaliy faolligini ta’minlaydi. Ya’ni tarixan dunyoda mavjud bo‘lgan fan-texnika yangiliklarini o‘zlashtirishi bilan o‘z faoliyatida yangilikka intilish o‘zida yaratuvchanlik faoliyatini shakllantiradi. Bu borada Birinchi Prezidentizmiz I.A.Karimov shunday ta’kidlagan edi: “ Bugungi kunda hur va ozod xalqimiz, barcha xalqlar va davlatlar tomonidan yaratilgan ma’rifatda, fan va texnika, madaniyat va san’atda nimaiki yangi ilg‘or jihatlar bo‘lsa, shunga dadillik bilan intilmoqda”[1:28]. O‘quvchi tarix fanidan bilimlar asosini o‘zlashtirganda millatimiz va boshqa xalqlarning o‘tmish, kecha va bugungi taraqqiyoti to‘g‘risida tushunchaga ega bo‘ladi. Tarix ta’limi har bir odamga etnomilliy, umummilliy va umuminsoniy qadriyatlarni o‘zlashtirishga yordam berishi lozim. Bu o‘quvchini shaxs, fuqaro, inson sifatida shakllanishiga asos bo‘ladi. O‘quvchilar O‘zbekiston tarixi fanini o‘rganish davomida umuminsoniy qadriyatlarni o‘zlashtirib boradi. “tarix darslari o‘quvchilarga tarixiy bilimlarni yetkazib beruvchi vositagina emas, balki ularning ma’naviy-axloqiy jihatdan shakllanib borishlarini ta’minlovchi, kuchli ta’sirga ega bo‘lgan omil hamdir”[4:28].

Maktab tarix ta’limining mazmunini tuzishda siyosiy, madaniy, etnomilliy qadriyatlarning muvozanati va umummilliy (davlat) qadriyatlar dominanti bilan birga boshqa qadriyatlarning muvozanati ta’minlanadi.

Maktab tarix ta’limining zamonaviy konsepsiyasi tarixni tizimli o‘rganishni saqlab qoladi, lekin tarix uning tamoyillari asosida o‘rganiladi. Tarixni qandaydir antropologik yoki jamiyatshunoslik kurslari to‘plami bilan almashtirilishi mumkin emas. Tarix o‘quv fani o‘rta maktabda gumanitar fanlarning rivojlanishi uchun metodologik shart-sharoit yaratadi. Tarix fanining ma’lumotlari, tushunchalari, atamalari va tamoyillari boshqa fanlarda ham keng qo‘llaniladi, o‘z navbatida tarix fanida boshqa fanlardagi tushuncha, atamalardan foydalaniladi. “Tarix ta’limi o‘quvchilarga bashariyat tomonidan to‘plangan ijtimoiy tarbiyani o‘rgatishga yo‘naltirilgan”[4: 41] degan fikrlar bildiriladi.

Tarix fani boshqa ijtimoiy gumanitar fanlardan farq qiladi va alohida mavqega ega, albatta u boshqa ijtimoiy fanlar falsafa, iqtisodiyot nazariyasi, sotsiologiya, siyosatshunoslik va boshqa fanlar bilan tarix aloqada bo‘ladi. Hozirgi kunda tarix fanining fanda e’tirof etilgan xilma-xil nazariya va konsepsiyalari ko‘pchilik hukmiga havola qilinmoqda. O‘qituvchi tarix faniga tegishli barcha e’tiborga molik nazariya va konsepsiyalarni izchil o‘rganishi va tadqiqot o‘quv jarayoniga samarali tadbiq etishi lozim. Tarix o‘qituvchisi tarixiy nazariya va konsepsiyalardan har bir mavzuni o‘rganishda qo‘llashi maqsadga muvofiq bo‘ladi. Tegishli nazariya mavzu bilan mos bo‘lishi uchun uni o‘qituvchi darsga tayyorlanish jarayonida tahlil qilishi va oqilona foydalanish zarur. Shu bilan birga mavzudagi tarixiy ma’lumot, dalillar bilan nazariyaning o‘rtasidagi muvozanat uyg‘un saqlanib qolishiga e’tibor beriladi. Mamlakatimizda tarix fanini rivojlantirish sohasidagi ishlar kompleks va tizimli davom ettirilmoqda. Bugungi kunda O‘zbekiston tarixini o‘rganishda tub o‘zgarishlar yuz bermoqda. Ushbu yo‘nalishda quyidagi ilmiy, metodologik masalalar asosiy o‘rin tutadi:

-O‘zbekiston tarixini o‘rganishni metodologik asoslarini rivojlantirish. Bunda tarix metodikasi bo‘yicha mavjud turli xil ilmiy konsepsiyalarni o‘rganish orqali ulardan foydalanish;

-O‘zbekiston tarixini o‘rganish uchun ishlab chiqilgan yagona konsepsiyani amalga tadbiq etish;

-Uzluksiz ta’limda darsliklarni yangi avlodini ishlab chiqishda yagona konsepsiyaga tayanish;

-O‘zbekiston tarixining dolzarb muammolarni o‘rganishda turli fanlarning yutuqlari va mutaxassislarni hamkorlikdagi faoliyatini tashkil etish.

-O‘zbekiston tarixini o‘rganishga bag‘ishlangan ilmiy-amaliy anjumanlarni o‘tkazish va fanning dolzarb muammolarini o‘rganish jarayonida erishilgan yutuqlarni monitoringini olib borish. Umumiy o‘rta ta’lm maktablari amaliyotida innovatsion jarayon rahbar va pedagoglarning innovatsion faoliyati orqali amalga oshiriladi.

Yuqoridagi fikr va tavsiyalarga ta’yangan holda bugungi o‘rta maktab ta’limini rivojlantirishning ustivor vazifalari sifatida quyidagilarni ko‘rsatish mumkin:

-ta’lim sifatini yanada yuqori bosqishga ko‘tarish;

-ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirish;

-o‘quvchilarning funksional savodxonligi,ijodiy, tanqidiy fikrlashini rivojlantirish;

-o‘quvchilarni mustaqil hayotga tayyorlash;

- fan va amliyotning yangi yutuqlaridan foydalanib, o‘quvchilarda faoliyatni motivatsiya qilish ko‘nikmasini rivojlantirish;

-o‘quvchilarda ma’lumotni mustaqil qabul qilish va tahlil qilish ko‘nikmalarini shakllantirish;

-o‘quvchilarning qobiliyatlarini rivojlantirish hioblanadi.

Keyingi yillarda ta’lim sifati va samaradorligi muammosi dunyo miqyosida tahlil etilmoqda. Bugungi kunda ko‘pgina mamlakatlar ta’lim sifati bo‘yicha qiyosiy tadqiqotlar metodologiyasi,

texnologiyasi va vositalarini ishlab chiqish masalasida ilmiy tadqiqot ishlari olib bormoqdalar.Buning natijasida butun dunyoda ta’lim sifatini monitoring qilish tizimi yaratilgan.

Shu o‘rinda aytish mumkinki, hozirgi kunda tarix fanining metodik muammolaridan biri maktabda tarix ta’limini zamonga mos, hozirgi taraqqiyot talablariga javob beradigan konsepsiyasini shakllantirish va amalga oshirishdir. Maktab tarix ta’limi o‘zining uzoq yillar davomida tanlangan boy tajribasiga ega. To‘plangan tajriba hozirgi murakkab davrda tarix o‘qitishda muhim o‘rin tutadi, undan unumli foydalanish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.Karimov I. “Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q”. O‘zbekiston. 1998-yil. 27-bet
2.Tolibov F. Tarix fanida ilmiy tadqiqot faoliyatini tashkil etish va takomillashtirish muammolari. “Xalq ta’limi” ilmiy-metodik jurnali.2018.№1.116-bet.
3.Muqimova D. “O‘quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda tarix fanining roli”. “Xalq ta’limi” ilmiy-metodik jurnali.2009.№ 6.37-bet.
4.Toshova G. “Tarix darslari mazmuni vatanparvarlik tamoyili asosida loyihalash yo‘llari”. “Xalq ta’limi” ilmiy-metodik jurnali.2012.№ 2. 41-bet.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – МАКТАБ ОСТОНАСИДАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАН БОШЛАНАДИ” ҒОЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Д.Б.Муртазаев, Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг янги таҳририда, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида, “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июльдаги 620-сон Қарори ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим ва тарбия соҳасидаги сўнгги ислоҳотлар ва истиқболдаги режалар тарихий тахлил этилган.

Калит сўзлар: “Таълим тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, Учинчи ренессанс, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, ўқитувчи мақоми, Миллий ўқув дастури.

Барчамизга маълумки, дарахтнинг илдизи қанчалик чуқур ва тармоқланган бўлса, у шунчалик мустаҳкам, унинг умри шунчалик давомли, ҳосили эса мўл-кўл бўлади. Инсоният кўп минг йиллик тараққиёти давомида жамиятни ривожлантиришнинг таълим, илм ва ҳунардан самаралироқ воситасини кашф қила олган эмас. Шу сабабли ҳам таълим, илм-фан ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга мурожаатномасида: **- “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.**[1] Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим” – деган сўзлари ҳар биримизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўнбушга келтирди.

2021 йилга мамлакатимизда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**, деб ном берилганлиги ҳам бежиз эмас. Ёшлар тарбияси кечиктириб бўлмайдиган жараён. Таълим тизимига қанча катта инвистиция киритилса, давлатнинг иқтисодий тараққиёти шунчалик тезлашади. Бу борада мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2020 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири эълон қилинган эди. Мазкур қонун амалдаги қонундан ҳам нормаларининг кўплиги, ҳам тартибга солиш предметининг кенглиги билан ажралиб туради. Агарда, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни 44 моддадан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган таълим тўғрисидаги қонун 34 моддадан иборат бўлса қабул қилинган янги таҳрирдаги қонун 75 моддадан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги янги қонуни фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида таълим еттита тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман) ва мавжуд таълим турлари кўрсатиб ўтилган.

Унга асосан, мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим бошланғич (1-4 синф), таянч ўрта таълим (1-9 синф) шу билан бирга ўрта таълим 10-11 синфда ўқиш имконияти яратилганлиги ота-оналар ҳамда уларнинг фарзандлари учун қулайликлар ярилишига сабаб бўлди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида умумий ўрта таълим асосида академик лицей, касб-ҳунар мактабларида шу билан бирга 11 синф базасида танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган касб-ҳунар коллежлари ва техникумларда билим олишлари учун имкониятлар яратилган. Шу билан бирга фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги профессионал таълимни олиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий таълим бакалавриат (камида 4 йил) ва магистратура (камида икки йил) босқичларидан иборат таълим шаклидир.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (Таянч докторантура фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD), Докторантура фан доктори (Doctor of Science (DSc), мустақил изланувчилик) олиниши мумкин.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона муассасалари, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади.

Янги таҳридаги қонунга асосан фуқароларнинг кундузги, сиртқи, кечки, масофавий, дуал таълим, оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш, катта ёшдагиларни ўқитиш, инклюзив таълим, экстернат тартибдаги таълим шакллари белгилаб қўйилди.[2]

Ушбу қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари алоҳида кўрсатилган бўлиб, қонун таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштиришга асосланади.

Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.[3]

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди. Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди.

Навоий вилояти 2020/2021 ўқув йилида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириши бўйича 30 фоизга яқин натижа билан республикада биринчи ўринни эгаллаганлиги барчамизни ғурурлантиради. Ёшларни олий таълимга қамрови даражасини йилдан йилга ошириб бориш, нуфузли халқаро университетларнинг филиалларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиёти йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Миллий таълим тизими олдида қуйидаги долзарб вазифалар:

- ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш;

- ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб тарбиялаш;

- меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашимиз лозим.

Қонунга кўра, давлат таълим муассасасининг мақоми аниқланди, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса эътироф этилди. Шунингдек, нодавлат таълим ташкилотининг ҳам мақоми мустаҳкамланди. Яъни, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс нодавлат таълим ташкилоти деб белгиланди.

Қонунда биринчи марта таълим соҳасининг 16 та муҳим принципи кўрсатилди. Бу принциплар миллий менталитетга асосланган бўлиб, улар таълимнинг эркинлиги, тенг имкониятлар таъминланаши, таълимнинг мажбурийлиги, таълим олишнинг очиқлиги, энг асосийси инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишининг белгиланганидир.

Таълим олиш ҳуқуқи ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ва ажралмаган ҳолда (сиртқи, кечки, масофавий) таълим олишни ташкил этиш орқали кафолатланади. Оилада ёки мустақил ўқиш орқали таълим олган фуқароларга, шунингдек умумий ўрта таълим олмаган шахсларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш асосий янгиликлардан бири ҳисобланади.

Таълим тизимининг қамрови кенг бўлиб, у ҳам ҳужжатларни-давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини қамраб олса, ташкилотлар сифатида – давлат таълим стандартларини, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи ва таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи ташкилотларни, таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларни ҳамда таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларини, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотларни ўз ичига олади. Қонунда таълим турлари қаторига мактабдан ташқари таълим турининг ҳам киритилгани таълимнинг инсонпарварликка йўналтирилганидан далолат беради.

Агарда, умумий ўрта таълим I–XI синфларни ўз ичига олса, ўрта махсус таълим академик лицейларда 9 йиллик таянч ўрта таълим асосида 2 йил мобайнида амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, профессионал таълим бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим даражаларига ажратилди.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида IX-синф битирувчилари негизида кундузги таълим шаклида 2 йиллик интеграциялашган дастур асосида бепул амалга оширилади. Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги 2 йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади. Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги камида 2 йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Қонунга кўра, давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Президент ёки Ҳукумат қарорлари билан ташкил этилиши, нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш эса уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда нодавлат таълим ташкилотлари фаолият юритиши учун лицензия Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилади. Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Ота-оналар ва кенг жамоатчилик таклифига кўра Қонунда умумий ўрта таълим ташкилотларининг синфлари (гуруҳлари)да таълим олувчилар сони ўттиз беш нафардан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Маълумки, таълим ташкилотлари фаолияти алоҳида ва қатъий белгиланган ҳужжатлар – давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари асосида тартибга солинади. Давлат таълим стандартлари деганда давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи тушунилади. Давлат таълим талаблари эса таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблардир.

Педагог ходимларнинг мақоми ва улар фаолиятининг қатор кафолатлари қонунда атрофлича белгиланган. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам батафсил тавсифланган. Шунингдек, таълим ташкилотларининг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланган.

Энг муҳим янгиликлардан бири-бу давлат аккредитацияси ва таълим ташкилотлари аттестациясининг фарқи ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлик жиҳатидан аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилиши белгиланган, у беш йил муддатга амалга оширилади.

Қонунда хорижий давлатда таълим олганлик ҳужжатини тан олиш масалалари ҳам ёритилган. Хусусан, хорижий давлатда 1992 йил 1 январдан кейин олинган таълим тўғрисидаги ҳужжат тан олиш жараёнидан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонуний кучга эга ҳужжат сифатида тан олинади. Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.[4]

Энди таълимнинг янги масофавий ва дуал таълим каби янги шакллари жорий этиладиган бўлди. Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган. Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Масофавий таълим ва дуал таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қонунчиликдаги яна бир янгилик оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш билан боғлиқ. Болаларнинг оилада таълим олиши ва мустақил таълим олиш услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилган ҳолда тегишли ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади. Оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш тартиби, шунингдек таълим олувчиларнинг тоифалари таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланади. Оилада таълим олган ва мустақил таълим олган шахсларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш давлат таълим муассасаларининг тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ экстернат тартибида амалга оширилади.

Маълумки, кўпчилик фуқаролар мустақил равишда таълим олади ва бирон-бир касбни эгаллайдилар, лекин улар белгиланган тартибда ҳужжатга эга бўлмас эди. Ана шу муаммо экстернат тартибда ҳал этиладиган бўлди. Экстернат тартибидаги таълим олиш ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг якунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтишни талаб этади. Экстернат тартибидаги таълим олишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги таҳрирдаги таълим тўғрисидаги қонуннинг қуйидаги асосий фарқлари мавжуд:

Биринчидан, янги қонунда таълим олиш шаклларининг таснифи кенгайтирилган;

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Таълим инспекцияси), Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, шунингдек соҳа вазирликлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари тафсилотлари билан аниқлаштирилган;

Учинчидан, таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми катта этибор қаратилган;

Тўртинчидан, давлат таълим стандартлари ва талаблари, ўқув жараёнига ўқув режалари ва дастурларини, таълим соҳасига экспериментал ва инновацион фаолият таълимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган;

Бешинчидан, таълимга оид ваколатли органлар санаб кўрсатилган ва уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид нормалар белгиланган, таълим жараёнини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш механизмлари белгиланган.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади.[5]

Аввалги ўқув дастурлари мазмуни 90% назариядан иборат бўлиб, ўқитиш методикаси ёдлатишга йўналтирилган. Янги Миллий ўқув дастури мазмуни 50% назария 50% амалиётдан иборат бўлади ва ўқувчининг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўқув дастурларида баҳолаш эса фақат эслаб қолган билимлар ҳажмини аниқлаган. Янги дастур асосида ўқувчиларда шаклланган кўникмалар баҳоланади.

Фанлар сони ва ўқув юкламалари оптималлаштирилиб, ўқувчилар қизиқишига кўра фанларни танлаб ўқиш имконини берувчи вариатив ўқув дастурлар асосида ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш имкони яратилади.

Миллий ўқув дастури асосида фанлар чизиқли тартибда эмас, спиралсимон тарзда ўқитилади. Яъни мавзулар такрорий эмас, бир-бирини мантиқан давом эттирувчи ҳамда соддадан мураккабга томон йўналтирилган тарзда киритилади. Энг асосийси, ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.[6]

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Буюк жадидимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз вақтида "**Биз учун икки эмас, тўрт тилни билиш зарур"**, деб бонг урган эди.[7] Беҳбудий бобомизнинг ушбу даъвати ҳозир ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди. Ҳозирги кунда фарзандларимизнинг чет тилларини ҳамда аниқ фанларни ўрганишга бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда. Халқимиз томирида буюк аждодларимиз қони оқаётганлигини ҳис этиш, дунё илм-фани ривожига муҳим ҳисса қўшган аждодларимизга муносиб ворис эканлигимизни англаган ҳолда мамлакатимизда илм-фан тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиш, фарзандларимизни билимли ва етук шахс сифатида тарбиялашга эътибор қаратиш вақти етди.

Бунинг учун таълим муассасаларида имкониятлар етарлича яратилган бўлиб, ушбу имкониятлардан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш эса биринчи ўринда ёшларимизнинг ўзига боғлиқ.

Адабиётлар:

1.https://president.uz/uz/lists/view/4057
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрири. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон
3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. https://www.uza.uz/uz/posts/bogchalar-soni-4-yilda-3-barobarga-kopayib-14-mingdan-oshdi_198319
4. "Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июльдаги 620-сон Қарори, Тошкент ш.
5.https://xs.uz/uzkr/post/yangi-millij-oquv-dasturi-avvalgilaridan-nimasi-bilan-farq-qiladi
6.https://www.uza.uz/uz/posts/prezident-jamiyatda-oqituvchi-kasbi-eng-nufuzli-va-obroli-kasb-bolishi-lozim_198331
7. «Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон, 12—14-бетлар.

O'ZBEKISTON TARIXINI O'RGANISHDA ABDURAUF FITRATNING IJTIMOIY-SIYOSIY QARASHLARINING AYRIM METODOLOGIK JIHATLARI

F.Polvonova, NavDPI "Tarix o'qitish metodikasi" kafedrasi katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada XIX asrning oxiri XX asrning boshlarida Turkistonda milliy-ozodlik, milliy-istiqlolga chorlovchi yirik g'oyaviy-nazariy qarashlar va uni amalga oshirish yo'llari, uslublari va usullarini o'zida mujassamlashtirgan jadidchilik harakatining yetuk vakili Abdurauf Fitratning ijtimoiy-siyosiy qarashlari yoritiladi.

Kalit so'zlar: Jadidchilik, ma'rifatchilik, "Sayha", "Sayyoh hindi", "Chin sevish", "Ilohiy komediya" , "Yosh buxoroliklar", Sayid Olimxon.

XIX asrning oxirlari va XX asrning boshlariga kelib Turkistonda jamiyatning eng ilg'or fikrli qatlamlari qarashlarini aks ettirgan milliy uyg'onish muayyan mafkura sifatida, birinchi navbatda ma'rifatchilikda ko'rindi. Ana shu mafkuraning yetakchilari bo'lgan jadidlar esa keng miqyosli amaliy faoliyat bilan o'z g'oyalarining jamiyat hayotida qaror topishi, mustahkamlanishi va oxir-oqibatda ular

o‘zlari ko‘zlagan milliy ozodlik, siyosiy mustaqillik kurashlariga o‘sib o‘tishi uchun zamin yarata boshladilar. Shunday qilib bu davrda O‘rta Osiyoda shakllangan ma'rifatparvarlik, XX asrning boshida asta-sekin rivojlanib, yirik ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma'rifiy harakatga aylandi. Jadidichilik milliy ozodlik, milliy istiqlolga chorlovchi yirik g'oyaviy-nazariy qarashlar va uni amalga oshirish yo‘llari, uslublari va usullarini o‘zida mujassamlashtirgan yaxlit ta’limot darajasiga ko‘tarildi [1].

Bu g'oyalarini turkistonliklar ongiga singdirishda jadidchilik harakatining tashkiliy-mafkuraviy asoslarini mustahkamlashda mashhur alloma, professor Abdurauf Fitratning xizmatlari beqiyos edi. Ma’rifatchilikning siyosiy maslaklar bilan uzviylikdagi ma’naviy tamoyillari, ayniqsa, g‘oyat yuksalgan bir tarzda badiiy ijod namunasi sifatida A.Fitratning dramalarida yaqqol ko‘zga tashlandi. Abdurauf Fitratning milliy istiqlol, huquqiy rivojlanish inson sha’ni kafolatlari orqali qo‘lga kiritishi to‘g‘risidagi fikrlari uning siyosiy- huquqiy talablar qo‘ya boshlaganidan dalolat beradi. Chunonchi, Abdurauf Fitratning butun ongli faoliyati Turkiston, xususan, Buxoro amirligi hududida yashovchi xalqlarni jaholat, turg'unlik, g'aflatdan uyg'otish, farovon hayot qurishga chorlashga qaratilgan edi. Bunday chaqiriqni uning 1910-yilda Istanbulda chop etilgan “Sayha” deb nomlangan she'rlar to‘plamidan bilib olish mumkin. Ushbu to‘plamda birinchilardan bo‘lib milliy mustaqillik g'oyasi har tomonlama asoslab berildi. Fitratning 1912-yilda bosilib chiqqan «Sayyoh hindi» («Hind sayyohi») asarida Turkistonda, xususan, Buxoroda vujudga kelgan iqtisodiy qashshoqlik, madaniy-ma'naviy tanazzulning sabablari va uni bartaraf etish yo‘llari ko‘rsatib berildi. Shuning uchun ham ushbu asarni Turkiston xalqlarini ozodlik, erkinlik tomon boshlovchi harakat dasturi, deya baho beriladi. Ana o‘sha harakat dasturini amalga oshirishga harakat qilgan Abdurauf Fitrat 1917-yil fevral voqealaridan so‘ng Buxoroda Fayzulla Xo‘jayev boshchiligida tashkil etilgan “Yosh buxoroliklar” inqilobiy partiyasi faoliyatida faol ishtirok etdi va uning yirik namoyandalaridan biriga aylandi [2]. Xalqimizning buyuk dahosi Abdurauf Fitrat 1923-1924-yillarda Moskvadagi Sharq tillari institutida ilmiy xodim bo‘lib ishlagan va shu yillarda professorlik unvoniga ega bo‘lgan. Moskvadan qaytgach, O‘zbekiston Davlat ilmiy tadqiqot institutida, Til va adabiyot institutida, O‘zbekiston Fanlar akademiyasida ishlagan. 1938-yiIda millatchi, xalq dushmani deb sho‘ro hokimiyati tomonidan otib o‘ldirilgan [3].

Ma'lumki, XX asrning boshlarida jadidchilik harakati namoyandalarining bir guruhi maorif-ma'rifat yordamida jamiyat hayotini insonparvarlashtirmoqchi bo‘lsalar, ikkinchi guruhi bunday olijanob vazifani davlat tizimini isloh qilish, uni qayta qurish orqali amalga oshirish mumkin, deb o‘ylardilar. Xususan, yosh buxoroliklar jamiyat hayotini insonparvarlashtirishning eng muhim sharti davlatni isloh qilish deb bilardilar. Shuning uchun ham, yosh buxoroliklar Buxoro amiri Sayid Olimxonni davlatni isloh qilish, uni qayta qurishga chaqirdilar [4].

Abdurauf Fitratning fikriga ko‘ra, davlat tizimini isloh qilish uchun, eng avvalo, fuqarolar ongi va faoliyatiga mustahkam o‘rnashib olgan mol-dunyoga hirs qo‘yish, uning cho‘risi bo‘lish kayfiyatlariga zarba berish zarur. Foyda ketidan quvish psixologiyasining salbiy oqibatlarini fosh etish zarur. Bunday holatni uning 1920-yilda yozgan “Chin sevish” asaridan ham bilib olish mumkin. Ushbu asarda mol-dunyo to‘plashga hirs qo‘yish, pul-u oltinga sajda qilishning ortib borishi bilan odamlarda mehr-oqibat kamayib borayotganligi badiiy bo‘yoqlar yordamida tasvirlab berilgan. Abdurauf Fitrat davlat tizimini isloh qilish, uni qayta qurish jarayonini jadallashtirmoq uchun fuqarolarda mustaqil fikrlash malakalarini shakllantirish lozim, deb hisoblaydi. Bunday g'oya uning “Shaytonning Tangriga isyoni” dramasida o‘z ifodasini topadi. Shuning uchun ham uning dramasini nemis tiliga tarjima qilgan, uni alohida risola qilib chop ettirgan tadqiqotchi Ingeborg Boldauf dramani ekzistensializmning namunasi, deb baholaydi. Hozirgi zamonning fitratshunos o‘zbek tadqiqotchilari N.To‘raqulov ushbu asarni Dantening “Ilohiy komediya”siga tenglashtiradi. Drama qudratli ta'limotining asosiy maqsadi — inson taqdiri bo‘lib, Turkiston fuqarolarini zulm va zo‘rlikdan, ijtimoiy adolatsizlik va tengsizlikdan, madaniy-ma'naviy tanazzuldan, podsho Rossiyasining mustabid istibdodidan qutqarish, ozod-farovon hayot qurish, boshqacha aytganimizda, insonparvar, demokratik jamiyat qurishga qaratilgan edi.

Uning asarlarida millatning istibdoddan xalos bo‘lishi g‘oyasi markaziy g‘oya bo‘lib, o‘zining betakror badiiy in’ikosini topdi. Abdurauf Fitrat o‘z qarashlarini gohi oshkora va aksariyat pinhoniy, tagmatnlarga, ramzlarga singdirilgan holda ifoda etdi [5].

Xulosa qilib aytganda, Abdurauf Fitrat jamiyat hayotini insonparvarlashtirish uchun mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'naviy qoloqlikdan olib chiqish zarur, deb hisobladilar. Buning uchun fuqarolarni bilimli, ilmli qilmoq kerak, degan g'oyani ilgari suradilar. Boshqacha aytganimizda, ma'rifatli insonni shakllantirmasdan turib, jamiyatni insonparvarlashtirib bo‘lmasligi, o‘z navbatida, inson ruhiy-ma’naviy kamoloti bilim, ilm bilan bevosita bog'liq ekanligini tushuntirishga harakat

qiladilar. Eng muhimi, inson o‘zligini bilmog‘i uchun bilimli, ilmli bo‘lishi zarur degan ulug‘vor fikr ilgari suriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Rizayev Sh. Jadidlarning milliy mustaqillik g‘oyalari. // Postda gazetasi. 2014 yil 43 son. 10-bet.
2. Choriyev A. Inson falsafasi. T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti.2007 yil. 315-b
3. Choriyev A. Inson falsafasi. T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti.2007 yil. 325- b
4. Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. T.: Ma’naviyat. 2009 yil. 130-bet
5. Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. T.: Ma’naviyat. 2009 yil. 153- bet

ШАХС ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ МАСАЛАЛАРИ

Ж.Останов, СамВМИ ўқитувчиси

Аннотация.

Мақолада шахс экологик маданиятини шакллантиришда фан таълим-тарбия тизимининг ўрни ҳақида сўз боради. Бундан асосий мақсад, ёшларда табиатни севиш, уни муҳофаза қилиш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш куникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир. Ер сайёрасини муҳофаза қилиш инсоният саломатлигибугунги янги тараққиёт даврнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: Экология, экологик маданият, экологик таълим, экологик тарбия, глобаллашув, глобал муаммолар, экологик муаммолар.

Бугун дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Тараққиётнинг бугунги босқичида дунё глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, илм-фаннинг ривожланиши инсониятнинг ижтимоий ҳаёт-фаолиятида қулайлик ва енгилликлар яратмоқда. Инсониятнинг мавжудлиги бевосита табиат билан диалектик боғлиқ ҳисобланади. Инсоният табиатда барча эхтиёжларини қондиради. Жумладан озиқланади, кийинади, макон қилади.

Инсоннинг табиат ресурсларидан унумли фойдаланиш учун энг аввало илм-фан ютуқларидан фойдаланиши зарур. Шунингдек инсоният табиатга нисбатан ақл билан муносабатда бўлишни тақозо қилади. Табиатда мувозанатнинг бузилиши турли экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.Бугун инсониятнинг табиатга шиддатли муносабати оқибатларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Натижада турли минтақавий ва глобал экологик муаммолар юзага келаётганлигини ҳам англаб турибмиз. Бу каби глобал муаммолар табиатга экологик омилларни ҳисобга олмаган ҳолда муносабатда бўлиш натижасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида авж ола бошлаган эди. Бугунга келиб эса бу муаммолар глобал муаммоларга айланиб бўлди.Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар мобайнида табиатга етказилган таъсир оқибатида табиий мувозанатга путур етди. Бугунги кунга келиб эса, инсониятнинг эртанги тақдири ва келажаги айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак. Бундан буён Ўзбекистон экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажаввузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади”[1.29].

Экологик муаммолар ечимини фақат мутахассислар – экологлар, менежерлар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар, қонун чиқарувчиларнинг саъй-ҳаракатлари ёки жамиятнинг кучли институтлари таъминлаши мумкин эмас. Экологик хавфсизликни яхшилаш мақсадига самарали эришиш учун ижтимоий ёки маданий ҳолатидан қатъий назар, барча инсонлар бирдек фаол иштирок этиши зарур. Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкорлик экологик тоза технологияларни жорий этиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил олиб бориш ёки соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тарғибот ташвиқот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда барча жабҳалар қаторида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида тўлақонли ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, бошқа қатор ҳужжатлар экологик таълим-тарбия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитишнинг

мажбурийлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Шубҳасиз, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш ва экологик муаммоларнинг олдини олишда аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг экологик маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июл куни Олий МажлисҚонунчилик палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектр йиғилишидаги маърузасида ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Президентимиз "...Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-мурувват, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин"[2.570].деб таъкидлаган эди.

Шахс экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиб, келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш, инсон омили таъсирининг олдини олиш, фан ва экологик таълим-тарбиянинг асосий вазифасидир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 29 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилинганлиги экологик таълим-тарбиянинг аҳамиятини яна бир бор белгилаб берди.

Ёшларда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, шунингдек, экология соҳасидаги илм-фанни жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштириш бугунги куннинг энг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.Экологик таълим-тарбиядан кўзланган асосий мақсад инсонни табиат ва унда содир бўлаётган воқеликларга қизиқтириш, инсон ва табиат ўртасида юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларниг ечиш йўллари бўйича аниқ чора-тадбирлар топиш, етарли экологик билимга эга бўлган ҳолда атроф муҳит муҳофазасини таъминлашдир. Экологик таълим-тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат: биринчидан, жамият ва табиатнинг ривожланиш қонунлари, улар ўртасидаги муносабатни чуқур ўрганиш ва замонавий фикрлай оладиган шахсларни тайёрлаш; иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий режалаштириш ва ишлаб чиқариш кучларини йўналтиришда турли табий ҳудудларнинг экологик ҳолатини биладиган ва келажакнинг экологик режасини тузадиган авлодни тайёрлаш;учинчидан, ҳар бир инсон, жамият ва жамият ичидаги турли гуруҳлар, тоифалар, синфларнинг ўзлари яшаб турган табиат, унинг бойликларини сақлашга хизмат қиладиган ёшларни етиштириш; туртинчидан, жамият аъзоларига ўзларининг ижтимоий, маданий, диний қарашлари ва урф-одатларини ривожлантиришда яшаб турган жой, ҳудуд гузаллиги, унинг инсон ҳаёти ва саломатлигидаги аҳамиятини тушунтириш ишларини олиб бориш; бешинчидан,ҳар бир шахс эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолишга бўлган масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг экологик таълимни ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида экологик таълим қуйидаги таълим турларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади деб белгилаб берилган[3].Булар, мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; олий ва ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Янги тараққиёт босқичида таълим мазмунининг йил сайин ўзгариб, такомиллашиб бориши таълим тизимида фаолият олиб бораётган шахслар олдига ҳам янгича талаблар қўймоқда. Ана шу талабларга аҳамият қаратган ҳолда таълим жараёнида,таълим олувчиларда экологик онг ва маданиятни шакллантиришнинг турли усулларидан фойдаланиш лозим. Бунда қуйидагиларга аҳамият қаратиш зарур:

-таълимнинг экологик илмий-назарий даражасини ошириш;

-таълимни мулоқот шаклида ташкил этиб, таълим олувчиларнинг экологик тафаккурини, эркин фикрлашини ривожлантириш;

-таълим олувчилар биландоимий равишдаэкологик муаммолар мавзусидадавра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар ўтказиш;

-таълим олувчиларда ҳаётни англашга қизиқиш ҳиссини ўстириш, инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатни тўғри йўлга қўйиш куникмаларини шакллантириш;

Шуни таъкидлаш керакки, атроф-муҳитни муҳафаза қилишда, инсоният табиатнинг ривожланиш ва ҳаёт қонунларини билмасдан табиий офатларнинг сабаблари ва оқибатларини олдиндан аниқлай олмайди. Инсонларни ушбу фалокатлардан халос этиш учун, аввало илмий-амалий ва бошқа методлардан фойдаланган ҳолда олий ва ўрта таълим муассасаларида экологияга оид амалий машғулотлар ўтгазиш лозим.Таълим муассасаларида ўтказиладиган амалий машғулотлар табиатни муҳофаза қилишда, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган флора ва фаунанинг

баъзи турларини тиклашда, ўрмонлар, боғлар, қўриқхоналар яратишда катта аҳамиятга эга. Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ экология соҳасидаги амалий билимлар энг хавфли глобал офатларнинг олдини олишга ҳисса қўшади ва ҳаётимизнинг асоси бўлиб, келажак авлодлар учун замонавий биосферада тинч ҳаёт кечириш учун шароит яратади. Экологияни ўрганишда самарали шаклларидан бири бу тадқиқот фаолияти бўлиб, бу жараёнда шахс табиат билан бевосита алоқада бўлади, илмий эксперимент ўтказиш кўникмалари ҳосил бўлади ва экологияни кузатиш кўникмалари ривожланади, муайян экологик муаммоларни ўрганишга қизиқиш уйғонади. [4.29].

Хулоса қилиб айтганда, экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ўта мураккаб жараён. Экологик маданият ишлаб чиқариш, сиёсат, ҳуқуқ, санъат ва таълимнинг мувофиқлаштирилган таъсири билан таъминланади. Экологик маданиятни шакллантириш инсоннинг индивидуал эҳтиёжларини ўзлаштиришга олиб келади, чунки шахс экологик фикрласа шунга мос тарзда ҳаракат қилади. Экологик таълим-тарбия орқали ватанимиз табиати, экотизимлари, атроф-муҳитни издан чиқишидан асрашга ҳамда аҳолининг барча қатламларини экологик маданиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшади. Биз ишонамизки келажакда шахс экологик маданиятини шакллантиришда таълим-тарбия тизими янада такомиллашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир.–Т.: “Ўзбекистон”, 2010,
3. Ҳошимова Э.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар.– Тошкент.: Фан, 1986
4. Ашрапов М. Экологик дунёқараш.//"Ўзбекистон экология хабарномаси"2005

КИШИЛИК ТАРИХИНИНГ КОРРЕЛЯЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ҚОНУНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИНЕРГЕТИК ХАРАКТЕРИ

Ў.Бердиев, НавДПИ Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада кишилик тарихининг корреляцион-функционал қонунлари ва уларнинг синергетик характери методологик тамойиллар асосида ўрганилган ва илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: методологик база, методологик асос, маданий борлик, субстанция, қонуният, қонун, трансформатциялашув, диалектик тушуниш, алоҳида жамиятлар, синергетик, структурализм.

Адабиётларда такрор – такрор таъкидланганидек, муайян бир турдаги назариялар тўплами бир бутун яхлитликда фан даражасига чиқиши учун, биринчидан, методологик асосига, иккинчидан, ўз объектининг қонуниятлари тўғрисидаги билим ва категориал аппаратига, учунчидан, эмпирик базасига эга бўлиши керак. Эмпирик база тарихий фактлар орқали тўпланади. Методологик база, биринчидан, методологик асос бўлувчи билимлардир, яъни фалсафа, ижтимоий-фалсафа ва тарих назариясидир. Методологик база, иккинчидан, методологик манбани ўз ичига олаган бўлади ва буни бизга тарих социологияси беради. Методологик база, учинчидан, тарих фанида фойдаланиладиган умумий ва махсус метод ва илмий билиш шаклларидан иборат бўлиб, методологик асосларсиз тарих фани объектининг қонуниятларини ёритиш мумкин эмас. “Жамият қарама-қаршиликлардан, хилма-хилликлардан иборат бўлиб, - дейди Д.А.Алимова, - унда турли ғоялар, бир-бири билан рақобатлашувчи ва курашувчи сиёсий партиялар, ижтимоий ва иқтисодий тизимлар фаолият кўрсатади”[1:161]. Лекин бу турли хил тарихий фактлар, муносабатлар, жараёнлар ижтимоий воқеаликнинг умуий алоқадорликлари ичида юз беради, улардан ташқари чиқиб кетмайди. Хўш, шундай экан, қонуниятлар ва қонуният нима? Таниқли олим Ж.Туленов бу ҳақида шундай ёзган эди: “Қонун муайян шарт-шароитларда воқеалар ривожининг характери ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақоза этадиган объектив дунёдаги воқеа ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий бир қатор муносабатларидир”[2:106].

Демак, қонунлар табиат, жамият ёки инсон тафаккурида бўлган боғланишлардир. Қонун боғланишларнинг ҳаммаси эмас, балки муайян макон ва замонда барқарор боғланишлар бўлиб, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларда навбатдаги тенденцияларни белгилаб беради. Қонуният эса муайян турдаги қонунлар мажмуи бўлиб, кетма-кет келадиган табиий-тарихий процессларни ифодалайди.

Қонунлар ҳажмига кўра энг умумий, хусусий ва алоҳида қонунлар туркумига бўлинади. Энг умумий қонунлар табиатда, жамиятда ва инсон тафаккурида ҳукм суради. Бу қонунларни ўрганиш

фалсафа фанининг объекти ҳисобланади. Умумий қонунларга келсак, улар ё табиатга ёки жамиятга, яъни кишилик тарихига хос туркумларга бўлинади. Табиатнинг умумий қонунларини табиатшунослик фалсафаси ўрганади. Умумижтимоий қонунларни ижтимоий фалсафа, яъни кишилик тарихининг умумий социологияси ўрганади. Ижтимоий фалсафа кишилик тарихи шаклланиши ва ривожланишининг энг умумий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги фандир. Демак, ижтимоий фалсафа – умумий социология сифатида кишилик тарихини ўрганувчи фанларнинг синтези ва умумлашмасидир. Хусусий қонунлар масаласига келсак, улар табиатда флора ёки фаунага оид қонунлардир. Жамиятда эса ибтидоий даврга хос қонунлар, ёки ўрта асрларга оид қонунлар, янги ёхуд энг янги даврга оид қонуниятлар туркумлари хусусий қонунлардир. Алоҳида турдаги қонунларга ҳар бир соҳага оид қонуниятлар киради. Энг умумий қонунлар умумий, хусусий ва алоҳида қонуниятларда трансформациялашади. Умумий қонунлар, жумладан, жамиятнинг энг умумий қонунлари (буни бошқача сўз билан умумижтимоий қонунлар ҳам деймиз) хусусий ва алоҳида қонуниятлар туркумларида устиворлик қиладилар ва трансформациялашадилар[3].

Кишилик тарихининг асосини маданий борлиқ ташкил этар экан, унинг ривожланиш билан жамият ҳам ривожланади – тарихий процесс юз беради. Маданий борлиқ жамият мавжудлиги ва ривожланишининг субстанционал асосидир. Маданий борлиқ негизида келиб чиқадиган умумижтимоий қонунларни ижтимоий фалсафа ўрганади. Демак, ижтимоий фалсафа ўрганадиган умумижтимоий қонунлар айни вақтда тарихий қонуниятлардир. Тадқиқотчи бу умумижтимоий қонунларнинг ҳар бир тарихий макон ва замонда тарихий ҳодисаларнинг трансформациялашувига қараб кишилик тарихининг хусусий ва алоҳида қонунларини топа олади. Ёки аксинча, тарихчи-тадқиқотчи ҳар бир тарихий воқеа умумижтимоий ёки энг умумий алоқадорликлар, яъни қонунлар даражасидан ташқарида бўлиши мумкин-ми, деган саволни қўя олиши керак. Шунинг учун ҳам “агар тарих фан бўлса, у ҳолда жараёнларнинг моҳиятига кириб борган ҳолда уларнинг объектив қонуниятларига асосланганлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб бера олиши керак, -дейди Д.А.Алимова, - Айни вақтда тарихий билиш жараёнининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда кўпинча файласуфлар тарихий жараёнларнинг тасодифий эканлигига урғу берадилар ва қонунларни очиш вазифасини социологларга юклайдилар”[4:351].

Ибтидоий уруғдошлик тузуми даврида жамиятнинг учта соҳаси – моддий ҳаёт, социал ва маънавий ҳаёт соҳалари келиб чиққан. Синфий жамият пайдо бўлиши билан жамиятнинг сиёсий – ҳуқуқий ҳаёт соҳалари ҳам шаклланган. Ижтимоий ҳаётнинг ўлка ва мамлакат даражасида бошқариш ва мажбурийлик асосида тартибга солишга бўлган эҳтиёжлари асосида жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт соҳалари келиб чиққунига қадар уруғни бошқариш ва тартибга солиш социал нормалар, хусусан уруғ кенгаши орқали амалга ошган.

Тарихни диалектик-маданий тушунишга мувофиқ, одамлар жамоаси табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали ажралиб чиққанлар. Чунки ҳайвонлар табиий тайёр нарсаларни еб, ўз мавжудликларини таъминлайдилар. Одамларнинг табиатни ўзгартириб ўзлаштиришлари якка ҳолда эмас, балки жамоа доирасида амалга ошади. Яъни табиатга ишлов бериб яратилган борлиқ “культура” – маданият ҳисобланади. Негаки, уни табиат яратмаган. Маданий ўсимликлар, уй ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, ерга ишлов бериш жараёнининг ўзи, яъни меҳнат жараёнида одамнинг биоижтимоий маданийлашиб бориши, меҳнат жараёнини бошқариш ва унинг натижалари бўлган ҳосилни тақсимлаш, мулкни кафолатлаш маданий фактлардир. Улар инсон онги орқали юз берган. Инсон онги ҳам маданийдир, у жамият маънавий маданиятининг ўзак қисми ҳисобланади. Бу маданий ҳодисалар инсонлар билан биргаликда мавжуд бўлган, ҳозирда ҳам мавжуд ва келажакда ҳам мавжуд бўлади. Улар борлиқнинг инсон томонидан воқеаликнинг ўзгартирилган кўринишидир. Улар бир бутунликни ташкил этиб, жамият ўзаги бўлган маданий борлиқни ташкил этади. Маданий борлиқнинг ўзагида инсон ва унинг жамоаси туради. Чунки инсон уларнинг яратувчиси ва авлоддан-авлодга ташувчисидир. Ушбу маданий борлиқ келиб чиқиши билан ижтимоий ҳаёт келиб чиққан, у ўзгариши билан ижтимоий ҳаёт – мамлакатлар ўзгарган, тарихий даврлар келиб чиққан[5:47].

Синфий жамият пайдо бўлганидан то ҳозирги кунгача жамият тўртта асосий соҳалар – моддий ҳаёт соҳаси, социал ҳаёт соҳаси, сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт соҳаси ва маънавий ҳаёт соҳасидан иборат бўлиб, у марксизм асосчиси Карл Маркс томонидан кашф этилган[6:554-559]. Лекин марксизмда моддий ҳаётнинг асоси ёки ядроси моддий маданият, социал ҳаётнинг асоси – ўзак қисми инсонлар ва маиший маданият, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг ядроси - жамият сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, маънавий ҳаётнинг ядросини жамият маънавий маданияти ташкил этиши фактлари инобатга олинмади. Жамиятнинг ҳар бир соҳаси ривожланганлиги даражаси худди шу маданий қисмлар билан белгиланади. Жамиятнинг бу тўртта маданий қисмлари бир-бирини функционал

ҳолатларига кўра тақозо қиладилар. Жамият моддий маданияти ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан моддий асос қонунини бажарди. Социал ҳаётнинг ўзак қисми – инсон ва унинг микро ва макро бирликлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан социал асос қонуни вазифасини бажаради. Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқариб ва тартибга солиб турувчи қонунларини бажаради. Жамиятнинг маънавий маданияти ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан маънавий, жумладан, гносеологик асос қонунини бажаради[7:11-24].

Бу маданий қисмлар ҳар бир тарихий давр ва маконда ўзига хос ҳолда ва даражада бўлган. Уларнинг ҳар бирининг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан мустақиллиги - орқада қолиши ёки илгарилаб кетишлари мавжуд. Бу синергетик ҳолатлар уларнинг ҳар бирига хос ташкиллашганлик ва ўз-ўзидан ривожланишидан келиб чиқади. Соҳавий тарих фанларида ушбу фактларга эътибор берилмаяпти.

Демак, инсонлар ва улар яратган моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар корреляцион – функционал бир бутунликдан иборат бўлиб, уни биз умумфалсафий тилда маданий борлиқ, деб атаймиз. Бу маданий борлиқ кишилик жамияти тарихи шаклланиши ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Бу маданий борлиқнинг ривожланганлигига қараб мамлакатларни индустриал ёки анъанавий, ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларга ажратамиз.

Тарихий материализмда моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулининг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан белгиловчилиги қонуни жамиятнинг асосий қонуни, деб ҳисобланар эди. Жамият моддий ҳаётининг ўзаги моддий маданият экан, у хўжалик ва экомаданиятлар бирлигидан иборат. Хўжалик маданияти эса технологик ва иқтисодий маданиятлар бирлигидан ташкил топган. Уларнинг жонли ва асосий элементи ишчи кучи ва мулкдор кўринишидаги инсонлардир. Демак, худди шундай жамиятнинг бирон-бир соҳаси йўқ-ки, улар инсонсиз мавжуд бўлмайди. “... жамият ривожланиши тарихи, - дейди В.А.Лаперашвили, - ўз қонуниятларига эга, аммо инсон ўз қонуниятларининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади”[8:20]. Шунинг учун инсон ва унинг бирликлари яратувчилар, ташувчилардир ва демакки, ўша соҳаларнинг субъектлари ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланадилар. Бу онтологик ва функционал ҳолат инсон ва унинг бирликларининг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан социал асос қонуни дейилади. Кишилик тарихида социал асос қонуни асосийдир. Чунки инсонлар бор экан, жамият ва унинг тарихи бор. Социал асос қонуни, субъектнинг белгиловчилик роли қонуни, кишилик тарихининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва тарихда шахс ва халқ оммасининг роли, кўринишларида амал қилади[9:102].

Кишилик тарихининг юқорида кўрсатилган тўртта корреляцион – функционал қонунларидан мамлакатларнинг бутунлиги ва унга боғлиқ ҳолда тарихий жараёнлар келиб чиқади. Ушбу методологик масала Б.Турдибоевнинг “Ижтимоий – тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари” номли монографиясида ёритилган. Ушбу корреляцион – функционал ҳолатга қайсидир даражада Б.Л.Губман эътибор бериб шундай ёзган: “Инсоният тарихининг бирлиги маданиятларнинг ўзаро таъсири орқали очилади”[10:10].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан кишилик тарихини ўрганиш ушбу тўртта корреляцион – функционал қонунлар асосида амалга ошмоқда. Тарих фани объектив қонуниятларга асосланганлигини кўрсатиб бера олиш юзасидан юқорида таҳлил қилинган кишилик тарихининг бир гуруҳ умумижтимоий, корреляцион – функционал қонунлари ва уларнинг синергетик характери, кишилик тарихининг харакатлантирувчи кучи, шахс ва халқ оммасининг роли, инсоният тарихининг бирлигидир. Корреляцион – функционал қонунлар айни вақтда жамиятнинг структуравий қонунларидир. Чунки инсонлар бор экан, жамият ва унинг тарихи бор. Инсон ва унинг бирликлари яратувчилардир, ташувчилардир ва ўша соҳанинг субъектлари ҳамда асосий ҳаракатлантирувчи кучларидир. Кишилик тарихининг юқорида кўрсатилган тўртта корреляцион – функционал қонунларидан мамлакатларнинг бутунлиги ва унга боғлиқ ҳолда тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши ҳамда жамият ривожланиши тарихи қонуниятларига эгалиги тарихни методологик жиҳатдан ўрганишга дастурул амал бўлади.

Адабиётлар рўхати:

1. Алимова Д. Тарих фани методологияси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари илмий жамияти” нашриёти, 2018. 161-бет.
2. Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 106-бет.
3. Ҳайдаров Х.Ф. Исторический закон в структуре социального познания и управления. –Т.: “Фан”, 1994.

4. Алимова Д. Тарих фани методологияси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари илмий жамияти” нашриёти, 2018. 351-бет.
5. Турдибоев Б. Ижтимоий тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари. –Т.: “EXTREMUM PRESS” нашриёти, 2011. 47-бет.
6. Маркс К. Сиёсий иқтисод танқидига доир. Сўз боши. // Карл Маркс ва Фридрих Энгельс. Танланган асарлар. 1- том. –Т.: “Ўзбекистон” 1980. 554-559-бетлар.
7. Рустамбоев М.Ҳ., Абдухаликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 11-24-бетлар.
8. Лаперашивили В.А. Онтологические принципы истории и современная теория перестройки. Автореф. дисс. … канд.филос.наук. –Тбилиси, 1990. С. 20.
9. Яхшиликов Ж. Мустақиллик йилларида фуқоролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий методлогик асослари. –Т, 2018. 102-бет.
10. Губман Б.Л. Смысл истории: Очерки современных западных концепций. –М.: «Наука», 1991. С. 10.

МАФКУРАВИЙ ОНГ ТАРИХИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ОНГ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ф.Р.Худжақулова, НавДПИ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Инсон ўзининг онги ва тафаккури билан бошқа хилқатлар ичида мўжизавий феномен сифатида гавдаланиб туради. Унинг бош мия шарларида жойлашган нейронларнинг моддий аъзо сифатида қандай руҳий функцияларни бажариши асрлар давомида барча олимларни қизиқтириб келаётган жумбоқлардан бири саналади. Зеро, бунда инсон танасидаги жисмоний ва руҳий соғломликнинг ўзаро уйғун бўлиши эса инсон онгининг барқарор ривожланиб боришининг бошланич нуқтаси ҳисобланади. Бир қатор ички ва ташқи таъсирлар натижасида инсон онги ривожланиб ижтимоий онг даражасига кўтарилади. Ана шу жараёнда жамиятнинг ғоявий-мафкуравий ҳаёти,мавжуд реал воқеликда юз берадиган ички ва ташқи таъсирларнинг инъикоси сифатида қарор топади. Бунда мафкуравий онг ижтимоий онг тизимида ижтимоий борлиқни ҳаракатга келтирувчи омил сифатида етакчилик вазифасини бажаришга киришади.

Калит сўзлар: Онг,тафаккур, феномен, мафкура, ижтимоий, жамият, файласуф,фалсафа, идрок, хотира, ҳаёл, гносеологик, социологик.

Бугунги кунда инсон онгини, унинг хусусиятларини тушуниб етиш масаласи энг мураккаб ва жумбоқларга бой бўлган муаммолар қаторига киради. Бунга сабаб уни қўл билан ушлаш,кўз билан кўриш, турли хил асбоблар билан ўлчаш орқали билиш имкониятининг йўқлигидир. Шундай бўлишига қарамасдан одамлар минг йиллар давомида унинг моҳиятини ўрганиш, сир-асрорларини билишга ҳаракат қилиб келганлар ва бу соҳада муайян ютуқларни қўлга киритганлар. Масалан, замонавий тиббиёт одам миясини онгнинг манбаи деб билган ҳолда унинг анотомик тузилиши, унда юз бераётган жараёнларнинг топография жойлашуви, унинг нейрофизиологик хусусиятлари, мия ярим шарларида жойлашган турли хил нейронларнинг бажарадиган функциялари, уларнинг хасталаниш сабаблари ҳамда мазкур хасталикни даволаш усул ва воситалари ҳақидаги ҳосил қилинган билимлари шулар жумласидандир.

Хўш, онг нима? Бу саволга файласуф олимлар ҳозирги кун илм-фан ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича жавоб берадилар.

Инсон онгги: *биринчидан,* юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг хусусиятидир; *иккинчидан*, воқеликни инъикос этишнинг олий шакли,моддий дунёнинг маънавий образидир; *учинчидан,* ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсулидир;*тўртинчидан*,инсоннинг бирон бир мақсадга йўналтирилган фаолиятини тартибга солувчиси,бошқарувчисидир. Шундай қилиб, ***онг*** *– бу инсон томонидан мавжуд воқеликни акс эттириш ва маънавий ўзлаштиришининг ўзига хос хусусияти бўлиб, юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг маҳсули, объектив оламнинг субъектив образи, бирон бир фаолият юритишнинг ҳаракат дастурини яратиш, уни амалга ошириш ва бошқариш учун керакли бўлган ахборотларни олиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлашни ташкил қилиш асосида бошқаришга қаратилган фаолият шаклидир*.[1]

Инсон онгининг таркибий қисмларини сезгилар, идрок, хотира, ҳаёл, тафаккур ва нутқлардан иборат бўлган ҳиссий ва ақлий билиш жараёнлари ташкил қилади. У соҳибларига кўра индивидуал ва ижтимоий онг шаклларига бўлинади. Бу хусусда С.Э.Крапивенский:” Индивидуал онг деб ижтимоий борлиқни алоҳида кишилар томонидан ҳаёт кечириш шароити ва фаолияти

призмаси орқали иникос этишидир”,-деган таъриф беради.[2] Бу таърифдаги камчиллик,биринчидан,индивидуал онг инсоннинг қайси сифатларининг инъикоси; иккинчидан,у нафақат ижтимоий борлиқнинг балки,табиат,жамият ва инсон борлиғининг инъикоси эканлигини эътиборга олмаганидир. Шуларни эътиборга олган ҳолда, бу тушунчага, ***индивидуал онг деб аниқ бир кишининг табиат,жамият,инсон борлиғи ҳақидаги фикрлари,қарашлари, манфаатлари, туйғулари ва бошқа руҳий сифатларининг ҳаракатдаги йиғиндисига айтилади,*** деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Индивидуал онг мавжуд реал жамиятнинг ижтимоий муҳити билан муайян шахснинг махсус конкрет муҳити («микро муҳити») ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсирнинг инъикоси сифатида, кишиларнинг ҳаётидаги умумийлик ва алоҳидаликнинг инъикоси сифатида майдонга чиқади. Бундан ташқари, индивидуал онг ***ўзини англашни,*** яъни кишининг ўз-ўзини, жамиятга, дунёга, жамоага нисбатан муносабатини англашни ҳам ўз ичига олади.

Ижтимоий онг билан индивидуал онгнинг нисбати — жамиятнинг маънавий ҳаётдаги умумийлик ва алоҳидалик диалектикасининг аниқ бир кўриниши ҳисобланади. Диалектика тамойилларига биноан ҳар қандай умумийлик алоҳидаликда мавжуд бўлганидек, ижтимоий онг ҳам фақат индивидуаллик орқали намоён бўлади. Бу табиий ҳолдир, чунки фақат алоҳида киши, аниқ шахсгина сезиш ва фикрлаш қобилиятига эгадир. Ўз навбатида индивидуал онг ҳам ижтимоий онг билан боғлиқ ҳолдагина маьжуд бўлади. Ҳар қандай киши жамиятда яшайди ва меҳнат қилади, муайян элат, миллатга, ижтимоий жамоага мансуб бўлади, шунинг учун ҳам унинг ўз онги қандайдир биқиқ, алоҳида онг бўлмай, балки ижтимоий (жамоавий, миллий) онгнинг ҳам гавдаланишидир. Бунинг устига, ҳар бир киши ҳаётга қадам қўяр экан, фақат ижтимоий ҳаётни эмас, балки ижтимоий онгни ҳам тайёр ҳолда кўради ва уни заруратга қараб бирор меъёр ва шаклда ўзлаштиради. Шундай қилиб,*ижтимоий онг бу – кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш борасида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш муносабатларига киришиш орқали ҳосил қилинган ижтимоий бирликларнинг табиат,жамият,инсон борлиғи ҳақида ҳосил қилинган ахлоқ,дин,санъат,фан,сиёсат,ҳуқуқ шаклидаги қарашлар тизимидир.*

Ижтимоий онг мураккаб тузилишга, динамик хусусиятга эга бўлган феномен бўлиб, асосан иккита: гносеологик ва социологик аспектда ўрганилади. Ижтимоий онг *гносеологик аспектда* мавжуд борлиқни акс эттиришнинг кундалик ва назарий даражаси,социологик аспектда эса унинг фаолият моменти, фаолият олиб боришидаги муносабатлар тизими сифатида талқин ва тадқиқ қилинади. *Социологик аспектга* кўра ижтимоий онгни ижтимоий психология ва мафкура(идеология)га бўлиб ўрганиш қабул қилинган.

Ижтимоий психология – бу шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқларнинг бевосита меҳнат ва турмуш шароитлари таъсирида вужудга келадиган кундалик қарашлари, одатлари, сезгилари, ахлоқий хусусиятлари,туйғулари, янгилишувлари ва хаёлларининг йиғиндисидир.

Мафкура (идеология) – бу ижтимоий гуруҳ, синф, миллат, жамиятнинг мавжуд реалликни ўзининг манфаатлари, идеали,мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ифодалайдиган қарашлар,ғоялар,тамойиллар тизими бўлиб, у жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади.

Мафкура ва ижтимоий психология ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий психология бирон бир ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг манфаатларини бевосита тарқоқ ҳолда акс эттириш туфайли юзага келса; мафкура эса маънавий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган муайян кишилар гуруҳи томонидан бирон бир мақсадни кўзлаган ҳолда яратилади;

2) ижтимоий психология воқеликни акс эттиришнинг биринчи қуйи даражаси – оддий онгни ташкил этса, мафкура эса воқеликни ифодалашнинг тартибга солинган ва илмий жиҳатдан шакллантирилган иккинчи юқори даражаси – назарий онг сифатида ўзини намоён қилади;

3) ижтимоий психология одамларнинг барча қарашларини яхлит қоришиқ тарзда қамраб олса, мафкура эса бир биридан ажратилган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, диний, эстетик қарашлар тизимидан ташкил топган бўлади.

4) ижтимоий психология кундалик ҳаётий вазифаларни амалда ечишга, мафкура эса глобал ижтимоий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, онг ижтимоий характерга эга бўлиб, уни олимлар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, дин, фан, санъат каби шаклларга бўлиб ўрганадилар. Ижтимоий онгнинг мазкур шакллари мавжуд воқеликдаги вазиятга қараб бирон бир мафкуранинг объекти бўлиб хизмат қилади. Мафкура эса ижтимоий онг шаклларининг мазкур воқеликни қандай даражада инъикос этганлигига қараб, уларни бирон бир мақсад сари йўналтиради. Бу эса мафкуравий онгнинг қанчалик даражада шаклланганлигига ва ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Демак, шундай экан мафкуравий онг нима ва у қандай хусусиятларга эга деган савол туғилади.

Мафкуравий онг – *бу жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасида юз бераётган нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш, шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини юқори даражада ташкил топган моддий аъзо – инсон миясида сезги, идрок, тасаввур, тушунча, ҳукм, хулосалар тарзида акс эттирилишидир.*

Мафкуравий онгга хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) мафкуравий онг маънавий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган муайян кишилар гуруҳи томонидан бирон бир мақсадни кўзлаган ҳолда яратилади;

2) мафкуравий онг ижтимоий онгнинг воқеликни ифодалаш борасидаги тартибга солинган ва илмий жиҳатдан шакллантирилган юқори даражаси – назарий онг сифатида ўзини намоён қилади;

3) мафкуравий онг бир биридан ажратилган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, диний, эстетик қарашлар тизимидан ташкил топган бўлади;

4) мафкуравий онг кундалик ҳаётий вазифаларни амалда ечишга эмас, балки глобал ижтимоий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики мафкуравий онгнинг объектини жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси – идеосфера, унинг предметини эса инсоннинг ғоя ва мафкура соҳасидаги турли шаклларда намоён бўладиган, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фаолияти ташкил қилади.

Мафкуравий онгнинг идеосфера атрибути сифатидаги асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай мафкуравий онг кишилик жамиятида пайдо бўлади, шаклланади ва ривожланади. Шу туфайли у ижтимоий аҳамият касб этади.

2. Мафкуравий онг жамиятни, ижтимоий жараён ва ҳодисаларни ғоявий нуқтаи назардан англаб етишнинг ҳосиласидир.

3. Мафкуравий онг ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан уларга хизмат қилувчи мутахассисларнинг дунёқарашига, эгаллаган позициясига қараб фарқ қилади.

4. Мафкуравий онг табиий-техник ва гуманитар-ижтимоий характердаги ғояларнинг мавжудлигини инкор этмайди,балки, уларни диалектик бирликда деб билади.

5. Мафкуравий онг ижтимоий онгга тегишли бўлган барча нарса,ҳодиса ва жараёнларни унинг ўзига ҳам тегишли деб ҳисоблайди.

6. Мафкуравий онг мавжуд бўлган ғоя ва мафкуралардан кимлар, қандай мақсадларда фойдаланаётганлигини, ундан қандай наф кўраётганлигини назардан четда қолдирмайди.

7. Идеосферанинг ўзига хос амал қилиш тамойиллар ва қонунлар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш ва фойдаланиш мафкуравий онгнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

8. Мафкуравий онг идеосферада содир бўлаётган мафкуравий жараёнлар ва ҳодисаларнинг тез ўзгарувчанлиги, уникаллиги, такрорланувчанлигини тушунтириб беришда фалсафа илмининг яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикасидан методологик асос сифатида фойдаланади.

9. Мафкуравий онг ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ амалиётда уни тушунтириб бериш учун тил қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда оддий сўз ва илмий атамалардан унумли фойдаланади.

10. Мафкуравий онг «одам ва олам» муносабатларини тушунишда фақат «субъект – объект» тарзида эмас, балки «субъект–субъект» муносабатлари шаклида ҳам мафкуравий фаолият юритишни рағбатлантиради.

Мафкуравий онг ижтимоий онг тизимида,унинг барча шакллари учун қуйидаги функцияларни:

б*иринчидан*, барча ижтимоий онг шаклларининг ижтимоий борлиқнинг қайси муҳим маънавий- мафкуравий аҳамиятга эга молик бўлган пассив эмас,балки фаол бўлган ғоявий қирраларини олдиндан билиш орқали жамиятни истиқбол сари бошлаб бориш;

*иккинчидан,*аккумулятив (тўплаш,йиғиш),яъни аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган моддий ва маънавий бойликларни,шунингдек замондошлари тўплаган билим ва тажрибаларни бир жойга тўплаб,уларни таҳлил қилиб, улардан қайси бири ижтимоий онг шаклларини ривожлантириш учун мафкуравий манба–озуқа бўлишини аниқлаб олиш;

учинчидан, аксиологик,қайси бир ижтимоий онг шаклининг мавжуд реалликдаги жамият учун кўпроқ қадр-қийматга эга эканлигини билиш ва ундан фойдаланиш;

тўртинчидан, ижтимоий онг шаклларининг мақсад-муддаоларини шакллантириш,яъни жамиятнинг кўзлаган мақсадларини аниқ ифодалаш ва унга эришиш йўлларини кўрсатиб бериш вазифасини амалга ошириш;

бешинчидан, ижодий (конструктив) ,яъни ҳар бир ижтимоий онг шаклларии янги элемент,компонентлар билан тўлғазиб бориш;

*олтинчидан,*коммуникатив(алоқа),яъни ижтимоий онг соҳиблари ўртасидаги ўзаро мафкуравий муносабатларни ўрнатиш орқали алоқада бўлишни таъминлаш;

еттинчидан, регулятив(бошқариш),яъни ижтимоий онг соҳибларининг шахсий ва жамоавий хатти-ҳаракатларини муайян ғоя асосига қурилган мафкура асосида тартибга келтириш, бошқариш кабиларни бажаради.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида мафкуравий онгни шакллантириш ва юксалтиришдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев такидлаганидек :" «Миллий тикланишдан –миллий юксалиш сари» деган дастурий ғоя асосида,ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш,уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш" дан иборатдир.[3]

Хулоса қилиб айтганда ёшларнинг миллий мафкуравий онгининг шаклланганлик даражасига мамлакатимизнинг яратувчанлик қобилиятини мустаҳкамловчи асосий маънавий омил ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: " Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир". Ёшларимизнинг ўзбек халқининг "Озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт кечириш" дан иборат бўлган бош ғоясини қалбига жойлаб қилаётган фидокорона хизматлари натижасида миллий юксалишимизнинг энг баланд чўққисини эгаллаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Муҳаммадиев Н.Э. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси. Монография. – Тошкент: ТошПТИ,2018. – Б.36.

2.Крапивенский С.Э. Социальная философия. – М.: Владос,1998. – С.229.

3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.// ***Мирзиёев Ш.М.*** Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: " Ўзбекистон" НМИУ,2020. – Б.35.

4.Яхшиликов Ж.Я,Муҳаммадиев Н.Э Миллий ғоя ва мафкура Монография. – Т: "Фан",2015.

5.Яхшиликов Ж.Я,Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя-тараққиёт стратегияси. Монография. – Т: "Фан",2017.

ZAMONAVIY TADQIQOTLARDA BUXORO AMIRLIGI TARIXINI O'RGANISHDAGI NAZARIY KONSEPTUAL YONDASHUVLAR

R.Shukurov, Nizomiy nomidagi TDPU
"O'zbekistonning eng yangi tarixi kafedrasi o'qituvchisi

Annotasiya.

XX asr oxiri-XXI asr boshlarida O'rta Osiyo xonliklari tarixi, xususan Buxoro amirligi tarixining o'rganilishi masalalariga Markaziy Osiyo davlatlari tarixchilari tomonidan ko'p bora murojaat qilingan. Mazkur maqolada shu mavzuda nashr etilgan ba'zi maqolalar, monografiyalar va tadqiqot ishlari tarixshunoslik nuqtai nazaridan tahlil etiladi.

Kalit so'zlar: Buxoro amirligi, siyosiy va iqtisodiy tarix, sovet davri tarixshunosligi, tarixshunoslik, hujjatlar, Markaziy Osiyo, ilmiy-nazariy yondashuvlar, ilmiy tadqiqotlar.

Buxoro amirligi nafaqat o'zbek davlatchiligi tarixi, balki Markaziy Osiyo davlatlari davlatchiligi tarixida muhim o'ringa va boy tarixga ega bo'lgan davlatlardan biri sanalgan. XVIII asrning o'rtalarida o'zbeklarning mang'it urug'i vakillari hukmronligi ostida Buxoro amirligi nomi bilan yuritila boshlagan bu davlat o'zidan avvalgi hukm surgan davlatlarning davlatchilik an'analarini davom ettirib, Osiyo va Yevropa o'rtasidagi iqtisodiy va siyosiy, ma'naviy va madaniy munosabatlar jarayonida muhim ahamiyatga ega bo'lgan holda XX asrning boshlarigacha mavjud bo'ldi. Bu jihatlari bilan Buxoro amirligi tarixi uzoq yillar davomida ko'plab tadqiqotchilarning e'tiborini o'ziga jalb etib keldi, amirlik tarixining turli masalalalari yuzasidan bir necha o'nlab tadqiqotlar amalga oshirildi, yuzlab maqolalar yozildi. Tarixshunoslik nuqtai-nazaridan Buxoro amirligi tarixining o'rganilishini a'nanaviy ravishda XX asr boshlarigacha bo'lgan mustamlaka davri tarixshunosligi, XX asrni deyarli to'liq qamrab olgan Sovet davri tarixshunosligi va XX asrning 90-yillaridan bugungi kunlarga qadar bo'lgan mustaqillik davri tarixshunosligi davrlariga bo'linadigan bo'lsa, ular orasida so'nggi davr tarixshunosligi alohida muhim ahamiyat kasb etadi va buni alohida ta'kidlab o'tishimizning o'ziga xos sabablari bor, albatta. Ko'rsatilgan davrlarda Buxoro amirligi tarixiga oid amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlar va ulardagi masalalarning o'rganilishi, tadqiqotlar va ularning xulosaviy natijalarining ilgari surilishida turlicha yondashuvlarni kuzatish mumkin.

So‘nggi yillarda o‘zbekistonlik tarixchilardan Q.Rajabov, R.Xoliqova, D.Mo‘minov, Y.Shukrillayev va boshqalarning Buxor amirligi tarixiga oid tadqiqotlarini zamonaviy tarix fani tadqiqotlariga qo‘yiladigan talablarga to‘la javob beruvchi, tarixiylik, ilmiylik tamoyillariga to‘laqonli asoslangan ilmiy tadqiqotlar sifatida ko‘rsatib o‘tish mumkin[1]. Xususan, mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tadqiqotlar orasida Sh.Voxidovning ilmiy xulosalari ham e’tiborga loyiqligini e’tirof etish joizki, boisi bu tadqiqotchi tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlarning asosiy ustuvor yetakchi tamoyili sifatida tarixiy izchillik ustuvorlik qiladi, shuningdek manbalardan axborotni ajratib olish va ularning ilmiy tadqiqotga jalb etilishi jarayonlarida qiyosiy tahlil usullaridan keng va samarali foydalanilganligini ko‘rish mumkin [2].

Tojikistonlik tarixchilar ham so‘nggi chorak asr davomida Buxoro amirligi tarixiga oid ko‘plab ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirdilar. Tojikistonlik tarixchi J.Jo‘raboyev tomonidan amalga oshirilgan Buxoro amirligining XVIII asr ikkinchi yarmi – XIX asr birinchi yarmi tarixiga oid manbashunoslik tadqiqotlari amirlik tarixini o‘rganishda muhim izlanishlardan biri sanaladi. Dissertatsiyada turli manbalar va ulardagi ma’lumotlarni tahlil qilish asosida Buxoro amirligining mahalliy va ma’muriy boshqaruv tizimi, Rossiya va Buxoro davlatlari o‘rtasidagi savdo aloqalari, Rossiya imperiyasining Sharqqa nisbatan yuritgan siyosatida Buxoro amirligining o‘rni va boshqa shu kabi masalalar yuzasidan tahliliy tadqiqot amalga oshirilgan [3].

Tojikistonda amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlardan biri Mexdi Jafarzodaga taalluqli bo‘lib, bu tadqiqotchi o‘z ilmiy izlanishlarida Markaziy Osiyo davlatlarining Eron bilan savdo va diplomatik munosabatlari tarixini tadqiq qilgan[4]. Tadqiqotda Markaziy Osiyo davlatlari – Buxoro amirligi, Qo‘qon xonligi va Xiva xonligining savdo va iqtisodiy aloqalari tarixini ko‘rsatib berish bilan birga, Rossiya, Angliya, Eron, Afg‘oniston va Sinszyandan Markaziy Osiyo davlatlari bozorlariga olib keltirilgan mollar va ularning turlari, hajmi va boshqalari haqida keng tahliliy ma’lumotlarni keltirib o‘tadi, tadqiqot davomida xonliklarning tashqi savdo-iqtisodiy munosabatlari tarixining bir qator jihatlarini manbaviy ma’lumotlarga asoslangan holda yoritib berganligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi.

Buxoro amirligi tarixiga oid tadqiqotlar orasida Rossiyalik tarixchilarning risolalari va ilmiy maqolalari ham alohida o‘ringa ega bo‘lib, ularda ham amirlik hayotining turli jabhalari, ulardagi muammolar va o‘ziga xosliklar turli manbalar asosida tahliliy ravishda aks ettirilgan. Ulardan biri A.G.Dankovning tadqiqot ishida O‘rta Osiyoda XIX asrning birinchi yarmi va XX asr boshlarida Angliya va Rossiya imperiyalari manfaatlarining to‘qnashuvini aks ettirgan tarixiy jarayonlarning Rossiya va Angliya tarixshunosligida o‘rganilishi, tadqiqot masalalarining yoritilishi, tarixiy tadqiqotlarida muammo obyektining tadqiqiga bo‘lgan yondashuvlar tarixshunoslik nuqtai-nazaridan tadqiq etilgan bo‘lib, dissertatsiya tadqiqoti qo‘yilgan masalalarning yoritilishida zamonaviy tarixiy tadqiqotlar talablaridan kelib chiqqan holdagi yondashuvlari bilan ahamiyatga egadir [5.3.].

A.G.Nedvetskiyning “Buxoro hukmdorlari” (“Правители Бухари”)deb nomlangan risolasida Buxoro amirligi siyosiy hayoti, Buxoro amirlari va ularning faoliyati hamda Buxoro amirligi va Rossiya imperiyasi o‘rtasidagi munosabatlar tarixining ayrim jihatlari yoritib berilgan. Muallif unda Buxoroga “Sharq marvaridi” deya ta’rif berib, bu shaharning qadimiy tarixga ega ekanligi, Sharqda, ayniqsa, musulmon dunyosida shaharning katta nufuzga ega ekanligi, o‘zining aziz va avliyolar vatani ekanligi hamda musulmon me’morchiligining nodir namunalari bilan shuxrat qozonganligini ta’kidlab o‘tadi. Muallif o‘z maqolasida so‘nggi mang‘it amirlari haqida ma’lumotlar kamchiligi va yetarli emasligi haqida to‘xtalib, “Buxoro amirligi tarixiga oid o‘tgan asrda yaratilgan zamonaviy kitoblarda Buxoro amirlarining nomlari xattoki ko‘rsatib o‘tilmagan, ayni vaqtda zamondoshlarimiz Buxoro hukmdorlarining ko‘rinishlarini ham tasavvur eta olmaydilar”,-deb ko‘rsatib o‘tadi [6].

Shu o‘rinda Rossiyalik tarixchilardan biri S.N.Brejnevaning ilmiy tadqiqoti haqida ikki og‘iz so‘z yurittish o‘rinli deb topildi. Tadqiqotchi tomonidan MDH davlatlarida, xususan, Markaziy Osiyo mintaqasida so‘nggi yillarda bu hududlarning Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olinishi (tadqiqotda “qo‘shib olinishi” - R.Sh.) masalasi borasida ko‘plab ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilganligi va bu ilmiy tadqiqot ishlarida imperiya tomonidan bosib olingan hududlarda amalga oshirilgan ishlarga nisbatan salbiy munosabat bildirilganligi, shuningdek, bu tadqiqotlarda Turkiston o‘lkasini Rossiya imperiyasi tomonidan harbiy kuch ishlatish orqali majburiy “qo‘shib olinganligi” haqida fikrlar bilan ayblayotganligi ko‘rsatib o‘tilgan [7.4.]. S.N.Brejneva fikrlarini davom etirib, quyidagilarni alohida ko‘rsatib o‘tadi: - “Bunday nuqtai-nazardan yozilgan milliy tarixlar keskin qarashlarni keltirib chiqaradi va bunday qarashlar Markaziy Osiyo mintaqasi tarixchilariga xos bo‘lib, siyosiy manfaatlardan kelib chiqqan holda milliy tarixshunoslik shakllanmoqda” [7.4]. Shu o‘rinda S.N.Brejnevaning quyidagi fikrlari ham e’tiborni tortadi, uning yozishicha, - “o‘z tarixini “toza varaqdan” boshlamoqchi bo‘layotgan hamda avvalgi tarixshunoslikning tajribasidan voz kechayotgan milliy tarixshunoslikdan farqli ravishda zamonaviy Rossiya tarixshunosligi

mazkur muammoni tarixiy tafakkurning rivojlanishida vorislikni ta’minlashi, har bir aniq yo‘nalishi bo‘yicha istiqboldagi vazifalarini belgilab berishi zarur” [7.4].

S.N.Brejnevaning tarixshunoslik nuqtai-nazaridan amalga oshirgan yirik hajmdagi ilmiy tadqiqot ishlari albatta diqqatga sazovordir, bu shubhasiz tarix fanining rivoji va taraqqiyoti, ayniqsa, tarixshunoslik sohasidagi turlicha yondashuvlar va qarashlar, tarixiy jarayonlar tadqiqini ko‘rsatib beruvchi ilmiy ishlarning tahlili va ularning ilmiy xulosalaridagi natijalarini chuqur o‘rganish uchun imkon beradi. Ayniqsa, ayni bir masala yuzasidan turli davlatlar tarixchilari tomonidan amalga oshirilgan ishlarning natijalari o‘rganilayotgan muammoning har tomonlama va chuqur tahlil qilinishi uchun imkon beradi, pirovard natijada esa o‘rganilayotgan muammoning yechimiga oid salmoqli ilmiy fikrlar jamlanadi va bu albatta tarix fanining rivojiga ma’lum darajada ta’sir ko‘rsatadi.

Rossiyalik tadqiqotchilardan yana biri S.S.Borozdin o‘zining “Полтика российских властей в отношении мусулманского населения Туркестана и Бухари (1867 – 1914 гг)” mavzusidagi ilmiy tadqiqotining nazariy tahlillari jarayonida O‘zbekistonda amalga oshirilganbir qator ilmiy tadqiqotlar, jumladan N.A.Abdurahimova hamda G.K.Rustamova[8], shuningdek, N.I.Alimova[9] larning ilmiy tadqiqotlariga o‘zining fikrlarini bildirib o‘tgan va o‘z tadqiqoti davomida mazkur ishlarning ilmiy natijalaridan keng foydalanganligini ko‘rsatib o‘tgan [10. 4-5.]. Ayni vaqtda S.S.Borozdin yuqoridagi mualliflarning tadqiqotlari imperiya mustamlakachiligi davri hamda sovet davri tarixini yoritishda yagona to‘g‘ri yondashuv sifatida e’tirof etilganligini ham ko‘rsatib o‘tadi.

Rossiyalik tarixchi O.Ye.Yegorenko tomonidan zamonaviy tarixshunoslik fani haqida fikr yuritib quyidagilarni ta’kidlab o‘tadi: -“E’tirof etish kerakki, zamonaviy tarixshunoslik fani o‘zining ko‘plab yangi qirralarini namoyon qildi-ki, bular umumiy holda tarixshunoslik fanining yangi bosqichga o‘tayotganligini ko‘rsatadi. Zamonaviy tarixshunoslik fanining maqsadi fan sohasidagi tajribalarni umumlashtirib, negativ holatlarni pozitiv holatlardan ajratib berishdir” [11.5.].

Qirg‘izistonlik tarixchi YE.G.Garbuzarovaning zamonaviy tarix fani tadqiqotlarining ilmiy saviyasi haqida bildirgan fikrlari ham e’tiborni tortadi, uning yozishicha, bir necha o‘n yillar davomida tarixiy jarayonlar tadqiqiga bir tomonlama yondashildi, tadqiqotlarda tarixiy faktlarni “tanlab olish” ustunlik qilib, voqealarning tavsifi siyosiy manfaatlar nuqtai-nazaridan mafkuraviy ta’sirlar ostida soxtalashtirildi. Zamonaviy fan tadqiqotlarida tarixiy voqealarni ilmiylik va tarixiy tamoyillari asosida yoritish va jarayonlarga xolisona baho berish imkoniyati yuzaga keldi [12.3.].

Ayniqsa, amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlarda Buxoro amirligining iqtisodiy, ijtimioy va madaniy tarixi masalalari, siyosiy tarixining ichki va tashqi munosabatlar bilan bog‘liq masalalari, harbiy va diplomatik aloqalarining tahlili va boshqa masalalar alohida tadqiq etilgan bo‘lsada, ularning tarixshunoslik nuqtai-nazaridan qiyosiy tahlilini amalga oshirish Buxoro amirligi tarixi haqida yanada to‘liqroq va mukammal ma’lumotlarning umumlashtirilishiga imkon beradi. Shu jihatlari bilan Markaziy Osiyo va Rossiya tarixchilari tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlarning umumiy ilmiy-tarixiy tahlili zamonaviy tarixshunoslik tadqiqotlari doirasida Buxoro amirligi tarixining o‘rganilishida yanada muhim ahamiyatga egadir.

Xulosa sifatida aytib o‘tish kerakki, O‘rta Osiyo xonliklari tarixi va bu borada amalga oshirilayotgan ilmiy tadqiqotlar nafaqat O‘zbekistonda, balki Markaziy Osiyo davlatlari tarixichilarining ham doimiy diqqat markazida bo‘lgan va o‘zining dolzarbligini saqlab qolgan, shu jihatdan qaraganda bu borada Markaziy Osiyo tarixshunosligida xonliklar davri tarixiga bag‘ishlangan tadqiqotlar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Garchi ularning ayrimlarida turli ixtiloflar va tafovutlar ko‘zga tashlansada, ayni vaqtda ularda xonliklarning siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy tarixi masalalari, tashqi munosabatlar bilan bog‘liq masalalari, harbiy va diplomatik aloqalarining tahlili va boshqalarga oid bo‘lgan ko‘plab qimatli ma’lumotlarni ko‘rish mumkin. Ularning tarixshunoslik nuqtai-nazaridan qiyosiy tahlilini amalga oshirish esa Markaziy Osiyo tarixini yanada to‘liqroq va mukammal o‘rganish imkonini beradi, shu jihatdan Markaziy Osiyo tarixshunosligida mavzuga oid amalga oshirilgan har bir tadqiqot katta ahamiyat etishi shubhasizdir.

Adabiyotlar

1. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида.- Т.: Ўқитувчи, 2005. 236 б; Мўминов Д.“Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода Қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар)”. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент. 2010; Шукуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1753 – 1920 йиллар). Тарих фан. номз … дисс. Тошкент, 2006.
2. Воҳидов Ш.Х. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари докт. илм. дараж. олиш учун ёзилган диссертация. 1998 й. - 240 бет; Шу муаллиф: Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. Т., 1996; 2000.

3. Джурабаев Д.Х. Бухарскии эмират во второй половине XVШ - первой половине XIX вв. в письменных источниках. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Душанбе. 2014
4. МехдиДжафаризаде. Дипломатические и торгово-экономические взаимоотношения Средней Азии и Ирана в XIX в. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе. 2012
5. Данков А.Г. "Отечественная и британская историография о соперничестве России и Великобританиив Центральной Азии (XIX- начало XXI вв.)". Автореферат диссертации на соискание ученой степеникандидата исторических наук. Томск. 2008.
6. А.Г.Недвецкий. Правители Бухары. (27.01.2015). http://greylib.align.ru.
7. Брежнева С.Н. Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России:вторая половина XIX в.- начало XXI в. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Москва, 2005.
8. Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во 2-ой половине XIX - 1-ой четверти XX в. Ташкент, 1999.
9. Алимова Н. И. Поитика царской России в Туркестане по ограничению развития национального народногообразования (1867- 1917). Автореферат дис.... канд. ист. наук. Ташкент, 2004.
10. Бороздин С.С. Политика российских властей в отношении мусульмапского населенияТуркестана и Бухары (1867 - 1914). Автореферат диссертации па соискание ученой степеникандидата исторических наук. Екатеринбург. 2012.
11. Егоренко О.Е. "Бухарский эмират в период протектората России (1868-1920 гг.). Историография проблемы". Диссертация на соискание ученой степеникандидата исторических наук. Москва. 2008.
12. Гарбузарова Е.Г. Геополитический аспект противостояния Российской и Британской империй в Центральной Азии в XIX веке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2010.

TARIXIY BILIMLAR TASNIFI – TARIXIY TADQIQOTLAR OB'YEKTI SIFATIDA

G.B.To'rayeva
Buxoro davlat universiteti

Annotatsiya

Maqolada tarix fanining mohiyati va tarmoqlari haqida fikr bildirilgan.Tarixiy tadqiqotlar obyekti sifatida tarix fanining ichki strukturasi qisqacha tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Tarix fanining tarmoqlari va tuzilmalari, siyosiy tarix, harbiy tarix, diniy tarix, fan tarixi, gender tadqiqoti, san'at tarixi, intellektual tarix, madaniyat tarixi, diplomatiya tarixi, mikrotarix.

«Tarix» arabcha so'z bo'lib, «o'tmish», «o'tgan voqealar haqida hikoya» degan ma'nolarni anglatadi. Tarix odamlarning eng qadimgi zamonlardan to hozirgacha bosib o'tgan hayot yo'li, bugungi hayotni qanday qurganligi haqida ma'lumotberadi.

O'rta Osiyo tarixchilarining tarixni yoritishdagi, tavsiflash va talqin qilishdagi ob'ektivlik va xolislik an'analari quyidagi fikrlarda o'z izohini topgan . XIX asr ikkinchi yarmi - XX asr boshlarida yashab ijod qilgan Muhammad Yusuf Bayoniy "Xorazm tarixi" asarini yozishda tarix va uni tavsiflashga alohida e'tibor qaratadi va tarixni haqqoniy,ob'yektiv ravishda yozish shartligini uqtiradi: - "tarix kitobi yozishning bir sharti bor. Tarixiy voqealarni yozuvchi tarafdorlik etmasdan, bo'lgan voqealarni rostlik bilan bayon etishi kerak. Agar rostlik bilan bayon etmasa, uning so'zlari hech bir odamga ma'qul bo'lmaydi".[1:18]

Atoqli jadid namoyondasi, o'zbek olimlaridan biri Abdurauf Fitrat esa Evropa tarixchilari tomonidan tarix fani va uning predmetining turli talqinlarini ilgari surish "avj" olgan XX asr boshlarida tarix vatarix fani haqida shunday deydi:- "Tarix millatimizning o'tmishimizning taraqqiyotini hamda tanazzulining sabablarini o'rganadigan fandir".

Tarix va tarix fani yuzasidan bir qator fikrlar bildirib o'tilganki**,** ular biri ikkinchisining mazmunini to'ldirib keladi.

Adabiyotlarda qayd etilishicha, tarix so'zi beshta ma'noni ifodallash uchun qo'llanilmoqda:

1. Ijtimoiy taraqqiyot jarayonida yuzaga kelgan voqe'lik ,hayot ;
2. O'tmishga oid dalil va hodisalar majmui- o'tmish, kechmish;
3. Biror voqea-hodisaning izchil taraqqiyoti haqidagi fan;
4. Jamiyat taraqqiyoti haqidagi fan;

5. Biror ishning bajarilganligini ,biror voqea-hodisaning qachon bo‘lib o‘tganligini ko‘rsatuvchi aniq vaqt , sana:[4;58]

Mazkur fanning izohi keltirilgan boshqa manbada qayd etilishicha tarix bu -

1. Tabiat va jamiyatdagi har qanday rivojlanish jarayoni;

2.Insoniyat va uning mahsuli bo‘lgan tamaddunlar rivoji, jamiyatva davlatlar o‘tmishi taraqqiyoti jarayonini o‘rganuvchi fan. Tarix fani insoniyatning butun o‘tmishi davomida jamiyat hayotida sodir bo‘lgan vokea-hodisalar, jarayonlarni (jamiyat rivojini) yaxlit bir tarzda o‘rganadi.

Tarixiy manbalar va mumtoz adabiyotda tarix va ta’rix iboralarining turlicha mazmunda qo‘llanilganligini kuzatish mumkin.Ta’rix (arab tilida - yuz bergan, sodir bo‘lgan) –mashhur kishilarning tug‘ilishi va vafoti, turli bino - inshootlarning

qurilishi, kitoblar ta’rifi va boshqa muhim voqea-hodisalar vaqtini aglatuvchi uslub. Ta’rix ko‘pincha u yoki bu mashhur shaxsning vafotimunosabati bilan, biror-bir tarixiy voqeaning sodir bo‘lgan sanasini anglatish yoki unga ishora tarzida she’riy tilda yozilgan. Ta’rixda qo‘llanilgan so‘z va iboralar, ularni tashkil etgan arab harflarining abjad raqami bilan qo‘shib hisoblanganda ma’lum bir sana kelib chiqadi. Sanani bildiradigan so‘z yoki ibora ta’rix moddasi, ularni tashkil etgan harflarning abjad bo‘yicha yigindisi jumal deyiladi.Ta’rix faqat mustaqil yozilmay, ba’zi bir asarlarning ichida hamkeladi.

Masalan, Alisher Navoiy o‘zining ‘"Maxbub ul-qulub” asarini yozgan vaqti haqida quyidagi to‘rtlikni bitgan:

Bu nomakim lisonim o‘ldi qoyil,
Qilkim tili har na’v el ishiga moyil,
Tarixi xush lafzidin o‘ldi hosil,
Har kim o‘qusa ilohi bulgay xushdil.

Bu to‘rtlikda alohida ta’kidlangan “xush” so‘zi asarning yozilish vaqtiga ishora bo‘lib, uning ta’rixi sanaladi, bundagi harflarning raqamlar bo‘yicha yig‘indisi hijriy 906 sanani (midodiy 1500 y) bildiradi.[2: 278-279]

Hozirgi zamon tarix fani alohida bo‘limlar va sohalardan tashkil topgan bilimlar majmuidir.

Tarixchi olimlar D.A.Alimova va Z.A. Ilxamov tomonidan nashr qilingan “Tarix fani metodologiyasi” o‘quv qo‘llanmasida tarix fanining ichki strukturasi, inson va jamiyat taraqqiyoti bilan bog‘liq jihatlari tahlil qilingan. Shunga asoslanib tarix fanining quyidagi bo‘limlari keltirildi.

Harbiy tarix- tarix fanining eng qadimiy tarmoqlaridan biridir. Xatto “Tarix ning otasi” Gerodot va boshqa antik davr tarixchilari ham qadimda sodir bo‘lgan urushlar haqida alohida va ko‘plab ma’lumotlar yozib qoldirganlar.XVIII asrdan boshlab esa harbiy tarix harbiy to‘qnashuvlar tarixi sifatida rivojlana boshladi.Ikkinchi jahon urushidan so‘ng, harbiy tarix fani sohasi tarkibiga urushayotgan mamlakatlar va davlatlarning ijtimoiy-iqtisodiy tarixini o‘rganish sohalari ham qo‘shildi.

Harbiy tarix fani tarixfaning tarkibiy qismi bo‘lib, urushlar, harbiy jang san’ati, qurolli kuchlar, harbiy texnika va harbiy bilim berish, harbiy qo‘mondonlar, qo‘shinlar, davlatlarning harbiy faoliyati tajribalarini o‘rganadi.

Harbiy tarix fanining tarmoqlariga urushlar tarixi, harbiy jang san’ati tarixi, qurolli kuchlarning shakllanishi va tuzilishi tarixi, harbiy o‘qotar qurollar va harbiy texnikaning paydo bo‘lishi va rivojlanishi tarixi, harbiy qismlar tarixi va harbiy tafakkur tarixi kiradi. Shuningdek, harbiy tarixshunoslik, harbiy arxeologiya, harbiy statistika sohalari harbiy tarix fanining maxsus tarmoqlari sanaladi.[4: 62]

Siyosiy tarix – tarixfanining eng dastlabki yuzaga kelgan tarmoqlaridan biri bo‘lib, bu tarix o‘z tarkibiga fuqarolik jamiyati tarixini, siyosiy voqealar tarixini,siyosiy boshqaruv tizimi va ijro etuvchi-hokimiyat tarixini o‘rganadi.

Ingliz tarixchisi. Eltonning fikricha, siyosiy tarix jamiyat tarkibi bo‘lgan inson faoliyatini o‘rganadi.Ko‘p hollarda siyosiy tarixchilar o‘z diqqat -e’tiborlarini insonlar taqdiriga ko‘proq ta’sir etuvchi siyosiy hokimiyat faoliyatini

o‘rganishga qaratadilar.

Iqtisodiy tarix-statistikaning paydo bo‘lishi bilan faol rivojlana boshladi.

Tarixchi bu soha tadqiq idao damlarning yashash tarzi haqida to‘liq ma’lumot bera olishi mumkin bo‘lmagan jon boshiga to‘gri keluvchi iqtisodiy ishlab chiqarish haqidagi ma’lumotlar kabi faqatgina iqtisodiy tahlil bilangina cheklanib qolmasdan, demografiya, sotsiologiya kabi yo‘nalishlarni ham iqtisodiy soha tarixini o‘rganishga jalb eta olishi kerak.

Ijtimoiy tarix. XIX asrdan boshlab tarixchilar tomonidan tarixiy tadqiqotlarda oddiy odamlar va xalqning ahvolini o‘rganishga e’tibor qaratish boshlandi. XX asrga kelib, «annallar maktabi» ijtimoiy tizim va jarayonlarni o‘rganishga kirishdi. XX asrning 60-yillarida E. Tomson tomonidan ishchilar tabaqasining kelib chiqish tarixining o‘rganilishi tarixiy tadqiqotlarda fanlararo yondashuvning imkoniyatlarini ko‘rsatib

berdi. Oila tarixi, ayollar tarixi o‘rganila boshlandi, odamlarning kundalik faoliyati va shaxsiy hayotini o‘rganishga e’tibor kuchaydi.

Diniy tarix. Tarix fani sohalari va tarmoqlari orasida eng dastlabki yuzaga kelgan tarmoqlardan biri diniy tarix sanaladi.

Fan tarixi. Tarix fani ilm-fanga kashfiyotlar ro‘yxati sifatida emas, balki inson faoliyatining mahsuli va ayni vaqtda jamiyat va madaniy hayotning ajralmas bir bo‘lagi sifatida qaraydi.

Ayollar tarixi va gender tadqiqotlari. Tarixda ayollar haqida ma’lumotlarning paydo bo‘la boshlanishi feminizmning shakllanishi bilan bogliq hisoblanadi. Biroq XX asrning 60-yillari oxirlari 70-yillari boshlariga kelib «ayollarga oid tadqiqotlar» sifatida paydo bo‘lgan bo‘lsa, 80-yillarga kelib bu sohada «gender tadqiqotlari» deb nom oigan predmet tarmog‘i shakllandi va bunda asosan ayollar tarixining konseptual apparatini o‘rganishga e’tibor qaratila boshlandi. Gender tadqiqotlarining asosiy mavzulari oila va nikoh, uy xo‘jaligi va bozor, huquq va siyosat, din va ta’lim, madaniyat sohalariga yo‘naltirilgan.[4: 18]

San’at tarixi. San’at tarixi haqida tarixchilarning o‘z nuqtayi nazarlari mavjud. Agar san’atshunoslar san’at asarining yaratilishi sanasi, muallifligi va uslubi kabi jihatlarini birinchi o‘ringa qo‘ysalar, tarixchilar esa mazkur san’at asarining yaratilishidagi shart-sharoitlar, kompozitsiyalar, kontekstlar, intellektual va ijtimoiy tarixi jihatlarini asosiy o‘ringa qo‘yadilar. Tarixchi asar yaratilgan davr tadqiqi jarayonida o‘sha davrning estetik qarashlarini ham o‘rganish bilan bir vaqtda o‘zi ham bu sohada m a’lum bilimlarga ega bolishi lozim. San’at tarixini chuqur o‘rganish tadqiq etilayotgan davr madaniy hayoti tarixini kengroq va batafsilroq tushunish va tadqiq etishda muhim o‘rin tutadi.

Madaniyat tarixi. Madaniyat tarixi tarixiy tadqiqotlarning an’anaviy va asosiy tarmoqlaridan biri sanaladi.

Intellektual tarix. Intellektual tarix dastlabki vaqtlarda yirik mutafakkirlarning g‘oyalari tarixi sifatida rivojlanib keldi. Keyingi davrda intellektual tarix o‘z tadqiqot ko‘lamlarini kengaytirib borib, tadqiqotlar jarayonida tarixiy voqelikka diniy va ayni vaqtda ilmiy qarashlarni, turli vaqtlarda sodir bo‘lgan kasalliklar va ularning kelib chiqishi va oqibatlari va boshqa shu kabilarni o‘rganishga alohida e’tibor qaratmoqda. Ayni vaqtda yirik mutafakkirlar va ularning fikr va g‘oyalariga, ulardan qoldirilgan matnlar, turli davrlarning tilshunosligi kabi sohalarga ham qiziqish ortib bormoqda.

Diplomatiya tarixi. Diplomatiya tarixining shakllanishi tarixiy tadqiqotlarning ilk ko‘rinishlarida uchraydi. Bunda asosan tarixchilar tomonidan qirollar, shohlar, xonlar, diplomatlar va elchilarning o‘zaro alohida muzokaralari tarixini yoritishga asosiy e’tibor qaratilgan. Keyinchalik diplomatiya tarixi sohasiga asta-sekin yangi tushunchalar kirib kela boshladi va endi tadqiqot jarayonida iqtisodiy va ijtimoiy ahvolning ham holatiga e’tibor qaratila boshlandi.

Yuqorida tarix fani va uning tarmoqlari haqida so‘z yuritilgan bo‘lsada, bunda fanning va u bilan bog‘liq barcha tarmoqlarning tavsifi to‘liq keltirilmaganligi o‘z-o‘zidan tushunarli.Yuqorida sanab o‘tilganlardan tashqari tarixni xronologik davrlashtirish, ya’ni qadimgi davrlar, o‘rta asrlar, yangi va eng yangi davrlar tarixiga bo‘lib o‘rganish, shuningdek, alohida olingan davlatlar, mintaqalar tarixiga va boshqalarga asoslangan holda o‘rganish mumkin. Jahon tarixini global tarzda keng va atroflicha o‘rganish va tadqiq etish bilan bir qatorda alohida insonlar, shaxslar, voqealar, qishloqlar, shaharlar tarixi bilan bog‘liq kichik-kichik tarixiy tadqiqotlarni (mikrotarix) ham amalga oshirish mumkin.

Adabiyotlar roy’xati

1. Muhammad Yusuf Bayoniy. Shajarai Xorazmshohiy. T.: Meros. 1991.
2. Ibrohimov A. Bizkim o‘zbeklar... T.: Sharq, 1999. 278-279-betlar.
3. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti, 2004, 8-jild. 274-bet.
4. D.A.Alimova, Z.A. Ilxamov.Tarix fani metodologiyasi. O‘quv qo‘llanma T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2018.324-bet.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА «МУИЗЗ АЛ-АНСОБ» АСАРИ МУҲИМ МАНБА

Ш.С.Ғаффоров
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд Давлат университети

Аннотация

Мазкур мақолада Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид «Муизз ал-ансоб» асари, унинг яратилиши, тадқиқ қилиниши-ўрганилиши тарихи ҳамда замонавий тадқиқи ва унинг Ўзбекистон тарихини ўқитишдаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Манбашунослик, «Муизз ал-ансоб»,конфедерация, легитимация, Дашти Қипчоқ, ассимиляция, Алигарх Ислом Университети, «Насаб-нома»,«Шуъаб-и панджгона», генеология.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида аҳамият ва ўринга эгадир. Бу давр инсоният цивилизациясида катта ва бой қатламни ташкил этса ҳам бироқ маълум сабабларга кўра чуқур ўрганилмаган. Бу масаланинг ёритилишини айниқса Ўзбекистонда етарли даражада деб бўлмайди. Бу соҳада мавзунинг манбашунослиги ниҳоятда хароб аҳволда. Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбалардан саноқли қисми чоп этилган холос. Темурийлар даври тарихшунослиги, айниқса бобурийлар даври бутунлай ўрганилмаган.

Амир Темур ва темурийлар даври давлат бошқаруви, қўшин, ҳарбий иш ва санъати XV асрнинг 30 йилидан то XVI асрнинг бошларида тузилган «Муизз ал-ансоб» асари маълумотлари асосида ёритилиши мумкин. Мазкур манба илмда XIX асрдан маълум бўлса ҳам узоқ давр ичида фақат қисман илмий тадқикотлар доирасига киритилган эди. Яқингача Ўзбекистонлик ҳамда жаҳон темурийшунос олимлари асарнинг мазмунидан тўла хабардор эмасдилар. Бугунги кунларда манба рус тилида чоп этилган бўлса ҳам унинг маълумоти турли мавзулар бўйича таҳлил этилмаган.

Чингизийлар (1218–1370 й.) ва Темурийлар (1370–1506 й.) даврида Марказий Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта Осиёда шу сулолалар ҳукмронлиги даври ва тарихига доир бир қанча асарлар ёзилди. Булар тарихий асарлар сифатида илмда талқин қилинади ва алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур асарларда ана шу янги сулолалар ҳукмронлигинг легитимация масалалари кенг ёритилади[1].

Темурийлар даврида вужудга келган «Муизз ал-ансоб», асари форс тилида яратилган бўлиб, унда чингизийлар ва темурийларнинг насаблари, шу билан бирга давлат бошқаруви, туркий ва муғул қабилаларининг таркиби, уларнинг жамиятдаги ўрни, мақомлари, ҳарбий-маъмурий тизими, урф-одатлар, анъана, кўчманчи халқларнинг ижтимоий қоидалари ҳақида кенг маълумот беради.

Ўрта Осиё халқлари тарихига оид «Муизз ал-ансоб» маълумотларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) Амир Темур ва темурийларнинг насаблари, улар ўртасидаги оилавий муносабатлар, оила ва никоҳ масаласи;

2) ўтроқ ва кучманчи аҳолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир маълумот;

3) Ўрта Осиёга келиб ўрнашган кўчманчи қабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги конфедерациялар тузишдаги ўрни;

4) Жўчи хонадонига доир маълумот. Чиғатой ва Шибон насаблари ва шажараларига оид материаллар;

5) Темур ва темурийларнинг Дашти Қипчоқ ва Ўзбек шайбонийлари билан ўрнатилаган муносабатлари ҳақида аниқ маълумотлар;

6) кўчманчилар ҳокимиятининг сакрализация масалаларига доир материаллар;

7) йасо ва йусун, тузук, тўра ҳукуқининг жорий қилиниши;

8) кўчманчилар анъанасига асосланган давлат-маъмурий аппарати ва бошқарувининг шаклланиши;

9) номадлар ўртасидаги оилавий ва никоҳ масалаларини ёритилиши;

10) муғул кабилаларининг туркий аҳоли ўртасидаги ассимиляция масаласига доир маълумот.

11). Чингизийлар ҳокимиятининг босиб олинган ҳудудларида легитимация масалаларига доир кузатувлар.

Бугунги кунда мазкур манбаннг тўртта нусхаси мавжуд. Улардан бири Франция Миллий кутубхонасида (Persan 67) сақланади. Ф. Ришар [2] ва А. Омон [3] бу нусха XVI асрнинг ўрталарида Истамбулда бўлгани ва 9 июль 1873 йили NBF фондига келиб тушганини таъкидлайдилар [4].

2 нусха Лондонда (Or. 467) Британия кутубхонасида (British Library, собиқ «India Office») сер Хэмилтон (G. W. Hamilton) коллекциясига Деҳлидан 1868 й. сентябрида келиб тушган. Мазкур нусха

XIX асрда Баходиршох даврида (1837–1858) Ҳиндистонда тузилгани маълум [5].

3-си 41 рақамли Алигарх Ислом Университети (Aligarh Muslim University)

4 нусха ҳам 42 рақам остида мазкур университет хазинасида сақланади ва 41 рақамли нусхадан кўчирилган.

Бугунги кунларда «Муизз ал-ансоб» асарининг муаллифи аниқланмаган. Мазкур асар ҳақида давр тарихчиларида тўғридан-тўғри маълумот йўқ. Муаррих Ғиёс ад-дин Хондамир (ваф.1535–1536 й.) ўз асари «Ҳабиб ас-сийар» да Шоҳрух даврида (1405–1447) бир «Насаб-нома» асари ҳақида маълумот беради, бироқ муаллифини кўрсатмайди [6]. Хондамир айнан шу асарни назарига тутгани эса бизга номаълум. Бу асарни тузишда, яъни иловалар ва аниқликлар киритишда, бизнингча, Абдурраззоқ Самарқандий (1413 йили тугилиб, 1482 йили вафот этган) ҳам иштирок этиши мумкин эди[7].

Закий Валидий Тўғон эса «Муизз ал-ансоб» бу Рашид ад-дин (1318 й.ўлдирилган) нинг «Шуъаб-и панджгона» асари бўлиб, уни Ҳофиз-и Абру [2] [8] (ваф. 833/1430 й.) 1427 йили Шоҳрух фармони асосида бажарилган иловаси деб тахмин қилган ва Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) [9] даврида тўлдирилган деган фикрни илгари сурган.

Япон олими Широ Андо бу тахминни қўллаб қувватлайди ва Ҳофиз-и Абру ўз асари – «Зубдат ат-таворих» ни ёзишда Рашид ад-диннинг «Шуъаб-и панджгона»сидан фойдаланганини ёзади[10].

Профессор Ш. Воҳидов мазкур асар Ҳофиз-и Абру ташаббуси билан бошланганини ва у кейинчалик темурийлар саройи тарихчилари томонидан тўлдирилганини таъкидлайди[11].

Асарнинг ёзилиш тарихи ва санасига келсак у 830/1426–1427 й., Шоҳрух даврида бошлангани маълум бўлади[12]. Бундан ташқари асарда Суйурғатмиш ибн Шоҳрухнинг – 16 *муҳаррам* 830/17 ноябрь 1426 йили ўлгани ҳақида маълумот [13] мавжудки бу сана асарнинг бошланиш йили сифатида талқин қилиниши мумкин. Кейинчалик шажара 1) Шоҳрух; 2) Улуғбек (1409–1449); 3) Абу Саид (1451–1469); 4) Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) даврларида тўлдирилган.

«Муизз ал-ансоб» асари Ч. Рьё, Э. Блоше, Ч. А. Стори/Ю.Э. Брегель, Ф. Ришар[14] ҳамда Закий Валидий Тўғон, Ж. Обэн, В. В. Бартольд, Б. Ф. Манц, Ш. Куин, М. Э. Субтелни, Т. И. Султонов[15] томонидан тадқиқот жараёнига тортилган ва Ш. Воҳидов айтганимиздек, уни рус тилида чоп этган ва мақолалар ёзган [16]. Т. И. Султанов ва Ш. Воҳидов ўз асарларида «Муизз ал-ансоб» маълумотларидан бошқаларга нисбатан кўпроқ фойдаланганлар.

А. П. Григорьев, Париждаги «Муизз ал-ансоб» нусхасидан фойдаланиб асардаги рамзий белгилари ва жадвалларини таҳлил қилишга уринган[17].

Тадқиқотлар ичида япониялик олим Широ Андонинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга[18]. Широ Андо мазкур манбанинг тўртта нусхасидан фойдаланиб Темур ва темурийлар даврида турк ва муғуллар қабилаларининг юқори қатламини, амирлари ва уларнинг ўрнини ўрганди.

«Муизз ал-ансоб» маълумотларини В. Г. Тизенгаузен ўзининг «Сборник материалов по истории Золотой Орды» [19] асарида киритган. Бу нашрнинг «Муизз ал-ансоб» билан боғлиқ камчиликларини Т. И. Султанов ўз вақтида курсатган эди[20]. В. В. Бартольд эса бу асардан баъзи сайланмаларни ўз асари «Муғуллар босқини даврида Туркистон» [21] га киритилган. Америкалик олим Дж. Вудс «Темурийлар сулоласи» асарида «Муизз ал-ансоб» [22] маълумотларидан ҳам бошқа манбалар билан бирга жуда кенг фойдаланган.

2006 йили Ўзбекистонлик олим Ш. Воҳидов саъй ва ҳаракатлари билан «Муизз ал-ансоб» биринчи марта тўла рус тилида, кириш, изоҳлар ва кўрсатгичлари ҳамда Парижда сақланаётган нусханинг факсимилеси билан чоп этилди[23].

Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган тарихий асарлар ичида «Муизз ал-ансоб» асари алоҳида аҳамиятга эга. Унда Темур ва темурийларнинг генеологик–шажаравий легитимация масаласи чуқур асосланишига ҳаракат қилинган. Бундан ташқари мазкур асар маълумотларидан Темур ва темурийлар даври давлатчилиги, бошқаруви, ҳарбий иши мавзуларини ҳам кенг ёритиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётилар рўйхати

1.Манбаларнинг қисқа тавсифига қаранг: Ando Sh. Timuridishe Emire nach dem Mu‘izz al-ansвb. Untersuchung zur Stammesaristokratie Zentralasiens im 14. und 15. Jahrhundert. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1992 (Islamkundliche Untersuchungen, Band 153). S. 6–13 (бундан кейин – Андо).

2. Richard. Catalogue. P. 97.

3.Omont H. Missions archйologique franзaises en Orient aux XVII[e] et XVIII[e] siиcles. Seconde partie. Paris, 1902. P. 111.

4. Описание рукописи см.: Blochet, Catalogue. Vol. I. P. 292–293; Richard. Catalogue, p. 97; Андо, с. 20–47.

5. Описание рукописи см.: Blochet, Catalogue. Vol. I. P. 292–293; Richard. Catalogue, p. 97; См. подробно: Андо, с. 16–17.

6. Ғиййос ад-дин Муҳаммад. Х[в]ондамир. Ҳабиб ас-сийар фи ахбор афрод ал-башар. Дар 4 джилд. Бо-ихтимом ва-зир-и назар-и Дж. Хумо’и ва М. Дабир-Сийоқи. Тихрон, 1333/1954, жилд 3. С. 541.

7. Абдураззоқ Самарқандий ва унинг асари ҳақида қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн. Форс тожик тилидан таржима, кириш сўз, луғатлар А. Ўринбоевники. Тошкент, 1969. Кириш сўзи. – Б. 20-41.
8. Тўлиқ номи Шиҳоб уд-дин Абдуллоҳ ибн Лутфуллох ибн Абдуррашид ал-Хавофий. XV аср географи ва тарихнависи. У ҳақда қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн. – Б. 22 ва кейингилари.
9. Togan Z. V. Umumo tьrk tarihine giriє. Cild I: En eski devirlerden 16. asra kadar. Istanbul, 1946. S. 258; его же. The Composition of the History of the Mongols by Rashod al-Don // Central Asiatic Journal. № 7 (1962). P. 68–69.
10. Андо. – С. 13.
11. Муизз ал-ансоб. Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле парижского списка к изданиюШ.Х. Вохидова. / История Казахстана в персидских источниках. Том III. Алматы:ДАйк-Пресс. 2006. – С. 6.
12. Му‘изз ал-ансоб. // Қўлёзма. Франция Миллий кутубхонаси (Париж). Persan ancien fonde 67. 2ª вар.
13. Ўша жойда. 3ª вар.
14. Rieu C. Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum. Vol. I. Oxford, 1879. P. 183; Blochet E. Catalogue des manuscrits persans de la Bibliothиque nationale. Vol. I. Paris, 1905. P. 292–293; Стори Ч. А. Персидская литература. Биобиблиографический обзор / Пер. с англ., перер. и доп. Ю. Э. Брегель. Т. III. М., 1972. С. 818; Richard F. Catalogue des manuscrits persans. I. Ancien fonds. Paris, 1989. P. 97.
15. Togan Z. V. Tarihde usul. Istanbul, 1950; его же. Tahqoq-i nasab-i Amor Tomыr // Armaġвn-i ‘ilmo ba-Midmati prufissыr-i duktur-i MuOammad Jьafo‘. Lahore, 1955. S. 105–113; его же. Gazan-Han Halil ve Hoca Bahaeddin Nakєbend // Necati Lugal Armaġanэ. Ankara, 1968. S. 775–784; Aubin J. Deux sayyids de Bam au XVe siиcle. Contribution a l’histoire de l’Iran timouride. Wiesbaden, 1956; его же. Le khanat de Иaġatai et le Khorassan (1334–1380) // Turcica 8 (1976). P. 16–56; Бартольд В. В. Улугбек и его время // Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. Ч. 2. М., 1964. С. 25–199; Manz B. F. Administration and the Delegation of Authority in Temьr’s Dominion // Central Asiatic Journal, 20 (1976). P. 191–207; ее же. Tamirlane and the Symbolism of Sovereignty // Iranian Studies. Vol. XXI. 1–2 (1958). P. 105–122; Quin Sh. The Mu‘izz al-ansвb and Shu‘ab-i panjgвnah as Sources for the Chaghatayid Period of History: A Comparative Analysis // Central Asiatic Journal, 33 (1989). P. 229–253; Subtelny M. E. Centralizing Reform and its Opponents in the Late Timurid Period // Iranian Studies, 21 (1988). P. 123–151; Султанов Т. И. «Му‘изз ал-ансаб» и чингизиды «Киже» // Восток. № 6 (1994). С. 81_87; его же. Поднятые на белой кошме. Потомки Чингиз-хана. Алматы: Дайк-Пресс, 2001. С. 109_122; его же. Царевичи и царевны в генеалогическом древе чингизидов // Султанов Т. И. Чингиз-хан и чингизиды. Судьба и власть. М.: АСТ, 2006. С. 115_126.
16. Қаранг: Вохидов Ш. «Му‘изз ал-ансаб» – важный источник истории и генеалогии Тимуридов и бабуридов. // Shygys/Восток/Orient. 2004/2. – С. 125-131; Воҳидов Ш. «муизз ал-ансоб» Темур ва темурийлар насабларига доир муҳим манба. // Мозийдан садо. 2004. №3. – Б. 24-30.
17. Григорьев А. П. О потомках Токтамыша // Востоковедение: Филологические исследования. Вып. 25 / Отв. ред. В. Б. Косевич. СПб.: Издательство СПбГУ, 2004. С. 100–123.
18. Андо.– С. 289–303.
19. Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Том II. Извлечения из персидских сочинений, собранные В. Г. Тизенгаузеном и обработанные А. А. Ромаскевичем и С. Л. Волиным. М.-Л., 1941. С. 60–63.
20. Султанов Т. И. «Му‘изз ал-ансаб». С. 85_86.
21. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Часть 1: Тексты. СПб., 1898. С. 158–159.
22. Woods J. E. The Rise of Tomьrid Historiography // Journal of Near Eastern Studies, 46 (1987). P. 96–97; его же. The Timurid Dynasty // Papers on Inner Asia. No. 14. Bloomington, Indiana: Indiana University Research Institute for Inner Asian Studies, 1990; он же. Timur’s genealogy // Intellectual Studies on Islam. Essays Written in Honor of Martin B. Dickson. Salt Lake City, 1999 P. 85–125.
23. Муизз ал-ансоб. Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле парижского списка к изданиюШ.Х. Вохидова. / История Казахстана в персидских источниках. Том III. Алматы:ДАйк-Пресс. 2006. – С. 6.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАРИ – БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ РЕНЕССАНС АЖДОДЛАРИГА МУНОСИБ ВОРИСЛАРДИР

Г.К.Машарипова,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори

Аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда қатъий ислоҳотларни амалга ошириб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бораётган эканмиз, кўҳна ва бой маданий мероси ўрганиш глобал аҳамиятга эга. “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Беруний лар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим” [1]. Янги Ўзбекистонда ўзбек ватанпарварлиги ота - боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Саодатли, бахтли,

келажаги буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш, Ватан учун фидоий бўлиш ватанпарварликнинг бир кўриниши, қирраси.

Ватанпарварликни энг олий туйғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар. Цицерон (Румо нотиғи ва файласуфи). Бизга ота - оналар, болалар, яқин хеш-ақробалар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам у учун жонини беришга иккиланар экан! [2, 141-б.].

Биринчи ва Иккинчи ренессанснинг бой маънавий ва тарихий меросини ўрганишда ёшларнинг асосий вазифаси қўлёзма манбалар асосида халқимиз учун, ижтимоий тафаккур ва амалиёт учун муҳим бўлган янгиликларни излашдан иборатдир. Жумладан, Абу Али ибн «Китоб аш-Шифо»нинг учинчи туркуми риёзий фанларга бағишланган қўлёзмаси, ушбу асар «Усул ‘илм ал-ҳандаса» [4], “Китаб таҳрир Усул ли-Уқлидис мин та’лифи Насир ад-Дин ат-Тусий” қўлёзмаси араб тилида ёзилган нусхаси Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург бўлимидаги 49/672 рақамли қўлёзма, шунингдек, «Таҳрир Уқлидис фи ‘илм ал-геометрия» асари [5], Муҳаммад ибн Умар Фахриддин ар-Розийнинг хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад (1200-1220)га бағишлаб ёзган «Жомеъ ал-улум», Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийнинг «Мулаххас фи-л-ҳайъа» асари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 10417, 7761/3, 8796/11, 11599/3-рақамдаги нухалари [6], Ҳажжож ибн Юсуф ибн Матар (VIII аср охири – IX аср боши) «Китаб Уқлидис фи-л-‘Усул». – Санкт–Петербургдаги Россия Фанлар академияси С 2145-рақамда қўлёзма асари [7], Насир ад–Дин ат-Тусийнинг «Мажмуа ар-расоъил» асари [8], Абу Али ибн Синонинг “Кунуз ал-маърифа» 2385/22-ашё рақамли қўлёзма [9] ва «Ганж ал-маъруф» 3374/5-ашё рақамли қўлёзмасида [10] Абу Али ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинганлиги, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийнинг «Ал-мулаххас фил ҳайъа» 10417; 7761/3; 8796/11; 11599/3-ашё рақамли қўлёзма [11] ва Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар аль-Чағминининг “Аш-шарҳ “Ал-мулаххас фи-л-ҳайъа”” 2655-ашё рақамли [12], “Шарҳ “Ал-мулаххас фи-л-ҳайъа”” 8217, 3935-ашё рақамли қўлёзмалар, жами 20 та қўлёзмаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ал-Хоразмий ал-Кубравийнинг «Нузҳат ал-маллок фи ҳайъат ал-афлок» 1207/3-ашё рақамли қўлёзмасидаги маълумотлардан [13] Ануштегин-Хоразмшоҳлар даврига оид тарихий жараёнлар ёритилган. Абу Наср Форобийнинг «Рисола фи мо ясуҳ ва мо ло ясуҳ мин аҳком ан-нужум» 2385/32-ашё рақамли қўлёзманинг [14] айрим қисмлари муаллиф томонидан араб тилидан ўзбек тилига ўгирилган ва Хоразм Маъмун академияси алломаларидан Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг аниқ фанлар соҳасидаги илмий изланишлари билан қиёсий таҳлил қилинган. Ёшлар бугунги кунда замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда араб, форс, рус ва инглиз тилларини мукаммал билиши зарур, чунки бизнинг энг катта бой меросимиз Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларида яратилган. Афсуски, бу даврларда яратилган асарлар фақат араб ва форс тилида.

Шунингдек, халқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам юзага келган. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енгган, ўлимдан қўрқмас, мард, баҳодир, кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи қаҳрамонлар образлари тасвирланган.

Қадим Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутади. Уларда халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган. Чунончи Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги халқ оғзаки эпосларида ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган [3, 69-б.]. Тўмарис ва Широқ халқ қаҳрамони бўлиб, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади. Уларга ҳам қойил қолиб ҳавас қиламиз.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун - Енисей ва уйғур тилидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхун - Енисей ёдгорликлари V-VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тагин, Билка-қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган текстлар айниқса аҳамиятлидир. Бу ёзувларни туркий-рун ёзуви ҳам деб юритилади. Рун ёзуви - «яширин», «сирли» ёзув демакдир. Чунки уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, ҳамдардлик, вафодорлик, бир-бирига суяниши, яхши қўшничилик, болажонлик, ота-онанинг болага, боланинг ота-онага ҳурмати, садоқати каби қадриятлари инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Ўзбек халқи бир умр меҳр-шафқатли бўлган, барчага ёрдам қўлини чўзган. Ўзбек халқи ўзининг инсонпарварлигини фашизмга қарши кураш йиллари етим болаларнинг бошини силаб ўз тарбиясига олиб ёркин намоён этди.

Ўзбек халқи доимо умуминсоният дардини куйлаб келган. Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Огаҳий асарларидаги ғоялар - инсонпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Хусусан, Навоий ижодида инсонпарварлик ғоялари, ватанга, халққа садоқат энг аввал унинг тақдири устида ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий Ватанини, аждодлари хотирасини унутиб юборган кимсалар, ўзлари ҳозирда яшаб турган мамлакатларига ҳам садоқатли фуқаролар бўлолмайдилар. Чунки ҳақиқий фуқаро бўлиш учун аввало чин инсон бўла олиши шарт. Тарихий Ватанни қўмсаш, инсоннинг маънавиятини белгиловчи асосий омиллардандир. Тарихий Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Ўзбек миллий қадриятлари инсон ва миллат ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлади. Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму-ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар, халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятларини тавсифлаш орқали уларни бутун қадрият даражасида ўринга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Ватан ҳисси – муқаддас туйғу. Ватан ҳисси – шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитадиган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давоми, яъни Биринчи ва Иккинчи Ренессансда яратилган илмий ютуқларимизни уларга мос равишда Учинчи ренессанс авлодларини яратишдан иборат. Биз ўз Ватанимизни севамиз, у биз учун бамисоли нафас олаётганимиз мусаффо ҳаво кабидир. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар ўртасида меросимизни ўрганиш ва уларнинг илм-фан ва маърифий билимларини бойитишга нисбатан замон талабларидан орқада қолаётганлиги, улар ўртасидаги социологик сўровлар асосида ўрганишдан келиб чиқиб, уларни тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//“Халқ сўзи”, 2020 йил, 30 декабрь, № 276 (7778).
2. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., 2006.
4. أبو على بن سينا. أصول علم الهندسة. قاهرة، ١٩٧۶
5. نصير الدين الطوسى. تحرير اقليدوس فى علم الهندسة. طهران، ١٨٨١
6. مود بن محمد بن عمر الچغمينى. الملخص فى الهيئة. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه لارى، ١٠۴١٧، ٣/٧٧۶١، ١١/٨٧٩۶، ٣/١١۵٩٩
7. نصير الدين جاج بن يوسف بن مطر. كتاب أقليدس فى الأصول. راسيه فن لار أكديميه سى سنكت-پتيربورگ بوليمى قوليازمه سى، ٢١۴۵ الطوسى. مجموعة
8. الرسائل. هندستان، حيدرآباد، ١٣۵٨
9. أبو على بن سين. كنوز المعرفة. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه سى، ٢٣٨۵/٢٢
10. أبو على بن سينا. گنج المعروف. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه سى، ۵/٣٣٧۴
11. محمود بن محمد بن عمر الچغمينى. الملخص فى الهيئة. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه لارى، ١٠۴١٧، ٣/٧٧۶١، ١١/٨٧٩۶، ٣/١١۵٩٩
12. محمود بن محمد بن عمر الچغمينى. شرح الملخص فى الهيئة. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه لارى، ٢۶۵۵، ٨٢١٧، ٣٩٣۵
13. ين بن الحسن الخوارزمى الكبروى. نزهة الملاك فى هيئة الأفلاك. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه سى، ٣/١٢٠٧
14. أبو نصر الفارابى. رسالة فى ما يصوح و ما ا يصوح من أحكام النجوم. أبو ريحان البيرونى ناميده گى شرقشناس ليك إنستيتوتى قوليازمه سى، ٣٢/٢٣٨۵

БУЮК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК “ҚУРОЛСИЗ АСКАРЛАР” ҲАҚИДА

(хориж тарихшунослигида)

Х.Қурбонов,
тарих фанлари номзоди
Навоий давлат педагогика институти

Аннотация

Мазкур мақолада мақоми ҳарбий аскарга тенглаштирилган “Қуролсиз аскарлар”имиз ҳақиқий меҳнат кучи, ақлу заковати ва ватанга бўлган муҳаббати туфайли Икинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб ҳисса қўшганликлари хақида сўз боради.

Калит сўзлар: ҳарбий хизматчилар мақоми, меҳнат колонналари, меҳнат армиячилари, меҳнат кўчкиндилари

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Урал ҳарбий-мудофаа ишлаб чиқарувчи асосий ҳудудга айланди. Чунки Урал фронт учун хизмат қилишга қулай географик жойлашуви ва урушнинг бошланиши

давриданоқ ишлаб чиқариш инфртатузилмасига, яъни саноат маркази ҳамда темир йўллар жойлашган қулай макон эди.

Урушнинг илк икки йилида Россиянинг европа қисмидан 730 та саноат корхонаси эвакуация қилинган эди.[31]

Шунга кўра Урал ҳудудларидаги саноат корхоналарига минглаб одамлар эвакуация қилинди, жалб этилди ва меҳнатга ёлланишди. Улар саноат корхоналарида, ишлаб чиқаришда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, мауссасаларда ишлашлари кўзда тутилди ва тўласинча "меҳнат армиячилари"га айлантирилдилар. Эвакуация қилинганларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли сингари турмуш кечирсалар, бошқа бир қисми махсус шароитларида кун кечиришга мажбур бўлганлар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида "меҳнат армиячилари" авваллари ҳарбий қисмларда отрядлар, колонналар, рота ва взводлар шаклида ташкил қилинган бўлиб, улар оддий меҳнаткаш аҳолидан ўзига хос қўриқланиш ва меҳнатга ёлланиш тизими билан фарқланар эдилар.

Кейинчалик ишчилар колонналари ҳарбий комиссариатлар ва ички ишлар томонидан шахсий таркиб сифатида шакллантирилиб, улар эндиликда "ҳарбий хизматчилар мақоми"да гавдаланишган. Аммо, сўроқсиз ва ўз ихтиёри билан чақирув пунктига келмаган ёки қочиб кетишга уринганлар жиноий жавобгарликка тортилиш билан жазоланишлари муқаррар қилиб қўйилган.[32]

Турли миллат ва элатлардан таркиб топган меҳнат колонналаридаги ишчилар уруш якунлангунга қадар ишлашлари белгилаб қўйилди ва бу колонналар янги-янги кучлар билан мунтазам тўлдириб борилди.

Тарихий тадқиқотларнинг хулосалари шуни исботламоқдаки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Уралга жалб қилинган "меҳнат армиячилари" 3 тоифага бўлинганлар. Яъни, 1-тоифа "совет-немислари", 2-тоифа "Ўрта Осиё ҳарбий округидан жалб қилинганлар", 3-тоифа эса "махсус кўчкиндилар". Ушбу тоифа вакиллари "қуролсиз аскарлар" сифатида меҳнат қилдилар ва тарихда ном қолдирдилар.

ВКП(б)Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1941 йилнинг 31 августдаги "Украина ҳудудидаги немислар ҳақидаги" қарори билан совет-немислари (*совет иттифоқи ҳудудларида яшовчи немис миллатли аҳоли – Х.Қ.*) "меҳнат армияси"га оммавий жалб қилинган илк халқлар бўлиб тарихга кирди.

Мудофаа халқ комиссарлигининг 1941 йил 8 сентябрдаги № 35105-рақамли директиваси билан Қизил Армия таркибидаги немис миллатидаги халқларни хизматдан озод қилиш белгиланди. Бунга кўра эндиликда бу миллат фуқароларини ички округларга ва қурилиш ҳарбий қисмларга йўналтирилдилар.

Айнан мана шу даврдан бошлаб Уралда илк "меҳнат армиячилари" шакллана бошланди. Уралнинг Свердловск вилоятига - № 390, 1527, 1528, 1529, 1049 – колонналар; Челябинск вилоятига - № 765, 776, 779, 793 – рақамли колонналар жойлаштирилиб, уларнинг катта қисми эса 3 та Меҳнат тузатув лагерларига (МТЛ), яъни Ивдельлаг, Богословлаг ва Соликамлаг лагерларига тақсимландилар.[33]

Маълумот учун шуни таъкидлаш лозимки, айнан 1941 йил октябрдан – 1942 йилнинг майига қадар Уралнинг Свердловск, Молотов, Челябинск областларида юқоридаги лагерлар қаторида Тавдинлаг, Бакаллаг, Востураллаг, Тагиллаг лагерларига асос солинди. Ваҳолангки бу ҳудудда 1937-1939 йилларда Ивдельлаг, Севураллаг, Усольлаг, Богославлаг, Соликамлаг лагерлари фаолият кўрсатаётган эди.[34]

Қизил Армия таркибидан олиниб, жалб қилинганларнинг 2437 нафари Молотов райони ва Удмуртия Автоном республикасига юборилган.

1942 йилнинг июнь ойида 15 та МТЛнинг 9 тасида сақланаётган 73000 немис миллати вакилларининг 43% и Урал минтақасидаги "меҳнат армиячилари"ни ташкил қилган.

СССР Давлат мудофаа комитетининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414СС – рақамли қарори билан Ўрта Осиё ҳарбий округидан (ЎОҲО, САВО – Среднеазиатский военный округ – таржимаси, -Х.Қ.) 350 минг оддий фуқаролар "меҳнат армиячилари" сифатида Уралга жалб қилиндилар.

1943 йилнинг кузида жалб қилинганларнинг асосий қисми Ўзбекистондан эди. 1943 йилнинг 15 апрелида 67000 меҳнаткаш, яъни ҳудудга жойлаштирилган Ўрта Осиёликларнинг 48,6 % ни ўзбекистонликлар ташкил қилган. Улардан Свердловск вилоятига – 15131 киши, Челябинск вилоятига – 7427 киши, Молотовга – 2212 киши, Чкаловга – 2523 киши, Башқирдистон ССРга – 2357 киши ва Удмуртия ССРга – 2970 киши жойлаштирилган.

Ўзбеклардан ташқари бу ерларда Ўрта осиёлик бошқа миллатлар, яъни тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қозоқлар ҳам бўлган. Бу миллат вакилларининг сони 30 мингдан ортиқ бўлган.

---

[31]Урал: век дватцатый. Люди. События. Жизнь. Очерки истории / под ред. А.Дю.Кириллова. Екатеренбург, 2000. – С. 131.

[32]ГАРФ. (Государственный архив Российской Федерации) Ф.9414. Оп. 1с. Д.1169. Л. 6-6 об; Гончаров А.Г. Категориальный состав «трудовой армии» на Урале в годы Великой отечественной войны. Вестник Челябинского государственного университета. 2011. № 34 (249). История. Вып. 48. –С.60-64.

[33]Шульга И.И. Изьятие из рядов Красной Армии виеннослужаўих-немцев в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.) // Немцы России в контексте отечественной истории: общие проблемы и регионалные особенности. Материалы научной конференции. Москва, 1998 г. М., 1999. –С. 347-358.

[34] Система исправительных лагерей в СССР. 1930-1960: справочник. Москва, 1998. –С. 172, 227, 272, 388, 472, 791.

1943 йилда уралдаги “меҳнат армиячилари” умумий қисмининг 41,5 % фоизини ўрта осиёликлар ташкил қилган бўлса, бу кўрсатгич 1943 йилнинг ёзига келиб уларнинг сони 73000 дан ошиб кетади. Ҳудудлар кесимида эса, Чкалов вилотида -8000 киши, Молов вилоятида – 12692 киши, Свердловск вилоятида – 27000 дан ортиқ қиши, Челябинскда – 20000 дан ортиқ киши, Бошқирдистон АССРда – 2500 кишидан ортиқ ва Удмуртияда – 3000 дан ортиқ ўрта осиёлик “қуролсиз аскарлар” меҳнат қилишган.1943 йилнинг кузига келиб эса Ўрта Осиёлик “меҳнат армиячилари”нинг миқдори камайиб, 1944 йилнинг ўрталарида 22000 кишини ташкил қилган[35].

“Меҳнат армиячиларининг” учинчи тоифасига СССРга депортация қилинган, собиқ қулоқлар ва уларнинг оила аъзолари, ишчилар колоннаси таркибидаги махсус кўчирилганлар мисол бўлади.

Уларнинг бошқа тоифадаги “меҳнат армиячилар”дан фарқли томонлари шуки, улар ишчи кучи эҳтиёжига қараб меҳнатга жалб этилган ва бу ҳол то 1943 йилга қадар оммавийлик тус олмаган. 1943 йилда эса улар қурилиш ишларини янада жонлантириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида НКВДнинг “Тагилстрой” ва “Усольлаг” ҳудудларидаги йирик қурилишларга жалб қилинган.

1943 йилнинг августида 1150 нафар “меҳнат армиячиси” Бошқирдистон ССР, Свербловск ва Челябинск вилоятларининг корхона ва кўмир саноатида ишлаган. 1944 йилнинг кузида уларнинг миқдори 5170 нафарга етган.[36]

Иккинчи жаҳон уруши тугаганлигига 75 йил тўлди, ўша даврнинг қўрқинчли ва жасоратли дамлари ёдимиздан кўтарилаётган, уруш ҳақида яратилган ва яратилаётган манбалар, адабиётлар, кинофильмлар ҳали-ҳамон ўша давр моҳиятини тасаввур қилишга ундайди.

Тариҳда бу давр ҳақида ҳали ўрганилмаган “оқ доғлар” борки, улар орасида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўралдаги корхона ва қурилишларда меҳнат қилган Ўрта осиёлик ўзбек, тожик, туркман ва бошқа миллат вакилларининг тақдири тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўрта Осиёлик ишчилар қандай қилиб Уралга бориб қолишди?

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач Уралдаги аксарият кишилар армияга сафларига жалб қилиниб, фронтга жўнатилган. Айни пайтда ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган Россияснинг марказий қисмларидаги кўплаб саноат корхоналари айнан Уралга кўчирилган. Ўралдаги мавжуд бўлган ва кўчирилган саноат корхоналарида ҳарбий ҳаракатлар учун зарур бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун табиийки ишчи кучи керак бўлган.

1941 йил 30 июнда СССР Халқ комиссарлари советида ишчи кучларни ҳисобга олиш ва тақсимот қилиш бўйича комитет ташкил қилинди.

Оренбурглик тадқиқотчи К.А.Моргунов ўзи мақоласида қуйидагиларни баён қилади: “СССР ХКС нинг 1941 йил 23 июлдаги “Республика ва вилоятлар Ижроия Комитеталарининг ХКСларига ишчи ва меҳнаткашларни бошқа ишларга ўтказиш ҳуқуқини бериш тўғрисида”ги қарори қабул қилингач, маҳаллий ҳукумат органларининг ишчилар синфини идоравий ва географик ҳолатидан қатъий назар идора қилиш имконияти яратилди, жойларда аҳолининг ишга яроқли бўлган ишсиз кишиларни рўйхатга олиш ва уларни ҳарбий саноат ишлаб чиқаришга сафарбар этиш бўйича махсус бюролар ташкил қилинди.”[37]

Шу ўринда эркин ишчи кучини Ўрта ОСиёдан олиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди. 1941 йилнинг кузидаёқ мудофаа халқ комиссарлари раҳбарлигида қурилиш батальонлари ва ишчилар колонналари ташкил қилина бошланди. Уларга ҳарбий хизматга яроқсиз, ёки катта кишилар харбий мажбуриятга сафарбар этилдилар. Хизмати ҳарбийларга тенглаштирилган “меҳнат армиячилари” отрядлари ишчи бригадалари ҳам шаллантирилиб, уларга ўзлари орасидан ёши катта ва ҳурматга эга бўлганлар етакчилик қилишган.

Бир нечта отрядларга миллий республикалардаги партия вакиллари сиёсий комиссарлар (политкомиссар) ёки сиёсий раҳбарлар (полтирук) бошчилик қилишиб, колонналарга бирлаштирилди.

Чақириқ шу қадар “ўта шошилинч” тартибида ташкил қилинди. Ҳатто йирик эшелонлар 3 кун ичидаёқ ташкил қилинди ва биринчилардан бўлиб 1700 кишини ўз ичига олган эшелон Тошкент ҳарбий комиссариатидан Бошқирдистон АССРга қараб йўл олган.

Шошма-шошарлик билан узоқ ва совуқ ҳудудларда юборилган меҳнаткашларга иссиқ кийим-бош ва оёқ кийимини беришга улгуришмаган. Тўғрироғи, оссиқ кийимларни борган заводлардан берилиши айтилган бўлса, заводлар эса йиғув пунктларидан берилиши кераклигини таъкидлашган. Бунинг натижасида совуқ ўлкаларга келган меҳнаткашлар устларида енгил кийимлар ва бошларида эса

---

[35]РГАСПИ. (Российский государственныйсоциально-политической истории) Ф.644. Оп. 2. Д. 138. Л. 70-74; Антуфъев А.А. Уралтская промышленность накануне и в годы Великой Отечественной войны. Екатеренбург, 1992. – С. 266; Оразов К. Рабочий класс Казахстана в годы Великой Отечественной войны. Алма-Ата, 1975. – С. 45; ХУсенов К. Патриотический труд рабочих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной войны // материалы XXIII научной конференции профес-преп. состава. Самарканд, 1966. – С.23; Урал-фронту. Москва, 1985. –С.162.

[36]ГАРФ. Ф. 9479. Оп.1 с. Д. 110. Л. 36; Д. 128. Л. 14-14 об, 22-22 об, 23-23 об.

[37]Моргунов К.А. // Рабочие из республик Средней Азии на предприятиях и стройках Южного Урала в годы Великой Отечественной войны. «Этнопанорама», 2008. –Б. 3-4

дўппилари билан қолишган. Меҳнат армиячилари Сиёсий етакчиларнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда урал халқининг бағрикенглиги билан фронтга кетган турмуш ўртоқлари ва ака-укаларининг қолган кийим-бошлари билан таъминлаш муаммолари аста-секинлик билан ҳал қилинган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларидан меҳнат армиячиларининг Урал ҳудудларига келиши 1941 йилнинг охирларига тўғри келади. Уларнинг катта қисми 1942 йилнинг кузи ва 1943 йилнинг баҳорида юборилган. Меҳнат армиячиларининг, тўғрироғи "меҳнат кўчкиндилари"нинг катта миқдорда юборилганлигини биргина Ўзбекистон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, 1941-1943 йилларда 155 минг ўзбекистонлик меҳнатга сафарбар қилинган эди.

1943 йилнинг 15 апрелдаги маълумотларга қараганда Уралнинг иқтисодий районлари бўлган Бошқирдистон АССР, Удмуртия АССР, Молотов (Перм), Курган, Чкаловск (Оренбург), Свербловск, Челябинск вилоятларига 32620 нафардан ортиқ ўзбек ишчилари меҳнат қилишган. Жумладан Свердловск вилоятида – 15131 нафар ўзбе меҳнат қилган бўлса, Челябинскда – 20 минг, Чкаловскда – 8 минг, Башқирдистонда – 3 минг ўрта осиёлик меҳнат қилган.

Тадқиқотлар шуни исбот қилдики, ўрта осиёлик меҳнат армиячиларининг аксарияти қишлоқ деҳқонлари бўлган.Рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмаганлиги сабабли кўп қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг экирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-уқубат чекканлар.

Очарчилик, озиқ-овқат танқислиги, оғир меҳнат, турар жойларнинг нобоплиги, изғирин совуқ ва бошқа кўплаб сабаблар туфайли меҳнат армиячиларининг кўп қисми ҳалок бўлган. Кейинчалик Ўзбекистон ва Тожикистондан озиқ-овқат маҳсулотлари юкланган эшелонлар юборила бошланган.[38]

Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третьяковнинг тадқиқотларида уруш йилларида меҳант армиячилари сифатида №51-рақамли трестга сафарбар қилинган ўзбеклар Бухоро ва Термиз ҳудудларидан бўлишган. Улар турли ёшда бўлиб, шу жумладан чорвадор, косиб, нонвойдан тортиб ўт ўчирувчигача турли касб кор эгалари бўлишган.

"- Менинг отам, - дейди Уралмаш заводининг собиқ ишчиси Владимир Семеновский, - Алексей Васильевич Семеновский Уралмаш заводида ўн тонналик прессда темирчи бўлиб ишлаган. Унинг қўл остида кўплаб ўзбеклар ёрдамчи сифатида ишлаган. Улар завод ошхонасидан бериладиган овқатни ейишмаган, ўзлари ҳам юпун кийинишган. Оғир меҳнат ва кам овқатланишдан вафот этган кўплаб ўзбекларнинг ёнларидан тўпланган пуллар топилган. Бунинг сабаби, улар меҳнат қилиб топган ҳалол меҳнатлари пулларини кейинчалик уйларига, оиласига олиб боришни орзу қилишган эди."

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Свердловск заводидаги ишчилар ҳолати ўрганган Урал давлат университети тадқиқотчи Вера Соловьёванинг таъкидлашича Уралмаш заводига сафарбар қилинган Ўрта осиёликлар ҳақидаги ҳужжатларда ўзбеклар ва тожикларнинг балиқ, колбаса, қўзиқорин, шўр карам емасликларини таъкидлаган. Ваҳолангки, овқат фақат шу маҳсулотлардан тайёрланар эди. Ҳолат шу даражага етганки, оғир меҳнат қилишига қарамасдан оиласини ўйлаб, ҳатто иккинчи овқатни ҳам емасдан бошқаларга сотиб, пул тўплашга ҳаракат қилганларга кейинчалик қўлларига умуман овқат берилмаган.

Овқатланишдан бош тортиш, оғир меҳнатга яроқсизлик ва умуман бу каби ҳолатларнинг кўпайиб бориши ўрганилганда ўрта осиёлик меҳнаткашларнинг маҳаллий маҳсулотлардан қилинган овқатларини месаликларига сабаб бу овқатлан мусулмончилик қоидаларида ислом динида ейиш ман қилинган маҳсулотлардан иборат эканлиги аниқланган. Чунончи, мусулмон аҳоли тайёрланадиган овқат таркибида исломда ман қилинган чўчқа гўшти бор деб қўрқишар экан.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўз ватандошари бўлган ишчилар учун алоҳида озиқ-овқат бригадалари ташкил қилишиб, озиқ-овқат маҳсуслотларини етказиб бериш шароитларини йўлга қўйишган. Эндиликда кўплаб саноат корхоналарида ўзбек миллий таомларини тайёрланадиган бўлган. Уралмаш ҳудудида, шунингдек Удмуртиядаги №51-трест ҳудудларида ҳам ўзбекона чойхоналар, ҳатто Орскда 10 та шарқона услубдаги чойхона пайдо бўлган.

Аммо, ҳамма жойда ҳам бу каби қулай шароитлар бўлмаган. Аксарият ишчилар бошқа миллат вакиллари билан баракларда, совуқ қотиб кун кечиришган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўрта осиёликлар турмуш тарзида ислом дини ақидалари устунлик қилган. Оғир иш шароти, кучли ва қатъий назорат ва меҳнатнинг кўплиги сабабли ҳамма мусулмон ишчилар ҳам ислом арконларини бажаришга имкон топа олишмаган.

Ўрта осиёлик, жумладан ўзбек мусулмонлари оғир меҳнат шароитларида вафот этган юртдошларини дафн қилишда айрим муаммоларга дуч келишган. Чунки, маҳаллий ҳудуд эътиқодларидан фарқли ўлароқ майитни кафанлаш масаласида тоза мато топиш муаммо ва қиммат бўлганлиги сабабли улар ётоқларидаги тўшақ устига ташланадиган тоза матодан фойдаланишган. Бу эса айрим ўзаро низоларга сабаб бўлган.

---

[38]Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. 1941-1945. Китоб-альбом. Тошкент: Ўзбекистон, 2020 йил. –Б. 180.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўрта Осиё ва Қозоғистондан мамлакатнинг Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Челябинск ва бошқа ҳудудларига юз минглаб кишилар меҳнат фронтига жалб этилди. Улар мислсиз оғир қийинчилик ва очарчилик шароитида фронт талабини қондириш, душман устидан ғалаба қозониш учун қурол-аслаҳа, ўқ-дори, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда улкан қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Профессор Ҳамид Зиёев ҳам тадқиқотлари ва бошидан кечирган хотираларида ҳам "меҳнат армиячилари" ҳақидаги сатрларни ўқиш мумкин. Жумладан: "Ўзбекларнинг талай қисми "ишчи батальони"га – Россияга сафарбар қилинди. Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва ҳунар билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам бор эди. 1943 йилга тегишли маълумотда кўрсатилишича, "Ишчи батальони"дагиларнинг сони 155 минг кишидан иборат бўлган. Уларнинг ёши асосан 40-50 ва ундан ҳам ортиқроқ эди. кўпчилиги қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмаганлиги сабабли кўп қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг экирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-уқубат чекканлар.

"Ишчи батальони"даги кишлар Урал, Караганда, Куйбишев, Саратов, Горький, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославль, Красноярск, Хабаровск, Кемерова, Челябинск, Свердловск, Пермь, Иркутск, Архангельс, Бошқирдистон, Татаристон, Удмуртия ва бошқа жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ярим оч ҳолда меҳнат қилганлар. Ҳамюртларимизнинг қанчаси она юртидан узоқ жойларда кафансиз кўмилганлар."[39]

2020 йилда Ўзбекистонда нашр қилинган китоб-альбомда келтирилишча, ҳақиқатдан ҳам1941-1943 йилларнинг ўзида Ўзбекисондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган.[40]

1943 йили РСФСРнинг 14 область, 4 автоном республикаси ва Кросноярск ўлкасида 60 минга яқин ўзбеклар ишлаган.

Урал ва Красноярскда фидокорона меҳнат қилганишчилар орасида Акром Ортиқов режани 140 фоизга, Рустам Турдиев, Ҳасан Тўхтабоев 150 фоизга, Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган. Ўзбекистонлик Мардон Носир ва Мамат Эргашевнинг меҳнатдаги жасоратлари "За тяжелое машиностроение" газетасида ёритилган. Уруш йилларида Архангельскда меҳнат фронтида хизмат қилган Райимқул Назаров "За доблестный труд"медали билан тақдирланган.

Иркутск областидаги 4-қурилиш трестиннг 47-бригадасида ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943 йилги режани ортиғи билан бажарган. Мақоми ҳарбий аскарга тенглаштирилган "Қуролсиз аскарлар"имиз ҳақиқий меҳнат кучи, ақлу заковати ва ватанга бўлган муҳаббати туфайли Икинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб ҳисса қўшганлар.

Эндиликда ана шу юртдошларимиз тарихи ва тақдирини ўрганиш ва тарих зарварақларига битиш биз тақризчиларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

О ПЕРСПЕКТИВАХ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аминова Азиза Марксовна, к.и.н., доцент
Давронова Дилора, магистрант 2 курса

Аннотация.

В статье проанализированы работы ученых, посвященные вопросам реформирования образования в Узбекистане в годы независимости и перспективах её развития на основании принятых за последние годы нормативных документов, радикальным образом меняющие подходы, методы, приемы узбекистанского образования.

Ключевые слова: Концепция образования, стратегия, реформирование, непрерывность, кредитная система, исследование, наука, приемственность.

Проблемы реформирования системы образования в Узбекистане являются предметом широкого обсуждения с момента первых шагов власти в этом направлении. В первой половине 1990-х гг. ученые анализировали различные аспекты проводимых преобразований. Вопросы реформирования воспитания и образования стоят в центре внимания узбекистанских ведущих педагогов, историков, политологов, социологов, экономистов. В данном направлении уже накоплена достаточно обширная литература. В работах М. Саидова, Р. Ахлиддинова, Н. Кувватова, Л. Аллаева, Ш. Курбанова, Э. Сейтхалиловарассматриваются проблемы формирования отечественной системы непрерывного образования, процесс претворения в жизнь Национальной программы подготовки кадров, вопросы воспитания и образования подрастающего поколения независимого Узбекистана[1]. В трудах педагогов

[39]Қаранг: Зиёев Ҳ. Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар. Мардлик мактаби. Тошкент: "O'qituvchi", 2019. – Б.18-23.
[40]Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. 1941-1945. Китоб-альбом. Тошкент: Ўзбекистон, 2020 йил. –Б. 180-181.

Ҳошимова, С. Нишоновой, М. Иномовой, Р. Хасанова «История педагогики» проанализирована история педагогической мысли просветителей различных эпох, а также раскрыты особенности воспитания на Востоке, которые должны служить примером для воспитания подрастающего поколения на современном этапе.[2]Проблемы педагогической науки как проблемы ценностей и организации учебно-исследовательской деятельности учащихся на занятияхраскрыты в исследованиях Ш. Абдурахмановой[3]. В исследованиях Г. Убайдуллаева [4] на тему «Использование материалов узбекской народной педагогики при изучении курса педагогики» охарактеризовано и обосновано место народной педагогики, ее функции в профессиональной подготовке будущих учителей, обобщены и систематизированы материалы педагогики по темам курса теории педагогики, раскрывающем содержание и методику всестороннего развития личности школьника и др. В работах историков проанализированыреалии научно-педагогических систем и состояния образовательных учреждений на современном этапе. Так, в статье Л. С. Махмутходжаева на основе статистических данных проанализированы научный потенциал высших учебных заведений республики, контингент студентов, состояние и перспективы высших учебных заведений страны. Профессор Г. Юлдашева на основе обобщенного материала, основанного на научном исследовании и статистических материалов раскрывает особенности и проблемы развития науки в Узбекистане [5].

К проблемам модернизации узбекистанского образования высказываются свои мысли и политологи Узбекистана. В исследованиях А. Муминова, посвященном реформированию образования особое внимание уделяется пересмотру принятых нормативных документов, государственных стандартов, а также широкому внедрению информационных технологий, без которых не возможно построение современной образовательной системы [6].

Поэтому в последние годы с целью всестороннего развития нашей страны, строительства нового Узбекистана проводятся радикальные реформы в системе образования. В Стратегии действий одной из важных задач социальной сферы определены продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда [7]. Данный документ рассматривает вопросы по совершенствованию, повышению качества и эффективности системы образования начиная от дошкольных учреждений вплоть высших учебных заведений. За период 2017 по 2021 годы запланированоразработать Программу коренного совершенствования системы высшего образования.

В августе 2019 года вышел Указ Президента Республики Узбекистан УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года». На основании анализа состояния высшего образования были определены приоритетные направления, которые включают в себя прежде всего, вхождение Республики Узбекистан к 2030 году в ряд первых 30 ведущих стран мира по рейтингу программы оценки учащихся Международного уровня PISA, а также в концепции определены задачи по включение двух университетов республики в ТОП- 500 Quacquarelli SymondsWorld University Rankings, Times Higher Education или Academic Ranking of World Universities, и не менее 10 отечественных вузов в целом – в ТОП-1000 этих рейтингов.

В соответствии с принятым Указом Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева УП-5847, во всех высших учебных заведениях Узбекистана предусмотрен постепенный переход на кредитно-модульную систему. В частности, планируется увеличить количество вузов, в которых будет внедрена кредитно-модульная система, с 2 до 85, и увеличить количество негосударственных университетов с государственно-частным партнерством до 35. Кредитно-модульной системе, как неотъемлемому атрибуту Болонской декларации, предоставляются две основные функции:

1. Содействие мобильности студентов и преподавателей и упрощения переходов из одного университета в другой.

2. Четкое определение объемов проведенной студентом работы с учетом всех видов учебной и научной деятельности.

В своем посланиеОлийМажлису Республики в январе 2020 года глава государства Ш. Мирзиёев отметил, что наоснове зарубежного опыта должны усовершенствоваться стандарты высшего образования и пересмотрены структура изучаемых дисциплин. Необходимо вдвое сократить количество дисциплин, не имеющих отношения к приобретаемой специальности. С 2020 года для 6 направлений педагогического образования определен 3-летний срок обучении, на самофинансирование перейдут 10 вузов. Кроме того, на конкурсной основе будут определены не менее 5 вузов и совместно с ведущими зарубежными вузами и начнутся их трансформацию, будут определены конкретные приоритеты в сфере науки, в частностиразвитию фундаментальных и прикладных исследований в таких областях, как математика, химия и биология, геология, физика, иностранные языки. Учитывая тот факт, что не возможно, развивать все отрасли науки одновременно, призывал к постепенному развитию тех или иных сфер науки, пересмотру механизма предоставления целевых грантов для фундаментальных и инновационных исследований.

Таким образом,образовательная система Узбекистана на современном этапе делает акцент на человеческий фактор, раскрытие его способностей, интеллектуального потенциала. Соответственно, не вызывает сомнения чрезвычайная важность, острая необходимость такой подготовки подрастающего поколения, при которой образовательные учреждения оканчивали бы образованные интеллектуальные личности, обладающие знанием основ наук, общей культурой, умением самостоятельно и гибко мыслить, интенсивно творчески решать жизненные и профессиональные вопросы. В свояочередь важнейшей стратегической целью Узбекистана является вхождение в число развитых государств мира и обеспечение достойной жизни своих граждан и для устойчивого развития страны стоит задача создания прочной базы образовательной системы, которая должна стать опорой государству в укрепленииеё институтов, в обеспечении национальной безопасности, в её социально- экономическом развитии.

Исходя из задач, обозначенных в Концепции стоят вопросы необходимости повышения престижа высших учебных заведений за счет высоко подготовленных научных кадров, исследования которых будут служить во благо народа, процветания страны, найдут своих потребителей на внутреннем и внешних рынках.

И для того, чтобы добиться желаемых результатов в сфере образования, по нашему мнению необходимо:

- осуществлять прием на работу в высшие учебные заведения преподавателей строго на конкурсной основе;
- пересмотреть учебную нагрузку преподавателей, и сократить аудиторные часы до 450;
- отменить типовые учебно-методические комплексы и заменить более совершенными самостоятельно подготовленными пособиями преподавателей;
- пересмотреть учебные планы, где до сих пор сохраняются предметы, не имеющих отношения к определенной специальности;
- создать условия для выбора студентами факультативных занятий и преподавателей, прикрепленных к этим занятиям.
- предоставить большую самостоятельность вузам страны в научно-образовательной деятельности;
- разработать эффективную систему льгот, в том числе для начинающих активных и талантливых исследователей и педагогов, согласно их конкретным и своевременным научным разработкам

Но самое главное необходимо наладитьпрактическое управление потоками знаний и технологий между университетами, научно-исследовательскими институтами, компаниями и рынками. Необходимо придать вузовскому образованию научный характер, оснастить новейшими лабораториями, объединив с крупнейшими производственными предприятиями. Расширение сети технопарков с включением в структуру их деятельности образовательных учреждений обеспечит социализацию студентов, их адаптации к требованиям современной науки и производства.

ЛИТЕРАТУРА

1. Ахлиддинов Р. Ш. , Саидов М. Х. Управление образованием в Узбекистане. – Т. , 1999; Аллаев Л. Содействие реформированию системы образования в Узбекистане. – Т. , 2000; Курбанов Ш. , Сейтхалилов Э. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Т.,2001: Исамиддинов Д и др. Развитие образования и концепции реформирования образовательных систем. //Экономическое обозре-ние, 1999, № 1 (5). С. 3-25; Разилова И. И. Мировые тенденции развития профессионального образования и национальная стратегия подготовки кадров в XXI веке. //Касб-хунарбулими, 2001, № 1 (5). С. . 26-28.
2. Ҳошимов К, Нишонова С, Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи Т. Ўкитувчи, 1996. – 488б;Munavvarov A. K. Pedagogika, Toshkent, «O‘qituvchi», 1996, 236-62 b;Tursunov I, Nishonaliev U. - Pedogogika kursi: daslik, -Toshkent «O‘qituvchi», 1997, 26-35 b;Gaybo‘llaev N. Va b. Pedagogika, Toshkent, 2000, -25-38 b; Баранов С. и другие. Педагогика, Toshkent. «O‘qituvchi». 1975. 26-41 стр. ; Савин Н. Педагогика, Ташкент, «O‘qituvchi». 1975. 26-41 стр.
3. Абдурахманова Ш. Развитие педагогической науки в Узбекистане. // Молодой ученый №1(135), 2017.
4.Убайдуллаев Г. Использование материалов узбекской народной педагогики при изучении курса педагогики//Автореферат. Т. 1983г.
5. Юлдашева Г. Особенности и проблемы развития науки в Узбекистане// cabar. Asia
6. Бюллетень наука и практика Т. 5. №8.
7. Podrobno. Uz.

ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ ТАРИХИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Х.Кандахаров, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, НавДПИ

Аннотация

Ушбу маколада ўрта асрларда Навоий вилояти ҳудудида яшаган тасаввуф алломалари ҳаёт-фаолияти ва илмий-тарихий меросларини ўрганиш уларнинг бугунги ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашдаги аҳамияти каби масалалар қисқача таҳлил қилинади

Калит сўзлар: тасаввуф, маънавий мерос, баркамол авлод, Қуйи Зарафшон, қўлёзма манбалар

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида Марказий Осиё тасаввуф тарихи ва алломаларининг ҳаёт-фаолияти, маънавий меросларига оид тадқиқотлар устувор аҳамият касб этади. Бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, халқлар, миллатлар ўртасида тотувлик, барқарорлик ўрнатиш, Ислом дини ва тасаввуфнинг туб моҳиятини англаш, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этишдан иборат. “Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган” [1]. Бугунги глобаллашув даврида уларнинг илмий ва ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Республикамиз вилоятлари ичида ёш жиҳатидан кичик бўлса-да, ҳудуди ва майдони жиҳатидан энг каттаси бўлган Навоий вилояти ҳам ўзига хос қадимий тарихига эга бўлиб, бу ерда инсониятнинг илк аждодлари маданиятига оид кўплаб топилмалар мавжуд. Вилоят Навоий шаҳри, Кармана, Конимех, Қизилтепа, Нурота, Хатирчи, Навбаҳор каби туманлар ва ҳудудининг асосий қисми бепоён Қизилқум саҳроси кенгликларидан иборат. Бу ҳудудлар ўзининг синоати ва бой маъданлари билан қадимдан халқимиз учун хизмат қилиб келган. Республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам Навоий вилояти хусусида “Азим Зарафшон воҳасида, беҳисоб табиий бойликлар макони бўлган Қизилқум минтақасида жойлашган Навоий вилояти, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг дуру жавоҳирлар ҳазинасидир” [2:111], ёки вилоят тарихи хусусида, “Навоий вилояти бой маданий ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айниқса, Кармана шаҳри, Қосим Шайх мақбараси, Работи Малик ёдгорлиги, Қизилқум бағридаги тош ўрмон, Сармишсойдаги тошга ўйилган қадимий расмлар – буларнинг барчаси вилоятнинг кўҳна тарихи ва маданиятидан далолат беради” [2:119], деб таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам Навоий вилояти ҳудуди инсоният цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб, унинг тарихини бу заминда яшаган улуғ алломалар, тариқат пирлари ва уларнинг қадамжолари тарихи билан боғлаш мумкин. Уларнинг маънавий меросларини ўрганиш бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсий жараёнлар билан ҳам узвий боғланади.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларда ўрта аср Марказий Осиё хонликларида ижтимоий–сиёсий ҳаёт, дин ва давлат муносабатлари, тасаввуф вакилларининг давлат бошқарувидаги фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, XVI аср Бухоро хонлиги давлат бошқаруви ва унда тасаввуф шайхларининг таъсирига бағишланган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан, Ўрта асрлар даврида Қуйи Зарафшон воҳаси ҳудудида яшаб фаолият юритган тасаввуф вакиллари – Мир Саййид Баҳром (XI аср), Саййид Ота (XIV аср), Бадр Ота (XIV аср), Хожа Хисрав (XIV аср), Мавлоно Ориф Деггароний (1313-1380), Шайх Худойдод Валий (1461–1532) ва Қосим Шайх Азизон (1500–1578) каби алломаларнинг ижтимоий–сиёсий жараёнларга таъсири ҳамда маънавий меросини илмий тадқиқот сифатида ўрганиш ва уларни ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик туфайли миллий ва диний қадриятларимизни мустақил, холис ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Шу аснода Қуйи Зарафшон воҳаси ҳудудида яшаган алломаларнинг тарихий меросларини, ижтимоий-сиёсий, диний-маънавий ҳаётда тутган ўрнини ўрганиш ҳам Ўзбекистон тарихи фанидаги долзарб муаммолардан бири саналади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов ҳам 1998-1999 йиллар Навоий вилоятига қилган ташрифида бу ердаги тарихий обидалар, азиз авлиёлар ва алломаларнинг тарихий меросларига алоҳида тўхталиб, бугунги кунда уларни чуқур тадқиқ этиш, шунингдек улардан бугунги ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳаларида унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, Сардоба, Малик Работ, Қосим Шайх хонақоси каби меъморий обидаларни ҳам эслатиб ўтган эди [3:221]. Хусусан, Ҳазрат Қосим Шайх Азизон борасида: “Биз ҳамиша улуғ аждодларимиз билан ифтихор қиламиз. Уларнинг хотираси ҳозир ҳам она заминимизни шарафга буркаб турибди. Ана шундай мўътабар зотлардан бири, табаррук хоки Зарафшон тупроғида ётган сўфий аллома Низомиддин Қосим Шайх ҳазратларидир. XVI асрда яшаб ўтган, бутун умрини маърифат тарқатишга, уруш ва низоларнинг олдини олишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришга бағишлаган улуғ, айни вақтда камтарин бу зот ҳаёт чоғидаёқ халқнинг

юксак иззат-икромига сазовор бўлган. Ана шундай табаррук инсонлар, азиз-авлиёларнинг ҳаёти биз учун ҳамиша ибрат бўлмоғи керак” [4:158],-деб айтган фикрлари ҳам ушбу йўналишда бажарилаётган ишларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сонли ҳамда 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-2995-сонли Қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда, шунингдек мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ишларни амалга оширишда мазкур йўналишда амалга оширилаётган илмий-амалий тадқиқотлар самарали хизмат қилади.

Ўрта аср муаррихлари томонидан ёзилган XIV–XIX асрлар мамлакатимиз тарихи, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти шунингдек, Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган алломаларнинг ҳаёт-фаолияти тўғрисида маълумотлар берувчи кўплаб тарихий қўлёзма асарлар мавжуд бўлиб, ушбу асарларнинг аксарияти бугунги кунда шарқшунос олимларимиз томонидан ўрганилиб, ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Республикамиз мустақилликка эришгач бу каби ишлар янада кенгроқ давом эттирилмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 24 июнь.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т-7. Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Саҳоватли замин тараққиёт йўлида// Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т-8. Т.: Ўзбекистон, 2000.

BADIIY TARIXIY ASARLAR O‘QUVCHILARNING MUSTAQIL ISHLASH FAOLIYATINI O‘STIRISH OMILI

R.N.Tolibov,
“Tarix o‘qitish metodikasi kafedrasi” dotsenti, NDPI

Annotatsiya

Maqolada badiiy tarixiy asarlarninmg o‘quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini o‘stirish omili ekanligi masalalari atroflicha yoritib berishga harakat qilingan.

Kalit so‘zlar: Tarixiy asar, me’mumar asarlar, badiiy tarixiy asarlar,ajdodlar,mo‘yqalam, sinfdan tashqari.

Sobiq sho‘rolar davrida xalqimizning o‘tmish tarixini o‘rganishda bir yoqmalikka yo‘l qo‘yganimiz ma’lum. Shu davrlarda ajdodlarimiz yaratgan ilmiy, ijtimoiy-siyosiy va adabiy asarlarini ijobiy tomonlarini esa ko‘rishni istamadik, ularni tarix oldida, xalqi va vatani oldida qilgan xizmatlarini xaspo‘shlab o‘tdik. O‘z - o‘zidan ma’lumki, buning oqibati xayrli bo‘lmadi. Oxir oqibat, xalq ommasining ayniqsa, yoshlarning o‘z o‘tmishini, ota bobolari tarixini yaxshi bilmay qolishiga sababchi bo‘ldik. Binobarin, bu holat tarix fanini o‘rganish va o‘qitish sohasini chetlab o‘tmadi.

Mustaqillik bizni o‘zligimizni aglashga o‘rgatdi. Bugunda tarix sahifalari milliy g‘oya ruhida sug‘orilgan va u yangidan yaralmoqda. Xolisiylik va haqqoniylik tarix fanini o‘rganishda ustuvor o‘rin tutmoqda. «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ni ro‘yobga chiqarish erkin, mustaqil fikrlovchi, ayni paytda mas'uliyatli shaxsning shakllanishini ta'minlaydi. Barkamol inson shakllanish esa bevosita uzuluksiz ta'lim jarayonida amalga oshadi. Shuning uchun ham uzluksiz ta'limni rivojlantirish milliy dasturda belgilangan eng asosiy vazifalardan biri bo‘lib, bilim va yuksak intelektning nufuzini oshirish bilan bog‘liq.Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganidek,“O‘z kuchimiz va imkoniyatlarimizga bo‘lgan ishonch bizni Uchunchi Renessans poydevorini yaratishdek ezgu maqsad yo‘lida birlashtirib, yanada kuchli va mustahkam qilmoqda[1].

Badiiy tarixiy asarlarda tarixiy haqiqatga yangicha yondoshish, yangi badiiy asarlar yaratish hozirda jonlanmoqda Keyingi yillarda yangi badiiy tarixiy asarlar dunyo yuzini ko‘rdi. Tarixiy romanlar yaratishda xolisiylik tamoili hukmron bo‘lmoqda. Adabiyotchi G.Murodov fikricha “tarixiy hujjat, umuman olganda, tarix haqiqatiga tarafkash yondoshish ham badiiy asar mukammalligi va tarixan haqqoniyligiga jiddiy putur yetkazadi”[2:27] deb hisoblaydi.

Tarix bu-oliy hakam.Tarix-tarbiya vositasi. Birinchi Prezidentimiz ta’kidla-ganlaridek, “Tarix xotirasi xalqning jonajon o‘lkaning, davlatimiz hududining xolis va haqqoniy, tarixini tiklash, milliy o‘zlikni anglash, ta’bir joiz bo‘lsa milliy iftixorni tiklash va o‘stirish jarayonida g‘oyat muhim o‘rin tutadi”[3:140]

Tarixiy mavzuda yozilgan badiiy asarlar, xususan, romanlar xalqimiz tarixining badiiy solnomasidir. Shuning uchun ham milliy hurlik o‘zlikni anglayotgan, ajdodlarning kim ekanligi, tarixiy ildizlari qaysi davrlarga borib taqalishi bilan qiziqayotgan har bir vatandoshimiz uchun tarixiy manbalar bilan bir qatorda shu mamzudagi badiiy asarlar ham g‘oyat nodir tarixiy xotira sarchashmasi vazifasini o‘taydi.

Keksa tarix har bir davrning o‘z haqiqati bo‘lishi va bu haqiqat ajdodlar yodi bilan chatishib ketishini, o‘z davrining eng ilg‘or g‘oyalarini o‘z faoliyatida mujassamlashtirib, jamiyat taraqqiyotiga kuchli ta’sir o‘tkazgan buyuk tarixni shaxslar timsolida davr haqiqatining betakror chizgilari muhrlanib qolishini qayta va qayta isbotlagan.O‘tmishda bo‘lib o‘tgan har qanday hodisa ajdodlarimiz tarixiy xotirasidan abadul abad joy olishi oddiy hayotiy haqiqatdir.

Tarixiy asarlar yaratish sermashaqqat ish. Tarixiy manbalar va hujjatlar zamiriga jo bo‘lgan davr haqiqatlatini adabiy tiplar siymosiga ko‘chirishga bel bog‘lagan yozuvchi izlanishlarini qum barxanlari orasidan tilla zarrachalarini ajratib oladigan oltintoparlarning mashaqqatli menatiga tenglashtirsa bo‘ladi. Demak, tarixiy romanlarda badiiy haqiqatni yuzaga keltiruvchi yagona va ayni paytda eng to‘g‘ri poetik vosita badiiy to‘qimadan samarali foydalanishdir.

Tarix-istiqbol beshigi,komil avlodlarni qadriabad ana’lar ruhida tarbiyalovchi ma’rifat sarchashmasidir. Tarixiy romanlar esa hozirgi haqiqiy tarixdan xabardor qiluvchi tarixiy voqealikning haqiqiy badiiiy talqinini o‘zida ifodalovchi, tarixiy fakt va badiiy to‘qima uyg‘unligi vositasida yaratilgan adabiy tiplar talqinida o‘z tarixini asrab qolishga rag‘batlantiruvchi manbadir.

Tarixiy romanlarda badiiy to‘qimaning ikki tipi mavjud bo‘ladi: birinchisi-tarixiy shaxslar talqinidagi badiiy to‘qima bo‘lsa, ikkinchisi – sof badiiy to‘qima mahsuli bo‘lgan xayoliy obrazlarda davr haqiqatini ifodalashdan iboratdir. Tarixga doir ilmiy tadqiqotlarda hayot qonunlari aniq dalillar tahlili vositasida ochib berilgan holda, tarixiy romanlarda ana shunday qonuniyatlarni ochib beruvchi adabiy tiplarning badiiy talqini ustuvorlik qiladi. Tarixiy voqealikning badiiy to‘qima bilan qo‘shilib ketishi yozuvchi tasvirlayotgan davr haqiqatini yanada aniqroq va yaqqolroq tasavvur qilishga imkon beradi.Shuning uchun ham adabiy asardagi badiiy to‘qimani boshqa hech bir vosita bilan almashtirib bo‘lmaydi.

Bugunda zamonaviy ehtiyojlar bizni tarixdan saboq olishga undaydi. Hozira odamzodni bezovta qilayotgan katta muammolar biri -urush va tinchlik masalasi o‘tmish zamonlarda ham boshqacha shakllarda va o‘zgacha miqiyoslarda bo‘lslarda bo‘lsa ham ajdodlarimizning boshiga tushgan. Ular bu muammolarni tushunish va hal qilish yo‘lida juda ko‘p ma’naviy izlanishlarni boshidan kechirganlar va o‘z tarixiy tajribalarini bizga meros qilib qoldirganlar.Darhaqiqat, bugunda milliy zamonaviy adabiyotimiz nafaqat kishilik jamiyati hayotini, balki o‘tmish tarixini qalamga olmoqda, hali tariximizning o‘qilmagan sahifalarini badiiy ifodalar, obrazlar orqali o‘quvchilarni qurollantirmoqda. Xalqning o‘zligini anglashiga yordam bermoqda. Xalqimizning hayot tarzi va insoniy fazilatlarini keng targ‘ib qilishga erishmoqda. Ayni paytda ma’naviyatimiz asosi hisoblangan tarixiy qadriyatlar va tarixiy haqiqatlarni tiklash hamda dunyo svilisatsiyasining beshigi hisoblangan mustaqil O‘zbekistonimizning haqqoniy tarixini yaratishga katta ahamiyat berilmoqda. Binobarin ajdodlarimiz tarixining shonli zarvaraq-laridan xalqni bahramand etishda o‘zbek tarixiy romanchiligining ham munosib o‘rni bor. O‘zbek adiblari yurtimiz tarixining o‘ziga xos badiiy qomusini yaratish ishtiyoqida qalam tebratib,davr haqiqatlarini badiiy tafakkur qatlamlariga ko‘chirishda o‘zlarining yuksak ijodiy mahoratlarini namoyish etmoqdalar.

Keyingi yillarda qator badiiy tarixiy asarlar yaratildi. Tariximiz sahifalari nafaqat ilmiy, balki uning badiiy talqini, yanada chuqur o‘rganilishi bilan boyib, ommalashib bormoqda.Chunki badiiy tarixiy asarlarni o‘quvchilar sevib o‘qishadi.O‘quvchilar asarni o‘qishayotganda o‘z hayoti bilan emas, balki asarda aks etgan hayot bilan yashaydilar.Adabiy asardagi obrazga qo‘shilib harakat qiladilar, hayot qiyinchiliklarini engish yo‘lini izlaydilar, qahramonlar xato qilsa-kuyunadilar, zafar quchsa - suyunadilar, qiyinchiliklardan qutulsa - xursand bo‘ladilar, ularning bir maromdagi hayotga qaytishidan taskin topadilar.

Yangi pedagogik ta’lim texnologiyasining joriy etilishi tarix ta’limini o‘qitishga yangi imkoniyatlar ochdi. O‘quv fanlarining mazmuni, ta’limni tashkil etish shakl, metod, vosita va texnologiyalarning innovatsiyalashuvi ta’lim jarayoni samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.Yangi jahon ta’lim tajribasidan foydalanilgan holda, tarix darslarida badiiy tarixiy asarlardan foydalanish ijobiy natija bermoqda. Binobarin, o‘quvchilarda bilish va muloqot qilish ko‘nikmasi shakllanmoqda. Bu esa o‘quvchilarning tafakkur qobiliyatlarini o‘stirmoqda. Shuningdek, o‘quvchilarning ijtimoiy ishlardagi faol ishtiroki ularning g'oyaviy e'tiqodini shakllantirishga yordam bermoqda, natijada, o‘zlarini o‘rab turgan muhit haqidagi tasavvur va tushunchalari yanada kengaymoqda.

Tarix ta’limi jarayonida badiiy tarixiy asarlardan foydalanishning ikki yo‘li mavjud. Biri tarix darslarini o‘rganish jarayonida, ikkinchisi darsdan tashqari uy vazifasi bajarish maqsadida berilga topshiqlar zamirida amalga oshadi. Bu o‘rinda uy topshiriqlariga asar qahramonlari fazilatlarini ochishga yordam beruvchi tafsilotlarni aniqlash masalasi o‘quvchini aniq maqsadga yo‘naltiradi.

Badiiy tarixiy asarlarlardagi obrazlarda qahramonlik suyujeti ko‘plab tasvirlanadi. Undagi bosh g‘oya - el - yurtning birligi va ozodligi uchun kurash, chet el bosqinchilariga qarshi mustaqilik kurashlari egallaydi. Hammasida ham vatanparvarlik g‘oyasi birinchi o‘rinda turadi.Ayni paytda dars va darsdan tashqari

ishlar jarayonida o‘qituvchi xalq botirlarining tug‘ulgan yurti, ona vataniga bo‘lgan mehr-muhabbatini asarlardan misol keltirib, o‘quvchilarga o‘rnak sifatida ko‘rsata bilsa, unda tarixiy xotira va tarixiy iroda shakllanib boradi. Bu esa badiiy tarixiy asarlar orqali o‘quvchilarda milliy merosimizga bo‘lgan hurmatni va katta qiziqishni uyg‘otishga zamin hozirlaydi. Teran fikrli, aqilli, ma’naviy yetuk va bilimli o‘quvchilarni kamol toptirishga xizmat qiladi.

Badiiy tarixiy asarlar, yoshlarni tarixiy haqiqatlarni chuqur va atroflicha bilishga, ayniqsa, diniy ekstremizm xavfi mavjud bo‘lgan hozirgi paytda, ularning diniy va milliy adovatlarni yo‘qotish borasidagi, insoniyat istiqboliga daxldor masalalarni tushunib etishiga ko‘maklashadi.Ana shu muammolar orasida inson zotiga juda ko‘p azoblar bergani - turli davlatlar va mafkuralar adovatidan kelib chiqadigan qirg‘in urushlardir.Ayniqsa, hozirgi dunyoda hokim bo‘lish ishtiyoqida yurgan diniy oqimlar, teroristik tashkilotlar inson hayotiga tajovvuz solmoqda. Bunga qarshi barcha taraqqiyparvar kuchlar safarbar etilmoqda. Ayniqsa, yoshlarni bu xavfdan ogoh etishda, ularni komil inson qilib tarbiyalashda badiiy tarixiy asarlar ibrat vazifasini bajarmoqda. Ayniqsa, badiiy tarixiy asarlarning yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga qo‘shayotgan hissasi katta bo‘lmoqda. Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik sigari xalq qahramon-larining faoliyatini tarixiy romanlarda o‘rganib, yoshlarimiz asar qahramonlariga taqlid qilish, ulardek vatanparvar bo‘lishga intilmoqda.

Keyingi yillarda global taraqqiyot yangi kashfiyot va fan-texnika sohasida keng imkoniyatlarni o‘zi bilan olib kirmoqda. Ikkinchi tomondan esa xalqimizga yot “ommaviy mdaniyat” ning kirib kelishiga ham sabab bo‘lmoqda. Bu jarayonni to‘xtatib qolishning iloji yo‘q. Lekin milliy g‘oya va uning ruhiyati bilan sug‘orilgan badiiy tarixi asarlar bilan yoshlar qalbiga xalq qadriyati, ajdodlarimiz o‘gitlarini, xalqimiz boy madaniy merosiga tayanib singdirish mumkin.O‘zgarib borayotgan XXI asr saboqlaridan ma’lum bo‘lmoqdaki, yoshlar tarbiyasiga talabchanlik bilan yondoshish va bu yo‘lda duch kelinajak golobolizastsiya mentalitet bosimlarini engib o‘tib, milliy urf-odat, zamonaviy qarashlarimizdagi noaniq ilmiy-nazariy qirralarini bartaraf eta olishimiz, muammolarning to‘la to‘kis yechilishiga erishishimiz kerak. Badiiy tarixiy asarlarning bu o‘rinda roli va ahamiyati nihoyatda cheksizdir.

Tarixiy badiiy asarlar orqali yoshlarda insoniylik, rostgo‘ylik, o‘z-haq huquqi uchun kurasha oladigan kishini tarbiyalashdek muhim insoniy fazilatlarni qaror toptirish mumkin.Binobarin, tarixiy haqiqatlarni bilish va badiiy talqin qilish orqali ajdodlarimizning milliy qadriyatlari va umuminsoniy an’analarini bir butun holda bilishga yo‘l ochadi.Yoshlarda milliy g‘urur shakllanadi. Hayotda o‘z o‘rnini topishga ko‘maklashadi.

Badiiy tarixiy asarlar yoshlarni ma’naviy yetuk, sog‘lom va barkamol bo‘lib tarbiyalanishiga ko‘maklashadi. Asar qahramonlari odatda mard, sog‘lom va tanti sifatida tasvirlanganligi tufayli o‘quvchi aha shu qahramonlar orqasidan ergashadi, ularga taqlid qiladi. Tarix bilan yuzma-yuz bo‘lish oson emas, tarix qonuniyatlari faqat hozirgi davr va kelajak emas, ijodkorning ma’naviy ma’rifiy darajasi, ruhiy imkoniyati, ixlos e’tiqodi, tafakkuri va iste’dodini ham o‘z adolati tarozisiga solib turadi.Tarix ta’limi jarayonida badiiy tarixiy asarlardan ijodiy foydalanilgan holda dars tashkil etish an’ana tusini olmoqda. Ko‘rinadiki, o‘quvchi shaxsini rivojlantirishd badiiy tarixiy asarlardan foydalanish, ma’naviy-madaniy uyg‘unlik hamda ijodkorlikni rivojlantirishga keng yo‘l ochadi**.** O‘tmishni o‘rganish, uni asl holida ko‘rish o‘quvchi qiziqishini oshiradi. Tarixiy mavzularni o‘zlashtirishiga yordam beradi.

Xulosa qilib ta’kidlash o‘rinliki, tarix fanlari mavzulari, davrlari hamda undagi sahifalarni o‘rganishda badiiy tarixiy asarlarning ahamiyati beqiyos. Yoshlar nafaqat o‘z bilimlarini boyitadilar, balki o‘zlari ham komil inson sifatida tarbiyalanib boradilar. Eng muhimi badiiy tarixiy asarlar yozhlarda insoniylik fazilatlarinini qaror toptirishga ,hayotda o‘z o‘rnini topishiga, ajdodlarimiz merosiga hurmat bilan qarashga, ulardek faoliyat yuritish, sezgir va hushyor bo‘lishga,Vatan mustaqilligini mustahkamlash ushun yonib yashashga yordam beradi.Zero,ota-bobolarimiz merosini o‘rgangan, ular qoldirgan qadriyatlat asosida tarbiyalangan shaxsni hech qachon bukib bo‘lmaydi.Birinchi Prezidentimiz ta’kidlaganlaridek,“Tarixiy xotirasi mustahkam inson - irodali insondir”[4:12]

Foydalanilgan adabiyotlar

1."(O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojatnomasi). /https//president uz/ uz/ lists /view/4057.

2.Murodov G. Tarixiy romanda hujjatchilik.// O‘zbek tili va adabiyoti. Jurnal, 1994, 4-son, 27-bet.

3. Karimov.I.A. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolotlari. T.: „O‘zbekiston“, 1997. 140-bet.

4.Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q. T.: ”Sharq”, 1998. 12-bet.

“БУХОРЧА” ВА “МАВРИГИ” МУСИҚИЙ ТУРКУМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ, МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ

Б.И.Мустафоев,
Бухоро вилоят Х.Т.Х.Қ.Т.У.М.О.Ҳ. маркази доценти,
педагогика фанлари номзоди.

Миллий мусиқий фольклор асарларида миллатнинг маънавий-маърифий даражаси билан бирга унинг мазмунида халқимизнинг миллий урф-одатлари, аньаналари, қадриятлари ўзининг ифодасини топган. Зеро, “Тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъат, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодга безавол етказиш” муҳим аҳамият касб этади[1].

Бухоро мусиқа санъати тарихи жуда қадимийдир. Шу узоқ тарихий тараққиёти давомида бой маънавий мерос “Бухорча” фольклор ва “Мавриги” мусиқий туркумлари жамланган. Бухоро фольклори локал белгиларига кўра алоҳида ўзига хосликларга эга. Бухоро мусиқий фольклорининг тарихини, табиатини, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, тадқиқ этиш муаммолари эса ҳамиша долзарб бўлиб келган.

Маълумки, “Бухороча” асосан бухороликлар орасида вужудга келиб, узоқ асрлар давомида халқ орасида ижро этилиб келган қўшиқлар туркуми саналса, “Мавриги” миграцион қўшиқ ва рақслардан таркиб топган гўзал санъат ҳосиласи бўлиб, маҳаллий ижрочиларнинг маҳорати туфайли сайқалланган халқ мусиқий асарларидир.

“Бухорча” ва “Мавриги” мусиқий тўпламларини фольклор санъати сифатида тадқиқ этиш, ўрганиш натижасида Бухоро фольклор қўшиқлари намуналари жамланиб, чоп этилган. Ушбу мусиқий туркумларнинг тарихи, илмий-назарий асослари ўрганилган.

Мусиқашуносликда “Бухороча” ва “Мавриги” туркумларига мансуб халқ қўшиқ ва рақсларини ўрганиш, кенг тадқиқ ҳамда тарғиб этиш ишлари Н.Миронов, Е.Романовская, И.Акбаров, М.Ашрафий, Ф.Кароматов, Н.Нуржонов З.Тожикова ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Бироқ, муаллифлар илмий-ижодий фаолиятлари давомида “Бухорча” ва “Мавриги” ашула ва рақс туркумидан айрим қисм ҳамда парчаларни-гина нотага кўчириш, уларнинг мусиқий-назарий жиҳатларини асослаш билан кифояланганлар, холос.

Х1Х аср иккинчи ярми ва ХХ аср бошларига келиб “Бухорча” ашула ва рақс туркуми ўзига хос тарзда ривожланди. “Бухорча” миллий оилавий анъанавий маросимларда, хусусан тўй базмлари, суннат тўйларида кенг ижро этилиб келинган. “Бухорча” тароналари асосан халқ қўшиқларидан иборат бўлиб, унда шинавандалар кайфиятида тез таъсир этадиган лирик қўшиқларидан ташқари ҳазил-мутойиба, шунингдек маросим, тўй соҳибаларига аталган мухаммасхонлик йўллари ҳам мавжуд.

“Бухорча” туркумининг мелодик тузилиши даромад, авж (миён авж), фуровард ва супоришлардан иборат бўлиб, унда мелодик-ритмик жиҳатлари аксарият уфор ва соқинома шаклида бўлиб, тузилишининг равон ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Профессор Ф.Кароматов туркумдаги айрим намуналарини тартибга келтириб, “Ўзбек халқ мусиқаси” китобида лад хусусиятларига оид мулоҳазаларини батафсил баён этган[2.20].

1970-1990 йиллар Бухоро фольклор олимлари ижодида айниқса самарали бўлган. Профессор Охунжон Сафаров “Бухорча” ва “Мавриги” туркумлари”га хос қўшиқларни ёзиб ола бошлади ва рақслари табиатининг ўзига хос жиҳатлари, эстетик-бадиий моҳиятини ўрганишга киришди. Шулар асосида олим 1998 йилда “Гулистон” журналида (3-сон, 32-33-б.), “Бух.ДУ илмий ахбороти” да “Бухорча” рақсларининг жонўртар жозибаси” (2000,1-сон, 19-22-б.) ва “Тафаккур” журналида “Бухорча” рақслар жозибаси” (2004, 3-сон, 116-117-б.) каби мақолаларини ёзиб эълон қилди[3.2].

2000 йилларга келиб, Бухоронинг тарихий мусиқий туркумлари тадқиқотига қизиқиш янада жиддийлашди. Шуниси муҳимки, фольклоршунос профессор Охунжон Сафаров раҳбарлигида муаллифлар гуруҳи ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида “Бухороча” ва “Мавриги” мусиқий туркумлари ижро жараёнини кузатиб, фақат Бухорогагина хос ашула ва рақс туркумлари намуналарининг бир неча нусхаларини моҳир ижрочилар томонидан ижроларини таққослаб, ушбу туркумларнинг бадиий-эстетик моҳиятини асослаб, нота ва сўз матнларини чуқур таҳлил этиб, яхлит бир тўплаб сифатида шакллантирганлар. Натижада, 2005 йилда «Фан» нашриётидан О.Сафаров, О.Атоев, Ф.Тўраевларнинг “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари китоби нашрдан чиқди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, китобда нота ва матнлардан ташқари фақат Бухоро воҳасигагина хос икки мусиқий туркумнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш тарихи, композицион таркиби, тараққиёт жараёнидага ижро ва ғоявий-бадиий хусусиятлари чуқур тадқиқ этилган[4, 3-4].

Бухоро фольклорининг ўзига хос хусусиятларидан яна бир жиҳати - икки халқнинг яшаш, турмуш тарзидаги муштараклик - иккитиллилик, яъни ширу-шакарлик хусусиятида намоён бўлади. Шу боис, мусиқий фольклор асарларини тожик ва ўзбек тилларида ширу-шакар услубида айтиб кетаверишган ва

бундай анъанада тил тўсиққа айланмаган. Бу эса халқлар орасида мусиқий туркумларнинг тарғиботида муҳим аҳамият касб этган.

Хуллас, Бухоро мусиқа фольклорининг тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш ва тарғибот қилиш асносида бугунги кунда ёшлар маънавиятини тарбиялашда ушбу мерос намуналаридан самарали фойдаланиш, унинг мусиқий-педагогик имкониятларидан халқимизнинг аслий мусиқий сарчашмасидан баҳраманд этиш - мусиқа таълим-тарбияси соҳаси билан шуғулланаётган мутахассисларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2019. 7 апрель.
2. Кароматов Ф. Ўзбек мусиқа мероси XX аср. - Тошкент. Ғ.Ғулом нашриёти 1985. – Б. 20
3. Сафаров О. Бухорча рақсларнинг жонўртар жозибаси. – Бухоро. Бух.ДУ илмий ахбороти, 2000, 1-сон. Б 19-22.
4. Сафаров О., О. Атоев., Ф. Тўраев “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари. – Тошкент. Фан, 2005. Б-3-4.

САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Темиров Ф.У. т.ф.ф.д. (PhD), БухДУ
Носиров Ш. талаба, БухДУ

Аннотация

Ушбу мақолада, Ёш бухороликлар ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири, маърифатпарвар адиб Садриддин Айнийнинг ижтимоий фаолияти, педагогик қарашлари ва “Болалар тарбияси” асарида ёшларнинг таълим-тарбиясига оид фикрлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ширкати Бухоройи шариф, Заруриёти диния, Тартил–ул Қуръон, Тартил–ул Қуръон, Хўжи сибён, Маърифат кутубхонаси

Маълумки, Садриддин Айний (1878-1954) Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган сиймоларидан, Бухорода жадид мактаблари очишнинг биринчи ташаббускорларидан, баркамол авлодни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш, уни таълим-тарбияси ва келажаги учун қайғурган маърифатпарвар адиблар бири эди. Янги авлоднинг эртанги кунини, илму-маърифати ва таълим-тарбиясини ўйлаган миллий зиёлиларимиз Туркистонда янги усул мактабларини очдилар. Бу мактаблар учун дастлабки алифболар, аниқ фанлар бўйича дарсликлар, ўқиш китобларини яратдилар.

Бухорода ташкил этилган янги усул мактабларини дарслик ва янги адабиётлар билан таминлаш, ёшларни хорижда таълим олишларига кўмаклашиш мақсадида Ёш бухороликлар ўз ораларида “Ширкати Бухоройи шариф” (“Бухоройи шариф ширкати”) номида ширкат тузадилар[1:102]. Ушбу ширкат муассислигида Айнийнинг жадид мактаблари учун ёзган “Тартил – ул Қуръон” (“Қироат китоби”), “Заруриёти диния” (“Диний китоб”) ва “Таҳсиб ус-сибён” (“Болалар тарбияси”) номли ўқиш китоблари биринчи марта 1909 йилда Оренбургда нашр этилади[2:103]. Айний “Таҳсиб ус-сибён” дарслигини Исмоил Гаспринскийнинг “Хўжи сибён” (“Болалар муаллими”) китоби таъсири остида ёзган. Бу китоб 1917 йилда Самарқандда “Маърифат кутубхонаси” томонидан (1914 йилда ёш бухороликлар томонидан ташкил этилган) томонидан иккинчи марта нашр этилади[3:105].

Айнийнинг ушбу дарслиги 88-бет, 7 бўлимдан иборат бўлиб, араб алифбосида, тожик тилида ёзилган. Асар адабий ва диний характерга эга бўлиб, ундаги келтирилган маълумотлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Айний “Қисқача таржимаи ҳолим” асарида китобнинг ёзилиши хусусида шундай фикрларни келтиради: “Биз Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан татар мактабининг дарсларидан ўрганганларимизни ўз дарсларимиз билан қиёслаб бир алифбо яратган эдик (бу алифбо ҳозиргача топилмаган – Т.Ф). Ўзим ҳам бир қироат китобини яратдим. Бу китоб адабий характерга эга бўлиб, китобни 1909 йилда “Таҳсиб ус-сибён” номида чоп қилдим”[4:33].

Олим “Таҳсиб ус-сибён” дарслигида тарбия ва илм олишнинг маркази бўлган мактабнинг ролига алоҳида эътибор беради: “Киши мактаб билан одам бўлади”. Адиб ўзининг маорифпарварлик ва тараққийпарварлик қарашларига таяниб, тарбиянинг асосий мақсадини “ватанига, ўз халқига ва миллатига хизмат қилувчи кишилар етиштириш”[5:6] деб ҳисоблайди.

Шунингдек, “Таҳсиб ус - сибён” асари адабий ва диний характерга эга бўлиб, ундаги келтирилган маълумотлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Жумладан, боланинг уйдаги ўтириб туриши, овқатланиш, кийиниш ва гапириш одоби, ўзидан катта ёшдагиларни ҳурмат қилиши одоби ҳақида, шунингдек, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ўқувчининг мактабдаги юриш-туриши, ўзини қандай тутиш кераклиги ва мактабда доим аъло баҳоларда ўқиб, ҳар бир дарсни ўз вақтида бажарилиши шарт эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган. Шу билан бирга боланинг таълим-тарбияси ҳақидаги турли қизиқарли ҳикоятлар, янги мактаб ва унинг ҳаётдаги ролини аниқлаб берувчи шеърларини ҳам келтиради. “Тўғри ўша замон шароитига мувофиқ, китобда диний нарсалар ҳам бор эди, лекин ҳар нима бўлса ҳам янги бир нарса эди**”** – деб, ёзади олим.

Айний ушбу дарслигида таълим-тарбия олдига қуйидагича мақсадни қўяди: “Ўқиш йўлида ғайрат қил. Одам бўл. Кейин кучинг борича ўз Ватанингга, ўз халқингга ва ўз миллатингга хизмат қиласан”. Унинг фикрича, мактабни демократлаштириш, камбағал болаларни бепул ўқитиш ва ўз она тилларида маълумот беришни тарғиб этади. “Таҳсиб ус-сибён” китобининг “Тарбия кўрган бола”, “Яхши одобли бола” бобларида болаларни маданий хулқ руҳида тарбиялаш ҳақида ҳам айтиб ўтган. “Болалар тоза-озода юришлари, овқатдан олдин ва кейин қўлларини ювишлари, қўл ва оёқ тирноқларини ўз вақтида тозалашлари керак”**.** Асарнинг “Мактаб” бобида ёзувчи: “Мактаб шундай бир жойки, бизнинг фойдамизга бино қилингандир. Илм ва ўқишни, ахлоқ-одобни, илми динни ўргатадиган жой, албатта мактабдир”**.**

“Таҳсиб ус-сибён” китобининг “Ота-она”, “Муҳаммад Юсуфнинг хонаволаси”, “Муҳаммад Фариднинг отасига хати” ва бошқа бобларида Айний болаларнинг ота-онасига муносабати тўғрисида гапириб: “Ота-онани ҳурмат қилиш, улуғлаш зарурлиги, уларнинг топшириқларидан бош тортмаслик керак, ҳамма вақт, ҳамма ишда уларнинг розилигини олиш керак. Чунки улар бизнинг тарбиямиз учун кўп машаққатлар чекканлар”. Олимнинг фикрига кўра, “камбағаллар аҳволига қайғуриш, уларга раҳм қилиш” инсонпарвар кишининг вазифаси бўлиши керак**.** XX аср бошларида Бухоро шароитида бошланғич мактабнинг тўрт синфдан иборат бўлишини маърифатпарвар адиб Айний биринчи бўлиб талаб қилиб чиқади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, адиб Айний “Таҳсиб ус-сибён” асарида таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг етакчи ролини ва марказий фигура эканлигини тўғри англаб етади. Энг асосийси адибнинг ушбу асари халқимизнинг маънавий мероси бўлиб, баркамол авлодларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам у “Фан халққа бойлик келтиради**”,** - деб ёзган эди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлар марказий нашриёти, 1926. – Б. 102.
2. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлар марказий нашриёти, 1926. – Б. 103.
3. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлар марказий нашриёти, 1926. – Б. 105
4. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. / Асарлар. 8 жилдлик. 1-ж. Т: 1963. – Б. 33.
5. Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Самарқанд: 1917. – Б. 6.

SADRIDDIN AYNIY IJODINING JAHONIY AHAMIYATI

Temirov F.U. t.f.f.d. (PhD), - BuxDU,

Annotasiya

Ushbu ilmiy maqolada marifatparvar adib, tarixnavis o‘lim va yozuvchi Sadriddin Ayniy ilmiy-ijodiy merosininig jahon ilm-fanida tutgan orni va ahamiyati, tarjimonlik mahorati, tarixiy-badiiy asarlarining jahon miqyosidailmiy-metodologik jihatdan o‘rganilishi kabi masalalar ilmiy jihatdan tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: Odina, Doxunda, Qullar, Esdaliklar, Robendranat Togor, Lu-Sin, Toho Husayn, Muxtor Avezov, Payomi nav, Suxan

Mashhur ma’rifatparvar adib, olim va jamoat arbobi Sadriddin Ayniy (1878-1954) jahon adabiyoti va ayniqsa Sharq hamda G‘arb adabiyoti va san’atiga zo‘r qiziqish bilan qaragan. U fransuz, ingliz, nemis klassik yozuvchi va shoirlari asarlaribilan tojik va o‘zbek tiliga qilingan tarjimalar asosida tanishadi. Bundan yarim asr avval (1934-y) fransuz xalqining sevimli adibi Viktor Gyugoning mashhur “To‘qson uchinchi yil” romani tojik tiliga M.Yusufiy tomonidan tarjima qilingan edi [1:89]. S.Ayniy roman tarjimasiga adabiy muxarrirlik qiladi. Adib fransuz yozuvchisi Ferdinand Dyushenning sharq xalqlari hayotiga oid “Qamar” romanini o‘zbekchadan tojik tiliga mohirlik bilan tarjima qiladi. S.Ayniy (1928-y) “Qamar” romanini Samarqandda chop ettirar ekan, kitobga kattagina so‘zboshi ham yozadi. Mazkur so‘zboshida yozuvchi fransuz san’atkori Ferdinand Dyushen ijodiga yuksak muhabbat bilan qaraydi[2;63].

Yozuvchining “Odina”, “Doxunda”, “Sudxo‘rning o‘limi”, “Qullar”, “Esdaliklar” kabi monumental asarlari jahon xalqlari tillaridan fransuz, ingliz, nemis, arab, mo‘g‘ul, chex, polyak, hind, xitoy, yapon, bulg‘or kabi o‘ttizdan ortiq xorijiy mamlakat xalqlari tillariga tarjima qilingan. Chet elda Ayniy hayoti va ijodini o‘rganishga, uning asarlarini tadqiq etishga tarixchilar, sharqshunoslar va adabiyotshunos olimlar kata ahamiyat berib keladilar.

O‘tgan yillardavomida S.Ayniy asarlari xorijiy mamlakatlarda uch yuz martadan ortiq nashr qilindi. Birgina mashhur “Esdaliklar” asarini jahonning o‘ttizdan ortiq xalqlari o‘z ona tillarida o‘qimoqda. Xorijiy mamlakatlarda Ayniy hayoti va ijodi haqida ellikdan ortiq maqolalar, ilmiy-tanqidiy asarlar chop etildi. Fransuz adabiy jamoatchiligi, adabiy tanqidchilari “Sudxo‘rning o‘limi”, “Esdaliklar” kabi asarlarni o‘z ona tillarida o‘qir

ekan, yozuvchi mahoratiga yuksak baho berib kelgan. Shuningdek, Sadriddin Ayniy asarlarini chex tiliga tarjima qilgan, yozuvchi hayoti va ijodiy faoliyatiga doir qator tadqiqot ishlari olib borgan chexoslovakiyalik sharqshunos olimlar Yan Ripka va Irji Bechkalar ham S.Ayniy nomini dunyoga tanilgan adiblar bilan bir safga qo‘yadilar[3;52].

Darhaqiqat, o‘z ijodi bilan maktab yaratgan S.Ayniy ijodi dunyo ahamiyatiga molikdir. Osiyo va Afrika yozuvchilarining 1962-yilda Qohirada bo‘lib o‘tgan konferensiyasi Dekloratsiyasida Sharqning klassik san’atkorlari Robendranat Togor, Lu-Sin, Toho Husayn, Muxtor Avezovlar qatori S.Ayniyning nomi ham hurmat bilan tilga olinadi[4;7].

Ma’lumki, Ayniy asarlari otgan asrning 20-30 yillardayoq xorijiy Sharq va G‘arb mamlakatlari kitobxonlari qo‘liga yetib borgan va ular tomonidan zo‘r hurmat va ehtirom bilan sevib o‘qilgan edi. Bu jihatdan eronlik olima ayol Shukuh Xovariyonning o‘z vaqtida S.Ayniyga yo‘llagan bir maktubi xarakterlidir. Shukuh Xovariyon ko‘pchilik kitobxonlar singari “Rahbari donish” (1928-y, №6) jurnalida tojik adabiyotshunosi Rahim Hoshimning “Birinchi inqilobiy tojik qissasi” taqrizini o‘qib g‘oyat hayajonlanadi. Oddiy tojik yigiti kambag‘al Odina bilan pok sevgi-sadoqatga ega bo‘lgan mehnatkash tojik qizi Gulbibining erk va ozodlikka, baxt-saodatga erishish yo‘lidagi mashaqqatli kurashlari va bu kurash yo‘lida qurbon bo‘lishlari mushtipar ayolning qalbini to‘lqinlantiradi va qattiq iztirobga soladi. Tehronlik bu ayolningning qalb so‘zlari “Rahbari donish” jurnalining 1928-yil 8-9 sonlarida e’lon qilinadi.

XX-asrning 20-30-yillarda Eron va Afg‘on ma’rifatparvar ziyolilari o‘rtasida S.Ayniy hayoti va ijodiga qiziqish ancha ortadi. Adibning 1926-yilda Moskvada chop etilgan “Namunai adabiyoti tojik” (“Tojik adabiyotidan namunalar”) nomli ilmiy-adabiy vatarixiy asariga ham qiziqish kuchayadi. Chunki S.Ayniyning bu noyob kitobida O‘rta Osiyo va butun Sharq olamida yashab ijod (X-XX asrlar) etgan 200 dan ortiq shoirlar, yozuvchilar hayoti va ijodi haqida qimmatli materiallar berilgan edi.

Eronda XX-asrning 20-30-yillardayoq S.Ayniy asarlaridan ayrim namunalar markaziy matbuot sahifalarida, jumladan, Eron mamlakatining markaziy jurnali hisoblangan “Payomi nav”, “Suxan” jurnali sahifalarida e’lon qilinadi. Adibning eronlik mashhur shoir Abulqosim Lohutiy g‘azaliga bag‘ishlab yozilgan “Dili Luhutiy” (“Lohutiy dili”) nomli mashhur muxammasi “Payomi nav” jurnali sahifasida (1938-y) e’lon qilinadi. Xuddi shuningdek, S.Ayniyning “Odina” nomli povestidan parchalar, mazkur asar haqida izohlar ham “Suxan” jurnali sahifalarida chop etiladi[5;75].

Ma’lumki, 1934-yilda fors-tojik adabiyotining buyuk klassik shoiri va mutafakkiri Abulqosim Firdavsiyning ming yillik to‘yini tantanali ravishda nishonlagan edilar. Firdavsiy yubileyiga tayorgarlik va uni namunali o‘tkazish maqsadida sharqshunos va adabiyotshnos olimlardan Y.E. Bertels, S.Ayniy, A.Fitrat kabilar zo‘r faoliyat ko‘rsatib ishladilar. S.Ayniy Sharqda ilm-fanning zabardast donishmand olimi Firdavsiy faoliyati, uning shoh asari “Shohnoma”ga bag‘ishlangan qator tadqiqot ishlari olib bordi.1942-yilda SSSR Fanlar akademiyasi Tojikiston filiali Prezidiumi raisi bo‘lgan akademik E.N.Pavlovskiy Eron til va adabiyoti akademiyasida ko‘pgina nashr ettirilgan eng yaxshi kitoblarning katta bir qismini topshiradi. Eronlik ziyolilari S.Ayniy asarlariga ayiqsa katta e’tibor beradilar[6;82].

Jamoat arbobi S.Ayniy hayoti va ijodiyfaoliyatini targ‘ib etishda Eronning mashhur arboblari Said Nasafiy, Parviz Natali Xonlariy, Abulqosim Lohutiy kabilarning roli katta bo‘ldi. Tegron universitetining professori, Erondagi til va adabiyot akademiyasining a’zosi, mashhur adabiyotshunos va sharqshunos olim Said Nasafiy S.Ayniy asarlarini Eronda keng targ‘ib etishda jonkuyarlik qiladi. S.Nasafiy ayniqsa Ayniyning adabiyotshunoslik, sharqshunoslikva adabiyot tarixini o‘rganishga doir tadqiqotlarini yuksak baholaydi[7;41].

Ulkan san’atkor S.Ayniyning nomi va boy ijodi qo‘shni Afg‘onistonda ham ma’lum va mashhurdir. Zotan adib o‘zining mashhur asari “Yetim” asarining ijobiy qahramonlaridan Sora va uning o‘g‘li Yetim – Shodining Afg‘oniston dashtu sahrolarida kechgan hayotlari S.Ayniyning mazkur asarida aks ettirib berilgan. O‘sha vaqtlarda Afg‘oniston Fanlar Akademiyasi Prezidenti bo‘lib ishlagan, mashhur shoir va olim Gulpocha Ulfat, afg‘on xalqining sevimli adibi Sarvar Go‘yo singari fan va madaniyat arboblari ham S.Ayniy adabiy ijodiga zo‘r qiziqish bilan qarab, adibning boy ijodiyotini tadqiq etadilar[8;78].

Afg‘onistonning yirik adiblaridan biri Sarvar Go‘yo qadimiy Samarqand shahrida Sadriddin Ayniy bilan (1945-y) uchrashadi. Uchrashuv davridagi qizg‘in suhbat vaqtida Sarvar Go‘yo amir Sayid Olimxonning ikki ko‘zi ko‘r bo‘lib, Afg‘onistonda vafot (1944-y) etganligini aytadi. “Men S.Ayniyga teng keladigan odamni uchratmaganman. Men bu buyuk insonga shunchalik tez ko‘nikib qoldimki, darhol unga o‘z qalbimni ochdim. U qadrdon do‘stim bo‘lib qoldi. Har tomonlama chuqur bilimga ega bo‘lgan bu mehri daryo zot siz va bizning o‘lkalarimizning munosib vakilidir”, - deb yozgan edi Sarvar Go‘yo.

Adibning avtobiagrafik xarakterdagi ikki mashhur asari “Eski maktab” povesti, “Buxoro” nomi bilan xorijiy mamlakatlarda keng tarqalgan “Esdaliklar” nomli memuar asari, Xitoy Xalq respublikasida ham qayta-qayta (1953-1958-yy) nashr qilingan. Bu asar o‘sha vaqtlarda Xitoyda katta, ommaviy tiraj bilan (1953, 1956, 1957, 1959 yy) yilda chop etiladi. “Esdaliklar”ning 1959-yilda chop etilgan nusxasidagi “kirish so‘z”da tarjimon quyidagilarni yozadi: “Asarning bosh qahramonlari – oddiy, sofdil kishilardir. Ular povestda tasvirlangan zolim amaldorlarga nisbatan bir necha pog‘ona yuqori turadilar. Chunki muallif ehtiromi, simpatiyasi shu oddiy odamlar tomonida turadi”.

S.Ayniyning “Eski maktab” asari 1956-yilda Shanxayda ommaviy tirajda nashr eiladi. Adibning “Buxoro” nomi bilan xorijiy o‘lkalarga mashur bo‘lgan “Esdaliklar” nomli memuar asari xitoy tiliga tarjima qilinib qayta-qayta nashr ettirildi va “Esdaliklar” haqida taqrizlar va maqolalar Xitoy matbuotida e’lon qilindi. Masalan, S.Ayniy “Esdaliklar” asari yozuvchi hayot vaqtidayoq 1953-yilda Shanxayda ommaviy tirajda chop etilgan edi. Oradan sal vaqt o‘tgach, 1957-yilda adibning mashhur “Esdaliklar” asariga yana murojaat etiladi. Mazkur asar kitobxonlarning talab va ehtiyojini qondirish maqsadida qaytadan tarjima qilinadi va “Buxoro” nomi bilan 1957-yilda Shanxayda xitoy tilida chop ettiradilar[9;91].

S.Ayniy asarlari hind xalqiga ham tanish edi. “Biz “Dohunda” romanini Gang sohillarida uchratdik. Roman hind tiliga tarjima qilinib, hind xalqining qo‘lidan tushmayapti. Bu kitob ezilgan xalqning bosqinchilarga qarshi kurashida yordam beruvchi yorqin mash’aladir”. “Dohunda” romani 1948-yilda Ollohobodda hind tiliga nashr ettirildi. Romanni rus tilidan hind tiliga Hindistonning mashhur adibi Rohul Sankrityayan mohirlik bilan tarjima qilgan.

Ayniy asarlarining Hindistonda keng targ‘ib qilgan, yozuvchi asarlari haqida taqriz va izohlar yozgan mashhur adib Rohul Sankrityayan S.Ayniyning boshqa bir prozaik asari “Yetim” povestini ham himd tiliga ag‘daradi. Asar 1956-yilda Ollohobodda ommaviy tirajda chop ettiriladi. Xuddi shu mohir tarjimon Rohul Sankrityayan 1952-yilda Patna shahrida hindiy tilida “Sudxo‘rning o‘limi” povestini ham nashr ettiradi. Oradan bir yil o‘tgach, 1953-yilda esa hind xalqi yozuvchisi S.Ayniyning boshqa bir mashhur romani “Qullar”ni hind tilida o‘qish baxtiga Musharraf bo‘ladi. Shuningdek, S.Ayniyning “Esdaliklar” asari ham avtorning mazmundor so‘zboshisi bilan 1961-yilda bengal tilida nashr ettiriladi[10;102].

Adabiyotshunos olim S.Ayniy vafotidan ikki yil keyin, 1956-yilda adibning “Esdaliklar” asarini arab yozuvchisi Hamid Abu Sa’d ruschadan arab tiliga tarjima qiladi. Bu asar Livan poytaxti “Bayrut” nashriyoti tomonidan 1957-yilda chop ettiriladi. Livan ilmiy jamoatchiligi, taraqqiyparvar ziyolilari arab olami matbuotida Sharqning alloma san’atkori S.Ayniyning boshqa badiiy asarlarini o‘qishga chanqoqliklarini bildiradilar. Buni Bayrut shahrida chiqadigan “Al-adib” jurnali sahifalarida S.Ayniy asarlari va ayniqsa “Buxoro” kitobining tarjimasi bilan bog‘liq qator taqrizlar va maqolalardan ham bilishimiz mumkin.

Alloma san’atkor, zullisonayn yozuvchi S.Ayniyning umrboqiy rang-barang ijodiyoti va ijtimoiy faoliyati dunyoviy ahamiyatga molikdir. Adibning hayot haqiqatini aks ettirgan barcha katta-kichik asarlari dunyo xalqlar tilida qayta-qayta nashr etilishi fikrimizning dalilidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.

1.Брагинский И. Западно – восточний литературний синтез и творчество С.Айни. – Душанбе, 1986. – С. 89.
2.Мулложонова З, Азизқулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе, 1963. – С. 63.
3.Книга жизни Садриддина Айни. (Подготовка издания и исследование Камол Айни. – Душанбе: Ирфон, 1978. – С. 52.
4.Садриддин Айний замондошлари хотирасида. – Тошкент: 1978. – Б. 7.
5.Мулложонова З, Азизқулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе, 1963. – С. 75.
6.Мулложонова З, Азизқулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе, 1963. – С. 82.
7.Книга жизни Садриддина Айни. (Подготовка издания и исследование Камол Айни. – Душанбе: Ирфон, 1978. – С. 41.
8.Брагинский И. Западно – восточний литературний синтез и творчество С.Айни. – Душанбе, 1986. – С. 78.
9.Брагинский И. Западно – восточний литературний синтез и творчество С.Айни. – Душанбе, 1986. – С.91,
10.Мулложонова З, Азизқулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе, 1963, - С. 102.

БУХОРО УЛАМОЛАРИ АМИРЛИК ТАНАЗЗУЛИНИ ИСТАГАН ЭДИЛАРМИ?

Д.Жамолова, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Бухоро амирлиги мусулмон давлати бўлиб, мамлакат шариат қонунлари асосида бошқарилган. Шариат қонунлари ва ислом қонунчилигининг билимдони бўлган уламоларнинг саройда ва халқ орасида мавқеи жуда юқори бўлган. XIX аср охирида ислом давлатларида жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш учун бошланган ҳаракатлар амирлик ҳудудига ҳам кириб келди. Замонавийлик уламолар

томонидан турлича кутиб олинди ва уларнинг ғоявий бўлинишига сабаб бўлди. Ушбу мақолада Бухоро уламоларининг замонавийликка ва ислоҳотларга муносабатлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: уламо, замонавийлик, ислоҳот, жадид, мактаб, маориф, мадраса, матбуот.

Бухоро амирлиги мусулмон давлати бўлиб, мамлакат шариат қонунлари асосида бошқарилган. Шариат қонунлари ва ислом қонунчилигининг билимдони бўлган уламоларнинг саройда ва халқ орасида мавқеи жуда юқори бўлиб, улар жамиятни бошқаришда Қуръони карим ва шариат қонунларига бўйсунганлар. Аммо совет даврида ҳар қандай диний уламо жоҳил, диндорлар эса жамият тараққиётини орқага тортувчи қора кучлар сифатида талқин этилди ва ўша даврда ёзилган адабиётларнинг деярли барчасида уламоларга нисбатан салбий фикрлар билдирилди.

Бироқ қадимчиликнинг моҳияти ҳақидаги масала тадқиқотларда амалий тарзда ўртага қўйилмади. Ваҳоланки, уламолар шариат меъёрларини халқ турмуш тарзида қатъий равишда сақлаб қолишни рус маъмуриятининг шовинистик сиёсатига ва провослав миссионерлик ҳаракатига қарши муҳим тўсиқ деб билганлар.

Бухоро уламолари жамиятга кириб келаётган ўзгаришларни турлича қабул қилганлар ва бу масалаларда ўзаро зиддиятли муносабатларда бўлганлар. Шундай қилиб, амир саройида Муҳаммад Икром ибн Абдуссалом Бухорий бошчилигидаги ислоҳотчи, муфти Абдураззоқ бошчилигидаги консерватор уламолар гуруҳлари шаклланган [1:22].

Мулла Абдураззоқ домла Қўқонда туғилган бўлиб, Бухорода 42 йил яшаган ва “Розиқча” номи билан машҳур бўлган. Амир саройидаги хизматлари учун катта ер-мулк соҳибига айланган. Бухородаги консерватив гуруҳ раҳбари ва эски усул мактаблари тарафдори бўлган. 1914 йил ҳаж сафарига кетиб, Маккада вафот этган.

Мулла Абдураззоқ ҳаммаслаклари: мударрис Мулла Қамариддин, тошкентлик Мулла Холмурод, Мулла Абдурасул ва амир саройида раис лавозимида бўлган Бурҳониддинлар билан биргаликда жамиятга кириб келаётган ҳар қандай янгиликлар ғайридинларга тегишли бўлиб, уларни қабул қилишни шариатга зид деб ҳисоблаганлар. 1912 йилги махфий маълумотларда консерватив қарашдаги уламолар Россияга қарши Афғонистон билан махфий алоқалар олиб бораётганлиги қайд этилган [2:447]. 1914 йил 17 апрелда “Якшамбай” лақабли махфий хизматчи берган маълумотда қайд этилишича эса, бу гуруҳ Россия империясига қарши ташвиқот ишларини олиб борган [3:38]. Туркистон район муҳофаза бўлими маълумотларига кўра, Бурҳониддин раис, Мулла Абдураззоқ, Мулла Қамариддин ва Мулла Абдурасуллар 1910 йил январда бўлиб ўтган шиа-сунний низоларининг раҳбарлари ҳам эдилар. Улар Остонақул қўшбеги саройдаги барча юқори мансабларга шиа мазҳабидан бўлган ўртоқлари ва яқин қариндошларини тайинлаётганига қарши чиқиб, унинг бу ҳатти-ҳаракатини шариатга зид деб ҳисоблашган. 1910 йил 9 (22) январда Остонақул қўшбегининг шиалар мотам маросимларини очиқчасига нишонлашларига рухсат бергани эса мазҳабий низоларнинг бошланишига баҳона бўлган.

Шиалар Бухоронинг Ўғлон дарвозаси яқинидаги сарбозхонада ўзларининг ашуро мотам маросимини ўтказаётганларида сунний муллаваччалар билан жанжал чиққан. Остонақул қўшбеги ўз лавозимидан фойдаланиб, шиаларни ҳимоя қилган. Бундай фурсатни кутиб турган Мулла Абдураззоқ, Бурҳониддин раис ва мулла Қамариддин халқни ғалаёнга келтирган [4:131].

Шундай қилиб, 1910 йил 10 январда Бухоро шаҳрида икки мазҳаб вакиллари ўртасида уруш бошланиб кетган ва бунда икки томондан юзлаб кишилар ўлдирилган [5]. Остонақул қўшбеги ва Насруллабек парвоначи Амир Абдулаҳадхон фармойиши билан, қўзғолонни бостиришга ҳаракат қилганлар. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмаганлар. Воқеанинг жиддий тус олганини кўрган Остонақул қўшбеги Янги Бухородаги Россия ҳукуматидан ёрдам сўраган. Бунга жавобан генерал Лелинтал бошчилигида 2000 нафар рус аскарлари Бухоро шаҳрига етиб келган [6]. Ўша йилнинг 13 январида Кармана шаҳридан Бухоро амирининг валиаҳди Олимхон Тўра ҳам Бухоро шаҳрига келган ҳамда 15 январда Остонақул қўшбеги ва унинг икки мулозимини лавозимидан озод этиб, Карманага жўнатиб юборган [7].

Айни шу даврда ўз атрофига ислоҳотчилик тарафдори бўлган мингга яқин кишиларни тўплай олган Муҳаммад Икром ибн Абдуссалом (Домла Икром) Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги консерваторларнинг диний мутаассиблик, мазҳабий низолар ва янги усул мактаблари борасидаги салбий қарашларига қарши майдонга чиққан.

Шу ўринда Домла Икром шахсиятига тўхталиб ўтсак. 1847 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Боғикалон қишлоғида дунёга келган, кейинчалик Пойи Остона гузарида яшаган. Бошланғич мактабни тугатгач, 1860 – 1880 йиллари Бадалбек мадрасасида қози Абдушукур ибн Абдурасул Бухорийдан таҳсил олган. Муҳаммад Шариф Садри Зиё (1865-1932) ўзининг “Шуаройи мутааххирийн ва фузалойи муосирийн” асарида ёзишича, Икром Домла “Акрам” тахаллусида шеър ёзган. “Тазкират аш-шуаро”да Икром Домла Мир Араб мадрасасида, “Афзал ат-тизкор”да эса “Абдуллахон” мадрасасида дарс бергани айтилган. У 1894-1896 йилларда Муҳаммад Аваз Хўжандий ҳамроҳлигида ҳажга борган ва Истанбул, Бағдод, Шероз каби исломий шаҳарлардаги тараққиётни кўриб таъсирланган. Сафардан қайтгач,

Бухородаги таълим дастурларини танқид қилиб, мадрасаларда тафсир, ҳадис фанларини ўқитишни ёқлаб чиққан. Шунингдек, жадид мактабларини ташкил этиш тарафдори бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаган [8:44].

1912 йилда Икром Домла жамиятдаги иллатларни очиқ ойдин танқид қилувчи *“Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн” (“Уйқудагиларни уйғотиш ва жоҳилларга билдириш”)* номли китобини нашр эттирган [9:1-55]. Бу асар ўз навбатида мавжуд тартиблар ва анъаналар тарафдори бўлган Домла Абдураззоқ бошчилигидаги гуруҳнинг норозилигига сабаб бўлган. Домла Абдураззоқ маслакдошлари билан асарни таҳлил қилиб, уни жамият учун хатарли деб хулоса келганлар ва Икром Домлани Намозгоҳ масжиди майдонида Рамазон ҳайити куни ўлдиришга қарор қилганлар. Бундан хабар топган Бухоро амири Саййид Олимхон Домла Икромни Зандана туманига қози қилиб юборган. Унга қўшбеги томонидан лавозими учун 600 танга маош белгиланган. Орадан бир оз вақт ўтгач, Домла Икром Қоракўл туманига қози этиб тайинланган ва ҳар ой унга 1000 танга маош берилган [10:225].

1914 йил январида Амир Олимхон мулла Абдураззоқ вафотидан сўнг, Домла Икромни саройга таклиф қилган ва муфти этиб тайинлаган [11:65-66]. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, дунёда содир бўлаётган янгиланишлар ва ислоҳотлардан бевосита хабардор бўлган Амир Олимхон жамиятда бўлиши кутилаётган янгиликларга нисбатан қарама-қарши кучлар мавжудлигини инобатга олиб, мамлакатда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий янгиликларни босқичма- босқич жорий этишга қарор қилган.

Тараққийпарвар ва консерватор қарашдаги уламолар ўртасидаги низолар турли муаммолар атрофида кучайиб борган. Домла Абдураззоқ вафот этгач, унинг энг яқин маслакдошлари Мулла Холмурод ва Мулла Қамариддин 1913 йилда Бухорода “Иттиҳод” жамиятига асос солиб, консерватив қарашдаги уламоларни ўз атрофида жипслаштирган. Бу ташкилотнинг асосий мақсади – мусулмонларни ғайридинлар қўл остидан озод қилиш бўлган. Ташкилот аъзолари бутун Туркистон ҳудудида *“Ким мусулмонларга ёрдамлашса, у Оллоҳни англагандир”* шиори остида сиёсий-диний ташвиқот олиб борганлар ва жиҳод учун пул йиғишган. Жамиятнинг Самарқанд, Каттақўрғон, Қўқон ва Ўш шаҳарларида ҳам аъзолари бўлган [12:494].

Мулла Қамариддин ва унинг тарафдорлари халқ орасида 1917 йил 7 апрелгача, яъни амирнинг ислоҳот фармони имзоланган кунга қадар норозилик ташвиқотларини олиб борганлар. Шу кундан бошлаб, уламоларнинг маориф ва дин ислоҳи масаласидаги тортишувлари сиёсий қарама-қаршиликка айланган. Икром Домла ва Мулла Қамариддин бошчилигидаги ҳар икки гуруҳ амирлик бошқарув тизимини ёқласалар-да, жадид мактаблари борасида қарама-қарши фикрда эдилар. Жумладан, 1917 йил апрель ойи охирларида Мулла Қамариддин ва Мулла Холмурод бошчилигидаги қадимчилар муфтиларга жадид мактаблари шаръан “жоиз эмас”лиги, жадидлар билан мулоқот қилмаслик кераклиги ҳақидаги фатвога муҳр бостириб олганлар. Икром Домла бунга қарши чиққан ва қўшбегига норозилик хати ёзган. Бу мактуб эса Икром Домланинг иккинчи бор сургун қилинишига сабаб бўлган. Қўшбеги ва қозикалоннинг уни марказдан узоқлаштириб, Ғузор вилоятига қози қилиб юборганлар [13:63].

1917 йил апрель воқеалари даврида Мулла Қамариддин ҳам ҳибсга олинган ва кейинчалик амирлик ҳудудидан чиқариб юборилган. Унинг ўрнини Мулла Холмурод ва Мулла Шавкатиддин кабилар эгаллаб, 1920 йилга қадар ислоҳотчиликка қарши ҳаракатлар олиб борганлар.

1918 йил баҳорида Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовнинг Бухорога қарши қуролли ҳаракатни амалга ошириши оқибатида Амир Олимхон Ёш бухороликларни хоинликда айблаб, жазолашни буюрган. Улар орасида Икром Домланинг Ҳабибулло исмли ўғли ҳам бўлгани учун ҳибсга олинган, уй-жойи мусодара қилиниб, барча китоб ва қўлёзмалари ёндириб юборилган, ўғли қатл қилинган.

1920 йилда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати томонидан Икром Домла бутун оиласи билан озод қилиниб, Бухоро шаҳрига келтирилган ва адлия вазирлиги нозири этиб тайинланган. 1922 йилга келиб эса янги ташкил этилган шаръий қозилик маҳкамасига раис этиб тайинланган. 1924 йилда нафақага чиққан ва 1925 йилда вафот этган [14:46].

Хулоса қилиб айтганда, Домла Икром бошчилигидаги тараққийпарвар уламолар Бухоро жамиятига кириб келаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий янгиликларнинг фойдали жиҳатларини қабул қилиб, мамлакатни ривожлантириш учун фойдаланишни лозим деб билдилар. Мулла Абдураззоқ, Мулла Қамариддин ва Мулла Холмурод бошчилигидаги консерватор уламолар эса жадид мактабларида замонавий фанларнинг ўқитилиши болаларнинг ислом динини унутишига хизмат қилади, деб ҳисобладилар. Улар бутун дунёда тезлик билан оммалашиб бораётган жамиятнинг барча соҳаларидаги янгиланишларга тўсиқ бўлолмасликларини англаб етмадилар. Янги усул мактаблари ва замонавий таълимга, давлат тузумини ўзгартириш билан боғлиқ ҳаракатларга қаршилик қилдилар. Мамлакатни ислом қонунлари асосида бошқаришни ёқлаб чиқдилар. Бу эса жамиятдаги турли гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни чуқурлаштирди ва амирликнинг мустамлакага айланиши жараёнини тезлаштирди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар.Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1926.
2. Ўз МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 447-варақ.

3. Ўз МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 38-варақ.
4. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи.
5. Бухорои Шарифда пайдо бўлган бетартибликлар хусусида // “Туркистон вилояти газети”, 1910 йил 14 январь. - № 4.
6. Бухорои Шарифда пайдо бўлган бетартибликлар хусусида // “Туркистон вилояти газети”, 1910 йил 16 январь. - № 5.
7. Бухорои Шарифда пайдо бўлган бетартибликлар хусусида // “Туркистон вилояти газети”, 1910 йил 21 январь. - № 6.
8. Иноятов А., Солиева М. Зулматдаги зиёкорлар. - Тошкент: Hilol-nashr, 2016.
9. Ўз МА, И-3 фонд, 2-рўйхат, 215-иш, 1-55-варақлар.
10. Ўз МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 225-варақ.
11. Ўз МА, И-3 фонд, 2-рўйхат, 215-иш, 65-66 варақлар.
12. Ўз МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 494-варақ.
13. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти, 1926.
14. Иноятов А., Солиева М. Зулматдаги зиёкорлар.

ҚУЙИ ЗАРАФШОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАСИ

Ш.Б.Холиқулова
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD) НавДПИ

Аннотация

Мақолада муаллиф саноат тарихини ўрганиш орқали мамлакатнинг ривожланиш тенденцияларидан бири таҳлил килинишини очиб берган. Ушбу масала бирламчи манба ҳисобланмиш архив фондларида сақланаётган ҳужжатлар асосида ёритилса, тадқиқотнинг илмий натижаси ва имкониятлари кенгаяди.

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг янги тарихи, архив маълумотлари, Навоий электрокимё комбинати, ишлаб чиқариш, халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганишда архив маълумотларининг ўзига хос ўрни бор. Биз биламизки, саноат тарихини ўрганиш орқали мамлакатнинг ривожланиш тенденцияларидан бири таҳлил килинади. Бугунги глобаллашув жараёнининг тобора кучайиши, минтақалар ва давлатлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг тезлашиши халқ хўжалигида етакчи ўрин тутган саноат ишлаб чиқаришига инвестициялар жалб қилиш заруриятини ошириб, халқаро амалиётда ишлаб чиқаришни субсидиялаш ва молиявий имтиёзлар бериш, давлат кафолати билан кредитлар ажратиш сингари молиявий воситалардан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенгайтириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш орқали рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кун тартибига қўйди.

Ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида саноат ишлаб чиқаришига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг иқтисодий барқарорликни таъминлашда тутган ўрнини белгилаш, Марказий Осиёда саноат ишлаб чиқариши тармоқларини модернизациялаш жараёнлари ва эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ўрганиш, иқтисодий ўзгаришларнинг аҳоли моддий ва маънавий турмуш шароитига таъсирини таҳлил қилиш, саноат ишлаб чиқариши таъсирида тобора мураккаблашиб бораётган экологик муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга эътибор кучайтирилмоқда. Бундай маълумотлар архив фондларини ўрганиш орқали олибборилса мақсадга мувофиқдир.

Навоий вилоят давлат архиви фондларида худуднинг саноат тарихига оид қатор фондлар мавжуд:

Навоий электрокимё комбинати: Ўзбекистондаги йирик кимё комбинатларидан бири бўлиб, у “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси таркибига киритилган. Комбинат қурилишининг лойиҳаси 1960 йилнинг 12 мартида собиқ Иттифоқ ҳукумати томонидан тасдиқланди. Корхона 1964 йилда ишга туширилган [1]. 1965 йилнинг март ойида Навоий кимё комбинати ўзининг дастлабки маҳсулоти аммиак ишлаб чиқарди. Шу йили комбинат меҳнат жамоаси истеъмолчиларга 104 минг 500 тонна аммиак селитраси, 308 тонна цинамид етиштириб берди[2]. Кейинги йилларда корхона ривожлана бориб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб борди. 1960 йилдан Навоий кимё комбинатида сирка кислотаси, гербицидлар-нитран, которан, бронотак, инсектицидлар-фозалон, трефлан ва бошқалар ишлаб чиқарилади[3:583]. 1969 йилда синил кислотаси, 1971 йилда нитрон толаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1971 йили корхона Навоий кимё комбинати таркибидан Навоий электрокимё комбинати ажралиб чиқди. 1975 йил Навоий кимё комбинати «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди[4].

1976 йилдан корхона ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. 1980 йили корхонада которан гербициди ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1981 йилдан комбинат Навоий "Электрокимё" заводи деб атала бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси янги технология-ларни жорий этишга киришди. 1993 йилнинг сентябр ойида "Полиакрилалида олувчи қурилма", шунингдек, биопруд, биокимётозалагич насоси ва японияликлар қурилмаси асосида тўқима кийимлар ишлаб чиқарадиган "Агама 107 449А" корпусини ҳам ишга туширилди. Синил кислотаси, шлаконакомитал-бутлатгич маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ишлаб чиқариш режалаштирилди[5].

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк қўмитаси жамиятнинг таъсисчиси бўлгач, корхона модернизация қилинди, янги ишлаб чиқариш линиялари фойдаланишга топширилди. Корхонада 36 та асосий, 39 та таянч цехлари ишга туширилди. Замонавий юқори самарали технологияларни жорий этилиши билан ишончли ва экологик тозалик таъминланди. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш масалалари ҳал этилди. Навоий кимё комбинати республикада кимё саноатининг кенжа тармоқларидан бири - органик синтез кимёсининг энг йирик корхонаси ҳисобланади. Унинг таркибида ацетилен, сирка кислотаси, ацетил-целлюлоза, нетрон тола ишлаб чиқарадиган махсус цехлар яратилди[6:72].

Химия саноатини хусусийлаштириш ва акционерлаштириш механизмини қайта ишлаб чиқиш мақсадида "Электрокимё" заводини 1994 йилдан ёпиқ типдаги акционерлик жамиятига айлантириш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинди. Заводда янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Катта партияда сифатли ош тузи, активлашган кўмир, бетонит лойи, бензой кислотаси каби ноёб маҳсулотлар шулар жумласидандир[7]. 1996 йилдан Навоий "Электрокимё" заводи акционерлик жамияти – Ўзбекистон–Панама қўшма корхонасига айлантирилди.

Корхона мамлакатимизда ўсимликларни кимёвий воситалар билан ҳимоя қилувчи ягона ташкилот бўлиб, у қишлоқ хўжалигини кимёвий воситаларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ихтисослашган. 1996 йилнинг охирида корхонада Франциянинг "Спейшим" фирмаси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 10 минг тонна бўлган фозалон ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Фозалон инсектокаридциди мевали экинлардаги ўсимлик бити, колорадо қўнғизи, кана ва бошқа зарарли ҳашаротларни йўқотишда юқори самара берди. Корхона Франциядан ташқари, Швейцариянинг "Сингента", "Далстон", Германиянинг "Лурги", Япониянинг "Сумитомо", Хитойнинг Хунан экспорт-импорт корпорацияси, Буюк Британиянинг "Дау Агросаинс" фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик қилади[8].

2002 йили "Навоийазот" ОАЖига айлантирилгач, Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган кимё корхонаси мавқеига эга бўлди. У "Ўзкимёсаноат" ДАКнинг таянч корхонаси сифатида минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва бошқа зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлай бошлади. Ҳозирга пайтда корхона Республиканинг 30 фоиз кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бугун "Навоийазот" ОАЖ республикамизда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда[9:372].

1991-2014 йиллар оралиғида комбинатда 14 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Жумладан, Марказий Осиёда ягона суюқ хлор, хлор маҳсулотлари ва каустик сода ишлаб чиқариш, гилам ва гилам маҳсулотлари, аргон, метанол сингари ўнлаб маҳсулот турларини тайёрлаш йўлга қўйилди[10].

Мамлакатимизда кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестиция жозибадорлигини ошириш ва тармоқли диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелда "Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Қарорда "азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб минерал ўғитларни, шу жумладан, ушбу маҳсулотларни "Навоийазот" АЖ, "Самарқандкимё" АЖ, "Фарғонаазот АЖ, "Қўқон суперфосфат заводи" АЖ, "Аммофос-Максам" АЖ, "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ негизида, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ва Навоий вилоятининг Томди туманида ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ҳамда энергия жиҳатидан самарадор янги қувватларни барпо этиш" назарда тутилди[11].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Нафакат Ўзбекистон миллий архиви фондларини ўрганиш керак балки, вилоятлар архиви фондларидан ҳам қимматли маълумотлар олишимиз мумкин. Навоий вилоят давлат архиви мисолида биз бу масалага қисқача тўхталиб ўтдик.

Адабиётлар рўйхати:

1. https://uzkimyosanoat.uz/uz/company/history (05.07.2013)
2. Навоий ВДА. М-100. 1-рўйхат.123-иш. 9 -13 варақ.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4 жилд. -Тошкент: ЎзМЭ, 2002. –Б. 583.
4. http://www.navoiyazot.uz/uz/kompaniya-haqida/tarix
5. Навоий ВДА. М-206. 1-рўйхат.78-иш. 96-варақ.

6. Асанов Г., Набижонов М, Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - Б.72.
7. Навоий ВДА. М-206. 1-рўйхат.78-иш. 96-варақ
8. Навоий ДА. Ф-М.388. Дўстлик байроғи. 2008 йил 16 июнь
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Тошкент:, Ўзбекистон, 2002. - Б.372.
10. Навоий ДА. Ф-М.388. Дўстлик байроғи. 2008 йил 16 июнь.
11. Навоий ДА. Ф-М.388. Дўстлик байроғи. 2008 йил 16 июнь
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Тошкент:, Ўзбекистон, 2002. - Б.372.
13. Навоий ДА. Ф-М.388. Дўстлик байроғи. 2008 йил 16 июнь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2019 йил 4 апрель

TARIXIY VOQEALARNI O‘RGANISHDA TAHLIL VA DALIL

S.R.Tolibova,
O‘zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo‘yicha muvofiqlashtiruvchi metodik markazi ilmiy xodimi

Annotatsiya

Ilmiy maqolada tarix fani metodologiyasiga oid tahlil va dalil masalasi atroflicha yoritishga harakat qilingan. Asosiy metodologik jihatlari, tarix fani voqea-hodisalarni xolisona o‘rganishdagi o‘rni va ahamiyati berilgan.

Kalit so‘zlar: Metodologiya, tahlil, dalil, tarixiy manba, tarixiy asar, tarixiy voqea, tafakkur, tarixiy tamoyil, milliy g‘oya.

Tarix fani murabbiylik, yaratuvchanlik, yo‘naltiruvchilik va insoni istiqbolga da’vat eadigan kuchdir. Mazkur fan inson taraqqiyotiga kuchli ta’sir o‘tkazadi, milliy mafkurani shakllantiradi. Ayniqsa, uning xalq tarixi, uning rivojlanish bosqichlarini nechog‘lik o‘rganish, undan saboq chiqarish, yoshlarni komil inson qilib tarbiyalashdagi o‘rni nihoyatda beqiyosdir. Shu sabab hali o‘tgan asrning 90-yillari boshlarida yangi yosh davlatimiz oldida mamlakatimiz mustaqilligini mustahkamlash, o‘z taraqqiyot yolini belgilab olish, bu yo‘lda yoshlarimizni ulug‘ ajdodlarimiz ilmiy – ma’naviy qadriyatlarimiz asosida tarbiyalsh vazifasi ko‘ndalak bo‘lib turganida, biz aynan shu fan kuchi va ta’siridan foydalandik. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonuni “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” hamda «Davlat ta'lim standartlari» talablariga muvofiq barkamol shaxs va malakali mutaxassisni tarbiyalashga qaratilgan ijtimoiy harakat muvaffaqiyatini taminlashga erishdik.

Bugunda faxr bilan aytishimiz mumkinki, mamlakatimizda milliy mafkuraga asoslangan O‘zbekistonning boy intellektual salohiyatini yana bir bor jahonga namoyon etdi. Yurtimizda ta’lim tizimi tarixi va uning ravnaqi, istiqboli keng o‘rganilmoqda, to‘plangan jahon tajribalaridan foydalinmoqda, oquv jarayonida innovatsion uslublarni qo‘llash jadal sur’atda amalga oshmoqda. Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganidek,“O‘z kuchimiz va imkoniyatlarimizga bo‘lgan ishonch bizni Uchunchi Renessans poydevorini yaratishdek ezgu maqsad yo‘lida birlashtirib, yanada kuchli va mustahkam qilmoqda[1].

Ta’lim - tarbiyaga alohida ahamiyat berish - bu kelajak haqida qayg‘urish demakdir. Endilikda har qaysi davlat, har qaysi millat, birinchi navbatda o‘zining yuksak madaniyati va ma’naviyati bilan kuchlidir. «Kuch – bilim va tafakkurda[2] deb takidladilar, birinchi Prezidentimiz I. A. Karimov.

Mustaqillikning ilk kunlaridan qabul qilingan qonun va qarorlar o‘z samarasini berib kelmoqda. O‘zbekistonda ta’lim tizimi islohati jumladan, umumta’lim maktablari rivojlanishida ham o‘zining ijobiy o‘zgarishlarini namoyon etmoqda. Jahon mamlakatlari tajribalarini keng ko‘lamda o‘rganish, yangiliklar va yutuqlarni ta’lim tizimiga joriy etish, bularning hammasi bu tizim faoliyatini yanada rivojlantirishga ko‘maklashmoqda. Ayniqsa, yurtimizda juda ko‘plab ta’lim maskanlari bunyod etildi, jahonning, yirik o‘quv dargohlari filiallari ochildi.

Mustaqillik xalqimiz buyuk kelajak sari eng oliy maqsadlarni belgilash, ularga erishish yo‘llarini aniqlab olishga imkon yaratdi. Maqsadimiz tayin: demokratik, huquqiy, insonparvar, fuqarolik jamiyatini barpo etish. Avvalo bu yuksak vazifani bajarish jamiki insonlardan o‘zlikni anglashni talab etadi. O‘zlikni anglash esa o‘tmishni o‘rganishdan, tarixni bilishdan boslanadi. Darhaqiqat, tarix - tafakkur mahsuli. Bu fan kishini fikrlashga, o‘tmishni idrok qilib, kelajakni aql yo‘rig‘i bilan belgilashga yordam beradi.

Azaldan tarix fanini predmetini belgilash, tarixiy bilim nazariyasidagi eng muhim muamolaridan biri sanaladi. Olimlarning fikricha, tarix tushunchasi va uning vazifasi haqida 30 ga yaqin yondoshuv va tadqiq etish usullari mavjud ekan. Masalan, tarixshunos B. Mogilniskiy “Tarix odamlar faoliyati,

shuningdek, ushbu faoliyat oqibatlari bilan bog‘liq bo‘lgan konkret ommaviy taraqqiyot qonunlarini tadqiq qiladi”, deydi. V. Ivanov esa “Tarix ommaviy hayot qonuniyatlarining konkret shakllarini o‘rganadigan predmet”, deydi. Demak, qarashlar turlicha, yondashuvlar xilma-xil.

Taniqli olim Narzulla Jo‘rayev, tarix fanining mohiyati haqida shunday fikrlarni bildiradi: “Tarix – inson haqidagi, odamlar haqidagi fan. Biroq u bugunning odamlari, kechinmalari, his-tuyg‘ulari, faoliyatlari va munosabatlari xususida emas, balki o‘tgan ajdodlarimiz turmush tarzi, ma’naviy ruhiy kechinmalari, sodir etgan voqea hodisalari, maqsad intilishlari haqidagi fandir”[3]

Tarixiy tafakkur ma’rifatli jamiyat qurishning muhim omili sanaladi. Zotan, otmishni anglash, uni to‘g‘ri tushunish orqali kishilar ruhiyatida jiddiy o‘zgarishlar yasashga, bu orqali hayotni, turmush tarzini, oxir oqibatda esa jamiyatni ma’naviy isloh qilishga erishiladi. Demak, jamiyat va uning ijtimoiy taraqqiyoti tarix fani asosini tashkil etib, shu fanning ob'ekti sanaladi.Tarix fanining predmeti esa, o‘tmishda ro‘y bergan voqea– hodisalar bo‘lib, ular o‘zining betakrorligi bilan alohida xususiyatga ega. Tarix fani kishilik jamiyatining o‘tmishini o‘rganar ekan, tom ma’noda insonshunoslikdir. Demak, tarix fanining predmeti - insondir.

Tarixiy voqealarni o‘rganishda qanday ilmiy-nazariy, metodologik asoslarga tayanishning ahamiyati juda katta. Ma’lumki, Sho‘ro hukumati davrida xalqni ataylab savodsizlantirish, o‘z otmishidan ajratib qo‘yish, ajdodlari, nasl-nasabi va butun tarixidan bexabar qilish siyosati olib borilgan bo‘lib, u davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgan, kommunistik mafkuraning butun mazmun-mohiyatini tashkil etgan edi. Unda o‘qitish ishlari marksistik metodologiyaga bo‘ysundirildi. Har qanday voqeani yoritishga komfirqa mafkuraviyligi, partiyaviylik, sinfiylik nuqtai nazaridan yondoshildi. Mamlakat, butun bir xalq tarixi ikkiga - ekspluatatorlar va ekspluatatsiya qilinuvchilarga bo‘lindi. Boylar va mulkdorlar, ular orasidan chiqqan beklar, amirlar, xonlar, davlat arboblari, ruhoniylar qoralandi, nomlari badnom qilindi. Tarixiy voqealar jamiyat aozolarining bir qismi - kambag‘allar va yo‘qsillarni himoya qilgan, ularning manfaatiga bo‘ysundirilgan holda yoritildi. Din, diniy qadriyatlar qoralandi, insonlarning diniy eotiqodlari oyoqosti qilindi, ruhoniylar quvg‘in ostiga olindi. Buyuk olimlar, allomalar, maorifatparvar shoiru-ulamolar, yozuvchilar ikkiga - materialistlar va idealistlarga bo‘lindi. Ulardan u yoki bu dinga eotiqod qilganlari idealist deb ataldi, taoqib etildi, ularning faoliyatini o‘rganish taqiqlandi, o‘zlari tahqirlandi, asarlari xalqdan yashirildi, yo‘qotib yuborildi.

Oqibatda ko‘pgina tarixiy voqea-hodisalar soxtalashtirildi, o‘tmish qoralandi, ma’naviy merosimiz, milliy qadriyatlarimiz haqoratlandi. Yosh avlodga ularni jirkanch illat, xurofot, eskilik sarqitlari deb o‘rgatildi. Xalqimiz tarixining bu qadar soxtalashtirilishiga faqat marksistik metodologiyaning yaroqsizligi aybdor deyish kifoya qilmaydi, albatta. Bu borada mamlakatda hukmron bo‘lgan totalitar tuzumning salbiy roli katta bo‘ldi. Tarix esa shu totalitar tuzumning xizmatkoriga, targ‘ibotchi va himoyachisiga, kommunistik mafkura dumiga aylantirilgan edi.

Tarixning fan sifatida yoritish va o‘quvchi diqqatini uzoq o‘tmishga qaratish bilan birga o‘quvchilarning dunyoqarashlarini, ilmiy nazariy tafakkurlarini takomillashtirish, o‘tmish va hozirgi zamondagi voqea va hodisalarga ilmiy xolislik va tarixiy ob'ektivlik tamoyillariga amal qilgan holda tarixiy voqealikka munosabat bildiradigan hamda umuminsoniy qadriyatlar asosida yondashadigan erkin fikrli komil insonni tarbiyalash, o‘quvchilarda xalqimizning madaniy, ma'naviy merosiga, ilg‘or an'analari, milliy qadriyatlari, axloqiy fazilatlariga hurmat,vatanparvarlik tuyg‘ularini, ajdodlarimizning jahon madaniyatiga qo‘shgan hissalaridan faxrlanish va ularning munosib davomchilari bo‘lishni tushuntirish lozim. Bu hol umumta'lim maktablarida tarix fani asoslarini o‘rganish oldiga, xususan ushbu o‘quv fanini o‘qish mazmuniga katta talab qo‘yilishi bilan belgilandi.

Bugunda Vatanimizda tarix fanini o‘rganishning metodologiyasi aniqlab olindi. O‘zbek xalqi va uning davlatchiligi haqqoniy tarixini o‘rganish, mamla-katimiz va chet ellarda mavjud tarixiy manbalar tahlili asosida olingan ilmiy natijalarning jahon miqyosidagi e’tirofiga erishish, ularga tayangan holda ilmiy, ilmiy-ommabop asarlar, darsliklar, turli adabiyotlar yaratish va mazkur bilimlarni keng yoyish hamda tarix sohasida uning vazifasi, metodologiyasini belgilab olish, tarixni anglash, idrok etishda butunlay yangicha qarashlarni qo‘llash vazifalari belgilandi.

Tarix fani tushunchasida - qonuniyatlari, tarixiy jarayon va inson, inson mohiyati, fe’l atvori, xatti – harakatlari, mafaatlari turmush tarsi, urf-odatlari, an’analari, qarashlari va e’tiqodlari talqin etiladi. Bu bevosita insoniyat taraq-qiyotida, sivilizatsiyalar mohiyati va ularning “to‘qnashuvi”da kishilik jamiyati evolyutsiyasi, inson tafakkuri va ehtiyojlari dinamikasi bilan jamiyat rivoji dinamikasi o‘rtasidagi bog‘liqlik, renessans hodisasi, uning yuz berishi va inqirozi sabablari o‘rganiladi.

Tarixni anglash tushunchasi turli davrlarda mutaxassislar, olimlar va boshqa ma’rifatparvarlar tomonidan turlicha talqin etilgan. Bugunda tarixiy bilim va tarixni anglashning xilma-xil shakllari yuzaga keldi. Kimdir tarixiy jarayonni tarixiy-xronologik tarzda o‘rganish g‘oyasini ilgari sursa, kimdir ma’lum bir davrda yuz bergan tarixiy jarayon, voqea va hodisalarni falsafiy o‘rganishga qiziqqan. Yana boshqasi esa ijtimoiy mohiyat, ijtimoiy taqdir va ijtimoiy mantiq izlash orqali tarixiy tafakkurni shakllantirish usullarini yuzaga keltirgan. Masalan: G. Lukach I. Berlin singari olimlar tarixni anglash va tarixiy bilim mohiyati sifatida tarixiy his-tuyg‘uni birinchi darajali hodisa deb bilishgan. I.Vaynberg esa tarix haqida fikrlash va tarixiy tafakkurni anglashning oliy darajasi sifatida tushungan. Yu. Levada, Yu. Afanas’ev, V.

Yakovlev va boshqalar[4] esa tarixiy bilimni ijtimoiy xotira sifatida tushunishga, ular istorizm - har bir narsa yoki hodisaga tarix nuqtai nazaridan qarash tarixiy bilim va tarixni anglashning asosi deb bilishadi.

Bugunda Markaziy Osiyoning ko‘plab tadqiqotchi-olimlari singari yurtimiz tarixchilari ham keng imkoniyatlarga ega bo‘ldi va mintaqa xalqlari tarixini oldindan belgilab berilgan g‘oyaviy me'yorsiz mustaqil tarzda ilmiy xolislik mezonlari asosida yoritib berish imkoniyatiga ega bo‘ldilar. Bozor munosabatlari sharoitiga o‘tish jarayonida ijtimoiy-gumanitar fanlarning transformatsiyalashuvi biryoqlama va ilmiy ishlanmalardan xoli bo‘lgan eski metodologiyadan voz kechish, tarixiy qadriyatlar va tarixiy jarayonlarga qaytadan baho berish zaruratini kun tartibiga olib chiqdi. Shuningdek, “O‘z navbatida informatsion-tahliliy restsrslvrdan foydalanish cheklangan, moliyaviy muammolar, ya'ni fanga sarflanayotgan mablag‘larning etishmasligi qolaversa, tarixiy voqea va hodisalarni yoritishda biryoqlama noxolis baho berish kasalligini avj olishi bilan hamohang davom etdi. Qolaversa, tarix fani bu davrda tarixiy fakt va ob'ektiv haqiqatdan yiroq bo‘lgan tarixiy-madaniy merosni bir xalqgagina tegishli, deb hisoblovchi mifologik qarashlardan ham xoli bo‘lmadi”[5] -degan mulohazasiga qo‘shilmasdan ilojimiz yo‘q.

90-yillar boshlarida siyosiy liberilizatsiya jarayoni o‘zbekistonlik tarixchilarga ham tadqiqot mavzularini dolzarb yunalishlarini tanlash va belgilab olish, olib borilayotgan ilmiy ishlar metodologisi, ilmiy maktab borasida uzoq muddat kutilgan erkinlikni berdi. Bu borada ayniqsa, arxivlarda jumladan, oldingi avlod tarixchilari uchun yopiq bo‘lgan fondlari (masalan, MDH arxivi fondlari)dan foydalanish borasida yangi imkoniyatlar ochilishi, xorijiy hamkorlar bilan sermahsul muloqotlar olib borish va doimiy hamkorlikda ilmiy tadqiqotlar samaradorligiga ma'lum ma'noda ijobiy ta'sir qildi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, ta’kidlash o‘rinliki, yosh tarixchilarimiz oldiga: o‘zbek davlatchiligi tarixi; milliy ozodlik tarixi; o‘zbek xalqining kelib chiqish tarixini o‘rganish, uchunchi ming yillikda dunyo tarixini yangicha nazar bilan o‘rganish masalalari bosh vazifa qilib qo‘yildi.

Ma'lumki, har qanday voqea xodisaga tarix deb qarashimiz noto‘g‘ri. Voqea hodisalar avvalombor jamiyat taraqqiyotiga xizmat qilishi lozim. Yoki aksincha, voqea xodisalar jamiyatdagi mavjud davlatning tanazzuliga yuz tutishiga sabab bo‘lishi mumkin. Bunday holatda tarixdan saboq chiqariladi. Agar voqea hodisa jamiyat taraqqiyotiga, rivojiga xizmat qilsa, undan andoza olinadi.Mana shu oddiy bir haqiqat, tariximizni o‘rganishda uzoq vaqt xaspo‘shlab kelingani ma’lum. Ayni paytda tarixiy voqea – xodisalarga bir kishining fikri deb, yagona haqiqat sifatida qabul qilinishiga yo‘l qo‘ymaslik darkor. Muayyan tarixiy masalaga turli fikrlarni berish, bahs orqali haqiqat oydinlashuviga erishish lozim bo‘ladi. Jumladan, tadqiqot ishida aniq tarixiy fakt va dalillarga tayanib, o‘sha davrda ro‘y bergan voqealarni xolison ko‘rsata bilishi kerak. Unda aniq tarixiy voqealar aks etmog‘i lozim. Bundan, o‘z o‘zidan taqqoslash usuli kelib chiqadi. Masalan: Ibn Arabshoxning A.Temurga nisbatan adovati va kitobidagi salbiy nuqsonlar va hokazo. Aksincha, Ali Yazdiy va Nizomiddin Shomiy saroy tarixchilari bo‘lganligi sababli birmuncha madhiyabozlikka yo‘l qo‘yganliklari va hokazo.

Bugunda tamoyillarga tayangan holda yana davriylik va uzviylik qoidalariga ham amal qilinmoqda. Tarixchi voqealarni ketma - ket va uzviy ya'ni bir-biriga bog‘langan holda yoritishi, ishda tadqiqotchining nuqtai nazari yaqqol sezilib turibdi. Milliy g‘oya xalqimiz tariximizni xolisona o‘rganishga yordam bermoqda. Yoshlar orasida xavf solishi mumkin bo‘lgan ayrim mafkuraviy tahdidlarga, yovuz intilishlarga qarshi kurashishga ko‘maklashmoqda. Buzuq g‘oyalarning kirib kelmasligi uchun inson qalbi va ongini egallashga chaqirmoqda. Bunyodkorlikga da'vat etmoqda.

Tarixni yaxlitligicha, bir butunligicha anglash uchun tarix fanini mohiyatini anglamoq zarur. Yuz bergan voqeani mohiyatini anglamoq yoki tan olmaslik hamma davrda bo‘lgan.Lekin aniq manbalardan, ishonchli faktlardan foydalanish, voq’ea - xodisalarni tarix haqiqati sifatida qabul qilishga majbur etadi. Bu tarix fanida tarixiy dalil deb nomlanadi.

Tarixiy dalilning asosiy turlaridan biri tarixiy manba hisoblanadi. Lekin manbalarning ham ayrimlari ilmiy asoslangan bo‘lsa, ayrimlari tarixiy tanqidga muhtoj bo‘ladi. Binobarin, bu tarixchining bilim salohiyatiga bog‘liq bo‘ladi. Bu esa tarixchilardan bir necha yo‘nalish va sohalarni bilishni taqozo etadi. Demak, faqat manbalar atrofida fikr yuritish bilangina tarix haqiqatini tiklab bo‘lmaydi. Tarixiy dalil va ilmiy mushoda bevosita inson tafakkuriga, ayniqsa, uning dunyoqarashiga ham bog‘liqdir.Dunyoqarash insonning atrof-muhitga munosabati, hayotdagi o‘rni va pozitsiyasi, insonlik mohiyati, odam va olam haqidagi qarashlari in’ikosidir[6]. Tarixiy dunyoqarash esa kishilik o‘tmishi bilan bog‘liq bo‘lgan, uni o‘rganish jarayonida yuzaga kelgan qarashlar tizimidir.

Bugungi kunda o‘tmish saboqlarini o‘rganishga ehtiyoj tobora kuchayib borayotgannining o‘ziga xos sabablari bor. Chunki qarashlar yangilanmoqda. Munosabatlarning yangi yo‘nalishlari: tarixiy tajriba, ijtimoiy dunyoni inson tomonidan ma’naviy ma’rifiy, ruhiy amaliy o‘zlashtirish va bilishning yangi bosqichini ochib bermoqda. Qadriyatlar haqidagi tassavurlar qalqib chiqmoqda. Demak, tarixiy jarayonlardan chiqariladigan xulosalr faqatgina bilimlar va qadriyatlargina emas, balki ma’naviy qudrat vazifasini bajaradi. Shu nuqtai nazarda qaraganda tariximizni milliy g‘oya ruhi asosida o‘rganish, milliy

haqqoniy tariximizni yaratish avvalabor madaniyatimiz va ma'naviyatimizni yuksaltirish zaririy vazifa bo'lib qolmoqda.

Xulosa qilib aytganda, tarix fanini xolisona o'rganish davr talabiga aylandi. Kishilar onggini eski tuzum asoratlaridan xalos etish, ular qalbida yangicha tafakkur, yangi mafkura g'oyalarini singdirish, milliy qadriyatlarimizni, tilimiz, tariximizni tiklash, barkamol avlod tarbiyasi borasida amalga oshiriladigan ishlarida metodologik asos bolmoqda. Binobarin, yoshlar orasida xavf solishi mumkin bo'lgan ayrim mafkuraviy taqdidlarga, yovuz intilishlarga asosiy to'siq vazivasini o'tamoqda. Tarixchi tadqiqotchining mustaqil fikrga ega bo'lishiga, har bir masalaga ijodiy yondosha bilishiga ko'maklashmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1."(O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojatnomasi). /https//president uz/ uz/ lists /view/4057.
2. Karimov I. A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni - xalq, millatni, millat qilishga xizmat etsin. T. "O'zbekiston". 1998. 24 – bet.
3. Narzulla Jo'rayev. Tarix falsafasining nazariy asoslari. T:, "Ma'naviyat". 2008. 24-bet.
4. Narzulla Jo'rayev. Tarix falsafasining nazariy asoslari. T:, "Ma'naviyat".2008. 195-196-betlar.
5. Karimov I. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. - T.: O'zbekiston, 1999. 45-bet.
6. Narzulla Jo'rayev. Tarix falsafasining nazariy asoslari. T:,"Ma'naviyat".2008. 211-b.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА БХСР АҲОЛИСИНИНГ ЭТНО МИЛЛИЙ ТАРКИБИ ҲАҚИДА ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

А.Б.Йўлдошев,
Бухоро давлат университети
"Жаҳон тарихи" кафедраси таянч докторанти

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) 1920 йил 2 сентябрда собиқ амирлик тузумини ағдариб ташланиши билан янги ҳокимият сифатида вужудга келди. 1920 йил 6-8 октябр кунлари амирнинг ёзги қароргоҳи Ситораи Моҳи Хоссада Бутун Бухоро халқ вакилларининг l-қурултойида БХСР тузилганлиги расман эълон қилинди. Ўрта Осиё республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланишига қадар (1924 йил ноябрь) унинг ҳудуди янги ташкил этилаётган Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Тожикистон АССР (1929 йилдан Тожикистон ССР) таркибидги ҳудудларнинг катта қисмини эгаллаган эди[41].

Маркази Эски Бухоро шаҳри бўлган БХСРнинг ер майдони 182, 193 минг кв км ҳудудни эгаллаган бўлиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР), Туркистон АССР ва қўшни Афғонистон давлати билан чегарадош бўлган. Мамалакат ландшафти тоғ ва тоғолди ҳудудлари, чўл-дашт, чўл-воҳа ва пасттекисликлардан иборат бўлиб, Амударёнинг бошланиш ва ўрта оқимини, шунингдек, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхандарё каби бир қатор ички дарёлар ҳамда унга туташган воҳаларни ўз ичига қамраб олган эди. Умуман олганда эса БХСР Марказий Осиё ҳудудида жойлашган ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий, Тожикистоннинг марказий ва ғарбий ҳамда Туркманистоннинг шимолий ва шимоилий-шарқий вилоятларини ўз ичига олган деҳқончилик, боғдорчилик воҳалари ва чорвачилик яйловлар замирида вужудга келди. Собиқ Бухоро амирилигининг барча ерлари БХСР тасарруфида эди.

БХСР маъмурий-ҳудудий бўлиниши жиҳатдан вилоят, уезд, туман, кент, қишлоқ каби бирликлардан, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшайдиган ерларда овуллардан иборат бўлган. Зарафшон, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, Ғарм, Душанбе, Кўлоб, Қўрғонтепа вилоятлари ҳозирги Тожикистон ҳудудида, Чоржўй (Ленинский) ва Керки округлари ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган бўлиб юқоридаги ҳудудларда ўзбек, тожик ва туркман миллатига мансуб миллатлар нисбатан зич ва кўп сонли бўлиб истиқомат қилишган ҳудудлар ҳисобланган.

БХСРнинг тубжой аҳолиси ўрганилган манбалар маълумотича қуйидаги уч гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳ, туркий тилли аҳолига вакиллари бўлиб, улар аҳолининг асосий фоизини, яъни 63,9 фоизини ташкил этишган. Бу гуруҳга туркий қавмлар ҳисобланган ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар ва кам сонли қорақолпоқлар киришган. Туркий тилли аҳоли БХСРнинг барча ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, уларнинг сони бир миллион атрофида эди. Аниқроғи, 1924 йилдаги маълумотларга кўра уларнинг сони 978 минг кишини ташкил этган[42].

Иккинчи гуруҳ аҳоли умумий ном билан эронийлар деб номланиб, архив ҳужжатида келтирилишича БХСРда уларнинг салмоғи 1924 йилги маълумотларга кўра 31,6 фоиз атрофида бўлган. Эронийлар гуруҳига тожиклар, форслар ҳамда афғон миллати (форс-тожик ва пуштинлар) вакилларидан иборат бўлган. Учинчи гуруҳ "семитлар" деб номланган ва уларга араблар ҳамда Бухоро яҳудийлари

[41] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Том-2. – Т.: ЎзМЭ нашриёти; 2001. – Б. 299-302.
[42] Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-1-фонд, 1-рўйхат, 511-йиғма жилд.

киритилган. Семит гуруҳи вакилларининг улуши БХСРда 3,5 фоизни ташкил этган ва 54 минг кишидан иборат бўлган. Бундан ташқари БХСРда европа миллати вакиллари ҳам истиқомат қилишган бўлиб, улар Бухоро амирлигининг рус манзилгоҳи ва посёлкаларида истиқомат қилиб, тахминан 12 минг сонли атрофида бўлишган.

БХСРда аҳолининг миллий таркиби ва сони вилоятлар бўйича тақсимланганни қуйидаги жадвал орқали аниқлаштириб олиш мумкин[43].

Вилоят номлари	**Ўзбеклар**	**Тожиклар**	**Туркманлар**	**Араблар**	**Қозоқлар**	**Қорақалпоқлар**	**Қирғизлар**	**Еврейлар**	**Бошқалар**	**Жаъми**
Бойсун	19064	16864	-	6	-	-	-	36	-	**35970**
Беҳбудий (Қарши)	63525	9038	3020	7321	730	-	-	-	-	**83634**
Бухоро	284753	39044	12773	31511	9473	70	-	3208	12416	**393348**
Ғарм	-	173488	-	-	-	-	8030	-	-	**181518**
Ғузор	37405	-	-	-	-	-	-	-	-	**37405**
Душанбе	24710	82988	401	-	-	-	-	-	300	**108409**
Керки	3204	48	71841	3	-	-	-	300	743	**76139**
Кармана	76991	390	-	6326	4245	2025	-	1691	769	**92440**
Кўлоб	28703	102763	-	400	-	-	-	-	3	**131869**
Қўрғонтепа	8445	2735	3705	75	490	-	-	-	-	**15450**
Чоржўй (Ленин)	34782	13	68791	1255	26	-	-	493	8711	**114071**
Нурота	10271	3018	-	-	9200	-	-	-	-	**22519**
Сариосиё	55844	26977	165	150	80	-	185	-	228	**83629**
Шаҳрисабз	85529	11400	132	-	-	-	-	1011	-	**98072**
Шеробод	41542	6783	4165	132	24	-	-	-	896	**56542**
БХСР бўйича жаъми	**777768**	**475589**	**164993**	**47179**	**24268**	**2095**	**8215**	**6842**	**24066**	**1531015**

Юқоридаги жадвалда келтирилган рақам ва далиллар таҳлили шуни кўрсатадики ўзбеклар Бойсун, Беҳбудий, Бухоро, Ғузор, Кармана, Қўрғонтепа, Нурота, Сариосиё, Шаҳрисабз, Шеробод вилоятларида бошқа миллат вакилларига нисбатан кўп сонли ва зич бўлиб яшаганлар. Аммо, ўзбеклар Керки ва Чоржўйда туркман миллати вакилларидан сон жиҳатдан кам сонли бўлиб, шунингдек, Душанбе ва Кўлобда тожик миллати вакиллари ўзбекларга нисбатан кўпчиликни ташкил этишган. Илмий кузатувларимиз шуни кўрсатадики БХСРнинг Ғарм вилоятида ўзбек миллати вакиллари умуман истиқомат қилишмаганлиги аён бўлди.

Юқорида архиқ ҳужжатлари ва бирламчи манбалар орқали 1920-1924- йилларда мавжуд бўлган БХСР ҳукумати йилларидаги аҳолининг миллий этник таркиби ҳақидаги маълумотлар олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта-махсус, ўрта умумий таълим муассасалари ўқувчиларига тарих фанини ўқитиш жараёнида қўлланилса ўтиладиган сабоқларнинг илмий-назариш асослари мустаҳкамланади. Ўқитувчи БХСР миллий ҳукуматининг миллий сиёсати ҳақида ўқувчиларга маълумот берар экан бу ҳукуматга тегишли бўлган ҳудудлардаги тубжой миллат вакилларининг сони, машғулоти ҳақида аниқ далиллар келтирса дарснинг илмий-назарий асослари мустаҳкамланади. Ўқувчиларнинг дунёқараши кенгайи.

Тарих фани ўқитувчиси ҳар бир дарсни ўтаётганда маҳаллий қўшимча материаллар билан мавзуга ёндашса ўқувчиларда ўз яшаб турган заминига нисбатан ватанпарварлик ва юртсеварлик туйғулари кучаяди. Айниқса кўпмиллатли Ўзбекистонда азалдан аждодларимиз толерантлик ва байналминаллик тамойиллари асосида яшаб келганлиги, миллий тотувлик тинлик ва тараққиётимиз кафолати эканлиги каби инсоний туйғулари кучайишига ҳеч қандай эътироз туғдирмайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Том-2. Тошкент. ЎзМЭ нашриёти; 2001. –Б. 299-302.

[43] Материалы по районированию Средней Азии Книга 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1 Бухара. – Т.: 1926. – С 165.

2. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-1-фонд, 1-рўйхат, 511-йиғма жилд.
3. Материалы по районированию Средней Азии Книга 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1 Бухара. Ташкент. 1926 год. –С 165.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА ЁНДАШУВ МЕТОДЛАРИ

Д.М.Рўзиева,
Навоий давлат педагогика институтининг
мустақил изланувчиси

XXI аср глобаллашув даврида жамиятнинг моҳияти бевосита ахборот, ундан тўғри фойдаланиш даражаси билан белгиланмоқда. Ҳар қайси билим шаклининг жамият ва инсоният тақдирида ўзига хос ўрни, вазифалари мавжуд. Булар орасида фан, илмий билимлар алоҳида ўрин тутади. Инсоният келажагини, келажак тараққиётини илмий билимларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳозирги шароитда турли билим шаклларининг фаоллашуви илмий билим муаммоларининг янада долзарблашувига олиб келмоқда. Илмий билимларнинг бошқа билим шаклларидан фарқлари, ўзига хос методлари, уларнинг моҳияти, фан ютуқларини илмий талқин қилиш зарурияти тобора зарур бўлиб бормокда.

Илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи мутахассис аввало тўғри методология билан қуролланиши, унинг принцип ва методларини амалиётда қўллаш малакасига эга бўлиши зарур. Бунинг учун методология, фалсафий методологиялар, уларнинг моҳияти, фалсафий, умумилмий метод ва усуллар ҳақида зарур билимларга эга бўлиши талаб қилинади. Акс ҳолда илмий тадқиқот иши самара бермаслиги, амалга оширилган ишлар тўғри талқин қилинмаслиги ва тўғри баҳоланмаслиги мумкин.

Маълумки, “ижод” ва “тадқиқот” тушунчалари ўзаро боғлиқ, аммо айнан бир мазмундаги тушунчалар эмас. “Ижод” тушунчаси бир мунча кенгроқ бўлиб, илмдан ташқаридаги ҳаёт, санъат, бадиий адабиёт каби соҳалардаги фаолиятини ифодалайди. “Тадқиқот” тушунчаси эса тизимли, тахминий тафаккурга асосланган фаолият билан боғликдир. Тадқиқот “Ижод” тушунчасининг бир қисми бўлганлиги учун аксарият ҳолларда ижод тушунчаси қўлланилади [1].

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий соҳа мутахассислари томонидан аёлларга муносабат масаласида давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятига оид илмий-ижодий ва тадқиқот-тадқиқот ишлари кўлами кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида республикада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, улар бандлигини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749-сонли Фармони асосида “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” каби вазифалар белгилаб қўйилди. Айнан, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони эса бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги миллий тикланишдан миллий юксалиш йўлида амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда хотин-қизлар фаоллиги муҳим омиллардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда кенг кўламли демократик ислоҳотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. ...Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик. ...28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-ҳунар курсларида ўқитилди[2]**.** Бу кўрсаткичлар давлатнинг ғамхўрлик сиёсати натижасида аёллар фаоллигини ошириш имкониятлари кенгайиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида аёл ҳуқуқлари ҳимоя этилаётгани ва улар фаоллиги ўсиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилани мустаҳкамлашда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган иш механизмини тубдан ўзгартириш зарурати юзага келди. Буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, миллат, жамият ва давлатнинг келажаги кўп жиҳатдан аёлларнинг маънавий баркамоллигига ҳамда уларнинг тўлақонли фаолиятига, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларнинг натижадорлиги хотин-қизлар иштирокига бевосита боғлиқ эканлиги улар ижтимоий фаоллигини ошириш омилларини илмий ўрганишни тақозо этади;

Иккинчидан, республиканинг иқтисодий тараққиётида тадбиркорлик фаолияти, ҳунармандчилик ва фермерлик ҳаракатининг ҳиссаси, унда хотин-қизларининг ўрни ва ролини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади;

Учинчидан, маданий жараёнларда аёлларнинг таълим, илм-фан ривожидаги ўрни, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш ва унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлашдаги роли, миллий маънавият ва маданият муаммоларини илмий ёритган ҳолда тарихий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ жараёнларни ва ҳодисаларни ўрганишга оид тадқиқотларда аксарият ҳолларда мавзуни ёритишда даврий нуқтаи назардан келиб чиқиб, тарихийлик, социологик, оғзаки тарих, хронологик методлар қўлланилмоқда. Мазкур методлар асосида ёритилган мавзулар тадқиқотчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалар ва умумлашган якунларини ижтимоий ривожланишининг объектив қонуниятларини ўзаро алоқаларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради.

Хусусан, мавзуга доир тарихий материални оғзаки тарих, яъни суҳбат, қискача баён килиш, ҳикоя килиш орқали амалга оширилади. Айнан, ўрганилаётган мавзу доирасидаги даврда яшаган, ўша давр руҳини кўрган ва билган ёши улуғ шахслар билан бўладиган суҳбат мавзуни қизиқарли маълумотлар билан ёритишда ва тасаввурни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади [3].

Мавзуни ёритишда кўргазмали воситалар, диаграммалар ва слайд-тақдимотлар тарихий билимларни сингдиришда муҳим манба ҳисобланади.

Шунингдек, мавзунинг ёритилишида давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида фаол иштирок этган ижтимоий фаол бўлган аёлларнинг расмлари ва берилган шарҳлар ҳам мавзу моҳиятини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги шароитда инсон ижодкорлигига бўлган талаб ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда ва бу энг таъсирчан муаммолардан бирига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий-тадқиқот методологияси. –Тошкент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2014. 132б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, 7 март 2020 йил http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning -khal-07-03-2020

3. Хайдаров С. Ўзбекистон тарихи фани дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларининг роли //"Science and Education" Scientific Journal September 2020 / Volume 1 Issue 6 –Б. 174-179

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Ҳусен Хайруллоевич Джураев,
Бухоро вилоят Х.Т.Х.Қ.Т.У.М.О. институти ўқитувчиси
Фируза Хайруллоевна Джураева,
Бухоро шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш мақсадида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларини халқаро талаблар асосида янгилаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида ахборот-коммуникация ва масофавий ўқитиш технологияларини ҳамда ўқитишнинг интерфаол методларини қўллашга шароитлар яратилди.

Тарих фани ўқитувчиларининг ўқув жараёнида замонавий ёндашувлар ҳамда инновацияларни қўллаш компетенцияларини ривожлантириш ва уларда тарихни ўқитишда замонавий ёндашувларни тадбиқ қилиш, инновациялардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Тарих дарсларида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида тарих дарсларини самарали ташкил қилиш йўлларини ўрганиш ва тарих фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ҳамда инновацияларни қўллаш имкониятларини ўрганиш.

Ўқитувчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Тарих фанларини ўқитишда инновацион фаолият асосларини тарих фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар;

Тарих фанини ўқитишга қўйиладиган ҳозирги замон талабларини билиши;

Тарих фанининг таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги ҳамда изчиллигини таъминлаш;

Тарих дарсларида таълим ресурсларидан фойдаланиш ва ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ўқувчиларга етказиш кўникмаларига эга бўлиши;

Тарих дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар асосида дарсларни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши ва замонавий ёндашувлар ҳамда инновациялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;

Тарих фанини ўқитишда ўқувчи ва талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Тарих фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

“Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси”, “Ўқув фаолиятини бошқариш психологияси”, “Таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари”, “Таълим жараёнида педагогик дастурий воситалар” каби ўқув дастурлар билан узвий боғланган ҳолда ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Интеграция ғояси – таълим муассасаси тараққиётининг ҳозирги босқичида энг истиқболли ғоялардан бири ҳисобланади. Бир томондан, ўқув соатларининг қисқариб бориши шароитларида фанлараро интеграция дарс доирасида дидактик мақсадларга эришишга имкон берадиган ресурс бўлиб қолиши мумкин. Бошқа томондан эса фанлараро алоқалардан фойдаланиш талаба ва ўқувчининг ўзига атрофдаги дунёни турли-туманликда ҳамда яхлитликда билиш имконини беради. [1, 23]

Метод, методология ва тьютор.

Метод – билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Методология – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндисидир.

Тьютор* – баҳолаш ишлари тьютор томонидан амалга оширилганда, таълим олувчининг тьютор билан шахсий алоқа ўрнатиш ва у таълим олувчининг муваффақиятини кузатиб бориши ҳамда унинг ўқув фаолиятини бошқариши зарур бўлади. [3, 90]

Ўқув жараёнини фаоллаштириш.

1. Ўқув материалларини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ҳамда ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ҳамфикрини баён этишга ўргатиш.
2. Ўқувчилар мустақиллиги, фаоллиги, ташаббускорлигининг юқори даражасига эришиш.
3. Ўқитувчи – ўқувчи ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши ҳамда дидактик натижаларнинг кафолотланишини таъминлашдир.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Чунки, ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.

Бу ҳамма таклифлар ўқувчининг диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методларининг таъсир даражаси:

1. Маъруза - эшитганимизнинг 5%.
2. Ўқиш - ўқиганимизнинг 10%.
3. Видеоусул, намойиш - кўрганимизнинг 20%.
4. Тажрибани намойиш қилиш-кўрган ва эшитганимизнинг 30%.
5. Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг 40%.
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%.
7. Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш – мустақил ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намойиш қилганимизнинг 75%.
8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш - мустақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг 90%. [2, 56]

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида анъанавий методлар қўлланилганда, ўқувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан.

---

* Тьютор (инг. — устоз, репетитор, ўқитувчи) – норасмий педагогик лавозим. Синонимлар: репетитор, хусусий ўқитувчи. Тьютор – талаба ёки бир нечта талаба билан ҳар куни қўшимча машғулотлар олиб борадиган ўқитувчи...

Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, ўқувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради.

Интерфаол таълим методлари

“Т – схемаси” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустақил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади.

Бунда таълим олувчи шахсидаги:

- Мустақил ва ижодий фикрлаш;
- Ахборотлар тизимини таҳлил этиш;
- Ўз позициясида қатъий туриш;
- Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш;
- Мулоқотчанлик ва ўзгалар фикрига ҳурмат;
- Жамоада ишлаш кўникмалари ривожланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- Ўқитувчи ўқувчиларни миқдор жиҳатдан тенг гуруҳларга ажратади;
- Ўқувчиларни тренинг ўтказишга қўйилган талаблар ва бажарилиши зарур бўлган топшириқ шартлари билан таништиради;
- Тарқатмалар (иловадаги) ўкувчилар гуруҳига берилади ва таклиф этилган схема асосида қатнашчилар тушунчага ёки муаммога нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- Билдирилган фикрлар ижобий ва салбий йўналишга ажратилиб, керакли устунчаларга ёзилади;
- Белгиланган вақт (10-15 дақиқа) якунига етгач, барча гуруҳларнинг фасилитаторлари ёрдамида презентация ташкил этилади;
- Барча гуруҳларнинг якуний хулосалари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, тренер-ўқитувчи гуруҳлар ишини баҳолайди ва қўшимча тўлдиришларни киритади.

Анъанвий таълим технологияси

Афзалликлари		**Камчиликлари**
• Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнининг ва муҳитининг юқори даражада назорат қилиниши;		• Ўқувчиларнинг пассив иштирокчи бўлиб қолиши;
• Вақтдан унумли фойдаланилиши;		• Ўқувчиларнинг пассив иштирокчи бўлиб қолиши;
• Аниқ илмий билимларга асосланиши;		• Эслаб қолиш даражаси турлича бўлганлиги сабабли, ўзлаштириш даражаси пасайиб кетиши;
• Оз вақт мобайнида кўп маълумотлар бериш имконияти.		• Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмаслиги.

“Ассесмент” техникаси

Мақсади: баҳолаш, назорат қилиш, таълим олувчиларнинг билим даражаси, ўзлаштириш кўрсаткичи ҳамда амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли аспектлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади.

Намуна: “Таълимда инновация” мавзусида тузилган “Ассесмент” намунаси:

Тест Инновация сўзининг луғавий маъноси нима? А. Янгилик. В. Янги ғоя. С. Янгилик киритиш. Д. Янгиланиш ва ихтиро.	**Қиёсий таҳлил** Инновацион ва анъанавий ўқитиш турларини қиёсий таҳлил қилинг.
Симптом (ташҳис) Ўқитувчининг инновацион фаолиятини асосий белгиларини сананг….	**Амалий кўникма** Инновацион ўқитиш методларига мисол келтиринг…

Адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2006. 250 б.
2. Зуннунов А., Маҳкамов У. Дидактика // Шарқ. 2006. 128 б.
3. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2020. – 110 б.
4. Сайидахмедов Н.С., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси – Т.: РТМ. 1999. 360 б.
5. Интернет сайтлари.

BUXORO AMIRLIGIDA QO‘SHIN TUZILISHI VA HARBIY ISH (ABDURAUF FITRATNING “AMIR OLIMXONNING HUKMRONLIK DAVRI” ASARI ASOSIDA)

Islomov D.U. 1-kurs magistrant, BuxDU

Annotatsiya

Ushbu maqolada Buxoro amirligining so‘nggi davrlarida qo‘shin tuzilishi va harbiy masalalar Abdurauf Fitratning “Amir Olimxonning hukmronlik davri” nomli asariorqali qiyosiy tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: amirlik, “arabbachcha”, “sherbachcha”,“turk” guruhi, “g’ulombachcha”, elnavkar, afg’on sarbozlari, qo‘shin, pilta miltiq, to‘p.

XXasrmilliytafakkurimiztarixiniAbduraufFitratsiz(1886-1938) tasavvur qilish qiyin. Fitrat serqirra iste’dod sohibi bo‘lgani bois, uning qo‘l urmagan fan sohasi kam. U shoir, yozuvchi, dramaturg, musiqashunos, faylasuf, tarixchi, geograf, tarjimon va albatta islohotchi-pedagog, adabiyotshunos, yirik davlat va siyosat arbobidir.

Fitratning “Amir Olimxonning hukmronlik davri” nomli tarixiy-publitsistik asari butun amirlik davri va XX asr boshlaridagi siyosiy, ijtimoiy, harbiy jarayonlar haqida aniq va xolisona xulosalar chiqarishga yordam beradi. Ushbu asar A.Fitratning amirlikning tanazzulga yuz tutish sabablari va uning keltirib chiqargan oqibatlari haqida xolisona fikrlarini yoritib bergan asarlaridan hisoblanadi. Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tish joizki, aynan shunday asarlar o‘sha davr talabi, ya’ni sho‘ro hukumati tazyiqi ostida yozilgan bo‘lishi mumkin, degan taxmindan ham xoli emas. Buxoro taraqqiyparvarlari bilan Amir Olimxon (hukmronligi: 1910-1920 yillar) o‘rtasidagi siyosiy muxolifat va kamunistik mafkura ta’sirida muallif mang’it amirlari tarixi haqida qora rangni meyoridan ortiq ishlatishga, voqealarni imkon qadar achchiq va zaharxanda til bilan bayon qilishga, salbiy jihatlarini bo‘rtirib ko‘rsatishga harakat qilganligi risolada yaqqol sezilib turadi. Biroq, sharqshunos olimning ushbu kitobi tarixni hanuzgacha “oq dog’lari” bo‘lib kelayotgan sahifalarini to‘ldirishga xizmat qilishini ham e’tirof qilmoq kerak.Mazkur maqolada Fitratning yuqorida nomi zikr qilingan tarixiy-publitsistik risolasida Buxoro amirligidagi harbiy ahvol, qo‘shin tuzilishi, harbiylarning moddiy ta’minoti masalalari bilan bog’liq jihatlarning qay yo‘sinda talqin qilinganligini tarixiy o‘rganilib, shuningdek keyingi tadqiqotlarda ma’lumotlar bilan qiyosiy tahlili imkon qadar ochib beriladi. Kitobda amirlikdagi “Harbiy tuzilish” masalasi uchun alohida bob ajratilganligini qayd etib o‘tmoq o‘rinlidir.

Fitrat davlat markaziy boshqaruv tizimida harbiy idora va qo‘shinning muhimligini ta’kidlaydi. Davlat mustaqilligini saqlab qolishda mudofaa ishlari ko‘ngildagidek yo‘lga qo‘yilgan bo‘lishi, qo‘shinda qat’iy tartib va ustav asosida tartib-intizom o‘rnatilishi muhimligi ko‘rsatilib, “birinchi navbatda Abdulahad hukumati davrida(hukmronligi: 1885-1910 yillar)Buxoro intizomiy askarlarining soni 5-6 mingga yetgan edi” -deb yozadi. Askarlar bir necha idora va qo‘mondonlikka bo‘linganlar, ular bosh qo‘mondon “to‘pchiboshi” (lashkar vaziri – harbiy qo‘mondon)ga tobe edilar. A.Fitrat 1917-1920 yillarda Amir Olimxon davrida amirlik asakarlar guruhlariga: “arabbachcha” (arablar jamoasidagi yoshlarni jamlagan), “sherbachcha” (o‘grilarni zindondan ozod etib ot-qurol bergan), “turk” guruhi, “g’ulombachcha”, elnavkar, afg’on sarbozlarikabilardan iborat bo‘lganligini ko‘rsatadi, Arabbachchalar arab yoshlaridan tuzilgan bo‘lib, to‘pchiboshi Ibrohim (Ibrohimbachcha) idorasi ixtiyoriga berilganligi qayd etilgan.

Professor A.Fitratamir zindonidan mashhur o‘g’rilarni ozod etib, ot va qurol berib, ularni “sherbachcha” deb ataganligini ta’kidlab o‘tadi. U afg’on fuqarolari amirlik hududida turli kasblar bilan mashg’ul bo‘lganliklarini, keyinchalik Amir Olimxon ulardan afg’on harbiy dastasini tuzganligini, afg’onlar amir va uning mulozimlariga bo‘ysinmay qo‘yganligi uchun Kogon (Yangi Buxoro)dagi sho‘ro hukumati vakillari yordamida qurolsizlantirilib Afg’onistonga o‘tkazib yuborilganligi to‘g’risida fikrlar bildirgan. Mustaqillik yillarida Buxoro amirligida qo‘shin va harbiy ish tarixiga bag’ishlab yozilgan ilmiy tadqiqotlar Abdurauf Fitratning amirlikda,asosan,XX asrning dastlabki o‘n yilliklarida harbiy tuzilish borasidagi fikr-mulohazalarini tasdiqlaydi. Haqiqatdan ham,Amir Haydar (hukmronligi:1800-1827 yillar), Amir Nasrullo (hukmronligi:1827-1860 yillar) davrlarida amirlikda shakllangan muntazam armiyani Amir Olimxon 1910-1920 yillarda, ya’ni siyosiy vaziyat keskin o‘zgarib borayotganligi tufayli yangi guruhlar bilan to‘ldirishga harakat qilgan.

1917-1920 yillarda Buxoro askariyasining nizomi yetti guruhdan iborat bo‘lgan:1.To‘pchilar. 2.Otliq kazaklar. 3.Shefskiy. 4.Terskiy. 5.Arabbachchalar. 6.Turkman aravji. 7.Sarbozlar. Otliq kazaklar: “kazanskiy” deb ham yuritilib, bundan tashqari amirlik qo‘shinida g’ulombachcha, sherbachchalar, elnavkar guruhlari ham bo‘lgan. Sarbozlar va to‘pchilar guruhiga ancha ilgari asos solingan. Amirlikda afg’onlar ko‘p sonli bo‘lganligi, ular tijorat, hunarmandchilik, mardikorlik, oshpazlik, qassoblik, oroytunchilik, bazzozlik kabi kasblar bilan shug’ullanganliklarini arxiv manbalari ham tasdiqlaydi.A.Fitratning Amir Olimxon afg’onlardan tuzilgan harbiy guruhga tayanganligi bilan bog’liq fikrlari tarix haqiqati bo‘lib, Amir Said Olimxonning xotiralari asosida yozilgan “Buxoro xalqining hasrati tarixi” risolasida 1917-1920-yillarda qo‘shni Afg’oniston davlati bilan ikki davlat o‘rtasida do‘stona munosabatlar bir qadar rivojlanib, amir:

“A’lo hazrat afg’on amiri do‘stlikni mustahkamlash yolida Fazl Ahmadxonni menga yubordi. U ikki yuz nafar askar, bir guruh orkestr, yettita to‘p, yettita filni menga yubordi” – deb yozadi. So‘ngi mang‘it amiri o‘z fikrini davom ettirar ekan, Afg’oniston davlati bilan “bir tan-u bir jon bo‘lish uchun” do‘stlik shartnomasi tuzilganligini alohida ta’kidlaydi. Qolaversa, amirning sovet tuzimiga qarshi kurashi paytida Buxoro mujohidlari safida afg’on sarbozlariham bo‘lgan. Ularning janglardan omon qolgan qismlari Amir Said Olimxon 1921-yilning martida Afg’oniston chegarasiga o‘tib ketganida unga hamrohlik qilishganligini, Buxorodan G’ijduvonga qarab yo‘lga chiqar ekan, amirga afg’on harbiy qozisi (atashshesi) 25 ming nafar afg’on xizmatchi, askarlar va mansabdorlar hamroh bo‘lganligini yozadi.

A.Fitrat o‘z risolasida amirlik harbiylarining maoshlari masalasida ham fikr bildirib, “Askarlar avval oyiga 14 tanga, keyinroq 20 tanga haq oladigan bo‘ldilar” – deb yozadi. Muhojir o‘zbek Muhammad Sayyid Boljuvoniy ham o‘z kitobida amirlikdagi sarbozlar va askarlar 20 tanga maosh olganligini qayd etib o‘tgan. Tadqiqotchi Y.Shukrullayevning yozishicha, 1856 yilda oddiy sarboz 20 tanga (4 rubl kumush), o‘nboshi 1,5 tillo, yuzboshi 6 tillo(24 rubl kumush), qorovulbegi 4,5 tillo (18 rubl kumush) panjohboshi 85 tanga (17 rubl kumush) olgan. To‘pchiboshining bir yillik daromadi 250 nafar oddiy sarbozning bir yillik daromadiga teng bo‘lganligini ta’kidlaydi.

Said Olimxon davriga kelibesa, xazinadan ajratilgan kunlik mablag’lar quyidagicha bo‘lgan: Sarbozlar hamda oddiy to‘pchilar uch kunda 1 tanga, dahboshi ikki kunda 1 tanga, kichik ellikboshi bir kunda 1 tanga maosh olishgan. A.Fitratning sarbozlar maoshi bilan bog’liq ma’lumotlari tarixan o‘zining to‘g’ri ekanligi bilan ajralib turadi.A.Fitrat risolasidagi “Harbiy tuzilish” qismi “Buxoro hukumatining mustabid Rossiya hukumati bilan imzolagan shartnomasiga muvofiq (1868, 1873 yillar) Buxoro o‘zining tinchligini himoya qilish uchun 12 minggacha askarga ega bo‘lishi mumkin edi” – kabi fikrlar bilan boshlanadi. Buxoro amirligi Rossiya imperiyasining yarim mustamlakasi bo‘lganligi uchun amirlikdagi ma’muriy va harbiy ishlar istilochilar tomonidan qat’iy nazorat ostida bo‘lgan.

Biroq, 1917-yil Rossiyadagi fevral burjua-demakratik inqilobi, o‘sha yilning oktyabr oxiridagi bolsheveklarning “inqilobiy to‘ntarishi”, 1918-yil mart oyidagi “Kolesov voqeasi” kabilar Buxoro amirining harbiy sohada kech bo‘lsada jiddiy chora-tadbirlar ko‘rishga majbur qilgan. Shuning uchun amir sarbozlar sonini ko‘paytirish, xalq lashkarini to‘plash, qo‘shinni qurollantirish masalalariga alohida e’tibor qaratgan. M.V.Frunze bosqini arafasida “…amir armiyasida 16 ming sarboz bo‘lib, safarbarlik e’lon qilingan paytda 28 – 30 ming xalq navkarini to‘plash mumkin edi. Bu armiyada 55 ta eskirgan to‘p 12 ta pulemyot bor edi. Tirik kuchlar nisbatiga qaraganda amir armiyasi son jihatidan ko‘proq bo‘lsa-da, ammo texnik va harbiy jihatdan Qizil armiya ustunligi muqarrar edi” – deb yozadi tarixchi olimlar F.H.Qosimov va U.J.Rashidovlar.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, Abdurauf Fitratning “Amir Olimxonning hukronlik davri” nomli tarixiy risolasi mang’itlar sulolasi davridagi o‘zbek davlatchiligi tarixiy bosqichini o‘rganishda o‘ziga xos o‘rin tutadi. Kitob muallifining sovet inqilobiy tuzilmalari amirlik poytaxti Eski Buxoroga harbiy yurishi arafasida amirlikdagi qo‘shin tuzilishi, uning qurollantirilishida va nizomiy intizomda jahon andozalaridan ortda qolib ketganligi, harbiy favj (guruh)lar tarkibiy jihatdan mustahkam kuchga ega emasligi bilan bog’liq fikrlari istiqlol yillaridagi tarixiy tadqiqotlar orqali o‘z isbotini topdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Фитрат. “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври” Т. ”Минҳож” нашрёти 1991. – Б.35.
2. Ҳайитов Ш. Шукруллаев Ю. Бухоро амирлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий унвонлар (1753-1920) // Педагогик маҳорат. – Бухоро. – 2001. –Б.78.
3. Амир Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т.: Фан; 1991. – Б.13.
4. Шодиев Ж.Б. Бухоро амирлигининг ташкил топиши вадавлат тузилиши. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефарати. Тошкент-2008. – Б.13.

ERKIN INDUSTRIAL IQTISODIY ZONA- TARAQQIYOT ASOSI

Sh.Hasanov, NavDPI katta o’qituvchisi

Bizga o’tmishdan ma’lumki, qaysi bir rivojlangan mamlakatlar tarixiga nazar tashlaydigan bo’lsak, ularning taraqqiyoti asosida tashqi davlatlar bilan olib borgan savdo-sotig’i, iqtisodiy aloqalari yetakchi o’rinda

turgan. Qadimdan G'arb bilan Sharqni bog'laydigan Buyuk ipak yo'li ham mana shu ulkan hududda joylashgan davlatlar taraqqiyotida, madaniyatida ijobiy iz qoldirgan. Ayniqsa, yurtimiz hududidagi Toshkent, Farg'ona, Samarqand, Termiz, Buxoro, Urganch va Xiva kabi shaharlar bu savdo-sotiq ishlarining markazida bo'lgan. Navoiy hududidagi Karmana shahri ham bu jarayonlardan chetda qolmagan. Buning yorqin misoli sifatida biz Raboti Malikdagi Karvonsaroy va uning yaqinidagi Sardobani olishimiz mumkin. Qadimda bu karvonsaroyda savdogarlar to'xtab, dam olib, keyin yana yo'llarida davom etishgan. Savdogarlar uchun barcha qulayliklar yaratilgan. Buning asosiy sababi xalqaro savdoni rivojlantirib, savdogarlarni yanada ko'proq jalb qilish bo'lgan. O'tmish an'analari bugun ham davom etmoqda. Buni yaqinda Navoiy hududida tashkil qilingan erkin iqtisodiy-industrial zona misolida ham ko'rishimiz mumkin.

Ma'lumki, O'zbekiston Prezidentining 2008 yil 2 dekabrdagi "Navoiy viloyatida erkin industrial-iqtisodiy zona tashkil etish to`g`risida"gi Farmoniga asosan, viloyatimizda erkin industrial-iqtisodiy zona tashkil qilindi. Respublikamiz hududida yagona hisoblanadigan bu zonaning xalqaro mavqeyi shundaki, bu hududda milliy va xorijiy korxonlarga iqtisodiy imtiyozlar beriladi. Erkin industrial-iqtisodiy zona jahon bozorida ehtiyoj bo'lgan tovar va xizmatlarning yangi turlarini o'zlashtirish, sanoatni va sarmoyadorlarga yaratilgan imtiyozlar natijasida xorijiy investitsiyani jalb qilish imkonini beradi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek, "Ayni chog'da mablag' va zaxiralarni iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlarga sarflab, xorijga mahsulot tayyorlaydigan, ilg'or texnologiya bazasi bilan jihozlangan zamonaviy korxonalar barpo etib, ichki bozorni o'z mollarimiz bilan to'ldirish yo'lidan bordik. Shu maqsadlardan kelib chiqib, o'z mablag'larimiz va olgan qarzlarimizning asosiy qismi investitisiyalarga va texnika keltirishga sarflanmoqda. Ist'emolni emas, balki investitsiyalarni ko'paytirdik" [1:192-193]. Ha, chindan ham bugungi kunda xorijiy davlatlar bilan hamkorlik natijasi o'laroq, yurtimizda bir qancha korxonalar, zavodlar ishga tushdi. Navoiy viloyati hududidagi erkin industrial-iqtisodiy zona ham ulkan bunyodkorlik ishlarining yorqin namunasidir. Erkin industrial-iqtisodiy zonaning aynan Navoiy hududida bunyod etilishiga sabab Navoiyning qulay geografik nuqtada joylashgani, shuningdek, tog'-kon sanoati, kimyo, elektrokimyo, uransozlik, marmarsozlik, energetika, sementsozlik kabi sanoat korxonalarning mavjudligi ham hisobga olingan. Yana bir sabab yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, Buyuk Ipak yo'lining xuddi shu kenglikdan o'tganligidir. Faqat endi savdo-sotiq qadimgidek tuya, otlarda emas, balki zamonaviy havo laynerlarida olib boriladi.Avtomobil, temir va havo yo'llarining eng muhim chorrahasida joylashgan Navoiy shahri aeroporti Janubiy-sharqiy Osiyo mamlakatlarini Markaziy va Janubiy Osiyo, Yaqin Sharq hamda Yevropa qit'asi mamlakatlari bilan bog'laydi.Albatta, amalga oshirilgan bunyodkorlik ishlarida Janubiy Koreya bilan hamkorlik alohida e'tirofga sazovor. O'zbekiston bilan Janubiy Koreya o'rtasida barcha sohalarda, xususan, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy sohalardagi hamkorlik izchil rivojlanib bormoqda. Koreyaning O'zbekistondagi elchisi Kyon Dje Min ikki mamlakat o'rtasidagi munosabatlarga to'xtalar ekan shunday deydi: "Koreya Respublikasi O'zbekiston bilan hamkorlik aloqalarini juda qadrlaydi. Zero, ulkan iqtisodiy salohiyatga ega O'zbekiston dunyo mamlakatlari orasida munosib o'rin egallab, o'zi tanlagan taraqqiyot yo'lidan og'ishmay borayotir" [2]. Bizda shunday savol tug'ilishi mumkin: Erkin-iqtisodiy zonani barpo etish nima uchun kerak edi? Respublikamiz taraqqiyoti uchun va raqobatbardosh, jahon standartlariga javob beradigan mahsulotlar ishlab chiqarish uchun xorijiy investitsiyalarni, birinchi galda, to`g`ridan-to`g`ri investitsiyalarni jalb etish bo`yicha qulay shart – sharoitlar yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun jahonning ko'pgina mamlakatlarida, xususan, Xitoy, AQSH, Fransiya, Janubiy Koreya, Meksika, Vengriya, Bolgariya kabi mamlakatlarda hududning jug`rofiy va boshqa qulayliklaridan kelib chiqqan holda, erkin iqtisodiy zonalarni tashkil etish an'anaga aylangan.Navoiy hududidagi erkin iqtisodiy-industrial zona har ikkala mamlakat uchun ham teng manfaatli loyihadir. Shuningdek, "Korean air" aviakompaniyasi bilan shartnoma imzolandi. Bugungi kunda "Korean air" dunyoning mashhur kompaniyalaridan biri hisoblanadi. "Korean air" bilan hamkorlik xalqaro aviatransport tizimiga yanada faol qo'shilish borasida yangi imkoniyatlarni ochib beradi hamda parvozlar xavfsizligini oshirish va ularning muntazamligini ta'minlashga ko'maklashadi. Bu hududda shuningdek xorijiy ishlab chiqarish korxonalari barpo etilishi rejalashtirilgan. Xorijiy mehmonlarga, tadbirkorlarga qulay imkoniyatlar yaratish maqsadida 110 o'rinli yangi mehmonxona qurildi. Mehmonxonaning nomi ham e'tiborga loyiq: "Buyuk ipak yo'li". Chindan ham Navoiy aeroporti Buyuk ipak yo'lining zamonaviy ko'rinishidir. Navoiy viloyati yana qadimgidek, Sharq bilan G'arbni bog'laydigan ko'prik vazifasini bajaradi.

1.Karimov I. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. Toshkent: "O'zbekiston", 1997-yil, 192-193 betlar.
2.Internet. O'zAA xabarlari

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Хамро Рахмонов
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ

таянч докторанти

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши, соҳага оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши, ёшлар ташкилотларининг бугунги кунгача бўлган фаолияти назарий жиҳатдан ўрганиб хулосалар берилган. Республикадаги ёшлар ташкилотлари ҳудудий бўлимлари фаолиятини Навоий вилояти ёшлари ўртасида суровномалар ўтказиш орқали бахолаб, ютуқлари, муаммо ва камчиликлари таҳлил қилинган шу билан бирга 2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон "Камолот" ЁИҲнинг IV Қурултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши, ҳамда 2001-2016 йилларда мавжуд бўлган "Камолот" ЁИҲ фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиб берилиши, унинг ўрнида янги Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи тузилгани ва ташкилот ваколатлари, вазифалари кенгайгани, бугунги фаолияти келтириб ўтилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини такомиллаштириш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланганлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгашининг бугунги кунда туман ва шаҳарларда таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда самарали фаолият олиб бораётгани, ютуқлари билан бир қаторда вилоятда мавжуд ёшлар муаммолари ва уларни ечими бўйича таклиф хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: БМТ, "Камолот", «Камалак», Вилоят Кенгаши, "Ёшлар куни", Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Қурултой, Навоий вилояти, Конимех, Учқудуқ, Томди.

Ёшлар жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ривожида давлатнинг асосий таянчи ҳисобланади. Шу маънода, жамият манфаатларига хизмат қиладеган, ҳар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг алоҳида эътиборига молик масала бўлиб қолмоқда. Давлатнинг ёшларга бўлган ғамхўрлиги уларга яратилган имконият ва шароитлар билан белгиланади. Республика ёшларини ҳам жисмонан ҳам маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш борасида таълим-тарбия, мусиқа, спорт, фан, техника, санъат соҳаларида етарлича шарт-шароит яратиш ишлари ва кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар сиёсати мамлакат ҳаётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасида ёшларни ижтимоий сиёсий жараёнларга жалб қилиш, уларнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлаш орқали демократик янгиланиш жараёнларининг иштирокчиси сифатидаги ролини янада ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1]Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган алоҳида бўлим киритилди.Унда ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Шу нуқтаи назардан олиб борилаётган соҳага доир ислоҳотларни, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этишда, мазмун моҳиятини ёшларга тушунтиришда республикада фаолият юритаётган ёшлар ташкилотлари муҳим ўрин элаллайди. Мамлакатнинг чекка ҳудудлари ёшларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик, улар манфаатларига мос фаолият олиб бориш, ёшлар муаммоларини ҳудудлар кесимида ўрганиб, таҳлил қилиб, амалий таклиф беришда айниқса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилоти ва унинг ҳудудий бўлимларидан алоҳида эътибор ҳамда меҳнат талаб этилади.

Ёшларга оид сиёсат йўналиши бир қанча ривожланган давлатларда XX асрнинг 60-70 йилларидан мустақил соҳа сифатида шаклланган. Жаҳон ҳамжамияти томонидан 1985 йил "Халқаро ёшлар йили" деб эълон қилиниб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Халқаро ёшлар йили: иштироки, ривожланиш, тинчлик", "БМТ ва ёшлар ҳамда ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқа воситалари", "Ёшлар учун имкониятлар" [2,3,4] номли учта резолюциялар қабул қилингандан кейин ёшлар масаласи янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. Дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида ёшлар ижтимоий қатлами манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш давлат сиёсатининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга оширувчи институтлар фаолияти янгича мазмунда қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакат келажагини ҳар томонлама юксалиши кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол кираётган, замонавий билим ва касб ҳунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда" [5].

Республикада ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, болалар ва ёшларга оид 22 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 27 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 46 та қарори, 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди[6]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшлар йили" давлат дастури тўғрисида"ги Қарори (2008 йил 29 февраль); Ўзбекистон Республикаси "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни (2016 йил 14 сентябрь); Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони (2017 йил 5июль) шулар жумласидан. Бу каби меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишида ёшлар ташкилотлари муҳим аҳамиятга эга. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, адлия органлари рўйхатидан ўтган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 641 тани ташкил этган. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти ёшларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган[7]. Ўзбекистонда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Камалак" болалар ташкилоти, "Ёшлар ташаббуслари" маркази, сиёсий партиялар ҳузурида "Ёшлар қанот"лари, "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" каби ёшлар ташкилотлари фаолият юритган.

2001-2016 йилларда фаолият юритган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати маълум маънода ёшларнинг кўмакчиси ва бирлаштирувчи марказ вазифасини бажарди. Аммо бу ҳаракат бутун Ўзбекистон ёшларини ўз атрофида бирлаштира олмаганлиги, ташкилотнинг асосий муаммоларидан биридир. Республиканинг чекка ва олис ҳудудлари ёшларининг аксарияти "Камолот" ЁИҲ эътиборидан четда қолиб, уларнинг мавжуд муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ва амалий ёрдам кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида ҳаракат фаолиятидан норозиликларни келиб чиқишига олиб келди ва ёшлар ташкилотлари, хусусан, "Камолот" ЁИҲ фаолиятидаги камчиликлар, юзасидан танқидий муносабатлар билдирилиб, бир гуруҳ талаба ёшлар томонидан "Камолот" ЁИҲ билан рақобатдош "Президент қанотлари" ёшлар ҳаракатини тузиш таклифи ҳам билдирилган эди[8]. Бу каби эътироз ва таклифлар негадир эътиборсиз қолдирилган ва "Камолот" ЁИҲ марказий Кенгаши ва жойлардаги бўлимлари бу каби танқидлардан хулоса чиқармасдан, иш фаолияти деярли ўзгаришсиз давом этди. Мазкур ташкилот ўз фаолияти давомида республика ёшларини ишончини тўла намоён эта олмади.

2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон "Камолот" ЁИҲнинг IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши ва давлатимиз раҳбари томонидан "Камолот" ЁИҲ фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб берилиши, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида уни долзарб йўналишга кўтарди. Мазкур қурултойда ушбу ташкилот ўрнида республика ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини қамраб олувчи, янгича мазмун касб этувчи мутлақо янги ташкилот-"Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ташкил этилди. Мазкур санани республикамизда "Ёшлар куни" сифатида нишонлаш белгиланди. 2017 йил 5 июль куни янги тузилган ташкилотни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятини қўллаб–қувватлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи"нинг вилоят, туман, шаҳарлардаги ташкилот раҳбарларининг ваколатлари кенгайтирилди. Улар жойларда вилоят ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши ёшларга тўғридан тўғри давлат раҳбарига муаммолар юзасидан мурожаат қилиш ваколатини тақдим этди. "Камолот" ЁИҲ ўрнида тузилган ҳамда унга нисбатан кенгроқ ваколатларга эга бўлган "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи" бугунги кунда республиканинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаол, самарали, фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи" ва "Камалак" болалар ташкилоти республика ҳудудлари кесимида турли тоифадаги жами 10 миллион нафардан ортиқ ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштира олди.

Хусусан, Навоий вилояти ҳам республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан барқарор ҳудудларидан бўлиб, бу ерда ёшлар салмоғи кўпчиликни ташкил этади. Бугунги кунда Навоий вилояти аҳолиси 974304 нафар (2019 йил 1 январь ҳолатига кўра) [9] бўлиб, шундан 545610 нафарини (56 %) ёшлар ташкил этади. Вактинча банд бўлмаган ёшлар сони деярли 30,0 минг нафарга яқин. Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида, биргина Навоий вилоятида жами 67,0 минг нафардан ортиқ сардорлар сайланиб, 320,0 минг нафардан ортиқ ёшлар Иттифоқ аъзолигига қабул қилинди, 118882 нафар ёшлар эса "Камалак" болалар ташкилотига аъзо бўлиб кирган.

Турли йўналишларда вилоят ёшларининг фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий фаол ёшлар этиб шакллантириш масаласида турли ёшлар ташкилотлари фаолият юритиб, вилоят ёшлари ютуқлари, муаммолари бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий

вилояти Кенгаши томонидан биргина 2018 йилда 6200 тадан ортиқ турли тадбирлар ташкил этилиб, уларга жами 700 минг нафарга яқин ёшлар жалб этилган. 2018 йил давомида вилоят миқёсида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жами 700 дан[10] ортиқ маънавий-маърифий йўналишда давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-тренинглар, очиқ мулоқотлар, матбуот анжуманлари ташкил этилиб, уларда 56 000 нафардан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланди. Олис туманлар ва вилоят маркази ўртасидаги масофа узоқлиги ва аксарият қишлоқ жойларида уюшмаган ёшлар салмоғи шаҳарларга нисбатан юқорилиги ушбу тадирларда ёшларнинг аксарият қисмини қамраб олишга имконият бермайди. Буни қуйидидаги диаграммадан кўриш мумкин (Расм 1.):

Расм 1.

Доимий аҳоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши *(2019 йил 1 январ ҳолатига, фоизда)*



Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, вилоят ёшларининг асосий қисми қишлоқларда яшаётгани сабабли ўтказилаётган турли тадбир ва танловларда уюшмаган ёшларни бироз четда қолиши ҳамда туман ҳамда шаҳарлар марказидаги ёшлар кўпроқ жалб этилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти бўлими сафларига аъзоликка киритилган чекка ва олис туманлар ёшларини аксарияти эътибордан четда қолмоқда. Барча тадбирлар, танловлар асосан шаҳар ва туманлар марказларида ўтказилиши натижасида айрим таълим муассасалари ўқувчи ёшларини бўлиб ўтаётган турли мавзу, турли мазмундаги тадбирларга жалб қилинмай қолиши кўплаб ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиш имкониятини чеклайди. Ёшлар ташкилотларини ҳудудий бўлимлари фаолияти давомида мазкур масалага янаям чуқурроқ эътибор қаратсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунга қармасдан вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоят ёшларини бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча амалий фаолият олиб бораяпти. Биргина 2018 йил давомида жами 2712 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган. Ёшлар бандлиги даражасини тизимли таҳлил қилиш, уларни ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар 170 га яқин очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, 19,0 минг нафарга яқин ёшлар, 51 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 9664 нафар ёшлар қамраб олинган ҳолда 851 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Бу кўрсатгич ҳам ишга яроқли вилоят ёшларини умумий сонига нисбатан паст натижа ҳисобланади. Вилоятда 2018 йилда Навоий шаҳрида қурилган кўп қаватли уйларнинг 48 та хонадони ёшлар уйи сифатида ёш оилаларга топширилди. 2018 йилда Ёшлар иттифоқининг ташаббуси ва вилоят ҳокимлигининг кўмагида Навоий шаҳридаги 1 гектар ташландиқ ҳудудда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида китоб мутолааси билан шуғулланишлари учун қарийб 2,0 млрд.сўм маблағ эвазига “Маърифат боғи” қурилиб, фойдаланишга топширилди.“Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури доирасида 2018 йилда вилоятда 157 нафар ёшларнинг 18,9 млрд.сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб (85,5 %), 400 тага яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти Кенгашининг ўтган вақт давомидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз маълум камчиликларга қарамасдан ижобий натижаларга эришилаётганига гувоҳ бўламиз. Буни ўтган йиллар билан солиштирганда янада аниқроқ намоён бўлади.

Хусусан, 2017 йилдан бошлаб вилоятда ёшлар масаласи бўйича шуғулланадиган ташкилотлар, жумладан, Ёшлар иттифоқи Навоий Кенгаши фаолиятида жонланишни кузатиш мумкин. Буни ушбу ташкилот томонидан олиб борилаётган турли йўналишдаги тадбирларнинг кенг кўламда ташкил этилаётганлиги ҳамда уларга жалб этилаётган ёшларнинг салмоғи ортиб бораётганлиги ҳам исботлаб турибди. Вилоятда фаолият юритаётган ёшлар ташкилотларини ёшлар ҳаётидаги ўрнини аниқлаш мақсадида 2005 йилда Навоий вилояти туманларидаги ўқувчи ёшлар ўртасида анкета сўровномалари ўтказилиб, унда “Сиз фаолият олиб бораётган қандай ёшлар ташкилотларини биласиз? деган саволга

улар бирорта ҳам ёшлар ташкилотлари номини билмасликларини, ёки “Сиз ўз туманингиздаги ёшлар ташкилотлари фаолиятини қониқарли деб ҳисоблайсизми?” деган саволга эса йўқ, деб жавоб беришган[11]. Бундан кўриниб турибдики, ўша даврда фаолият юритган “Камолот” ЁИҲ фақат вилоят, туман ва шаҳар марказларида турли тадбирларни олиб борган, лекин вилоятнинг чекка ва олис худудларида мазкур ташкилот фаолияти деярли кўзга ташланмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий Кенгаши ушбу соҳадаги фаолиятини янада кенгайтириб, ёшлар ичига кириб бориш уларни ҳоҳиш истаклари, манфаатларига мос келадиган амалий ишларни олиб боришга ҳаракат қила бошлади. Бироқ шунга қарамай, вилоятда ечимини кутаётган ёшлар масаласига оид бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Ёшлар тарбияси йўлида ота-оналарнинг масъулиятсизлиги ҳамда уларнинг енгил ҳаётга интилувчанлиги юқорилиги туфайли кўплаб ёшлар жиноят йўлига кириб қолмоқда. Навоий вилоятида ёшлар томонидан биргина 2018 йилнинг ўзида 650 та, вояга етмаганлар томонидан 23 та турли жиноятлар содир этилган. Бундан ташқари, ёшлар томонидан 77 та, вояга етмаганлар томонидан 21 та ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолати содир этилган[12]. Бизнинг фикримизча ушбу салбий ҳолатлар жойларда аҳоли билан психологик хизматнинг тўғри ташкил этилмаётганлигидан, таълим муассасаларида мавжуд психологларни ўқувчи ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйилмаганлиги ва ушбу соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаётганлиги натижасида юзага келмоқда.

2. Умумтаълим ва касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўқувчиларни ўз вақтида соғлом овқатланиши учун муассасаларда етарли шароитлар яратилмаган. Мисол учун кўплаб қишлоқ туманларидаги таълим муассасалари ошхоналар ва буфетлар фаолияти санитария талабларига умуман жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида таълим муассасасидаги ўқувчиларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Вилоятдаги барча ёшдаги кўзи ожиз ўқувчи ва талабалар учун “брайл алифбоси” усулида чоп этилган бадиий адабиётлар, қўлланмалар ва махсус канцелярия маҳсулотлари етишмайди.

4. Вилоят марказидан олис масофада жойлашган Конимех, Учқудуқ, Томди туманлари ёшларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларнинг замонавий компьютер технологиялари ва интернет воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш ишларини йўлга қўйиш лозим.

5.Вилоятда аҳоли ва ёшларнинг соғлигини сақлаш борасида вилоят марказидан олис чўл зоналарида мутахассислар (акушер-гинеколог, педиатр, неонатолог, ўсмир қизлар гинекологи) етишмаслиги, ультра товуш аппарати, флюораграфия аппаратлари етишмаслиги, эндемик буқоқ касаллиги ёшлар орасида кўплиги ва уни даволаш учун йод препаратлари етишмаслиги, ёшларда Torch инфекцияларини аниқлаш учун реактивлар камлиги, қимматлиги[13].

6. Ёшлар ўртасида тузилган никоҳ шартномаларининг бузилиши, яъни республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан ёш оилаларда ажралишлар салмоғининг вилоятда нисбатан юқори эканлиги. Масалан, 2018 йилнинг январ-декабрида ФҲДЁ органларида 9012 та никоҳ қайд этилган ва 997 та ажралишлар рўйхатга олинди[14].

7. Вилоят ёшлари ўртасида ишсизлик муаммоси натижасида четга иш излаб чиқиб кетиш ҳолатлари юқорилиги. Энг муҳими четга турли сабаблар билан (асосан иш излаб) вилоят ҳудудидан чиқиб кетаётган ёшлар орасида олий маълумотга эга ёшлар ҳам қўпчиликни ташкил этмоқда. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи давомида айнан ёшлар орасида ишсизлик муаммоси ва уни бартараф этиш масаласига алоҳида тўхталиб, тегишли топшириқлар берган эди.

Вилоят марказидан энг олис масофада жойлашган асосан қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган Томди туманидан четга чиқиб кетаётган аҳолининг деярли ярмини ёшлар ташкил этмоқда.

Тадқиқот юзасидан Навоий вилояти ёшлари ўртасида аниқланган муаммолар қуйидаги таклифларни илгари суришимизга асос бўлди:

1.Вилоят ёшлари, айниқса, чекка туманлардаги ёшлар ўртасида жиноятларни олдини олиш мақсадида, таълим муассасаларида, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий Кенгаши ва ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари, вилоят телирадио компанияси билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувларни (ёш тоифасига кўра ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, масъулият, бурч ҳамда мажбурият, жиноят ва жазо каби мавзуларда) янада кўпайтириш;

2.Шаҳарларда ўқувчи ёшларнинг овқатланиши учун таълим муассасаларида шароитлар мавжуд, аммо, туман қишлоқларида жойлашган таълим муассасаларида овқатланиш ва ичимлик суви муаммоси тўғри йўлга қўйилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳокимлиги, вилоят ХТБ , вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ёшлар Иттифоқи, маҳаллалар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳар, туман ҳамда қишлоқлар кесимида таълим муассасаларидаги умумий овқатланиш ва ичимлик суви муаммоси бўйича амалий ишларни бажариш;

3.Навоий шаҳридаги кўзи ожизлар мактабида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар учун “брайль алифбоси” усулида чоп этилган адабиётлар ва аудио китоблар сонини ошириш ҳамда махсус канцелярия маҳсулотлари етказиб бериш бўйича вилоят ёшлар иттифоқи ва тегишли ташкилотлар иштирокида зарур тадбирларни амалга ошириш;

4.Навоий вилоятидаги ОТМларда қозоқ, қорақалпоқ миллатига мансуб бўлган ёшлар учун таълим йўналишларида қўшимча гуруҳлар ташкил этиш, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 май куни имзолаган фармонда Навоий вилояти 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияли, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш учун эркин иқтисодий зона сифатида белгиланди. Бу эса вилоятда инвестиция ва туризм соҳасида Европа ва шарқ тилларини мукаммал эгаллаган малакали маҳаллий кадрларга бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради. Шуни инобатга олган ҳолда Навоий давлат педагогика институтида немис, француз, корейс, хитой, араб тилларига ихтисослашган янги таълим йўналишлари ташкил этиш. Шунингдек, вилоят ёшларининг конгтингентини ҳисобга олган ҳолда ҳудудда янги олий таълим муассасаси ёки республикадаги етакчи олий ўқув юртлари филиалларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, республиканинг чекка туман ва қишлоқларидаги уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳамда унинг ҳудудий бўлимларини ҳокимликлар, маҳалла, ички ишлар органлари, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул раҳбар ходимлар, Хотин қизлар қўмиталари, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, таълим муассасалари ва шу каби ташкилотлар билан доимий тизимли ҳамкорликдаги самарали фаолияти йўлга қўйилса, муаммолар доимий равишда ўрганилиб уларни ечими бўйича ижобий натижаларга эришилса, сиёсий партиялар қошидаги “Ёшлар қанотлари” бўлимлари фаолияти жонласа ва бу бўлимларни республика Ёшлар Иттифоқи ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари билан алоқалари ўрнатилса, Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб шаклланишида кўзланган натижаларни беради.

Адабиётлар:

[1].Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.

[2].Резолюция ООН о Международный год молодежи: участие, развитие, мир. A/RES/40/14 от 18 ноябрь 1985.

[3]. Резолюция ООН о Каналы связи между ООН и молодежью и молодежными организациями. A/RES/40/17 от 18 ноябрь 1985.

[4]. Резолюция ООН о Возможности для молодежи. A/RES/40/16 от 18 ноябрь 1985.

[5]. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи.// https://www/gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq/

[6].Ўзбекистон ёшлари мустақиллик йилларида: фанлараро ўрганиш муаммолари. Т.,2018.,Б-44.

[7].http:// nimfogo.uz/uz/node/1385(31.08.2017)

[8].ЎзР МДА,Фонд-М-13, 2-рўйхат, 33-йиғма жилд, 65-70-варақлар.

[9]. Навоий вилоятининг статистик ахборотномаси, – Навоий, 2018, – Б.108.

[10].Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши 2018 йил ҳисоботидан.

[11]. ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 18-йиғма жилд, 95-96-варақлар.

[12].Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилоят бўлими жорий архиви. 2018 йил ҳисоботлари.

[13]. ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 177-йиғма жилд, 64-варақ.

[14].Навоий вилоятининг статистик ахборотномаси, – Навоий, 2018, –Б.113.

ЗАМОНАВИЙ ДАРС ЛОЙИҲАСИНИНГ АЙРИМ ДИДАКТИК МУАММОЛАРИ

Ҳ.Ўсаров
НавДПИ катта ўқитувчиси

Мустақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиниши, янги таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда.

Узлуксиз таълимда дарсни мукаммал ташкил қилиши ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади.

Юқори савияда ўтилган дарслар ўқувчилар онгида узоқ сақланади, уларнинг иймон, эътиқоди ва мафкураларининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли ўқитувчини илмий савияси, ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати дастлаб дарсда билинади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарснинг сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда ўқитувчи уюштирган дарси, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишонч, халқимизнинг ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва ўқитувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Дарс ўқитувчига жуда катта масъулият юклайди.

Ҳозирги пайтда педагогикада замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда: “Замонавий дарс, ўзи қандай дарс?” деган савол туғилади, албатта. “Замонавий дарс шундай дарски, унда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди. Ўқувчи эса, ўз навбатида, билимларни чуқур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди” Юқоридагилардан кўринадики, дарс бу таълимнинг асосий ташкилий шакли бўлиб, у муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбирдир.

Бугунги кунда муаммоли ўқитиш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш, таълим беришнинг компьютер технологияси, модул таълим технологияси, кабилар кенг қўлланилмоқда ва улар педагогик жараённи лойиҳалашга асос бўлади.

Замонамиз шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда техника ва технологиялар маънавий жиҳатдан тез эскириб қоляпти.

Ишлаб чиқариш билан қиёслаш асосида айтиш мумкинки, педагогнинг касбий фаолияти давомида таълим-тарбия технологиялари 2-3 ларга алмашиб улгурмоқда.

Масалан: хусусий компьютер яқин-яқингача таълимнинг энг ноёб воситаларидан бири бўлиб, ҳамма ўқитувчилар ҳам у билан муомала қила олмасди. Бугун эса таълимда компьютер технологияси кенг тарқалган.

Педагогик лойиҳалаш педагог ва ўқувчиларнинг самарали фаолиятини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Пухта, саводли лойиҳалаштирилган педагогик жараёнлар, технологиялар ва бошқа объектлар воситасида педагог ўқувчи шахсини ва ўз-ўзини ривожлантиришга эришади, турли салбий омиллар таъсирини камайтиради.

Шу билан педагог ўқувчининг индивидуал ривожланишининг ўзига хос лойиҳасини яратади.

Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш самарадорлигини оширишда назария етакчи ўринни эгалламоқда.

Ҳозирги ўқитиш жараёнида қўйиладиган талаблар ва ўқувчиларда дарсга қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак?

Ҳозирги замон таълим-тарбия тизими фақат инсоният аниқлаган билимларни ўзлаштиришнигина эмас, балки жамият энди ҳал қилиши ҳамда бунда бугунги ўқувчи қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишишни ҳам талаб қилади. Бундай масалалар космосни ўзлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, чўлларни ҳосилдор ерларга ва боғ-роғларга айлантириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Халқ хўжалиги ва фаннинг ҳамма соҳаларида жуда катта бурилишлар рўй бермоқда ва ҳар бир ўқитувчи ўзининг тарбияланувчиларини ўзи ўқитадиган фан соҳаси бўйича навбатдаги қайта қурилишлар ва эришилган ютуқлар билан кенг таништириши керак. Бу ишни ўқувчиларга мос усулда ва ўқув дастурига мувофиқ амалга ошириши лозим.

Мазкур талабнинг иккинчи хусусияти педагогнинг ўқувчилар фикр доирасини кенгайтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишидир.

Шундай қилиб, ўқитиш усуллари педагог ва ўқучилар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятини таълимий вазифаларини бажаришга қаратилган тадбир ҳисобланади. Унга қуйидаги муайян талаблар қўйилади:

1. Ўқув материалини ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган усули ўқувчиларнинг диалектик қарашлари, ижобий хусусиятлари ва хулқининг шаклланишга олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан усул тарбиявий тусда бўлиши лозим.

2. Ўқитиш усулининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур усул орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади.

3. Ўқитишнинг тизимлилиги унинг самарадорлигини белгилайди.

4. Ўқитиш усулининг тушунарлилиги: ўқитишнинг усули ўқувчи учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материалини ўрганишнинг усули эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши шарт.

5. Ўқитишнинг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир.

6. Билимларнинг пухталиги ва асослилиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

7. Ўқитиш усулида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлигига эришмай ҳам дарс ўтиб бўлмайди.

Ҳар қандай усулдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун унга қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини билишни талаб қилади. Ниҳоят, усул мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйган мақсад учун яроқсизлигини эътироф этиш лозим. Шундай қилиб, ҳар қандай усул уни қўллашдан кўзланган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш фаолиятини ва фаолиятнинг бажариш воситаларини талаб қилади. Бу воситалар фаолият объекти тўғрисидаги предметли ёки ақлий билимлар, қўйилган мақсадга албатта эришишдан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳам ҳар қандай усулга нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин ўқитиш усуллари учун етарли эмас.

Ўқитиш усулларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- тафаккур, хотира, диққат ва хаёлнинг алоҳида операцияларини таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;

- фикрлар фаолиятида муаммоли ва изланиш вазиятларни вужудга келтирадиган усуллар;

- ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;

- назорат ва ўқувчиларининг ўзини-ўзи назорат усуллари;

-ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг маънавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Ҳозирги замон дарси деб ўқувчиларнинг дарсга 100% фаол иштирокини таъминловчи, илғор педагогик технологиялардан фойдаланилган, техника воситалари ва кўргазмалилик билан жиҳозланган ҳамда юқори самарадорликка эришилган дарсни тушунамиз.

Ҳозирги замон ўқитувчиси эса тадбиркор тарбиячи ва педагог, мафкура ишларининг фаол қатнашчиси, ўз фанининг устаси ҳамда дарс бераётган фанни, илмий ҳақиқатни ёш авлодга санъаткорона ўргатадиган, ўз меҳнати билан жамиятнинг маънавий талабларини болаларга англатадиган, ўз устида мунтазам иш олиб борадиган, педагогик технологиялардан хабардор шахс бўлиши лозим.

Замонавий педагогик технологияларни амалда қўллаш орқали ўқитувчининг ҳақиқий ўқитувчилик фаолиятига ўтиши, яъни у болани ўқитиши эмас, ўқувчиларнинг билимларни ўрганиш, ўзлаштириш бўйича қийин меҳнатига раҳбарлик қилиш, уларга қулай, осон, мақсадга тез етказадиган ва самарали йўл-йўриқлар, усулларни тўғри танлаб кўрсатиш ва амалда самарали қўллаш орқали ўз педагогик маҳоратини ҳамда ўқувчиларнинг билимлари сифати ва тарбияланганлик даражасини мунтазам ошириб боришга эришишдан иборат.

ҲУҚУҚ ФАНЛАРИ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМОТ УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

О.Ғ.Эшдавлатов,
НавДПИ катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада ҳуқуқ фанлари мазмун-моҳияти, ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим жиҳатлари, муҳим бандларини тақдимот материалларига жойлаштириш ҳамда ушбу назарий асосларни асослаш мақсадида тегишли норматив қоидалар (кодекслар, қонунлар)дан кўчирмалар келтириш хақида сўз боради.

Калит сўзлар: Тақдимот, норматив қоидалар, гипертекст материаллар, интерактивлик.

Маълумки, олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ташкилий формаси маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил ишлари ва турли амалиётлардан

ташкил топган. Ҳар қандай ташкилий форма таълим мақсади, мазмуни ва бошқа элементларни ўз ичига олган таълим моделини аниқлайди. Таълимнинг ташкилий формаси таълим моделининг моҳиятини очиб беради.

XIII-XIV асрлардан бошлаб Европада биринчи университетлар ташкил этилганда, маърузалар ўқитишнинг асосий бир шакли сифатида юзага келди ва у ҳозирги кунга қадар олий таълим тизимида ўқитишнинг етакчи шакли сифатида ўқув жараёнида қўлланилмоқда.[44] Маъруза талабаларни назарий билим олишларида, амалий кўникмалар ҳамда малакаларини шакллантиришларида муҳим ўрин тутади. Маърузаларнинг турли кўринишлардаги шакллари таълим жараёнида ўзига хос йўналиш касб этиб, талабада билишнинг анъанавий мантиқий кетма-кетлигини (қабул қилиш, тушуниш, ўқиш, фикрлаш, қайта ишлаш, мустаҳкамлаш) ҳосил бўлишига олиб келади. Ҳозирги кундаги мавжуд ахборотлар маконида маълумотларнинг жуда кўплиги сабабли айнан маъруза талабаларга тўғри йўл кўрсата олади, керакли ва зарур материалларни олишларига ёрдам беради ҳамда мавзу бўйича материал тизимли таҳлил этилади.

Таъкидлаш жоизки, маърузаларни тақдимот усулида ташкил этиш ҳозирда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Тақдимот – маъруза мавзусига оид матн, гипертекст материаллар, компьютер анимациялари, графиклар, видео, мусиқа ва овозларни биргаликдаги мажмуаси ва тақдимоти тушунилади. Тақдимот сюжет, сценарий ва маълум таркибга эга бўлиши зарур. Энг муҳими, тақдимотнинг оддий маърузадан фарқи унинг интерактивлигидадир.

Тақдимот мақсади ва аудиторияга боғлиқ ҳолда турли хусусиятларга эга бўлади ва маърузада тақдимот мавзуни тўлиқ ёритиш ва талабалар (тингловчилар) томонидан маъруза мазмунини максимал даражада ўзлаштиришларига имкон яратиши лозим.

Демак, тақдимотнинг мақсади – талабаларни маърузачи билан биргаликда мавзу бўйича фикрлашга ва мавзуни таҳлил қилишга ундашдан иборат. Шу сабабли, тақдимот аудитория учун осон қабул қилинадиган, талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотадиган ва диққатини тортадиган кўринишда тайёрланиши зарур. Тақдимотни кенг аудиторияга тақдим этишдан олдин уни чуқур таҳлил қилиш, тақдим этилаётган маълумотлар тизимли кетма-кетликда бўлишига эътибор бериш, мумкин қадар тақдимот материалларида хато ва камчиликлар бўлмаслиги керак. Шунингдек тақдимот материали шундай тайёрланиши лозимки, тингловчи маърузачи қўшимча тушунтириш қилмасданоқ мавзунинг моҳиятини тушуниб олиши мумкин бўлсин. Маъруза матни тушунарли ва осон ўқиладиган кўринишда бўлмоғи лозим. Тақдимот материалларидан масала мазмуни тушунарли, барча ёзувлар аудиториянинг исталган жойидан эркин ўқиладиган бўлиши зарур. Агар тақдимотдаги ёзувлар охирги қаторда ўтирган талабалар учун яхши кўринмайдиган ёки ўқиш қийин бўладиган кичик ўлчамдаги ҳарфларда берилган бўлса, талабаларнинг диққати бўлинади ва маъруза самарадорлиги камаяди.

Тақдимот вақтини режалаштиришда тингловчилар томонидан саволлар берилиши, саволларга жавоб, тингловчиларни қисман дам олишлари учун вақт ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Ҳуқуқ фанлари маъруза машғулотларини мазмунли ташкил этишда ҳам тақдимот усули самарали ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқий муносабатларни назарий жиҳатдан ўргатишга қаратилган ҳуқуқ соҳа ва тармоқларини тизимли тушунтиришда, ўргатишда тақдимот маърузалари айниқса, аҳамиятлидир.

Ҳуқуқ фанлари маъруза машғулотлари тақдимотлари талабаларга тушунарли, улар томонидан осон қабул қилинадиган, талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотадиган ва диққатини тортадиган кўринишда бўлиши керак. Ҳуқуқ фанлари мазмун-моҳиятидан келиб чиқилса, ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим қисмларини, тегишли муҳим бандларини тақдимот материалларига жойлаштириш ҳамда ушбу назарий асосларни асослаш мақсадида тегишли норматив қоидалар (кодекслар, қонунлар)дан кўчирмалар келтириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аниқ мавзу бўйича маълумотни тақдим этишнинг умум қабул қилинган усули ҳисобланган тақдимотли маърузалар тизимли равишда, маълум кетма-кетлик асосида назарий характердаги материаллар ўқитувчи (маърузачи) томонидан тингловчилар эътиборига етказилади. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича “Маълумотни узатиш, етказиш” энг қийин услублардан бири ҳисобланади. Шу маънода, маълумотлар ва ахборотларни тақдимотли маъруза шаклида узатиш олий таълим тизимида самарали ўқитиш услубларидан бири бўлиб ҳисобланади.

[44] О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов. Замонавий таълим технологиялари. -Т.: “Фан ва технология”, 2013. –Б. 35

МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

Р.М.Каримова,
Навоий давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси.

Аннотация: Мақола, истиқлол фалсафасининг предмети, объекти, асосий тоифаси, вазифаси, тарихий босқичлари ва замонавий илмий ва амалий аҳамияти қисқача баён этилган.

Калит сўзи: мустақиллик, фалсафа, методология, глобаллашув, жамият, давлат, тараққиёт, моддий, шахс, миллат, қонуният.

Бугунги кунда жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддатли равишда кечиши, моддий ва маънавий бойликларни эгаллаш учун бўлаётган “цивилизациялашган” рақобатларнинг кундан кунга кучайиб бориши, ривожланган давлатларнинг ҳар турфа ”иттифоқларга” бирлашиб ҳаракат қилиш жараёнларининг тобора қутублашиб бориш тенденцияларининг авж олаётганлиги эндигина қаддини ростлаб ривожланиб келаётган давлатларнинг иқтисодий,сиёсий ва маънавий мустақиллиги сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бу эса мазкур мамлакатларда яшовчи барча халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ўзида акс эттирувчи фалсафий дунёқарашларининг илмий-амалий асосларини,яъни мустақиллик фалсафасини яратиш, шакллантириш, ривожлантириш, уни халқ эътиқодига айлантириш орқали амалга оширилишини тарихий зарурият қилиб кун тартибига қўймоқда.

Дунёда инсон зоти борки, у ўзининг туғилган жойида, диёрида мустақил, эркин, осуда ҳаёт кечиришни истайди. Унинг бу истакларини амалга оширувчи асосий омил давлат, яъни ҳар қандай давлат эмас, балки миллий жиҳатдан мустақил бўлган демократик давлат ҳисобланади. Агар давлат бўлса-ю, аммо у мустақил бўлмаса, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг эркинлиги, мустақил яшаши хом хаёл бўлиб қолаверади. Шундай экан, мустақиллик ҳар бир давлатнинг бош атрибути бўлиб,уни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш мустақиллик фалсафасининг асосий масаласи ҳисобланади. Зеро, мустақиллик бўлмаса, миллий давлат ҳам, унинг туб манфаатларини ифода этувчи, порлоқ келажак сари бошлаб борувчи миллий ғоя-мафкуравий ҳаёти ҳам бўлмайди. Демак, **«мустақиллик деб - ҳар бир инсоннинг, миллатнинг, халқнинг, давлатнинг ўз моддий, маънавий бойликларига тўла ҳуқуқли қонуний соҳиб бўлиб, у ўз ихтиёри билан, бировларга тобе ва қарам бўлмасдан, ўзгаларнинг ёрдамисиз, раҳномаю раҳбарлигисиз иш қила олишига, фикр юритишига асосланган ҳолда ҳаёт кечиришидан иборат бўлган ижтимоий борлиғига айтилади»[1].**

Мустақилликнинг жамият ҳаётидаги туб моҳияти ва умумметодологик аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш.М.Мирзиёев**: ***«Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳатто шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши,инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини,қадр-қимматини янада теран англаб етишимиз,уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт»[2],*** – деган эди.

Мустақиллик ҳам тарихий тараққиёт жараёнида такомиллашиб бориши натижасида табиий ҳолатдан бошқа босқичга ўтиб, ижтимоий борлиқда янги феномен сифатида пайдо бўлади. Ана шу жараённинг ўрганиш эса мустақиллик фалсафасининг пайдо бўлиш сабабларидан бири ҳисобланади. Демак, **мустақиллик фалсафаси – шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил тарзда,ўзгаларга тобе, қарам бўлмасдан ҳаёт кечиришининг умумий қонунлари ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг предметини мустақилликнинг моҳияти, келиб чиқиши, ривожланиш принциплари ва қонуниятлари ҳақидаги билимлар ташкил этади.**

Мустақиллик фалсафаси *бир томондан,* Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг йўналишлари ва мезонлари, қадриятлари ва мақсадларини аниқ белгилашга ёрдам берса, *иккинчи томондан,* мамлакатимизда мустақиллик қачон пайдо бўлган, қандай ривожланган, қаёққа қараб кетаяпти, унинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланишининг шакл ва кўринишлари қандай, мезонлари борми ёки дунёдаги мавжуд миллий ва умуминсоний мазмундаги ижтимоий-маънавий тараққиёт ўзанидан кетаяптими, *учинчи томондан эса* мустақиллик қандай тажовузлардан, кимлар томонидан, қандай қилиб ҳимоя қилишниши керак,деган саволларга жавоб топиш имконини беради. Ана шу муаммолар мустақиллик фалсафасининг асосий масалаларини ташкил этади.

Мустақиллик фалсафаси – шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил ҳаёт кечиришларига тегишли ҳодиса ва жараёнларининг муҳим, зарурий, умумий томонларини ўрганган ҳолда жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини тушунтириб бериш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий мақсадларини белгилаш ва мавжуд ижтимоий муносабатларни кишилар

онги ва қалбига сингдириш йўли билан бошқариш механизмларини очиш, уларнинг ривожланиш истиқболларини кўрсатиб бериш билан шуғулланади. Шундай қилиб, мустақиллик фалсафасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Мустақиллик фалсафаси – ***ижтимоий ҳодиса бўлмиш шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил ҳаёт кечиришининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши, фаолият кўрсатишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган дунёқарашларнинг мантиқан умумлашган тизимидир.***

Ўзбекистон халқларининг мустақиллигини ҳар томонлама ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш барча фуқароларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шунинг учун фуқароларимизнинг мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишга бўлган эътиқодини, уларнинг миллий мафкуравий онгини шакллантириб, ривожлантириб бориш орқали маънавий жиҳатдан тарбиялаш энг устувор вазифалардан бири саналади.

Мустақиллик фалсафасининг асосий масаласи мустақилликка эришиш,уни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишнинг икки томони мавжуддир. Биринчи томони, мустақиллик табиат ва жамият оламида мавжуд нарсами ёки йўқми (онтология)?, иккинчи томони эса одамзот мустақиллик ҳақида мустақил тафаккур қилиш хусусияти борми(гносеология)?,-деган масалага ечим топиш ҳисобланади. Демак, сиёсат нуқтаи назаридан бу масалаларга жавоб беришларига қараб давлат суверенитетини тан олган ҳолда халқларнинг мустақил ҳаёт кечиришини олий саодат деб билгувчи кишиларга, шунингдек, уларни умуман тан олмайдиган мустамлакачиларга ажратиш мумкин.

Асосий масаланинг иккинчи томонини эса мустақиллик феноменининг субъекти бўлган турли хил одамларнинг дунёқараши ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик фалсафаси бир томондан миллат,бошқа томондан эса давлат фалсафаси шаклида ўзини намоён қилади.

Мустақиллик фалсафаси элат, миллат ва халқларнинг тарихий ривожланишида жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти жабҳаларида тадрижий гоҳида инқиллобий, гоҳида коэволюцион тарзда шаклланиб борган. Шунинг учун мустақиллик фалсафасининг ривожини биринчидан, мустақиллик учун курашлар; иккинчидан эса эришилган мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, риволантириш ва келгуси авлодларга эсон-омон етказиб бериш каби тарихий босқичларига ажратиш мумкин. Мустақиллик фалсафасининг моҳияти, мазмуни ва методологик аҳамиятиана шулардан иборат. Шу сабабли, биз мустақиллик фалсафасини “Фалсафа” фанининг таркибий қисмига киритиб,алоҳида мавзу сифатида инновацион таълим технологиялари асосида ўқтишни ҳамда “Мустақиллик фалсафаси” номли ўқув қўлланмани тайрлаб нашр этишни тавсия қиламиз. Зеро, мустақилликнинг маъно-мазмунини, амалий қадр-қимматини талабаларимизга тушунтириб бориш барчамиз учун ҳам фаз,ҳам қарздир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон Ўзбекистонимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!”[3]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммадиев Н.Э. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси.Монография. Т.: ТошПТИ, 2018.– Б.7-8.
2. Мирзиёев Ш.М. «Шундай ўлка доим бор бўлсин» // *Унинг ўзи.*Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Т.: «Ўзбекистон»,2017.– Б.344.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019
4. **Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни** мард ва олижаноб халқимиз **бнлан бирга қурамиз. - Т: “Ўзбекистон”**, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М..Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. – Т.:«Ўзбекистон» НМИУ,2017.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
7. Мирзиёев Ш.М**.** Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т: “ Ўзбекистон” 2020.
8. Крапивенский С.Э. Социальная философия. – М.: Владос,1998. – С.229.
9. Йўлдошев С.А., Усмонов О.М.,Каримов Р.Р.Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. – Т.:”Шарқ”, 2003.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти,2006.
11. Ғарб фалсафаси. – Т.”Шарқ”,004. – Б.70.
12. Яхшиликов Ж.Я,Муҳаммадиев Н.Э Миллий ғоя ва мафкура Монография. – Т: “Фан”,2015.
13. Яхшиликов Ж.Я,Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя-тараққиёт стратегияси. Монография. – Т: “Фан”,2017.
14. Муҳаммадиев Н.Э. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси. Монография. – Т: ТошПТИ,2018.

YOSHLAR ONGIGA MILLIY G'OYANI SINGDIRISHDA TARIXIY XOTIRANI SHAKLLANTIRISH VOSITALARI

O`.Shonazarov,
NavDPI o`qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada Yoshlarga milliy g`oyani singdirish, o`zligini anglash, tarixiy xotirani shakllantirish vositalari tahlil qilingan.

**Kalit so`zlar:** Yoshlar, tarixiy xotira, tarixiy ong, milliy g`oya, ommaviy axborot vositalari.

O'zbekiston yoshlarida tarixiy xotirani shakllantirish hamda rivojlantirishda turli ijtimoiy vositalar, metodlar va shakllar, shu jumladan mafkuraviy tarbiya ham ulkan rol o'ynamoqda.

Jamiyat taraqqiyotining har bir yangi bosqichida o'tmish tarixni anglash ehtiyoji paydo bo'ladi. Bugungi kunda bu ehtiyoj nafaqat mamlakatimizda, balki butun dunyoda bo'layotgan o'zgarishlar jarayoni bilan bog'liq. Chunki XX asrning oxirgi o'n yilligida dunyoda sodir bo'lgan geosiyosiy o'zgarishlar ko'pgina xalqlar uchun o'z tarixini yangicha baholash imkonini berdi. Bu jarayonda avvallari boshqacha nuqtai nazardan talqin etilgan tarixiy hodisalarga munosabat o'zgardi. O'zbekistonda ham mustaqillikdan so'ng Vatanimiz tarixining noma'lum tomonlarini o'rganish, unga xolisona baho berish, tarixiy xotiraga tayanib xalqimizni kelajak maqsadlarimiz yo'lida birlashtirish imkoniyati paydo bo'ldi[45].

Tarixiy ongni va tarixiy xotirani shakllantirish bugungi kunning dolzarb muammolaridan hisoblanadi. Hozirgi axborot asrida kishilar ongiga ta'sir etishning samarali vositalaridan biri ommaviy axborot vositalaridir. Tarixiy ongni va tarixiy xotirani shakllantirishda fan, adabiyot va san'at bilan bir qatorda, ommaviy axborot vositalarining ham imkoniyati kattadir. Chunki ommaviy axborot vositalarida ma'lum bir tarixiy davr, tarixiy hodisalar bevosita ochib berilishi mumkin. Tarixiy ong kundalik-amaliy va nazariy darajalarga bo'linadi. Nazariy ongni shakllantirish maxsus, chuqur sistemalashgan, asosli bilimni talab etadi. Kundalik-amaliy ongning shakllanishi esa ko'proq kishilar yashayotgan
ijtimoiy muhit bilan bog'liq bo'lib, voqelikka nisbatan qarashlarda ustunlik qiladi. Shuning uchun bu o'rinda nazariy ong kundalik ongni shakllantirishga ko'proq ta'sir etadigan bo'lsa, bizning borliq haqidagi qarash va tasavvurlarimiz ob'ektiv xarakterga ega bo'ladi. Mana shu holatdan kelib chiqib, ommaviy axborot vositalarida tarixiy hodisalarni tahlil etish jarayonida ko'proq ilmiy asoslangan bilimlarga tayanish lozim. Masalan, ommabop ko'rsatuvlarni tayyorlashda ham yaqin va uzoq o'tmishga oid faktlardan foydalanish talab etiladi[46].

Ommaviy axborot vositalarining ustunlik tomoni shundaki, ular axborotni kishilar hissiyotiga ta'sir etish orqali yetkazadi. Bu esa o'sha axborotga nisbatan kishilarning ishonchini oshiradi. Bu o'rinda masalaning nozik tomoni shuki, sub'ektiv xarakterdagi yolg'on, ma'lum maqsadlarni ko'zlaydigan axborotlar ham ishonchli bo'lib ko'rinadi. Tarix ma'lum bir mafkura va g'oyalarni asoslash uchun xizmat qilishi bizga ma'lum. Muayyan maqsadlarni amalga oshirishda ko'proq mafkuraviy vositalar qo'llanilayotgan hozirgi paytda ommaviy axborot vositalari orqali tarixiy hodisalarni buzib ko'rsatish ancha samara beradi va bu holatni biz kundalik hayotda kuzatmoqdamiz. Shu bois bu qarashlarning asossiz ekanligini ko'rsatib beruvchi boshqa tarixiy faktlar ommaviy axborot vositalari orqali ochib berilishi kerak. Mana shunda kishilar mafkuraviy tahdidlar ta'siridan himoyalanadi[47].

Tarixiy xotira ob'ekti faqat o'tmishga qaratilmay, bugungi ijtimoiy voqelikni ham qamrab oladi. Hozirgi kunda jahonda sodir bo'layotgan ijtimoiy jarayonlar haqidagi ma'lumotlarni biz asosan ommaviy axborot vositalari orqali olamiz. Yana axborot vositalari materiallarining tarqalish xududini cheklab bo'lmaydi. Bugungi kun ertaga tarixga aylanishini hisobga oladigan bo'lsak, bizning bugungi kun haqidagi bilimlarimiz ob'ektiv bo'lishi lozim. Uni amalga oshirish ko'proq ommaviy axborot vositalarining faoliyatiga bog'liq. Har qanday ijtimoiy-siyosiy hodisalar haqidagi qarash va nuqtai nazarlar turlicha bo'lmoqda. Bu jahondagi turli davlatlar va kuchlarning manfaatlari turlicha ekanligidan kelib chiqadi. Ma'lum hodisalarning ommaviy axborot vositalaridagi talqini esa mana shu manfaatlarga xizmat qilmoqda. Hodisalarni boshqalar ko'zi bilan ko'rish ularning foydasiga xizmat qiladi. Mamlakatimiz ommaviy-axborot vositalari oldida turgan katta muammolardan biri ham shudir. Ko'pincha biz ommaviy axborot vositalari orqali ijtimoiy-siyosiy voqealar haqida axborot olish bilan cheklanamiz. Shu hodisalar haqidagi turli nuqtai nazarlar va qarashlar ochib berilmaydi. Shu sababli ommaviy axborot vositalari voqealar bayoni bilan cheklanmasdan, ularning tahliliga ham e'tiborni qaratsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Mana shu holat bugungi kunda yashayotgan kishilarning tarixiy ongi va tarixiy xotirasi shakllanishigagina emas, balki kelajak avlod uchun ham xizmat qiladi. Chunki kelajak avlod vakillari bugungi kunni o'rganishda asosan ommaviy axborot vositalari materiallariga tayanadi.

O'zbekistonda ommaviy axborot vositalarini isloh qilish jarayonida yuqoridagi jihatlar hisobga olinsa, bu xalqimizning bugungi va kelajak manfaatlari uchun xizmat qilgan bo'lardi.

---

[45] Safoyev N. Duxovnost i samosoznaniye lichnosti. – T.:Fan, 2004. – S. 3- 4.

[46] Nikitayev V.V. Pressa i jurnalistika v ramkax kulturы. // Voprosы filosofii. – Moskva,1998. – № 2. – S. 65-79.

[47] Boyto'rayev T. Ajdodlar merosi va komillik tarbiyasi. //Muloqot.– Toshkent, 2005. – № 2. – B.26.

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА (НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Ж.Ф.Савриев,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ўзбекистоннинг зиёратгоҳ ва қадамжолари мисолида мустақиллик йилларида Навоий вилоятида эътироф этилган тарихий ёдгорликлари: Қосим Шайх Азизон ҳонақоҳи, Работи Малик карвонсаройи, Работи Малик сардобаси, Деггарон меъморий ёдгорлиги, қадимий Нурота чашмасининг қисқа қурилиш тарихи ёритилган. Навоий вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш учун тарихий ёдгорликлар ва муқаддас зиёратгоҳларнинг жамоатчилиик кенгашлари томонидан обод этилиши, қайта таъмирланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: обида, чашма, чил устун, кўк гумбаз, “Домалла”, карвонсарой, сардоба, ҳонақоҳ, зам-зам суви, сопол қувурлар

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгач, маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бу эса маданий хосликни чуқур англашга, шу билан бирга, бошқа маданиятларга ҳам ҳурмат эҳтиром шакллантиришга кўмак беради. Маданий мероснинг буюк моҳиятини назарда тутган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев маданиятимизни осори атиқаларимизни, муқаддас қадамжоларимизни, зиёратгоҳлар ва қабристонларни, кўҳна ёдгорликларимизни қайта тиклашга доим катта эътибор қаратиб келмоқда. У кишининг ташаббуслари билан маънавий оламимизда буюк ўзгаришлар содир бўлаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Совет Иттифоқи замонида асарлари у ёқда турсин, ҳатто номлари қатағонга учраган алломаларимиз, авлиёларимиз шаъни - шавкати қайта тикланиб номлари оқланиб, мўътабар зиёратгоҳлари обод этилди. Бугунги кунда Республикамизда 8400 дан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилиш руйхатига киритилган.[48] “Ўзбекистонда масжидлар сони 2021 йил 21 декабрь ҳолатида 2084 тага етди”, - дея ҳабар беради Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлари ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита.[49] Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айрим, айниқса, чекка ҳудудлардаги меъморий обидаларнинг қаровсиз ҳолатда экани ҳақида аҳоли томонидан эътирозлар бўлган. Обидаларнинг эътибордан четда қолишига эса уларнинг моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилмаганлиги сабаб бўлиб келган. 2018-2019 йилларда республикамиздаги барча моддий маданий мерос объектлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг ҳозирги кундаги ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

Хатлов натижалари умумлаштирилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби туғрисида"ги Низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича “Моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган моддий маданий объектларининг янгиланган рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқлари қабул қилинди. Ушбу буйруқларга асосан, Республикамиздаги барча тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилиб, объектларининг янгиланган рўйхати тасдиқланди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳудудлардаги мавжуд моддий маданий мерос объектларини қайта ҳатловдан ўтказиш орқали тарихий обидаларни қайта тиклаш, қадимий қадамжоларнинг ҳолатини яхшилаш, йўқолиб кетиш арафасида турган объектларни сақлаб қолиш ва бунинг натижасида Республикамизда туризм салоҳиятини янада яхшилашга эришишдан иборат.

Маданият вазирининг буйруғи билан моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган объектлар “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун билан муҳофаза этилади.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. [50]

---

[48]Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов ҲАЗРАТ МАВЛОНО ОРИФ ДЕГАРОНИЙ. Илмий-маърифий нашр. Бухоро шаҳар, И Мўминов кўчаси 27-уй. “Бухоро” нашриёти. Нашр сони 19. Адади 2000 нусхада 3.б

[49] Masjid.Uz интернет маъумотлари. 2021 й. 02 март

[50] Олмахон Ҳайитова. Карманалик Буюк Сиймолар ва Муқаддас Қадамжолар.”Янги аср авлоди”нашриёт-матбаа маркази. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси 60,.47.б

Навоий вилояти — мамлакатимизнинг энг кенжа вилояти бўлса-да, унинг тарихи асрларга туташиб кетган. Самарқанду, Бухоро оралиғидаги қадимий бу музофотда не-не буюк воқеалар юз бермади. Работи Малик карвонсаройи ва Сардобаси нинг ўзи қанчалаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

Ҳудудимиздан буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур, саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо, Буюк Хоразмшоҳлар авлоди Султон Алоуддин Жалоллиддин Мангубердилар от уйнатиб ўтган. Тариқат пирларидан Хожаи Жаҳон — Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратлари, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийлар хоки пойлари муборак этган бу тупроқни. Алишер Навоий ҳазратлари Ҳиротдан Самарқандга , қадимий кўҳна Бухоро орқали йўл олиб, илм излаб келаётганида Сардобанинг салқин сувидан тотган бўлса, не ажаб, ва айни ҳақиқат.

Хатирчидаги Гадой Селкин, Карманадаги Шайх Нуриддин, Қосим Шайх Азизон, Мир Саид Баҳром, Мавлоно Ориф Деггароний, Қизилтепа туманидаги Хўжа Ҳасан Андоқий, Боязид Бистомий ва бошқа кўплаб зиёратгоҳлар, мақбара масжидлар, хонақоҳу работлар узоқ ўтмишимиздан ҳикоятлар сўйлайди.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий-маънавий қадриятларимиз тикланди, юзлаб ёдгорликлар, тарихий обидалар қайта чирой очди. Тарихий меросимизга бўлган бундай юксак эътибор туфайли Оллоҳ таоло эл-юртимизга еру кўкдан ризқ-барака эшикларини очиб қўйди. Халқимиз фаровонликка юз тутди.

Буюк йўлбошчимиздан бизга озод ва обод ватан мерос бўлиб қолди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида ана шу обод- озод диёрни янада гуллатиб-яшнатиш йўлида келгуси беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Тараққиётнинг "Ўзбек модели"га мантиқий давом сифатидаги ушбу эзгу ишлар Дастури ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу Дастурда маданий-маънавий мерос объектларини муҳофаза этиш, янада бойитиш ҳам муҳим ўрин олган.

Навоий вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги туризмнинг вилоят иқтисодиётига янада интеграцияланишини мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, туризм мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан бирга аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Навоий вилоятининг географик ўрни ниҳоятда қулай, ажойиб табиий иқлим шароитига эга эканлигидан ташқари, унинг инсоният тараққиётидаги ўрни ҳам беқиёс.[51]

Жаҳон миқёсида эътироф этилган тарихий ёдгорликлар Навоий вилоятида туризмни ривожлантиришда ҳиссаси юқори баҳоланади. Жумладан:

Нурота чашмаси ёдгорликлари Нурота меъморий обидалари улуғ аждодларимиз томонидан бунёд этилган милоддан аввалги меъморсозлик билимлари ва амалиётининг қадимий бой ва ноёб намуналаридан ҳисобланади. X асрлардаёқ бу ерда жомеъ масжиди, кўплаб работлар ва муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд бўлган. Академиклар Яҳё Ғуломов ва Аҳмадали Асқаровларнинг ёзишларича “Чашма” соҳилидаги маданий қатлам ёши 40 минг йилга тенг. Ҳудудда ҳозирга қадар сақланиб қолган қадимий бинолардан бири панжвақт масжид-хонақосидир. У XVI асрда тикланган бўлиб, кейин бир неча бор кўпайтирилган. Унинг икки томонида XIX асрнинг ўрталарида масжидга тақаб қурилган айвонлар жойлашган. Иккинчи бино 16 та устун асосига қурилган бўлса ҳам аҳоли томонидан “Чилустун” яъни “Қирқ устун”, деб атайдиган жомеъ масжидидир. Бино томи 25 та кичик гумбаз билан қопланган. Масжид XVI асрда қурилган, лекин унинг эски қисмидаги тош пойдевор сақланиб қолган. Пештоқидаги ёзувнинг гувоҳлик беришича, 1321/1903-1904 йилларда масжидда тубдан таъмирлаш ишлари ўтказилган.

Нурота шаҳридаги “Чашма” меъморий мажмуасини сайёҳлик марказига айлантириш ва мазкур қадамжога ташриф буюрувчи сайёҳларга сервис хизмат кўрматилишини такомиллаштириш бўйича ҳамда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда комплексда жойлашган “Чилустун”, “Кўк гумбаз” ва “Домалла” тарихий масжидлари, зиёратгоҳ ҳовлиси замонавий талаблар асосида таъмирланиб, ободонлаштирилган ҳамда Комплексга кираверишдаги майдонда қадимий халқ оғзаки ижоди ва фольклёр ашула ва рақс томошалари намойиш этиш мақсадида 2012 йил март-ноябр ойларида “Нуржаҳон” фольклёр дастасининг томошалари графиги ишлаб чиқилган.

Шунингдек, комплексда хорижий саёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида мазкур комплексда вилоят “Саёҳат ва экскурсиялар бюроси” ДКнинг ҳудудий марказини очиш масаласида ишлар бошланди.

Қосим Шайх Азизон хонақоҳи (XVI аср) XVI асрда Кармана беклиги маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган. Қосим Шайх Азизоннинг ҳаёти ва фаолияти эзгу ва хайрли ишларга қаратилган эди. Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II ҳазрат Қосим Шайхга бўлган ихлоси юзасидан 1558 йилда Карманада хонақоҳ барпо эттирган. Ушбу бунёдгорлик ишларида Қосим Шайхнинг ўзлари ҳам қатнашган ва ҳомийлик кўрсатган. Хонақоҳнинг шарқий томонида Қосим Шайх сағанаси бор. Сағана мармар ва Абдуллахон

[51] Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000 й

ғишти билан тикланган, айрим жойларда Қуръони Карим оятлари битилган. 1910-1911 йилларда Бухоро амири Амир Абдуллаханхоннинг вафотидан сўнг унинг ўғли Сайид Олимхон қабрини Қосим Шайх даҳмаси ёнига унга монанд қилиб қурдирган. Иккинчи хонақоҳ Қосим Шайх хонақоҳидан 300 йил кенгроқ қурилган бўлсада, яхлит бир-бирига монанд улкан бир ёдгорлик мажмуаси ташкил қилинган. 2001 йилда ушбу мажмуа тўла таъмирланди ва бугунги кунда Навоий вилоятидаги энг тарихий ва обод маданий мерос объектларидан бири сифатида қадрланиб, авайлаб асралмоқда ва фойдаланилмоқда.

Работи малик карвонсаройи (XV аср) Работи Малик карвонсаройи Кармана – Бухоро йўли бўйи оралиғида, XI асрнинг 70 йилларида қорахонийлардан бири Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим томонидан қурилган бўлиб, XII асрнинг биринчи чорагида Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102-1130 й.) томонидан қайта таъмирланган. Карвонсарой ичида маиший соҳаларга доир хизматлар фаолият кўрсатган. Жумладан, меҳмонхона, ошхона, сартарошхона, омборхона, масжид, тош ҳаммом ва бошқалар. Карвонсаройга сув Сардобадан сопол қувурлар орқали келтирилган. Сардоба ва Карвонсарой ораси 50 метрни ташкил этади.

1999-2000 йилларда карвонсаройнинг пойдевори консервацияланди. Унинг пойдевори 1 метр баландликда пишиқ ғиштдан қайтадан терилди, кириш дарвозаси пештоқлари ва деворлари таъмирланди, олд деворларининг асл ҳолини кўрсатиш учун 3,5 метр баландликда қайтадан тикланди.

Работи малик сардобаси (XI аср) Работи Малик карвонсаройидан 120 метр ораликда жанубий-ғарб томонда ичимлик сув манбаи бўлган сардоба жойлашган. Унинг – диаметри 13 метрли, гумбаз остидаги карвонсаройга замондош бўлган Сардоба қурилган. Сардоба ҳовузининг айлана девори ердан 12 метр чуқурликка қадар пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, унда муздай тоза сув бутун ёз бўйи сақланган. XVI асрдаги муаллифлардан бири Работи Малик сардобасининг сувини Маккадаги Лазиз Замзам сувига қиёслайди. Сардоба карвонсарой каби ёлғиз йўловчилар учун ҳам бутун бошли карвонлар учун ҳам кўналға ҳисобланган. Карвонсарой ўзининг дастлабки вазифаси билан XVIII асргача хизмат қилиб келган. Туризм соҳасида Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси дунё сайёҳларининг эътиборини тортмоқда.

Деггароний меъморий ёдгорлиги (XI аср) Кармана шаҳридан 30 км ғарбдаги Хазора қишлоғида жойлашган ёдгорлик Мовароуннаҳрдаги энг қадимги масжидлардан биридир.

Унинг қурилиш даври XI аср бошларига тегишли бўлиб, мураккаб ва ноёб лойиҳа асосида бунёд этилганлиги билан қимматлидир.

Ушбу ёдгорликдан азалдан масжид сифатида фойдаланиб келинмоқда. Масжиднинг ва қишлоқнинг номи қадимда шу ерда яшаган аҳолининг асосий машғулоти ўтга чидамли қозон тайёрлашидан олинган.

Мовароуннаҳрда ягона бўлган ушбу обида 2006 йилда қайта таъмирланиб, ҳозирги кунда бу ёдгорлик мажмуаси бутун мусулмон оламига машҳур зиёратгоҳга айлантирилган. Шунингдек, мажмуа ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарилиб, Мавлоно Ориф Деггароний тарихий музейи ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий вилояти зиёрат туризмини ривожлантиришда тарихий зиёратгоҳлар, мақбаралар, хонақоҳлар, масжид ва мадрасаларни тадқиқ қилиш, янги тарихий фактларни шакллантириб манбалар баъзасини бойитиш, қизиқишни кучайтириш, таъмирлаш, реставрациялаш, қайта тиклаш орқали сайёҳ-туристлар оқимини жалб қиладиган муҳим омиллардан бири бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов ҲАЗРАТ МАВЛОНО ОРИФ ДЕГАРОНИЙ. Илмий-маърифий нашр. Бухоро шаҳар, И Мўминов кўчаси 27-уй. “Бухоро” нашриёти. Нашр сони 19. Адади 2000 нусхада 3.б
2. Masjid. Uz интернет маъумотлари. 2021 й. 02 март
3. Олмахон Ҳайитова. Карманалик Буюк Сиймолар ва Муқаддас Қадамжолар.”Янги аср авлоди”нашриёт-матбаа маркази. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси 60,.47.б
4. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000 й

“ABU BAKR MUHAMMAD IBN JA’FAR AN-NARSHAXIYNING “BUXORO TARIXI” ASARIDA METODOLOGIK YONDASHUVLARNING QO’LLANILISHI

Abduraimova M.B,
“Milliy g’oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi” kafedrasi o`qituvchisi, NavDPI

Annotatsiya: Tarixning mazmun-mohiyatini anglash, tushunish va tarixiy tafakkurga doir zamonaviy yondashuvlarni ishlab chiqish, demak, bugungi kunga kelib insoniyat bosib o’tgan zalvorli yo’l orqali o’tmish va hozirgi paytdagi olimlarning, faylasuflarning xulosalarini hisobga olgan holda ularga yangicha yondashish imkonini berar ekan, Abu Bakr Muhammad ibn Ja’far an- Narshaxiyning ,,Buxoro tarixi” asari O’rta Osiyoning VIII-XII asr tarixiga oid o’ta qimmatli ma’lumotga ega asar hisoblanadi. Manbada keltirilgan ilmiy

ma’lumotlar o’sha davr tarixini aks ettiradi va muallif tomonidan turli metodlarni qo’llash orqali ochib berilgan. Voqealarni bayon qilishda xolisiylik tamoyiliga amal qilgan holda matnshunoslik, retrospektiv, davrlashtirish, atamalar tahlili, matematik statistik va induktiv-deduktiv metodlar orqali talqin qilib beriladi. Shuningdek, asarda terminlarning epistemilogik izohiga ham to’xtalgan va qiziqarli hikoyatlar esa asar mazmunini boyitgan.

Kalit so’zlar: xronologik, terminologik, retrospektiv, analogik metodlar, g’itrifiy, misqol, donak,xabba, diram, mol, oriz, tobeinlar, g’uz, funduqiy, zimmiylar, muqotaa, ajam.

Abu Bakr Narshaxiyning tarjimayi holiga oid ma’lumotlar juda kam. ,,Narshaxiyning o’g’li Abu Bakr Mansur va nevarasi hadisshunos olim Abu Rafi al-Ala ibn Mansur ibn Muhammad ibn Ja’far asarni arab tilida davom ettirishib, Mansur ibn Nuh (997-999),ya’ni so’nggi somoniylar davrigacha to’ldirishgan. Nasafiyning ,,Kitob al-Qand” (,,Samarqandiya”) va Abu Sa’d as Sa’moniy(1113-1167)ning ,,Kitob al-ansob” asarlarida Narshaxiy haqida ma’lumotlar mavjud”[1:271]. Abu Bakr Narshaxiy - Markaziy Osiyo tarixnavisligining ilk qadimiy durdonalaridan biri bo’lmish «Tarixi Buxoro» deb shuhrat topgan nodir asarning muallifidir. U o’z asarini 943-944 yillarda arab tilida yozgan va uni shu yillarda taxtga o’tirgan Somoniylar davlati hukmdori Amiri Hamid, yani Abu Muhammad Nuh ibn Nasr ibn Ahmad ibn Ismoil as-Somoniy ***(943-954)***ga bag’ishlagan. Faqat **XIII asr muallifi Samoniyning «Kitob ul-ansob» asarida uning to’la ismi Abu Bakr Muhammad ibn Ja’far ibn Zakariyo ibn Xattob ibn Sharik** ekanligi va u Buxoro ahlidan (Narshax qishlog’idan) bo’lib, 286 hijriy (899 milodiy) yili tavallud topgan va 348 (959) yili vafot etganligi eslatiladi.

Afsuski, «Buxoro tarixi»ning arab tilida yozilgan asl nusxasi bizgacha yetib kelgan emas. Bizga nasib bo’lgani — bu fors tiliga tarjima qilinib, qariyb uch asr davomida bir necha bor tahrir, qisqartish va qo’shimchalarni boshidan kechirgan nusxadir. ,,Bu asar O’rta Osiyoda arablar istilosi natijasida islom dinining tarqalishi, 9-11-asrlardagi Buxoro va unga yaqin shahar va qishloqlar aholisining siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy-madaniy hayotiga oid ma’lumotlar beruvchi muhim tarixiy manbadir[2:295]”.

,,Buxoro tarixi” tarixiy manbasi tadqiq qilinganda asar muallifining voqealarni turli xronologik, terminologik, retrospektiv, analogik metodlar asosida tasvirlab berishiga duch kelamiz. Bu asar talqinini boyitgan. Muallif tasviri orqali o’sha zamon odamlarining tafakkurini anglashga va makon va zamon haqida tushuncha hosil qilishga imkon beradi. B.Mogilnitskiy shunday yozadi: ,,Tarix odamlar faoliyati, shuningdek, ushbu faoliyat oqibatlari bilan bog’liq bo’lgan konkret ommaviy taraqqiyot qonuniyatlarini tadqiq qiladi[3:199]”-deydi. Buni ,,Buxoro tarixi” asarini tadqiq qilish jarayonida uchratish mumkin.

Asarda xronologik metodning qo’llanilishi

Bu asarni tahlil qilganda voqealarning har birida miqdoriy metodlardan foydalanilgani yaqqol ko’rinadi. Miqdoriy metodlarni quyidagi voqealar tasvirida ko’rish mumkin: asarning *II bobida ,,Buxoroda qozilik qilgan kishilar haqida” aks etgan: “Yana Said ibn Xalaf al Balxiyning* ***ikki yuz o’n uchinchi yil Jumodul- avval oyining*** *oxirida* ***(16 avgust 828-yil)*** *qozilikka tayinladilar... U yaxshi qonun qoidalar o’rnatdi. Ma’lumki, o’lkamizda sun’iy sug’orishga asoslangun dehqonchilik azaldan mavjud bo’lgan. Suv taqchil bo’lgani uchun dehqonchilik bilan mashg’ul aholiga suv taqsimoti davlat siyosati darajasiga ko’tarilgan. Buxoro shahri bosh qozisining asosiy vazifalaridan biri suv taqsimotini adolat yuzasidan amalga oshirish bo’lgan.*

Narshaxiy bu to’g’risida shunday yozadi: *“Jumladan toki kuchli kishi zaif kishiga zulm o’tkazmasligi uchun bu to’g’onlarni qurdirish, Buxoro suvini adolat va insof yuzasidan taqsim qilishni u kishi asoslagan*”. An-Narshaxiyning Buxoro qozilari to’g’risidagi ma’lumotlarini keltirishda miqdoriy metodga asoslanagani yaqqol ko’rinib turadi. *VIII bob ,,Buxoro arkining bino qilinishi haqida”* qismida*:* ***„Besh yuz o’ttiz to’rtinchi yil oylaridan birida(28-avgust 1139-16-avgust 1140)*** *Xorazmshoh Buxoroga kelganida amir Zangi Ali xalifa hamda Sulton Sanjarning farmoni bilan, Buxoroning voliysi edi. Xorazmshoh uni qo’lga olib o’ldirdi, hisorni vayron qildi. Hisor ikki yildan ortiqroq shu vayronligicha qoldi.* ***Besh yuz o’ttiz oltinchi yili(6-avgust 1141-26-iyul 1142)*** *Go’rxon nomidan Buxoroga voliy qilib tayinlandi…*”. *XIV bob ,,Buxoro va unga tobe joylarning xiroji” bobida esa: ,,Somoniylar va ular qo’l ostidagi amirlar davrida Buxoroning xiroji Karmananiki bilan qo’shilib bir gal* ***bir million bir yuz oltmish sakkiz ming besh yuz oltmish olti diramu besh yarim donakni*** *ni tashkil etgan.” XVII bob ,,Buxoroda dirham va kumush tanga zarb qilinishi”* qismida: *,,Buxoroda siym- kumush tangani dastlab ishlatgan kishi Kono Buxorxudot nomli podshoh edi. U Buxoroda* ***o’ttiz yil podshoh bo’lib turdi.*** *Buxoroda savdo bo’z va bug’doy vositasi bilan bo’lar edi* ”. ,,**Sof g’itrifiy** ***sof kumushdan*** bo’lib, ***qora rangli***, ***olti g’itrifiy bir dirham*** sof kumushga barobar”. Muhammad ibn Ja’farning yozishicha, *bir yili* ***220*** *diram toza kumush* ***85 diram*** *g’itrifiyga barobar bo’lgan. Aytishlaricha, bir g’itrifiyning har bir diramida* ***bir habba tilla*** *bo’lib, har bir* ***o’n diramida yarim diramidan tortib to’rt yarim donagacha tilla*** bo’lgan. XVIII bob ,,Buxoro fath etilishining boshlanishi” qismida: *,,Ubaydulloh ibn Ziyod Muoviyaning buyrug’i bilan Buxoroga hujum qilganida Tag’shoda kichik bo’lib, yetti kun qamaldan so’ng musulmon lashkari qal’aga kirib qurol, kiyim-kechak, tilla va kumushdan ishlangan narsalar va asirlardan iborat ko’p o’lja qo’lga*

*kiritdilar. Ular xotinning **bir poy etigini ham paypog'i** bilan topib oldilar. Etik va paypoq tilla qimmatbaho toshlar bilan bezatilgan edi, baho qilganlarida **200 000 dirham** turdi*[4:115] " . Tarixchi Narshaxiyning guvohlik berishicha Qutayba ibn Muslim *„Juma namoziga hozir bo'lgan har bir kishiga ikki dirham beraman", deb chaqirtirgan ekan*[4:124]*"*

Arablarda ishlatilgan og'irlik o'lchovlarining miqdori tahminan:

- **Misqol-4,250 gr**
- **Donak-0,531 gr**
- **Xabba-0,071 gr**
- **Diram-3,186 gr**

29-bob „Amiri Moziy Abu Ibrohim Ismoil ibn Ahmad as-Samoniy hukmronligining boshlanishi"-qismida *Amiri Moziy 234-yil shavvol oyida (aprel-may 849-yil)Farg'onada tug'ildi, 14 yoshga yetganida otasi vafot etdi.**31-bob„Amiri Shahid Ahmad ibn Ismoil as-Somoniyning hukmronligi"** da esa uning podsholik muddati sifatida **6 yilu 4 oy 5 kun** davom etgani dalili keltirib o'tilgan.*

„Turli voqealarning miqdoriy tomonlari turli darajada ularning mohiyatini belgilaydi. Matematik tahlilni qo'llash miqdor va sifatning nisbati me'yoriga bog'liq bo'ladi. Miqdoriy tahlil asosiy maqsad bo'la olmaydi. Miqdoriy, mazmun –mohiyatli yondashuvsiz undan ajralgan holda miqdorga zaruriyatli o'tmish hech bir ijobiy natija bera olmaydi[5:202]."

Asarda voqealar mazmunini ochib berishda atamalar juda muhimdir. Atamalarda – o'sha davr ruhiyati aks etadi. „So'z-voqealarni tushunish kaliti. Tarixchilar o'tmish to'g'risidagi ma'lumotlarning ko'p qismini so'z shaklida ifodalaydi. O'rganilayotgan davr qanchalik darajada hozirgi zamondan uzoq bo'lsa, u yanada ko'proq ahamiyat kasb etadi. Chunki o'rganilayotgan davr manbalarida mavjud atamalarning aniq mazmunini aniqlashda ko'rinadi[5:198]"

„Buxoro tarixi" asarida atamalar tasnifi keltirib o'tilgan. Atamalar tahlili metodi qo'llanilgan.

- **Hadis**- lug'aviy ma'nosi: xabar, so'z va biror yangi narsa. Diniy adabiyotda esa payg'ambarning so'z va ishlari, to'g'rirog'i payg'ambarga nisbat beriladigan so'z va ishlar.
- **Zohid**- molu dunyoga rag'bat va xohishi bo'lmagan, tarki dunyo qilgan kishi.
- **Faqih**- shariat ilmini, shariat hukmlarini yaxshi biluvchi shaxs;
- **Bitik**- Chorjo'y ro'barasida Amudaryo bo'yida joylashgan qishloq;
- **Shahriston**- shaharning mudofaa devoir bilan o'ralgan asosiy qismi;
- **Mamostin**- Buxoro shahrining g'arbida joylashgan qishloq;
- **Sakmatin**- keyinroq Sumiton deyilgan, bu qishloq Shaharrud kanalining bo'yida, Buxoro yonida joylashgan. Hozir esa Chorbakr deb ataladi;
- **Mol**- har xil ma'noda ishlatiladigan termin, asarda esa pul, mol- mulk ma'nosini anglatsa ham asosan xiroj, jon puli ma'nosida ham keladi;
- **Oriz**- askarlar va mansabdorlarga maosh ulashish ishlarini boshqarish lavozimidagi kishi, xazinachi;
- **Tobeinlar**- Muhammad payg'ambarni o'z ko'zi bilan ko'rgan kishilar;
- **Funduqiy**- jigarrang;
- **Kutvol**- qal'a boshlig'i;
- **G'uz askarlari**- turk qabilalaridan biri bo'lgan g'uzlarning Sulton Sanjar ixtiyoridagi askarlari ko'zda tutilsa kerak;
- **Zimmiylar**- islom dini hukmron bo'lgan mamlakatda yashab turuvchi boshqa dinlarga mansub kishilar, islom davlati o'z himoyasida saqlab turganligi evaziga zimmiylar ma'lum solid- jizya to'lab turganlar;
- **Barzam**-„Haft qulzum"da buni Amudaryo yoqasidagi bir qal'a nomi deyilgan. Lekin „Zamm" ni alohida olsak, u Karki shahrining qadimgi nomi, Zam viloyati Amudaryoning Karkdan janubdagi qismi, Andxuy Maymana atroflari.
- **Dabir**- kotib va maslahatchi ma'nosida;
- **Man**- og'irlik o'lchovi; har xil yerlarda turli miqdorni anglatadi; masalan, arab xalifaligida ishlatilgan 1 man- 831 gr. Bunda umuman don og'irligi emas, bir dona non haqida non haqida gap borayotganligiga asosan bu yerda mazkur 831 gr atrofidagi miqdor;
- **Omili xiroj**- xiroj yig'ish ishlari mutasaddisi;
- **Choch**- Toshkent shahrining ilk orta asrlardagi nomi;
- **Muqotaa** – ulush sifatida taqdim qilingan yer-mulk;
- **Omillar** – umuman xizmatchi yoki amaldorlar ma'nosid; bu yerda soliq yig'uvchilik lavozimidagi kishilar ma'nosini anglatuvchi tarixiy atama;
- **Xunukxudot** – VIII asrda o'tgan Buxoro hukmdorlaridan;
- **Ajam**- arablar o'zlaridan boshqa xalqlarni „ajam" deb ataganlar, shuningdek, arablar yashaydigan yerlardan boshqa mamlakatlar, xususan Eron va Turonlar ham „mulki Ajam" nomi bilan yuritilgan;

Tarixiy tadqiqotlarda umumfan metodlaridan keng qo'llaniladi. Umumfan metodlaridan induktiv, deduktiv, sintez va analiz usullari tarixiy bilishda muhim o'rin tutadi.

Narshaxiy ,,Buxoro tarixi" asari bayonida voqealar tafsiloti bayon qilinishida xolisiylik tamoyiliga amal qilgan va turli metodlar asosida asar mazmuni boyigan, keyingi davrlarda esa 11-12-asr olimlari tomonidan asar yanada to'ldirib boyitilgan. ,,Tarixning tadrijiyligi, uzluksizligi bu bevosita ,,kecha-bugun-erta" formulasi orqali davom etayotgan doimiy jarayon[3:233]"dir. Asarda turli matematik –statistik, atamalar tahlili metodlarining qo'llanilishi asar mazmunini tushunarli ifodalashda qo'l kelgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.,, O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi".-T.: ,,Davlat ilmiy nashriyoti",2005-yil,6-jild,271-bet
2.,,Falsafa qomusiy lug'at"-Toshkent.:,,Sharq",2004. 295-bet
3. Narzulla Jo'rayev,,Tarix falsafasining nazariy asoslari".-T.:,,Ma'naviyat",2008-yil, 199-bet.
4. Narshaxiy,,Buxoro tarixi".-T., ,,Kamalak",1991-yil,115-bet
5. R.Rajabov ,,Tarix fanining metodologik asoslari"- T.:,,Istiqlol", 2013-yil, 202-bet

ТАРИХ ТАЪЛИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

М.И.Абдуллаева,
"Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси" кафедраси, катта ўқитувчи
Бухоро вилоят Х.Т.Х.Қ.Т.М.О.Ҳ.М.

Аннотация: Мақолада ёш авлодга таълим беришда интерфаол таълим ва интерфаол методлардан фойдаланиб дарс сифати ва самарадорлигини ошириш ва уларни қўллаш усулларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, инновацион технологиялар ва интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг фанлардан билим олиш даражасини янада ошириш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Инновация, инновацион технология, муаммоли таълим, интерфаол метод, рақобатбардош, хорижий тажриба, илмий-тадқиқотчилик.

Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга ширилаётган туб ислоҳотлар жараёни замонавий билимларни пухта ўзлаштирган, рақобатбардош ва инновацион технологияларни қўллай оладиган ёш авлодни тарбиялашни талаб этмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "... ҳар қандай ислоҳот, хусусан, миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш тутишни, етти ўлчаб, бир кесишни талаб қилади" [1.516]. Айниқса, олий таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ёшларни ўқитишда замон талаблари даражасига эришиш, хорижий тажрибалардан фойдаланиб, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарурати ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай муаммоли масалаларни ҳал этишда ўз нуқтаи-назари билан ёндашадиган, ўз мустақил фикрига эга, ҳар бир масалада қатъий қарор қабул қила оладиган ва изланувчан ёшларни тарбиялаш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш ўз олдимизга қўйган устувор вазифаларни бажаришимизга кўмаклашади. Бунда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради.

"Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак" [2. 10] . Бу вазифани бажаришда муаммоли масалаларни ёритишга имкон берадиган технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси миллий ва маънавий-маърифий тараққиётининг муваффақиятларини белгилаб берувчи, бу туб вазифаларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи инновацион педагогик технологияларни амалиётга тадбиқ этишдан иборат. Бунда авторитар педагогикадан воз кечиб, инновацион технологиясини қабул қилишимиз керак бўлади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг бош мақсади ва мазмуни тубдан янгиланди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида инновацион технологияларни самарали жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда[3.35].

Замонавий таълим тараққиётида пайдо бўлаётган **"**Инновацион ёндашув", "Инновацион фаолият","Инновацион педагогика" тарздаги тушунчалар эҳтиёжлар асосида келиб чиққан бўлиб, уларнинг мақсади таълим соҳасида ўқув-тарбия жараёни натижасини кафолатлайдиган ўзгариш, янгиланишлар киритишдан иборат[4.240].

"Инновация" (инглизча "innovation") - янгилик киритиш, татбиқ этиш**,** қўллаш деган маъноларни билдиради. **"**Инновация**"** тушунчаси дастлаб XIX асрда маданиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларда

пайдо бўлиб, бир маданият турларини иккинчи бир маданиятга киритиш тушунилган. XX асрга келиб эса, янги соҳа –янгиликлар киритиш ҳақидаги фан пайдо бўлди. Бу фан доирасида моддий ишлаб чиқариш соҳасига техник янгиликлар киритиш қонуниятлари ўрганила бошланди.

Янгиликлар киритиш ҳақидаги фан фаолиятида янгича таълим тизимига ўтиш йўлидаги ҳаракатлар билан асосланади. Шунга кўра янги билимларга эҳтиёж, янгилик инновация, инновацион хизмат кўрсатиш ғояларини татбиқ этишга қаратилган эҳтиёждан келиб чиққан.

Янгиланишларни педагогика фанига нисбатан қўллаганда таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш ва унинг натижаларини яхшилашга қаратилган педагогик тизим ичида ўзгаришлар киритиш тушунилади.

Тарихнинг фан сифатидаги вазифаларидан бири ўтмишнинг тарихий билимлари асосида тарихий воқеликнинг воқеа ва ҳодисаларини англаб етиш қобилиятини ривожлантириш ва ўзига хос малака ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Чунки замонавий ҳаётда юксак заковатли ҳаракатчан кишиларга талаб кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўйича сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш назарда тутилган[5.8].

Маълумки, инсон заковати ва малакаси фақатгина у тўплаган билимга эмас, балки юқори мантиқий тафаккурга боғлиқ. Шу туфайли бугунги кунда таълим олувчиларда барқарор хотира, мустақил фикрлаш, ўқув материалини қабул қилишнинг юксак даражаси, ҳаққоний ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар ва албатта, мантиқий тафаккурни шакллантириш таълим олдидаги долзарб вазифалардан саналади. XXI асрда таълим олувчиларга нафақат билим бериш, балки уларда кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда келажакда уларни янада ривожлантириш қобилиятини шакллантириш талаб қилинмоқда.

Тарих таълимида кўргазмалиликни жорий этиш юқорида санаб ўтилган барча хусусиятларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Дарснинг турли босқичларида кўргазмалиликдан фойдаланиш орқали ўқитувчи таълим олувчиларни фаоллаштиради, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, билимларини чуқурлаштиради, мустақил фикрлашга ва хулосалар чиқаришга ўргатади, бу хусусиятлар эса келгусида уларнинг ўз устида ишлаш ва мустақил таълим олишга интилишини таъминлайди.

Тарих дарсларида ўқитувчилар дуч келадиган муаммолардан бири – таълим олувчиларнинг масалани изчиллик билан, мантиқий асосланган ҳолда ёритиш, мавзуни очиб беришга тайёр эмаслигидир. Таълим олувчиларнинг жавоблари мантиқий, далиллар билан асосланган, образли ва аниқ баён этилган бўлиши керак.Бунинг учун таълим олувчиларда мавзуни бир неча мантиқий бўлакларга бўлиш, улардаги асосий фикрни ажрата олиш қобилиятини шакллантириш зарур. Ишни бу тарзда ташкил этиш таълим олувчиларни нафақат ўз фикрларини қисқа ва ихчам ифодалаш, балки маълумотнинг маъносини тез англаб олиш, сабаб- оқибат алоқадорлигини кузатиш ва таҳлил қилиш, асосий фикрни иккинчи даражалисидан ажрата олишга ўргатади.

Бу ўринда схема ва жадваллардан фойдаланиш юқори самара беради. Тарихни ўқитишда схема ва жадваллардан фойдаланиш ўрганилаётган мавзудаги асосий фикрни ажратиб олиш, маълумотни ёпиқ маконда “сақлаш” имконини беради. Албатта, бу усул тарихни белгиланган қолипга солишдангина иборат бўлмаслиги керак.

Схема ва жадвалларни тузишда таълим олувчилар мантиқий фаолиятни амалга оширади: анализ қилиш ва синтезлаш, қиёслаш, тарихий материални қайта ишлаш ва умумлаштириш, уни тизимга солиш ва график тасвирлаш.

Бироқ, ўзаро ўхшашликка қарамасдан схема ва жадваллар бир-биридан фарқ қилади. Жадвалларнинг кўргазмалилик хусусияти материалнинг ихчам жойлаштирилиши билан белгиланиб, улар тақдим этилаётган материални чизмалардан фойдаланиб, график ҳолда тасвирлаш имконини беради ва матнни қабул қилишни енгиллаштиради.

Бугунги кунда мавжуд компютер технологиялари жадвалларни ранг, сурат, шакл, анимациядан фойдаланган ҳолда, ранг-баранг қилиб яратиш имконини беради. Жадвалларни яратишда риоя этиладиган мезонлар: матн парчасининг у ёки бу маъносини қабул қилишда кўргазмалиликни ошириш ва уни қабул қилишни осонлаштириш; икки ёки ундан ортиқ объектнинг ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини (воқеа, ҳодиса, факт, шахс,буюм ва ҳ.к.) таққослашни амалга ошириш; қатор объектларни гуруҳлаштириш, уларни тизимлаштириш.

Жадвалларни улар бажарадиган вазифасига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Тушунтирадиган – қисқартирилган кўринишдаги назарий материални тушунишни осонлаштирадиган,уни онгли ўзлаштириш ва эслаб қолишга ёрдам берадиган жадваллар;

2) Солиштирадиган – материални таққослаш ёки қарама – қарши қўйишни амалга оширадиган жадваллар,улар материални гуруҳлаштиришнинг бир кўринишидир. Бунда тарихий, ижтимоий ва сиёсий объектларнинг аҳамиятли барча белгиларини солиштириш ҳамда уларнинг ўзига хос ёки умумий жиҳатларини аниқлаш имконияти яратилади.

3) Умумлаштирувчи ёки тематик – ўрганилган назарий материалга якун ясаш, тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилади. Қайсидир материални умумлаштирар экан, бу каби жадваллар мантиқий кетма-кетликда воқеа ва ҳодисаларнинг, жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатади.
4) Хронологик – тарихий жараённни хронологик изчилликда эсалаб қолишга ёрдам берадиган жадваллар.

Жадваллар ўзгармас ва динамик (анимацион) бўлиши мумкин. Тарихни ўқитишда жадвалларнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланиш мумкин: матнли, рақамли, жадвалли-суратли, жадвалли-схемали. Схемаларда эса тарихий воқеликни график тасвирлаш имконияти мавжуд, бунда алоҳида қисмлар,аломатлар, ҳодисалар шартли белгилар – геометрик шакллар, тимсоллар, ёзувлар ёрдамида тасвирланади, улар ўртасидаги алоқалар эса ўзаро жойлашиш тартиби орқали ифодаланади.Схемалар ҳам жадваллар сингари турли ҳажмда бўлиб, уларни яратишда ҳам турли ранглар, расмлар,шрифтлар, шакллар, турли миқдордаги таркибий қисмлар, анимациялардан фойдаланилади.

Схемадан ташқари шартли кўргазмалиликка графиклар, диаграммалар, аппликациялар, схемтик суратларниҳам киритиш мумкин. Уларнинг барчаси ўрганилаётган матн парчасини локал образли тақдим этишга имкон беради. Бу каби кўргазмали воситалардан фойдаланган ҳолда, ўқитувчи тарихий жараённи унинг мантиқий изчиллигида очиб беради, тарихий объектларни ўзаро солиштириш имкониятини яратади, билимларни умумлаштиради ва тизимлаштиради.

Функционал белгисига кўра схемаларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:
1) Тушунчалар, ҳодисалар, жараёнлар ва бошқаларнинг моҳиятини, унинг таркибий қисмларини акс эттирувчи схемалар;
2) Турли қисмлар ўртасидаги мантиқий изчилликни акс эттирувчи схемалар;
3) Матндаги қийин жойларни тушунишни яхшилайдиган образли схемалар.

Схема ва жадвалларни яратишда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:
- иложи борича изоҳ берувчи сўзларни камайтириш керак;
- юқори, қуйи ва ён ҳошиялар хат бошига эга бўлиши зарур;
- қўлланилаётган ранглар кўпайиб кетиб, кўзни чарчатмаслиги лозим;
- жадвал ячейкаларининг ва схема таркибий қисмларининг сони матн парчасининг мазмуни ва хусусиятига мос келиши керак.

Схема ва жадваллар билан ишлаш ўқувчиларнинг ўрганилаётган материални тизимли кўринишда қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса тарихий материални тушуниш, эслаб қолиш ва қўллашни соддалаштиради. Схема ва жадваллар таълим олувчиларнинг диққатини ўрганилаётган материалнинг асосий моҳиятига қаратишга имкон беради, уларни у ёки бу тарихий қонуниятларни англашга йўналтиради, аммо тайёр хулоса ва таъриф бермайди, балки фикрлаш фаоллигини, мустақилликни талаб қилади, таълим олувчиларнинг абстракт тафаккурини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар ,1-жилд. Т, “Ўзбекистон”, 2017, 516.

2. Р. Ишмухамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т, 2013, 10.

3. Р. Ишмухамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т, 2013, 35.

4. Бобоскин С.Я. Инновационный проект: Методы отбора и инструменты анализа рисков. Учебное пособие - М.: Дело АНХ, 2009. - 240 стр. 2. Уроков А.

4.Олий таълим :Қандай ўзгаришлар бўлди ва истиқболда нималар кутилмоқда? “Маърифат’’,2019 -йил 30 январ,№8(9177)

ЗНАЧЕНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ СОХРАНЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ И РАЗВИТИЕ МЕТОДОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА

И.М.Отаназаров,
Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Студент 2-курса Исторического факультета "История"
З.Б.Бахтиёров,
Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Студент 2-курса Исторического факультета "История"

***Аннотация*:** В данной статье рассматриваются инновационные методы для сохранения национальных ценностей, традиций, исторических и археологических памятников Узбекистана. Для того, чтобы наши национальные ценности не растворились в мировой арене достижений культур, мы должны внести в учебную программы, наши достижения с помощью методик и технологий XXI века.

Ключевые слова: презентация, виртуальный музей, архитектурный памятник, инновация, национальные ценности, методика.

Кискача мазмуни(аннотация) : Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, тарихий ва археологик ёдгорликларини сақлашнинг инновацион усуллари муҳокама қилинган. Миллий қадриятларимиз маданият ютуқларининг жаҳон саҳнасида йўқ бўлиб кетмаслиги учун XXI асрнинг метод ва технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув дастурида еришган ютуқларимизни амалга оширишимиз лозим.

Калит сўзлар: презентация , вертуал музей, меъморий ёдгорлик, инновация, миллий қадриятлар, методология.

Культура и национальные ценности Узбекистана заложили свой фундамент ещё со времён мезолита. Нынешний Узбекистан считается колодцем культурных ценностей Центральной Азии. Как сказал Ю.М Лотман: «Культура есть память. Поэтому она связана с историей, всегда подразумевает непрерывность нравственной, интеллектуальной, духовной жизни человека, общества». Как отметил президент Узбекистана Ш.М. Мирзиёев «Сегодня в сфере образования и воспитания, в жизни наших детей наступает новое время. Наполнение его новым, еще более глубоким смыслом и содержанием, достижение национального прогресса зависит только от нас самих, от единства и сплоченности нашего народа, от нашего неустанного, упорного труда» [1]

Как нам известно, цивилизация Узбекистана берёт своё начало одновременно с другими цивилизациями Востока как Персия и другие соседние страны Среднего и Ближнего Востока. Древняя культура народов Центральной Азии берёт свои корни со времён эпохи неолита. Рядом с водными источниками постепенно начинают формировываются новые центры земледельческих и ремесленных общин и культур. Археологические памятники показывают, что найденные в Узбекистане материальные предметы эпохи бронзы и железного века имеют своё место в мировой культуре.

С 20-30-х XX века на территории Узбекистана (в то время Уз.ССР) проводились масштабные историко-культурные и историко-этнографические экспедиции: под руководством С. П. Толстого (Хорезмская Археологическая Экспедиция), М. Е. Массона (Южно-Туркменистанская Археологическая Комплексная Экспедиция), Э. В. Ртвеладзе (Тохаристанская Археологическая Экспедиция).

История государственности Узбекистана как определяющая научная проблема исторической науки стала изучаться во всём объёме лишь в 90-е гг. XX века с достижением Республикой Узбекистан независимости. Но эта проблема является не только научной, а ибо определяет факт самостоятельно возникновения, становления и развития национальной государственности на протяжении нескольких тысячелетий. [2.]

Каждый метод в науке история имеет своё практическое значение, без которой невозможно обойтись. Как нам известно, при изучении национальных ценностей Узбекистана формируются методы исследования науки, просвещения, культуры, религии и самое главное совместная работа между учёными разных направлений.

Ведь первая академия в Хорезме тоже был методы в образование которое появилась в тысячу лет тому назад при тогдашнем правители Хорезма Маъмуне, а прекратило своё существование в 1017 г., после завоевания Хорезма Махмудом Газневи. Основным методом исследования этой академии была совместная работа во всех сферах знаний. «Стремление к знаниям — обязанность каждого мусульманина» - слова пророка Мухаммеда, согласно хадису (преданию), записанному Абу Иса ат-Термизи (824-892) из Термеза. Эти слова были начертаны над входом в медресе, построенном в Самарканде правителем и астрономом Улугбеком около 1420 года. Из этих мы можем понять какова была роль знаний в это время. Именно в Темуридский период, а точнее в годы правления Мирзо Улугбека (1409-1449) развиваются методы исследования научных и религиозных знаний в академии Улугбека («Дорул хикмат»), мечетях и медресе. Во время Второго Ренессанса (Темуридского Ренессанса) добавляются методы для научных исследований в академии и разделяется на несколько этапов. Например, обучение в медресе состояла из трех этапов по 7 лет. Это характеризуется наличием конкуренции в этой сфере. «Там, где есть конкуренция - всегда есть развитие». И мы должны изучать эти методы и добавлять новые методы XXI века с помощью технологий, инноваций, различных развивательных и научных программ. На современном этапе нашей жизни, всё больше начали внедряться новые информационные технологии и новшества. Например: смартфон, персональный компьютер, планшет - в которых создаются программы для изучения развития человеческого общества.

Однако существует огромное количество направлений, в которых необходимо внедрять инновационные идеи. Но главное среди них это — образование. Если вы сравните автомобильную промышленность с ее состоянием 100 лет назад и сейчас, я уверен, что вы найдете много различий, изменений. Даже в производстве мобильных телефонов разница между аппаратным обеспечением 100 лет назад и современными гаджетами как небом и землей, несравнимо. Сейчас компьютерная графика настолько превзошла самого себя, что она может создавать реалистичные и эффектные кадры, анимации, мультфильмы, даже 3D модели современного типа. А почему же нельзя внедрить такие технологии к

воссозданию культурных наследий, в частности архитектурных памятников реалистичного вида, которая помогла б развитию методологий в преподавание, а также для процветания внутреннего туризма страны? Почему бы и нет?! При этом с помощью СМИ (Средство массовых информации) можно, даже, это показать всему миру. Современное понятие «мультимедиа» на самом деле означает возможность использования несколько различных видов информации в одном документе. С этой точки зрения к сфере «цифровой мультимедиа» можно отнести, например, «презентации», созданные в PowerPoint, или «виртуальные» энциклопедии[3, та самая места].

В восстановление внешнего облика Городище Кампыр тепа применили современные технологий сфере 3 D моделирования. Благодаря этому стала намного легчи представить внешняя состояние города. Данные которое добывался с многолетним кропотливым трудом Э.В Ртвеладзэ послужили источником для создание этого 3D реконструкции этого городища не даром её сравнивают с древнем кушанском таможенном городом которое имела стратегическая значение для того периода. Для развитие научного метода в национального ценности Узбекистана мы должны использовать инновационное вид наших древних городов чтобы молодежь знал наших великой и ценной истории .

С первых годов независимости узбекского народа начинается взаимосвязь Узбекистана с другими развитыми странами мира в сферах педагогических и методологических методов в образовании, как Великобритания Франция, Германия, США и другие страны Земного шара. Как говорили учёные Востока: «Чтобы развивать человеческий ум, должно быть своё направление у общества, как метод. Но если временами не изменять свои методы, человек и общество останутся, как «Без маяка в Океане» или «Как без царя в голове». Из этого следует, что у всех обществ должен быть свой собственный путь. Для решения ряда актуальных проблем в сфере методики и восстании наших национальных ценностей для этого «Стратегия действий» стала толчком будущего нашего народа. Для этого по инициативе президента Узбекистана Ш. М. Мирзиёева была создана «Стратегия действий» для 2017-2021 годов ».
Почему в современном Узбекистане возникают проблемы в методике образования, науки и педагогики? Потому что, есть проблемы как:
1. Не использование во всех учреждениях, связи с Первым и Вторым Ренессансом в нашем новом Узбекистане с помощью технологий 21 века,
2. Сложность понимания и усвоения преподаваемой дисциплины.
3 . Недостаточность проектированием анализа методов в история и др.

Для решения эти проблемы мы должны создать новые методы в сфере образования в новом Узбекистане. И не должны забывать исторический процессы, происходившие на Востока в 9-12 и 14-15 веках. Не ограничиваясь Древней историей взглянуть на науку и технику современности и использовать технические новшества как: проекторы, презентации, медиа доски, интерактивные игры и другие различные методы для сохранения, использования и приподнесения исторических ценностей Узбекистана Для современного молодежи которое требует мобильность, краткость доступности получоемой информатике.

Источники и литература:

1. «В сфере образования наступает новое время» Доклад Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 2019 год 28 сентября. // Газета «Маърифат»,
2. Ташкент «Шарк». 2009 г « Очерки по Истории Государственности Узбекистана». Страница 3 .
3. «Большая энциклопедия интернета и компьютера» В. Леонтьев. Москва –2005 г., стр. 463-474

ЖАНУБИЙ СУҒД ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИ

(Қарши шаҳри атрофидаги жойлар мисолида)

С.Сулайманова
Қарши Давлат университети мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси қадим ва илк ўрта асрлардаги тарихий Суғд ўлкасининг муайян бир қисми бўлган Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги суғдий жой номлари кўриб чиқилган. Маълумки, бугунги кунда тадқиқотчилар Қарши ва Шаҳрисабз (қадимги Кеш) атрофларига нисбатан “Жанубий Суғд” деган шартли номни қўллайдилар. Қашқадарё воҳаси милодий Х асргача аҳолисининг кўпчилик қисми суғдийлардан иборат тарихий-географик вилоят сифатида билинган. Шу билан бирга, илк ўрта асрларда воҳа аҳолисининг сезиларли бир қисмини туркийлар ташкил этиб, бу ҳолат ўша даврда Қашқадарё воҳасида кўплаб суғдий ва туркий, суғдий-туркий қўшалоқ жой номларининг учрашида ўз тасдиғига эга. Мақолада жой номларнинг қайси тилдан олинганлиги, луғавий маъноси, фонетик ўзгаришига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Нахшаб, Насаф, Кеш, Маймурғ, суғд тили, вақф хужжатлари, топоним, вилоят, қишлоқ, овул, қўрғон, қалъа, кент.

Қашқадарё воҳаси қадим ва илк ўрта асрларда тарихий Суғд ўлкасининг муайян бир қисми бўлиб, бугунги кунда тадқиқотчилар бу ерга нисбатан “Жанубий Суғд” деган шартли номни қўллайдилар. Қадимда Нахшаб (Насаф) ва Кеш вилоятлари номи билан машҳур бўлган Қашқадарё воҳаси милодий X асргача аҳолисининг кўпчилик қисми суғдийлардан иборат тарихий-географик вилоят сифатида билинган. Шу билан бирга, воҳа аҳолисининг сезиларли бир қисмини илк ўрта асрларда туркийлар ташкил этиб, бу ҳолат ўша даврда Қашқадарё воҳасида кўплаб суғдий ва туркий, суғдий-туркий қўшалоқ жой номларининг учрашида ўз тасдиғига эга.

Қашқадарё воҳаси топонимлари бўйича изланишлар олиб борган Т. Нафасов, П. Равшанов, Ш. Камолиддин, Д. Абдураҳмонов ва яна бир қатор тадқиқотчилар воҳанинг кўпчилик жой номларини суғдий, туркий, араб, мўғул ва бошқа тиллардаги топонимлар ташкил этишини аниқлаб, улар орасида суғдий номларнинг миқдори анча катта эканига эътибор қаратишган[1]. Шунингдек, ўтган асрда Ўрта Осиё тарихининг билимдони бўлган В.В. Бартольд қадимдан то XII асргача Қашқадарё воҳасида суғдийча жой номлари устуворлик қилганига урғу берган[2]. Ўзбекистоннинг таниқли топонимист олими С. Қораев ҳам ўз изланишларида Қашқадарё воҳасидаги суғдий жой номларига ҳам тўхталиб, юзлаб суғдий топонимларга изоҳ бериб ўтган[3]. Кейинги йилларда суғдий негизли жой номларини чуқур тадқиқ қилаётган суғдшунос олим П.Б. Лурье ҳам ушбу воҳадаги суғдийча жой номларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилган[4].

Ушбу тадқиқотчилар ўз изланишларида кўпроқ Қашқадарё воҳасидаги суғдий топонимларнинг локализацияси (жойлашув ўрни) ва этимологик маъносига тўхтаб ўтган. Бизнингча, воҳадаги суғдий топонимларнинг бугунги кундаги ҳолати, сақланиш даражаси, уларнинг вилоят миқёсида тарқалиш ареали, жой номлари бўйича маҳаллий халқ орасида сақланиб қолган афсона ва ривоятларга эътибор қаратиш керак бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Қашқадарё вилоятида кўплаб суғдий топонимлар бундан минг йил олдин қандай аталган бўлса, бугунги кунда ҳам деярли ўша ҳолатда сақланиб қолган бўлиб, уларнинг сезиларли бир қисми вилоят маркази – Қарши шаҳри ва унинг атроф-теварагидаги қишлоқларга тўғри келади. Қуйида биз бу масалада кўплаб изланишлар олиб борган Т. Нафасовнинг тадқиқотларига[5] суянган ҳолда айрим топонимларга тўхталиб ўтамиз. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ўзбек тилшунос олими сифатида Т. Нафасов асосан араб, форс ва туркий тиллардаги ёзма манбаларга таяниб изланишлар олиб бориш билан бирга кўплаб дала тадқиқотлари юритиб, лингвистик таҳлилларни амалга оширган.

БЕШКЕНТ – Қарши т. маркази, шаҳар, Самъоний Ёқут асарларида *Фижкат (Фижакент)*[6]. XVI аср вақф ҳужжатларида *Вижкат, Бижкат, Бежкат*[7]. Талафузда **Бешкан**. X−XVI асрларда **Фижкат, Бижкат, Вижкат,** XIX−XX асрларда Бешкент. Тожикистонда ҳам Бешкент қишлоғи бор. Номнинг ҳозирги ва қадимги шаклида фонетик фарқлар бор: сўз бошида *ф ~ б ~ в,* сўз ўртасида *и ~ е ~ ж ~ ш*. *Кат* – Ўрта Осиёнинг эроний, *кент* – туркий халқлар тилларига хос бўлиб, овул, қишлоқ, шаҳар демакдир. *Фиж ~ биж ~ ~ виж ~ беш* компонетли номлар: Помирда *Пиш*[8], Юқори Зарафшон (Яғноб)да *Вешканд, Пишкат, Пишкаши, Пишанда* қишлоқлари мавжуд[9]. *Вешист, Вишап*, кўринишлари ҳам бор[10]. *Фиж ~ биж ~ виж ~ пиш ~ веш ~ беш* сўзларида товуш тенглиги қонуни бор. Қишлоқ – Нахшабнинг қуйисида. Бу сўзлар қишлоқнинг ўрни билан боғлиқ белгини билдириши табиий. Бу топоним суғдий тилга хос бўлиб, қуйи, адоқ маъносига эга. *Бешкент* – қуйи қишлоқ. Нахшабнинг жанубида ўрнашган. Маҳаллий аҳоли тилидаги *беш кас* (беш киши) бирикмаси ўзгариб, *Бешкент*га айланган, бу ерда беш оға-ини яшаган, дейди. Кўп қишлоқ, кўп маҳалла маъносини билдириши мумкин, деган фикрлар ҳам бор[11]. Бешкент шаҳрининг қадимда Фижкас ёки Фижкат аталиб, кейинчалик Бешкентга айланиши филологик қонуниятларга мос келади.

ЖИЗЗА – Қарши т. (Кўчкак); Каспи р. Қ-қ (Талишви). *Суғд*. **диза** (< **диз** + **а** – қўрғон, қалъа) сўзининг ўзбек тилидаги шакли[12].

ЗАХОКИ МОРОН – Қарши ш. темир йўл вокзали шарқи – шимолидаги баландлик, қадимий қалъа харобаси. Тарихий – илмий асарларда – *Қалъаи Зохаки Морон*. Археолог М. Туребековнинг тадқиқига кўра, эрамизгача II асрда Юнон–Бақтрия давлатини барбод қилган юечжи қабилалари томонидан қурилган[13]. С.К. Кабанов эса милодан аввалги I асрдан олдин қалъа ва атрофидаги қишлоқлар қурилганлигини, X −XI асргача мавжуд бўлганлигини қайд этган[14]. Қалъа харобага айлангач, бу ном яратилган. *Зах ~ заҳ* – сувли хандақ, сув чиққан жой; **−ак** аффикси белги, мавжудликни билдиради; *марон ~ морон* – тепа, баландлик; қалъа харобаси. *Захоки Морон* – тевариги сувли хандақ билан ўралган тепа (қалъа ўрни)[15]. Шу ўринда ушбу топонимнинг негизида аждарҳо культи билан боғлиқ тасаввурларни кўришимиз мумкин. Заҳҳоки Морон атамасидаги “мор” сўзи форсий тилда “илон” маъносини бериб, бунинг негизида қадимги насафликлар орасида аждоҳо культи машҳур бўлиши ётади.

КАМАНДИ – Қарши т. (Кўчкак), Косон т. қ-қ. (Бойтерак). X−XII аср араб сайёҳлари Ёқут ал−Ҳамавий, Самъоний асарларида Нахшаб атрофларида Кабинда ~ *Кабинда ~ Кубинда* қишлоғи қайд этилган[16]. *Кам (< ком) +ан (− ин – он) + ди (< диз)* морфемаларидан иборат. **Ком** – *ариқ, анҳор*. **– ин – он** *ўзб.* **– ли** аффиксига тенг. **диз** – қалъа, қўрғон. *Каманди (< коминдиз)* – ариқли қўргон; анҳор бўйидаги қалъа. *Қиёс.:* **− ди** компонетли номлар: Лаганди, Паканди, Апарди, Човди, Қараманди[17]. Шу

ўринда айтиб ўтиш керак, Т. Нафасов суғдий деб ҳисоблаган ушбу топонимларнинг бир қисми туркий негизли жой номлари бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, Човди ва Қараманди топонимлари туркий негизли экани кўриниб турибди. Чунончи, туркий уруғлар орасида -ли, -ди суффикси билан ясаладиган кўплаб этнонимлар учраб, улар орасида "қараманли", "қараманди" алоҳида ажралиб туради.

КАТ – Қарши шаҳар ёнидаги қишлоқ. Бугунги кунда шаҳар таркибига киритилган. XVI аср вақф ҳужжатларида қайд қилинган[18]. *Суғд*. **кат** – қишлоқ, шаҳар. Тошкентнинг Бекобод районида ҳам **Кат** қишлоғи бор. Қўшма номлар таркибида ҳам шу маъноси билдиради[19].

ЛАГАНДИ – Қарши р. қ–қ (Талликурон). Баъзилар *лаганли* (хонга лаганда таом (тилло) олиб чиққан эмиш) сўзининг ўзгаргани дейди. Қадимги эроний тилларга оид ном бўлиб, яғноб тилида *лакка* – майдон; даладаги участка[20]. *– ди < диз* – қўрғон, қалъа. *– н (–ин ~ –ан ~ –он)* аффикси мавжудлик, хосликни билдирган: *лакка + н + диз* – майдондаги қўрғон, даштдаги қалъа, дала жойдаги овул. Қадимги Нахшаб, Ғўбдин ва Бешкент атрофидаги қишлоқларга қиёсланган[21].

МАЙМУРҒ – Қарши тумани билан ҳамҳудуд Косон туманидаги Майманоқ қишлоғи билан тенглаштирилади. Истахрийнинг маълумотига кўра, Нахшабдан ғарб сари бир кунлик йўл масофада жойлашган. Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, Самарқанд ёнида *Маймурғ* вилояти бўлган[22]. *Суғд. майнмруғ маймурғ; майн* – қишлоқ, *мурғ ~ марғ* – ўт–ўлан кўкат. Сўнгги ўзакдан *марғзор* сўзи ясалган. *Марғзор* XIV – XV асрларда ўзбек тилида ҳам қўлланилган. *Мурғоб* дарёси номининг биринчи қисмида ҳам бор. **Майманақ**нинг ҳам биринчи қисми *май < майн. Маймурғ (< майн + марғ)* – ўт–ўланли жойдаги қишлоқ, яйловда жойлашган овул; баҳор ва ёзда яшайдиган овул[23].

МАҒЗОН – Қарши т. қ–қ. (Кўчкак). Қишлоқ ўрни қадимда, яйлов бўлиб, Қарши шаҳри аҳолиси ёзда ва баҳорда шу ерга кўчиб чиққанлар. *Суғд*. **марғзор** – яйлов, ўт – ўлан сўзидан. Топонимнинг товуш таркиби ўзгарган: *марғзор > мағзор > мағзон*[24].

НАХШАБ – Қарши шаҳрининг қадимий номи. Арабча ёки араблар томонидан қабул қилинган шакли – **Насаф**. Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Мақдисий, Саъманий, Ёқут асарларида **Насаф** шаклида битилган. Мовароуннаҳрда араб тили ёзма адабий тилга айлагунча шаҳар номи *Нахшаб* бўлган. IX–X асрлардаёқ Насаф, асосан, шаҳар ва унга қарашли вилоятнинг ёзма, расмий номига айланган. **Нахшаб** – суғдча сўз: нахш ~ нақш +об > нақшоб ~ нахшоб ~ нахшаб. **Об** – сув, дарё. Қадимда дарё шаҳарнинг ўртасида оққан. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги хароба – Ерқўрғон, чап қирғоғидаги хароба – Шуллуктепа. П. Равшанов Нахшаб – сув бўйидаги жой деб изоҳлаган[25]. Дарё бўйи, сув бўйидаги шаҳар деб изоҳлаш ҳам мумкин[26].

ПАРМЕТАН – Қарши ш. ғарбий – жанубидаги қишлоқ. XVI аср вақф ҳужжатларида ва Шимолий Тожикистон (Яғноб)да *Парметан* қайд этилган, шу номдаги қишлоқ Анҳор туманида ҳам бўлган. Тузилиши *пар + метан*. Эроний тилларда *пар ~ бар* (юқори) + *метан ~ митан* (қишлоқ) морфемаларидан иборат. *Парметан* – юқорида жойлашган қишлоқ (*Бешкент* – қишлоқ)[27].

ПАРҒУЗА – Қарши т. қ–қ. (Арабхона). XII–XIII аср араб манбаларида *Фархурдиза*[28]. Самъаний шу қишлоқда бир оқшом тунаган. Ёқут ал–Ҳамавийнинг ёзишича, бу қишлоқ Нахшабдан бир фарсах кунчиқарда бўлган. *Суғд*. Фархурдиза > Пархурдиза > Пархурза > Парғуза – пар + ғар + диза. *Пар* – юқори, *ғар* – тоғ, *диза* – қўрғон. *Парғар* – Қўнғиртоғнинг X–XII асрлардаги номи, бу тоғ XV–XVI асрларда Кўҳак деб аталган. *Парғардиза* – баланд тоғдаги қўрғон. Қишлоқ қадимда тоғ бағрида бўлган. **Фархурдиза** – Нахшабдаги қишлоқ. Самъаний ва Ёқутда қайд этилган. Ҳозирги Парғуза (қ.). Самъаний шу қишлоқда бир оқшом бўлганлигини ва Нахшабдан 2 фарсах юқоридалигини таъкидлаган. Суғд тилида *фар ~ пар ~ бар ~ вар* – юқори. *Ҳур* – кун чиқар, қуёш томон. *Диза ~ диз* – қўрғон. *Фархурдиза < фар + хурдиза. Хурдиза* – кун чиқар томондаги қўрғон. *Фархурдиза* – юқори Хурдиза[29].

ШАМКАНТИ – Касби р. қ–қ. (Қорақўнғирот). Уч морфемали: *шам, кант* сўзлари, *–и* аффикси. Озарбайжон тилининг Боку, Губа диалектларида шам – дўнглик, баландлик[30]. Суғдий тилда *кант* қишлоқ, овул. Бу сўзнинг суғдча шакли *кад, кат, ката*. Тожик, ўзбек тилларида ўрта асрларида *кант, кент* бўлган. *–и* аффикси ўрин – жойга нисбатни билдиради. *Шамканти* – шамкантлик. *Шамкант* – баландликда ўрнашган қишлоқ[31].

ҲАРАМЖЎЙ – Қарши р. қ–қ (Кўчкак). Ар. *ҳарам* – қадимда ички ҳовли, ички қўрғон; олий мартабали шахслар, подшо ва йирик бойларнинг, мансабдорларнинг ичкариси. Тож. жўй – ариқ, кичик сув йўли, қўлда қилинган сув ўзани. Ҳарамжўй қўрғон ичкарисига оқадиган ариқ, қўрғон ариқ[32].

Қашқадарё вилоятида, айниқса, вилоятнинг маъмурий маркази Қарши шаҳри ичида ва теграсида бундан бошқа ўнлаб суғдий негизли аҳоли масканлари учраб, уларнинг бир қисми қишлоқ, бир қисми эса маҳалла номи сифатида сақланиб қолган. Бу бежизга бўлмай ўз даври тарихий воқеликлари билан чамбарчас боғлиқдир. Қадим ва илк ўрта асрларда Нахшаб, ўрта асрларда Насаф, кейинчалик эса Қарши деб аталган ушбу шаҳар минг йиллар мобайнида Суғд воҳасининг бир қисми сифатида кўплаб ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлар юз берган ҳудуд сифатида тарихда ўрин олиб, ўтроқ суғдий аҳоли учун кўп асрлар давомида муайян бир маскан вазифасини бажарган.

Асрлар оша Қарши шаҳри ҳудудининг кенгайиши, шаҳарга турли элат ва уруғларнинг кўчиб келиши натижасида бошқа тилларга хос жой номларининг кўлами ҳам ортиб борган. Бу эса айрим

суғдий номларнинг унутилиши ёки фонетик ўзгаришларга учрашига олиб келган. Илк ўрта асрлар сўнггида араб босқини юз бериб, минтақага араб тилли аҳолининг кириб келиши ва маҳаллий аҳоли тилига юзлаб арабча сўзларнинг ўзлашиши натижасида кўплаб арабча жой номлари юзага келган. Шунингдек, воҳада дастлаб туркий элатларнинг сон жиҳатидан кўпайиши ва бошқарувда асосан туркий сулолаларнинг бўлиши, ўрта асрларда эса мўғул босқини натижасида ўнлаб турк-мўғул уруғлари билан боғлиқ жой номларининг пайдо бўлиши (масалан, Манғит, Сарой, Ўйрат ва б.) вилоятдаги жой номларининг турли-туманлик касб этишига шароит яратган.

Адабиётлар руйхати.

[1] Нафасов Т.Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). Тошкент: «Ўқитувчи», 1988; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Т.: Фан,1995. 783 б.; Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. Т.: Узбекистан, 1996. 422 с.; Камолиддин Ш. С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. Т.: Шарк, 2006. 192 с.; Абдураҳмонов Д. Бешкент район топонимикаси. – Ўзбек шевалари лексикаси. Т., 1966. Нафасов Т.Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). Тошкент: «Ўқитувчи», 1988; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Т.: Фан,1995. 783 б.; Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. Т.: Узбекистан, 1996. 422 с.; Камолиддин Ш. С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. Т.: Шарк, 2006. 192 с.; Абдураҳмонов Д. Бешкент район топонимикаси. – Ўзбек шевалари лексикаси. Т., 1966.

[2] Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. М., 1963.

[3] Қораев С. География номлар маъноси. Т.: Ўзбекистон, 1978. 203 б.

[4] Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дис. … канд. фил. наук. – СПб.: Санкт-Петербургский филиал ИВ РАН, 2004. – С. 305.

[5] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). Тошкент: «Ўқитувчи», 1988.

[6] Бартольд В.В. Сочинения. Т. I−IX. М., 1963−1973., том I. − С. 196

[7] Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакф−наме». Т., 1966. А80а. − С. 291

[8] Додыхудоев Р.Х. Памирская микротопонимия. Душанбе, 1975. − С.35

[9] Хромов А. Л. Согдийская топонимия верховья Зарафшана. ТВ, М., 1969. − С. 94.

[10] Қораев С. Топонимика. Тошкент, 1970. − Б. 20.

[11] Абдураҳмонов Д. Бешкент район топонимикаси. – Ўзбек шевалари лексикаси. Т., 1966. − Б. 389. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 33.

[12] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 73

[13] Туребеков М. Археологическое изучение оборонительных ссоружений городища Калаи – Захаки – Марон. – История материальной культуры Узбекистана, вып. 15. Т., 1983. – С. 75.

[14] Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III−VII вв) Т., 1977. – С. 47−49.

[15] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 82.

[16] Бартольд В.В. Сочинения. т. I−IX. М., 1963−1973., том I. − С. 194.

[17] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 89.

[18] Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакф−наме». Т., 1966. А80б.

[19] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 92.

[20] Андреев М.С. и Пещерева Е.М. Ягнобские тексты, М−Л., 1957. – С. 281.

[21] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 107.

[22] Бартольд В.В. Сочинения. т. I−IX. М., 1963−1973., том I. − С. 144, 157, 189

[23] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 111.

[24] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 115.

[25] Равшанов П. Адабий саҳифалар. Т. 1985. − Б.7

[26] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 127.

[27] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 154.

[28] Бартольд В.В. Сочинения. т. I−IX. М., 1963−1973., том I. − С. 195.

[29] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 190.

[30] Шералиев М. Бакы диалекты. Бакы, 1961. – С. 180.

[31] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 216.

[32] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларнинг изоҳли луғати. Т., 1988. − Б. 271.

PREZIDENT SH.MIRZIYOYEVNING ILM-FAN RIVOJIDAGI O'RNI

P.Sharipova, NDPI 1-kurs magistranti

Xalqimizning boy ma'naviy tajribasi va umumbashariy qadriyatlarga, shu jumladan zamonaviy madaniyat, ta'lim, fan va texnikaning so'nggi yutuqlariga asoslangan barkamol ta'lim tizimini yaratish O'zbekiston Respublikasining izchil rivojlanishida muhim ahamiyatga ega. O'zbekiston uzoq boy tarixga ega ekanligi bilan ajralib turadi. Tarixdan ma'lumki, O'zbekiston zamini Buyuk Ipak yo'li bo'ylab shakllangan turli tsivilizatsiyalarning birlashtiruvchi markazi bo'lgan.

Bugun butun dunyo bu mintaqaning nafaqat Sharq, balki jahon tsivilizatsiyasining beshiklaridan biri ekanligini tan olmoqda. Ushbu qadimiy va muqaddas zamin Al-Xorazmiy, Beruniy, Forobiy, Ibn Sino kabi buyuk allomalarni tarbiyalagan. Bu zaminda diniy ilmlarning poydevori yaratildi va rivojlandi va aynan bizning serhosil zaminimizning diniy ilohiyotchilari dunyoni Qur'on kitoblari bilan tanishtirdilar. So'fiylik maktablari faoliyati tufayli dunyo Islomning asosiy qoidalarini biladi.

XX asrning 90-yillarida demokratik davlatni rivojlantirish yo'lini olgan O'zbekistonda iqtisodiyotni liberallashtirish va ilmiy, ijtimoiy o'zgarishlarni chuqurlashtirish, chuqur tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish va mamlakatni jalb qilish dunyodagi integratsiya jarayonlari asosiy ustuvor vazifalarga tegishli edi. Fanlar akademiyasi uchun 1991 yil o'z tarixidagi yangi va eng muhim voqea bo'ldi. O'zbekiston rahbariyati tomonidan ishlab chiqilgan va amalga oshirilgan davlat ilmiy-texnik siyosati doirasida Milliy Fanlar akademiyasini tiklash, isloh qilish va modernizatsiya qilishga alohida e'tibor berildi. 1998 yilda Islom Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning Fanlar akademiyasi olimlari bilan uchrashuvidan keyin va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining iyul oyidagi qaroridan keyin ilm-fanning ijobiy tendentsiyalari uchun asos yaratildi. 1998 yil 28-oktabrda "O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Tarix instituti faoliyatini takomillashtirish to'g'risida", olimlar oldida mamlakatga ilmiy izlanishlarni bozor munosabatlari talablariga moslashtirish, intellektual salohiyatdan foydalanish samaradorligini oshirish vazifasi qo'yilgan edi, dunyoning etakchi ilmiy markazlari bilan ilmiy-texnikaviy hamkorlikni kuchaytirish, fanga mahalliy va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. (1)

Ammo, mustaqillikning birinchi o'n yilligidagi O'zbekistonda ilmiy fikrning rivojlanish holatini tahlil qilar ekanmiz, shunday xulosaga keldikki, ilmiy bilimlar darajasini oshirish bo'yicha ko'rilgan choralarga qaramay, biz kerakli natijalarga erisha olmadik. O'zbekiston tadqiqotchilari, xususan G. Yo'ldoshevaning fikriga ko'ra, fanlarni rivojlantirishga yo'naltirilgan mablag'lar, shuningdek tadqiqotchilarning maoshlari ham kam edi. Natijada, mamlakat rivojlangan mamlakatlarga ilmiy kadrlarning ko'chishi, ya'ni "miyadagi qochqin" bilan birga keladi. Bundan tashqari, professor Yo'ldoshevaning fikriga ko'ra, yosh respublikaning siyosiy taraqqiyotining ustuvor yo'nalishlari - suverenitetni mustahkamlash va mustahkamlash, yangi institutsional tizim asoslarini barpo etish va boshqalar - aslida O'zbekistonda ilm-fan rivojini ikkinchi darajaga ko'targan.(2).

Matematika, fizika, kimyo, biologiya, arxeologiya va hokazolarda olib borilgan tadqiqotlarni moddiy ta'minoti bilan bog'liq bir qator noto'g'ri hisob-kitoblar va kamchiliklar mavjud edi. Ilmiy laboratoriyalar, arxeologik qazish ishlari fondlarining ilmiy markazlari yo'qligi.

Agar ta'limga sarflangan mablag' 1990 yildagi 17,9% dan 2010 yilda 33%(3) gacha o'sgan bo'lsa, unda ajratilgan mablag'larning umumiy miqdoridan individual fanlarni rivojlantirishga minimal miqdor ajratilgan. Bunday taqsimotning sababi, keyinchalik akademik litsey va kollejlarni qurish dasturlarini amalga oshirishda umumta'lim maktablarining og'ir moliyaviy ahvoli edi.

Ko'p yillar davomida magistraturaga qabul kvotalari cheklangan va qabul uchun imtihonlar xalqaro standartlarga javob bermagan. Aspirantura va doktoranturaga qabul qilish ham ma'lum to'siqlar bilan kechdi. O'tgan yillar davomida dissertatsiya himoya qilish va unvonlar berish shakllari bir necha bor qayta ko'rib chiqilgan bo'lsa, faktlarni hisobga oladigan bo'lsak, ilm-fanni rivojlantirish yo'lidagi qadamlarni sinov va xatolar bilan engib o'tganimizni anglash qiyin emas. Agar 1995 yilda aspirantlar soni 3801 kishini tashkil etgan bo'lsa, 2011 yilda – 2711 tashkil etgan. (4)

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovichning 2017 yil 20 apreldagi PQ-2909-sonli qarori qabul qilinishi bilan ayrim hududlarda kvotalar qayta ko'rib chiqildi va ularning ulushi 32,8 foizga etkazildi, bu muhandislik, ishlab chiqarish va qurilish sohalari va mutaxassisliklari. Ilg'or xalqaro tajribani keng tatbiq etish maqsadida chet elning etakchi ilmiy va ta'lim muassasalari bilan yaqin hamkorlik aloqalarini o'rnatish, istiqbolli o'qituvchilarning amaliyoti va malakasini oshirish asosida ilg'or xalqaro tajribani o'quv jarayoniga keng joriy etish vazifasi qo'yildi. Pedagogik texnologiyalarni o'quv jarayoniga kiritish, xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan o'quv rejalari va o'quv materiallari, sheriklari bo'lgan xorijiy ta'lim muassasalari o'qituvchilari va olimlarini ilmiy-pedagogik faoliyatga faol jalb qilish va boshqalar.

2018 yil sentyabr oyida UP-5545 Prezidentining "" El-yurt umidi "jamg'armasi faoliyatini tashkil etish, chet elda mutaxassislar tayyorlash va vatandoshlar, olimlar, mutaxassislar va iqtidorli yoshlar bilan yaqin aloqada bo'lish to'g'risida" gi Farmoni chet elda yashash va kasbiy faoliyatini olib borish ... qabul qilindi Yangi

avlod o’quv qo’llanmalarini joriy etish orqali chet el adabiyotlarini tarjima qilish va o’zlashtirish asosida zamonaviy o’quv qo’llanmalari va ilmiy adabiyotlar bilan ta’minlash rejalashtirildi va amalga oshirildi.

Fanlar akademiyasi tarkibida 9 ta ilmiy-tadqiqot muassasalari tiklandi, yangi ilmiy va innovatsion tuzilmalar - Genomika va bioinformatika markazi, Xalqaro Quyosh energiyasi instituti, Yuqori texnologiyalar markazi ochildi. Oliy o’quv yurtlari 81 ga, mintaqalardagi filiallar - 15 ta, xorijiy universitetlar filiallar - 7 ta etkazildi.

2020 yil 20 oktyabrda O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovichning “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi” PF- 6097 sonli Farmoni bilan tasdiqlandi. Farmonda ko’rsatilgandek ilm-fan sohasida boshqaruv tizimini takomillashtirish, ilmiy tashkilotlarning ilmiy-innovatsion faoliyati samaradorligini oshirish; 2025-yilga qadar ilm-fanga yo’naltiriladigan jami mablag’larning yalpi ichki mahsulotga nisbatan ulushini 6 baravarga, 2030-yilgacha esa 10 baravarga oshirish kabi dolzarb masalalar quyildi.

Respublika Prezidenti Sh.Mirziyoev 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga yuborgan murojaatida Sharqning buyuk mutafakkirlarining so’zlarini keltirib: "Eng katta boylik aql va ilmdir, eng katta meros yaxshi ta’limdir , eng katta qashshoqlik - bu bilimlarning etishmasligi, "fan sohasidagi aniq ustuvorliklar, xususan, matematika, kimyo va biologiya, geologiya kabi sohalarda fundamental va amaliy tadqiqotlarni rivojlantirish. Bir vaqtning o’zida fanning barcha sohalarini rivojlantirish mumkin emasligini hisobga olib, fanning ayrim yo’nalishlarini bosqichma-bosqich rivojlantirishga chaqirdi. Fundamental va innovatsion tadqiqotlar uchun maqsadli grantlar berish mexanizmini qayta ko’rib chiqing. Mahalliy va xorijiy ishlanmalar ilmiy yutuqlarining ilmiy elektron bazasini shakllantirish. Chet ellik olimlarni va boshqalarni ilmiy tadqiqotlarga jalb qilish bo’yicha ishlarni davom ettirish kabi masalalar ko’rib chiqildi.(5)

Adabiyotlar:

1. Fanlar akademiyasi O’zbekiston intellektual tarixida. // mytashkent. Uz

2. Qarang: Yo’ldosheva G. O’zbekistonda fanni rivojlantirish xususiyatlari va muammolari // cabar. Osiyo

3. Mustaqillik yillarida (1990-2010) O’zbekiston Respublikasini iqtisodiy va ijtimoiy rivojlantirishning asosiy tendentsiyalari va ko’rsatkichlari va 2011-2015 yillarga mo’ljallangan prognoz : Stat. to’plam - T .: "O’zbekiston", 2011. - S. 18-20.

4. Almanach, 2013: Stat. to’plam – T. , 2013. – C. 223

5. Review.uz›oz/post/prezidentning-oliy-majlisga…29

TA’LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

O.Atamurodova
Navoiy shahar 8-maktab
Tarix fani o’qituvchisi

Ta’limning bugungi vazifasi o’quvchilarni kun sayin oshib borayotgan axborot-ta’lim muhiti sharoitida mustaqil ravishda faoliyat ko’rsata olishga, axborot oqimidan oqilona foydalanishga o’rgatishdan iboratdir.Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoniyati va sharoitini yaratib berish zarur.

O’zbekiston Respublikasi demokratik- huquqiy davlat va adolatli fuqarolik jamiyatini qurish yo’lidan borayotgan bir paytda ta’lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi va harakatga keltiruvchi kuchi har tomonlama rivojlangan barkamol insonni tarbiyalashdan iboratdir.

Pedagog-olimlarning yillar davomida ta’lim tizimida Nega o’qitamiz? Nimani o’qitamiz? Qanday o’qitamiz? Savollariga javob izlash bilan bir qatorda qanday qilib samarali va natijali o’qitish mumkin?- degan savolga ham javob qidiradilar.

Bu esa, olim va amaliyotchilarni o’quv jarayonini texnologiyalashtirishga, ya’ni o’qitishni kafolatlangan natija , beradigan texnologik jarayonga aylantirishga urinib ko’rish mumkin, degan fikrga olib keldi.

Bunday fikrning tug’ilishi pedagogika fanida yangi pedagogik texnologiya yo’nalishini yuzaga keltiradi.

Hozirgi davrda sodir bo’layotgan innovatsion jarayonlarda talim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi axborotlarni o’zlashtirish va o’zlashtirgan bilimlarini o’zlari tomonidan baholashga qodir, zarur qarorlar qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan shaxslar kerak.

Shuning uchun ham, ta’lim muassasalarining o’quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o’qitish uslublari-interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning o’rni va ahamiyati beqiyosdir. Pedagogik texnologiya va ularning talimda qo’llanishiga oid bilimlar, tajriba o’quvchilarni bilimli va yetuk malakaga ega bo’lishlarini ta’minlaydi.

Innovatsiya-(inglizcha- innovation) – yangilik kiritish, yangilik demakdir. Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o’qituvchi va o’quvchi faoliyatiga yangilik, o’zgarishlar kiritish bo’lib, uni amalga oshirishda asosan interfaol uslublardan foydalaniladi.

Interfaol- o’zaro harakat qilmoq yoki kim bilandir suhbat, muloqot tartibida bulishni anglatadi. O’qitishning interfaol uslubiyatlari- bilish va kommunikativ faoliyatni tashkil etishning maxsus shakli bo’lib, unda ta’lim oluvchilar bilish jarayoniga jalb qilingan bo’ladilar, ular biladigan va o’ylayotgan narsalarni tushunish va fikrlash imkoniyatiga ega bo’ladilar. Interfaol darslarda o’qituvchining o’rni qisman o’quvchilarning faoliyatini dars maqsadlariga erishishga ,yo’naltirishga olib keladi. Bu uslublarning o’ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o’quvchilarning birgalikda faoliyat ko’rsatishi orqali amalga oshiriladi.

Har bir dars, mavzu, o’quv predmetining o’ziga xos texnologiyasi bor.O’quv jarayonidagi pedagogik texnologiya bu aniq ketma–ketlikdagi yaxlit jarayon bo’lib, u o’quvchining ehtiyojidan kelib chiqqan holda bir maqsadga yo’naltirilgan, oldindan puxta loyihalashtirilgan va kafolatlangan natija berishga qaratilgan pedagogik jarayondir.

O’quv jarayonini oldindan loyihalashtirish zarur. Bu jarayonda o’qituvchi o’quv predmetining o’ziga xos tomonini, joy va sharoitni, eng asosiysi, o’quvchilarning imkoniyati va ehtiyojlarini, hamkorlikdagi faoliyatni tashkil eta olishni hisobga olish kerak. Shundagina, kerakli kafolatlangan natijaga erishish mumkin. Qisqacha aytganda, o’quvchini ta’limning markaziga olib chiqish kerak.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТНИНГ ГЛОБАЛ ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ СИФАТИДА

Ш.Э.Тоштуров, НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилиши ва кўплаб соҳалардаги трансформация ва модернизация жараёнлари ҳамда мамлакатимизнинг БМТ глобал дастурлари доирасида халқаро рейтингларда ўрнини мустаҳкамлаши каби масалалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” ва “Барқарор ривожланиш мақсадлари” глобал дастурлари, Бутунжаҳон бахт индекси, “Инсон тараққиёти тўғрисида”, Жини индекси.

Замонавий Ўзбекистон тарихининг халқаро ҳамкорлик муносабатларини ўрганиш, давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, экологик бақарорлик, аҳоли фаровонлигини ошириш каби соҳаларда БМТ билан алоқаларини назарий методологик жиҳатдан тадқиқ қилишда тарихий манба ва далиллар таснифлаш, уларни умумфан ва тарих фанининг махсус фан услублари асосида, холисийлик ва тарихийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ билан ўзаро фаол муносабатларни йўлга қўйган. Ўзбекистон ва БМТнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар юзасидан ўзаро ҳамкорлиги инсон тараққиёти концепцияси билан белгиланади. Ўзбекистон ва БМТ ўртасида иқтисодий, ижтимоий, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, экологик бақарорлик, аҳоли фаровонлигини ошириш каби соҳаларда кенг кўламли чуқур ҳамкорлик муносабатлари амалга оширилди. Бу БМТ томонидан қабул қилинган “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” ва “Барқарор ривожланиш мақсадлари” каби глобал дастурлар ва уларнинг Ўзбекистонда тўла амалга оширилишида намоён бўлади.

БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастурини амалга ошириш тугалланганидан сўнг 2015 йил 25 сентябрда ташкилотга аъзо 193 мамлакатлар томонидан 2030 йилга қадар мўлжалланган ривожланишнинг янги “Барқарор тараққиёт мақсадлари” Декларациясини [1] (Sustainable Development agenda) қабул қилди. Мазкур дастур 17 та глобал мақсадлардан иборат бўлиб, дунёдаги глобал ривожланишга қаратилган. Унинг энг муҳим жиҳати шундаки, бу дастур МРМнинг мантиқий давоми сифатида уни янада ривожлантириб, бартараф этилиши лозим бўлган янги мақсадлар билан бойитган. Улар қуйидаги мақсадларни ифодалаган: қашшоқликни тугатиш, очликни бартараф этиш, саломатликни янада мустаҳкамлаш, сифатли таълим, гендер тенглиги, тоза сув ва санитария, арзон ва тоза энергия, муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш, индустриализация, инновация, инфратузилмаларни ривожлантириш, тенгсизликни қисқартириш, барқарор шаҳар ва аҳоли пунктлари, масъулиятли исътемол қилиш ва ишлаб чиқариш, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, денгиз экотизимларини асраш, ер экотизимларини асраш, тинчлик, адолат ва самарадор институтлар, барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик [2].

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ушбу глобал мақсад ва вазифаларнинг асксарият қисмига тўлиқ эришган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, МРМнинг ҳам мамлакатда тўлиқ амалга оширилганлиги дунё ҳамжамияти томонидан катта эътирофга сазовар бўлган. Буни Ўзбекистондаги

иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий соҳаларда эришилган ютуқлар, мамлакат тобора юқорилаб бораётган жаҳон рейтинглари ва уларнинг умумжаҳон эътирофида кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши динамикасини мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий соҳаларда эришилган ютуқлар, мамлакат тобора юқорилаб бораётган жаҳон рейтинглари ва уларнинг умумжаҳон эътирофида кўриш мумкин.

БМТ кўмагида Колумбия университети профессори Жеффери Сакс, Лондондаги иқтисодиёт мактаби директори Ричард Лейард ва Британия Колумбия университети профессори Жон Хеллиуэл томонидан 2012 йилдан буён Бутунжаҳон бахт индекси тузиб келинади. Ушбу ҳисоботни тузишда давлатлар ялпи ички маҳсулотининг аҳоли жон бошига мос ҳиссаси, давлат томонидан фуқароларнинг фаоллиги ва ижтимоий қўллаб-қувватланиши, узоқ умр кўриш, одамларнинг сайлов ҳуқуқи, коррупция омили даражаси каби мезонлар билан ўлчанади. Ўзбекистон 2015 йил Бутунжаҳон бахт индекси (World happiness report)да[3] 158 мамлакат орасида 44-поғонани, МДҲ давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллади. Мамлакатда 2016 йилдан кейин барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг янги босқичи амалга оширила бошлади. Янгиланаётган Ўзбекистон турли халқаро рейтингларда дадил юқорилаб борди. Хусусан, ушбу Бутунжаҳон бахт индексининг 2020 йил ҳисоботида давлатларнинг бахт индекси 2017-2019 йиллар кесимида берилди. Ўзбекистон ушбу 2017-2019 йилларда мисолида Бутунжаҳон бахт индекси (World happiness report)да [4] 2015 йилга 44 поғонадан 38 поғонага юқорилади.

Мамлакатларнинг ривожланиши, уларнинг турли соҳалардаги тараққиёти шубҳасиз, инсон тараққиёти концепцияси билан белгиланади. Инсон тараққиёти конепцияси ҳинд иқтисодчиси Амартья Кумар Сен ва покистонлик иқтисодчи Маҳбуб ул Ҳақлар томонидан БМТТД доирасида тузиладиган “Инсон тараққиёти тўғрисида”ги маърузалар негизида асос солинган. Бу маъруза 1990 йилдан бери мунтазам равишда ҳар йили нашр этилади.

БМТ томонидан 2015 йилда Инсон тараққиёти индексининг (Human Development Index) янгиланган рейтинги чоп этилди. Ушбу рейтинг ҳар йили халқаро миқёсда янгиланиб борилади. Мазкур рейтингда Ўзбекистон 2015 йилда 188 давлатлар орасида 114-ўринни [5] эгаллади. Ўзбекистон Республикасидаги 2016 йил иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни бошланди. Жумладан, Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [6] фармонига асосан 2017-2021 Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши бу борада муҳим асос бўлди. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича [7], Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир. Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари БРМ мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади. Ёки бошқача таъкидлаганда Ҳаракатлар стартегияси – бу БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг йўл харитасидир [8]. Шунга асосан БМТ томонидан 2019 йилда чоп этилган Инсон тараққиёти индексининг (Human Development Index) рейтингида Ўзбекистон 2015 йилги 114-ўриндан 108-ўринга [9] юқорилади.

Ўзбекистон Республикасидаги 2016 йил иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни бошланди. Жумладан, Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [10] фармонига асосан 2017-2021 Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши бу борада муҳим асос бўлди. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича[11], Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир. Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари БРМ мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади. Ёки бошқача таъкидлаганда Ҳаракатлар стартегияси – бу БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг йўл харитасидир [12].

Ўзбекистон халқаро индексларда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, INSEAD халқаро бизнес-мактаби ва Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари билан фаол алоқалар йўлга қўйган. Шунга асосан 2016-2020 йиллар мобайнида халқаро рейтинг агентликларининг ҳисоботларига биноан мамлакатимизнинг иқтисодий рейтинглардаги ўрни сезиларли даражада ўсди. Хусусан “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентликларининг баҳосига кўра 2019 йилда мамлакатнинг суверен кредит рейтинги «BB–» барқарор даражада сақланиб қолмоқда [13].

Жаҳон банки «Бизнес юритиш 2020» янги йиллик ҳисоботида (Doing Business 2020) сўнгги бир йилда Ўзбекистон Республикаси бизнес ислоҳотини амалга оширишда энг катта ютуқларга эришган 20 та мамлакат қаторига киришга имкон берган тўртта ислоҳотни амалга оширгани

тўғрисидаги ахборотни тарқатди. Шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон ушбу рейтинг ҳисоботида дунёнинг 190 мамлакати орасида 69-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди [14].

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу рейтингларда эришилган натижаларнинг барчасини ҳам ҳали ижобий деб бўлмайди, Ўзбекистон ўзининг кенг имкониятлари билан бундан ҳам юқорироқ поғоналарни эгаллаши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шунингдек, бизнингча, Ўзбекистон илм-фан, инновация йўналишларида ҳам халқаро глобал рейтингларда юқори натижаларни эгаллашга ҳаракат қилиши унинг, барча соҳалардаги ютуқларини янада мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. The 2030 agenda for sustainable development. A/RES/70/1 Resolution adopted by the General Assembly on 25 September 2015. -New York. 2015. September. –P.35.
2. Transforming our world: The 2030 agenda for sustainable development. -New York. 2015. September. P.14.
3. World happiness report 2012. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs*. The Earth Institute, Columbia University. 2012. P. 155.; World happiness report 2013. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs*. – New York: UN Sustainable De velopment Solutions Network. 2013. P. 154. World happiness report 2015. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs*. – New York: UN Sustainable Development Solutions Network. 2015. P. 167.
4. World happiness report 2020. Edited by *John Helliell, Richard Layard and Jeffery Sachs and Jan-Emmanuel De Neve Associate Editors: Lara B. Aknin, Haifang Huang, and Shun Wang*. New York: Sustainable Development Solutions Network.. P. 24.
5. Human Development Report 2015. – New York: UNDP office. 2015. P. 48.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, –Б.25-150.
7. http://xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/9629-arakatlar-strategiyasi-bar-aror-rivozhlanish-ma-sadlari-bilan-uj-un (10.03.2017)
8. *Саидов А. Усманов М.* Стратегия действий – это дорожная карта Узбекистана по реализации Целей устойчивого развития ООН // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент: 2017. № 3. – С. 68.
9. http://hdr.undp.org/en/content/2019-human-development-index-ranking (17.11.2020)
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, –Б.25-150.
11. http://xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/9629-arakatlar-strategiyasi-bar-aror-rivozhlanish-ma-sadlari-bilan-uj-un (10.03.2017)
12. *Саидов А. Усманов М.* Стратегия действий – это дорожная карта Узбекистана по реализации Целей устойчивого развития ООН // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент: 2017. № 3. – С. 68.
13. https://www.xb.uz/uzc/physical/more/view?id=362
14. http://uza.uz/uz/posts/khal-aro-etirof-zbekistonning-reytingi-shiddat-bilan-yuksalm (5-10-2019)

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ МИНГ ЎЗБЕК УРУҒИ ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИЛИШИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Темирова М., С.Рахматуллаева
Қўқон ДПИ ўқитувчилари

Аннотация

Мазкур мақолада Фарғона водийсида яшаган минг уруғининг этник тарихи тўғрисида сўз боради. Шунингдек, минг уруғининг этнологиясини ёритилиши методологиясига оид фикрлар берилган.

Калит сўзлар: ўзбек уруғи, минг уруғи, халқ, этник бирлик, методология, этналогия, тарих, илмийлик, фан.

Маълумки, этник тарих муаммоларини ўрганиш доим тарих, этнология фанларининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Ўзбек халқи этник тарихига бағишланган қатор манба ва тарихий-этнографик тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларида ўзбек халқи этник тарихида муҳим роль ўйнаган йирик ўзбек уруғларидан бири-минглар этнографиясига оид баъзи мулоҳазаларни учратиш мумкин.

Марказий Осиё, жумладан Фарғона водийси тарихига оид қатор тарихий манбаларда минтақада яшаган халқларнинг сиёсий,иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, айнан мазкур маълумотлар, гарчи қисқа бўлсада, ўша давр водий аҳолисининг, жумладан минг уруғининг ҳаёти, этник хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, минг этник гуруҳи ўзбек халқини шаклланишида фаол иштирок этган туркий қабилалардан бўлиб, минглар кўплаб манбаларда зикр қилинган 92 бовли ўзбек уруғлари таркибига кирувчи асосий қабилалардан ҳисобланган. Бунга биз мазкур уруғларни тўлиқ рўйхати келтирилган ўрта аср манбаларидаги маълумотлар орқали гувоҳ бўламиз. Жумладан, Ахсикентийнинг XVI асрга оид “Мажмуаи ат- таворих” асарида 92 ўзбек уруғи қаторида энг аввал минг уруғи, сўнг юз, қирқ, жалоир, сарой, қўнғирот уруғлари тилга олинади [1:166]. Ёки XIX асрда яшаган Мулла Муҳаммад Аваз Муҳаммад Атторнинг “Туҳфат ат- таворихи хоний” асарида юз, қирқ, ўнг,

ўнгажит, жалоир, қўнғирот каби ўзбек уруғлари орасида минг уруғи тўғрисида маълумот берилган[2]. Шунингдек, XX аср бошларида Бухорода Садр Зиё томонидан тузилган ўзбек уруғлари рўйхатида ҳам манғит, юз, қирқ, найман, хитой, қипчоқ, баҳрин, буркут уруғлари билан бирга минг уруғи номи кўрсатилган [3:231]. Тошкент вилоятидан топилиб А.А. Диваев томонидан нашрга тайёрланган ўзбек уруғлари рўйхатида қўнғирот, минг, жуз, қирқ, ўнгут, жалоир уруғлари номлари келтирилган[4]. Ч. Валихонов томонидан қайд этилган ўзбек уруғлари рўйхатида минг, қўнғирот, юз, қирқ, ўнгачи, жалоир, сарой уруғ номлари санаб ўтилган [5:553]. Демак ушбу маълумотлардан маълум бўладики, минглар 92 ўзбек уруғи таркибидаги асосий уруғлардан саналган. Этногенетик жиҳатдан ўзбек уруғларидан қирқ, юз, қипчоқлар билан кўпроқ боғланган. Чунки барча муаллифлар деярли доимо минг уруғини айнан ушбу уруғ номлари билан билан тилга оладилар.

Ушбу этник гуруҳни Мовароуннаҳр, жумладан Фарғона водийсида ҳудудига қачон ўрнашганлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд. А. Асқаров XIV-XV асрлардаёқ Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчманчи ўзбекларнинг жалоир, орлот, найман, манғит, қўнғирот, минг, қушчи ва бошқа қабилалари ўз хонлари етакчилигида эмас, балки ўз уруғ-аймоқлари номлари билан кириб келганлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, айрим тадқиқотчилар Дашти Қипчоқ ўзбеклари кўчиб келгунга қадар Фарғона водийсига минг уруғи ва бошқа туркий, турк-мўғил қабилалари келиб ўрнашганлиги тўғрисида маълумот берадилар. Чунончи, С.С. Губаева шундай қабилалар тарзида қарлуқ, яғмо, чигил, ашпар, халач, чоғроқ, қовчин, жалоир, барлос, найман, хитой, қирқ, чурос, қанғли, баҳрин, норин, тоғой, дуғлат, утарчи, арғун, баликчи қабилалари номи билан биргаликда минг қабиласини ҳам кўрсатиб ўтган [6:49-60].

Уни таъкидлашича, ушбу номлари келтирилган қабилаларнинг катта қисми Фарғона водийси шароитида Дашти Қипчоқ ўзбеклари кўчиб ўтгунга қадар ўтроқлашиб бўлган эди [7: 31-32 Буни баъзи маҳаллий ривоятлар ҳам бир жиҳатдан тасдиқлайди. Шундай ривоятлардан бири Олтин бешик ривоятига кўра 1512 йилда Бобур Самарқанддан Фарғона орқали Ҳиндистонга кетиши пайтида ҳомиладор хотинларидан бирини хизматкор ва зийнатланган бешик билан қолдиришга мажбур бўлади. Бу ерда кўчманчи ўзбек уруғларидан қирқ, қипчоқ, қирғиз, минглар яшаган. Бола туғилгач минг уруғи овулига жойлаштирилган. Олтин бешик вояга етгач ҳар бир қабиладан бир қизга уйланади. Унинг минг уруғидан бўлган катта хотини ўғил фарзанд кўради ва унга Тангриёр деб исм қўйилган.Олтин бешик 1545 йилда вафот этади. У бий унвонида минг қабила сардори бўлиб етишади.

Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчманчи ўзбекларнинг кўчиб ўтиши кейин ҳам давом этиб, XV аср охири – XVI аср бошларида Марказий Осиё ҳудудларига Дашти Қипчоқдан бир қанча уруғ-қабилалар арлот, баҳрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, қарлуқ, можор, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, манғит, найман, нукуз, мангут, қушчи, туман, минг ва шу каби уруғ- қабилалар кириб келди. Бевосита Фарғона водийсига эса бу даврда Дашти Қипчоқдан қирқ, юз, минг, қўнғирот, кенегас, қатоғон, сарой, тама, манғит ва бошва уруғлар кўчиб ўтган. Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келган турк- мўғил қабилалари маҳаллий туркий халқлардан сон жиҳатидан оз бўлиб, уларнинг умумий сони 24- 26 қабиладан ошмаган [8:648]. XVI асрда кириб келган қабилаларнинг сони камида 500-60 минг киши эди [9:271].

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, кўчиб келган уруғ-қабилалар кўпчилининг номи туб жой туркий тилли халқлар номига мос келади. Бу эса ушбу халқларнинг этногенетик яқинлигидан, яъни уларнинг уруғдошлари аввалги даврларда ҳам бу жойга кўчиб ўтганлигидан дарак беради. Шу туфайли, кўчиб келган мазкур этник бирикмаларнинг кўпчилиги ўзларидан аввалроқ ушбу ҳудудларга келиб ўрнашган қабиладошлари билан тез алоқага киришиб, ўтроқлаша бошлаган [10:88]. Водий мингларининг этник хусусиятлари тўғрисида фикр билдирадиган бўлсак, дастлаб улар ҳам Дашти Қипчоқдан келган бошқа туркийгўй кўчманчи қабилалар сингари туркий тилнинг қипчоқ ва ўғиз лаҳжасида сўзлашган десак хато бўлмайди. Мовароуннаҳр тубжой туркийгўй аҳолиси эса қарлуқ чигил лаҳжасида гапирганлар. Кейинчалик қипчоқ ва ўғиз лаҳжаларида сўзлашувчи қабилалар, шу жумладан, минглар ҳам ўтроқ ҳаётга ўтганлар ва маҳаллий тубжой аҳоли билан аралашиб, қоришиб кетадилар. улар ҳам Мовароуннаҳрнинг барча қадимий туркий қавмлари каби қарлуқ-чигил лаҳжасида сўзлашишга ўтадилар. Уларнинг қиёфаси ҳам Дашти Қипчоқ ўзбекларининг антропологик типи каби жанубий сибир типини эслатиши табиий эди. Улар Ўрта Осиё аҳолисига қоришиб кетиши натижасида маҳаллий ўзбеклар антропологик қиёфасида мўғилбашара этник гуруҳлар қатлами қалинлашди. Шунга қарамай улар шаклланган ўзбек халқини, жумладан водий аҳолиси этник таркибини, қиёфасини ўзгартириб юбора олмаган.

Тарихий манбаларда минг қабиласи мансуб кишилар Қўқон атрофидаги Деҳқонтўда, Тарғова, Чомошбий, Пиллахона, Жоникент, Тўқайтепа, Пиртак, Тепақўрғон, Қайнар, Сарой, Тўрайғир қишлоқларида истиқомат қилганлар [11:166]. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, уларнинг бадавлат қисми XVI- XVIII асрларда Мовароуннаҳрда ўз қабилавий этник номларини сақлаб қолган ҳолда, ярим ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Кўчманчи ўзбекларнинг давландманд аслзодалари шаҳарларга жойлашдилар ва мамлакат сиёсий ҳаётида ҳукмронликни қўлга киритиб, маҳаллий аҳоли билан аста-секин қариндошлашиб, ўтроқ ҳаёт кечира бошлаган. Жумладан, XVIII аср бошида Фарғона водийсида ўзбек

минглари бошқа уруғларга нисбатан мавқеи юқори бўлиб, улар томонидан Қўқон хонлигига асос солинади. Бу жиҳат тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган. Дарҳақиқат минг қабиласи мансуб кишилар Қўқон шаҳри атрофида кўп ўрнашган эдилар. тарихий манбаларда минг қабиласи бу жойдаги Деҳқонтўда, Тарғова, Чомошбий, Пиллахона, Жоникент, Тўқайтепа, Пиртак, Тепақўрғон, Қайнар, Сарой, Тўрайғир қишлоқларида истиқомат қилганлари қайд этилган [12:166].

Минг уруғининг етакчи оқсоқоли Ашурқулибийни хокимиятга келиши тўғрисида Мирза Олим Мушрифнинг “ Ансоб ус –салотин ва таворих ул ҳавоқин” асарида қуйидаги маълумот берилган: “ ... Ҳалойиқни иттифоқи билан Ашурқули оталиқ отасини маснадиға ўлтирди. Бир неча йил ҳукумронлик қилиб, оламдин ўтди. Андин Шоҳруҳбий ёдгор қолди. Тахти салтанатда ўлтириб ўн уч йил подшолиғ қилиб, қирқ ёшда оламдан ўтди” [13:7]. Бундай маълумотни Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Туркистон” асарида ҳам учратишимиз мумкин. Бунда улар маҳаллий диний уламолар кўмагига ҳам таяниш муҳимлиги эътиборга олганлар. Минг уруғи етакчиларининг хожалар ва тасаввуф тариқати вакиллари билан мустаҳкам алоқалари бўлганлигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд. Мухаммад Ҳакимхон Тўранинг “ Мунтаҳаб ут- таворих” асарида келтирилишича минг уруғидан бўлган Чамашбий XVI асрда Мовароуннаҳрдаги нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси бўлган Мавлоно Лутфуллох Чустийга мурид бўлганлиги тўғрисида маълумот берилган.

Минглар давлат бошқарувида Ўрта Осиёда кенг тарқалган анъана- хокимиятни ўз қариндошлари ва уруғдошларига бўлиб бериш орқали бошқарганлар. Шоҳруҳбийнинг тўнғич ўғли Абдураимбий 1721 йилда хокимиятга келганда, укаси Абдукаримбийни Хўжандга, кичик укаси Шодибекни Марғилонга ҳоким қилиб тайинлаган. Бу уруғ вакиллари XIX аср икинчи ярми ўрталарига қадар мамлакатни бошқарганлар. Бошқарувда шунингдек бошва ўзбек уруғлари, чунончи юз уруғи мавқеи ҳам баланд бўлган. Чунончи, Муҳаммад Алихон (1822-1841) даврида ҳукмдорнинг қайнотаси Юсуф мингбоши ўрнига юз уруғи вакили Ҳаққули бу юқори мансабга тайинланган. Водийдаги минг уруғининг аниқ нуфузи тўғрисида аниқ маълумот олиш мушкул. Чунончи, аҳоли нуфузи тўғрисида юртимизда дастлаб ёзма маълумотлар юзага келган, XIX асрга келганда, улар ўзбек халқи таркибига қоришиб кетган эди. Фақат бу даврда Россия империяси Туркистон ўлкасига қарашли Фарғона вилоятида XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган умумий аҳолининг 9,8 % (153 780 нафари)ини ярим кўчманчи, ярим ўтроқ ўзбеклар ташкил этганлиги тўғрисидаги маълумотни келтириш мумкин холос [14:29]. Турли уруғ – қабилавий тузилишига эга бўлган ярим кўчманчи ўзбекларнинг водийдаги умумий сони эса ўша давр статистик маълумотларига кўра 215000 дан ортиқ бўлмаган [15:29]. Ушбу ярим кўчманчи ўзбеклар ўз таркибида бир қатор субэтносларни бирлаштирган бўлиб, улар орасида турк, қипчоқ, юз, минг, қурама каби этнографик гуруҳлар Фарғона водийсида сон жиҳатидан бошқа субэтносларга қараганда кўпчиликни ташкил этган.

Республикамизда минг уруғининг вакиллари Самарқанд атрофида, хусусан Ургут туманида шунингдек Афғонистоннинг Балх шаҳри атрофларида ўрнашганлиги маълум. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида Катта Минг, Кичик Минг, шу вилоятнинг Иштиҳон ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманларида Минг топонимига эга қишлоқлар учрайди. Минглар топоними билан аталувчи қишлоқлар Фарғона водийсининг Қўқон шаҳри атрофлари учрайди. Дарҳақиқат Минг топоними бугунги кунга қадар Фарғона вилояти Данғара туманида Катта Минглар, Кичик Минглар тарзида учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, минг уруғи ўзбек халқи таркибидаги 92 ўзбек уруғининг энг асосий уруғлардан саналиб, ўзбек халқини шаклланиш жараёнида фаол иштирок этганлар. Уларни номи ўзбек давлатчилигида муҳим ўрин тутган Қўқон хонлигини ташкил этган ўзбек уруғи сифатида тарихга кирган.Уларни Фарғона водийсига келиб ўрнашиш жараёни бир неча асрлар давомида юз берган. Бу ердаги узоқ давом этган этногенетик жараёнлар натижасида минглар маҳаллий ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб кетганлар. Минг этноними бугунги кунга қадар республикамизнинг, Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида сақланган.

Адабиётлар рўйхати

1.Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа»// Средна Азия в деревности и средневековые (история и культура).-М., 1977.-С. 166.

2.Мазкур манба бугунги кунда РФА Шарқшунослик институтининг Санкт- Петербург бўлими фондида сақланади.

3.ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.-Инв. № 2193/ 11. вв. 229 а, 231 а.

4.Диваев А.А. О происхождении ўзбеков // - ТВ., № 97, 1900.

5.Валихонов Ч. Собрание сочинений в 5- ти томах. Т. 1.- Алма-Ата, 1961.-С.553.

6.Қаранг: Губаева С.С. Этнический состав население Ферганы ... –С. 49-60.

7.Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX века.(Этнокультурные процессы).- Т., 1991, – С. 31-32.

8.Ахмедов Б. Ўзбекларнинг этник тарихини ўрганишда қўлёзма манбаларнинг роли // Тарихдан сабоқлар.- Т., 1994.- 378 бет.

9.Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.- Т., “Университет”. 2007. 271 бет.
10.Шаниязов К. Некоторые вопросы этнический динамики и этнических связей узбеков в XIV – XVII вв. // Материалы к этнический истории населения Средней Азии.-Т., 1986.- С. 88.
11.Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства.-Т., 1973, - С. 165-166.
12.Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства.-Т., 1973, - С. 165-166.
13.Мирза Олим Муширф “ Ансоб ус –салотин ва таворих ул ҳавоқин”.- Т., 1995,. 7 бет.
14.Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отчёт по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом.Ч.I. Отд.1.- Спб., 1911.- С. 62. Ч. II. Отд.1. Таблицы.-С. 29.
15.Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч.I. Отд.1.- Спб., 1911.- С. 62. Ч. II. Отд.1. Таблицы.-С. 29.

XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Н.Джураева
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети т.ф.н, доцент

Аннотация

Муаллиф мақолада, Хотин-қизлар масаласи – аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи, қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, бандлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш каби масалаларни ўзида ифода этган.

Калит сўзлар: Хотин-қизлар, болалик, жамият, оналик ,оила, гендир тенглик, давлат сиёсати, ҳимоя, Ҳаракатлар стратегияси.

Хотин-қизлар масаласи – аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи, қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, бандлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш каби масалаларни ўзида ифода этган ижтимоий муаммолар мажмуидир. Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва мақсадларидан бирига айланиб, хотин-қизларга муносабат масаласи давлат сиёсати ва стратегияси даражасига кўтарилди[1]. Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда”[2].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” вазифаси белгиланган.

Ҳар қандай жамиятнинг маънавий юксаклик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланар экан, Ўзбекистонда ҳам мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ давлат ва ҳукумат раҳнамолигида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ғамхўрлик сиёсати олиб борилди. Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келади. Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор – бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади”**,** деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор”[2].

Танланган мавзунинг долзарблигини қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, юз йиллар давомида тарихни давлатлар белгилаган бўлса, XX асрда унинг ўрнини тоталитар мафкура эгаллади. XXI аср бўсағасида эса, дунё сиёсатини маданиятлар тўқнашуви белгилаб берди. Бу эса, бугунги глобаллашув даврида жамиятни маънавий барқарорлаштириш сиёсатида муҳим омил бўлганмиллий маданият тарихида ўзига хос тарзда иштирок этган аёлларнинг маданий жараёнлардаги ўрни ва ролини ўрганишни илмий эҳтиёж сифатида кун тартибига қўймоқда.

Иккинчидан, истиқлол йилларида ўзбек халқи миллий маънавиятни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларда, маънавият соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда миллат тарбиячиси бўлган хотин-қизларнинг ўрни беқиёс эканлигига эътибор

қаратилиб, уларнинг маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятини тадқиқ қилиш қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, бугунги таҳликали ахборот асрида,мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бу борада аёлларнинг ўрни салмоқли эканлиги хотин-қизларнинг маънавий-маърифий соҳалардаги фаолиятини таҳлил қилиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам молик эканлигини ҳам кўрсатади.

Тўртинчидан, ўзбек аёллари зиммасидаги "миллий шарқона маънавиятни сақлаб қолиш ва уни янада юксак даражада, замонавий асосларда давом эттириш" каби масъулиятли вазифа танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб бермоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат, аёлларни ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатнинг ғамхўрлик сиёсати натижасида қуйидаги натижаларга эришилди: "Бугунги кунда ....республикамизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, ...мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор опа-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.Ана шундай катта салоҳиятни яна-да ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди"[3].

Чунки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илм-фан, техника, ишлаб чиқаришда, бошқарувда аёллар фаол иштирок этишига эришилган тақдирдагина жамият ўз ривожида мукаммал йўналишга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, глобаллашув ва цивилизациялар тўқнашуви даврида, аёллар иштирокисиз тараққиётга эришиш мумкин бўлмаган замонавий жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини янада ривожлантириш муаммолари илгари сурилмоқда.

Эндиликда, инсоният тараққиётини ўрганувчи мутахассислар кишилик жамиятининг барча соҳаларида аёлларнинг ролини ўрганмасдан туриб, инсоният томонидан босиб ўтилган тарихий йўлни ва тараққиётни тўлиқ англаб бўлмайди, - деб ҳисоблашмоқда. Хусусан, тадқиқотчи Гизелла Бокнинг қуйидаги фикрига эътибор қаратинг: "Ўтмишда хотин-қизларнинг тажрибаси, фаолияти, ҳаёт соҳаси тарихий қимматга эга эмасдек туюлгани учун ҳам эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, хотин-қизлар тарихи "эркаклар тарихи каби умумий ҳисобланиши керак, ... чунки у нафақат инсониятнинг ярмига, балки ҳаммасига тегишлидир"[4:367]. Бу борада Джоан Келлининг фикрича, "гап тарихга хотин-қизларни қайтариш тўғрисида эмас, балки аввало хотин-қизларга тарихни қайтариш ҳақида бормоқда. Бундай эътибор тарихдаги хотин-қизларгагина эмас, балки хотин-қизлар тарихига боғлиқ бўлса-да, айни пайтда алоҳида турдаги тарих, яъни бутун дунё аёлларининг аёл сифатидаги тарихидир"[5:371].

Маълумки, сўнгги йилларда тарих, ижтимоий фалсафа, ҳуқуқ, иқтисод, педагогика фан соҳаларида хотин-қизларга муносабат масаласи, гендер тенглик масалалари, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ижтимоий ҳимоясини ва бандлигини таъминлаш, аёлларнинг ички ва ташқи миграциядаги иштироки каби масалаларга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари кўлами кенгайиб бормоқда. Олиб борилаётган тадқиқот ишларининг назарий-услубий асосини назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлайдиган, тарих ва замонавийликни боғлайдиган холислик, аниқлик ва тараққиётнинг синтезини амалга оширишга имкон берадиган ҳамда услубий ёндошувга асосланган ҳолда муаммоли-хронологик, қиёсий-таҳлилий методлар, ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланишидаги ўзаро алоқадорлик, тизимлилик, ривожланиш каби илмий тамойиллар ташкил этади.

Тарихий маълумотларни, далилларни, воқеа ҳамда ҳодисаларни ёритишда мантиқий умумлаштириш ва тарихий таққослаш тамойилига асосий эътибор қаратилди. Мавзуни ўрганиш жараёнида воқеа ва ҳодисаларни далиллар, ёритилган маълумотларни мантиқий умумлаштириш ва этнопсихологик таққослаш, ижтимоий-психологик сўровнома, муаммоли этнологик ва маданий таҳлил услубларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот ишини ёзишда кенг қўлланилган тарихийлик, объективлик, тизимлилик каби асосий услубий тамойиллар маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида ҳам қайд этилар, ижтимоий-сиёсий фанларда улар асосий услубий тамойиллар сифатида кўрсатилар эди. Лекин, улардан кўзланган мақсад бошқа бўлиб, мазкур принциплар "қизил империя" давридаги коммунистик мафкуранинг сиёсий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган эди. Мустабид тузум даврида тарихий манбаларни холис ўрганиш эмас, балки олдиндан белгилаб қўйилган марксизм- ленинизм методологияси ва партия қарорлари нуқтаи назаридан ёритиш шарт қилиб қўйилган эди. "Фаннинг партиявийлиги"- деган шиорга риоя қилиш ҳар бир олимнинг "муқаддас бурчи" ҳисобланарди[6:273]. Шунинг учун ҳам бундай тамойиллар танланган муаммоларни илмий жиҳатдан тўла, холис аснода бажаришдан йироқ эди.

Мустақиллик шароитида вазият тубдан ўзгариб, юқорида қайд қилинган илмий тамойиллар

коммунистик мафкуранинг сиёсий найрангларидан ҳоли бўлганлиги учун ҳам, у ижтимоий фанларга хизмат қила бошлади. Шунингдек, тадқиқот ишларининг назарий-услубий асоси билишнинг диалектик усули, миллий ғоява илмий тафаккурнинг умумбашарий тамойиллари билан ҳам белгиланади.

Танланган ишни бажаришга ЎзР Биринчи Президенти И.Каримов ва Президент Ш.М.Мирзиёев асарларини методологик асос қилиб олиниши аҳамиятга эга. Асарларда кўтарилган муҳим назарий-методологик ғоялар, айниқса улардаги жамият ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, аёлларнинг ижтимоий-маънавий ва маданий ҳаётда тутган ўрни ва роли масалаларига нисбатан бўлган ижобий муносабатлари, илмий хулосалари муҳим назарий илмий аҳамият касб этади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, республикамизда хотин-қизларнинг жамиятнинг маънавий соҳаларидаги ролини кучайтириш асослаб берилган республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ишлаб чиқилган дастурлар муҳим аҳамият касб этади.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63, 66-моддалари ҳамда махсус қонунларда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, методология тарих тадқиқотларининг бош мақсадини белгилаб берувчи назарий асос бўлиб, буни тарих тадқиқотларининг стратегияси деб баҳолаш мумкин. Тарих тадқиқотларининг методологик, ғоявий-назарий асосини доимий равишда муайян жамият, ундаги етакчи ижтимоий кучларнинг манфаатлари белгилаб келган. Шу туфайли тарих фани сиёсат билан, ижтимоий тузулма ёки харакат, давлат тузулмаси ва бошқаларнинг етакчи концептуал мақсадларига хизмат қилиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325- сонли Фармони, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли Президент Қарори, 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ 561 - сонли ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ 562 - сонли Қонунлар//lex.uz

2. ЎзбекистонРеспубликасиПрезиденти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи//22.06.2019

3. Шавкат Мирзиёевнинг 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи//Шавкат Мирзиёев 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бир гуруҳ аёлларни мукофотлади - Daryo

4. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

5. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

6. Зиёев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. –Тошкент: Шарқ, 2000.

ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИ

Ш.Равшанов
НавДПИ «Тарих ўқитиш методикаси»
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада Россия империяси даврида Туркистонда мактаблар фаолияти, ундаги ўқув-услувий жараёнлар, мактаблардаги ўқиш усули, босқичлари ва уни чор Россияси манфаатларига бўйсидирилиши ҳамда бошқарилиши масалалари атрофлича ёритилган.

Калит сузлар: Генерал-губернаторлик, империя, чор Россияси, Фарғона волости, уезд, Скобелев, ўқув тарбиявий жараён, инспектор, “аралашмаслик” тамойили.

Мустамлака Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, империя маъмурлари олдида ўлка ҳудудида асрлар давомида фаолият юритиб келган миллий-анъанавий таълим тизимини тугатиш ёки унинг фаолиятини ўз манфаатларига бўйсиндириш вазифаси юзага келди. Империя маъмурлари миллий-анъанавий таълимга нисбатан келажакда турли норозиликларга сабаб бўладиган омиллардан бири сифатида қараб, унга давлат сиёсати даражасида эътибор берган. Буни қуйидагилардан билиб олиш мумкин бўлади: *биринчидан*, дастлаб Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман бу масалага шахсан эътибор қаратиб, уни узоқ вақт ўрганди ҳамда ўзга миллат таълими мутахассислари, шарқшунослар билан маслаҳатлашган ҳолда “аралашмаслик” тамойилига асосланган сиёсатни жорий этди. Кейинги генерал-губернаторлар ҳам мазкур тамойилга гоҳида амал қилиб, гоҳида амал қилмаган ҳолда сиёсат

юргизишда давом этди. *Иккинчидан,* анъанавий таълимга оид империя даражасидаги Қонунлар, Туркистон генерал-губернаторлигининг фармойишлари қабул қилинди. Айнан шу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида уни бошқаришга ҳаракат қилинди. *Учинчидан,* мактаб ва мадрасалар билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган барча масалалар қатъиян ўлка раҳбариятининг ижозати билан ҳал этилган[1:87]. Туркистоннинг барча ҳудудлари Чор Россияси томонидан забт этилгач, ўлка халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида янги бир давр вужудга келди. Шарқона услуб ва шаклларда давом этаётган маданият, ғарб тараққиёти анъаналари маорифий муносабатлари билан юзма-юз келди. Тарихдан аёнки, ҳар қандай ҳарбий истилочиликнинг мақсади, маълум бир ўлкани ҳар томонлама асоратга солиб, унинг табиий, моддий ва маънавий бойликларидан ўз истиқболи йўлида фойдаланишдан иборат. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, Чор маъмурлари учун Туркистондан келадиган манфаатдорлик, уни забт этиш учун хисобсиз маблағ ажратишга монелик қилмади. Буни яхши англаган чор амалдорлари, ўлкани асоратга солиш учун барча имкониятларини ишга солди. Чоризм Туркистонни фатҳ этгач, диққат эътибор, энг аввало ўлка маориф тизимига қаратилди. Бунинг сабаби шундаки, *биринчидан,* мустамлакачилар ўлка халқлари онгида, кўп асрлар давомида шаклланган миллий ғурур туйғуси, ватанга садоқатлилик, миллат тақдири учун қайғуриш, унинг истиқболи учун кураш ва бошқа шу каби муқаддас тушунчаларга барҳам бериб, унинг ўрнига кўр-кўрона бўйсуниш, мутелик, тобелик, ўз миллий анъана ва маданиятидан бебаҳралик ва демакки, ўзлигидан ажралиш руҳида тарбиялаш эди.

Иккинчидан, Чор ҳукумати ўз сиёсий фаолиятини, мавкуравий ғояларини Туркистоннинг маориф тизими орқали кенг халқ оммаси онгига чуқур сингдириш, маънавий тазйиқ ўтказиш йўли билан ўз нуфузини мустаҳкамлаш, ўлкани абадий асоратга солиш эди.

1876 йилдан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида жойлашган мактаб ва мадрасалар қонуний жиҳатдан Туркистон ўқув муассасалари ихтиёрига ўтгач, маъориф соҳаси вакиллари жумладан, В.П.Наливкин, Н.П.Остроумов ва бошқалар томонидан матбуотда мусулмон мактаблари ҳақида салбий фикрлар билдирилди. Унга кўра мусулмон мактаблари қолоқ ва сиёсий жиҳатдан хавфли, империя манфаатларига зарарли ҳамда улар устидан кучли назорат ўрнатиш таъкидланди. Ваҳоланки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда жуда кўплаб, мактаблар, мадрасалар, хонақохлар мавжуд бўлиб, уларда ўзига хос тарзда ўқув машғулотлари олиб борилган. Чунончи, бу ўлкага биринчи қадамини қўйган руслар, мамлакат халқларининг саводхонлигидан, бу ердаги ўқишга бўлган иштиёқнинг баландлигидан ҳайратга тушганлар.

1878-йилда Фарғона водийсига ташриф буюрган академик А.Миддендорф “Ўлканинг саводлилиги даражасини Россиянинг халқ таълими билан шуғулланувчи намоёндаларига наъмуна қилиб кўрсатиш керак” [4:362] деб эътироф этиши, фикримизни далилидир. Дастлабки, даврларда Туркистоннинг маориф соҳаси билан ҳарбий маъмурият шуғулланган бўлса, кейинчалик ўлкага айрим тараққиётпарвар кучлар кириб келган. Буни эътибордан четта қолдирмаслигимиз шарт. Бироқ кейинги йилларда мавзу билан боғлиқ ҳолда ёзилган адабиётлар, ҳужжат ва йўриқномаларда, чор маъмурлари ва зиёлилари А.Миддендорф фикрининг аксини айтиб, Туркистонда мактаб ва мадрасаларнинг кўплиги, аҳолининг саводлилик даражасига ижобий таъсир қила олмайди деган қарашларни илгари сурганлар. Хусусан Д.М. Граменицкий 1875-йили, “Мусулмонлар ҳаётида ҳайрон қоларли даражада бошланғич мактаблар кўп, лекин шу билан бирга саводли кишилар кам” [3:75] деб ёзган бўлса, Н.С. Кулчанов Фарғона Волости ҳақида “Қишлоқ мактабларининг кўпайиши саводхонликнинг ёйилишига ҳеч қандай таъсир қилмайди” [6:28] деган фикрни юритган.

Ҳақиқатдан ҳам истибдод йиллари Туркистон ўлкасида мактаб ва мадрасалар сонининг умумий ҳажми, аҳолига нисбатан ўртача миқдорда бўлганлигини далиллар исботлайди. Мисол учун биргина Фарғона вилоятидаги мактаблар ҳақида сенатор К.К.Паленнинг ўз ҳисоботида берган маълумотларга қараганда, анчагина ўқув масканлари бўлган. “Ревизиядан олинган маълумотларга қараганда, - дейди у, Фарғона областида 1908 йили 2316 та мактаб бўлиб, улардан 1749 таси ўғил болалар, 567 таси қиз болалар мактабидир. Уларда 24690 та ўғил болалар ва 6559 та қиз болалар таълим олади. Уездларда эса улар қуйидагича тақсимлангандир: Андижон уездида 357 та ўғил ва 123 та қиз болалар мактаблари мавжуд. Қўқон уездида 438 та ўғил болалар ва 123 та қиз болалар мактаблари бор. Скобелев (Фарғона шаҳрида) ва Марғилон уездида эса 403 та ўғил болалар ва 155 та қиз болалар мактаблари мавжуд. Наманган шаҳри ва уездида 410 та ўғил ва 129 та қиз болалари бўлиб, Ом шаҳри ва уездида 141 та ўғил ва 31 та қиз болалар мактаблари мавжуддир” [5: 121-172].

К.К.Пален, В.П. Наливкин, Д.М. Граменицкий, Н.П.Остроумов, Н.И. Ильминский, К.Э. Бендриков ва бошқаларнинг берган маълумотлари, ҳамда айрим архив материалида келтирилган далиллар асосида Туркистон минтақасидаги 1908 йилга қадар бўлган барча мактабларнинг умумий сонини қуйидагича жадвалда кўрсатиш мумкин.

Ведемости № 25 1906 йил.

Вилоятлар	Мактаблар
Сирдарё вилояти	804 та
Фарғона вилояти	2316 та

Самарқанд вилояти	2300 та
Еттисув вилояти	147 та
1909-йил январ ойига қадар бўлган умумий сони	5565 та

1890-йил мактабларни идоравий назорат қилиш учун махсус 3-инспектор лавозими таъсис этилади. 1896-йилдан бошлаб эса мактаб ва мадрасалар шаҳар ва уезд бошлиғи томонидан назорат қилинган. 1890-йилларнинг бошларида ўлкадаги мусулмонлар мактаби ва мадрасаларининг давлат инспектори бўлиб, П.Наливкин фаолият кўрсатган. Унинг ҳисобича ўлкадаги мактаблар сони расмий 5000 та деб белгиланган бўлса ҳам, П. Наливкиннинг ўзи маҳаллий мактаблар бу сондан икки баробар ортиқ бўлиши керак деб ҳисобланган [7: 775].

У 1896-йил 8-майда Маориф министрлигига йўллаган бу ҳусусидаги ахборотда жумладан шундай сатрлар ёзилган: “Эътиборингиз учун ушбу хабарни етказишни лозим деб биламанки, айни пайтда Туркистон ўлкасидаги олий мактаб ва мадрасалар Халқ билим юртлари 3-инспекторнинг раҳбарлигидадир. Қуйи мактаблар бу инспекторнинг раҳбарлиги доирасидан ташқарида, уларнинг ниҳоятда кўплиги сабабли ҳамма сонини олишга муваффақ бўлинмади, менга топширилган инспекция ишларида мактабларнинг сони ҳақида аниқ расмий маълумот йўқлигининг боиси шунда. Бунга қарамай қўлимдаги чалрасмий маълумотларга таяниб, ўлкадаги мактабларнинг умумий сони, овуллардаги қўшимча аҳолининг мактабларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 5000 дан ошишини маълум қилиш жоиз деб биламан” [7: 775].

Мактаблар бошланғич таьлим беришга асосланган. Уларда энг кичик ёшдаги болалар арабчада ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Қурьонни, намозни ва туркий тилдаги бир неча шеърий асарларни ёд оладилар. Мактабларда неча ёшгача ўқиш кераклиги тайин этилмаган. Таьлим босқичлари бир китобни ўзлаштириб, иккинчисига ўтиш билан белгиланади. Таьлим олиш муддати ўқувчиларнинг қобилиятига, шунингдек ўқитувчиларнинг тажрибаларига боғлиқ бўлиб, 3-5 йилга боради” [5: *86-б*].

XIX аср охирларига келиб, мактабларнинг бирортасидан табиий фанларнинг ўқитилмаганлиги ҳам ажабланарли холдир. Хуснихат ёзиш ва саньатни болаларга пухталик билан ўргатилганлиги айрим келтирилган манбаларда учрайди. Лекин айрим қишлоқ мактаблари болалари учун ёзиш кундалик эҳтиёж бўлмаганлиги боис, улар бу жараённи тезда унутиб қўйганлар. Қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасида ўқитиш ишларида сифат жихатидан фарқлар сезилади. Бу мактаб ва мадрасалардаги миллий меросни ўрганиш асосларини, шунингдек қадим туркий маданият билан чамбарчарс боғлиқ бўлган араб, форс тилларини ўрганиш масалаларидан ҳозир ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки туркий халқлар тарихи, бой маданий, илмий, фалсафий меросининг анча қисми шу тилларда битилганлиги ҳаммамизга маълум. Демак шу жихатдан улар янги замон мактабларимиз учун ибрат вазифасини ўтай олган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Россия империясининг Туркистон ҳудудларини босиб олиши ва ўлканинг мустамлакага айлантирилиши сиёсий ва иқтисодий шу билан биргаликда маънавий қарамликка олиб келди. Табиийки, бу жараёнлар ўлка маданий, маърифий ҳаётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Асрлар давомида тўпланиб келинган миллий таълим тизими амалиётининг ижобий натижаларига раҳна солинди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азимбаев М. Мустамлака даврида Туккистон-генерал губернаторлигининг анъанавий таълимга доир давлат сиёсатининг ўрганилиши. Ўзбекистон тарихи журнали, 2019 йил, 2-сон.
2. Бендриков К.Е. Очерки истории народного образования в Туркестанском крае. 1961 г.
3. Граменицский С.М. О Ташкенте. Туркестанские вести № 30, 1875 г.
4. Минддендорф А. Очерки Ферганской долиниъ. СПБ 1882 г.
5. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по величайшему повелению сенатором графмейстром графом К.К. Паленом (VI). Учебное дело. 1910 г.
6. Сборник материалов для статистика Самаркандской области за 1887-1888 г. Вьп. I. 1890 г.
7. Ўзбекистон Давлат Марказий Архиви 47 фонди, 775-делоси. Записка В.П.Наливкина о мактабах Туркестана в 1884 г.

XX АСР 50-ЙИЛЛАРИДАЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ш.Рашидов,
Ўзбекистон ФА Тарих институти таянч докторанти,

Аннотация

Мазкур мақолада муаллиф XX аср 50-йилларида Совет иттифоқининг ёшларга доир сиёсати, коммунистик партиянинг ёшлар масалалари соҳасидаги фаолияти, Ўзбекистон комсомол ташкилотининг сиёсий жараёнлардаги ўрни хусусида фикр юритади. Муаллиф Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбарлари

томонидан ёшлар масалалари, уларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий фаоллигни ошириш борасида амалга оширилган ишларга эътибор қаратади.

Калит сўзлар: Ёшлар сиёсати, комсомол, ёш кадрларни тайёрлаш, Ўзбек Зиёлиларининг I қурултойи, таълим тизими, Бутунжаҳон ёшлар ва студентлар фестивали.

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти ҳамда ривожланиши – инсон омили, хусусан, ёш авлоднинг илмий, ижодий ва маънавий салоҳиятига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи мамлакатимизда ёшлар сиёсати самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60% дан ортиғини (қарийб – 18 миллион) ёш фуқаролар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрдаБирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясидаёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида тўхталиб, ёшларнинг тақдири ва уларнинг порлоқ келажаги борасида масъулиятни ҳар бир давлат ўз зиммасига олиши кераклигини назарда тутган эди. Жумладан, “Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади”[1:252].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши ҳам бу борадаги улкан ишларнинг ёрқин намунасидир.

Қайд этиш лозимки, ёшлар масалаларига эътибор қаратиш, уларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун шарт-шароитлар яратиш барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этган.

Маълумки, Собиқ иттифоқ даврида ҳам ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Гарчи XX аср 50-йилларида соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилмаган бўлсада, ёшлар масалалари давлатнинг доимий эътиборида бўлган. Фақатгина, 60-йилларга келиб бу борада бир қатор ҳаракатлар кўзга ташланади. Хусусан, 60-йилларда “СССРнинг давлат қурилишида, ижтимоий-маданий ҳамда иқтисодий ҳаётида ёшлар ташкилотлари ва совет ёшларининг ролини ошириш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бироқ, у бир қатор сабабларга кўра қабул қилинмайди. Шунингдек, 1977 йилдаги “Коммунизм қуришда ёшлар ташкилотлари ва совет ёшларининг ўрнини ошириш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳам қоғозда қолиб кетади.Фақатгина 1991 йилга келиб, “СССРда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинади [2:8-11].

Совет иттифоқида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ВЛКСМ (Бутуниттифоқ Ленинчи коммуннистик ёшлар союзи) ёки комсомол (Ёшлар коммунистик иттифоқи)алоҳида ўрин тутган. Ташкилот уставида унинг вазифалари қаторида:“Комсомол ёшларни коммунизм руҳида тарбиялаш, янги жамият қурилишида уларнинг иштирокини таъминлаш, коммунизм остида яшайдиган, ишлайдиган ва жамоат ишларида иштирок этадиган баркамол инсонлар авлодини тайёрлашга ёрдам бериши”[3] кўрсатилган.

Совет иттифоқи республикаларининг ўзига хослиги, ижтимоий, иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб комсомол турли ғоявий мақсадларни бажариши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистонда комсомолининг асосий фаолият йўналиши қишлоқ хўжалиги хусусан республикада пахтачиликни ривожлатиришга йўналтирилади. Жумладан, “Ўзбекистон Ленинчи коммунист ёшлар Союзининг асосий роли пахтачилик соҳасида кадрлар таёрлашни кучайтириш, қишлоқ хўжалигини қайта қуришда ёшларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, колхозлар, МТС ва совхозлар қурилиши ишларини тарғиб қилишдан иборат бўлган” [4: 12]. Мисол тариқасида, Мирзачўлнинг ўзлаштирилишида ёшлар катта ўрин тутганлиги ўша давр матбуотида кенг ёритилган.

Хусусан, Ўзбекистон Ленинчи коммунистик ёшлар Союзининг “Ёш ленинчи” номли газетаси фаолият кўрсатиб, унда ўзбекистонлик ёшлар ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар ёритиб борилган. Жумладан, 1952 йил 27 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Комсомолининг XIII съездида ҳам ёшлар томонидан бажарилган муҳим вазифалар хусусида сўз юритилган: “600 дан ортиқ делегатлар орасида биз XII съезд ишларида қатнашган, ана шу съезд чақириғи билан Мирзачўлга ёшлик колоннасини бошлаб чиқиб, ажойиб фидокорлик намуналарини кўрсатган ва Мирзачўл қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган комсомол бўғинини кўрамиз. Улардан кўпларининг кўкракларида қаҳрамонлик нишони – “Олтин юлдуз” ва орденлар порлаб турибди. Делегатлар орасида пахта далаларининг усталарини, тракторчи ва токарларимизни, ўқувчи ва новаторларимизни кўриш мумкин” [5].

Бироқ, коммунистик партиянинг асосий ёрдамчиси бўлган Ўзбекистон комсомол ташкилоти ёшларнинг қизиқишлари, интилишларини ўзида акс эттира олмаган. Унинг фаолияти тўлиқ коммунизм ғояларини ифода этган. Бу жараён нафақат Ўзбекистон, балки, бутун Совет Иттифоқи комсомоли фаолиятида ҳам кўзга ташланган: “Комсомол ҳар доим ҳам ёшларнинг қизиқишларини инобатга олмаган. Комсомол фаолиятидаги айрим демократик тамойиллар расмий ёки юзаки характерга эга бўлган. Натижада, ташкилотга аъзолар сони ошиб борсада, у давлат бюрократик тузилмасининг бир қисмига айланиб борган”[6:32].

XX аср 50-йиллари ёшлар ҳаётида, кайфияти ҳамда руҳиятида бир қатор ўзгаришлар билан характерланади. Бу биринчи навбатда, 1953 йилдан кейин Сталин шахсига сиғинишнинг танқид қилиниши ҳамда Хрушчев давридаги “илиқлик” билан боғлиқ. “Ўша пайтда ёшларижод эркинлиги, иқтисодий ислоҳотлар, демократияни ривожлантириш, шахс эркинлигини кафолатлаш тарафдори бўлиб чиқишади. Янада либерал ёшлар демократик эркинликлар, кўп партиявийлик, сиёсий эркинликни талаб қилишади” [7: 32]. Ёшларда ғарбча дунёқараш, эркинлик ғоялари шакллана бошлайди. Иттифоқнинг Ғарб давлатлари билан алоқалари мустаҳкамлана бошлайди.

1957 йил Москвада ташкил этилган Бутунжаҳон ёшлар ва студентлар фестивалиёшлар ҳаётидаги муҳим воқеалардан бўлди. Мазкур фестивалда 121 мамлакатдан 30 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этади, Иттифоқ ёшлари илк бор минглаб хорижий ёшлар билан суҳбатлашиш, фикр алмашиш ҳамда ташқи дунё ҳақидаги янгиликлардан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлишади. Бу омил албатта уларнинг тафаккури ва дунёқарашида сезиларли из қолдиради. Мазкур фестивалда ўзбекистонлик ёшлар ҳам иштирок этишади.

XX аср 50-йилларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи раҳбарларининг бир қатор чиқишларида, нутқларида ёшлар ҳаёти, уларнинг таълим ва тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жумладан, Ўзбекистонда 1956 йил октябрда ташкил этилган Зиёлиларнинг I қурултойида ёшлар ўртасидаги турли салбий ҳолатлар ва уларни олдини олиш юзасидан республика биринчи сиёсий раҳбари Н.Муҳитдинов (1955-1957) томонидан кескин фикрлар билдирилади. “Ёш бўғинни ўқитиш, тарбиялаш ва уларга билим бериш ишида шак-шубҳасиз муваффақиятлар билан бирга кўпгина нуқсонлар ҳам бор.

Кўпгина мактабларни битириб чиқаётган ёшлар амалий ишга тузук тайёрланган эмаслар, зарур меҳнат малакалари олиб, ҳунар эгаси бўлиб чиқмаётирлар, етарли даражада жисмоний ва эстетик тарбия олмаётирлар” [8:37-38].

Республиканинг ўша вақтдаги раҳбари томонидан ёшларнинг таълим олиши, мактаб таълими борасидаги камчиликлар, касбий тайёргарлик масалаларига эътироз билдирилади.

1950 йилларда умумий ўрта таълим тизимида кўплаб муаммолар мавжуд эди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг Наманган, Косон, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ ва Наманган шаҳарларида умумий таълим масаласидаги текширувлари эътиборга лойиқ. “Йилдан йилга болаларни мактабга қамраб олиш камайиб бормоқда. 2 йил таҳлил қилинса, 1951-1952 ўқув йилида режа бўйича 106 640 нафар ўқувчи қамраб олиниши керак эди. Лекин бу кўрсаткич 102 180 нафарни ташкил этди. Бу режадан 4 500 тага кам демакдир. 1952-1953 ўқув йилида режа бўйича 104 720 нафар ўқувчи мактабларга қамраб олиниши керак эди. Аммо қамров 100 869 нафарни ташкил этди. Бу режадан 3851 тага камдир.

Кўриниб турибдики, 2 йилда 8351 нафар бола мактаб билан қамраб олинмаган [9: 64].

Умумий ўрта таълим мактабларини охиригача ўқимасдан, ташлаб кетиш ҳолатлари кенг тарқалган. Бу борада қизларининг улуши ниҳоятда катта бўлган. “Фарғона вилоятида мактабларни турли сабаблар билан ташлаб кетиш кўплаб кузатилмоқда. Хусусан, 1949-1950 ўқув йилида – 9 576 нафар, 1950-1951 ўқув йилида – 10 238 нафар, 1951-1952 ўқув йилида – 7 594 нафар жами – 27 408 нафар ўқувчи мактабларни ташлаб кетган. Шундан қизлар 4 333 нафарни ташкил этади [9:88].

Шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базаси ниҳоятда ёмон бўлган. 1950 йил 14 ноябрда Самарқанд вилояти Ғаллаорол район ўқитувчилари ва халқ маориф бўлимининг ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Ш.Рашидовга жамоавий мурожаат йўллашади. Унда қайд этилишича, райондаги 30 дан ортиқ мактабларда 1 та партада 5-6 ўқувчи ўтириши, кўпчилик мактабларда 280 болага атига 10-15 та парта борлиги таъкидланади. Район мактабларига 500 дона парта ажратилиши сўралади [10:154].

Кейинчалик Шароф Рашидов Маориф вазирлиги раҳбарияти билан мазкур масала юзасидан маслаҳатлашиб, Астрахан ва Тюмендан 500 дона парта олиб келинишини таъминлайди [10:152].

Юқоридаги ҳолат совет бошқарув тизимига хос жиддий камчиликларни кўрсатади. Биринчидан, 1950 йиллар бошида Ўзбекистонда парта ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган ёки ишлаб чиқарилсада, бу республика эҳтиёжларини қаноатлантирмаган. Ўзбекистон кўпгина жабҳаларда бўлган сингари, оддий ўқув жиҳозлари билан таъминланишда ҳам бошқа республикаларга ёки Марказга қарам бўлган. Иккинчи томондан, бошқарувда шундай зиддиятли вазият юзага келтирилганки, республика учун зарур бўлган “арзимас” эҳтиёжларга республика раҳбарининг шахсан аралашуви, илтимоси зарур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниши, унга асосан Давлат тилини ривожлантириш Департаментининг ташкил этилиши мазкур масаланинг қай даражада муҳим аҳамият касб этишидан далолатдир. Қайд этиш лозимки, XX аср 50-йилларида ҳам ёшларнинг ўзбек тилини ўрганиши, мактабларда ўзбек тили ўқитилишини сифат жиҳатдан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 1957 йил 26 августда мактабларда ўзбек тили ўқитишни яхшилаш масалалари бўйича республика конференцияси бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон ССРнинг ўша вақтдаги Маориф вазири Э.Қодиров нутқ сўзлаб, мактабларда она тилини ўқитишдаги камчиликларни кескин танқид қилади: “Мактаб ишидаги бу камчилик она тилини ўқитишда ҳам очиқ кўринмоқда: 10 синфни битириб чиқаётган кўпгина ўқувчилар мактабда она тилидан олган назарий билимларини амалий ишга тадбиқ қила олмаяптилар. Мактабда она тили ўқитишдаги камчилик фақат бугина эмас, етти йиллик ва ўн йиллик мактабларни битириб чиқаётган кўп ўқувчиларнинг, шунингдек, олий ўқув юртларини тамомлаган бир қатор талабаларнинг саводхонлиги талабга жавоб бермайди, уларнинг она тилидан билими дастур талабларидан анча паст туради”[11]. Ушбу конференцияда мактаб ҳамда олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини яхшилаш, малакали кадрлар тайёрлаш ишларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш ва энг муҳими етишиб келаётган ёш мутахассисларнинг ўзбек тили саводхонлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланади.

Маълумки, бугунги кунда ёш қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларини олдини олиш, уларнинг замонавий билимларни эгаллашларини раҳбатлантириш ҳамда жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қайд этиш лозимки, XX аср ўрталарида ҳам ушбу масала долзарб мавзулардан бири бўлган. Айниқса, ёш қизларнинг эрта никоҳга берилиши салбий ҳолатлардан бири сифатида баҳоланган: “Мактабда ўқиётган қизларни ота-оналар томонидан ўқишдан қолдириб, мажбуран эрга бериш ҳоллари ҳам бор.Ўтмишдаги бундай салбий ҳолатлар, афсуски, ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Бу каби ҳолатларни тугатиш учун мутлақо етарли кураш олиб борилмаётир” [8:38].

Таълим жараёнининг сифатини ошириш, ёшлар ўртасидаги турли салбий ҳолатлар, уларнинг ахлоқий тарбияси масаласига жиддий ёндашув зарурлиги республиканинг ўша вақтдаги раҳбарлари томонидан таъкидланган: “Мактабларимизда бошқа салбий ҳодисалар ҳам бор. Дарслардан улгурмаслик, бир синфда икки йил қолиш, ўқиш интизомини бузиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Ўқувчилар ва умуман ёшлар орасида безорилик ва ахлоқсизлик қилиш ҳоллар ҳам оз эмас” [8:38].

Умуман олганда, XX аср ўрталарида Ўзбекистондаёшлармасалаларини ўрганишда қуйидаги жиҳатларга тўхталиш мумкин:

- XX аср 50-йилларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши зарур бўлган ташкилот – комсомол тўлалигича партиянинг “ёрдамчиси”га айлантирилади. Ёшларнинг асосий ташкилоти ҳисобланган комсомол уларнинг қизиқишлари, манфаатлари йўлида эмас балки, коммунизм ғоясини янада кенгроқ тарғиб қилиш, давлатнинг ғоявий сиёсатини амалга оширишни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

- мазкур даврда комсомол асосан Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалигидаги ҳаётида, хусусан пахтачиликни ривожлантириш фаол иштирок этади.

- мактабларда ўзбек тили ўқитилишини яхшилаш борасида ижобий тенденциялар кузатилсада, умумий ўрта таълим тизимида кўплаб муаммолар сақланиб қолади.

- тадқиқ этилган даврда ёшлар ўртасидаги турли салбий ҳолатларни олдини олиш, ёш қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ўша пайтдаги республика раҳбарларининг бир қатор чиқишларида ҳамда нутқларида ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Кочетков А.В. Актуальность базового федерального закона о молодежи и молодежной политике. // Закон и право. – 2009. – № 8.
3. https://ru.wikisource.org/
4. Балибекова Ж. Комсомол Узбекистана - помощник партии в борьбе за разрешение хлопковой независимости страны (1928-1932 гг.). Автореф. дисс... кандидат ист.наук. –Ташкент, 1984.
5. Ёш ленинчи. №26. 1952 йил, 27 феврал.
6. Егоров В. Государство и молодёжь: особенности советского периода. // «Молодой учёный» . 2016 . № 8.1
7. Илинский И.М. Государственная молодежная политика в СССР. М.: Издательство Московского гуманитарного университета, 2017.
8. I Съезд интеллигенции Узбекистана. Стенографический отчет. –Т: 1957.
9. Ўзбекистон миллий архиви, 2454-фонд, 1-рўйхат, 4258-иш
10. Ўзбекистон миллий архиви, 2454-фонд, 1-рўйхат, 2359-иш
11. Мактабларда ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш масалалари бўйича республика конференцияси. // Қизил Ўзбекистон. 1957, №207.

БУХОРО ВА ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

З.Жунаев, НавДПИ докторанти

Аннотация

Ушбу мақолада Бухорода амирлик тузуми ағдарилиши оқибатида ташкил топиб, 1920-1924 йилларда фаолият юритган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукуматининг Хоразм Халқ Совет Республикаси билан дипломатик муносабаталари ва ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг моҳиятиилмий адабиётлар ва архив материаллари асосида ёритилади. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ва савдо айланмаси миқдори аниқ рақамлар бўйича илмий таҳлил қилиниб, хулосалар берилган.

Калит сўзлар: БХСР, Нозирлар Шўроси, ХХСР, Иттифоқ шартномаси, РСФСР, Иқтисодий битим, Мухтор савдо ваколатхонаси.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилингач, дастлабки кунлардан бошлаб қўшни давлатлар: РСФСР, Хоразм Халқ Совет Республикаси, Афғонистон, Озарбайжон ва бошқалар билан иқтисодий алоқалар ўрнатган ҳамда улар билан ташқи савдо муносабатларини олиб борган. Жумладан, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг Хоразм Халқ Совет Республикаси билан савдо-сотиқ ва ҳамкорлик муносабатлари анча самарали бўлган.

Маълумки, 1920 йил 1 февралда Хива хонлиги қизил аскарлар томонидан ағдарилиб ташланган эди. 1920 йил 26-30 апрелда бўлиб ўтган Бутун Хоразм Халқ вакилларининг I қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси–ХХСР тузилганлиги эълон қилинди. Қурултойда Ёш хиваликлар партиясининг етакчиси Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936) бошчилигида ХХСР Нозирлар Шўроси сайланди.ХХСР Адлия Нозири Бобоохун Эшон Салимов (1874-1929) бошчилигидаги Махсус ҳайъат РСФСР ҳукумати билан кенг қамровли шартнома тузиш учун 1920 йил август-сентябр ойларида Москвада бўлишган.

1920 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР билан ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси[1] ва 15 моддадан иборат Иқтисодий битим[2] тузилди. Иттифоқ шартномасига биноан совет Россияси ХХСР мустақиллиги ва дахлсизлигини расмий суръатда танолди. Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида бунёд қилинган фабрикалар ва корхоналар, банклар ва бошқа муассасалар Хоразм Халқ Совет Республикасининг мулки деб эътироф этилди. Шартнома имзоланган кунгача РСФСР билан ХХСР ўртасида мавжуд бўлган чегара давлат чегараси қилиб белгиланди.

Иттифоқ шартномасининг 17-моддаси асосида алоҳида ҳарбий-сиёсий битим ҳам тузилди. Унда Хоразм қизил армияси РСФСР ҳомийлиги остида тузилиши таъкидланган эди [3].

ХХСРнинг расмий вакиллари РСФСР билан имзоланган шартномалардан кейин Тошкент ва Бухоро орқали Хоразмга қайтаётганда – 1920 йил октябр ойининг бошларида БХСРнинг ҳукумат раҳбарлари билан биринчи марта расмий учрашув ўтказганлар. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳайъати Эски Бухоро шаҳрига келгач, БХСР Нозирлар Шўроси раиси, хорижия (ташқи ишлар) нозири Файзулла Хўжаев улар билан учрашади. Ҳайъат раиси Бобоохун Салимовнинг саёҳатномасига суяниб, Полвонниёз Юсуповнинг кейинчалик ўз хотираларида ёзишича, хоразмликлар делегацияси Бухоронинг Ситораи Моҳи Хоса саройида 1920 йил 6-8 октябрда ўтказилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I қурултойида қатнашишади. Қурултойда ХХСР ҳукумати раиси Полвонниёз Юсупов томонидан мустақил давлат – Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлиги муносабати билан юборилган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилади [4]. Шундай қилиб, Бутун Бухоро халқ вакилларининг I қурултойида РСФСР вакилларидан ташқари азалий қўшни бўлган Хоразм Халқ Совет Республикаси вакиллари ҳам иштирок этишган. Хуллас, икки мустақил давлат: БХСР билан ХХСР ўртасидаги дипломатик алоқаларга 1920 йил октябр ойида асос солинди.

БХСР билан ХХСР ўртасидаги дастлабки шартнома 1920 йили 13 ноябрда Хива шаҳрида ўзбек тилида имзоланган. Бу шартнома 15 моддадан иборат бўлиб, унда икки Янги республика ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳуқуқий жиҳатдан асос солинган. Шартноманинг иккита моддаси иқтисодий ҳамкорликка бағишланган бўлиб, унда қуйидаги фикрлар мавжуд:

«11-модда. Агарда Бухоро жумҳурияти Амударёдан янги ариқ ва каналлар қазмоқчи бўлса, ҳар икки жумҳурият фуқаро ва деҳқонларининг манфаатини кўзда тутиб, ҳар икки жумҳуриятдан вакиллар белгиланиб, иш қилиш керакдур.

12-модда. Ҳар икки жумҳурият, бир-бирларининг саноат ва иқтисод жиҳатидан тараққий эттирмоқ ишларини яхши йўлға қўймоқни тегиш кўрганликлари учун, мундан бошқа аҳднома боғлағайлар»[5].

Ҳар икки давлат ўртасидаги ташқи савдо муносабатларида БХСР ҳудудидаги Чоржўй шаҳрининг аҳамияти жуда катта бўлган. Чоржўй Бухородан 120 км, Хивадан 400-450 км узоқликда жойлашган шаҳар ҳисобланган. Бу даврда Хоразмга энг яқин темир йўл бекати ҳам Чоржўйда эди. Чоржўй орқали Бухоро ва Хоразм республикалари иккита йўл: 1) Сув йўли-Амударё орқали; 2) Қум йўли-Қизилқум ва Қорақум орқали боғланишлари мумкин бўлган.

Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасида тузилган ўзаро шартномага мувофиқ 1921 йил август ойида Чоржўйдан қуйидаги товарлар Хоразмга юборилган: 5 дона станок, 2000 пуд цемент, 727 пуд телеграф ва телефон асбоблари, 1000 пуд лампа мойи, 28 дона телефон, 1000 пуд чўян, 4.000.000 қутича гугурт, 25000 боғлам мануфактура (газлама), 3 дона динамик машина (матбаа учун), бўёқлар, канцелярия асбоблари ва ҳ.к[6].

1922 йил июл ойида Эски Бухоро шаҳрида Бухоро Халқ Совет Республикаси билан Хоразм Халқ Совет Республикаси ўртасида Иқтисодий битим (ўзбек тилида) тузилган[7]. Иқтисодий битим 10 моддадан иборат бўлиб унда ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро тенг ҳуқуқлиликка асосланган иқтисодий ҳамкорлик масалалари, энг аввало савдо-сотиқ алоқалари кўрсатиб ўтилган. Иқтисодий битим имзоланиши билан ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари янги босқичга кўтарилган. БХСР ва ХХСР ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, ХХСРнинг БХСРдаги консулхонаси 1922 йил июл ойида Чоржўй шаҳрида очилди[8]. Консулхона қошида Хоразм Ташқи савдо нозирлигининг Бухородаги махсус савдо вакиллиги (унга икки киши кирган) ўз фаолиятини бошлаган[9].

БХСР ва ХХСР ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларининг кучайиб бориши натижасида Чоржўйдаги ХХСР савдо вакиллигининг ҳуқуқлари янада оширилган ва ходимлари миқдори кўпайтирилган ҳамда у ХХСРнинг БХСРдаги Мухтор савдо ваколатхонасига айлантирилган[10].

Мазкур савдо ваколатхонасининг бошлиғи Х.Тригуловнинг берган ҳисоботига кўра, хориждан Бухорога келтирилган импорт товарлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1.Мануфактура: Осиёга хос сурат ва гуллар туширилган газламалар.
2.Ҳар хил катталикдаги арқонлар.
3.Осиёга хос пиёла ва чойнаклар, чой идишлар.
4.Қанд ва шакар.
5.Хориж бўёқлари (ипак газламалари ва қоғозни бўяш учун).
6.Темир ва темир буюмлар, михлар.
7.Папиослар.
8.Дераза ойналари.
9.Турли қозонлар.
10.Гугуртлар.
11.Уй-рўзғор буюмлари, кир ювиш воситалари.
12.Ипак ва мовутдан тайёрланган осиёча фабрика кўйлаклари.
13.Тарелка ва фонуслар.
14.Ёқилғи материаллари (нефть, керосин, мазут ва б.)[11].

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Чоржўй нафақат БХСР билан савдо алоқаларини, балки Шарқ ва Ғарб бозорларини боғловчи асосий манзил, чорраҳадаги шаҳар[12] ролини ҳам бажарган. 1923 йил ёзида БХСР Савдо нозирлиги Чоржўйдаги Мухтор савдо ваколатхонасига янги савдо шарномасини тузиш тўғрисида таклиф киритган[13]. Бу таклифда Бухоро Халқ Совет Республикаси Хоразмдан турли хил товарлар, асосан, ҳунармандчилик ва маҳаллий саноат маҳсулотлари, ҳар хил мовут сотиб олишдан манфаатдор эканлиги таъкидланади. Натижада икки давлат ўртасида ўзаро товар айрибошлаш тўғрисида 1923 йил август ойида навбатдаги шартнома имзоланди. Шартнома бўйича ўзаро савдо миқдори 2 млн. сўмни ташкил қилган[14].

БХСРнинг ёрдамида Хоразм Халқ Совет Республикасида Шовот канали ва Амударё орқали Чоржўйга қатнайдиган, бирваракайига 3000 пуд юк кўтарадиган кемалар қатнови йўлга қўйилган[15].

ХХСР МИК раиси Сафоев томонидан 1923 йил 23 октябрда имзоланган буйруққа кўра, Бухоро-Хива ўртасида ўзаро ҳаво йўли (самолёт қатнови)дан йўлга қўйилган. Бунинг учун Хоразм ҳаво флотига ажратилган 25000 олтин сўмнинг 10000 олтин сўми сарфланган[16]. Ҳаво йўли орқали дастлаб почта ва йўловчилар ташилган. Бошқа бир архив ҳужжатида келтирилишича, Бухоро-Хива ўртасида самолётлар қатнови 1924 йил 1 апрелдан бошлаб мунтазам равишда йўлга қўйилган[17].

Хулоса қилиб айтганда, ёш Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий давлат қурилишига киришилар экан, ҳукуматнинг демократик руҳдаги раҳбарлари хорижий мамлакатлар билан мустақил ташқи савдо алоқалари ўрнатишга интилдилар. БХСР тузилган дастлабки кунлардан бошлаб, у мустақил ички ва ташқи сиёсат юритишга интилган. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хооразм Халқ Совет Республикаси билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган. Бироқ БХСРнинг мустақил ташқи сиёсати совет Россияси, кейинчалик СССР раҳбарларига ёқмаган. Улар Бухоро Халқ Совет Республикаси билан тузилган турли шартнома ва иқтисодий битимлар асосида БХСРнинг ташқи иқтисодий алоқаларини чеклашга, кейинчалик бутунлай тўхтатиб қўйишга эришганлар. Хуллас, 1923 йил охирларидан бошлаб БХСР фақат РСФСР, қисман ХХСР орқали савдо-сотиқ ишларини олиб боришга мажбур бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзМА, 72-фонд, 2-рўйхат, 2-иш, 1-3 варақлар; История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 г.г.). Сборник документов.-Т.: «Фан»; 1976. –С.56-61.

2. ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1-варақ ваунингорқаси; История Хорезмской Народной Советской Республики … –С.61-64.
3. ЎзМА, 71-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 3-варақ.
4. ПолвонниёзҲожи Юсупов. Ёшхиваликлартарихи (Хотиралар). Масъулмуҳаррирвасўз боши муаллифиМ.Матниёзов. –Урганч, «Хоразм», 1999. –б.305-307.
5. БухороШўролярЖумҳуриятибиланХоразмШўролярЖумҳуриятиорасидабоғланганмушоҳада // «Бухороахбори», №70, 1922 йил 11 феврал; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. БухороХалқ Совет РеспубликасивaШарқмамлакатлари (1920-1924 йиллар).-Бухоро, 2004.-Б.70-72.
6. «Хоразмхабарлари» №14, 1921 йил 22 август.
7. ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 12-13-варақлар.
8. ЎзМА, 69-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 142-варақ.
9. Саидов Ш.Ж. Внешние отношения и торговые связи Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.) Автореферат дисс... канд.ист.наук. –Т.: 2003. –С.21.
10. ЎзМА, 65-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 14-варақ; 5-иш, 36-варақ.
11. ЎзМА, 65-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 36-варақ.
12. Чоржўйшаҳрининггномиҳамаслидашунгаўхшаганмаънонианглатади.
13. ЎзМА, 65-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 36-варақ.
14. ЎзМА, 65-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 36-варақ.
15. «Хоразмахбори», № 10, 1921 йил 27 июл.
16. ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 1-варақ.
17. ЎзМА, 71-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 6-варақ.ЎзМА, 71-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 6-варақ.

ИСТОРИЧЕСКИЙ ПРОЦЕСС ПРИНЯТЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ПРОГРАММ ПО ВОПРОСАМ МОЛОДЁЖИ В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА.

Ш.С.Норов,
старший преподаватель кафедры
«Социально-гуманитарных дисциплин», НавГГИ

Аннотация

В статье рассмотренаистория принятых государственных программ в соответствии сгосударственной молодёжной политики Узбекистана в годы независимости. Сущность реализации государственных программ на республиканском и региональном уровне. Сопоставление принятых решений по реализации государственной программы 2008 г. и 2021г.

Ключевые слова: государство, молодёжь, политика, история, образование, местные органы, программа, реализация.

Настоящий этап социального формирования характеризуется необыкновенным возрастанием значимостироли молодого поколения во всех сферах жизненной деятельности. Особенно это проявляется в экономике,политике, социальной и духовной сферы. Молодое поколение Узбекистана развивается на уровне международных развитых стран. В свою очередь это прослеживается в социальной активностимолодых людей в сфере образования, спорта, науки и просвещения. Воспитаниемолодёжи в плане образования, духовно развитого и физически здорового поколения сталаосновной стратегической целью государства.

Реализации государственной молодёжной политики Узбекистана становится актуальной задачей на высоком уровне политики страны. В связи с этим следует отметить, одно из важных событий в Узбекистане, название 2021 года «Годом поддержки молодежи и укрепления здоровья населения»[1]. и утверждение государственной программы в начале февраля 2021 года, какактивного внимания и поддержки со стороны государство молодому поколению, которое является одним из важнейших событий истории Узбекистана.

Основной целью,утвержденной государственной программы в 2021 годустала всесторонняя поддержка молодёжи и укрепление среди населения Узбекистана здоровой атмосферы а также рассмотрение правительством страны повседневных проблем связанных с молодыми людьми, обеспечение своевременной реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах и задач, определенных в Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года[2]. Особо следует отметить, насколько Президентом страны уделяется огромное внимание образованию молодым людям. В частности, в целях кардинального повышения эффективности подготовки одаренных специалистов в престижных зарубежных образовательных, научных и других учреждениях по востребованным в республике

профессиям начиная уже с апреля 2021 года, увеличивается в 5 раз число молодежи, направляемой на учебу в магистратуру и докторантуру престижных зарубежных вузов по линии Фонда «Эл-юрт умиди». В программе дано указание на внедрение системы обучения, по образовательным программам бакалавриата за рубежом за счет Фонда «Эл-юрт умиди» и обеспечения в 2021 году направление 100 молодых людей за рубеж для получения образования. Всем юношам и девушкам желающим обучится за рубежом для дальнейшего вклада своих знаний во благо процветания страны, согласно государственной программы, представлены выборы на открытой, прозрачной конкурсной основе.

В настоящее время видно насколько интегрирует общество с развитием технологического прогресса. В связи с объективным подходом развитие технологии государственной программе рассмотрены изучению предметов физики и иностранных языков. Министерству народного образования, Министерству высшего и среднего специального образования, Академии наук и Министерству инновационного развития со стороны Президента Ш.Мирзиёева было поручение разработать, в определенный срок комплексные программы по повышению качества и результативности непрерывного образования по физике и иностранным языкампредусматривающие:

развитие научных исследований, пересмотра методики преподавания данных предметов в образовательных учреждениях, организацию конкурсов практических и инновационных проектов, совершенствование деятельности профильных научных организаций;

создание электронных учебников и учебных курсов нового поколения, а также увеличение доли прикладных и интерактивных занятий в учебных программах для формирования практических навыков у учащихся;

создание электронных платформ по бесплатному обучению языкам в целях создания более широкой возможности для изучения иностранных языков;

поэтапную организацию деятельности специализированных школ (классов), обеспечение их интеграции с высшими образовательными учреждениями и производственными предприятиями, привлечение преподавателей из зарубежных стран.

По истории Узбекистана с 2008 года,на основании Постановления первого Президента Узбекистана И.А.Каримова особое значение было уделеноподготовки государственной программы по всесторонней поддержки молодёжи страны.В частности, были утверждены следующие основные задачи реализации государственной программы:

-совершенствование и укрепление правовой базы, внесение изменений и дополнений в действующие законодательные и нормативно-правовые акты, направленных на более полное обеспечение интересов и защиту прав молодежи;

-дальнейшее совершенствование образовательного процесса с позиций его непрерывности и преемственности, обеспечение полного охвата выпускников 9-х классов средним специальным, профессиональным образованием, организацию подготовки кадров в профессиональных колледжах и вузах по направлениям и специальностям, востребованным в отраслях и сферах реальной экономики, гарантирующим молодежи достойное их применение и место в обществе;

-повышение качества строительства и реконструкции вводимых общеобразовательных школ, профессиональных колледжей и академических лицеев, своевременное и полное их подключение к инженерным коммуникациям, оснащение мебелью, современным учебно-лабораторным оборудованием и техническими средствами обучения, усиление ответственности заказчиков и подрядчиков за безусловное и качественное выполнение принятых общенациональных государственных программ в сфере образования;

-кардинальное повышение уровня и качества всей системы образования и подготовки кадров, проведение критического анализа и модернизации образовательных стандартов и учебных программ в школах, средних специальных, профессиональных и высших учебных заведениях с учетом современных требований, совершенствование организации подготовки и переподготовки педагогических кадров;

-воспитание молодого поколения с твердыми убеждениями и взглядами на жизнь, в духе уважительного отношения к национальным и общечеловеческим ценностям, способного противостоять чуждым нашему менталитету вредным влияниям и течениям;

-решение всего комплекса вопросов, связанных с трудоустройством выпускников высших учебных заведений, профессиональных колледжей и академических лицеев, а также молодежи, завершившей срочную военную службу, особенно в малых городах и сельской местности;

-создание условий для раннего выявления и развития творческих талантов и способностей у детей в области музыки, живописи, искусства и культуры, реализацию мер по поощрению и стимулированию общественных, неправительственных организаций и лиц, занимающихся этими вопросами;

-формирование у молодежи стремления к здоровому образу жизни, реализацию профилактических мер по борьбе со СПИДом, наркоманией, курением и другими вредными привычками,

созданию условий для организации содержательного досуга молодежи, массового развития молодежного спорта;

-реализацию эффективной системы мер по моральной и материальной поддержке молодых семей, созданию для них достойных жилищных и социально-бытовых условий, предоставлению необходимых средств и кредитов для обустройства жилья, воспитания духовно богатых и физически здоровых детей[3].

Исходя из выше изложенного, следует отметить то, что насколько объективно, устанавливались указания Правительство страны в охвате социального развития и решения материально-технического обеспечения молодёжи Узбекистана. Особенно необходимо пояснить тот факт, который подтверждает отношение государство по социальной поддержки молодёжи.

За последние годы в Узбекистане, очень активизировалось отношение молодёжи к образованию, в частности поступления в высшие учебные заведения. В связи с этимдля объективного охвата молодых юношей и девушек к образованию, правительство страны увеличивает квоты в высшие учебные заведения страны. В свою очередь это подтверждается тем, что взгляды молодёжи на будущее формируются с учетом инновационного подхода к интеллектуальности и просвещенности. Будущее любого государство зависит только от высокой духовности и образованности подрастающего поколения.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Спутник Узбекистана. [Электронный ресурс] // 29.12.2020 год. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису и народу Узбекистана Т.: 2020.– URL: https://uz.sputniknews.ru/politics /20201229/15696114/Poslanie-prezidenta-Uzbekistana -Shavkata-Mirzieva-obeim-palatam-Oliy-Mazhlisa.html(дата обращения 01.03.2021).

2. Указ Президента Республики Узбекистан. [Электронный ресурс] // №УП – 6155 от 3.02.2021г.,о государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения» Т.: 2021.– URL: https://lex.uz/ru/docs/5260800(дата обращения 02.03.2021).

3.Постановление Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова. [Электронный ресурс] // №ПП–805 от 29.02.2008г.,о государственной программе «Год молодёжи». Т.: 2008.– URL: https://www.lex.uz/docs/1323064(дата обращения 02.03.2021).

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎРНИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Ф.Мавлонов
Томди тумани ХТВга қарашли
1-сонли мактаб тарих фани ўқитувчиси

Аннотация

Таълим тизимида ижтимоий фанларни салмоғини оширилиши самараси шундай ҳосила берадики, мамлакат фуқаролари ўзлигини ва ўз тарихини англаб етиб ўзи яшаб турган Ватанини янада ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиш ғояси билан яшайди. Мақолада муаллиф масаланинг шу каби жиҳатларини очиб берган.

Калит сўзлар: Глобаллашув шароитида таълим савияси, Таълим соҳаси цивилизацион ривожланиш, ижтимоий статус, халқаро таълим пактлари.

Таълим соҳасининг XX аср сўнгги чорагидан бошлаб дунё миқёсида прогрессив ривожланиши унинг инсон ва жамият тараққиётида долзарб ўрин тутганидан далолат беради. Айнан таълим орқали асрлар давомида инсоният жамиятининг маданий мероси авлоддан-авлодга ўтиб келади, профессионал билим ва савияга эришилади, шунингдек, халқнинг маънавий қиёфаси ва умуминсоний бағрикенглик тамойиллари шакллантирилади.

Таъкидлаш керакки, глобаллашув шароитида таълим савияси дунё миқёсида тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамиятида инсонларнинг ҳаёт фаолиятига ҳам узвий таъсир ўтказиб, жумладан, соғлиғига аҳамият қаратиш, сиёсий фаоллик, янгиликларни ўзлаштириш тезлиги, зарарли ғояларни онгли таҳлил қила олиш қобилияти ва бошқаларда ёрқин намоён бўлади [1:32]. Бундай тарихий шароитда дунё миқёсида таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодиётни, балки бутун жамиятни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Таълим айни чоғда кўп жиҳатдан тараққиётдаги бўшлиқни тўлдирадиган маърифий ўзак ҳисобланиб, ёшликда олинган пухта билим бутун умр давомида керак бўлиш билан бирга, кейинги авлодларнинг ривожида ҳам муҳим роль ўйнайди. Жумладан, таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар оналар ва болалар ўртасида ўлимнинг камайишига, овқатланиш сифатининг яхшиланишига, иммун тақчиллиги вирусини бартараф этишга, қашшоқлик даражасининг пасайишига олиб келади, аёллар ҳамда ёшларда ўзига ишонч ва қатъият туйғусини уйғотади[2:27-28].

Чунки “бошланғич саводхонликликдан тортиб то узлуксиз таълимнинг барча босқичларини ўзида мужассамлаштирган таълим соҳаси инсонга бутун умри давомида янада янгиланиб бораётган глобаллашган жамиятда ўз ўрнини топишида калит вазифасини ўтайди. Айнан таълимгина ривожланиш жараёнида асосий билим, ижтимоий прогресс ва инсон эркинлигини ўзида акс эттира олади”[3:185]. Таълим соҳаси цивилизацион ривожланиш жараёни билан боғлиқликда такомиллаша бориши эса соҳанинг инсон камолотидаги долзарблигини намоён этди. Ўтган асрнинг 70-80-йилларига келиб дунёнинг ривожланган давлатларида таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган кескин илмий қарашлар кучайди. Натижада “Таълим революцияси” номи остида халқаро таълим ислоҳотлари даври бошланди. Дастлаб у илмий-техникавий революциянинг “ижтимоий натижалари”дан бири сифатида таҳлил қилинди. Аслида эса бу – туб қайта қуриш жараёни бўлиб, натижада таълим соҳаси нафақат иқтисодий, илмий-техникавий тараққиётни балки, ижтимоий статусни белгилайдиган ҳал қилувчи факторга айланди.

Таълим революциясининг дастлабки кўриниши таълимни кескин демократлашувида намоён бўлди. У умумий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг таълим тизимини бутунлай қамраб олган ҳолда ривожланаётган давлатларга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Айни пайтда дунё ҳамжамияти, хусусан, ривожланган давлатларнинг кўпчилиги ўз олдиларига таълим олишнинг умуминсоният учун янада қулай ва умуминсоний (гуманистик) бўлиши лозимлигини билдирувчи масалани қўйдилар. Кўндаланг қўйилган масалани ечиш ва таълимни дунё миқёсидаги ривожланишини кафолатлаш жараёнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) барча масъулиятни ўз зиммасига олди. Таъкидлаш лозимки, ташкилот фаолиятини энди йўлга қўйган дастлабки давриданоқ таълим масалаларига жиддий ёндошди, ҳуқуқий асосларини шакллантиришга киришди ва тарғибот қилиш ишларини кечиктирмасдан
амалга ошира борди. Жумладан, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳанинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёд экани, бундай кўрсаткичларни дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда[4:11].

Бугунги кунда Республикамизда таълим соҳасини ривожлантиришда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, шунингдек, параллел равишда 1990 йилда БМТ томонидан Тайланднинг Джомтиен шаҳрида ташкиллаштирилган Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Умумжаҳон Декларацияси, 2000 йилдаги Умумжаҳон таълим Форумида қабул қилинган Дакар доиравий амалий дастури, 2000 йилда қабул қилинган саккиз мақсадни ўз ичига олган БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадлари асосидаги вазифаларни амалга ошириш тадбирлари ташкиллаштирилмоқда. Бу жараён ўз навбатида республикамизнинг халқаро ҳамжамиятдаги фаоллигини ошиши, глобаллашувнинг муҳим субъектига айланишида муҳим қадам вазифасини ўташи шубҳасиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Michael R.T. The Effect of Education of Efficiency in Consumption. New York: National Bureau of Economic Research, 1972.
2. Хейзер Нойлен “Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны”, материалы Международной конференции, Ташкент,16-17 февраля 2012.
3. The Role of the United Nations in the 21st Century. Briefing Papers for Students. LPI/ 2161-3000-October 2002. Published by the United Nations Office. 2002.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.Т.,”Ўзбекистон”, 2016 .

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МУЛКДОРЛАР ФАОЛИЯТИ

Ф.Амонова,
Тошкент кимё-технология
институти таянч докторанти

Аннотация

Мақолада Бухоро амирлигида XIX аср охири ва XX аср бошларида маҳаллий ишбилармон завод эгалари фаолияти ҳақида сўз боради. У архив ҳужжатлари ва тарихий тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили асосида ёзилганлиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлари: Тижоратчилар, банкирлар, савдогарлар, тўқимачилик, пахта тозалаш заводлари, ипакчилик, рубль, таноб.

Жаҳондаги ҳар бир мамлакатнинг юксалиши ва равнақ топиши ишлаб чиқариш турлари, давлатнинг ички имкониятлари, иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ. Бухоро амирлигида маҳаллий халқ

ичидан етишиб чиққан миллий сармоядорлар, савдо-саноат эгаларининг шаклланиши жамиятда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларида амирликда сафи кенгайган мулкдорларнинг ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшиши халқ томонидан муносиб баҳоланган.

Бухоро амирлигида турли хил завод ва фабрикалар қуриш билан шуғулланган оз сонли маҳаллий ишбилармон завод эгаларига Мирзо Исомиддин Мирзо Муҳитдинов, Абдуғафуров, Мачинбаев, Мустафо Хўжаев, Жалолиддинов, Абдушукурбой Абдушукуров, Шамсиддинов ва бошқа сармоядорлар кирган[1:18].

Термиз, Шеробод, Бойсун, Қўрғонтепа ва Қабодиён бекликларида пахта етиштиришни кенг йўлга қуйишни истаган бир нечта маҳаллий сармоядорлар Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлигига мурожаат этган. Жумладан, бир нечта пахта тозалаш, ёғ-мой ва совун ишлаб чикарадиган заводларга ҳамда пахта плантацияларига эга бўлган Ҳожикаримдот Шамсутдинов ва Иброҳим Матжонбоевлар юқорида номлари келтирилган беклик ҳокимларидан Бухородаги сиёсий агентликдан руҳсат олиб беришда ёрдам беришларини сўраганлар. Тадбиркорларнинг ерни олишдан мақсадлари дала хўжалигига янги усулларни киритиш, пахтани тўғри йиғиб-териб олиш ва саралаш орқали пахтачилик ишини яхшилашга қаратилган[2:78].

Янги Термизда рус тилини яхши билган, тижорат билан шуғулланган, амирликнинг турли ҳудудларида юзлаб дўконлари, шунингдек, карвонсаройлари ва меҳмонхоналари бўлган маҳаллий бойлардан Абдувосибой Ҳалимов ва Имомалибойлар Термиз қалъасини, темир йўлларни, масжид ва мадрасаларни, шаҳардаги кўплаб биноларни қурилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар[3:298].

Абдунабибой ва Мулла Абдуваҳоб Пашимлар пахта савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогарлар тоифасига мансуб эдилар. Абдунабибой ҳар йили 60 вагонгача, Мулла Абдуваҳоб Пашим эса 30 вагонгача пахтани четга жўнатган[4:71].

Бухоролик маҳаллий савдогар Мухторхўжа Азизхўжаев Эски Бухорода яшаган ва 1875 йилдан буён дон маҳсулотлари ва қуритилган мева савдоси билан шуғулланган. Унинг савдога киритган капитали 4 минг рублни, йиллик савдо айланмаси 30 минг рублни ташкил этган. Мухторхўжа Азизхўжаевнинг Эски Бухорода уйи ва акалари билан биргаликда эгалик қилган 18 таноб ери бор эди, унинг ердаги улушининг бир қисми 7 500 рублга баҳоланган. Эски Бухорода яшаган савдогар Тўрақулбой Сафарбоев қоракўл тери ва тери маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган. Мавсум даврида қиймати 100 минг рубль миқдордаги товарга эга бўлган. Савдога киритган капитали 25000 рублни ташкил қилган. Унинг Бухорода шахсий уйи, 20000 рублга баҳоланган боғи ва ерлари бўлган[5:144].

1890 йилдан бошлаб Бухоро шаҳри ва Хатирчи беклигида пахта, пилла ва қоракўл савдоси билан шуғулланиб келган савдогар Мирзо Саъди Мирзо Шариповнинг савдо капитали 15 минг рубль, йиллик айланма сармояси 45 минг рублга тенг бўлган. Унинг Хатирчи беклигида қиймати 12 минг рублга баҳоланган уйи ва боғи бор эди. Шунингдек, Хатирчи беклиги ҳудудида 200 таноб ери ва 8 минг рублга баҳоланган саройи ҳам бўлган. Унинг барча кўчмас мулки 20 минг рублга баҳоланган.

Ғайбуллабой Мирфайзов XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб пахта олди-сотдисида воситачилик билан шуғулланган ва шу билан бирга шакар, асал ва ун маҳсулотлари билан савдо қилган. Унинг умумий қиймати 30 000 рублга баҳоланган боғи, Эски Бухорода жойлашган иккита уйи ва турли жойда жойлашган ер мулклари бўлган. Эски Бухорода яшаган Лутфулла Насруллабой Асадов Бухорода шакар, асал ва ун маҳсулотлари билан савдо қилган. Умумий миқдори 50 минг рублга баҳоланган уй, боғ ва ер майдонларидан иборат кўчмас мулки бўлган[6:172].

Мирнигматулла Мирҳикматович Мирсолихов Янги Бухорода 1897 йилда ўз тижоратини бошлаган тадбиркорлардан эди. У 1899 йилдан бошлаб қоракўл, пахта, жун, ип газлама ва бошқалар билан савдо қилган. Унинг йиллик савдо айланмаси 100-120 минг рубль атрофида бўлган. Мирсолиховнинг Эски Бухорода қиймати 10 минг рубль бўлган уйи, 12 минг рубль бўлган боғи, 5 минг рубль бўлган 30 таноб суғориладиган ери бор эди. Бошқа бир сармоядор Мирза Мўмин Мансуров 1892 йилдан газмол ва мато, пахта, жун ва қоракўл тери билан савдо қилган. Унинг Эски Бухорода жойлашган қиймати 20 минг рубль бўлган иккита уйи, 5 минг рубль бўлган 20 таноб суғориладиган ери бўлган [7:1].

Россия империяси генерали Д.Логофетнинг ёзишича, “Бухоро хонлигида кредит тизимининг ва накд пулнинг йўқлиги, маҳаллий савдогарларни оғир аҳволга туширди. Бундан фойдаланиб, амир ўз саррофлари орқали жуда катта фоизда пул бера бошлаган ва буни йилдан-йилга кенгайтириб борган. Бу амирга катта даромад берса-да, савдонинг ривожланишига у қадар яхши таъсир қилмади. Шу боис Бухорода акционерлик банкини очиш борасида таклифлар туша бошлади. Бу масалада оренбурглик савдогарлар 1882 йилда амирга мурожаат қиладилар. Амир бунга хайрихоҳлик билдириб, агар Бухорода банк очилса, 70 млн беришни ваъда қилган. Аммо бу иш узоқ чўзилиб кетади ва фақатгина 1894 йилга келиб, Янги Бухоро (Когон)да биринчи Россия Давлат банки бўлими, 1902 йилда эса мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрида Рус-Хитой банки ва Халқаро банк бўлимлари очилади”[8: 450-451].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган маҳаллий сармоядорлар қатлами саноат тараққиётида муҳим ўрин тутишади. Савдо-сотиқ ва тижорат билан

шуғулланиб, йирик савдогарларга айдланган бу янги турдаги мулкдорлар кейинчалик ўзлари тўрлаган сармояни саноат ривожланишига сарфлашди. Маҳаллий сармоядорлар ва тадбиркорлар томонидан пахта тозалаш заводлари, ёғ-мой ва совун ишлаб чиқариш заводлари ҳамда турли фабрикалар қурилди. Бу заводларда европалик малакали мутахассислар билан биргаликда маҳаллий ишчилар ҳам фаолият кўрсатишди. Саноат корхоналарини замонавий ускуналар ва керакли жиҳозлар билан таъминлашга ҳаракат қилинди.

АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 1-рўйхат, 335-иш, 18-варақ.
2. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 1- рўйхат, 368-иш, 78- варақ.
3. Ўзбекистон миллий архиви, И-3-фонд, 3- рўйхат, 678-иш, 298- варақ.
4. Остонов О.А. Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ (XIX аср охири – XX аср бошларида). - Тошкент: “Шарқ”, 2013. – Б.71.
5. Хотамов Н.Б. История банков и предпринимательства в Средней Азии (60-е годы XIX в. – 1917 г.). - С.144.
6. Хотамов Н. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (начало 90-х гг. XIX в. – 1917 г.). – Душанбе: “Дониш”, 1990. – С.172.
7. Новая Бухара // “Закаспийское обозрение” (Асхабад). № 59. 15 марта 1901 г. – С.1.
8. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. Том 4. 1860-1917 йиллар. Масъул муҳаррир: Д.Зияева. – Тошкент: “Navro‘z”, 2014. – Б.450-451.

АМИР САЙЙИД АБДУЛАҲАДХОННИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИЁСАТИ

Д.Я.Ражабова
Бухоро давлат университети таянч докторанти.

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро амирлиги аҳолисининг XIX аср охири- XX аср бошларида бошдан кечирган юқумли касалликлари-ришта, ўлат, безгак ваболарига қарши олиб борган кураши хусусида фикр юритилади. Айниқса, Бухоро амири Саййид Абдулаҳадхоннинг(1885-1910) бу борадаги ислоҳотлари, уларнинг натижалари ва аҳоли саломатлигининг тикланиши борасида амирликда амалга оширилган ишлар маҳаллий тарихчилар илмий манбалари асосида тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: чигиртка, ўлат, вабо, ришта, фелдшер, аптека, табобат, шифокор, эпидемия, безгак, изоляция, исён.

Инсоният ўз бошидан жуда кўплаб табиий офатларни кечирган, тўфон, зилзила, ўрмонларга ўт кетиши, қурғоқчилик, юқумли касалликлар кабилар шулар жумласидандир. XIX аср охирида бу каби таббиий офатлар Бухоро амирлигида ҳам рўй берган. Касалликнинг тарқалиб кетиши, аҳоли сонининг кескин камая бошлаши, табиблар давосининг таъсир этмай қолиши ҳолатлари муаммоларнинг ҳукумат даражасида ҳал қилиниши керак бўлган масала эканлигини кўрсатади. Бухоро амирлиги девонида бу борада амалган оширилган ислоҳотлар борасида тарихий манбалар гувоҳлик беради.

Бухоро амирлигининг XIX аср охири- XX аср бошларидаги давлат бошқарув тизими, аҳолининг турмуш тарзи ҳақидаги мулоҳазалар маҳаллий тарихчилар Мирзо Абдулазим Сомий, Мирзо Салимбек, Муҳаммад Али Балжувоний, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Фитрат ҳамда Саййид Мансур Олимий каби муаллифлар асарларида мавжуд. Шунингдек, бу даврда амалга оширилган ислоҳотлар борасидаги қарашлар Амир Абдулаҳадхоннинг хотиралари битилган кундалигида ҳам айтиб ўтилади.

Амир Саййид Абдулаҳадхон (1885-1910) Бухоро амирлигини чорак аср бошқарган сўнгги ҳукмдорларидан бўлиб, унинг даврида маъмурий-сиёсий, ҳарбий ва маданий ислоҳотлар ўтказилган. Бу вақтда Бухоро Россия империяси протекрати (1868й) бўлганлиги сабаб тобе ташқи сиёсат юритган бўлса-да, амирлик ички сиёсатида кўплаб янги ислоҳотларни амалга оширган. Амирнинг ўзи маданий ислоҳотларнинг раҳнамоси бўлган.

Бухоро амирлигида чегараларнинг ажратилиши ёки ёпилиши ҳолати дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Афғонистон ҳудудидан Туркистон ўлкасининг Катта-Қўрғон беклигига шамол билан келган чигиртка оқимининг зироаткорларга олиб келган катта офатидан бошланган. 1900-1902 йиллари чиритка галаси Бухоро амирлигининг Зиёвуддин, Кармана, Нурато, Хатирчи, Ғузор ва Чироқчи каби кўплаб бекликлари ҳосилдор ерларига зиён еткизади. Ҳосилга путур етганлиги оқибатида хирмонда кам натижага эришилади. Натижада аҳолининг кундалик турмуш даражаси тушиб кетади. Иқтисодий пасайиш амирлик бекликлари бўйлаб тарқалиб жиддий тус олади. Эндиликда амирлик девони бу ҳолатга ечим излай бошлаган эди. Ушбу давр ҳақида ўз асарларида маълумот берган рус зобити Д.Логофет ва кейинги давр тарихчиси Т.Тўхтаметовлар Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг 1904-1909 йиллар давомида

бу борада рус империясидан офатга қарши дори олдирилгани, суюқликни бухоролик ҳарбий аскарлар экин ерларига махсус кийим ва мосламаларда сепиб чиқанликларини изоҳлаб берадилар.[1]

Чигирткани личинка(уруғи) билан мутлақо йўқотилишига эса 1917 йилга келибгина эришилади. Шу сабаб, Амир Абдулаҳадхоннинг ташаббуси билан Бухорога дастлаб Россия империясидан рус олий тоифали шифокорлари келтирилади, биринчи аптека очилади, Арк- амирлик қўрғони қошида Доруш-Шифо тиббий маълумот берувчи ва даволовчи маскан бунёд этилади. Шунингдек, амирлик девонхонасида янги агроном-муҳандислик лавозими ҳам жорий этилади.[2-65]

1889 йилнинг ёзида Тошкент, Жиззах ва унга яқин ҳудудларда безгак кенг тарқалиб кетиши натижасида кўплаб бекликлар алоҳида қилиб ажратилган, Бухоро амирлиги чегаралари ёпилиб, бозорлар ва аҳоли уюшадиган жойлар махсус тўсилган ҳамда бу ерларда ҳарбий қўриқ тизими жорий этилган. Безгакдан кунига йигирматалаб инсон ўлган, айниқса, Китоб туманининг аҳолиси азият чеккан.[2-70] Амир Абдулаҳадхон бу касаллик давоси учун Россиядан 6000 рубллик дори сотиб олган ва маҳаллий аҳолининг кўп қисми амирлик ҳисобидан тузатилган.[3-42] Касалликни бартараф этиш 1892 йилгача давом этади.

1897 йилда эса “ҳинд вабоси” касалининг мамлакатда тарқалишини олдини олиш мақсадида чегаралардан ҳиндларни киритмасликка қатъий амр берган. Аммо ҳиндларнинг турли йўллар билан Бухорога кириб келиши давом этавергач, қозикалон ва девонбеги маслаҳати билан афғон чегараларида ҳарбий қўриқчилар жойлаштирилган. Шунингдек, вабонинг тарқалиши муносабати билан бухороликларнинг Ҳаж сафарига боришига рухсат берилмаган.[3-42]

Садриддин Айний “Эсдаликлар”ида бу даврда яна бир омма орасида кенг тарқалган ришта касаллиги ҳақида ёзади. 1889 йилда бошланган бу касалликдан Эски Бухоро, Карки, Чоржўй, Ҳисор, Душанбе, Қарши, Шаҳрисабздаги тиббий шифохоналарда жой қолмаган, турмуш шароити оғир бўлган кўплаб оддий аҳоли қирилиб кетган. Айний риштадан хасталаниб вафот этганларнинг сони ниҳоятда қўрқинчли бўганлигини келтиради. Амирлик маркази бўлган Эски Бухоро ҳудуди дарвозалари ёпилиб, аҳоли кучли тиббий назоратга олинган.[4] Туркистон генерал-губернаторлиги орқали рус шифокорлари олдирилиб, маҳаллий шифокорлар- табибларга даволашнинг янги турлари ўргатила бошланган. Тиббий хизматчиларнинг барчаларига амирлик ғазнасидан алоҳида маош тайинланган. Ушбу даврда кейинги дорихоналар ҳам очилиб, ўта камбағал беморларга бепул дори-дармон ва тиббий хизмат кўрсатилган.

1898 йили Самарқанднинг Анзоб қишлоғида бошланган ўлат хасталиги ҳам ҳудуднинг алоҳида ажратиб қўйилишига олиб келган. Амирликнинг ажратилган бекликлари Эски Бухоро, Шарқий Бухоро, Китоб, Помир олди каби ҳудудларига рус олий шифокорлари Россиядан олдирилган. Алоҳида тиббий марказлар ташкил этилиб, муаммонинг тезроқ бартараф этиш йўллари изланган.[2-33]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср охирларида Бухоро амирлигида кутилмаганда юз берган кўплаб касалликларнинг аҳоли орасига тарқалиб кетиши ҳодисаси аҳоли турмуш даражасига ҳам таъсир этмай қолмаган. Амирлик ҳукумати билан бирга маҳаллий аҳолининг ҳам иқтисодий ҳолати кескин тушиб кетган. Бу оғир кулфатлар шу даврда амирликдан норозиликларни, исёнларни ҳам рўй беришига сабаб бўлган. Шунга қарамасдан, Амир Саййид Абдулаҳадхон раҳнамолигида аҳоли саломатлигининг тикланиши борасида жуда кўплаб дунёвий тиббий ислоҳотлар амалга оширилган. Бу вазият тақоси ҳам ҳисобланиб, натижада, самарали малакавий тиббий хизмат турлари амирликда пайдо бўлган эди. Кейинчалик амирлик девони бекликларга ҳам тиббий ходимлар юборилиши ва пунктлар барпо этилишини ҳам йўлга қўйиб, сифатли дори-дармон орқали тез тузалишни ташкил этган. Шу орқали касалликлар бартараф этилиб, маҳаллий тиббий кадрлар етиштирилишига алоҳида эътибор қаратиладиган бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Д.И.Логофет. Страна-безправия.Бухарское ханство и его современное состояние. С.-Петербургъ, 1909.
2. Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. Душанбе: Ирфон, 1977.
3. Жамолова Д. Бухоро амири Абдулаҳадхон ва унинг сиёсий фаолияти. Ўзбекистон тарихи, №1.2018.
4. Айний С. Воспоминания. Книга II. Душанбе. 1968.

ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК МАДАНИЯТИ ТАРИХИДАН
(Фарғона водийси мисолида)

А.Даминов,
СамВМИ Гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Давлатимиз мустақиллигидан сўнг Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид кўплаб илмий мақолалар ва илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Буюк бобомиз Амир Темурнинг ҳар йили нишонланадиган таваллуд айёмида ҳам кўплаб илмий мақолалар ва рисолалар чоп этилмоқда-ки, бу

каби илмий изланишлар натижасида ўсиб келаётган ёш авлодларнинг миллий қаҳрамонимиз буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг босиб ўтган йўли ва тарихига нисбатан қизиқишлари ортмоқда.

Калитли сўзлар: Амир Темур боғлари, қадимги Фарғона аҳлининг дарахтлар билан бўлган миллий удумлари, Қадимги Фарғона(Паркана), аграр маданияти, маҳаллий ва диний эътиқодлари, Иқтисодий ва ижтимоий соҳалари.

Кириш. 1998 йилда Президентимиз томонидан эълон қилинган қарорга мувофиқ Ўзбекистон тарихини кенгроқ урганиш билан биргаликда Марказий Осиё тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган Амир Темурнинг Ватан озодлиги ва ободлиги йўлидаги курашлари батафсил баён қилинмоқда. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда мен ҳам ўз илмий мақоламни Амир Темур мавзусида давом эттирмоқдаман. Бундан мақсад мен келажакда Амир Темур мавзусида ўз илмий тадқиқотларим буйича ёш авлодлар учун илмий янгиликлар яратишни мақсад қилмоқдаман.

Ўтказилган изланишлар. Изланишлар шуни кўрсатмоқда-ки, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид жуда қўплаб тарихий материаллар нашр қилинмоқда. Масалан: Тарихшунос олим Бўрибой Ахмедов ўзининг 1995 йилда нашрдан чиққан «Амир Темур» номли тарихий асарида ҳам Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихини ўрганишнинг қирраларини очиб берган дастлабки тарихчи олимдир. Ўтказилган илмий тадқиқотлар ва изланишлар натижасида тарих соҳасида айниқса ёш авлодлар орасида Амир Темур бобомизнинг ўтмиш тарихига бўлган ўзаро ҳурмат ва эътибор янада ошганини сезмоқдамиз. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ҳар йили Ўзбекистонда апрел ойининг 9 санасида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг таваллуд айёмлари Республикамизнинг шаҳар ва вилоятларидан ташқари бошқа хорижий давлатларда ҳам тантанали равишда нишонланиб, ҳамда унинг тарихи ва обрўси янада ошмоқда.

Тарихдан маълумки, қадимги Ўрта Осиё халқлари исломга қадар турли аграр маданиятлар ва маҳаллий диний эътиқодларга сиғиниб келишган.Бу кейинги жараён (араблар ва муғуллар истилоси) даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.Лекин ислом дини Ўрта Осиёда тўлиқ қарор топганидан сўнг, қадимий диний тасаввурлар ва уларнинг маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзидаги кўринишлари жиддий ўзгаришларга учраган.

Ўрта Осиёдаги маданий ёдгорликлар ушбу минтақа халқлари ҳаётида диний тасаввурларнинг бой ва хилма-хил булганидан далолат беради. Бундай ранг- баранг ҳолатнинг вужудга келишида асрлар давомида маҳаллий аҳолининг деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келгани давр ўзгаришлари халқларнинг кўчиб юришлари, бошқа халқлар эътиқодларининг ва минтақа учун янги бўлган диний тизимларнинг келиб тарқалиши сабаб бўлган. Дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнларини бевосита турли –туман бирламчи манбалар- петроглифлар, археологик топилмалар, ёзма ва оғзаки ривоятлар мисолида кўриш мумкин.

Дунёнинг бошқа этнослари сингари Фарғона водийси ўзбеклари ҳам дарахтларни муқаддас деб билганлар.Бундан ташқари, водий аҳолиси табиатни,унинг ажралмас қисми бўлган дарахт ва ўсимликларни Тангри ёхуд тангридан ажралиб чиққан бир парча деб тасаввур қилганлар.[1]Турк тарихчиси Мурод Ўрознинг фикрича, Олтой шомонлари қайин дарахтига сиғинганлари бошқа дарахтлардан илоҳийроқ деб ҳисоблаб,қурбонлик маросимларини унинг атрофида ўтказиб келганлар [2].

Дарахтга топиниш (сиғиниш) турли халқларда турлича кўринишда бўлган.Файласуф Е.Березиковнинг эътироф этишича, Олтой шомонлари беморларни даволаш чоғида оқ қайин дарахтининг пўстлоғи ва унинг бир қисми (барги ёки унинг синган шохчаси) ни доимо ўзлари билан бирга олиб юрганлар.Чунки шомонлар оқ қайин дарахти буюк тангри Умойга кўкдан юборилгани сабабли, диний маросимлар пайтида уларнинг руҳлари қуллайди деб тасаввур қилганлар[3]. Ўз ўрнида шуни қайд этиш керакки, қайн дарахти Шотландияда марҳумларнинг руҳи билан боғланса, Болтиқбўйи ва Марказий Осиё халқларида поклик рамзи сифатида улуғланиб келган.“Ҳаёт дарахти” мавзуси Ўзбекистон халқ ҳунармандчилигида ҳам муҳим ўрин тутади.Маҳаллий анъанавий архитектурада гумбаз, қубба арк каби ўзини ўзи ушлаб турувчи иншоотларнинг кенг тарқалгани ҳам Ўрта Осиёда дарахтларнинг кам эканлиги билан изоҳланади. Арча ва чинорлар қадимдан муқаддас дарахтлар сифатида эъзозланиб келинган.Масалан халқона ниаёт дарахти” нинг рамзий эквиленти ҳисобланган.

Шунинг учун Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида чинор экиш энг савобли амаллардан ҳисобланиб, уни эккан одамга узоқ йиллар давомида халқ томонидан иззат-икром кўрсатилган. Чунки чинор дарахти салқинга бойлиги ва ернинг захини йўқотиши билан маҳаллий халқ орасида алоҳида қадрланган. Арча ва чинор жуда қадим замондан муқаддас кучга эга дарахтлар сифатида дунёнинг бошқа этнослари орасида ҳам эъзозланган. Ана шу дарахтлар ислом даврида авлиёларнинг мозорига айланган. Уларга қизлар ўз қалб сирларини айтиб, дарахт шохларига алам боғлаб, армонларининг ушалишига умид қилганлар. Жанубий Туркманистон ва Тожикистонда чинор дарахти ғоят эъзозланади. Туркманлар чинор дарахтининг қуриган шохларини ўтин сифатида ёқиб , исроф этишга ҳам кўркадилар.

Анор дарахти барака ва ҳосилдорлик рамзи сифатида эъзозланган. Қадимги сопол буюмларда Анахита маъбудаси кўпинча анор меваси тимсолида тасвирланган. Афросиёбнинг 6-8 асрларда яратилган нақшларида ана шу дарахт тасвирлари кўп учрайди. Ўрта Осиёнинг жанубидаги айрим қишлоқларнинг аҳли анор боланинг туғилишига кўмак беради, деб ҳисоблайдилар. Попопчи чевар аёллар анор дарахти тасвирини матога тўқиш жараёнида унинг барака ва мўл ҳосил рамзи эканлигини ифода этмоқчи бўладилар. Бошқа дарахтлар қатори наъматак ҳам Фарғона водийсининг тоғли ҳудудлари аҳолиси орасида бир мунча қадрланади. Жумладан, водийнинг айрим тоғли қисмларида янги йил арафасида уй эгаси наъматакнинг бир боғини шипга осиб қўяди.Бу орқали улар наъматак келгуси йил дон экинларидан мўл-кўл ҳосил олиш имконини беради, деб ишонадилар.

Исломгача бўлган даврда Хоразмда бефарзанд аёллар бола кўриш умидида таналарини дарахт суви билан ҳуллаганлар. Дарахт билан боғлиқ қарашлар анъанавий турмуш тарзимизда ҳам учраб туради. Жумладан, Фарғона аҳли ўрик,ёнғоқ, тут,тол,жийда,анжир, беҳи каби дарахтларнинг ўзига хос бўлган руҳлари борлигига ишонадилар.Масалан: Наманган вилояти Поп тумани “Қуштепа” қишлоғи аҳолиси орасида шундай бир удум мавжуд. Янги туғилган чақолоқли уй “чиллали уй” ҳисобланиб, унга шомдан кейин кириш тақиқланади. Халқона қарашларга кўра , шомдан кейин уйига келишга мажбур бўлган кишилар , аввало, бирон-бир мевали дарахтни уч маротаба қучоқлаб. Сўнгра уйларига кирганлар. Барча эътиқодларда бўлгани сингари шомонликда ҳам дарахт ва унинг таркибий қисмларига нисбатан ижобий муносабатлар мавжуд. Буни шомонлик маросимлари пайтида ишлатиладиган маросим атрибутлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан: Ўзбек, тожик ва уйғур шомонлари даволаш жараёнларида дарахт новдаларидан тайёрланган хивчиндан ҳам фойдаланганлар.В.Басиловнинг қайд этишича, кучли ва таниқли шомонлар хивчиндан, янги ёки кучсиз шомонлар оддий чупдан фойдаланганлар[4].

Г.П. Снесаровнинг фикрича, дарахт шохларидан ясалган даста чўп билан даволаш усулининг тарихи зардуштийлик динига бориб тақалади. Зотан, зардуштийликда толдан ясалган хивчин ёвуз руҳларни ҳайдовчи асосий восита ҳисобланган [5]. Герододнинг хабар беришича, “скиф шомонлари тол новдалари ёрдамида, фол очганлар ва шомонлик маросимларини маросимларини асосан дарахтларнинг тагида ўтказганлар. Фарғона водийси шомонлари хивчинни эрта баҳорда тайёрлаб, уни бутун йил давомида ишлатганлар ва ҳар йили худди шу пайтда янгилаб олганлар.Хивчинлар даста қилиб боғланиб, маросим ўтказиладиган уйнинг бурчагига осиб қўйилган. Одатда, хивчиндаги новдаларнинг умумий сони қирқ биттани ташкил қилган.

Бахши хивчинининг пастки қисмидан ушлаб,дастлаб беморнинг устидан ўнгдан чапга қаратиб, уч марта айлантириб олинган. Сўнгра беморнинг бош ва танасининг орқа қисмларига ура бошлаган. Бу амалларнинг барчаси ёмон руҳларни қувиш мақсадида бажарилган. Бунга ухшаш одат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд бўлиб, 19 асрнинг охири 20 асрнинг бошларида Самарқандлик табиблар беморларга тол шохлари ёрдамида суюқликлар пуркаганлар. Бундан ташқари Самарқанд ва Хоразмда дев ва жинларни қочириш учун фолбинлар барглари шилинган еттита тол хивчинларини ишлатганлар. Шониёзов қипчоқларда шомон хивчини жийда ва тол шохчаларидан тайёрланиб,асосан, “кўчирма маросим пайтида беморнинг танасига кириб олган ёвуз руҳларни ҳайдаш мақсадида қилинганини қайд этган бўлса, Л.Троицкая эса XX аср бошларида Тошкент ва Самарқандда фаолият юритган шомонларнинг хивчин ёрдамида беморнинг бош ва елка қисмларига қирқ бир марта уриб, уларни дарддан холос этганликларини ёзиб қолдирган [6]. Юқоридагилардан хулоса шулки, дарахт дунё халқлари каби Фарғона водийси ўзбеклари орасида ҳам муқаддас бўлиб келган. У нафақат одамларга мева берадиган ва салқин-ҳузур ато этадиган илоҳий неъмат, балки ёвуз руҳлардан халос этувчи восита сифатида ҳам қадрланиб келинган. Дарахтга оид архаик қарашлар дунё халқлари мифологияси ва этнографиясидаги муштарак элеменлардан бўлиб, унга ҳосилдорлик ва куч-қувват рамзи сифатида қаралган. Дарахтнинг тириклик рамзи эканлиги, шубҳасиз, унга бўлган эътиборнинг ошишига ва ёшлар онгида экологик маданиятнинг шаклланишига хизмат қилади.

Хусусан мамалакатимиз мустақиллигидан сўнг экологик соҳада атрофимиздаги табиатнинг бебаҳо неъматлари бўлган тоза ичимлик сувларини ифлослантирмаслик ҳамда уларни тежаб тергаб фойдаланиш ва қолаверса, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш уларни парваришлаб келажакка муҳим замин яратиш энг асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда мевали ва манзарали дарахтлар экиб парвариш қилиш ва замонавий интенсив боғлар барпо этиш давр талаби эканлиги бу ҳамма учун энг маъсулиятли вазифадир.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда ҳар биримиз табиат ва экология учун бефарқ бўлмасак, ўз конституцион бурчимизни сидқидилдан бажарган ҳамда Ватанимиз ва халқимиз учун виждонан ўз ҳиссамизни қўшган ҳисобланардик...

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Булатов М.С. Сады и паркы Темура и темуридов Тошкент 1989й
2. Алимов Ў Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғдорчилик хўжалиги тарихи- Тошкент 1984.й

3. Ўзбекистон тарихи. Обломуродов Тошкент 2002.й
4. Каримов Ш.К. Ватан тарихи. Тошкент 2004.й
5. А.Зиёев Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент 2000.й
6. Имом-Ал Бухорий сабоқлари илмий журнали. 2013й 1-сон

АҚШ ҲАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА АГЕНТЛИГИНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

М.Туропов,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада, АҚШ ҳалқаро ривожланиш агентлигининг Туркманистон билан олиб бораётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, USAID, глобал, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ,таълим, миграция, илғор тажриба, инновация,

Бугунги кунда Туркманистон ташқи сиёсатини амалга оширишда кўплаб давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда. Шу жумладан, Америка Қўшма Штатлар билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янада кенгайиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликда асосий ролни АҚШ ҳалқаро ривожланиш бўйича агентлиги (*United States Agency for International Development, USAID*) эгалламоқда.

USAIDнинг Туркманистон иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва диверсификация қилиш, фуқароларлик институтларини қуриш, бошқарувни такомиллаштириш, ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Шунингдек, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мақсадида Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашда самарали фаолият юритмоқда.

Мавжуд маълумотларга кўра, USAID Туркманистонни глобал иқтисодиётдаги узлуксиз иштирокига кўмаклашиб, ўзига ишончли шерик сифатида кўради. Шу билан биргаликда иқтисодий ривожланишга доир муаммоларни бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Шу жумладан, USAIDнинг "Туркманистон мамлакатидаги профил" дастури Туркманистонда иқтисодиёт, ирригация, демократик ислоҳотлар, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш ,таълим, хавфсиз миграция каби соҳаларда фаол ишламоқда. [1]

Иқтисодиётнинг турли йўналишлари ва чекланган хорижий сармоялар Туркманистонни иқтисодиётида кўплаб қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу мақсадда USAID мамлакат иқтисодиётини мослашувчанлигини ошириш учун маҳаллий тадбиркорлар орасида рақобатбардошликни шакллантириш, даромадларни оширишга ва янги иш ўринларини яратишни рағбатлантиради. Жумладан, 2020 йил USAID маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Австрияга экспорт қилишни молиялаштирди. Бу эса янги савдо йўлининг очилишига сабаб бўлди ва чет элда туркман маҳсулотларига бўлган талабни ошишига имконият яратди.

Иқтисодиётни муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ирригация тизимини ткомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада USAID томонидан мавсумий тошқинларнинг деҳқонлар даромадларига таъсирини камайтириш мақсадида Мурғоб дарёсининг оқимини қайтарадиган, қирғоқлари бўйлаб тошқинларни камайтирадиган, экинларни ҳимоя қиладиган ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган техникаларга сармоя киритилди. [2]

Ўсиб бораётган сил касаллиги эпидемияси нафақат мамлакат соғлиқни сақлаш тизимига, балки узоқ муддатли иқтисодий барқарорлигига ҳам қийинчилик туғдиради. Силга қарши курашиш учун USAID даволаниш вақтини қисқартиришга ёрдам берадиган янги дори-дармонларни жорий этиш устида ишламоқда. Сўнгги 20 йил ичида сил касаллигини даволашда муваффақият даражаси 32% га оширишга эришилди. Бундан ташқари, USAID таълим тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини оширишда, раҳбар ҳодимларнинг бошқарувга оид зарур бўлган кўникмаларини эгаллашга ёрдам бермоқда[3]. Хусусан, USAID иқтисодиёт, тадбиркорлик, рақамли технологиялар ва инновациялар бўйича кадрлар тайёрлашда тренинглар ўтказиб, меҳнат бозорига янги кириб келган кадрларнинг касбий кўникмаларини иш берувчилар томонидан қўйилган талабларга мослашишига ёрдам бермоқда.

Фуқароларнинг ҳукуматга бўлган ишончини ва шаффофликни ошириш учун давлат хизматларини кўрсатишни яхшилайдиган электрон ҳукумат технологияларини тарғиб қилиб, маълумотларга эга бўлиш имкониятларини кенгайтирмоқда ҳамда фуқаролик жамиятига ҳукуматнинг мураккаб ҳуқуқий-маъмурий тизимларида ҳаракат қилишига ёрдам бермоқда. 2020 йилда USAID хусусий, давлат секторларини атроф-муҳитни яхшилашга ҳамда замонавий иш

ўринларини яратишга имкон берадиган чиқиндиларни бошқариш соҳасида илғор тажриба ва инновацион технологияларни жорий этмоқда.[4]

Булардан ташқари, АҚШ ҳукумати меҳнат ҳуқуқларини рағбатлантириш орқали Туркманистондан товарларни экспортини кўпайишига кўмаклашмоқда. 2021 йил 11 мартда USAID томонидан молиялаштирилаётган "Марказий Осиёда хавфсиз миграция", "Марказий Осиёда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш" лойиҳалари доирасида БМТнинг Гиёҳвандликка қарши кураш бўйича идораси ва Туркманистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Жиноятчиликни олдини олиш, Туркманистон компанияларининг экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро шерикларни жалб қилишда корпоратив ижтимоий жавобгарлик ва меҳнат ҳуқуқларининг ўрни мавзусида веб-семинар ўтказилди. Веб-семинарда Туркманистон Ташқи ишлар вазирлиги, Туркманистон Омбудсмани идораси, бошқа давлат идоралари ва мамлакатнинг халқаро меҳнат стандартларига риоя қилиш салоҳиятини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган хусусий сектор компаниялари вакиллари иштирок этишди. [5]

АҚШнинг Туркманистондаги мухтор элчиси Метю Климов туркман корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган веб-семинарда USAID меҳнат ҳуқуқларини рағбатлантириш орқали Туркманистондан товарлар экспортини кўпайишига кўмаклашиши ҳақида нутқ сўзлади. Шу билан бирга элчи ўзининг кириш нутқида "Туркманистоннинг экспортни кенгайтиришга интилиши тобора кенгайиб бораётгани қонун чиқарувчилар, савдо вакиллари ва хусусий сектор вакиллари томонидан халқаро харидорларнинг маҳсулот сифати ва сертификатига бўлган талаблари тўғрисида кўпроқ хабардорликни талаб қилади" деб таъкидлади.

Веб-семинар давомида халқаро маърузачилар корхоналар фаолиятини комплекс баҳолаш учун умумэътироф этилган халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда туркман маҳсулотларини экспортини кўпайтириш стратегиясини тақдим этдилар.

USAIDнинг Марказий Осиёда хавфсиз миграция лойиҳаси "Winrock International" нотижорат ташкилоти томонидан Марказий Осиёнинг тўртта давлатида амалга оширилмоқда. Лойиҳа миграция тартибларини такомиллаштириш ва эксплуатация қилинишини олдини олиш бўйича маҳаллий давлат идоралари, фуқаролик жамияти ҳамда хусусий сектор билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

USAIDнинг "Марказий Осиёда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш" лойиҳаси Марказий Осиёдаги бешта мамлакатда маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва иш билан таъминланган аҳоли даромадларини кўпайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.[6]

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, USAID ривожланиш бўйича етакчи халқаро агентлик бўлиб, барқарор ривожланишга эришиш учун катализатор ҳисобланади. Туркманистон USAID билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор ва шу йўлда Туркманистон USAIDга ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги фаолиятини кучайтиришга кенг йўл очмоқда.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. https://uz.usembassy.gov/ru/usaids-tenth-annual-central-asia-trade-forum-goes-virtual-ru/
2.https://www.usaid.gov/ru/turkmenistan/press-releases/mar-11-2021-us-government-promotes-turkmenistan-exports-labor-rights
3. https://www.usaid.gov/node/55521
4 https://www.gazeta.uz/ru/2020/09/30/usaid/
5. https://www.facebook.com/FGICentralAsia
6. https://www.usaid.gov/ru/central-asia-regional/fact-sheets/usaid-central-asia-future-growth-initiative

ПРАВОВАЯ ОСНОВА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ МОЛОДЕЖНЫХ И ДЕТСКИХ ОРГАНИЗАЦИИ, А ТАКЖЕ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
(с использованием материалов архива Навоийской области)

Ш.С.Норов,
старший преподаватель кафедры
«Социально-гуманитарных дисциплин», НавГГИ

Аннотация

В статье изложены исторические правовые основы по поддержке молодёжных и детских организации на республиканском и региональном уровне. Рассмотрена сущность Постановлений Президента, Кабинета Министров Республики Узбекистан, а также Постановления Хокима Навоийской области по реализации государственной молодёжной политики. Некоторые исторически обоснованные факты по принятым постановлениям Навоийской области.

Ключевые слова: государство, молодёжь, политика, история, образование, местные органы, программа, хокимият, реализация.

Развитые государства мира, всегда стремятся усовершенствовать свою систему воспитания и поддержания молодёжи своей страны. В настоящее время, в числе развивающихся стран мира, и особенно на континенте Центральной Азии Узбекистан лидирует своими реформами в плане социальной поддержки населения государства и в частности поддержки молодёжи. Выступления Президента Узбекистана на молодёжном форуме, подтверждает действия всех реформ проводимых в Узбекистане. Следует отметить стимулирующие и подпитывающие патриотизмом слова Президента в форуме молодёжи - У нашего великого предка Мухаммада Хорезми есть мудрое изречение: «Слова - цветы, дела - плоды». Думаю, чем лучше вы продумаете свои планы, тем результативнее будет ваша дальнейшая деятельность, - сказал Шавкат Мирзиёев. - Как начитанное, образованное поколение вы хорошо знаете, что в прошлом наша страна была одной из колыбелей мировой цивилизации. Вы потомки Хорезми, Фергани, Беруни, Ибн Сины, Улугбека, Навои и Бабура, Бухари и Термези. Бесценные знания и открытия, созданные такими великими соотечественниками, и сегодня служат всему человечеству[1].

Начиная с первых лет Независимости Узбекистана особое внимание, уделяется молодёжи – будущему поколению. Стоит отметить те факты, которые являются доказательством того, что предпринимаемые действия то есть, Законы, Указы, Постановления Президента, Кабинета Министров и министерств Республики Узбекистан направленные на социальную поддержку и гармоничное развитие молодого поколения. На республиканском масштабе, соответствующие нормативно-правовые документы, направленные на развитие молодёжи систематически расформировываются по регионам Узбекистана – областям. В основном предпринимаемы действия в начале Независимости были направлены на духовную поддержку юношей и девушек, что на сегодняшний день также является актуальным вопросом.

Государство с духовно богатой историей в соответствии своих предпосылок из источников, а также исторических фактов, считается более устойчивой и не рушимой. В подтверждения этим предпосылкам следует отметить слова главы государства в выступление посвященное роли духовности в государстве, которое состоялось в Ташкенте 19 января 2021 года. В частности со стороны Президента Узбекистана сказано: «Необходимо преподавать национальную историю в национальном духе. Иначе не будет воспитательного эффекта. Мы должны научить нашу молодежь извлекать уроки из истории, делать выводы, вооружить ее исторической наукой, историческим мышлением, — заявил Шавкат Мирзиёев» [2:3].

Необходимость духовной поддержки молодых людей, является важным вопросом так, как высокая интеллектуальная духовность молодёжи формирует будущее поколение определенного государства. В этой связи в Узбекистане с начала Независимости, государством периодически ведется активная работа по поднятие духовности, патриотического духа населения. В свою очередь, это отражается на настроении молодых граждан страны. Очень важно подчеркнуть то, что стремящаяся молодёжь к науке, культуре и спорту в обязательном порядке должна поддерживаться духовностью.

Ярким примеров в решение задач связанных по поддержки молодёжи в плане социальной, материальной и духовной жизни, следует просмотреть региональные факты и здесь хотелось бы привести исторические источники, принятых решений в соответствии с молодёжной политики Республики Узбекистан Навоийскую область.

Навоийская область, считается самым молодым регионом Узбекистана, хотя история территории Зарафшанской долины уходит глубоко в историю Средней Азии. На основании архивных источников Навоийской области, следует отметить исторические факты, поддержки молодежи со стороны хокимиятами местной власти. Постановление Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан №568 от 4 декабря 1992 года «Об образовании Республиканского совета по делам молодёжи Узбекистана» [3], следует отнести к историческому событию Навоийской области в период Независимости. В соответствие с Постановлением в области был образован областной Совет по делам молодёжи [4].

Основная цель образования Совета по делам молодёжи заключалось в реализации государственной молодёжной политики Республики Узбекистан. В соответствии с постановлением в каждом регионе страны председателем Совета назначался сам хоким области. Это в свою очередь доказывает то, что первое лицо области в ответе за молодёжь данного региона. Основными направлениями данного постановления считалось определение и решение задач по обеспечению правовой и социальной защиты молодежи, экономической поддержки молодежного предпринимательства и государственной поддержки талантливой молодежи, как на республиканском масштабе, так и на местах – в регионах страны. Соответственно выявляется определенный вывод, что правовая основа по поддержки молодёжи и детских организации в республики и в областях набирает свои истоки с первых лет Независимости Узбекистана и считается актуальным вопросом в настоящее время.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА И ИСТОЧНИКИ

1. REVIEW.UZ Новости, [Электронный ресурс]. // 25.12.2020г. Шавкат Мирзиёев выступление на Молодежном форуме Узбекистана. Т.:2020 URL: https://review.uz/post/shavkat-mirziyoyev-ozbekiston-yoshlari-forumida-yoshlar-uchun-muhim-bir-yangilikni-etkazdi (дата обращения 10.03.2021).

2. Народное Слово, № 13 (7762), от 20.01.2021 г. //Если экономика — организм, обеспечивающий жизнедеятельность общества, то духовность — его сердце и душа Т.: 2021. С-3.

3. Постановление Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан. [Электронный ресурс] // «Об образовании республиканского совета по делам молодежи Узбекистана» № – 568 от 4.12.1992г., Т.: 2021.– URL: https://lex.uz/docs/529473 (дата обращения 12.03.2021).

БАРКАМОЛ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ТУРКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

О.Ражабов,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Туркистон маърифатпарварларининг баркамол ёшлар таълим-тарбиясида қарашлари юзасидан илмий мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар:Жадид, Туркистон, маърифатпарвар, қадимчилар, «Хуршид», «Шуҳрат», Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Исҳоқхон Ибрат, Шакурий

Тарихдан маълумки Туркистон ўлкасида маърифатпарварлик ҳаракати шаклланишида асосий ғоя бу ўлкада дунёвий илм фан ҳамда таълим-тарбияни янгича босқичга кўтариш, ҳудудда жаҳон илм фани тизимини жорий этишга қаратилган эди. XIX асрнинг бошларидан Бухородаги маърифатпарвар руҳонийлари ва зиёлилари орасида мадраса ва мактаб тизимига ҳамда ислом динига кириб қолганларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлайди. Шундай ислоҳот тарафдорлари бўлган маърифатпарвар жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар. Ушбу даврдан бошлаб бу йўналишга қарама-қарши бўлган оқимларни эса қадимчилар[1;28-29] деб таъкидлаган эдилар. XIX аср иккинчи ярмида бир қанча маърифатпарварлар Бухоро шаҳридаги 200га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғоясини билан чиққан эдилар. Қадимчилар эса уларни кофирлик ва худосизликда айблагандилар[2;23].

XIX асрнинг 50-60 йилларида диний ислоҳотчилик янада кучайиб, бу даврдаги маърифатпарварлар мадраса ва мактаблардаги таълим тизимини ислоҳ қилишни эмас, балки ортиқча дарсларни олиб ташлаш тарафдори ҳам эди. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Туркистонда Чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўпгина масканларида маърифатпарварлар ҳаракати кучайиб кетди. Чунки улар аввалгидек ижтимоий хорлик, иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида яшаш мумкин эмаслигини тушуниб етган эдилар.

Бу ҳаракат нафақат Марказий Осиёда, балки Россияда яшовчи халқлар ҳаётида ҳам ўз тақдирларини ўзгартириб, феодал тузумнинг негизларини парчалаб ташлаш орқали янги ҳаётга қадам қўйишлари мумкин эканлигини англаб етди. 1905 йили Россияда тўнтариш содир бўлди. Бу тўнтаришнинг асосий мақсади жамиятни демократлаштириш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, деҳқонларга ер-мулкни бўлиб бериш эди. 1907 йил Эрон буржуа инқилоби, 1908 йили Туркиядаги буржуа тўнтарилиши, Марказий Осиёда маърифатпарварлик ҳаракатининг кучайишига ва расмийлашувига катта аҳамият касб этди. Маърифатпарварлар жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, балким, янгича тизимдаги, усулдаги ислоҳотлар йўли билан ривожлантиришни асосий вазифа деб белгиладилар. Умуман олганда улар инсонларни синфларга бўлиб ташлаш эмас, балки уларни қадимчилар билан ҳам иттифоқ қилиб, халқ ва келажак йўлида бирлашиш, тинч-тотув яшаш ва ишлаш ғоясини илгари сурган эдилар.

Туркистон маърифатпарварларитомонидан 1906 йилдаёқ «Тараққий» деб номланган газета нашр эттириб, бунда жамият ва давлатни келажакда қай тарзда бошқариш масаласи тўғрисида ўз ғояларини тарғиб қила бошладилар. Кейинчалик «Хуршид», «Шуҳрат» сингари янги газеталар нашр эттирилди[3;26]. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида маърифатпарварларнинг ташкил этган янги усулдаги мактабларида диний илмлар билан биргаликда дунёвий илмлар ҳам кенг йўналишларда ўргатила бошланди. Маърифатпарварлар ўзларининг ҳаракат дастурларида қўйидаги масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилишган эди.

1.Диний тасаввуф ва фанатизмга қарши кураш.

2.Феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш, дунёвий билимларни она тилида ўқитишга мослаштирилган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш.

3.Маърифатпарварлик ғояларини халқ оммасига етказиш ва адабий тилни ишлаб чиқиш,халқ оммасига тушунарли бўлган адабиёт ва театрни яратиш.

4.Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва мактабларда таҳсил олишига имконият яратиш.

5. Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳолининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши ҳамда мустамлакачилик сиёсатини ислох қилиш[4;65].

Белгилаб олинган асосий талаблари мана шундан иборат бўлган маърифатпарварлар учун илм ва маърифат ягона қурол сифатида бўлиб, улар шу қурол ёрдамида ўлкада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи эдилар.

Маърифатпарварлар ҳаракати тарафдорлари ўлкада савод чиқариш услубинингянгича шаклларини ижод қилдилар. Улар томонидан математика, география, тарих, табиёт каби фанлардан дарсликларнинг дастурлари ишлаб чиқилди. Марказий Осиё жадид маърифатпарварларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Исҳоқхон Ибрат, Шакурийлар мазкур маърифатпарварлик ҳаракатинингасосчилари ҳисобланишган[5;3-4].

ХХ асрбошларидан 30 йиллари ўрталаригачаТуркистон ва бутун Россия ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган кўплаб воқеа ва ҳодисалар маърифатпарварларнинг оқими ҳаракати билан боғлиқдир. 1917 йил тўнтаришдан кейин маърифатпарварлар ўз қарашларини турли шаклларда давом эттирдилар. Улар ғоят мустаҳкам, иймон эътиқодли бўлганликларидан ўз йўлларидан қайтмадилар.

Айниқса, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистоннинг келажагини унинг янги кадрларида, мутахассисларида ва ўқимишли ёшларида деб биларди. Шунинг учун ҳар бир ёзган мақоласида янги тараққиётга жавоб берадиган кадрларни тарбиялаб етиштириш масаласини қўярди, ана шундагина ўн йиллар ўтиб, уларнинг орасидан яхши ўқимишли муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва шу каби етук мутахассислар етишиб чиқади, деган умидда эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан.Тошкент “Ўқитувчи”. 2002. –Б.28-29.
2.Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т: Маънавият, 2002. – Б. 23., Жадидчилик: Ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., “Университет”, 1999.
3.Қосимов Б. Миллий уйғониш.– Б. 26.
4.Каримов Н. Миллий уйғониш даврида ўзбек адабиёти. Т: Маънавият, 2003. – Б. 65.
5.Кўрсатилган асар. – Б..71.Р.Шарипов.Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан.Тошкент “Ўқитувчи”. 2002. –Б.3-4.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА ТИББИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ИШИ ТАРИХИДАН

Б.Ш.Тошпўлатов,
Қарши давлат университети таянч докторанти

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон тиббий таълим тизимининг ўзига хос тарихи, хусусан, тиббиёт билим юртларининг очилиши ва уларнинг турли тарихий даврлардаги фаолияти, Тошкент шаҳри тиббиёт билим юртлари, Андижон фельдшер-акушерлик мактаби, Қарши ва Термиз тиббиёт билим юртлари ҳақида тизимли маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, тиббий-санитария, тиббиёт, тиббиёт билим юртлари, Ўзбек Давлат тиббиёт институти, Андижон фельдшер-акушерлик мактаби, Қарши тиббиёт билим юрти.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантиришда шу соҳа таълим муассасалари фаолиятининг ўзига хос ўрни бор. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббий таълим тизини ривожлантириш ишига ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майда ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори[11], 2020 йил 7 апрелда ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди[8]. Қарорга мувофиқ соҳада қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, тизим тарихини тадқиқ қилиш мазкур қарор ижроси учун хизмат қилади.

Ўзбекистон тиббий таълим тизимининг ўзига хос тарихи бор. Хусусан, тиббиёт билим юртларининг очилиши ва уларнинг турли тарихий даврлардаги фаолиятини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Советлар ҳокимияти йилларида ҳам тиббий кадрлар тайёрлаш, даволаш масканларини мутахассислар билан таъминлаш масаласига муайян даражада эътибор қаратилди. 1931 йил 1 июнда ВКП (б) МКнинг “Тиббиёт кадрлари ҳақида”ги қарори, 1931 йил 5 сентябрда СССР МИКнинг “Шифокорлар тайёрлаш ҳақида”ги қарори, қабул қилинди. Ўзбекистонда илк тиббиёт институти 1930

йил республика шифохонаси базасида Самарқанд шаҳрида очилиб, Ўзбек Давлат тиббиёт институти деб номланди[10]. Бу таълим муассасаси Ўрта Осиёдаги биринчи мустақил тиббиёт институти эди.

Тиббиёт соҳасининг фаол бўғинидан бири-ўрта тиббий хизмат ходимларидир. Аҳоли соғлиғини сақлаш ва даволашда ҳамширалар, фельдшерлар, акушер-доялардан катта масъулият талаб этилади. Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида ўрта махсус тиббиёт ходимлари тайёрлайдиган қатор ўқув муассасалари ишлаб турди. 1940 йил Ўзбекистонда 23 та, 1950 йил 12 та, 1957 йил 14 та тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус ўқув юртлари фаолият олиб борди[12].

Тошкент шаҳрида тиббиёт билим юртлари 1940 йилда 8 та, 1957 йилда 3 та эди. Республика вилоятларида бу даврда асосан биттадан тиббиёт билим юртлари фаолият юритди. Ушбу ўқув муассасаларига талабалар қабули масаласида ҳам ҳудудлар ўртасида жуда катта фарқлар сақланиб қолди. 1950 йил Тошкент шаҳри тиббиёт билим юртларига 694 нафар талаба, Андижонда 88 та талаба, Қашқадарёда 93 та талаба, Сурхондарёда 34 та талаба, Хоразмда 60 та талаба қабул қилинди. Аҳоли сони, даволаш муассасалари сони ортса-да, аммо тиббиёт билим юрти талабалари контингенти ўзгаришсиз қолди. Масалан, Хоразмда 1957 йилда ҳам бу турдаги билим юртига қабул қилинган талабалар сони 60 тадан ортмади. 1940 йил Ўзбекистонда тиббиёт билим юртларида жами 4707 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1957 йил уларнинг сони 7783 та бўлди[13].

Ўзбекистон вилоятларида ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш билим юртлари турли даврларда ташкил этилди. Масалан, Андижон фельдшер-акушерлик мактаби 1935 йилда ташкил этилган. Аммо ўқув муассасаси 1953 йили ҳам ўз биносига эга эмас эди. Шу йили бу мактабда 336 нафар талаба таҳсил олиб, мактаб Андижон шаҳар шифохонасининг иккинчи қаватида мослаштирилган бинода фаолият юритди[1].

Наманган тиббиёт билим юрти 1938 йили ташкил этилиб, ўқув муассасаси очилган йили 12 нафар ўқитувчи Ф. И. Климинов раҳбарлигида 123 нафар талабага ўқув машғулотларини бошлайди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги фақат 4-синфни тугатган бўлиб, ўша даврда улар энг саводли деб ҳисобланган. 1945 йили Наманган тиббиёт билим юрти фельдшер-акушерлик мактабига айлантирилди. Уруш йиллари бу мактабга нафақат наманганлик ёшлар, шу билан бирга РСФСР, Украина, Белоруссия, Латвия ва Литвадан эвакуация қилинган ёшлар ҳам қабул қилиниб, бу даврда билим масканида 6231 нафар ўрта тиббиёт ходимлари тайёрланди. 1951 йил бу тиббиёт мактаби яна билим юртга айлантирилиб, 1960 йили Андижон фельдшер-акушерлик мактаби билан бирлаштирилди[4].

Наманган тиббиёт билим юртига 1963–1964 ўқув йилида режа бўйича акушерлик бўлимига 66 нафар ўқувчи қабул қилинди[2]. 1963 йил Наманган тиббиёт билим юрти учун янги ўқув биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Билим юртини тугатган профессор С. П. Пўлатов, фан номзодлари И. Турғунов, И. Усмонов, Х. Муртазаев, М. Мирсайдуллаев ва бошқалар тиббиёт илмининг таниқли намояндалари бўлди[5].

Ўзбекистонда ўрта тиббий хизмат ходимларини тайёрланйдиган дастлабки билим юрти 1920 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилди ва кейинги йилларда улар сони анча кўпайиб, 1980 йилга келиб республикада жами 37 та тиббиёт билим юртлари фаолият кўрсатди. Бироқ ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўрта тиббий хизмат ходимларини тайёрлаш даражаси давр талабидан орқада қолган эди[13].

1946 йил 21 февралда жанубий вилоятларидаги энг дастлабки тиббиёт билим юрти Қарши шаҳрида ташкил этилди. Бу билим маскани дастлаб фельдшер-акушерлик мактаби сифатида иш бошлади. Мактаб ташкил этилган биринчи йилларида ўқув хоналари, талабалар учун ётоқхоналар, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар етишмаслиги сабабли анчагина қийинчиликларга дуч келинди. 1947 йилда Қарши тиббиёт билим юрти қурилишига 270 минг сўм ажратилган бўлиб, бино қурилиши айрим ташкилот раҳбарларининг айби билан бир неча йилга кечиктирилди. Фақат 1954 йилга келиб Қарши тиббиёт билим юрти бир мунча талабларга жавоб берадиган 12 хонали янги ўқув биносига кўчиб ўтди.

Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган Термиз тиббиёт билим юрти эса 1945 йилда ташкил қилинди. 1960 йил мартида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бирлаштирилиши муносабати билан Термиз тиббиёт билим юрти Қарши тиббиёт юртига қўшилди. Бу эса мазкур ўқув масканлари учун қатор муаммоларни келтириб чиқарди, чунки Қарши тиббиёт билим юртининг моддий базаси шундоқ ҳам ночор бўлиб, Термиз тиббиёт билим юртининг қушилиши билан аҳвол янада оғирлашди. Шу тариқа Қарши тиббиёт билим юртида 850 та талаба ўқий бошлайди. Билим юрти ўқув биноси эса 300 кишига мулжалланган бўлиб, бирлашгандан сўнг дарслар 3 сменада олиб борилди. Ўқув хоналари, ўқитувчиларнинг етишмаслиги талабаларнинг қониқарли билим олишларига салбий таъсир кўрсатиб, тайёрлаб чиқарилган кадрлар сифатининг пасайишига сабаб бўлди. Бунинг устига тиббиёт билим юртларида талабаларни ўқитиш иши устидан ўрнатилган назоратнинг етарли эмаслиги ўқитувчиларнинг ўз хизмат вазифаларига сосвуққонлик билан ёндошувларига сабаб бўлди.

Тиббиёт билим юртида кабинетлар, лаборатория хоналари ташкил қилиш борасидаги қатор камчиликлар дарс машғулотлари сифатига салбий таъсир кўрсатди. Ҳолбуки, тиббиётнинг турли хил

йўналишлари бўйича махсус кабинет ва лабораториялар ёрдамида дарсларни олиб бориш талабаларнинг малакали билим олишларида кенг имкониятларни очиб берган бўлар эди[6].

Дарс машғулотларнинг самарадорлигини оширишда ўқув дарсликларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бироқ советлар даврида республикадаги тиббиёт билим юртларидаги талабаларинг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этсада, аммо мавжуд дарсликлар асосан рус тилида эди. Туманлардан ўқишга келган талабалар учун она-тилидаги дарсликларнинг йўқлиги уларнинг мукаммал билим олишларига халақит берди.

Билим юрти талабаларнинг фақат 18 фоизи ётоқхоналар билан таъминланди. Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳисобга олиб, 1963 йилда Термиз тиббиёт билим юрти Қарши тиббиёт билим юртининг филиали сифатида қайтадан ташкил этилди.

1964 йил 8-февралда ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 74-сон “Республика ўрта тиббий таълимини келгусида ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоятларда тиббиёт билим юртлари талабаларини ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилади.

1966 йил 5 апрелда Шаҳрисабз тиббиёт билим юрти ташкил этилди. Қарши ва Термиз тиббиёт билим юрти талабалари учун янги ётоқхона бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Қарши тиббиёт билим юрти 1946-1990 йиллар мобойнида 20 минг ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаб чиқарди[7].

Қарши ва Термиз тиббиёт билим юртлари тиббиётнинг барча соҳалари учун ўрта тиббий хизмат ходимларини тайёрласалар, Шаҳрисабз, 1982 йил 14 июлда очилган Шеробод ва 1983 йил 9 сентябрда ташкил этилган Деннов тиббиёт билим юртлари асосан ҳамширалар ва фельдшерларни етиштириб чиқарди[9].

Жанубий вилоятлардаги мазкур тиббиёт билим юртлари даволаш муассасаларининг ўрта тиббиёт ходимларига бўлган талабининг деярли қондириб келди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлар малакасини доимий равишда ошириб бериши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикада ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, уларни ишга тақсимлаш бўйича бошқарув ва мувофиқлаштириш ишлари олиб борилмаган. Бундан ташқари ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш ишларида ҳам қатъий режалар мавжуд эмас эди. Масалан, 1990 йилларда Ўзбекистондаги ўрта тиббиёт ходимларининг фақат 7, 1 фоизи тоифага эга эди[3].

Хуллас, Ўзбекистонда тиббий таълим ишининг йўлга қўйилиши жуда оғир шароитларга тўғри келди. Дастлаб ўлкада тиббиёт ҳамширалари, фельдшерлик ва акушерлик мактаблари очилиб, улар даволаш муассасаларига ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаб берди. Аста-секинлик билан Республиканинг қатор шаҳарларида тиббиёт билим юртлари очилди. Мазкур таълим муассасалари даволаш муассасаларини ўрта маълумотли тиббиёт кадрлари билан таъминлашда муҳим роль уйнаб келди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Андижон вилояти давлат архиви, 607-фонд, 1-рўйхат, 44-йиғма жилд, 54-варақ.
2. Андижон вилояти Давлат архиви, 607-фонд, 1-рўйхат, 326-йиғма жилд, 95-варақ.
3. Менликулов П. Р., Мухамедияров Р. Г. Совершенствование работы среднего медицинского персонала в республике // Медицинский журнал Узбекистана.– 1991–№ 8.– С. 68 – 69.
4. Наманганское медицинское училище имени Э. И. Атаханова.– Ташкент: Медицина, 1988.– С. 3–5.
5. Наманганское медицинское училище имени Э. И. Атаханова.– Ташкент: Медицина, 1988.– С. 8.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви (ҚВДА), 17-фонд, 1-рўйхат, 28-29-варақлар.
7. ҚВДА, 193-фонд, 1-рўйхат, 144-иш, 72-75-варақлар.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2020 й., 07/20/4666/0402-сон.
9. Рустамов Н. Қарши тиббиёт билим юрти тарихи.–Қарши.: Насаф,1995.–Б.5.
10. Самаркандский Государственный медицинский институт имени академика И.П.Павлова (Краткий справочник) Т., 1962. С.4.
11. Халқ сўзи, 2017 йил 6 май.
12. Здравоохранение в Узбекской ССР (Ст. сб.). – 1958.– С. 159.
13. Здравоохранение Узбекистана в цифрах и документах. Ст сборник.–Ташкент 1987.– С.136.

ЎЗБЕКИСТОНДА БЛОГЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Н.М.Нуманов,
Ўзбекистон Республикаси ДХХ олий мактаби
203-гуруҳ тингловчиси

Аннотация

Мақолада ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида хозирги кунда Ўзбекистонда блогерлик фаолиятига яратилган шарт-шароитлар ва блогерлик фаолиятининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги маъсулияти ва жавобгарлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Конституция, ахборотлаштириш, эркинлик, кафолатлар, веб-сайт, интернет, тармоғ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда блогерлик фаолияти бир қатор қонун ва меёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, маълумотларни излаш, олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг бошқа масалаларига қаратилган асосий қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунлардир.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 моддасига мувофиқ “Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқтиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилга ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасноди.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина чекланиши мумкин”[1] деб белгилаб қўйилган. Яъни, муаллиф қонун билан чекланган (тақиқланган) маълумотлардан ташқари ҳар қандай маълумотни тарқатишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра «блогер – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс” дея таърифланади[2].

Шу билан бирга “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6 моддаси ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 12 моддасининг 1 қисмига биноан веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан:

- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш; уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш; давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;
- миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;
- порнографияни тарғиб қилиш;
- қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.

Ушбу модданинг javascript:scrollText(2458938)ва javascript:scrollText(2458954)белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган талабларни бузганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Маълумот учун: “қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар”га мисол сифатида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг туҳмат ва ҳақорат учун жавобгарликни белгилайдиган моддаларини 40 ва 41 моддаларини, жиноят кодексининг 139 ва 140-моддаларини келтириш мумкин.

Жумладан, жиноят кодексининг 244-моддаси 1 бандига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу моддага биноан оммавий ахборот воситалари ёки телекоммуникация тармоқлари ҳамда Интернетнинг бутун дунё ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилган қуйидаги ҳаракатлар беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган:

- диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини ўз ичига олган, фуқароларни мажбуран кўчиришга чақирадиган ёки аҳоли ўртасида ваҳима қўзғатишга қаратилган маълумотларни ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш;

- фуқаролик розилигини бузиш, туҳмат қилувчи, беқарорлаштирувчи уйдирмалар;

- жамиятдаги белгиланган хатти-ҳаракатлар қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш, шунингдек диний экстремистик, террористик ташкилотларнинг атрибутлари ёки белгиларини тарқатиш ёки намойиш қилиш.[3]

Ҳозирда Интернет орқали содир этилган ижтимоий хавфлилик даражаси нисбатан паст бўлган ҳуқуқбузарликлар ва ҳаракатлар учун (ҳақоратли ёки бошқа номақбул “пост” ларни жойлаштириш, ноўрин изоҳларни ўчирмаслик) жазони белгилайдиган алоҳида қонун ёки қоидалар мавжуд эмас.

Бироқ, Интернет орқали жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни амалга оширган шахслар, ушбу ҳаракатлар учун умумий жавобгарликни белгилайдиган тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40 ва 41 моддалари ва Жиноят кодексининг 139 ва 140 моддалари Интернетда “пост” ёки шарҳлар юбориш орқали бошқа шахсга туҳмат қилгани ёки ҳақоратлагани учун жазоланади.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган санкциялар фақат ҳуқуқбузарликни бевосита содир этган шахсларга нисбатан қўлланилишини таъкидлаш лозим.

Амалдаги қонунчилик ОАВ ва блоггерларнинг жавобгарлигини бошқа шахсларнинг оммавий ахборот воситаларига ва блоггерларга тегишли веб-сайтлар (веб-саҳифалар) орқали жиноий ёки бошқа жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни содир этишига йўл қўймаслик вазифасини юклайди.

Умумий асосда, қоида тариқасида, ҳар қандай шахс ўзи томонидан содир этилган ноқонуний ҳаракатлар ёки ҳаракасизликлар учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик жавобгарлигининг бир шакли ҳам мавжуд. Интернет орқали туҳмат, ҳақорат ёки бошқа турдаги нотўғри маълумотларни тарқатиш натижасида ўз шаъни, қадр-қиммати ёки ишбилармонлик обрўсига зарар етказган деб ҳисоблаган фуқаро, фуқаролик кодексининг 100 моддасига мувофиқ, рад этишни талаб қилишга ҳақлидир. Шунингдек, нотўғри маълумотларнинг тарқалиши сабабли йўқотишлар ва маънавий зарарни қопланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга юридик шахснинг ишбилармонлик обрўсини ҳимоя қилишда ҳам қўлланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 807-сон қарорига муофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 707-сонли қарорига ўзгартиришлар киритилди.[4]

Қарорга мувофиқ, буйруқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлатилиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига нисбатан киритилади.

Ушбу қарорнинг 4.1 бандида келтирилган ҳолатлар веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифасида жойлаштирилган ахборотга ушбу веб-сайт фойдаланувчилари томонидан қолдирилган шарҳлар матнида, шунингдек ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларда аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юборилади.

Қарорнинг 4.2 бандида веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби белгиланган.

1. Мазкур тартиб веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифасида жойлаштирилган ахборотга ушбу веб-сайт фойдаланувчилари томонидан қолдирилган шарҳлар матнида, шунингдек ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларда (кейинги ўринларда ахборот ресурслари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотлар аниқланган ҳолатда веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга ушбу ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартибини белгилайди.

2. Ушбу тартибнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш имкони мавжуд бўлган ахборот ресурсларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази (кейинги ўринларда - Марказ) томонидан ахборот ресурсларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотлар аниқланганда марказ томонидан 24 соатдан кечиктирмасдан ахборот ресурслари эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома (кейинги ўринларда хабарнома деб аталади) юборилади.

4. Хабарнома марказнинг расмий ахборот ресурслари (электрон почта, ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерлардаги расмий саҳифа) орқали электрон шаклда юборилади.

5. Хабарномада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот жойлаштирилган ахборот ресурсининг номи, ахборот жойлаштирилган сана кўрсатилади, тақиқланган ахборотга ҳавола ва унинг экрандаги тасвири нусхаси илова қилинади, шунингдек қўшимча равишда ушбу ахборотни тарқатиш учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик тўғрисида маълумотлар келтирилиши мумкин.

6. Ахборот ресурси эгаси, шунингдек блогер хабарномани олган вақтдан бошлаб 24 соатдан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаши, шунингдек бу тўғсирида марказни унинг расмий ахборот ресурслари орқали электрон шаклда ёки қоғоз шаклида хабардор қилиши лозим.

7. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот ушбу тартибнинг 6 бандида кўрсатилган муддатда ахборот ресурси эгаси, шунингдек блогер томонидан олиб ташланмаса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки марказ томонидан ушбу ахборотни олиб ташлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот жойлаштирилган ижтимоий тармоқ ёки мессенжер маъмурига ёки даъво аризаси билан судга мурожаат қилиниши мумкин”[5].

Ўзбекистонда электрон ахборот маконининг кенгайиб бораётганлиги мазкур соҳага жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда блогерлик фаолияти ривожланиб бормоқда ва аҳолини аҳборот билан таъминлашда уларнинг роли тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга блогерлик фаолиятининг ижтимоий-сиёий жараёнларга ижобий ва салбий таъсирини доимий равишда мониторинг қилиб бориш керак. Бунинг учун ривожланган давлатларнинг мазкур соҳани тартибга солиш тажрибасини ўрганиб Ўзбекистонда жорий этиш лозим. Яъни, блогер бўлиш тартибини ишлаб чиқиш, блогерлар уюшмасини ташкил этиш ва солиқ тўлаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда блогерлар жавобгарлигини тўлиқ мужассам этадиган алоҳида меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш лозим.

Адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 2014. www.lex.uz/pages
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2020. www.lex.uz/pages
4. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.12.2020 й., 09/20/807/1665-сон). https://lex.uz/docs/5185326.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 24 декабрь.

ҚИЗИЛҚУМ - ҚАДИМГИ ОДАМЛАРНИНГ МАНЗИЛ МАКОНИ СИФАТИДА

М.Жалилов, НавДПИ Магистратура бўлими
1-босқич талабаси,
Илмий раҳбар: **У.Нарзуллаев**,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Аннотация

Мақолада Қизилқум энг қадимги даврлардан бошлаб ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилганлиги Оёқоғитма манзилгоҳи мисолида таҳлил қилинади. Манзилгоҳда олиб борилган илмий изланишлар, тадқиқот натижалари, топилган археологик материаллар, тошга ишлов беришнинг мураккаб жараёнлари ўрганилган. Ушбу ёдгорлик Ўзбекистон неолит ёдгорликлари ичида энг қадимги ёдгорликлардан бири эканлиги исботини топди.

Калит сўзлар: Қизилқум, Оёқоғитма, неолит, Ўзбекистон-Франция қўшма археологик экспедицияси, Ўзбекистон-Польша халқаро археологик экспедицияси, тош индустрияси, нуклеуслар, ретушли тош қуроллар

Қизилқум минтақаси ҳамма вақт ҳам қуруқ чўлдан иборат бўлмаган. Палеолит даврида Қизилқум аҳоли яшаши учун қулай муҳитдан иборат бўлган. Қадимда Қизилқум ҳудуди қулай экологик табиий шароитлар, шунга мос фауна ва флора ҳукм сурган бўлиб, маҳаллий ибтидоий маданиятларнинг юқори даражада тараққий қилишини таъминлаган ва уларнинг кенг тарқалишига замин ҳозирлаган. Археолог А.Виноградов Ер юзида Ўрта Осиё текисликларидек одамзот томонидан ўта зич жойлашган ҳудудларни топиш қийин ва бу ҳолат табиий шароитлар билан боғлиқ эди дея таъкидлайди[1:234].

Қизилқум чўлида археологик материалларнинг топилиши бу жойларда қадимда табиий шароитлар ҳозиргидан бирмунча бошқача бўлган деган хулосага келишга асос бўла олади. Биламизки, ҳудудларда одамларни яшаши табиий омилларга, жумладан, сув мавжудлигига боғлиқ. Ўрта Осиё чўлларининг қадимги одамлар томонидан ўзлаштирилишининг асосий омили ушбу ҳудудларнинг сув билан таъминланганлигидадир. Бундай доимий сув манбалари бўлиб Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё каби дарёлар хизмат қилган. Уларнинг серсувлиги маҳаллий ҳудудларнинг иқлим шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Қизилқум ҳудудидаги тақирлар атрофида қадимги одамларнинг яшаганлиги сабабли, уларни серсув бўлганлиги ва қадимги дарё ўзанларининг ўзгариб турганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Энг муҳим ва барқарор сув манбаи ҳар доим энг катта дарёлар - Амударё, Сирдарё ва Зарафшон водийлари ҳамда дельталар эди. Ўрта палеолит даври (милоддан аввалги 100-40 минг йиллик) га оид ушбу дарёларнинг дельта ҳудудларидан энг кўп археологик ёдгорликлар топилган. Тадқиқотлар неолит даврига оид ёдгорликлари - Оёқоғитма, Қарақота, Лавлакон, Бешбулоқ, Мингбулоқ, Кўчбулоқ каби манзилгоҳлар мисол бўла олади.

Оёқоғитма манзилгоҳи Конимех туман марказидан 80 км узоқликда жойлашган. Бу ҳудудда XX асрнинг 70 йилларида олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, ибтидоий одамларнинг 400 га яқин манзилгоҳлари аниқланган[2].

Кейинги изланишлар 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти ва Варшава тадқиқотлар университети етакчи мутахассислари билан ҳамкорлигида олиб борилган. Манзилгоҳ 1995 йилда Ўзбекистон-Польша халқаро археологик экспедицияси томонидан дала қидирув ишлари натижасида аниқланди ва тадқиқот ишлари ўн йил давом этди. Ёдгорликнинг қатламларидан бир қанча намуналар олинди. Оёқоғитма маконининг даврий хронологияси ишлаб чиқилди. Унга кўра ёдгорликнинг маданий қатламлари 7180±20дан то 4460±80 минг йилликлар билан саналанди[3:100]. 2006 йилда К.Шимчак ва М.Хўжаназаровларнинг “Қизилқумдаги неолит даври макони Оёқоғитма ва бошқа топилмажойлар” номли монографияси нашрдан чиқарилди. Ушбу асарнинг асосий мақсади Ўзбекистон-Польша халқаро экспедициясининг жанубий-шарқий Қизилқумнинг неолит даври бўйича 1995-1999 йиллар ва 2002-2003 йилларда олиб борган археологик тадқиқотлари натижаларини тақдим қилишдан иборат бўлди. Бунда асосий эътибор илк неолитга оид Оёқоғитма маконини тадқиқоти натижаларига қаратилган. Унда таъкидланишича, Оёқоғитма макони тадқиқи натижалари ҳудуддаги ибтидоий даврга оид қатор муаммоларга янгича қараш имконини беради.

ЎзРФА Археология институти катта илмий ходими Гречкина Татьяна Юрьевна ва Варшава университети профессори Карол Шимчак раҳбарлигида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра бу ерда ибтидоий одамларнинг содда (примитив) меҳнат қуроллари, ўчоқ қолдиқлари, сопол буюмлари синиқлари топиб ўрганилган. Археологларнинг фикрга кўра мазкур манзилгоҳ ёши 5-5,5 минг йилни ташкил этади. Манзилгоҳнинг характерли томони шундаки, бу ердан кўплаб майда буюмлар топилган бўлиб, улар камон ва гарпун учлари, ўткир тишли меҳнат қуроллари ясашда фойдаланишган. Шунингдек, манзилгоҳдан кесувчи, арраловчи ҳамда ҳайвон терисига ишлов берувчи чақмоқтошдан ишланган тош қуроллари ҳам топилган. Меҳнат қуроллари тайёрлаш учун зурур бўлган чақмоқтош эса манзилгоҳ шимолида жойлашган, узоқ бўлмаган шахталардан олишган.Тош қурроллари ясашда дастлабки устахона бўлган. Ўзбек-Польяк қўшма археологик экспедицияси томонидан очилган Оёқоғитма макони ноёб ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Ёдгорликни ўрганиш ишлари 2005 йилдан Ўзбекистон-Франция қўшма археологик экспедицияси томонидан давом эттирилади[4:308-328]. Натижада, Оёқоғитма макони илк неолитга оид қатламларининг кўп сонли тош индустрияларини замонавий типологик, морфологик ва технологик услублар ёрдамида тадқиқ қилина бошланди .

2005-2012 йилларда Ўзбекистон-Франция халқаро экспедицияси томонидан Оёқоғитма маконини қазиш ишлари давомида қўлга киритилган археологик материаллардан, дунёнинг энг илғор типологик ва технологик тадқиқот услубларидан, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилди.

Маълумки, А.Виноградов бўйича “Калтаминорнинг илк босқичи - Дарёсой материаллари 6000-5000 йиллар” билан белгиланган бўлса, халқаро экспедициянинг Оёқоғитмадаги тадқиқотлари ушбу санани 8000-7500 йилларгача қадимийлаштирди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Калтаминор маданиятига оид Оёқоғитма ёдгорлигида турли фан соҳалари (палеоботаника, археозоология, полинология, микроиқлим, геология, седиментология, микроморфология, топография) 40 га яқин

мутахассислар изланишлар олиб боришди. Калтаминор тарихий-маданий бирлиги географик жиҳатдан чўл даштлар (Россия, Урал), энг қадимги деҳқончилик воҳалари (Туркманистон ва Ўзбекистон), тоғли ва тоғолди ҳудудлари (Тожикистон ва Афғонистон) туташган чорраҳада жойлашган. Бу холат Калтаминор маданиятини ўрганиш нақадар аҳамиятга эга эканлиги англатади.

Оёқоғитма макони илк неолитга оид қатламлари тош буюмларининг типологик таснифи Калтаминор маданиятининг илк босқичларини характерлайди. Бу ерда Калтаминорнинг бошқа қадимги комплексларида бўлгани каби кам сонли геометрик трапециялар (шу жумладан, шохсимон трапециялар), қирралари ўтмаслаштирилган микролитлар шунингдек, қирралари ўйиб-кертиб ёки тишсимон қилиб ишлов берилган буюмлар учрайди. Ушбу буюмларни ясашда асосан кулранг ва жигарранг кремнийлардан фойдаланилган. Тадқиқ қилинган тош қуроллар таркибига кўра айтиш мумкинки, Оёқоғитмада ҳайвон териларига, суякка ва ёғочга ишлов бериш каби хўжалик турлари фаол амалга оширилган. Кейинги илмий изланишлар тадқиқотчи Х.Хошимов томонидан олиб борилди. Тадқиқотчининг “Оёқоғитма макони - илк неолит даври тош индустрияси” номли тарих фанлари археология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида Оёқоғитма макони 9-5-маданий қатламлари илк неолит даврига оид тош материаллар замонавий типологик усул ёрдамида тадқиқ қилинди. Ўтказилган тадқиқот натижасиларига кўра Оёқоғитма маконининг 9-маданий қатламидан жами 24 та тош буюм аниқланган.

Улардан 2 таси суб крестлашган пластинка, 2 таси проксималь микропластинка, 12 таси медиаль микропла-стинка, 1 таси қирраларидан бири ўтмаслаштирилган дисталь микропластинка, 1 таси ретушланган проксималь пластинка, 1 таси проксималь пластинка, 2 таси медиаль пластинка ва 3 таси медиаль пластиналардир. Кўриниб турибдики, 9-қатлам индустриясида микропластинкалар кўпчиликни ташкил қилади. 8-маданий қатламнинг тош индустрияси. Тўпламда 4 та қозиқсимон ва 1 та призмасимон нуклеуслар мавжуд. Оёқоғитма маконининг 7-маданий қатламидан жами 1270 та тош буюм топилган бўлиб, шулардан 4 таси нуклеус, 336 таси учиринди, 320 таси параҳа ҳамда 610 таси пластина, пластинка ва микропластинкалардир.

Оёқоғитма макони 6-маданий қатламидан эса, жами 1876 та тош буюм топилган бўлиб, шулардан 2 таси нуклеус, 614 таси учиринди, 356 таси параҳа ҳамда 904 таси пластина, пластинка ва микропластинкалардир. Оёқоғитма макони 5-маданий қатлам қатламлар ичида энг бой материалга эга ҳисобланиб, жами 3195 та тош буюм топилган. Шулардан 31 таси нуклеус, 770 таси учиринди, 1042 таси параҳа ҳамда 1352 таси пластина, пластинка ва микропластинкалардир. Шундай қилиб, Оёқоғитма макони илк неолитга оид қатламлари тош буюмларининг типологик таснифи Калтаминор маданиятининг илк босқичларини характерлайди. Бу ерда Калтаминорнинг бошқа қадимги комплексларида бўлгани каби кам сонли геометрик трапециялар (шу жумладан, шохсимон трапециялар), қирралари ўтмаслаштирилган қадама микролитлар, шунингдек, қирралари ўйиб-кертиб ёки тишсимон қилиб ишлов берилган буюмлар учрайди. Ушбу буюмларни ясашда асосан кулранг ва жигарранг кремнийлардан фойдаланилган.

Оёқоғитма макони тош буюмларининг ишланиш технологияларида чақмоқлаш усулларининг пайдо бўлиш даври археологик материаллар асосида исботланган. Оёқоғитма макони индустриясида крестлашган чақмоқлаш техникаси кенг ўрин эгаллайди. Макон индустриясидаги микропластинкалар эса асосан эзма техника ёрдамида чақмоқлаб олинган ва уларнинг зарб майдончалари асосан кичик: чизиқсимон ва нуқтасимондир.

Оёқоғитма макони индустриясида учириндилар ҳам катта ўрин тутади. Айрим ҳолларда улардан тош қуроллар ҳам ишланган. Учириндиларнинг зарб майдончалари асосан текис кўринишга эга. Умуман, Оёқоғитма маконида тошларни чақмоқлаш ишлари мураккаб жараён бўлиб, нуклеусларни тайёрлаш ва чақмоқлашда оғир, енгил тош, органик ушатғич, воситачи ва эзма техникалардан ўз ўрнида фойдаланилган. Тўпламда қозиқсимон нуклексларнинг устунлиги ва улардан учбурчаксимон пластинкаларнинг чақмоқлаб олинганлиги ҳам оёқоғитмаликларнинг иқтисодий талабларидан келиб чиққан, негаки уларнинг асосий тош қуролларидан бири геометрик учбурчаксимон қуроллар ҳисобланган. Қуроллар орасида кейинги поғонани тишсимон элементлар банд қилади. Ўйиб-кертилган ёки тишсимон ретушли тош қуроллар Марказий Осиё неолитининг аксарият комплекслари учун хос хусусият ҳисобланади. Навбатдаги ўринда геометрик трапециялар жойлашади. Улар орасида шохли трапециялар ҳам мавжуд.

Ушбу тоифадаги қуроллар ҳам қирралари ўтмаслаштирувчи ретушлаш ёрдамида шакллантирилган. Коллекцияда кам сонли қирғичлар, қирғиччалар, кесгичлар, тўртбурчак қуроллар ҳамда тош бигизлар ҳам учрайди. Шундай қилиб, Оёқоғитма макони индустриясида тош қуролларнинг 11 хил тури мавжуд бўлиб, улар микроретушлар, ўтмаслаштирувчи микроретушлар, тишсимон ва ўйиб-кертиб ишлов берилган. Шунингдек, тўпламнинг қирғичларига тишсимон ретуш берилган бўлса, қирғиччалар ярим тик субпараллель микроретушлаш ёрдамида ишланган. Умуман айтганда, Оёқоғитма маконининг илк неолитга оид комплексларида тошга ишлов беришнинг мураккаб жараёнлари ёки концептуал операциялари ҳукм сурган. Бундан ташқари, оёқоғитмаликлар сифатли хомашёнинг танқис шароитларида яшаганлар. Оёқоғитманинг илк неолитга оид комплексларидан топилган тош

буюмлар тўплами овчилик ва теримчилик воситаларини ишлов беришга қаратилган. Оёқоғитма макони қазишмаларидан топилган археологик материаллар- нуклеуслар, қирғичлар, кесгичлар, тош бигизлар, геометрик микролитлар ва пичоқсимон пластинкалар Самарқанд давлат бирлашган музей-қўриқхонасидаги "Ўзбекистон дунё маданиятлари чорраҳасида" экспозициясига киритилган[5]. Музей экспонатлари орасидан жой олган археологик материаллар ва қазишма чизмалари ватанимизнинг қадимги овчи-термачи қабилаларини маданий-иқтисодий ҳаёти ҳақида музейга ташриф буюрувчиларга маълумотлар бермоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Оёқоғитма макони маълумотларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирда Ўрта Осиё неолити даври ёдгорликларининг хронологик ҳолати ҳам ўзгарди. Яқин кунларгача Жойтун маданияти Калтаминордан қадимгироқ, деб ҳисоблаб келинар эди. Оёқоғитманинг ўрта қатламларидан(5-қатлам) олинган намуналар Калтаминор маданиятини Ўрта Осиёда энг қадимги неолит даври маданиятларидан бири, яъни Жойтун маданиятидан ҳам қадимийроқ эканлигини таъкидлайди[6].

Адабиётлар рўйхати

1. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный лявлакан. Этапы древнейшего заселения и освоения внутренных Кызылкумов. – М.: Наука. 1975. -С. 234
2. Навоий вилояти Конимех ўлкашунослик музейи материаллари.
3. Szymezak K., Khudzhanazarov M. Excavation in Ayakagytma the site, Se Kyzil-Kum, Uzbekistan. Season 1999 // General Rappot. Varsovie-Samarcande, 2004. –P. 1-100
4. Brunet F, The Techhique of Pressure Knapping in Central Asia: Innovation of Diffusion // The Emergence of Pressure Blade Knapping. From Orgin to Modern Experimentation: Springer-Verlag, Heidleberg, 2012. – P.308-328
5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 01-12-10-2143-сон маълумотномаси
6. Хошимов Х. Оёқоғитма макони - илк неолит даври тош индустрияси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Самарқанд, 2019 йил. -Б.20

MUSTAQIL O‘ZBEKISTONDA SIYOSIY PARTIYALARNING RIVOJLANISH TARIXIDAN

S.Iskandarova, NavDPI Magistratura bo‘limi 2-kurs talabasi,
Ilmiy rahbar: **J.Mavlonov,** siyosiy fanlar doktori

Annotatsiya

Ushbu maqolada "siyosiy partiya" tushunchasi atroflicha yoritilgan va O‘zbekistonda mavjud siyosiy partiyalar faoliyati va ularning amalga oshirayotgan funksiyalari ustida mulohaza yuritilgan.

Kalit so‘zlar: siyosiy partiya, siyosiy harakat, ko‘ppartiyaviylik, demokratik taraqqiyot, amorf, fraksiya, jamoat birlashmalari, siyosiy tashkilot.

Bugungi kunda Respublikamizning siyosiy hayotida hamda boshqaruv tizimida siyosiy partiyalar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Buning yorqin dalili O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo‘yicha 2017-2021-yillarga mo‘ljallangan Harakatlar strategiyasining birinchi ustuvor yo‘nalishida «siyosiy tizimni rivojlantirish, davlat va jamiyat hayotida siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish, ular o‘rtasida siyosiy raqobat muhitini shakllantirish» vazifalari belgilab berilgan [1].

Yuqorida belgilangan vazifalarni bajarish maqsadida respublika siyosiy hayotida bir qator muhim o‘zgarishlar amalga oshirildi. Jumladan, mamlakatimiz hududida siyosiy partiyalarning erkin faoliyatini ta’minlash kafolatlari yaratilgan va qonun hujjatlarida mustahkamlab qo‘yilgan. Jumladan: O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiyasi, «Siyosiy partiyalar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasining 1996-yil 26-dekabrdagi Qonuni, «Davlat boshqaruvini yangilash va yanada demokratlashtirish hamda mamlakatni modernizatsiya qilishda siyosiy partiyalar rolini kuchaytirish to‘g‘risida»gi 2007-yil 11-aprelda qabul qilingan Konstitutsiyaviy Qonun, «Siyosiy partiyalarni moliyalashtirish to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasining 2004-yil 30-aprelda qabul qilingan Qonuni hamda yana bir qator qonun hujjatlari siyosiy partiyalarning qonuniy faoliyat yuritishini ta’minlamoqda.

Hozirgi kunda mamlakatimiz hududida beshta siyosiy partiya mustaqil ravishda faoliyat ko‘rsatmoqda. Bular quyidagilar: Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – O‘zbekiston Liberal Demokratik partiyasi (O‘zLiDeP), O‘zbekiston Milliy Tiklanish Demokratik partiyasi, "Adolat" Sotsial – demokratik partiyasi, O‘zbekiston Xalq Demokratik partiyasi va Ekologik partiyalaridir.

Quyida esa siyosiy partiyalarning faoliyati, ularni jamiyatda amalga oshiradigan funksiyalari masalalariga to‘xtalib o‘tamiz. Undan oldin esa «siyosiy partiya» tushunchasiga ta’rif berishimiz lozim.

O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasida partiyaga: «Ijtimoiy guruhlar manfaatlarini ifodalovchi, ularning eng faol vakillarini birlashtiruvchi siyosiy tashkilotlar» [2], – degan ta’rif berilgan.

Taniqli siyosatshunos S.Eldersveld partiyani «demokratiya davri saylovlaridagi kurashlar, ijtimoiy manfaatlarni safarbar qilish va mafkuraviy nuqtayi nazarlarni himoya qilish vositasida siyosiy hokimiyatni egallash uchun raqobatlashadigan, shu tarzda fuqarolarni siyosiy tizim bilan bog‘laydigan guruhlardir. Partiya ijtimoiy va iqtisodiy manfaatlarni bevosita siyosiy hokimiyatga qaratish yoki aylantirishga intilayotgan strukturaviy tizimdir. U siyosiy tan olish, ifoda etish va nazorat qilishga intilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlar majmuasidan tashkil topadi»[3], deb ta’riflagan.

Fikrimizcha, siyosiy partiya – o‘zining doimiy tarkibi va tizimiga ega bo‘lgan, mustaqil jamoat birlashmasi bo‘lib o‘z a’zolarining xohish-irodasini ifodalaydi. Siyosiy partiyalarning huquqiy layoqatlari va faoliyatlari tegishli qonun hujjatlarida belgilab qo‘yiladi [4].

O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimov siyosiy partiyalarga: «Partiya degani – bu mansab uchun, lavozim uchun kurash emas, balki muayyan g‘oya uchun, uning jamiyatda ustuvor bo‘lishi va ro‘yobga chiqishi uchun kurash demakdir»[5], – deya tavsif bergan.

O‘zbekiston Respublikasining «Siyosiy partiyalar to‘g‘risida»gi Qonunida siyosiy partiyaga quyidagicha ta’rif berilgan: «Siyosiy partiya O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining qarashlar, manfaatlar va maqsadlar mushtarakligi asosida tuzilgan, davlat hokimiyati organlarini shakllantirishda jamiyat muayyan qismining siyosiy irodasini ro‘yobga chiqarishga intiluvchi hamda o‘z vakillari orqali davlat va jamoat ishlarini idora etishda qatnashuvchi ko‘ngilli birlashmasidir» [6].

Yuqoridagi ta’rif va tavsiflardagi umumiy jihatlarni inobatga olib, siyosiy partiyalarga quyidagicha ta’rif berish mumkin: «siyosiy partiyalar – bu kishilarni ma’lum bir g‘oya atrofida ixtiyoriy ravishda birlashtirgan, o‘z g‘oyasini hayotga tatbiq etish maqsadida hokimiyat uchun kurash olib boruvchi, o‘zining dasturi, nizomi, tarkibiy tuzilishiga ega bo‘lgan siyosiy tashkilotdir» [7].

Hozirda mamlakatimizda ko‘ppartiyaviylik tizimi to‘la qaror topgan. Ushbu partiyalar respublikamizdagi siyosiy jarayonlarda faol ishtirok etmoqda. Bugungi kunda siyosiy partiyalarning jamiyatimizdagi funksiyalariga to‘xtaladigan bo‘lsak, Sh.Mamadaliyevning fikricha, siyosiy partiyalar quyidagi kontseptual ahamiyatga ega masalalarda o‘zining mustaqil fikri va maqsadiga ega bo‘lishlari zarur:

birinchidan, hokimiyatga, davlatga munosabatda. Hokimiyatda yetakchi mavqega ega bo‘lish uchun kurash siyosiy partiyalar tarixida sinovdan o‘tgan va uzoq asrlik hurlik, demokratiya uchun kurashda sinalgan faoliyat turidir. Bu esa siyosiy partiyalardan davlat va jamiyatni boshqarish, demokratik taraqqiyot yo‘llarini ko‘ra bilishni taqozo etdi;

ikkinchidan, siyosiy partiyalar o‘tish davri talablarini to‘liq ifoda etadigan «davlat barcha islohotlarning bosh tashabbuskori», degan prinsipga o‘z munosabatini bildirib, nafaqat davlat, xuddi shuningdek, o‘zi, ya’ni siyosiy birlashmalar, jamoat tashkilotlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari ham ijtimoiy o‘zgarishlarning tashabbuskorlari bo‘lishi mumkinligi g‘oyasini ilgari surishlari lozim. Agar ular ushbu prinsipni himoya qilolmasalar, hech qachon taraqqiyparvar g‘oyalarning tashabbuskori bo‘lolmaydilar;

uchinchidan, ijtimoiy-siyosiy hayot jadal rivojlanib, yangi-yangi muammolarni hal etishni kun tartibiga qo‘yayotgan hozirgi paytda siyosatshunoslikni haqiqiy ilm, fan sifatida rivojlantirishga ehtiyoj mavjud;

to‘rtinchidan, siyosiy partiyalarda ichki demokratiya deyarli yo‘q. Bahs-munozara ular hayotining mezoniga aylanmagan. Parlamentga saylangan partiya yetakchilari, faollari kelgusi saylovgacha partiya ichki faoliyatini jonlantirishga emas, balki erishgan mandatini, lavozimini saqlab qolishga intiladilar, xolos. Natijada partiya hayoti «amorf» bo‘lib qolishga majbur. Demak, partiyalarda ichki demokratiya va hurfikrlilikni, partiyalararo bahsni, munozarani, o‘zini o‘zi tanqid qilishni shakllantirish mexanizmlarini yaratish zarur;

beshinchidan, partiyalarning quyidan tashkil topishini qo‘llab-quvvatlash kerak. Bu borada mavjud qonunga qo‘shimchalar kiritish talab etiladi;

oltinchidan, quyi palataga saylanadiganlar uchun saylovlarda ochiq-oshkora qatnashish, o‘z huquqlarini himoya qilish, bahs, raqobatlashish imkoniyatlarini beradigan mexanizmlarni yaratish zarur[8].

Siyosiy partiyalarning O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisidagi fraksiyasi Quyidagi huquqlarga ega:

- sessiya kun tartibini tuzishda ishtirok etish;
- O‘zbekiston Respublikasi Bosh vazirini lavozimidan ozod to‘g‘risidagi tashabbus bilan O‘zbekiston Respublikasi prezidentiga murojaat etish;
- sessiya kun tartibidagi har bir masala bo‘yicha muzokaralarda fraksiya vakiliga kafolatlangan so‘z berilishi;
- tegishli ravishda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisiga va O‘zbekiston Respublikasi hukumatiga, vazirlarga boshqa davlat organlarining rahbarlariga so‘rovlar bilan murojaat etish;
- Oliy majlis rahbarlgiga nomzodlar bo‘yicha takliflar kiritish;
- sessiyada muhokama qilinayotgan masalalar bo‘yicha fraksiya fikrini deputatlar orasida tarqatish;
- O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi deputatlari uchun qonun hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa vazifalarni amalga oshirish [9].

Shunday qilib, siyosiy partiyaning bosh vazifasi alohida olingan fuqarolar, ijtimoiy qatlamlar va guruhlar manfaatlarini birlashtirib, ularni siyosiy manfaatlar majmuasi darajasiga ko‘tarish, shuningdek, bu uyg‘unlashgan manfaatlarning ularning hammasi uchun bir xilda ahamiyat kasb etishini ta’minlay olishdir.

Har bir jamiyat turli tabaqa vakillari, turli ijtimoiy guruhlar, sinflar bilashmasidan iboratdir. O‘z-o‘zidan har bir jamiyat oldida unda istiqomat qiluvchi turli qarama-qarshi manfaatlarni bir-biriga muvofiqlashtirish vazifasi turadi. Siyosiy partiyalar esa mana shu qarama-qarshi manfaatlarni o‘zida aks ettiruvchi siyosiy tashkilotlar sifatida jamiyat barqarorligini ta’minlovchi kuchdir.

Olim Sh.Mamadaliyevning fikricha esa, hozirgi zamon siyosiy partiyalarining quyidagi asosiy funksiyalari bor: ijtimoiy; siyosiy; tarbiyaviy; mafkuraviy; metodologik; gnoseologik [10].

Ma’lumki, barcha ijtimoiy munosabatlar qonun vositasida tartibga solinadi. Mamlakatimizda mavjud siyosiy partiyalar yuqorida sanab o‘tilgan funksiyalarni quyidagi huquqiy hujjatlar asosida amalga oshiradi: O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, «Jamoat birlashmalari to‘g‘risida»gi, «Siyosiy partiyalar to‘g‘risida»gi, «Siyosiy partiyalarni moliyalashtirish to‘g‘risida»gi qonunlari hamda «Davlat boshqaruvini yangilash va yanada demokratlashtirish hamda mamlakatni modernizatsiya qilishda siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish to‘g‘risida»gi konstitutsiyaviy qonun.

Ushbu qonunlar mamlakatda ko‘ppartiyaviylik tizimi shakllanishining huquqiy asoslari hisoblanadi. O‘zbekistonda bugun beshta siyosiy partiya tegishli huquqiy hujjatlar asosida o‘z faoliyatini olib bormoqda. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 57-moddasida: «… milliy va diniy ruhdagi siyosiy partiyalarni hamda jamoat birlashmalarini tuzilishi va faoliyati taqiqlanadi»[11].

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 60-moddasida: «Siyosiy partiyalar turli tabaqa va guruhlarning siyosiy irodasini ifodalaydilar va o‘zlarining demokratik yo‘l bilan saylab qo‘yilgan vakillari orqali davlat hokimiyatini tuzishda ishtirok etadilar» [12], – deyilgan. Haqiqatan ham Asosiy qonunning ushbu moddasida ta’kidlanganidek, siyosiy partiyalar hokimiyatning yuzaga kelishida asosiy rolni bajaradi. Ular ko‘rsatgan nomzodlar xalq tomonidan saylanadi. Bu esa siyosiy partiyalar xalq hokimiyatchiligini yuzaga keltirishda asosiy bo‘g‘in ekanligining isbotidir.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, mamlakatimiz hududida faoliyat ko‘rsatayotgan siyosiy partiyalar fuqarolarning to‘laqonli manfaatlarini aks ettirishga harakat qilmoqdalar. Siyosiy partiyalar o‘z vazifalarini uddalay olgan jamiyatda esa barqarorlik hukmron bo‘ladi. Zero, «Bugun zamonning o‘zi siyosiy partiyalarning ish uslubini tubdan o‘zgartirish, ularning aholi eloktarat bilan muloqotini tizimli yo‘lga qo‘yishni talab etmoqda. Endi «mudrab yotgan» siyosiy partiyalar uyg‘onishi lozim. Ular balandparvoz gaplarni chetga surib, aniq amaliy ishlar bilan odamlarimiz, saylovchilar ishonchini qozonishi, ularning qalbidan joy olishi kerak» [13].

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – http: // lex.uz.

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 7. – Т., 2004. – Б. 607.

3. Eldersveld S. Political Parties in American Sociely. N. Y., 1982. P. 11; Political Parties.A Behavioral Analysis.Chicago, 1964. — P. 6. / Манба: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998.

4. Юридик энциклопедия. Т., 2001. 392-б.

5. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2.–Т.,1996.– Б.350–351.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрдаги Қонуни.

7. Мамадалиев Ш.О. Сиёсий ҳокимият ва манфаат. –Т., 1996. – Б.47.

8. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти. 175–176-б.

9. Жураев Н. «Тамаддунга даьват».Т.Узбекистон.2018.Б-17.

10. Мамадалиев Ш. Халқ ҳокимиятчилиги. — Т., 2003. — 44-б.

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2017. – Б.12.

12. Ўша манба.

13. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. –T.: «O‘zbekiston», 2017. 1-tom.-B 554.

ҚУЛОҚЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎЗИГА ТЎҚ ДЕҲҚОНЛАР ВА РУҲОНИЙЛАРНИ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИДАН ЛАВҲАЛАР
(Самарқанд вилояти мисолида)

А.Даминов,
СамВМИ, Гуманитар фанлар,
жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада мустабид тузумда мулкдорлар ва ўрта ҳол деҳқонлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар Самарқанд вилояти мисолида илмий далиллар асосида шарҳланган.

Калит сўзлар: Мустабид тузум, совет ҳокимияти, мулкдорлар табақаси,руҳонийлар табақаси, Самарканд вилояти, синфий кураш, хусусий мулк, ер-сув ислоҳати, иқтисодий соҳа, ижтимоий соҳа, ўрта ҳол деҳқонлар, камбағал деҳқонлар.

Совет ҳокимиятининг сиёсий ва маънавий соҳадаги зўравонлик сиёсати иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги зўравонлик сиёсати билан чамбарчас боғлиқ эди. Айниқса, совет мафкурасининг сиёсий ва маънавий соҳалалардаги «синфий кураш сиёсати» ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янада кескинроқ намоён бўлди. Ижтимоий соҳада синфий кураш мулкдорларни ва уламоларни синфий душман сифатида тугатишда ҳамда диний атеизм сиёсати кўринишида намоён бўлди, иқтисодий соҳада эса бу сиёсат хусусий мулкка қарши кураш ва хусусий мулк эгаларини таъқиб ва тазйиқ остига олишда намоён бўлди.

Совет ҳокимияти асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, ривожланиб келган хусусий мулклар – йирик ер-сувлар, боғлар, далалалар, корхоналар, банклар ва бошқа нарсаларни тортиб олиш ва давлат мулкига айлантириш жараёнида уларнинг эгаларини синфий душман деб эълон қилиб, таъқиб ва тазйиқ остига олди.

Айниқса, Ўрта Осиёда 1925-1929 йиллардаги ўтказилган ер-сув ислоҳатлари давомида йирик мулкдорлар катта талофат кўрди

Масалан, Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездидан 4.125 та хўжаликдан ер мулклари тортиб олинган. Самарқанд уездининг 22 волостида йирик ва ўрта хўжаликларга тегишли ер-мулклари тортиб олинган. Ер-сув ислоҳати комиссияси «Қўшчи» иттифоқи билан биргаликда бу хўжаликларга тегишли бўлган меҳнат қуроллари, чорва молларини ҳам мусодара қилиб, тортиб олган [1].

ВКП (б) МҚнинг 1929 йилнинг 27 июнидаги қарори билан мулкдорларга «қулоқ ва ёт унсур» деган тамғалар ёпиштирилиб, улар советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Шунингдек, уларга бошқарув аппаратида ишлаш ҳам ман этилган» [2].

ЎзССР ХКС 1929 йилнинг 3 августидаги қарорига биноан ёлланма меҳнатдан фойдаланган деҳкон хўжалиги, руҳонийлар табақасидан бўлган имом, муллалар, ўз меҳнат қуроллари ёки биноларини вақтинча ёки доимий ижарага берганлар, ўз хўжалигида тегирмон, мойжувоз ва бошқа ускуналардан фойдаланганлар, йилига 600 сўмдан ортиқ даромад қилганлар қулоқ деб эълон қилинган [3].

Шу меъёрга асосан, 1929-1930 йилларда Самарқанд вилоятидан 1614 та хўжаликлар «қулоқ хўжаликлари» деб баҳоланган. Аммо ҳукуматнинг қулоқ хўжаликларига талаби йил сайин кучайиб, энг оддий деҳқон хўжалиги ҳам қулоқ деб тугатила бошланган. Натижада Самарқанд вилояти 1930-1931 йилларда 3107 та хўжалик «қулоқ» сифатида тугатилган. Ушбу маълумотдан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, «қулоқ» деб аталган хўжаликлар сони бутун республикадаги каби Самарқанд вилоятида ҳам «ўрта ҳол» ва қамбағал деҳқонлар ҳисобига кўпайиб бораверган. Аслида қулоқлаштириш сиёсати хусусий мулк ва мустақил хўжаликларни тугатиб, уларнинг мол-мулкини давлатга тортиб олишга қаратилган эди. Шу мақсадда нафақат ер-сув, ҳаттоки чорва моллари ҳам тортиб олина бошлаган.

Масалан, чорва молларини мусодара қилиш комиссиясининг 1931 йил 4 апрелидаги ўта махфий қарорида, Нарпай туманидан 121 минг, Нурота туманидан 106 минг, Хатирчи туманида 41 минг, Каттақўрғон туманидан 29 минг 900 минг бош қўй тортиб олиш режалаштирилган эди [4].

Бундай ҳолатда ўзига тўк бўлган чорвадорлар чорва молларини яширишга ёки сўйишга мажбур бўлишган. Ҳукумат томонидан уларга нисбатан кескин чоралар қўллаган ва мол-мулкни тортиб олишда давом этган.

Самарқанд бозорида ўз мулкини колхозга топширишни истамаган мулкдорлар иш ҳайвонларини сота бошлаганлар. Бозорларда: Сотмасанг, барибир давлат тортиб олади, яхшиси арзон бўлса ҳам сотган маъқул» [5]деган фикрлар ҳар куни, ҳар қадамда эшитилиб турарди.

Айниқса, Митан туманида иш ҳайвонларини оммавий равишда сотиш авж олган ва буни ташвиқот қилганлар ҳибсга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилган [6]

Ҳукумат томонидан қанча одамни қулоқ қилиш бўйича маҳсус режа тузилган бўлиб, уни бажариш жараёнида комиссия томонидан турли ҳил адолатсизликларга йўл қўйилган. Масалан, бойнинг ўғли, қозининг ўғли, ўзгалар меҳнатини эксплутация қилувчи, аввал чойхона эгаси бўлган, 6 йил бурун 2 та

чорикори бўлган деган ноаниқ айблов билан ҳам кўпчилик ҳибсга олинганлиги манбааларда қайд этилган.[7].

Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани Сарой қишлоғида истиқомат қилувчи Мусаллам Икромованинг хотиралашича, унинг отаси Икромбой ҳудуднинг мулкдор кишиси бўлиб, саҳоватли бой бўлган. Аммо совет ҳокимияти томонидан олиб борилган қулоқлаштириш сиёсати даврида унинг барча мол-мулки давлат фойдасига тортиб олинган.

ОГПУ органларининг 1930 йилнинг 14 майидаги маълумотида келтирилишича, Самарқанд округининг Икромов (Пастардарғом) туманида жами 126 хўжаликдан жами 50728 сўмлик мол-мулк, яъни, чорва моллари, меҳнат қуроллари, 35823 сўмлик уй-жойлари мусодара қилинган. Янгиқўргон туманидан 61 та хўжаликдан 65559 сўмлик мол-мулк мусодара қилинган [8].

1930 йилнинг 1 февралидан 17 мартигача Самарқанд вилоятидан ҳаммаси бўлиб 127 киши ҳибсга олинган. Шулардан бой, мулкдорлар 81 та руҳонийлар 10 та, ўрта ҳоллар 23 та, камбағаллар 13 кишини ташкил этади.[9].

1931 йилда чорвадор округларда мол-мулкни мусодара қилиш оммавий тус олади. Самарқанд вилоятиниг Хатирчи туманидан 27 хўжалик мулки мусодара қилинди. Улардан 2100 та қоракўл ва 5117 бош бўрдоки қўй мусодара қилинди[10].

Нарпай туманидан 50 та хўжалик мулки мусодара қилинди. Хатирчи туманида 27 хўжалик мулкдор ҳисобланиб, улардан 1853 бош қўй, 313 бош қўзи, 824 бош парранда жами 2990 бош чорва моллари тортиб олинганлиги маълум бўлди [11].

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, партия ва ҳукуматнинг юқори органлари томонидан баъзан режани ҳар қандай усул билан бажариш мақсадида чорвадор хўжаликлардан меъёрдан ортиқ бўлинган деб, чорва моллари ҳам тортиб олинган. Масалан, манбаларда Каттақўрғон туманида шу усулда иш олиб борилганлиги қайд этилади[12]. Шу тариқа совет ҳокимияти ўз шиорларида халқ фаровонлигини оширишга ҳаракат қилаётганлигини эълон қилса-да, амалда халқни охирги чорваси ва бир қарич ерларигача тортиб олган. Бу хўжаликлардан 6555 бош чорва ҳайвони тартиб олинди. Шунингдек, Нурота туманидаги 20 та бой хўжаликларидан 1000 бош қоракўл қўйлари, Нарпай туманидаги 27 та бой хўжаликларидан 4698 бош қоракўл қўйи, 10 бош туя, 99 бош эчки, 8 бош эшак мусодара қилинган, чорва молларини яширганлар судга берилган [13].

Хулоса шуки, жойларда жумладан, Самарқанд вилоятида маъмурий буйруқбозликка асосланган совет бошқарув тизими ўрнатилгач, мулкдорлар ва руҳонийларни «социализмнинг душмани» сифатида йўқотиш белгиланган режа асоисда амалга оширилди. Мол-мулки тортиб олиниб, оммавий раившда «қулоқ» сифатида қатағон этилди. Бу борада маъмурият томонидан адолатсизликлар, суистеъмолларга йўл қўйилди. Бу тадбирни амалга ошириш учун совет ҳокимияти кенг кўламдаги жазо органларини жалб этди.

Адабиётлар рўйхати

1.Трагедия среднеазиатского кишлака: Коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955. Документы и материалы. Т.1. Под редакции д.и.н. 2.Д.А.Алимовой. Т.: Шарк, 2006. – С. 291.
3.Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т.: – Шарк. 2000. – С. 441-445.
4.Иваницкий Н.Д. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класс. – М.: Наука. 1972. С. 50-51.
5.ЎзРМДА, 837-жамғарма, 8-рўйхат, 311-йигма жилд. 100-варақ
6.Ўша жойда. 26-рўйхат. 340-йиғма жилд, 77-варақ.
7.Ўша жойда. 110-варақ.
8.Трагедия среднеазиатского кишлака: Коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955. Документы и материалы. Т.I. Пол редакции д.и.н. 9.Д.А.Алимовой. Т.: Шарк. 2006. С.97.
10.Там же.
11.Коллективизация сельского хозяйства в республиках Средней Азии и Казахстана: опыт и проблемы. Под редакции Т.Б.Балокаева. Алма-ата, Глим, – С.142.
12.Трагедия среднеазиатского кишлака: Коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955. Документы и материалы. Т.I. Пол редакции д.и.н. Д.А.Алимовой. Т.: Шарк. 2006. С.236-237.
13.Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан 1917-1990 годы: противобарства идей и идеологии. – Т., 2002, – С.54.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАРДАН...

Ж.Ё. Дедамирзаев,
Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Фарғона водийсининг ҳудуди, унинг аҳолиси, турли қабилаларнинг жойлашуви ҳамда уларнинг этник тарихи ва лингвистикаси тўғрисида Хитой манбаларида ҳамда совет ва мустақиллик даври тадқиқотларида келтирилган маълумотлар умумлаштирилиб, илмий жиҳатдан хулоса берилган.

Калит сўзлар. Довон, Фарғона водийси, Сима Чян, Хой Чао, Чжан Чян, Бичурин И., Литвинский Б.А., этник тарих, этнография, лингвистика, Европоид, Монголоид, қоришиқ тип.

Фарғона водийси ва унинг илк ўрта асрлардаги аҳолиси бўйича маълумотлар жуда кам бўлиб, бизгача етиб келгани асосан хитой тилидаги манбалар ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда хитой манбалари ва шу манбалар бўйича ишлаган хориж олимларининг изланишларини ўрганиб чиқиб, илк ўрта асрлардаги Фарғона ҳудуди аҳолисининг этник қиёфалари ва тил хусусиятларининг шаклланиши ва қайси йирик гуруҳларга кириши бўйича маълумотлар ўрганилди.

Фарғона ҳудуди бўйлаб қадим замонлардан бери кўплаб савдо йўллари ўтган. Бу Ғарб ва Шарқ ўртасидаги давлатлараро савдода энг муҳим йўл эди. Фарғонани бир неча маротаба бошқа давлатлар босиб олди. Буларнинг барчаси минтақа маданиятининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказганн ва лекин бу йерда содир бўлган этногенетик жараёнларнинг мураккаблиги кўп ҳам таъсир қилмайди[12:44].

Фарғона водийсининг этник тарихини ўрганиш катта қийинчиликларга дуч келади. Улар биринчи навбатда манба базасининг заифлиги билан боғлиқ. Ёзма манбалар жуда кам, аммо Фарғона аҳолисини ва унинг ҳарбий қўшини аниқ ифодаланган. Шундай қилиб, Хитой йилномаларида Ўрта Осиё халқлари ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Улар асосан элчилар, сайёҳлар ва роҳибларнинг маълумотлари асосида шакллантирилган[2:125].

Мил авв II асрда Фарғона водийсига ташриф буюрган Хитой элчиси Чжан Чян қуидагича ёзиб қолдирган: “Ғарбдан Довондан Ансига қадар, аҳолилар турли тилларда гаплашишсада, урф-одатлари бир-бирига жуда ўхшаш ва ўзаро суҳбатларда бир-бирини тушунишади. Одатда бу ҳудуд аҳолисининг кўзлари киртайган бўлиб, соқоли ўсган ҳолда юришган[3:161]. “Син Ҳаншу” йилномасида деярли шунга ўхшаш маълумот берилади. Унда ҳам Ўрта Осиё халқларига хос хусусиятларни такрорланади. Чиншу йилномасида (Чин сулоласининг тарихи) ҳам аввалги йилномалардек, шунингдек, Довон - Фарғона аҳолиси “кўзлари чуқур, кўплари соқол қўйган”[4:188] дея ёзилади.

Антропологик материаллар Фарғона аҳолисининг Европоид ирқига мансублигини ҳам кўрсатади. Бироқ, ушбу материалларда мавжуд бўлган хронологик манбалар минтақада содир бўладиган ентогенетик жараёнлар динамикасини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди. Ҳозирги вақтда антропологик материалларнинг энг кўп миқдори эрамизнинг I минг йилликнинг биринчи ярмига оид қабристонлардан олинган.

Энди биз қадимги Фарғона аҳолисининг антропологик турини шакллантиришнинг бир қанча асосан қадимий босқичини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

I босқич - милоддан аввалги II минг йиллик охири, милодий I минг йилликнинг боши бўлиб бу даврга оид аптропологик материаллар мавжуд эмас, у ҳақда эса Чуст, Далварзин манзилгоҳи ва Водил қабристонининг бош суяклари орқали билишимиз мумкин. Манзилгоҳлар аҳолиси асосан Шарқий Ўрта Ер денгизи Европоид ирқига мансуб эди. Аммо шимолий ҳудуд минтақалардан кўчманчи қабилаларнинг кўчиши натижасида Европоид ирқининг Андронов тури жанубга тарқала бошлади[11:131]. Кўриниб турибдики, ушбу икки тур ўртасидаг қоришиш бу даврда бошланган, уни Далварзиндан топилган бош суягидан ва Водил дафн қилинган бош суякдан билиш мумкин[6:78-79].

II босқич - милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталари, биринчи минг йилликнинг охири. “Актам” қабристонидаги материалларни таҳлил қилиш асосида В. Гинзбург бу даврда Фарғона аҳолиси Европоид ирқининг мезобрахикифал турига мансуб деган хулосага келди ва лекин шу билан бирга “Актам” топилмаларида долихикифал бошсуяклар топилган. Бу эса икки ирқа мансуб инсонлар бир ҳудудда яшагани ва секин-аста қориша бошлаганини кўрсатади. Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида В.В.Гинзбургнинг сўзларига кўра, “Марказий Осиёнинг икки оралиқ типи Фарғонада жуда яхши намоён бўлган”[6:80], бу брахикелизация билан ажралиб туради ва долихификациянинг “Европоиднинг Ўрта Ер денгизи типи”га мансуб маҳаллий аҳолисининг брахикефализацияси натижасияси шаклланади[7:60].

Қанғликларнинг антропологик тури, хуннлар яшаган турдан аниқ фарқ қилади “милоддан аввалги I минг йилликдан бошлаб бу ҳудудда этногенезнинг дастлабки ва энг муҳим босқичларини ўтказди. Европоид ва Монголоидларни аралаштириш жараёни содир бўлади”.

И.В.Перевозчиковнинг таъкидлашича, бундай ҳудуд Шарқий Туркистон бўлиши мумкин, у ерда Марказий Осиё аралашган аҳолисига ўхшаш Европоид популяцияси Монголоид популяциясига яқин жойда яшаган. Бундай одамлар Шарқий Туркистонда Гансу вилоятигача бўлган жойларда Юечжилар яшовчи ҳудудда содир бўлган. Айнан шу ерда Юечжилар Европоид типига мансуб бўлсада Монголоид хусусиятларига эга бўлишган[10:109]. Бу ерда улар Хунн қабилаларининг яқинида яшадилар ва улар Юечжига қарши бир неча бор ҳужумлар уюштирдилар ва уларга зарбалар бердилар. Юечжиларнинг мағлубиятларидан бири уларнинг ғарбга йўл олиши билан тугади. Бу милоддан аввалги II аср ўрталарида содир бўлган.

Манбалар Евроосиё чўлларида содир бўлган кўчманчи қабилаларнинг катта ҳаракатларини батафсил ёритиб беради. Хитой йилномаларида, Юежиларнинг ҳаракати ҳақида ёзилган: Дастлаб Катта Юечжилар Силян тизмаси билан Дунҳуан шаҳри ўртасида бўлган ва Сюннулар томонидан сиқиб чиқарилгач ғарбга кўчган, кейин Дася (яъни Бақтрия)га келиб ва Гуй дарёсигача ҳудудларга жойлашганлар[10:110].

“Катта Юечжилар Сак қабилалари ерларига жойлашишади. Кейин Гунмо ҳудудидаги Усунлар уларга ҳужум қилди ва Катта Юечжини мағлуб этди. Шунинг учун Усун халқи Сак қабилалари аралашмаси билан бир қаторда, Катта Юечжи аралашмасини ўзида акс эттирган.

“Бир вақтлар Юечжилар Сюннулар билан бир хил эди, кейин улар узоқлашди, аввал Довон(Фарғона)га, сўнг Дася(Бақтрия) томонга юриб бордилар”, “шундай қилиб, улар ғарбдан йўлга чиқиб, Довон орқали ўтиб, Дасяга ҳужум қилдилар[13:101].

Биз учун бу хабарларда икки нуқта муҳим аҳамиятга эга. Биринчи, Катта Юечжилар улар сак ерларида яшадилар ва усунликлар ҳамда Сак аралашмалари билан иттифоқга эга эдилар. Иккинчиси, Фарғона орқали ўтиб Ғарбга йўл олганлар. Эҳтимол, Юечжининг бир қисми Фарғонада жойлашиб қолган бўлишлари мумкин. Фарғона, Еттисув, Талас аҳолисига монголоид аралашмасининг қўшилишига сабаб бўлди. Европоид ирқига мансуб бўлган Шарқий Туркистон чўлларида яшовчи аҳолисига Юечжилар орқали монголоид белгилари қўшилади. Кейинчалик улар қўшни бўлган хуннлар билан монголоид белгилари мустаҳкамланади. Ўрта Осиёга келиб, қариндош бўлган халқлар маҳаллий аҳолининг ирқий жиҳатдан шаклланишига катта ҳисса қўшади. Чжан Сяннининг хабарлари Довон (Фарғона) ғарбий томонида жойлашган минтақалардаги тиллар ўртасидаги тафовутлар борлигига ишора қилган. Аммо у бу минтақалар халқлари “бир-бирларининг нутқларини ўзаро тушунишлари”ни таъкидлади[5:122]. Кўринишидан, нутқ бир хил тилнинг сузувчи лаҳжалари ҳақида кетмоқда.

В. Бартолд ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўз тилларида гаплашишига ишонган. У ал-Муқаддасийнинг ҳисоботига иқтибос келтирди, у соғднинг ўз тили бор, Бухоро қишлиқлари аҳолисининг тиллари унга ўхшашлигини ёзади. Улар бир-биридан жуда кам фарқ қилади, аммо у ўзаро тушунишлар мумкин. Бартолд Бухорода сўғд тилининг бир неча лаҳжалари бор деган хулосага келди. У фақат Уструшонда улар соф сўғдий тилда гаплашишларини ёзган. Лекин Фарғона тилидан фарқ қилсада, ўзаро тушуна олишларини қайд этиб ўтади[3:193].

VII асрда Сюан Сзянг “Фарғона халқларининг тили бошқа мамлакатларнинг тилидан фарқ қилади” деб ёзган. Хой Чао ҳисоботида “Фарғона халқларининг тили мутлақо бошқача ва бошқа давлатлар тилларидан фарқ қилади” деб ёзилган. Хой Чао нафақат Фарғона тили, балки Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари тиллари ҳақида ҳам ёзиб қолдирган, масалан, у Хуталонинг тили ҳақида ёзган: бу ҳудуд тили қисман тоҳарча, қисман туркий ва қисман маҳаллийдир[12:58].

Қадимги муаллифларнинг ушбу муҳим маълумотларига эътибор берган И.А.Литвинский Фарғонада туркий тил кенг тарқалган эмас деган қизиқарли хулосага келган ва Б.А.Лившиц I минг йиллик ўрталарида Фарғонада ўзинг тили мавжуд эди; афтидан у Шарқий Эрон тиллари гуруҳига мансуб эди. V аср Марказий Осиёдаги этник жараёнлар туркларнинг кучли таъсири остида ўтди. VII аср охирида улар Соғдда жуда кучли позицияга эга эдилар. Бу вақтга келиб Соғдийлар кучли туркланишни бошидан кечирдилар, бунга Соғд халқларининг туркий аёллар билан тез-тез никоҳлари сабаб бўлган. VII асрнинг бошларида Сўғдни туркча Тархун исмига эга бўлган соғдийлар бошқарган. Шунингдек, Соғдийлар туркий рун ёзуви билан яхши таниш эдилар.

VII асрнинг ўрталарида (627-649 йилларда) турк ҳукмдори Ашина Шуни Фарғонани забт этди ва шу вақтдан бошлаб, бу ҳудуд шошилинч равишда турклар сулоласининг таъсири доирасига кирди. Дастлаб туркий ҳукмдорнинг қароргоҳи Косон, кейин эса Ахсикат бўлиб, кейинчалик улар Фарғонанинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланган эди. Уларнинг маълумотлари кўп жиҳатдан археологик материаллар ва туркий ёзув ёдгорликларининг топилмалари билан тасдиқланган[4:57].

Сюан Сзанг ва Хой Чаоларнинг маълумотлари мос равишда VII ва VIII асрларга тўғри келади. Улар Фарғонада ўз ҳукмдори йўқлигини ва уни турклар бошқарганлигини ёзишади. VII аср бошларида. Фарғонани маҳаллий подшоҳ Алутар бошқарган ва бир аср ўтгач, Хой Чао сафари давомида Фарғонанинг бошқа ҳукмдорга эга бўлмаганлигини ёзган. Фарғонадаги Сирдарёнинг жанубидаги ҳудудлар арабларга бўйсунади, Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Фарғона шимолий вилоятлари ҳокими эса туркларга бўйсунади. Кўринишидан, туркларнинг асосий қисми Шимолий Фарғонанинг девор билан

ўралган минтақаларида жойлашган, деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо эпиграфик топилмаларнинг аксарияти Фарғонанинг жанубий ва жануби-ғарбий ҳудудлари билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда фанда 14 та руник ёзувлар маълум бўлиб, уларнинг энг кўп қисми Исфара водийсидан келган[9:208]. Бу ерда ёзувли хумларнинг тўртта парчаси топилган, улар пиширишдан олдин руник белгиларини ёзиб қўйишган. Бешинчи ёзув Оқтепада (Боткен тумани) уй қазиш пайтида яқин атрофда топилган. Ёзувлар хумнинг ён томонига ёзилган. Ёзувни И.А.Батманов ўқийди. Уни ташкил этган еттита ҳарфнинг олтитаси тўлиқ сақланиб қолган. У қуйидагича таржима қилинади: “унинг ичи ундир”, ёзув идишнинг қийматини белгилайди. Хум ун билан тўлдирилган ва уни сақлаш учун хизмат қилган[1:11-12].

Бошқа топилмалар гуруҳи Фарғона жануби-шарқидаги ёдгорликдан келиб чиқади ва манзилгоҳлар деворларига босилган тўртта имзони ўз ичига олади. Улардан иккитаси Хум сиртларида, биттаси инсон суяклари топилган идишда бўлган. Тўртинчи ёзув Каркидон воҳасидаги Миқтиқўрғон ҳудудидан топилган юпқа деворлининг четига ёзилган[8:34-35].

Ю.А.Заднепровский ёзувлари қишлоқ хўжалигининг аҳолиси фойдаланадиган одатий хумларга ёзилганидан билиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги аҳолиси туркий ёзув билан яхши таниш деган хулосага келади. Бироқ Б.А.Литвинский ва Е.А.Давидович Исфара вилоятидаги туркий эпиграфия ёдгорликларининг кўплаб топилмаларини маҳаллий аҳолининг кенг турклаштирилиши билан изоҳлаганлар. Фарғонанинг жануби-ғарбий тоғ этакларида туркларнинг жойлашиши ва бу ерда вақтинча сиёсий ҳукмронлик қилишларини тарих инкор этмайди, шунингдек, тарихчилар улар ўз ёзувларида ёзишган деб ҳисоблашади[9:208]. Фарғона аҳолиси томонидан ёзилган китобларни ёзиш пайтида фарғоналиклар ушбу ёзувдан фойдаланишган. VII-VIII асрларда Фарғона Турк хоқонлиги таркибига кирган ва шу даврдан Фарғонага туркларнинг кўплаб кўчиб келиши юз беради. Менимча, оммавий кўчириши янги келганлар томонидан маҳаллий аҳолининг бундай тез лингвистик ассимиляцияси билан бирга бўлмаган. Ушбу гипотеза юқоридаги Сюан Сзян ва Хой Чаонинг Фарғона тили ва бошқа халқларнинг тиллари ўртасидаги тафовут тўғрисидаги хабарлари билан тасдиқлаган.

Ёзувларни туркларнинг ўзлари қолдиришган бўлиши мумкин. Охир оқибат, турклар ва ўртоқ аҳоли минтақада уларнинг баъзиларининг ўтроқлашувига олиб келди. Натижада турклар турмуш тарзини ва уй-рўзғор хўжалигининг кўринишини ўзгартириб, ўтроқ аҳолисидан моддий маданиятнинг баъзи шаклларини, қурилиш ускуналарини, уй шароитида озиқ-овқат захираларини сақлаш усулини, кулолчилик усулларини олишади. Эпиграфик топилмаларнинг нисбатан кам сонли қисми, бу ерда туркий аҳолининг оз сонли қисми кўчиб келганлигини таъкидлайди[12].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қадимда Фарғона водийси аҳолиси Европоид ирқига мансуб бўлиб, уларга жанубий ҳудудлардан Монголоид ирқига мансуб аҳоли кўчиб келиши натижасида мил авв I минг йилликда қўшилиши натижасида ўзига хос бўлган Монголоид ирқ белгиларини ўзида акс эттирувчи Европоид аҳоли шаклланган. Уларнинг тил хусусиятлари эса, эроний тил оиласига мансуб бўлиб, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшовчи аҳоли тилидан фарқ қилган. Шундай бўлсада, улар ўртасида суҳбатлар тушунарли бўлган дейилади. Илк ўрта асрларга келиб, туркий қабилаларнинг оммавий кўчиб келиши натижасида аҳоли туркийлашуви кучаяди ва турк тили маҳаллий аҳоли ўртасида асосий тилга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баруздин Ю.Д. Находки на юге Киргизии. – Фрунзе, 1962. – 128 с.
2. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. – МИА, 1952, № 26. – 344 с.
3. Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азии в описаниях Хой Чао (726 г. н. э.) ВДИ, 1952, № 1.
4. Бернштам А.Н. Древнетюркский рунические надписи из Ферганы. – М., 1956, т. 11.
5. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. III. – М , – Л., 1950. – 347
6. Гинзбург В.В., Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. Москва. Издательство Наука. 1972. – 375 с.
7. Гинзбург В.В., Антропологический материалы из Вуадильского и Актамского могильников. КСИИМК, 1957, – 91 с.
8. Горбунова Н.Г. Новые материалы к истории ферганских поселений. // – В. кн. Тез. док. на сессии, посвящ. методам научной работы Гос. Эрмитажа за 1963. – Л., 1964. – 34-36 с.
9. Давидович Е. А., Литвинский Б.А. Археологический очерк Исфаринского района. – Сталинабад, 1955. – 231 с.
10. Кияткина Т.П. Материалы к палеоантропология Таджикистана. – Душанбе, 1975, – 187 с.
11. Крюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – Москва, 1961. – 391 с.
12. Литвинский Б.А. Проблема этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы – М., 1976.
13. Ходжаев Т.К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. – Ташкент, 1981. – 167 с.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИ ВА ШАҲАР АҲОЛИСИ

Д.Т.Абдурасулова
ЖДПИ тарих ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси ўқитувчиси

Тарихий манбаларга қараганда, маҳалла эрамиздан аввалги II асрда пайдо бўлган бўлиб, у асосан катта тепаликларни ҳимоя деворлари билан ўралган қўрғон шаклида бўлган. Қўрғоннинг қуйи қисмида аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Кичик маҳалла шаклидаги аҳоли истиқомат қилувчи масканлар ишлаб чиқариш суръатининг ривожланиши сабабли. кейинчалик катта шаҳарларга айланган. Маҳалла тўғрисидаги маълумотлар Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Махмуд Қошқарий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида кўплаб маълутотлар учрайди. Масалан, Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Берунийнинг "Уй хўжалигини юритиш тўғрисида", Махмуд Қошқарийнинг "Девони луғати турк" асарларида маҳалла аҳолиси, уларнинг касби-кори, урф-одатлари, анъаналари, диний эътиқоди, хўжалик юритиши ва умуман ўзига хос турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотлар берганлар[1]

Марказий Осиё минтақасида қадимдан инсонлар бир жамоа бўлиб, ҳаёт кечирганлар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шароитда жамоа аъзолари бир-бирига қаттиқ ишонишган ва суянишган. Айниқса, табиий офатлар, очарчилик даврларида инсонлар бир-бирига ёрдам бериб келишган. Натижада, жамоавий онг, хулқ, ахлоқ, тарбия ва бошқа нормалар шаклланган. Мазкур нормалар асосида муайян халқнинг менталитети вужудга келиши ва ривожланиши юз берган. "Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради. Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятларнинг ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидаларини сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган[1]". Маҳалла аҳли орасида ўзаро ишонч, бир бирига бўлган ҳурмат, эҳтиром асрлар мобайнида сайқалланиб келган.Ўзбекистонда маҳалла ва унинг жамоси ўртасида ўзаро ишончини ошишида биринчи навбатда, Ислом дини катта таъсир кўрсатган. Айнан, муқаддас динимиз ахкомлари, ҳадисларда келтирилган кўрсатмалар, қатъий қоидалар асосида фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлари тартибга солинган. Буларнинг барчаси категорик ахлоқий нормалари сифатида тан олинган.

Маҳаллаларда ёши улуғларга ҳурмат, эҳтиром, барча аъзоларнинг тенглиги, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам ва ишончни шаклланишига олиб келган. Чор Россияси даврида ҳам маҳалланинг фаолияти, унинг мазмун моҳияти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги аҳамиятини сўнира олмади[2].

„Маҳалла" сўзи арабча „маҳаллун" сўзидан келиб чиққан бўлиб, аҳоли яшайдиган жой, гузар, уй-жой мавзелари деган маънони билдиради. Маҳаллалар шаҳар ичидаги аҳоли яшайдиган манзил, гузардир.

Маълумки,шаҳар ва унинг атрофида кўплаб маҳалла ва гузарлар касб ва ҳунармандлар номига Кулоллик, Кўнчилик, Заргарлик, Совунгарлик, Қассоблик каби номлар билан ёки маҳалладагиларнинг келиб чиққан жойи номи билан Мулканлик, Яхтанлик, Саройлик, Тошкентлик, Нижонлик, Хавастлик, Раваллиқ, Ўратепалик каби номлар билан аталади. Қўшни Тожикистоннинг ҳозирги Истаравшан (Ўратепа) шаҳри атрофларида Мулкан, Яхтан, Нижон каби қишлоқлар ҳозир ҳам бор. Бу Жиззах билан Ўратепа ўртасида қадимдан иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганлигини англатади.

«Жиззахлик» маҳалласи вакиллари ўзларини шаҳарнинг туб аҳолиси деб ҳисоблайдилар. Жиззахдаги айрим манзилгоҳлар муайян табақа вакилларига атаб «Эшон кўча», «Хўжа қишлоқ», «Қаландархона» деб ҳам юритилган. XIX асрнинг 60-йилларида Жиззах шаҳрининг аҳолиси 20 минг киши атрофида бўлган.

XVIII асрнинг II-ярми ва XIX асрда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида сиёсий келишмовчиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар Жиззах беклигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қанчалик таъсир қилган бўлса, бекликдаги аҳоли демографияси ва урбанизация жараёнларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Урушлар натижасида асосан Бухоро ва Қўқон давлатларининг чегарасида жойлашган Ўратепа, Зомин, Ём каби шаҳар ва кентлар, улар атрофидаги қишлоқ аҳолиси азият чекди. Натижада, хонавайрон бўлган бутун бошли

---

[1] Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т:, "Адолат". 2003. – Б. 23.
[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 157
[2] Олламов Я.Й. Саидова Х.А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий: назария ва амалиёт масалалари. Т:, 2006. – Б. 70.

қишлоқлар аҳли мудофаа иншоотлари мустаҳкам бўлган Жиззах шаҳри ва шаҳар атрофи мавзеларига кўчиб келишга мажбур бўлдилар.

Натижада бу даврда Жиззах Ўрдаси ва унинг атрофида Олмачи, Сулоҳли, Қипчоқ, Қанғли, Сарайлик каби этник номлар билан аталувчи янги маҳаллалар пайдо бўлди[1].

Маҳалла ўтмишдан мерос бўлиб келмокда. Қадим замонлардасқ маҳаллага эл ишончини, ҳурматини козонган оқсоқоллар, унинг маслаҳат- тўйлари бошчилик қилиб келишган. Катта-кичикнинг бошини қовуштириб, маҳалладошларнинг оғирини енгиллаштириш, уларнинг туй, маъракалари, расм-русўмларини ўтказишга, рўзғор буюмлари билан таъминлашга бош-қош бўлишган. Маҳалла оқсоқоллари оилавий низоларни бартараф этишга, қўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни бартараф қилишга ҳакамлик қилишган. Ёшларни тарбиялашда, уларга тўғри йўл- йўриқ кўрсатишган. Маҳаллада ҳар қандай маросимлар кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган. Бас, шундай экан, маҳалла азалдан кишиларнинг эзгулик ва ўзаро меҳр-оқибат маскани бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, маҳаллага муносабат тубдан ўзгарди, маҳаллий ўзини ўзи бошкариш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида „Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунигдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оққсоққол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”, дсб белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда Жиззах шаҳар маҳаллалари жойлашуви харитаси[1]

Шу ўринда Жиззах шаҳри аҳолиси ҳақида умумий маълумот беришни лозим топдик.

Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2017-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотномаси маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига шаҳарда доимий аҳоли сони 177,4 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 3,0 минг кишига ёки 1,7 фоизга ўсган.

Доимий аҳолиси сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши[2]

(йил бошига; жами аҳолига нисбатан, % да)

[1] Жиззах воҳаси – марказий осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” (Республика микёсидаги илмий-амалий конференция материаллари) Жиззах - 2020 йил. 332 б

[1] http://jizzax.uz/zhizzah-shaar.html

[2] Қаранг.Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2017-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотномаси.Жиззах 2020.



Бизга тақдим этган маълумотларга кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига шахардаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 60,3 % ташкил килди ўтган йилга нисбатан минус 2,8 % камайган.

Шаҳар кесимида доимий аҳолиси сони

(йил бошига; минг киши)

	2018 йил			2019 йил			2020 йил		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		эркак-лар	аёллар		эркак-лар	аёллар		эркак-лар	аёллар
Жами	**171,7**	**85,9**	**85,8**	**174,4**	**87,2**	**87,2**	**177,4**	**88,7**	**88,7**
Жиззах шаҳар	171,7	85,9	85,8	174,4	87,2	87,2	177,4	88,7	88,7

Аҳоли сонининг миллий таркиби

(йил бошига; жами аҳолига нисбатан, %да)



Аҳолининг ўртача ёши

(йил бошига; ёш)

Аҳоли ўртача ёши 2020 йил бошида 29,8 ёшни ташкил этган, ҳамда бунда эркаклар ўртача ёши 28,9, аёллар эркакларга нисбатан узокроқ умр кўраётганлиги сабабли уларнинг ўртача ёши 30,7 ёшни ташкил этган ва эркакларга нисбатан 1,8 йилга кўпроқ яшамоқда.

Туғилганлар сони ва туғилиш коэффициенти



Аҳолининг табиий ўсиши сони ва коэффициенти



2019 йилда аҳолининг табиий ўсиши аввалги йилга нисбатан сезиларли ўсган, яъни 2,0 промиллега, 2017 йилга нисбатан эса 4,2 промиллега. Бунинг асосий сабаби туғилишлар сонининг нисбатан кўпайиши ва ўлим даражасининг камайишидир[52].

Юртимизда “Маҳалла” институти одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши қўшничиликни, ёшларни катталарга ҳурмат ва инсонпарварлик руҳини тарбиялашда, бирдамлик ва ўзаро ишончни ошишида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланди, замон талабларига мослашиб, тарансформацияси юз берди. Ҳозирда маҳалла институтининг вазифалари янги мазмун билан бойитилмоқда. Замонавий маҳалла давлатга иқтисодий ва демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришда энг яқин кўмакчисига айланди

Бугунги кунда Жиззах шаҳри маҳаллаларининг аҳамияти кун сайин ўсиб бормоқда. Улар шаҳарда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т:, “Адолат”. 2003.
3. Олламов Я.Й. Саидова Х.А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий: назария ва амалиёт масалалари. Т:, 2006.
4. Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2017-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотномаси.
5. http://jizzax.uz/zhizzah-shaar.html

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

А.Ҳ.Равшанов
ҚарДУ академик лицейи ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, мустақиллик йилларида бу соҳадаги амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қашқадарё, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, чорвачилик, сув омбори, боғдорчилик, ялпи ички маҳсулот, экспорт, агрофирма.

Мустақиллик йилларида бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Қашқадарё вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасининг бозор муносабатларига ўтиш жараёни маълум бир мураккабликлар билан кечди. Мустақиллик йилларида асосий эътибор воҳа суғориладиган ер заҳирасини кенгайтириш ва ҳосилдорликни оширишга қаратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ижтимоий структураси тубдан ўзгариб, соҳада нодавлат секторнинг улуши тобора ортиб борди. Аграр секторни ривожлантириш ва модернизациялаштириш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, ерга эгалик муносабатларининг ҳуқуқий асоси яратилди, бунинг натижасида ширкат, деҳқон, жамоа, пудрат, фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳар йили пахта ва ғалла умумреспублика хирмонини яратишга муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда. Қишлоқларнинг меҳнатсевар аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратиш учун қатор ишлар амалга оширилди. Қашқадарё миришкорлари бугунги кунда нафақат воҳамиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминламоқда, балки бу маҳсулотларни чет элга экспорт ҳам қилмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, бозор инфратузилмаси тармоқларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Қашқадарё воҳаси қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: ғаллачилик, пахтачилик, полиз экинлари экиш, сабзавотчилик, картошкачилик саналиб, боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш-узумчилик, анорчилик, бундан ташқари, ипакчилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Вилоятда азалдан суғорма деҳқончиликка алоҳида эътибор бериб келинган. Чорвачилик асосан гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Аҳолининг маълум бир қисми қорамолчилик, қўйчилик, парранда боқиш билан шуғулланади. Қашқадарё вилоятининг Муборак, Миришкор, Нишон, Ғузор туманларида қоракўлчиликка ихтисослашган йирик наслчилик хўжаликлари мавжуд. Бундан ташқари, асаларичиликка ҳам катта эътибор берилади.

[52] Қаранг.Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2017-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотномаси.Жиззах 2020.

Қашқадарё воҳаси йирик ер заҳирасига эга бўлиб, унинг 76,8% қисмидан, яъни 2154,3 гектар ердан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Бу ерларнинг 1415,4 минг гектари, ёки 65,7%ни яйлов ва пичанзорлар банд қилади. Вилоятдаги жами экин ерлар 676,1 минг гектар бўлиб, ундан 161,5 минг гектари лалми (баҳорикор), суғориладиган ерлар эса 514,6 минг гектар бўлиб, бу қишлоқ хўжалиги ихтиёридаги ер майдонининг 1/5 қисмини ташкил этади. **[1]**

Қашқадарё воҳасида республика бўйича тайёрланадиган ғалланинг 13% ортиғи, пахтанинг 14% зиёд қисми ҳам етиштирилади. **[2]** Воҳада ҳар йили қарийб 150 минг тонна пахта толаси тайёрланмоқда.

Воҳа қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалардан бири бу сув ресурсларидир. Асосий суғориладиган ҳудуд Қарши чўли бўлиб, Амударё трансчегаравий дарёси ҳисобидан суғорилади. Шу мақсадда вилоятда қудратли ирригацион инфратузилма – сув омборлари (Қарши магистрал каналидан таъминланадиган Таллимаржон (сув сиғими 2530 млн метр куб), Қашқадарё дарёсидан сув оладиган Чимқўрғон (сув сиғими 449 млн метр куб), Ғузордарёда Пачкамар (ҳажми 283 млн метр куб), Оқсув дарёсида Ҳисорак (ҳажми 161,6 млн метр куб), Яккабоғ дарёсида Қамаши (ҳажми 18 млн метр куб), Қизилсув ва бошқалар), 6та йирик насос станциялари, 13815 км узунликдаги коллектор ва дренаж тизими барпо этилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида Қарши чўлида 250 минг гектар ерлар ўзлаштирилган. **[3]**

Вилоятда суғориладиган майдонларга бошоқли дон экинлари энг кўп экиладиган ҳудудларга Миришкор (22 минг 250 гектар), Нишон (18,5 минг гектар) ва Косон (18 минг гектар) ва нисбатан кам ғалла экиладиган Китоб (3 минг гектар), Шаҳрисабз (6 минг 350 гектар), Яккабоғ (8 минг гектар) туманлари киради. **[4]** Агар 1991 йилда вилоятда 211 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 844 минг тоннани ташкил қилди ёки бу кўрсаткич шу вақт оралиғида 4 баробар ошди. Пахтачиликда асосий эътибор ҳосилдорликка қаратилгани боис экин майдонлари ҳажми ўзгариб борди. Масалан, вилоят бўйича 2000 йилда 150 минг гектар, 2008 йилда 173 минг гектар, 2013 йилда эса 163 минг гектар ҳудудга пахта экилди. **[5]**

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ривожидаги муҳим масалалардан бири - воҳанинг ўзида етиштирилаётган мева ва сабзавот, полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ва шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш, қўшимча даромад топиш ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришдир. Масалан, 2007 йилда воҳада етиштирилган меванинг 7,2%, сабзавотнинг 13,5% шу ернинг ўзида қайта ишланиб, ушбу маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 1,8%ни ташкил қилди. Етиштирилган 150 минг тонна гўштнинг 2,2 % ва 500 минг тоннадан ортиқ сутнинг эса 4,8% қайта ишланди. Бу вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида 2007-2009 йилларда саноатни ўзгартириш дастурига кўра вилоятда 27 та янги корхона ташкил этилиши натижасида мева-сабзавот маҳсулотининг 35,9%ни қайта ишлаш мўлжалланиб, сут ва гўштни қайта ишлаш ҳажми ҳам икки карра оширилиши белгиланди. **[6]**

2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори истеъмолдан ортган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш борасидаги ишларни самарадорлигини оширишга хизмат қилди. 2016 йилда воҳада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда 20 дан ортиқ тадбиркорлик субьектлари иштирок этиб, улар томонидан дунёнинг кўплаб мамлакатларига 672 минг долларлик мева-сабзавот, полиз маҳсулоти, узум етказиб берилди. Шаҳрисабз туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш билан шуғулланувчи “Шаҳрисабз мева-сабзавот” агрофирмаси 2016 йилда чет эллик ҳамкорлари билан қиймати 5 млн доллардан кўпроқ маҳсулот олди-сотдисини амалга ошириш бўйича келишувга эришди. **[7]**

2019 йилда пахта ҳосилдорлиги гектарига 19 центнерни ёки юртимиздаги энг қуйи кўрсаткични ташкил этди. 2020 йилда нотўғри суғориш оқибатида ерларнинг 45% шўрланиб, 38 минг гектар майдон фойдаланишдан чиқиб кетди. Томчилатиб суғориш жами суғориладиган майдонларнинг 2,4%ни ташкил этди. **[8]**

2020 йилда Қашқадарёда республика бўйича энг кўп донли экинлар етиштирилди. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 619,2 минг тонна, 2020 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, 790,2 минг тонна дон маҳсулотлари етиштирилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 86,7 фоизга ёки 121,7 минг тоннага кам. Шунингдек, ишлаб чиқарилган дон маҳсулотларининг 84,7 фоизи фермер хўжаликлари; 154,4 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар; 96,3 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳисобига тўғри келди.

Бундан ташқари, қийинчиликларга қарамасдан, вилоят бўйича 808,6 минг тонна ғалла, 383,4 минг тонна пахта, 714,8 минг тонна сабзавот, 187,9 минг тонна картошка, 315,7 минг тонна полиз маҳсулотлари, 149,5 минг тоннага яқин мева, 2013 тонна пилла, 132,4 минг тонна гўшт, 523,8 минг тонна сут ва 270,9 млн.дона тухум тайёрлашга эришилди. Жами бўлиб 19 трлн. 904 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

Вилоят туманларидаги тоғли чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ёшлар учун “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида 849 гектар ер майдонлари ажратилиб берилди. Мавсум аввалида озиқ-овқат маҳсулотларини эккан ёшлар дастлабки ҳосилни олишга муваффақ бўлди. Улар деҳқончилик, чорвачилик

ортидан даромадга эга бўлиш ҳақида соҳанинг тажрибали ходимларидан ўрганмоқда. Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини кенг жорий этиш, фан-техниканинг илғор ютуқларини жадал қўллаш натижасида – аввало соҳа ходимларининг даромади ошмоқда. Экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжини қондириш тобора долзарб аҳамият касб этаётгани боис, кейинги икки йил ичида ҳосилдорлиги паст бўлган 1,8 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа экинларини етиштириш йўлга қўйилди. 1,4 минг гектар ерда интенсив боғлар, 118 минг гектарда замонавий иссиқхоналар барпо қилинди. 46,3 минг гектарда сабзавот ва картошка, 63,3 минг гектарда дуккакли ва мойли экинлар, 74,1 минг гектарда озуқа экинлари етиштириш орқали ўтган йилдагига нисбатан 106 фоиз кўп фойда олинди.**[9]** Йилдан–йил ўзининг самарадорлигини намоён этаётган кластер усулининг нафақат пахтачиликда, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачиликда қўлланилиши соҳа ривожини таъминлаш ҳамда фан-техника ютуқларини кенг қўллашнинг омили бўлмоқда. 2020 йилда 384 минг тонна ғалла деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолдирилгани аввало айни шу йўналишдаги натижадорликни намоён этади, қолаверса ер эгасининг манфаати ҳимоя қилинаётганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қашқадарё вилоятининг ижтимоий иқтисодий инвестициявий паспорти. Қарши 2018. 27-б.
2. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз Тошкент. “Ўзбекистон” 2017 йил. 314-б.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.Тошкент.: ЎзМЭ ДИН., 2005.-623-б.
4. lex.uz. Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарори 1.5-илова
5. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Т. 2014. 298 б.
6. Мақсадимиз-юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги. Қашқадарё. 2007 йил 28 ноябрь
7. М.Жўраев. Кенг кўламли экспорт мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлайди. Қашқадарё. 2017 йил 4 февраль
8. Қашқадарёда барча соҳаларда вазият тубдан ўзгариши керак. Халқ сўзи. 2020 йил 14 ноябрь
9. uza.uz. Zoyir Mirzaev. O‘z tashvishidan el tashvishini ustun qo‘yadigan dehqonu-fermerlar mehnati doim etirofga munosib.

ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

У.Ш.Аминов
независимый исследователь

Аннотация

Данная статья посвящена правовому обеспечению уголовно-правовой безопасности. В ней рассматриваются классификация юридической безопасности в зависимости от содержания правовых отраслей и более подробно уголовно-правовая безопасность, дано понятие юридической безопасности в уголовном процессе, проанализированы опасности в сфере уголовно-правовых отношений, введенные меры безопасности в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, проблемы обеспечения пенитенциарной безопасности. Сформулированы научные выводы, имеющие теоретическую и практическую значимость и важность для дальнейшего совершенствования научной базы и законодательства Республики Узбекистан в сфере юридическая безопасность.

Ключевые слова: безопасность, юридическая безопасность, правовая безопасность, уголовно-правовая безопасность, обеспечение уголовно-правовой безопасности, пенитенциарная безопасность.

Многоплановость механизма обеспечения юридической безопасности субъектов права требует ее видового анализа. Подобный подход открывает новые перспективы в изучении юридической безопасности, способствуя более глубокому и основательному познанию специфики достигаемых задач и сферы обеспечения юридической безопасности, выявлению ее социальной значимости в процессах государственной и общественной жизни, в структуре правового регулирования всей системы общественных взаимосвязей. В теории и на практике виды безопасности как социально-правовой категории дифференцируются в зависимости от предмета, объекта, сферы безопасности, источников угроз и других критериев.

Юридическая безопасность может быть классифицирована в зависимости от содержания правовых отраслей, регулирующих и охраняющих соответствующие сферы общественных отношений и, следовательно, обеспечивающих в них безопасность. По этому основанию правовое обеспечение безопасности можно разделить на конституционно-правовое, гражданско-правовое, уголовно-правовое, эколого-правовое, право техногенной безопасности и т.д. Такая классификация позволяет в каждой

отрасли выделить те нормы, которые обеспечивают юридическую безопасность, систематизировать и развивать их в интересах более эффективного противодействия возникающим угрозам.

Итак, обеспечение юридической безопасности жизненно важных интересов субъектов связано с целым рядом отраслей права: конституционным, уголовным, гражданским, процессуальным, экологическим, трудовым и административным правом.

Мы рассмотрим более подробно уголовно-правовую безопасность. Наиболее юридически опасные состояния возникают в сфере отправления уголовного правосудия. Здесь юридическая безопасность связана с привлечением к уголовной ответственности, а значит с серьезными лишениями для лица, признанного виновным в совершении преступления. Уголовно-правовыми нормами регулируются отношения, возникшие при совершении наиболее общественно опасных деяний (преступлений), - на межличностном уровне, в сфере экономики, против общественной безопасности и общественного порядка, против государственной власти и т.д.

В.П. Кашепов отмечает, что по сути, особенная часть УК РФ построена преимущественно по видам безопасности человека, общества и государства. В ней четко выделяется глава о преступлениях, посягающих на витальную и физическую безопасность человека (убийство, причинение вреда здоровью), сексуальную, политическую, материальную безопасность (преступления против собственности) и т.п. Обеспечение безопасности личности от преступных посягательств представляет одну из основных обязанностей правового государства [1. С.105-118]. Недостаточная защищенность лиц, вступивших в уголовно-правовые отношения, влечет необоснованное осуждение, увод от ответственности лиц, действительно совершивших преступления, снижает гарантии истинности и справедливости применяемых судом решений, вызывает необоснованные либо излишние страдания.

Э. Побегайло к опасностям в сфере уголовно-правовых отношений относит следующее:

♦ недостаточный профессионализм работников правоохранительных и судебных органов, обусловленный, в частности, качеством юридического образования, отсутствием строгого отбора на соответствующие должности, недостатками в организации непрерывности юридического обучения практических работников;

♦ недостаточная кадровая обеспеченность. Сложность работы и незащищенность работников, низкая оплата труда ведут к дефициту кадров, снижению общего профессионализма, расширению легального и нелегального совместительства, несанкционированным контактам с преступными и теневыми структурами, а то и прямому сотрудничеству с ними;

♦ слабые духовно-нравственные качества работников правоохранительных и судебных органов, отсутствие порядочности и неподкупности, ответственности за свою работу, руководствование сугубо формальными критериями при выполнении своих обязанностей, отсутствие сострадательности и милосердия к человеку, низкий уровень правовой сознательности и т.п. [2. С. 35-39].

А.А. Тер-Акопов считает, что наряду с технико-организационными угрозами существуют непосредственно правовые негативные факторы принципиального характера [3. С. 154-155].

Так, например, в Уголовном кодексе Республики Узбекистан вовсе не охраняет такую безопасность, как репродуктивную [4]. В нем не заложена идея безопасности от управляющего воздействия на психику человека. Статьи о духовной безопасности разбросаны по разным главам УК Республики Узбекистан: ст. 145 - воспрепятствование осуществлению права на свободу совести и вероисповедания, ст. 156 - возбуждение национальной, расовой или религиозной вражды [5].

Их явно недостаточно. В частности, не предусмотрена ответственность за антиобщественную деятельность псевдорелигиозных организаций, необходимо установить ответственность за злоупотребление религией, которая охватывает все виды деяний, совершенных под видом религиозной деятельности, так или иначе посягающих на духовную безопасность в обществе.

Под юридической безопасностью в уголовном процессе следует понимать состояние защищенности субъекта в связи с вступлением его в сферу уголовно-процессуальных правоотношений, которые возникают и развиваются при производстве по уголовным делам. Субъектами этих отношений могут быть как те, кто ведет производство по делу и принимает властные решения (суд, следователь, прокурор, орган дознания, лицо, производящее дознание) так и граждане, объединения, на которых распространяется их деятельность [6. С. 386-388].

Способствовать правильному осуществлению правосудия призваны прежде всего сами уголовно-процессуальные нормы, регулирующие права и обязанности лиц, участвующих в разрешении уголовных дел, а также гарантии, которые должны служить обеспечению возможности фактического использования гражданами предоставленных им прав. Из этого следует сделать вывод, что чем точнее и конкретнее будут прописаны эти нормы и правила, тем успешнее будут обеспечиваться законные права и интересы граждан.

В Республике Узбекистан реальное исполнение уголовно-процессуальных норм, в свою очередь, обеспечивается всей совокупностью гарантий социально-экономического, политического, идеологического, правового и организационного характера.

В науке и практике все чаще ставится вопрос о необходимости дальнейшей разработки нового для отечественного законодательства института - правового обеспечения безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию. Практическое осуществление данного института в Узбекистане позволит гарантировать в сфере борьбы с преступностью в целом и в уголовном процессе в частности важнейшие конституционные права и свободы личности, в том числе реализацию жертвами преступлений провозглашенного в Конституции Республики Узбекистан права на судебную защиту прав и свобод, а также создаст условия для обеспечения безопасности всех лиц, непосредственно участвующих в уголовном судопроизводстве, а также лиц, «включенных» в иные виды государственной деятельности по борьбе с преступностью. Обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию, является гарантией самого правосудия - гарантией не менее важной, чем право обвиняемого на защиту и иные основополагающие традиционные институты уголовного судопроизводства.

В действующем Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан введены меры безопасности, принимаемые судом, прокурором, следователем, органом дознания, дознавателем в пределах их компетенции при наличии достаточных данных о том, что потерпевшему, свидетелю или иным участникам уголовного судопроизводства, а также их близким родственникам, родственникам или близким лицам угрожают убийством, применением насилия, уничтожением или повреждением их имущества либо иными опасными противоправными деяниями [7]. Меры безопасности таковы:

- при наличии достаточных данных, что потерпевшему, свидетелю или другим участвующим в деле лицам, а также членам их семей или близким родственникам угрожают убийством, применением насилия, уничтожением или повреждением имущества либо иными противоправными действиями, дознаватель, следователь, прокурор, суд обязаны принять меры к охране жизни, здоровья, чести, достоинства и имущества этих лиц, а также к установлению виновных и привлечению их к ответственности.

Дознаватель, следователь, прокурор и суд вправе письменно поручить органам внутренних дел принять все необходимые меры, обеспечивающие охрану жизни, здоровья, чести, достоинства и имущества участвующих в деле лиц. (п.п. 1, 2 ст. 270 УПК Республики Узбекистан);

для обеспечения безопасности опознающего предъявление лица для опознания по решению дознавателя, следователя, прокурора или судьи может быть проведено в условиях, исключающих визуальное наблюдение опознающего опознаваемым. В этом случае понятые находятся в месте нахождения опознающего (п.5 ст. 127 УПК Республики Узбекистан) [8].

Закон Республики Узбекистан «О защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного процесса» от 14.01.2019г. №ЗРУ-515 в ст.6 устанавливает следующие меры безопасности:

1) обеспечение конфиденциальности сведений о защищаемом лице;

2) личная охрана, охрана жилища и иного имущества;

3) выдача защищаемому лицу специальных средств индивидуальной защиты и технических средств;

4) временное помещение в безопасное место;

5) переселение на другое место жительства, изменение места работы (службы) или учебы;

6) замена документов;

7) ограничение доступа к сведениям о защищаемом лице;

8) обеспечение дополнительных мер безопасности в отношении защищаемого лица, содержащегося под стражей или находящегося в местах отбывания наказания [9].

Сегодня можно утверждать, что в национальном законодательстве Республики Узбекистан созданы предпосылки для формирования полноценного института государственной защиты участников уголовного судопроизводства. Несомненно эти нормы помогут лучшему исполнению Республикой Узбекистан конституционной обязанности правового государства - признавать, соблюдать и защищать права и свободы человека и гражданина.

А.А. Толкаченко считает, что пенитенциарная безопасность - это составная часть юридической безопасности в сфере уголовно-исполнительных отношений, субъектами которых выступают все те же личность, общество и государство [10. С. 116-117].

Не смотря на проводимые реформы в Республике Узбекистан по либерализации судебно-правовой и пенитенциарной системы, всё же остаются актуальными на современном этапе проблемы пенитенциарной безопасности в Узбекистане.

В целях обеспечения интересов безопасности всего общества необходимо обращение с осужденными в рамках права и морали вне зависимости от каких бы то ни было объективных и субъективных факторов: нехватки ресурсов, отсутствия иных возможностей, времени для создания новых условий и т.п. Умаление и без того ограниченного статуса осужденных, игнорирование их потребностей и проблем, хроническая нерешаемость вопросов их реабилитации и ресоциализации могут привести к провокационной ситуации, когда вышедшие из мест лишения свободы вольно или невольно, опять встают на путь преступления.

Обеспечение пенитенциарной безопасности осужденного складывается из следующего комплекса составляющих (ст.ст. 8, 9, 10, 11, 12, и др. Уголовно- исполнительного кодекса Республики Узбекистан):

а) защита от произвола и возможных злоупотреблений должностных лиц и персонала уголовно-исполнительной системы;

б) практическая реализация запретов пыток, жестокого или унижающего человеческое достоинство обращения;

в) фактическая реализация законодательно предусмотренных прав и свобод осужденных, льгот для определенных категорий отбывающих наказание лиц, включая обеспечение осужденных информацией и правом на жалобы и заявления;

г) обеспечение условий функционирования соответствующих гарантий и реализации ответственности за их невыполнение, применение средств дисциплинарного воздействия и усмирения осужденных в рамках закона;

д) поддержание здоровья отбывающих наказание лиц, обеспечение минимально необходимых средств личной гигиены, одежды, питания и других материально-бытовых условий;

е) непосредственное обеспечение личной безопасности субъектов в условиях изоляции и нахождения среди специфического и неоднородного контингента осужденных;

ж) защита от дискриминации по признакам пола, расы, национальности, возраста, вероисповедания и т.п.;

з) реализация защитных мер в процессе применения к осужденным мер уголовно-исполнительного воздействия, ресоциализации и адаптации (труд и обеспечение его безопасных условий, воспитательная работа, образование и обучение, связь с внешним миром, контроль, опека и т.п.);

и) особенности обеспечения мер безопасности личности среди осужденных женщин и несовершеннолетних [11].

В заключении следует отметить, что главное внимание в уголовной и уголовно-исполнительной политике Республики Узбекистан должно быть направлено на дальнейшее реформирование существующих социально-экономических, государственно-правовых, психолого-педагогических и иных включенных в орбиту уголовно-исполнительных отношений институтов, уменьшение факторов, провоцирующих угрозу общественной опасности в пенитенциарной сфере. Осуществляемый ныне процесс дальнейшего реформирования уголовно-исполнительной системы призван содействовать оздоровлению всего общества и в конечном итоге вписывается в общие рамки проводимой в Республике Узбекистан судебно-правовой реформы, направленной на обеспечение прав человека в Узбекистане.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Кашепов В.П. О гарантиях уголовно-правовой защиты безопасности личности. // Журнал российского права. 2005. № 12. С. 105-118.

2. Побегайло Э. Проблемы уголовной политики в сфере обеспечения безопасности жизни граждан (законотворческий аспект) // Уголовное право. 2001. № 1. С. 35-39;

3. Тер-Акопов А.А. Безопасность человека (теоретические основы социально-правовой концепции). М., 1998. С. 154-155.

4. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. https://lex.uz/ru/m/acts/111457

5. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. https://lex.uz/ru/m/acts/111457

6. Волколупов Е.В. Процессуальная безопасность следователя // Защита субъективных прав: история и современные проблемы. Волгоград, 2001. С. 386-388.

7. Уголовно-процессуальный кодексе Республики Узбекистан. https://lex.uz/docs/111463

8. Уголовно-процессуальный кодексе Республики Узбекистан. https://lex.uz/docs/111463

9. Закон Республики Узбекистан «О защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного процесса. https://www.lex.uz/docs/4159922

10. Толкаченко А.А. Пенитенциарная безопасность в системе юридической безопасности человека (Материалы научной конференции «Правовое обеспечение безопасности человека») // Государство и право. 1999. № 7. С. 116-117.

11. Уголовно-исполнительный кодекс Республики Узбекистан. https://www.lex.uz/docs/163627

MILLIY MEROSIMIZ – BEBAHO TARIXIY MULK

H.Y.Hasanova
NavDPI Magistratura bo‘limi 2-talabasi
Ilmiy rahbar: dots. Z.U. Hayitov
NavDPI Tarix o‘qitish metodikasi kafedrasi dotsenti

Annotatsiya

Maqolada ajdodlarimizning o‘lmas va noyob, betakror tarixiy mulki- milliy meros tushunchasining mazmun-mohiyati, uning tarkibiy qismlari, jamiyat taraqqiyoti, yoshlar ma’naviyatini yuksaltirish, dunyoqarashini kengaytirish va ongi-tafakkurida g‘oyaviy immunitetni qaror toptirishdagi o‘rni va ahamiyati yoritilgan.

Kalit so‘zlar. Milliy meros, ajdodlar tajribasi, madaniyat, ma’rifat, moddiy meros, madaniy meros, milliy-ma’naviy meros, vorisiylik, qadriyatlar, an’ana va urf-odatlat, ta’lim-tarbiya, axloqiy fazilatlar, ilm-fan yutuqlari, yoshlar dunyoqarashi.

Jamiyat taraqqiyoti, uning uzluksiz ravishda tadrijiy rivojlanib borishi nafaqat bugungi madaniy boyliklarga, balki har bir xalqning, millatning ko‘p asrlik milliy merosiga tayanadi. Ma’lumki, inson zotiga xos eng buyuk xususiyatlardan biri uning yaratuvchilik, bunyodkorlik, ijodkorlik kabi qobiliyatlarga egalidir. Insoniyat asrlar osha o‘zining ko‘p mingyillik hayotiy tajribasi, aql-zakovati ila yaratgan ulkan merosni vorislik asosida avloddan-avlodga o‘tkazib, bugungi taraqqiyot darajasigacha yetib keldi.

Bashariyat tarixi jadal sur’atlarda to‘xtovsiz taraqqiy etib ketayotgan mazkur davrda, texnik taraqqiyotning yuqoriga darajaga ko‘tarilib borayotganligi bilan bir qatorda, jahondagi etnik guruhlar va millatlarning o‘z milliy merosi va qadriyatlariga bo‘lgan ehtiyoj va e’tibori tobora kuchayib bormoqda. Chunki insoniyatning keyingi hayotini quroli to‘qnashuvlar, tajovuz va zo‘ravonliklar emas, balki har bir shaxsning madaniyatlilik saviyasi belgilab beradi. Bugungi axborotlashgan jamiyatda millat kelajagi bo‘lmish yosh avlod ongini mafkuraviy tahdidlardan asrashda ajdodlarimiz tomonidan asrlar osha yaratilgan milliy merosimiz g‘oyaviy immunitet vazifasini bajaradi. Shu sababli jahon miqyosida, ayniqsa, Respublikamizda milliy meros va uni o‘rganish masalalariga alohida e’tibor berilmoqda. Darhaqiqat, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek, “Buyuk ajdodlarimizning betakror va noyob ilmiy merosi biz uchun doimiy harakatdagi dasturga aylanishi kerak. Bu o‘lmas meros hamisha yonimizda bo‘lib, bizga doimo kuch-quvvat va ilhom bag‘ishlashi lozim”[1].

Milliy meros ajdodlar tafakkuri, bilimlari, ijodi va atrof-muhitga bo‘lgan munosabatining mahsuli bo‘lib, minglab yillar davomida yaratilgan tajribalarni o‘ziga singdirib, takomillashib borgan. Yurtimizning har bir fuqarosi, eng avvalo, Vatanimiz, xalqimiz, millatimiz milliy merosidan yaxshi xabardor bo‘lishi shart. Kelajak avlod vakillari, eng avvalo, milliy meros, uning tarkibiy qismlarini, ajdodlar tajribasini bilishi va ulardan ijodiy foydalanishi talab qilinadi. Zero, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o‘zida uyg‘unlashtirgan yosh avlodgina millatning haqiqiy kelajagi bo‘la oladi.

“Milliy meros” tushunchasini chuqur tahlil qilish uchun, eng avvalo, meros tushunchasi tahlil etish lozim. “Meros” keng qamrovli tushuncha hisoblanib, u bilan bog‘liq ravishda moddiy, madaniy, ma’naviy, adabiy, badiiy va boshqa bir qator tushunchalar ishlatiladi. Meros - bashariyatning bebaho xazinasi, insoniyatning aql-u idroki, tafakkuri, dunyoqarashi mahsuli bo‘lib, uning ruhiy kechinmalari-yu hissiyotlarini aks ettiradi. Meros - bu insoniyat tarixiy taraqqiyotining turli davrlarida yaratilgan va keyingi avlodlargacha yetib kelgan moddiy va madaniy boyliklar yig‘indisidir[2].

Meros, eng avvalo, muayyan millatga mansub[3]. Meros – insoniyatning mulki, chunki uni eng avvalo, o‘zi yaratadi. Ana shu mulk avlodlarning o‘sib-ulg‘ayishiga, kamol topishiga xizmat qiladi. Meros-insoniyatning aqliy va jismoniy mehnati natijasida yaratilgan barcha moddiy va ma’naviy boyliklarning yig‘indisidir.

Milliy meros esa har bir millatning tarixiy taraqqiyot jarayonida aql-zakovati, tafakkuri, dunyoqarashi mahsuli sifatida yaratilgan hamda o‘zida o‘sha millatning mentaliteti va ruhiyatini aks ettirgan moddiy va ma’naviy mulki hisoblanadi.

Milliy meros – xalq o‘tmishi, buguni va kelajagini bog‘lovchi muhim halqadir. Avlod va ajdod munosabatlarining uzluksiz zanjiri ana shu halqalardan tarkib topgan[4].

Bizga ayonki, insoniyat hayot faoliyati davomida o‘zining moddiy hamda ma’naviy ehtiyojlarini qondirib yashaydi. Kishilik taraqqiyotida moddiy va ma’naviy hayot tamoyillari bir-birini inkor etmaydi, aksincha, o‘zaro bog‘lanib, bir-birini to‘ldiradi, shu sababli ham insoniyat o‘zining hayot faoliyati davomida moddiy va ma’naviy boyliklarni yaratadi. Yuqoridagi fikrdan kelib chiqqan holda, meros ham ikki tarkibiy qismdan iborat: ya’ni moddiy va ma’naviy meros. Moddiy meros deb, insoniyatning moddiy ehtiyojlarini qondirish natijasida, qo‘l mehnati bilan yaratilgan jamiki real xususiyatlarga ega narsalarga aytiladi. Moddiy merosga mehnat qurollari, oilada va turmushda ishlatib kelingan buyumlar, tarixiy

obidalar, shaharlar, qo‘lyozmalar, chaqa-tangalar, zeb-ziynat buyumlar, umuman o‘zida real xususiyatni aks ettirgan narsalar kiradi. Moddiy merosning o‘ziga xos jihati shundaki, u bir vaqtning o‘zida ham moddiy, ham ma’naviy omillarni o‘zida mujassamlashtiriladi, ya’ni moddiy meros eng avvalo, inson ongida ma’lum bir g‘oya shaklida namoyon bo‘lib, uning aql-u zakovati, bilimi, tajribasi asosida yaratiladi. Demak, moddiy va ma’naviy meros bir-biri bilan uzviy bog‘liq ekan. Negaki, inson faoliyatining mahsuli bo‘lgan ko‘pgina narsalar ham aqliy, ham ma’naviy, ham jismoniy mehnatning natijasi sifatida paydo bo‘ladi[5].

Milliy ma’naviy meros ham keng qamrovli tushuncha. Ma’naviy meros-bashariyat rivojlanishining uzoq davrlar mobaynida tarkib topgan, inson aql-zakovatining ifodasidir. Ma’naviy meros esa, o‘tmish ajdodlarning hayotiy tajribalari, dunyoqarashi, axloq-odobi, iymon-e’tiqodi, badiiy-estetik, ilmiy, falsafiy, siyosiy-huquqiy qarashlari va milliy -ma’naviy qadriyatlari yig‘indisidir[6].

Milliy ma’naviy meros keng qamrovli tushuncha bo‘lib, quyidagi tarkibiy qismlardan iborat:

-milliy qadriyatlar;

-urf-odat, a’nana va marosimlar;

-ilm-fan yutuqlari va falsafiy tafakkur durdonalari;

-san’at asarlari va milliy adabiyot;

-ma’rifat, ta’lim-tarbiya;

-axloqiy fazilatlar va boshqalar;

Milliy ma’naviy merosning barcha ko‘rinishlarini asosiy yaratuvchisi o‘sha millat vakillari hisoblanib, ular milliy ma’naviy merosni yaratadi va keyingi avlodga meros qilib qoldiradi, shu asnoda tarixiy davomiylik ham sodir bo‘ladi.

Milliy meros har qanday millat, xalqning ulkan xazinasidir. Bu xazina inson hayotiga barqarorlik bag‘ishlaydi, faoliyatida shunchaki boylik orttirish yo‘lida kun ko‘rishga yo‘l qo‘ymaydi, fojealar vaqtida ma’naviy meros omon saqlab qolinadi va moddiy qiyinchiliklar davrida irodani mustahkamlaydi.

Ajdodlarimiz asrlar davomida yaratgan milliy meros shu qadar ulkan, shu qadar keng qamrovliki, uning barchasi umumiy xususiyatlarinigina tahlil qilish, undan ibrat olish va bu merosni vorislik asosida ma’naviy tizimning kelgusi rivoji uchun asos qilib olishimiz mumkin.

Ajdodlarimiz merosi yoshlar ongida milliy ong, milliy g‘urur tuyg‘ularini tarbiyalashda, dunyoqarashida g‘oyaviy bo‘shliq paydo bo‘lishining oldini olishda hamda g‘oyaviy immunitetni qaror toptirishda beqiyos ahamiyatga ega. Milliy meros milliy g‘oya va mafkurani takomillashtirish jarayonida alohida o‘rin tutadi. Chunki, bu mafkuraning ma’naviy asoslarini Vatan yuyg‘usi, milliy fidoyilik, ajdodlar merosi va ruhiyatiga e’tiqod, umuminsiniy qadriyatlar tashkil etilishi kerak.

Tarixiy tajriba shundan dalolat beradiki, o‘tmish merosini o‘ziga singdirmagan, ajdodlar merosini qadrlay olmagan millatning e’tiqodi sust, g‘oyasi noaniq bo‘ladi. Ulug‘ ma’rifatparvar Mahmudxo‘ja Behbudiy “Moziy istiqbolning tarozisidur”, deb bekorga ta’kidlamagan. Bu, o‘z navbatida , har bir shaxsning milliy merosiga munosabatida namoyon bo‘ladi.

Ajdodlarimizning ana shunday insoniylikka yo‘grilgan tarixiy merosiga ixlosmand bo‘lish, uni o‘rganish kata ahamiyat kasb etib, xalqimiz yaratgan ma’naviy xazinadan bahramand bo‘lishda, ijtimoiy-siyosiy muammolarni hal etishda va insonnning har tomonlama kamol topishida muhim o‘rin tutadi.

Milliy merosda kishilarni buyuk g‘oyalarga dav’at etuvchi, yuksak insoniy fazilarlar sohibi bo‘lishga undovchi pand nasihatlar, o‘gitlar borki, ular bevosita har bir kishining bu merosdan bahramand bo‘lishga, uni o‘rganishga ixlos va ishtiyoq uyg‘otadi, binobarin ajdodlarimiz qoldirgan milliy merosda barcha davrlar uchun kerak bo‘ladigan, ajoyib ilg‘or fikrlar borki, ular bugungi taraqqiyot uchun ham o‘z ahamiyatini yo‘qotgan emas.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘qituvchi va murabbiylar kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. 30.09.2020.
2. Qoraboyev U. Soatov G‘. “O‘zbekiston madaniyati”. –T.: “Tafakkur bo‘stoni”, 2011-yil, 18-bet
3. Hayitov Z. “Ma’naviy meros va milliy o‘zlikni anglash”. // Tafakkur. 2007-yil, 112-bet
4. Ochilova B. Milliy-ma’naviy yuksalishda meros, vorisiylik va qadriyatlar uyg‘unligi. 52-bet
5. Nosirxo‘jayev S. N. Lafasov M. F. Zaripov M.Z. Ma’naviyat asoslari. –T.: “Cho‘lpon”, 2006-yil, 24-bet.
6. Qoraboyev U. Soatov G‘. “O‘zbekiston madaniyati”. –T.: “Tafakkur bo‘stoni”, 2011-yil, 19-bet.

XXSR ICHKI ISHLAR IDORALARINING FAOLIYATI TARIXSHUNOSLIGIDAN

J.Arziqulov
NavDPI Tarix fakulteti o‘qituvchisi

Annotatsiya.

O‘zbek davlatchilgi tarixida XXSR va uning davlat nozirlarining faoliyatini tadqiq etish ham muhim ilmiy ahamiyatga ega. Ushbu ilmiy maqolada tarixchilar tomonidan Sovet davrining dastlabki davrlarida Xorazmda tashkil topgan XXSRning dastlabki davlat nozirliklari ularning faoliyati haqida so‘z yuritilib, davlat nozirlarining xalq manfaatini o‘ylab qilgan ishlari Sovet hukumatiga yoqmagani va ularga turli buhtonlar qo‘yib ishdan chetlashtirilgani, hatto ayrimlarini o‘limga mahkum etilganlari haqida fikr bildirilgan

Kalit so‘zlar: O‘zbekiston tarixi, Xorazm Xalq Sovet Respublikasi, Huquqshunos, RSFSR ishchi-dehqon militsiya organlari, xalq nozirlari.

Mustaqillik yillarida O‘zbekiston Respublikasida demokratik davlat va erkin fuqarolik jamiyatini barpo etish yo‘lida izchil islohotlar amalga oshirilishi jarayonida yosh avlodni mustaqillikka ishonch va vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda tarix fanining o‘rni va ahamiyati beqiyosdir. Respublika taraqqiyotining o‘zbek xalqiga xos bo‘lgan xususiyatlarini hisobga olgan holda o‘z rivojlanish yo‘lini tanlashi, xalq istiqboliga qaratilgan milliy istiqlol mafkurasini targ‘ib etish, Vatan tarixini xolisona o‘rganish va tadqiq etishini hayotiy zaruriyat darajasiga ko‘tarildi.

Istiqlol yillarida tarix fanini rivojlantirish, tarixiy xotirani tiklash masalasi davlat siyosat darajasiga ko‘tarildi. O‘zbekiston tarixining o‘rganilishi zarur bo‘lgan masalalar qatorida, sovet davri tarixi, xususan bu davrda faoliyat yuritgan ichki ishlar organlari faoliyatini tadqiq etish ham muhim ilmiy ahamiyat kasb etadi. Xususan yaqin o‘tmishda bo‘lib o‘tgan tarixiy voqealardan saboq chiqarish, qilingan xatolarni takrorlamaslik bugungi kunda davr talabiga aylanmoqdi.

XX asrning birinchi choragi og‘ir yo‘qotishlar, milliy mustaqillik va davlatchilikning tugatilishiga olib kelgan davr sifatida Vatanimiz tarixining qayg‘uli sahifasiga aylandi. Mustaqilliq bergan imkon tufayli tarix haqiqati tiklanib, bu davrning barcha ijobiy va salbiy jihatlari, parvozlari-yu tanazzullari xolisona o‘rganilmoqda. SHu jihatdan olganda, Xorazm Xalq Sovet Respublikasida Ichki ishlar idoralarining tuzilishi uning faoliyatini ilmiy jihatdan o‘rganish O‘zbekiston tarixining dolzarb muommolaridan biri.

“Xorazm Xalq Sovet Respublikasida Ichki ishlar organlarining faoliyati (1920-1924 yillar) mavzusi hozirgacha alohida tarixiy tadqiqot ob’ekti sifatida o‘rganilmagan. Mavzuga tegishli bo‘lgan tarixiy adabiyotlar va olib borilgan tadqiqotlarni ikki davrga ajratish mumkin:

1. Sovet davrida yaratilgan adabiyotlar.
2 Mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tadqiqotlar va nashr etilgan adabiyotlar.

Mavzu tarixshunosligining birinchi davrida yaratilgan tadqiqotlar asosan matbuotda va turli to‘plamlarda e’lon qilingan bo‘lib, bu tadqiqotlar bevosita shu voqealar va jarayonlarda ishtirok etganlar tomonidan yozilgan. CHunonchi G.Skalov [1], A.Vinagradov[2], K.Xromых[3] tadqiqotlari Xorazmdagi siyosiy kuchlarning 1919-1920-yillardagi voqealarda tutgan o‘rni, ularning o‘zaro munosabatlari va partiya rahbarlarining siyosiy qiyofasini o‘rganishga kengroq e’tibor qaratiladi. G.Skalov maqolasida Xivadagi inqilobiy harakatlarni shu davrdagi muhit ta’siridan kelib chiqib, voqealarni “xalq inqilobi” sifatida, sovet qo‘shinlarini Xiva xonligiga kiritilishini esa “baynalminal beg‘araz yordam” oktyabr inqilobining davomi sifatida talqin etadi. Vinagradov esa XXSR tashkil topishi bilan birgalikda Xorazm Ichki ishlar organlari to‘g‘risida ham to‘xtalib o‘tadi. U militsiya organlarini tartib-intizom o‘rnatishdagi asosiy kuch sifatida e’tirof etadi. Ta’kidlab o‘tilgan maqolalarga qo‘shimcha tarzda “Raboche krestyanskaya militsiya” jurnalida chop etilgan maqolalarni ham ko‘rsatish mumkin. Ularda aynan Xorazm ichki ishlari to‘g‘risida ma’lumot uchramasada, lekin RSFSR ishchi-dehqon militsiya organlari to‘g‘risida ma’lumotlar keltiriladi. Ular orasida I.Petkar[4], D.Kurskiy va S.Sedovlar[5] maqolalari alohida e’tiborga molik. I.Petkar o‘z maqolasida Ishchi dehqon militsiyasining tuzilishi bilan bog‘liq ko‘plab ma’lumotlarni jamlab, ularni tahlil qiladi. S.Sedov esa Ishchi dehqon militsiyasining tarixini yozish zarurligini e’tirof etib, buning uchun amalga oshirilishi kerak bo‘lgan vazifalarni ishlab chiqadi.

Xorazmdagi 1920-1924 yillardagi ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy jarayonlarni yoritib berishga harakat qilgan tadqiqotchilardan G.Nepesov[6], U.To‘xtaxonov[7], S.Sodiqovlarni[8] ajratib ko‘rsatish mumkin.

M.Eropkinning kitobini[9] militsiya organlari faoliyatiga doir mukammal asarlar sirasiga kiritish mumkin. Muallif tomonidan RSFSR militsiyasining tuzilishi bog‘liq barcha masalalar haqida to‘xtalib o‘tadi. Lekin asarda Xorazm militsiyasi bo‘limlari to‘g‘risida ma’lumotlar uchramaydi.

Huquqshunos olim T.Jalilovning yuridik fanlar nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozgan dissertatsiyasida[10] ilk marotaba Turkistonda ishchi-dehqon militsiyasining tuzilishi va ularning sovet hokimiyatini mustahkamlashdagi faoliyati atroflicha tadqiq etiladi. Tadqiqot huquqshunoslik doirasida olib borilganligi sababli, asosan militsiya xodimlariga tegishli normativlarning tahlili ko‘proq e’tibor qaratilgan. Kadrlar masalasi juda sust o‘rganilgan. SHuni ham alohida ta’kidlash kerakki tadqiqotda mavjud tizimning ta’siri oqibatida tarixiy jarayonlar soxtalashtiriladi hamda voqealarni tasvirlashda bir tamonlama munosabat seziladi. Olim tomonidan e’lon qilingan bir qator monografiya va risolalarda ham Turkiston[11], Xorazm va

Buxoro respublikalarida[12] hamda O‘zbekiston SSRda[13] militsiya organlarining faoliyati, ular faoliyatiga oid normativ-huquqiy hujjatlar keng miqyosda o‘rganilgan. Biroq yuqoridagi kabi mafkuraviy ta’sirni bu asarlarda ham ko‘rish mumkin. Boroq yuqoridagi kabi mafkuraviy ta’sirni bu asarlarda ham ko‘rish mumkin. SHunday bo‘lsa-da, T.A.Djalilovning tadqiqotlari XXSR Ichki ishlar organlari faoliyatiga ma’lumotlar bo‘lib, jumladan, Ichki ishlar organlarining tashkil etilishi, militsiya bo‘limining “bosmachi” larga qarshi kurashi va ularning vazifalari haqida ma’lumotlar uchraydi.

I. Pogorelskiy[14], K. Muhammadberdiyev[15] va X. Hamdamovlarning[16] tadqiqotlarida esa Xiva xonligining sovetlar tomonidan ag‘darilishi va u yerda sovet hokimiyatining o‘rnatilishi, Xorazm xalqining sovet hokimiyatiga qarshi kurashi va 1920-1924 yillardagi iqtisodiy-ijtimoiy, siyosiy sohalarda olib borilgan tadbirlar keng yoritib berilgan. Lekin, bu tadqiqotlar ham kommunistik mafkura asosida yoritilgan. Sovetskaya militsiya: istoriya i sovremennost (1917-1987 gg)[17] nomli kitob Sovet militsiyasining tashkil etilishi, uning sovet davlatini mustahkamlashdagi o‘rni, Ishchi-dehqon militsiyasining bo‘limlari, ularga berilgan vakolatlar, ularning jamoat tartibini saqlashdagi vazifalari va kadrlar masalasi qayd etib o‘tilgan.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so‘ng tarixchilar oldida keng imkoniyatlar paydo bo‘lishi bilan birga, tarixni haqqoniy yoritish va unga xolisona yondashish kabi dolzarb muammolar ham paydo bo‘ldi.

Mustaqillikning dastlabki yillarida nashr etilgan ”Xalq xizmatida 75 yil”[18] nomli kitobda O‘zbekistonda tashkil etilgan dastlabki militsiya organlari, jumladan Turkiston ASSR, XXSR va BXSRda tuzilgan Ishchi-dehqon militsiyasi va ularning hududlardagi faoliyati to‘g‘risida ma’lumotlar beriladi.

Xiva shahrining 2500 yilligiga bag‘ishlangan M.Matkarimovning monografiyasi[19] Xorazmdagi muvaqqat inqilobiy hukumat, davlat nozirlari, ularning respublikada sovet hukumatining tazyiqi bilan amalga oshirgan “islohotlari”ni yoritib bergan dastlabki tadqiqotlardan biri hisoblanadi. Urganch davlat universiteti qoshidagi Xorazm tarixi va madaniyatini o‘rganish ilmiy-tadqiqot laboratoriyasi xodimlari tomonidan M. Matniyozov mas’ul muharrirligida nashrga tayyorlangan “Xorazm tarixi” kitobini Xorazm jadidchiligi YOsh xivaliklar partiyasi, XXSR va XKP tarixi haqqoniy manbalar asosida yoritishga qaratilgan dastlabki yirik tadqiqot desak bo‘ladi.[20]

Akademik O.Masharipov tomonidan yozilgan “Xorazmnoma” to‘rtinchi kitobda Xiva xonligining tugatilishi XXSRning tashkil topishi, respublikadagi ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy jarayonlarni xolisona baholashga harakat qilgan.[21]

Mustakillik yillarida tarixchilar tamonidan yangicha metodologik uslubda yozilgan risolalar, asarlar[22] bilan bir qatorda Q.Rajabov N.Norjigitova, M.Haydarov, N.Taumarotov, SH.Saidov, N.Polvonov, A.Ermetov dissertatsion tadqiqotlarini alohida ta’kidlash mumkin.

Q.Rajabov o‘zining tadqiqotida[23] katta hajmdagi arxiv materiallaridan va xorijdagi nashr etilgan adabiyotlar tahlili asosida istiqlolchilik harakatlarini tarixini, Turkiston tarixini yoritib berdi.

M. Haydarov monografiyasida arxiv hujjatlar, davriy matbuot materillari va tarixiy tadqiqotlar asosida O‘zbekistonda sovet davlatining boshqaruv tizimi, uning shakllanishi, bosqichlari va mohiyati atroflicha yoritib berilgan.

N. Polvonov o‘zining dissertatsiyasi va ilmiy tadqiqotlarida[24] arxiv fondlarida o‘rganilmagan manbalar va ularning tanqidiy tahlili asosida Xiva xonligining Rossiya imperiyasi tamonidan zabt etilishi, XXSRning tashkil topishi va bu hududdagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar hamda Xorazm respublikasidagi partiyalar tarixini yoritib berdi. N.Taumaratovning dissertatsiyasi[25] Qoraqalpoq militsiyasining sovet tuzumi davridagi tarixiga bag‘ishlangan bo‘lib, unda Qoraqalpog‘iston Respublikasining hozirgi hududiga mos keluvchi viloyatlardagi militsiya bo‘limlarining (1917 1936 yillardagi) faoliyati yoritiladi.

Tadqiqotchi A.A.Ermetovning dissertatsion tadqiqotida[26], shu mavzuga oid monografiya ilmiy maqolalarida Turkiston ASSRda nazorat organlarini, xususan ishchi-dehqon militsiyasi, va inspeksiyalarining tuzilishi va faoliyatini tarixiylik jihatdan o‘rganilgan. Muallif mavzuni yoritishda keng arxiv ma’lumotlari, davriy matbuot va ilmiy adabiyotlarni umumlashtirish asosida 1917-1924 yillardagi Ishchi dehqon militsiyasi va Ishchi dehqon inspeksiyalarining faoliyatini yoritib, o‘lkada sovet tuzumini o‘rnatishda bu organlarning o‘rni va roli, militsiya organlarining ish jarayonlari, kadrlar masalasi, ularning ijtimoiy ahvoli keng tahlil etilgan.

Xulosa qilib aytganda, mazkur tadqiqotlarda XXSRning tuzilishi va respublikaning to‘rt yillik faoliyati mobaynida amalga oshirilgan ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlar, xalq xo‘jaligi va XXSRning tashqi savdo munosabatlari tarixiy jihatdan o‘rganilgan bo‘lsada, XXSRda Ishki ishlar organlarining faoliyati to‘liq o‘rganilmadi. Xususan, sovet davrida yaratilgan asarlarda muammoga yondashuv kommunistik mafkuraning g‘oyaviy ta’siri ostida bo‘lganligi uchun bu masalalar o‘zining xolis talqinini topgan emas. O‘zbekistonda mustaqillik davrida yaratilgan tadqiqotlarda ham Xorazmda militsiya organlari faoliyati yetarli darajada yoritilmadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Skalov G. Xivinskaya revolyutsiya 1920 goda // Novy Vostok 1923. №4.
2. Vinagradov A. Xorezmskaya Sovetskaya Narodnaya Respublika // Jizn natsionalnostey, 1923 Kn.1.
3. Xromex K. Sozdaniye fronta v Sredney Azii. Xorezmskaya Respublika // Voyennaya msl, 1929, № 1.

4. Petkar I. Istoricheskaya spravka, s obxodimыmi dlya sozdaniya istorii raboche-krestyanskoy militsii. // Raboche-krestyanskaya militsiya. – 1924.
5. Sedov S. God rabotы po sostavleniyu istorii raboche-krestanskoy militsii. // Administrativnыy vestnik. 1925.№11
6. Nepesov G. Pobeda narodnogo stroya v Severnom Turkmenistane (1917-1936 gg). – Ashxabad, 1950.
7. Tuxtaxanov U. Vzaimootnosheniya RSFSR s Xorezmskoy Narodnoy Respublikoy. Tashkent: 1961.
8. Sadikov S. Rossiya i Xiva v konse X1X- nachale XX veka.-Tashkent: Fan. 1972.
9. Eropkin M. Razvitiye organov militsii v Sovetskom gosudarstve.- M., 1961.
10. Djalilov T. Sazdaniye raboche-krestyanskoy militsii v Turkestane i yee deyatelnost po ukrepleniyu Sovetskoy vlasti (1917-1924gg.). Avtoref. diss. kond. yurid. nauk. – Tashkent: 1964.
11. Djalilov T. Vernыe otchezne. Iz istorii rabochыy-krestyanskoy militsii v Turkestane (1917-1924gg.). – Tashkent: Uzbekistan. 1968.
12. Djalilov T. Stranitsы istorii militsii Xorezma i Buxarы((ist. pr. ocherki). – Tashkent: Uzbekistan. 1970.
13. Djalilov T. Sovet O‘zbekistoni militsiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston. 1983
14. Pogorelskiy K. Istoriya Xivinskoy revolyutsii i Xorezmskoy Narodnoy Sovetskoy Respubliki (1917-1924gg).- Leningrad: Izd. LGU, 1984.
15. Muxamedberdiyev K. Istoriya Xorezmskoy revolyutsii.- Tashkent: Fan , 1986.
16. Hamdamov X. Xiva xonligining ag‘darilishi va Xorazm sovet xalq sovet respublikasining tuzilishi.- Toshkent: O‘zdavrnashr, 1960.
17. Sovetskaya militsiya: istoriya i sovremennost (1917-1987gg). Pod. red. A.V. Vlasova. –M.: YUrid. lit., 1987.
18. Xalq xizmatida 75 yil. Mas’ul muharrir G‘. Rahimov. -Toshkent: O‘zbekiston., 1992.
19. Matkarimov M. Xorazm respublikasi: davlat tuzilishi, nozirlari va iqtisodi.- Urganch: Xorazm, 1993.
20. Matniyozov M. Xorazm tarix.-Urganch: Xornashr, 2004.
21. Masharipov O. Xorazmnoma. 4-kitob .- Xorazm.: Fan, 2010.
22. O‘zbekistonning yangi tarixi. 2-kitob. O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. Ilmiy muxarrir M.Jo‘rayev. -T., 2000. Turkestan v nachale XX veka: k istorii istokov natsionalnoy nezavisimosti. Nauch. Red. R.YA.Radjapova. -T.: SHarq, 2000; Rajabov Q., Xaydarov M. Turkiston tarixi (1917-1924 yy.). -T.: Universitet, 2002; Xaydarov M. O‘zbekiston sovet davlati boshqaruv tizimi: shakllanishi, bosqichlari va moxiyati. -T.: ABU MATBUOT KONSALT, 2012.
23. Rajabov K. Voorujennoye dvijeniye v Turkestanskom kraye protiv sovetskogo rejima (1918-1924 gg.).Avtoref. diss. dokt. ist. nauk. -Toshkent: 2005.
24. Polvonov N. Xorazmdagi ijtimoiy harakatlar va siyosiy partiyalar tarixi (1900-1924 y). Tarix fanlari nomzodi ... dissertatsiya avtoreferati.- Toshkent, 2005; Qo‘shjonov O., Polvonov N. Xorazmdagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar va harakatlar (X1X asrning ikkinchi yarmi- XX asrning birinchi choragi).-Toshkent. 2007 va b.
25. Taumaratov N. Istoriya militsii Qaraqalpakistana v period vosstanovleniya natsionalnoy gosudarstvennosti (1917-1936gg) Nukus.: 1999 va b..
26. Yermetov A. Turkiston ASSRda nazorat organlari va ularning totalitar tuzum o‘rnatishdagi o‘rni (1918-1924 y). Tarix fanlari nomzodi dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent: 2006. Uning o‘zi. Turkistonda nazorat organlari faoliyati. Toshkent: 2007 va b.

БУХОРОДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ: ҒАЗОВОТ ВА “ОҚСОЧ”ДАГИ ФОЖЕАЛАР

Ф.И.Ширинова, С.И.Ҳамроева
Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчилари.

Аннотация

Мазкур мақолада Бухоро амирлигида Россия босқини давридаги ижтимоий ҳаёт масалаларининг маҳаллий муаррихлар томонидан талқин этилиши тарихи ва тарихшунослиги ёритилган.

Шунингдек, мақолада тарихий манбаларга асосланиб, Коми Абу Мислим яъни Ванғози тумани тилга олинади. Солиқ тўловчи қишлоқлар, жумладан Оқсоч ва унинг яқинидаги энг катталари: Айрончийи поён ва Айрончийи боло ҳудудлари, Хитой қишлоқ, Милтиқчи, Урганжи, Работ, Буйробофон, Карвонбоши, Зингарон, Ғуломон, Кулолҳо, Сарой, Дашт, Ажвандининг йирик чорвадор бойлари, ҳамда ғазовотга қатнашган маҳаллий аҳолининг фожиали кечмишига тарихий олимларнинг таҳлилий фикрларига асосланиб, хулоса берилган.

Таянч сўзлар: Оқсоч, солиқ, қалъа, ғазовот, Айрончи, поезд, фожеа, Қизилтепа, Ванғози, қозихона.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида энг қолоқ ва ривожланишдан орқага қолган давлатлардан бири эди. Мамлакатнинг ривожланиш, тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун ислоҳотлар ўтказиб янгиликларни киритиш зарур эди. Бухородаги жадидликнинг кураш дастурида ана шу ижтимоий тараққиётни таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўз ифодасини топган эди. Дастлабки тараққийпарвар кучлар Аҳмад Дониш, Мулла Азим Соми Бўстоний, Домулла Икром, Садри Зиё ислоҳотларнинг мазмуни ва уни ўтказиш масалаларини дадил туриб кўтариб чиққан эдиларки, бу кейинги энг фаол жадидчилик ҳаракатининг майдонга келишига туртки бўлди.

Абдурауф Фитрат, Садридин Айний, Файзулла Хўжаев, Мусо Саиджонов, Абдувоҳид Бурхонов, Атоулло Хўжаев, Абдуқодир Муҳиддинов, Мирзо Нарзулло, Раҳмат Рафиқ Абдуллабеков, Саид Ахрорий ва яна юзлаб жадидлар Абдурауф Фитрат тузган жадидларнинг сиёсий дастурини ўз кураш фаолиятларига асос қилиб олдилар. Бу дастурда Бухорода амир ҳукмронлигини конституцион тузумга асосланган ҳукмронлик билан алмаштириш масаласи ифода қилинган эди.

Ўз навбатида янгиликларни ислоҳотлар ўтказиш асосида ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилишига мутаассиб муллалар тиш – тирноғигача қарши эдилар. Улар ривожланишнинг ўрта асрчилик даражаси нуқтасига ёпишиб олган эдилар.

Шундай қилиб, бир – бирига қарама – қарши бўлган икки ижтимоий сиёсий куч кураш майдонига қадам қўйди. Бу кучлар ўртасидаги кураш давр ўтиши билан тобора кучайиб Бухоро амирлигида сиёсий вазият эса кескинлашиб борди. Бу Россияда юз берган инқилобий воқеалар тасирида рўй берди. Жадидчилар орасида тузилган “Ёш бухороликлар” фирқаси сафларида ажралиш юз бериб Ф.Хўжаев (1896-1938) раҳбарлигида бир гуруҳ инқилобий руҳдаги ёшлар амирлик тузимига қарши қуролли кураш йўлини танладилар.

Воқеаларнинг бундай сиёсий тус олишига асосий сабаб, амир Олимхонннинг ислоҳотлар ўтказиш соҳасидаги сиёсий беқарорлиги ва сиёсий найранглар йўлини тутиши бўлди. Амир Олимхон 1917 йилнинг 7 апрелида Фитрат ёзган “Ёш бухороликлар” қўмитасининг Бухорода ислоҳот ўтказиш лойиҳасини яхши ниятда мақуллади ва шу асосида ўз манифестини имзолади.

Абдурауф Фитратнинг тузган дастурида қуйидаги масалалар ўз ифодасини топган бўлиб, унда:

- Миллий маданиятга эга бўлиб мустақил миллат сифатида яшаш;
- Давлат тузилиши жумҳурият шаклида бўлиб, миллат мажлиси ҳокимият асосидир. Миллий ҳукумат миллий аскарларга таянади;
- Асосий солиқ дароматга қараб олинади;
- Ер ости ва ер усти бойликлари давлат мулкига айлантирилиб ҳокимиятнинг бутун кучи сув таъминотига эришиб, юқори ҳосил олишга қаратилади;
- Маданий ёдгорликлар ҳимоя остига олинади ва бошқа ижтимоий масалалар бор эди.[1. 8-б]

Бу манифестни амир Олимхон мамлакатда жорий этиш ҳақида жамоатчилик йиғилишида тантанали равишда эълон қилади. Монифест матнини қозикалон Садри Зиё ўқиб берган. Худди шу куни амир монифестини жорий этиш ҳақида фармонини эшитган мутаассиб муллалар регистон майдонига йиғиладилар. Тарихчи Муҳаммад Али Балжувонийнинг ёзишича амир Олимхон оломонни тинчитиш учун арк дарвозаси устидаги айвондан туриб йиғилганларга шундай мурожаат қилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, амир Олимхон 1917 йил14 апрелда ўз манифестини бекор қилиб катта хатоликка йўл қўйди. Салтанатни қулаши, манғитлар сулоласи ҳукмронлигини ва Бухородек қадимий туркий давлатни бутунлай барҳам топишига замин ҳозирлади.[2- 97 б.]

Ф. Хўжаев раҳбарлигида етти киши (Фитрат, Отаулла Хўжаев, Пўлатов, Фазлиддин Махсумдан иборат тузилган Инқилобий қўмита Ф. Колесовни Когонда кутиб олади. Ёш Бухороликлар билан Ф. Колесов маслаҳатлашиб амирга Ф. Колесов ва Ф.Хўжаев имзолаган қуйидаги ультиматумни юборишади.Унда:

“1. Сизга ёш Бухороликлар талабномасини юбориб, 24 соат ичида талабномани ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қилишингизни сўраймиз.

2. Ўз ҳукуматингизни тарқатиб юбориб бутун ваколатларини Ёш бухороликлар комитети ихтиёрига топширинг ва бутун ҳокимият Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси ихтиёрига ўтсин. Янги тузиладиган ҳукуматни шу қўмита сиз билан келишиб тузиб чиқади.

3. Агар қон тўкилишини истамасангиз бу талабларни қабул қилинг. Агар қабул қилмасангиз қон тўкилишида сиз айбдор ҳисобланасиз.

Бундай ҳолда барча ҳаракатлар биз томондан бошланади. Агар сизнинг бирор бир жавобингиз бизнинг талабларга тўғри келмаса талаблар бажарилмаган деб ҳисоблаймиз”

Амир Олимхон ультиматимга жавоб бериб ислоҳотларни секин-аста ўтказиш мумкинлигини баён қилади. Бу жавобдан сўнг Ф. Колесов иккинчи мартда Бухорога ҳужум бошлашга буйруқ беради. Амирнинг Фатхободда бўлган дастлабки тўқнашувида қўшинлар енгилиб қалъага чекинади. Амир ҳийла ишлатиб ҳамма шартга рози эканлигини, урушни тўхтатиш ва музокараларни қайтадан бошлашни билдиради. Амир Олимхон давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун вақтдан ютиб зудлик билан ўзининг аскарлари сонини кўпайтиради. Бухоро халқини муқаддас урушга чорлайди. Темир йўлларни

бузиб ташлашга сарбозу - аҳолини сафарбар қилади. Карманадан Коракўлгача бўлган темир йўл излари қўпориб йўқ қилинади. Уруш ҳаракатлари бошланиб Бухоро халқи ўзларининг шариф, латиф деб ардоқлаб келинган шаҳарлари мудофааси учун муқаддас урушга кўтарилдилар. Халқнинг ватанпарварлик туйғулари қалқиб чиқиб ўзларининг асрлон сифат кучларини намойиш қиладилар. Кўчаларда тоғ-тоғ ўликлар пайдо бўлишига қарамай шаҳар мудофаачилари олға қараб интиладилар. Ўқ дориси тугаб эсанкираб қолган Ф. Колесов қизил қўшинга бешинчи март куни Тошкентга чекинишга буйруқ беради. [3- 141-б]

Бухорога ҳужум қилиб шармандаларча енгилган Ф. Колесов бошчилигидаги қизил қўшин янги Бухородан чиқиб, вайрон этилган темир йўлни қадамба – қадам тузатиб, бир неча кундан сўнг Қизилтепа темир йўл бекатига етиб келади. Г. Колузаев бошчилигидаги Пуровский қизил гвардиячилар отряди билан қўшилади. Амир билан сулҳ музокаралари олиб бориш учун Ф. Колесов вакиллар жўнатади. Ф. Колесовга ёрдам бериш учун юборилган Тошкент, Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Қарши, Янги Термиз гарнизонларидаги қизил аскар отрядлари анча кечикиб келди. Бу пайтда унинг аскарлари амир кучларидан енгилиб чекинган эди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Оқсоч ва унинг ҳудудидаги фожеаларни вужудга келтирган қизил қўшиннинг кирдикорларини теранроқ англаш, воқеа – ходисаларни моҳиятини тўғри тушуниш учун Оқсоч, унинг ҳудуди ҳақида тарихий таъриф ва тасниф бериш лозим деб хисоблаймиз.

“Оқсоч” номи тилга олинган иккита зарур тарихий манба мавжуд, булардан бири “Қушбеги” (Бош вазир) архиви бўлиб ундаги ҳужжатлар даврий жиҳатдан Бухоро амирлигини Россия империясига тобе бўлган даврига (XIX асрнинг 60 йилларидан Фурунзенинг Бухорога босқини давригача) оид ҳисобланади. Архив хужжатларига кўра Коми Абу Мислим яъни Ванғози тумани тилга олиниб ундаги солиқ тўловчи қишлоқлар, жумладан Оқсоч ва унинг қишлоқларидан энг катталари Айрончийи поён ва Айрончийи боло кўрсатилган.

Иккинчи манба Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари бўлиб муаллиф Ванғози туманининг сарҳадлари ҳақида фикр билдириб туманнинг шарқий қисмини Чўли Малик ва Оқсоч эгаллаганлиги айтилган. Дарҳақиқат, Чўли Малик Қизилтепа темир йўл бекатигача, ундан сўнг жанубга қараб эса Оқсоч худуди бошланиб Куюмозоргача давом этади.

Таъкидлаш лозимки, “Оқсоч” атамаси Оқсоч ҳарбий қалъаси номи билан таниқли.

Оқсоч ҳарбий қалъаси илмий жамоатчиликни диққатини ўзига жалб қилиб келганлиги боис, бир неча марта унда тадқиқот ишларни амалга ошириш учун илмий экспидициялар уюштирилган, археологик қазиш ишлари олиб борилган

1934 йилда шарқшунос олим А.Ю. Якубовский раҳбарлигида Оқсоч ҳарбий қалъаси ва унинг атрофидаги худудларда Сенкт – Петербург Давлат Эрмитаж музейи ва Ўзбекистон Тарихий ёдгорликларини ўрганиш қўмитаси ҳамкорлигидаги экспедиция ўтказилган. Бу тадқиқот ишларида биринчи ўзбек археологлари академик Яхё Ғуломов, академик В.А.Шишкин ва Турди Мирғиёсовлар қатнашган. А.Ю.Якубовскийнинг эътироф этишича Оқсоч тарихий ёдгорлиги чегара мудофаа калъаси кўринишида девор йўналиши бўйича жойлашган. Хуллас, Оқсоч қалъасининг асосий вазифаси мудофаа фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, қалъа IV-VI асрларда қурилган.

1952 йилда археологлар В.А.Шишкин ва О.В. Обельченко Қизилтепа темир йўл бекатидан шарқий Оқсоч ҳудуди бўйлаб то Лавандоққача мозор қўрғонларда археологик қидирув ишларини олиб борганлар.[4.107-б] Натижада шу ҳудудда бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар сабабли ҳалок бўлган жангчилар ҳарбий анжомлари мурдалар билан бирга мозорларга кўмилганлиги аниқланган. Шунингдек, 1977 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институтининг академиги А.Р. Муҳаммаджонов раҳбарлигида (экспедиция аъзолари П.Валиев, К.Абдуллаев, Р. Абдиримов иштирокида) Оқсоч қалъасида қазув тадқиқотлари ўтказилган бўлиб қазиш пайтида маиший, моддий, маданий буюмлар топилган.

1980 йилда Ю.П.Манилов ва Р.Абдуримовлар Оқсоч қалъасида яна тадқиқот ишларини олиб бориб қалъа ҳақида илмий маълумотлар тўплаганлар. Хуллас, ўтказилган илмий тадқиқот натижалари шундан далолат берадики эрамизнинг IV-VI асрларида қурилган Оқсоч ҳарбий қалъаси, унинг атрофидаги қишлоқлар жуда қадимийдир. Оқсоч қалъаси чўл ҳудудидан кўчманчи чорвадорлар, қароқчилар, босқинчилар томонидан қилинадиган хужумларидан жанубий Зарафшон водийсини қўриқлаб турувчи бир қалқон бўлиб хизмат қилган, шунингдек, Оқсоч ўз даврида туманнинг сиёсий, иқтисодий, маърифий марказларидан бири бўлиб унинг атрофларида жуда кўп обод қишлоқлар бўлган. Қишлоқларнинг ҳар бирида кўп тармоқли хўжалик соҳаси мавжуд бўлиб иқтисодий ривожланишнинг юксак даражасини кўриш мумкин эди. Чўл этагида жойлашган бу қишлоқларда табиий ўтлоқларнинг кўплиги сабабли чорвачилик ниҳоятда ривожланган эди. Бундан ташқари деҳқончилик билан бирга ҳунармандчилик ҳам тараққий қилган.[5. 4-5б] Ҳаттоки ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган қишлоқ номларини ҳам кўриш мумкин. Буйробофон, Кулолҳо, Зингарон қишлоқларининг ҳунармандчилик буюмлари халқ эҳтиёжини қондирар, ундан катта даромад олинар эди. Хусусан, Айрончи қишлоқлари йилқичилик, туячиликдан катта фойда кўрганлар. Чунки Айрончининг туя сутидан тайёрланган табиий

ачитқи қимизи ўз шифобахшлиги билан узоқ-узоқларга ном таратган. Шуни айтиш ўринлики, Оқсоч қишлоқ аҳолиси қўйчиликка катта эътибор берганлар. Чунки чўл этагида жойлашган бу қишлоқ аҳолиси табиий ўтлоқлардан унумли фойдаланиш имкониятларига эга бўлган. Оқсоч қишлоқлари: Хитой қишлоқ, Милтиқчи, Урганжи, Работ, Буйробофон, Карвонбоши, Зингарон, Ғуломон, Кулолҳо, Сарой, Дашт, Ажванди, Айрончининг йирик чорвадор бойлари кўп эди. Ғуломон қишлоғидан Озодбой 1500 бошдан ортиқ, Дашт қишлоғидан Давронбеги Ғиёсбой меросхўрнинг 3000 бош қўйлари бунга мисолдир. Шўро тузими даврида чорвадорларнинг чорваси тортиб олиниб колхозларга бўлиб берилган.

Хуллас, Оқсоч қишлоқларида деҳқончилик, боғдорчилик ҳам тараққий қилган бўлиб қишлоқлар боғ – роғларга бурканган, ҳавоси мусаффо бир маскан бўлган. Дарвоқе, ўлкадаги моддий бойликларни Россияга ташиш бозор муносабатларида савдо – сотиқни қўлга олиш мақсадида Россия империяси темир йўллар қуришни режалаштириб уни амалга ошира бошлади. Ванғози томондан Оқсоч ҳудудидаги қишлоқлар оралаб темир йўл ўтказиш учун аҳолининг норозилигига қарамай 1888 йилда ҳовлилар йиқитилиб, боғ – роғлар кесилиб майдон тайёрланди. Бу ҳудуд қишлоқларидан темир йўл излари қарийб Самарқандгача ўтказиб борилди. Темир йўл қурилиб поездлар кўп қатнай бошлади. Қишлоқларнинг осудалиги бузилди, фауни ва флорасига зиён етди. Оқсоч аҳолиси поездларни нохушлик билан қаршилади.

Ўша даврдаги паровозлар мазут ва тошкўмир билан ҳаракатланар, унинг тутуни ҳавони бузар эди. Оқсочликлар бу темир йўллар бора – бора бошларига мудҳиш фожиалар солишни хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Орадан бир оз вақт ўтгач Оқсочликлар шўро давлатини талончилик, босқинчилик мақсадларини амалга оширишда бу темир йўлдан фойдалана бошлаганини гувоҳи бўлди.

Шўро давлати босқинчи Ф Колесов бошчилигида Бухоро амирлигига уруш бошлагач, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида амирлик маъмурияти босқинчиларга қарши муқаддас уруш - ғазоватга, жумладан, шўро давлатига тегишли бўлган темир йўлларни бузиб ташлашга аҳолини даъват этди. Бу душмандан ўч олишнинг энг мақбул йўли эди. Амирнинг даъватига жавобан Оқсочнинг барча аҳолиси катта-ю кичик, ёшу – қари ғазоватга кўтарилдилар. Туманнинг бошқа ҳудудларидан ҳам одамлар ғазоватга қўшилдилар. Бўлиб ўтган ғазоват ҳақида қишлоқнинг отахон кексаларидан бири, мадраса таълимини олган, адабиёт ихлосманди, шўро тузумидан жабр кўрган Тош Қобил ота шундай ҳикоя қилган эди:

1918 йилнинг ҳамал ойининг бошларида Ванғози туманида аҳолини ғазоватга давъат қилиб, темир йўлни бузишга ундашди. Бодом дарахтлари қийғос очилган ернинг айрим пана – пасҳам жойларида кўкат сабза уриб чиккан пайтлар эди. Акам темир йўлда ишлар эди. Тонг қоронғиси билан, ... ё Аллоҳ ғазоват, ҳо... деб бақириб – чақириб одамлар оқими қишлоқ йўллари билан қуйига, Куюмозор, Айрончи томонларига қараб юра бошладилар. Акам дарҳол томдаги беда орасига кириб яширинди. Орадан ярим соат вақт ўтар - ўтмас бешта отлиқ дарвозамиз олдида пайдо бўлди. Акамни суриштирдилар. Мен “...кеча Қизилтепага кетиб қайтганлари йўқ”- дедим. Отлиқлардан бири бошқасига буюрди, томга чиқиб бедани орасини кўринг, балки у ерда яширинган бўлиши мумкин”. Бедани орасидан акамни тутиб олиб дарахтга боғлашди. Дуч келган ерига қамчи уришди. Акам хушидан кетиб қолди. Бир пақир сувни боши устидан қуйиб хушига келтиришди. Калитларни талаб қилишди. Акам калитлар дарвозахонада эканлигига ишора қилди. Болға, 3-4 та калит, шпол михларини кўпориш учун мослама ва бошқа нарсаларни олиб қозихона амалдорлари ғойиб бўлишди. Акамни уйга киритиб ёрилган бошини боғладим, сув ичирдим. Юз-кўзлари шилиниб кўкарган эди. Акам менга ғазоватчиларга бориб қўшилишим, акс холда бирор фалокат юз бериши мумкинлигини тушунтирдилар. Куюмазордан Айрончи қишлоғигача темир йўл излари қўпориб олинди. Варозун, Арабон, Зармитан ҳудудидаги қишлоқ одамлари фаол қатнашишди. Биз ёшлар шполларни ташиб, ғарамларга ўт қўярдик. Релсларни туя, отлар билан судраб, чўлга, чакалакзорларга этиб ташлар эдик. Темир йўлни, умуман суғориладиган ерлардан ўтган жойлардаги релсни қўпориш жуда қийин бўлди. Тупроқ нам олиб худди метиндек қаттиқ бўлиб кетган, шполларни ундан ажратиш анча вақтни оларди. Темир йўлни бузиш иши қийинчилик билан давом этди. Бир йўла темир йўлнинг тепа қисмидаги тупроқни ҳам одамлар текислаб борардилар. Воқеанинг учинчи ёки тўртинчи куни Оқсоч қалъасига яқинлашиб бордик. Темир йўл Оқсочгача қўпориб олинди. Бешинчи куни ғазоватчилар эрталабдан тушгача темир йўлни Ёрма деган жойигача бузиб улгуришди. Қизилтепагача яна 3 - 4 км темир йўлни бузиш лозим эди.

Аммо Қизилтепа томондан бир паровоз олди билан 2 та усти очиқ вагонни итариб Ёрмада ишлаётган ғазоватчилардан 40-50 метр нарида келиб тўхтади. Кутилмаганда одамлар устига дўл ёққандек пулемётдан отилган ўқлар келиб туша бошлади. Нарироқда ҳам темир йўл бузаётган одамларга замбаракдан кетма-кет ўқ узишди. Момақолдироқ гумбурлагандек ери - кўкни ларзага келтирган товуш одамларни чўлга, қишлоққа қочишга мажбур қилди. Оқсоч қишлоқларидаги одамлар уй жойларини ташлаб Ванғози, Ғиждивон қишлоқларига бориб бошпана топдилар. Бир пастда темир йўл атрофидаги чуқурлар ўлик ва ярадорларга тўла бошлади. Чанг-тўзон ичида ҳар томонга қочиб кетаётган одамлар нишонга олиниб, замбаракдан ўқ узилар, уларнинг дод-фарёди қулоқларни қоматга келтирар эди.

Қозихона маъмурияти яродорлар ва ўлганларни аравалариға ортиб ўз қишлоқларига жўнатарди. Ҳалок бўлганларни Оқсочликларни Оқсоч, Айрончи Урганжи қабристонига, шаҳид кетганлиги сабаб кийими билан кўмаверишди. Яродорлар қишлоқ хонадонларига жойлаштирилди. Аммо яхши тиббий ёрдам, дори-дармон бўлмагани учун бир - икки ой ичида уларнинг ҳам кўпчилиги қазо қилди. Ўша кечаси акамни Қизилтепадан темир йўл усталари сўроқлаб келди. Қизилтепа темир йўл бекатида асбоб-ускуналари, сув қувурлари ғазоватчилар томонидан бузилганини айтиб, Хархўр – Қизилтепа водовозлар қатнайдиган темир йўлни битта релс қилиб, ҳар ер ҳар ерини яроқсиз қилиб қўйилгани, бу йўлни зудлик билан тузатиш, сув ташувчи поездлар Каттақўрғонгача бўлган сувсизликдан қийналаётган темир йўл бекатлари аҳолисига сув еткариб бериши зарурлигини, бошқа бекатлардан ёрдамчи ишчилар келганини билдиришди. Акамга эртага ишга эртароқ боринг – дея тайинлаб кетишди. Янги устанинг гапларидан Мирзо Муҳиддинбойнинг Қизилтепадаги пахта заводи ҳам ғазоватчилар томонидан таланиб ўт қўйилганини билдим.

Ўша кезда шўро аскарлари раҳм – шафқат қилмай, қишлоқларни ҳам тўпга тута бошлади, ҳовлилар ёнди. Қуйи қишлоқлар, масалан Буйробофон, Дашт ва Сарипул қишлоқларининг жануби томонлари, Урганжининг шимоли-шарқидаги Ҳожибобо тўпи ёниб кул тепага айланди. Одамлар 2-3 хафтадан сўнг ташлаб кетган ҳовлиларига келдилар. Шу орада шўро аскарлари бирма - бир қишлоқлардаги ҳовлиларга кириб одамларнинг мол –мулкини таладилар қўйлар, қарамол, оту – туяларни Қизилтепага хайдаб олиб борилар. Уларни темир йўл саройига қамаб, сўнг вагонларга ортдилар. Босқинчилар одамларда ҳеч нарса, ҳаттоки ҳамбаларда бир ҳовуч ҳам дон қолдиришмади. Тўқ хонадонлар қашшоқлашиб, обод қишлоқлар вайронага айланиб қолди.

Худди шундай воқеликнинг гувоҳи бўлган Ҳаётхон ая ҳам ғазовотнинг фожиали воқеаларини шундай хотирлаган эди:

“Бизнинг ҳовли Кулолҳо қишлоғида бўлиб, темир йўлга жуда яқин турар эдик. Онам вафот этгандан кейин опам Фазолат Авезова мени ўз тарбияларига олдилар. Ғазоват бошланганда опамнинг қизлари билан (мен 12 ёшда эдим) бирга савоб олиш учун, ғазоватчиларга нон ва бир кўза сув олиб бордик. Қишлоқнинг кўп болалари ғазоватчиларга ёрдам бериб, сув ташиб турдилар. Туш пайти бир поезд Қизилтепа томонидан келиб одамларни тўпдан ўққа тутди. Ўқнинг товушидан ер ларзага келди. Одамлар дод - фарёд солиб йиқилар, тўғри келган томонга қараб қочар эдилар. Кўп одам ўлди, майиб – мажруҳ бўлди. Биз икковимиз қочиб ҳовлига келдик. Язнам отларини олиб чиқиб бизларни миндириб Ванғозига олиб бордилар. Ванғозидан ўтиб Зарафшон дарёси бўйига келдик. Ундан Ғиждувон ноҳиясининг Мазраган қишлоғида яшовчи қариндошимизникига тушдик. У ерда 3 ҳафта яшадик. Кейин қишлоққа қайтиб келдик. Ҳовлиларимиз зарофат кўрмаган. Аммо хеч нарса, на чорвамиз, на уйдаги нарсаларимиз бор. Ҳамма нарсани шўро аскарлари олиб кетибди. Оч юпин яшаб кўп қийналдик. Опамнинг бошларига мусибат тушди. 12 ёшли қизлари ғазоватдан 40 кундан сўнг қазо қилди. Кексаларни айтишича у ғазоват пайтида қўрққан, юраги хасталанган экан.

Оқсоч фожеаларини бошидан кечирган икки гувоҳнинг хотиралари ҳақида юқоридаги фикрларни юритдик. Аммо бу хотиралар тарихдан гувоҳ берувчи бирор манба билан солиштириб тасдиғини топишини мақул кўриб манбааларни қидирдик. Айниқландики, Оқсоч воқеалари машҳур тарихчи, Бухоро амирининг йирик амалдорларидан бири, яъни бош закотчи, Ф.Колесовнинг босқинча армиясига қарши мудофаа жангларини олиб борган Бухоро амирлигининг қўшин қўмондони Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим (1850-1930) “Тарихи Салимий” асари (бу асар 1917-1920 йилларда ёзилган)да тўлиқ маълумотлар берилган. Бу асарда Оқсоч фожеалари тўғрисида батафсил гапирилган. Гап шундаки, Ванғозидан Қизилтепагача бўлган ҳозирги темир йўл, 1930-1935 йилларда Навбоғ ва юқори Манғит қишлоқлари орасидаги катта кўл устидан ўтказилган. 1918 йилнинг март ойида тарихчи Мирзо Салимбек Қизилтепа темир йўл бекатига бориш учун Ванғозидан чиқиб, Оқсоч қишлоқларини оралаб манзилга етиб борган.

Мирзо Салимбекнинг асаридаги биз юқорида келтирган фикрдан кўриниб турибдики, Степанов ва Калузаев бошчилигидаги Тошкент - Перовский қизил қўшин босқинчи Колесов ҳарбий кучлари Бухоро амирлиги қўшинидан енгилиб Қизилтепа бекатига келгунга қадар Оқсочдаги фожиалар ва талон-тарожларни амалга оширганлар. Танланган бойликлар нафақат Хатирчи – ю Қарши аҳолсини, балки Оқсочликларнинг ҳам мол – мулки ана ўша 500 та вагонга ортилган бойликлар орасида мавжуд эди. Колесовнинг Бухорога босқинидан кейин Марказ томонидан Туркистонга юборилган фавқулодда комиссар Т. Кобизевнинг гувоҳлик беришича, “Степанов ва Колузаев бошчилигидаги Тошкент-Перовск қизил гаврдиячилар отряди Бухородан кўп миқдорда мусодара қилинган пул, сигир, от ва бошқаларни олиб қайтди. Уларни бир қисминигина республика хазинаси ва ҳукуматига расмий равишда топширилди, катта қисмини ўзларида яшириб олиб қолишди. Бухоро ва Қўқондан Колесов бир неча ўн миллион рубль олиб келиб, билганича сарфлади. Пуллар дарёдек оқиб келарди, ҳеч ким уларнинг ҳисобини олмаган”. Т. Кобизевнинг гапида жон бор. Ёзувчи Н. Наимовнинг ёзишича, Ф.Колесов 1918 йилнинг 5 мартида янги Бухородан Тошкент томон чиққанлиги, ўзи билан хусусий ва давлат банкларидан кўп миқдорда олтин олиб кетилган.[6. 198-б]

Такидлаш лозимки, Колесовнинг Бухорога босқини ва унинг оқибатлари натижасида маълум бир муддат Қизилтепа станцияси Туркистондаги ҳарбий ва сиёсий жараёнларининг марказига айланди. Қизилтепа Темир йўл бекати ўз мавқейи жиҳатдан темир йўл бекатлари орасида Когондан сўнг анча юқори эди. Ундаги сув ташувчи поездлар Хархўрнинг 4 та сув тиндиргич ҳовузларидан сув олиб, то Каттақўрғонгача бўлган кичик ва катта темир йўл бекатларини сув билан таъминлаб турарди. Жуда кўп туманлар бу ҳудудга яқин бўлибгани учун уларга темир йўл хизматидан фойдаланиш қулай эди. Бекатда юк ортиш ва тушириш учун маҳсус темир йўл изи яъни бакавоз қурилган бўлиб, бу қурилма катта миқдордаги юкни сақлаш ва жиҳозларни етказиш имкониятига эга бўлган. Бу жойда ёқилғи сақлаш базаси ҳам мавжуд бўлган. Энг муҳими паровозлар мунтазам сув билан таъминланиб турадиган маскан эди. Буларнинг барчаси Шўро давлатига хўжалик ва ҳарбий соҳаларда қулайлик туғдирар эди. [7. 137-138-б.]

Ф. Колесовнинг Бухорога қилган ҳужуми даврида Ватан ҳимоясига кўтарилган ғазоватчилар Шўро давлатига иқтисодий зарба бериш, унинг ҳарбий қисмлар Ф. Колесовга ёрдам беришига имкон бермаслик мақсадида ўша даврдаги Ванғозининг кўпгина қишлоқларидан ушбу ҳаракатга қўшилиб, темир йўл бекати ва ундаги Мирзо Муҳиддинбойга тегишли бўлган пахта заводига ҳам тажовуз қила бошлаганлар. С. Айний бу заводда 1915 йил сентябридан 1916 йилнинг апрел ойигача ишлаган. Садриддин Айний ўзининг “Бухоро инқилоб тарихи учун материаллар (1920-1921)” асарида Қизилтепа воқеаларини анча кенг ёритган. Унинг ёзишича, “Бухорода уриш бошланган пайтда, Қизилтепа–Когон темир йўли бузилиб, Қизилтепа станцияси ғазоватчилар ва эл навкарлари билан мухосарага олинган эди. У ердаги темир йўл ва завод ишчилари икки кун ўзларини мудофаа қилдилар. Оқибатда сувсизлик ва очликдан қўрқиб, бир поезд ҳозирлаб Самарқандга қараб кўчдилар. Кармана ва Қизилтепа орасидаги йўл бузилган эди. 1918 йилнинг 5 мартида ғазабга минган ғазовотчилар заводдаги нарсаларни талаб, кейин заводга ўт қўйиб юбордилар. Темир йўл иморатларини буздилар. [8.116-б.]

Мирзо Муҳиддин Мансуровга тегишли бўлган пахта заводи Қизилтепанинг кўркам бўлишига, одамларни иш билан таъмин этишга катта рол ўйнаган эди. Бу завод бузиб, ёқиб юборилишига маълум сабаблар ҳам бор.

Мирзо Муҳиддин Мансуров Бухородаги жадидчилик ҳаракати асосчила-ридан бўлиб, жадидлар очган янги усул мактабларига, хусусан Садриддин Айний ва Мирзо Абдулвоҳид мунзимларнинг Гавкушон маҳалласидаги мактабига моддий ёрдам бериб турган. Қисқаси, жадидчиликни моддий маблағ билан таъминлаб турган савдогар бойлар қаторида туриб, маориф ва маърифат йўлида каттагина ишларни амалга оширган. [9.203-б]

Мирзо Муҳиддин Мансуровнинг хаёти ва фаолиятини хусусида Сотимжон Холбоев ўзиниг “Бухоро амирлигининг олтин хазинаси” китобида, “Хазинанинг ўғирланган қисми” ёки жадид Мансуров ва унинг сафдошлари” ҳақида қилиб, “...М. Мансуров амирликда кўзга кўринган йирик савдогар бой, миллат маърифати ва тараққиёти фидоийси, амирга қарши бўлган жадидлардан бири эди”-деб ёзади.

Шундай қилиб, ғазоватчилар Қизилтепадаги пахта заводидан ташқари темир йўлнинг Хархўр шаҳобчасига ҳам катта зарар етказдилар. Қизилтепада осудалак таъминлангач бир неча харбий эшалонлар амирлик худудларидан талаб олинган моллар билан келиб Қизилтепа темир йўл бекатига жойлашди. Булар Степанов ва Колузаев бошчилигидаги Тошкент - Перовск қизил гвардиячилар қўшини эди.

Амир Олимхон Туркистон шўро ҳукуматининг бошлиғи Ф.Колесовнинг таклифига биноан тинчлик музокаларини олиб бориш ва сулҳ битимини имзолаш учун бош закотчи Мирзо Салим Парвоначи бошчилигида ўз вакилларини Карманага жўнатишга эришди. Амирнинг вакиллари Қизилтепа темир йўл бекатидан Карминага поездда бориш учун Қизилтепага йиғилдидар. Қизил кўшин командири Г.А.Калузаевга учрашиб амир вакиллари ўз ниятларини айтганда, у сулҳ музокаларини Қизилтепада олиб боришини билдирди. Амир Олимхоннинг сулҳ битими тузиш учун Карманани танлашининг бир рамзий сабаби бор эди. Бухороликлар Карманани амирликни иккинчи маркази, яъни пойтахти деб билар эдилар.

Садри Зиёнинг ёзишига амир Абдулаҳадхон уч йил Бухорода туриб, қолган умрини Карманада яшаб салтанатни бошқарган.[10. 99-б]

Хуллас, “Бухорога қилинган тажовуздан сўнг Амир Олимхон мамлакатда юритаётган ички сиёсатида катта ўзгаришлар қилди. У мамлакатга шўро давлатининг келажакда босқинчилик уриши олиб бориши муқаррарлигини англаб мудофаа учун барча чораларни кўрди. Афғонистон орқали инглиз ҳарбий қуролларини қўлга киритишга эришди. Мунтазам армияни маънавий ва жисмоний тайёрлашга жиддий эътибор берди. Мудофаа масаласида Хива хонлиги билан ҳамкорлик қилишга келишди. Аммо булар етарли эмас эди. Хазинадан керакли миқдорда сармоя сарфлаб ёлланма қўшинга эга бўлиш, ҳарбий тайёрлигини пухта амалга ошириш зарур эди. Амир юритган ички сиёсатда жадидларга қарши жиддий кураш амалга оширилиб, 3000 киши қатл этилди. Жадидларнинг мол-мулкини амирлик мулкига қўшиб олинди. Ёш Бухороликлар партиясининг аъзолари шариатдан ташқари деб эълон қилинди. Улар жон сақлаб қолиш учун чет элларга бориб яшашга мажбур бўлдилар.”[11.150-б]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
1. Нусратилло Наимов “Бухоро жадидлари” Тошкент. “Фан”. 2000 йил., 8 бет.
2. Муҳаммад Али Балжувоний. “Тарихи Нофеий”, Тошкент, “Академия”, 2001 йил, 97- бет.
3. Ходжаев Ф. История революции в Бухоро. Избр. Труд. том № 1.Тошкент, 1970. стр. 141.
4. Мирза Салимбек. “Тарихи Салимий” (источник по истории Бухорского эмирата. Перевод с перендского Н.К. Норқулов. Академия . 2009 й.
5. Ж.Мирзаахмедов, Ш. Одилов, М.Пардаев, Р. Мақсудов, “Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар”, Тошкент, А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002 йил 4-5 бетлар
6. Мирзо Салимбек., “Тарихи Салимий” (источник по истории Бухорского эмирата. Перевод Н.К. Норкулова. Академия . 2009 й.192-194стр.
5. Нусратулло Наимов. “Мен яшашни истайман”. Бухоро нашриёти, 1994 йил, 198- бет.
6. Қахрамон Ражабов., Рахим Мақсудов .„Қизилтепа тарихи” Тошкент” „Муҳаррир” нашриёти. 2011 йил,116 бет.
7. Садриддин Айний Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, 8 томлик. 1-том –т: Адабиёт нашр, 1963, Б.331-332. 8
8. Гафаров Н. История культурно-просветителськой деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начао XX в.). Хўжанд, Гос. Издат. Им. Р. Джалила.
9 . Садри Зиё. „Наводири Зиёия”. Душанбе. , “Адиб”. 1991-йил. 99 - бет.
10 . Медведов В. Нечаянная революция. “Дружба Народов” . 1992., Н-2. Стр.150.

YOSHLAR ONGIDA IQTISODIY TAFAKKURNING SHAKLLANISHIDA TARIX FANINING O‘RNI VA ROLI

A.A.Aslonov
O‘zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyat “Milliy banki” mutaxassisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada bugungi zamonaviy yoshlar ongida iqtisodiy tushunchalarni shakllantirish, ularning iqtisodiy ta’lim – tarbiyasini mustahkamlashda tarix fanlarining o‘rni va ahamiyati haqida fikr va mulohazalar bildirilgan.

Kalit so‘zlar: Iqtisod, iqtisodiy ta’lim – tarbiya, iqtisodiy tafakkur, iqtisodiy bilim, inson, tarixiy jarayonlar.

Mamlakatimiz ijtimoiy – iqtisodiy, hamda madaniy – mafkuraviy taraqqiyotining hozirgi bosqichida yoshlarda iqtisodiy tushunchalarning shakllanishi va rivojlanishi orqali mulkdorlik madaniyatini shakllantirish, tabiiy resurslardan tejamli, maqsadli va unumli foydalanish, eng asosiysi mamlakat iqtisodiyotini tom ma’noda yuksaltirish hamda yoshlarda iqtisodiy bilimlar va iqtisodiy tafakkurning qanchalik rivojlanganligi bugungi rivojlanayotgan O‘zbekiston uchun nihoyatda dolzablik kasb etmoqda. O‘zbekiston Respublikasi hukumati Prezident rahnamologida davlatning ijtimoiy – iqtisodiy potensialini rivojlantirish borasida salmoqli ishlarni amalga oshirmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 26 martdagi PF – 5975 – sonli “Iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag‘allikni qisqartirishga oid davlat siyosatini tubdan yangilash chora – tadbirlari” to‘g‘risidafi Farmoni, 2020 yil 13 martdagi PF – 5963 – sonli “O‘zekiston Respublikasining qurilish sohasidagi islohotlarni chuqurlashtirishga doir qo‘shimcha chora – tadbirlar” to‘g‘risidagi Farmoni shular jumlasidandir. Bunday farmon va qarorlarning ijrosini ta’minlash, davlat iqtisodiyotini yuksaltirish uchun esa iqtisodiy bilimga, tafakkur va iqtisodiy tarbiyaga ega bo‘lgan shaxsni tarbiyalamoq zarur.

Avvalo insonning iqtisodiy tafakkuri haqida so‘z boradigan bo‘lsa, iqtosodiy tafakkur – insonning iqtisodiy jihatdan atrofda kechayotgan voqea – hodisalarni tahlil qilishi, bunday jarayonlarni o‘z holicha ko‘ra olishi, unga xolisona yondashib, baho berish va to‘g‘ri qaror qabul qilish, kishidagi iqtisodiy ong, iqtisodiy qarashlar, iqtisodiy faoliyat, iqtisodiy bilim va tushunchalar, iqtisodiy hatti-harakat majmuidan iborat bo‘lib, uning asosida iqtisodiy madaniyat paydo bo‘ladi. Insonlar ongidagi iqtisodiy tushunchalar, ularga to‘laqonli rioya qilinishi iqtisodiy tarbiyaning ahamiyatini yanada yorqinlashtirib, uning samarasi tadbirkorlik, resurslardan tejamli foydalanish, bank krediti bilan ishlash, doimiy ravishda yashirincha va pinhoniy, g‘ayri qonuniy iqtisodiyotdan saqlanish va davlat tomonidan belgilangan soliq to‘lovlarini o‘z vaqtida amalga oshirish, yangiliklarga intilish, hayoti davomida ro‘zg‘or iqtisodiyotini mukammal yuritish va yana bir asosiy jihatlardan o‘zi yashab turgan jamiyat iqtisodiy faoliyatidagi ishtirokida namoyon bo‘ladi. Fikrimizcha, bularning barchasi shaxsning hayotida benazir iz qoldirishi bilan ahamiyatga ega bo‘lgan ta’lim tizimi, aynan tarix fanlari ta’lim – tarbiyasi bilan bevosita bog‘liq hisoblanadi. Ma'lumki, davlatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan o‘qituvchilar zimmasiga yuksak vazifalar yuklangan, binobarin, kechagi o‘tmishni anglamay ertangi kunni ko‘ra olmaymiz, tarix zanjirini davom ettirishning asosiy og‘irligi pedagoglar zimmasiga yuklangan. Maktab ta’lim – tarbiyasini chiroyli, jonli, muvaffaqiyatli tashkil etish o‘qituvchining mahoratiga bogliq bo‘lib qoladi. Umumiy o‘rta ta'lim maktablari tizimida umumta’lim fanlarining, ayniqsa, ijtimoiy - gumanitar fanlarning o‘qitilishi

o‘quvchilar ongida milliy ma'naviy merosga nisbatan qiziqish uyg‘otish va uni o‘rgatish, o‘quvchilarda milliy qadriyatlarga, xususan, milliy o‘zlikni anglashlarida, ularni vatanpatvarlik ruhida tarbiyalashda, vatanimizning iqtisodiy salohiyatini yuksaltirishda, tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish, har qanday sharoitda Vatan erki va ozodligini qo‘riqlash kabi tuyg‘ularning shakllanishida asosiy o‘rin tutadi. [1; 44] Umumiy o‘rta ta’lim tizimi tarix darslari jarayonida yoshlar insoniyat taraqqiyoti rivojlanishida iqtisodiy munosabatlarning o‘rni, ularning tarixi, iqtisodiyotning insonlar hayoti uchun naqadar muhimligi haqidagi voqea va hodisalarni tarixiy faktlar, tarixda kechgan urushlar, qo‘zg‘olonlar va ularning ahamiyatini o‘rganish orqali bilib oladilar.

Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan bozor islohotlarining jamiyatga jadal tatbiq etilishi, uning asl mohiyatini anglash va ro‘yobga chiqarish ham aholida iqtisodiy madaniyatning shakllanganligi va iqtisodiy bilimlarning qanchalik o‘zlashtirilganligiga bog‘liq. Iqtisodiyotni rivojlantiruvchi kuch inson omili ekan, insonning iqtisodiy bilimlarni egallashi va iqtisodiy tarbiyaga ega bo‘lishi, iqtisodiy madaniyatliligini ta’minlaydi. Iqtisodiy tarbiyaning maqsadi iqtisodiy madaniyatni shakllantirishdan iborat. O‘zbekistonning bozor iqtisodiyoti tomon yo‘l tutishi aholida bozor munosabatlariga xos fikrlash tarzi shakllanishini talab qiladi. Bu iqtisodiy tafakkurning asosi bo‘lgan iqtisodiy ta’limni muvofiq ravishda isloh qilishni talab qiladi, negaki barcha demokratik bozor islohotlarini amalga oshirish o‘z-o‘zidan harakatga kelayotgan jarayon emas, balki ularni rivojlantirish ko‘pgina hollarda yoshlarimizning iqtisodiy bilim saviyasining yuksalish darajasiga ham bog‘liqdir. Ayni paytda, bozor munosabatlari xalqimiz va vatanimiz uchun butunlay yangi tushunchalar emasdi.

Biz tarixdan bilamizki, Osiyo va Evropaning savdo yo‘li – Buyuk ipak yo‘li chorrahasida joylashgan o‘zbek zamini asrlar osha SHarq va G‘arb o‘rtasida o‘ziga xos ko‘prik bo‘lib keldi. O‘zbekiston o‘zining ana shu tarixiy va an’anaviy o‘rnini egallashi uchun yurtimizda zamonaviy bozor munosabatlari va aholi o‘rtasida bozor madaniyatini shakllantirish lozim edi. Bu esa oson ish emasdi. Zero, kommunistik mafkura hukmronlik qilgan sovet davrida – 70 yil mobaynida xalqimiz haqiqiy bozor qadriyatlaridan butunlay uzoqlashtirilgan, odamlardagi bozor munosabatlariga xos tashabbuskorlik, izlanuvchanlik va tadbirkorlik so‘ndirilgan, boqimandalik kayfiyati chuqurlashib ketgan edi [2; 8]. Tarixiy adabiyotlarda va darsliklarda yoritilishicha, iqtisodiy ta’lim-tarbiya masalasiga sobiq ittifoq davrida yetarlicha e’tibor berilmas, eng achinarlisi iqtisod fanining asoslari maktablarda yetarlicha o‘rganilmasdi. Umumiy o‘rta ta’lim maktablari va o‘rta maxsus ta’limda iqtisodiyot ilmi alohida fan sifatida shakllanmagan, iqtisodiy mavzular va tushunchalar «Jamiyatshunoslik» fani tarkibidan joy olgan bo‘lib, unga atigi bir necha soatgina ajratilgan va iqtisodiyotning ayrim jihatlarigina o‘rgatilgan xolos. Bu esa bizning fikrimizcha, maktab o‘quvchilarining iqtisodiy madaniyati rivojlanishiga yetarlicha hissa qo‘sha olmagan. Bu paytlarda iqtisodiyot sohasida ish olib boruvchi kadrlargina iqtisodiy bilim egallash imkoniyatiga ega bo‘lgan. Iqtisodiyotda jadal rivojlanish emas, balki ekstensiv rivojlanish sari yo‘l tutilgan, sifat o‘zgarishlarga emas, miqdor o‘zgarishlarga ko‘proq e’tibor qaratilgan. Ish haqi qa’tiy belgilangan smeta asosida amalga oshirilib, boqimandalik kayfiyatini keltirib chiqargan edi. Mulkning davlat tasarrufida bo‘lishi resurslardan tejamsiz va ayovsiz foydalanishga olib kelgan. Tadbirkorlik qobiliyatining bo‘g‘ib qo‘yilishi va rag‘batlantirilmasligi iqtisodiy tafakkurning susayishiga imkon yaratdi. Yana faxr bilan ayta olamizki, bizning muborak ona zaminimizda iqtisodiy bilimlarning paydo bo‘lishi va rivojlanishi uzoq o‘tmish va boy tarixga ega bo‘lib, unda «Avesto» ta’limotlari, «Qur’oni karim» oyatlari, Hadisi sharifdagi qadriyatlar hozirgacha o‘z o‘rni va alohida hayotiy ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatadi. Bular uzoq davr mobaynida, millatimiz iqtisodiy ong va tafakkurining rivojlanishida, avloddan – avlodga o‘tib kelayotgan qadriyat va an’ana, urf-odatlarimizning yuzaga kelishida mustahkam poydevor va asos bo‘lib kelmoqda. Xususan, «Avesto»da kishilarning dehqonchilik, chorvachilik, bog‘dorchilik bilan shug‘ullanish kerakligi, er, suv, havoni bulg‘ash, ifloslantirish og‘ir gunoh ekanligi ta’kidlanadi. «Kur’oni karim» oyatlari va hadislarda iqtisodiy ta’limotga alohida e’tibor qaratilib, savdo-sotiq ishlarini halol amalga oshirish, boshqalarni aldamaslik, sudxo‘rlik qattiq gunoh ekanligi, birovning mulkiga xiyonat qilmaslik, hatto hasad qilish gunoh ekanligi keltiriladi.

O‘rta Osiyo va SHarqning buyuk mutafakkirlari Najmiddin Kubro, Mahmud az-Zamaxshariy, Abu Ali ibn Sino, Abu Nasr al Farobiy, Abu Rayhon Beruniy, Mahmud Qoshg‘ariy, Yusuf Xos Hojib, Amir Temur, Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Abdulla Avloniy, Abdulla Qodiriyning asarlaridagi umumbashariy iqtisodiy tafakkur, komil inson barkamolligiga bag‘ishlangan tarbiyaviy o‘git-maslahatlari, tijorat, mulkdorlik hunari sirlaridan iborat yaxlit milliy-umuminsoniy qadriyatlar shakllanishi, iqtisodiy ong va qarashlardagi merosimizning boyishida alohida o‘rin tutganligini ko‘ramiz. Masalan, buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning ijodida halol mehnat, tijorat, savdo ishlari ma’qullanadi, tovlamachilik va chayqovchilik qattiq qoralanadi hamda bu dunyoda insonlar qanoatli bo‘lib yashashga undaladi: *Hirsdin kechgil, ul g‘amedurkim, Haddu g‘oyat anga emas paydo. Tut qanoatkim, ul erur mole Ki, nihoyat anga emas paydo.* Ya’ni, *Hirsu havasdan kech, chunki u behad va oxiri yo‘q g‘amdir. Qanoatni mahkam tutki, u nihoyasi yo‘q moldir*, [3; 92] deyiladi.

Biz faxr bilan aytishimiz mumkinki, bizning ota – bobolarimizning iqtisodiy bilim va ta’limotlari nihoyatda qadimiy va o‘z o‘rnida, o‘z zamonasida puxta hamda samarali bo‘lganligini ta’kidlash mumkin. Buyuk Sohibqiron Amir Temur bundan bir necha asr oldin soliqlarni soliq yukini og‘irlashtirish hisobiga emas, balki soliq bazasini kengaytirish hisobiga oshirish kerakligi haqidagi ta'limotni yaratgan bo‘lsa, XVIII asrga kelib ingliz iqtisodchisi Adam Cmit soliqlarni fuqarolarning daromadlariga qarab taqsimlash kerakligi, soliq

to‘lash fuqarolar uchun qulay vaqtda undirilishi lozimligini aytib o‘tadi. Demak, ota – bobolarimiz tarixini, jahon xalqlari tarixida bo‘lib o‘tgan tarixiy jarayonlarni o‘rganish orqali yoshlarimiz o‘zlarida boshqa tarbiyaviy jihatlar bilan birga iqtisodiy bilimlarini ham rivojlantirib boradilar. Buyuk bobokalonlarimizning ushbu ta’limotlarini o‘rganishdan ko‘p hollarda yangilik yaratishga hojat ham qolmaydi. Ammo, endilikda O‘zbekiston Respublikasi o‘zining mustaqil rivojlanish yo‘lini tanlab olgach, iqtisodiy tarbiya masalasi eng muhim, dolzarb masalalardan biriga aylandi. Chunki rivojlangan davlatlarning iqtisodiy rivojlanish darajasiga etish uchun biz iqtisodiyotning rivojlanishini ta’minlovchi shaxslar, kadrlarga ega bo‘lishimiz zarur. Iqtisod ilmidan boxabar bo‘lgan kishilargina har doim qiladigan sarf-xarajatlarining samarasini oldindan hisob-kitob qiladilar, tadbirkorlik asosida ish yuritadilar, biznesni to‘g‘ri tanlaydilar, qachon, qaerda, nima va qancha ishlab chiqarishni yaxshi biladilar va munosabatlarda halollikka e’tibor qaratadilar. Bu munosabatning o‘zagi – halollik va sofdillik, faqat o‘z ehtiyojini o‘ylabgina qolmay, balki o‘zgalarning manfaatlarini ham o‘ylashdir. [4; 139] Pirovard natijada kelajak taraqqiyoti, jamiyat barqarorligi va oila farovonligi ta’minlanadi.

Biroq har qanday inson ham birdaniga iqtisodiy fikrlovchi, ishbilarmon yoki tadbirkor bo‘lib qolmaydi. Inson farovon hayot kechirishi uchun jamiyat tomonidan tan olingan mehnatni bajarishi, cheklangan resurslardan samarali foydalanish, topgan daromadini oqilona taqsimlashni bilishi kerak. Buning uchun esa uzliksiz ta’limda, xususan umumiy o‘rta ta’lim tizimi tarix darslari jarayonida beriladigan iqtisodiy bilim va tushunchalar alohida ahamiyatga ega.

Xullas, yoshlarda iqtisodiy tafakkur va iqtisodiy tushunchalarni shakllantirish ta’lim tizimida tarix fanlarini o‘qitish jarayonida olib borilishi alohida ahamiyat kasb etadi.

Xulosa va takliflar:

1. O‘qituvchilar tomonidan ta’lim tizimida tarix darslari samaradorligini oshirish;
2. Darslar jarayonida iqtisodiy tushunchalarning shakllanishiga e’tibor berish;
3. Yoshlarga iqtisodiy tushuncha va tafakkurni shakllantirishda insoniyatning tarixiy taraqqiyotida erishgan yutuqlaridan samarali foydalana olish ko‘nikmasini shakllantirish;
4. Yoshlar ongiga iqtisodiyotning tarixiy jarayonlar bilan aloqadorligini tarixiy faktlar orqali singdirish.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. - T.: «O‘zbekiston», 2017. 44 – bet.
2. To‘xliev N. O‘zbek modeli taraqqiyotning tamoyillari. - T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2014. 8 – bet.
3. Alisher Navoiy. Ibratli hikoyatlar va xislatli hikmatlar. Nashrga tayyorlovchilar A.Tilavov, I.Saydullaev. - T.: «Sano-standart», 2016. 92 – bet.
4. Fayzullaev A. Inson, siyosat, boshqaruv. - T.: «O‘zbekiston», 1995. 139 – bet.

O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGI - DEMOKRATIK O‘ZGARISHLAR DIALEKTIKASINING ASOSI

J.Quchqorov
“Ipak yo‘li” turizim xalqaro universiteti
mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya

Maqolada mustaqillik– demokratik o‘zgarishlar dialektikasining asosi metodologik tamoyillar bo‘yicha o‘rganilgan va ilmiy tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Milliy g‘oya, dialektika, demokratik o‘zgarishlar, metodologik tamoyillar, asos, qonun, sotsialistik, dastur, deklaratsiya.

Davlat mustaqilligidan Konstitutsiyaning qabul qilinishigacha –demokratik o‘zgarishlar dialektikasi asosi hisoblanadi. KPSS MK Bosh kotibi M.S.Gorbachov KPSS markaziy Komitetining 1985-yil aprel Plenumida 1985-1987-yillar va 1987-1990-yillardan iborat ikki bosqichli qayta qurish konsepsiyasini ilgari surgan edi. Qo‘yilgan masalalar, jumladan, raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqilmadi, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida demokratlashtirish amalga oshmadi. Natijada SSSRni saqlab qolish yoki tarqatib yuborish bo‘yicha M.S.Gorbachov, N.Rijkov va S.Shatalin boshchiligida uchta kuchlar guruhi vujudga keldi.

SSSR Prezidenti M.S.Gorbachov 1990-yil 6-avgustda “Yangi Ittifoq shartnomasining asosi sifatida bozor iqtisodiyotiga o‘tishning Ittifoq Dasturi Konsepsiyasini tayyorlash haqida” Farmonni e’lon qildi. Ularga 1990-yil sentabrigacha kechiktirmasdan Hukumat Dasturini ishlab chiqish topshirildi [1]. Ular Yangi Ittifoq Shartnomasida mamlakatni “SSSR” deb emas, balki “Mustaqil Sovet Respublikalari” yoki “Mustaqil Davlatlar Ittifoqi” deb atashni taklif qila boshladilar [2.54]. Bu kuchlar SSSRni nochor ahvoldan chiqarish uchun ushbu g‘oyani o‘rtaga tashladilar. 1990-yil sentabr boshlarida SSSR Oliy Soveti IV sessiyasida SSSR Ministrlar Soveti Raisi N.Rijkov “Boshqariladigan bozor iqtisodiga o‘tishga tayyorgarlik va mamlakat xalq xo‘jaligida

barqarorlikni vujudga keltirish haqida” dastur tuzishni ilgari surdi. Sessiya hukumatning bu dasturini qabul qilmadi. Bu guruh kuchlari SSSRni bir butun sotsialistik xalq xo‘jaligi kompleksi tizimida saqlab qolish tarafdorlari edi. 1990-yil 11-sentabrda RSFSR Oliy Soveti II sessiyasida S.Shatalinning “500 kun” Dasturi qabul qilindi. Bu guruh kuchlari SSSRni tarqatib yuborib, uning o‘rnida mustaqil davlatlarni tuzish, mulkni davlat tasarrufidan chiqarish, kolxoz va sovxozlarning o‘rnida fermer xo‘jaliklarini tuzishni taklif etdilar. Bu Dastur SSSR Oliy Sovetining 21-sentabrdagi IV sessiyasida qabul qilinmadi. 1990-yil 21-sentabrda sessiya “Xalq xo‘jaligini barqarorlashtirishning kechiktirib bo‘lmaydigan vazifalari” muhokama qilib, Hukumat Dasturi va S.Shatalin Dasturidan iborat Yagona Dastur ishlab chiqishga qaror qildi. 1990-yil 18-oktabrida sessiya “Bozor iqtisodiyotiga o‘tish jahon amaliyotidan kelib chiqqan zarurat, ammo iqtisodiyotning sotsialistik yo‘nalishiga ziyon yetkazmaydi”, degan xulosaga keladi[3].

Demak, sotsialistik ishlab chiqarish usulining ham, SSSRning ham istiqloli shubha ostiga olina boshlagandi. Xo‘jalikning bozor munosabatlariga o‘tish zaruriyati yuzaga keladi. Shuning uchun ham 1991-yilning 19-21-avgustida Moskvada Favqulodda Holat Davlat Qo‘mitasi tuzilib, SSSR Prezidenti M.S.Gorbachovni zo‘ravonlik bilan ishdan chetlashtiradi va boshqaruv vitse-prezident G.Yanayevga topshiriladi. Bu siyosiy to‘ntarish – fitnadan maqsad respublikalarning milliy mustaqillikka chiqishlariga yo‘l qo‘ymaslik edi.

O‘zbekiston prezidenti I.A.Karimov Hindiston safaridan qaytib, 19-avgust kuni kechqurun qat’iy tarzda O‘zbekiston nuqtai nazarini quyidagicha ma’lum qildi: “Markazdan, kim bo‘lishidan qat’iy nazar, Qonunga xilof ko‘rsatmalarni bajarish mumkin emas”[4]. 20-avgustdagi O‘zbekiston SSR Oliy Kengashi Rayosati, O‘zbekiston SSR Prezidenti huzuridagi Vazirlar Mahkamasining Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri rahbarlari ishtirokida qo‘shma majlis O‘zbekistonning mustaqillikka erishish yo‘li o‘zgarmasligi haqida Bayonotni qabul qildi.

Shu kuni O‘zbekiston Prezidenti I.A.Karimovning respublika aholisiga murojaatida “O‘zbekiston jumhuriyati, uning rahbariyati qayta qurish davrida ham hech qachon birovning gapiga kirib ish tutgan emas. Markazdan, boshqa ba’zi bir jumhuriyatlardan qanday qarorlar chiqmasin, va’dalar berilmasin, har qanday chaqiriqlar, da’vatlar, yo‘l-yo‘riq ko‘rsatishga harakatlar bo‘lmasin, biz o‘zimiz tanlagan yo‘limizdan va belgilab olgan maqsadimizdan qaytganimiz yo‘q. Bu yo‘l bizning xalqimiz tarixiga, urf-odatlariga, tabiatimiz shart-sharoitlariga, xullas, xalqimiz manfaatlariga mos yo‘ldir”[5], - deb qat’iy ta’kidladi. Shuningdek, u harbiy kuch ishlatishni ochiq-oydin qoraladi. O‘zbekiston SSR Prezidentining 1991-yil 25-avgustdagi Farmoniga binoan respublika hududida joylashgan SSSR Ichki Ishlar vazirligining ichki qo‘shinlari bevosita O‘zbekiston Respublikasi Prezidentiga bo‘ysindirildi. Respublika Ichki Ishlar vazirligi, Davlat xavfsizligi, prokuratura, adliya organlari, ichki qo‘shinlar, Turkiston harbiy qism va qo‘shilmalari siyosiy partiyadan butunlay xoli qilindi [6: 8].

O‘zbekiston Prezidentining Farmoni bilan Favqulodda holat davlat komitetining g‘ayri konstitutsiyaviy, huquqqa qarshi qarorlari va boshqa ko‘rsatmalari noqonuniy deb e’lon qilindi [7]. Markaz va respublikalar o‘rtasidagi munosabatlar tobora taranglashib borar edi. Markaz esa boshqaruv qobiliyatini yo‘qotdi. Ana shu sharoitda Prezident I.Karimov Oliy Kengash sessiyasini chaqirib, O‘zbekiston Mustaqilligi haqida Qonun qabul qilishni talab qildi. Ayni shu maqsad yo‘lida respublika Oliy Kengashining XII chaqiriq navbatdan tashqari sessiyasi 1991-yil 31-avgustda o‘z ishini boshladi. Unda O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi to‘g‘risida Prezident I.A.Karimov ma’ruzasi tinglanib, 19-21-avgust kunlari Moskva Favqulodda holat davlat komiteti butun-butun xalqlarning ozodligini, jumhuriyatlar mustaqilligini yana kishanlamoqchi bo‘lganliklarini xalqqa ro‘yi-rost bildirildi. Shuningdek, u ma’ruzasida “Bo‘lajak mustaqil davlatlar erkin, mustaqil va teng huquqli bo‘lib qolishlari, o‘zlarining milliy davlat tuzish, tashqi bozorga chiqish, o‘zi ma’qul topgan barcha mamlakatlar bilan xalqaro munosabat o‘rnatish, diplomatik va konsullik aloqalari masalalarini mustaqil hal etishlari kerak. Yana ta’kidlab aytaman, bu hech kimning buyrug‘isiz va aralashuvisiz mustaqil amalga oshirilishi kerak. Mana shu sharoitga, sabablarga asoslanib, xalqimiz xohish-irodasini bajo keltirib, Oliy Kengash diqqatiga faqat bir masalani qo‘ymoqchiman: O‘zbekistonning mustaqilligi haqidagi Qonunni muhokama etish va uni qabul qilishni taklif etaman. Bu qonunda qadimiy va yangilanayotgan diyorimizda istiqomat qilayotgan barcha kishilarning xohish-irodasi o‘z ifodasini topgan. Xalqimizning bu ezgu xohish-irodasi biz uchun muqaddas” [8: 9]ligini ta’kidaydi.

Oliy Kengash deputatlari O‘zbekiston Respublikasining Davlat Mustaqilligi to‘g‘risidagi qonunni qabul qildilar. So‘ngra Respublika Davlat mustaqilligi to‘g‘risidagi Bayonot qabul qilindi. O‘zbekiston SSRning nomi O‘zbekiston Respublikasi deb o‘zgartirildi. Mustaqillik belgilangan kun 1-sentabr 1991-yildan boshlab milliy bayram va dam olish kuni deb e’lon qilindi. O‘zbek xalqining asriy orzusi ro‘yobga chiqdi.

“O‘zbekiston Respublikasining Davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risida”gi qonunning 1-moddasida O‘zbekiston Respublikasi o‘z tarkibidagi Qoraqalpog‘iston Respublikasi bilan birga, mustaqil demokratik davlat ekanligi, 2-moddasida O‘zbekiston Respublikasining xalqi suverendir va u respublika davlat hokimiyatining birdan-bir sohibi bo‘lib, o‘z hokimiyatini ham bevosita, ham vakillik idoralari tizimi orqali amalga oshirishi, 3-moddasida O‘zbekiston Respublikasi to‘la davlat hokimiyatiga ega, o‘zining milliy-davlat va ma’muriy-hududiy tuzilishini, hokimiyat va boshqaruv idoralari tizimini mustaqil belgilashi, 4-moddasida O‘zbekiston Respublikasining davlat chegarasi va hududi dahlsiz va bo‘linmas bo‘lib, uning xalqi o‘z xohish-irodasini erkin bildimasdan turib o‘zgartirilishi mumkin emasligi, 5-moddasida O‘zbekiston Respublikasida O‘zbekiston

Respublikasining Konstitutsiyasi va uning qonunlari ustunligi, O‘zbekiston Respublikasi Davlat idoralarining tizimi hokimiyatini qonun chiqaruvchi, ijroiya va sud hokimiyatiga ajratish tartibi asosida qurilishi, 6-moddasida O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa ishlari vazirligini tuzish, milliy gvardiya va noharbiy (muqobil) xizmat tashkil etish huquqiga egaligi, suveren O‘zbekiston Respublikasi hududida SSSR Qurolli Kuchlarini shakllantirish va ularga rahbarlik qilish masalalarida harbiy siyosatni amalga oshirish huquqini o‘zida saqlab qolishi, 7-moddasida O‘zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligining moddiy asosi Respublika hududiga yer, yer osti boyliklari, suv va o‘rmonlar, o‘simlik va hayvonot dunyosi, tabiiy va boshqa resurslar, respublikaning ma’naviy boyliklari O‘zbekiston respublikasining milliy boyligi, mulki hisoblanishi, 8-moddasida davlat mulki obyektlari, shunigdek, davlat korxonalari, muassasalari va tashkilotlarining, shu jumladan, Ittifoq qaramog‘ida bo‘lib kelgan korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning mol-mulki, ularning asosiy ishlab chiqarish, noishlab chiqarish va oborot yoki boshqa fondlari hamda o‘zga mol-mulki, ichki kommunikatsiya, transport, aloqa va energetika tizimlari, respublika kartografiyasi va geodeziyasi O‘zbekiston Respublikasining mulki ekanligi, 9-moddasida O‘zbekiston Respublikasining mulkini davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish respublika qonunlariga muvofiq amalga oshirilishi, respublika hududida joylashgan, ittifoq qaramog‘ida bo‘lib kelgan davlat korxonalarini aksiyali jamiyatlarga aylantirish, ularni mulkning boshqa shakllariga o‘tkazish faqat O‘zbekiston Respublikasi qonunlarida ko‘zda tutilgan shartlar asosida va tartibda amalga oshirilishi, 10-moddasida O‘zbekiston Respublikasi o‘z hududida oltin, boshqa qimmatbaho metallar va toshlarni qazib chiqarish, qayta ishlash va saqlashni mustaqil amalga oshiradi hamda nazorat qilishi, o‘z oltin zahirasini yaratishi, O‘zbekiston Respublikasi SSSRning oltin zahirasida, olmos va valyuta jamg‘armalarida o‘z ulushiga ega ekanligi, 11-moddasida O‘zbekiston Respublikasi o‘z pul birligi – milliy valyutasini joriy etishga, jami pul oboroti, pul va boshqa davlat qimmatli qog‘ozlarni emissiyasi hajmlarini mustaqil belgilashga haqliligi, 12-moddasida O‘zbekiston Respublikasi mustaqil moliya va kredit siyosatini amalga oshirishi, Respublika hududida olinadigan soliqlar va yig‘imlar O‘zbekiston Respublikasining davlat budjetiga va mahalliy budjetlarga tushishi, 13-moddasida O‘zbekiston Respublikasi chet el davlatlari bilan diplomatik, konsullik, savdo aloqalari va boshqa aloqalar o‘rnatishi, ular bilan muxtor vakillar ayirboshlashi, xalqaro shartnomalar tuzishi, xalqaro tashkilotlarning a’zosi bo‘lishi mumkinligi, 14-moddasida O‘zbekiston Respublikasi xalqaro iqtisodiy munosabatlarning mustaqil subyekti bo‘lib, chet el investitsiyalarini amalga oshirish shartlarini, investorlarning huquqlarini belgilashi, o‘zining konversiya qilinadigan valyuta jamg‘armasini yaratishi, oltin va boshqa zahiralarini, ayirboshlanadigan valyuta sotib olishi, 15-moddasida O‘zbekiston Respublikasi hududida inson huquqlari umumiy deklaratsiyasiga muvofiq holda O‘zbekiston Respublikasi fuqaroligi joriy etilishi, O‘zbekiston Respublikasining barcha fuqarolari millatidan, elatidan, ijtimoiy kelib chiqishidan qat’iy nazar bir xil fuqarolik huquqlariga egaligi, respublika Konstitutsiyasi hamda uning qonunlari himoyasida bo‘lishi, O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari respublikadan tashqarida ham O‘zbekiston Respublikasining himoyasida bo‘lishlari, 16-moddasida O‘zbekiston Respublikasi o‘z taraqqiyot yo‘lini, o‘z nomini aniqlashi, o‘z davlat ramzlarini: gerbi, bayrog‘i, madhiyasini ta’sis etishi, o‘z davlat tilini belgilashi, O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining ramzlari muqaddasdir va ularni har qanday tahqirlash qonun bilan jazolanishi, 17-moddasida O‘zbekiston Respublikasi o‘z tarkibidagi Qoraqalpog‘iston Respublikasining hududiy butunligini va mustaqilligini e’tirof etishi, O‘zbekiston Respublikasi bilan Qoraqalpog‘iston Respublikasi o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar teng huquqlilik asosida, ular o‘rtasidagi ikki tomonlama shartnomalar va bitimlar vositasida qurilishi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi O‘zbekiston Respublikasi tarkibidan tegishli qonunlar asosida erkin chiqish huquqini saqlab qolishi mustahkamlangan. Bu qonun tufayli o‘zbek xalqining hayotida eng yangi davr boshlandi.

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risida”gi 1991-yil 31-avgustdagi qonuni mustamlakachilikning tugashi va ayni vaqtda O‘zbekiston xalqi, xususan o‘zbek xalqi istiqlolining – mustaqil O‘zbekiston sivilizatsiyasining boshlanishi hamdir.

O‘zbekiston SSR Oliy Sovetining 1990-yil 20-iyunda ikkinchi sessiyasida qabul qilingan “Mustaqillik Deklaratsiyasi”da “O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining Davlat mustaqilligi” degan tushuncha bor. Demak, o‘sha davrda istiqlolning sotsialistik yo‘lidan chekinilmagan edi.

“O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risida”gi 1991-yil 31-avgustdagi Qonunda esa “Sotsialistik” so‘zi olib tashlangan va “O‘zbekiston Respublikasi” ishlatilgan va rasmiylashtirilgan. “Sotsialistik” so‘zi lotinchadan “ijtimoiylashtirish” degan ma’noni beradi. Albatta, bunda so‘z birinchi navbatda ishlab chiqarish vositalariga bo‘lgan mulkchilikni ijtimoiy mulkka aylantirish ustida ketadi. Holbuki, degan edi I.A.Karimov, “bozorga o‘tish muqarrar. Bu – davr amri, obyektiv reallikdir. Ayni vaqtda bozor faqat maqsad emas, balki yangi qadriyatlarni shakllantirish, odamlar farovonligining sifat jihatidan tubdan yuqori darajasiga erishish uslubi va vositasidir” [9:44]. Bozor – raqobat ijtimoiy hayotda isbotlangan: u mamlakatni rivojlantirishning ichki manbai.

1991-yil 31-avgustda qabul qilingan qonunning 9-moddasi nima uchun “sotsialistik” so‘zi ishlatilmaganligining ma’no-mazmunini bergan: “O‘zbekiston Respublikasining mulkini davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish respublika qonunlariga muvofiq amalga oshiriladi” [10].

Qonunning 9-moddasidan ham ko‘rinib turibdiki, O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi mamlakatimizda huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatining birligidan iborat demokratik fuqarolik jamiyatini qurishdan iborat mustaqil dunyoviy davlatchilik yo‘lini boshlab berdi. Amir Temur Turon deb atalmish ona yurtimizni mo‘g‘ullar istilosidan ozod qilib, xalqlarimizni mustaqillikka olib chiqqan edi. Amir Temur davlati negizini shariat asoslari tashkil etgan edi. I.A.Karimov boshchiligidagi Oliy Sovet deputatlari va respublikamiz rahbarlari 134 yildan beri ona yurtimizga egalik qilgan avval podsho Rossiyasi, so‘ngra rus sovet mustabid tuzumiga parlamentar yo‘l bilan chek qo‘ydilar. Bu – milliy g‘oya va demokratik o‘zgarishlar dialektikasidagi ulkan qahramonlikdir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. «Известия» gazetasi, 1990-yil 7-avgust soni.
2. Акрамов З., Шомухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку. – Т.: «Узбекистан», 1993. С.54.
3. «Известия» gazetasi, 1990-yil 19-oktabr soni.
4. “Sovet O‘zbekistoni” gazetasi, 1991-yil 30-avgust soni.
5. O‘zbekiston Prezidenti, O‘z KP MKning birinchi sekretari I.A.Karimovning respublika aholisiga murojaati.//”Sovet O‘zbekistoni” gazetasi, 1991-yil 21-avgust soni.
6. O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi to‘g‘risidagi hujjatar. – T., 1991. 8-bet.
7. “Sovet O‘zbekistoni” gazetasi, 1991-yil 30-avgust soni.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Devonining nashri. Xabarnoma, 1992-yil, 3-son. 9-bet.
9. Karimov I.A. O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li. – T.: “O‘zbekiston”, 1993. 44-bet.
10. “O‘zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risida”gi Qonun.

ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТА ИШИ” ҚАТАҒОНЛАРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ж.А.Мустафоев
НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган “пахта иши” қатағони ва унинг оқибатлари Бухоро вилояти мисолида маълумот берилган.

Калит сўзлар: “пахта иши”, қатағон сиёсати, сохта айблов, махсус тергов гуруҳи, порахўрлик, туҳмат, фактларни сохталаштириш, қамоқ, озодлик

Совет тузуми ўтган асрнинг 80-йилларида иттифоқ республикалари ичидан Ўзбекистонни ажратиб олиб, қатағон машинасини яна бир бор ишга туширди. Л.Брежневдан сўнг ҳокимиятга келган Ю.Андропов бир қатор сиёсий ўйинларни ташаббускори бўлди. КПСС МК Сиёсий бюросининг 1983 йил февралида бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон ССР ва унинг раҳбарияти нишонга олинди. Шу тариқа пленумда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган “Ўзбекистонда пахтачилик соҳасидаги кўзбўямачиликлар бўйича текширишлар ўтказиш тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди. Марказнинг топшириғи билан мазкур қарорни ижросини таъминлаш мақсадида 1983 йил апрелида Т.Гдлян ва Н.Иванов раҳбарлигида СССР прокуратурасининг махсус тергов гуруҳи тузилди.

Шу тариқа Марказдан атайлаб юборилган Тельман Гдлян ва Николай Ивановлар махсус тергов гуруҳи Ўзбекистонда қатағон фаолиятини олиб боришди. Гдлян гуруҳи фақат “пахта иши” билан боғлиқ ишларни кўриб чиқмасдан, Ўзбекистонда, хусусан, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё, Хоразм областларида гуноҳсиз кишиларни ҳам қамоққа олиш ва қийнаш, уларга тан жароҳати етказиш ва ўлимга ҳукм қилиш билан таҳдид қилдилар[1]. Оқибатда сунъий тайёрланган “пахта иши” ва “Ўзбеклар иши”га сиёсий тус берилиб, гўёки бутун Ўзбекистон жиноятчилар маконига айланиб қолгандек тасаввур уйғотишга ҳаракат қилинди. Советлар мамлакатидаги порахўрлик, қўшиб ёзиш, давлат мулкини суистеъмол қилиш каби иллатлар фақат Ўзбекистонга хос бўлган ҳодиса деб қабул қилингани боис, республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган кадрларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка мубтало этилди[2]. Ўзбекистонда амалга оширилиши режалаштирилган қатағоннинг дастлабки ўчоғи сифатида Бухоро области танлаб олинди. Бу қатағон Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик Қўмитасининг раиси К.Мелкумов билан Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Ш.Рашидовлар ўртасидаги дарз кетган муносабатлари фонида бошланди. Бу келишмовчилик ортидан К.Мелкумов Бухоро область ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров ва Бухоро шаҳар савдо идорасининг директори Ш.Қудратовларни порахўрликда айблаб терговга тортишга эришади. Унинг фикрича, бу амалдорлар Бухоро область партия комитетининг биринчи котиби А.Каримовнинг ҳомийлигида бўлишган. А.Каримов эса ўз навбатида Ш.Рашидовнинг “одами” сифатида кўрилган. Шу тариқа фитначилар режасига кўра Музаффаров ва Қудратовни фош қилиниши ортидан А.Каримовни “илинтириш” ва сўнгра у орқали мамлакатнинг биринчи раҳбари Ш.Рашидовни ўз исканжасига олмоқчи эди. 1983 йили Ўзбекистон ССР Давлат Хавфсизлик Қўмитаси пора олиш вақтида

жиноят устида қўлга тушган Бухоро область ижроия қўмитаси ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров устидан жиноий иш қўзғайди. Ўзбекистонда бошланган бу жиноий тергов иши 1983 йил сентябрида СССР Прокуратурасига оширилади. Бу “пахта иши”ни амалдаги бошланиши эди[3].

Гуруҳ республикада иш бошлаган биринчи кунларданоқ “Ўзбекистонда ҳамма пора олади ва пора беради” деган сохта тамойилга таянган ҳолда қонунсизлик йўлига ўтиб, тергов жараёнларида туҳмат, иғволар уюштириш, фактларни сохталаштириш, кишиларни сохта маълумот беришга мажбур этиш, терговдан ўзларига ёқмаган кишилардан ўч олиш воситаси сифатида фойдаланганлар. Гуруҳнинг дастлабки иши бўлган Бухоро областидаги текширув жараёнида А.Музаффаровнинг кўрсатмаси бўйича Бухоро область ички ишлар бошқармаси бошлиғи М.Дўстов қамоққа олинди. У эса, ўз навбатида лавозимни эгаллаш учун Ўзбекистон Ички ишлар министри Қ.Эргашевга ва Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А.Каримовга пора берганлиги тўғрисида кўрсатма беради[4]. Қисқа вақтда терговчилар А.Дўстовни “милиция полковниги”, Ш.Рахимов, А.Музаффаров, В.Мулинни “милиция подполковниги”, Т.Очиловни “милиция майори” унвонларидан маҳрум қилишади [5]. 1984 йил К.Черненко Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А.Каримовни қамоққа олишга рухсат берди[6]. Шу тариқа Бухоро областида бошланган Марказ фитнаси Гдлян бошчилигидаги 200 дан ортиқ терговчилар гуруҳи томонидан ташкиллаштирилиб борилди. Бу қатағон машинаси бутун республикада бўлгани каби Бухоро области ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, Марказдан юборилган ҳамда катта ваколатларга эга бўлган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳи “пахта иши” деб аталган мудҳиш режа ортидан Бухоро областидаги таниқли, обрўли кишиларнинг юзини қора қилиш, шу орқали бутун халқнинг бошини эгиб олиш мақсадида кенг қамровли тергов жараёнларини ўйлаб топишди.

Жумладан, 1984 йил августида Бухоро область партия комитетининг собиқ биринчи секретари А.Каримов порахўрлик учун қамоққа олинган, кейин эса суд қилиб кесилган. Лекин ўша вақтда яна бир қанча кишилар, шу жумладан, суд ҳам Каримов иши бўйича яна 23 киши ушланганини ва қамаб қўйилганини, улардан олти киши бевосита Иванов чиқарган қарорлар бўйича қамалганлигини билмас эди. Камол, Анора ва Муҳиддин Саидовлар, Маҳмуджон Камолов, Баҳодир Каримов ва Лола Каримовалар 5-6 ойдан ортиқ ҳибсда сақландилар. Уларни ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар кейинчалик ҳужжатлар орасидан чиқариб ташланган ва суддан яширилган[7]. Шунингдек, Гдлянчилар таниқли раҳбар Убайд Асадовни ҳам қора руйхатга туширишди. Убайд Асадов Бухоро области партия комитетининг биринчи секретарига 1978 йилдан 1982 йил 19 майгача бўлган даврда катта миқдордаги пулни пора сифатида берганликда, Навоий области ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган даврида пахтани қўшиб ёздирганликда, қўл остида ишловчи қатор шахслардан пора олганликда айбланди. Дастлабки терговнинг барча буғинлари оила аъзоларингни, қариндошларингни ҳаммасини қамаймиз, уларнинг биттасини ҳам тинч қўймаймиз деган дўқ-пўписа, қўрқитиш, жисмоний ва руҳий тазйиқлар остида ўтди [8].

Дастлабки тергов жараёнларида гдлянчилар қўяётган ҳар қандай айбловларни рад этиб келган Убайд Асадов охир оқибат қўлланилган ғайриқонуний усуллар туфайли тергов органи қўйган барча айбларга иқрор бўлишга мажбур бўлади. Бундан ташқари Гдлянчилар У.Асадовни ўз исканжаларига олишнинг бошқа чораларини ҳам кўришди. Айбланувчига таниш бўлган турли даражадаги лавозим эгаларини сиқувга олиб, тергов жараёнида сохта айбловлар ўйлаб топа бошлади. Чунончи, Убайд Асадов иши бўйича Ромитан районидаги “Октябрь 50 йиллиги” давлат хўжалигининг собиқ директори Ҳамро Саидов 1987 йили Бухоро область суди томонидан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳамро Саидов 1989 йил 13 июнда СССР Олий Советига ёзилган тушунтириш хатида бу ишни қуйидагича тасвирлайди: “1986 йил феврал ойи эди, Бухоро область партия комитетининг биринчи котиб иши бўйича Гдлян ва Пантелеевларнинг қаттиқ қийноқлари ва берган азоблари туфайли Ромитан район касалхонасига тушиб қолдим. Касалхонадан даволаниб чиқиб, уйимга ҳали кирмасимдан Гдлян гуруҳидан икки киши келиб мени совхоз идорасига киритиб қийноққа солди, ҳақорат қилди. Сен Навоий области ижроия комитетининг раиси Убайд Асадовга 10 минг сўм пора тариқасида берганман деб ёзиб берасан, ёзмасанг хотининг, болаларингни қаматаман деди. Ўзингни эса, касал бўлсанг ҳам қаматаман, қамоқда ўлиб кетасан деди. Шундан кейин мажбур бўлиб “Асадовга 1800 сўм пул бердим” деб кўрсатма бердим. Убайд Асадов билан 1956 йилдан буён ошна-оғайнимиз. Асадов область қишлоқ хўжалик бошқармасида ишлади, облисполком бўлди, бирон вақт мендан пул сўрамаган, энди облисполком раиси бўлгандан кейин мендан 1800 сўм пул сўрайдими?... Терговчи мендан кўрсатмани олганидан сўнг протоколни ўзи ёзди. Аризани эса, у айтиб турди, мен ёздим” [9].

“Пахта иши” жабрдийдаларидан яна бири Бухоро вилоят Жондор туманидаги “Навоий” номли колхознинг собиқ раиси Исмоил Асадовдир. И.Асадов “Ўтмиш сабоқлари” номли хотиралар китобида машъум кунларни шундай хотирлайди: “Гдлян, Ивановлар гуруҳи Ўзбекистонни қамраб олиб, кўзга кўринган ишбилармон, ташкилотчи ва халқпарвар кадрларга нотўғри айблар қўйиб ҳибсга олинаётган пайтлар эди. “Навоий” номли колхознинг раиси бўлган давримда юқорининг топшириғи билан давлатга сотиладиган пахта ифлослиги ва намлиги туфайли лабораториядан қайтарилмаган бўлсада, “беш йил

ичида 110 тонна пахтани “приписка” қилгансан, қўшиб ёзгансан” деган сохта айблар билан мени ҳам ҳибсга олишди. 1986 йил май ойининг 15-20 кунлари бўлса керак, Нуриддин Ашуров деган терговчи мени Бухоро шаҳрига тергов бошқармасига олиб келди. Учинчи қаватга чиқиб бир кабинетга кирдик. У ерда ўрта бўйли, кўзларидан ғазаб ўти пуркаб турган бир киши ўтирган экан. Кейин билсам Иванов дегани шу аблаҳ кимса экан. Мени ҳақорат билан пешво олиб:

-Сен раисликда беш йил ишлаб гўё ҳеч нарса олмаган экансан. Бу чўпчагингни катта холангга айтасан! Райкомда, исполкомда ишлаб топган пулларингни қаерга яширгансан, жойини айт! Бўлмаса кунингни кўрсатаман!..-дея ўшқирди.

-Ҳеч нарса тўплаганим йўқ, кўп қатори оддий яшайман, оилам, бешта фарзандим бор, -дедим. У янаям дарғазаб бўлиб:

-Зўрни кўрсанг айтасан, шундай айтасанки, ўзинг билмай қоласан! – деб стол устидаги тўппончанинг ғилофини ушлаб қўяр экан, дераза томон балкондаги гавдали, мўйловли барзангига ишора қилди. Барзанги мени жуда қаттиқ хўрлади” [10]. Шу тариқа олти ойлик ҳибсхонада олиб борилган тергов натижасида Исмоил Асадов ўн тўрт ойлик Сибирга сургун қилинади.

Текшир-текширлар авжига чиқиб, “пахта иши” бўйича ҳақиқатдан жиноят қилган, давлат мулкини ўзлаштирган , халқ ҳисобидан катта-катта бойлик орттирган бир гуруҳ кўзбўямачи раҳбарлар билан бир қаторда, бор-йўғи ижрочи бўлиб, ўйлаб-ўйламасдан қўшиб ёзишларга, демакки, жиноятларга ўзи билмаган ҳолда шерик бўлган кичик буғин раҳбарларидан ҳам қанчаси жабр кўрди. Жазо машинаси тезлик олганидан сўнг уни тўхтатишни иложи бўлмади, оқибатда айрим бегуноҳ кишилар, касбига содиқ айбсиз раҳбарлар ҳам жабр кўрди[11].

Ўзбекистонда “пахта иши” билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларни фош этиш, мамлакатнинг янги раҳбари Ислом Каримов бошчилигида кенг кўламли ишлар қилинди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда “Пахтачиликда қўшиб ёзишда йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган комиссия” ташкил этилди. Бу комиссия тергов ҳужжатларини Ўзбекистонга қайтариб, минглаб ишларни қайта ўрганди. Узоқ давом этган машаққатли кураш натижасида 2940 киши асоссиз судланганлиги аниқланди. Ноқонуний равишда ҳибсга олинган ватандошларимиз озодликка чиқарилди[12]. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг 1991 йил 25 декабрда Президент И.Каримовнинг “Пахта иши билан судланиб, республика ҳудудидаги ахлоқ-тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни авф этиш тўғрисида”ги Фармони билан жуда кўпчилик маҳбуслар қолган жазо муддатини ўташдан озод этилди. 1991 йил охири – 1992 йил бошларида парчаланган улкан мамлакатнинг турли бурчакларида “пахта иши” натижасида қамоқда ётган барча кишилар озод бўлиб, улар Ўзбекистонга қайтишди[13].

Хулоса қилиб айтганда Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳи Бухоро вилоятидаги турли соҳаларда ишлаётган минглаб раҳбар ва ходимларни тергов жараёнига тортдилар. Буларга порахўрлик, кўзбўямачилик ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидаги айбномалар қўйилди. Маҳбусларни “ўз айбига иқрор қилиш” учун жисмоний зўравонликлар, руҳий азоблар қўлланилди. Оммавий қамоққа олишлар авж олди, қийноқларга кўплаб ҳалол, соф виждонли кишилар ҳам тортилди. Шу тариқа Марказ томонидан Ўзбекистонга нисбатан қўлланилган “пахта иши” олдиндан, махсус тайёрланган узоқни мўлжаллаб ташкил қилинган сиёсий суиқасдан бошқа ҳеч нарса эмас эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) К.1. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда/ масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2019, -Б.144
2. Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт. Тарих фан. Док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс... – Тошкент, 2009. – Б. 196-197
3. Юнусова Х. Ўзбекистонда “пахта иши” қатағонлари ва унинг оқибатлари. Тарихнинг номаълум саҳифалари: Илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. Бешинчи китоб. / Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов ва бошқ. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. –Б.46-47
4. Эргашев Ш.Эрк истар кўнгил.Т.Ўзбекистон, 2017.Б.-164
5. Юнусова Х. Ўзбекистонда “пахта иши” қатағонлари ва унинг оқибатлари. “Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари” илмий мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир: Ҳасанов Б.В. - Т.: 2012. –Б.78
6. Эргашев Ш.Эрк истар кўнгил.Т.Ўзбекистон, 2017.Б.-170
7. Илюхин В. Қабоҳат ёхуд...(“ўзбеклар иши” деган уйдирма хусусида).-Т.: Ўзбекистон, 1993. -Б.28
8. Акбаров Ш., Раҳимқулов Ф. Туҳмат анатомияси.Жиноят ва жазо. –Т.: 1999 йил.-Б.12-13
9. Акбаров Ш., Раҳимқулов Ф. Туҳмат анатомияси.Жиноят ва жазо. –Т.: 1999 йил.-Б.13-14
10. Исмоил Жондорий. Ўтмиш сабоқлари.-Бухоро.: 2019.-Б.21-22
11. Эргашев Ш.Эрк истар кўнгил.Т.Ўзбекистон, 2017.Б.-178
12. Ғаффоров Ш. Пахта иши: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи: 1980-1990-йиллардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар. Илмий тўплам / Масъул муҳаррирлар М.Раҳимов, О.Абдимўминов. - Т.:TURON-IQBOL, 2019. –Б.52-53
13. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) К.1. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда/ масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2019, -Б.191

ZIYORATGOHLAR VA MUQADDAS QADAMJOLAR TARIX KO‘ZGUSI

S.I.Hamroyeva
NavDPI katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada Quyi Zarafshon vohasida joylashgan ziyoratgohlar va muqaddas qadamjolarning tarixi va ularning yoshlar ma’naviy tarbiyasida tutgan o‘rni haqida fikr va mulohazalar tarixiy manbalar va adabiyotlarga asoslanib mulohazalar yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Qadriyat, ma’naviyat, milliy o‘zlik, islom dini, Quyi Zarafshon vohasi.

Ma’naviy – diniy qadriyatlarni tiklash va milliy o‘zlikni anglash respublikamizda istiqlolning dastlabki kunlaridanoq davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Jumladan, islom dinining ma’rifiy asoslari, ming yillik ma’naviy – axloqiy tajribasini o‘zida jamlagan, diniy qarashlarning rivojida o‘z ahamiyatiga ega bo‘lgan piru avliyolar hayoti, ularning bizga qoldirgan ma’naviy merosi, alqissa ular makon topgan qadamjolar tarixini, ularga nisbatan xalqimizning ixlosmandlik xususiyatlarini o‘rganish va ularni yosh avlodga yetkazish kerak, yoshlar xalqimizning o‘z o‘tmishiga ega ekanligini, ajdodlarimiz kimlar ekanligini, ular qanday yashaganligini, qanday urf – odatlarga amal qilganligini bilishi lozim.

Bizga tarixdan ma’lumki, Quyi Zarafshon vohasi qadim – qadimdan ma’naviyat, ma’rifat, din, diyonat, san’at, madaniyat beshigi hisoblanadi. Ayniqsa, bu zamindagi tarixiy obidalar, tabarruk ziyoratgohlar O‘rta Osiyo dovrug‘ini jahonga taratgan. O‘rta Osiyodek muqaddas zaminning bir bo‘lagi hisoblangan Quyi Zarafshon vohasining bu qadar buyukligi bu zaminda nomlari butun dunyoga mashhur bo‘lgan piru avliyolar, butun umri davomida diniy va dunyoviy ilmlarni egallab, ma’naviy – axloqiy yetuklik ya’ni komil inson darajasiga ko‘tarilgan zotlar Abdulxoliq G‘ijduvoniy, Xoja Orif – ar Revgariy, Xoja Maxmud Anjir Fag‘naviy, Xoja Ali Rometaniy, Muhammad Boboyi Samosiy, Sayyid Mir Kulol, Bahouddin Naqshband, Orif Deggaroniy, Xoja Sulton Boyazid Bastomiy, Xo‘ja Hasan Andoqiy va boshqalar yashab o‘tganlar. Birgina Navoiy viloyati hududida yashab o‘tgan avliyolarni Abdulkarim as Samoniy "Nasabnoma" kitobida birma — bir ko‘rsatib o‘tgan. Ushbu kitobga navoiylik quyidagi buyuk zotlarniig tabarruk nomlari kiritilgan.

1.Abu Ahmad ibn Muhammad al Arfudiy — muhaddis olim bo‘lib, 991 yilda vafot etgan. Bu zoti sharif Tavovis qishlog‘ida tug‘ilgan.

2.Abu Tohir Muhammad ibn Ya’qub ad-Diymasiy al Buxoriy al Hakim — muhaddis.

3.Abu Shuayb Solih ibn Muhammad as-Sijoriy (Sijor — Nuratodagi qishloqning nomi) — solih shayx zohid, fozil, muhaddis, tarbiyachi bo‘lib, Xuroson, Iroq, Shom va Misr allomalaridan ta’lim olgan.

4.Abu Is’hoq Ibrohim ibn Muhammad ar-Rivarsuniy al Buxoriy – muhaddis, alloma.

5.Abu Bakr Ahmad ibn Muhammad at Tavovisiy – faqih, fozil, taqvodor, zohid, muhaddis. Bu zoti sharif 956 yil Samarqandda vafot etganlar.

6.Abu Abdulloh Muhammad ibn Zavash Shayboniy al-Karminiy – muhaddis bo‘lib, 896 yilda vafot etganlar.

7.Abu Homid Ahmad ibn Lays al – Karminiy — muhaddis. IX asrda yashab o‘tganlar.

8.Abu Bakr Ahmad ibn Zav al – Karminiy – muhaddis, valiyulloh edilar. Bu zoti sharif Abu Abdulloh Muhammad ibn Zav ash – Shayboniy al – Karminiyning akalari hisoblanadilar.

9.Imom Musayyib ibn Muhammad al-Karminiy – faqih, tarbiyachi.

10.Abul Faraj Aziz ibn Abdulloh al – Karminiy – buyuk faqih. Kitoblari Buxoro va Karmanada mashhur bo‘lgan.

11.Abu Turob Ali ibn Tohir al – Karminiy – muhaddis, tilshunos, alloma.

12.Abu Sulaymon Muammar ibn Jibril al Karminiy al Muaddab — muhaddis, Shayx bo‘lganlar. Samarqandda yashab, hadisdan dars berganlar.

13.Abu Muhammad Suhayb ibn Osim al Karminiy – muhaddis. Iroqda ta’lim olgan.

14.Abu Bakr Muhammad ibn Abu Ja’far al Yashkuruniy al – Karminiy – faqih, shofe mazhabi bilimdoni bo‘lgan.

15.Abu Muhammad Ja’far ibn Muhammad al Mizyomajkasiy – muhaddis, olim, tarbiyachi bo‘lib, 972 yilda vafot etganlar.

16.Qozi Abu Ali Hasan ibn Ali an Nuriy (nuratolik) — muhaddis, alloma.

17.Abu Muso Imron ibn Abdulloh an Nuriy al Hofiz — muhaddis, tarbiyachi.

18.Abu Muqotil Ahmad ibn Muhammad an Nuriy - muhaddis, alloma.

19. Abu Ahmad Ahmad ibn Muhammad al Varqudiy Karminiy - muhaddis, tarbiyachi [1; 37-38].

Yuqorida nomlari zikr etilgan ulug‘ zotlarning barchalari alloma, avliyo, karomatli zotlar bo‘lib, insoniyat baxt – saodati yo‘lida xizmat qilib, nomlari nafaqat o‘z ona – yurtlari, balki jahon bo‘ylab ardoqlanib, xalqlarning ma’naviy mulkiga aylanib kelmoqda.

Shu o‘rinda aziz pir, avliyolar haqidagi tushunchaga kengroq to‘xtaladigan bo‘lsak bizga ma’lumki, qadimda o‘qimishli odamlarga ularning ilmiga qarab mullo, qori, hoji, ustoz, pir, murshid deb murojaat

qilganlar. «Avliyolar esa Ollohning nazari tushgan ilmli olimu fozillar bo‘lib, ilm bilan shariatdan tariqatga, tariqatdan ma’rifatga, ma’rifatdan haqiqatga yetib, qalb ko‘zlari ochilgan mardlardur» [2; 72].

Demak, piru avliyolarning turmushi, hayoti o‘git va nasihatlari shariat, tariqat, ma’rifat va haqiqat haqidagi qarashlarida, fikrlarida o‘z aksini topgan. Ta’kidlab o‘tish joizki, shariat, tariqat, ma’rifat, haqiqat – bular bir – biri bilan uzviy bog‘liq. «Tariqati naqshbandiya pirlaridan biri bo‘lgan Hazrat Mir Kulol tariqat shariatning nigohdoshti, ya’ni muhofaza etuvchisidir, deganlar» [3; 3].

Ba’zi adabiyotlarda «Ma’rifat tariqatning hosilasi va bevosita davomi bo‘lib, uni ilohshunoslik ilmi, botiniy ilm, deb hisoblash mumkin», - degan fikrlarni ko‘ramiz. Bundan shuni anglash joizki, ajdodlarimizdan bizga kelgan tabarruk meros sanalmish botiniy ilm qalblarimizda jo bo‘lib, bizni insoniylik sari yetaklaydi. Zero, komil insonning eng muhim sifatlaridan biri - ma’rifat. Ma’rifatli inson o‘z qalbini pok tutadi, shubhali narsalardan saqlanadi, dinu diyonatini, obro‘sini ulug‘laydi.

Demak, valiylar Allohning zoti va sifatini mukammal biladigan, uning buyurganlarini bajarib, gunohlardan o‘zini saqlaydigan, dunyo lazzatidan oxirat obodligi uchun voz kechgan, duolari mustajob bo‘ladigan solih orif, ixlos bilan ibodat qiluvchi Alloxning sevimli "do‘st" lari, iloxiy marhamatga erishgan kishilardirlar [4; 38].

Aziz avliyolar abadiy qo‘nim topgan muqaddas tuproqni, ya’ni ziyoratgohlar va qadamjolarni ziyorat qilish bizga ota – bobolarimizdan merosdir. Ul aziz zotlarga Alloh taolo karomat quvvatini ato etadi. Alloh xohlaganicha karomatli ishlar ularga xosdir. Fikrimizning tasdig‘i sifatida Alisher Navoiyning "Nasoyimul – muhabbat" asaridan "Avliyolikda sir bor" degan hikoyatni keltirishni joiz deb bildik. Ushbu hikoyat Sayfiddin Hoji Jalilov tomonidan "Imom al — Buxoriy saboqlari" jurnalida chop etilgan "Yon daftarchadagi bitiklardan" nomli maqolada qayd etilgan. Unda hikoya qilinishicha, "Alisher Navoiyning o‘zidan yoshroq Xoja Dehdor degan e’tiqodi mustahkam qadrdoni bo‘lgan. Bir kuni Xojaning tushiga ustoz Abdurahmon Jomiy kiribdi. Jomiy unga qarab: "Qur’on bixon" (Qur’on o‘qigin) debdi. Hayron qolib tushini Navoiyga aytgan ekan, shoir o‘ylanib turib, unga Qur’oni Karimni yod olib yurishni maslahat bergan. Xoja Dehdor ixlos bilan astoydil Qur’on o‘qishni boshlagan.

Endi bu yog‘i ajoyib. Voqeadan 34 yil o‘tgach, Xoja Dehdor bir ish bilan Astrobodga borib, qaytishda ustoz Abdurahmon Jomiyni ziyorat qilib o‘tish uchun Jom qishlog‘iga borgan. Uyiga kirsa, Jomiy betob ekan. Xoja Dehdorni ko‘rib yuziga andaq tabassum yugurgan-da, sekin labini qimirlatib: "Qur’on bixon", degan. Xoja Dehdor uning bosh tomoniga o‘tib cho‘kka tushganda, tilovat qila boshlagan.

Jomiy Hazratlari uni obdon tinglab, ko‘ziga yosh olgan va o‘qish tugagach, jon taslim qilgan. Bu to‘g‘rida Alisher Navoiy shunday yozadi (aynan): "Bu nav’ karomat avliyoning nomidan votse’ bo‘lmish bo‘lgaykim, o‘ttiz yil ortiqroqdan so‘ngra natija zohir bo‘lmish".

Ha, chindan ham avliyolikda sir bor." [5;]

Ma’lumki, Allohdan najot istagan kishilar, qalb tubidagi hech kimga ayta olmaydigan sirlarini shu avliyolarning muqaddas qadamjolari orqali Alloh bilan sirlashadilar. Quyi Zarafshon vohasida joylashgan Xojai Azizon nomi bilan mashhur Xoja Ali Rometaniy ziyoratgohiga yurtdoshlarimiz shifo istab Allohga sig‘insa, Xoja Maxmud Anjir Fag‘naviy, Hazrati Xoja Sulton Boyazid Bastomiy ziyoratgohlariga farzand talablar tashrif buyuradilar.Vohada yana shunday muborak qadamjolar borki, tarixda nomlari mashhur bo‘lmasada, ixlosmand xalqimiz asrlar davomida bu joylarni ziyorat qilib kelmoqda. Misol qilib, Xoja Ajvandi (Ajinabandi), Oqsochbiy, Biy Sayda Bonu, G‘oyib ota (Qiziltepa tumani) va shu kabi juda ko‘plab aziz avliyolar ziyoratgohini aytishimiz joiz. Yaqin yillargacha bu mo‘tabar joylarga ahamiyat berilmadi. Shu bois ular xarobaga aylanib, fayzu tarovatini yo‘qotdi. Alloh ato etgan istiqlol esa ularni qaytadan nurlarga to‘ldirmoqda.

Bu muqaddas qadamjolarni asl holiga keltirish, ularning tarixini, xalqimiz ijtimoiy va ma’naviy turmushida nechog‘lik ahamiyatga ega ekanligini, qolaversa yoshlarimizning ma’nan barkamol bo‘lib yetishishlari uchun muhim o‘rin tutishini o‘rganish va ilmiy asoslab berish tarixchilar zimmasidagi muhim vazifa bo‘lib qoladi.

Mo‘tabar ona zaminimizga o‘zga yurtlardan, jumladan, Eron, Pokiston, Turkiya, Saudiya Arabistoni, Indoneziya, Malayziya, Amerika va yana boshqa ko‘plab mamlakatlardan ziyoratchilar nafaqat yurtimizning tarixini o‘rganish, madaniy yodgorliklarini tomosha qilish, balki aziz avliyolarning muqaddas poyi tekkan zaminni ziyorat qilib, ular ruhiga musharraf bo‘lish ilinjida ham tashrif buyuradilar. Biz bilamizki, aziz avliyolarning muqaddas ruhlari insonga madad beradi. Shu bois xalqimiz, keksa otaxon va onaxonlarimiz "Alloh yor, pirlar madadkor bo‘lsin" degan purhikmat duo bilan ezgu niyatlar tilaydilar.

Ulug‘ avliyolar qoldirgan bebaho ziyo ko‘ngillarni ravshan aylab, yo‘llarimizni nurga to‘ldirsin. Ziyoratgohlarni ziyorat qilish tariximizni, o‘zligimizni yanada chuqurroq o‘rganishga madad bersin!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. S.S.Buxoriy. S.Azimov. Hazrat Mavlono Orif Deggaroniy. Buxoro. 2004. 37-38-betlar.
2. “Imom Al – Buxoriy saboqlari” jurnali. 2003. 1 – son, 72 – bet.
3. S.Buxoriy. S.Azimov. Bahouddin naqshband yoki yeti pir. Toshkent. “Yozuvchi”. 1993. 3- bet.
4. Isoqova Z. Umar Farg'oniy. «Imom Al – Farg‘oniy saboqlari” jurnali. 2008, 3 – son. 38 – bet.
5. Sayfiddin Hoji Jalilov. “Imom Al – Buxoriy saboqlari” jurnali. 2008. 2 – son.

ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ
(Кейс-стади технологияси мисолида)

Ғ. Темиров
тарих фанлари доктори,
А. Давлатов, НавДПИ Магистратура
бўлими 2-курс талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада тарих дарсларида Кейс-стади технологияси ёш авлодни инсонпарвар ва мустақил фикрловчи шахс сифатида тарбиялашда самарали инновацион технология сифатида тавсия этилган, бу ўз ўрнида таълим тизимида алоҳида аҳамиятга эга ва дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Калит сўзлар: дарс, тарих, ўқувчилар, Кейс-стади технологияси хотира, идрок этиш, тарихий материал.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон таълим тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – таълим сифати ва самарадорлигига эришишдир. Албатта, бу борада олиб борилаётган ишларда дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия тизимини янгича услубда ташкил этиш, фанларни ўқитишда турли хил усул, восита ва технологияларни қўллаш биз кўзлаган мақсадларнинг янада самарадорлигини ошишида ёрдам беради. Хусусан, тарих таълимида ҳам. Маълумки, мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (олий ўқув юртларининг нотарих таълим йўналишларида) курслари ўқитилади. Шу ўринда бу фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнига қисқача тўхталсак.

Дарҳақиқат, тарих ўтмишнинг йиғилган тажрибаларини сақловчи, уни авлодларга асраб етказиб келувчидир. Ҳозирги замоннинг ҳар бир йирик масаласи ҳаётнинг қайси соҳаси бўлмасин, жумладан ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши соҳасида ҳам мавжуд бўлган тарихий тажрибаларни ҳисобга олмасдан, ундан унумли фойдаланмасдан, чуқур ўрганмасдан самарали ҳал этиш мумкин эмас.

Жаҳон тарихини ўрганиш – дунёга чиқиш, оламни билиш, теран фикрлаш, ижодкорлик демакдир. Ёшларга таълим беришимиз баробарида Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, келажак учун фидоийлик ҳислатларини шакллантириш ҳамда хорижий давлатларнинг тарихий ривожланиш тараққиёти билан ўз юртимиз тарихини қиёслаб, тўғри хулосалар чиқара олишга ўрганишимиз бугунги давр талаби ҳисобланади.

Тарих фанининг мукамаллигини яна шунда кўрамизки, ҳозирги кунга келиб дунё миқёсида глобал муаммоларга айланган ҳолатларнинг илк кўринишлари, шаклланиши ҳам давлатлар тарихида кўринади. Демак, мавзуларни ёритиб бериш жараёнида жамият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган, тўсиқ бўладиган ҳолатларни аниқ далиллар билан очиб бериш ва уларга қарши курашишни тарғиб этиш таълим самарадорлигини янада оширади.

Таълим тизимининг модернизациялаш йўлига ўтаётганлиги муносабати билан Ўзбекистонда ўқитишнинг янги самарадор услубларини излаш амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида Олий ва ўрта махсус таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“Case-study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, ишчанлик ўйинлари, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганган ҳолда жорий этиш масаласи қўйилган[1].

Кейс-стади ўзи нима? У таълим жараёнига тадбиқ этилганда ўзининг қандай самараларини бериш мумкин? Албатта, бу каби саволлар атрофида фикр юритиш ушбу мақоламизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study – ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларнинг муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган ўқитиш усулидир.

Кейс-стади – ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир[2].

Кейс-стади технологияси ва унинг талабалар ақлий меҳнат фаолиятларига алоқадор мазмун касб этиши ҳақида қатор илмий тадқиқотлар қилинган. Ўзбекистон олимларидан С.Ражабов, У.Нишоналиев[3], Я Рахмонов[4] ва А. Ефимов[5]лар, рус олимларидан Л. В. Покушалова[6], И.Х. Багирова ва Б.С. Бурыхинлар муаммога алоқадор масалалар бўйича тадқиқот олиб борганлар.

Кейс-стадининг ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, “Case-study” методи ишлаб чиқилган жой асли Гарвард университети (АҚШ) ҳисобланади. Дастлабки кейсдан 1870 йили Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби ўқув жараёнида фойдаланган. Ушбу метод 1920 йилдан эътиборан Гарвард бизнес мактаби (Harvard Business School)га жорий қилинган. Кейинчалик дунёнинг қатор илғор давлатлари таълим тизимида ривожлантирилиб келинмоқда.

Case технологияси асосида ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни самарали бўлиши учун иккита асосий шарт: яхши кейс ва ундан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аниқ методикаси зарур. Ушбу методдан тарих йўналишида таълим олаётган талабаларни ўқитишда фойдаланиш ўрганилаётган фанга қизиқишни ошириш, тарих воқеликларини тушунишни осонлаштириш имконини беради, қарорлар қабул қилишнинг тадқиқий, коммуникатив ва ижодий малакаларини ривожлантиради. “Case-study” методининг ўзига хос хусусиятларидан бири, реал ҳаётдан олинган омиллар асосида муаммоли вазият яратишдир.

Таълимни модернизациялаш шароитида талабаларда ижодий фикрни шакллантириш, уларни вазиятга нисбатан аналитик таҳлил қилиш, муаммоларни ечиш заруратини ва йўлларини аниқлаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда кейснинг вазифалари деб қуйидагиларни белгилаб олдик:

1. Модернизация шароитида таълим тизимини самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари, таълим жараёнида ўқувчиларнинг конструктив фикрни шакллантиришга бағишланган илмий-педагогик адабиётлар билан танишиш.

2. Талабаларнинг билиш жараёнини ташкил этиш, тафаккур турлари билан танишиш.

3. Бугунги кунда ижтимоий фан, жумладан тарих фани мутахассисларига қўйилаётган замонавий талаблар билан танишиш ва вазиятни ечишга бўлган эхтиёжни аниқлаш.

4. Тарихи фанини ўрганиш жараёнида талабаларда муаммоли таълим ва кейс-стади усулларининг шакллантириш имкониятларини ўрганиш ривожлантириш амалиётини ўрганиш.

5. Талабаларда мустақил ишлаш ва ижодий фикрни ривожлантириш жараёнини самарали олиб бориш юзасидан хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Шунингдек, Кейс-стадининг ўзига хос типологияси мавжуд бўлиб, у қуйидагича:

Типологик белгилари	**Кейс-стади тури**
Асосий манбалари	**1. Даладаги** **2. Кабинетдаги**
Сюжет мавжудлиги	**1. Сюжетли** **2. Сюжетсиз**
Ҳажми	**1. Қисқа (лўнда)** **2. Ўртача миқдордаги** **3. Катта (узун)**
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	**1. Саволли** **2. Кейс-стади топшириқ**
Дидактик мақсадлари	**1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш** **2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган** **3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи** **4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи** **5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи**

Расмийлаштириш усули	**1. Босма** **2. Электрон** **3. Видео-Кейс-стади** **4. Аудио-Кейс-стади** **5. Мультимедиа-Кейс-стади**

Умуман олганда, кейс-стади – назарий билимларни амалий масалаларни ечишга қўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Ушбу метод нафақат талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади. Ушбу услуб орқали талабалар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг рационал ечимини топишга ўрганадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубларидан бўлган “Case-study” методидан талабалар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқдалар; у талабаларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида “Case-study” методи ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади. Биз ушбу кичиқ мақоламизда кейс-стади технологияси ҳақида умумий назарий маълумотлар бердик холос, унинг самарали томонларини фақатгина тегишли фанларда амалда қўллаб кўрилсагина фарқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Сазе-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: “Tafakkur qanoti”, 2012. - 134 б.
2. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2013. 7- бет.
3. Нишоналиев У. Педагогик технология: Истиқбол ва муаммолар.Т.: 1999.11-20 б.
4. Рахмонов Я.Ю.Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ақлий меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг педагогик асослари.Автореферат. Т.: 2006 й.24 б
5. Дарсларда ўқувчилар ижодий фаолиятини ўстириш. Т.: Ўқитувчи. 1996.-68 б.
6. Покушалова Л. В. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения студентов [Текст] / Л. В. Покушалова // Молодой ученый. — 2011. — №5. Т.2. — С. 155-157.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Д.У.Рўзиев
НавДПИ проректори

Аннотация

Мазкур мақолада Ҳаракатлар Стратегияси - миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш омили сифатида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:Ҳаракатлар Стратегияси, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, Давлат, сиёсат, Маърифат ва диний бағрикенглик, миллий дастур, сиёсий жараёнлар.

Давлатнинг асосий мақсади жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорликни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Зеро, мамлакатимизнинг тараққий этиши авваламбор ундаги барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитининг сақланишига боғлиқ. Ўзбекистондаги барқарорликни ҳамда давлат ва жамият тараққиётини мамлакатда истиқомат киладиган 130дан ортиқ миллат ва элатнинг ўзаро тотувлигисиз, расман рўйхатдан ўтган 16 диний конфессия вакиллари ўртасида бағрикенглик муносабатларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги Фармон асосида эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг Бош Қомусимиз ва халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний тамойиллардан оғишмай риоя этаётганидан далолатдир. Динлараро бағрикенглик ғояси турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси заминида эзгу ғоялар туради, улар инсонни ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби

фазилатлар томон етаклайди. Одамларнинг эътиқодлари, улар диний-мифологик таълимот кўринишида ёки муқаддас китоб шаклида бўладими, қандай бўлмасин, инсонни ўзлигини англашга ва ўзгага бўлган ижобий муносабатларга даъват этиб келган. Аммо ҳозирги глобаллашув шароитида дин билан боғлиқ муаммолар жаҳоннинг турли ҳудуд ва мамлакатларида нозик масалалардан бирига айланди. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби” мавзусидаги анжуманда мазкур масалага эътибор қаратиб, қуйидагича фикр билдиради: “Биз кўп жойларда жаҳолатга карши маърифат ташаббуси билан чиқаяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошка кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Хеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлако тўғри келмайди. Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?” [1; 58]. Шундай экан, ёшларнинг маънавий олами, маърифатини ошириш, диний ва дунёвий билимлар билан қуроллантириш, бир сўз билан айтганда, уларнинг тарбиясига масъул эканлигини хар бир шахс ҳис этмоғи лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат - “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат бир овоздан қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди”, - дея алоҳида таъкидлади [2; 58]. Муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларга эътибор қарататиб 30 июль - “Халқаро дўстлик куни” муносабати билан юртимизда биринчи марта “Дўстлик ҳафталиги”ни ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этдилар. Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши - маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб колади. Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади”, - деб таъкидлаб ўтган эдилар.[3; 34] Бугунги кунда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Тарихдан маълумки аждодларимиз юртимиздаги бошқа дин вакилларига ҳамиша ҳурмат ва эҳтиромда муносабатда бўлганлар. Ватанимизнинг ривожланиш босқичларида, унинг хар бир ютуғи, ижтимоий-иқтисодий жихатдан равнақ топишида ҳам улар ҳалол меҳнатлари билан бир-бирига елкадош бўлиб хизмат қилганликлари кўпгина тарихий манбаларда қайд килиб ўтилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси 34 миллион нафардан дан ошиб кетди. Юртимиз фуқароларнинг 94 фоиздан кўпроги ислом динига эътиқод қилади. 3,5 фоиз аҳолимиз эса православ динига мансубдир. Аҳолининг қолган қисми бошқа диний конфессияга мансуб ҳисобланади. Юртимизда кўплаб диний ташкилотлар ҳам фаолият олиб бораётганлиги озод ва обод хаётда яшаётган халқимиз бағрикенглигининг амалий ифодаси бўлиб ҳисобланади. Айниқса кейинги, уч йилда юртимизда дўстона амалий ҳамкорлик, ўзаро биродарлик, барқарор ривожланишимиз кафолати бўлаётганлиги айни ҳақиқатдир. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни шу каби тадбирлар доирасида ўрганиш фуқаролар ва бўлажак раҳбарларнинг мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг янги босқичида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини янада чукурроқ англаб етиши, бунда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ва мамлакатдаги барқарорликни сақлаш билан боғлиқ ишларда фаол иштирок этиши ҳамда бу йўлда уларга руҳий куч-қувват бериши шубхасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 июнь.
2. Генассамблея ООН приняла специальную резолюцию “Просвещение и религиозная толерантность”, инициатором который выступил Шавкат Мирзиёев // “Народное слово”, 13 декабрь 2018 год № 257 (7185).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2019.

O‘ZBEK DAVLATCHILIGI TARIXIDA “TEMUR TUZUKLARI”NING O‘RNI VA AHAMIYATI

R.M.Qarshiyev- NavDPI dotsenti

Annotatsiya

Amir Temur davlatchiligimiz tarixida, qolaversa jahon tarixida ham qudratli davlat asoschisi va buyuk sarkarda sifatida e’tirof etiladi. Uning yurt obodonchiligi yo‘lida qilgan ishlari ham yuksak baholanadi. Mazkur maqolada Sohibqiron Amir Temurning davlat boshqaruviga oid “Temur tuzuklari” asari davlatchiligimiz tarixidagi tutgan o‘rni, ahamiyati, davlat ahamiyatiga molik bo‘lgan har bir ijtimoiy-siyosiy, diplomatik, madaniy, iqtisodiy, tadbirlar xususida fikrlar bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: *Amir Temur, “Temur tuzuklari”, davlatchilik, davlat boshqaruvi, markazlashgan davlat, «Vazir tutish tuzugi», diplomatiya.*

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan Amir Temur shaxsiga hurmat, Sohibqiron bobomiz va temuriylar davrini qaytadan kashf qilish, Amir Temur davrining nafaqat O‘zbekiston, balki dunyo xalqlari davlatchiligida tutgan o‘rnining o‘ziga xos xususiyatlarini ochib berish, bu jihatlarning yoshlarimiz hayotidagi tarbiyaviy ahamiyatini oshirishga alohida e’tibor qaratib kelinmoqda. Tarixchi olimlarimiz tadqiqotlari natijasiga qaraganda milliy davlatchiligimiz tarixi “Avesto”dan boshlaydigan bo`lsak, 3000 yillik, shahar davlatchiligi tarixidan boshlaydigan bo`lsak, 2700 yillik tarixga ega. Binobarin, bugunda davlatchiligimiz tarixiy tajribasidan saboq olib, davlat boshqaruvini yanada demokratlashtirish, insonparvarlashtirish borasida islohatlarni yanada chuqurlashtirish jarayoni davom etmoqda. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning ta`kidlashicha, “Biz fuqarolar bildirgan fikr - mulohaza va takliflarni inobatga olib, davlat boshqaruv tizimini isloh qilishimiz, ilg‘or davlat menejmenti va “aqlli” boshqaruv prinsiplariga bosqichma - bosqich o‘tishimiz lozim”[1].

Ayni paytda davlatchilik boshqaruvida ajdodlarimiz davlatchilik boshqaruvi tarixiy tajribasidan foydalanish, saboq chiqarishga zaruriy ehtiyoj sifatida qaralmoqda.Ayniqsa, A.Temur davlatchiligi boshqaruvi tajribasi o`rganilmoqda. Temur tarixichilar tasviricha, o'rta asrning atoqli davlat va harbiy arboblardan bo'lgan. Uning «Temur tuzuklari» asari bu fikrning haqqoniyligini tasdiqlaydi. Bu asarda Temurning jamiyatga, birlashgan qudratli davlatning siyosiy - ijtimoiy prinsiplariga qarshi munosabatlar konkret ifodalangan. Amir Temur davr talabini, ya'ni mamlakatni mo'g'ul bosqinchilaridan tozalar, yagona, kuchli markazlashgan davlat tiklash kerakligini o'z vaqtida tushunib yetgan davlat arbobidir. «Amir Temur o'z davlatini aql - zakovat va huquqiy asos bilan idora etgan, desak, adolatdan bo'ladi. Uning «Davlat ishlarining to'qqiz ulushini kengash, tadbir va mashvarat, qolgan bir ulushini qilich bilan amalga oshirdim», degan so'zlari buning yorqin dalilidir» [2] - deb ta'kidlab o‘tgan Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov.

Amir Temur o‘z davrining faqat kuchga suyanib boshqargani yo‘q. Afsuski, ba’zi manbalar va tadqotlarda shunday fikrlar bayon qilinadi. Shaxsan men bu nuqtai nazarga qarshiman. Agar davlat faqatgina kuchga tayangan holda tuzilgan bo‘lsa edi, avvalambor, bunchalik uzoq davr turolmasdi. Amir Temur o‘z davlatini aql - zakovati va huquqiy asoslari bilan idora etgan desak adolatdan bo‘ladi. Uning «davlat ishlarining to‘qqiz ulushini kengash, tadbir va mashvarat, qolgan bir ulushini qilish bilan amalga oshirdim» degan mavzulari buning yorqin dalilidir».

Sohibqiron Amir Temur davlatni boshqarishda, idora etishda barcha jabhalarni o‘z nazoratiga olgan. Har bir buyruq, farmon va ko‘rsatmalar ijrosini sinchikovlik bilan kuzatgan, tekshirgan. Bu haqda Amir Temur «Yana tajribamdan ko‘rib bildimki, davlat agar dinu oydin (qoida, qonun, tartib) asosida qurilmas ekan, to‘ratuzukka bog‘lanmas ekan, unday saltanat shukuhi, qudrati va tartibi yo‘qoladi.

XIV asrning II yarmida yurtimiz aholisi, ajdodlarimiz turmush tarzi og‘ir ahvolda, nomunosib holda edi. Xalq ko‘plab majburiyatlar va soliqlardan, ajnabiylar zulmidan jabr tortmoqda edi. Mana shunday og‘ir bir sharoitda Amir Temurning yagona markazlashgan davlat barpo etishi xalqning ijtimoiy - siyosiy, madaniy - ma’naviy ahvolini, turmush tarzini bir muncha yuksaklikka ko‘tardi. Sohibqiron Amir Temurning markazlashgan davlat barpo etishi milliy davlatchiligimizga quyilgan tamal toshi edi, desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki, xuddi shu davrdan boshlab milliy davlatchiligimiz asoslari, uning yangicha konsepsiyasi yaratila boshladi.

Amir Temur davlatchilik an’analari umumilliy va umumbashariy qadriyatlar bilan yo‘g‘rilgan sharqona demokratiya tamoyillari asosida boshqaruvga ega edi.

Amir Temur davlatining rivoji, xalqaro nufuzi va mavqei Sohibqironning yuksak davrajadagi rahbarlik ma’naviyati va mas’uliyatidan dalolat beradi. Sohibqiron davlat boshqaruvining, idora tartiblarining o‘ziga xos yangicha yo‘nalishini qonun - qoidalar tizimin ishlab chiqdi. Mana shu qonunlar aossida o‘z davlatini idora etdi, ularni «Tuzuklar» shaklida kelajak avlodga ham qoldirdi.

«Pirim Zayniddin Abubakr Toybodiy menga yozmishlarkim,-deb yozadi Amir Temur, - saltanat ishlarida to‘rt narsaga amal qilgan, ya’ni: 1) kengash; 2) mashvaratu maslahat; 3) qat’iy qaror; tadbirkorlik va hushyorlik;

4) ehtiyotkorlik»

Sohibqiron faoliyatini kuzatar ekanmiz, uning hayoti davomida bu to‘rt narsaga qat’iy amal qilganligini, hayotining asosiy mezoni deb bilganligiga guvoh bo‘lamiz. Amir Temur davlat ahamiyatiga molik bo‘lagn har bir ijtimoiy - siyosiy, diplomatik, madaniy, iqtisodiy ishlarni, tadbirlarni o‘z davrining ulug‘lari, ulamolari salohatli kishilari bilan maslahatlashib, kengushu mashvarat o‘tkazib hadya etgan.

Davlat rahbarida bo‘lishi lohim bo‘lgan xislatlar haqida to‘xtalib, Amir Temur o‘z «Tuzuklar»ida quyidagicha ta’kidlaydi:

Birinchidan, (podshoh) o‘z so‘ziga ega bo‘lsin, ishini o‘zi bilib qilsin, ya’ni raiyat podshosining aytgan so‘zini, qilgan ishini zi aytadi, o‘zi qiladi, hech kim aralasha olmaydi, deb bilsin.

Ikkinchidan, sulton har narsada adolatpesha bo‘lsin, qoshida insofli vazirlar saqlasin, toki podshoh zulm qilgudek bo‘lsa, odil vazir uning chorasini topsin.

Uchinchidan, butun mamlakatda buyruq - farmon berish ishlari podshoning o‘z ixtiyorida bo‘lishi lozim. Podshoh har ishda o‘zi hukm chiqarsin, toki hech kim uning hukmiga aralashib, o‘zgartira olmasin.

To‘rtinchidan, podshoh o‘z qarorida qat’iy bo‘lsin, ya’ni har qanday ishni qilishga qasd qilar ekan, to bitirmaguncha undan qo‘l tortmasin.

Beshinchidan, podshoh hukmi joriy etilishi (bajarilishi) darkor.

Oltinchidan, podsholik ishlarini tamoman boshqaga topshirib, erkini unga berib qo‘ymasin.

Ettinchidan, saltanat ishlarida har kimning so‘zini eshitsin, har kimdan fikr olsin. Qaysi biri foydaliroq bo‘lsa, uni qo‘ngil xazinasida saqlab vaqtida ishlatsin» deya qayd etilgan “Temur tuzuklari”da.

Sohibqiron Amir Temur davlatni boshqarishda, idora etishda barcha jabhalarni o‘z nazoratiga olgan. Har bir buyruq, farmon va ko‘rsatmalar ijrosini sinchikovlik bilan kuzatgan, tekshirgan. Bu haqda Amir Temur «Yana tajribamdan ko‘rib bildimki, davlat agar dinu oydin (qoida, qonun, tartib) asosida qurilmas ekan, to‘ratuzukka bog‘lanmas ekan, unday saltanat shukuhi, qudrati va tartibi yo‘qoladi. Shuning uchun ham men o‘z saltanatim binosini dini islom, to‘ratuzuk asosida mustahkamladim. Saltanat boshqarishimida o‘rnatgan har qanday voqea va ishni to‘ra va tuzuk asosida bajardim», deb ta’kidlaydi.

Amir Temur mas’ul davlat lavozimlariga ham oqil, ziyrak, bilimdon, xalq hurmatidagi kishilarni tanlab, saralab, sinovdan o‘tkazib tayinlagan. Ularning faoliyatlarini qattiq nazorat qilganligini bizgacha yetib kelgan manbalar isbotlaydi. Jumladan, M.Ivanin o‘zining «Ikki buyuk sarkarda: Chingizxon va Amir Temur» asarida: «Shunday qilib oddiy jangchilar ham o‘nboshi va yuzboshi lavozimlariga erishishlari mumkin edi. Lekin oliy mansablarni egallash uchun yuzboshilar alohida xizmat ko‘rsatishlari yoki alohida qobiliyatga ega bo‘lishlari kerak edi» [3], - deb qayd etadi. Sohibqiron Amir Temur ham va u taynlagan davlat rahbarlari ham o‘z ishiga o‘ta mas’uliyat bilan yondashgankim, bu davlat juda tez rivojlanish pillapoyalaridan ko‘tariladi, kuchli markazlashgan davlatni vujudga keltiradi. Shuningdek, Amir Temur davlatida otaliq, arzbegi, munshiy, muftiy, muxatsib, xazinador, shayxulislom, sohib devon va boshqa o‘ttizdan ortiq davlat xizmatidagi oliy lavozimlar faoliyat yuritgan[4].

Sohibqiron xos rahbar ma’naviy sifatlaridan yana biri shuki, ul zot doimo oddiy xalq - raiyat ahvolidan, turmush tarzidan ogoh, xabardor bo‘lib turgan. Oddiy avomga yetarli darajada g‘amxo‘rlik qilgan.Bu haqda bobokalonimiz «Raiyat ahvolidan ogoh bo‘ldim, ulug‘larni og‘a qatorida, kichiklarni farzand o‘rnida ko‘rdim» deb ta’kidlaydi.

Amir Temur davlatni boshqarish, idora etish faoliyatida rahbar ma’naviyati va mas’uliyatiga alohida e’tibor qaratgan. Binobarin, bobomiz tomonidan qoldirilgan yuksak boy ma’naviy meros hisoblanmish «Temur tuzuklari» fikrimiz isboti bo‘la oladi. Sohibqiron davlat ishlarida asosiy ahamiyat kasb etuvchi vazir lavozimiga alohida e’tibor qaratgan. Hattoki, «Tuzuklar» da «Vazir tutish tuzugi» nomli alohida bob ham mavjud.

Sohibqiron Amir Temur fikricha “Vazirlar” to‘rt sifatga ega bo‘lgan kishilardan bo‘lishlari lozim;

Birinchisi - asillik, toza nasllik;

Ikkinchisi - aql - farosatlilik

Uchinchisi - sipohu raiyat ahvolidan xabardorlik, ularga nisbatan hushmuomalada bo‘lishlik;

To‘rtinchidan – sabr - chidamlilik va tinchliksevarlik.

Amir Temur o‘z davlatining yetakchisi, rahbari va oliy bosh qo‘mondoni, strateg sifatida ham qo‘shin tarkibiga, tartib-intizomiga va ayniqsa, yirik harbiy lavozim egalari faoliyatiga katta ahamiyat beradi.

Lekin, Sobiq Ittifoq davri tarixshunosligi o‘z davrida faqatgina sohibqiron Amir Temurgagina xos bo‘lgan yuksak darajadagi rahbarlik ma’naviyati va mas’uliyati ham ayrim «haqgo‘y tarixchi» lar tomonidan noto‘g‘ri baholandi, noto‘g‘ri talqin qilindi. Vaholanki, Amir Temurga xos bo‘lgan davlat idora tartiblaridan, rahbarlik, yetakchilik faoliyatidan keyinchalik jahonning yirik davlat va jamoat arboblari, davlat rahbarlari, podshohlar, xonlar, imperatorlar o‘z faoliyatida foydalanishgan.

Amir Temur davlati boshqaruv tizimidagi rahbar ma’naviyati va mas’uliyatiga to‘xtalar ekanmiz, quyidagicha xulosaga kelishimiz mumkin:

Birinchidan, Sohibqiron o‘z davlati miqyosida yangicha boshqaruv tartiblarini joriy etdi. Bu boshqaruv tartibi esa demokratik qonunchilik va ijtimoiy adolat tamoyillariga asoslangan edi.

Ikkinchidan, Amir Temur davri davlatchilik tizimija jargoh va devon deb atalgan boshqaruv apparatlari, idoralari vujudga keldi. «Dargoh - bu eng oliy davlat idorasi edi» Uning tepasida Sohibqironning o‘zi turar edi.

Sohibqiron Amir Temur o‘z davlatchilik asoslarini yaratish, bunyod etish bilan birga, bu davlatni boshqarish va rahbarlik, yetakchi diplomatiya maktabini ham yaratdi. Amir Temur davriga xos va u tashkil etgan bu «rahbarlik maktabi» an’analari haligacha o‘z ahamiyatini yo‘qotgani yo‘q. Balki yanada kengroq ma’no-mazmun kasb etib, yangilanib, shakllanib modernizatsiyalashib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.12.2018.
2. Karimov I. A. Yangicha fikrlash va ishlash - davr talabi. 6 - t. T. «O'zbekiston». 1997. 185 - bet
3. Ivanin M. Ikki buyuk sarkarda: Chingiizxon va Amir Temur. T. «Fan».1994.132 - bet,
4. Ahmedov B. Amir Temur darslari. T. «Sharq», 2001. 52 - 55 - betlar.

“ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ФАНИНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

К. Раҳмонов,
Бухоро давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

Аннотация

“Тарих ўқитиш методикаси” фанининг самарадорлиги фақат дарсликка боғлиқ эмас. Дарслик ва дастур қанчалик такомиллашган бўлса-да, ўқитувчининг ижодий ёндашуви, жозибали маърузаси ёки суҳбати ўрнини эгаллай олмайди. Лекин ўткир муаммо шундаки, ўқув дастурлар ва дарсликларни ҳам бугунги янгиланаётган Ўзбекистон шароитига мослаштириш, модул-кредит тизими, масофавий таълим жараёнларига яқинлаштириш лозим. Бу эса бугунги кунда фидоий мутахассислар олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Калит сўзлар: Таълим, Тарих фани ўқитувчиси, интерфаол метод, назарий қисм, модул-кредит тизими, мутахассис, масофавий таълим**.**

Жамият ҳаётининг эволюцион тарзда тараққий этишини ҳисобга олиб таълим мазмунига ҳам босқичма-босқич ўзгаришлар амалга ошириб борилади. Бироқ янгича дунёқараш шиори остида кечаётган тараққиётнинг ҳозирги шиддатли босқичида ҳам умуман ўзгаришлар кўзга ташланмаётган ёхуд назардан четда қолиб келаётган шундай муҳим масалалар мавжудки, улар тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритиш муҳим долзарблик касб этади.

Маълумки, бўлажак тарих фани ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим вазифаларидан бири улар учун тасдиқланган ўқув дастурларининг мазмунига ва уларни замонавий талабларга жавоб берадиган хусусиятларига боғлиқлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Ўзбекистон олий таълим муассасалари тарих йўналиши 3-босқич бакалавр талабалари ўқув режасида “Тарих ўқитиш методикаси” фани (24 соат маъруза, 36 соат амалий машғулот, 54 соат мустақил таълим) ўқитилади. Мазкур фаннинг бош мақсади – бўлажак тарих фани ўқитувчисини ўз ихтисослиги бўйича дарс машғулотларига тайёрлашдан иборат. Бироқ ушбу фаннинг услубий таъминоти ҳисобланган ўқув дастури ва тавсия этилган дарсликлар мазмуни ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Аввало, 2012, 2015, 2019 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган, Олий ва ўрта таълим вазирлигининг буйруқлари билан маъқулланган ўқув дастурлари шаклан ва мазмунан деярли бир-бирини тўлиқ такрорлайди, фақат мақоваси ва муҳр билан тасдиқланган санаси янгиланган ҳолос. Иккинчидан, мазмун жиҳатдан эса ижтимоий ҳаётнинг талабларидан бир қадар орқага қолган. Ўқув фанининг долзарблиги, олий таълимдаги ўрни, мақсади ва вазифаларида келтирилган матнлар тушунарсиз ва мантиқсиз баён этилган. Асосий назарий қисм (10 мавзудан иборат) мавзу ва режалари, семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар, мустақил ишлар бўйича вазифалар илмий, педагогик, методик жиҳатдан қайта таҳрирга муҳтож. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ва ахборот манбалари қисмидаги Президент маъруза ва нутқлари санаси (2017 йил) инобатга олинмаганда, фан бўйича 2010 йилда чоп этилган дарсликдан[1:331] фойдаланиш билан боғлиқ энг сўнгги методик таъминот сифатида тавсия берилган. Шу ўринда мазкур дарслик матнида дуч келинган айрим маълумотларни келтириш ўринлидир.

“Ўзбекистонда тарих ўқитиш методикасини педагогик фан сифатида шаклланишида юқорида қайд этганимиздек, Ўрта Осиё халқларининг 150 йил давомида чор Россияси ва большевиклар томонидан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тутқунликда ушлаб туришда ўзининг маълум бир изини қолдирди. Шу боис биз тарих ўқитиш методикасининг илмий-педагогик фан сифатидаги масала хусусида гап юритар эканмиз, ўлкамизда ҳар томонлама ҳукмронлик қилиб келган чор Россияси, кейин большевиклар партиясининг маърифий соҳада олиб борган фаолиятига қисқача тарихий назар солмоғимиз керак”[2:10]. Муаллифлар “қисқача тарихий назар” солмоқ керак деб ваъда берган бўлсаларда, дарсликнинг “Тарих ўқитиш методикасининг фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти”

номли бобидаги тўлиқ барча саҳифалар (9-21-бетлар)ни Россия олимларининг фаолиятига бағишлаганлар. “Тарих ўқитиш методологиясининг асосчилари ва ҳозир ҳам машҳурлари М.Ломоносов, А.Радишчев, С.Уваров, Н.Добролюбов, В.Белинский, А.Герцен, С.Соловьёв, Н.Остроумовлар ҳисобланади”,- деб якуний фикрга келишган. Хуллас, дарслик муаллифлари XX асрнинг 60-йилларигача бўлган маълумотларни келтирганлар ҳамда бу даврни фаннинг ривожланиш босқичидаги охирги йиллар деб баҳолаганлар.

“Тарих фани ва ҳозирги замон” деб номланган 2-бобдаги сўнгги фикр-мулоҳазалар баёни 1990-1994 йиллар тарихий-хронологик чегарасида тўхтаб қолган. Наҳотки, кейинги чорак аср давомида фан тарихида ривожланиш юз бермаган ёки тадқиқотлар қилинмаган бўлса? Бўлажак тарихчи ўқитувчиларни касбий фаолиятга мазкур эскириб улгурган маълумотлар билан тайёрлаш мумкинми?

Фан дастури мавзуларидан бири “Тарих дарслари, унинг хиллари ва тузилиши” деб номланиб, унинг иккинчи режаси “Тарих дарслари хилларини ҳамда тузилишини ўрганишда машҳур методистлар А.Ванин, С.Иванов, В.Бернадский, М.Зиновьев, П.Лейбенгруд тажрибалари ва тадқиқотларидан фойдаланилиш” ҳисобланади. Бўлажак тарихчиларга ушбу режа бўйича дарсни янада “самарали” ташкил этиш учун яна дарслик матнларига мурожаат қилинилади. Дарсликнинг 31-36-саҳифалари мазкур муаммоли масалани очиб беришга хизмат қилади. Аввало, иқтибосларга эътибор қаратамиз: А.Ванин (...М, 1968), В.Бернадский (...Л, 1939), М.Зиновьев (...М, 1960), П.Лейбенгруд (...М, 1960)[3:34]. XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйдик. Биз бўлажак тарих фани ўқитувчиси орқали истиқбол параметрларини инобатга олиб, асримизнинг бешинчи ёхуд олтинчи ўн йилликлари учун рақобатбардош ўқувчини тайёрлашимиз керак эмасми!? “Машҳур методистлар” таклиф этган дарс хиллари балки ўз даври учун аҳамиятли бўлгандир!? Ўтган асрнинг қолоқ ва инқирозга учраган мафкураси асосида ёзилган дарслик, қўлланма, ишланмаларни ва улардаги дарс турларини замонавий фикрлайдиган бўлажак тарих фани ўқитувчиси учун тавсия берилишини ўйлаб кўришимиз керак. Энг ачинарли томони шундаки, дарслик муаллифлари “машҳур методистлар”ларнинг бирор-бир ғоясига замонавий нуқтаи назардан танқидий ёндашмаганлар, аксинча, 60-йилларнинг қолоқ назарияларига эргашганлар. “Фикримизча, -деб ёзилади, дарсликнинг 35-саҳифасида - А.Ванин, И.Сперанская, В.Карцовнинг ҳар бир дарснинг умумий ғоявий-назарий йўналиши белгиланиши керак, деган фикрларига қўшилиш ўринлидир”[4:35]. Бундай мазмундаги матнларни кўпгина саҳифаларда учратиш мумкин.

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълимнинг мазмун ва моҳияти тубдан янгиланди. Ўқувчилар интеллектуал ва индивидуал фаолият кўрсатиш кўламини кенгайтириш учун барча педагоглар жон куйдирмоқдалар. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бўлажак тарих фани ўқитувчиларини касбий фаолиятга ва ҳаётий вазиятларга мослаб тайёрлашимиз лозим. Тарих фани ўқитувчиси шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этувчи ва бошқарувчи субъектга айланиши, ўқувчилар эса билимларни мустақил ўзлаштиришга сафарбар этилмоғи керак.

Тўғри, “Тарих ўқитиш методикаси” фанининг самарадорлиги фақат дарсликка боғлиқ эмас. Дарслик ва дастур қанчалик такомиллашган бўлса-да, ўқитувчининг ижодий ёндашуви, жозибали маърузаси ёки суҳбати ўрнини эгаллай олмайди. Лекин ўткир муаммо шундаки, ўқув дастурлар ва дарсликларни ҳам бугунги янгиланаётган Ўзбекистон шароитига мослаштириш, модул-кредит тизими, масофавий таълим жараёнларига яқинлаштириш лозим. Бу эса бугунги кунда фидоий мутахассислар олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. Т., “Ўзбекистон”, 1990.
2. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я.Х. Тарих ўқитиш методикаси (дарслик). - Т., “Турон – иқбол” нашриёти , 2010. 331 бет.
3. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. Тошкент, “Университет” нашриёти. 2002.
4. Ғаффоров Я.Х. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. Т., “Университет” 2008.

FUQAROLIK JAMIYATINING POYDEVORI – IJTIMOIY ADOLAT VA IJTIMOIY HAMKORLIK

Navro‘zov I., Quljonov I., NavDPI
“Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi o‘qituvchilari

Annotatsiya

Mazkur maqolada buyuk mutafakkir allomalarning adolat g‘oyasini jamiyat rivojining davrlariga nisbatan qarab chiqqanligi va ijtimoiy tartib va adolatni ta’minlashda demokratik tamoyillar va institutlar, yanada keng manoda, ijtimoiy kelishuvning rolini anglash kabi masalalar aks ettririlgan.

Kalit so‘zlar: Adolat,jamiyatshunos,ijtimoiy,huquq,burch,demokratiya,tartib,strategiyasi, globallashuv, ijtimoiy kelishuv

Adolat tushunchasi insoniyatning eng qadimgi sotsial g‘oyalaridan biri bo‘lib, u butun insoniyat tarixi orqali o‘tib kelgan. Ammo jamiyatni adolatli tashkil etish orzusi va uning hayotdagi haqqoniy mavjudligi o‘rtasida doimo ziddiyat bo‘lib keladi. Shu nuqtai nazardan insoniyat sivilizatsiyasining butun tarixi ijtimoiy adolatni kengaytirish tarixi hamdir. O‘tmishdagi yirik faylasuf, mutafakkir va jamiyatshunos olimlar u yoki bu tarzda adolat masalalarini tahlil etib, uning ochilmagan jihatlarini ishlab chiqqanlar. Adolat tushunchasining kelib chiqishi (sotsiogenezi) to‘g‘risidagi ta’limotni buyuk ajdodimiz Abu Nasr Farobiy yaratishga uringan. Buyuk mutafakkir adolat adolat g‘oyasini jamiyat rivojining davrlariga nisbatan qarab chiqqan. Bunda u insoniyat jamiyatining kelib chiqishida tabiiy ehtiyojlar yotishini, bu extiyojlarni uyg‘unlashtirish esa adolat tuyg‘usini hakllantirishini ta’kidlagan edi [1]. Yuz bergan ulkan ijtimoiy o‘zgarishlar kishilar ongida, dunyoqarashida, siyosiy-xuquqiy fikrda,ahloqiy me’yorlarda ijtimoiy adolat g‘oyasining uzil-kesil shakllanishiga olib kelgan. Bu haqida Sharqning boshqa bir mutafakkiri – Abu Ali ibn Sino qiziqarli fikrlarni bayon qilgan. Ibn Sino fikricha, o‘zaro bog‘liqlik va almashuv jarayonida insonlar bir-birlarini qandaydir muxtojlikdan xoli etadilar. Buning uchun insonlar o‘rtasida o‘zaro kelishuv zarur bo‘lib, bu kelishuv tufayli adolat qoidalari va qonunlari o‘rnatiladi [2].

Ijtimoiy rivojlanishdagi o‘zgarishlar yangi davr faylasuflarining siyosiy qarashlarida o‘z ifodasini topdi va adolatning “ijtimoiy kelishuv” konsepsiyasi shakllana boshladi. Bu mutafakkirlar uchun insonning “tabiiy huquqi” g‘oyasi xos bo‘lib, uning mazmunini bora-bora “ijtimoiy kelishuv” konsepsiyasi to‘ldira bordi. Mustaqil individlar o‘z “tabiiy huquqlari” bilan “tabiiy holatdagi” jamiyatni tashkil etadilar va o‘zaro ziddiyatlar oldini olish maqsadida “tabiiy holat”dan chiqib, o‘zaro shartnoma tuzdilar– davlatni yaratadilar degan g‘oya bu davrda ustuvor bo‘lgan. “Umuman, ijtimoiy adolat demokratiyaning asosi bo‘lib, halqimiz birgalikda kelishib yashash deganda, avvalo, ijtimoiy adolatni idrok etadi”[3]. Metodologik jihatdan bu teran fikrdir. Zero, aynan ijtimoiy adolat va demokratiyaning o‘zaro uyg‘unligiga asoslangan ijtimoiy hamkorlik va barqaror taraqqiyot-gina strategik maq-sadlarimizga erishish uchun zamin yaratdi. Sharq falsafasining muhim jihatlaridan biri, bu “meyor” tushunchasiga salmoqli e’tibor berilishidir. Aslida, ijtimoiy adolat va ijtimoiy hamkorlik – me’yorga asoslangan qadriyat-lar, Bu mayor muvozanatini – huquq va burch, erkinlik va zaruriyat, ijtimoiy tafovut va tenglik o‘rtasidagi o‘ziga xos bog‘liqlikni anglatadi.

XX asr boshidagi jadidchilik harakati namoyondalari o‘z davrining ilg‘or mutafakkirlari bo‘lib, mus-taqil milliy taraqqiyot mohiyatini chuqur anglab etgan. Zaki Validiy Tug‘on haqida shunday yozgan: “Demokratiyaning birdan-bir, yagona retsepti yo‘q. Uning maqsadi millatlarga va jamiyatlarga o‘z ixtiyorlariga muvofiq hayot kechirish imkoniyatini berishdadir. Demokratiya turli millatda turlicha bo‘lishi mumkin. Lekin uning aso-siy bir sharti bor: millat va jamiyat orasidagi mas’uliyatga hamkorlashib, shunga muvofiq ravishda ish qonunla-riga bo‘ysunish kerak bo‘ladi”[4]. Barqaror rivojlanuvchi adolatli jamiyat yo‘lida odamlarning ijtimoiy hamkorligi va demokratiyani qanday me-xanizmlar mustahkam bog‘lab turadi. Insonparvar jamiyatdagina demokratiya qardlanadi.

Ijtimoiy tartib va adolatni ta’minlashda demokratik tamoyillar va institutlar, yanada keng manoda, ijtimoiy kelishuvning rolini anglash esa insoniyat tarixida nisbatan kech shakllangan. Masalaning yana bir muhim jihati shuki, demokratiya insonning aynan ijtimoiylik jihatini, uning boshqalar bilan murosada yashay bilish qobiliyatini o‘stirish bilangina o‘zini o‘zi ta’minlay oladi. Shu ma’noda, u ijtimoiy hamkorlik qoidalariga tayanadi. Ma’lumki, inson murakkab biologik mavjudod. U boshqalar uchun zid bo‘lgan mayllarga ega bo‘lishi, ammo shu vaqtning o‘zida o‘zgalar bilan hamkorlikka moyil holda, turli o‘zgarishlar hamda xavfsizlikka intilishi mumkin. Insonning ana shunday ziddiyatli tabiatidan ijtimoiy harakat va jarayonlar yuzaga keladi: odamlar bir tomondan shaxsiy erkinlikka intiladi, ikkinchi tomondan esa, ijtimoiy tenglikni talab qilishga moyil bo‘ladi.

Insonlar o‘z manfaatiga sodiq qolish bilan birga, umumiy manfaatlarga ega bo‘lishni ham xoxlaydi. Demak, masala mazkur qarama-qarshi tendensiyalarni o‘zaro muvofiqlashtirish-dadir. Turli jamiyatlarda bu muammoning echimiga ijtimoiy hamkorlik mehanizmlari orqaligina erishiladi. Aynan hamkorlik erkinlik va tenglikni muvozanatga keltirishga xizmat qiladi. Demokratiya–bu yolg‘iz o‘z maqsad va talablarini amalga oshirish vositasi bo‘lmay, balki o‘zaro munosabatlarning maqbel qoidalariga rioya etish hamdir.

Demokratiya–barcha uchun o‘rnatilgan qoidalar majmui. U kishilarning g‘oyalar kurashi va kelishuvi orqali yanada to‘laroq va ko‘proq ijtimoiy adolatga erishish qurolidir. Demokratiya–ikki pallali tarozi bo‘lib, uning bir pallasida fuqarolarning huquqlari tursa, ikkinchi tomonida burch va majburiyatlari turadi. Insonlar aynan o‘z huquqlarini mustahkamlash istagida zimmalariga majburiyatlar ham oladi. Demokratiya tarixan uzoq davrni bosib o‘tgan va bosib o‘tmoqda. Teng huquqlilik, hamjihatlik, ko‘pchilikning hokimiyati. Uni chegaralash va nazorat qilish, bag‘rikenglik, fuqarolar asosiy huquqlarining ta’minlanganligi, hokimiyatning bo‘linishi, umumiy saylovlar, oshkoralik, fikrlar xilma-xilligi va raqobati – bularning barchasi demokratiyaning asosiy ko‘rsatkichlaridir. Ushbu ko‘rsatkichlarning har biri, bir tomondan, fuqarolarning intilishlari asosida va ikkinchi tomondan, ko‘p-chilikning xoxish-istagi muvozanati negizida yuzaga chiqadi. Ma’lumki, demokratiyada u yoki bu jihatga moyillik ustuvor bo‘lib qolishi mumkin. Masalan, erkinlik va tenglik, barchaning siyosiy jarayonlar-dagi ishtiroki va samaradorlik, ko‘pchilikning hokimiyati va ozchilikni muhofaza qilish, davlatning huquqiy asoslari va ijtimoiy yo‘naltirilganligi o‘rtasida farq, tafovut, ba’zan xatto nizo kelib chiqishi mumkin. Bunday vaziyatda ijtimoiy hamkorlik qoidalarini to‘g‘ri va oqilona yechimni topish, ya’ni

ijtimoiy muvozanatni ta’minlashi mumkin. Aslida, har qanday demokratik jamiyatda davlat va jamiyat o‘rtasida o‘ziga xos shartnoma, kelishuv bo‘lishi kerak. Shunga muvofiq siyosiy hokimiyat chegaralanadi, fuqarolar va guruhlarning hokimiyatni suiste’mol qilishidan hamda o‘zini o‘zi himoyalashning ras-miylashtirilgan usullari qaror topadi. Bunda demokratik qoidalar orqali hokimiyatni chega-ralashning qonunan mustahkamlangan uslublari–umumiy saylov huquqi. Konstitutsiyaviy targ‘ib ta’minlanadi. Ammo rasmiy jihatlarning o‘zi yetarli emas. Muhimi, rasmiy tartib-qoidalarni amalga oshirishda hamkorlik qoidalariga ham rioya etishdir. So‘z va axborot erkinligi, axborot olish manbalarining ochiqligi shular jumlasiga kiradi.

Demokratlashuvning slovakiyalik siyosatshunos V.Vasovichning fikricha, demokratlashuv–demokratiyani shunchaki konstitutsiyaviy-siyosiy bayon qilish emas, balki demokratiyaning umume’tirof etilgan elementlarini shakllantirishdir. Modomiki, fuqarolik jamiyatining uch qadriyati–demokratiya, adolat va ijtimoiy hamkorlikning o‘zaro bog‘liqligi haqida so‘z yuritar ekanmiz, bu qadriyatlarning o‘zi qanday kafolatlanadi, ularning qanday belgilovchi yo‘nalishlari bor, degan savollarga javob topishi zarur bo‘ladi.

Demokratik jarayon haqida gap ketar ekan, demokratlashuv sharoitlari to‘g‘risidagi masalaga ham to‘x-talish lozim. Har qalay, ijtimoiy falsafa, qiyosiy siyosatshunoslik, sotsiologiya fanlari doirasida o‘z vaqtida demokratiya va iqtisodiy omilgagina emas, balki u, asosan, demokratik g‘oyalarning ommalashganlik darajasiga ham bog‘liqligi haqidagi fikr-lar keng tarqaldi. Shuni ishonch bilan ta’kidlash kerakki, demokratlashuvning engmuhim shartlaridan biri – jamiyatda ijtimoiy hamkorlik qoidalarining qaror topishidir. Bunga global demo-ratlashuvning hozirgi bosqichi ham guvohlik beradi. Shu aniqki, ayrim mamlakatlarda demokratiya garchi inqi-rozli muammolarni hal eta olmasada, iqtisodiy tushkunlik sharoiti-da ham vujudga keladi. Ustiga-ustak, iqtisodiy yuksalishgagina tayanish, ko‘pincha ijti-moiy-iqtisodiy tengsizlik bilan kechishi va bu, o‘z navbatida, jamiyatdagi demokratik keli-shuvga zarar etkazishi mumkin. Shuning uchun ijtimoiy totuvlik, hamkorlik hamda iqtisodiy o‘sishning o‘zaro uzviy modelini topish orqaligina demokratik tartibning legitimligini ta’minlash mumkin. Zero, hech bir mamlakatda ijtimoiy totuvliksiz va hamkorliksiz demo-kratiya bo‘lgan emas. Tabiiyki, bu modelning o‘zi ham faqat barqaror taraqqiyot sharoitida ta’minlanishi mumkin. Aslida mutlaq adolatli sotsium, ya’ni jamiyatning o‘zi yo‘q va bo‘l-maydi ham. Lekin, shu bilan birga hech bir kishi adolatsiz jamiyatda yashashga rozi bo‘lmaydi. Agarda halol mehnat qilgan yoki jamiyat ravnaqi uchun yelib-yugurib xizmat qilgan kishilar zo‘rg‘a qo‘l uchida hayot kechirsayu, ochiqchasiga harom-xarish yo‘llar bilan boyib ketganlar hammaning ko‘z oldida shohona davron sursa, bunday jamiyatning kelajagi bo‘lmaydi. Chunki, odamlar adolatning kuchiga, imkoniyatlariga ishonib yashay-dilar. Biz barpo etayotgan huquqiy davlatda, adolatsizliklarning hech qanday ko‘rinishiga yo‘l qo‘ymasligi darkor. “Odamlar hamma narsaga chidashi mumkin, lekin adolatsizlikka chiday olmaydi” Bu chuqur ma’noli so‘zlar bugungi kunda har qachongidan ham ko‘ra muhim va dolzarb ahamiyat kasb etayotganini sezish, anglash qiyin emas[5].

O‘z navbatida, mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “Ayni vaqtda mamla-katimiz bosib o‘tgan taraqqiyot yo‘lining chuqur tahlili, bugungi kunda jahon bozori kon’yunkturi ham keskin o‘zgarib, globallashuv sharoitida raqobat tobora kuchayib bora-yotgani davlatimizni yanada barqaror va jadal sur’atlar bilan rivojlan- tirish uchun mutlaqo yangicha yondashuv hamda tamoyillarni ishlab chiqish va ro‘yobga chiqarishni taqozo etmoqda” [6].

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, davlatimiz rahbari tashabbusi bilan ishlab chiqilgan 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasining rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi bugun izchillik bilan amalda tatbiq etilayotganidan ko‘z-langan asosiy maqsad isloxotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlaka-timizni moder-nizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlarni amalga oshirishdir.

Adabiyotlar

1. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. Qodiriy nomidagi ma’naviy meros nashriyoti. 1993 yil 18-19 betlar.
2. Abu Ali Ibn Sino. Tib qonunlari. Uch jildlik saylanma. J. 1.-T.: Qodiriy nomidagi halq merosi nashriyoti. 1994 yil.
3. Karimov I.A. El-yurtga halol, vijdonan xizmat qilish har bir rahbarning muqaddas burchi.
Xalq deputatlari Andijon viloyati kengashining navbatdan tashqari sessiyasidagi nutqi// Xalq so‘zi 2004 yil 26 may
4. Validiy Ahmad Zakiy. Turkiston turkiylar va milliy istiqlol. Turkchadan Sh. Turdiev
tarjimasi. // O‘zbekiston adabiyoti va san’ati 1994 yil 7 yanvar
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz “O‘zbekiston” NMIU, 2017.: 193 b.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2017 yil 7 fevraldagi
“O‘bekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar stratergiyasi
to‘g‘risida”gi farmoni // Xalq sozi 2017 yil 8 fevral

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА АМАЛИЙ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

А. Мамажанов
Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.
Андижон давлат университети
А. Абдувоҳид
Андижон давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада тарих дарсларида амалий метод йўналишининг ақлий ҳужум ва ролли ўйинлар орқали талаба ёки ўқувчилар онгига сингдириш ва улар билим савиясининг сифат самарадорлигини ошириш, мустақил фикрлашга ўргатиш ҳақида тушунча берилган.

Калит сўзлар: Инновация, технология, ақлий ҳужум, ролли ўйин, мустамлака, мустақил фикрлаш.

Тарих дарсларида методлар тизимини ташкил этган кўрсатмали оғзаки матнлар воситасида ўқитиш ва амалий методлар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган. Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Тарих фани ўқув машғулотларининг сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий методлари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари, инновациялар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Инновация, бу - келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [1:4] - деб айтганлари тарих фани ўқитувчисини маълум зарурий билимлар билан қуролланган бўлиши билан бирга шу билимларни ўқувчи ва талабалар онгига сингдиришда янги технологиялар, инновациялар олиб кирмоғи лозимлигини таъкидлади. Тарих дарсларида бугунги кунда ана шундай технологиялар - бу амалий методлар ёрдамида дарс ташкил этишдир. Тарих фани ўқув машғулотларида амалий методлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш амалиётига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда замонавий тарих фани дарсларида ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ҳисобига таълим сифатини яхшилаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Натижада тарих таълими ақлий ҳужум, машқлар, ҳужжатлар устида ишлаш, ролли ўйинлар, китоб билан ишлаш каби амалий методлар орқали етказишнинг долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Бунинг сабабларидан бири, шу кунгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган, ривожлантирувчи таълимда эса билимларни ўрганувчиларнинг ўзлари мустақил қидириб топиши, мустақил ўрганиб таҳлил қила олиши, хулосаларни ҳам ўқувчиларнинг ўзлари келтириб чиқариши талаб қилинишидадир [2:44].

Тарих таълимида педагогик технология ҳамда интерфаол методларда алоқа боғланишлар воситасида билим эгаллашга катта эътибор берилади. “Билим кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган тўғри маълумотларидир.Ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлод тўплаган билимини ўзлаштиради, янги-янги ҳодисаларни чуқур ўрганиб, уни бойитади. Билим кундалик тажриба, илмий кузатиш орқали тўпланади. Билим эгаллашнинг муҳим воситаси таълим жараёнидир” [3:61].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тарих дарсларида “Ақлий ҳужум” амалий методи амалиётига тўхталганимизда, бунда бирор муаммо бўйича талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир.

“Ақлий ҳужум” методи орқали мавзуни амалиётда муаммоли масала асосида қуйидагича амалга оширишни кўзда тутамиз.

1. *Муаммо.* Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши натижасида Қўқон хонлиги 1875 йили ўз мустақиллигини йўқотганлиги ҳақида фикр билдириб, манбалар орқали тўла тасвирлаш имконини бериш мумкинми?

2. *Иштирокчилар*. Умумтаълим мактаби ўқувчилари ёки талабалар иштирок этиб, унда жами 25-30 нафаргача ўқувчи ва талабалар қатнашиб, улар уч гуруҳга бўлинади.

3. Фикр ва ғояларни билдириш. А) гуруҳ - Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши натижасида Қўқон хонлиги 1875 йили ўз мустақиллигини йўқотганлигини фақат айрим ҳужжатларни ўрганиш орқали ҳам билиб олиш мумкин.

Б) гуруҳ - Худоёрхоннинг Россия империяси васийлигига кириши ҳамда Қўқон хонининг эркин чеклаш бўйича келишувнинг имзоланиши маҳаллий аҳоли орасида исёнкор кайфиятларни келтириб чиқарганлигини дарслик матнида тўла тасвирлаш имкони берилмаган.

В) гуруҳ - Қўқон хонининг эркин чеклаш бўйича келишувининг имзоланиши маҳаллий аҳоли орасида исёнкор кайфиятларни келтириб чиқарди деган фикрга келдилар.

4. Фикр ва ғояларни гуруҳлаш. Учала гуруҳ ҳам Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши натижасида Қўқон хонлиги 1875 йили ўз мустақиллигини йўқотганлиги ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

5. Муҳокама. Учала гуруҳ ҳам Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши натижасида Қўқон хонлиги 1875 йили ўз мустақиллигини йўқотганлиги ҳақида ўзларининг қисқача фикрларини билдириб, шу орқали билиб олиши ҳам мумкин деган хулосага келдилар.

6. Тўғри ва самарали ечимга келиш. Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши натижасида Қўқон хонлиги 1875 йили ўз мустақиллигини йўқотганлиги ҳақида фикр билдириб, Худоёрхон-нинг Россия империяси васийлигига кириши ҳамда Қўқон хонининг эркин чеклаш бўйича келишувнинг имзоланиши маҳаллий аҳоли орасида исёнкор кайфиятларни келтириб чиқарди. Андижон қўзғолон марказига айланди. Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори ва Туркистон ҳарбий округи кўмондони фон Кауфман Андижон шаҳрида ва унга яқин бўлган жойларда Пўлатхон ва Абдураҳмон Офтобачи бошчилигида катта қўшин турганлиги ҳақида хабар топади. Пўлатхон енгилиб қочган Қўқон аскарлари ва қипчоқларни ҳам йиққан эди. Унинг атрофида қирғиз ва қипчоқларнинг энг обрўли кишилари тўпланган. Улар Насриддинхондан нафратланиб, Андижоннинг Бўтақора қишлоғида Пўлатхонни оқ кигизга солиб кўтариб, хон деб эълон қилганлар [4:124-125].

Бунга жавобан М.Д.Скобелевнинг ташаббуси билан исёнчиларга қарши Андижон сари янги юриш ташкил этилди. 1876 йил 8-январда шаҳар шафқатсиз бомбардимон қилинди. 20 минг андижонлик ҳалок бўлди. Эртаси куни М.Д.Скобелев вайрон этилган, ҳувиллаб қолган Андижонга кирди, Пўлатхон эса омон қолган жангчилари билан Учқўрғон қалъаси томон йўл олди. М.Д.Скобелев отряди қочаётган қуролсиз одамларни - ёниб кул бўлган қишлоқларини тарк этаётган аёллар, кексалар ва болаларни кўриб қолиб, уларни қилич билан чопиб ташлашга буйруқ берди. Унинг қўл остидаги зобитлар бу буйруқни бажаришдан бош тортди. Зобитлардан бири - Наливкин "*Мен зобитман, қуроли бор ғанимга қарши юзма-юз курашишга ўргатилганман, тинч аҳолини ўлдириш эса қўлимдан келмайди"*деди. Шунда М.Д.Скобелев бошқа зобит Ионовни буйруқни бажаришга мажбурлади ва у ўз аскарлари билан барчани, шу жумладан, ҳали кўкракдан чиқмаган болаларни ҳам қиличдан ўтказди. Шу воқеадан кейин М.Д.Скобелев раҳбариятга шикоят қилиб, "*Наливкин ё истеъфога чиқиши, ё жазога тортилиши"* лозимлигини айтди. Натижада унинг ғайриинсоний буйруғини бажаришдан бош тортган Наливкин истеъфо беришга мажбур бўлди.

1876 йил 28-январга ўтар кечаси М.Д.Скобелев жўнатган қисм Учқўр-ғонни эгаллади, қалъа ҳимоячилари қириб ташланди. "Пўлатхон" номи билан 1873-1876 йиллардаги хон, унинг амалдорлари зулмига ва чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ қўзғолонига бошчилик қилган Пўлатхон Марғилонда қўлга тушди. Халқнинг эркн ва мустақиллиги йўлида курашган ўттиз ёшли йигит 1876 йил 1- март куни Марғилон шаҳрида осиб ўлдирилди. Шу тариқа, Пўлатхон бошчилигидаги исён, оммавий чиқишлар рус армияси томонидан шафқатсизларча бостирилди [5:27-28] деб ҳисоблашади деган фикр билан бу амалий метод ниҳоясига етказилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, тарих таълимида амалий методнинг асосий йўли ўқувчи ёшларнинг ҳаётни ўрганиш йўлидир. Шунинг учун ҳам амалий метод катта таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "...бор ақл-заковатимизни, билим ва тажрибаларимизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак," - деб айтганлари биз тарихчиларни тарих дарсларида амалий методларни қўллаб ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараённи шакллантиришимиз зарур. Бундай таълим технологияси натижасида чуқур билим ва малакалар ҳосил бўлади. Анъанавий таълим методлари билан эса бундай маҳсулдорликка эришиб бўлмасди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - "Ўзбекистон". Тошкент 2018. – 80 б.
2. Жуманиёзова Муҳайё. Тарих дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Халқ таълими. № 2. 2006 - Б 44.
3. Эсонова Зоҳида. Янги таълимий технологияларни таснифлашнинг психологик асослари. - Андижон, 2008. - 67 б.
4. Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. - "Шарқ". Тошкент. 2013.-592 б.
5. Саламов Ш.Н. Ғоялар жанги XIX-XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ. - "Истиқлол нури". Тошкент. 2017.-312 б.

TARIX FANLARIDA MA’NAVIY - AXLOQIY TARBIYADA HADISLARDAN FOYDALANISH

S.Hamroyeva, F.Shirinova
NavDPI katta o‘qituvchilari

Annotatsiya

Ushbu maqolada ta’lim tizimida tarix fanlarini o‘qitish jarayonida o‘quvchilarga beriladigan ta’lim – tarbiyada hadislardan va ulardagi ma’naviy – axloqiy qarashlardan foydalanish haqida fikr – mulohazalar bildirilgan.

Kalit so‘zlar: Hadis, islom dini, axloqiy, ma’naviy, hadis ilmi, din, tarix darslari.

O‘zbekiston Respublikasining barcha sohalari kabi ta’lim tizimi, ayniqsa, tarix fanlrini o‘qitilishiga bugungi rivojlanib borayotgan bir davrda jiddiy e’tibor qaratilmoqda. Zamonaviy tarix darslari jarayonida nafaqat insoniyat tarixida bo‘lib o‘tgan voqea va hodisalar tafsiloti, balki ular orqali o‘quvchilarni ma’maviy – axloqiy jihatdan tarbiyalashga ham katta e’tibor qaratilyapti. Sh.M.Mirziyoev: “Bugungi kunda yon – atrofimizda diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, “ommaviy madaniyat” degan turli balo – qazolarning xavfi tobora kuchayib borayotganini hisobga oladigan bo‘lsak, bu so‘zlarning chuqur ma’nosi va ahamiyati yanada yaqqol ayon bo‘ladi. Haqiqatan ham, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o‘z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo‘qotmaydigan masala bo‘lib qolmoqda.”[1]

Mustaqillik yillarida barcha sohalarda bo‘lgani kabi, muqaddas islom dinini o‘rganish, ajdodlar merosini qayta tiklash va kelajak avlodlarga yetkazish bo‘yicha ham keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Buyuk ajdodlarga munosib vorislarni tayyorlash maqsadida mamlakatimiz diniy ta’lim tizimida ham islohotlar amalga oshirilayotganini ijobiy baholash mumkin. Shu bilan bir qatorda umumiy o‘rta ta’lim tizimida tarix darslari jarayonida o‘quvchilarni axloqiy va ma’naviy jihatdan tarbiyalashda hadislardan oqilona foydalanish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi.

«Hadis ilmining sultoni» maqomini olgan buyuk vatandoshimiz Imom Buxoriyning «Al jome’ as – sahih» kitobi musulmon dunyosida Qur’oni karimdan keyingi ikkinchi muqaddas manba bo‘lib, islom dini e’tiqodiga ko‘ra, u bashariyat tomonidan bitilgan kitoblarning eng ulug‘i hisoblanadi.

Muqaddas islom dini va hadis ilmi rivojiga beqiyos hissa qo‘shgan buyuk vatandoshlarimizning boy merosini chuqur o‘rganish, ular tomonidan asos solingan hadis ilmi maktablari faoliyatini qayta tiklash va rivojlantirish hamda islom dini asoslari va hadis ilmini mukammal o‘zlashtirgan oliy ma’lumotli yetuk mutaxassis-kadrlarni yetishtirib chiqarish maqsadida O‘zbekiston musulmonlari idorasi, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo‘yicha qo‘mitaning Samarqand viloyatidagi Imom Buxoriy xalqaro markazi negizida Hadis ilmi maktabi tashkil etildi. Quyidagilar Hadis ilmi maktabining asosiy vazifalari etib belgilandi:

– “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonun hujjatlari va ta’lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplariga tayangan holda islom dini sohasida fundamental bilim va tushunchalar, tarixiy va zamonaviy an’analar, innovatsiya texnologiyalarini, dinlar tarixi va nazariyasini chuqur egallagan, islom dini asoslarini, hadis ilmini mukammal o‘zlashtirgan, dunyoga mashhur hadis ulamolari tomonidan bitilgan olti ishonchli hadis to‘plamlarini puxta o‘zlashtirgan, turli oqimlarning yot g‘oyalariga qarshi raddiyalar bera oladigan hamda hadis va hadis ilmi bo‘yicha oliy diniy ma’lumotga ega bo‘lgan yetuk mutaxassis kadrlarni tayyorlash;

– yoshlarni milliy qadriyatlarimizga sadoqat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, mustaqil dunyoqarashga va fikrlarga ega bo‘lgan ma’naviy boy va har tomonlama barkamol avlodni shakllantirish;

– Qur’oni karim va hadislarning asl mohiyatini, hadis maktabining ilmiy-ma’naviy asoslarini, Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Imom Dorimiy va boshqa yurtimizdan etishib chiqqan buyuk muhaddis allomalar merosini har tomonlama o‘rganish va ular asosida ilmiy tadqiqot va tarjima ishlarini olib borish;

– yurtimizda asrlar davomida shakllangan “Ustoz-shogird” an’analarini davom ettirish maqsadida hadis, kalom ilmi, tafsir, fiqh, arab tili fanlari bo‘yicha zamonaviy modul tizimiga asoslangan dars va to‘garaklar tashkil etish va ular faoliyatiga yurtimizda va jahonda ko‘zga ko‘ringan ulamolarni jalb qilish;

– hadis va hadis ilmi bo‘yicha yetuk mutaxassis kadrlar bilan ta’minlash chora-tadbirlarini ishlab chiqish, kadrlar sohasida xalqaro tajriba almashinuvini yo‘lga qo‘yish.

- O‘zbekiston musulmonlari idorasi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo‘yicha qo‘mita bilan kelishgan holda O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlarida belgilangan tartibda Hadis maktabida sirtqi, qayta tayyorlash yoki masofaviy o‘qish shakli, diniy sohadagi ilmiy va ilmiy-pedagogik kadrlarga bo‘lgan ehtiyojni ta’minlashga qaratilgan oliy o‘quv yurtidan keyingi ta’lim uchun tegishli ilmiy darajalarni berish yuzasidan Ilmiy kengash tashkil etish shular jumlasidandir.

Yuqoridagi belgilab berilgan maqsad va vazifalardan kelib chiqib, fikrimizcha, umumiy o‘rta ta’lim maktablarida ham tarix darslari, tarbiya darslari jarayonida hadis ilmini o‘quvchilarga singdirish, ularning axloqiy tarbiyalasini mukammal darajada bo‘lishi uchun har bir zamonaviy o‘qituvchi jon kuydirmog‘i lozim. Buning uchun o‘qituvchilarning o‘zi ham avvalo hadis ilmini mukammal darajada o‘zlashtirmog‘i darkor, deb

o‘ylaymiz. Bundan tashqari darslarda hadislarning asl o‘zlashtiruvchilarini taklif etish ham samarali natija beradi, albatta.

O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida ham “O‘zbekiston Respublikasi o‘z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf – odatlari va an’analarini hurmat qilinishini ta’minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi”, [2; 9] – deb belgilab qo‘yilgan.

Haqiqatan ham, bugungi kunda yosh avlodni ma’naviy – axloqiy barkamol etib tarbiyalash ishi ta’lim – tarbiya mazmunida katta o‘zgarishlar qilishni taqozo etadi. Zero, yurtimizda amalga oshirilayotgan tub islohotlar hamda jamiyat ma’naviyatini yanada rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan etib belgilandi. Shuning uchun ham yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroni milliy g‘oya, milliy mafkura asosida diniy ta’limotlar, hadislar yordamida ma’naviy shakllantirish shu kunning dolzarb vazifasi bo‘lib qoldi. Bu vazifalarni amalga oshirishda o‘z o‘rnida umumiy o‘rta ta’lim maktablarida o‘qitiladigan tarix fanlarining ham alohida ahamiyati bor.

Xulosa o‘rnida aytishimiz mumkinki, “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonunda yosh avlodni ma’naviy, jismoniy barkamol qilib tarbiyalashda qadimiy, milliy qadriyatlarning o‘rni alohida ta’kidlangan. Bu qadriyatlarning tarkibiy qismi bo‘lgan diniy ta’limotlar, hadislar yoshlarga insoniy fazilatlarni singdirishda, ularni komil inson qilib tarbiyalashda katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Тошкент, 2016 й.

2. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. T.: “O‘zbekiston”, 1998 yil, 4-modda, 9-bet.

TARIX FANLARINI O‘QITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH TAJRIBASIDAN

S.I.Hamroyeva
NavDPI katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada tarix fanlarini o‘qitishda ta’lim metodlaridan foydalanishning samaradorligi, shaxsni faollashtirishga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari o‘quvchining shaxsiy individini o‘stirishiga yordam berishi xususidagi metodlar va aynan umumiy o‘rta ta’lim maktablarida tarix fanini o‘qitishning zamonaviy asoslari hozirgi davrdagi maktab ta’limidagi eng samarali metodlardan biri ekanligi haqidagi fikr va mulohazalar bildirilgan.

Kalit so‘zlar: Texnologiya, uzluksiz ta’lim, modulli ta’lim, mikro ta’lim.

Bugungi ta’lim tizimi zamonaviy o‘qituvchidan ta’lim texnologiyalarini nihoyatda mas’uliyat bilan yondashilgan holda undan ham o‘rganishni, ham o‘z pedagogik faoliyatida qo‘llashni talab etmoqda. Hammaga ma’lumki, tarix ta’limida yangi pedagogik texnologiyalarni amalga oshirishda ta’lim mazmuniga tayangan holda ma’lum metod va vositalardan foydalanish maqsadga muvofiq bo‘lib, samarali natijaga erishiladi. Mutaxassislarning fikricha, texnologiya metodlarining qo‘llanilishi quyidagi omillarga bog‘liq bo‘ladi:

1. O‘qitishning faol metodlari;
2. Ta’lim jarayonini individuallashtirish;
3. Ilg‘or pedagogik tizimlarni loyihalash;
4. Ta’lim jarayonining samaradorligini oshirish;
5. Modulli ta’lim texnologiyalari;
6. Pedagogik mehnatni tashkil etishning ilmiy asoslari.

Ta’lim metodi o‘qituvchi va o‘quvchining ta’lim mazmunini o‘zlashtirishga qaratilgan o‘zaro aloqador, ma’lum ketma-ketlikdagi faoliyati tizimidir. Uning o‘ziga xos belgilari quyidagilardir: maqsad, o‘quv jarayoni sub’ektining o‘quv materialini o‘zlashtirish usullari va shakllari. Ta’limning faol metodlariga xos ilk belgilar XIV-XVI asrlarda namoyon bo‘lgan. Buyuk gumanistlar – F. Rable, M. Manten, F. Bekonlar bilimlarni tayyor holda uzatilgan ma’lumotlar asosida emas, balki amaliy tajriba, munozara orqali mustaqil o‘zlashtirishni tavsiya etganlar [1, 56]. Keyinchalik ta’lim metodlari Ya.A.Kamenskiy, I.G.Pestolotssi, F.A.Disterverg tomonidan rivojlantirilgan. Ta’lim jarayonida faol metodlarni qo‘llash g‘oyasi XIV asrda ilmiy asoslangan bo‘lsada, u 1950 yillardagina “uzluksiz ta’lim” tushunchasining qo‘llanilishi bilan o‘zining amaliy ifodasiga ega bo‘ldi. Bugungi kunda innovatsiyalardan muammoli va axborotli ma’ruza, vizual o‘qitish (ikki nafar turli fan o‘qituvchilari muayyan ketma-ketlikda bir mavzu bo‘yicha darslarni tashkil etadilar) hamda matbuot konferensiyalaridan foydalanish tajribasi asosida ish ko‘rilmoqda.

Ta’lim metodlarining guruhlari quyidagilar: og‘zaki metodlar, ko‘rgazmali metodlar, amaliy metodlar. Ta’lim metodlari uslublardan tarkib topadi. Ayni vaqtda pedagogikada quyidagi faol metod va uslublar qo‘llanilmoqda:

1. Mikro ta’lim (o‘quv materiali bo‘limlarining kichik qismlarini ma’lum ketma–ketlikda ishlab chiqarishga tadbiq etish). Mazkur ta’lim tarafdorlari ko‘p qirralilikni dars kirish qismining muhim elementi sifatida tavsiya etadilar.

2. Ta’limning modul texnologiyasi (sana va so‘zlarni esda saqlab qolish uslublari, test o‘tkazish va boshqalar).

3. Bilimlarni majmualash (birinchi dars – axborotli, ikkinchi dars – mustahkamlash, uchinchi dars – amaliy, to‘rtinchi dars – mustahkamlash (test o‘tkazish tarzida).

4. O‘quv matnlarini qismlarga bo‘lib o‘rganish (muayyan ketma – ketlikda, uzluksiz).

5. Ishbilarmonlik o‘yinlar (masalan, “Labirint”, “Muammolar maydoni” vaboshqalar) ni o‘rganish.

6. O‘quvchilar faoliyatini reyting asosida baholash.

7. Pedagogik kvalimetriya (o‘quvchini AKT vositasida testdan o‘tkazish). K.R.Branson (AQSHning Florida universitetidagi Pedagogik texnologiya markazi direktori) pedagogik texnologiya nazariyasi shakllanishining tarixiy asosini shunday belgilaydi: ibtidoiy jamoa tuzumining ilk davrlarida bilimlarni yetkazib berishda og‘zaki usullar keng qo‘llanilgan. Bu usul quyidagi to‘rtta elementni o‘zida mujassamlashtirgan: Bilim–tajriba–o‘qituvchi–o‘quvchi. Ushbu paradigma ta’limning individullashtirilgan shakli deb nomlanadi. Ta’limni juftli yoki guruhli shakllarda tashkil etish g‘oyasi esa XII asrda ilgari surilgan bo‘lib, XX asrning oxirida ushbu g‘oya negizida quyidagi modeli shakllandi: Bilim–tajriba–o‘quvchi. Bu model mohiyatini yorituvchi paradigma “guruhli” deb nomlanib, u ta’lim oluvchilarning o‘quv faoliyati doirasida o‘z–o‘zini anglash, vaqtning samarali o‘tishiga erishish, qayta aloqa sifati va sonini orttirish, didaktik materiallar sifatini yaxshilash, o‘z – o‘zini boshqarish tizimini kengaytirish, rivojlangan ta’lim tizimini joriy etish, yangi kurslarni loyihalash, o‘quv rejasi mazmunini takomillashtirish, ta’lim sub’ektlarining o‘quv imkoniyatlarini orttirish, shuningdek, ular faoliyatini baholashda qulay vositalardan foydalanishga xizmat qiladi. Zamonaviy pedagogik texnologiyaga asoslangan yangi paradigmaning mohiyati interfaol ta’limni keng ko‘lamda va mavjud imkoniyatlar asosida yo‘lga qo‘yishdan iborat. Unga ko‘ra, har bir ta’lim oluvchi o‘quv axborotlarini uch manbaa:

1. O‘qituvchi yordamida;

2.Ma’lumotlar bazasi (muayyan fan bo‘yicha yoki o‘quv doirasida) yordamida;

3. O‘quvchilar guruhi (ular bilan o‘zaro faoliyatni tashkil etish) yordamida egallaydi. Ta’limni modernizatsiyalashtirish ta’lim jarayonida bilim, ko‘nikma, malakalarni shakllantirish bilangina hal bo‘lib qolmaydi. O‘quvchi shaxsining mustaqil, tashabbuskorlik, javobgarlikni his etish, tanqidiy fikrlash kabi sifatlar bilan bog‘liq funksiyalari ta’limning shaxsga yo‘naltirilgan tizimi vositasida amalga oshiriladi. Bunda o‘quvchi ta’lim tizimiga moslashtirilmay, aksincha, ta’lim tizimi turli shaxsga mos barcha xususiyatlari (erkinlikka intiluvchanlik, mustaqillik, shaxsiy fikrlarning mutloq o‘ziga xos tizimga ega bo‘lishi, o‘z–o‘zini tasdiqlash ehtiyojining mavjudligi va boshqalar)ni hisobga olgan holda, o‘quvchiga uning o‘ziga xosligi (individulligi)ni rivojlantirish imkonini berish, uning o‘z–o‘zini rivojlantirishi, namoyon etishi uchun sharoit yaratish lozim. Zero, har qanday o‘quvchi o‘ziga va faqat o‘zigagina xos takrorlanmas tabiati, xarakter xususiyatini faollashtirish va namoyon etishga intiladi [2]. Ta’lim–tarbiya asosida shaxsning intensiv rivojlanishi, moddiy–ma’naviy qadriyatlarni o‘zlashtirishi faqat uning shaxsiy faoliyati natijasida amalga oshadi. Agar o‘quvchi o‘quv faoliyati mohiyatini anglay olmasa, o‘quv maqsadini tan olmaydi, o‘qituvchi qo‘ygan vazifalarni tushunmaydi va qabul qilmaydi, u tomonidan sodir etiladigan barcha hatti–harakatlar majburiyat va tazyiq ostida bo‘ladi, uning bilimlari rasmiy xarakterga, pedagogning faoliyati esa rasmiyatchilik mazmuniga ega bo‘ladi. Bilim ularni amaliyotga tadbiq etishga qaratilgan faoliyat natijasidagina shakllanadi. Bu darslik mazmunidan ba’zi ilmiy ma’lumotlarni shunchaki ko‘r – ko‘rona yodlab olish bo‘lmay, balki o‘quvchining shaxsiy, sub’ektiv tajribasiga asoslangan haqiqiy bilimlar bo‘ladi. Inson ongi hamisha sub’ektiv mohiyatga egadir. O‘quvchi muayyan bilimlarga nisbatan befarq bo‘lmay, bilimlar uning uchun shaxsiy mazmunga ega bo‘lsagina puxta o‘zlashtiriladi. O‘qituvchi bunga o‘quvchida o‘quv predmetiga nisbatan qadriyatli, ijobiy sub’ektiv munosabatni tarkib toptirish natijasida erishadi.

O‘quvchining ruhiy xususiyatlarini o‘rganish o‘zlashtirilayotgan bilimlarning o‘quvchiga shaxsan qiziqarli va kerakli bo‘lishi zarurligi, aks holda ular shubhasiz rad etilishini ko‘rsatadi. Bu holat obrazli ifodalansa, individual tafakkurda bilimlar sub’ektivlashadi, o‘ziga xos individual jihatlarga ega bo‘ladi. Teskari jarayonda individual tasavvur va shaxsiy fikrlar ob’ektiv ahamiyat kasb etar ekan, bilimlar turli nuqtai – nazarlarning to‘qnashuvi, bahs – munozara, o‘zaro hamkorlikdagi faoliyat natijasida o‘zlashtiriladi, bu esa o‘quv jarayonini noan’anaviy usulda tashkil etishning muhim shakllari (bahs – munozara, o‘zaro hamkorlikni)ni talab etadi. O‘qituvchi o‘z darsida o‘quvchilar tafakkurini rivojlantirishga xizmat qiluvchi usullardan foydalanib shunday shart-sharoitlarni tarkib toptirishi lozimki, natijada o‘quvchi uchun dastlab neytral bo‘lgan ob’ekt kutilmaganda ob’ektiv xususiyat kasb etsin.

O‘quv materiali mazmuni avval o‘qituvchi tomonidan ijodiy qayta ishlanadi va o‘quvchini qiziqtiradigan, uning shaxsiy tajribasiga mos keladigan, uni fikrlashga undaydigan jihatlar belgilanadi. Noan’anaviy darslar (O‘yin-dars.Teatrlashtirilgan dars) bilan tadqiqot, izlanish mashg‘ulotlari, seminarlar kabilar ham tashkil etiladi. Bunday mashg‘ulotlarning mazmuni va mavzusi bevosita shaxs faoliyatiga yondashuv konsepsiyasi va tamoyillariga mos kelib, ular bola ichki dunyosi, tafakkuri va shaxsiy hayotiy tajribasini maksimal darajada faollashtirishga xizmat qiladi. Bu o‘rinda o‘quv faoliyatiga rag‘bat uyg‘otish, uni bilim egallashga yo‘naltirilsa, ular ta’limning shakl va usullari, shaxs bilimi, tajribasi va hissiyotlarining asosiy manbai sifatida namoyon bo‘ladi. Tadqiqot – izlanuvchanlikka yo‘naltirilgan mashg‘ulotlar texnologiyasida markaziy

o‘rinni shaxsiy vaziyat egallaydi, u o‘quvchini imkon qadar ko‘proq topshiriqlarni bajarishga jalb etib, individual yoki jamoa bo‘lib topshiriqlarning javoblarini topishga undaydi. Bunday mashg‘ulotlarning asosiy maqsadlaridan biri topshiriq sifatida qo‘yilgan muammoalarga o‘quvchining o‘zi javob topishini ta’minlashdir. O‘quvchining javoblari o‘qituvchi yoki o‘rtoqlarining javoblariga mutlaqo o‘xshamasada, biroq, o‘quvchi o‘z javobidan qoniqish hosil qilsin, muammo echimini shaxsan o‘zi topa olganidan g‘ururlana olishi muhimdir. An’anaviy ta’lim mohiyatiga ko‘ra o‘qituvchi tomonidan berilgan topshiriq va savollar o‘quvchini o‘qituvchi tanlagan, o‘zi uchun esa mutlaqo notanish tarzda fikrlashga majbur qiladi. Aksincha, o‘qituvchi ko‘z o‘ngida topshiriqni shakllantirar ekan, ularni topqirlikka asoslangan qiziqarli echimlar vositasida echimni topishga undaydi. Bunday mashg‘ulotlarda qo‘llaniladigan metodlar o‘qituvchining bolalar bilan hamkorlik munosabatlariga, o‘quvchilarning o‘z bilimlarini o‘zlari mustaqil rivojlantirish, axborot va ilmiy ma’lumotlarga tanqidiy munosabatda bo‘lishi, plyuralizm hamda o‘zgalar fikriga hurmat bilan yondashish kabilarga asoslanadi.[3,34] Ta’limning shaxsga yo‘naltirilganlik texnologiyasi an’anaviy ta’lim texnologiyalaridan quyidagilarga ko‘ra farq qiladi: “Mashg‘ulotning asosiy maqsadi – tafakkur jarayonini tashkil etishdir, bilim, ko‘nikma, malakalar – o‘quvchi faoliyatining mahsuli sifatida vujudga keladi.

Tafakkur jarayonining quvvati bilimlar quvvatidan yuqori turib, u shaxsning o‘z – o‘zini rivojlantirish unsuri tarzida namoyon bo‘ladi, ijodiy izlanishning natijasi kabi, mazkur jarayonning o‘zi ham o‘ta muhim bo‘lib, aynan u o‘qituvchi va o‘quvchini ijodkorlik quvonchiga, yangilik olishga ilhomlantiradi, mustaqil izlanish va ijodiy faoliyatni tashkil etishga undaydi”. O‘qituvchi faoliyat algoritmini yaratadi. Bu esa, o‘z navbatida, ijodiy tafakkur jarayonini, amaliy, shaxsiy fikrlashni, olamning inson tomonidan har tomonlama, qoniqarli idrok etilishini ta’minlaydi. O‘quvchining sub’ektivligi amalga oshadi: bilish usulini mustaqil belgilash, muammo echimini topishda o‘z dunyoqarashi, tafakkur tarzidan kelib chiqish, xato qilish huquqiga egalik ta’minlanadi. Bunday mashg‘ulotlarning asosiy qoidasi: ”o‘zing bilgancha bajar, o‘z layoqating, qiziqishlaring va shaxsiy tajribangga asoslan, o‘z xatoingni o‘zing tuzat” kabi ko‘rsatmalarda o‘z ifodasini topadi. Shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyasini qo‘llashga qadar hamda undan keyin o‘quvchilarning kasbiy faoliyati va o‘z o‘rnilarini anglashga oid tasavvurlari o‘rganilgan vaqtda ularning quyidagi tasavvurlarga egaliklari aniqlandi: nazorat darajasi, anglangan nazorat, kasbiy faollikni erishilgan yutuqlarning omili sifatida qabul qilish, o‘z – o‘ziga ishonch, tushuntirish uslubi, ta’lim olish usullari va boshqalar. Demak, ta’lim har bir o‘quvchining qiziqishi va bilish qobiliyatining o‘quv faoliyatini tashkil etish jarayonida namoyon qilish imkoniyatini yarata olishi zarur. Bu holat o‘quvchining bilish ob’ektiv predmeti bo‘lgan shaxsiy xususiyatlarini aniqlash asosida, uning shaxs sifatida rivojlanishini va o‘z–o‘zini rivojlantirishini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Davletshin M.G. Zamonaviy maktab o‘qituvchisining psixologiyasi. T, “O‘zbekiston”. 1999. 56 – bet.
2. Jo‘raev R.H., Tolipov U.Q. Pedagogik faoliyat, texnologiyalar va mahorat.”Uzluksiz ta’lim” jurnali, 2003.№2.
3. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. Qarshi, Nasaf, 2000. 34 – bet.

O‘YINLI TEXNOLOGIYALAR – TARIX DARSLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH VOSITASI SIFATIDA

J.Mustafoyev, NavDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotasiya: Mazkur maqolada – tarix darslari samaradorligini oshirish vositasi sifatida o‘yinli texnologiyalar tavsiflangan. Unda o‘yinli texnologiyalarni o‘tkazish qoidalari, mazmun mohiyati atroflicha yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Tarix darsi, o‘yinli texnologiyalar, interaktiv o‘yinlar, syujetli-rolli o‘yinlar, muhokama-o‘yin, pedagogik klassifikatsiya, ishtirok effekti, bahs – munozara, diskussiyaviy holatlar

Tarix darsida o‘yin bu – o‘quv jarayonining faol ko‘rinishi bo‘lib, dars mobaynida o‘tmish yoki hozirgi zamondan ma’lum parcha sahnalashtiriladigan kichik drama tarzida qatnashchilar tomonidan jonlantiriladi. Bunday o‘quv jarayonida o‘quvchilarda o‘sha tarixiy haqiqatga nisbatan o‘ziga xos tasavvur uyg‘ota bilish, o‘sha jarayonni his ettira olish olish muhim ahamiyat kasb etadi. O‘quvchilar turli o‘yinlar orqali o‘zlari ijro etadigan personajlari bilan go‘yoki qog‘ozdagi tarixga jon kiritishadi. O‘yin o‘quvchiga o‘tmish yoki hozirgi zamonning o‘zga bir qahramoniga aylanib qolishga imkon berib, bolaning o‘z imkoniyatlaridan ham yuqoriroqqa ko‘tarilishga turtki bo‘ladi, bola o‘zining odatiy turmush tarzidan butkul yiroqda bo‘lgan katta insonni tasvirlaydi. O‘z qahramonlarining o‘y-xayol, his-tuyg‘ulari, qilgan ishlarini o‘zlarida o‘tkazib, anglagan holda tarixiy reallikni tasvirlashadi.

Shu bilan birga, o‘yin orqali orttirilgan bilim har bir o‘quvchi uchun alohida ahamiyat kasb etadi, o‘rganilayotgan davrni chuqurroq anglab yanada yaxshiroq his ettirgan holda - rangdor tasavvur uyg‘otadi. Bu kabi qiyin vazifa o‘quvchidan barcha imkoniyatlarini umumlashtrishni talab qilishi, yangi bilimlarni o‘zlashtirish va chuqurlashtirishga undashi, dunyoqarashini kengaytirishi, va eng asosiysi, kattalarga xos bo‘lgan xususan ,

muhim muomalaviy tomonlarni o‘zlashtirishga undashi aniq. O‘quvchida biror bir voqea hosdisaga bo‘lgan emotsional munosabat kabi hislatlari shakllanadi rivojlanadi.

O‘yinlar turlicha belgilari – maqsadi, qatnashchi soni, voqeani qay yo‘sinda tasvirlanishi kabi belgilariga ko‘ra turlarga bo‘linadi. Asosan, imitatsion (voqeani aynan takrorlash), ramziy hamda tadqiqiy o‘yinlarga bo‘linadi. 1-turdagilar mehnatnng u yoki bu sohasini o‘yin tarzida tasvirlashni ko‘zda tutsa, 2-turdagi o‘yinlar o‘zining aniq qoida, ramzlariga asosladi, 3-turdagilari esa, faoliyatning yangicha usul va ko‘nikmalariga asoslanadi[1].

V.G. Semenov quyidagicha turlaydi: 1) o‘quvchiga vositali ta’sir o‘tkazadigan interaktiv o‘yinlar (rebuslar, krossvordlar) 2)bevosita ta’sir ko‘rsatadigan interaktiv o‘yinlar (syujetli-rolli o‘yinlar) 3)nointeraktiv o‘yinlar (individual topshiriqli o‘yinlar). Semenovning o‘zi bundan tashqari improvizatsiya darajasiga ko‘ra ham o‘yinlarni turlaydi: 1) rolli syujetli o‘yinlar, 2) muayyan qonunga asoslangan syujetli o‘yinlar (kanonik) 3) syujetsiz o‘yinlar (krossvordlar) [2]. G.Selevko syujetli, rolli, taqiqiy, dramalashtirilgan o‘yinlarga bo‘lgan.

Keltirilgan pedagogik klassifikatsiyalar, so‘zsiz ahamiyatga ega, ya’ni ular, buzish mumkin bo‘lmagan, qat’iy o‘rnatilgan tashqi qoidalarga ega o‘yinlar bilan jarayonni improvizatsiya hamda ichki mantiqqa asoslangan holda yoritiladigan, hech qanday qoidalarsiz o‘yinlar o‘rtasidagi farqni ko‘rsatadi. Bu o‘yinlar nafaqat tuzilish va maqsadiga ko‘ra, balki, o‘quvchilarning intellektual hamda emotsional holatlariga ko‘rsatadigan ta’sir darajasiga ham qarab farqlanadi.

Tadqiqot o‘yinida o‘rganilayotgan tarixiy davrga nisbatan kechroq bo‘lgan davr olinib, bunda o‘quvchiga o‘sha tarixiy jarayonni o‘rganayotgan zamonaviy shaxs (arxeolog, yozuvchi, jurnalist) roli topshiriladi. Bu kabi o‘yinning ikki turini ko‘rishimiz mumkin. Birinchisi – muhokama-o‘yin bo‘lib, bu o‘yin jarayonida hozirgi zamonda tasavvuriy holat yaratilib, o‘sha o‘rganilayotgan tarixiy davr yuzasidan bahs – munozara, diskussiyaviy holatlar uyushtiriladi (ya’ni disputlar, olimlar simpoziumlari, jurnalistlar muhokamasi va bosh.). Bunday o‘yin ilmiy dialog ustiga quriladi, ammo jarayon aniq programmaga asoslanishiga qaramasdan, unda bolalar improvizatsiyasining hissasi ko‘proq bo‘ladi. Tadqiqot o‘yinining ikkinchi ko‘rinishi – o‘yin – tadqiqot bo‘lib, bu o‘yin ham hozirgi zamondagi o‘tmishni o‘rganayotgan bir tasavvuriy vaziyat ustiga quriladi. Ammo 1-turdagi o‘yindan farqli ravishda, “qahramon”ning ocherk, xat, maktab darsligi, maqola, ilmiy ma’ruza yozish kabi individual faoliyatiga asoslanadi[3.6].

Retrospektiv (o‘tmishga murojaat etadigan) o‘yinlar (shuningdek, “rekonstruktiv” termini shaklida ham uchraydi) o‘quvchilar o‘tmishdagi voqea guvohlari hamda qatnashchilar o‘rnida bo‘lib ko‘rishadi, har bir o‘quvchiga o‘sha davr jamiyatining ijtimoiy guruhi a’zosi va hattoki, tarixiy shaxs roli beriladi. Bu turdagi o‘yinning asosiy belgilari “ishtirok effekti” hamda tarixiy belletristika prinsipi ya’ni “shunday bo‘lgan bo‘lishi mumkin” kabilidagi tushuncha hosil bo‘lishiga erishishidir. Psixolog A.N.Luk bu turdagi o‘yinga juda to‘g‘ri fikr bildiradi, “Bunday o‘yinda o‘smir o‘z imkoniyatlaridanda yuqoriga sakrashga, ma’lum muddat donoroq, dadilroq, bag‘ri kengroq, adolatliroq bo‘lishga erishadi”.

Qoidaga ko‘ra o‘quvchi bu o‘yin uchun o‘z qahramoniga ism, unga tarjimayi hol, kasb, ijtimoiy mavqe o‘ylab topadi, va hattoki ba’zi hollarda maxsus libos va tashqi ko‘rinish ham yaratadi. Shu o‘rinda o‘quvchi o‘z personajining fe’l – atvori, hislari, o‘y-xayollari, qarashlari haqda tasavvurga ega bo‘lishi lozim. Retrospektiv o‘yinlar o‘quvchiga o‘tmishga “kirib borishi”ga yordam beradi, davrning o‘ziga xosligini his etishiga, muayyan bir davrning aniq tarixiy vaziyatdagi konkret insonlarni ularning dunyoqarash va tutgan yo‘llari bilan birga “ko‘rish”ga yordam beradi [4.7]. Retrospektiv o‘yinlarni shartli ravishda rolli va rolsiz turlarga bo‘lish mumkin. Retrospektiv xarakterdagi rolli o‘yinlar tarixiy voqea hamda o‘tmishning tasavvuriy bir holatini rollar orqali ijro etishga asoslanadi. Bularning o‘zi quyidagi turlarga bo‘linadi: sahnalashtirilgan ko‘rinish, sahnalashtirilgan o‘yin hamda muammoli-diskussion o‘yin. Sahnalashtirilgan ko‘rinishda voqea xuddi teatr sahnasida o‘ynaladigandek aniq belgilab, ko‘rsatib berilgan yozma ssenariyga asoslangan bo‘ladi. Bunda o‘tmishdan lavha, turli obrazlar yaratiladi. Sahna ko‘rinishidagi barcha atributlar dekoratsiyadan tortib, aktyorlarning liboslarigacha barchasi o‘z o‘rniga ega bo‘lishi lozim. Bu o‘yindan maqsad nafaqat o‘quvchilarga o‘tmishning lavhalarini “jonlantirib berish”, balki sahna ko‘rinishidan keyin sinfda barcha ishtirokidagi muhokamaga erishish hamdir.

Muammoli-diskussion o‘yinda voqea go‘yoki o‘tmishda bo‘ladi, ammo olib boriladigan jarayonlar ssenariyga emas, muhim savol yoki masala asosiga quriladi. O‘yinda o‘qituvchi o‘zining rolini minimallashtirib oraliq dolzarb savol hamda masalani qo‘yadi, qatnashchilarning rollarini belgilab beradi. O‘quvchilar o‘z personajlari pozitsiyasidan kelib chiqqan holda masalani yechishga chaqiriladi, basharti masala yechimi hamda xulosa oldindan noma’lum bo‘ladi. Natijada bir necha yechim yechim qabul qilinishi yoki bo‘lmasa umuman hal qilinmasligi ham mumkin. Ammo bunda bunda masalani hal etish jarayonida har bir o‘quvchining ishtiroki muhim. Xulosa qilib aytganda, o‘yinli texnologiyalar vositasida tarix darslarini yanada qiziqarli tarzda tashkil etib, dars samaradorligiga erishishda katta yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Axmetov N.K., Haydarov J.S. O‘yin ta’lim jarayoni sifatida. Almata 1985.
2.Semenov V.G. O‘yinning o‘zgaruvchan shaklli turi. Kiyev, 1984.
3.Короткова М. Методика проведения игр и дискуссий на уроках истории. М.Владос Пресс.2001. стр.6
4.Короткова М. Методика проведения игр и дискуссий на уроках истории. М.Владос Пресс.2001. стр.7

JAHON TARIXI DARSLARIDA FANLARARO ALOQADORLIK VA MUZEY ASHYOLARIDAN FOYDALANISH

Polvonova F.O.
NavDPI katta o‘qituvchi

Annotatsiya: Mazkur maqola ta’lim jarayoni samaradorligini oshirish va ta’lim oluvchilarda amaliy ko‘nikmalarni hosil qilishda jahon tarixi darslarining o‘rni, umumta’lim maktablari va litsey, kasb-hunar kollejlari o‘quvchilariga muzey ashyolaridan foydalanib jahon tarixi darslarini zamonaviy tarzda tashkil etishning ahamiyatini ko‘rsatib berishga qaratilgan.

Kalit so‘z: Jahon tarixi fani, fanlararo aloqadorlik, muzey ashyolaridan foydalanish, ekspozitsiya, madaniy va ma’naviy meros.

Muzeylar tarix ko‘zgusi, xalq ma’naviy merosining majmui hisoblangan. Milliy qadriyatlarimiz, tariximizning o‘rganilgan va o‘rganilmagan jihatlari, ayrim o‘rganilishi lozim bo‘lgan kemtiklarining jonli guvohi muzeylarimizdagi osori – atiqalarimizda o‘z aksini topgan. Muzeylar qadim tarix bilan kelajakni bog‘lab turuvchi mustahkam ko‘prik sanaladi. SHuning uchun mamlakatimiz mustaqillikka erishgan kundan boshlab muzeylar ishini rivojlantirish, takomillashtirish borasida islohotlar avj oldirib yuborildi. Ta’lim tizimida davom etayotgan tub islohotlarning mazmuni ham ta’lim va tarbiya uyg‘unligi asosida komil inson tarbiyasiga e’tiborni qaratish, Republikamizda demokratik huquqiy davlat va adolatli fuqarolik jamiyati qurish, milliy o‘zlikni anglash, vatanparvarlik va o‘z Vatani uchun iftixor tuyg‘usini shakllaintirish, boy milliy madaniyat, tarixiy an'analarga va xalqimizning intellektual merosini hurmat qiluvchi yoshlarni tarbiyalash, Davlat ijtimoiy siyosatida shaxs manfaati va ta'lim ustivorligini qaror toptirish, eng muhimi, O‘zbekistonni jaxon integrasiyasidagi mavqeini, obro‘-e'tiborini mustahkamlashdan iborat.

I. Karimov -“...Malakali pedagoglarsiz barkamol avlodni tarbiyalab bo‘lmaydi”,-degan edi. [1] Jahon mamlakatlari tarixidan ma’lumki mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining asosi uning malakali kadrlari, ayniqsa tajribali, bilimli pedagoglariga bog‘liqdir.

Jahon tarixini o‘qitish va o‘rganishning metodologik asosini umumbashariy va milliy qadriyatlar ustivorligi, tarixiylik, xolisonalik, insonparvarlik va hozirgi davrning eng ilg‘or ilmiy – nazariy xulosalari tashkil etadi. Jahon tarixi fani materiallari yoshlarni kasbga yo‘naltirishga xizmat qilish bilan birga, ularda yuksak axloqiy fazilatlarni: o‘zligini anglash, mehnatsevarlik, vatanparvarlik, halollik, poklik, insof, diyonat, iymon, intizomlilik, o‘z qadrini bilish, go‘zallikni sevish kabi xislatlarni kamol toptirish vositasi hamdir. Mavzuga oid muzey ashyosini topish, undan dars jarayonida foydalanishda xuddi fanning metodologik asoslari kabi ashyodagi ilmiylik, xolisiylik, tarixiylik, nodirlik va noyoblik tamoyillari inobatga olinadi.

Jahon tarixi darslarida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib darslar tashkil etish o‘quvchini mustaqil o‘qishga, bilim olishga fikrlashga o‘rgatishni kafolatlaydigan jarayondir. Jahon tarixi darslarini zamonaviy tarzda tashkil etishning ahamiyatini ko‘rsata turib, O‘zbekistonning jahon hamjamiyatidagi mavqeini mustahkamlashga hissa qo‘shadigan yoshlarni tarbiyalashimiz lozim. Zero, “Boshqa xalqlar, boshqa millatlar bizga yotsirab, bepisand qaramasligi, balki, bizni e’tirof etishi, bizni ehtirom etishi kerak.”[2]

Jahon tarixi darslarida o‘qituvchiga mavzuga doir insho yozdirish, referat yoki mustaqil ishlar berish, rasmlar yig‘ish yoki chizish kabi topshiriqlar berish mumkin. Bunda albatta, o‘quvchilar yoshi, psixologiyasi, fikrlash doirasi, dunyoqarashi hisobga olinadi, ya’ni ta’limning uzluksizligi uni ustivorligiga asoslanadi. Tarixiy voqealar tafsilotini o‘quvchi ongiga singdirish uchun darslar faqatgina nazariy emas, balki amaliy jihatdan ham tashkil etilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi. Sinfdan tashqari ekskursiya darslari tashkil etish, dars samaradorligini oshiribgina qolmay, o‘quvchilarning diqqat, ko‘rish, his qilish, amaliy jihatdan tarixiy ma’lumotlarni, manbalarni tahlil eta olish qobiliyatini o‘stiradi. Bunday darslar maktab, akademik litsey, kasb-hunar kolleji muzeyi yoki o‘quv maskanlari joylashgan hudud yaqinida faoliyat yuritayotgan o‘lkashunoslik muzeylarida tashkil etilishi mumkin. O‘qituvchi O‘zbekiston tarixi darslariga oid muzey ashyolarini darsda ko‘rsatib mavzuni jonlantirishi tabiiy hol, ammo Jahon tarixi darslarida milliy muzey ashyolaridan foydalana olish bir oz qiyinchilik tug‘diradi. SHunga qaramasdan, fanlararo aloqadorlikka asoslangan dars jarayonida milliy osori-atiqalarimiz bilan Jahon tarixi darslarini qurollantirishimiz tarix darslari oldiga qo‘ygan maqsadning asosini tashkil etadi. O‘qituvchi rejalashtirgan mavzuni albatta ko‘rsatmalilik asosida o‘tadi. SHunday ekan, biz bevosita yoki bilvosita muzey ashyosini darsga olib kirishimiz mumkin, shuningdek, “ming bor eshitgandan, bir bor ko‘rgan afzal”, degan iborasiga amal qilingan dars o‘qituvchiga ham, o‘quvchiga ham anchagina qulayliklar yaratadi.

Tarix darslarida muzey ashyolaridan foydalanish dars samaradorligini oshirishi, o‘quvchi ongida bayon etilayotgan tarixiy voqeaning namoyon bo‘lishiga yordam berishi, milliy qadriyatlarimiz, o‘zligimiz va jahon mamlakatlari tarixidagi nufuzimizni anglash imkonini berishi tarix darslarida o‘tkazilgan tajribada sinalgan. Bugun muzeylarimizga alohida e’tibor qaratilayotgani, muzeylarimiz faoliyatini takomillashtirish davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgani sir emas. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Muzeylar ishini tubdan yaxshilash va takomillashtirish to‘g‘risida” 1998 yil 12 yanvar Farmoni, 2008 yil avgust oyida qabul qilingan “Muzeylar to‘g‘risidagi Qonun”, bularning barchasi ta’lim maskanlarida tarbiya uyg‘unligini ta’mishlashga

qaratilgandir. Demak, boy madaniy merosimiz xazinasi faqat xorijlik tomoshabinga xizmat qilmay, avvalo fanimizni o‘rganuvchi yosh avlodni ongli barkamol, o‘z yurti va uning tarixi, milliy o‘zligini anglashga, unga fidoiy bo‘lishga ahd qilgan bilim oluvchilarimizni ham qurollantirmog‘i lozim.

Pedagog–psixologlarning o‘tkazgan tahlillariga ko‘ra, o‘zlashtirilgan axborotlar oradan ikki hafta o‘tgandan keyin, mustaqil o‘qish orqali 10%, tinglash orqali 20 %, ko‘rish orqali 30%, namoyish qilish orqali 50%, munozara orqali 80%, Amaliy bajarganda 90 % yodda qolar ekan. Milliy muzey ashyolaridan o‘qituvchi darsda foydalanib turib, O‘zbekiston ham jahon hamjamiyatining bir tarkibi ekanligini asosli tarzda o‘quvchiga isbotlab bergan bo‘ladi. Umumta’lim maktablari tarix darslarida ham, o‘rta maxsus ta’lim tizimida ham O‘zbekiston tarixini jahon tarixi materiallari bilan qiyoslab o‘tishda quyidagi jihatlarga e’tibor qaratilsa, dars samaradorligi ta’minlangan bo‘ladi, dars o‘z maqsadiga erishadi.

a). Vatan tarixi va jahon tarixiga oid mavzularini qiyosiy o‘rganish jarayonida muzey ashyolaridan foydalanish, o‘rganilayotgan mavzu yuzasidan muammoli savollar berish orqali muammoli vaziyatni vujudga keltirish; (Masalan: O‘rta asr fan yoki madaniyat yutuqlarini gapirayotganda, o‘qituvchi Ma’mun akademiyasi olimlari faoliyatiga to‘xtalishi, Jahon tarixi bilan O‘zbekiston tarixining mazkur davrga oid milliy merosi, madaniy va ma’rifiy yutuqlarini qiyosiy tahlil etishi mumkin.)

b). Tarix darslarini fanlararo aloqadorlikka e’tibor berib, adabiyot, geografiya, san’at va musiqa asarlari ma’lumotlari bilan boyitish;

v). Tashkil etilgan sinfdan tashqari ekskursiya-sayohat darsida bir qancha ilg‘or pedagogik texnologiya qonuniyatlariga asoslangan noan’anaviy usullardan foydalanish; (Masalan: “Intervyu”, Press konferensiya, “Ekskursiya”, “Adashgan kemaga yordam”, “Noma’lum shaharga sayohat”, “Oltin uchlik”, “Xarita tilga kirsa” usullari va boshqalar.) Tavsiya etilayotgan noan’anaviy dars usullarining har birida muzey ashyosidan foydalanish mumkinligini alohida ta’kidlaymiz. Buni umumta’lim maktablari tarix darslarida ham, o‘rta maxsus kasb-hunar ta’limida ham bir xilda qo‘llash mumkin, bunda fan o‘qituvchisi albatta ko‘rgazma sifatida namoyon etayotgan ashyosidagi ilmiylik, tarixiylik, xolisiylik, noyob va nodirlik tamoyillariga e’tibor berishi kerak.

Darslarni shu tarzda tashkil etish pedagogdan kattagina mahorat talab etadi. Zamonaviy dars usullarining barchasi ham biror muammo yoki faoliyatni o‘zaro munozara, muloqot orqali tinglovchiga yetkazadi. Tashkil etiladigan dars muzey ashyosi bilan jihozlansa, bu nafaqat mavzuga qiziqishni orttiradi, balki bilim oluvchi keyingi mavzuga doir manba, yoki ashyo izlashga o‘qituvchiga yordam berishi ham mumkin. Aynan ashyoni ko‘rgazmali tarzda namoyon etish imkoni bo‘lmagan taqdirda, o‘qituvchi ashyo haqida ma’lumot berish bilan birga uning rasmi, yoki mazkur ashyo saqlanadigan muzey xususida to‘xtalib o‘tishi, yoki bo‘lmasa, milliy muzeylarimizda shunga o‘xshash qanday osori-atiqalar borligi xususida hikoya kiritishi lozimdir.

Biz insoniyatning o‘tmish tarixini o‘rganganimizda uni sobiq sovetlar davrida hukmron bo‘lgan g‘oya, ya’ni tarixni sinfiy kurashlar nuqtai nazaridan talqin etishlardan yoki noo‘rin bo‘rttirib ko‘rsatishlardan saqlanishimiz zarur. CHunki, “Biz xalqni nomi bilan emas, balki madaniyati orqali bilamiz, tarixning tag–tomirigacha nazar tashlaymiz” [3]. Binobarin, haqqoniy tarix dillarga hayot qonini quyuvchi, tillarga so‘z baxsh etuvchi, saltanatlarni qayta yaratuvchi, o‘tib ketgan asrlar silsilasini butun hayajonlari, egalari bilan ko‘z o‘ngimizda namoyon etib, hayotimiz sarhadlarini kengaytiruvchi mo‘jizadir. Uning ma’naviy qudrati ila biz barcha kechmish zamonlarning odamlariga hamdamu hamnafas bo‘lamiz, ular bilan goh suyib, goh kuyib, dilimizni rag‘batlantiruvchi, hislarimizga ozuqa beruvchi turli voqealar, ajabtovur fe’l – atvorlar dunyosiga oshno bo‘lamiz. Aynan ana shu o‘rinda bizga muzey ashyolaridan foydalanib tashkil etilajak darslarimiz qo‘l keladi.

SHu narsani yana alohida ta’kidlab o‘tishimiz joizki, ta’lim sohasida bir qancha o‘zgarishlar olib borilayotgan davrda umumiy o‘rta ta’lim maktablari va kasb–hunar kollejlarida Jahon tarixini o‘qitish va o‘rganishning alohida vazifalari Davlat ta’lim standartlarida ko‘rsatib berilgan.

Maktab tarix darslarida asosan, Jahon tarixi fanini o‘qitishda O‘zbekiston tarixini jahon mamlakatlari bilan taqqoslagan holda yoritish, O‘zbekiston tarixi voqealarini bosqichma–bosqich, ya’ni izchillikka rioya qilgan holda ochish, xususan, davr va zamon ruhini berish hamda mustaqil O‘zbekistonning istiqboldagi taraqqiyotini ko‘zda tutgan holda bayon etishga harakat qiladi. Jahon tarixi fanini insonparvarlashtirish masalasiga jiddiy e’tibor berib, tarix faqatgina qarama–qarshi sinflar kurashidangina iborat emasligini, umuminsoniy qadriyatlar asosida o‘zaro totuvlikka, bir–birlariga yordam berishga, tinch va osoyishta yashash taraqqiyotning garovi ekanligiga o‘quvchini ishontirishga erishadi. YUrtimiz tarixining maftunkor, boy go‘shalarining asosiy qismi Buyuk ipak yo‘li ustidagi ilm – fan, hunarmandchilik, madaniyat taraqqiy etgan makonlardan iborat ekanligi xususida yangi bilimlar beradi. O‘rta maxsus ta’lim bosqichida o‘qitiladigan Jahon tarixi fani esa ushbu jarayonni ancha mukammal, ya’ni yoshlarni kasbga yo‘naltirishga xizmat qiladigan, eng oliy tuyg‘u-insoniylik tuyg‘usini his etishga xizmat qiluvchi dars sifatida tashkil etiladi.

Jahon tarixi darslarini milliy qadriyatlarimiz, bobolarimizdan qolgan o‘lmas meros asosida tashkil etish darslarini yanada jonli va qiziqarli bo‘lishini ta’minlaydi. Birinchi Prezidentimiz ta’kidlaganidek «Men milliy istiqlol g‘oyasi bugungi tez sur’atlar bilan o‘zgarayotgan tahlikali dunyoda o‘zligimizni anglash, bizning kimligimizni, qanday buyuk ajdodlarimiz merosiga, necha yillik tarix, betakror madaniyat va qadriyatlarga ega

ekani aytib, demokratik qadriyatlar, butun jahon taraqqiyoti yutuqlari bilan oziqlantirib, yangi o‘sib kelayotgan avlodga yetkazishga xizmat qilmog‘i zarur deb bilaman”[4].

Ajdodlarimiz ma’naviy merosidan kuch olib, umumbashariy tajribalar asosida shaxslarni tarbiyalash oson ish emas, albatta. Jahon tarixi darslarida birgina bobokalonimiz Sohibqiron Amir Temur bebaho ma’naviy merosini o‘rgatish nafaqat bilim oluvchilar, balki bilim beruvchilardan ham yillar mobaynida xalqimiz ma’naviy merosini jiddiy o‘rganishlarini talab etadi. Bugun mamlakatimiz tarixiga yer yuzi qiziqayotgan bir paytda dunyo xalqlari tarixini o‘rganishga yangicha yondashmoqdamiz. “…zamon talabi shuki, professor va o‘qituvchilar o‘zlarida mavjud bilim va saviya bilan cheklanib qolmasdan, balki xorijiy mamlakatlar tajribasini qunt va sabot bilan o‘rganib, mag‘zini chaqib, undan keyin o‘z talabalariga saboq berishlari lozim.”[5]

Jahon tarixidan Hindiston, Eron, Iroq, Turkiya, butun G‘arb va SHarqni o‘rganar ekanmiz, qaysi mamlakatdan Sohibqiron ma’naviyati izini izlamaslik mumkin. Pokistonlik A.Doniy Amir Temur tarixini Hindiston, Pokiston, Eron, Afg‘oniston, Angliya, Amerika, YAponiya, ayniqsa Kembrij universitetlari kutubxonasidan o‘rganganini aytadi.

Biz Jahon tarixi darslarida SHomni o‘rganayotgan, misrlik tarixchi Valiuddin Abdurahmon ibn G‘aybiy al Hofiz al-Marog‘iylarning Sohibqironga bo‘lgan hurmat va ehtiromini qanday qilib aytib o‘tmaslik mumkin.

Angliya davlati tarixini davrlashtirish asosida o‘rganamiz, ammo har bir davrda tashqi aloqalar, madaniyat albatta o‘rganiladi. Demak, biz tashqi aloqalar va madaniyat degan joyda Sohibqironning Angliyalik tadqiqotchisi o‘qituvchi ayol Xiloda Xukxemning hozirgi zamon G‘arb temurshunosligiga qo‘shgan hissasi va g‘arbliklarning bizning boy ma’naviy merosimizga munosabati bilan bog‘lab o‘tsak maqsadga muvofiq bo‘ladi. Hindiston tarixini o‘rganishda X.Xukxemning “Amir Temur dunyoga kelmaganida, Hindistonda buyuk imperiya bo‘lmagan bo‘lardi”, [5]- degan fikrini asoslashning o‘zi mavzuga milliylik ruhi kiritadi.

Tarixdan ma’lumki, Sohibqiron Amir Temur Ahmad YAssaviyni o‘zining ma’naviy ustozi deb bilgan va ustozining qabri uchun 4 ta oltin shamdon yasattirgan. Ana shu shamlardan biri hozirda Fransiyaning «Luvr» muzeyida saqlanadi. O‘qituvchi Fransiya tarixini o‘ta turib, bizning milliy-ma’naviy merosimiz bugun jahon mamlakatlari xalqi nigohida ekanligini ta’kidlashi mumkin.

Pokistonlik professor A.Doniy Amir Temurga professor talqinida buyuk sarkarda yoki buyuk homiy, olijanob inson sifatida emas, balki shu sifatlarning barchasini o‘zida mujassamlashtira olgan buyuk shaxs deb qaraydi. Turkiyada Usmoniylar saltanati davrida tashkil etilgan “To‘pqopi” muzeyida saqlanayotgan Amir Temur davriga oid tarixiy ashyolar haqida gapirib, ayrim ashyolar rasmi bilan darsni jihozlash ham zamonaviy tarix fani o‘qituvchisining mahoratini ko‘rsatadi. Bunday darslar uzluksiz ta’limning o‘rta bo‘g‘inida tashkil etilishi, bu esa ijobiy natija berishi tajribada bir necha bor sinalgan.

Jahon tarixi darslarini zamonaviy tarzda ma’naviy va madaniy merosimiz xazinasidan foydalanib tashkil etish;

- milliy g‘urur, milliy ongni yuksaltirish uchun;

- ongimizdan o‘chirib tashlangan milliy tuyg‘ularni qayta tiklash uchun kerak;

- ajdodlar hurmatini joyiga qo‘yish, yoshlarni ajdodlar nomi va merosi bilan faxrlanishga o‘rgatish, buyuk an’analari davomchisi etib tarbiyalash uchun;

- jahon hamjamiyatida O‘zbekistonni tutgan o‘rnini ko‘ra olish uchun milliy madaniy merosimizni jahon mamlakatlari uyg‘unligida o‘rganish va talqin etish uchun;

- kelgusi avlodlarga ozod va obod Vatan qoldirish uchun;

- yoshlarda millatlararo muomala madaniyatini shakllantirish uchun kerak.

Eng asosiysi, o‘lmas meros qoldirgan ulug‘larimizni jahon mamlakatlari tarixidagi xizmatlarini o‘rganish va undan faxrlana bilish, bunday tuyg‘uni kelajak avlodlarimizga bekamu – ko‘st yetkazish uchun kerak.

Buyuk tarixchi sitseron aytganidek, - «Tarix-bu davrlar guvohi, haqiqat nuri, xotiralar tirikligi, o‘tmish elchisidir.” Ana shunday haqiqat nurini Jahon tarixi darslarida yoshlarga yetkazish tom ma’nodagi tarixchilarning asosiy vazifasi bo‘lib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q. T. “SHarq” , 1998 yil, 4 – bet.
2. Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni –xalq, millatni-millat qilishga xizmat etsin. Biz kelajagimizni o‘z qo‘limiz bilan quramiz. T. “O‘zbekiston”, 1999. 7-jild, 99-bet.
3. Milliy istiqlol g‘oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T., “O‘zbekiston”, 2000 yil., 7- bet.
4. Xukxem X. “Vlastitel semi sozvezdiy.” T. “Adolat”, 1995 g. str. 7.
5. “Ma’rifat”. 1995 yil 11-oktyabr.

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ ҚАРАШЛАРИДА СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ

М.Х.Норқобилов,
Навоий давлат педагогика институти мустақил изланувчиси

Аннотация. *Мақолада Саъдуддин Тафтазонийнинг "Шарҳ ал-ақоид" асарида таъкидланган айрим ижтимоий ҳолатлар нақлий ва ақлий далиллар асосида ёритилган. Хусусан, ишбошилар ва уларга бўйсуниш ҳолатидагилар ўртасидаги муносабатнинг қиёсий таҳлили тарихий контекст ҳамда бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади.*

Калит сўзлар. *Ишбоши, нақлий ва ақлий далил, итоат, калом илми, тарихий контекст, ижтимоий воқелик, ижтимоий ихтилоф, объектив ижтимоий мезон, ижтимоий қатлам, ижтимоий ҳаёт барқарорлиги.*

Кириш

Жаҳон миқёсидаги ижтимоий-тарихий давр контекстида олим ва мутафаккирлар томонидан яратилган ғоя ҳамда қарашларни ўрганиш, уларнинг фалсафий-маърифий билимларини илмий-назарий тадқиқ-у таҳлил қилиш жамиятнинг, қолаверса, инсониятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда маърифат ва маънавият соҳаларига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида буюк мутафаккирларимизнинг илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, хусусан, давлат ҳамда жамият ҳаётида пайдо бўлаётган турли муаммоларни ҳал қилишда самарали механизм вазифасини бажаради.

Маълумки, давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўғри ва тўлиқ мажбуриятни ҳис қилган ҳолда амал қилиш ҳар бир шахснинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Бу масала тарихий давр контекстида сайқалланиб келган ижтимоий воқелик бўлиб, адолатли давлат бошлиғига итоат қилиш, унинг буйруқларини муҳокама қилмасдан бажаришлик Шарқ давлатчилик тенденцияларидан маълум ва машҳурдир.

Жамият тараққиётида юз берган юқоридаги жиҳатларни ўз даврида юксак рационал тафаккур ва соф исломий ақидалар уйғунлигида асослаб берган буюк мутафаккир Саъдуддин Тафтазонийнинг концептуал ғоялари бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам жуда аҳамиятлидир.

Илмий моҳияти

Тарихий давр контекстида туриб, бугунги кун ижтимоий-сиёсий мавзулардаги масалаларга ечим топишда аҳамиятли бўлган ва шарқона демократия талабларини ўзида мужассамлаштирган ушбу асар юксак тараққий этган фуқаролик жамиятини барпо этишда қимматли манбалар қаторида тадқиқ қилинади. Шу жиҳатдан олганда, Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» асари ва мазкур китобнинг шарҳи сифатида дунёга келган Саъдуддин Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий» асари ислом оламида калом илми борасидаги энг машҳур китоблардан бири сифатида эътироф лойиқ. Ушбу манба структуравий жиҳатдан калом фалсафаси ва ислом ақидасига оид бир неча мавзуларни камраб олади. Жумладан, Абу Хафс Насафий томонидан ёзилган «Султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди» рукни остидаги мавзуда қуйидаги жумлалар келтирилади.

«Суннийлик эътиқоди ва ханафий мазҳаби уламолари ихтиёр этган сўзларига кўра, бошлиқларга қарши чиқилмайди, агарда уларда фосиқлик аломатлари ва раиятга нисбатан зулм содир бўлса ҳам, уларга эргашган ҳолда орқаларидан туриб жамоат намозлари ва ийд намозлари ўқилаверади. Бу масала юзасидан олдин ўтган солиҳ уламолар ҳам худди шундай фикрда бўлишган»[53].

Юқоридаги ҳолатда мутафаккир Насафий сўзлари илмий услубда юксак маҳорат билан ифодаланганлигини кўриш мумкин. Фиқхий масалалар қисқа ва лўнда, ҳамма учун тушунарли ихчам, расмиятчилик ва бадиийликдан ҳоли тарзда ёзилган. Ақлий ва нақлий далиллар келтирилмаган. Бу эса, норматив қонун кучига эга бўлган ҳар бир ҳуқуқий масалаларни ўқувчи томонидан тезроқ ёд олиш имконини беради. Асарда ёритилган барча ҳуқуқий масалалар юқорида кўрсатилган структура тартибида баён этилган.

Насафийнинг «Султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди» рукни остидаги фикрларига жавобан Тафтазонийнинг шарҳи қуйидаги сўзлар билан давом эттирилади.

«Ўтган солиҳ кишилар ушбу ақидага ҳам қалбан, ҳам жисмонан бўйсунишар эди ва бунга нақлий далил ҳам келтиришган: «Тобеийнлардан бўлган Зиёд ал-Адавий айтадилар: Абу Бакра билан бирга Ибн Омир ҳузурида эдик, у ёмон кийимларини кийиб, одамларга хутба қилар эди. Шу пайтда мен, «Амиримизга қаранглар, у фосиқларнинг кийимини кийиб олган», -деб айтдим. У:»Жим бўл!»,-деди. Мен

[53] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –Б.367-368.

Расулуллоҳ (с.а.в)ни: «Ким Аллоҳнинг ердаги султонини хор қилса, Аллоҳ уни хор қилади» деганларини эшитганман,-дедилар.»[54].

«Султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди» деб номланувчи диалектик мавзу юзасидан юқорида баён этилган қарашларни нақлий далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилдик.

Нақлий далилларнинг аввали бўлган Қуръони Каримнинг Нисо сураси 59-оятида: *«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, пайғамбар ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир»*[55]. Амр ибн Осдан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз (с.а.в.) *«Кимки раҳбарга чин кўнгилдан қўл бериб, байъат қилса, тоқати етгунича итоат қилсин»*[56]. Раҳбарга итоатсизлик эса, жамият ижтимоий барқарорлигига раҳна солувчи, аъзолари орасида деструктивликни тарғиб қилувчи омиллар сифатида эътироф этилади.

Мазкур ахлоқ нормасини гносеологик нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, муайян жамиятда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бўйсуниши лозим бўлган уч кўринишдаги ижтимоий ҳолати ҳақида гап боради. Булар:

1) Яратувчига итоат;
2) Пайғамбарга итоат;
3) «Ишбоши»ларга итоат;

Юқорида таъкидланган тушунчаларнинг истилоҳий таҳлили шундан иборатки, нақлий далилдаги биринчи итоат, ўзининг «мен»ини англаб етган ақл-идрокли фуқарода виждон туйғуси шаклланади ва бу туйғу турмуш тарзи давомида моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган ягона зот – Яратувчи эканлигини англайди. Бундай ҳолатда Яратувчига итоат этиш жараёни инсонга мажбурият ҳиссига нисбатан кўпроқ эртанги кунга умид ва ишонч туйғусини бахш этади.

Яратувчига итоат қилиш унинг илоҳий китоби – Қуръони каримга амал қилиш билан содир бўлади.

Нақлий далилда келтирилган иккинчи кўринишдаги итоат ҳақида тарихий давр нуқтаи назаридан фикр юритсак, Муҳаммад (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилиб яшаш комилликка эришувнинг асосий тамойили эканлигини англаб етамиз. Комил инсон мақоми эса, биз эришишимиз керак бўлган пировард натижа, яъни фуқаролик жамиятининг асосий манбаини ташкил этади.

Манбада таъкидлаган ҳар иккала ҳолатдаги итоат сўзининг фалсафий мушоҳадаси шундаки, яратилмишнинг Яратувчисига, умматнинг пайғамбарига бўлган итоати тарихий давр контекстида жамият ёки жамоа учун ҳеч қачон салбий оқибат олиб келмаган, аксинча, ҳар иккала ҳолатдаги бўйсунишнинг элементлари бўлган виждон амри, бурчга садоқат, ҳалоллик, поклик, ўзаро ҳурмат, инсонларнинг бир-бирига яхшилик қилиши каби амаллар ижтимоий муҳитда инсонларда позитив кайфият, давлат ва жамиятнинг барча структурасида тараққиётга олиб борувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Изоҳланаётган «ишбоши» сўзи, хусусан, замонавий истилоҳда таҳлил қилинадиган бўлса, жамиятнинг ҳар бир структурасидаги раҳбар ва унинг қўл остида бўлган ходим ўртасида вужудга келадиган альтруистик тушунчаларнинг тўғри шакллантирилиши билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда инсоф ва адолат, ҳаллолик ва диёнат, орият, ўзганинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, инсонларнинг дардини тинглай билиш каби аҳлоқий фазилатлар ҳар қандай давлат раҳбарининг асосий қуроли бўлмоғи кераклиги таъкидланади.

Гуманистик ғояларни тарғиб қилувчи асарларда ҳар бир ишбошининг иши жараёнида бирор масалада ихтилоф пайдо бўлиб ёки низо келиб чиқса, нақлий далилларнинг аввали бўлган Қуръони Каримга ва пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳукмларига мурожаат қилишлик адолатнинг энг юксак намунаси эканлигини таъкидланади. Агар бу қоидага риоя этилмаса, муаммони ўзича ҳал қилинишига эрк берилса, жамиятда тартиб-интизом бузилади, ҳар бир инсоннинг ақлий қобилияти ва фикрлаш даражаси турлича бўлганлиги сабабидан турли ихтилофлар келиб чиқади. Бу эса жамиятда парокандалик, бошбошдоқликни келтириб чиқаради ва давлатнинг таназзулига олиб келади.

Бундай салбий ҳолатлар натижаси ўлароқ, биринчидан, ислом фалсафаси ва калом илми инсонларни доимо изланувчан, жамиятда пайдо бўладиган турли кўринишдаги муаммолар юзасидан ҳозиржавоб бўлишга ундайди. Иккинчидан, ислом фалсафаси ҳар қандай замон ва маконда юзага келадиган турли муаммоларга тўғри ечим топиш имконини беради. Учинчидан, агар Қуръони Каримда ҳам, Ҳадиси шарифда ҳам мавжуд бўлмаган масала юзасидан ечим зарурияти пайдо бўлса, бу масаланинг ечими ишбошиларга ҳавола қилинади.

Бошқарувда «ишбоши»ларнинг роли масаласини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, жамият ҳаётига татбиқ қилишни мақсад қилар эканмиз, истиқболли раҳбар кадрларни тайёрлаш тизими

---

[54] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –Б.367.
[55] Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.: 2006 йил.
[56] Айдарбек Тўлепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Т.:Шарқ НМАК. 2013 й. –Б.119.

ҳар кунгидан кўра долзарб тус олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараён давлатимиз ички сиёсатининг муҳим масаласига айланди. Жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг амалий ечимларини топишда Саъдуддин Тафтазоний асарида таърифи келтирилган «ишбоши»лар зиммасига бир қатор бурч ва мажбуриятларни юклайди. Мазкур мажбуриятни адо этиш учун «энг аввало, раҳбардан ақл идрок талаб этилади. Ақл идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши билан шарт. У бағрикенг, айни замонда талабчан бўлиши шарт»[57],-дея таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларимизнинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда ўзининг шахсий фикри, қарашлари ва соҳага нисбатан креатив ёндашувига эга бўлган замонавий «ишбоши»ларни масъулиятли лавозимларга тайинлаш масаласи сиёсат даражасига кўтарилди. Раҳбар кадрлар онгида мутафаккирлар маънавий мероси ва замонавий билимларни уйғунлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланди.

Алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ ва давлат манфаати йўлида олиб бораётган прагматик сиёсати алоҳида эътирофга лойиқ. Биргина «халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак»[58], шиори остидаги концептуал тамойили бўйича раҳбарларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимининг жорий этилиши, мутафаккир Тафтазоний асаридаги «ишбоши»ларнинг бошқарув соҳасидаги инсоний ва касбий сифатлари ҳақидаги иқтибосининг амалий намунасидир. Бу эса Тафтазоний асарларининг асрлар оша ўзининг рационал тафаккур бобидаги маърифий аҳамиятини йўқотмаганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –Б.367-368.
2. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –Б.367.
3. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим” ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.: 2006 йил.
4. Айдарбек Тўлепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Т.:Шарқ НМАК. 2013 й. –Б.119.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.,Ўзбекистон, 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017.22.12.

ЖАҲОН МАНБАШУНОСЛИГИДА ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Н.К.Шамсутдинова
Навоий давлат педагогика институти докторанти

Аннотация

Ушбу мақолада буюк мутафаккир Ибн Сино мусулмон Шарқининг энг йирик файласуфи сифатида, табиий-илмий ва тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлари ҳамда табиат фалсафаси, мантиқ, билиш фалсафаси, фанлар таснифи, ахлоқ фалсафасига ва коинотга оид ишлаб чиққан концепциялари ижтимоий-тарихий жиҳатдан батафсил очиб берилган.

Калит сўзлар: ақлнинг яширин имкониятлари, рационализм ғоялари, ислом таълимоти, Ислом тафаккури тарихи, коинот концепцияси.

Ибн Сино илмий меъросини ўрганиш, унинг ҳозирги кундаги методологик аҳамияти хусусида катор хорижий илмий марказларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан историография фан методологияси доирасида Европа олимларининг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу масалада француз тадқиқотчилигида қатор ишлар амалга оширилди. Француз ҳамкасбларнинг фикрича, ақл фақат инсонга хос, қалб эса ўсимлик, ҳайвон ва инсонга хосдир. Қалб фақат танада ҳаракатни амалга оширади, ўлим билан танадаги қалб ҳам ўлади ёки йўқ бўлади. Лекин ақл инсоннинг туғилишига қадар мавжуд бўлмайди, у фақат шахс орқали ривожланади ва ўлимдан кейин абадий қолади. Ибн Сино фалсафасида ақл туфайли инсоний қалб абадий қолади.

Сарра де Ваух Ибн Синонинг ҳис-туйғулар тўғрисидаги назариясида Марказий Осиёлик мутафаккир Абу Наср Фаробийга яқинликни таъкидлайди. Форобийга ўхшаб, Ибн Синонинг хулосаларида ҳис-туйғулар дунё махлуқотларида тааллуқли эканлигини, ақл эса дунёда бошқарув учун лозимлигини қайд этади. Ибн Сино фалсафасида таъсир этувчи ақл Форобий фалсафасида ўхшаб бир хил ролни бажаради, яъни ақл яширин имкониятлар ортида жойлашади ва доимо фаолият юритади. [8-218]

[57] Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.,Ўзбекистон, 1996.
[58] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017.22.12.

Француз тадқиқотчилигига кўра, Ибн Сино фалсафаси умумий маънода идеаллик феъл-атворга эга. Ибн Сино кўпроқ рационализм ғояларига таянмай, баъзида фикрини ислом таълимоти орқали ҳам тушунтиради. Лекин ҳар қандай ҳолатда кўпроқ фалсафада юнон файласуфларининг, айниқса Аристотел, Платон ва неоплатонларнинг фалсафасига эргашади. Ибн Синонинг ушбу қобилияти унинг фалсафасини фақат исломий деб баҳолашдан сақлаб қолди.

Ибн Синонинг фалсафий назариясини тадқиқотларида француз олимлари турлича таҳлил ва хулосаларни беришади. Умуман олганда, француз тадқиқотчиларининг тажрибасидан шундай хулосага келиш мумкинки, Ибн Сино Платон, Аристотел ва неоплатон раҳнамоларининг асарларини тадқиқ қилиб ўрганган, уларга ўзининг назариясини қўшган, ҳамда Форобий фалсафасининг давомчиси бўлган. Бошқа томондан француз тадқиқотчилари Ибн Сино яшаган даврида ташқи муҳитнинг таъсирини ҳам инобатга олиб, унинг диний ва идеалистик ғояларини объектив баҳолашди. Унинг худо ва дунё ҳақидаги, шунингдек моддалар, инсон қалби ва танаси ҳақидаги тушунчаларни ўрганлигидан юнон мутафаккирлари фалсафасининг давомчиси деган хулосага келишди.

XX асрда Буюк Британиялик йирик файласуф Б.Рассел ўзининг "Ғарб фалсафаси тарихи" асарида шундай дейди: «Ислом оламида иккита йирик файласуф ўтган бўлиб, биринчиси Ибн Сино бўлса, иккинчиси Ибн Рушддир»[9-397] [59]. Рассел бу ерда уларни Еврапо Уйғониш даврига, фалсафий фикрлар тарққиётига катта таъсир кўрсатган олимлар сифатида таъкидлайди. Ибн Синонинг таржимаи ҳолини, шахсий хислатларини, фалсафа ва мантиқ илмидаги хизматларини батафсил баён этади. Ибн Синонинг Аристотел, Платон сингари файласуфлар таълимотига муносабатини чуқур таҳлил қилиб беради. Ибн Синонинг мантиқ илмидаги янги ғоялари кейинчалик Ибн Рушд ва Буюк Альбертлар томонидан такрорланди деб таъкидлайди» Б.Рассел ҳақли равишда Ибн Сино хусусида шундай дейди: « Фалсафадан кўра тиббиёт соҳасида жуда машҳур эди. Унинг тиббиётга оид рисолалари XII асрдан то XVII асргача Европада тиббиёт соҳасида энг асосий қўлланма эди»[10-397].

Ислом оламида ҳам Ибн Синони рационал фалсафий таълимотнинг энг йирик намоёндаси сифатида эътироф этилади. С.М.Хотамий ўзининг «Ислом тафаккури тарихидан» асарида Ибн Сино фалсафий меросига юқори баҳо беради. «Форобийнинг фалсафий анъаналари Ибн Синонинг салмоқдор, чуқур ғоялари билан такомиллаштирилди, айнан шу ерда Форобий замонида имконият йўқлиги ёки вақт камлиги боис очилмай қолган янги уфқлар пайдо бўлди. Аллома Ибн Сино «Муаллимус соний» яратган назариялардан янги хулосалар ишлаб чиқди….Ибн Синонинг доҳиёна истеъдоди мантиқ илмига қаратилган эди, фалсафани эса у физика ва илоҳиётшунослиқнинг турли жиҳатлари билан билан боғлаб текширган. Ахлоқ ҳақида гапирганда ҳам у шахснинг фалсафий ахлоқига кўпроқ урғу берди, уни хаёлий шаҳар билан боғламади» [11-84]. Хотамий ўзининг тадқиқотида Ибн Синонинг фалсафий меросини чуқур тадқиқ этар экан, уни мусулмон шарқида рационал фалсафий оқимнинг энг йирик намоёндаси деб эътироф этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қомусий олим, буюк мутафаккир Ибн Синони Ғарб ва Шарқ файласуфлари мусулмон Шарқининг энг йирик файласуфи деб билишадилар. Бельгияда Ибн Синога ўрнатилган ҳайкал, унинг Еврорпа мамлакатлари илм-фан ва маданияти тараққиётига қўшган хизматига эҳтиром юзасидандир. Дарҳақиқат, қомусий олим Ибн Синонинг табиий илмий ва тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлари билан бирга табиат фалсафаси, мантиқ, билиш фалсафаси, фанлар таснифи, ахлоқ фалсафасига ва коинотга оид ишлаб чиққан концепциялари ўн асрдан буён жаҳон илм-фан тараққиётида назарий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Минг йилдан буён ўзининг бой табиий илмий ва фалсафий мероси билан инсониятни баҳраманд қилиб келаётган буюк мутафаккир ибн Сино ижоди хусусида Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, унинг мавжуд бўлган барча асарлари турли хил тилларда таржима қилинган. Айниқса хорижда Ибн Синонинг илмий мероси кенг тадқиқ этилган. Унинг тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлари канчалик машҳур бўлса, алломани ғарб олимлари фалсафий мероси туфайли Шарқининг энг буюк файласуфи ҳам деб эътироф этадилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Carra de Vaux. Carra de Vaux (Baron Bernard). Avicenne (Les grands philosophes). -Paris : Felix Alcan, 1900. P. 302.
2. Goichon A.-M. La philosophie d'Avicenne et son influence en Europe Médiévale. - Paris, 1951. P. 27.
3. Verbeke G. Une nouvelle théologie philosophique // Simon Van Riet. Avicenna Latinus, liber de philosophia prima sive scientia divina V-X. Louvain: E.Peeters; Leiden: E.J.Brill, 1980. C. 1-90
4. Gardet Louis. Réflexions sur un thème Avicennien. - Mélanges d'orientalisme offerts à Henri Massé. Téhéran: Imprimerie de l'Université, 1963. P. 151 – 159.
5. Рассел Б.История западной философии. В 3 кн.:2-е изд., испр./Подгот.текста В,В,Целищева. –Новосибирск:Изд-во Новосиб.ун-та, 1999. -397,

[59] Рассел Б.История западной философии. В 3 кн.:2-е изд., испр./Подгот.текста В,В,Целищева. –Новосибирск:Изд-во Новосиб.ун-та, 1999. -397с.

O‘ZBEKISTONDA MILLIY – MADANIY MARKAZLARNING HUQUQIY HIMOYASI MASALASINI O‘RGANISH

Sh.Z.Sharipov
SamDU o‘qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada milliy – madaniy markazlarni rivojlantirish, milliy – madaniy markazlarning mustahkam huquqiy asoslari va kafolatlarini yaratib beruvchi qonun hamda boshqa normativ huquqiy hujjatlar qabul qilinishi, qonunlarning mazmun mohiyati va uni o‘rganishning ahamiyati to‘g‘risida ilmiy fikrlar yuritilgan.

Kalit so‘zlar: milliy – madaniy markaz, totuvlik, Baynalminal Madaniyat markazi, madaniyat, til, dinlararo bag‘rikenglik, qonun, ijtimoiy hamkorlik.

O‘zbekiston hududi qadimdan ko‘plab millat va elatlar yashab kelgan makon hisoblanadi. Oliyjanoblik va insonparvarlik, millatlararo totuvlikka intilish xalqimizning eng yuksak maqsadlaridan, biridir. Ushbu qadimiy an’ana avloddan avlodga o‘tib kelmoqda. 1926 yilda yurtimizda 90 ta millat va elat yashagan bo‘lsa, 1959 yilda ularning soni 113 taga, 1979 yilda 123, 1989 yilda esa 130 taga yetgan edi.[1, 211]

Mustaqillik Respublikada yashayotgan turli millatlar bilan ijobiy munosabatlarni rivojlantirishga keng imkoniyatlar yaratib berdi.

O‘zbekiston Respublikasida yashayotgan barcha millatlarning madaniyat markazlarini tashkil etish g‘oyasini O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov boshlab bergan edi.

1989 yilda O‘zbekiston madaniyat ishlari vazirligi qoshida Respublika Millatlararo madaniyat markazi tashkil qilindi. Milly - madaniy markazlarning shakllanishi va rivojlanishida 1992 yil 24 – yanvarda qabul qilingan Vazirlar mahkamasi qarori bilan «Baynalminal Madaniyat Markazi» ning tashkil etilishi muhim ahamiyatga ega bo‘ldi.

Respublika Baynalminal madaniyat markazining asosiy vazifasi vazirliklar, idoralar, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyat, shahar va tuman hokimliklari shuningdek, jamoat tashkilotlari bilan birgalikda millatlararo munosabatlar sohasida yagona davlat siyosati amalga oshirilishida qatnashish, milliy – madaniy markazlar faoliyatini muvofiqlashtirish va o‘ziga xos an’ana, urf odat va rasm rusmlarni tiklash hamda rivojlantirishda ularga ko‘maklashish deb belgilandi.

Millatlararo munosabatlarning huquqiy asosi sifatida O‘zbekiston Resublikasining Konstitutsyasi 4 - moddasida «O‘zbekiston Respublikasi o‘z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf - odatlari va an’analari hurmat qilinishini ta’minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi»[2, 4] - deb asoslab qo‘ylgan.

O‘zbekiston Respublikasida xorijiy davlatlar bilan do‘stona munosabatlar va madaniy – ma’rifiy munosabatlarni rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlarda milliy – madaniy markazlarning roli oshib bormoqda. 2017 yil 7 fevralda qabul qilingan Harakatlar strategiyasining beshinchi ustuvor yo‘nalishida jamiyatda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta’minlash, tinchliksevar siyosatni, mamlakat hayotining barcha sohalarida erishilgan yutuq va muvaffaqiyatlarni keng targ‘ib qilish, xalqaro hamjamiyat shu jumladan, chet eldagi hamyurtlarimiz diasporasi bilan munosabatlarni yaxshilash bo‘yicha aniq reja va dasturlarni ishlab chiqish belgilab qo‘yilgan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 8 – moddasida «O‘zbekston xalqini, millatidan qat’i nazar, O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari tashkil etishi» [2, 6] alohida ta’kidlab o‘tilgan.

Bosh qomusimizning 18 – moddasida «O‘zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo‘lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e’tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqyeidan qat’i nazar qonun oldida tengdirlar»[2, 9] - deb keltirilgan.

Respublikamizda millatlararo munosabatlar tizimidagi dolzarb masalalardan biri bo‘lgan ta’lim tarbiya masalasiga ham alohida e’tibor qaratilgan.

Bu borada respublikamizda «10 mingga yaqin maktab faoliyat yuritayotgani, shundan 845 ta maktabda rus tilida, 491 ta maktabda qozoq tilida, 259 ta maktabda tojik tilida, 52 ta maktabda turkman tilida, 40 ta maktabda qirg‘iz tilida, 7 ta maktabda koryes tilida ta’lim berish jarayoni yo‘lga qo‘yilgan»[1, 212].

2017 yil 24 yanvarda Respublika Baynalminal Madaniyat markazi tashkil etilganligining 25 yilligi munsabati bilan katta bayram tadbiri o‘tkazildi. Unda Prezident Sh.Mirziyoyev nutq so‘zlab «Bizning Konstitutsiyamiz va qonunlarimizda O‘zbekiston Respublikasining barcha fuqarolari millati, tili va dinidan qat’i nazar teng huquq va erkinliklarga ega ekani mustahkamlab qo‘yilgan. Ularda o‘z milliy madaniyati an’ana va urf odatlarini saqlash hamda har tomonlama rivojlantirish uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan»[3] - deb ta’kidlaydi.

Prezident Sh.Mirziyoyev nutqi davomida «Mamlakatimizda etnik o‘ziga xoslikni rivojlantirish va mllatlararo munosabatlarni yanada uyg‘unlashtirishda 137 ta milliy - madaniy markaz yetakchi rol o‘namoqda. Ular o‘zlarining o‘ziga xos madaniyati tili, xalq hunarmandligini rivojlantirib, turli madaniyatlarning bir-birini o‘zaro boyitishga, har birimizda ko‘p millatli yagona oila tuyg‘usini mustahkamlashga salmoqli hissa qo‘shmoqda»[3] - deb ta’kidlaydi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqildi. Harakatlar strategiyasining beshinchi yo‘nalishi sifatida «Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash hamda chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo‘nalishlar» belgilandi.

Harakatlar strategiyasining ushbu beshinchi yo‘nalishi o‘z navbatida yurtimizda fuqarolar xavfsizligi millatlararo munosabatlar va diniy bag‘rikenglikka e’tborni yanada kuchaytirilganligidan dalolat beradi.

Adabiyotlar

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini «Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili» da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o‘rganish bo‘yicha ilmiy –uslubiy risola. T. «Ma’naviyat» 2017 yil.
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 4 – modda T. «O‘zbekiston» 2014 yil.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 25-yilligiga bag‘ishlangan uchrashuvdagi nutqi

TARIX FANLARINI O‘QITISHDA DEMOGRAFIK MA’LUMOTLARDAN FOYDALANISH

I.B.Yusupova
Navoiy davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi

Annotatsiya

Insonlar tomonidan tabiatga o‘tkazilayotgan o‘zgarishlar va ta’sirlarning kuchayib borishi tabiiy muvozanatning buzilishi oqibatida kishilarning yashash tarzi, sog‘ligi, ijtimoiy muhitga bo‘lgan aks ta’siri ham tobora o‘zgarib bormoqda. Insoniyat bunday murakkab holatdan faqatgina, har qanday siyosiy, mintaqaviy, irqiy, milliy, diniy va boshqa manfaatlarini keyinga surib, mushtarak umuminsoniy manfaatlar tevaragida jipslashish, insoniyat taraqqiyotining barqaror rivojlanishiga xizmat qiladigan bir qator fanlarni rivoji va taraqqiyoti orqali samarali yechim topishi mumkin.Demografiya va demografik tahlil orqali butun insoniyat hayotidagi aholi va mehnat resurslarining o‘sish yoki kamayish omillarini prognozlash imkoni tug‘ildi.Ushbu maqolada demografiya fani mazmun-mohiyati, fanning dolzarbligi,maqsad va vazifalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar:*demografiya, demografik tahlil, aholi dinamikasi, ijtimoiy iqtisodiy omillar, tabiiy rivojlanish qonuniyatlari.*

Ijtimoiy hosida sifatida inson ongida paydo bo‘lgan har qanday hodisa oxir oqibat shaxs manfaatlarini ifoda etishga xizmat qiladi.Jumladan, ilm-fan ravnaqi ham asrlar davomida insoniyatni o‘ylantirib, jumbushga solgan murakkab masalalarni samarali yechishga xizmat qiladi.Jumladan, aholining miqdori, hududiy taqsimoti va tarkibini, ularning o‘zgarishi qonuniyatlariga nafaqat ijtimoiy, iqtisodiy omillar,balki biologik va geografik omillar ham sezilarli ta’sir etishi hech kimga sir emas. Uzoq yillar mobaynida inson tomonidan tabiatga yetkazilayotgan ta’sir va o‘zgarishlar ini’kosi sifatida aholining tabiiy rivojlanish qonuniytalariga ham sezilarli o‘zgarishlar davom etmoqda, desak adashmaymiz.Aholining tabiiy rivojlanish qonuniyatlariga ta’sir etuvchi omillar va ularning natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xavf-xatarlarni oldindan prognoz qilish va oldini olish demografiya fanining vujudga kelishi va rivojlanishiga asos bo‘lib xizmat qildi. “**Demografiya” so‘zi** yunon tilidagi ikki so‘zlarning qo‘shilishidan, “demos-xalq”, “grafiya”- “tasvirlash, yozish, o‘rganish” ma’nolarini anglatadi, ya’ni “xalq haqida yozmoq”, “aholini sharhlash” ma’nolarini anglatadi. Biroq, demografiya faqat sharhlash bilan cheklanib qolmay, balki uni o‘rganish va chuqur tahlil etishdan iboratdir.Aholi to‘g'risidagi fan hisoblangan demografiya faniga oid ilk ma’lumotlarning to‘planishi antik davrlarga borib taqaladi. Aholini o‘rganish, u haqida bilimlar to‘plash juda qadimiy tarixga egadir. O‘rta Osiyo olimlari tomonidan yaratilgan bir qator yozma manbalarda ham ilk demografik bilimlarga ega bo‘lishimiz mumkin.Antik davrga oid qo‘lyozmalarda dunyodagi turli davlatlar tabiati, aholisi, xo‘jaligi, shaharlari, aholining turmush tarzi, urf-odatlari haqida sayohatchilar, savdogarlar, elchilar hikoyalari asosida to‘plangan ma’lumotlar uchraydi.“Olingan ma’lumotlarni umumlashtirish va tahlil qilishga bo‘lgan birinchi harakatlar Qadimgi Rimda amalga oshirilgan, rimliklar umr davomiyligini hisoblab chiqish bo‘yicha yondashuvlarini ishlab chiqishga harakat qilishgan.Bunga Florensiya jadvalini misol sifatida keltirishimiz mumkin” [1].

Ushbu fanning fan sifatida vujudga kelishi va “demogarfiya” so‘zning kelib chiqishi tarixi XVII asrning II yarmiga borib tarqaladi. Aynan mana shu davrlarda Angliyada vabo va boshqa yuqumli kasalliklar tarqalib, aholi o‘rtasida o‘lim hollari nihoyatda ko‘payib ketgan. Shu bois Londonda har hafta o‘lim haqida byulletenlar, ya’ni maxsus ma’lumotnomalar chop etilib, aholiga tarqatilgan. “Angliyalik savdogar olim J.Graunt Londonda tug'ilish va o‘lim haqidagi 80 yillik ma’lumotlarni o‘rganib chiqqan va o‘zining ushbu sohadagi tadqiqotlarni 1662-yili o‘zining 90 betdan iborat «O‘lim haqidagi byulletenlar asosida olib borilgan va mundarijada ilova etilgan tabiiy va siyosiy kuzatish natijalari. Ko‘rsatilgan shahaming boshqaruvi, dini, savdosi, havosi, o‘sishi va boshqa o‘zgarishlari xususida London fuqarosi Jon Grauntning asari» nomli kitobini yozgan[2]. Ushbu asar muallifi J.Graunt demografiya faniga tamal toshi qo‘ygan shaxs sifatida e’tirof etiladi.Shuningdek**,** “J.Graunt

o‘z zamondoshlari va kelgusi avlod vakillari tomonidan: M.V.Ptuxa, B.Urlanis, V.A.Borisovlar tomonidan nafaqat demografiya faniga balki, sotsiologiya va statistikaga ham asos solgan deb ta’kidlanadi”[3]. Ushbu fan mustaqil fan sifatida XIX asrning 20-yillarida shakllandi. “Demografiya” atamasini esa aynan fransuz olimi A.Gilyard tomonidan 1855-yilda fanga kiritilgan.XVIII-XIX asrda jamiyat hayotidagi demografik ma’lumotlarni o‘rganishga qiziqish kuchaygan.Bundan tashqari, ushbu fanning rivojiga olim Jan Bertilon ham hissa qo‘shgan.XX asrning 30-yillarida AQSH, Yaponiya, Fransiya, Angliya, Rossiya kabi davlatlarning oliyoglarida “Demografiya” fani kafedralari tashkil topgan.

O‘zbekistonda ham 2000-yilda O‘zbekiston Milliy Universitetida “Demografiya” kafedrasining tashkil etilishi demografiyaning fan sifatida rivojlanishi uchun muhim qadam hisoblandi.“O‘zbekistonda esa aholi demogarfiyasining muhim predmeti bo‘lgan aholining takror barpo bo‘lishi, uning demografik omillari va hududiy jihatlarini o‘rganish, aholi migratsiyasi bo‘yicha R.Ubaydullaeva, M.Qoraxonov, 1.Mullajonov, M.Bo‘rieva, L.Maksakova, Z.Tojieva va boshqa aholishunos olimlar tomonidan o‘tkazilgan ilmiy izlanishlar natijalari ham qimmatlidir”[4].Yuqorida fikrlarni inobatga olib, demografik bilimlarning rivojlanish xususiyatiga qarab uch davrga bo‘lib o‘rganish mumkin.

Birinchi davr:bu davr XVI asrgacha bo‘lgan davrni o‘z ichiga oladi.Bu davrda davlatchilik munosabatlari bilan bog‘liq ravishda hududlarning aholi soni,ayniqsa erkaklar, xo‘jalik munosbatlari, turmush –tarzi haqidagi ma’lumotlar to‘plangan.

Ikkinchi davr:bu XVI asrdan XVIII asrgacha bo‘lgan davr. Bu davr demografiya fani uchun muhim davr hizoblanadi. Bu davrda jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning o‘zgarishi, buyuk geografik kashfiyotlar, kapitalistik munosabatlarning taraqqiy etishi, istilochi davlatlarning o‘ziga tobe hudud aholisini bilishga qiziqish -bularning barchasi demografiya, sotsiologiya, etnologiya kabi fanlar uchun muhim davr bo‘lib xizmat qildi.

Uchinchi davr esa XVIII asrdan boshlanib, Angliyada boshlangan sanoat inqilobi XIX asrda AQSH,Fransiya,Germaniya,Rossiya,Italiya, Yaponiya kabi davlatlarni qamrab olgan.Natijada kapitalistik munosabatlarning jadallashuvi kishilar hayotiga ham ta’sir ko‘rsatgan.Natijada demogratik sohasidagi tadqiqotlar ham keng ko‘lamda olib borilgan.Ushu tadqiqotlarda E-Rosset,R.Pressa,U.Laplas,A.Ketle,A.Giyyar,D.Mendeleev,S.Novoselskiy,V.Bunyakovskiy,
G.Syunberg,V.R.Smulevich,O‘zbekistonda esa Ye.S.Timm, A.A.Shoroxova, M.K.Qoraxanov,I.R.Mullajonov va boshqalarni kiritish mumkin.

Fanning tadqiqot ob’yekti haqida fikr yuritganda-ommaviy hodisalar bilan, ya’ni u yoki bu guruhlar soni, ulardagi demografik jarayonlar va bu demografik jarayonlarga ta’sir etuvchi sabab va omillarni turli ijtimoiy sharoitda, muhitda va davrdagi holatini, demografik prognoz masalalarini o‘rganadi.Ushbu fanning rivojlanish davri mobaynida olimlar tomonidan olib borilgan turli tadqiqotlar fanning tadqiqot ob’yekti doirasidagi masalalarni ham muayyan tartibda o‘zgarib borishiga sabab bo‘lgan. Jumladan, bir guruh olimlar (A.Iontsev) demografiya fani migratsiya masalalari bilan ham chambarchas bog‘liqda o‘rganiladi, deya ta’kidlashgan, chunki tug‘ilish,o‘lim yoki nikoh va ajralish kabi demografik jarayonlar rivojlanishiga aholining migratsiyasi ma’lum darajada o‘z ta’sirini ko‘rsatadi, deya baholashgan.Shuningdek, “V.A.Borisov va boshqa bir guruh olimlar demografiya fanining predmeti “aholi tabiiy takror barpo bo‘lish qonuniyatlarini tadqiq etishdir, migratsiya bilan aholi tabiiy takror barpo bo‘lishida sifat jihatdan farqlar mavjud va bu farqlar, unga ta’sir etuvchi omillar xususiyatiga ko‘ra bir-biridan ajralib turadi”[5] degan fikrlarni ilgari surishgan.Shu o‘rinda demografiya aholishunoslik haqidagi fan ekanligini ta’kidlab, aholining miqdori, hududiy taqsimoti va tarkibini, ularning o‘zgarishi qonuniyatlarini ijtimoiy, iqtisodiy, shuningdek biologik va geografik omillarga asoslangan holda o‘rganishini ta’kidlash lozim.Zaruriy demografik ko‘rsatkichlar, o‘lim, avlodlar jadvallari, nikoh tuzilish ko‘rsatkichlari, turli yosh va jinsiy guruhlar bo‘yicha nikoh jadvallari tuzish, nikoh davomiyligi, nikoh hamda undagi farzandlar tug‘ilishi kabi ommaviy hodisa va jarayonlarning tahlil etilishi demografiya fanining o‘rganish predmeti hisoblanadi. Mazkur yo‘nalishdagi tadqiqotlar: shahar va qishloq joylarida tug‘ilish jarayonining past va yuqoriligi, aholining o‘lim ko‘rsatkichlari, turmush tarzi, ularning tabiiy, ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoiti, rivojlanish xususiyatlarini tahlil etiladi, taqqoslanadi, asosiy qonuniyatlar tahlil etilib, so‘ngra uning hududiy jihatlari o‘rganiladi. Demografiya o‘zining aniq belgilangan tadqiqot ob’yekti - aholiga ega.Demografiyadagi umumiy xususiyatlar shaxslarning jinsi, yoshi, oilaviy ahvoli, ma'lumoti, ishi, millati va boshqalar. Bu fazilatlarning aksariyati inson hayoti davomida o‘zgarib turadi.Ayni vaqtda ushbu o‘zgarishlar demografik tadqiqotlarni guruhlarda ajratishda asosiy mezon bo‘lib xizmat qiladi.

Demografiya fanining asosiy vazifalarini quydagicha ifodalash mumukin:

birinchidan: asosiy demografik jarayonlar ya’ni tug‘ilish, o‘lim, nikoh va ajralish jarayonlarini tadqiq qilish;

ikkinchidan: oilaning demografik xususiyatlari ya’ni aholining yosh-jinsiy va oilaviy tarkibi, demografik mayl va ularning omillarini o‘rganish;

uchinchidan: demografik bashorat ya’ni ma’lum hudud aholisining soni, yosh-jinsiy tarkibi va demografik vaziyati istiqbolini ilmiy asoslangan holda oldindan prognozlash;

to‘rtinchidan: demografik siyosat ya’ni aholi siyosatining uzviy qismi bo‘lib, uning asosiy maqsadi aholining miqdoriy o‘sishini boshqarishdan iborat chora-tadbirlarini ishlab chiqish.Ushbu demografik tadqiqotlarni olib

borishda statistik kuzatish, tizim-tarkib, demografik balans,standartlashtirish, kogort, ekstrapolyatsiya, analitik tahlil metodlari muhim o‘rin tutadi.

Birinchi navbatda o‘rganiladigan demografik tadqiqotlarga tabiiy rivojlanish omillari: nikoh, ajralish, tug'ilish, o‘lim kiradi, bularni o‘rganish demografiya fanining asosiy xususiyati hisoblanadi.Odamlarning bir ijtimoiy guruhdan ikkinchisiga o‘tishlari ham shular jumlasidandir. “Demografik jarayonlarni o‘rganishda juda ko‘p ma’lumotlardan foydalaniladi.Yuqorida ta’kidlanganidek, statistik ma’lumotlarga tayanish, matematik va mantiqiy fikrlash, sotisologik tadqiqotlar olib borish demogarfik tadiqiqotlarning bugungi kundagi asosiy metodlaridir.Shuningdek, demografik muammolarni hal qilish usullari tizimidan foydalanishni talab qiladi, so‘nggi paytlarda sub'ektiv munosabatlarni ifodlashda sotsiologik metodlardan ko‘proq foydalanilmoqda”.[6].

Demografiya fani kishilik jamiyati tarixida qadimgi davrlardanoq shakllana boshlangan fan hisoblanib, davlatchilik munosabatlarining shakllanishi, qadimgi shahar aholisi soni, turli yosh va jinsiy guruhlar,qadimgi xalqlarda nikoh va oila munosabatlari, o‘lim va uning yosh chegarasi aholining rivojlanish qonuniyatlari va unga ta’sir etuvchi ijtimoiy-iqtisodiy omillarini o‘rganuvchi fan hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Z.N.Tojiyeva “Aholi demografiyasi”.Darslik.-T.: “Noshir” 2019-yil.
2.Bo‘rieva M.R., Tojieva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – T.: Tafakkur, 2011-yil.
3.Bo‘riyeva M. “Demografiya asoslari” Toshkent.: 2001-yil.
4.Abduraxmanov Q.X., va boshqalar. Demografiya. Darslik. - T.: «Fan va texnologiya», 2014.
5. O‘sha joyda.
6.Bo‘riyeva M. P. “O‘zbekistonda oila demografiyasi”.T.: 1997-yil.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАРИХ ФАНЛАРИНИ МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Т.Т.Ҳалимов – Бухду,
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация.

Ушбу мақолада таълимда интерфаол ёки интерактив методлар ва унинг дарс самарадорлигидаги ўрни, ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш орқали ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришиш йўллари ҳақида атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: Ўқитишнинг замонавий методлари, “Интерфаол методлар”, “кичик гуруҳларда ишлаш”, “давра суҳбати” методи, эвристик метод.

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. “*Интерфаол методлар”* деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
-ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр - мулоҳазаларга шароит яратилиши.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи-таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади. Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра суҳбати” методи-айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан -кўзалоқасини ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва жавоб варақасининг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини жавоблар варақасининг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахметова К.И., Файзуллаева Д.М., Хошимова Д.П. Олий ўқув юртида инновацион таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни амалга ошириш мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг таълим технологияси: Услубий қўлланма /«Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси» сериясидан. - Тошкент: ТДИУ, 2010. - 80 б.
2. Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси маънавият кўзгуси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 278 б.
3. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш‖ тренингининг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.
4. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Тошкент: Ниҳол, 2013.

БХСРДАГИ МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИДА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

У.Ҳайитов,
НавДПИ докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада 1920-1924 йилларда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСР ҳукуматининг илм-фан, маданият ва санъат сохаларида амалга оширилган ишлар ёритилган.

Калит сўзлар: БХСР, мадраса, гимназия, Маориф уйи, драма труппаси, кинотетр, Бухкино.

Ёш бухороликлар бухорода таълим-тарбия, илм-фанни ривожлантирмасдан туриб, уни мустақил ва ривожланган давлатга айлантириб бўлмаслигини тушуниб етган эдилар. Файзулла Хўжаев ҳам мазкур ғояга таяниб, 1920 йил Бухорода Халқ Совет Республикаси ташкил топган дастлабки кунларданоқ илм-фан, маданият, халқ маорифи ҳаётига, адабиёт ва илм-фан тараққиётига алоҳида эътибор билан қаради. Бу даврда Бухоро Халқ Совет Республикасида мадрасалар ва мактабларнинг фаолият кўрсатиши давом эттирилди.Масалан БХСР Инқилобий Қўмитасининг 1920 йил 17 октябрдаги қарорига асосан таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш ва ўқитувчилар тайёрлаш мақсадида мадрасалар очилди ва бу мадрасаларнинг давлат томонидан маблағ билан таъминланиши белгиланди.Очилган мадрасаларда ўқиш учун керакли талабаларни юбориш мажбурияти махаллий инқилобий қўмиталарга юклатилди[1]. 1920 йил 20 октябрда эса республика худудида жойлашган барча мадрасалар ва мактаблар БХСР Маориф Халқ нозирлиги ихтиёрига ўтказилди[2;60]. Ўқувчилар учун мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш мактаблари, бошланғич мактаблар учун ўқитувчилар ва янги усул мактаблари ташкил этилди. Эски мактабларнинг ўқитувчилари учун вақтинчалик курслар очилиб уларга янги усул мактабларининг таълим усуллари ўргатилди. Мактаблар билан бир қаторда билим юртлари ҳам ташкил этилди. Масалан 1921 йил 24 августда БХСР Халқ Нозирлар Кенгаши юридик бўлими хулосасига кўра Бухорода техника билим юрти ташкил этилди[3;13]. Мактабларда ўзбек, рус ,араб тиллари, математика, физика, география, тарих, мусиқа ва бошқа фанлар ўқитилган[4]. Файзулла Хўжаевнинг қизи Вилоят Хўжаеванинг ёзишича Файзулла Хўжаев 1920-1921 йилларда давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, Бухоро шаҳрида ўқитувчилик қилиб, халқ оммасига илм-маърифат тарқатиш ишининг мухимлигига диққат эътиборни жалб этган экан[5;216].

Бухоро Халқ Совет Республикасида таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйиш учун педагоглар тайёрлашга алохида эътибор билан қаралди.1921 йил Чоржўйдаги гимназия биносида уч йиллик мусулмон ўқитувчилар институти ташкил этилди[6;6] ва Бухорода иккита ўқитувчилар тайёрлаш институти ташкил этилди. Файзулла Хўжаев рахбарлиги даврида БХСР 32 та бошланғич ва ўрта мактаб, 11 дан ортиқ болалар уйи, педагогик курслар, ҳунар мактаблари, иккита мусиқа мактаби ва саводсизликни тугатиш учун очилган қисқа курслар мунтазам ишлай бошлади[7;64].

Файзулла Хўжаев туркистон жадидлари каби умидли ёшларни чет-елларда ўқитиш тарафдори эди. БХСР раҳбарларининг моддий ва маънавий кўмаги асосида бир қанча ёшлар Германия ва Россиянинг нуфузли билимгоҳларида ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Файзулла Хўжаев билимли ва малакали мутахасислар ёш республикани ривожлантиришда мухим эканлигини тушуниб етган эди. Файзулла Хўжаев тавсияси билан Бухоро Халқ Совет Республикасининг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш бўлимининг бошлиғи Абдулвоҳид Бурҳонов Германияда таҳсил олаётган ёшларга рахбарлик қилади. Файзулла Хўжаевнинг ўзи уларнинг яшаш ва ўқиш шароитларидан доимо хабардор бўлиб турди ва улар учун керакли шароитларни яратиб берди. 1922 йил охири 1923 йил бошида Германияга даволанишга борган Файзулла Хўжаев Германиянинг турли шаҳарларида илм-ҳунар олаётган юздан ортиқ туркистонлик йигит-қизлар билан мулоқотда бўладн. Уларнинг яшаш шароити, ўқишлари билан қизиқади[8;12]. 1924 йил 9 январда Файзулла Хўжаев раҳбарлигида БХСР Халқ Нозирлар Кенгашининг йигилиши бўлиб ўтди.Ушбу йи-илиш баённомасида Германияда ўқиётган бухоролик талабаларга қўшимча 15 сўм олтин миқдорида ва 13 та олий таълим муассасасида таълим олаётган талабаларнинг ҳар бирига 75 сўм олтин миқдорида стипендия тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди[9;36].

Германияда таҳсил кўрувчи йигит ва қизлар учун Берлинда ўзбек тилида босмахонаси ташкил этилиб, қанча ўзбек адибларининг асарлари ва шеърий тўпламлари араб алифбосида ўзбек тилида чоп этилган.

Файзулла Хўжаев Германия билан бир қаторда Россияда ҳам бухоро ёшларини илм-фан ютуқларини эгаллашларига имконият яратиш мақсадида 1920 йил 29 январада ойида РСФСР Маориф Халқ Комиссари А.В.Луначарскийга хат йўллаб, бухоролик 11 нафар ёшларни Москвада ўқишларига шароит яратиб беришини сўрайди[10;51-52]. 1923 йил 28 мартда Файзулла Хўжаев раҳбарлигида Москвада бухоролик ёшлар учун “Маориф уйи” ташкил этиш, унинг раҳбариятини тасдиқлаш тўғрсида қарор қабул қилинди. Йиғилишда “Маориф уйи” фаолияти ва ўқувчиларнинг

харажатлари учун БХСР бюджетида 5000 сўм олтин миқдорида маблағ ажратилди[11;28]. Шу тариқа 1923 йил 27 мартда Москвада бухоролик ёшлар учун “Маориф уйи” очилди[12;433-485]. Бу илм муассасида 200 дан ортиқ ёшлар турли мутахасислик бўйича билим ва малакаларни қўлга киритдилар. Ёш бухороликлардан иборат БХСР ҳукумати Германия ва Туркия билан бир қаторда бухоро ёшларини Туркияда ўқишлар учун ҳам шароит яратиб берди.Туркияда таълим олаётган ёшлар БХСР ҳукумати томонидан таъминлаб турилди. Масалан, Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил 23 октябрдаги йиғилиши баённомасида Туркиядан ўқишни якунлаган бухоро ёшларини БХСРга қайтишлари учун уч минг сўм олтин миқдорида маблағ ажратилди [13;14].

БХСРда олий таълимнинг асос солиниши бевосита Файзулла Хўжаев номи билан боғлиқ. 1922 йил БХСР Халқ Нозирлар Кенгаши Раиси Файзулла Хўжаев Бухорода биринчи олий ўқув юрти қуриш ташаббуси билан чиқди ҳамда мазкур қурилиш харажатлари учун ўзининг брилиантлар ва бошқа қимматбахо тошлар билан безатилган олтин дастали қиличини ҳадя этди[14].

1923 йилги маълумотларга қараганда БХСРда 19 та маданий-оқартув муассасалари, шу жумладан 17 та кутубхона ва қироатхона, бир музей, 2 та драма труппаси, бир театр ва 4 кинотеатр ишлаб турди[15;64]. Бу ёш республика учун катта маънавий-маданий ютуқ эди.

Файзулла Хўжаев БХСРда кино соҳасининг ривожланишига бош-қош бўлди. 1924 йил Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси билан Ўрта Осиёда биринчи кино ташкилоти,—«Бухкино» ташкил этилди. “Бухкино” ўзининг икки йиллик фаолияти давомида бир қанча ҳужжатли филмлар ва “Ўлим минораси” номли илк бадиий филм яратди. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, Бухоро Халқ Совет Республикасида кино санъатини ривожлантириш йўлида “Бухкино” ходимлари учун Файзулла Хўжаев ўзининг шаҳардаги уйини бўшатиб беради.

Хулоса қиладиган бўлсак Файзулла Хўжаев бошчилигида БХСР ҳукумати республика мавжуд бўлган тўрт йил мобайнида бир қанча амалий ишлар амалга оширилдики, буларнинг барчаси унинг тараққиёти учун хизмат қилди. Бу ишларда бевосита Файзулла Хўжаев ва бошқа бухоролик юрт фидойиларининг хизматлари катта бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Бухоро ахбори.8-сон.1920 йил 21 ноябр.
2.Ўзбекистон МА, Р-46-фонд, 1- Рўйхат, 117- йиғма жилд, 60- варақ .
3.Ўзбекистон МА, Р-48-фонд, 1- Рўйхат, 46- иш, 13- варақ .
4.Известия №80(191).1922 г.
5.Хўжаева.В Ота-онам ҳақидаги хотираларим. // Тарихнинг номаълум сахифалари.Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 216-бет.
6.Ўзбекистон МА, Р-47-фонд, 1- Рўйхат, 84- иш, 6- варақ .
7.Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Т.: Ўзбекистон, 1990. 64-бет.
8.Каримов Р.Ҳ. Файзулла Хўжаев атоқли давлат ва жамоат арбоби. // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулохазалар. Т.: Фан, 1997. 12-бет.
9.Ўзбекистон МА, Р-48-фонд, 1- Рўйхат, 260- иш, 36- варақ.
10.Ўзбекистон МА, Р-48-фонд, 1- Рўйхат, 79- иш, 51-52- варақлар .
11.Ўзбекистон МА, Р-56-фонд, 1- Рўйхат, 52- иш, 28- варақ.
12.Файзулла Ходжаев Избранные труды. Том 1 Т.: Фан, 1970. с. 433-485
13.Ўзбекистон МА, Р-47-фонд, 1- Рўйхат, 57- иш, 14- варақ орқаси.
14.Известия. №106(217).1922 г.
15.Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев Т.: Ўзбекистон, 1990. 64-бет.

TARIX FANIGA QO‘YILGAN TALABLAR: TARIXIY HUJJATLAR BILAN ISHLASH

F.I.Shirinova
NavDPI katta o‘ qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqola umumiy o‘rta ta’lim maktablari tarix darslarida tarixiy hujjatlar bilan ishlashning metodlari va xarakterli jihatlari ochib berilgan. Shuningdek, maqolada ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda tarixiy hujjatlarning ahamiyati va o‘quvchilarning tarix fanini o‘zlashtirishiga qo‘yilgan talablar xusuida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Tarixiy hujjat, usul, fikr, mavzu bayoni, mustaqil ta’lim, dars, laboratoriya.

Shuni unitmaslik kerakki, hamma vaqt o‘qituvchi – ustoz o‘quvchi yoki tarbiyalanuvchi uchun birinchi darajali shaxs sanaladi. Shuning uchun o‘qituvchi tomonidan dars jarayonida qo‘llanilishi rejalashtirilgan o‘qitishning og‘zaki bayon usuli tarbiyalanuvchi ongiga faqat va faqat ijobiy ta’sir ko‘rsatishi kerak. Ya’ni bayon etilajak matn ko‘zgudek ravshan, aniq, asoslarga to‘la, qiziqarli va tinglovchining eshitish va qabul qilish darajasini inobatga olgan holda rejalashtirilgan bo‘lishi kerak.Tarix darslarida turli metodlardan foydalanib

zamonaviy darslar tashkil qilish bugungi kunda o‘qituvchiga deyarli qiyinchilik tug‘dirmaydi. Zamonavi tarix fani o‘qituvchisining yana bir mas’uliyatli vazifasi darsni sifatli o‘tkazish bilan, uning samarali tomonini tez ko‘rish hisoblanadi. Umumiy o‘rta ta’lim maktabi tarix darslarini tashkil etishning yuzdan ortiq an’anaviy va noa’anaviy yo‘llari mavjud. Quyida bunday darslarni sirtdan tashkil etib berishni rejalashtirdik.Shuni aytish joizki, tarixiy hujjatlarni mustaqil o‘rganish mumkin, lekin dars jarayonida ularni urganish bilan mavzuninng ayrim jihatlarini ochib berish, uni mustahkamlash mumkin bo‘lar ekan.

O‘qituvchi davom etayotgan islohotlarga yuzlanib, unga to‘la javob bera oladigan darsni ijodiy shunday tashkil etsa bo‘ladiki, bu dars tarixiy voqelikni o‘quvchi o‘rganish paytida biror bir ikkilanishga sabab bo‘ladigan savolga o‘rin qolmasin. Xo‘sh bu usulni nima deb atasa bo‘ladi. Keling biz bu usulni tarixni shaffof o‘rganishga xizmat qilgani uchun tarixiy hujjatlarga asoslangan dars deymiz. Biz tarixni manbalar asosida shrganishning “laboratoriya” usuliga to‘xtab o‘tmoqchimiz.[3] Bu shunday usul bo‘lib, maktab darsligida mavzuga doir to‘liq berilmagan materialni, yoki bo‘lmasa, shu mavzuni kengroq yoritib berishga xizmat qiladigan biror matnni o‘qituvchi keltirib o‘tadi, tinglovchilar bu fikrlarning mazmunini tushunib uni “tekshiradilar”, ya’ni isbot talab bo‘lmagan fikrlarni o‘zlari uchun belgilab olib munosabat bildiradilar. Bunday darslar tizimli qilib kitobda berilgan mavzularni o‘zlashtirish samaradorligini tekshirish maqsadida tashkil etiladi. Tekshirishning yaxshi usuli har bitta mavzuni mustahkamlab borishga mo‘ljallangan “ish daftarlari”da aks ettirilishi mumkin. Bayon etilayotgan fikrning ishonchli va emotsianal ta’sirchan bo‘lishini ta’minlaydi. Tarixiy hujjat o‘z nomiga ko‘ra hujjat bo‘lgani uchun u o‘tmishning yorqin obrazlarini, tarixiy voqelikning yaxlit manzarasini gavdalantirishga, o‘rganilayotgan tarixiy davr xususiyatlarini anglab olishga yordam beradi. Tarixiy hujjat yangi mavzuni o‘qituvchi tomonidan bayon etilishini osonlashtiradi, mavzuni manbalar bilan chuqurlashtiradi, aytiladigan fikrlarga aniqlik kiritishga xizmat qiladi.[1] Hujjat bir vaqtning o‘zida tarixiy jarayonni mustaqillik nuqtai nazaridan tushunib, bolaning fikrlash faoliyatini kengaytiradi.Tarix darsi shunday rejalashtirilishi kerakki, bir soatlik yangi mavzuga bag‘ishlangan dars davomida o‘quvchining bilish faoliyati kengayib, fikrlash doirasi mustahkamlanishi kerak. O‘quvchi aynan sinf dars jarayonida mustaqil yurt farzandi, yoki fuqarosi uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy siyosiy xarakterdagi hujjatlarni o‘qib, tushunib olish malakasiga ega bo‘ladi.[2]

Darsda tarixiy hujjatlar bilan ishlashning yana bir xarakterli muhim jihati shuki, bu o‘quvchini tarixiy tadqiqot metodi elementlari bilan tanishtiradi. Ularni tarixiy hujjatlarga tanqidiy qarashga o‘rgatadi. Bunday tajriba asosanoliymaktabo‘quvchilari uchun tayyorlanadigan tarix darslarida bo‘lishi kuzatiladi. Chunki ijtimoiy gumanitar yo‘nalishga asoslangan bunday ilm dargohi talabalari o‘ta qiziquvchan va yangiliklarni izlab topishga harakat qiluvchi yoshlar bo‘ladi. Oliymaktabda ta’limning yangi mazmuni amalga oshishi munosabati bilan tarix o‘qitishda tarixiy hujjatlarning roli sezilarlidarajada o‘sdi. Davlat Ta’lim Standartlari asosida yozilgan tarix fani darsliklari mazmunining asosiy qismini tarixiy hujjatlar tashkil eta boshladi. Bugungi ta’lim sohasidagi islohotlar tarix fanini shaffofligiga qaratilgani buning isbotidir. Hatto umumta’lim maktablarida darsdan tashqari mashg‘ulotlarda ham tarixiy hujjatlardan foydalanish, ular bilan ishlash zarur bo‘lib qoldi. Shuning uchun bu ish maktab tajribasida ommaviy tus oldi.

Darsliklardagi tarixiy hujjatlar har bir sinfdagi o‘quvchilarning yoshi, bilim saviyasi, o‘sha sinfda o‘rganiladigan tarix kursining xususiyatlariga qarab kiritilgan. SHu sababdan darsliklarni tarixiy hujjatlar bilan o‘zlarining xarakteri, ko‘lami va mazmunijihatidan bir biridan farq qiladi. O‘rta maktab 6 sinf o‘quvchisining yoshi, bilimi va ularning tarixiy hujjatlar bilan deyarli birinchi marta ishlayotganlarini inobatga olib darslikka asosan hikoya va tavsiflab berish xarakteridagi hujjatlar kiritilgan. Bunday sinflarda o‘rganiladigan tarixiy hujjatlarni asosan 3 turga bo‘lish mumkin:[2]

1. Moddiy madaniyat buyumlariga – bizgacha saqlanib kelayotgan yoki ilmiy asosda qayta tiklangan qadimgi mehnat qurollari, qurol yarog‘lar, zeb ziynat buyumlari, uy ro‘zg‘or anjomlari, turar joylar qo‘rg‘onlar, maqbaralar, qadimgi shahar xarobalari va boshqalarga qarab tarixni o‘rganish mumkin.Qadimgimehnatqurollari, odamlarningmashg‘ulotlarini, hashamatliimoratlarvapastqamuylargaqarabsinfiybo‘linishmavjudligi xususida xulosa chiqariladi, shuningdek, diniymarosimlargaqarab, odamlarningdiniye’tiqodlarinibilibolish mumkin bo‘ladi.[4]
2. Tasviriy san’at asarlari yordamida moddiy voqelikni, odamlar va tevarak atrofdagi voqelikni, afsonaviy qahramonlar haqidagi miflar, devlar, xudolar haqidagi afsonalar ijod qilingan joylar, joy nomlari to‘g‘risidagi hujjatlar asosida darslar tashkil etish;
3. Yozma manbalar, qonunlar, buyruqlar, xo‘jalik ishlariga doir yozuvlar, shartnomalar, paktlar, xizmat vazifasiga oid materiallar, diplomatik yozishmalar, sud hukmlari, shahar va mamlakatlar tasvirlab yozilgan asarlar kiradi.

Albatta bunday tarixiy hujjatlardan darsda foydalanish darsni mazmunli, qiziqarli va ta’sirchan qiladi. Lekin tarix darslarida bunday hujjatlardan foydalanish uchun avval manbalarni o‘zini klassifikatsiya qilish zarurdir. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida tarix o‘qitishning har bir yangi bosqichlarida darslikda berilgan hujjatli materiallarning xarakteri o‘zgarib, ko‘lami kengayib, murakkablashib boradi. Akademik litsey, kasb hunar kolleji tarix darslarida yuridik xarakterdagi hujjatlar ko‘paytirib berilgan. Maktabda tarix o‘qitish tajribasida tarixiy hujjatlar bilan ishlashning quyidagi ikki usuli keltirilgan;

1. Tarixiy hujjatlardan o‘qituvchining bayonida foydalanish usuli;
2. O‘quvchilarning individual tarzda matn bilan ishlash usuli.

O‘qituvchi o‘zining bayonini konkretlashtirish, va uning emotsionalligini oshirish maqsadida hujjatlardan olingan parcha, jumla, ifodalardan yorqin obraz va xarakteristikalardan foydalanadi. Tarixiy hujjat o‘qituvchi bayonini, bayondagi xarakteristika va chiqarilgan qarorni tasdiqlaydi. Tarix fani o‘qituvchisi uzluksiz ta’limning hamma bo‘g‘inlarida ham darslik va qo‘shimcha manbalardan olingan hujjatlarning mazmuni va o‘quvchini tayyorgarligiga qarab uni tahlil qilishi, sinf jamoasiga savollar berishi, topshiriq topshirishi, uni aniqlab tahlil qilishi kerak. Agar hujjat bilan ishlash paytida biror bir muammoli narsaga duch kelib qolinsa, yoki biror notanish so‘z, termin uchrasa uni darhol doskaga yozib, izoh berib boradi. Eng asosiy maqsad o‘qituvchi o‘quvchilarni tarixiy hujjat bilan ishlashga qiziqtirib, o‘rgatib boraveradi.[3]

Tarixiy hujjatlar bilan ishlashning quyidagi usullari bor:

1. Tarix fani o‘qituvchisi hujjatni o‘zi o‘qib, tahlil qilib berishi mumkin;
2. Tarixiy hujjatni o‘quvchilar o‘qituvchining bevosita ishtirokida dars jarayonida tahlil qilib borishlari mumkin;
3. O‘qituvchi o‘quvchilarga tarixiy hujjatni uyda tahlil qilib kelishlarini vazifa qilib berishi mumkin. Albatta tahlil qilish qiyin bo‘lgan hujjatlarni o‘qituvchi o‘zi tahlil qilib, izoh beradi.

YuqorisinflardaJahontarixidarslarida hujjat izoh berib o‘qiladi. O‘qituvchi savollar berib, mavzuga, hujjatga doir savollar bersa, muammoni o‘rtaga tashlasa, uning yechimi xususida fikrlar tinglanadi va dars munozarali davom etadi. Muammo yechimini o‘qituvchi xulosasi bilan bayon etadi.Har bir mavzu matnida oson va murakkab hujjatli ilovalar berilishi mumkin.Bunda o‘qituvchi o‘zining mahorat usuli, o‘quvchilarning bilim darajasi, yoshini inobatga olib dars o‘tishga kirishadi. Biz yuqorida gapirib o‘tgan holatni oliy ta’lim misolida ham kuzatish mumkin. Bugun oliy ta’lim tarix jarslarida talab zamon talablari asosida bajarilmoqdaki, tarixiy matnnni og‘zaki bayon etishga deyarli ehtiyoj yo‘q. Texnik vositalar bilan jihozlab tashkil etish rejalashtirilgan darslarda bu usul o‘z o‘rnini faol usullarga bo‘shatib beradi. Lekin shuni inobatga olish joizki, hamma vaqt ham o‘qituvchi bayoni bu jonli muloqot sifatida auditoriyani holatini barqarorlikdan ilg‘orlikka yo‘naltiradi. Bunda o‘qituvchi fikri talaba tomonidan ma’qullanadi, yohud rad etilishi mumkin. Aynan ana shu holat sinfda o‘quvchilar faoligini oshirib, munozaraga sabab bo‘ladi. Tinglovchi o‘z fikrini erkin ifoda etish imkoniyatiga ega bo‘ladi, har bir aytilajak fikr tahlil etilishi mumkin, muammo yechimi atrofida bahs boshlanadi. Bu holat faqat tinglovchini emas, balki tarix fani o‘qituvchisini ham yanada o‘z ustida ishlashga, ijodiy izlanishga undaydi. Uzluksiz ta’limning yuqori bo‘g‘inlarida hujjatlarbilanishlash usuli albatta muammo yechiminio‘rtagatashlagan tarzida olib borilishi kerak. Chunki bu yoshdagi o‘quvchi – talabalar ilmiy ma’lumotni bilish, o‘zlashtirish ularda irodani kuchaytirib, sezgi organlarini follashtiradi. Olingan ma’lumotni realligiga ishonch ularni hujjatli ma’lumotni boshqalarga yetkazishga undaydi. [3]

Xulosa qilib aytish mumkinki, o‘quvchini bilish, o‘rganish, o‘zlashtirish va amalga tatbiq etish jarayonida o‘qituvchi bayonining barcha usullari ma’lum darajada ishtirok etadi. Ammo ayni dars jarayonida tarixiy hujjatlar bilan ishlash usuli o‘quvchilarga berilayotgan bilimlarning tushunarli, g‘oyaviy – siyosiy jihatdan pishiq, ilmiy ko‘rgazmali, ishonchli va emotsional bo‘lishini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.[1] Bunda tayyor o‘quv materialini o‘zlashtirish asosida zamonaviy , noa’nanaviy dars vujudga kelsada, bunga ko‘p vaqt talab qilinadi. Eng asosiy jihati o‘qituvchi bilan o‘quvchining bir xilda ishlash, bosh qotirish, yangilikka munosabat bildirish jarayoni faollashadi, ular o‘rtasidagi aloqadorlik hissi kuchayadi. Dars jarayonida olingan nazariy bilimlarni mustahkamlashga xizmat qiladigan hujjatlar keyinchalik yozma yodgorliklarni o‘rganish, turli muzey va arxivlarga borib ishlash, ilmiy faoliyat olib borish, tadqiqot ishlarini amalga oshirish uchun asos bo‘ladi.

Shunday qilib, tarix darslarida tarixiy hujjatlar bilan ishlash, o‘qituvchi bayonini muvofiqlashtiradi, mavzu mazmunini chuqurlashtiradi, uni ishonarli, emotsional bo‘lishini ta’minlaydi. Shuningdek, o‘quvchilar bilish faoliyatini oshiradi, bilimlarni puxta va mustahkam bo‘lishiga yordam beradi. Tarixiy bilimlarni egallashning yangi usullari, ilmiy tadqiqotning oddiy usullari bilan tanishtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. IbrohimovX. RajabovR. FayziyevaF. O‘rta maktabda tarix ta’limi.T.”Fan va texnologiya”, 2016 y. B.71
2. BabanskiyYu.K. Tarix darslarida hozirgi zamon umumiy ta’lim maktabida o‘qitish metodlari. T. “O‘qituvchi”1990 y. 230 bet.
3. Safarov A. Bahromov Q.Noan’anaviy darslar va ta’limning interfaol usullari. Buxoro. 2014 yil. . B.18.
4. Ismoilov S. Tariximiz poydevori mustahkam. Toshkent.1999 yil. № 4. B. 83.

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ ТАСАВВУР ВА ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М.А. Эгамова
Андижон шаҳар ХТБ га қарашли
6-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада, мактаб ўқувчиларига Жаҳон тарихи фани бўйича дарс машғулотларини ўтиш жараёнида, Ўрта асрлар тарихи даврининг айрим мавзулари бўйича тарихий тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилишнинг усул ҳамда воситалари баён этилади.

Калит сўзлар: таълим; тарбия; тасаввур; тушунча; эмоционал; интонация; дедуктив; ярмарка; биржа.

Тарих курси олдига қўйилган таълим – тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир синфда ўқитиладиган тарих курсининг тутган ўрни, унинг таълим-тарбиявий вазифалари, ҳар бир боб ва улардаги мавзулар, ҳатто ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг ҳам таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари олдиндан аниқ белгилаб олингандан кейин тарих ўқитишга киришиш мақсадга мувофиқ бўлади[2: 37].

Дарс - ўқув ва тарбиявий ишларнинг асосий ташкилий шакли бўлиб, таълим ва тарбия жараёнининг махсус шакллари эса дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади[3: 87].

Тарихий тасаввур ва тушунчалар бир-бири билан узвий боғланган. Ўқувчиларда ҳодисалар тарихий жараёнлар ҳақида етарли даражада тўлиқ ва аниқ тасаввурлар мавжуд бўлгандагина тушунчалар ҳосил бўла олади. Тарих ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг тасаввурлари чуқурлашиб бориши натижасида тушунчаларни шакллантириш учун замин яратилади. Тушунчалар ўз навбатида тасаввурларни мазмунан бойитиб, аниқлашиб боришига ёрдам беради. Тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш методик усуллари ҳам кўпчилик ҳолларда бир-бирига ўхшаб кетади[1: 18].

Тасаввурлар ҳосил қилишнинг асосий усул ва воситалари тўғрисида айтиш мумкинки, тарих ўқитишда ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўтмишдаги ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзараларини шакллантиришда жонли ва ёркин образлардан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Шунга эришиш керакки, баён қилинган ҳар бир тарихий факт, географик ном ва шахс фаолияти образли бўлсин. Таъсирчанлик – ўқувчиларнинг тарихдан оладиган билимларини илмий ва пухта бўлишининг зарур шартларидан бири, тарихий вақеаларни ўқувчиларга ифодали тарзда етказа олишнинг омили, уларнинг тарихга қизиқишини уйғотиш ҳамда тарихий фактларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун зарур бўлган шарт - шароитларни яратишнинг муҳим воситасидир.

Тасаввурларни шакллантиришда тарихий ҳодисалар образларини ўқувчилар фаол тарзда идрок этишига қаратилган усуллардан фойдаланади. Ўқитувчи ҳикоясининг мазмунан кўргазмали ва образли бўлиши, дарслик матнидаги, тарихий ҳужжатлардаги воқеалар ва тасвирий элементлар, бадиий адабиёт асарлари ўқувчиларда тарихий тасаввурларни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи материални баён қилаётганда, тарихий ҳужжатлардан, илмий оммабоп ва бадиий адабиёт асарларидан олинган ёркин тафсилотларга ҳамда ўқувчилардаги тарихга қизиқишининг ортиши, уларнинг муҳим тафсилотларни ажратиб олиши ва хотирада сақлаб қолишларига ёрдам беради. Бироқ, ўқувчиларда аниқ ва пухта тасаввур ҳосил қилиш учун ўқитувчи баёнининг жонли ва эмоционал бўлишини ўзи кифоя қилмайди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фаол фикрлашини ташкил қилиши ва унга раҳбарлик қилиши лозим. Ўқитувчи кўргазмали қуролни шундайгина кўрсатиб, унинг мазмунини тушунтириб, ҳужжатларни ўқиб қўя қолмай, балки ҳикоядаги энг муҳим жойларни алоҳида интонация билан таъкидлаши, кўрсатмали қуролларни, матнларни ўқувчиларнинг фаол иштирокида таҳлил қилиб, ундаги энг муҳим элементларни ажратиб чиқиши, ўрганилган ҳужжатлардаги у ёки бу жиҳатларга улар диққатини жалб қилиши лозим.

Таълим тизимида тарих курси олдига қўйилган таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини, шунингдек, унинг бошқа дарслар системасида тутган ўрнини аниқ белгилаш ва шу вазифаларни амалга оширишдан иборатдир[4: 65].

Тарих бўйича ҳар бир синф дастурларининг охирида асосий тушунчалар мазмуни белгилаб берилган. Бу тушунчалар курснинг илмий мазмунини, ғоявий-назарий асосларини аниқлаб олиши, конкрет тарихий материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича иш усулларини белгилаб олишга ёрдам беради. Тарихий тушунчаларни ҳосил қилиш деганда ўқувчиларнинг тарихий фактларнинг энг муҳим белгиларини иккинчи даражали белгиларидан ажрата билиш; уларни гуруҳларга бўла олишни, тарихий воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш муносабатларни чуқур англаб тушуниб олиши кўзда тутилади. Ана шу таҳлитда шаклланган, мукаммал тарихий тушунчалар илмий билимлар системасини вужудга келишида бамисоли занжир вазифасини ўтайди.

Тарихий ўқитиш жараёнида тарихий тасаввурлар билан тушунчаларни шакллантириш узвий боғланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Юқорида таъкидланганидек, тарихий тушунчаларни шакллантиришда ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини рағбатлантириш ва унга раҳбарлик қилиш муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар ҳодисани фикран бир неча қисмга бўлиб, унинг муҳим белгиларини ажратиб олиб, муҳим бўлмаган белгилардан айирадилар ҳамда бир турдаги ҳодисаларнинг энг муҳим белгиларини умумлаштирадилар. Ўқувчиларда тарихий тушунчалар ҳосил бўлишига олиб келадиган бу мантиқий фаолият, кўпинча тарихни ўқитиш давомида тарихий тасаввурлар ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган янги материални идрок этиш билан қўшилиб кетади. Ўқитувчи расмни ёки дарсликдаги суратларни таҳлил этиб, уларнинг мазмунини анализ ва синтез қилганда, ўқувчиларда ўрганиладиган ҳодисаларнинг муҳим белгиларини акс эттирувчи ёрқин, аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга қаратилган иш олиб бориш билан бирга, ҳодисаларнинг ўша белгиларини умумлаштирувчи тушунчалар ҳосил қилишга қаратилган иш ҳам олиб боради. Лекин тушунчалар ҳосил қилишга қаратилган иш ўқувчилар томонидан ҳатто илгарироқ ўзлаштириб олинган материал асосида олиб борилаётган тақдирда ҳам, бу иш ўқувчилардаги мавжуд тасаввурларни актуаллаштириб, ҳодисалар билан биринчи бор танишилган пайтда уларнинг пайқалмай қолган ёки ажратиб олинмаган белгиларни кўра билишга ва ажратиб олишга ёрдам беради. Ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатлар қанчалик кўпроқ ва ҳар томонлама очиб берилиб, уларнинг маъноси қанчалик чуқурроқ тушуниб етилган сари, умуман, тарих билимлари шунчалик юқорироқ даражада системалашиб, ҳар бир ҳодисанинг тарихий жараёндаги ўрни ва роли шунчалик аниқроқ аниқлаб олина боради.

Тарих ўқитишда тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва воситалари хилма-хил бўлиб, аввало у тушунчаларнинг мазмуни мураккаблигига боғлиқ. Масалан, 7–синфда Жаҳон тарихи фани дарсида «Европада ўрта аср шаҳарлари» мавзусини баён этиш жараёнида меҳнат қуролларини такомиллашуви, усталар маҳоратининг ўсиши ҳунармандчиликни дкҳқончиликдан алоҳида соҳага айлантиргани, деҳқончиликда икки далали алмашлаб экиш ўрнини уч далали алмашлаб экиш эгаллагани, ёғоч омоч ўрнига оғир ғилдиракли плугни тарқалиши тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш учун бир ёки бир неча соат дарс кифоя қилса, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, феодал жамиятдаги асосий гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий кураш, мафкура ва бошқа социологик тушунчалар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган холда барча тарих курсларини ўрганиш давомида ўзлаштирилади. Ўқувчилардаги тушунчаларни чуқур ва мустаҳкам бўлиши, асосан, ўқитувчининг ўқувчилар фикрлаш фаолиятини қанчалик уйғота олиши ва унга қай даражада раҳбарлик қила билишига боғлиқ. Тарихий тушунчалар ҳосил қилишда ўқувчиларнинг воқеа ва ҳодисаларни анализ, синтез қила олиш қобилиятини ўз ичига олган фикрлаш фаолиятини кучайтиришда таълимнинг фаол методлари – муаммоли таълим, эвристик суҳбат методларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг кўрсатмали қуроллар, таълимнинг техника воситалари, тарихий ҳужжатлар билан ишларини уюштириш, уларга тарихни чуқур ўрганиш билан боғлиқ бўлган турли амалий характердаги ишларни топшириш алоҳида аҳамиятга эга.

Бир турдаги воқеа ва ҳодисалар, тарихий жараёнлар ҳамда сабаб-оқибат боғланишлар мазмунини таққослаб ўрганиш жамият тараққиётининг айрим ва баъзи бир умумий қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Ўқитувчи воқеа ва ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги алоқа ҳамда боғланишларни, кўпинча, дастлаб бир мамлакат тарихини ўрганиш пайтида илгари ўрганилган ҳодисаларга ўхшаш ҳодисаларга дуч келганда ўқитувчи ўқувчиларга бир-бири билан ўхшаш сабаб-натижали боғланишлар тўғрисидаги билим малакаларини ўрганилаётган ҳодисаларни изоҳлаб беришга дедуктив суратда таққослаб бориш ўқувчиларни: ҳодисалар ўртасидаги бу боғланишлар тасодифий бўлмай, балки барқарор ва зарурий қонуният эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келади. 7-синфда Ўрта асрлар тарихини ўрганиш жараёнида қонуният термини қўлланилмасада, ўқувчиларни қонуният нималигини тушунишга олиб келади. Ўрта асрлар тарихида “Ўрта асрларда товар ишлаб чиқаришнинг юксалиши. Бозор ва ярмаркалар” мавзуси материали асосида ўқувчилар, Ғарбий Европада товар хўжалигининг пайдо бўлиши, шарқ мамлакатлари билан савдода савдогарлар ва бозорларни тутган ўрни ҳамда банклар, ярмаркалар ва биржаларнинг вужудга келишига қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар сабаб бўлганлигини тушуниб оладилар.

Сабаб-натижа алоқалари. Ҳар бир фактнинг сабаблари ундан олдинги фактларда мавжуд бўлади ва шу фактнинг ўзи ҳам, ўз навбатида, кейинги фактларнинг сабаби бўлмоғи мумкин. Ҳар бир йирик тарихий факт ижтимоий ҳаётнинг кўпинча турли соҳаларида мавжуд бўлган бир қанча сабаблар натижасида вужудга келади. Тарихий ривожланишнинг қонунларини чуқур ўрганишда таққослашнинг аҳамияти каттадир. Масалан, ўқитувчи Ўрта асрлар тарихи фани дарсида “Францияда мутлақ монархия” ёки “Англияда марказлашган давлатнинг ташкил топиши” мавзуларини ўтаётганда, ўқувчиларга Англия ва Францияда марказлашган давлатларнинг вужудга келишини ўзларидаги худди шу ҳақидаги билимлар билан таққослаб ўрганишни тавсия қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ижтимоий ривожланиш қонунларини ўрганиш узоқ муддатли жараён бўлиб, у ўқувчиларда умумий назарий билимлар ва илмий дунёқарашни, тарихий тасаввурларни шакллантириш ишларининг муҳим таркибий қисмидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1. У.Жўраев. 7-синф Жахон тарихидан ўқитувчилар учун методик қўлланма.-Тошкент, 2000.
2. Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: ТДПУ, 2008.
3. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ЎзМУ Университет, 2002.
4. Короткова М. В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях. Практическое пособие для учителей. – М., 1997.

MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYANING TA'LIM TIZIMIDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

B.U.Inoyatov
Innovatsion rivojlanish vazirligi yetakchi mutaxassisi.

Annotatsiya

Ushbu maqolada ma'naviy – axloqiy tarbiyaning ta'lim tizimidagi o'rni va vazifalari, maktabgacha ta'lim tizimidan to oily ta'limgacha bo'lgan uzluksizlik asosida ma'naviy merosdan foydalanish ilmiy, ma'rifiy asarlar misolida yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: "Qobusnoma", Alisher Navoiy, "Ahloqi Muhsiniy", "Makorimul ahloq", "Tuhfat – ul Abror".

Axloqiy jihatdan yetuk, axloqan barkamol, ma'naviy go'zal insonni tarbiyalab jamiyatga yetkazish muammosi asrlar davomida kishilik jamiyatining muammosi bo'lib keldi va bugun ham mustaqillikka erishgan O'zbekistonda ham g'oyat dolzarb masala bo'lib kelmoqda.Xalqimizda axloqiy tarbiya maktabining ildizlari juda teran, baquvvat bo'lib, biz bugungi avlod vakillari bunga qayta qayta murojaat qilamiz, bahramandlik tuyamiz. Uzluksiz ta'lim tizimining barcha bo'g'inlarida mamlakatimizni isloh qilish va yangilashga qaratilgan dasturiy vazifalarni bajarishda biz milliy qadriyatlarimiz, urf odat va an'analarimizni saqlashga, xalqimizning asrlar davomida shakllangan mintalitetimizga hurmat bilan munosabatda bo'lishga katta e'tibor qaratmoqdamiz. Biz shunday yurtda yashaymizki, unda millatlar va dinlararo tinchlik totuvlikni mustahkamlash, ma'naviy va axloqiy tarbiyani kuchaytirish, tarixiy ildizlarimizga, milliy o'zligimizga qaytish, aholining siyosiy ongi va huquqiy madaniyatini oshirishga doir aniq maqsadga yo'naltirilgan ishlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Xalqimizga xos bo'lgan hamjihatlik va bag'rikenglik, mehr oqibat, mehmondo'stlik va saxovat kabi insoniy fazilatlar muhiti avvalo oiladan shakllantirilsa, maktabgacha tarbiya maskanida bu ma'lum bir tartibga solingan, yosh va iqtidor inobatga olingan holda rivojlantiriladi. O'tmish ma'naviyatida, odob axloqiy fazilatlarida o'rganadigan o'gitlarimiz mazmunan boy va cheksizdir. SHuning uchun maktabgacha tarbiya maskani tarbiyalanuvchilari bilan tashkil etilajak mashg'ulot mavzusidan kelib chiqib, ma'naviy axloqiy tarbiyaning ilk kurtaklari bo'lgan xalq og'zaki ijodi ... qadimgi afsonalar, ertaklar, rivoyatlar, dostonlar, maqollarda o'z ifodasini topgani singdirilishi kerak. Misol uchun ulug' siymolar tavallud kunlari munosabati bilan o'tkaziladigan, "Millatimning ikki tog'i" – deb nomlangan tadbirda Zahiriddin Muhammad Bobur va Alisher Navoiy kabi ulug' siymolarning o'git, nasihat va dono fikrlarini bolalarga o'rgatish mumkin. Ta'lim tarbiyaga oid madaniy merosdan, axloqiy qadriyatlardan foydalanib tashkil etiladigan darslar Markaziy Osiyoda falsafiy, ma'naviy axloqiy, ma'rifiy tafakkurning ilk kurtaklari bo'lmish manbalarda namoyon bo'lishini anglagan holda "Qobusnoma", "Ahloqi Muhsiniy", "Makorimul ahloq", "Tuhfat – ul Abror" kabi pandnomalardan foydalanish joiz. Alisher Navoiy hazratlarining o'lmas merosi bo'lgan asar qahramonlari Farhod, Shirin, Shopur, Bahromlarning yuksak ahloqiy fazilatlarini, komil inson qiyofasida bolaga yetkazish mumkin.Ta'lim tizimi samaradorligini oshirishda ta'lim qanchalik muhim sanalsa, tarbiya ham dars sifat darajasini oshirishning omili bo'lib qoladi. Shu o'rinda maktabgacha tarbiya maskanidan boshlaboq bola tarbiyasi uchun zarur sanalgan ta'lim tarbiyaning uzviyligi tizimini keltirib o'tsak:

1. Bolaga o'qish va yozishni o'rgatish;
2. Diniy ahloqiy tarbiya;
3. Harbiy, jismoniy tarbiya.
4. Ezgulikka, halollikka, poklikkao'rgatish;
5. Yigitlarda g'urur, mehr oqibat, to'g'ri so'zlik, iroda;
6. Qizlarda sharm – hayo, iffat, halol bilan haromni farqiga borishni o'rgatish;
7. O'smir yoshlarga adolat, sahiylik, ota – onani hurmat qilish, yetimlarga g'amxo'rlik, kamtarlikka o'rgatib boriladi.

Maktabgacha ta'lim maskanidan uzluksiz ta'limning barcha yuqori bo'g'inlarigacha bunday tarbiyaning mazmuni va nazariy jihatlarini ketma ketlik asosida olib borish kerakki, bu jamiyaning rivoji uchun dasturamal bo'lsin. Bolalarni hunarga yo'naltirish ham ulardagi odob ahloqning darajasiga bog'liqdir. Yusuf Xos Xojib aytganlaridek, "... bolaning kundalik hayotida ahloq odobli bo'lishi uchun o'z vazifasini sarishtalik bilan o'z vaqtida bajarishi uchun go'dakligidan tarbiyalanmog'i lozim."[1]

Ta'limning muhim bo'g'ini bo'lgan umumiy o'rta ta'lim tizimida Uyg'onish davri mutafakkirlarining ilmiy, ma'naviy merosidan foydalanib dars tashkil etish, yoki dars jarayonlariga bunday ma'naviy meros

durdonalaridan foydalanishning ahamiyati ta’lim tarbiya uchun juda muhimdir. O‘qituvchining maqsadi bir narsaga, ya’ni mehnatkash, zamon bilan hamnafas fuqaroni tarbiyalashga qaratiladi. Ya’ni inson bolaligidanoq o‘z mehnatining mahsulini kutishni bilsin, undan faxrlanishni o‘rgansin. Shunday ekan, axloqiy tarbiyaga qaratilgan, maktabgacha ta’lim o‘chog‘i darslarida boladagi faxr tuyg‘usini kuzatib borish uchun tashkil etilishi rejalashtirilgan har bir dars mazmuni zamonaviy ravishda belgilab olinishi kerak. Odob ahloq borasida bajarilgan ish natijasidan, bola o‘zi o‘rgangan rivoyat, hikoya, she’r, matn yoki kichik bir tarbiyaviy ko‘rinishdan faxrlansin. Bu holat bolani faqat tarbiyalamaydi, unga keyingi mashg‘ulotni orziqib kutishini ta’minlaydi. Bola bajargan ishini uzoq vaqtgacha aytib, bajarib yuradi. U mehnatga o‘rganadi, ko‘nikma hosil qiladi. Zero “O‘z mehnati mahsulidan faxrlanmaydigan haqiqiy insonning o‘zi yo‘q!”[2] Maktab ta’limi uchun zarur bir narsa borki, o‘qituvchining mahoratiga chambarchas bo‘lgan vaqtni tejash masalasi. Dars rejalashtirayotgan o‘qituvchining hammasi ham vaqt bilan yetarlicha hisoblashmaydi. Vaholangki, bu juda muhim. Ulug‘ pedagoglarimiz barchasi ta’lim bmlan tarbiyaning uzluksizligini ta’minlash haqida gapirganlarida bitta maqsadni, komil insonni tarbiyalash, voyaga yetkazishni niyat qilganlar. Bugungi kun zamonaviy tarix fani o‘qituvchisi oldida turgan asosiy vazifa ham aynan shunga qaratilgan. O‘z kasbini sevadigan pedagogda hamma dars ham mahorat bilan olib boriladi.

Umumta’lim maktabi 6– sinf tarix darslarida “Markaziy Osiyolik mutafakkirlarning ta’lim va tarbiya borasidagi qarashlarini” o‘tilayotgan har bir darsda singdirib borish mumkin. Misol uchun XI asrning qomusiy olimi Abu Rayhon Beruniyning ahloqiy qarashlaridan tarix dars jarayonlarida foydalanish, darsda yangilik kiritishdan tashqari, o‘quvchi bilish qobiliyatini o‘stiradi. Olimning ahloqiy qarashlarida komil va ma’rifatli inson masalasi o‘ziga xos talqinga ega. Abu Rayhon Beruniyning “Yodgorliklar”, “Kitob as – saydana” , “Maqollar”, “Al qonuni, al - Ma’sudiy” kabi asarlarida odob, ahloq, mehnat tarbiyasi masalalariga e’tibor qaratilagan. Shuningdek, olim insonning eng nozik ahloqiy sifatlarini ta’riflab beradi. Bunday matnlardan tarix darslarida foydalanish, nazariy bilimlarni amaliy jihatini ham namoyon etadi.Ilm ahloqni nafosat bilan bog‘lab bolaga yetkazish zamonaviy tarix fani o‘qituvchisidan ko‘p izlanish, mehnat, tajriba talab etadi. Beruniyning “ ... aqliy qobiliyatlar odamning kundalik ehtiyojlari asosida vujudga kelsa, ahloqiy masalalar tarixiy taraqqiyot, odamlarning o‘zaro munosabatlari bilan chambarchas holda paydo bo‘ladi va rivojlanadi”, - degan fikrini o‘qituvchi dars jarayonida o‘quvchiga shunday yetkazishi kerakki, bola tarix fani uning uchun fanlarning a’losi, tarbiya vositasi deb qaraydigan bo‘lsin. Barcha illatlarning asosiy sababchisi bilimsizlik ekanini tushuntirib borish kerak, Bilimlarni egallashda esa bolada intilish, qiziqish, ijtimoiy tinch muhit zarur bo‘ladi. Beruniy inson kamolotidagi uch narsaga to‘xtalib o‘tadi, bular:

1. Ilm fan ham e’tirof etayotgan irsiyat masalasi;
2. Ijtimoiy muhit;
3. To‘g‘ri ta’lim tarbiyadir. Shuningdek, Beruniy nazdidagi komillik bu ko‘p bilimga ega bo‘lgan yuksak ahloqiylikdir.

Yuqori sinf o‘quvchilariga O‘zbekiston tarixi fanini o‘tish paytida o‘qituvchi Mahmudxo‘ja Behbudiyning tarixga, davlatchilik masalalariga qarashlarini gapira turib, uning “Yoshlarga murojaat” maqolasidan quyidagi parchani keltirib o‘tishi mumkin. “... naqadar ilmi zamonaviy ko‘p o‘qilsa, insonning aqidasi shuncha mustahkam bo‘lur, hatto lozim bo‘lganda mulkingizni sotsangizda, o‘g‘lingizni zamoncha o‘qimog‘i sag‘iy qilingiz”. [3]

Ma’lumkiMarkaziyOsiyoma’naviytaraqqiyotidaTemuriylarhukmronligidavrialohidaahamiyatkasbetadi. Ilmiy tabiiy fanlar taraqqiyoti yuksak darajaga ko‘tarilgan bu davrda Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Husayn Boyqaro, Husain Voiz Koshifiy kabi ilm ahlining homiylari yetishib chiqdi. Sharq ahloq durdonasi deb baholashga arziydigan, Husain Voiz Koshifiyning “Ahloqi Muhsiniy” asaridan tarix darslarining barcha mavzularida foydalanib borish mumkinki, bundagi bayon etilgan fikrlar kishini yaxshi xulqqa, faqat ezgulikka, shukr va sabrlilik, hayolilik, poklik, oliyhimmatlik, sobitqadamlik, adolatlilik, marhamatlilik, shafqatlilik, hamda ahloqiylilikka chorlaydi. Koshifiy “Chiroyli xulq va muloyimlik bayonida” o‘quvchini farosatli bo‘lib, sir saqlash xulqiga rioya qilishga, ohistalilik, andishalilik, doimo shijoat, g‘ayrat, fursatni g‘animat bilishga o‘rgatish lozim deb ta’kidlaydi. [4]Xulosa shuki, maktab tarix darslarining hammasida ham, ya’ni O‘zbekiston tarixi, Jahon tarixi darslarida ham bunday ahloqiy tarbiya manbalaridan yetarlicha foydalanishimiz mumkin.

Ma’naviy ahloqiy tarbiyaning ko‘pgina masalalari Abu Ali ibn Sinoning “Uyun – al – hikma” (Hikmat buloqlari) asarida bayon etilganini bilamiz. Zamonaviy tarix o‘qituvchisi tarix fanini mukammal o‘rganish uchun qator talablar qo‘yadi. Ya’ni tarixiy bilimlarni odob – ahloqqa doir tarbiyaviy jihatlar bilan uyg‘unlashtirilishi yoshlarni chinakkam mutaxassis, o‘z kasbining ustasi bo‘lishi uchun yo‘l yo‘riq ko‘rsatib boradi. Axir tarix fani ayrim fanlardan farq qilib, kishining xulqi, fe’l atvori ustidan hukmronlik qiladi. Chunki, yuqorida aytib o‘tganimizdek, bu fan bevosita axloq odob fani bilan bog‘liqdir. Birgina Amir Temur davlati tarixini o‘tish jarayonida XI asrning buyuk shoiri va mutafakkar Yusuf Xos Xojibning ahloqiy kamolot borasidagi qarashlarini mavzuga dahldor tarzda chiroyli qilib tashkil etish o‘qituvchining mahorati va mas’uliyatiga bog‘liq bo‘ladi. Misol uchun Amir Temur shaxsiga ta’rif berish bosqichida zamonaviy tarix fani o‘qituvchisi u kishi o‘z maqsadiga yetishi uchun yaxshi ahloq mezonlariga qat’iy amal qilishi, jamiki yaxshiliklarga ega bo‘lgan yuksak ahloq egasining ulug‘ sifatlari aytib o‘tiladi. Yusuf Xos Xojib aytib o‘tganidek, ilm ma’rifat yordami bilan o‘z

davrining ahloqiy muhitini sog‘lomlashtirish uchun butun kuch quvvatini sarf etib davlat tuzgan ulug‘ sarkardaning hayot yo‘li Amir Temur siymosida shakllanishini ta’kidlash joiz. Amir Temur bilim olishga oqilona yondashgani, davlat boshqaruvida eng asosiy masala aql va zakovat bilan ish tutganini, insoniy fazilatlarni o‘zida bekamu ko‘st mujassam ekanligini dars davomida aytib o‘tish kerak. Bunday darsni o‘tish barobarida o‘quvchida yangi bilimlar bilan birga, nutq madaniyati rivojlanadi, bilim olishga oqilona yondashadi, o‘rganilayotgan mavzuni qiyosiy tahlil qila oladi. Eng asosiysi ulug‘likka yetaklovchi sifatlarni o‘zida tuyadi, uni anglaydi, his etadi. Amir Temur ham Alisher Navoiy kabi sahovat va himmat insoning eng yuksak fazilatlaridan biri deb hisoblaydi. Sohibqiron insonga xos bo‘lgan fazilatlarning o‘z tabiatiga ko‘ra yaxshilik sari va muxtoj kishiga foyda keltirish sari harakatda bo‘ladi deb hisoblaydi. Amir Temur o‘zining ta’lim tarbiya xususidagi qarashlarini o‘zining hayot maktabida ommalashtiradi.

Demak, xulosa qilib aytish mumkinki, ma’naviyatimiz bosib o‘tgan ulug‘ yo‘l, buyuk mutafakkirlariimzning ma’naviy ahloqiy tarbiya borasidagi betakror g‘oyalarini qisqacha mundarijasini uzluksiz ta’lim tizimining har bir bo‘g‘inida qo‘llash mumkin. Bebaho meros qoldirgan ulug‘ ajdodlarimizning ma’naviy merosi, ahloqiy tarbiyaga oid qarashlari bir xazina, u bir ulkan ummon kabi, tubiga yetib bo‘lmaydi. Uni o‘rganaverish, amaliy tarbiyaviy ish jarayonida qo‘llash zamonaviy dars oldidagi vazifa hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Imom Buxoriy saboqlari. // 2016yil 3 – son, 99 – bet.

2. Imom Buxoriy saboqlari.//2016 yil 1- son, 92 – bet.

3. A. Sh.Amonashvili. Pedagogik izlanish. M. Izd. “Pedagogika”. Str 110.

4. SohibovA. Sharq allomalari ma’naviy axloqiy tarbiya haqida. //Xalq ta’limi. B.17.

5. Ibrohimov X. Rajabov R. Fayziyeva F. O‘rta maktabda tarix ta’limi. “Fan va texnologiya”. Toshkent 2016. B.25.

O‘ZBEKISTON TARIXI FANINI O‘QITISHDA MUZEYLARNING O‘RNI VA ULARNING AXBOROTLASHTIRISH METODIKASIDAN…

Y.X.G‘afforov, t.f.n. dots. TVCHDPI “Tarix” kafedrasi
A.X.Nigmatov, TVCHDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” yo‘nalishi talabasi

Annotatsiya

Mazkur maqola zamonaviy axborot texnalogiyalari orqali tarix faniga o‘quvchining qiziqishini oshirish va muzeylar orqali yanada mustahkamlash mumkin ekanligini ilgari surgan bo‘lib, hususan muzey pedagogikasi haqida ham keltirib o‘tilgan. Muzeylarni axborotlashtirish, zamonaviy texnika bilan boyitish va ularning o‘quvchiga foydali ekanligi takidlangan.

Kalit so‘z: Muzey, axborot, virtual, arxeologiya, golografiya, multimedia.

O‘zbekiston 1991-yilda mustaqillikka erishganidan so‘ng madaniy sohada, shu jumladan, boy o‘tmish merosimizni o‘rganish, saqlash hamda uni keng xalq ommasiga targ‘ib etish borasida katta o‘zgarishlar yuz berdi.

Vatanimiz ijtimoiy hayotidagi o‘zgarishlar, yangilanishlar qatorida O‘zbekiston hududidagi muzeylar faoliyati qayta tashkil etildi. O‘zbekiston Respublikasining “Muzeylar to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning 1998-yil 12-yanvarda “Muzeylar faoliyatini tubdan yaxshilash va takomillashtirish to‘g‘risida”gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 5-martda qabul qilingan “Muzeylar faoliyatini tubdan qo‘llab-quvvatlash masalalari to‘g‘risida”, 2014-yil 11-iyuldagi “Davlat muzeylarining bolalar va ularning ota-onalariga ochiqligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida” Qarorlari qabul qilinganligini ko‘rishimiz mumkin. Mamlakatimiz hududida mavjud bo‘lgan muzeylar faoliyatini takomillashtirish, ularni xalqning ma’naviy-axloqiy kamolotida tutgan o‘rnini yanada oshirish maqsadida “O‘zbekmuzey” jamg‘armasi tuzilgan. Hozir mamlakatimiz hududidagi turli muassasa, korxona, qurilish tashkilotlari, qishloq, jamoa boshqaruv xo‘jaliklari qoshida, shahar, tuman, viloyat markazlarida, xalq ta’limi tizimida jami 1200 dan ortiq muzeylar bo‘lib, ularning eng yiriklari poytaxtda joylashgan. Shu bilan birgalikda o‘nlab yozuvchilar, shoirlar, rassomlar, olimlar va mashhur san’at arboblarining uy muzeylari ham faoliyat ko‘rsatib kelmoqda.[1.15-22]

O‘zbekistan Respublikasi birinchi Prezidenta Islom Karimovning “Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat kilish – eng oliy saodatdir” nomli asarida “Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, matematika, fizika, kimyo, sanoat, menejment - bularning hammasi kerak, albatta. Lekin, avvalambor tarixni bilish - bu hayotiy zarurat. Hayotni – bilish, biz qaysi asrda yashayotganimizni anglash - bu hammamizning burchimiz. Ya’ni, hayotdan oyog‘i uzilgan, real vokelikdan uzoqlashgan odam hech qachon o‘z maqsadlariga erisha olmaydi. Yerda yashaydigan odamning hayoti shu zamin, mana shu tuproq bilan bog‘liq bo‘lishi kerak, u shu tuproqni ko‘ziga surib, uning ertangi kunini yanada obod qilishga harakat qilib yashashi zarur”, - ekanligi

alohida ta’kidlangan. Bundan bilishimiz mumkinki, bizning tariximizni o‘zida saqlab kelayotgan muzeylar faoliyatini chuqurroq tahlil qilib, tariximizni bilishimiz talab etiladi. [2.110]

Muzeylarning ta’limiy-tarbiyaviy vazifasidan kelib chiqqan holda uning amaliy ahamiyatini oshirishga xizmat qiluvchi pedagogikaning yangi sohasi demakdir.

Muzey pedagogikasiga alohida ehtiyoj sezilmoqda, chunki hozirgi davrda turli yoshdagi bolalar bilan muzey va ta’lim muassasalari o‘rtasidagi aloqa aniq bir maqsadga yo‘naltirilmagan holda olib borilmoqda. Muzeylar o‘sib kelayotgan yosh avlodni moddiy-ma’naviy merosga hurmat ruhida tarbiyalashda madaniy-tarixiy, tabiiy-ilmiy qadriyatlarni o‘zida jamlaydigan ijtimoiy institut hisoblanadi. Shuning uchun ham muzey va maktablarning ta’lim sohasidagi faoliyatiga tizimli va dasturlashtirilgan holda yondashish talab etiladi.

Hozirgi zamon axborot va kompyuter texnologiyalarining imkoniyatlari, global internet tarmog‘ining paydo bo‘lishi va insoniyatning ko‘p qirrali faoliyatiga kirib borishi munosabati bilan yanada keskin ortib ketdi. Shu sababli muzeylarning virtual korinishlarini tashkil qilib yosh avlod vakillarini masofadan turib muzeylar faoliyati bilan tashkil etilishi kerakligi hozirgi kunning dolzarb muammolaridan biridir. Muzeylarni virtual ko‘rinishda tashkil etish nafaqat yoshlar, balik chet ellik turistlarni ham o‘ziga jalb eta oladi.

Muzey pedagogikasining o‘ziga xos jihati – norasmiylik va ixtiyoriylik. O‘qitishning o‘ziga xos xususiyati sifatida o‘quvchilarning o‘z qobiliyatlarini maksimal darajada amalga oshirish va qiziqishlarini qondirishga imkon berishi aks etadi. O‘quvchilarning muzey materiallari bilan ishlashini tashkil etish ularning fan, texnika, texnologiya, ijodiy sohada egallagan bilim, ko‘nikma va malakalarini integratsiyalash zaruriyatini yuzaga keltiradi. Virtual muzeyni yaratish ikkita metodikaning – muzey pedagogikasi va zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslanadigan loyihalar metodi integratsiyasi natijasida yuzaga keladi.

Virtual muzey veb saytlarning shunday turiki, unda muzeydagi materiallar ko‘rgazmasi amalga oshiriladi. Virtual muzeylarning afzalligi shundaki, ular eksponatlarni saqlash, himoyalash, keng, tez va osonlik bilan ommaga taqdim etishni internet texnologiyalari yordamida amalga oshiradi.

Birinchi veb-sayt muzeylari, ya’ni virtual muzeylar internetda 1991-yilda paydo bo‘lgan. Dastlab virtual muzeylar haqiqiy muzeylarning saytlari bo‘lgan bo‘lsa, keyinchalik shaxsiy veb-sayt muzeylar paydo bo‘la boshladi. Birinchi shaxsiy virtual muzeylar 1994-yilda paydo bo‘lgan, lekin barcha rasm to‘plamlari ham virtual muzey bo‘la olmaydi. Virtual muzeylarning to‘plamlari ikkita o‘ziga xos xarakteristikaga ega bo‘lishi kerak. Bu virtual turlar va eksponatlarning mukammallashgan qidiruvidir. Birinchi bo‘lib virtual muzeylarning afzalligini ko‘ra bilgan odam Microsoft firmasi rahbari Bill Geyts bo‘lgan.

“Virtual ekskursiyalar” – real muzey ekskursiyalaridan farq qilib, o‘quvchilarga muzey fondlariga virtual sayohat qilish imkoniyatini beradi. Bunda ular real hayotda ko‘ra olmaydigan muzeylarga sayohat uyushtira olishadi. O‘quvchilar virtual muzeylarga sayohat qilish orqali ma’naviy merosning tarixiy ildizlarini anglaydilar, tarixiy, adabiy, san’at namunalarini bir butun, yaxlit ma’naviy meros sifatida tushunishga erishiladi. Demak, virtual muzeylar bilan o‘quvchilarning mustaqil ishini tashkil qilish o‘qituvchining yordami va ko‘rsatmasi orqali amalga oshirilishi umumta’lim fanlari dasturlariga muzey pedagogikasini keng targ‘ib etishni talab etadi. Bu esa o‘quv dasturlariga muayyan o‘zgartirishlar kiritilishiga olib keladi. Bunday ishlarni olib borish ancha samarali hisoblanadi. Tadqiqot doirasida quyidagi texnologik bosqichlar asosida “Arxeologiya” virtual muzeyi yaratildi va amaliyotga tatbiq etildi: izlanishga doir: O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi, Amir Temur va temuriylar tarixi davlat muzeyi hamda Toshkent davlat pedagogika universiteti qoshidagi “Arxeologiya” muzeyi materiallari bilan tanishish, ularni davrlarga ajratish, arxeologik olimlar bilan uchrashish, arxeologik yodgorliklarga xarakteristika yozish, amaliy: virtual muzey fondini, ilmiy va badiiy qimmatga ega virtual muzey ekspozitsiyalarini, CMS tizimlari va HTML muharriri yordamida veb – saytni yaratish; tadbiqiy: yaratilgan veb-sayt muzeyni umumiy o‘rta ta’lim maktablari o‘quv-tarbiya jarayoniga tatbiq etiladi.

“Arxeologiya” virtual muzeyidan barcha guruhlarning tarbiyaviy soat mashg‘ulotlari hamda “Odobnoma”, “Vatan tuyg‘usi”, “Tarix”, “Milliy istiqlol g‘oyasi va ma’naviyat asoslari” fanlarini o‘qitish jarayonida keng foydalanildi. “Arxeologiya” virtual muzeyidan foydalanishga doir faoliyat quyidagi algoritmik ketma-ketlikka asoslanildi: o‘quvchilarga axborotlarni taqdim etish: o‘quvchilarni virtual muzeydagi axborotlar bilan tanishtirish, guruh rahbarlari, fan o‘qituvchilari mashg‘ulotlar jarayonida virtual muzeyga o‘quvchilarning sayohatlarini tashkil etishdi va axborotlar ustida ishlash jarayoni amalga oshirildi; o‘quvchilarni faoliyatga jalb etish: yosh guruhlari bilan bog‘liqlikda virtual muzeyga sayohat amalga oshirib bo‘linganidan so‘ng o‘quvchilarga o‘z taassurotlarini bayon, insho, esse, taqdimot, loyiha ko‘rinishlarida ifoda etish uchun sharoit yaratildi.[3. 15-22]

Axborot texnologiyalarini ta’lim jarayonida qo‘llashning pedagogik-psixologik omillari O‘zbekistan Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2002 yil 6 iyunda qabul qilgan «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi [4.] Qarori axborotlashtirishning milliy tizimini shakllantirish, barcha sohalarda zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish va undan foydalanish, jahon axborot resurslaridan bahramand bo‘lishni kengaytirishga zamin yaratadi. Bu o‘z navbatida muzeylar faoliyatini ham yanada rivojlantiradi. Muzeydan o‘rin olgan eksponatlarni axborot resurslar markaziga joylashtirish va bu orqali masofaviy tanishish imkonini beradi. Muzey eksponatlari va ularning tarixiga qiziqish uyg‘otish muzeyning o‘ziga ham tashriflarni ko‘payishga sababchi bo‘ladi.

Bilim olishning zamonaviy texnologiyasi sifatida o‘rganish, muzey ekskursiyasi jarayonida masofaviy tanishishdan foydalanish bugungi kunning dolzarb vazifalaridandir.

Masofadan turib tanishuvni rivojlantirish sohasida bevosita shug‘ullangan va ishlayotgan, ushbu sohada ko‘p yillik internetdan foydalanish tajribasiga ega bo‘lgan jahonning yetuk olimlari tomonidan bajarilgan ishlarni tadqiq qilish natijalaridan keng foydalanish o‘rinlidir.

Muzeyda o‘quvchilar ko‘proq erkinlik va mustaqillikni yoqtiradi. Ularga qo‘l bilan ushlab ko‘rish va eksponat bilan muloqotga kirishish imkoniyatini yaratish darkor, chunki aynan eksponat nusxalari, maketlari va mulyajlari o‘quvchilar uchun hech narsaga tenglashtirib bo‘lmaydigan o‘quv materiali hisoblanadi. Shu bois ko‘plab muzeylar o‘z zallarida bolalar uchun eksponatlarning nusxalarini yasab, ularga predmetlarni sinab ko‘rishga imkon yaratadi. Tarixiy shaxslar kiyimini kiyib ko‘rish yoxud zadogon ayolning taqinchoqlarini taqib ko‘rish, kulolchilik charxida ko‘zalarni yasab ko‘rish o‘quvchida katta taassurot uyg‘otadi.

Shu boisdan muzeylarda gologramma tizimini ham qo‘llash mumkin. **Golografiya** (yun. holos — butkul, to‘liq va ... grafil) — to‘lqinlar interferensiyasidan foydalanib buyumning fazoviy (hajmiy) tasvirini hosil qilish usuli [5] hisoblanadi. Bu usullar orqali muzey eksponatlarini shakllantirish muzeyga tashrif buyuruvchilarni qiziqishini yanada ortirib, ular sonini ko‘payishiga sabab bo‘ladi.

Ogzaki ravishda materiallarni o‘zlashtirish ko‘rsatkichi 10% bo‘lgan sharoitda muzeylarga ekskursiyasi bu jarayoni samarasini yanada oshiradi. Maktablarda muzeylar bilan tanishuv materialni ko‘rgazmali shaklda taqdim etish lozim.

Ko‘rsatmalilik – o‘qitish va tarixiy bilimlarni o‘rganishning ko‘rsatmali usuli, o‘qituvchi bayonining manbai va uni ko‘rsatmali bo‘lishi, uning o‘quvchilardagi aniq, tayyor obrazlarga suyana bilishi, o‘quv vositasi materialini bayon qilish vaqtida ko‘rsatmali qurollardan foydalanish va ko‘rsatmali qurollar vositasida o‘quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish hamda ularning o‘rganilayotgan tarixiy faktlarni, voqea va hodisalarni aynan o‘zini yoki ularning tasvirlarini ko‘rish yordamida o‘rganishlari tushuniladi.[6.126]

Hozirgi kunda ko‘plab xorijiy muzeylar teatrlashtirilgan sahnalardan foydalanmoqda. Bu ayniqsa, tarix va texnika muzeylarida samarali natija beradi. Mazkur tomoshalar bir guruh muzey xodimlarining ma’lum bir davrni o‘zida aks ettiruvchi qahramonlar obraziga kirishi yoki ekskursovodlarning mavzu bo‘yicha libos kiyishi bilan namoyon bo‘ladi. Bu sahnalar bolalarni jalb qilishda, ularning tarixiy tafakkurini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

J. Ismailova ta’kidlab o‘tganidek, umuman hozirgi zamonaviy muzeylar bolalar bilan ishlashning turli metodik usullarini ishlab chiqmoqda. Ularning soni va masshtabi juda keng bo‘lib, har bir muzey o‘zining xususiyati va faoliyati mazmunidan kelib chiqqan holda ish tutadi. Yangi yo‘nalishdagi barcha loyiha va strategiyalar o‘quvchilarning muzeyga bo‘lgan qiziqishini orttiradi, dunyoqarashini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi [7.20].

Ta’lim tizimida axborot texnologiyalarining jadal sur’atlar bilan joriy etilishi zamonaviy texnologiyalarning qo‘llanish sohalarini kengaytiradi. Ayni paytda ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalarini rivojlanayotgan yo‘nalishlarini alohida ta’kidlash mumkin. Ular quydagilar:

1. O‘quv maqsadlaridagi dasturiy vositalarning imkoniyatlarini o‘qitish vositasi, o‘rganish asosi va axborotlarni qayta ishlash vositasi sifatida joriy etish.

2. O‘quv-metodik majmualar yaratishda, o‘quv-namoyish asboblari va kompyuter vositalari imkoniyatlarinish integratsiyasi.

Bunday majmualardan foydalanish o‘quvchiga o‘rganilayotgan jarayon haqidagi axborotlarni jamlash, saqlash, jarayonlarning qonuniyatlaryni va mohiyatlarini ochib berishga yordam beradi. Zamonaviy texnologiyalar negizidagi o‘quv-namoyish majmualarining qo‘llanilishi individiual va jamoaviy eksperiment faoliyatni tashkil etishga zamin yaratadi. Bu esa, o‘quvchida intellektual va ijodiy salohiyatini rivojlantirish va mustaqil bilim olish imkoniyatini yaratadi.

3. Multimedia tizimlarini yaratishda, kompyuterlar va audio-video axborotlarni uzatish vositalari imkoniyatlarining integratsiyasiga erishish. Bunday tizimlar o‘zida dasturiy-apparat vositalar va asboblar majmuasini mujassamlashtirib, axborotning turli (matn, grafika, ovoz, tasvir) ko‘rinishlarini birlashtiradi va foydalanuvchi bilan interfaol muloqotni tashkil etad.[8.403-407]

Multimedia tizimlaridan foydalanish, faol o‘qitish metodlari va shakllarini joriy etishni ta’minlaydi, axborotlarning qabul qilinish darajasini oshiradi. Bu orqali yoshlarni tarixga qiziqishini yanada oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.B. Xodjayev. Muzey pedagogikasi: taraqqiyot tarix va istiqboli “PEDAGOGIKA” ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2016. 4-son. Bet-15-22.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир. / - Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015. - 110 бет.
3.B. Xodjayev. Muzey pedagogikasi: taraqqiyot tarix va istiqboli “PEDAGOGIKA” ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2016. 4-son. Bet-15-22.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002 yil 30 maydagi «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to‘g‘risida»gi farmoni.
5. www.wikipedia.org
6. Sa’diev A. O‘zbekistan xalqlari" tarixini o‘qitish. T. 1993. “O‘qituvchi” 126-bet
7. Исмаилова Ж. Музей педагогикаси: тарихи, бугуни ва истиқболи // Ўзбекистон музейлари истиқболи. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 20.
8. N.A. Shermuxamedova, Ilmiy-tadqiqot metodologiyasi. T. “Fan va texnologiya” nash, 2014, 403-407 betlar.

TARIX DARSLARIDA OG‘ZAKI BAYON METODI – O‘QUVCHI BILISH FAOLIYATINI JONLANTIRUVCHI OMIL SIFATIDA

S.A.Isomov
O‘zbekiston Respublikasining Istanbul shahridagi
Bosh konsulxonasi konsuli
F.I.Shirinova
“Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada umumiy o‘rta ta’lim maktablarida tarix darslarini o‘tish jarayonida og‘zaki bayon metodidan samarali foydalanish orqali ularda tarixni bilish faoliyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari xususida fikr – mulohazalar yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Og‘zaki bayon, mustaqil fikrlash, tarix ta’limi, samarali dars, kutiladigan natija, matn.

Ma’lumki, ta’limning boshlang‘ich bo‘g‘ini – maktabgacha tarbiya o‘choqlari bo‘lib, bu yoshlarni milliy iftixor tuyg‘usi asosida tarbiyalovchi debocha sanaladi. Bunda ustoz – shogird munosabatlari shakllanadi. Bunday munosabat albatta tarbiyachidan katta mas’uliyat talab etadi. Maktabgacha tarbiya maskanlari tarbiyalanuvchilariga badiiy adabiyotdan foydalanib tashkil etilgan mashg‘ulotlar, bolalarga tarixiy o‘tmish bilan tanishish imkonini beradi. Albatta tarbiyachi bolalarga yetkazmoqchi bo‘lgan har bir fikrini asosan og‘zaki bayon etish usuliga tayanib amalga oshiradi. Vatan, yurt, tinchlik, osoyishtalik mavzularidagi she’r va qo‘shiqlar, hikoya va matnlar bolada vatanparvarlik, el-yurt tinchligiga shukronalik tuyg‘ularini, insonparvarlik, sadoqat, jo‘shqinlik kabi xususiyatlarni shakllantiradi. Birgina madhiyani o‘rganish, uni kuyga solish bolaning murg‘ak qalbida kejakka ishonch, millat va uning ravnaqiga g‘urur va iftixor bilan qarashni o‘rgatadi. Yaxshilik va yomonlik aks etgan ertaklar, hatto namoyish etilayotgan rasmlar ham tarbiyachining og‘zaki bayoni asosida bolaning ruhiyatiga singib, unda tasavvurni shakllantiradi. Kutiladigan natija esa albatta ijobiy, bu esa bolada Vatanni, el – yurtni, tabiatni, jonzotlarni sevish, ota-onani, ustoz va murabbiyni hurmat qilish hissini uyg‘otadi. Bular esa bevosita badiiy adabiyotning ta’lim va tarbiyaga hamohang ta’sir etishi demakdir. Shuningdek, tarbiya maskanida tashkil etilajak bayram va tadbirlarda bola tomonidan bajariladigan rolli o‘yinlar, ularda aytilajak matn va qo‘shiqlar avvalo bolani o‘zini, keyin esa uning tengdoshlari sanalgan tinglovchilarni ham ruhlantiradi.[1;4]

Maktabgacha ta’lim yoshida bo‘lgan bolada eshitish va ko‘rish orqali eslab qolish qobiliyati bir muncha faol bo‘ladi. Tarbiyachi mashg‘ulot qiziqarli va samarali bo‘lishini maqsad qilgan holda bayon etilayotgan fikrini yuz ifodasiga asosan, emotsional tarzda amalga oshiradi. Shuni alohida aytish joizki, tarbiyachi fikrini og‘zaki bayon eta olishi undan katta bilim va mas’uliyat talab etadi. Chunki u tinimsiz izlanishi, o‘qishi, nutq madaniyatini o‘stirishi darkor. Zamonaviy o‘qituvchi mavjud o‘qitish metodlaridan, ayniqsa og‘zaki bayon etish metodidan samarali foydalansagina, o‘quvchilarni mustaqil o‘rganish va ijodiy ish ko‘rish qobiliyatini o‘stirishga, o‘quvchini bilish faoliyatini rivojlantirishga erishadi.

Ma’lumki, ta’lim – tarbiyaning eng asosiy bosqichi o‘rta maktab hisoblanadi. O‘quvchilarning bilish faoliyati va uni o‘qituvchining boshqarishi haqida so‘z borganda ularning:

1) tayyor bilimlarni olish jarayonidagi faoliyati bilan;
2) o‘quvchilarning mustaqil fakrlash faoliyati asosida bilimni o‘zlashtirish jarayonidagi faoliyati nazarda tutiladi.

Bu muhim masalaning mohiyatiga tushunib olish juda katta nazariy va amaliy ahamiyatga egadir.

Mustaqillik davrida ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar dars sifati va samaradorligini oshirish yo‘llarini izlash va ulardan unumli foydalanishga qaratilgan. Bu ayniqsa tarix fanlarida amaliy natija berayotganini bilamiz. Bugungi kun zamonaviy tarix fani o‘qituvchisi maktab tarix ta’limidanoq eng samarali manbalardan, ya’ni yangi pedagogik texnologiyalarga asoslangan, chet el tajribasiga tayanilgan, ko‘rsatmalilik asosida tashkil etilgan darslardan, ingliz tilidagi tarix darslaridan, o‘quvchilar bilimini mustaqil tashkil etishga asoslangan, mavzuga doir badiiy adabiyotlar matni, tarixiy hujjatlar ilova qilingan dars usullaridan foydalanmoqda. Shunisi ahamiyatliki, darsda turli manbalarni o‘rganish bilan mashg‘ul bo‘lib qolmasdan o‘qituvchining og‘zaki bayoniga alohida e’tibor qatariz zarurdir. Chunki darsda o‘qituvchi bayoni o‘rnini biror bir usul yoki holat bosa olmaydi. Ayrim tajribali o‘qituvchilar dars strukturasini o‘zgartirish yo‘li bilan dars samaradorligini ko‘tarishga harakat qiladilar. Ammo maktab tajribasi va ilmiy tadqiqot ishlari har qanday strukturada o‘tkazilgan dars ham yomon yoki yaxshi dars bo‘lishi mumkinligini, dars strukturasini o‘zgartirilishi dars sifatini belgilay olmasligini tasdiqlab beradi.

«Maktab tarix ta’limi tizimida o‘quvchilarga birinchi navbatda tabiat va jamiyat rivojida inson faoliyatini ko‘rsata olish, fanlararo aloqadorlik asosidagi darslarni tashkil etish barobarida bir xillikdan chekinish, yangi bilimlar berishning ilg‘or yo‘llarini izlab topish va ularni darsda va undan tashqari hollarda qo‘llash muhim bo‘lib sanaladi. Vaholangki, bugungi o‘quvchi nafaqat bilimlar bilan qurollangan bo‘lishi, balki bilish jarayoniga yangicha munosabatda bo‘lishi va jadal o‘zgarayotgan dunyoda erishilgan bilimlar yordamida hayotiy muammolarni yechish malakasiga ega bo‘lishi lozim. O‘qituvchi mahoratininig mahsuli sifatida darsda badiiy adabiyotdan foydalanish, bir vaqtning o‘zida ham ta’limiy, ham tarbiyaviy vazifani bajaradi» [2;14-15].

To‘g‘ri, bugun o‘qish suratini elektron vositalar jadallashtirdi. Ammo aytish joizki, bu jadallashuv inson mushohada qobiliyatini oshirmaydi. Elektron variantda olinadigan bilim bilan qaysidir mashhur olimning kashfiyotlari, yoki taniqli yozuvchining asari to‘g‘risidagi xabarni to‘liq holda bilish qiyin. Hech qanday zamonaviy axborot vositasi kitobning o‘rnini bosa olmaydi. O‘quvchi uchun o‘qish hayotiy ehtiyoj bo‘lib qolishi lozim. O‘quvchi tafakkurini rivojlantiruvchi birinchi narsa bu kitob ekan, darsda foydalanish maqsadida tanlab olingan badiiy adabiyot o‘quvchiga tarixiy voqea va hodisalarni tahlil qilishni ham o‘rgatadi. Aynan ana shu o‘rinda o‘qituvchining og‘zaki bayon usuli o‘sib kelayotgan yosh avlodni to‘g‘ri yo‘naltirish imkonini beradi.

Tarix darslarida og‘zaki bayon qilish usulini qo‘llashda quyidagi ijobiy holatlarni kuzatish mumkin:

1. Ta’lim jarayonida o‘quvchilarni bilish faoliyatini boshqarish.
2. Ta’lim va tarbiyaning uzviyligini ta’minlovchi vosita – nutq madaniyatini rivojlantirish.
3. O‘quvchilar faolligining eng yaxshi namunasini topish va baholash.
4. O‘quvchilarning o‘qituvchidan ibrat olib unga taqlid qilish bosqichidan mustaqil o‘quv ijodiy o‘quv faoliyatiga o‘tishga yordam beradigan bilish faoliyati usullarini qo‘llash.
5. O‘zlashtirilgan bilim va malakalarni amaliy vazifalarni hal qilishga yordam beradigan faol usullarga aylantirish.

Yuqorida maktabgacha tarbiya maskanlari mashg‘ulotlarida, o‘rta maktab tarix darslarini tashkil etishda o‘qitish usullari ichida eng ilg‘or va samaralilaridan bo‘lgan og‘zaki bayon usuli xususida gapirib o‘tdik. Bu usul ta’limning eng asosiy va yetakchi bo‘g‘inlaridan biri sanalgan o‘rta maxsus ta’lim tizimida ham juda qo‘l keladi deyish mumkin. Bu bosqichda o‘quvchilarning bilish tajribalari va o‘quv ishlari usullarini asta – sekin egallab olishlari bilan birga ularning mustaqilligi ham oshib boradi. Akademik litsey yoki kasb – hunar kolleji o‘quvchilari tarix darslarida olgan bilimlarini o‘zlari mantiqan o‘zicha qayta joylashtiradi, tahlil qiladi, taqqoslaydi, tayyor o‘quv ma’lumotlarini umumlashtiradi. Shu o‘rinda esda saqlab qolish ta’limi o‘quvchilarni bilimlar va bilish faoliyatining zarur usullari bilan, oddiyroq, o‘quv muammolarini mustaqil hal qilish uchun zarur umumlashgan malakalar bilan qurollantiradi, fikrlash qobiliyatini o‘stiradi, ularni mustaqil ijodiy ishlashga tayyorlaydi. Bu bosqichda o‘qituvchi albatta o‘quv materialini muammoli bayon qilishi maqsadga muvofiq bo‘ladi. Bunda o‘quvchining ham o‘qituvchining ham ijodiy izlanishi ta’limning asosini tashkil etishi kuzatiladi.

Og‘zaki bayon etilayotgan matn o‘quvchilar ko‘z o‘ngida yaxlit tarixiy obrazlarni gavdalantiradi, biroq uning mohiyatini tushuntirib bermaydi. Bunda tajribali tarix fani o‘qituvchisi hodisalarni ta’riflaydi, voqealarni hikoya qiladi. O‘qituvchi bayonining mazmuni va uning tuzilish xarakteri jihatidan o‘quvchilar oldiga qandaydir bilish muammolarini, ularni o‘ylash va qidirishga majbur etadigan savollarni o‘rtaga tashlaydi. Bu esa muammoni hal etish uchun mustaqil ravishda faollashadilar. Ijodiy fikr yuritishga majbur bo‘ladilar.[3; 23]

Biz yuqorida og‘zaki bayon etish usulidan foydalanib tashkil etilgan maktabgacha ta’lim muassasasi mashg‘ulotlari va maktab tarix darslarida erishiladigan ijobiy natijalarni keltirdik, xuddi shuningdek, akademik litsey va kasb – hunar kollejlari tarix darslarida og‘zaki bayon usulining muammoli turi o‘ziga xos ijobiy natijalarni beradi. Ya’ni:

1. O‘quvchilar bilim va malakalarga tayanib o‘qituvchi bayon qilgan faktlarni mustaqil tahlil qiladi.
2. Mohiyati ochilmay qolgan tarixiy obrazlarning mohiyatini anglab oladi.
3. Muammoni qo‘yish va uning yechimini topishga mustaqil ravishda harakat qiladi.
4. O‘quvchilar o‘zlashtirishi lozim bo‘lgan materialni tayyor holda o‘zlashtrishiga yul qo‘yilmaydi.
5. Qo‘yilgan muammoning yechimi ustida mustaqil fikr bildirib, munozara olib boradi.
6. O‘quvchida fikrlash, fikrni bayon etish, xulosa chiqarish imkoniyati kengayadi.

7. O‘quvchida kasb tanlashga bo‘lgan harakat faollashadi, mustaqil qaror chiqara olishga intiladi.
8. O‘quvchida o‘z fikrini erkin mustaqil bayon etish va o‘zgalar fikriga munosabat bildirish huquqi shakllanadi
9. O‘quvchilarni tarix faniga bo‘lgan qiziqishi ortadi, tarixiy voqelikka real qarashni o‘rganadi.[4;166]

Shuni unitmaslik kerakki, hamma vaqt o‘qituvchi – ustoz o‘quvchi yoki tarbiyalanuvchi uchun birinchi darajali shaxs sanaladi. Shuning uchun o‘qituvchi tomonidan dars jarayonida qo‘llanilishi rejalashtirilgan o‘qitishning og‘zaki bayon usuli tarbiyalanuvchi ongiga faqat va faqat ijobiy ta’sir ko‘rsatishi kerak. Ya’ni bayon etilajak matn ko‘zgudek ravshan, aniq, asoslarga to‘la, qiziqarli va tinglovchining eshitish va qabul qilish darajasini inobatga olgan holda rejalashtirilgan bo‘lishi kerak.

Biz yuqorida gapirib o‘tgan holatni oliy ta’lim misolida ham kuzatish mumkin. Bugun oliy ta’lim tarix darslarida talab zamon talablari asosida bajarilmoqdaki, tarixiy matnni og‘zaki bayon etishga deyarli ehtiyoj yo‘q. Texnik vositalar bilan jihozlab tashkil etish rejalashtirilgan darslarda bu usul o‘z o‘rnini faol usullarga bo‘shatib beradi. Lekin shuni inobatga olish joizki, hamma vaqt ham o‘qituvchi bayoni bu jonli muloqot sifatida auditoriyani holatini barqarorlikdan ilg‘orlikka yo‘naltiradi. Bunda o‘qituvchi fikri talaba tomonidan ma’qullanadi, yohud rad etilishi mumkin. Aynan ana shu holat sinfda o‘quvchilar faoligini oshirib, munozaraga sabab bo‘ladi. Tinglovchi o‘z fikrini erkin ifoda etish imkoniyatiga ega bo‘ladi, har bir aytilajak fikr tahlil etilishi mumkin, muammo yechimi atrofida bahs boshlanadi. Bu holat faqat tinglovchini emas, balki tarix fani o‘qituvchisini ham yanada o‘z ustida ishlashga, ijodiy izlanishga undaydi. Uzluksiz ta’limning yuqori bo‘g‘inlarida og‘zaki bayon etish usuli albatta muammoli bayon tarzida olib borilishi kerak. Chunki bu yoshdagi o‘quvchi – talabalar ilmiy ma’lumotni bilish, o‘zlashtirish ularda irodani kuchaytirib, sezgi organlarini follashtiradi. Olingan ma’lumotni realligiga ishonch ularni ma’lumotni boshqalarga yetkazishga undaydi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, o‘quvchini bilish, o‘rganish, o‘zlashtirish va amalga tatbiq etish jarayonida o‘qituvchi bayonining barcha usullari ma’lum darajada ishtirok etadi. Ammo og‘zaki bayon etish usuli o‘quvchilarga berilayotgan bilimlarning tushunarli, g‘oyaviy – siyosiy jihatdan pishiq, ilmiy ko‘rgazmali, ishonchli va emotsional bo‘lishini ta’minlashda jiddiy o‘rin tutadi. Bu tayyor o‘quv materialini o‘zlashtirish asosida vujudga kelsada, bunga ko‘p vaqt talab qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Ziyomuhammedov B., Tojiyev M. Pedagogik texnologiya zamonaviy o‘zbek milliy modeli. Toshkent. 2009 yil “Lider Press”. 4- bet.
2. Rajabov R., Ibragimov X., Odinayeva Z. Tarix o‘qitish jarayonini loyihalash fanidan metodik qo‘llanma. Toshkent. “Turon zamin ziyo”. 2015y. 14-15-betlar.
3. Матюшин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. М. 1992. стр. 23.
4. Кругляк М.И. О приёмах активизации мышления учащихся. М. 1998. стр. 166.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МУҲИТ АСОСИДА МАВЗУНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

К.М.Астанақулов
Навоий вилоят ХТХҚТМОҲМ “Педагогика ва психология, таълим технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада таълим – тарбия жараёнида интерфаол технологияларни қўллаш, уларнинг аҳамияти тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: Интерфаол, таълим, тарбия, усул, маънавий салоҳият.

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди, унда белгиланган масофавий таълим ҳақидаги қоидалар ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш мақсад килиб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хеч кимдан кам бўлмаган келажак авлодни вояга етказиш борасидаги чуқур ўйлаб чиқилган стратегияси Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6108 сонли фармон асосида, таълимнинг мақсадлари замон талаблари асосида ўзгармоқда. Ундан келиб чиккан ҳолда янги таълим

концепциялари, ўкув режалари, таълим стандартлари ишлаб чиқилади. Бунинг исботи сифатида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув, маънавий-маърифий, тарбия ишларида эришилган натижаларни таҳлил қилиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш бўйича илмий-методик ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида барча фанлар бўйича умумтаълим мактаблари негизида вилоят, туман миқёсида “Маҳорат мактаби” фаолияти ташкил этилган. ”Маҳорат мактаби” умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ошириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, уларнинг дунёкарашини кенгайтириш, масъулиятини ошириш, ўқувчиларга замонавий билим олиш йўлларини ўргатиш, таълим сифати ва самарадорлигига эришиш, баркамол шахсларни тарбиялаш, замонавий педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш хамда уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, шулар жумласидандир.

Замонавий таълим билимлар мактаби бўлган эски моделдан янги-салоҳият мактабига ўтиш босқичига ўтилди. Педагоглар тез ўзгарувчан бугунги шароитида нимани ўргатиш ва қандай ўргатиш деган эски саволга жавоб изламоқдалар. Фаол ва интерфаол усуллар ўқитиш мухитини яратиш орқали хамда ўкитишда ўзини ташкллаштиришнинг турли шакллари ривожланган мамлактлар таълимидаги инновацияларнинг олдинги қаторига чиқмокда. Интерфаол усуллар-бу ўқувчи хамда ўқитувчи ўртасида ўзаро харакатни талаб килувчи усуллардир.

Интерфаол усул фақатгина қизиқарли бўлган учунгина қўлланилади деган фикр нотўгри. Хар бир машғулотнинг мақсади шунчаки, қизиқишни уйғотишдан кўра анча кенгроқ. Ушбу усулларни танлашнинг сабаби бирор нарсага ўргатишнинг самаралирок усули эканлигидадир. Самарали усул деб, ўқитувчи томонидан белгиланган ўкув мақсадига эришиш учун вакт жиҳоз ва аъзоларга энг кам ресурсларнинг сарфланишини талаб қиладиган усул.

Интерфаол муҳитда ўқитувчи ўқувчини ички мотивациясини вужудга келтиришга ҳаракат қилиши керак. Қуйида ўқиш фаолиятида ўқувчининг ютуқлар мотивациясини ривожлантиришнинг педагогик талабларини кўриб чиқамиз:

Ўқиш жараёнида ўқувчининг ютуқлари мотивациясини ривожлантириш талаблари;

- белгиланган вазифалар ўқувчиларнинг имкониятларига мос бўлиши ва муваффақиятнинг камида 50%-60% ни кафолатлаши керак;
- вазифаларни бажариш жараёни мустақил ҳатти-ҳаракат ва қарорлар қабул қилишга имконият яратиш керак;
- фаолиятга ундаш усуллари ўқувчи эркинлигини чеклаб қўювчи жуда қаттик характерга эга бўлмаслиги лозим;
-ўқувчилар ўқитувчи улардан кандай натижани кутаётганини ва кайси кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолашни билишлари лозим;
-Фаолиятни баҳолаш адолатли ва холисона бўлиши лозим. Бир хил натижага эга бўлган ўқувчилар ўқитувчи томонидан бир хил баҳоланишлари лозим;
-ўқувчиларнинг баҳолари факат унинг ўкув фаолияти натижаларига боглик бўлиши керак, бошка нарсаларга эмас;
- Кобилиятлар ва имкониятлари тахминан бир хил ўқувчилар орасида беллашув бўлиши лозим;
- ққувчи ижобий натижаларга эришиши учун барча зарур шароитлар мавжуд бўлиши керак; уларга эришиш ўқувчилардан ўта зўриқишни талаб килмаслиги ва ортик даражада ог’ир бўлмаслиги лозим;
- ўқитувчининг дўстона муносабати ва кичик хатоларни кечириш кобилияти;
- рағбарлантириш усуллари жазолаш усулларидан кўпрок бўлиши лозим.

Ўкув масалалар тайёр билимларни ўзлаштиришга эмас , балки уларни ишлаб чиқишга, ўқувчи ва педагогнинг хамжихатлигига қаратилган. Очик масалалар анъанавий ўкитишнининг мумтоз камчилиги-материал қуруқ жўшқинликсиз баён этилишини, бартараф этиш имконини беради.Яхши ташкиллаштирилган ахборот коммуникация технологиялари асосидаги ўқув мухити ижодкорлик қобилиятларига рағбат бериши ижтимоий ва коммуникатив кўникмаларни ривожлантириши, фикрлаш ва ахборот алмашишга кўмаклашиши, нутқ ривожланишини рағбатлантириши ва маълумотларни мустакил олиш кўникмаларини ривожлантириш каби хусусиятларни таркиб топтиради. Эмоциялар, ижодий изланиш ва кашф қилиш қувончи дарсни билим оламига ёркин ва эсда қоладиган саёхатдек қилиш имконини беради.

Инновация-маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан муваффакиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.Илғор педагогик технологияда кўпинча ўқитувчиларнинг дарсни ташкил этишларига боғлик бўлиб, ана шу ерда ўқитувчиларнинг ижодкорлиги намоён бўлади. Ана шу ижодкорлик тажрибада синалиб илғор номини олади, оммалашиб технология номини олади.

Тадқиқотчилар А.И.Пригожин, Б.В.Сачонов, А.Г.Кругликов, Н.П.Стенапов ва бошқалар инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар:

- янгиликнинг индивидуал микросатхи.

- алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсирининг макросатҳи.

Биринчи ёндашувда, хаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя тушунилади.

Иккинчи ёндашувда, алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларниг бирлиги, рақобати ва натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда хаётнинг даврийлиги концепсиясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.Хулоса қилиб айтганда В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализм ва мутахассиснинг узоқ ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга таълимнинг сифатини, субъектив омилларга эса, инсоннинг истеъдоди ва кобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали хал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги харакатларнинг максади ва вазифасини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва тахлил килиш, самардорликка баҳо беришни қамраб олади.Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади. В.Л.Сластенин тадкикотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий ҳислатлари белгилаб берилган. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маълум қисмини, албатта, олий таълим тизимидаги ислоҳотлар ташкил этади.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб бермоқда.

Хулоса ўрнида, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам бугунги кунда ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислоҳотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада кенг кўламда давом эттириш давр ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь.
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
3.Ишмухаммедов Р., Абдукориров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўкитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: Истеъдод, 2008 йил - 180 б.
4. Фарберман. Илғор педагогик технологиялар.-Т.,2000 й.

РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ғ.Холмуратов
Мустақил тадқиқотчи.

Аннотация

Ушбу мақолада ахборот ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиш босқичлари, ахборот соҳасида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида маълумотлар акс эттирилган.

Калит сўзлар: *ахборот, ахборот хавфсизлиги, ахборот коммуникация технологиялари, радиолокацион воситалар, кибержиноят, кибертерроризм, информацион терроризм.*

Бугунги кунда ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг юқори суръатларда ривожланиши, жамият ва давлат ҳаётида кескин ўзгаришларнинг юз беришига сабаб бўлди ҳамда бу жараён инсоният тараққиётини янги босқичга олиб чиқди.

Маълумки, ҳозирги даврнинг ижтимоий ривожланиши ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) ролининг ўсиши билан тавсифланиб, аниқ ва ишончли маълумотларни ўз вақтида олиш, нафақат давлат даражасида, балки бошқа соҳаларда ҳам муҳим бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий омили ҳисобланади. Яъни, ахборот ҳар қандай давлатнинг стратегик бойлигига айланиб улгурди. Буюк Британия собиқ бош вазири У.Черчиллнинг “кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёни бошқаради”[1] деган фикри бугун ўз ифодасини топмоқда.

Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда ахборот иқтисодиётнинг энг сердаромад манбаига айланиб бормоқда. Хусусан, АҚШ Стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра, ахборот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёқилғи-энергетика соҳасига сармоя қилинган 1 доллардан кўра бир неча баробар кўп фойда келтирар экан[2].
Бу ахборотнинг фақат иқтисодий жиҳати, унинг сиёсий жиҳати эса ўз шахсий манфаатларига ўта арзон

ва қулай йўллар билан эришиш сифатида қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ривожланаётган давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий омиллар билан бир қаторда ахборот омили ҳам борган сари долзарблашмоқда.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ахборот тармоғининг ривожланиши ҳамда уни тарғибот қилишнинг янги усул ва воситалари кўпайиши натижасида ахборотдан қудратли давлатлар ўз манфаатлари йўлида қурол сифатида фойдалана бошлади. Айниқса, 1980 йиллардан бошлаб Европа давлатларининг хавфсизлик мутасаддилари бу масалани фаол муҳокама қилишни бошлади. Бу вақтга келиб, ахборот худди манба, фаолият асоси ва мақсад бўла олганидек, қурол ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида соҳа ходимларида умумий тасаввурлар юзага келиб улгурган эди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологияларини кириб бориши оқибатида, шахс, жамият ва давлатнинг ахборотга боғлиқ бўлиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин.

Умуман олганда, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг усул ва йўллари бугунги кунга қадар ривожланиб келган техник тараққиёт билан изоҳланади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тарихига назар ташласак, унинг тараққиётини бир нечта босқичларга ажратиш мумкин:

I босқич – 1816 йилгача. Табиий юзага келган ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш билан характерланади. Ўша даврда ахборот хавфсизлигининг асосий вазифаси воқеалар, фактлар, мулк, жойлашган жойи, инсон ва жамият учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

II босқич – 1816-1935 йй. Сунъий яратиладиган электрон ва радиоалоқа техник воситаларидан фойдаланишнинг бошланиши билан боғлиқ. Радиоалоқанинг махфийлигини таъминлаш учун ахборот хавфсизлигининг биринчи даври тажрибасидан анча юқорироқ бўлган технологик даражада фойдаланиш зарурати туғилган. Бу вақтда узатилган хабарларни (сигнални) бошқа алоқа каналлари фойдаланишидан сақлаш мақсадида хабарни кодлаш ҳамда қабул қилинган хабарни декодлаш орқали маълумот алмашиш йўлга қўйилган.

III босқич – 1935-1946 йй. Радиолокацион ва гидроакустик воситаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу даврда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўлларидан бири – бу радиолокацион воситаларнинг қабул қилиш қурилмаларига нисбатан радиоэлектрон тўсиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида турли хил ташкилий ва техник чоралар қўллаш тизимидир[3].

IV босқич – 1946-1965 йй. Электрон-ҳисоблаш машиналарининг (компьютерларнинг) ихтиро қилиниши ва амалий фаолиятга киритилиши билан боғлиқ. Ахборот хавфсизлиги масалалари асосан, ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатиш қурилмаларига жисмоний суқилиб кириш йўлларини чеклаш усуллари ва воситалари орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаси ҳал этилган.

V босқич – 1965-1973 йй. Локал ахборот коммуникацион тармоқларнинг яратилиши ва ривожланиши билан изоҳланади. Ахборот хавфсизлиги масалалари, шунингдек, ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатишни локал тармоқлар бирлаштирилган маъмурий бошқарув йўли билан ҳамда жисмоний ҳимоя қилиш усул ва воситалари ёрдамида ҳал этилган.

VI босқич – 1973-1985 йй. Кенг спектрдаги вазифаларни бажариш имкониятига эга мобиль электрон ускуналардан фойдаланишнинг бошланиши билан характерланади. Маълумотларни симсиз узатиш компьютер тизимларида ахборот хавфсизилигини таъминлаш учун хавфсизликнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Бу даврда ўз олдига айрим фойдаланувчилар, ташкилотлар ва бутун мамлакатларнинг ахборот хавфсизлигига зарар етказиш мақсадини қўйган хакерлар гуруҳлари пайдо бўла бошлади. Мазкур босқичда ахборотлар давлатнинг энг муҳим ресурсига айланиб, унинг хавфсизлигини таъминлаш эса миллий хавфсизликнинг асосий қисмига айланди. Бу вақтда халқаро ҳуқуқ тизимининг янги соҳаси – ахборот ҳуқуқи шаклланди.

VII босқич – 1985-1998 йй. Ушбу босқичда космик воситалардан фойдаланган ҳолда глобал ахборот коммуникация тармоқларининг яратилиши ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ахборот хавфсизлиги ривожланишининг бу босқичида кенг спектрдаги вазифали ва космик ахборот коммуникация тизимлари билан таъминланган ахборот макони пайдо бўлди ҳамда глобал қамровли мобиль коммуникация воситаларидан кенг фойдланиш имконияти юзага келди. Бу босқичда хавфсизлик масалаларини ҳал этиш учун етакчи халқаро форумлар раҳбарлигида инсоният ахборот хавфсизлиги макротизимлари яратилди.

VIII босқич – 1998 йилдан кейинга даврни ўз ичига қамраб олади. Ушбу давр ахборот хавфсизлиги халқаро концепцияси лойиҳасини тайёрлаш ва жорий этилиши билан изоҳланади. Лойиҳа ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг кейинги ривожланиши бўйича тадбирларнинг ҳолати, мақсадлари, вазифалари, асосий йўналишлари ва биринчи навбатдаги тадбирларига давлатлар томонидан расмий қабул қилинган нуқтаи назарлар мажмуини акс эттириш билан боғлиқ[4].

Бугунга кунга келиб ахборот соҳаси ўз ривожланишининг *тўққизинчи босқичида* давом этмоқда десак, янглишмаймиз. Ҳозирда жадаллик билан ривожланиб бораётган ахборот телекоммуникация

воситалари (компьютер, мобиль телефонлар, асосан, android, iPad ва бошқа шу каби дастурларга эга бўлган электрон қурилмалар) имкониятларидан ижобий мақсадларда фойдаланиш билар бир қаторда, турли хил жиноий гуруҳ, диний экстремистик оқим ва террорчилик ташкилотлари томонидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиш ҳолатлари кескин ортиб бормоқда. Бунинг натижасида жамият ҳаётида "кибержиноят", "кибертерроризм" ва "информацион терроризм" каби янги атамалар пайдо бўлди.

Маълумотларга кўра, 2020 йил давомида амалга оширилган киберҳужумлар натижасида бутун дунё мамлакатлари иқтисодиётига 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган[5].

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар орқали экстремистик ва террорчилик ташкилотлари тарафдорларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келаётган муаммолар давлатларнинг иқтисодий зарарларидан кам эмас.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларни олдини олиш учун таълим муассасаларида ўқувчилар ва талабаларнинг Интернетдан фойдаланиш саводхонлигини ҳамда "Интернет маданияти"ни оширишга қаратилган дарсларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, турли грантлар ташкил қилиш ёки пул маблағлари билан қўллаб қувватлаш орқали "uz" доменида миллий ижтимоий тармоқларни яратиш зарур бўлади.

Адабиётлар

1. Каримова Г. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланишининг миллий ахлоқий жиҳатлари – Тошкент, 2020. – 5 б.
2. Смирнов А.А. Обеспечение информационной безопасности в условиях виртуализации общества: опыт Европейского Союза. Монография. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. 34 б.
3. Прокофьев В.Ф. Тайное оружие информационной войны: атака на подсознание. Монография. М.: "Синтег", 2003; 113 б.
4. Исторические аспекты возникновения и развития информационной безопасности. http://www.wooked.ru/health/i-etap-do-1816-goda-harakterizuetsya-ispolezovaniem-estestvenn/main.html.
5. https://tdaily.ru/news/2020/12/15/kiberataki-stoili-mirovoy-ekonomike-1-trln-doll

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

П.Сативалдиев – Навоий давлат педагогика институти,
"Ижтимоий фанлар" кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақолада ватанпарвар тушунчасининг маъно-мазмуни кенг ёритиб берилган. Ватан ва ўз халқининг манфаатларини ҳимоя қилиш истаги, ўз она юртига, тилига, анъаналарига, урф-одатларига садоқат каби тушунчалар ватанга муҳаббат орқали шаклланиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар

Ватанпарвар, ҳарбий ватанпарварлик, бизнес ватанпарварлиги, фалсафий ватанпарварлик, тарихий ватанпарварлик,

Ватанпарварлик – улуғ фазилат. Ватан – бу сўзни эшитган кимнингдир кўз олдига сўлим табиат жонланса, бошқа биров ўз ҳовлисини ёки давлат рамзларини тасаввур қилади. Яна кимдир чексиз сарҳадларни ҳаёлига келтиради. Балким биз ватан деганда ана шу сарҳадлар ҳимояси учун жонидан-да кечишга тайёр инсонларни ўйлашимиз керакдир. Сабаби токи орамизда ватанпарварлар сони кўпайиб борар экан, ҳаётимиз ҳамиша дахлсиз бўлади.

Мана шу туйғу яъни ватан туйғуси туфайли инсон ўзи яшайдиган уйни, ўзи яшайдиган маҳаллани, шаҳар-қишлоқни, ватанни севади, уни обод қилади, унинг шаънини улуғлайди. Шунинг учун ҳам оила – жамиятнинг таянчи сифатида фарзандларимиз онгига элу юртга, ватанга муҳаббат туйғулари шаклланадиган маскандир.

Ватанпарварлик деганда инсон қуйидагиларни англаши жоиз:

- ўз халқини тарихини яхши билиши;
- қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраш ва авлодларга тақдим этиш;
- халқимизнинг, аждодларимизнинг гўзал ва маъноли урф-одатлари, расм-русм ва удумларни қадрлай билиш, уларни давом эттириш;
- шундай ажойиб халққа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш;
- турон заминини ҳимоя қилиш, томирдан охирги қони қолгунча душманга қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалоқ бўлган қаҳрамонларни ёд этиш;

- асримизнинг 20-50 йиллари ва ниҳоят 80-йилларида халқимиз, миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамоқ ва сургин аъзоларини бошдан кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатимиз фидойиларини унутмаслик;

- бу азиз ва гўзал ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Ватан туйғуси бу шундай қудратки, ҳали вояга етмаган, дунё кўрмаган, турмушнинг паст-баландларидан бехабар, ўйин-у шўхликлардан ўзга дарди йўқ бир ўсмирнинг юрагига жо бўлиб, бутун умр унинг хатти-ҳаракатини, юриш-туришини бошқариб боради. Бу туйғу инсон фарзандида туғма бўлармикан? Ёки гўдак она сути билан бу туйғуни ҳис қилармикан? Умуман ватан дегани туғилиб ўсган уй, бешикда қўлоғинга янграган мунгли алладир. Ватан тимсоли ҳар қанча ёркин бўлмасин, ҳали ўзининг шакл-у шамойилини тўла топиб улгурмаган бўлади. Ватан туйғуси инсоннинг ўзи билан бирга ўсиб-улғаядиган туйғу бўлар экан. Тажрибангиз ортгани сари, ҳаёт дошқозонида қайнаб, пиша борганингиз сари Ватанни кўпроқ қадрлайдиган бўлиб қоласиз, у ҳақидаги тасаввурларингиз тўлишиб, кенгайиб боради. Лекин булар ҳали ҳам тугал ватан эмас.

Ватанга муҳаббат, онага муҳаббат каби, муқаддас ва юксак туйғу. Ватанига муҳаббат шовқин-сурон кўтармай, мақтанчоқликларсиз намоён бўлади. Ватанга муҳаббат инсон қалбининг тўрига гард юқтирмай покиза сақланадиган энг нафис инжа бир туйғудир.

Ватанпарварликчи? Хўш аслида ватанпарварлик нима? “Ватанпарварлик”, “Патриотизм” сўзи юнон тилидан “Ота” деб таржима қилинган бўлиб, унинг моҳияти ўз мамлакатини севиб, ҳамма учун қурбон қилишга тайёр. Ватанпарвар ким – унинг қудратининг муваффақияти ва маданияти билан фахрланадиган шахс, она тили ва анъаналарининг хусусиятларини сақлаб қолишга интилади. Унга давлатнинг тақдири ҳар доим биринчи ўринда туради. Аммо бу муносабат фақатгина ишончли шахс томонидан пайдо бўлади: унинг мамлакати қийин пайтда ҳимоя қилади, оилага ёрдам беради.

А.Н.Толстой айтганидек: “Ватанпарварлик – ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда катта ҳис. Бу – ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир”.

Рус танқидчи-демократ В.Г.Белинский ватанпарварлик умуминсоний маънавий қадриятлар ва идеалларни ўз ичига олганларни ва инсонни ижтимоий ҳамжамият аъзоси бўлишини таъкидлайди. “Ўз Ватанни севиш, - деди у,” унда инсоният идеалининг амалга ошишини кўришни исташ ва буни амалга ошириш учун бор имкониятидан фойдаланиш керак”.

Ҳақиқий ватанпарварлик гуманистик хусусиятга эга бўлиб, бошқа халқлар ва мамлакатларга, уларнинг миллий урф-одатларига ва анъаналарига ҳурматни ўз ичига олади ва миллатлараро муносабатлар маданияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, органик бирликда намоён бўлади ва шахснинг ахлоқий аҳамиятини белгилайди.

Ўзбекистоннинг энг улуғвор ва инсонпарвар ғояларидан бири унинг ички ва ташки сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшаши керак. Яшаш учун тинчлик зарур, демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати билан йўғрилган. Ўз миллатига садоқатли бўлиш миллатпарварлик билан ҳамоҳанг тушунчадир. Шунинг учун ҳам биз ўз ишимизга масъулият билан қарасак, ўз ижодий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан ватанимизнинг куч-қудратига, гуллаб-яшнашига имкон даражасида ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарурдир. Бу ҳар бир инсон учун ҳам фарз ҳам қарз ҳисоблади.

ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

М.Б.Қурбонова –БухДУ Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.
Б.Б.Умаров - БухДУ Бухоро тарихи кафедраси магистранти

Аннотация

Мақолада масофавий таълим жараёнида тарих дарсларини юқори савияда ташкил қилиш, дарслар билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечими ва истиқболлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: масофавий таълим, рақамли таълим технологиялари, вебинар, онлайн семинар ва дарслар, мультимедиа, гиперматнли қўлланмалар, масофавий мулоқот.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ янгича, инновацион ёндашувлар, ўқув жараёнини виртуал лойиҳалаш, таълим жараёнига масофавий таълим (dlearning) шаклларини кенг татбиқ этиш, рақамли-таълим технологиялари (Moodle, eFront, Chamilo, ILIAS, Open Elms, Sakai, Dokeos ва ш.к.) асосида таълим олувчиларнинг мустақил (индивидуал) таълим жараёнини шакллантиришда замонавий дастурлаштирилган таълим воситалари кенг татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, The Open University (Буюк Британия), Princeton University (АҚШ), Cyber

University (Жанубий Корея)ларда таълим сифатининг рақамли технологиялар асосида доимий такомиллаштирилиб борилишига алоҳида эътибор берилмоқда[1: 336-337].

Ўзбекистонда хорижий таълим тажрибалари асосида фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш имконини берадиган таълим платформаларини яратиш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн семинарлар ва дарсларни амалиётга кенг жорий этишнинг меъёрий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги устувор вазифалар белгиланди [1]. Натижада масофавий таълим жараёнларини замон талабларига мос равишда рақамли
технологиялар асосида индивидуаллаштиришга ҳаракатлар бошланди ва жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ҳозирги вақтда компютердан фойдаланиш саводҳонлиги, шунинг билан бирга юқори даражада ривожланган рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб келганлиги барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Мультимедиа, гиперматнли қўлланмаларининг яратила бошлаганлиги, мавзуга оид маълумотларнинг тўлиқ бера олиш имкониятининг пайдо бўлганлиги, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар ўртасида масофавий мулоқотнинг вужудга келиши таълим жараёнини ташкил қилишни анча енгиллаштиради [2: 105-110].

Масофавий таълимни ижтимоий фанларда жорий қилиниши ҳам ўзига хос ютуқ, муаммо ва унинг самарали ечимларини излаш билан боғлиқ жиҳатларни ташкил этади. Хусусан тарих, этнография, археология ва бошқа фанларни ўзлаштиришда ва қўллашда масофавий таълим тури анча сифатлидир. Халқаро тадқиқот услубларидан ўқитувчилар билан бир қаторда талабаларнинг ўзи ҳам фойдаланади. Бироқ ушбу таълим турида ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Бу муаммолар дарс жараёнини электрон ташкил қилиш ва ахборот технологияларидан тўлиқ фойдалана олмасликда намоён бўлади[3:17-20]. Муаммоларнинг ечимини топишда тадқиқотчилар шундай хулосага келишдики: талабаларнинг билим фаолиятини ривожлантириш зарур. Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсдаги асосий мақсади когнитив фаолиятни фаол ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдир, уларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан билим маконининг хилма-хиллигига боғлиқ. Шу билан бирга масофавий таълим технологиялари қуйидаги қўшимча талабларга жавоб бера олиши зарур:

1. Адаптация (таълим олувчининг ўз шахси, турар-жой шароити, молиявий аҳволи, психологик ва физиологик хусусиятларига кўра таълим жараёнига мослаша олиши зарурлигидир).
2. Иқтисодий мувофиқлик (бу талаб таълим тизимини молиялаштиришда маблағлар миқдорининг чекланганлигини билдиради).
3. Ўзгарувчанлик (таълим сифати ва мазмунини тезкор, изчил, узлуксиз янгилаб бориш, ўқув манбалари ва материалларини модернизациялаш зарурлигини англатади).
4. Назорат (ўқитишнинг барча босқичларида таълим натижаларини
сифатли назорат қилиш, тингловчи шахсини аниқлаш муҳимлигини ифодалайди).

Ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишда бу тизимда фаолият олиб борувчи ўқитувчилар малакасини оширишга юқори талаблар қўйилади. Ўқитувчи малака ошириш тизимига келишлари билан таълим бериш субъектидан таълим олиш объектига айланади ва ўқув жараёнидаги ўзаро муносабатлар характери ўзгаради.

Тарих фанларини масофавий ўқитиш юқорида айтиб ўтилган талаблардан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Тарих фанларини, хусусан Жаҳон этнологияси фанини масофавий ўқитишда талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш энг аввало дарсни ташкил қилувчи профессор-ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи рақамли таълим технологияларидан, шунингдек, дарс жараёни ташкиллаштириладиган платформадан яхши фойдалана олиши лозим.

Дарсларни Moodle платформасида онлайн ташкил қилинганда, талабаларга мавзуга оид қизиқарли маълумотлар билан бирга албатта слайдлар, видеодарслар, аудиодарслар тақдим этилиши лозим. Бунда энг муҳим жиҳат слайдларнинг, видео ва аудиодарсларнинг профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланганлигидадир. Мисол учун Жаҳон этнологияси фанини ўқитиш жараёнида халқларни таснифлашга оид мавзуларда халқнинг ирқи, дини, тили, миллати, яшаш ҳудуди ҳақидаги маълумотларни слайдларни ва анимацион видеоларни тақдим этиш нафақат дарс сифатини балки талабаларнинг билимлар даражасини оширади. Рус, инглиз ва бошқа хорижий тиллардан хабардорлик ҳам бевосита ушбу жараёнга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Масофавий дарсларни қизиқарли якунлашда дастурчилар томонидан яратилган турли хилдаги QUIZ (Викторина) дастурлардан фойдаланиб, тузилган тестларни талабаларга тақдим этиш мумкин. Бу биринчидан, талабарнинг билимларини мустаҳкамлаш учун муҳим ҳисобланса, иккинчидан талабалар орасида ўз билимларни синаш усули бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам ривожланиш жадаллик билан кечмоқда. Масофавий таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Moodle, Hemis платформаларидаги контентлар ёрдамида тарих дарсларини юқори савияда ташкил қилишда рақамли таълим техлолигияларидан яхши фойдалана олишни замоннинг ўзи тақазо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бекчанова Ш.Б. Масофавий таълимда индивидуал таълимни ривожлантириш учун blended learning технологиялари // Ijodkor o‘qituvchi. –Farg‘ona. 2021. –B. 336-337
2. https://lex.uz/docs/4751561
3. Суворинов А.В., Осин Л.В. Мультимедиа среда образования в эпохе глобальных компьютерных технологий // Проблемы информатизации Высшей школы. М., 1998. № 1-2 (11-12). С. 105-110.
4. Демкин В.П., Вымятнин В.М., Можаева Г.В., Тарунина ГА. Дистанционное обучение в гуманитарном образовании И Интернет – новая информационная среда исторической науки. Барнаул, 1998. С. 17-20.

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Ж.А.Абдукаримов - т.ф.н., доцент
А.А.Ҳомидов - т.ф.н., доцент
Академик Б. Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети

Аннотатция

Ушбу мақолада замонавий таълимдаги баҳолаш технологияси ҳақида сўз боради. Олийгоҳларимиздаги тарих факультетларида ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган замонавий дарслар, бу дарсларда ўқувчиларни баҳолаш ўрта умумтаълим мактабларида 6 – синфда ўтиладиган умумий тарих фани мисолида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Инновация, тарих дарси, кроссворд, формула, магнит доска, харита.

XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, башариятнинг, Ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, ёшларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағри кенгликка даъват этишга қаратилган тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириши талаб этилади. Эндиги, биз педагогларнинг вазифамиз замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукаммал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур [6, 18].

Олий ўқув юртларида, ўрта умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишда ижодкор ўқитувчи турли методлардан фойдаланиб дарс ўтишга ҳаракат қилади. Тарих ўқитиш деганда тарихий материал воситасида ўқувчиларга билим бериш, уларни ҳуқуқий демократик ва маънавиятини юқори руҳда тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган жараён, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ақлий ҳамда ўқув ҳаракатлари жараёни тушунилади [2, 14].

Олий ўқув юртларида, масалан тарих факультетида ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган “Тарих дарсида ўқувчиларни баҳолашнинг янги усуллари” мавзуси орқали қуйидаги замонавий баҳолаш усулларини талабаларга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир.

1. Кроссворд ёрдамида ўқувчини баҳолаш

6 – синф ўқувчилари оддий кроссворд тузишга ва унинг жавобларини топишга қизиқадилар. Уйга вазифани сўраш ёки такрорлаш дарсларида қуйидаги оддий кроссворд орқали ўқувчиларни баҳолаш мумкин. Доскада ўқувчи қуйидаги кроссвордни тузади.

Изоҳ. Стрелка ҳарфни пастида келса, тарихий сўз, ном шу ҳарф билан бошланади, агар стрелка ҳарфни юқорисида бўлса тарихий сўз, ёки ном шу ҳарф билан тугайди.

Содда кроссворднинг саволлари ва жавоблари:

1. Давлат (Франция).

2. Динга қарши гуруҳ (еретиклар).
3. Феодалларга қарши синф (деҳқонлар).
4. Тоифалардан бири (руҳонийлар).
5. Католик динининг бошлиғи (папа).
6. Феодалларнинг ёрдамчилари (вассал) [3, 178].

2. Тарихий формула орқали баҳолаш

Эзоҳ: формула тарих ўқитувчиси томонидан тузилади, жавоби эса ўқувчи томонидан ёзилади. Масалан Л-ҳарфи 2 ўринда, И-ҳарфи 6-ўринда келяпти, Хлодвиг сўзида 7 та ҳарф бор.

1. Л-2+И-6=7.....Хлодвиг
2. Е-4+Я-7=8…….Империя
3. О-3+А-5=6…….Феодал
4. У-2+К-5=8…….Буюк Карл
5. Р-2+Я-7=7…….Франция [4, 17-18].

3. Магнит доска орқали ўқувчини баҳолаш

Магнит доска ўқувчини баҳолаш воситаларидан биридир. Булардан бири «Биласизми» ўйини бўлиб, дарснинг уйга вазифани сўраш қисмида, мустаҳкамлаш қисмида бу ўйин орқали ўқувчиларни баҳолаш мумкин. Қуйидаги «Биласизми» ўйинининг савол қисми ўқитувчи томонидан тайёрланиб магнит доскага фишка орқали ёпиштириб қўйилади. Оддий доскада эса ўқувчи жавобларни ёзади.

(6 синф, Ўрта асрлар тарихи)

№	**Магнит доска**	**Оддий доска**
1.	Юстиниан ким?	Рим императори
2.	Феодал тизимда қандай синфлар бор?	Феодаллар, деҳқонлар
3.	Ислом дини қачон вужудга келган?	630 йил
4.	Мусулмон сўзининг маъноси нима?	Худога итоатгўй
5.	Халифалар кимлар?	Муҳаммаднинг ўринбосари
6.	Европада олим ибн Синони қандай аташган?	Авиценна
7.	Фирдавсийнинг машҳур асари қайси?	Шоҳнома
8.	«Еретик» сўзининг маъноси нима?	Шаккок, динга қарши
9.	Генрих VII ким?	Герман қироли
10.	Папа области қаерда эди?	И Италияда [7, 44-45].

3. Харита билан баҳолаш

Изоҳ: ўқитувчи томонидан ўқувчига 2 та ҳарф берилади, бу ҳарф ўқувчи ёзиши керак бўлган давлат номида ва шу давлатнинг пойтахти номида бўлиши шарт. Масалан “А” ва “Б” ҳарфлари. Ўқувчи қуйидаги жавобларни ўзи ёзиши лозим, ёзган давлат ва давлат пойтахтини харитадан кўрсатиши керак.)

1. А-ҳарфи ------- Алжазоир----------Алжазоир
2. А-ҳарфи ----------Арабистони Саудӣ----------Ар-Риёз
3. Б-ҳарфи ----------Белгия----------Брюссел
4. Б-ҳарфи ----------Барбадос----------Брижтаун
5. Б-ҳарфи .....Бразилиа---------Бразилиа [6, 23-24].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, замонавий баҳолаш усуллари ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларини амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Бу эса тарих ўқитувчисидан касбий маҳорат, малака, билим ва сезгирликка эга бўлишни тақозо этади. Ижодкор, изланувчан педагог бошқа педагоглардан ўзининг билими, дунёқараши, маҳорати билан ажралиб туради ва улар кўпроқ замонавий таълим технологиялари асосида дарс ўтишга ҳаракат қиладилар, чунки иқтидорли талабалар учун замонавий дарслар зарур ва шартдир.

Адабиёт:

1. Аҳмедов Ш. 1300 саволу ҷавоб аз таърихи навтарини мамалакатҳои Аврупо ва Амрико. –Хуҷанд, 2008.
2. Мирзоахмедов Ф., Боев Б., Шукурова З. Методҳои самараноки таълим. -Душанбе, 2008.-С. 14.
3. А. Голубева, И. Голлерштейн. Ўрта асрлар тарихи.- М.,1972.- С.179-180.
4. Зиёзода Т.Н., Шарифов Р.Я. Таърихи асрҳои миёна. –Душанбе, 2015.

5. Қаҳҳори Расулиён. Кишварҳои ҷаҳон.-Душанбе, 2016.
6. Илҳомов А. Замонавий тарих таълимининг долзарб масалалари. (Республика илмий-амалий конференцияси тўплами).-Тошкент, 2018
7. Семёнов А. Ўрта асрлар тарихи.-Тошкент, 1978.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ (РАДИО МИСОЛИДА)

М.М.Темирова, ҚДПИўқитувчиси
Ж.И.Охунов
ҚДПИ тарих факултети 1- босқич талабаси

Аннотация:
Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фанини ўқитишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти радио эшиттиришлар мисолида очиб берилган. Шунингдек, радиоэшиттиришларнинг мазмун ва моҳияти ва унинг тарихимизни ўрганишдаги ижобий томонлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тарих, методология, сиёсат, иқтисод, радиодастур, эшиттириш, республика, ахборот, маълумот.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши барча соҳаларда бўлгани каби тарихчи олимлар зиммасига ҳам маъсулиятли вазифаларни юклади. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин совет ҳукумронлиги даврида сохталаштирилган тарихни турли тазйиқлардан холи равишда ҳаққоний ёритиш асосий талаблардан бирига айланди. Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, Ўзбекистон тарихини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва кун тартибига ҳаққоний тарихни бирламчи манбалар асосида яратиш, уни холисона талқин этиш, баҳс ва мунозаралар асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифаси қўйилди [1]. Тарих фани олдига қўйилган муҳим вазифаларни ҳал этиш учун тадқиқотчилардан замонавий методология ва тарихий тадқиқот усулларини ўрганиш талаб этилади.

Тарих фанини ўқитишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни айниқса радио дастурларнинг аҳамияти жуда мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, республика радиосида бериб борилаётган ҳар бир сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий соҳага доир эшиттиришлар тарихимизнинг кенг кўламдаги саҳифаларини ёритишга ҳисса қўшади. Айниқса, бугунги ахборотлашган ва бу жараён шиддат билан ривожланаётган даврда оммавий ахборот воситаларининг ишончлилик даражаси янада ортиб бормоқда. Чунки турли норасмий канал ва сайтларда ёлғон хабарлар тарқатиш авж олган даврда республика оммавий ахборот воситаларининг шу жумладан радионинг роли ҳам ортиб бормоқда.

Агар биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги радиодастурларга назар ташлайдиган бўлсак, бу йиллардаги эшиттиришларнинг 80 фоизи ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий маданий сохаларга тегишли эшиттиришлар бериб борганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан “Тошкент” студияси жамоаси бир ойда ўртача 125 соатда эшиттиришлар бериб борган бўлса, ана шу вақтнинг аксариятини республикада олиб борилаётган барча соҳалардаги масалалар, хусусан тегишли давлат органлари томонидан чиқарилган қарор ва фармонларнинг ижроси, эришилган ютуқ ва камчиликлари тўғрисидаги масалаларга бағишланган. Шунингдек, “Мустақиллик одимлари”, “Тошкент ва тошкентликлар”, “Тошкентнома”, “Маҳалладошлар”, “Оила”, “Бевосита мулоқот” каби дастурларда республикамиз ҳаётига оид мухим янгиликлар бериб борилган [2].

Шунингдек, республикадаги сиёсий ислоҳотларнинг кўламини оширишда “Машъал” (хозирда Маҳалла) радиоканалининг ўрни алохида аҳамиятга эга. Ушбу каналда ҳафтанинг беш кунида бир соатдан тўғридан-тўғри олиб бориладиган “Давр садоси” деб номланган эшиттиришда юртимизда бўлаётган барча воқеалар, хусусан, Ўзбекистон республикаси Биринчи президенти И.А.Каримовнинг Швейцарияга, Алматига, Сурияга қилган сафарлари хақида зум ўтмай тингловчилар хабар топиш имконига эга бўлганлар [3]. Бу эшиттириш дастурида турли масалалар тўғрисида фикр юритилиб, кенг халқ оммасини сиёсий, иқтисодий ва маънавий саводхонлигини оширишда мухим ахамият касб этган дейиш мумкин. Шунингдек, ушбу радиоканал орқали ҳар 25 дақиқада эфирга узатиладиган “Ислоҳот одимлари”, “Мағрибдан Машриққача”, “Марказий Осиё хабарлари” “Янги имло имкониятлари” каби эшиттиришларда ҳам юртимиз тарихи ва бугунги кунига оид кўплаб муҳим бўлган фактлар бериб борилган [4].

Айни пайтда “Маҳалла”, “Ёшлар канали” каби кенг қамровли ахборот-мусиқий дастурларнинг ўзига хос хусусияти - улардаги эшиттиришлар моҳиятинипг демократлашувидадир. Бу ҳол жамиятнинг турли ижтимоий табақа вакилларини микрофонга жалб этиб, уларга у ёки бу масала хусусида ўз қарашларини намоён этиш имконини яратишда кўринади. Эфирга узатиладиган эшиттиришлар дини, ирқи, миллати, мавқеи, ёши, жинсидан қатъи назар, барча тингловчилар томонидан яхши қабул қилинади. Дастурларда кўпчиликнинг фикрини ифодоловчи “Мустақилликнинг нурли йўлларида”,

“Шахс” (“Машъал” муҳарририяти) ахборот-мусиқий дастурлар фаолиятидан ахборот етказишда расмий хабарлар, янгиликлар қисқа маълумотлари билан чекланиб қолмай, балки воқеликни чуқурроқ акс эттирадиган, янада муҳим ва мураккаб шакллар ва жанрларни ҳам қўллаш лозим эканлиги кўринади.

“Ахборот” бош муҳарририятининг бир ойда икки марта эфирга узатиладиган ярим соатлик “Янги аср бўсағасида” эшиттириши ахборот-публицистик услубдаги эшиттириш бўлиб, унинг энг муҳим жиҳати жонлилиги, сермазмунлиги ҳамда таъсирчанлигидир [5].

Бугунги кунда радиода ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ахборот блоклари ҳам ўз ўрнига эга. Уларда “Сўнгги ахборот” эшиттиришида маълум қилинган воқеалар ҳақидаги интервью, ҳисобот, репортажлар қамраб олинади. Бу борада “Ахборот” бош муҳарририятининг “Бугун” дастури фаолияти диққатига сазовор. Ушбу ярим соатлик ахборот дастури эфирга ҳар куни узатилиб, унга тайёргарлик эрта тонгдан бошланади. Дастур эфирга олдиндан тасмага ёзилган радиолавҳалар ҳолида ёки воқеа жойидаи тўғридан-тўғри узатилади. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ахборот блокларининг янгиликлар дастуридан фарқи шундаки, уларда мутахассис, сиёсатшунос ёки дипломатларнинг муфассал фикри иштирок этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари ҳар қандай макон ва замонда бўлмасин, оммага барча соҳалардаги маълумотларни етказиб бериши ва билимларини бойитишга хизмат қилиб келган. Бу борада бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан радионинг имкониятлари бирмунча устун ҳисобланиб, у воқеа ва ҳабарларни тўғридан тўғри етказиш имкониятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Мустақиллик йилларидан то бугунги кунимизга қадар бўлган радиодастурларни таҳлил этар эканмиз, республикада олиб борилган барча жабҳалардаги жараёнлар радиожурналистлар томонидан изчиллик билан ёритиб борилганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих инситути фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон овози. – 1998. – 28 июль.
2. Абдуллаев А. Ҳаво мавжларида “Тошкент студияси“ // Ўзбекистон матбуоти. – 1995. - №2. – Б. 18-19.
3 .Набиев А. “Машъал” – содиқ ҳамрохингиз // Ўзбекистон матбуоти. – 1995. - №4. – Б. 10-12.
4. Набиев А. “Машъал” – содиқ ҳамрохингиз // Ўзбекистон матбуоти. – 1995. - №4. – Б.12.
5. Исмоилова И. Ахборот + мусиқа // Ўзбекистон матбуоти. – 2004. - №2. – Б.12-13.

PEDAGOGIK TEXNOLIGIYALAR ASOSIDA TARBIYA TEXNOLOGIYALARINI TASHKIL ETISH

V.Ashirov, O‘.Shonazarov,
mustaqil tadqiqotchilar, NavDPI

Аннотация

Mazkur maqolada ta’lim-tarbiyada maqsadning amalga oshishi va kafolatlangan natijaga erishish, ham o‘qituvchi, ham talaba-o‘quvchining hamkorlikdagi faoliyati hamda ular qo‘ygan maqsad, tanlangan mazmun, metod, shakl, vositaga, ya’ni texnologiyaga bog‘liq masalalar ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: Tarbiya maqsadi, o‘qituvchi-trener va talaba, tarbiya jarayoni, Tarbiya texnologiyasi

Tarbiya texnologiyasi – yosh avlodni muayyan maqsad yo‘lida har tamonlama shakllantirish, uning mustaqil fikrlashga oid ongi va xulq-atvorini tarkib toptirishdir. Tarbiya-shaxsni maqsadga muvofiq qilib takomillashtirish uchun uyushtirilgan pedagogik jarayon bo‘lib, tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli ta'sir etish imkonini beradi.Shaxs-mustaqil fikrlaydigan, aql-farosatga va o‘z xulq-atvoriga ega bo‘lgan insonlardir. Barkamol shaxs bu insonning yillar davomida olgan tarbiyasi natijasida shakllanish va komillikka intilishidir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga ko‘ra 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha **“Harakatlar strategiyasi”**[61]**.** taraqqiyotning yangi bosqichini boshlab berdi. Unga ko‘ra uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta’lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, shuningdek bu borada pedagog va mutaxassislarning malaka darajasini yuksaltirishga katta ahamiyat berilgan

Texnologiya so‘zi fanga 1872 yilda kirib keldi. U yunoncha “texos”- hunar, mahorat va “logos” esa ta’limot yoki fan degan ma’noni beradi. Qisqacha “mahorat haqidagi fan” ma’nosini anglatadi. Bugungi kunda ayrim kishilar pedagogik texnologiya– bu faqat axborot texnologiyasi bilan bog‘liq, hamda o‘qitish jarayonida qo‘llanishi zarur bo‘lgan, kompyuter, masofali o‘qish, yoki turli xil texnikalardan foydalanish deb o‘ylashadi. Bu to‘g‘ri emas. Pedagogik texnologiyaning eng asosiy negizi– bu o‘qituvchi-trener va talaba-o‘quvchilarning

[61]Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanishsari / Nashrga tayyorlovchilar: M.Bekmurodov, Q.Quronboyev, L.Tangriyev. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. - B. 70-72.

begilangan maqsaddan kafolatlangan natijaga hamkorlikda erishishlari uchun tanlangan texnologiyalariga bog‘liq. Hozirgi kunda talim–tarbiyada qo‘llanilayotgan texnologiya asosida o‘qitish orqali o‘qitilayotgan fanlarni o‘z maqsadiga erishishi ko‘zlanadi. “Texnologiya” atamasi aslida yunoncha so‘z bo‘lib, “techne”-mahorat, san’at va bilimlar yig‘indisi, shuningdek o‘ektda sodir bo‘layotgan o‘zgarishlar tushuniladi.

Pedagogik texnologiya- shunday bilimlar sohasiki, ular yordamida uch ming yillikda davlatimiz ta’lim sohasida tub burilishlar yuz beradi, o‘qituvchi faoliyati yangilanadi, bilimga chanqoqlik, Vatanga mehr-muhabbat, insonparvarlik tuyg‘ulari tizimli ravishda shakllantiriladi.

“Texnologiyaning mohiyati shundan iboratki, bunda mavzuning turli tarmoqlari bo‘yicha bir yo‘la axborot beriladi. Ayni paytda ularning har biri alohida muhokama qilinadi. Masalan ijobiy va salbiy tomonlari, afzalliklari, foyda va zararlari belgilanadi.”[62]

Tarbiya texnologiyasining maqsadi ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, uning rivojlanishi, yo‘nalishi, ijtimoiy munosabatlar mazmunidan kelib chiqib belgilanadi. Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasida tashkil etilayotgan tarbiyaning asosiy maqsadi komil shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazishdan iboratdir. Chunki, kadrlar tayyorlash milliy modelimizning bosh muddaosi komil inson va yetuk malakali mutaxassis tayyorlashdan iborat bo‘lib, u O‘zbekistonning xalqaro andozalaridagi zamonaviy taraqqiyotini ta'minlay oladigan dadil, mustaqil fikr yuritadigan, tafakkurli, malakali, bilimli mutaxassis, ayni paytda ichki insoniy sifatlari barq urib kamolatga yetgan kadrlarni tayyorlashni ko‘zlaydi. Mazkur maqsadni amalga oshiruvchi asosiy omillardan biri tarbiya jarayonidir. Tarbiya jarayonining natijasi barkamol shaxsni shakllantirishdir. Bu jarayon ikki tamonlama bo‘lib, uyushtirish va rahbarlikni, shunindek, talaba shaxsining o‘zi tomonidan faollik ko‘rsatishini taqazo etadi. Bu jarayonda pedagog yetakchi vazifani bajaradi. Chunki u ijtimoiy tarbiyaning umumiy maqsadlari mohiyatini tushunadi, maqsad yo‘lida amalga oshiriladigan vazifalar tizimidan yaxshi xabardor, tarbiya shakllari, metodlari va vositalarini asosli, ilmiy tarzda tanlab oladi va tarbiya jarayoniga tadbiq etadi. Tarbiya jarayonining mohiyatini tarbiyaga har tamonlama yondoshish bilan muvaffaqiyatli tarzda ilmiy tahlil qilish mumkin. Shaxsning ko‘pdan-ko‘p xislatlari bir -biridan ajiratilgan emas, balki o‘zaro mustahkam bog'langan. Tarbiya jarayonida shaxsning xarakter va xususiyatlari yaxlit ravishda rivojlanadi. Shaxs o‘sib va rivojlanib borgan sari tarbiya vazifalari murakkablashib, chuqurlashib, tabaqalashib boradi.

Tarbiya mazmunidan qo‘yilgan maqsad va vazifalarga muqofiq talabalar tomonidan o‘zlashtirilishi lozim bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalar, shaxs xulq - atvori hamda sifatlariningmohiyatini aks ettiradi. Tarbiya mazmuni ijtimoiy- iqtisodiy taraqqiyot, kishilik munosabatlari mohiyati va darajasi, shunindek, jamiyat mafkurasi g'oyalaridan kelib chiqqan holda belgilanadi. Zamonvviy tarbiya mazmunidaquyidagi g'oyalar yotadi.

1.Tarbiya texnologiyasi maqsadining aniqligi. O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-siyosiy mustaqqiligining dastlabki yillaridayoq respublikada amalga oshirilishi ko‘zda tutilgan bo‘lib, tarbiya maqsadi aniq belgilab olingan edi. O‘zbekiston Respublikasining “Ta'lim to‘g'risida” gi qonun hamda “Kadrlar tayyorlash miiliy dasturi” g'oyalariga ko‘ra ijtimoiy tarbiyaning asosiy maqsadi erkin, ijodkor, mustqil fikr egasi bo‘lgap komil insonni tarbiyalab voyaga yetkazishdan iborat. Ushbu maqsadga erishish yo‘lidagi asosiy vosita bu, shaxsda umumiy madaniyatni tarkib toptirishdir, ya'ni, shaxsning aqliy, axloqiy, jismoniy, estektik, iqtisodiy, ekologik, huquqiy, mafkuraviy hamda madaniyatini tarbiyalash kabi tarbiyaning bosh maqsadini amalga oshirish imkoniyatini yaratish ko‘zda tutiladi.

2. O‘z- o‘zini anglash. Tarbiya texnologiyasi insonda e'tiqod, demokratik qarashlar va hayotiy pozitsiyaning shakllanishiga olib keladi. Tarbiya mazmuning eng muhim jihatlaridan biri -bu insonning hayotda o‘z-o‘zini angalsh inson o‘z shaxsiy hayoti va baxtining sub'ekti sifatida e'tirof etilishi bilan tavsiflanadi. Inson kamolotida fuqorolik, kasbiy va axloqiy o‘z-o‘ziinanglash g'oyalariga tayachnib tarbiyalash muhim ahamiyatga egadir.

3. Tarbiya texnologiyasining yo‘naltiruvchanligi. Mazkur g'oya texnik oliy ta'lim muassasalari amaliyotining markaziy nuqtasida tarbiyaviy ishlar dasturi, tadbirlari, shakl, metod va vositalari emas, balki talaba turganlini anglashga xizmat qiladi. Tarbiya jarayonida uning shaxsiy xususiyatlari, qiziqishlari, o‘ziga xos tavsifi o‘z qadr-qimmatini tuyg'ulari rivojlantirilib borilishi zarur.

4. Ixtiyoriylik. Tarbiya jarayoni, agar u oqilona tashkil etilsa, bir vaqtning o‘zida ham o‘qituvchi va talaba ma'naviyatining boytilishiga ham xizmat qialdi. Agar o‘qituvchi talabaning qiziqishi, faoliyati, o‘rtoqlik va fuqarolik burchini anglashi, mustaqilikka intilish tuyg'ularini ko‘ra va anglay olsagina uning shaxsiga ta'sir ko‘rastishiga yo‘naltirilgan faoliyatda samaraga erishadi.

6. Jamoa yo‘nalishi. Tarbiyaviy ishlar mazmunida jamoaga nisbatan ijobiy munosabatni qaror toptirish yotadi. Jamoa yordamida shaxsning har tamonlama taraqqiyoti unda dunyoni anglash va uni to‘laqonli talqin etish, insonparvarlik va hamkorlik tuyg'ularining yuzaga kelishi va rivojlanib borishi amalga oshiriladi.

O‘qituvchilar oz faoliyatini qo‘yidagi texnologik jarayonga bo‘ysundirishlari kerak: tartibga solish bir tizimga keltirish, ilgaridan loyihalashtirilgan ta’lim jarayonini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etishdir. Demak, “ta’lim texnologiyasi” tushunchasi talim maqsadiga erishish instrumentariysi, ya’ni ilgaridan loyihalashtirilgan talim jarayonini yahlit tizimi asosida bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish va shu

[62] Rajabov R., Daminov N., Ravshanov Sh.,Ismoilova B. “Jahon sivilizatsiyasi tarixi”. Toshkent. “Istiqlol” 2009-yil. 52-bet.

maqsadga erishishning metodi, usul va vositalar tizimi, ta’lim jarayonini boshqarishni ifodalaydi. O‘qituvchi aktiv faoliyat ko‘rsatishga yo‘naltirilgan, darsning metodik ishlanmasidan farqli o‘laroq ta’limning pedagogic texnologiyasi ta’lim oluvchi ya’ni o‘quvchilarga yo‘naltirilgan bo‘lib, bolaning shaxsiy hamda o‘qituvchi bilan birgalikda faoliyatini xisobga olgan holda tarixiy materiallarni o‘zlashtirishga qaratiladi. Pedagogik texnologiyaning markaziy muammosi o‘quvchi shaxsini rivojlantirishi orqali ta’lim maqsadiga erishishni ta’minlashdan iborat.

Bu interfaol texnologiya o‘quvchilarda tanqidiy, tahliliy aniq mantiqiy fikrlashni muvafaqqiyatli rivojlantirishga hamda o‘z g‘oyalari, fikirlarini yozma va og‘zaki shaklda ixcham bayon etish, himoya qilishga imkoniyat yaratadi. Pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqarish va amaliyotga joriy etish tuzilishi va mohiyati jihatidan yaxlitlik prinsiplariga asoslanadi. Bu prinsip loyihasi yaratilayotganda pedagogik tizimning barcha elementlari o‘zaro ta’sir doirasida bo‘lishini va o‘zaro bog‘liqligini e’tiborga olishni taqoza etadi. Ya’ni ta’lim maqsadining qat’iyan aniqlanishi (nega va nima uchun?) o‘quv jarayoni mazmuni (nima?), tashkiliy shakllari (qanday?), o‘qitish metodlari va vositalarini (nima yordamida?) saralash va tanlashga ko‘maklashishi, shuningdek, o‘qituvchining mahorat darajasiga bog‘liq holda didaktik jarayon samarasini aniqlashga imkon berishi kerak.

Ta’lim-tarbiyada maqsadning amalga oshishi va kafolatlangan natijaga erishish, ham o‘qituvchi, ham talaba-o‘quvchining hamkorlikdagi faoliyati hamda ular qo‘ygan maqsad, tanlangan mazmun, metod, shakl, vositaga, ya’ni texnologiyaga bog‘liq.

UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTABLARI O‘ZBEKISTON TARIXI FANINI O‘QITISHDA TARIXIY MAVZUDAGI MINIATYURA SAN’ATI MATERIALLARIDAN FOYDALANISH

A.S.Ahadov
NavDPI o‘qituvchisi

Annotatsiya

Maqolada mamlakatimiz yoshlarida tarixiy bilimlarni yuqori darajada shakllantirish, bu jarayonda O‘zbekiston tarixi fanini o‘qitish sifatini ta’minlashda vatanimiz tarixining turli davrlarida yaratilgan miniatyura san’ati asarlaridan innovatsion pedagogik omil sifatida foydalanish zaruriyati tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Mustaqillik, ta’lim, tarbiya, o‘quvchi, tarix, tarixiy xotira, tasviriy san’at, minatyura, tushunish.

Tarix fanining zamonaviy ilmiy yutuqlari maktablarda tarixdan bilim berish jarayonida qaytadan va yangitdan idrok qilinmoqda. V.S.Murzaev “Siz o‘quvchilarni miniatyura san’at asarlarini puxta o‘zlashtirib olsin desangiz, o‘quvchilarning sezgi a’zolaridan mumkin qadar ko‘prog‘ini o‘rganilayotgan narsaga jalb etishingiz kerak. Ko‘rish a’zolari orqali o‘quvchilar ko‘rgazmali qurollarni yaxshi eslab qolishadi”. - deb yozgan edi [1,87]. Mamlakatimiz hukumati tarixning tarbiyaviy rolini anglab, O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi va O‘zbekiston Fanlar akademiyasi zimmasiga O‘zbekiston xalqlari tarixining yangi dasturi, darslik hamda qo‘llanmalarni yaratish vazifalarini yukladi. Bu dastur, darslik va qo‘llanmalar yaratildi ham. Respublikamizda amalga oshirilayotgan tarix ta’limi amaliyoti, shuningdek, darslarda o‘qituvchilarimizni ma’ruzalaridan shu narsa ko‘rinib turibdiki, ular darsliklardagi ma’lumotlardan nariga o‘tishmayapti, qo‘shimcha manbalardan kam foydalanmoqdalar, ya’ni ular o‘z imkoniyatlari darajasidagina harakat qilishmoqdalar. Lekin miniatyura san’atiga doir metodik qo‘llanmalar mutlaqo yo‘q deb bo‘maydi. Shu o‘rinda “Rasmlarda vatan tarixi” (Tuzuvchi X.Sodiqov, rassom A.Mahkamov) kitobini eslab o‘tishimiz joiz. Ayni paytda umumta’lim maktablarida tarix fanidan miniatyura san’ati asarlaridan foydalanishni amalga oshirish esa muhim pedagogik muammolardan biridir.

Tarixiy miniatyura san’ati manbalari umumta’lim maktablarida foydalanishni amalga oshirilishi tarixiy hodisalarning bir yoqlama talqinidan qutilib, xilma – xil fikrlash, tafakkur yuritishga, shuningdek, tarix fanidan shakllangan bir tomonlama qarashlardan xolos bo‘lishda ijobiy ta’sir qiluvchi samarali vositaga aylanadi. Zero, dono xalqimizning “yuz marta eshitgandan bir marta ko‘rgan afzal”, degan hikmatli maqolining amaliy ifodasini miniatyura san’ati asarlari vositasida amalga oshirish mumkin. Hayot sinovlaridan o‘tib sayqal topgan bu so‘zlar zamirida tarix va hayot haqiqati yotadi. Demak, miniatyura san’ati manabalari o‘lkamizning o‘tmish fojeasini, baxtli taqdir, kechmishlarini tarix haqiqati, ashyoviy dalillari sifatida o‘zida namoyon qiladi. Shunday ekan, bu manbalar tarix mulkidir, gap shu mulkni ta’lim – tarbiyaning mazmuniga qanday olib kirishda qolgan. Bu o‘qituvchilarning miniatyura san’ati sohasidagi bilimlari, fanga nisbatan fidoyiligi va qolaversa, ijodkorligiga boqliqdir. Miniatyura san’at asarlarini darslardan tashqari ham o‘rganilishi o‘quvchilarni qiziqishi uchun pedagogik jihatdan tor yondashganligimiz bilan izohlanadi. Lekin bunday yondashish o‘quvchilarning tarixiy tasavvurlariga salbiy ta’sir qiladi. Shuning uchun tarix kursini uyg‘unlashtirish masalasida doimo ilmiy pedagogik fikr yuritiladi. Bu masala keyingi yillarda yuqori sinflar uchun muhim ahamiyat kasb eta boshladi.

Tarixiy bilim xolis asosga qurilgan va ijobiy mazmun kasb etganda millat, birinchidan o‘zining tarixiy ildizlarini teran anglashi, o‘tmishda ro‘y bergan jarayonlarni tahlil etish orqali, ulardan zarur xulosalar chiqarish,

real voqeylikni keltirib chiqargan sabablar, omillarni chuqqurroq anglash orqali ertangi kunning optimal yo‘llarini belgilash imkoniga ega bo‘lishi milliy tarixiy xotira rivojiga ta’sir ko‘rsatishiga asoslangan [2, 69]. Tarixiy mavzudagi miniatyura san’at asarlarisiz o‘quvchilarda mazmunli tasavvur yaratib bo‘lmaydi. O‘qituvchining so‘zi, hujjatlardan olingan parcha yoki tarixiy roman yozuvchining badiiy tasvirlari qanchalik yorqin va ravshan bo‘lmasin, o‘quvchilar ongida o‘tmish zamonlardagi hayot to‘g‘risida to‘g‘ri va aniq tasavvur hosil qilish uchun so‘zning birgina o‘zi kifoya qilmaydi. “Tasavvurning to‘la bo‘lishi uchun o‘quvchiga manzarani faqat og‘zaki gapirib qo‘ya qolmay, balki unga haqiqiy manzarani taqdim qilish kerak” [3,47]. Tarix o‘qitishda tarixiy mavzudagi miniatyura san’at asarlaridan foydalanishdan asosiy maqsad o‘tmish to‘g‘risidagi tasavvurlarga muqobil keladigan va to‘la qimmatga ega bo‘lgan haqiqiy manzaralar yaratishdan iborat. Shuning uchun agar tarix darsligida bayon etilgan o‘tmish voqealarni ko‘z oldiga keltirishga yordam beradigan suratlar bilan ta’minlangan bo‘lsa, uning ta’limiy qimmati ham ortadi. Fransuz metodist – tarixchisi Laviss shu fikrni tasdiqlab, “har bir tarix kitobi suratlar bilan ta’minlansin”, degan talabni ilgari surdi. Tarixiy mavzudagi miniatyura san’at asarlari o‘tmish to‘g‘risida tasavvur hosil qilishga yordam berib, o‘tmishni tushunishni ham yengillashtiradi. Bu fikrni Laviss “O‘quvchilar ko‘rib turgan bo‘lganlari uchun tushunadilar”, deb qayd etgan. O‘quvchilarda tarixiy miniatyura san’at asarlariga qiziqishning mavjudligi ham muhimdir. Bu o‘sib borayotgan ongning yangidan – yangi narsalarni ko‘rib taassurot olishga bo‘lgan kuchli talabi bilan bog‘liq bo‘ladi. Odatda yosh kitobxon kitob bilan tanishishni uning suratlarini kuzatishdan boshlaydi. Demak, tarixiy mavzudagi miniatyura san’at asarlari tarix fanini o‘qitishda:

1). O‘tmish to‘g‘risidan to‘g‘ri tasavvur hosil qilish uchun zarur;

2). O‘tmishni tushunishni yengillashtiradi;

3). Bilimning mustahkamlanishiga yordam beradi;

4). Bayon qilingan tarixiy mavzudagi miniatyura san’at asarlariga o‘quvchilarni qiziqishini oshiradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, tarixiy mavzudagi miniatyura san’at asarlari vaqt va muhitning badiiy talqini, tarixning turli qirralarini badiiy bo‘yoqlar yordamida o‘quvchilar ko‘z o‘ngida yanada yorqinroq chizilishiga, tarixiy voqealar mazmunini to‘laligicha esda saqlab qolishga va o‘quvchilarga o‘tmishning ibratomuz voqealar asosida tarbiya berishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdullajonova D.S. Milliy tarixiy xotiraning mohiyati va rivojlanishining o‘ziga xos xususiyatlari. Toshkent: - 2006 yil. 87 – bet.
2. Rustamov M. O‘zbekiston tarixini o‘qitishda badiiy adabiyotlardan foydalanish. Toshkent: “O‘zbekiston”, 1990. 69 – bet.
3. A.Sagdiyev., G.Fuzailova., M.Xasanova. Tarix o‘qitish metodikasi. Toshkent. 2008. 47 – bet.

МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИНЦИПОВ СИММЕТРИИ И ДИССИМЕТРИИ В МОЛЕКУЛЯРНОЙ ФИЗИКЕ

У.Р. Бекпулатов,
доктор философии (PhD) по философским наукам, и.о. доцент кафедры “Методика преподавания физики и астраномии”, НавГПИ

Аннотация

В статье рассматривается на основе представлений об универсальном характере принципы симметрии и диссимметрии в молекулярным физики, рекомендуется три основных компонента при формированию научного мировоззрения в процессе обучения физики, проводиться сопоставительный примеры агрегатных состоянии веществ имеющей различной природы, сохранения их структуры и поведения, а также критериями возникновения качественно новых образований, условия возникновения самоорганизации и развития систем под влиянием симметрии и диссимметрии. Обусловлено, что любая геометрическая симметрия связана с движением и взаимодействием материальных объектов, а любая динамическая симметрия - со свойствами пространства и времени.

Ключевые слова: *научное мировоззрение, молекулярная система, симметрия, диссиметрия, сохранение, инвариантность, агрегатные состояния вещества, энтропия.*

В условиях экономических, социальных преобразований на нашей стране особое значение приобретают ценностные аспекты современной физики (использование солнечной, ветровой, атомной энергии, борьба с загрязнением атмосферы и решение других экологических проблем и т. д.), неизмеримо возрастают роль и ответственность представителей физической науки перед обществом. Особую роль в формировании научного мировоззрения учащихся занимает физика, так как она раскрывает наиболее общие законы природы и в ее содержании рассматриваются общефилософские категории (материя и движение, пространство и время, причина и следствие и др.) По этому, надо понимать, что научное мировоззрение обучающих может выступать только как результат всего учебно-воспитательного процесса в образовательных учреждениях.

Мировоззрения - это система обобщённых взглядов, представлений о мире и его закономерностях, об окружающих человека явлениях природы и общества. По своему содержание и направленности целостной мировоззрения может быть философский, научные, мифологические, религиозные. Следует сказать, что при анализе любого типа мировоззрения характеристика его взаимоотношения с научным знанием имеет большое значение, поскольку именно этим определяется степень научности, обоснованности каждой из возможных разновидностей мировоззрения[1].

Фундаментом мировоззрения является система обобщенных знаний, имея важным компонентом структуры личности и формируется под влиянием большого числа факторов практически на протяжении всей жизни человека. Проведенный анализ учебно-методических подходов (В.Г. Иванов, Г.М Голин, В.Ф. Ефименко, Дж. Туленов, В.Н. Мощанский, В.В. Мултановский, и др.) к формированию мировоззрения в процессе обучения физике позволил выделить три его основных компонента:

- формирование системы знаний об основных понятиях, законах и принципах физики, способствующих созданию представления о научной картине мира и процессу научного познания;
- формирование взглядов и убеждений, соответствующих диалектические пониманию природы и процесса ее познания;
- развития диалектического стиля мышления.

Одним из направлений деятельности учителя физики является сообщение знаний о основных понятиях, законах и принципах физики. К формированию научного мировоззрения существенный вклад вносит понятия симметрия и их принципы. Однако наиболее общий характер имеют принципы симметрии или инвариантности, которые пронизывают все современные физические теории.

В обучение физике важно учитывать и стимулировать стремление учащихся в процессе познания к восстановлению симметрии. Потому что идея симметрии в развитии физики определила путь к идеалу единой картины мира, так как изначальные смыслы понятия симметрии соответствуют законам физического мира, для которого характерны: порядок, гармония, ритм, сходство, подобие, соразмерность, согласование частей в целостной структуре. Есть все основания рассматривать понятие симметрии выражающие взаимосвязь целостной структуры познаваемой материи и принимается в качестве обсуждения основного вопроса философии в школьном курсе физики. О функции симметрии Дж. Ньюмен пишут: «Симметрия устанавливает забавное и удивительное сродство между предметами, явлениями и творениями, внешне казалось бы, ничем не связанными: земным магнетизмом, женской вуалью, поляризованным светом, естественным отбором, теорией групп, инвариантами и преобразованиями, рабочими привычками пчел в улье, строением пространства, рисунками ваз, квантовой механикой, лепестками цветов, интерференционной картиной рентгеновских лучей, делением клеток, равновесными конфигурациями кристаллов, снежинками, музыкой, теорией относительности…»[2, с.261].

В современной науке и философии симметрия означает кооперативное содружество, компромисс, альтернатива, инвариантность, фрактальность, а асимметрия рассматривается как противоположность выше указанным. В современной науке анализ процессов перехода из симметрии в асимметрию и наоборот, приводит к возникновению понятия диссимметрии и это понятия даёт возможность объективного познания закономерностей процессов приобразований противоположных сторон бытия[3, с.31].

Подчеркнём: инвариантность существует не сама по себе, не вообще, а лишь по отношению к определённым преобразованиям. С другой стороны, изменение (преобразование) представляют интерес постольку, поскольку что-то при этом сохраняется. Иными словами, без изменений (движении) не имеет смысла рассматривать сохранение (покой), равно как без сохранения исчезает интерес к изменениям. Симметрия выражает сохранение чего-то при каких-то изменениях или, иначе, сохранение чего-то несмотря на изменения. Таким образом, понятие симметрии основывается на диалектике сохранения (покоя) и изменения (движения).

В середине XIX в. наука обращается к принципам симметрии и сохранения как базовой основе законов физики. Так, закон сохранения и превращения энергии открывает Ю. Майер. Идею симметрии в концепции симметрии электрических и магнитных полей применил П. Кюри вне рамок физики кристаллов. Труды А. Эйнштейна, В. де Ситтера, А.А. Фридмана стали классическими в развитии физического познания. Принцип симметрии в настоящее время стал тем концептуальным средством, через которое обеспечивается единство законов квантового поведения материи и построение фундаментальной квантовой теории, открывающей глубинное смысловое единство всей природы.

В физике общепринято выделять две формы симметрии: геометрическую и динамическую.

Симметрии, выражающие свойство пространства и времени, относят к геометрической форме симметрии. Примерами геометрических симметрий являются: однородность пространства и времени, изотропность пространства, пространственная чётность, эквивалентность инерциальных систем отсчёта.

Симметрии, непосредственно не связанные со свойствами пространства и времени выражающие свойства определённых физических взаимодействий, относят к динамической форме симметрии. Примером динамической симметрии является симметрия электрического заряда.

Вообще говоря, к динамическим симметриям относят симметрии внутренних свойств объектов и процессов. Так что геометрические и динамические симметрии можно рассматривать как внешние и внутренние симметрии. Таким образом, любая геометрическая симметрия связанна с движением и взаимодействием материальных объектов, а любая динамическая симметрия - со свойствами пространства и времени.

Приведём ряд примеров геометрической симметрии. Предположим, что все электроны одного атома поменялись с электронами другого атома. Поскольку электроны тождественны (любой наугад выбранный электрон ничем не отличается от мириадов других электронов), то от обмена электронов никаких изменений в атомах не произойдёт. Это есть симметрия.

Возьмём известные всем со школьной скамьи агрегатные состояния вещества - твёрдые, жидкие, газообразные. Для определённости в качестве твёрдого вещества рассмотрим идеальный бесконечный кристалл. В нём существует определённая, так называемая дискретная симметрия относительно переноса. Это означает, что, если сдвинуть кристаллическую решётку на расстояние, равное интервалу между двумя атомами, в ней ничего не изменится - кристалл совпадет сам с собой. Если же кристалл расплавить, то симметрия получившейся из него жидкости будет иной: она возрастёт. В кристалле равноценными были только точки, удалённые друг от друга на определённые расстояния, так называемые узлы кристаллической решётки, в которых находились одинаковые атомы.

Жидкость же однородна по всему объёму, все её точки неотличимы одна от другой. Это означает, что жидкости можно смещаться на любые произвольное расстояния (а не только на какие-то дискретные, как в кристалле) или поворачиваться на любые произвольные углы (чего в кристаллах делать нельзя вообще) и она будет совпадать сама с собой. Степень её симметрии выше.

Газ ещё более симметричен: жидкость занимает определённый объём в сосуде и наблюдается асимметрия внутри сосуда, где жидкость есть, и точки, где её нет. Газ же занимает весь предоставленный ему объём, и в этом смысле все её точки неотличимы одна от другой. Всё же здесь было бы правильнее говорить не о точках, а о малых, но макроскопических элементах, потому что на микроскопическом уровне отличия всё-таки есть. В одних точках в данный момент времени имеются атомы или молекулы, а в других нет. Симметрия наблюдается только в среднем, либо по некоторым макроскопическим параметра объёма, либо по времени. Но мгновенной симметрии на микроскопическом уровне здесь по-прежнему ещё нет. Если же вещество сжимать очень сильно, до давлений которые в обиходе недопустимы, сжимать так, что атомы были раздавлены, их оболочки проникли друг в друга, а ядра начали соприкасаться, возникает симметрия и на микроскопическом уровне. Все ядра одинаковы и прижаты друг к другу, нет не только межатомных, но и межъядерных расстояний и вещество становится однородным.

Но, есть ещё субмикроскопический уровень. Ядра состоят из протонов и нейтронов, которые как двигается внутри ядра. Между ними тоже есть какое-то пространство. Если продолжать сжимать так, что будут раздавлены и ядра, нуклоны плотно прижмутся друг к другу. Тогда и на субмикроскопическом уровне появится симметрия, которой нет даже внутри обычных ядер. Именно в этом состоянии вещество находится внутри так называемых нейтронных звёзд. Из сказанного можно усмотреть вполне определённую тенденцию: чем выше температура и больше давление, тем более симметричным становится вещество. Эта тенденция оказалась чрезвычайно общим законом.

При полной и вполне однозначной определенности законов и неопределенности начальных и граничных условий мы получаем весь разнообразный спектр физических явлений и процессов. Однако наиболее общий характер имеют принципы симметрии или инвариантности, которые пронизывают все современные физические теории. Симметрия является фундаментальным методологическим принципом научного и, особенно, физического познания, понятийной формой философского способа мышления. Поэтому философско-методологическое осмысление становления и развития принципа симметрии в контексте развития науки, философии и, в целом, всей духовной культуры, выявление его роли в эволюции научных представлений, формировании научных теорий, синтезе научных знаний имеет первостепенное значение[4].

Между симметрией и ее отрицанием – асимметрией, есть важное понятие – диссимметрия. Помимо диалектики диссимметрия соотносится с синергетикой. Данное соотношение выражается как в причастности диссимметрического развития к равновесным и неравновесным состояниям системы (рассматриваемым в синергетике), так и в явном проявлении диссимметрии, обнаруживающемся в основных положениях синергетической парадигмы [5, с.182-187]. В связи с мировоззренческом аспектом обращает на себя внимание конгруэнтность еще одного мировоззренческого вывода, свойственного синергетическим построениям и построениям на основе диссимметрии. Обе точки зрения признают материальное единство мира на его различных структурных уровнях. И если в синергетике в этой связи

делается акцент на представлении о Вселенной как о “целостной системе” (Н.Н. Моисов), то взгляд на данную проблему с позиций диссимметрии был выражен еще Луи Пастером, и впервые вводя в научный оборот понятие “диссимметрия” рассматривавшим мир как “диссимметрический ансамбль”, объясняя это тем, что «…свойства определенных фигур не совмещаются простым наложением со своим зеркальным изображением» [6, с. 383]. Продолжая теорию Л. Пастера, П. Кюри в логике своих научных изысканий о влиянии окружающей среды на находящиеся в ней тела, определил, что, «…у них сохраняются преимущественно те элементы собственной симметрии, которые совпадают с симметрией среды». Согласно принципу диалектического единства симметрии и диссиметрии, всякому живому объекту присуща та или иная форма этого единства [7, с. 74].

Еще В. И. Вернадским было отмечено, что «в мире есть диссимметрия, проявляющаяся в существовании в нем энтропии» [8, с. 350]. С позиций диссимметрической концепции трансформации энтропия есть мера степени диссимметризации системы, [9, с. 114] т.е. рость энтропии в системе зависит от степени ее диссимметризации.

Сегодня в литературе встречается по меньшей мере четыре формы энтропии:

Во-первых, энтропия как мера неопределенности состояния любой вполне упорядоченной физической системы, или поведения любой системы, включая живые и неживые объекты и их функции. Физическая энтропия является мерой энергетической упорядоченности объекта и представляет собой функцию от числа их возможных состояний. Любое повышение упорядоченности объектов ведет к снижению их совокупной энтропии, и наоборот.

Во-вторых, термодинамическая энтропия микрочастиц, или молекулярного (микроскопического) множества. Термодинамическая энтропия есть мера неупорядоченности (или беспорядка) микрочастиц, то энтропия в широком смысле — мера неупорядоченности (или беспорядка) объекта по любым признакам. Величина энтропии измеряет степень гомогенности структуры объекта, имеет размерность единицы энтропия –Джоуль на Кельвин (система СИ).

В-третьих, информационная энтропия, или неопределенность информации, т.е. сведений о некоторой информационной системе, имеет размерность единицы времени (секунды).

В-четвертых, энтропия, или неопределенность поведения, любой не вполне упорядоченной системы вплоть до макроскопических множеств. Например, биологическая, политическая, экологическая, социальная, историческая и т.д.

Физическая и термодинамическая энтропии и информационная энтропия системы принципиально различны. Если физическая и термодинамическая энтропии для замкнутых систем со временем не уменьшается, а растет в соответствии со вторым началом термодинамики, то информационная энтропия со временем может не увеличиваться, а уменьшаться для любых систем [10, с.18].

История науки показывает, что симметрия и диссимметрия позволяет объяснить многие явления и предсказать существование новых свойств Природы. При этом следует учитывать тот факт, что «между симметрией кристаллических многогранников и симметрией живых организмов существует коренное, глубокое различие. В первом случае мы имеем дело с выражением атомной структуры твёрдого вещества, во втором – со стремлением к организованности живого вещества, обособленно и раздельно существующего в чуждой ему косной среде биосферы» [11, с.58].

Принципы симметрии позволяют открывать новые законы и в этом смысле являются корреляциями между законами. «Если законы управляют явлениями, то принцип симметрии управляет законами» [12, с.39]

Список литературы

1. Bekpulatov U. R. Physical style of thinking - methodological basis for the formation of a scientific worldview. ISJ Theoretical & Applied Science, 2020. 09 (89). 200 с.
2. Шубников А.В, Копцик А.В. Симметрия в науке и искусстве. Изд. “Наука”. М. 1972. 339с.
3. Бекпулатов У.Р. Симметрия и асимметрия (современный философский анализ) автореферат дисс.на соис. уч. степ.доктора философии (PhD). Самарканд, 2018. 40 с., samdu.uz
4. Абдулкадыров Ю.Н. Роль принципа симметрии в научном познании. Автореферат. Диссертации доктора философских наук. М., 1997. http://www.dissercat.com.
5. Голубева Н.А. Диссимметрические признаки синергетической парадигмы //Материалы Всерос. научно-технической конференции. Т.3. М.; Изд. МГТУ им. Н.Е. Баумана, 2008. 367с.
6. Пастер Луи. Избранные труды: в 2т. М.: АН СССР, 1960. - 836 с.
7. Урусов В.С. Симметрия-диссимметрия в эволюции Мира: от рождения вселенной до развития жизни на земле № 67, URSS. 2013. 266 с.
8. Вернадский В. И. «Всегда в такие времена менялась картина мира». // В. Вернадский: Жизнеописание. Избр. труды. М.: Современник», 1993.
9. Голубева Н.А. Диссимметрическая концепция трансформации: онтологическое содержание: Дисс. д-ра филос.наук. – Волгоград, 2014. – 322 с.

10. Прангишвили, И. В. Энтропийные и другие системные закономерности: вопросы управления сложными системами. - Москва: Наука, 2003. – 426 с
11. Бекпулатов У.Р. Симметрия в прошлой и современной науке. Монография. LAP LAMBERT Academic Publishing. Deutschland. 2017.-108 с.
12. Голин Г.М. Вопросы методологии физики в курсе средней школы. – Москва. «Просвещение». 1987. –127с.

ФОРМИРОВАНИЕ СИНЕРГЕТИЧЕСКОГО СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЫ

У.Р. Бекпулатов, М.Б. Исламова
Навоийский государственный педагогический институт

Аннотация

В статье сравниваются особенности традиционного и инновационного методы обучения и анализируются причины сложившейся проблемы в подготовке кадров. Рассматривается прослеживаемые тенденции мировой педагогической практике на вооружение учащихся не только конкретными знаниями по отдельным предметам, но и комплексом умений, в том числе интеллектуальных. Рекомендовано концепция формирования синергетического стиля мышления и современного научного мировоззрения будущего учителя и обучающихся соответствующих новым условиям и потребностям общества.

Ключевые слова: *методика преподавания, традиционный метод, инновационный метод, синергетический стиль мышления, логическое мышление, процесс обучения, методы обучения, познания.*

Подготовка кадров с необходимым набором поведенческих представлений и знаний является решающим фактором в сохранении национальных традиций и развитии достигнутых успехов в обществе в целом. Начиная с элементарных ячеек, которыми являются отдельно взятые семьи, и на более высоких структурных уровнях общества в зависимости от поставленной цели формируется поведение и мировоззренческое мышление грядущих поколений. Поэтому качество подготовки кадров является гарантом стабильности и развития каждого отдельно взятого общества или государства.

В конце XX и начале XXI веков возник ряд проблем в подготовке кадров. Прежде всего, это связано со скачкообразным увеличением объема и качества информации, которые затрагивает основу прежних устоявшихся представлений в обществе. Оно оказалось недостаточно готовым, чтобы найти связи между всеми этими информационными потоками. Причиной тому является недостаточная подготовленность к системному мышлению современного человека. В результате чего, оказались непригодными многие положения в мировоззренческом мышлении сознательных людей, особенно подрастающего поколения. Выяснилось, что человечество еще не подготовлено к восприятию и обработке потока информации и это оказывает угнетающее влияние на сознание людей. Практически они оказались в растерянности, ибо многие знания, которым учили их в процессе воспитания с младенчества, оказались неспособными объяснить многие явления, которыми их обеспечивают различные каналы информации. В некоторых случаях возникают размышления о том, зачем нужно было получать столько много знаний, если они оказались бессильными объяснить эти явления.

Подытоживая сложившуюся ситуацию можно сказать, что человечество оказалось в кажущемся безвыходном положении в обработке огромного потока информации, и поиске связи между всеми этими явлениями, процессами. При этом в наиболее уязвимом положении оказалось молодое поколение человечества. Это привело к хаотическому поведению молодежи, податливости к различного родам учениям, фундаментально противоречащим целям государства и общества.

Причиной сложившейся проблемы в подготовке кадров, в первую очередь являются имеющиеся пробелы в фундаментальной науке. Ибо на основе законов фундаментальной науки формируются основные положения других наук, в том числе гуманитарных. Возникает естественный вопрос, какие упущения в фундаментальной науке привели к подобным негативным явлениям в мировой цивилизации?

Известно, что в мировой цивилизации в мировоззренческом понимании господствуют два направления философии: западная и восточная. Основой западной философии, научные основы которой были заложены Р. Декартом и Г.Галилеем, является господство хаоса в мире. Это понятие впоследствии было воспринято западным обществом и воспринимается как индивидуализм. Т.е., отдельно взятая личность или человек не обязан учитывать в своем поведении интересы общества или других людей. Согласно научное мировоззрение предложенное Декартом и Галилеем, хотя и привело к развитию техники и технологии, является причиной различного рода катастроф в человеческом обществе[1]. В восточной философии несколько превалируют элементы системного мышления, согласно которому каждый человек, независимо от своего положения в обществе обязан учесть интересы других и в зависимости от этого формировать свое поведенческое мышление.

В мире происходит активный обмен образовательными ресурсами: теперь за короткое время, не выходя из дома, можно получить большой объем информации для обогащения знаниями. Последние оказывают содействие в формировании современного научного мировоззрения будущего учителя, способной ориентироваться в увеличивающемся потоке учебной информации. Информационный взрыв породил множества проблем, одной из которых является проблема в обучении: традиционные методы обучения исчерпали свои возможности, на их смену приходят интерактивные методы. Иначе говоря, сегодня образовательная парадигма представляет собой многоаспектный комплексный феномен, в котором, по идее, традиционный образование взаимодействует с инновационным. Если в традиционном обучении внимание акцентировалось на запоминании и воспроизведении информации, то в новых условиях возникла необходимость развития творческого (продуктивного) мышления студента, формирование его коммуникативных умений и практической подготовки к активной жизнедеятельности в постоянно меняющемся социальной среде. Иначе говоря, в традиционном обучения основном ориентирован на количественное увеличение знания, то инновационный подход (не отрицая роли количества знание) акцентирует внимание на умении его использовать в процесс самостоятельного решения проблем [2, с.65-72].

Поэтому учителя наряду с традиционной методикой ведения уроков активно берут на вооружение новые инновационные технологии. В мировой педагогической практике четко прослеживается тенденция на “вооружение учащихся не только конкретными знаниями по отдельным предметам, но и комплексом умений, в том числе интеллектуальных”. Одна из концепций, соответствующих новым условиям и потребностям общества – концепция инновационные обучения.

Инновационные обучение направлено на формирование из ученика личности, его цель – развитие ученика, в частности интеллекта. Основа этого процесса – его самостоятельная познавательная деятельность.

Для того, чтобы лучше представить себе её и сознать отличие от обычное обучение, рассмотрим таблицу:

Сравнительная характеристика традиционного и инновационного обучения

Характеристика системы	**Традиционного обучения**	**Инновационного обучения**
Цель обучения	Передача знаний, умений, назыков	Развитие способностей
Интегративное название	Школа памяти	Школа мышления, педагогика открытий
Главный девиз педагога	Делай как я	Думай как я
Кредо педагога	Я – над вами	Я – вместе с вами
Роль учителя	Носитель информации, пропагандист знаний, хранитель норм и традиций	Организатор деятельности учеников и сотрудничество, консультант, управляющий учебным процессом
Функция педагога	Сообщение знаний	Выращивание человека
Стиль преподавания	Авторитарньй	Демократический
Стиль взаимодействия учетеля и ученика	Монологический (со стороны учителя)	Диалогический
Преобладающий метод преподавания	Фронтальный, групповой	Проблемно- поисковый
Формы организации занятий	Слушание, участие в беседе, заучивание, репродукция, работа по алгоритму	Самостоятельная, поисковая, познавательная, творческая деятелность разного вида.
Время урока на самостоятельную работу учащихся по сравнению с отводимым на изложении материала педагогом	Много меньше	Сопоставимо

Позиция ученика	Пассивная, при отсутствии интереса	Активная, инициативная при наличии интереса
Матев к учению	Создается эпизодически	Создается всегда и целенаправленно
Психологический климат урока	Формируется изредка, подчас стихийно	Формируется всегда и целенаправленно

Анализ таблицы показывает, что общего у этих двух педагогических систем не так уж много, а различия существенны. Во многом инновационного педагогика – “педагогика открытий” - выигрывает.

Здесь изменяется и роль учителя в образовательном процессе. Современная задача преподавателя – направить образовательный процесс в нужное русло, дать ссылки на качественные ресурсы и проследить за пониманием аудиторией материала помочь каждому в его освоении. И, это, во многом зависит от уровня подготовки педагогических кадров в системе высшего образования.

Поиски методов преподавания удовлетворяющих современным требованиям научности и высокоэффективных в педагогическим плане, заставляют преподавателя обращаться к теоретическому обоснованию методов обучения, иными словами, к общим методологическим проблемам преподавания. Все более чётко осознаётся, что методика преподавания той или иной частной дисциплины или её раздела должна основываться не только достижениях общей методологии наук и логики научного исследования. Реализация задач философского познания связана, в частности, с готовности мышления человека решать проблемные задачи. К сожалению, сегодняшняя ситуация, складывающаяся в образовании, показывает нам наличие принципиального разрыва преемственности формирования такого типа мышления. Современные ведущими методами преподавания в развивающей модели обучения являются проблемное изложения материала, частично-поисковый, исследовательский методы продуктивной деятельности учащихся. Его характерная черта – реализация идеи “обучение через открытие”. Рамках этого подхода обучающее должен сам открыть явление, закон, закономерность, свойства, способ решения задач, не известные ему ранее. В этом процессе мышление человека переходит от изучения статики к динамике, от изучения структуры, строения объектов к изучению возникновения структур. «Сложность окружающего нас мира безостановочно возрастает, а вместе с этим возрастает и необходимость понять, от чего зависит поведение комплексных систем» [3, с. 26].

Творческое мышление, начинаясь с вопроса или проблемы, активизирует познавательную деятельность и моделирует процесс мышления человека. Эффект обучения при разрешении проблем обусловлен возникновением у обучающихся потребности в новых знаниях, целеполагании и цели осуществлении в процессе поиска недостающего знания, которое позволяет перевести проблему в задачу или ряд задач и найти способы их решения. В таком случае сама учебная деятельность провоцирует включение продуктивного мышления и наполняется личностным, гуманистическим смыслом [4, с. 170-171].

Из выше изложенного можно сказать, что обучение системному мышлению подрастающего поколения является решающим фактором для выхода человечества из любой кризисной ситуации, в том числе проблемы подготовке кадров. Достижения этих глобальных задач можно реализовать путем формирования реального представления о строении Вселенной господствующий именно системная связь на всех уровнях структуры материи, которое позволило бы с единой точки зрения объяснить все явления, процессы в живой и неживой природе. Реализации этих задач можно достичь формированием системного мышления в подготовке кадров. Формирование системного мышления требует использования синергетических принципов в непрерывном образовательном процессе. При этом немаловажную роль играет использование принципов синергетики в процессе формирования прагматизма в образовании [5, с.100].

Необходимо добавить, что в юношеском возрасте завершается формирование когнитивных процессов и, прежде всего, мышления. В эти годы мысль окончательно соединяется со словом, в результате чего образуется внутренняя речь как основное средство организации мышления и регуляции других познавательных процессов. Интеллект в своих высших проявлениях становится речевым, а речь интеллектуализированной. Возникает полноценное теоретическое мышление [6, с. 302]. Практика показывает, что большинство современных студентов не умеют грамотно оформлять свою мысль в речевой форме, затрудняются даже в простейших формулировках. Они не могут связать теоретические знания с практическими, не могут привести элементарные примеры из жизни, подтверждающие изучаемые закономерности. Эта проблема также является следствием ориентированности среднего образования на формирование задачного типа мышления.

Все более становится ясным, что современное научное мировоззрение не соответствует реальной картине мира и привело к кризису научного мышления. Наши исследования показали, что для

формирования реального представления о строении Вселенной предстоит коренным образом пересмотреть основу сложившегося мировоззрения. Современный концепции о строении Вселенной предполагается переосмысление основных положений современной физики. Такая задача может быть реализована при использовании принципов синергетики, где основным элементом является формирование иерархии энергетических структур или систем. Это означает, что основой концепции является реализация системного взаимодействия между всеми иерархическими уровнями синергетических структур материи и общества. Поэтому формирование системного мышления в процессе подготовки кадров позволяет им приобрести способность найти логическую связь между всеми явлениями происходящими в окружающем нас пространстве и в обществе. Отсюда следует, что обучение системному мышлению является одним из реальных методов подготовки кадров обладающих необходимыми качествами в современном мире, от которых требуется обрабатывать огромный поток информации и найти сущность и логическую связь между всеми явлениями и процессами в окружающем нас мире и в обществе.

Список литературы

1. Капра Фритьоф. Дао физики. – К.: «София», М.: ИД «Гелиос», 2002. – 352 с.
2. Филатова М., Волкова Л. Социальные компетенции и современное образование // Высшее образование в России. - № 11. -2007.
3. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика учения о взаимодействие. – М.; Ижевск., 2003.
4. Введенская Е.В. Проблема трансформации мышления современного человека. – В сб. «Философские проблемы биологии и медицины», вып. 5 – М., 2011.
5. Э. Шерматов, У. Бекпулатов О необходимости формирования синергетического мышления для решения глобальных проблем//Концепция глобализации и гуманизма: основные мотивы и идеи. Республиканская научно-практическая конференция. Андижан-2014. – 451 с.
6. Немов Р.С. Психология. Учеб.для студентов высш. пед. учеб. заведений. В 2 кн. http//www.ozhegov.org/words/6430.shtml.

BUYUK OLIM UMAR HAYYOM VA UNING TARIXIY-ILMIY MEROSI

G.A.Yunusova, mustaqil tadqiqotchi
Buxoro davlat tibbiyot instituti

Annotatsiya

Ushbu maqolada buyuk olim va shoir Umar Hayyomning yashab ijod etgan davri, uning ilmiy izlanishlari haqida fir yuritirgan. Shuningdek, Hayyomning olim va shoir sifatidagi faoliyati tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: *Umar Hayyom, olim, shoir, ruboiy, risola,astronomiya, matematika.*

Umar Hayyomning olim va shoir sifatidagi yo‘li Sharqda tan olingan ilmiy markaz bo‘lgan Samarqandda boshlandi. Uning matematika va astronomiya sohasidagi bilimlari shahar donishmandlarini shu qadar hayratda qoldirganki, Umar Hayyom u yerda darhol ustozga aylandi. Hayyomning birinchi ilmiy ishining yozilishi xuddi o‘sha davrga tegishli bo‘lib, afsuski hozirgi kunga qadar yetib kelmagan. Ba'zi manbalarda bu asar "Arifmetik muammolar" deb nomlangan. Oradan to‘rt yil o‘tgach, Hayyom Buxoroga ko‘chib keladi va u yerda 10 yil davomida kitoblar omborida ishlaydi. Uning hayotidagi bu davr eng samarali davrlardan biri bo‘lgan.

Buxoroda Umar Hayyom to‘rtta matematik risola yozgan. Umar Hayyomning ushbu asarlarini chuqur tahlil qilib shuni aytish mumkinki, olim olim o‘z zamonasining mutafakkirlaridan ko‘ra ancha oldinda bo‘lgan. Olim kvadrat tenglamalarni yechishning algebraik usuli va kubiklarni yechishning geometrik usulini taqdim etdi. U dastlab algebra haqida fan sifatida gapirib, uning vazifasi noma'lum miqdorlarni aniqlash ekanligini ta'kidlaydi. Umar Hayyom geometriyada katta yutuqlarga erishdi. Olim o‘zining "Evklid" kitobini kiritishdagi qiyinchiliklarga sharhlar "risolasida Riman va Lobachevskiy geometriyalarining birinchi teoremalarini isbotladi.

O‘sha davrda olimlar va donishmandlar erkin odamlar edilar. Ular shaharlardan shaharlarga aylanib, ilmni muhtojlarga yetkazishardi. Odatda, hukmdorlar ularga homiylik qilishgan. Boshqa hukmdorlar va ularning bo‘ysunuvchilari oldida munosib ko‘rinishga harakat qilib, ular o‘zlarini olimlar bilan o‘rab olishgan.

Buxoroda Umar Hayyom Nizom al-Mulk saroyida bo‘lgan. Keyinchalik, Buyuk Saljuqiylar imperiyasi Eron hududida o‘z o‘rnini topgach, Hayyom Isfahon shahridagi qudratli Sulton Malik Shohning hovlisiga taklif qilindi. Bu yerda u 20 yilni o‘tkazdi, ushbu davrning kata qismi davomida olim ulkan rasadxonani boshqargan. Bu orada Sulton Hayyomga yangi taqvim tuzishni buyurdi, chunki zardushtiylarning na oy, na quyosh taqvimidan amalda foydalanib bo‘lmas edi. 5 yildan so‘ng, olim bir guruh astronomlar bilan birgalikda "Malikshoh xronologiyasi" deb nomlangan yangi taqvim ishlab chiqib, ajoyib natijalarga erishdi. Uning o‘ziga xosligi shundaki, u zamonaviy Gregorian taqvimidan yetti soniya aniqroq edi.

Umar Hayyom astronomiya va matematikadan tashqari falsafa, tarix, filologiya bo‘yicha asarlar yozgan. U arab tili va adabiyotini mukammal bilgan, davolash bilan shug'ullangan va musiqani professional tarzda o‘rgangan. Hayyom mahorat bilan ruboiylar yozgan, ularning keng tarqalishi 19-asrda uning shaxsiyatida qiziqish uyg'otdi. Isfaxondagi 20 yillik faoliyati davomida Umar Hayyom Sharqning eng buyuk allomalaridan biriga aylandi.

XIX asrda yashagan ingliz shoiri Edvard Fitzjerald Umar Hayyom ruboiylarini avval lotin tiliga, so‘ng ingliz tiliga tarjima qildi. Yigirmanchi asrning boshlarida esa Umar Hayyom ruboiylari nihoyatda mashhurlikka erishdi. Ushbu ruboiylar Hayyomning shaxsiyatiga qiziqish uyg'otdi va Hayyom endi buyuk olim va shoir sifatida qayta kashf etildi. Biroq, uning ilmiy yutuqlari hali ko‘p odamlar uchun noma'lum. Ammo purma’no ruboiylar hali hanuz o‘z dolzardbligini yo‘qotgani yo‘q.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Омар Хайям. Трактаты. – Москва, 1961.
2. The sufistic quatrains of Omar Khayyam. – M.Walter Dunne Publisher,1901.
3. Парамахамса Йогананда. Вино мистики. Духовный взгляд на “Рубайят” Омара Хайяма. 2003.
4. Проблемы востоковедения: Великий ученый Омар Хайям и его труды : (к 965 - летию со дня рождения).N. 1 (59) /2013, С.А. Эркаев
5. Yunusova, G.A. (2020). Umar Hayyomning ta’lim tarbiya borasidagi ilmiy va falsafiy qarashlari. International scientific online conference, May 27, 2020, pp.282-283.
7. Yunusova, G.A. (2020). General Virtues of Umar Khayyam’s philosophical views.-*International Scientific Journal of Theoretical and Applied Science*, Volume: 85, Issue 05.28.05.2020, pp.328-332.

RAQAMLARNING MAVJUDLIGI: FALSAFIY NUQTAI NAZARDAN

M.A.Sadullayeva, mustaqil tadqiqotchi
Buxoro davlat tibbiyot instituti

Annotatsiya

Maqolaning asosiy mavzusi raqamning mavjudligi. Raqamlar borligi masalasi, asosan, falsafaning ontologik jihatiga oid savolga javob berish.

Raqamlarning mavjudligi bilan bog'liq quyidagi asosiy savollar mavjud:

- Raqam nima?
- Raqamlar qayerda? (Ular qayerdan kelgan?)
- Raqamlar haqiqiy mavjudlikka egami? (Raqamlar qanday mavjud?)

Shuningdek, raqamlar simvolizmi va tarixi, hamda ba’zi raqamlarning muqaddaslashtirilganligi sabablari va mohiyati muhoma qilinadi.

Kalit so‘zlar: raqam, Pifagor, kertiklash usuli, bir, ikki, uch, to‘rt.

Raqam qadimgi zamonlarda rivojlangan va asrlar davomida kengayib borgan matematikaning asosiy tushunchalaridan biridir. Raqam matematikada shunchalik keng tarqalganki, ko‘plab xalqlar uchun bu raqam matematikaning sinonimidir. Sanskrit va nepal tillarida "Ganita" atamasi etimologik ma'nosi hisoblash fani bo‘lgan matematikani ifodalash uchun ishlatiladi. Hindu matematikasi tarixiga ko‘ra, Ganita raqamlar va hisoblash haqidagi fan. Raqam asrlar davomida kengayish va umumlashtirishni boshidan kechirganligi sabab, Jorj Kantorning hissasi tufayli sonli hisoblanadigan sonlardan kardinallik chizig'i bo‘ylab sezilarli cheksiz va hisoblanmaydigan cheksizgacha kengaygan. Boshqa tomondan, son raqamlarni hisoblashdan ratsional, mantiqsiz va murakkab sonlarga qadar kengaygan[63].

Ba'zi raqamlar xalq og'zaki ijodida bo‘lgani kabi, ko‘pgina xalqlarda madaniy element sifatida ham alohida ma'nolar kasb etganligi aniqlangan. Ushbu raqamlar ma'nosiga ko‘ra muqaddas hisoblanadi.

Muqaddas deb hisoblangan maxsus raqamlar orasida "uch", "to‘rt", "yetti", "to‘qqiz", "qirq" keng tarqalgan. Ushbu raqamlar tarixi mifologik davrga borib taqaladi va turli madaniyatlarda topilgan bo‘lib, asrlar davomida turli e'tiqodlarda ifodalangan. Raqamlarga berilgan maxfiy ma'nolar raqamli simvolizm va raqamli tasavvufni shakllantirgan.

Bu ko‘plab sohalarda aks etadi; adabiyotdan folklorgacha, me'morchilikdan musiqaga, sehrli amaliyotlardan diniy qarashlar va diniy tizimlargacha. Tarix davomida matematiklar, faylasuflar raqamli simvolizm va turli g'oyalar borasida ko‘p tadqiqotlar o‘tkazdilar. "Raqam" atamasi ko‘plab madaniyatlarda va dinlarda Pifagorizm ta'siri ostida sistematik bo‘lib qoldi va muqaddas matnlarni raqamli qiymatlar bilan talqin qilish orqali kelajakni bashorat qilish kabi rivojlangan o‘lchovlarga erishdi.

[63] Data, B. B. and Singh, A. N. (1938). *History of Hindu Mathematics.* Nagari Publication, Varanasi

Insonning raqamlarga ma'no berish orqali raqamlar simvolizmini yaratishi raqamlarni hayotda, urf-odatlarda va diniy tizimlarda, ba'zi amaliyotlarda muhim ahamiyatli qilib qo‘ydi. Insoniyat ma'nolarni raqamlarga bog'lashgan va shu ma'nolar doirasida o‘z hayotlarini rejalashtirishgan. Kundalik hayotga tegishli turli xil faoliyat turlari, to‘y marosimlaridan tortib diniy marosimlarda, tug'ilish marosimlarida va motamda; turli xil e'tiqodlarga ko‘ra raqamlar ma'lum sharoitlarda omad yoki aksincha baxtsizlik keltirishi mumkin deb taxmin qilingan.

Inson, ijtimoiy mavjudot sifatida, vaqtni va kundalik hayotning boshqa ehtiyojlarini o‘lchash kabi ko‘p jihatlarga muhtoj edi; buning natijasida har bir tsivilizatsiya hisoblash texnikasini ishlab chiqdi.

Qadim zamonlardan buyon insoniyat olovni kashf etilganidan buyon raqamlarni saqlash usuli topilgan. Kertiklash usuli - tosh davriga qaytadi. Suyaklar, yog'och yoki tosh parchalariga kertik qo‘yish insoniyatning eng qadimgi kashfiyotlaridan biri sifatida sanalgan. Suyaklarni sanashni taxminan 30000 yil oldin bo‘lganligini tasdiqlovchi dalillar topilgan. Kertiklash usuli keyinchalik metall mahsulotlariga ishlov berishga moslashtitilgan[64].

Pifagorizm va pifagoreyshunoslar raqamli simvolizm tarixida alohida o‘rin tutadi. Ko‘pgina madaniyatlarda raqamlarning sirli va sehrli xususiyatlari to‘g'risida e'tiqodlar mavjud ham, bu borada eng tizimli va falsafiy fikrlar Pifagoristlar tomonidan ilgari surilgan. Pifagor an'analari doktrinasiga ko‘ra, Xudo raqamlarni bir qator belgilar sifatida yaratgan va ularning har biri o‘zgacha xarakterga ega bo‘lgan. Raqamlar Monad, Duad, Triad, Tetrad, Pentad, Heksad, Heptad, Ogdoad, Ennead va Dekad kabi tartib va belgilar bilan ko‘rsatilgan. Geptad deb nomlangan yetti raqami Pifagor fikricha katta ahamiyatga ega bo‘lgan. Uyg'unlikni anglatuvchi muqaddas Triad va Tetradani birlashtirishdan iborat Geptad, ilohiy evolyutsiya va to‘rtburchak ustidagi uchburchaklardan yasalgan piramidaning ramzi bo‘lib, yetti raqamining ramzi hisoblangan. Pifagorchilar Misr ta'sirida bo‘lgan va piramidalar haqida tushuntirish bergan deb o‘ylash mumkin. Yetti raqami aql, yorug'lik va kuchning ramzi deb hisoblangan. Borliq raqamlardan iborat degan fikrni qo‘llab quvvatlagan musiqada ham yettita nota mavjuddur. Pifagorchilar musiqiy notalar yetti sayyoraga to‘g'ri keladi va sayyoralar harakatlanayotganda yangraydigan tovushga ishonganlar[65]. O‘sha davrda ma'lum bo‘lgan sayyoralar soni yettita bo‘laganligi, bu raqam ham muhim son hisoblanganligidan dalolat beradi.

Pifagoriya raqamga sig'inishni haddan tashqari ulug'lashgan. Ular raqamlarga alohida tushuncha berishgan:

Ularning fikriga ko‘ra, bir raqam - bu raqamlarning generatori va sababning sonidir; ikki raqami birinchi juft yoki ayol raqami, fikr-mulohaza soni; uch - birinchi haqiqiy erkak soni, birlik va xilma-xillikdan iborat bo‘lgan uyg'unlik soni; to‘rt - bu hisob-kitoblarning kvadratikligini ko‘rsatadigan adolat yoki intiqom raqami; besh - nikoh raqami, birinchi haqiqiy erkak va ayol raqamlarining birlashmasi; va olti - bu yaratish soni. Har bir raqam o‘z navbatida o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lgan. Ular orasida eng muqaddas raqam o‘n raqam yoki tetraktis edi, chunki u borliq sonini, shu jumladan barcha mumkin bo‘lgan geometrik o‘lchamlarning yig'indisini ifodalaydi[66].

Raqamlar har doim insoniyatning ilk davridanoq mavjud bo‘lgan. Tadqiqotlar raqam tushunchasi qadimgi ekanligini ko‘rsatadi, chunki u eng qadimgi tillarning paydo bo‘lishi va tarqalishi davrlariga to‘g'ri keladi. Eng qadimgi davrlardan insoniyat raqamlarga yashirin, mistik va metafizik ma'nolarni ma'nolarni mujassamlashtirganlar. Ko‘plab tadqiqotlarga qaramay, raqamlar sehrli va sirli qirralarini kashf etish hali hamon davom etmoqda.

Adabiyotlar

1. Boyer, C. B. and Merzbach, C. *A History of Mathematics*, Newyork: John Wiley & Sons, INC, USA. 1991
2. Data, B. B. and Singh, A. N. (1938). *History of Hindu Mathematics.* Nagari Publication, Varanasi
3. Denis Guedj, Sayılar İmparatorluğu, Çev. Ömer Aygün, Yapı Kredi Yayınları, 1. Baskı, İstanbul, 2007, 16
4. Shimmel, Annemari, "Raqamlar sirlari", Trans. Mustafo Kupuşoğlu, Kabalcı nashriyoti, Istanbul, 2011.
5. Matluba Sadullaeva. Philosophy of Numerical Symbolism in World’s Culture. Published in International Journal of Trend in Scientific Research and Development (ijtsrd), ISSN: 2456-6470, Volume-4 | Issue-5, August 2020.

[64] Denis Guedj, **Sayılar İmparatorluğu**, Çev. Ömer Aygün, Yapı Kredi Yayınları, 1. Baskı, İstanbul, 2007, 16

[65] Shimmel, Annemari, "Raqamlar sirlari", Trans. Mustafo Kupuşoğlu, Kabalcı nashriyoti, Istanbul, 2011.

[66] Boyer, C. B. and Merzbach, C. *A History of Mathematics*, Newyork: John Wiley & Sons, INC, USA. 1991.

AL-XORAZMIYNING MATEMATIKA FANI TARIXIDA TUTGAN O‘RNI VA ASARLARINING ILMIY AHAMIYATI

F.Qobilova - Navoiy shahar 16-AFCHO‘M matematika fani o‘qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada buyuk alloma al-Xorazmiyning ilmiy bilimlari keyingi fan taraqqiyoti uchun muhim pog‘ona vazifasini o‘taganligi hamda matematikani fundamental yangiliklar bilan boyitgani haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: *“Algoritm”, “Surat al - Arz”, “Kitob amal bil - asturlobot”, tenglamalar mohiyati, fan taraqqiyoti, fundamental yangiliklar.*

Jahon ilmiy jamoatchiligi e’tirof etayotgan asosiy ijtimoiy voqeliklardan biri ilm-fan tamadduniga betakror hissa qo‘shgan Markaziy Osiyolik olim-u mutafakkirlarning ma’naviy merosi hisoblanadi. Jamiyat taraqqiyoti va farovonligiga xizmat qiluvchi konstruktiv g‘oyalarni o‘zida jamlagan mutafakkirlar ilmiy merosi umumbashariyatning ijtimoiy qiyofasini ochib berishda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. “Markaziy Osiyo Sharq Uyg‘onish davrining ko‘plab yorqin namoyondalarining islom va jahon sivilizatsiyasiga qo‘shgan bebaho hissasi”[67] zamonaviy shaxs dunyoqarashini shakllantirishda, yosh avlodni ajdodlar merosiga hurmat ruhida tarbiyalash, ularda mas’uliyat tuyg‘usini shakllantirishda namoyon bo‘lmoqda. O‘rta Osiyolik buyuk siymolar ilm-fan, adabiyot, islom dini, axloq odob, davlatchilik, iqtisodiyot, siyosat sohalaridagi ilg‘or fikr-g‘oyalari uchun ajdodlar tomonidan zo‘r hurmat va iftixor bilan tilga olinib kelinadilar. Shu buyuk siymolardan biri Muhammad al-Xorazmiy (783-Xiva, 850-Bag‘dod) dastlabki ma’lumotni Xiva shahrida olgan va yetuk olim bo‘lib shakllangan.

Xorazmiy dunyo ilm-faniga g‘oyat katta hissa qo‘shgan. U algebra fanining asoschisi hisoblanadi. “Algebra” so‘zining o‘zi esa uning “Kitob muxtasar min hisob al-jabr val-muqobala” asari nomidan olingan.

Uning arifmetika risolasi hind raqamlariga asoslangan bo‘lib, hozirgi kunda biz foydalanadigan o‘nlik pozitsion hisoblash sistemasi va shu sistemadagi amallarning Ovro‘poda tarqalishiga sabab bo‘ldi. Olimning “al-Xorazmiy” nomi esa “algoritm” shaklida fanda foydalanilmoqda.

Risolaning boshlanishida Xorazmiy undagi masalalar o‘z davrining amaliy talablariga javob sifatida vujudga kelganligini qayd qiladi. Uning muqaddimasida kitob nima maqsadda yozilgani bayon qilinadi: Men arifmetikaning oddiy va murakkab masalalarini o‘z ichiga oluvchi “Al-jabr val-muqobala hisobi haqida qisqacha kitob”ni ta’lik qildim, chunki meros taqsimlashda, vasiyatnoma tuzishda,mol taqsimlashda, adliya ishlarida, savdoda va har qanday bitimlarda, shuningdek, yer o‘lchashda, kanallar o‘tkazishda, geometriyada va boshqa shunga o‘xshash turli ishlarda kishilar uchun bu zarurdir”.

Asarning boshida Xorazmiy o‘z oldiga qo‘ygan maqsad – kompleks masalalarni aks ettirgan. Shu bilan birga Xorazmiy xalifalikda kun tartibida turgan ehtiyojlar, islom va shariat talablariga ko‘ra yuzaga keladigan masalalar, me’morchilik va irrigatsiya bilan bog‘liq bo‘lgan masalalarni hal qilishni ham ko‘zda tutganligini bildiradi. Umuman olganda, Xorazmiy algebrasi – bu sonli kvadrat va chiziqli tenglamalarni yechish haqidagi fandir. Xorazmiyning aytishicha, algebrada uch xil son bilan ish ko‘riladi: ildiz (jizr) yoki narsa (shay), kvadrat (mol) va oddiy son yoki dirham (pul birligi). Yana uning aytishicha, ildiz o‘zini o‘ziga ko‘paytiriladigan miqdordir, kvadrat esa ildizni o‘ziga ko‘paytirishda hosil bo‘lgan kattalikdir.

Xorazmiy ish ko‘radigan tenglamalar mana shu uch miqdor orasidagi munosabatlardir. U avval risolada ko‘riladigan oltita chiziqli va kvadrat tenglamaning tasnifini keltiradi. Bundan keyin aniq misollar bilan boshqa har qanday tenglamalar risola mohiyatidagi asosiy amallar al-jabr va al-muqobala amallari yordamida olti kononik ko‘rinishiga keltiriladi. Xorazmiy asos solgan algebra fanini undan keyingi Sharq olimlari muvaffaqiyatli rivojlantirdilar. Xorazmiyning boshqa asarlaridan farqli o‘laroq, uning algebraik risolasining uchta qo‘lyozmasi saqlangan. Ular Qobul, Madina va Oksford universitetining Bodleyan kutubxonasida saqlanadi. Risolada 1145- yili Seviliyada (Ispaniya) Robert Chester tomonidan lotin tiliga tarjima qilingan. Asarning arabcha qo‘l yozmalari va lotincha tarjimalari XIX va XX asr olimlari tomonidan chuqur o‘rganilgan.

Xorazmiyning eng yirik astronomik asari – uning ”Zij” idir. Olim bu asarini 830 yil atrofida yozgan. Xorazmiyning “Zij”i 37 bob 116- jadvaldan iborat. Asarning avvalgi besh bobi xronologiyaga bag‘ishlangan bo‘lib, “to‘fon”, “iskandar”, “safar” va xristian eralaridagi sanalarni hijriy eraga ko‘chirish qoidalari keltiriladi. Unda turli taqvimlar, xronologiya, quyosh, oy, sayyoralarning harakati, burjlar haqida ma’lumotlar keltirilgan.

Xorazmiyning “Kitob amal bil - asturlobot” asarida qadimiy va o‘rta asr astronomiyasining asosiy kuzatuv asbobi bo‘lgan astrolyabiya yasash va undan foydalanish, osmon yoritqichlarining balandligi,

[67] Mirziyoyev Sh.M. Inson manfaatlari va huquqlarini ta’minlash – demokratik jamiyat asosidir. //Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Toshkent: O’zbekiston, -B.254.

geografik ob'yektlarning koordinatalari, yangi oy chiqish muddatlarini aniqlash aniq bayon qilingan. Bu esa Xorazmiyni ilmiy asbobsozlik bilan ham shug'ullanganligidan dalolat beradi.

Xorazmiyning "Yahudiylar taqvimi va bayramlarini aniqlash haqida risola" (Hindistonning Patna shahrida saqlanadi) asari olimning etnografiya bilan shug'ullanganidan dalolat beradi. Bu asarda yahudiy taqvimi, uni boshqa taqvimlarga o'tkazish qoidalari, yahudiylar bayramlari va ularni taqvimda belgilash qoidalarini, ayrim astronomik ma'lumotlarni beradi. Xorazmiyning "Surat al - Arz" asari (boshqa nomli "Al – Xorazm geografiyasi") asari fan tarixidagi muhim manbalardan biridir. Unda birinchi marta yer sirtini yetti iqlimga bo'lish ilmiy yondashuv bilan, iqlimlarning geografik kattaliklari asosida berilgan hamda 2402 geografik ob'yekt haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Xorazmiyning "Kitob at - tarix" asarida Muhammad (as) hayoti bilan bog'liq sanalar, islom tarixidagi muhorabalar, quyosh tutilishlari qayd etilgan. Xorazmiyning bizgacha o'ntacha asari to'liq, qisman yoki ayrim parchalar tarzida yetib kelgan. Shu asarlari orqali Xorazmiy insoniyat sivilizatsiyasiga buyuk hissa qo'shgan olimdir. Amerkalik fan tarixchisi Jorj Sarton Xorazmiyni "O'z zamonasining eng buyuk matematigi, agar barcha holatlar e'tiborga olinsa, barcha zamonlarning eng buyuk matematiklaridan biri", deb baholagan. Bunday baho Xorazmiyning matematika tarixida tutgan beqiyos o'rni tufaylidir. Xorazmiyni ijodi fanning keyingi taraqqiyoti uchun muhim pog'ona vazifasini o'tadi va fanning beshdan ortiq sohasini fundamental yangiliklar bilan boyitgani sababli fan tarixidagi ilk qomusiy olim deb sanalishga haqli. Xorazmiy boshlagan bu ana'ana keyinchalik Ibn Sino, Beruniy va boshqa olimlar tomonidan davom ettirilgan.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК МЕТОДИКАЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Г.Р.Эшмуродова, Навоий вилояти Зарафшон шаҳар
11-АФЧЎИДУМ бошланғич синф ўқитувчиси

Аннотация

Ўқув жараёнларни лойиҳалаштиришда маълум мақсадни, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, методлари, шакиллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма малакаларини баҳолашни аниқ меъзонларини олдиндан ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўзлар: метод, эврика, демонстрация, "блиц-уйин"методи, "бумеранг" методи.

Узлуксиз таълим тизими моҳияти таълимнинг барча бўғинлари ташкилий ва маънавий бирликларини ўзаро алоқасини, тарбия вазифаларини биргаликда ҳал қилишини, умумий ўрта таълимни (жамиятнинг замонавий талабларига асосан) ҳар бир инсоннинг умри давомида ҳар томонлама камол топишидан иборат.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай фаолият мақсади - келажак фаолият натижасининг хаёлдаги қиёфасидир.

Замонавий ўқитиш технологияси мақсадларга изчил мўлжал олишнинг асоси бўлиб, тезда ушбу борада қайтиб келадиган алоқа манбаи ҳисобланади. Бунда ўқув мақсадлари имкони борича аниқлаштирилади.

Бугунги замон талабидан келиб чиққан ҳолда дарсларни техника воситалари ёрдамида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчига дарс беришда ёрдам берувчи асосий қурол дарслик, унга ёзилган методик қўлланма, савол ва масалалар ҳамда машқлар тўплами, дидактик материаллар ва ҳоказолар. Шулар қаторидан яхши ўрин олган техника воситалардир. Яъни кино аппаратлари, видео, кодоскоп ва бошқалар. Кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитишга ёрдам берадиган бундай асбоблар ўқувчиларнинг билим олиш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишда қуйидаги методлар самарали натижалар беради.

Илмий-фантастик адабиётлар устида ишлаш методи. Мазкур мавзу ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ошириш ва китоб устида мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилади. Илмий-фантастик китоб устида ишлаш ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ўйлаб топ (эврика) методикаси. Ўқувчиларнинг топқирлик даражасини аниқлаш учун ўйлаб топ ўйини ўйналади. Бу ўйинни математика бошқа фанларда ҳам ўтказиш мумкин. Математика дарсида қуйидаги ўйлаб топ ўйини мавжуд:

	2	
14	10	

30 30 30

Бу ўйин 2, 10, 14-сонлар қайтарилмаган ҳолда хоҳлаган сонлар қўйилиб, 30 рақам ҳосил қилиш. Қуйида ҳар томонлама 30 сонини чиқариш усули кўрсатилади.

12	2	16
14	10	6
4	18	8

Бу диагоналда ҳам 30 рақами чиқади.

Ўйинчоқлар ёрдамида дарс ўтиш методикаси. Интерфаолликни оширишда баъзи механик, электр ва электрон ўйинчоқлар мухим рол ўйнайди. Болаларнинг атроф-муҳитни ўрганишида катта ёрдам беради. Айниқса, математика дарсларида 1-4 синф ўқувчиларининг тайёр ёки ўзлари ясаганўйинчоқларни намойиш қилишлари уларнинг билим олиш жараёнини тезлатади ва техника фанларига бўлган қизиқишларини оширади.

Дарсда касбга йўналтириш методикаси. Мавзуни ўқувчилар қизиққан касбларга боғлаб ўтиш боланинг ўша касбга бўлган қизиқишини орттиради.

Бунда ўқувчи дарсни диққат билан тинглайди. Ўзи ҳам кейинги дарсда қизиққан касби бўйича бирон нарса айтиб бершга интилади. Турмушда ва техникада кўрган амалий ишни касбига боғлашга уринади. Натижада ўқувчида фанга, касбга бўлган қизиқиш ортиб боради.

Ўқиган ва ўрганган билимларини намойиш қилиш методикаси.

Демонстрация - “кўрсатаман, исботлайман” деган маънони англатади. Бу усулда ўқитувчи топшириқни бажариш тартибини ўқувчиларга кўрсатади. Шундан сўнг ўқувчиларга топшириқни мустақил бажариш имконияти

берилиши керак.

Қўлланилиши:

➢ топшириқни бажарилиш тартибини кўрсатишда;
➢ муаммоларни ҳал қилиш ва аналитик моҳирликка ўргатишда;
➢ техника хавфсизлигини ўргатишда;
➢ техник воситалар ва асбоблар билан ишлашни ўргатишда.

Афзаллиги:

➢ ўқувчи ўз кўзи билан кўра олиши;
➢ тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам бера олиши;
➢ қизиқишни ошириши;
➢ ўқитишнинг жуда фаол шакли эканлиги.

Ролли ўйинлар методикаси.

Ўқувчилар бу усулда “реал ҳаёт” ҳолатларини қайта жонлантирадилар. Уларга амалий иш фаолиятларида қўллаш мумкин бўлган янги турдаги фаолиятларни синаб кўриш ва текшириш имконини беради.

Қўлланилиши:

➢ янги турдаги фаолиятни синаш имконини кўрсатади;
➢ ўқувчиларни назарий амалиётда қўллашга ўргатишда;
➢ ўқувчилар фаоллигини оширишда.

Афзаллиги:

➢ “реал ҳаёт”нинг қайта тикланиши;
➢ ўқувчиларни мавзуга чуқурроқ жалб қилиниши;
➢ ўқувчиларга муаммога бошқача ёндошув имконини бериши.

“БЛИЦ-ЎЙИН” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

“БУМЕРАНГ” техникаси – ўқитувчи талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча талабаларни баҳолай олишга

қаратилган. Келажакда таълим тараққиётининг ҳаққоний ривожи сифатида ўқитувчи фаолиятини янги лашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуришга, ўқувчиларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмадалиев А. М. “Инновацион фаолият ва илғор технологиялар”.Т:. 2006й
2. htt://www. Ziyonet.uz
3. htt://www. pedagogika.ru

МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ И ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

М.А.Мубинов– преподаватель, БГУ.

Аннотация

в данной статье не ставится задача рекламировать какой-либо информационно-технологический продукт, задача заключается в том, чтобы убедить профессиональное сообщество в необходимости совершенствования глобального образовательного процесса на основе использования современных сетевых технологий и информационных систем.

Ключевые слова: теория, эффект, исторический анализ, технология, обучение истории, интерактивные технологии, хронологическая таблица, историческая диаграмма, схема даты.

В теории преподавания новые педагогические технологии и информационные технологии не отделяют друг от друга, так как широкое внедрение новых педагогических технологий изменит парадигму образования и только современные информационные технологии обеспечивают эффективное использование новых педагогических технологий.

В Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “О разработке и внедрении Государственного образовательного стандарта для непрерывной системы образования”, в Указе Президента “О мерах по укреплению материально-технической базы высших образовательных учреждений и коренного улучшения подготовки высококвалифицированных кадров” выдвинуты требования по пересмотру и реформированию системы образования в нашей стране, которые успешно осуществляются в жизнь [1].

По всем предметам, в том числе по истории Узбекистана разработаны новые учебные программы, согласно которым созданы электронные учебники и пособия, отвечающие мировым стандартам. Также преподаватели-предметники создают учебно-методические комплексы, в которых отражены различные формы работы в аудитории и вне аудитории, включены различные задания, основанные на применении ИКТ и интерактивных методов обучения. В преподавании истории Узбекистана успешно сочетаются традиционные методы обучения с инновационными технологиями. К примеру, при изучении древнего и средневекового, а также нового периода истории Узбекистана особое место отводится ознакомлению с историческими источниками. Если раньше с источниками знакомились исключительно по хрестоматиям и изданным книгам, то теперь возможности Интернета дают возможность знакомиться с электронными версиями не только книг, но и рукописей. Работа с историческими источниками формирует у обучающихся историческое сознание, историческое и аналитическое мышление, знакомят их с особенностями эпохи, они учатся отбирать необходимую информацию, использовать ее в аудиторной работе (на семинарах и т. д.), и вне аудитории (самостоятельные работы, тренинги).

Как можно организовать работу с историческими источниками, используя инновационные технологии? Например, считается эффективным применение метода «Заполни таблицу». Электронные версии таблиц вводятся преподавателем в компьютер, затем передаются компьютеры студентов. Таблицы могут быть составлены по разным историческим источникам по теме или 2–3 темам, тогда будет меньше похожих работ. Также может быть дано задание на дом, самостоятельно подготовить таблицу по определенному источнику. Работа с таблицей, ее заполнение повышает знания студентов, развивает у них память на запоминание исторических фактов и событий, формирует умение кратко и точно излагать свои мнения.

Среди интерактивных методов обучения истории Узбекистана особенно популярны такие, как “Мозговой штурм”, “Дебат”, “Кейс-стади”, “Кластер”, “ФСМУ”, “Блиц”, “Мои новости”, “Мнение по очереди”, “Диаграмма Венни” и другие. Все эти методы и приемы были успешно апробированы с помощью традиционных методов и инновацинных ИКТ технологий во время занятий в университете и во время педагогической практики студентов. В результате пришли к выводу, что, конечно же, можно использовать эти методы и приемы, используя бумагу, ватман, карандаш, ручку, классную доску, раздаточный материал.

Однако, их использование в компьютерном классе с использованием различных компьютерных программ, видеопроектора, светодиодного экрана, электронной указки, несомненно, повышает

эффективность уроков истории и интерес, а также активность студентов и учащихся. По нашему мнению, для достижения гарантированного результата в деле повышения знаний обучающихся и овладения ими различными умениями и навыками (творческий поиск, самостоятельное решение проблем анализ событий и др.) место инновационных технологий и ИКТ, новаторства преподавателя и учителя в их применении очень велико [2].

В настоящее время методика преподавания истории Узбекистана обогащается все новыми методами и приемами. Их внедрение позволяет сделать занятия многогранными, повторимыми и интересными. Выбор методов и приемов осуществляет преподаватель. В разработках и презентациях, используемых преподавателем на лекционных занятиях, в последних слайдах даются задания, которые могут быть не только в виде вопросов, но и в виде схем, диаграмм, рисунков и др. В преподавании истории Узбекистана также широко используются исторические карты, электронные версии их можно загрузить в портал университета и рекомендовать студентам пользоваться ими во время выполнения заданий. Можно констатировать, что сегодня нельзя совершенствовать качество содержания образования, качество преподавания без внедрения в учебный процесс информационно-коммуникационных технологий, новых инновационных методов обучения. Преподавать историю Узбекистана используя новейшие ИКТ позволяет улучшить качество подготовки будущих высококвалифицированных специалистов [3].

Научно-техническая революция сформировала и поддерживает перманентный характер глобального процесса информатизации всех сфер жизни общества. Некоторые направления развивается быстрее, другие медленнее, но все мы одинаково понимаем, что уровень и темпы информационно-технологического развития фактически определяют состояние экономики, качество жизни людей, а также роль страны в мировом сообществе. В условиях динамично меняющейся картины мира, глобальной взаимозависимости и конкуренции всё большего количества стран, усложнения технологического фундамента развития цивилизации особо важное значение приобретает информатизация сферы образования в целом и высшей школы в частности. Во всех без исключения развитых и во многих развивающихся странах осуществляются различные по уровню и масштабам программы информатизации образования. Общемировой тенденцией является использование дистанционных технологий обучения, как важнейшего компонента интенсивно развивающейся системы открытого образования. Необходимо понимать, что создание и развитие систем, содержащих необходимую для поддержки учебного процесса информацию, - это только часть проблемы, сами по себе хранилища информации, пусть и оснащённые достаточно удобным интерфейсом и общедоступные, можно считать образовательными порталами лишь с определенной степенью соответствия. Для того, чтобы информация служила образованию, необходимы, кроме неё самой, ещё несколько элементов, таких, как программа и методики усвоения информации; наставник; система проверки усвоенных знаний; способ удостоверения полученной в процессе образования квалификации [4].

Для образования, получаемого по сети, введён термин - дистанционное. От традиционного заочного дистанционное образование отличается тем, что получающий его, как правило, не имеет полноценного вербального и визуального контакта с преподавателем (преподавателями). Он не выезжает на 60 установочные и экзаменационные сессии, не присутствует лично на лекциях и экзаменационных испытаниях. Обучение сводится к получению обучающимся по сети программы, методик, заданий и специальных текстов, ответу на контрольные вопросы и тесты и выполнению и отсылке в адрес учреждения дистанционного образования какой-то итоговой работы.

Список использованных литератур:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2011 йил 20 май. // Халқ сўзи. 2011 йил 21 май.
2. Маматов Ш.,Алибеков У. Тарихни ўқитиш ва ўрганишда ахборот-технологик таъминотининг ўрни.// «Талаба ёшларнинг миллий маънавий меросдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришнинг илмий-услубий масалалари» Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2009 й. 23-24 апрель. –Урганч, 2009. 197-198 б.
3. Ботиров И. Место интерактивных методов обучения и информационно-коммуникационных технологий в преподавании истории Узбекистана / Илхом Ботиров. –Текст: непосредственный // Педагогика высшей школы. -2015. -№2(2). –С.29-31.
4. Вертютин А.В. Комплексные информационно-технологические решения в образовательном процессе. // Инновационные технологии в образовательном процессе. XII Международная научно-методическая конференция. Курск – 2015. –С.58-61.

TARIXIY HAQIQATNI O‘RGANISH ZARURATI

NavDPI “Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi” yo‘nalishi talabasi Husanov A.
Ilmiy rahbar: NavDPI “Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi” kafedrasi o‘qituvchisi Ashirov V.

Annotatsiya

Ushbu maqolada milliy mustaqillik yillarida shakllangan yangi siyosiy tafakkur va falsafiy dunyoqarash insoniyat tarixiga urushlar, xalq qo‘zg‘olonlari va revolyutsiyalar tarixi sifatida emas, balki g‘oyalar tarixi, insoniyatning ma’naviy-intellektual rivojlanish tarixi sifatida qarashni, intelligensiyaning jamiyat rivojidagi o‘rni va rolini yangicha dunyoqarash masalasi ochib berilgan

Kalit so‘zlar: o‘zbek davlatchili, jamiyat taraqqiyoti, dialektik jarayon, fundamental ta’lim

O‘zbekiston o‘zining davlat mustaqilligini qo‘lga kiritgach ma’muriy-buyruqbozlikka asoslangan totalitarizm zug‘umidan, kommunistik mafkura taziyqidan qutildi. Xalq ta’limi tizimida tarix fanlarini o‘qitish jarayonida umuminsoniy qadriyatga sivilizatsion metodologik asoslarga tayanish uchun yo‘l ochildi. Eng avvalo hozirgi kunga kelib O‘zbekiston tarixi fanini o‘qitishning metodologik muammolari O‘zbekiston tarixini davrlashtirish: o‘zbek davlatchiligini boshlang‘ich nuqtasi davri, O‘zbekiston madaniyati tarixi genezisi muammolarini yoritishga harakat qilindi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov o‘zlarining “Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q” nomli kitoblarida “O‘zbekistonday mamlakatga bor yo‘g‘i uch - to‘rt sahifa o‘rin berilib, tarixiy voqealar va shaxslar haqida noxolis davlatga, xalqqa, jamiyat taraqqiyotiga xizmat qilishi lozimligini unutishga also haqqimiz yo‘q” deb takidlagan edilar. **“Ahvol shu darajaga borgan ediki, o‘z tariximizni o‘zimiz yozish huquqidan mahrum va birovlar tomonidan yaratilgan tarix darsliklarini o‘qir edik” “SSSR tarixi” deb atalgan darslikda fikrlar aytdilar yoki umuman lom -mim deyilmasdi. Fandagi bunday itoatkorlik, ko‘zbuyamachilikni bugun eng olis qishloqlarda yashayotgan oddiy fuqaro ham, maktab o‘quvchisi ham yaxshi biladi. Endi mustaqillik tufayli yaqqol namoyon bo‘layotgan tarixiy haqiqatni bilishga, o‘zligini anglashga chanqoqlikning tub sabablari mana shunda, - deb o‘ylayman”**[68] Mustaqillik yillarida o‘zbek olimlari tariximizning muhim sahifalarini eng avvalo, Temuriylar davri, XIX asr oxiri XX asr boshlaridagi xalqimizning milliy ozodlik kurashi tarixini yangidan kashf etdilar. **“Kishilik jamiyati tarixini, tarixiy voqea — hodisalarni, ma’naviy hayotni o‘rganishning muhim nazariy metodologik asoslaridan biri jamiyat taraqqiyoti qonunlarini ochib beruvchi dialektik metoddir.”**[69] Insoniyat hayoti, jamiyat taraqqiyoti dialektik jarayondir. Dialektika olam yagona va yaxlit, unda sodir bo‘ladigan hodisa-voqealar umumiy va o‘zaro bog‘lanishda, uzluksiz harakatda, ziddiyatli taraqqiyotda bo‘ladi, deb ta’lim beradi.

Keyingi yillar davomida Vatan tarixini o‘rganish, o‘qitish metodologiyasi bo‘yicha fundamental darslik, o‘quv qo‘llanmalari ilmiy tadqiqot ishlari, taqoqot dissertatsiylari, ilmiy maqolalar, o‘quv uslubiy monagrafiyalar chop etildi. Mazkur o‘quv metodik qo‘llanmalarda oliy o‘quv yurtlari o‘qituvchi, talabalari uchun zarur bo‘lgan adabiyot vazifasini o‘tamoqda. Kollej, litsey, o‘rta maktablarda O‘zbekiston tarixini o‘qitishda foydalanish mumkin. Hozirgi kunda tarixchilarning tadqiqotlarida o‘tmish sho‘rolar davri to‘g‘risidagi haqiqatni keng qamrovli yoritilishi tarix faniga bo‘lgan qiziqishni kuchaytirdi, shu bilan birga tarixni ishonchliligiga shubhalar paydo bo‘ldi. Keyingi yillarda “O‘zbekiston tarixi” fanida murakkab nazariy-ilmiy muammolar ko‘tarila boshlandi. **“Tarix va hozirgi zamon voqeliklariga murojat qilish bizning ijtimoiy tafakkurimizdan hayotni idrok etishning mavhum va aqidaparastlik qoliplarini yengib o‘tishni, mustaqil fikr yuritish va ro‘y berayotgan hodisalarni baholay olish qobiliyatini talab qiladi”[3].**

Ko‘pgina sobiq sho‘ro respublikalari jumladan, bizning respublikamizda ham tarix ta’limining yangi konsepsiya asoslari aniqlandi. Bu konsepsiya intensiv fundamental o‘qitishni ko‘zda tutadi. Tarix mantig‘i o‘quv predmeti tarix fani mantig‘iga, ilmiy bilimlar harakati mantig‘iga to‘g‘ri kelishi lozim. Shuningdek, tarixni o‘z vataniga sodiq vatanparvar fuqaroni shakllantirishdek tarbiyaviy vazifasi o‘z ustuvor ahamiyatini yo‘qotgani yo‘q. Shu bilan birga oliy o‘quv yurtlarida tarix fanini o‘qitishning asosiy maqsadi talabalarni bilim, ko‘nikma va uni o‘rab turgan dunyoga mos erkin yo‘nalish qobiliyatini shakllantirishdir. Zeroki **“Tarix saboqlari insonni xushyorlikka, ogohlikka o‘rgatadi. Irodani**

---

[68] Karimov I.A. “Adolatli jamiyat sari”. T. “O`zbekiston”. 1998 yil. 33-bet.
[69] O`zbekistonning yangi tarixi konseptual metodologik muammolar mavzusidagi Respublika ilmiy-nazariy anjuman materiallari. Toshkent. Akademiya. 1999 y. 17-bet.
[3] Karimov I.A. “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida”. Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. Toshkent. O’zbekiston nashriyoti 1997 y. 515- bet.

mustahkamlaydi."[4] Milliy mustaqillik yillarida shakllangan yangi siyosiy tafakkur va falsafiy dunyoqarash insoniyat tarixiga urushlar, xalq qo‘zg‘olonlari va revolyutsiyalar tarixi sifatida emas, balki g‘oyalar tarixi, insoniyatning ma’naviy-intellektual rivojlanish tarixi sifatida qarashni, intelligensiyaning jamiyat rivojidagi o‘rni va rolini yangicha tushunishni talab eta boshladi.

BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA "AVESTO"DAGI MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARDAN FOYDALANISH

M.Nuriddinova
Navoiy shahridagi 5- umum ta'lim maktabi
tarix fani o‘qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada qadim ajdodlarimiz e'tiqod qilgan zardushtiylik dini va uning muqaddas kitobi "Avesto"da ilgari surilgan odob-axloq va ta'lim-tarbiya to‘g‘risidagi qarashlar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar:"Avesto", zardushtiylik, Spitoma Zaratushtra, Axuramazda, "muqaddas ko‘ylak", "ezgu fikr", "ezgu so‘z", "ezgu amal", gigiyena, ekologiya.

Jahondagi har qaysi mamlakat, har bir xalq o‘zining uzoq va betakror tarixiga ega bo‘lganidek, O‘zbekistonning, o‘zbek xalqining tarixi ham boy va sermazmundir. Qadim zamonlardayoq Turon, Turkiston deb e'tirof etilgan Vatanimiz turli tarixiy yozma va arxeologik manbalarga ko‘ra Xitoy, Hindiston, Eron, Misr, Rim kabi qadimiy va buyuk mamlakatlar qatori dunyoga mashhurdir. Tadqiqotchilar o‘tmish ajdodlarimiz faoliyatini yoritishda bizgacha yetib kelgan moddiy va yozma manbalarni ilmiy asnoda o‘rganib, xalqimizning qadim o‘tmishidagi ijtimoiy-iqtisodiy hayoti, maishiy turmush tarzi, urf-odatlari, diniy e'tiqodlari, kasbi-kori, savdo-sotig‘i, qo‘shni xalqlar bilan iqtisodiy-madaniy munosabatlari haqida qimmatli ma'lumotlarga ega bo‘ladilar. O‘rta Osiyo xalqlarining qadim tarixi haqidagi eng qadimgi yozma manba bu zardushtiylik dinining muqaddas kitobi – "Avesto"dir. Mazkur diniy kitob O‘rta Osiyo, Ozarbayjon, Eron hamda Yaqin va O‘rta Sharq, ayniqsa Xorazm xalqlari ko‘p asrlik ijodining mahsuli bo‘lib, bu kitob bir qancha elatlarning ijtimoiy-siyosiy, axloqiy-nafosat va axloqiy-ta'limiy qarashlarining vujudga kelishi va rivojlanishi tarixini o‘rganishda qimmatli manbadir.

Darhaqiqat, mustaqil O‘zbekistonning Birinchi Prezidenti I.Karimov ta'kidlaganlaridek, "Ota-bobolarimizning asrlar davomida to‘plagan hayotiy tajribasi, diniy, axloqiy, ilmiy, adabiy qarashlarini ifoda etadigan tarixiy yodgorliklar orasida bundan qariyb uch ming yil muqaddam Xorazm vohasi hududida yaratilgan "Avesto" deb atalgan bebaho ma'naviy obida alohida o‘rin tutadi" [1].

Darvoqea, "Avesto" ko‘pgina tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, boshqa diniy kitoblar (Injil, Tavrot, Qur'on, Rigveda) singari uzoq asrlar mobaynida bolalarga ilmu-ma'rifat o‘rgatishda va axloq-odob fazilatlarini shakllantirishda dasturi amal vazifasini o‘taganligi shubhasizdir. Ko‘rinib turibdiki, bu ma'naviy merosning axloqiy-ta'limiy ahamiyati shundaki, undan faqat diniy-mifologik g‘oyalar targ‘ib etilmasdan, balki ma'rifiy va axloq-odob qoidalarini to‘liq holda kelgusi avlodga yetkazishdan iboratdir. Zardushtiylik dinining payg‘ambari Spitoma Zaratushtra ta'lim-tarbiya masalalariga ham katta ahamiyat bergan holda bunday deydi: "Tarbiya hayotning eng muhim tirgagi (tayanchi) bo‘lib hisoblanishi lozim. Har bir yoshni shunday tarbiyalash zarurki, u avvalo yaxshi o‘qishni va so‘ngra esa yozishni o‘rganish bilan eng yuksak pog‘onaga ko‘tarilsin" [2].

"Avesto"da bolalarni o‘qitish va tarbiyalash qoidalari esa quyidagi tartibda tavsiya etilgan: a) diniy va axloqiy tarbiya; b) jismoniy tarbiya; v) o‘qish va yozishga o‘rgatish.

Bolalarga diniy tarbiya berish, asosan yetti yoshdan boshlangan. O‘g‘il bolalar yetti yoshga yetganda, ularga maxsus "muqaddas ko‘ylak" kiydirish marosimi o‘tkazish rasm bo‘lgan. O‘g‘il bolalar bunday sarosim paytida muallim bilan bir qatorda quyoshga qarab turishgan. Ana shunday sarosim o‘tkazilayotgan chog‘ida bolalar muallimiga qo‘shilib "Avesto"dan ezgulik va yaxshilik ma'budasiga madadkor kuchlarni ulug‘lovchi duolarni aytishgan: "Men zardushtiylik diniga sodiq bo‘lishga va'da beraman, men yaxshi fikrlar, yaxshi so‘zlar, yaxshi ishlarga ishonaman". Bunday marosim yakunida bolalarga sovg‘alar ulashilgan va bir kunda besh marotaba takrorlangan. Bunday mashg‘ulotlarni o‘tkazishdan ko‘zlangan maqsad bolalar qalbida dunyodagi barcha yaxshilik va ezguliklarning bunyodkori, ilohiy Axuramazdaga e'tiqodni mustahkamlash, insonlar boshiga butun yovuzliklar va yomonliklarni olib keladigan Axrimandan nafratlanish hissini tarbiyalashdan iborat edi. Zardushtiylik ta'limotiga ko‘ra, o‘n besh yosh – balog‘at yoshi hisoblangan. Balog‘atga yetgan bolalar zardushtiylikka e'tiqod ramzi sifatida beliga yung ipakdan to‘qilgan kamar bog‘lab yurishi va "otashparastlar" ibodatxonasida o‘tkaziladigan diniy marosimlarda qatnashishi shart bo‘lgan [3].

Bolalarni kohinlar zardushtiylik rasm-rusmlarini bajarishga, falsafa, odob-axloqqa o‘rgatishgan. Zardushtiylikda ma'rifat va bilimning kuchiga qattiq e'tiqod qilinadi va jamiyat hayotida ham oqibat natijada ma'rifat yutib chiqadi, deb hisoblanadi. O‘sha davrda bolalarning faqat sihat-salomat va jismonan baquvvat

[4] Karimov.I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q. T. " Sharq" 1998 y 14- bet

bo‘lishi haqidagi emas, balki ilmu-ma’rifat olishi va ma’naviy sofligi, yaxshilik, ezgulik xislatlarini egallashlari to‘g‘risida ham g‘amxo‘rlik qilishgan. Asosan, bolalarga axloqiy, mehnatsevarlik, rostgo‘ylik, saxovatlilik fazilatlarini tarbiyalashga muhim ahamiyat berilgan. Jismoniy tarbiyadan fnazarda tutilgan asosiy maqsad bolalarni harbiy ishga tayyorlash va ularni jismonan chiniqtirishdan iborat edi. Ularning o‘qituvchilari ulamo-kohinlar bo‘lib, ular jamiyat ma’naviy hayotida muhim mavqega ega edilar. Maktabda kichik yoshdagi bolalarni o‘qitish jarayonida ko‘rsatmali qurollardan, hikoya qilish va suhbat-muloqot uslublaridan keng foydalanardilar. Darsda o‘quvchilardan o‘tilgan mashg‘ulotni shovqinsiz takrorlash talab qilinar edi [4].

Bolalar yoshlikdan mehnatsevarlik va kasb-hunar egallash malakasi hamda ko‘nikmasini shakllantirishga katta e’tibor berilgan. Ular yosh paytidanoq daraxt ko‘chati o‘tqazish, uy-ro‘zg‘or qurollarini yasash, yerga ishlov berish va chorva bilan shug‘ullanishga o‘rgatilgan. Bundan shunday xulosa chiqarish mumkinki, o‘sha davr kishilarining orzusi hayotda farovon turmush kechiri uchun faqat mehnat qilishda iborat bo‘lgan. Shuning uchun mehnat inson kamoloti va axloqiy sog‘lomligining manbai sifatida ulug‘langan. “Avesto” turkiy xalqlarning nihoyatda mehnatkash bo‘lganligidan darak beradi. Payg‘ambar Zardusht dehqonchilik va chorvachilikni ulug‘lab, ushbu mashg‘ulot bilan shug‘ullangan mehnatkash insonlarni ulug‘lab, hukmdor-hokimlar tabaqasiga tenglashtiradi va hatta muqaddas “Avesto”da ularga atab “Dehqonchilikning foydasi haqida”, degan maxsus bob ham ajratdi. Binobarin, Zardusht ta’limotiga ko‘ra, dehqonchilik mehnati ezgulik namoyon bo‘lishining asosiy shakli bo‘lib, Axuramazda qonuniyatlariga bo‘ysunishdir. Zero, dehqonchilik bilan shug‘ullanish 10 ming duo o‘qish, yuzlab qurbonliklar keltirishda a’lo deya uqtiriladi. Mehnatning moddiy va ma’naviy tomonlaridan tashqari axloqiy asoslariga alohida urg‘u berilib, mehnat insondagi insoniylik fazilatlarini ko‘rsatadigan, uning ma’naviy xulq-atvorini baholashda o‘lchov mezoni sifatida baholanadi. “Avesto”da axloqning asosiy omillarini “ezgu fikr”, “ezgu so‘z”, “ezgu amal” kabi uch unsur tashkil qiladi. Zardushtiylik diniga e’tiqod qilgan har bir kishi butun umri davomida ana shu uchlikni qalbiga jo qilgan bo‘lishi zarurdir. SHundagina u Axuramazda inoyatiga doxil bo‘ladi. Demak, zardushtiylik ta’limotiga ko‘ra, yaxshi tushuncha, yaxshi fikr, ezgu niyat, yaxshi so‘z va yaxshi ishning birligi deyilganda, faqirlarga mehribonlik, musofirparvarlik, kishiga isnod keltiradigan ishlardan, birovga hasad qilishdan, o‘g‘rilik, talonchilik, o‘zgalar molini o‘zlashtirishdan, zinoga berilishdan, birovning dilini og‘ritishdan, hayvonlarga ozor berishdan tiyilish tushuntirilgan. Zardushtiylikda insoniy burch faqat axloqiy yo‘l-yo‘riqlarni o‘zlashtirishda iborat bo‘libgina qolmasdan, balki inson oilaviy turmush, yaxshi yor va farzand to‘g‘risida ham o‘ylash zarurligi ta’kidlanadi. Oilaviyburch va farzand tarbiyasiga alohida urg‘u beriladi. Bu o‘rinda “Avesto” tadqiqotchisi H.Homidovning fikrini keltiribo‘tish o‘rinlidir: “Erkak zuriyod qoldirish qobiliyatiga ega bo‘lsa-yu, ammo uylanmasa, unga tamg‘a bosishar yoki beliga zanjir bog‘lab yurishga majbur qilishardi. Ba’zan bunday erkakni qopga solib kaltaklashgan. “Avesto”da qarindoshlarning o‘zaro oila qurishi man etilgan. Qavm va urug‘ qonini toza, avlodni benuqson saqlash uchun shnday qilingan. Ko‘p bolali oilalarga davlat hisobidan nafaqa tayinlash lozimligi qayd etilgan,bir yo‘la 2-3 ta tuqqan ayollar mukofot olishga sazovor, deb uqtiriladi” [5].

“Avesto”da gigiyena va ekologiya masalalariga ham alohida e’tibor berilgan. Masalan, “Vindedat”ning 3,9, 10, 16, 17-boblarida kunda yuz-qo‘lni bir necha marta yuvib turish, tanani pok tutish, sochni toza tutib, tirnoqlarini tez-tez olib tkrish, er-xotin o‘rtasidagi gigiyenik qoidalar, doimiy badan tarbiyasi bilan shug‘ullanish uqtiriladi. “Har bir zardushtiy, - deb yozadi taniqli olima Fozila Sulaymonova, - ko‘pincha besh marta yuvinib, poklanib, quyoshni olqishlab sig‘inishi shart bo‘lgan. Zardushtiylar tabiatni, yer, suv, daraxt, o‘simlik, jonivarlarni e’zozlashi, yerni ishlatib, sug‘orib, bog‘-rog‘, ekinzor qilishi, chorvani, ayniqsa yilqichilikni yo‘lga qo‘yishi, suvni muqaddas tutishi shart. Bu ta’limotga O‘rta Osiyo, ayniqsa o‘zbek va tojik xalqlari amal qilib kelishadi” [6]. Yana bir muhim tomonlardan biridi ekologik tarbiya masalasi bo‘lib, yer, suv, havo muqaddas hisoblanib, muhitni iflos qilgan va uni asrash qoidalarini buzgan shaxslarni 400 qamchi urish jazosiga mahkum etgan. Shunday qilib, “Avesto” o‘sha davrdagi kishilarga “inson butun umri davomida suv, tuproq, olov, havo, umuman, dunyodagi jamiki yaxshi narsalarni pok va bus-butun asrashga burchlidir deya ta’lim beradi”. Bu ta’limot mazmunidan esa, inson o‘z tug‘ilib o‘sgan zamini (Vatani)ni sevsa, atrof-muhitni toza saqlashni o‘zining vatanparvarlik burchi deb tushunmog‘i kerak, degan xulosa chiqadi. “Avesto”da ana shundagina “har bir inson o‘sib-ulg‘aygan mamlakatni eng yaxshi va go‘zal mamlakat deb hisoblaydi”, deyiladi[7]. Qadim ajdodlarimiz e’tiqod qilgan muqaddas kitob - “Avesto” faqatgina diniy qo‘shiq, hikoyat va rivoyatlardan iborat bo‘libgina qolmasdan, balki tabobat, ta’lim-tarbiya kabi fanlarnidagi dolzarb masalalarni o‘z ichiga oladi. Biz ushbu qadimiy noyob bilimlar xazinasi bilan tanishar ekanmiz, payg‘ambar Zardushtning hayoti, zamondoshlari, uning ta’limotiga e’tiqod qilgan mamlakatlarlarning davlat tuzilishi, ta’lim-tarbiya va axloq-odobi to‘g‘risida ko‘plab bilimlarga ega bo‘lamiz. Zardushtiylik dinining eng ustuvor jihati shunda ediki, unda insonni o‘z hayotining, o‘z taqdirining yaratuvchisi sifatidagi ulug‘lovchi insonparvarlik g‘oyalari ham qaror topgan edi.

Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo‘lmasligi, farzandlarimizning bizdan ko‘ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo‘lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etayotgan ekanmiz, bu borada ma’naviy tarbiya masalasi, hech shubhasiz, beqiyos ahamiyat kasb etadi. Agar biz bu masalada hushyorlik va sezgirligimizni, qat’iyat va mas’uliyatimizni yo‘qotsak, bu o‘ta muhim ishni o‘z holiga, o‘zi bo‘larchilikka tashlab qo‘yadigan bo‘lsak, muqaddas qadriyatlarimizga yo‘g‘rilgan va ulardan oziqlangan ma’naviyatimizdan, tarixiy xotiramizdan ayrilib, oxir-oqibatda o‘zimiz intilgan umumbashariy taraqqiyot

yo‘lidan chetga chiqib qolishimiz mumkin. Mana shuning uchun ham “Avesto”dagi axloqiy-insonparvarlik qarashlarini o‘rganish va uni hayotimizning barcha sohalariga tadbiq etish maqsadga muvofiq bo‘lardi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov I. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch”. –Toshkent.: Ma’naviyat., 2011-y., 31-b.
2. Анаталогия педагогической мысли Азарбайжанской ССР. – М.: Педагогика., 1989-г., 10-стр.
3. Маковельский А.О. Авеста. –Баку., АН АзССР., 1960-г., стр-126
4. Yo‘ldoshev J., Hasanov S. Avestoda axloqiy-ta’limiy qarashlar. –T.: “O‘qituvchi”., 1992-y., 23-bet.
5. Homidov H. “Shohnoma”ning shuhrati. –T.: “O‘zbekiston”., 1991-y., 93-94-betlar.
6. Sulaymonova F. Zardushtiylik va Ioniya ilm falsafasi. –T.: Adabiy meros., 1989-y., 9-10-betlar.
7. Boynazarov F. O‘rta Osiyoning antik davri. –T.: O‘qituvchi., 1991-y., 216-bet.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЛҒОР ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ.

М.М.Темирова,
Қўқон, ҚДПИ ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада республика радиосининг хорижий эшиттириш дастурлари ва уларнинг миллатлар ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсири тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: радио, эшиттириш, дастур, миллат, мазмун, соат, тил, газета.

Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда мамлакатимизда 136 миллат ва элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тилига, конститутсиявий ҳуқуқий тенгликка эга. Дунёда қанча миллат, халқ бўлса, ҳар бирининг ўзига хос фели,урф-одатлари,фазилатлари бор. Олижаноблик, инсонпарварлик, бағрикенглик қаторида миллатлараро тотувликка интилиш азалдан халқимизнинг энг юксак фазилатларидан бири бўлиб келган. Миллатлараро тотувлик тушунчасининг асл моҳияти нимада? Миллатлараро тотувлик деганда кўп миллатлар яшаётган мамлакат ҳудудидаги турли миллат ва элат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликда яшашлари, уларнинг онги ва қалбида ягона Ватан туйғуларининг мустаҳкамлиги, унинг истиқболи ё‘лида сидқидилдан меҳнат қилиш ва фидойилик кўрсатиш руҳиятининг амал қилинишини тушуниш мумкин[1:51]. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессияларо ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган”[2:9],- дея таъкидлагани айни ҳақиқатдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, миллатлараро ва конфессияларо ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик таъминлаш, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу каби мақсадларни амалга оширишда республика радиосининг хизматлари алохида аҳамиятга ега. Ўзбекистонда радио ташкил етилган дастлабки йиллардан бошқа тилларда ҳам эшиттиришлар олиб бориш йўлга қўйилган. Жумладан, 1927 йил 12 апрелдан Тошкент радиоси эшиттиришлари рус, ўзбек, тукман, қозоқ ва тожик тилларида олиб борилган [3:4].Шунингдек, Фарғона шаҳрида 1932 йил бошларида радиоэшиттиришлар таҳририяти ташкил етилган дастлабки йилларда радиоэшиттиришлар учта тилда – ўзбек, рус ва тожик тилларида ҳафтасига 1 соату 30 дақиқа олиб борилган [4]. 1947 йилидан Тошкентда хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришлар ташкил этилади. Дастлаб эшиттиришлар уч тилда — умумий ҳажми бир кеча-кундузда 45 дақиқа давомида форс, инглиз ва уйғур тилларида олиб борилган. Шундай қилиб, дастлабки пайтда Тошкент радиоси орқали ҳафтада уч ёки тўрт марта: соат 5 дан 7 гача рус тилида, соат 7 дан 9 гача ўзбек тилида эшиттиришлар берилар эди [5:9]. Радио эшиттириш даструлари газета ўқиб бериш ва консертдангина иборат эди. 1960 йиллар охирларига келиб ўзбек радиоси бир кеча-кундузда 33 соатга яқин эшиттириш берди. Жами радиоэшиттиришларнинг 15 соатини ўзбек тилидаги, 8 соатдан ортиқроғини рус тилидаги, 1 соатини бошқа республика халқлари тилидаги, 7 соатини ташқи мамлакатлар халқлари тилларидаги эшиттиришлар ташкил этди[6].

Ҳозирги вақтда Тошкент радиоси чет элларда истиқомат қилаётган ватандошлар учун ўзбек тилида ва ўн битта хорижий тилда — турк, инглиз, урду, ҳинд, форс, дарий, пушту, араб, хитой, уйғур ва немис тилларида ўз эшиттиришларини олиб бормоқда. Радиоэшиттиришлар умумий ҳажми ўн беш соатга етди.

Немис тилида эшиттиришлар олиб борувчи таҳририятни ташкил қилиш ҳақида қарор Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йили Олмония Федератив Республикасига қилган расмий давлат сафари давомида Ўзбекистои Республикаси билан Олмония Федератив Республикаси ўртасидаги ҳукуматлараро маданий ҳамкорлик ҳақида тузилган битимга мувофиқ қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳар купи бир соат давомида немис тилида эшиттиришлар берила бошланди[7:12]. Эндиликда Тошкент радиосини Овруподаги немисзабон давлатларда яшовчи кишилар ҳам эшитадиган бўлишди. Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар республика радиоси мустақиллик йўлидан одимлаб бораётган республика ҳаёти билан жаҳон жамоатчилигини яқиндан таништиришга ҳаракат қилмоқда. У чет елларда яшончи радиотингловчиларга Ўэбекистон ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотлар етказиб турувчи ахборот манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга Тошкент радиоси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб турган жумҳуриятимиз ҳукуматининг ташқи сиёсатини тарқатувчи восита бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, жиддий жараёнига қадам қўймоқда. У чет мамлакатлар билан халқаро алоқаларииии фаол ривожлантирмоқда. Бу эса хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришлар мавқеи ва аҳамиятини оширмоқда. Мустақил давлатнинг хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришлар олиб борувчи радиостанцияга эга бўлиши унинг миллий ғуруридан, мустақиллигидан далолат беради. Шунингдек, мустақил давлатнинг чет мамлакатлар олдидаги юзи ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларга эшиттиришларнинг назариясига мувофиқ дастурларида республика раҳбариятининг мамлакат ички ҳаётининг барча жабҳаларидаги янгиланиш, покланиш сиёсатини кенг тарғиб қилишга ҳаракат қилинмоқда. Бу мавзуни ёритишда асосан тўртта йўналишга катта эътибор қаратилмоқда. Булар умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий ва маданий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши учун шароит яратиш, инсоннарварлик масалаларидир. Бош муҳарририятлар Ўзбекистон мустақил тараққиётининг маънавий-ахлоқий асосини ташкил этувчи бу вазифалардан келиб чиқиб, янги-янги рукнлар остида эшиттиришлар ташкил этдилар. Уларда бевосита ҳозирги давр талаби ва тақозоси билан кун тартибига долзарб муаммо сифатида қўйилаётган инсонпарварлик, адолат, тенглик, ҳалоллик, имон-эътиқод, самимийлик, дўстлик, соғлом авлодни тарбиялаш, аждодлар меросига ҳурмат ва эътибор каби маънавий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилинмоқда.

Пойтахт радиоси Ўрта Осиё ҳудудида хорижий мамлакатларга эшиттиришлар берувчи ягона йирик радиостанция бўлганлиги туфайли жаҳондаги ўз тингловчиларини қўшни жумҳуриятлар халқларининг тарихи ва ҳаёти билан ҳам таништириб боради. Ўзбекистон Президентининг хорижий мамлакатларга қилаётган давлвт сафарлари, шунингдек, хорижий мамлакатлар раҳбарларининг жумҳуриятимина расмий давлат ташрифлари кенг кўламда фаол ёритилмоқда. Тошкент радиосинииг хорижий мамлакатларга радиоэшиттириш сиёсатинииг асосий мазмуни Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни, халқаро майдонда мустақил давлат ҳуқуқини олган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган республика турмушининг барча соҳаларндаги турли воқеаларни ёритишдан иборат. Хорижий радиотингловчилардан олинаётган мактубларнииг мазмуни, уларнииг саволлари истаклари, илтимосномаларининг хусусияти сифат жиҳатидан ўзгариб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу мамлакатимиз турмушига қизиқиш ортаётганлигининг далолатидир.

Жаҳоннинг турли минтақаларида яшаётган ватандошлар учун ўзбек тилида радиоэшиттиришлар олиб боришга алоҳида аҳамият берилади. “Ватандош” радиостанциясининг эшиттиришларида Ўзбекистон Республикаси турмуши холисона ва тезкорлик, изчиллик ва зукколик билан ёритилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон пойтахти радиоси тингловчиларининг кўпчилиги ислом дини анъанавий кенг ёйилган мамлакатларда истиқомат қилаётганлнги аён. Шу туфайли улар учун махсус дастурлар тайёрланмоқда. Бундай дастурларда Ўзбекистон Республикаси маърифатпарвар давлат эканлиги айтилади, республикада виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўгрисидаги Қонуннинг барча қоидаларига риоя қилинаётганлиги уқтириб ўтилади.

Ўзбекистонда мусулмонларнинг ҳаёти, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг фаолияти, мамлакатда барқарорлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга диний арбоблар қўшаётган ҳисса тўғрисидаги ҳикоялар ҳам тингловчиларни бефарқ қолдирмаяпти.

Ўзбекистон маданиятига тааллуқли эшиттиришлар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотаётганлиги табиий бир ҳолдир. Шу мавзудаги эшиттиришларда ўзбек мусаввирлари, кино арбобларн, бастакорлар, қўшиқчи, шоирлар, ҳаваскорлик халқ дасталарининг ижоди ёритиладн. Ўзбекистон халқларининг миллий анъаналари, урф-одатлари, байрамлари, қадимий ва янги маросимлари ҳамда бой маданий мероси ҳақидаги суҳбатлар ҳам тайёрланиб, эфирга узатилаётир.

Юртимизнинг маданий ва тарихий ёдгорликлари, унинг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги эшиттиришлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Истиқлол туфайли халқ усталари ва ҳунармандларининг бетакрор ижоди қайта жонландики, бу ҳақдаги туркум эшиттиришлар хорижлик

юртдошларга маъқул келмоқда. Ўзбек халқининг ўзига хос фазилат ва хислатлари тўғрисидаги давра суҳбатлари ҳам ранг-баранглиги билан кншиларда яхши таассурот қолдирди.

Радиодаги хатлар ва тингловчилар фикрини ўрганиш шўъбасининг ходимлари хатларга алоҳида эътибор билан қарашади. Бугунги кунда муҳаррнриятларга жаҳоннинг етмишдан зиёд мамлакатидан хатлар келмоқда.

Курраи заминимизнинг турли мамлакатларида "Тошкент радиодўстлари" клублари фаолият олиб борган. Маълум бўлишича, клуб аъзолари кундалик эшиттиришларни жамоа бўлиб тинглаб, муҳокама қилишган ҳамда ўз фикр-мулоҳазалари ҳақида радио таҳрирятига хат-хабар йўллаган[8:45].

1997 йилда хорижий мамлакатларга эшиттиришлар дастурлари жаҳоннинг 70 дан зиёд мамлакатида тингланди. Тошкеит радиоси 12 тилда — инглиз, олмон, урду, ҳинд, араб, форс, дарий, пушту, хитой, уйғур, турк ва ўзбек тилларида бир кеча-кундузда 16 соат ҳажмида эшиттиришлар тайёрланди[9:7]. "Тошкент халқаро радиоси" ўз эшиттиришларининг ҳажми ва ахборот кўламидаги қамров салмоғига кўра Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Москва радиосидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Марказий Осиё минтақасида эса у чет элларга эшиттиришлар берувчи энг йирик радиостанция саналади.

Хорижий мамлакатлар эшиттиришлар дирекцияси фаолиятини янада ошириш мақсадида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, аналитик-таҳлилий дастурларни кучайтириш ва уларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш мақсадида "Ахборот" бош таҳририяти қошидаги шарҳловчилир гуруҳи ташкил этилди. Бу эшиттиришларнинг самарадорлигини ошириш, хорижий тингловчиларга республикада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни хусусида аниқ ва ҳозиржавоб ахборотлар етказиш йўлида ижобий самаралар берди.

Европа қитъаси мамлакатлари халқларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга, уларнинг самарасига қизиқиш кун сайин ортиб бораётгани маълум. Шуни назарда тутиб, инглиз ва немис тилларида эшиттиришлар олиб борувчи "Оврўпо" бош таҳририяини жорий этдик. Ушбу таҳририят дастурлари шу қитъанинг ғарбий қисмида, шунингдек, Латвия, Литва, Украина, Беларусь, Молдова давлатлада ҳам ўз тингловчиларини топди.

Дастурларнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, табиийки, ҳамкасбларимизнинг хизмати катта. Шу боисдаи ҳам уларниг малакасини ошириш масаласига ҳам катга эътибор қаратмоқда. Бу борада бир неча йўналишда иш олиб борилди. Жумладан, бир гуруҳ ижодий ходимларимиз хорижий мамлакатлардаги омманий ахборот муассасаларига тажриба алмашиш учун юборилди. Журналистлар Америка Қўшма Штатларининг "Америка овози", Германия Федератив Республикасининг "Немис тўлқини" радиостанцияларида, Туркия радиотелевидениесида малака ошириб қайтдилар. Шунингдек, Саудия Арабистони, Эрон Ислом Жумҳуриятида ижодий сафарларда бўлдилар. 1997 йилда икки нафар ёш муҳаррир Ҳиндистондаги оммавий ахборот воситалари институтида таҳсил олди[10:7].

Ўзбекистоннинг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар радиоси республика ҳаёти ҳақидаги маълумотларни чет элга тарғиб этувчи асосий ахборот манбаларидан бири ҳисобланганлиги боис, унинг дастурларига бўлган қизиқиш даражаси кейинги йилларда сезиларли равишда кўтарилди. Радиотингловчилардан келаётган мактублар шундан далолат беради. Радиотингловчилар билан хат орқали алоқаларни ривожлантириш борасида хатлар ва тингловчилар фикрини ўрганиш бўлими ходимлари муайян ишларни амалга оширдилир. Дирекция 1996 йилда дунёниг 70 га яқин мамлакатдан жами 4,5 мингдан зиёд хат олди. Шуниси диққатга сазоворки, тингловчилардан келган мактубларнинг бирортаси ҳам жавобсиз қолгани йўқ. Ушбу хатларнинг аксариятида хорижий мухлисларнинг республиканинг ички ви ташқи сиёсати масалаларига ўзларининг муносабатларини, у ёки бу ҳодиса юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этганлар[11:7].

Тошкент радиоси тингловчиларидан келаётган мактублар шундан далолат берадики, Ўзбекистонинг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар радиоси дастурлари республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар, демократлаштириш жараёнининг чуқурлашуви ҳақидаги жамоатчилик фикрига асос солишда муҳим аҳамият касб этаётир. Шунингдек, хорижлик дўстларимизнинг давлатимиз ва халқимиз эришган ютуқлар ҳақида самимият бнлан фикр билдиришлари, уларнинг эзгу тилаклари ҳаммамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтаради. Тошкент радиоси ва хорижий тингловчилар тимсолида Ўзбекистон Республикаси ва дунё мамлакатлари ўртасидаги дўстлик алоқаларни бундан буён ҳам самарали ривожланаверади.

Тошкент халқаро Радиосининг Европа мамлакатлари, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари учун инглиз тилида, Германия, Австрия ва Швейцария мамлакатлари учун немис тилида тайёрлаётган эшиттиришларнинг тингловчилари кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Ҳинд, урду, хитой, уйғур тилларида ахборот-мусиқий дастурлар Ҳиндистон, Покистон, Хитойда аллақачон мухлисларини топган. Радио араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Яқин на Ўпта Шарқ мамлакатларига Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳақида араб, форс, дари, пушту тилларида эшитиришлар бермоқда[12:7]. Тошкент халқаро радиоси дастурларида Ўзбекистоннинг Хорижий давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик алоҳида етакчи мавзу ҳисобланади. Давлат

раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифи, музокаралар, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик ҳақида имзоланаётган ҳужжатлар, уларнинг моҳияти ва мазмуни журналистлар тайёрлаган ахборот, таҳлилий шарҳ ва репортажларда хорижлик тингловчиларга тезкорлик билан етказилмоқда. Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар билан барпо этилган кўплаб қўшма корхоналар фаолияти ҳам дастурдан кенг ўрин олмоқда. Хорижлик ишбилармонлар эфир орқали чиқишларида Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик қилиш, корхона ва турли лойиҳаларга инвестиция киритиш учун ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги ҳақида мамнуният билан гапирмоқдалар.

"Ватандош" таҳририяти хорижий мамлакатлардаги ўзбекларга дастлабки эшиттиришларини 1961 йилнинг 1 августида бошлаган эди. Унинг таъсисчиси ўша вақтлар фаолият олиб борган "Ватан" жамияти ва Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети эди.Йиллар ўтган сайин "Ватандош" таҳририятининг нуфузи ҳам ошиб борди. 1961 йилди ҳафтасига икки маротаба ярим соатдан дастур тайёрлаган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич икки соату қирқ дақиқани ташкил қилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, "Ватандош" радиосининг иш услуби ўзига хос, табиий, бошқа таҳририятлардан фарқ қилади. Эшиттиришларнинг тили содда, равон, доимо ўзбекона руҳ уфуриб туради [13:21].

Хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришларнинг асосий мақсади нималардан иборат? Энг аввало, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликпинг янги қирралари шаклланиб бораётганлигини, Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалари равнақ топаётганлигини эшиттиришлар орқали тингловчиларга баён этиш асосий мақсадимиздир. Радиоэшиттиришларда Ўзбекистондаги чет эл мамлакатлари элчихоналари ва консулхоналарининг фаолияти, илмий ва маданий алоқалар, сайёҳлар айирбошлаш масаласи ҳам ёритилади. Эшиттиришлар Ўзбекистон ва бир қатор хорижий мамлакатларда истиқомат қилувчи халқларнинг диний, маданий муштараклиги, миллий урф-одатлар, анъаналарнинг ўхшашлиги тарихан шаклланган омиллар ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1.Абдураҳмонов М. Отамуродов С. Маънавий салоҳият Т.; 2009 –Б.51.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг " Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштиришчора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Т.: 2017 йил 9-май.

3.Жуманиёз Жабборор. Миллионлар минбари // Мухбир. – Тошкент, 1977. - №5. – Б.4.

4.Фарғона вилояти телерадиокомпанияси жорий архивидан

5.Махамметов, Ш.Атамуратова. Телевидение ва радиорежиссураси.Т.:Нисо полиграф,2017 –Б.9.

6.Тошкент телелердиокомпанияси жорий архивидан.

7.Усмонов С. Тинчлик ва дўстлик овози // Ўзбекистон матбуоти. – 1994. - №6. – Б.12-13.

8.Ҳамид А. Ҳамжиҳатлик мевалари // Ўзбекистон матбуоти. – 1994. - №2. – Б.44-45.

9.Ғуломов Ш. Бизни жаҳон тингламоқда // Ўзбекистон матбуоти. – 1997. - №4. – Б.6-7.

10.Ғуломов Ш. Бизни жаҳон тингламоқда // Ўзбекистон матбуоти. – 1997. - №4. – Б.6-7.

11.Ғуломов Ш. Бизни жаҳон тингламоқда // Ўзбекистон матбуоти. – 1997. - №4. – Б.6-7.

12.Ғуломов Ш. Эшиттиришлар 12 тилда // Ўзбекистон матбуоти. – 2003. - №6. – Б.10-11.

13..Исмоилова И. "Ватандош" эшиттиришларини тинглаб // Ўзбекистон матбуоти. – 2001. - №6. – Б.20-21.

TARIX DARSLARIDA MUTAFAKKIRLARNING MA'NAVIY MEROSLARIDAN FOYDALANISH

O'tayeva F.X. –BuxDU, Buxoro tarixi kafedrasi katta o'qituvchi
Qurbonov M.A.- BuxDU,Tarix va madaniy meros fakulteti iqtidorli talaba

Annotatsiya

Bu maqolada, Ijtimoiy-gumanitar fanlarni o'qitishda zamonaviy ta'limning metodlaridan biri bu mutafakkirlarning ma'naviy meroslaridan foydalanish davr talabi asosida yoritilgan va tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: ma'naviy meros, zamonaviy tarix, komil inson, inson ma'naviyati, ilmiy kitoblar, milliylik

Har bir xalq, har bir millatning o'ziga xos urf-odatlari, ma'daniyati va tarixi bor. Shaxsiy manfaatini mamlakat va xalq manfaati bilan uyg'un holda ko'radigan vatanga va elga sodiqlikni, mehnatsevarlikni, diyonatlikni va boshqa ijobiy fazilatlarni aynan komil insonga xos fazilatlarni tarix darslarida talabalar ongiga singdirish alohida ahamiyatga ega. Jumladan, buyuk mutafakkirlarning bizgacha yetib kelgan ma'naviy meroslari asosiy manbalardan hisoblanadi.

Imom al-Buxoriy (810-870) hadislarida inson ma'naviyati shakllanishi to'g'risida ko'plab ibratli, chuqur ma'noli fikrlar mujassamlashgan. Jumladan, insonlarga yordam beradigan insonlarni axloqan barkamoldirlar,sog'lom inson tarbiyasi hamma zamonlarda ham muhim ahamiyat kasb etgan. Komil inson-bu yuksak fazilatlarga ega qalbi pok, fikri toza, sadoqatli insondir,deydi buyuk alloma o'z asarlarida.

Abu Nasr Farobiy (873-950) bilimdon, ma’rifatli yetuk inson timsolini tasvirlar ekan; bunday deydi: har kimki ilm- hikmatni o‘rganmoqchi bo‘lsa, uni yoshlikdan boshlasin, sog‘-salomatligi yaxshi bo‘lsin, so‘zining ustidan chiqsin, yomon ishlardan saqlansin, barcha qonun -qoidalarni bilsin,bilimdon va notiq bo‘lsin,ilmli va dono kishilarni hurmat qilsin, ilm va ahli ilmdan mol-dunyosini ayamasin,barcha real moddiy narsalar to‘g‘risida bilimga ega bo‘lsin” deya alohida uqdiradi.

Alloma Abu Ali Ibn Sino (980-1037) “Tadbir-al manozil” asarida “harakatdagi tanag davo kerak emas ” deb aytgan . Ta’lim va tarbiya masalalariga jiddiy va ijodiy yondoshgan. Allomaning bola tarbiyalash va o‘qitish haqida ko‘p fikrlari o‘zining chuqurligi, insonparvarligi va teranligi bilan kishini hayratda qoldiradi. Kimga qanday pandu nasihat qilsang unga avvalo o‘zing amal qil – deydi. Ibn Sino komil inson tarbiyasida o‘qituvchining roliga katta e’tibor qaratgan. O‘qituvchi rostgo‘y , ozoda kiyinadigan, xushmomila bo‘lishi zarurligini uqdiradi.

Yusuf Xos Hojib (1020) ”Qutadg‘u – bilik” (baxtga saodatga eltuvchi bilim) asarida insonning ulug‘ligi aql idroki, so‘zlash qobiliyati,bilimi,uquvi, hunarga egaligidir deb ta’kidlaydi. Har bir kishi jamiyatga munosib bo‘lib kamol topmog‘i kerak. Farzandlar tarbiyasi nihoyatda erta boshlanmog‘i shart, shundagina ularning noo‘rin hatti harakatlarga berilishning oldi olinadi. Buning uchun maxsus tayyorlangan tayyorgarlikka ega bo‘lgan ezgu niyatli va pokiza murabbiy taklif etilishi kerak, shundagina bolalarimiz tog‘ri tarbiya oladi degan fikrlarni bildirib o‘tgan.[1:40]

Ma’lumki, tassavvuf olamida insonning ma’naviy kamolati bayon qilinadi . Abdulxoliq G‘ijduvoniny (1103-XII asrning 2 yarmi) “Hojagon ”ta’limotida odob axloq me’yorlarini ishlab chiqqan”. Odobi tariqati” risolasida “Ey o‘gilcham senga nasihat qilib aytamanki, ilm, axloq-odob, halollik va poklikka harakat qil, dunyoparast bo‘lma”. Mehr –oqibat, tashqi va ichki go‘zallik haqidagi pand-nasihatlari ham shaxs tarbiyasining o‘ziga xos me’yoriy ko‘rsatkichlari sifatida komil inson tarbiyasida ahamiyatlidir.

Husayn Voiz Koshifiy (1440-1505) ning o‘qituvchilarga bolalarni tarbiyalashda quydagi usullardan foydalanishni ilgari surgan : nasihat tanbeh berish, amru-farmon, majburiyat qo‘yishdir.Ta’lim, tarbiya berishda ustozni ulug‘lab shunday yozadi: Uztozdan olgan pandu nasihatga quloq solmay behuda yo‘llarda yurgan farzand o‘zini o‘zi rasvo qiladi deb nasihat qiladi .

Sohibqiron Amir Temur (1336-1405) davlat tarixida ilm - fan bajaradigan xizmat ustun turishini bilgan edi.Insonning kamol topishiga ta’sir etadigan omillardan biri uning bilim olishi deb tushungan . Amir Temur Samarqndda ilm fan va ma’rifatning gullab yashnashi uchun shaharga turli mamlakatlardan olimlar, hunarmandlar, quruvchilar, muhandislar yig‘gan. Shaharda fanlar akademiyasini ochib davlatni har tomonlama rivojlantirish uchun ulkan ishlar qilgan. Bilimli insonlarni jamiyatning gullab yashnashi uchun yoshlarning ta’lim tarbiya olishida katta dasturul amal bo‘luvchi tajriba ekanligini yaxshi tushungan.Buni yana mazmunliroq bayon qilish maqsadida ayniqsa ma’rifatparvarlarni ishsiz bo‘sh qoldirmaslikni nazarda tutib: “agar kasbu hunar va ma’rifat ahllarida bo‘lsa bundaylarga saltanat, korxonalardan yumush berilsin”, deb mamlakardagi o‘qish bilim va hunarmandchilik ishlarini yanada takomillashtirish uchun boshqa o‘lkalardan kelgan bilimli kishilarni mamlakat foydasi uchun xalqning bilimli bo‘lishi maqsadida foydalanib egallagan iqtisosligi bo‘yicha ishga joylashtirish lozimligini tushuntirgan. Ibn Arabshohning “Temur qanday kasb va hunar bo‘lmasin agar unda bir yaxshilik sharofat bor bo‘lsa , shu kasb egalariga o‘zgacha diqqat qaratgan edi ” , - deb yozgan va yana shu o‘rinda Amir Temur shu davlatda bilimni,hunarni rivojlantirish uchun eng kerakli qurollardan biri –bu soha bo‘yicha yozilgan ilmiy kitoblar deb hisobladi. [2:59] Kitobning insonlarni bilim orqali ongli qilishidagi, tarbiyashladagi, ilm o‘rgatishdagi xizmatiga isbot berib, Kitob (bitik)- bu barcha bunyodkorlik , yaratuvchilik va aql- idrokning , ilmu-donishning asosidir ,hayotni o‘rgatuvchi murabbiydir” deb baholangan edi.

Abdurauf Fitrat jamiyat rivoji va millat taqdiri haqida “Har bir millatning saodati va izzati, albatta, shu xalqning ichki intizomi va totuvligiga bog‘liqligi” Oila yoki oila boshqarish tartiblari asarida takidlab o‘tilgan. Barkamol inson tarbiyasiga, beriladigan bilim ilmiy bo‘lishi,bilimni sistemali bo‘lishi, beriladigan bilim yoshiga va bilim darajasiga mos bo‘lishi singari bir qator jihatlarni takidlab o‘tgan. [3:8]

Abdulla Avloniy (1878-1934) “Odam – tug‘ilishidan yomon tug‘ilmaydi, muayyan sharoit uni yomon qiladi” deydi. Tarbiya ikki bosqichda: uyda va o‘qish joyida tarbiya topadi.Ta’limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta’limdan ajratib bo‘lmaydi: ”Tarbiy biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir ” degan chuqur ma’noli so‘zlar eslanadi. qadriyatlarni singdirish maqsadga muvofiqdir.

Demak,yosh avlod qachonki o‘z tarixini mukammal bilgandagina mustaqillikning tub mohiyatini yanada chuquroq anglaydi. Faol tasir qilishda keng jamoatchilikning ayniqsa, muhim o‘rni bor. Har bir inson fuqaro ajdodlarimizning bebaho merosi, milliy qadriyat va an’analarimizga munosib bo‘lishga erishishi, yuksak fazilatli va komil insonlarni tarbiyalash ularni yaratuvchanlik ishlariga da’vat qilish, shu muqaddas zamin uchun fidoyilikni hayot mezoniga aylantirishdir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Xo‘ja Ubaydulloh Ahror. Tabarruk risolalar.(M.Hasaniy va boshqalar) T.: Adolat, 2004,B.40.
2. Amir Temur o‘gitlari.T.: Navzo‘z ,1992, B.59.
3. Abdurauf Fitrat. Oila yoki oila boshqarish tartiblari (mas’ul muharrir Alimova D.A. tarjimon Vohidov Sh.) T.: Ma’naviyat,1998, B.8.

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА САНЪАТ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

С.А.Ҳайдаров
ТВЧПДИ Гуманитар фанлар факультети, PhD.
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада тарих дарсларида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарс жараёнида санъат асарлари ва педагогик технологиялардан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари ҳамда билимларнинг ўқувчилар томонидан мақсадли ва самарали ўзлаштирилишига хизмат қилувчи методлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: санъат асарлари, технологиялар, дарс, ўқувчи, метод, самарадорлик.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги туфайли аждодларимизнинг қадимий тарихий меросини, маънавий қадриятларини тадқиқ ва тарғиб қилишга кенг имконият яратилди. Бу имконият, айниқса таълим мазмунининг миллий асосларини мустаҳкамлаш, дарсларни мазмун жиҳатидан бойитишга қулай методологик асос бўлди. Шу боис Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий манбалар, хусусан тасвирий санъат асарларида акс эттирилган тарихий воқеа ва ҳодисалардаги тарихий фактларнинг талқини сифатида фойдаланиш ўқувчиларда тарихий билимларни самарали ўзлаштиришга ўзига хос педагогик қулайлик яратиши маълум бўлди.

Зеро, Шарқда тасвирий санъат жамият тараққиётига мос равишда даврнинг тасвирий талқини сифатида ривожланган. Ҳар бир ўқувчи онгида тарихий даврнинг тасвирий асарларидан ўрганиши шу даврга оид тарихий билимларни бойитиш имконини беради. Шу боис ҳам тарихий тасвирлар, деворий суратлар, миниатюра асарлари, шунингдек замонавий рассомларнинг тарихий мавзудаги асарларини ўрганиш, ўқувчиларнинг тарихий билимларини ошириш жараёнида муҳим омил сифатида тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Республикамизнинг тарихчи педагог ва методистлари томонидан хозиргача тарих ўқитиш методикасининг турли масалалари ўрганилган бўлсада, унинг фанлараро алоқадорлик тамойиллари, хусусусан тарих таълимида тасвирий санъат асарларидан фойдаланишга оид жиҳатлари махсус илмий муаммо тарзида тадқиқ этилмаган. Республикамиз олимларидан санъат тарихи соҳасида С. Мурзаев, Р. Фатхуллаев. Х.Каримов томонидан қисман ўрганганлар. Санъатнинг тарихий аспектларини Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, А.Ҳакимов, Д.Фахрединова, Л.Аведова, С.Махкамова, К.Оқиловаларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон тасвирий санъатини пайдо бўлиш тарихи Г.Пугаченкова, Л.Ремпелларнинг тадқиқотларида етарли даражади ўз аксини топган. А.Ҳакимовнинг “IV-XIII аср Моваройуннаҳр амалий саънати мазмуни ва мотивларига оид” мавзусидаги, тарихчи-педагоглар Н.Ремеев, С.Махкамов, Т.Турғуновларнинг тадқиқотларида, шунингдек бадиий педагогика йўналишини ўрганган Н.Абдуллаев, Н.Ойдинов, С.Булатов, А.Сулаймоновларнинг тадқиқотларида бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, шу пайтгача умумий ўрта таълим мактабларида тарих ўқув фанини тасвирий санъат ўқув предмети билан алоқадорликда ўқитиш масаласи махсус илмий мавзу сифатида тадқиқ этилмаган. Бу муаммони ҳал этилиши тарих таълими самарадорлигини оширишни муайян даражада кафолатлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизнинг бир гурух етакчи олимлари А.Асқаров, [1.12]А.Мухаммаджонов, [2.17] Р.Муқминова, [3.13.] Ҳ.Бобобеков томонидан умумий ўрта таълим тизимида тарих фанини ўқитиш ва ўрганишни такомиллаштириш мақсадида бир қатор дарслик ва қўлланмалар чоп этилди.

Бинобарин тарих фанида мустақиллик йилларининг дастлабки босқичидаги методологик парокандаликка, журъатсизликка, хато ва чалғишларга барҳам бериш хаётий зарурат эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон худудида илк давлатчилик асосларини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар, буюк алломаларимиз бу билан боғлиқ тасвирий санъат асарларини ўрганишдан иборатдир.

Тасвирий санъат манбалари умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланишни амалга оширилиши тарихий ходисаларнинг бир ёқлама талқинда қутилиб, хилма-хил фикрлаш, тафаккур юритишга, шунингдек тарих фанида шаклланган бир томонлама қарашлардан ҳалос бўлишда ижобий таъсир қилувчи самарали воситага айланади.

Ўтмишнинг ибратомуз томонларини, машхур тарихий шахслар ҳаётини бадиий тадқиқ этиш бевосита тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжлари билан амалга ошириладиган ғоявий эстетик жараён бўлиб, бу ҳол истиқлолга эришган мамлакатимиз ва халқимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг ўз нутқларида Туркистон тарихида қомусий олимлар, машҳур саркардадлар, давлат арбоблари, босқинчиларга қарши курашган халқ қахрамонлари кўп бўлганлигини таъкидлаб, уларинг фаолиятини ўрганишга ҳамда элимизга ибрат қилиб кўрсатишга даъват этиб келиши ҳам бежиз эмас. Зеро, аждодлар тўплаган тажрибани бизга етказиш бугунни теранроқ англашимизга,

келажак сари собит қадам ташлашишимизга тарихни билиш асосида эришилади. Шунинг учун бўлса керак барча халқлар адабиётида ўтмиш ва машҳур тарихий шахслар ҳақида кўплаб бадиий асарлар битилган.

Яратилган ўқув адабиётлари ўрта таълим тизимида ўқувчилар учун ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб Ўзбекистон тарихи фанининг ўрта таълимдаги мазмуни даврлари, тарихий воқеаларни талқини бўйича янгича ёндошувнинг мавжуд бўлганлиги билан характерланади. Энг муҳими, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари таълим тимзимида фаолият кўрсатаётган тарих таълими мутахассисларига зарур манба сифатида муҳим рол ўйнайди.

Тарих фанини ҳолисона, ўрганишга киришилаётган бир пайтда И.Турсинов, Ш.Каримиов, М.Содиқов, Қ.Усмоновлар томонидан “Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепсияси» ишлаб чиқилди. Ушбу концепсияда “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш ва ўрганишнинг зарурияти ва аҳамияти, ўқитиш вазифалари, методологик асослари ва тамойиллари ҳамда мазкур фаннинг асосий мазмуни ва унинг ёритилиши масалалрига эътибор қаратилди.

Тарих таълимини тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари воситасида ташкил этиш ўқувчиларда тарихий тафаккурни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларда мазмун ва шаклнинг мавзу, ва ғоянинг бирлигини ўзида ифадоловчи асосий воситадир. Масалан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва унинг қурдирган иншоотлари, Темурнинг жасорати ва мардлиги, ўша даврдаги халқнинг турмуш-тарзи ва ҳоказолар хусусида ҳикоя қилинади. [4.2]Тарихий фактлар хеч вақт ёзувчининг ўзига тобе қилиб қўймайди. Балки унга шу фактдан туртки олишга, унинг мохиятини очишга давр руҳини бадиий инкишоф этишга олиб келади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари вақт ва муҳитнинг бадиий талқини тарихнинг турли қирраларини бадиий бўёқлар ёрдамида ўқувчилар кўз ўнгида янада ёрқинроқ чизилишига, тарихий воқеалар мазмунини тўлалигича эсда сақлаб қолишга ва ўқувчиларга ўтмишнинг ибратомуз воқеалар асосида тарбия беришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Муҳаммаджонов А. Ўзбекситон тарихи. 6-синф ўқитувчилар учун қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1994.-320 б.;
2. Муқимова Р ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 7-синф учун қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1994. -251б.;
3. Бобобеков Ҳ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун дарслик.-Т.: Ўқитувчи, 1994. 254 б.
4. С.А. Ҳайдаров. (2020). Ўзбекистон тарихини ўқитишда “Зафарнома”дан фойдаланишни имкониятлари. Science and Education. 1(7). 192-198
5. Сулаймон Амирқулович Ҳайдаров. (2020). Тарих дарсларида интеграциялашган технологиялардан фойдаланиш. Science and Education. 1(8). 666-671
6. Ҳайдаров С. (2020). Ўзбекистон тарихи дарсларида педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллашнинг методик талаблари. Academic Research in Educational Sciences. 1 (3). 1313-1321.
7. Ҳайдаров Сулаймон Амирқулович. (2020). Тарих фанини ўқитишга оид экологик муаммолар масаласи «Scientific Progress» Scientific journal 1(1). 12-17.
8. С.А. Ҳайдаров. (2020). Тарих дарсларида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш. Science and Education. 1(9). 458-461.
9. Ҳайдаров Сулаймон Амирқулович. (2021). Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги «Scientific Progress» Scientific journal 1(3). 9-14.
10. Khaydarov S.A. (2021). The role of the use of fine arts in teaching the history of the country. International scientific and practical conference. CUTTING EDGE-SCIENCE. Conference Proceedings. Page 41-43.
11. Ҳайдаров. С. (2021). Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда “Бобурнома” асарига ишланган миниатюраларнинг аҳамияти. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 33-37 б.
12. Ҳайдаров. С. (2021). Заҳириддин Муҳаммад Бобур хорижлик татқиқотчилар нигоҳида: подшоҳлик мўйқалами. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 43-46 б.
13. Сулаймон Ҳайдаров. (2020). Ўзбекистон тарихи фани дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларининг роли. Science and Education, 1(6), 174-179.
14. С.А. Ҳайдаров. (2020). Педагог-ўқитувчиларда ахборот-коммуникация кўникмасини шакллантириш асослари. "Science and Education." Scientific journal. 1(7). 610-617

ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

М.Бешимов,
Бухду, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Таълим методлари ўқув тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланиб улар таълим мақсади, вазифаларини амалга ошириш, ўқув материаллари мазмунини ўзлаштириш хизмат қилади.

Калит сўзлар: метод, *усул,* таълим методлари,тарихий тадқиқотлар, *билиш,маъруза ,суҳбат, оғзаки ўқити.*

Метод юнонча – “metodos” сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йўли, назария, таълимот, бирор нарсага йўл маъносини англатади. Аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўлларининг йиғиндисидир. Шунингдек, мақсадга эришишнинг аниқ, қисқа ва мақбул йўли ҳисобланади. Метод-тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб борувчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат. Ўқитиш методи эса таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари ёки таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради.

Усул - методнинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланиладиган ва алоҳида қадам ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган усулларни ўз ичига олади.

Педагогикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта аҳамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўқув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар. *Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитиш методи* – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади.

Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бшқаларини тақозо қилади, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади.

Таълим методлари ўқув тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, уларсиз таълим мақсади, вазифаларини амалга ошириш, ўқув материаллари мазмунини ўзлаштириш мумкин эмас. Таълим методи воситасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Таълим методи - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълумот мазмунига йўналтирилган фаолиятни тартибга солиш йўлидир.

Айрим адабиётларда педагоглар томонидан “метод” билан “усул” тушунчаларини чалкаш ишлатиш ҳолатлари мавжуд. Ўқитиш методларини муваффақиятли амалга ошиши албатта унинг усулларининг маҳорат билан қўлланилишига боғлиқ. Аксарият педагоглар - метод тушунчасини – “усул” деб таржима қилиб ўзларини ва тадқиқотчиларни ҳам чалғитадилар. Бизнингча метод тушунчасини таржима қилиш керак эмас. Таълимда методлар тизимидан кенг фойдаланилган тақдирдагина таълим-тарбия ишлари соҳасида натижарга эришиш мумкин. Г.Фузаиловнинг “Тарих ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмасида анъанавий методлар умумлаштирилиб тўртга ажратилиб методлар ва уларнинг усуллари аниқ кўрсатилган.

Таълим методлари тизими деб, энг муҳим умумий белгилари билан ўзаро боғланган, бир-бирига таъсир кўрсатадиган методлар гуруҳига айтилади. Бу методларнинг умумий муҳим белгилари - ўқитиш ва ўрганиш усуллари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятидан иборатдир. Ўқитиш методлари усуллари ва ўқувчилар тафаккур фаолиятининг турли шакллари ўртасидаги ўзаро алоқа ва уларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири асосида бир тизимдаги методларнинг ўзаро боғлиқлиги юзага келади. Таълим тизими тажрибасида кўрсатмали ўқитиш деярли ҳеч қачон ўқитувчининг баёнисиз қўлланилмайди, ўқитувчининг баёни ҳам доим кўрсатмали воситаларга суянади. Ўқувчиларнинг техника воситалари, матнлар ва бошқалар устидаги амалий фаолияти таълимнинг кўрсатмали ва оғзаки усуллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Тарих ўқитиш методлари классификацияси. Ўқитиш методлари ва усуллари орқали ўқитувчининг ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти ташкил этилади. Ўқитиш методлари - ўқитувчининг фаол фикрлаши асосида ўқувчиларни ўқитишга, ўқувчиларнинг илмий

билимларни ўзлаштириши ва амалда қўллай билишларига, дунёқараш ва эътиқод ҳосил қилишларига, ақлий ва жисмоний меҳнат, кўникма ва малакаларини эгаллашларига, билиш ва ижодий қобилиятлари ўсишига ёрдам беришни таъминловчи усулларидан иборатдир.

Методларни қуйидаги икки катта йўналишга таснифланади:

1) *Билиш (англаш) манбаига кўра:* оғзаки, босма матнлар билан ишлаш, кўрсатмали, амалий методлар;

2) *Билиш (англаш) фаолиятининг босқичларига кўра*: иллюстратив тушунтириш, репродуктив (тайёр билим бериш), муаммоли, қисман изланиш, илмий-тадқиқотчилик.

Тарих ўқитиш методлари классификацияси ҳақида педагоглар турли фикрларни билдирганлар. Бир-бири билан боғланган ўқитиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) *оғзаки ўқитиш методи,* (ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, сюжетли ҳикоя, таҳлил қилиб тушунтириш, тарихий манбалар билан ишлаш; тарихий адабиётлар, тарихий ҳужжатларни изоҳлаш) *Оғзаки баён методи* - ўқитувчининг хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, ўқувчилар тинглайдилар.

Ҳикоя. Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди.

Маъруза жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўрсатмали қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради. Кўриниб турибдики, бошқа матодлар, хусусан кўрсатмали ва амалий методлар ҳам жалб этилмоқда. Ўқув материалига оид ибораларга изоҳ бериш, айрим ўринларда ўқувчиларнинг ўзларига хулоса чиқаришни таклиф этиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг самарасини оширади.

Суҳбат. Суҳбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Суҳбат эвристик ҳам бўлади. Яъни, бунда ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжалланган усул бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчи саволлари ўқувчиларнинг жавоблари шаклида амалга оширилади. Эвристик суҳбат узоқ тарихга эга бўлиб, ундан қадимги Юнонистонда Суқрот моҳирона фойдаланган. У ҳозирги илмий-дидактик тадқиқотларда ―изланиш суҳбати‖ деб ҳам юритилади. Эвристик суҳбатнинг қатор ижобий томонлари бўлиб, ижодий йўл билан ўқув материалини ўрганиш, ўзлаштиришнинг индивидуал характер касб этиши.

"Кўрсатмали метод" - минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши, - деган нақлга амал қилган ҳолда фақат оғзаки баён методли дарсда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи 10%, бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади. Машғулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим. Айниқса тарих фанида анъанавий дидактик материаллардан ташқари замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда намойишли (компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари) кўрсатмалик бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Кўрсатмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. Кўрсатмали методлар эшитиш ва кўришни ўзаро уйғунлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли ундан билимларни оғзаки баён қилиш методлари билан ёнма-ён фойдаланиш тарих таълимининг самарадорлигини оширади.

O‘QUVCHILARINING HUQUQIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI

U.M.Utamuradov
Navoiy davlat pedagogika instituti katta o‘qituvchisi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada yuridik texnikum o‘quvchilarining huquqiy kompetensiyalarini shakllantirish usullariga oid taklif va tavsiyalar keltirilgan.*

Tayanch so‘zlar: *Huquq, kompetensiya, texnikum, kredit-modul, resurs, kollej, pedagogik faoliyat.*

Yuridik texnikumlarda ta’lim sifati, pedagogik faoliyat darajasi, o‘quv-metodik ishlar, o‘quvchilar va bitiruvchilar bilimini tavsiflovchi ma’lumotlar bazasini tizimli shakllantirish hamda ularni reyting indikatorlariga muvofiq baholash asosida yuridik texnikumlarning har yili yangilab boriladigan reytingi tashkil qilingan. O‘quvchilarning bilim saviyasi va o‘zlashtirish darajasini davlat ta’lim standartlariga muvofiqligini ta’minlash uchun yuridik texnikumda joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlari o‘tkaziladi.

Yuridik texnikum o‘quvchilarining muayyan vaqt mobaynida respublika hududidagi yuridik texnikumga, yoki xorijiy davlatdagi boshqa bir ta’lim muassasasiga o‘qish maqsadida borishi akademik mobillikni ta’minlaydi. “Shuningdek, ta’lim olish natijalariga ko‘ra o‘quvchi tomonidan muayyan fan bo‘yicha o‘zlashtirilgan o‘quv yuklamasining o‘lchov birligi-kredit belgilangan. O‘quvchilarning akademik mobilligini ta’minlash maqsadida bir ta’lim muassasasi ta’lim dasturida olingan kreditlarni boshqa ta’lim muassasasiga ko‘chirish va tan olish kredit ko‘chirish asosida amalga oshiriladi. Ta’lim elementlarini o‘zlashtirish va boshqa

yutuqlarga erishish natijasida taqdim etiladigan kredit birliklarini to‘plashga kredit to‘plash natijasida erishiladi” [1, 2, 3].

Ma’lumki, yuridik texnikum bitiruvchisiga muayyan egallagan mutaxassislik bo‘yicha kasbiy faoliyatni malakali bajarish imkonini berishga qaratilgan professional ta’lim tayyorgarligining asosiy mazmunini aniqlovchi ta’lim standartlari, o‘quv rejasi, o‘quv fanlari (modullar) dasturlari, malaka amaliyot dasturlaridan iborat xujjatlar to‘plamiga ta’lim dasturlari deyiladi.

Tadqiqot davrida biz tomonimizdan ta’lim dasturlari katalogi sifatida yuridik texnikum tavsifi, kredit-modul tizimiga kirish, mavjud ta’lim mutaxassisliklari, xizmatlar va resurslar, o‘quv fanlari dasturlari, aniq ta’lim dasturlari elementlari tavsifi to‘g‘risidagi axborot o‘rganildi. O‘rganishlarimiz natijasida yuridik texnikumlarda ta’lim jarayonini boshqarish axborot tizimi tashkil etilgan bo‘lib, unga muvofiq o‘kuvchilarni ro‘yxatga olish, o‘quv materiallarni tarqatish, o‘kuvchilar va pedagog xodimlar o‘rtasida o‘zaro hamkorlikni ta’minlash, topshiriqlarni berish, nazoratlar o‘tkazish, baholash va uning natijalarini qayd etish kabi imkoniyatlarga ega bo‘lgan elektron tizim mavjud.

Yuridik texnikumlarda o‘quvchilar tomonidan bilimga oid hamda kasbiy jihatlarni qamrab oladigan, ularda bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantirishga qaratilgan ta’lim dasturining tarkibiy elementi sifatida nazorat qilishning tegishli turi bilan yakunlanadigan alohida o‘quv fani modul joriy etilgan. O‘zlashtirilgan modullar, to‘plangan kreditlar miqdori, olingan baholar aks ettiriladigan o‘kuvchining akademik o‘zlashtirishi bo‘yicha guvohnomasida aks ettiriladi. Yuridik texnikumlarda ta’lim elementlari - ta’lim dasturining bir qismi bo‘lib, ta’lim olish natijalariga erishish va ta’lim dasturida ko‘rsatilgan bilimlarni o‘zlashtirishga ko‘maklashuvchi o‘qitish turi hisoblanadi.

Kuzatuvlarimizdan aniqlanishicha, yuridik texnikumlarda ta’lim jarayonlarida ayrim hanuzgacha hal qilinmagan ziddiyatli muammolar ham bor. Masalan, o‘quvchining shaxsiy ta’lim trayektoriyasini belgilab beruvchi, o‘quvchi tomonidan tanlangan hamda unga ketma-ketlikda bilimlar to‘plash va hohlagan kompetensiyalar yig‘indisiga ega bo‘lish imkoniyatini beradigan yo‘nalishlar hanuzgacha faqat qog‘ozda aks ettirilgan. Shuningdek, texnikum o‘quvchisining ta’lim trayektoriyasi institutsional hujjatlar va yo‘riqnomalar yordamida tuzilsada, turli ta’lim trayektoriyalari natijasida bir xil malaka olishga mo‘ljallanmagan. “Bularning barchasi o‘quv faoliyatining barcha turlari (ma’ruza, amaliy mashg‘ulot, seminar, amaliyot va mustaqil ishni amalga oshirish asosida kutilgan o‘quv natijalariga erishish uchun zarur bo‘lgan vaqt sarfini belgilashda namoyon bo‘lishini ta’kidlashimiz joiz” [3] .

Yuridik texnikumlarda ta’lim sifatini takomillashtirish va pedagog xodimlar o‘rtasida raqobatni shakllantirish maqsadida ta’lim jarayonini boshqarish axborot tizimi portali orqali o‘kuvchilarga modul doirasida o‘quvchilarning shaxsiy ta’lim trayektoriyasini shakllantirish jarayonida pedagog xodimlarni tanlash imkoniyati berilishiga qaramasdan, ayrim texnikumlarda mutaxassislarni keng jalb qilinmaganligi bois bu ishlarda oqsoqlik ko‘zatilmoqda. Yuridik texnikumlarda ta’lim jarayonlarida hanuzgacha hal qilinmagan ziddiyatli muammolardan yana biri bu-ta’lim dasturi katalogi va o‘qitish sharoitlari to‘g‘risidagi batafsil ma’lumotlar yuridik texnikumlarning rasmiy veb-saytiga yuklangan va e’lon qilib borilishiga qaramasdan, ayrim texnikumlarda (Navoiy, Qashqadaryo) ular yangilanib turilmaganligini ko‘rsatib o‘tish mumkin.

Yuridik texnikumlardagi ta’lim jarayoni tahlil etilganida o‘quv jarayoni o‘quvchilar, pedagog xodimlar va ma’muriyat o‘rtasida muloqot shaklida o‘quvchiga yo‘naltirilgan yondashuv asosida rejalashtirilganligini ko‘rish mumkin, biroq, ushbu jarayonda o‘quvchilarning xohish va istaklari muhokama qilinayotganligi, barcha manfaatdor tomonlar ta’lim dasturining yaratilishi va o‘zlashtirilishining konstruktiv muhokamasiga jalb etilishida, mazkur muhokamalarda o‘quvchilar vakillari ovoz berish xuquqi orqali ishtirok etishlari sust ekanligini ko‘rish mumkin. Shuningdek, garchi, o‘quvchi o‘quv yuklamasidan tashqari o‘z ixtiyoriga ko‘ra, ro‘yxati taqdim etiladigan qo‘shimcha o‘quv modullarni, yoki boshqa ta’lim yo‘nalishi o‘quv rejasining tanlov fanlarida mavjud fanlar ro‘yxatidan qo‘shimcha fanni tanlab to‘lov-kontrakt asosida o‘qishiga ruxsat etilsada, bu borada ham ayrim texnikumlarda sustkashlik mavjudligi aniqlandi.

Kuzatuvlarimiz natijasida ko‘zga tashlangan ushbu ziddiyatli jihatlarni hal qilish uchun biz tomonimizdan quyidagicha tavsiyalar ishlab chiqildi: yuridik texnikumlarda o‘quv jarayoni o‘quv va nazorat (modullar bo‘yicha bilimlar o‘zlashtirilishini va ularning natijalarini baholash) tadbirlaridan tashkil topishini inobatga olib, o‘quv jarayonini rejalashtirishda, ta’lim dasturi katalogi va o‘quv rejasi, modullarning o‘quv dasturi (sillabus)ni ishlab chiqishda respublikamizning yetakchi ta’lim muassasalari va xorij ekspertlarini keng jalb qilish va shu asnoda o‘quv rejasi va tanlov fanlari ro‘yxatiga mos ravishda o‘quvchilarning shaxsiy ta’lim trayektoriyasini shakllantirish maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-yanvardagi “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi PQ-5618-son qarori.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni tubdan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2020-yil 29-apreldagi PF 5987-son Farmoni.

3. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta’lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 10-iyul 359-son Qarori.

ТАЛАБАЛАРДА ТАЖОВУЗКОРЛИК ҲИССИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.Бегматов-
Навоий давлат педагогика институти
мустақил тадқиқотчиси

Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим характеристкаларидан бири тажовузликдир. Ҳозирги кунда инсонларда кузатилаётган тажовузкор ҳолатларни намоён бўлиш сабабларини аниқлаш, деструктив хулқ-атворни олдини олиш ёки назорат қилиш муаммоларини ўрганиш психологлар учун долзарб масала бўлиб келмокда. Бугунги кунда ота-оналар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг аксарияти фарзандлар билан айниқса тадабалик ёш давридаги ўспиринлар билан муомала муносабатларида бўлиш мураккаблашиб бораётганлигини таъкидлайдилар.

Бугунги кунда талабаларнинг ижтимоий мослашмаганлиги муаммоси долзарб масала сифатида қаралмоқда. Айниқса бу омил агрессив ўспиринлар сонини ортишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бизга маълумки, инсон одобли ёки одобсиз, олижаноб ёки эгоист, жиноятчи ёки соғлом хулқли шахс бўлиб дунёга келмайди. Балки шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар ва установкалар кишининг ижтимоий ҳаёт фаолияти, уни қуршаб олган объектив шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Ушбу шарт-шароитлар ва объектив муносабатлар характери индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Демак, айтиш мумкинки, ижтимоий турмуш шарт-шароитлари пировард натижа инсон хулқ-атворининг шакл ва тамойилларини белгилаб беради.

Шундай экан бу масалаларни яхшилаш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар бўлиб, шаклланишини таъминлаш ҳар бир оила аъзосининг, маҳалла куйнинг, раҳбариятнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий ва муҳим вазифаси бўлмоғи даркордир.

Инсонлар томонидан белгиланадиган муносабатларни акс эттирувчи мазкур баҳоларнинг нисбийлиги асосий психологик ва ахлоқий масаладир. Кимнингдир нуқтаи-назарига кўра зарурияттдай туюладиган нарса бошқа бир инсон учун нафақат бефойда, балки зарарли деб ҳисобланиши мумкин, бир маданиятда маъқул саналган нарса бошқа бир маданиятда номаъқулдек эътироф этилиши мумкин. Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим характеристкаларидан бири тажовузкорликдир. Психологияда “тажовузкорлик” тушунчаси турлича ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар тажовузкорликни негатив хулқ-атвор модели сифатида баҳоласалар, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бу хулқ-атворнинг позитив томонлари ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар.

Р. Кратчфилд ва Н. Левинсонлар тадқиқотларида тажовузкорлик ахлоқийликнинг зидди демоқчи эмасмиз деб таъкидлайди: зотан тажовузкорликнинг баъзи бир шаклларига ахлоқсизлик сифатида қарамайди. Бироқ у аксарият ҳолларда ахлоқсизликдир, шунинг учун ахлоқийликни ўзлаштирилишига маъсул механизмлар агрессив импульслар ижтимоийлашуви негизида ҳам ётади. Улар тажовузкорликнинг икки бир-бирини инкор этмайдиган ва бирдай мақбул тавсифларини берганлар. Биринчиси, хулқ-атворнинг зохирий (ташқи) аломатларига асосланади: “Тажовузкорлик” - кимгадир зиён етказувчи хулқ-атворнинг ҳар қандай кўринишидир. Иккинчиси, одамнинг ботини (ниятлари) билан боғлик, яъни инсонни ҳаракатга ундовчи кучларни ўрганиш билан англаш мумкин бўлган ҳолатлар билан муштарак: “Тажовузкорлик - бошқа бир инсонга зиён етказишни мақсад қилиб олган ҳар қандай хатти-ҳаракат” лардир. В. Клайн агрессивликнинг салбий жихатларини инкор этмаган ҳолда тажовузкорликда “маълум маънодаги соғлом жиҳатлар” ҳам мавжуд бўлиши, улар фаол ҳаёт кечириши учун асқотиши мумкинлигини эътироф этади.

Тажовузкорлик ва агрессивлик тушунчаларини бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш лозимдир. Тажовузкорлик - бу одамлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Агрессивлик-шахснинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у тажовузкорликга тайёргарликни ифодалаш билан бирга душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни билдиради.

Тажовузкорлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тузилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлади. Демак, тажовузкорлик-бу жисмоний ёки руҳий зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир. Ушбу таърифда таъкидланишича, тажовузкорлик-бу эмоция ёки мотив эмас, балки хулқ-атвор моделидир. Гарчи тажовузкорлик аксарият ҳолларда ҳақоратлаш ёки зарар етказишга интилиш билан боғлик бўлган мотивлар асосида ҳамда негатив эмоциялар жумладан, қаҳр, ғазаб, тажанглик билан боғлик тарзда ассоциация қилинди. Албатта, юқоридаги омиллар агрессив хулқ-атворга маълум маънода катта таъсир

кўрсатади, лекин уларнинг мавжудлиги бундай хулқ-атворни юзага келишида зарур бўлган шароит ҳисобланмайди.

Тажовузкорликнинг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Бошқаларга хавф солувчи ёки зиён етказувчи ҳар қандай хулқ-атвор тажовузкорлик деб аталади. (Басс).

- Бошқаларни ҳафа қилиш, уларга зиён етказиш нияти бўлган хатти-ҳаракатлар тажовузкорлик деб аталади. (Берковитц).

- Бошқаларга жисмоний зарар етказиш нияти билан амалга оширилган ҳаракатлар тажовузкорлик деб аталади. (Зильманн).

- Бошқа тирик мавжудотларга зиён етказишга қаратилган, бироқ ўзига нисбатан қўлланилишга қарши бўлган ҳар қандай хулқ-атвор тажовузкорлик деб аталади. (Р.Берон, Д. Ричардсон).

Юқорида келтирилган тажовузкорлик классификацияси Басс прологиясида ҳам ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Биз бу зўравонликларнинг барчасини деструктив, жисмоний тажовузкорлик ёки атайин бошқа бировга ё объектга зарар етказиш мақсадида амалга оширилган ҳаракат деб таърифласак бўлади. Агрессив хулқ-атвор: узоқ давом этувчи ёки қисқа муддатли, жуда тез содир этилувчи ёки ўзини бошқара оладиган даражаларда фарқланиши кузатилади.

Очиқ агрессив хулқ-атворда жабрланувчига тўғридан-тўғри очиқ ҳужум қилиниши, жисмоний зарба орқали зарар етказиш кузатилади. Яширин тажовузкорлик эса гап-сўзлар, миш-мишлар, алдов ва ёлғонлар асосида ифодаланади. Кўп ҳолларда очиқ тажовузкорлик ёш ўтиши билан кучсизланиб борса, яширин тажовузкорлик эса аксинча кучайиб боради. Маълумотларга кўра агар инсон болалигида очиқ тажовузкорликни тез-тез кучли намоён этган бўлса, у ёши улғайганда ҳам зўравонлик қилиши, жиноятларга қўл уриши мумкин экан. Очиқ тажовузкорлик асосан эмоционал ҳолатлар жумладан, ғазаб, қаҳр, жаҳл, ҳис-ҳаяжон билан характерланади.

Яширин тажовузкорликда когнитив жараёнларга кенг кўламда мос келувчи зўравонлик усуллари жумладан душманлик қилиш, маккорлик, нўноқлик хусусиятларини қўллаш ҳаракатлари кузатилади. Яширин тажовузкорликда конфликтларни ҳал этишда “когнитив дефицитар” ҳолат яъни душманлик очиқдан-очиқ намоён бўлмайди. Аксинча бунинг ўрнига улар яхшилаб ўйлаб, режалаштириб, маъқул келадиган йўлни топадилар.

Тажовузкорликнинг ижтимоий маъқул ва ассоциал агрессив хулқ-атвор турлари фарқланади. Ижтимоий маъқул тажовузкорлик турида фрустрация ва низо натижасида келиб чиқувчи зўриқиш ҳамда ҳавотирланиш ижтимоий нормаларга мос келувчи ҳаракатлар орқали ҳал килинади. Ассоциал агрессив хулқ-атвор нормаларга зид бўлган (уришиш, сўкиш) ҳаракатларда намоён бўлади. Агрессив хатти-ҳаракат асосида агрессивлик мотиви ётади. Агрессив хатти-ҳаракатлар одамларга маънавий, руҳий, моддий ва жисмоний зарар етказади. Агрессивлик бошқа одамга била туриб зарар етказиш демакдир.

ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ ДАРСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

А.А.Ҳомидов - т.ф.н., доцент
Ж.А.Абдукаримов - т.ф.н., доцент
Академик Б. Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети

Аннотация

Олийгоҳларда ўтиладиган ўқитишнинг интерактив услубларидан бири бу пресс-конференция дарсидир. Бу дарсда талабалар олим, олималар ролида иштирок этиб, мавзуга доир баҳс, мунозаларда фаол иштирок этадилар. Пресс-конференция ўрта умумтаълим мактабларида 9-синфда ўқитиладиган умумий тарих мисолида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Пресс-конференция, матбуот дарси, методика, педагог, ўқувчилар.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир [1, 3].

Олий ўқув юрти талабаларига замонавий таълим технологиялари ҳақида маълумот беришда тарих ўқитиш методикаси фани катта ёрдам беради. Тарих дарсида ташкил қилиниши мумкин бўлган янги замонавий дарслардан бири бу матбуот дарсидир [2,21-24]. Бу дарс ўқув йилининг бошида ўқитувчи томонидан йиллик режага киритилади. Матбуот дарслари кўпроқ 9-10-11 синфларда ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Хўш, бу дарс қандай тартибда ўтказилади? Дарс мавзуси, муддати бир ҳафта олдин ўқувчиларга айтилади. Синф ўқувчиларидан аълочилари ўқитувчи томонидан танлаб олинади. Бу танланган аълочи ўқувчиларга ўқитувчи дарс мавзусига пухта тайёрланишларини айтади, чунки улар бу

дарсда билимдон, ўз соҳасини чуқур биладиган, дунёқараши кенг олим ва олималар ролини бажарадилар. Синфнинг қолган ўқувчилари, матбуотчилар, талабалар ролида қатнашиб, белгиланган мавзу бўйича дарсга таклиф қилинган олим ва олималарга саволлар берадилар.

Бу дарсда фан ўқитувчиси назоратчи сифатида иштирок этади, чунки олим ва олималар ролидаги ўқувчилар агар камчиликка йўл қўйсалар, назоратчи ролидаги ўқитувчи буни тўғрилайди.

Дарс бошланишидан олдин ўқувчилар синф хонасини дарсга тайёрлайдилар, чунки улар дарс мавзусини, дарс қайси куни бўлишини яхши биладилар. Дарсни ташкил қилишда ўқитувчининг энг яқин ёрдамчиси бу синф бошлиғидир. Дарс бошланишидан олдин доска олдига оддий президум ташкил қилинади. Бу президумга ўқитувчи томонидан тайинланган олим ва олималар ўтирадилар. Улар олдига унвонлари ёзиб қўйилади. Масалан:

Ботиров Анвар Каримович **Мансуров Парвиз Шавкатович**
т.ф.н., дотцент **т.ф.н. дотцент**
Қурбонов Нафиса Олимовна
т.ф.н. дотцент

Бу дарсга мактаб маъмуриятидан ва педагогик жамоадан ўқитувчилар таклиф қилинади. Дарс қуйидаги режа асосида ўтказилади:

Дарс режаси:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи; 2. Савол – жавоб; 3. Баҳс, мунозара (мавзуга доир); 4. Олимларнинг сирли саволлари; 5. Дарснинг якуни. [3, 21].

Матбуот дарсини фан ўқитувчилари бошлаб, олим ва олималарни чиройли қарсаклар билан ўқувчиларга таништиради. Ўтирган синфдаги ўқувчиларни ўқитувчи матбуотчилар, абитуриентлар ва ёш тарихчилар эканлигини айтиб ўтади. Масалан: 9 синфда умумий тарихдан 1 боб юзасидан «Улуғ Октябр революциясидан кейин капиталистик мамлакатларда революсион ҳаракатнинг юксалиши” мавзусида матбуот дарсини ташкил қилиши мумкин.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан бошлайди: Азиз ўқувчилар! Мана сизлар билан 1 бобни якунладик. Мен сизларга 1918 йиллардаги Германия революцияси, Венгрия Совет республикаси, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Италиядаги ишчилар ҳаракатининг юксалиши, империализм мустамлака системаси кризисининг бошланиши, Коммунистик интернационалнинг тузилиши, Версаль системасининг тузилиши ҳақида сизларга маълумот берган эдим. Бугун эса шу мавзулар юзасидан сизларни қизиқтирган саволларга дарсимизга ташриф буюрган меҳмонлар, яъни олим ва олималар жавоб беришади.

Шундай қилиб матбуотчилар, абитуриентлар ва ёш тарихчилар ролидаги ўқувчилар юқоридаги мавзу юзасидан олим ва олималарга саволлар беришни бошлашади. Саволлар 1 боб юзасидан қуйидагича бўлиши мумкин.

Масалан:

1. Нима учун 1918 йил 3 ноябрда Германияда революсия бошланди?

2. Нима учун Германия мустақил социал демократик партияси (ГМСДП) пролетариатнинг, революцион авангарди бўла олмас эди?

3. Немис революционерлари Карл Либкнехт ва Роза Люксембурглар мардлиги нимада эди?

4. Венгриядаги қайси шарт шароитлар пролетариат диктатурасини тинч йўл билан ўрнатиши имконини берди.?

5. Венгрия совет республикасининг сабоқлари нималардан иборат?

6. 1920 йилда Италияда вужудга келган революсион вазият шароитида нима сабабдан ғолибона социалистик революция содир бўлмади?

7. Империализм мустамлакачилиги системаси кризиснинг белгилари қайсилар?

8. Ганди тактикасининг қайси томонлари ҳинд халқининг миллий озодлик ҳаракати юксалишига ёрдам беради-ю, қайси жиҳатлари ёрдам бермади?

9. III Коммунистик Интернационал тузиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд эди?

10. Версаль шартномаси Германия учун қандай ҳарбий чеклашлар белгилади?

11. «Мандат системаси»нинг ҳақиқий моҳияти нимадан иборат?

12.Версаль системаси дунёни қурол кучи билан янгидан қайта тақсимлаш хавфи яширинганлигини исботлаб беринг? [4, 23-30].

Олим ва олималар юқоридаги саволларга аниқ ва пухта жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Синф хонаси доскасидаги мавзуга доир харита ва сиёсий харитадан ҳам ўринли фойдаланадилар. Шунданг сўнг матбуот дарсининг 3 қисми, яъни баҳс ва мунозарага ўтилади.

Бу баҳсда яна абитурентлар, матбуотчилар ролидаги ўқувчилар олим ва олималарга муаммоли саволлар берадилар. Бу саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Нима учун Версаль системаси мустаҳкам система бўла олмас эди?

2. Нима учун Германияда революцияга қарши фитна уюштирилди?

3. Германия революциясидаги (1918) ўнг социал-демократларнинг ролини кўрсатиб беринг?

4. Нима учун ҳинд халқи Гандини Махатма яъни «буюк қалб эгаси» деб аташади? Изоҳланг? [5, 114-116].

Олим ва олималар ўз фикрларини матбуотчилар, абитуриентлар билан ўртоқлашадилар. Агар олим ва олималар берган жавобларида камчиликлар бўлса, буни назоратчи ролидаги ўқитувчи тўғрилайди.

Шундан сўнг матбуот дарсининг сирли саволларига ўтилади. Бу шартда мавзуга доир олим ва олималар матбуотчилар, абитуриентлар ролидаги ўқувчиларга саволлар берадилар.

Сирли саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. «Бизнинг кемамиз белгиланган мақсад сари қатъий ва мағрур ўз йўли билан бормоқда. Мақсадга эришилган вақтда биз ҳаёт бўламизми-йўқми, барибир бизнинг дастуримиз яшайверади; у озод инсоният оламида ҳукмрон бўлиб қолади. Ҳамма нарсага қарамай шундай бўлиб қолади!»

(Бу кимнинг гапи? Изоҳланг)

2. «Худди Россиядагидек қиламиз!» (Бу қандай шиор, бу шиорни ким танлаган, нима учун? Изоҳланг)

3. Нима учун Пекин университетининг профессори Ли Да Чжао Хитой халқини «руслар намунасидан ўрнак» олишга чақирди?

4. «Кимдир қўлида милтиқ ушлаган, кимдир қилич, кимдир найза, кимдир тўппонча ушлаган. Ҳамма революсия, республика шарафига олқишлар ёғдирмоқда». (Бу сўзлар қайси вокеага таалуқли? Бу воқеа қачон қаерда бўлган?) [6, 64].

Юқоридаги сирли саволлар асосан ўқувчиларга берилади. Дарснинг бу қисми ҳам баҳс, мунозара тарзида давом этади. Агар жавобларда камчиликлар бўлса олим ва олималар ўзлари тўлдирадилар. Тўғри улар ҳам ўқувчи, лекин ўтирган синфдошларидан билимлари, дунёқарашлари жиҳатидан бир оз бўлсада фарқ қиладилар. Шундай қилиб матбуот дарсининг шартлари тугаб ўқитувчи дарсга қуйидагича якун ясайди.

Азиз ўқувчилар! Мана бугунги матбуот дарсимиз ҳам ниҳоялаб қолди. Биз бугун сизлар билан Улуғ Октябр революцияси таъсири билан мустамлакалар ва қарам мамлакатларда миллий озодлик ҳаракатининг ўсиши ҳақида маълумот эга бўлдик.

Шундан сўнг ўқитувчи олим ва олималарга, фаол қатнашган ўқувчиларга баҳо қўяди, дарсга ташриф буюрган меҳмонларга раҳмат айтиб, ўқувчиларга уйга вазифани эълон қилади.

Бизга маълумки қанақа дарс бўлишидан қатъий назар ўқитувчи 45 дақиқа таълим билан бирга тарбияни ҳам олиб боради. Матбуот дарси охирида ўқувчиларни иноқликка, дўстликка чақиради ва қуйидаги шоир мисралари билан дарсга якун ясайди.

Дўсти йўқ дунёда энг ғариб одам,
На давлат, на мансаб босар ўрнини.
Гўёки саҳрога томган томчи нам,
Қидириб топмайсан кейинча уни. [7, 4].

Ҳа, азиз ўқувчилар! Ана шу шоир сатрлардаги дўстлик доимо сизни қалбларимизга ҳам йўғрилган бўлсин дея, сизлар билан хайрлашаман дея дарсни якунлайди.

АДАБИЁТ

1. Ҳомидов А. Замонавий тарих дарслари ва уларни ўтказиш йўллари. Хужанд, 2010.- С. 21-24.
2. Ҳомидов А. Ўрта умумтаълим мактабларидаги педагогик тажрибага доир қўлланма. Хужанд, 2009. – С. 21.
3. Мансуевич А. Я, Орлов В.А. Энг янги тарих, 9 синф дарслиги., Тошкент , 1989. – С. 23-30.
4. Манусевич А.Я, Орлов В.А. Энг янги тарих.- Тошкент, 1989. – С. 114-116.
5. Хоназаров. Э. У ким бу нима? Энцеклопедия.- 1 том.- Тошкент, 1991. – С. 64.
6. Манусевич А.Я, Орлов В.А. Энг янги тарих.- Тошкент, 1989. – С. 64.
7. Тўлқин М. “Суғд ҳақиқати”.- 2017 йил, №4.

JAMIYAT RIVOJLANISHIDA INNOVATSIYANING O‘RNI

S.Q.Absobirov
NavDPI 1-bosqich tayanch doktoranti

Annotatsiya

Ushbu mqolada innovatsiya va uning kelib chiqish tarixi, innovatsiyaning asosiy xususiyatlari, innovatsion jarayon bosqichlari va O‘zbekiston Respublikasida innovatsion faoliyatni rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar to‘g‘risida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Innovatsiya, diffuziya, innovation, ixtiro, tadbiq, kapital, yangi, amaliy qo‘llanilish

“Innovatsiya” tushunchasi (ingl. Innovation-kiritilingan yangilik, ixtiro) yangilikka investitsiya kiritish ma’nosida ishlatiladi. Innovatsiya tushunchasi fanga XX asr boshlarida kirib kelgan. Avstraliyalik iqtisodchi olim Y.Shumpeter birinchi marotaba innovatsiyalarga oid masalalarni ko‘rib chiqqan va innovatsion jarayonga to‘liq ta’rif bergan. Iqtisodiy adabiyotlarda “innovatsiya” tushunchasiga ko‘pchilik mualliflar tomonidan turlicha ta’riflar keltirilgan.

A.Busiginning fikriga ko‘ra, innovatsiya bu asosiy kapital yoki ishlab chiqarilayotgan mahsulotni ilm fan, texnika va texnologiyalar yordamida yangilashdir.[70]

R.Fatxutdinovning fikriga ko‘ra, innovatsiya yangilikni tadbiq etishning yakuniy natijasi bo‘lib, ob’ekt boshqaruvini o‘zgartirish ijtimoiy, iqtisodiy, ilmiy, texnikaviy, ekologik va boshqa ko‘rinishdagi samaradorlikdir.[71]

Yuqoridagi ta’riflardan xulosa qilib, innovatsiya – bu yuqori iqtisodiy va ijtimoiy samara olish maqsadida ishlab chiqarish jarayoniga ilg‘or ilm-fan yutuqlarini joriy etish yo‘li bilan yangi tovarlar yaratish yoki ishlab chiqarilayotgan tovarlar sifatini oshirishdir.

Innovatsiya har bir sohada bo‘lishi mumkin. Masalan, fanda, uning bir yo‘nalishida yirik yangiliklarga erishish, kashfiyotlar yaratish, izlanishlarda, ilm sohasida yangi ilm va bilimlarni ochish, texnika va texnologiyalarni yangi avlodini yaratish, ishlab chiqarish sohalarida, xizmat ko‘rsatishda yangi usullarni kiritish va boshqalar shular jumlasidandir. Iqtisodiyotda esa fan, texnika, texnologiyalar sohalarida erishilgan eng so‘nggi yutuqlarni qo‘llashni bildirishi mumkin.

Innovatsion faoliyat qaysi sohada bo‘lmasin, kashfiyotlar, e’lon qilingan yangiliklar, texnika va texnologiya yutuqlari va texnologik jarayonlarni yangilash, mahsulot bilan ta’minlash va boshqa yo‘nalishlardagi barcha yangiliklarni tizimli ravishda uzluksiz joriy etib borishni ta’minlash jarayonidir.

Jahon gloaballashuvi jarayonida kuchli raqobat har sohada yangilikka undaydi. Fandagi texnika-texnologiya sohalaridagi eng so‘nggi yutuqlar, kashfiyotlar, yangiliklar, ratsionalizatorlik takliflarni ishlab chiqish va xizmat ko‘rsatish sohalariga shiddat bilan kiritilib boriladi va marketing, boshqaruv, ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish sohalarida yangi yondashuv, yangi texnologiya, texnikalarni qo‘llashni talab qiladi va texnologiyalarni yangi avlodini qo‘llash asosida mablag‘ kiritilishi investitsiyadan dalolat beradi. Yangilik kiritilishi asosida mavjud texnika va texnologiyalarni almashtirilishi ham investtsiyani anglatishi mumkin. Fan va texnika taraqqiyoti natijalari asosida yangi texnika, texnologiyalarni qo‘lga kiritilishi ham investitsiya ma’nosida ishlanadi. Investitsiyani aniqlovchi omil bo‘lib yangilik yaratilishi, ratsionalizatorlik takliflar yirik tashkilotlar va shunga tegishli ilgari e’lon qilinmagan yirik ishlanmalar xizmat qiladi.

Kichik raqobat muhitida ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalarida investitsiya ishlab chiqarishni yangi texnika va texnologiyani qo‘llash asosida tashkil etishni, xizmat ko‘rsatish sohasida yangi, avval qo‘llanilmagan xizmat turlarini nazarda tutadi. Innovatsiya tushunchasi yangi maxsus turlarni mavjud ishlab chiqariladigan mahsulotni almashtiruvchi, uning o‘rnini bosuvchi yangi mahsulotni ishlab chiqarishni ham anglatadi. Kuchli raqobat muhitida yangi texnika va texnologiyalarni qo‘llash asosida yangi mahsulotni, yangi bozorga olib chiqishni ham bildiradi. Investitsiya kashfiyotlar asosida fan va texnika sohasida yangi bilimlarni qo‘llashga kiritilishini, yangi ilg‘or texnika va texnologiyalarni yaratilishini, ularni ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalarida qo‘llanilishini, ular asosida yangi tovar va xizmatlarni yaratilishini va ular hisobiga raqobatni kuchaytirishni, yangi bozorni egallashni ham anglatadi.

Innovatsiya an’anaviy va yangi ilm-fan sig‘imi yuqori bo‘lgan tarmoq sohalarida iqtisodiy o‘sishni va raqobatbardoshlikni doimiy ravishda ta’minlovchi zaruriy vosita sifatida namoyon bo‘ladi.

Innovatsiyaning asosiy xususiyatlari:

- Ilmiy-texnik yangilik;
- Amaliy qo‘llanilishi;
- Tijoriy amalga oshirilishi, ya’ni bozorda ma’lum darajada iste’molchilar talabini qondira olishi.

Umuman olganda, innovatsion jarayon - bu yangilik g‘oyadan to mahsulotgacha shakllanishi va bozorga tarqalishidir.

Innovatsion jarayon bosqichlari:

1-bosqich bu yangi g‘oya va bilimlar;

2-bosqich bu yangilikni (novatsii) amaliy faoliyatga tadbiq etish, ya’ni innovatsiya;

3-bosqich bu innovatsiyalar diffuziyasi. Ya’ni innovatsion mahsulot, xizmat va texnologiyalarni yangi makon va sharoitlarda qo‘llanilishi.

Shunday qilib, “innovatsiya” tushunchasi barcha sohalardagi (ishlab chiqarish, ilmiy-tadqiqot va boshqa) ishlanmalar, yangiliklar va takomillashtirilgan vositalar sifatida, sarf-xarajatlar imkoniyatlarini ta’minlaydi yoki bo‘lmasa ularni ta’minlash uchun sharoit yaratadi.

Innovatsiyalarni oxir-oqibat maqsadi tovar (mahsulot) raqobatbardoshligini kuchaytirish, uning bozorini kengaytirish, firma (korxona) faoliyati barqarorligini ta’minlash asosida foyda (daromad) hajmi va normasini ko‘paytirishdir.

Innovatsiyalar o‘zining predmeti va qo‘llash sohalari bo‘yicha quyidagilarga bo‘linadi:

- mahsulotli (yangi tovar yoki xizmatlar);
- bozorboplik (tovarni ishlatilishini yangi sohalarini tashkil etuvchi yoki xizmatlarni yangi bozorda tadbiq etish);

---

[70] А.В.Бусыгин. Предпринимательства. – М.: Дело, 2001. 176с.

[71] Р.А.Фатхутдинов. Инновационный менежмент. – М.: Интел – Синтез. 2000. 9с.

- innovatsiyalik jarayonlari (texnologiyalar, ishlab chiqarishni tashkil etish va boshqarish jarayonlari)

Innovatsiyalarni qayd etilgan mezonlar bo‘yicha tiplarga ajratish firma (korxona) strategiyasini aniqlash, innovatsiya tiplaridan kelib chiqib tovar (xizmatlari) realizatsiya shakllari hamda iqtisodiy mexanizm boshqarish shakllarini ishlab chiqish imkoniyatlarini beradi. Har qanday yangilik, ya’ni innovatsiya aniq loyihalarda o‘z ifodasini topadi, aniq maqsadlarga qaratiladi hamda chuqur hisob-kitoblar, tahlil va ekspertiza asosida bo‘lajak natijalari istiqboli aniqlanadi.

Innovatsiya har qanday sohada yangilikni qo‘llash bo‘lib, uzluksiz jarayonni bildiradi, tizimli faoliyatni, aniq strategiyani amalga oshirishdan dalolat beradi.

Yangilikka intilish, yaratuvchanlik, kashfiyotlar va ular asosida qo‘lga kiritiladigan ishlanmalar har qanday sohada resurs talab etadi.

Har qanday iqtisodning bosh bo‘g‘inini ishlab chiqarish tashkil etishi munosabati bilan, uni muntazam ravishda yuksaltirish, yangilanishni, ilg‘or texnika va texnologiyalardan foydalanishni, progressiv boshqaruv usullarini qo‘llashni, turli yo‘nalishlarda samara keltiruvchi iqtisodiy-moliyaviy resurslarni, ya’ni investitsiyalarni kiritishni talab etadi.

Makroiqtisodiy darajada innovatsiyalarga qaratilgan investitsiyalar ijtimoiy-iqtisodiy tizimni takomillashtirishga qaratiladi va iqtisodiy taraqqiyotni umumiy shart-sharoitlarini yaxshilab boradi hamda iqtisodiy mexanizmlarning takomillashtirilishini ta’minlaydi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish mukammal omillarga ega bo‘lishi talab etiladi va zaruriy iqtisodiy resurslar, ya’ni investitsiyalarni talab etadi. Bunda innovatsiyalarga qaratilgan investitsiyalar ijtimoiy-iqtisodiy tizimning moddiy, ijtimoiy-iqtisodiy va g‘oyaviy-siyosiy belgilarini takomillashtirilishiga safarbar etiladi. Bunday investitsiyalar resurslar, ishlab chiqariladigan mahsulotlar, xizmatlar, mulkchilik shakllari, iqtisodiy mexanizm, intilinayotgan g‘oya va siyosatning ustuvorligini ta’minlanishiga qaratiladi.

O‘zbekiston iqtisodiyotida firma (korxona)lar hayotiyligini ta’minlash, ular rivojlanishi va daromaddorligini orttirish, fan va texnika taraqqiyoti yutuqlaridan foydalangan holda, jahon talablari darajasidagi tovar va xizmatlarni ishlab chiqarishdir. Yangi, zamonaviy va ilg‘or texnika-texnologiyalarni qo‘llagan holda sifatli, arzon tovar va xizmatlarni tashqi bozorlarga etkazish uchun qaratilgan investitsiyalar innovatsion investitsiyalardir. Erkin raqobat muhitida firma (korxona) innovatsiya strategiyasini yaxlitlikda ta’minlashga qaratilgan investitsiyalar:

- ishlab chiqarish hayotiyligini saqlab qolish;
- jamoa rivojlanish dasturini ta’minlash;
- zamonaviy boshqarish usullarini qo‘llash;
- foydani maksimallashtirish;
- jamoa faoliyatini takomillashtirish;
- yangi sohalarga kirib borish;
- manfaatlarga mos keladigan maqsadlarga erishish;

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda innovatsion faoliyatni rivojlantirish maqsadida bir qator qonun, farmon va qarorlar qabul qilindi. Shu jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi PF-5264-son Farmoniga asosan “O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi” tashkil etildi. Bundan tashqari Innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish, ularning yanada rivojlanishini ta’minlovchi normativ-huquqiy bazani yaratish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 3 ta farmoni, 11 ta qarori, Vazirlar Mahkamasining 8 ta qarori va 4 ta idoraviy normativ-huquqiy hujjatlari (jami 26ta) qabul qilindi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. А.В.Бусыгин. Предпринимательства. – М.: Дело, 2001. 176с.
2. Р.А.Фатхутдинов. Инновационный менежмент. – М.: Интел – Синтез. 2000. 9с.

МИР ТЕМУР ДАВРИДА КОНЧИЛИК ИШИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Хасанова Раъно Рустамовна
Навоий шаҳар 12-сонли ИДУМ
тарих фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амир Темур давлатида кончилик ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданларни қазиб олиниши туфайли ҳунармандчилик ривожланганлиги, ҳунармандчилик тармоқларининг кўпайиши туфайли шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин эгаллаганлиги, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари савдо марказига айланиши, Самарқанд қуролсозлик марказига

айланиб, совутсозлар маҳалласи қурилганлиги, шаҳарларда мис ва темирдан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинганлиги каби масалалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: кончилик иши, ҳунарманжчилик, металлургия, асбоб – ускуналар, қурол – яроғлар, олтин ва кумуш буюмлар, Бадахшон, Клавихо.

Кончилик ва металлургия бўйича қадимги Ўзбекистонда минглаб ёдгорликлар бўлиб, Амир Темур даврига оид, яъни XIV- XV асрларга таълуқли манбалар кам ёритилган. Аслида эса Чингизхон истилосигача Мовароуннаҳрнинг кончилик ишлари, ҳунармандчилик кенг ривожланган ва ўзига кўпгина Ғарб давлатларини жалб қилган фойдали қазилмасига эга бўлиши учун Эрон аҳамонийлари, Қутайба, Александр Македонский ва ниҳоят Чингизхон босқинлари юз берди. Бу босқинчилик талон – тарож урушлари натижасида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларидаги кон қазиб олиш, металлар эритиш, ҳунармандчилиги гуллаган Ўтрор, Шош, Хўжанд, Шохрухия, Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарлари тоғларидаги кончилик иши тўхтайди.

Бу ўлкада X-XI асрга қадар олтин, кумуш, мис, қўрғошин, қимматбаҳо тошлар, мармар каби қурилиш материаллари минерал хом – ашёлари мўллиги ҳақида Истахрий, Ибн Хаукал, Мақдусий, Ас-Сомоний, Наршахий ва бошқалар ўз асарларида батафсил баён этган эдилар. Аммо XIX асрларда битилган рисола ва илмий тадқиқотларда Амир Темур даврига оид кончилик ва металлургия саноати бизнинг нуқтаи назаримизда юзаки ёритилади.

Иттифоқ пайтида Амир Темур шахсиятига салбий қараш кучли бўлганидан, унинг ватан олдидаги хизматлари тўла ижобий ёритилмас ёки атайлаб салбийлаштирилиб кўрсатилар эди.

Кон – металлургия соҳасида эса, кўзга кўринган олимлар ҳам ўз илмий асарларида “Амир Темур металл буюмларни асосан ҳарбий ўлжа сифатида топар эди”, -дейди. Бизнинг фикримизча, бу гап нотўғри талқиндир. Ҳақиқатда эса, Амир Темур Мовароуннаҳрни Чингизийлар зулмидан озод қилгач, ҳар бир вилоят ва ўлкада, ҳар соҳада, шу жумладан кончилик ишларида ҳам ижобий кўтарилиш бошлади. Амир Темур мард ва жасур аскарларни яхши кўргандек, соҳиби ҳунарларни ҳурмат қилар, қадрлар эди.

Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий – маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Илм – фан, кончилик ва металлургия, ҳунармандчилик ва меъморчилик равнақ топди. Мамлакат ва пойтахт Самарқандда маҳаллий ва чет мамлакатлардан кўплаб кончи ва металлург аҳлларининг, ҳунарманд ва меъморларни тўплади.

Кончилик ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданларни қазиб олиниши туфайли ҳунармандчилик ривожланган. Ҳунармандчилик тармоқларининг кўпайиши туфайли шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин эгаллади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари савдо марказига айланди.

XV асрда металл буюмлар – уй рўзғор буюмлари, асбоб – ускуналар, қурол – яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуролсозлик марказига айланиб, совутсозлар маҳалласи қурилган. Шаҳарларда мис ва темирдан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Мисгар ва чилангар металлни тоблаш, қуйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.

Масалан, Бибихоним масжиди эшиклари етти хил маъдан қотишмадан тайёрланган. Заргарлар олтин, кумуш ва темир қотишмаларидан нафис зеб – зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва кумуш гардишли, қимматбаҳо тошлар қадалган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар ишланган.

984 хижрий 1489 миллодий йилга оид вақф хужжатларини бири Самарқанд шаҳрида тузилган бўлиб, Хожа Аҳрор жаноблари вақфига берилган буюмлари орасида мис идишлари, қозон, лаган, кўзалар санаб ўтилади[1].

Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасига тегишли жиҳозлар шулар жумласидандир[2].

Темур замондошларининг маълумотларига асосланиб улуғ амир ва унинг хотинлари либосларини безаган айрим қимматбаҳо тошлар маҳаллий келиб чиқишига ўзи, унинг хотинлари қимматбаҳо жавоҳирлар, тешилган ва тешилмаган марваридлар, олтин – кумуш безакларни ёқтиришар эди. Заргарлар сирға, узук, билакузук ва бошқа қимматбаҳо безакларни тайёрлашга ихтисослашган. Айниқса, феодал аслзодаларнинг бунга эҳтиёжи баланд эди.

Бадахшондан бутун мусулмон оламида маълум бўлган лаъл турлари қазиб чиқарилган. Шу ердан унча узоқ бўлмаган жойда ложувард кони бўлган тоғ жойлашган. Айнан шу ерда қояларда зангори ёки кўкиш ёқут(сапфир) қазиб чиқарилар эди.

Конларни қазиш ва тошларни қайта қўлда бажарилган. Бадахшон, Кўкча дарёси, Амударёнинг юқори оқимидаги конларни баён эта туриб, Клавихо лаъл қазиб олишни шундай ёзади: “Қатламлар топилиб, тоғ қисми кўчириб туширилади, лаълдан жинс олинади, лаълга етгунча ундан сирти оз – оздан

кўчириб олинади, сўнг ўткирлайдиган тошда бўлинади". Темур давлати ҳудудидаги барча конлар унга қарашли деб ҳисобланган.

Амир Темур қимматбаҳо тошларни қазиб олишни қаттиқ назорат қилишни буюради. Махсус катта қўриқчилар гуруҳи кончилар ишини кузатиб турар эдилар[3].

Архиепископ Иоанн Суянийский Темур саройида Франция қироли Карл VI нинг вакили вазифасини бажарар эди. У ўзининг Парижда ёзилган эсдалик – ёдномасида Темурнинг ҳарбий ютуқларини тасвирлаб "Муҳим конлар устидан давлат ҳукумронли"ни қайд этиб ўтади.

Кон қазувчиларнинг оғир ишига қуллар ҳам жалб этилган бўлиши керак. Бироқ ушбу давр ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Бир вақтлари Самарқанд қалъасининг ҳатто қоровулхона биноси ҳам ҳашомдор қилиб безатилган, мисол учун дарвоза тавақалари етти хил маъдан қотишмасидан қуйилган.

Темур яшаган даврда металл уймакорлиги ҳам тараққий этган. Самарқанддаги Регистон майдони яқинида олиб борилган қазилма вақтида топилган буюмлар хазинаси шундан дарак беради[4].

Ер сатҳидан саккиз метр пастдан қазиб олинган бу жой темирчилик устахонаси бўлиб, металл эритадиган ўчоқ, унинг ёнида темир ва кўр қолдиқлари, бир қанча тайёр ва яна иши охирига етмаган буюмлар бор. Бу ерда айрим кўзларга нақш туширилган ҳолда, унинг ижрои қисми ишловга тайёр қилиб қуйилган холос. Бу буюмлар – олтинсимон бронзадан ишланган, нақшлар ўйиб туширилган, кертилган, бўрттирилган, қадама сифатида олтин, кумуш, қизил мисдан фойдаланилган. Уймакор нақшлар кўзаларнинг айрим қисмларида, бўйин ёхуд чекка қисмида жойлашган, айрим ҳолларда бўйнидан то тубига қадар нақш берилган. Устахонани қайси даврга оид эканлигини билиш учун Амир Темур 1379-1380 йилларда зарб этилган тангалар ёрдам беради. Кўзалардаги XIV аср охирига оид хусусиятлар ҳам буни тасдиқлайди.

1969 йил февралида Самарқанд Регистоннинг шарқий қисмидаги қазилмалар пайтида мисгар ва заргарнинг устахонаси очилиб, бириждан тайёрланган кўплаб бадиий буюмлар топилди. Вайрон қилинган мўъжаз қўра устида ишлов беришнинг турли босқичларидан бўлган 36 та қўра ичида 60 та биринж буюм бор экан. Улар XIV аср охири – XV аср бошларига мансуб бўлиб, Самарқанднинг ўзида ҳунармандчилик мактаблари ривожлангани ва бошқа мамлакатлардан кўплаб усталар олиб келинганлигидан далолат беради[5].

Амир Темур бошқа шаҳарга ҳам алоҳида эътиборини қаратган, жумладан, Бухоро

Темур даврида ҳам йирик иқтисодий марказ бўлиб қолаверди. Замондошлари хабар беришича, Бухоро табиий бойликларга (олтин, кумуш) ва кўплаб бошқа муҳсулотларга бой бўлган шаҳарда бир аср кейин 1559 йиллари ташриф буюрган инглиз Антон Женкинсоннинг Бухорога берган таърифини Темур ва Улуғбек даврига нисбатан бериш мумкин. У Бухорони йирик савдо – ҳунармандчилик маркази сифатида таърифлайди[6].

Маъдан конлари яқинлиги туфайли Тошкентда металл буюм ясаш ривожланган. Бошқа мутахассислар қаторида хилма – хил металл буюмлар тайёрловчи усталар ҳам ишлар, уларнинг маҳсулотлари бу ердан бошқа вилоятларга олиб кетиларди. Тошкент бошқа ҳудудларга "Шоший" ("Чочий") деб аталган камонлар етказиб бериш билан донг таратган эди.

Янги ерлар забт этилганида кумуш конлари Темурнинг қўл остига ўтиб қолди ва улардан танга зарб қилиш учун кумуш етказиб бера бошлади. Чекка ўлкалар ҳам узил – кесил темурий тасарруфига ўтгач, танга зарб этишнинг ягона тизимини яратишга уриниб кўришди, лекин айни чоғда маҳаллий безакларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳам сақланиб қолди.

Қимматбаҳо маъданларга ишлов бериш ҳунармандчиликнинг юксак ривожланган тармоғига айланди.

Темур юришларидаги мувоффақиятлар ва салтанатининг сиёсий қудрати, лашкари, қурол – аслаҳа билан қандай таъминланганига кўп жиҳатдан боғлиқ эди.

Шунга боғлиқ ҳолда Темур давлати пойтахтида аслаҳасозлик иши кучли даражада ривожланди. Махсус устахоналарда шамшир, қилич, ханжар, ой болта, совут, дубулға тайёрланган. Темур бу соҳага катта аҳамият бериб, қатъий назорат қилиб борарди. Бу хил устахоналарда асир мутахассислар ҳам ишларди.

XIV аср охири - XV асрнинг бошларида Самарқанд қалъасида ҳунармандлар ҳам ишлайдиган корхона бўлган. Испания элчиси Клавихоннинг хабар беришича, "Бу саройда у совут, дубулға, ўқ – ёй тайёрловчи ва йил буйи унга ишловчи минглаб асир усталарни сақлаган". Етти йиллик юришдан қайтиб келганидан сўнг Темур "У шаҳардан кетганидан бошлаб усталар тайёрлаган барча қурол – аслаҳани унинг ҳузуридан олиб ўтишни буюрди. Бу аслаҳа орасида яхшилаб тайёрланган ва қизил мовут билан безатилган 3000 жуфт совутни олиб ўтишди, фақат усталар уларни ўта мустаҳкам қилишмаган, чунки темирни тоблашни чуқур билишмаган. Кейин кўплаб дубулғаларни олиб ўтишди. Темур ўша куниёқ бу дубулғалар ва совутларни тақсимлади, ҳамда отлиқлар ва бошқаларга тарқатиб берди. Дубулғалар думалоқ ва баланд, пешонадан ияккача икки энли темир тушган, унинг кўтариб қуйиш ҳам мумкин. У юзини шамширнинг кўндаланг зарбасидан сақлаш учун қилинган, совутлар эса фақат пастки қисми

бошқача матодан ишланган ва совут остидан куйлакдек кўриниб туради[7]. Испан сайёҳи Де – Клавихо Самарқанддаги қурол – аслаҳа устахонасида 3000 та темирдан ва бошқа метллардан ясалган, ташқи кўринишидан жуда кўркам, уларга ишлов бериш даражаси янада моҳирлик талаб қилинадиган қуроллар мажмуасини кўрганини айтади.

Амир Темурнинг фармонига биноан ўтказилган тантанали байрамлар тасвирида ҳунарманд усталар фаолиятининг касбий маҳорат даражаси яққол кўринади.

Амир Темурнинг етти йиллик юришидан мувофаққиятли қайтиши муносабати билан Конигилда ўтказилган байрамни Шарафиддин Али Яздий заргарлар "Конигилни кони зарга айлантириб юборишди" деб ёзади. Заргарлар узук, сирға, билакузукларни жавоҳир сотувчилар қимматбаҳо тошларни териб ташлашди. Бошқа усталар ҳам ўз шийпонларини шундай безатишди. Муаррих айтишича, бундай шийпонлар сони юздан зиёд бўлган.

Де- Клавихо сингари бу томошада Ибн Арабшоҳ ҳам гувоҳ бўлган. Ибн Арабшоҳнингёзишича, "Яна бошқа чодирларнинг бирига бошидан – охиригача йирик марваридлар қадалганки, улардан ҳар бир донасининг қийматини барча асрорлар билимдони тангридан бошқа бирор кимса билмайди, яна бири тилло бўлаклари устида турли – туман жавоҳирлар билан безатилганки, у одамзот кўзини уйнатиб, ақлни даҳшатга солади"[8].

Темур даврида олтин ва кумуш Зарафшоннинг юқори оқимидаги ерлардан келиб тушган. Самарқанддаги ўнлаб мажит устунларини тиклашда Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Мандана қишлоғи яқинидан сариқ қум тошлар қазиб келтирилган. Темур даврига келиб XII-XIII асрда сўнган кончилик ва металсозлик ишлари жадалаша борганини кузатиш мумкин. Чингизхон босқинчи лашкарлари XI-XI асрларда кон – металлургия ҳунармандчилиги ривожланган Шош – Ироқ, Қорамазор, Хўжанд каби ерларни топтаб, ёзги яйловлар ва қишки қишловлар жойига айлантирган эди. Темур давлати бузилган карвон йўллари – ю, вайрон этилган кончилик манзил шаҳарларини тиклай бошлади. Академик Иброҳим Мўминовнинг таъкидлашича Амир Темур Ангрен дарёси буйида металл эритувчилар, яъни оҳангарлар шаҳри Оҳангаронни бунёд этишга катта ҳисса қўшган ва бош бўлган эди. Бизнинг тахминимиз ва 1996-1997 йилларда олиб борилган археологик қидирув ишларимиз натижасига кўра, бу шаҳар Ангрен дарёсининг ўнг қирғоғида, ҳозирги Оҳангарон шаҳридан 1,5-2 км қуйида жойлашган хозирги Мунчоқтепа қишлоғидадир.

Бу ерда XII асрларда вайрон бўлган металл эритиш манзили ўрнида XIV асрларда жадал ривож топиб, полиметалл ва темир рудаларини эритиб, ундан мис идиш, асбоб – анжомлар, темирдан иш қуроллари , олтин – кумуш, шиша, феруза, тоғ хурустали ва тошлардан зеб – зийнатлар, мунчоқлар ясашда кўзга кўринган заргарлар шаҳри, металшунослар шаҳри бунё этилгани археологик топилмалардан кўриниб турибди. Темур давлатининг кўпгина олтинларини Зарафшоннинг юқори ва қуйи оқимларидаги ерлардан келтирилгани ҳақида маълумотлар М.Е. Массоннинг "Ўзбекистон ҳудудида кончилик тарихига доир " номли асарида келтирилади[9].

М.Е. Массоннинг X асрларда кон саноати ҳақидаги маълумотларига қараганда XIV –XV асрларда бу маълумотлар кам келтирилгани айтилади. Амир Темур даврида бу соҳадаги асл хужжатлар ва манбалар ҳали ўрганилмаган, ёритилмаган деган фикрга келамиз. Ёзма манбалар билан бир қаторда, соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннаҳр кон саноати тарихидаги ижобий ҳиссасини археологик ва изчил ўрганиш катта аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. О.Д. Чехович Самаркандские документы XV-XVI вв. М., 1974 с. 232
2. А.А. Иванов О бронзовых изделиях конца XIV в. из мавзолея Ходжа Ахмада Яссавий – М. 1981, с.144
3. «Дневник», с. 133; В.В. Бартольд. Бадашхон Соғ., Т.III/ М. , 1965 с.343, М.Е. Масон К. Истории горного дело на территории Узбекистана, Ташкент 1953
4. Ю.Ф. Буряков Коллекция бронзовых художественных изделий XIV начала – XV вв.из Самаркада. Тошкент 1990
5. Ю.Ф.Буряков Коллекция бронзовых художественных изделий XIV начала – XV вв.из Самаркада. Общественные наука в Узбекистане, 1966 NN 8-9 с35-86
6. А. Дженкинсон. Путишествие в Среднюю Азию. 1558- 1590 гг. В Ки. Английские путешественники в Московской государстве. Л. 1937 г. с. 182
7. Де- Клавихо. Дневникпутешествия в Самарканд по двору Тимура 1403-1405 перевод И.С. Мироковсик М. 1990, с 131
8. Ибн Арабшоҳ "Ажойиб ал- мақдур" 307- бет
9. М.Е.Массон "Ўзбекистон ҳудудида кончилик тарихига доир".Т. 1954

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “CASE-STUDY” ИНТЕРФАОЛ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Базарова Нилуфар Нормуминовна
Навоий шаҳар 12-сонли ИДУМ
кимё фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим тизимида кенг қўлланилиб келаётган замонавий педагогик технологиялардан бири ҳисобланган “Case-study” методининг фандаги тарихи, унинг келиб чиқиши, фандаги ўрни ва ҳозирги замонавий ўқитиш технологияларидаги аҳамияти очиб берилган бўлиб, унда фанни ўрганишда “Case-study” методининг асосий жиҳатларини кўрсатиб ўтиш ҳақида сўз юритилади.
Калит сўзлар: “Case-study” методи, ахборот технологиялари, педагог кадрлар, илғор педагогик технологиялар, Гарвард бизнес мактаби, АҚШ.

Мамлакатимиз ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйган бир пайтда баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган фарзандларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим бериш борасида ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, олий таълим тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–2909-сонли қарори қабул қилиниб, олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг бир қанча энг муҳим вазифалари белгиланди.[1] Ушбу қарорга кўра олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш; янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш; педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш каби масалаларни амалга ошириш назарда тутилган.[2]

2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 3151-сонли яна бир қарори қабул қилиндики, унда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.[3] Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермаслиги, олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаётганлиги алоҳида таъкидланган.

Хўш, таълим жараёнларини замонавийлаштириш, жаҳон талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш, таълим бериш жараёнида таълим олувчини ўз ортидан эргаштира олиш учун ўқитувчига қандай ёрдам бериш керак?

Бу борада педагог кадрларни замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашлари учун тегишли шароитлар яратиш, уларда интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тўпланган илғор тажрибаларини оммалаштиришни таъминлаш, шунинг билан бир қаторда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини

рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш имконини беради.

Таълим тизимининг модернизациялаш йўлига ўтаётганлиги муносабати билан Ўзбекистонда ўқитишнинг янги самарадор услубларини излаш амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“Case-study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, ишчанлик ўйинлари, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганган ҳолда жорий этиш масаласи қўйилган.[4]

“Case-study” ўзи нима? У таълим жараёнига тадбиқ этилганда ўзининг қандай самараларини бериш мумкин? Албатта, бу каби саволлар атрофида фикр юритиш ушбу мақоламизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

“Case-study” (инглизча case - вазият, ҳолат, study - ўрганиш). «Case-study”да баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган ўқитиш усулидир.

“Case-study” – ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва «Case-study”да баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.[5]

“Case-study”нинг ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, “Case-study” методи ишлаб чиқилган жой асли Гарвард университети (АҚШ) ҳисобланади. Дастлабки кейсдан 1870 йили Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби ўқув жараёнида фойдаланган. Ушбу метод 1920 йилдан эътиборан Гарвард бизнес мактаби (Harvard Business School)га жорий қилинган. Кейинчалик дунёнинг қатор илғор давлатлари таълим тизимида ривожлантирилиб келинмоқда.

Case технологияси асосида ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни самарали бўлиши учун иккита асосий шарт: яхши кейс ва ундан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аниқ методикаси зарур. Ушбу методдан иқтисод йўналишида таълим олаётган талабаларни ўқитишда фойдаланиш ўрганилаётган фанга қизиқишни ошириш, иқтисодий қонунларни тушунишни осонлаштириш имконини беради, қарорлар қабул қилишнинг тадқиқий, коммуникатив ва ижодий малакаларини ривожлантиради. “Case-study” методининг ўзига хос хусусиятларидан бири, реал ҳаётдан олинган омиллар асосида муаммоли вазият яратишдир. Иқтисодиёт фанларини ўрганиш услуби сифатида яратилган “Case-study” методи ҳозирги даврда тиббиётда, юриспруденцияда ва бошқа фанларни ўрганишда кенг қўлланилмоқда.

Умуман олганда, “Case-study” – назарий билимларни амалий масалаларни ечишга қўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Ушбу метод нафақат талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади. Ушбу услуб орқали талабалар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг рационал ечимини топишга ўрганадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубларидан бўлган “Case-study” методидан талабалар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқдалар; у талабаларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида “Case-study” методи ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади. Биз ушбу кичиқ мақоламизда “Case-study” технологияси ҳақида умумий назарий маълумотлар бердик холос, унинг самарали томонларини фақатгина тегишли фанларда амалда қўллаб кўрилсагина фарқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, http:www.lex.uz
2. Ўша манба.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, http:www.lex.uz

4. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: назария,амалиёт ва тажриба.-Т.:“Tafakkur qanoti”, 2012. 134 б.
5. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Серия “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида инновацион технологиялар”.- Т.:ТДИУ,2013.7- бет.

TA’LIMDA TARBIYANING UZVIY BOG’LIQLIGI MUTAFAKKIRLAR TALQINIDA

To`xtamishova Hilola Maxamatovna
Navoiy shahar 12-sonli IDUM
tarix fani o`qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yurtimizda yashab o`tgan buyuk allomalarning ilmiy qarashlari va ular tomonidan qoldirilgan boy ma’naviy merosni yoshlarimiz ongiga singdirishimiz va ajdodlarga munosib farzandlarni tarbiyalash kabi vazifalarni bajarish borasidagi ishlar xususida fikrlar bayon etilgan.

**Kalit so`zlar:** allomalar, Mirzo Ulug`bek, ta’lim-tarbiya, Zahiriddin Muhammad Bobur, ma’naviyat va ma’rifat.

Bugungi rivojlanayotgan jamiyatda bolalar ta’limida eng avvalo tarbiyaning o`rni beqiyos. Yurtimizda yashab o`tgan buyuk allomalarning ilmiy qarashlari va yuksak malakalarini ko`p hollarda hayotiy dasturil amal sifatida qo`llaymiz. Ularning farzand tarbiyasi borasidagi harakatlari barchamiz uchun ibrat. Hatto Mirzo Ulug’bek ham o`zi munajjim bo`lishiga qaramasdan ko`plab asarlarida tarbiyaga urg`u beradi. Shu bois u faqat shoh sifatida emas, ilm-fan va madaniyat taraqqiyot homiysi sifatida ham tarixda abadiy nom qoldirdi. Jumladan, Ulug’bekning “Tarixi arba ulus” kitobida bolalarga beriladigan ta’lim-tarbiyaning mazmuni o’qituvchining vazifalari ham ifodalangan.

Mirzo Ulug’bek bolalarning barkamol inson bo’lib yetishishlari uchun ularni o’qitish va tarbiyalash zarurligini, turli bilimlarni o’rganishga qiziqtirish kerakligini qayd etadi. U: “Bilimlarni egallash juda ham qiyin va mashaqqatlidir… bunga erishish uchun hayotni o’rganish, hormay-tolmay shug’ullanish, o’z aqlini takomillashtirish lozim”[1], - degan edi. Ulug’bek bolalarni tarbiyalashda uy sharoiti muhim o’rin tutishini ular savodxon va ma’lumotli kishilar bilan birga bo’lsa, savodli va ma’lumotli bo’lishga qiziqishini, savodli ota-onalargina o’z farzandlariga to’g’ri tarbiya bera olishini, chidamlilik va mehtansevarlik sifatlari tarbiya uchun zarurligini bayon va isbot qilgan.

Temuriylar sulolasining dilbar vakili Zahiriddin Muhammad Boburga ajoyib sarkarda, ma’rifatparvar shoh va nozik didli shoir degan ta’riflar beriladi. Chunki u o’z asarlarida go’zallikni kuylagan, insonlarni yaxshilik qilishga , hunar, ilm-fanni o’rganishga da’vat etgan. Bobur ijodiyotidan ta’lim-tarbiya, odob-axloq masalalari keng o’rin oladi. U g`azallaridan birida shunday deydi:

Xulqingni rost qilg’il har sorig’aki borsaning,
Axsanta deb bari el gar yaxshi ot chiqarsang,-

Boburning hayotini o`rganar ekanmiz, uning o’zi ham umr bo’yi ana shu baytga rioya qilganligi ayon bo`ladi. Boshqa ko’p g’azal va ruboiylarida ham axloqning barcha normalariga rioya qilish kerakligini va shundagina kishi el hurmatiga, katta baxtga sazovor bo’lishini ta’kidlagan[2].

Bobur inson kamolotining birinchi ostonasi oila ekanligini uqtirib, u jarayon nihoyatda qiyin va murakkabligini his etgan edi. Bolalarning axloq-odob qoidalarini o’rganishi ko’p jihatdan atrofdagi shaxslarga bog’liqligini yaxshi bilgan Bobur o’z farzandlarini tarbiyalashda tadbirkor, bilimdon odamlar bilan maslahatlashib, tajribali fozil va tarbiya ko’rgan kishilar bilan kengashib ish tutgan.

E.Xeminguey Bobur ijodini o’rganib shunday degan edi: “…U tug’ilishdayoq barcha bilimlar bilan qurollanib, dono bo’lib tug’ilgandek ko’rinadi, chunki oddiy odam umrbo’yi urinib egallaydigan donoliklarni haqiqiy iste’dod goho ko’z ochib yumguncha tez egallaydi. Boburning did darajasi, talantining kuchi va imkoniyatlari jihatdan ana shunday san’atkorlar toifasiga kiradi”[3].

Albatta, bu ikkala temuriy shahzodalarimiz nafaqat bilim cho`qqilarini zabt etishgan, balki tarbiya borasida ham o’ta odob-axloqli ekanliklarini ularning qarashlaridan bilishimiz mumkin.

Ajdodlarimiz umr yo`lini darslar davomida o’quvchilarga hayotiy misollar orqali tushuntirib borsak maqsadga muvofiq bo’ladi. Bu mushkul, albatta. Sababi bugunning o`quvchisi tarizni bo`lgan voqea deb emas, balki ertak sifatida qabul qiladi. Ularda aniq tasavvur hosil qilish va ularni ishontirish uchun biz buyuklar hayoti aks etgan filmlarga muhtojmiz. O`quvchilar texnika borasida hammadan ilg`or. Ammo ularning ma’naviy-ma’rifiy ongi “sug`orilishi” lozim. Bu jarayonning amalga oshishi esa o`qituvchilar bilan birga jamiyatning barcha a’zolariga bog`liq. Zero, “Bir bolaga yetti mahalla ota-ona”.

adabiyotlar:

1. Mirzo Ulug’bek “To`rt ulus tarixi” :. T, “Cho`lpon”, 117-b

BOSHLANG`ICH SINFLARDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Yunusova Fazilat Yusupovna
Navoiy shahar 12-sonli IDUM
boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada umumiy o`rta ta'lim maktablarining boshlang`ich sinflarida o`quvchilarga dars mashg`ulotlarini tashkil etishda zamonaviy innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanish yo`llari bayon etilgan.

Kalit so`zlar: axborot, kommunikatsiya, innovatsion texnologiya, uzluksiz ta'lim.

Boshlang‘ich ta’lim uzluksiz ta’lim tizimining murakkab, o‘ziga xos shu bilan birga, mustaqil va majburiy, tarkibiy qismi hisoblanadi. Shunday ekan har bir o‘qituvchi qo‘l ostidagi jajji bolajonlarimizning ongi, shuuriga yetkazishi lozim bo‘lgan bilimni qanday qilib singdirishi uning mahoratiga bog‘liq.

Yangiliklarni ta’lim jarayoniga olib kirish va joriy etish bugungi boshlang‘ich sinf o‘qituvchisining asosiy vazifasidir. Demak, har bir o‘qituvchi izlanishi, bugungi kun talablari asosida o‘zini o‘zi tarbiyalashi, o‘z ustida tinmay ishlashi, zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini o‘zlashtirishi va ta’lim jarayonida qo‘llay olishi kerak[1].

Hozirgi kunda ta’limda innovasion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayoniga qo‘llashga bo‘lgan qiziqish e’tibor kundan- kunga kuchayib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri an’anaviy ta’limda o‘quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o‘rgatilgan bo‘lsa, boshlang‘ich ta’limda zamonaviy texnologiyalar ularga egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishga, hatto xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishga o‘rgatadi. O‘qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi.

Yangi pedagogik texnologiyaning afzalligi zamon sinovidan o‘tib, interfaol darsning sifat va samaradorligini oshirishda muhim omil ekanligi o‘z isbotini olmoqda.

Ta’lim o‘qituvchi va o‘quvchilarning hamkorlikdagi faoliyati bo‘lib, shu jarayonda shaxsning taraqqiyoti, uning ma’lumoti va tarbiyasi ham amalga oshadi. Darslarda o‘qituvchi o‘z bilimi, ko‘nikma va malakalarini mashg‘ulotlar vositasida o‘quvchilarga yetkazadi, o‘quvchilar esa uni o‘zlashtirib borishi natijasida undan foydalanish qobiliyatiga ega bo‘ladi. O‘rganish jarayonida o‘quvchilar o‘zlashtirishning turli ko‘rinishlaridan foydalanishadi, ya’ni o‘zlashtirilayotgan ma’lumotlarni qabul qilish, qayta ishlash hamda amaliyotga tatbiq etishda o‘ziga xos tafovutlarga tayanadi[2]. Ta’lim jarayonida o‘qituvchi va o‘quvchilarlarning dars paytidagi hamkorligi, o‘quvchilarning mustaqil ishlashi, sinfdan tashqari ishlar shaklida ta’lim va tarbiya masalalari hal etiladi.

Ta’limning maqsadi jamiyat ehtiyojiga mos ravishda shakllanadi. Shunday ekan, ta’lim-tarbiya maqsadi mos va mutanosib bo‘lishi kerak. Ilmiy adabiyotlarda ta’limning maqsadi imkoniyatlaridan to‘g‘ri, aniq, o‘rinli foydalanish ko‘nikma va malakalarini hosil qilish, mantiqiy-ijodiy tafakkurni rivojlantirish, kommunikativ savodxonlikni oshirish, milliy g‘oyani singdirish, sharqona tarbiyani shakllantirish, shaxsni ma’naviy boyitishdan iboratligi ta’kidlangan. Ta’limiy maqsad asosida o‘quvchilarda mustaqil fikrlash, og‘zaki va yozma savodxonlikni oshirish, mantiqiy tafakkurni rivojlantirish orqali ularning muloqot madaniyati takomillashtiriladi. Tarbiyaviy maqsad asosida esa ma’naviy, g‘oyaviy, nafosat tarbiyasi beriladi. Til o‘rganish jarayonida xalqning madaniy-axloqiy qadriyatlariga yaqinlashtirish imkoni paydo bo‘ladi[3].

Ulug‘ donishmandlardan biri «...kelajak tashvishi bilan yashasang, farzandlaringga yaxshi bilim ber, o‘qit»[4], degan ekan. Yurtimizda ta’lim-tarbiya tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar haqiqiy ma’noda bir-ikki yillik yoki qisqa davrda samaraga erishishga qaratilgan ish emas, balki chin ma’noda bir necha yuz yillarga tatiydigan o‘zgarish bo‘ldi, desak xato bo‘lmaydi. Prezident Shavkat Mirziyoyev kelajagimiz, kelajak avlodimiz haqida qayg‘urib, yurtimizning barcha farzandlari – mening farzandlarim, ular bizlardan ko‘ra kuchli, bilimli va albatta baxtli bo‘lishlari kerak, degan g‘oyasi zamirida donishmandlarcha siyosat yotganini ko‘rsatadi.

Ma’lumki, ta’limda ilg‘or pedagogik va yangi axborotlar texnologiyalarini tatbiq etish o‘quv mashg‘ulotlarining samaradorligini oshiribgina qolmay, ilm-fan yutuqlarini amaliyotda qo‘llash orqali mustaqil va mantiqiy fikrlaydigan, har tomonlama barkamol yuksak ma’naviyatli shaxsni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘qituvchi bu jarayonda shaxs rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo‘naltiruvchilik funksiyasini bajaradi. Bugungi kunda ta’limda «Aqliy hujum», «Fikrlar hujumi», «Tarmoqlar» metodi, «Sinkveyn», «BBB», «Beshinchisi ortiqcha», «6x6x6», «Bahs-munozara», «Rolli o‘yin», FSMU, «Kichik guruhlarda ishlash», «Yumaloqlangan qor», «Zigzag», «Oxirgi so‘zni men aytay» kabi zamonaviy texnologiyalar qo‘llanmoqda[5].

Dars mashg‘ulotlarida o‘yin-topshiriqlarni takrorlash yoki mustahkamlash darslarida foydalanilsa ijobiy natija beradi. O‘yin-topshiriqning qaysi bir turini tanlash darsning turiga, sinf o‘quvchilarining o‘yin-

topshiriqlarni bajarishga o‘rgatilganlik darajasi, ularning bilim saviyasi, mustaqil ijodiy ishlash imkoniyatlari, o‘rganilganlarni xotirada tez tiklay olishi, ijodkorlikning qay darajada shakllanganiga ham bog‘liq bo‘lishi kerak.

Ta’limda o‘quvchi shaxsini fikrlashga, o‘zgalar fikrini anglash va shu fikrni og‘zaki hamda yozma shaklda savodli bayon eta olishga o‘rgatish masalasiga e’tibor qaratilgan bo‘lib, mustaqil fikrlaydigan, nutq madaniyati rivojlangan savodxon shaxsni kamol toptirish asosiy o‘rin egallaydi. Millatning turmush tarzi, madaniy yaratuvchanligi uning boy tarixiy merosi asosida o‘rganiladi.

ADABIYOTLAR:

1. Abdullayeva Q. va boshqalar “O’qish kitobim” 2- sinf,T. 2006 yil
2. Azizxo’jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent. 2006.
3. Abdullayeva Q., va boshqalar “Savod o’rgatish darslari” T, “O’qituvchi”1996 yil.
4. Bo’ri Ziyamuhammedov, Mamarajab Tojiyev. Pedagogik texnologiya- zamonaviy o’zbek milliy modeli. Toshkent. 2009.
5. J.Yo’ldoshev, S.Usmonov, “Pedagogik texnologiya asoslari”, T., 2004.

BOSHLANG`ICH SINF IQTIDORLI O`QUVCHILARDA MURAKKAB MASALALAR YECHISH MALAKASINI RIVOJLANTIRISH

Mirzayeva Gulshod Barxanovna
Navoiy shahar 12-sonli IDUM
boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi

ANNOTATSIYA.

Ushbu maqolada umumiy o`rta ta’lim maktablarining boshlang`ich sinf iqtidorli o`quvchilarida murakkab masalalar yechish malakasini rivojlantirishning ilg`or innovatsoin texnologiyalari bayon etilgan.

**Kalit so`zlar:** iqtidor,informatsiya, ma`lum, noma`lum, matematika, innovatsiya.

Boshlang`ich sinflarda maktab matematika kursining asosini natural son va nol, to`rt arifmetik amallar hamda ularning asosiy xossalari haqidagi aniq tasavvurlar va bu bilimlarga asoslangan og`zaki va yozma hisoblash usullarini ongli va puxta o`zlashtirish tashkil etadi.

Matematika bolalarda tafakkur qilish diqqat-e’ tibor, xotira charxlash ijodiy tasavvur etish kuzatuvchanlikni rivojlantirishga yordam beradi. Shuningdek matematika o`quvchilarning mantiqiy fikrlash malakalarini oshirish ularning o`z fikrlarini aniq, to`g`ri va tushunarli bayon etish uchun zamin hozirlaydi. O`qituvchining vazifasi bolalarda matematikani o`qitishda bu imkoniyatlardan samarali foydalanishdan iborat.

Matematika fani orqali o`quvchilar qiymat (baho), uzunlik, massa, yuza, tenglama tuzish va uni yechish bilan tanishadilar.

Tenglamalarni yechish arifmetik materialni o`rganish bilan uzviy bog`lanishda amalga oshiriladi.

Shu mavzu yuzasidan o`tkaziladigan mashg`ulotlar umumlashtirilishi amallarni to`g`ri va maqsadga yo`naltirilganligini takomillashtirish har qanday ishni oxiriga yetkazish ko`nikmasini tarbiyalash o`z-o`zini tekshirish qobilyatini o`rgatishga imkon beradi.

Masalalar yechish orqali o`quvchilarda ushbu malakalar tarkib topmog`i lozim.

Sodda va murakkab masalalar bolalarning fikrlash qobiliyatlarini rejalashtirishni foydali vositasi bo`lib, odatda, o`z ichiga “yashirin informatsiyani” oladi. Bu informatsiyani qidirish, masala yechuvchida analiz va sintezga mustaqil murojaat qilish, faktlarni taqqoslash, umumlashtirish va hokazolarni talab qiladi. Bilishning bu usullarinio`rgatish matematika o`qitishning muhim mahsadlarida biri hisoblanadi.

1.Masalani tinglashni o`rganish va uni mustaqil o`qiy olish.

Masala ustida ishlash uning mazmunini o`zlashtirishdan boshlanadi. O`quvchilar hali o`qish malakasiga ega bo`lmagan dastlabki vaqtlarda ularning o`qituvchi o`qib beradigan masala matnini tinglashga, shartning muhim elementlarini tovush chiqarib ajratishga o`rgatish kerak. Shunda keyin masala shartini yaxshiroq o`zlashtirish maqsadida, har bir o`quvchi masala matnini tinglabgina qolmay, balki masalani mustaqil o`qib chiqishi zarur.

Masala matni o`qituvchi yoki o`quvchilar tomonidan bir-ikki marta o`qiladi, ammo bunda bolalarni masala matnini bir marta o`qishdayoq uning mazmunini tushunib olishga asta-sekin o`rgata borishi kerak.

2.Masalani dastlabki analiz qilish (ma`lumni noma`lumdan ajrata olish malakasi)

Ma`lumki noma`lumdan ma`lumni ajratish, masalada berilganlar bilan izlanayotganlar orasidagi bog`lanishni ochish-bu eng muhim malakalardan biri. Bunday malakaga ega bo`lmay turib, masalalarni yechishga o`rganib bo`lmaydi.

3. Masalani qisqa yozish malakasi.

Masala matni ustida og`zaki ishlaganda keyin uning mazmunini matematik atamalar tiliga o`tkazish va qisqa yozuv shaklidagi matematik strukturasini belgilash kerak (rasmlar chizmalar sxemalar jadvallar).

Shuni nazarda tutish kerakki, barcha hollarda ham qisqa yozuvni bajarish bilan bir vaqtda masala tahlili ham amalga oshirilardi. Aslini aytganda, qisqa yozuvning vazifasi shunda iborat. Haqiqatan ham masala shartining qisqa yozuvi o`quvhilar xotirasiga tayanch bo`lib, son ma`lumotlarni tashunish va ajratish imkonini beradi, shu bilan birga ularning ratsional yozilishi masalada nima berilgan va nimani izlash kerakligini bayoniy tushuntirish imkonini yaratadi.

4. Sodda masalalarni yechishda amal tanlashni asoslab berish va murakkab masala tahlilini amalga oshirish, so`ngra yechish rejasini tuzish malakasi.

Oldin sodda masalani amal tanlash masalasini qarab chiqishga to`xtalamiz. Bu malaka birinchi sinfda boshlab tarkib topa boshlaydi,ikkinchi va uchinchi o`quv yillarida yanada rivoj toptiriladi,ya`ni ba`zi tanish masalalarga nisbatan amal tahnlash ishini bajarish asosi o`zgartiriladi.

5.Yechimni bajarish, uni o`qituvchi talabiga mos qilib rasmiylashtirish va masala savoliga javobberish malakasi.

Sodda masalalardan boshlaymiz. Sodda masalani arifmetik usul bilan ham algebraik usul bilan ham yechish mumkin. Bu o`rinda masalalarni arifmatik usul bilan yechish haqidagina so`z boradi, masalani arifmetik usulda yechish keyinroq alohida qaraladi.

6.Masala yechimini tekshira olish malakasi.

Masala yechimining tekshirish quyidagi usullarda qo`llaniladi:

1.Olingan javob bilan masala sharti o`rtasida moslik o`rnatish;
2.Teskari masala tuzish va yechish
3. Masalani boshqa usullar bilan yechish;
4.Javobning chegaralarini aniqlash (javobni aniqlash)
5.grafik tekshirish.

Masalalar ustida ishlashda ma`lum sistemani belgilash va uni joriy qilish malakasi.

Masalalar ustida ishlash rejasi:

1. Masalani o`qib chiqing, masalada nima haqida gap borayotganini o`zingiz tasavvur qiling
2. Masalada nima ma`lum va nimani topish kerakligini aniqlab oling. Agar masala matnini tushinib olish qiyin bo`lsa, uni qisqa yozing.
3. Qisqa yozuv bo`yicha har bir son nimani ko`rsatishni tushuntiring va masala savolini takrorlang.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Matematikadan metodik qo`llanma, 2014-y
2. M.Ahmedov Matematika. 4-sinf darsligi
3. S.Z.Daminov Matematikadan didaktik materiallar

JISMONIY MADANIYAT NAZARIYASI VA METODIKASI FANINING RIVOJLANISH DAVRLARI

Sheraliyev Oybek Aliyevich-
NavDPI Jismoniy madaniyat fakulteti talabasi
Ilmiy rahbar: p.f.f.d., dotsent Musayev O.Q.

Jamiyatimizning har bir a’zosining zaruriy extiyojlaridan biri bu – ilm olish va kasb egallashdir. Ta’lim tizimi har bir sohaning ulkan poydevoridir. Bugungi kunda prezidentimiz SH.M.Mirziyoev tashabbuslari bilan ta’lim tizimida qator isloxotlar olib borilmoqda. Jumladan, ta’lim tizimi davlat siyosati darajasida e’tirof etilib, bu tizimda “tub burilish” qilish maqsadida yo’l xaritalari ishlab chiqilmoqda. Mamlakatimizda ta’limni yuksaltirish yo’lida barcha sharoitlar yaratib berilmoqda. Xususan, bu tizim istiqboli yo’lida – yangi qonun va qarorlar, farmoishlar ishlab chiqilishi ham, bunga yaqqol dalildir.

Sir emaski barcha soxalar kabi ta’lim sohasida ham, har bir fanning shakllanish tarixi bor. Fanning kelib chiqishi, yaqin fanlar bilan aloqasi, turli yuto’qlarga erishishi zamirida, fanning vujudga kelish davrlari asosiy ro’l o’ynaydi. Ushbu maqolamizda jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish davrlariga atroflicha to’xtalib o’tamiz.

Insoniyat yaralishi jismoniy tarbiyaning paydo bo’lishiga turtki bo’ldi. Insoniyatning yashash uchun kurashdagi barcha harakatlari bu - jismoniy tarbiyadir. Jismoniy madaniyat (tarbiya)ni shakllanish tarixi bu – ibtidoiy jamoa tuzimiga borib taqaladi. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish davrlarini juda ko’p olimlar turli xil nazariyalari bilan ifoda etganlar. Biroq isbot talab qiladigan, ayni haqiqatga tayanadigan ma’lumotlarni biz - M.YA.Vileniskiy va B.A.Ashmarinlar e’tirof etgan beshta asosiy davrlarda

ko’ramiz[1]. Holbuki, hozirgi kunda rivojlangan sportning nazariy asoslarini shu besh davr hususiy negizi bo’lib, jismoniy madniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish tarixini ochib beradi.

Jismoniy madniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish davrlari:

1. Empirik davr bilimlari
2. Quldor va o’rta asr davri bilimlari
3. Uyg’onish davri birilimlari
4. XIX asrdan So’nggi davr bilimlari
5. Rivojlangan mamlakatlar va shurolar davri bilimlari

Birinchi davr – Bashariyat taraqqiyotining ilk faoliyatining organizmga ta’siri xaqida eng dastlabki (empirik) bilimlar[2,1].

Bu davrda insoniyat paydo bo’lishi, sekin-asta ongni shakllanishi natijasida dastlabki (empirik) bilimlarni paydo bo’ldi. Bilimlarning to’planishi, mashqlarning foydasini xis etish va uning ma’nosiga yetish hamda to’plangan tajribalarni avloddan-avlodga o’tkazish usullarini anglash, «jismoniy mashqlar» va «jismoniy tarbiya»ning paydo bo’lishi uchun ulkan poydevor bo’ldi.

Ikkinchi davr – Jismoniy tarbiya jarayonida ko’llana boshlangan uslubiyotlarning yaratilishi-qadimgi YUnonistonda quldorlik davlati davri va O’rta asrni o’z ichiga oladi.

Jismoniy tarbiyadagi ko’plab uslubiyotlar - tajribalar orqali yuzaga kelgan bo’lib, bu davrda faylasuflar, pedagoglar, tibbiyot hodimlari xali odam organizmining funksional faoliyati qonuniyatlarini unchalik o’rganishga ulgurmagan edi. Qolaversa, jismoniy mashqlar ta’sirining mexanizmi xali yetarli darajada o’rganilmagan, jismoniy mashqlar bilan shug’ullanishning foydasi shug’ullanuvchining faqat tashqi ko’rinishiga qarab baho beriladigan davr bo’lgan. Quldorlik va O’rta asrlarda YUnonistonning jismoniy tarbiya uslubiyotlari keng ommalashgan[2,2]. Jismoniy tarbiyaning mavjud vositalari va uslubiyotlaridan kuch, chidamlilik va boshqa harakat sifatlarini rivojlantirish uchun ularni yagona tizimga birlashtirilib foydalanila boshlangan. O’rta asrning o’rtalariga kelib, jismoniy tarbiyaning vositslari va uslubiyotlarining turlari ko’paydi. Gimnastika, suzish, kamondan o’q otish, qilichbozlik bo’yicha dastlabki qo’llanmalar paydo bo’ldi. Ajdodlarimiz Abu Nasr Farobiy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniylarning tan tarbiyasiga oid ilmiy dunyo qarashlari vujudga keldi.

Uchinchi davr – jismoniy tarbiya haqidagi nazariy bilimlarning intensiv to’planishi. Uyg’onish davridan XIX asrning ohirigacha bo’lgan davrlarni o’z ichiga oladi.

Bu davrda inson tarbiyasi, uni o’qitish, davolash haqidagi fanniing rivojlanishi natijasida faylasuflar, pedagog va vrachlarning jismoniy tarbiya muammolariga e’tibor qila boshlashlari davri deb qaraladi. Jismoniy tarbiyaning mohiyati haqidagi falsafiy, pedagogik, tibbiy ma’lumotlar va bilimlar vujudga kela boshladi. Bu ma’lumotlar o’sha davrda mustaqil sanalgan falsafa, pedagogika, meditsina fanlari tarkibidan ajralib, yuzaga chiqa boshladi. Qayd qilingan ilmiy fanlarning vakillari ko’pincha o’z muammolarini jismoniy tarbiyaning rolini hisobga olmay xal qilish mumkin emasligini tushundilar. YAngilanish davrida yoki pedagog-gumanistlar va xayoliy sotssialistlar jismoniy tarbiyaga inson tarbiyasining majburiy qismlaridan biri deb qaray boshladilar va ilmiy tadqiqotlarning yo’lga qo’yilish davri boshlandi. SHveysariyalik demokrat pedagog I.G.Pestalotsii tomonidan (1746-1826) bolalar harakat qobiliyatini rivojlantirish uchun tuzilgan jismoniy mashqlar tizimida buginlar (sustavnaya) gimnastikasi umumiy pedagogika nazariyasi ichida alohida o’rin egalladi. XVIII asrda anatomlar tomonidan jismoniy mashqlar «biomexanika»si bo’yicha izlanishlar olib borildi. XIX asrda esa jismoniy tarbiya haqidagi ilmiy-nazariy tadqiqot ishlari vujudga keldi[2,3]. Jamiyat xayotida jismoniy tarbiyaning roli, tarbiyaning sinfiy xarakteriga ega ekanligini ilmiy asoslandi. Inson tarbiyasi jarayonining mazmuni ochildi, unda jismoniy tarbiyaning o’rni hamda shahsning har tomonlama rivojlantirish haqidagi ilk fikrlar o’rtaga tashlandi va ularning yo’llari aniqlandi. Muhimi jismoniy tarbiya nazariyasiga asos solindi. Va shu soha bo’yicha ilmiy faraz va nazariy bilimlar to’planishi orqali jismoniy tarbiya nazariyasi mustaqil fan sifatida ajralib chiqdi.

To’rtinchi davr – XIX asr ohiri Rossiyada Oktyabr inqilobidan so’ng, jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi mustaqil alohida fan sifatida shakllanib bo’ldi deb takidladi M.YA.Vilenskiy (1991).

Jismoniy tarbiya fanining yetuk olimlaridan biri rus anatomi, vrachi, pedagogi Petr Fransevich Lestgaft (1837-1909) o’zining tarix, anatomiya, pedagogika, antropologiya, jismoniy tarbiya metodikasiga oid asarlari bilan hozirgi zamon jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining mustaqil ilmiy-amaliy fan ekanligini isbotladi[3].

Beshinchi davr – rivojlangan mamlakatlar va sobiq sho’rolar davlati olimlarining izlanishishlari. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining intensiv rivojlanishi - materialestik dialektikaga asoslanib, u ilg’or uslubiyotlarga tayangan holda amalga oshirildi[2,4].

Jismoniy tarbiya muammolarini majmuali xal etishda butun bir olimlar jamoalari, mutaxassislashtirilgan ilmiy va uquv muassasasari samarali mehnat qildi. Amaliy materiallarning ko’pligi, yangi qonuniyatlarning

ochilishi dastlabki, yagona jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyotining differensiyalashiga olib keldi. «Jismoniy madaniyatni tashkillash va bosharish», «Jismoniy mashqlar biomexanikasi», «Sport psixologiyasi», «Sport metrologiyasi», «Sport fiziologiyasi», «Jismoniy mashqlar orqaliy davolash», «Jismoniy mashqlar gigiyenasi», «Valeologiya», «Sog'lom turmush tarzi jismoniy madaniyati(SSTJM)» va boshqa yo'nalishlar jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanidan alohida fan sifatida ajralib chiqdi. Qayd qilingan fanlarning ayrim sohalaridan jismoniy tarbiya jarayonida keng ko'lamda "aralash bilimlar" tarzida foydalanish lozimligi hozirgi kunda ilmiy-amaliy isbotga egadir. Jismoni madaniyat nazariyasi va metodikasi fani pedagogik jarayon muammolarini umumiy psixologika, pedagogika, fiziologiya va boshqa qator fanlarning dalillarisiz to'la izoxlab, isbotlab bera olmayda. SHuning uchun ham, Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani boshqa fanlarga tayanadi va fanlararo aloqani uzviy bog'laydi.

Xulosa qilganda Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani kecha yoki bugun shakllanib qolmagan. Aksincha, ibtidoiy jamoa tuzimidan fundamental rivojlana boshlagan. Fanning shakllanishida har bir davrni olimlarining o'ziga hos fanga qo'shgan xissalari bor. Va albat kamchiliklari ham yetarli. Fanning yutuq va kamchiliklarni tahlil qilinib, olimlar tomonidan davrlar oralig'ida jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani to'liq shakllandi. Biroq, jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani boshqa fanlar bilan uzviy bog'langan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vileniskiy M, Ashmarin B. "Jismoniy tarbiya fakultetlari talabalari uchun yozilgpn darslik." Toshkent - 1991. –B. 11, 14.

2. Abdullayev A. "Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi" –"Navro'z" nashriyoti, Farg'ona – 2017. –B. 13..., 17.

3. Matveyev A.P., Melnikov S.B., Metodika fizicheskogo vospitaniya s osnovami teorii. Uch.pos. Moskva, «Prosvesheniye» 1991 g. Sgr 191,192.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОР САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мухамадиева Роза Уразовна
Термез Давлат Университети 1-босқич Магистранти.

Ўзбек мусиқасининг асоси монодик (бир овоздан) бўлганлиги сабабли кўп асрлар давомида кўп овозли хор ижрочилиги амалда қўлланилмаган. Хор санъати жумҳуриятда инқилобдан кейин ривожлана бошлади.

Кўп овозли хор дастлаб мусиқали драмма ва комедияларда халқ мусиқасини хорга мослаб қайта ишлаган ҳолда қўлланилди. С.Василенко ва М.Ашрафийнинг "Бўрон", Содиқовнинг "Лайла ва Мажнун" каби биринчи ўзбек опералари кўп овозли ўзбек хор ижрочилиги ривожида катта рол ўйнайди. 1952 йили С.Валенков рахбарлигида ташкил этилган ўзбек хор капелласи, шунингдек М.Бурхонов, С.Бобоевларнинг биринчи хор асарлари жумҳурият хор ижрочилигининг ўсишига йўл очиб берди.

Кейинги йиллар давомида жумҳуриятимизда болалар хори кенг ривожланиб, ўз ижрочилик маҳоратини ошириб келмоқда.

Кейинги йиллар давомида ҳар йили Жумҳуриятда ўтказиладиган анъанавий "Санъат ғунчалари байрами" кўрик-конкурси мусиқа ва умумтаълим мактабларнинг кўпдан-кўп хор коллективларини жалб қилмоқда. Ўзбекистонда етакчи болалар хор коллективларидан бири Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ш.Ёрматов раҳбарлигидаги Ўзбекистон телевидение ва радиосининг "Булбулча" миллий болалар хоридир.

Хорларнинг турлари: "Хор-бу вакал мусиқий чолғу асбоблари жўрлигида ёки жўрсиз ижро этувчи хонандалар коллективи, "Хор-атамаси юнонча сўзидан олинган бўлиб "тўда", "йиғин" маъносини билдиради.

Ўзбек мусиқасининг асоси монодик (бир овоздан) бўлганлиги сабабли кўп асрлар давомида кўп овозли хор ижрочилиги амалда қўлланилмаган. Хор санъати жумҳуриятда революсиядан кейин ривожлана бошлади.

Кейинги йиллар давомида жумҳуриятимизда болалар хори кенг ривожланиб, ўз ижрочилик маҳоратини ошириб келмоқда.

Хор кўриниши, хорни ташкил қилувчи мустақил хор партияларининг сони билан белгиланади. Икки овозли хор, уч овозли хор, тўрт овозли хор ва ҳар бир хор партияси маълум бир жойда 2-3 овозларга бўлиниши мумкин.

Хор партиялар: Хор коллективини ташкил этиш шартларидан бири ҳар бир хор партиясини овозлар билан тўғри таъминлашдан. Диапазон (мусиқа асбоблари ё овоз ҳажми) тембр (товуш туси) ва овоз кучи жиҳатдан бир-бирига яқин ашулачилар гуруҳига –**хор партияси дейилади.**

Хор тўрт асосий партияларга тақсимланган овозлардан иборат: Сапрано ва алът – аёллар овози, тенор ва бас-эркаклар овози.

Хор партияларининг таркиби: Хор партияларининг таркибига баланд ва паст овоз гуруҳи киради. Хор партияларининг баланд овозлари-биринчи паст овозлари иккинчи овозлар деб юритилади.

Биринчи овозлар гуруҳига асосан барча лирик овозлар, иккинчи группасига драматик овозлар киради.

Хорда лирик ва драматик овозларнинг қўлланилиши хор партиясида бадиий ранг-баранг тембр хусусиятларини юзага келтиради ва бадиий ифода имкониятларини тўлиқ намоён қилади.

Болалар хори: Болалар хори дисеантлар (сапрано) ва алът партияларидан иборат. Улар ёшларига қараб уч группага бўлинади.

1. Мактаб ёшдаги кичик группа (7-10 ёш)
2. Мактаб ёшдаги ўрта группа (11-13 ёш)
3. Мактаб ёшдаги катта ёки ўсмирлар хори (14-18 ёш)

1. Кичик хор 2. Ўрта хор 3. Катта хор. Ўсмирлар хори (икки овозли) фақат катта ёшдаги ўсмир болалардан ташкил топади. Мактаб ёшдаги катта группа аралаш хорини (сапрано, алът ва ўсмир болалар) ташкил этиши мумкин.

тури хорнинг тўзилиши сифатига қараб аниқланади.

Турига кўра, хор бир хил ёки аралаш тўзилишда бўлиши мумкин. Бир хил тўзилишдаги хорларга алоҳида эркаклар хори, аёллар хори, болалар хори киради.

Аралаш хорга болалар билан аёллар хори киради ва аёл ва эркаклардан ибрат хорлар киради. Тўрт овозли аралаш турларидан бири ўғил болалар ва ўсмирлардан ташкил топган хордир.

Хорнинг сони жиҳатдан таркиби: Хор коллективлари кичик, ўрта ва катта хор бўлиши мумкин. Кичик хорга сони 16-30 кишидан. Ўрта хор 30 дан 60 гача хонандалардан катта хор одатда 80-120 кишидан ташкил топиб кўп овозга мўлжалланган хор асарларини ижро этиши мумкин. Мисол учун болтиқ бўйи жумҳуриятларининг анъанавий қўшиқ байрамларида 15 мингдан 30 минггача ижрочи қатнашади.

Хорда мусиқа саводи ишлари: Мусиқа саводи болаларнинг юксак ижрочилик маҳоратига эришиш учун ёрдам беради. Хор раҳбари ҳамма машғулотда 10-15 минут болаларнинг мусиқавий тарбиясига ажратиш мумкин. Кичкинтойлар зерикиб қолмасликлари учун машқларни сифатли ўтказиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1.“Кичик ёшдаги болалар билан хоршунослик машгулот ўтказиш усуллари” Н.С. Идиев Бухоро нохия халқ таълими методисти.
2. И.Ражабов Мақом масалаларига доир. Т. “Ўзбекистон” 1963 й.
3. Ш.Рўзибоев Хоршунослик. Т. “Гофур Гулом” 1987 й.
4. Т.Е.Соломонова. Ўзбек мусиқаси тарихи. Т. “Ўқитувчи” 1981 й.
5. 2.3,4,5,6,7- синфлар учун дарслик. “ Мусиқа” Т. “Гафур Гулом” 2001 й.
6.Д.Омонуллаев «Умумий таълим мактаблари учун мусиқа дастурлари» Тошкент 1992
7. Нурматов Х 1-синф учун «мусиқа алифбоси дарслиги» Тошкент 1998.

ШАШМАҚОМ ВА МАКОН
(5-7 синф ўқувчиларида анъанавий мусиқа меъросини ўргатиш интерфаол усуллари)

Болтаев Бехруз Хамидович
Навоий Давлат Педагогика Институти 1-курс Магистранти.

Шашмақом Шарқ халқлари санъатининг дурдоналаридан ҳисобланиб тавсифланишига кўра узоқ тарихига эга. “Мақом” сўзи арабча бўлиб мусиқа товушларининг “ўрнашган жойи” яъни мусиқа асбобларида парда деган маънони англатади, айни пайтда мақом маълум товушқатор ва лад курилмаси, маъноларини ҳамда шу лад қурилмаларига асосланган мусиқа асари тушунчасини ҳам беради. Шашмақом эса маълум тартибдаги олти мақомдир. Мақомлар тўғрисидаги тарихий ва назарий масалалари IX-XIX асрлар давомида шарқ ёзма манбаларида айниқса, мусиқага бағишланган рисолаларида ўз ифодасини топади.

Мақомларнинг ўтмишда ижро этилиб келинган намуналари бизгача етиб келмаган. Қадимий ёзма манбалардан маълум бўлишича улар турли шаклларда бўлган ва “Ўн икки мақом Ўрта Осиё халқларида тахминан XI-XII аср бошларида Бухорода юзага келган Шашмақом XVII асргача ҳали тугал шаклланган бўлса, уни шаклланиш жараёни XII-асрга тегишли ва анча илгари бошлангани табийдир.

Шашмақом – Бузрук, Рост, Наво, Дугох, Сегох, Ирок мақомларидан иборат. Ҳар бир мақом икки бўлимдан иборат. Чолғу ва ашула бўлимларидан иборат, бўлиб, улар сўнги даврларда “Мушкулот” ва “Наср” иборалари аталган. Хоразмда эса “Мансур” ёки “Чертим йўли” билан ва “Манзум” ёки “Айтим йўли” деб ҳам аталади. Ҳар бир мақомнинг чолғу бўлимида Тасниф, Тарже, Муҳаммас, Сақил ва бошқа иборалар билан номланган бир неча қисмлар бўлиб, улар қайси мақом таркибида бўлсалар, шу мақом

номи билан қўшилиб “Таснифи Бузрук”, “Таржъеи Бузрук”, “Гардуни Сегох”, “Муҳаммаси Ирок”, “Сақили Наво” каби аталади. Бу қисмлар мақомнинг ҳар бирида мустақил куй мавзуларга эга бўлсада, тузилиши жиҳатидан деярли фарқ этмайди. Айрим мақомларнинг эса ўзларига мақомларнинг бошқа қисмлари билан отдош бўлмаган чолғу йўллари ҳам мавжуд. Бундай қисмлар-Наво мақомидаги Нағмаи Орас, Дугоҳ мақомидаги Пешрави Дугоҳ ва Самои Дугоҳ ҳамда Сегоҳ мақомидаги ҳафифи Сегоҳдир.

Чолғу бўлимларининг биринчи қисм Тасниф ҳар бир мақом куй йўли руҳини маълум даражада ўзида акс эттирган бўлиб, ундаги тематик материал чолғу бўлимларидагина эмас, ашула йўлларида ҳам вақти-вақти билан фойдаланилади. Таснифларнинг айрим мелодик, интонасион қурилмалари маълум ўзгаришлар билан айниқса, Таржеъ, Муҳаммас, цикларидан кўпроқ учрайди. Таржеълар асосан Пешров Хусусидаги куйлар бўлиб тантанавор янграйди ва шодиёна кайфиятлар бахш этади. Таснифлар дойра усулининг маълум варианти жўрлигида бироз тезроқ темпда ижро этилади. Чолғу бўлимларнинг биринчи қисми Тасниф ҳар бир мақом куй йўли руҳини маълум даражада ўзида акс эттирган.

Ундаги тематик материал чолғу бўлимларидагина эмас, ашула йўлларида ҳам вақти-вақти билан фойдаланилади. Таснифларнинг айрим мелодик интонатцион қурилмалари билан айниқса Таржеъ, Муҳаммас, Сақиллардан кўпроқ учрайди. Таржеълар асосан Пешрав хусусидаги куйлар бўлиб тантанавор янграйди ва шодиёна кайфиятлар бахш этади.

Чолғу бўлимининг учинчи қисми Гардун фақат Ироқ мақомида бўлмайди. Унинг дойра усули анча мураккаб бўлиб куй тузилиши жиҳатидан ҳам бошқа қисмлардан фарқ қилади. Гардунларда асосан лирик кайфият акс эттирилган. Мақомларнинг чолғу қисмлари айниқса, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқлардаги чолғу ижрочилиги машҳур бўлган.

Мақом чолғу қисмларидан Гардун, Муҳаммас, Сақили Самоий ҳафиф кабилар маълум тузилишдаги дойра усуллари номи билан боғлиқ бўлса, Насруллоий, Вазмин, Ораз Хусайний, Ислим, Хажи Хўжа, Ашкулло, Мирзаҳаким, Калон кабилар бастакор устозларнинг ҳам номлари бўлиб, шу мақомдонлар басталаган қисмлар эканлигидан далолат беради.

Мақомлар чолғу бўлими ҳар бир қисмининг бўлаклари “хона” ва “боз гўй” иборалари билан белгиланган. Хона –бошида куйнинг интонатцион тематик асоси бўлиб, ўз қайтариқларида эса шу бошланишдаги биринчи хонанинг ривожидан иборат. Бозгўй эса куйнинг такрорланадиган қисми-рефренни ифодалайди. У ҳар бир хонадан сўнг қайтарилади. Хона ва бозгўйлар куйнинг тематик ривожида ва шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Хоналар муҳаммас ва сақиллардан бошқа чолғу қисмларда дастлаб кичикроқ бўлиб борган сари кенгая боради.

Шашмақом ижрочилиги Бухоро тарихининг ўтмишини ўз ичига қамраб олган ва барча у ё бу ҳолатлардан сабр ила босқичма-босқич ўз мавқъеини йўқотмасдан бизгача етиб келган.

Бугунги кунда 2400 йиллик Мовароуннахр тарихини ўз ичига қамраб олган Бухоро аждодий санъати “Шашмақом”, жаҳон анъанавий санъатининг энг пирикамоли ва инсон юрагини жумбушга келтирувчи мўъжизаси ва ягона хазинаси этиб ЮНЕСКО томонидан бедгиланган. Европада эса инсонлар “Шашмақом” ижрочилигини эшитиб, у орқали шифо топиб бормоқдалар.

А д а б и ё т л а р:

1.Каримов Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида Тошкент Ўзбекистон 2011-йил
2.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009-йил.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010-йил 13-ноябр.
4. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим тарбияси консепсияси. «Маърифат» газетаси 25-ноябръ 1992 йил.
5. Омонуллаева Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лексиялар курси. Т.Ўқитувчи. 1990 йил.
6. Ҳасанов А. Мактабда мусиқа ва тарбия Т.Ўқитувчиси 1993 йил.
7. Умумий таълим мактабларининг 7-синф мусиқаси дарси учун методик тавсифнома (муаллифлар: О.Иброхимов, Х.Нурматов). Т.1994 йил.

7-8 SINF O’QUVCHILARINI KASB-HUNARGA YO’NALTIRISHDA TAFAKKURNING O’RNI

Innatullaev Ma'rufjon Nodirjon agli.
Navoiy Davlat Pedagogika Instituti 1-bosqich magistri.

Mamlakatimizdagi barcha umumiy o’rta ta'lim muassasalari o’quvchilariga kasbiy axboratlar va maslaxatlar berish, kasbiy tashxis kuyish,ularning qobiliyatining muhim qirrasidir. Kasbiy tushintirish ishlari, davra suhbatlari, kurik- tanlovlar, maxsus kechalar bulishi bu jarayon muvaffaqiyatini ta'minlaydi. O’quvchilarni o’rta maxsus, kasb-xunar yunalishlariga tayyorlash, ularning tafakkurini uyg’otish, kasb va ixtisosliklar turlari tugrisida ma'lumotlar bilan tanishtirish, qiyoslash, bu boradagi muommolarini aytib o’tish ularning har bir kasbini sidqidildan tanlab, fidoyi mutaxasis bulishining asosini tashkil etadi. Ularning layokati,shaxsi, intilishi , qiziqishi, qobiliyatni aniqlash esa, pedagog va psixologlarga, jamiyatning har bir

a'zosiga, ayniqsa, ota-onasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Tanlangan kasblar borasida har yili tibbiy-pedagogik tekshirishlar o'tkazish, vfrnf, -vfhalla-jila birligini taminlashda psihologik –pedagogik yordam ko'rsatish ularning bjtimoiy pedagogic tafakkurini boyitish, ayni muddaodir. Kasbiy qiziqishning o'sishi esa , o'quvchlarda motivatsiya uyg'otgan kasbnini tanlashlarini ta'minlaydi, taskiliy, uslubiy, pedagogic-psixologik yo'l-yo'riqlarni samaradorligini oshiradi. Zaruriy bilim, ro'nikma va malakalarning haqiqiy ma'noda shakllanishiga turtki beradi.

Kasbiy-tafakkur har bir shaxsning kasb faoliyatini to'g'ri anglatuvchi va muvffaqiyatlarini yzaga chiqaruvch muhim omildir. Kasb hunar alohida faoliyat turi bo'lib, kimdir qul yoki ko'zi, kimdir oyoq yoki miya orqali amalgam oshiradiki, raqqosaga qo'l,oyoq , ko'z harakati qahchalik uning taffakur qudiratini rivojlanganligiga, ong takomiliga bog'liq bo'lsa, boshq o'qituvchi,duradgor, uchuvchi,tergovchi,kabi kasb egalarining faoliyati ham bo'nday jihatlardan mustasno emas.

Bugungi kunda jamiyat demokratik uzgarish, iqtisadiyotni barqaror rivojlantirish, respublakani jahon hamjamiyatiga integrasiyasiyalashuvi sari yoz tutayotgan ekan belgilangan maqsadga erishish ma'naviy boy kadr salohiyatiga bog'liq. Ana suning uchun ham kadrlar tayyorlash milliy dasturimiz va milliy modelda ko'rsatib o'tilgan maktab ta'limini rivojlantirish borasidagi davlat umummilliy dasturi qabul qilingan. Zero, uzliksiz ta'limning tarkibiy qisimlari bo'lgan umumiy o'rta ta'lim hamda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi o'rtasidagi uzviylik va uzliksizlikni ta'minlash o'quvchilarni kasb – hunarga yo'naltirish faoliyatini qay darajada tashkil qilisgga bog'liq. Yuqoridagi fikrlardan kilib chiqib, o'quvchilarni kasb hunarga yo'naltirishdagi kasbiy-pedagogic tafakkurni rivojlantirish yozasidan quydagi tavsiyani aytib o'tish maqsadga muvofiqdir:

- umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchlar kasbiy tafakkurini rivojlantirish ishlarini zamon talablaridan kelib chiqib amalgam oshirish;
- uzliksiz ta'lim tizimida maktab borasida hamkorlar faoliyatini taskil etish moddiy va ma'naviy bazani mustahkamlash ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yish;
- "Kim bo'lsam ekan?", "Uddalayman", "Xohlayman", "Qiziqaman", "Hayotimga kerak" mavzularida turli tadbirlar o'tkazish, insholar yozish, ko'rik – tanlovlar, bahs va suhbatlar uyushtirish;
- O'quvchilarni kasb-hunarga qiziqtirish ishlarida interfaol texnologiyalardan foydalanish.

Zero, kasb-hunar shaxsning kelajagini belgilaydi. Hayot tarzini kafolatlaydi. Ta'limiy tarbiyaviy ishlarni ijobiy tamonga yo'llaydi. Bunyodkorlik, ijodkorlik, eng yaxshi raqobotbardoshlik vujudga keladi. Bu jarayonga fidoyilik bilan kirishish yosh avlodga ko'maklashish ishlarida yuqori saviyaga,yuksak tafakkur shaklioga suyangan holda amalgam oshirish barkamol kadrni, etuk mutaxassisni jahon standartlariga teng keluvchi bilimdonni voyaga etkazadi.

Kasbiy faoliyatga ko'nikish hosil qilish muddatida yosh mutaxassislar butun hayotiy tajribalarni, shuningdek, oily o'quv yurtidagi tayyorgarliklari mohiyatiga tushinib etadilar. Shuning uchun ham kasb ta'limi o'qituvchilarining tayyorgarlik sifati quydagi ikki yo'nalishda qaraladi; Bir tamondan oily o'quv yurtlarida talabalar egallagan bilimlar, ish-harakat usullari va ularda ishlangan shaxsiy sifatlar hamda fazilatlar, ikkinchi tamondan ularning bevosita amaliy faoliyatlarida o'zgargan bilim va hayotiy tajribalatni qo'llash jarayoni natijalari bo'yicha, ya'ni ularni tayyorgarlik darajasi, ishga munosabati va ko'nikishlari bilan aniqlanadi. Natijada ko'pchilik tahsil oluvchi oquvchilar ham mustaqil ishlarni amalgam oshirishda vaqtdan oqilona foydalanishga harakat qiladilar.

O'quv muammosi shaklida taskil etilgan mustaqil ishlar echimini topish o'quvchilarni asta-sekin fikirlashga majbur etib, ichki his- tuyg'u uyg'otuvchi kuchli emosiyaga aylanishi mumkin. Buhda o'quvchilar mustaqil ishlarini o'qituvch yordamida taskil etishga harakat qiladilar.

Har qanday ish va vazifalarni bajarishda o'quvchi o'zining mustaqilligini ko'rsatish uchun keng ko'lamli bilim va ish harakat usullariga ega bo'lishi lozim. Mustaqillikning tarkibiy qismlari quydagilardan iborat; o'z faoliyatini rejalashtirish, uni amalgam oshirish usullarini aniqlash va yangi qarorlar qabul qilishdir.

Kasbiy ma'lumotlar, kasbiy maslahatlar kasbga yo'naltitish va mustaqil ishlarni taskil etishda jamiyatning har bir a'zosi mas'uldir. Tafakur va mustaqil fikr o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishda , maqsadni aniq belgilashda, bilish, aniqlash, baholash, tahlil etish, tekshirish, ixtiro qilish, o'ylash , yangi natija va echim topish, maxsus qobilyatlarni yuzaga chiqarish, nazariya va amaliyot birligini ta'minlash singari jihatlar muhim ahamiyat kasb etadi.

“FORTEPIANO” VA “ROYAL”
CHOLG’ULARINING PAYDO BO’LISH TARIXI
(Fortepianoning tug’ulish “ genezis” i misolida)

Nurmatova Firuza Mo'minovna.
Термез Давлат Университети 1-босқич Магистранти.

Fortepiano (pianino) – monoxord sozlanuvchi ko’p torli va ko’p tovushli klavishli cholg’u. Ushbu shaxmat tuzilishida matematik tizimlidir. Ergologik jihatdan yog’och korpuslitorlari esa po’lat va mis ,uyumidan yasaladi, bir qatorda troa tuzulishli mahin va yo’g’ontorsimlardan iborat bo’lib, klavishlari odatda yog’ochli va Fil suyagidan yasalib kelingan bo’lib, hozirgilari esa plasmassa (elastik) sunniy ,uyumdan yasaladi.

Torsimlarining tuzulishi va diapozoni;

a) Fortepiano - diopozoni LYA- fa-lya subkontr oktavadan 5- oktava DO- gacha
b) Rayal- diopozoni FA- subkontr oktavadan 5- oktava FA-SOL- gacha. Ushbu cholg’ular xromatik sozlanuvchidir.

“Fortepiano” cholg’usining jahon atamasidagi guruxlanish va turlanishida **“Xordofonlar”** oilasiga mansubdir.

San’atshunos olim Said Saidiyning tadqiqotlarida fortepiano va uning oilasiga mansub boshqa cholg’ularning paydo bo’lish tarixi, genezisi chuqur manbalarda ilmiy jihatdan ochib berilgan, bunda: «Jahon cholg’usi “Fortepiano”- ning paydosi Italiyalik Gersok Toskanskiyning katta o’g’li Ferdinanto De Medichining uyida, katta tantanalar, kechalar va bazmlar Ferdinanto tomonidan uyushtirilib kelingan. Italiyaning eng boy aristrokrati hamma vaqt Florensiyaga qiziqib borgan. Bu yerda mehmonlarni doimo qiziqarli va antiqa yangiliklar kutilmagan holda yuzaga kelgan bo’lgan. Goh paytlari yangi janr, piessa va boshqa ijrolar ham mehmonlarni maftun etgan.

1709- yilda, Bartolomeo Kristofori o’z xo’jayinining mehmonlariga bolg’achali fortepianoni namoish etadi. U o’sha davrda ushbu cholg’uning yaratuvchisi bo’lgan edi. XVIII – asrda “bolg’achali - klavesin”- ni yaratishda qay urib, tadqiqotlar olib borishda birinchilar qatorida bo’lsalar ham, ammo yagona emas edilar. 1716 yilda Fransuz Marius tomonidan ushbu cholg’uning modeli konstruksiyadan qayta o’tadi. U ham bolg’achali fortepiano yaratishga kirishadi. Bir yil o’tar – o’tmas, nemis musiqachisi Shreter tomonidan ham Kristofori va Mariusga nisbat farqli - o’laroq bolg’achali fortepiano yaratiladi.

Musiqachilarni doimiy ravishda qiziqtirib borgan cholg’uni yanada takomillashishga kirishadilar. Ammo, klavesin o’z o’rnini bermoqchi bo’lmaydi, sababi ushbu cholg’uning mexanikasi abadiy emas edi, uning tovushi ham quvvat bosimi orqali almashinib turishi bilan, tovush chiqarilishi juda tez va quruq edi.

Yangi cholg’u haqida berilgan birinchi taqrizlar, ushbu cholg’u sozgarlarini quvontira olmaydi. “ XVIII – asrning mashhur musiqachilaridan biri Fortepiano cholg’usi Klavesin cholg’usiga nisbat yaxshi tovushga ega emas. Bu kamerli cholg’u baland tovushli ijroga xos emasligini aytadi”. Yana birida esa, “Fransuz tinglovchisi bunday degan,- baslari qattiq, karsimon va munglihamdir, biz Fransuzlarning qulog’imizga judayam aksilagandek tuyuladi ”,- deyilgan.

O’z davrining shahanshoxi buyuk nemis kompozitori **Iogan Sebastyan Bax**, ilk marotaba fortepianoning turlari bilan tanishib shu zahot kamchiliklari haqida o’z fikrini bildirib o’tgan. U “yuqoro registrlarga tovushining past va bo’shligini hamda ularda ijro etish qiyin ekanligini aytadi. ” Haqiqatdanam, klavesinning o’zga xos beriluvchanligi bilan taqqoslaganda fortepianoning klavishlariga ijro etish uchun katta quvvat sarf qilishga to’g’ri kelgan. Shu tariqa musiqachi va musiqashunoslarning izoxlarida fortepianoda qanchalik kamchiliklar topilib tuzatilmasin, bar-bir klavesinning muloyim- yengil va yuguruvchan -chaqqon tovushiga bas kelmaydi degan xulosaga kelishadi.

Musiqachilar qisqa vaqt ichida endigina tug’ilgan “bolg’achali fortepiano” yoki gox “pianoforte”-deb tilga olingan cholg’uga yakuniy- tugal va jiddiy xulosaga kelib “bu ushbu cholg’u hech qachon klavesinni buyuklikda keng erishgan imkoniyatlariga erisha olmaydi”- deyishadi. Lekin vaqt boshqacha xulosalashga olib keldi.

Sebastyan Baxga fortepiano uchun asarlar yaratish xojati bo’lmagan. Ammo, uning kichik o’g’li – **Iogan Kristian Bax**, mashhur kompozitor va ajoyib klavir ijrochisi sifatida ushbu cholg’uni darxol baholaydi. Va u jamoa oldida o’zining birinchi yakka tartibli -solo konsertini fortepianoda namoish etadi. Ko’p vaqt o’tmas uning “Fortepiano uchun” taqdim etilgan sonatalar darsligi paydo bo’ladi.

XVIII – asrning 60-70- yillarida vaqt taqozosi bilan Evropaning ko’plab etakchi va taniqli musiqiy cholg’ular yasovchi usta- sozgarlari tomonidan, fortepiano cholg’usini qaytadan takomillashtirish va kamchiliklarini tuzatib, butun rekonstruktiv - ergologiyasi bilan shug’llanishni boshlab yuboriladi va hatto yillar o’tishi bilan avjiga chiqadi. Ushbu cholg’u haqida fikrlar ham o’zgarib boradi.

Endi tanqidchilikka klavesin cholg’usi ro’yobga chiqadi. Tajribalar shuni ko’rsatadiki, “qo’shiqchilik bandlariga uning karsimon va doimiylikdagi o’tkir tovushi ”, to’g’ri kelmaydi. Bu degan so’z, klavesin o’z ijrochisini sabrlikka chidab kelganligi ma’lum bo’ladi. Oradan 20- (ikki o’n yillik o’tgach) yil o’tgandan so’ng, “Buyuk musiqiy to’ntarishning ” zamondoshlari guvoxlik beradilarkim, “Klavesin faqat orkestr ijrochiligi uchun

saqlanib kelingan edi, ammo, qiziqarlisi shundaki, ularga yana nima uchun ushbu cholg'u qo'llanib kelishmoqda: tovushi juda ham o'tkir va zuddan bo'lsa, nafratlanuvchan tuyilsa ". Shu tariqa, orkestr cholg'usi "klavesin"- keraksiz ekanligi asoslanadi.

Hayot davomi navbatida "Chembalo", Flyugel va "Parsimon", cholg'ularning taqdiri omadsizlikka duch keladi. Ulardan nafaqat foydalanish, hatto yo'q bo'lishiga asos, yuzaga keladi. Natijada Fortepianoga xohishlar va majburiyatlar tezda o'sib boradi. Jumladan, fabrikalar va ustaxonalar, yangi cholg'u bilan hammani ta'minlash va roziligini olishga ulgurmaydilar va fortepianoni tayyorlashda eski klavishlarni ham qayta ishlab chiqadilar. Natijada kalavesinlar bar-tamom (butunlay) yoq bo'ladi.

XVIII - asr oxiri bu,- marradir!, yani fortepianoning klavir san'atiga ajratilgan peshqadamlikdir. Ushbu davrdan boshlab haqiqiy fortepiano cholg'usi ishlab chiqarila boshlanadi. Uning tovush me'zonlarining takomillanishiga V.A.Mosart asos solgan bo'lsa-da, pedallarga erishinishi va shoxona cholg'u **"Rayal"**-ning paydo bo'lishiga asos solgan ilk kompozitor L.V.Betxoven hisoblanadi »- deyilgan.

Xullas: har bir bo'lajak o'qituvchisi va talabalar o'zi tanlagan kasbining tarixini bilishlari lozim ko'rinadi. Bir qatorda, musiqa ijrochilari u yo bu cholg'u ustasi bo'lishlari uchun 5-7 yillik san'at maktabi, 3- yillik kollej, 4-2 yillik oliygohlardan Konservotoriya, Madaniyat va San'at institutlari hamda Universtitet uo Pedagogika institutlari, magistratura, aspiranturalarga kirib taxsil olib, mutaxassislikni qo'lga oladilar va shu kasb sohibi ila o'qituvchilikdan olimlik, professorlik darajalarga borib yetganlar. Bilvosita, butun umr faoliyat ko'rsatadilar. Ammo, nahamma tabaqalanishiga qaramay o'z qo'lidagi yo tanlagan cholg'usining tarixi haqida ma'lumotga ega emasligi ko'pchilikka ayyondir. Biz professor -o'qituvchilar, kelajak yoshlarimizni har tomonlama o'z kasbining mohir ustasi, faqatgina "quruq ijrochi" bo'lmay, balki, nazariy va amaliy bilimdoni, qolaversa olimi bo'lmog'i lozimligini bildirmoqchimiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1.S.B.Saidiy "Markaziy Osiyo madaniyatida urma zarbli cholg'ular"(o'zbek va tojik xalqlari musiqa an'analari misolida), /"Musiqa" nashriyoti,Toshkent-2008yil.144b.

2. Марк Зильберквит "Рождение Фортепиано"-/Москва.izd."Детская литература" 1984.

ДУТОР ЧОЛҒУСИНИНГ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Жумаева Фарангиз Истам қизи
Навоий давлат педагогика институти, 1-босқич Магистранти

Дутор чолғуси Марказий Осиёда маънавий санъатимизнинг мозийдал садо каби тирик мавжудот тимсолига айланган ва кенг тарқалган оммавий-аждодий нусхасидир. Ундаги қисмларни ўрганиш муаммолардан бирига айланган эди. Бу чолғу ҳақида айрим маълумотларга санъатшунос олимлар орқали эришдик. Тадқиқотчи Расултов Ж.К. ушбу соҳанинг санъатшунос олимидан бири ҳисобланиб, ҳам номзодлик ва ҳам докторлик диссертациясини амалга оширган. Шунингдек, ўтмишимиз алломаларидан Дарвиш Али Чангий, Хожа Абдул Қодир Марағий, В.Беляев, Т.С.Вызго, Г.Пугаченкова Ф.М.Карометли каби йирик олимларнинг маълумотлари ҳам мавжуд. Бироқ тадқиқотчи С.Б.Саидий илмий изланишларида Марказий Осиё халқларининг миллий - махаллий урма-зарбли чолғулари "Морфологияси" асосларини илк маротаба рўёбга чиқариб, дутор созининг кўп қатламли технологик элементлари морфологик, эрголоипк тузилишлари, генезиси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар билан тўлдиради.

«Чолғунинг хом-ашёси ва таркибининг технологик қисмларидан ўрин олган номланишларида, булар: қулоқ, харрак, шайтон-харрак, коса-хона, қовурға, даста. тор-сим. Шаклланишида эса ҳусн-дил, зарбоф, парича-чеҳра каби ата.малар мавжуд. Ижро этилганда эса: "Зарби-оро" , "Пирранг", "Бам", "Чарх", "Занг", "Дил канда", "кашида-вазмин" ва ҳоказо зарблар мавжуд. Шунингдек, дойранинг усулларидан - "Уфар", "Ноғора", "Зарб-ул-қадим", "Поқса зарб", "Бедана зарб", "Уфари-вазмин", "Уфари- чиллаки", "Уфари шўх-шох" ва ҳоказоларни ижро этиш мумкин»- лигини айтган. Аммо юкорида айтилган олимлар дутор чолғуси ҳақида батафсил ё тўлиқона маълумотлар берилмаган, лекин аждодларимиз руҳи билан чамбар-час богланиб келган чолғуларимиз ҳақида жуда кўп ва серкиррал далиллар илмий диққатни жалб этувчанлиги билан маълум даражада гавдаланган дейиш ўринлидир. Бу эса, дутор чолқусининг тарихини батаосил жамул-жам килишга, янги илмий изланишларини руёбга чиқаришга чақиради.

«Афсоналарда айтилганидек, уларнинг бирида қадимги давр буюк: билимдони' Платон (Афлотун)-да биринчи дуторнинг пайдо бўлиши ёзилган. Дутор чолғуси ўша даврда жуда қўпол, оғир ҳамда хунук, худди шундай оддий деҳа ёғочидан ясалган кучсиз ва ёқимсиз товушли эди. Платон хоҳлардики, шу чолғу жуда чиройли ва енгил бўлса, Аммо у нима қилиш кераклигини бмлмас эди. Билимдон ҳар куни "чўпонларни эрталабки нонуштада оғирлаишб олганларидан сўнг, дарвозадан-дарвозаларга тўдани жамлашда жуда паст ва ёқимсиз товушда куйлар эдилар дейди. Аммо кечқурун оч қоринда қайтаётганларида бўш ошқозопларида уларнинг товушлари жуда жарангли ва баланд эшитиларди». Платон шуни англаб биладики, демак дуторни ичини бўш қолдириш керак, яъни ичини уйиб олинишидан сўнг жарангдор ва баланд товушга эга бўлишини айтган. Шундан кейин дуторларни ичини бўш қолдириб. уйиб олинган тарзда ясаш

услуби қўлланила бошлайди. Демак, тарихий олиб қараганда дутор ва унга мансуб чолғулар ё оиласидаги айрим чолғулар Платонгача ички тўлиқ ва даврий олиб қараганда зардуштийларни қадимги авлодларига мансуб бўлиб анъанавий чолғулари сифатида хизмат қилиб келган. Аммо ўша даврда сифатидаги чолғулар хизматидан қараганда кўчма-боп, чидамли ва кичик ҳажмли бўлиб, унчалик аҳамиятли бўлмаган" деб хабар беради. Юқорида таъкидланганидек, шундай ғояни олға суриш мумкит-гкмм, жаҳонга машҳур Страдивари, Гварнери, Амати- каби скрипка чолғу усталарининг фаолиятлари бутун жаҳонга кенг тарқалган, лекин қадимги мусиқа чолғуларининг Ўзбекистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон, Помир, Козокнстоп, Кирғизистон, Туркманистон ва Уйғурларда уста созгарлар томонидан пандо қилинган чолғулар ҳақида тарихда маълумотлар жуда кам учрайди. Аммо шуни тушунтириб ўтиш лозимки, баъзи чолғуларнинг ҳар бирида бир неча авлод Марказий Шарқнинг истеъдодли санъаткорлари улғайиб ўсган. Бу чолғуларда тарихий руҳимиз мавжудлигига эътибор берсак унда, биз яна уста созгарларнинг мусиқа чолғулари ясашда турли хил ёғочларни танлаб билиш, уларда ҳар хил ишловлар беришда: нозик, нафислик, мураккаб саводи, сабру тоқат ва меҳнати. муҳим ўрин тутади.Таниқли ўзбек устаси тошкентлик уста Усмоннинг таъкидлашича: «Уста созгар ўзи ижрочи бўлиши шарт, у ҳолда у чолғуни яхши садосини маҳсулига чиқаради»,-деган услубий фаолиятидан шуми билиш мумкинки, жуда кўп уста созгарлар ўрта ва олий ҳатто кучли билимдон ҳам бўлиб ўтганлиги ва ҳозирда ҳам худди шундай изоҳнинг далили, бутуп Марказий-Осиёмизда мавжудлиги кўзга кўринарли мисолларда аҳамиятли эканлигини билдирмоқчимиз.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб ўтяш жоизки, барча чолғулар ичида тарихий босқичларда келиб етган дутор созн, ҳозирги кунгача ҳам айёллар ҳам эркаклар фаолиятида ижро этиб келишн бмлап бир-қаторда, шу соҳада олимлар ҳам етишиб чиққанлиги, шунингдек, дутор ижрочилигида ранг-баранг дуторчилар дастаси (Ансамбллари) ҳам Республикамиз ва ундан ташқари яқин Шарқ ва Оврўпо гастролларида бўлиб, дутор чолғусини яна ҳам кенгроқ таништириб келмоқдалар. Касбий қўлланишида Консерваториялар, Санъат институтлари, Университетлар, коллеж ва лицей интернат ҳамда санъат мактабларида кенг йўналишидаги босқичларида. жаҳон стандартларига хос етук мутахассис кадрлар тайёрланиб келинади. Хуллас: юқоридагиларга амал қилинган ҳолда дутор чолғусининг тарихига 2300 йил бўлиб ўтган дейиш мумкин, дутор чолғуси ҳақида (ассимилацмя ва диссимиляцияси)келажак авлодимиз тарбия воситасини талабалар онгига тўлиқ самараборликда ривожлантириб борилса, айни муддао бўлур эди. Шуниигдек, ёш мутахассис ўқитувчи кадрларни янги стандарт талаблар орқали малакаснпи ошириш, ўз чолғуси ҳақида кам бўлса ҳам маълумотлар бериб билиш, унинг чолғуга нисбат - аҳамияти билан ҳам боғлиқ бўлиб, жумладан; чолғу морфологик генезиси, тарихи, эрго-этнологияси, миллий ва маҳаллий услубларида у ё бу жараёнларда фарқланиши, созланиш технологияси ва таснифи, географик тарқалиши ва қўлланиши, устоз - шогирд тизимида ҳам анъанавий ва ҳам замонавий услубларини ўрганиш, бастакор ва композиторларга эса оммабоп ва юқори касбий ижрочиликка хос асарлар яратилиши, бугунги кун тартибидаги долзарб муаммовий мақсад ва вазифалардан бири эканлигини қайт қилиш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидий С.Б. Бухоро созгарлик санъати- "маҳорат кўзгуси"./ Ж.Бухоро-1999.й.
2. Саидий С.Б. Марказий Осиё маданиятида урма чолғулар (ўзбек ва тожик анъаналари мисолида).
3.Расултоев Ж.К. дутор семантикаси. "Мозийдан садо"//Ж.Ғ.Ғулом нашр.Тошкент,-2001 й.
4. Кароматов Ф.М.Узбекская домбровая музика,-Т; Гослитиздат,1962. 260с.
5.Семьёнов А.А. Среднеазиатский трактат о музике Дарвиша Али (XVII).-т,;Уздавнашр, 1946.-116.с.

XOTIN-QIZLARNI SPORT MASHQLARI BILAN SHUG'ULLANISHINING FIZIOLOGIK ASOSLARI

Mirzayeva Feruza Nozimqulovna
Navoiy shahar 12-IDUM jismoniy tarbiya fani o`qituvchisi

Turli yoshdagi xotin-qizlarning jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishi asosan ikkita maqsadga qaratilgan bo`lib, ularning biri salomatlikni yaxshilash bo`lsa, ikkinchisi sport sohasida erkaklar bilan yonma-yon turib, imkoniyatlarini namoyon qilib, o`z shon-shuxratini himoya qilishdir. Ma`lumki, jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ul-lanuvchi xotin-qizlarning soni yildan yilga ortib bormoqda. Bu holat respublikamizda kun sayin sportning rivojlanayotgani va yashash tarzimizda ro`y beradigan o`zgarishlar bilan bog'liqdir. Xotin-qizlar organizmining ish qobiliyati erkaklar organizmining ish qobiliyatidan bir oz darajada past bo`ladi, bu xotin-qizlar organizmining anatomik va fiziologik xususiyatlariga bog'liq. Shuning uchun xotin-qizlarni sportda yuqori natija-larga erishishlari uchun beriladigan jismoniy yuklamalar va mashqlar hajmini yuqori darajada belgilash maqsadga muvofiq.

Jismoniy ish hajmini belgilashda, xotin-qizlar organizmning tuzilishi va funk-tsional xususiyatlarini chuqur bilgan holda berilishi shart, aks holda ularning salomat-ligi yomonlashib, jiddiy jarohatlar olishi, hatto nogiron bo`lishiga olib keladi.Ma`lumki har bir ayol onalik burchini o`taydi, kelgusi avlodni sog'lom, baquvvat

bo`lishi, eng avvalo onaning salomatligiga bog'liqligini unutmasligimiz zarur. Buning uchun ayollar sportini olib boruvchi har bir mutaxassis, har bir murabbiy ayollar organizmning jismo-niy imkoniyatlarini yaxshi bilishi zarur.

Xotin-qizlar organizmining jismoniy ish qobiliyatlari erkaklar organizmining jis-moniy ish qobiliyatidan past bo`lishiga sabab xotin-qizlar organizmining anatomo-fiziologik xususiyatlariga bog'liq. Bu xususiyatlarni taqqoslash natijasida quyidagi tafo-vutlarga duch kelamiz.

1. Ayollarning bo`yi o`rtacha 165 sm, erkaklarda 175 sm bo`ladi.

2. Ko`krak qafasi ayollarda qisqa, diafragma ancha yuqorida joylashgan, erkaklarda ko`krak qafasi keng bo`ladi.

3. Ayollarni oyoq-qo`llari qisqa, erkaklarning oyoq-qo`llari nisbatan uzun.

4. Ayollarda umurtqa pog'onasi uzunligi erkaklarnikiga qaraganda uzunroq, ayniqsa bel va bo`yin qismlari, umurtqalarni orasidagi tirqich keng va umurtqalararo disklar qalin bo`ladi. Umurtqalarni tutashtiruvchi boylamlar ancha elastik bo`lib, tanani egiluvchan bo`lishini ta`minlaydi.

5. Ayollarda erkaklarga nisbatan elka kengligi kichik, tos kengligi katta bo`ladi. Umumiy qilib aytganda, ayollar skeleti nozikroq, yengilroq, elastikroq va harakatchan bo`ladi.

6. Muskul to`qimasi ayollar vaznini o`rtacha 30-35% ni, erkaklarda 40-45% ni tashkil etishi sababli ayollarda muskul kuchi erkaklarga nisbatan kam bo`ladi.

7. Yog' to`qimasi ayollarda 28-30 %, erkaklarda 18-20% bo`ladi.

8. Markaziy asab tizimida ham jinsiy tafovut mavjud bo`lib, harakat reaktsiya-larining tezligi erkaklardagiga nisbatan ayollarda past bo`ladi.

9. Ayollar organizmi yuqori darajada hayajonlanishga va sezuvchanlikka ega bo`lsada, biroq jismoniy ishlarning funktsional imkoniyatlari past bo`ladi.

10. Ayollar organizmining 1 kg tana og'irligiga 65 ml qon to`g'ri keladi va yurakning og'irligi 200-250 gramni, erkaklarda 1 kg tana og'irligiga 75 ml qon to`g'ri kela-di va yurakning og'irligi 250-350 gramni tashkil etadi. Shuningdek eritrotsitlar soni erkaklarda ko`proq bo`ladi.

11. Al'veolaning yuzasi ayollarda 100 m^2 ni, erkaklarda esa 150-200 m^2 ni tashkil etadi. Shuning uchun ham erkaklarda o`pkaning tiriklik sig'imi ancha yuqori bo`ladi.

12. Ayollarda yog' to`qimasi 28-30 % tashkil etganligi uchun issiqlik hosil bo`lishi, erkaklarga qaraganda yuqori bo`ladi. Lekin issiqlikning 60 % I organlarning ishiga, 40 % muskul ishiga, erkaklarda esa aksincha muskul ishiga ko`proq safarbar etiladi.

Sportning ayrim turlari bo`yicha ayollar erkaklarga nisbatan yaxshiroq natijalar ko`rsatadilar. Bu ayollar organizmining anatomik va fiziologik ko`rsatkichlarining yuk-sak uyg'unligi, iroda va egiluvchanlik xislatlarni talab qiluvchi mashqlarni bajarishda namoyon bo`ladi. Ularning mushak kuchi nisbatan kam bo`lsa ham, jismoniy mashqlar-ni bajarishda, muskul tarangligini mahorat bilan juda ko`p mushak guruhlariga barobar taqsimlay oladilar. Shu sababli ayollar harakati ancha nozik, tekis, muloyim, aniq va chiroyli ifodalanadi. Ayollar organizmini tuzilishi va funktsional xususiyatlari yuqori kuch bilan bajariladigan, yoki yuqori darajada chidamlilik talab qiladigan ishlarni ba-jarishga imkoniyat bermaydi. Masalan erkaklarga nisbatan, ularning qon tarkibida eri-trotsitlarning, gemoglobinning, qonda kislorod sig'imining kam bo`lishi, yurak hajmi-ning kichikligi, o`pka tiriklik sig'imi va nafasning daqiqalik hajmining kamligi, uzoq muddatli ishlarini bajarish imkoniyatini cheklaydi. Bu esa ayollar organizmining aerob imkoniyati erkaklarga nisbatan kam ekanligini ko`rsatadi. Ayollar bilan erkaklarning jismoniy ish qobiliyati o`rtasidagi farq bir xil hajmdagi ishlarni bajarishda nafas olish va qon aylanish sistemalari funktsiyasining o`zgarishida ham namoyon bo`ladi. Ayollarda kislorodni maksimal o`zlashtirish erkaklarga nisbatan 25-30 % kam bo`ladi va 20-30 yoshlarda eng yuqori darajada bo`ladi.

Ayollarning sport bilan muntazam shug'ullanishi natijasida ular organizmining tuzilishi va funktsiyasida ijobiy o`zgarishlar yuzaga keladi. Jismoniy mashqlarni to`g'-ri qo`llash, mashg'ulot hajmini to`g'ri belgilash, kuch va chidamlilik harakat uygunli-gini takomillashtiradi. Gavda tarkibida yog' to`qimasi kamayadi, mushaklar va boylam-lar rivojlanadi, o`pkaning tiriklik sig'imi ortadi, nafas olish tezligi kamayadi, yurak urishi sekinlashadi, energiya sarfi kamayadi, organizmning turli kasalliklarga chidam-liligi ortadi, ish qobiliyati yaxshilanadi, qomat go`zallashadi, homiladorlik davrida u o`zini yaxshi his etadi, bola tug'ilishi oson bo`ladi. Ayollar organizmida ijobiy o`zga-rishlarning yuzaga kelishida, ularning gimnastika mashqlari bilan shug'ullanishi alohida ahamiyatga egaligini ta`kidlash zarur. Ayniqsa, hozirgi vaqtda ritmik gimnastikani keng yoyilishi bu fikrimiz dalil bo`ladi.

Sport mashqlarining fiziologik ta`moillariga qat`iy rioya qilgan holda, har bir sportchi ayolning individual xususiyatlarini hisobga olish kerak bo`ladi. Ayollarning jismoniy mashqlar bilan davriy shug'ullanishi ular organizmida mushak ishini, bo`g'imlar harakatchanligi va mustahkamlanishini shakllantiradi. Bu jarayon

harakat apparatining takomillashishi kuch, tezlik, chaqqonlik, chidamlilik kabi jismoniy sifatlarning rivojlanishida kuzatiladi, funktsiyasining takomillashtiradi va organlarning ish qobiliyatini oshiradi. Bu salomatlikni saqlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mahallalarda sog`lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy faollikning oddiy usullari.

Mashqlarni har kuni ertalab belgilangan rejim asosida bajarish va bajarish jarayonida chuqur va to'g`ri nafas olishni nazorat qilish zarur. Buning uchun esa xona havosini almashtirib turish lozim. Ertalabki gimnastika mashqlari majmuasining tarkibiga quyidagi mashqlar bo'lishi shart :

-Tananing tortilishi bilan bog`liq mashqlari;

-Yurish (joyida turib va harakatda) mashqlari;

-Bo'yin, yelka va qo'l mushaklari uchun mashqlar;

-Tana va qorin mushaklari uchun mashqlar;

-Oyoq mushaklari (o'tirib turish va sakrash);

-Oyoq, qo'l va boshqa guruh mushaklar uchun mashqlar (oldinga, orqaga, yonga egilish, tebranish va h.k);

-Zo'riqib ishlashga majbur qiluvchi mashqlar;

-Bo'shashtiruvchi va hokazo mashqlar.

Ertalabki gimnastika mashqlari samaradorligini oshirish uchun: gantel, gim-nastika tayoqchasi, sakratuvchi ip, to'p va boshqalardan foydalaniladi. Mashg`ulotlarning davomiyligi 15-20 daqiqadan oshmaydigan, yurak urishi har daqiqada katta yoshdagilarda 90-100, bolalarda esa 100-110 bo'lishi me'yoriy holat hisoblanadi. Ertalabki soatlarda o'tkaziladigan gigienik gimnastika, uyqudan bedorlikka, tetik holatga o'tish va faol mehnatga kirishib ketishning hamda kuch g`ayratga ega bo'lishning eng yaxshi usulidir. Ertalabki gimnastika mashg`ulotlarini tanlashda har kim o'z salomatligi holatidan kelib chiqishi, yoshini hisobga olishi lozim.

Odatda ertalabki gimnastika mashg`ulotlari 10-30 daqiqagacha davom etib, 9-16 xil mashg`ulot turlarini o'z ichiga olishi, ayniqsa tana va qorin mushaklarini mus-tahkamlovchi, bo'shashtiruvchi mashg`ulotlar bo'lishi kerak. Bunday mashg`ulotlar qon tomir tizimini, ko'krak qafasi harakatini, nafas olishni yaxshilaydi. 50 yoshdan oshgandan so'ng ertalabki gimnastika mashg`ulotlarini bajarishdagi zarur bo'lgan tezlik, ritm talablarini to'liq bajarishga harakat qilmaslik lozim. Bu yoshdagi kishilar nafas olish ritmini buzish, kuchanish, boshni pastga tushirish, tortilish, aylanib tushish, keskin o'tirib turish kabi mashg`ulotlarni bajarishdan chetlanishi lozim. Nafas olish mashg`ulotlarini bajarishda tik turgan holda qo'lni ko'tarib bir-biridan uzoqlashtarish nafas olishga; qo'llarni tushirib, oldinga va yonga engashish hamda oyoqlarni bukish nafasni chiqarishga yordamlashishini yodda saqlash lozim. Mashg`ulotlarni bajarishda ularning eng soddasidan boshlab, asta-sekin murakkablashtirib borish lozim. Dastlab qo'llardagi mayda mushaklar bilan mashq qilishni boshlash so'ngra katta mushaklarni jalb qilish maqsadga muvofiqdir.

Demak har kuni ertalabki gimnastika mashg`ulotlarini bajarish uchun 10-30 daqiqagacha vaqt ajratsangiz siz kun bo'yi o'zingizga zarur bo'lgan g`ayrat va tetiklikka ega bo'lasiz, organizmning turli xil kasalliklarga qarshi kurashish imkoniyatini oshirgan bo'lasiz.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, har bir insonning sog'ligi o'z qo'lida bo'lib, uni ertalabki bajariladigan gimnastikalar orqali mustahkamlab boradi.

O‘QUVCHI TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA ZAMONAVIY DARSLIKLARNING O‘RNI

Qurbonova Yulduz Qulmurot qizi,
NavDPI, doktoranti (O‘zbekiston)

Annotatsiya. Ushbu maqolada o‘quvchi tafakkurini rivojlantirishda darsliklarning o‘rni hamda ona tili darslarida darsliklardan o‘rinli va samarali foydalanish yo‘llari.

Kalit so‘zlar. Metodika, texnologiya, maktab, darslik, ta’lim.

Mustaqil fikrlash hamda ijodkorlik barkamol shaxs qiyofasida aks etuvchi ifodalarni yanada boyitadi. Zero, ijtimoiy taraqqiyotning muayyan bosqichida tashkil etiladigan faoliyatning ijobiy natijasiga ega bo‘lishida ushbu ikki xislat asosiy mezonlar sifatida e’tirof etilmoqda.

O‘quvchi shaxsini mustaqil fikrlash va ijodkorlik ko‘nikmalarini shakllantirishda umumiy o‘rta ta’lim maktablarida tashkil etiladigan ona tili ta’limi katta imkoniyatlarga ega. O‘quv jarayonini tashkil etishdagi asosiy o‘quv qo‘llanmalar darsliklar sanaladi.

Darslik shunday nashr turiki, unda o‘quv predmetining mazmuni mantiqiy ketma- ketlikda tizimli tarzda ifodalanishi zarur. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida mavjud bo‘lgan darsliklarning tahlili shuni ko‘rsatmoqdaki, ularning yangi tiplari va modellarini ishlab chiqishga kuchli ehtiyoj mavjud. Bunday ehtiyoj

birinchi navbatda darsning tarkibiy qismlarini boyitishga bo‘lgan didaktik zaruriyat sifatida kelib chiqmoqda. Didaktik tafakkur bu — o‘rganish, o‘rgatish va ta’lim mazmunining doimiy aloqadorligi, munosabatlarini izlash, aniqlash demakdir. O‘qituvchi o‘quvchilarni faollashtiradigan, o‘zi va o‘rganuvchi uchun qulay bo‘lgan yo‘llarni, usul va uslublarni, o‘qitish shakllari, metod va vaziyatlarni izlaydi, zamonaviy pedagogik texnologiyaga suyanib, o‘quv jarayoni samaradorligini oshiradi. O‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatib, o‘quv jarayonining yuqori sifat va samaradorligiga erishadi. Shu boisdan ham, pedagogik, didaktik, ta’lim texnologiyalariga va darsliklarga olib kirishga o‘quv jarayonidagi eng samarali vositalar deb qaralmoqda. Ulardan dunyo pedagogik amaliyotida keng foydalanilmoqda.“So‘ngi uch yilda Davlat byudjeti va maqsadli kitob jamg‘armasining qariyb 307 milliard so‘m mablag‘iga 98 ming nusxadan ortiq darsliklar yaratilgan. Biroq, sohada olib borilayotgan ijobiy ishlarga qaramasdan, darsliklar o‘quvchilar yoshi, aqliy fiziologik va psixologik rivojlanish davriga muvofiq tayyorlanishda qator muommolar saqlanib qolmoqda. Bu esa oqibatda fanlarni o‘zlashtirish darajasiga salbiy ta’sir etmoqda... umuman darsliklarni zamonaviylashtirish kerak”[72]. Har qanday fan darsligi mazmun, vazifa va tuzulish jihatidan mukammal bo‘lishi lozim. Bu faqat darslikning emas, darsning samarasini oshirib, ta’lim beruvchi va ta’lim oluvchi uchun keng imkon yaratib beradi. Darslikni o‘rinli ishlata olish, o‘quvchi yetkazib berish esa bugungi kunning zamonaviy o‘qituvchisi oldidagi eng dolzarb masaladir.

Umuman olganda, Baxtiyor Mengliyev fikri bilan aytganda, “ Darslik yuqori darajada umumlashtirilgan va zamonaviy ilmiy bilimlarga asoslangan ma’lumotlar- qoidalar, hukmlar, tasniflardan tashkil topishi lozim”.[73] Davlat ta’lim standarti ta’lim mazmuni, shakllari, vositalari, usullarini, uning sifatini baholash tartibini belgilaydi. Ta’lim mazmunining o‘zagi hisoblangan standart vositasida mamlakat hududida faoliyat ko‘rsatayotgan turli muassasalarda (davlat va nodavlat) ta’limning barqaror darajasini ta’minlash sharti amalga oshiriladi.

Pedagogika fanlari doktori, professor U.Inoyatov zamonaviy darslikka tavsif berib quyidagilarni ta’kidlaydi: “Zamonaviy darslik – ta’lim-tarbiya mazmuni va vositalarini o‘zida jamlagan manba. U ta’lim oluvchilarni o‘quv materiallarini o‘zlashtirishlariga va ularning mustaqil ijodiy faoliyatlarida zarur bo‘lgan bilim, malaka va ko‘nikmalarini rivojlantirishga xizmat qilishi lozim. Darslik shunday nashr turiki, unda o‘quv predmetining mazmuni mantiqiy ketma-ketlikda, uzviy hamda tizimli ifodalanishi zarur”[74]. O‘quv predmetining mazmuni uzviy va tizimli ifodalanishida, avvalo, o‘quv materialini maqsadga yo‘naltirilgan ravishda tizimlashtirish talab etiladi. Darslikning zamonaviylashuvi bu bevosita bo‘lajak kadrlarning zamonaga mos bo‘lib ulg‘ayishiga, fan-texnika yutuqlaridan to‘la xabardor bo‘lishiga, milliy qadriyatlarimiz ruhida kamol topishiga erishish demakdir.

Ko‘rinadiki, umumiy o‘rta ta’lim maktabidagi ona tili ta’limi sathlararo uzviylikka tayanadi. Bu avvalo darslikda ifoda topadi. Zero, “Yaratilgan darsliklarning yana bir muhim xususiyati shundaki, fanimiz yutuqlariga asoslangan ilg‘or ilmiy qarashlarni ta’lim jarayoniga yo‘naltirish masalalari yaqqol ko‘zga tashlanadi”. [75]

Xulosa qilib aytganda, ta’lim sifat va samaradorligini oshirishda darsliklarni rivojlantirish borasidagi ishlarni amalga oshirishda barcha fanlarning o‘rni muhim ahamiyatga ega bo‘lib, o‘sib kelayotgan yosh avlodni hamda mahoratli pedagoglarni har tomonlama barkamol inson sifatida ko‘rish, ularga o‘z qiziqishlarini inobatga olgan holda qo‘shimcha bilimlar berish hamda ilg‘or pedagogik texnologiyalar va zamonaviy darsliklardan foydalangan holda jamiyat ravnaqi uchun xizmat qilishlariga shart-sharoitlar yaratib berish maqsad qilib olingan.

[72] O’ZA internet sahifasi. Gulchehra Rixsiyeva. Darsliklar zamon talabiga mos bo’lsin. 2019.

[73] B. Mengliyev, B. Baxriddinovna. Ona tili ta’limi: uzluksiz ta’lim bosqichlarida chalkashlik uchramayaptimi? Til va adabiyot ta’limi, 2015-yil, 2-son, 8-12-betlar.

[74]Feruza Qo‘chqorova. Yangi avlod darsliklarida o‘quv materiallarini konsentrizm prinsipi asosida tizimlashtirish. Xalq ta’limi. 2018-yil, 3-son. 104-bet.

[75] Qodirov M., Ne’matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. -T.: Cho‘lpon, 2006. - 144 b.

ABU NASR AL-FOROBIY VA ABU ALI IBN SINO
SHARQ MUSIQIY NAZARIYA TA'LIMOTI

Al'muhamedova Shaxnoza Maxmudovna
Navoiy davlat pedagogika instituti, 1-bosqich Magistranti

O'rta asrlar Markaziy Osiyo xalqlari falsafiy fikrining rivojlanishda, ayniqsa, Abu Nasr Ibn Muhammad al-Forobiy (870-950) faxrli o'rin tutadi. U Sirdaryo bo'yidagi Forob qishlog'ida tug'iladi va dastlabki bilimini Shosh, Samarqand va Buxoroda oladi. So'ngra Forobiy o'z bilimini davom ettirish uchun Bag'dodga boradi. Natijada, u o'z davrining yirik olimi va buyuk faylasufi bo'lib yetishadi. Forobiy Bag'dodda yashab ijod qiladi, umrning so'nggi yillarini Xalab va Damashqda o'tkazib, shu yerda vafot etadi.

Forobiy o'z davridayoq buyuk faylasuf, Sharq mutafakkirlari orasida Aristoteldan keyingi «Ikkinchi muallim» degan nomga sazovor bo'lgan qarashlari bizning mustaqillik sharoitimizda ham muhim ahamiyatga ega.

Nihoyat, IX-XII asrlar musulmon Sharqi, xususan Markaziy Osiyo xalqlari tabiiy-ilmiy va ijtimoiy-falsafiy fikrlarining rivojiga o'zining buyuk hissasini qo'shgan qomusiy olimlardan yana biri Abu Ali Husayn Ibn Abdulloh Ibn Sino (980-1037)dir.

Abu Ali Ibn Sino Buxoro yaqinidagi Afshona qishlog'ida tug'ilib, so'ng Buxoroda o'qib ulg'ayadi. Ibn Sino o'z davrining barcha ilg'or tahlimotlarini, xususan, qadimgi Hind, Yunon, Turon, nihoyat, O'rta asr arab, Uyg'onish davri Markaziy Osiyo ilmiy merosi bilan chuqur tanishadi, ularni o'z dunyoqarashida umumlashtiradi. U o'zidan oldin o'tgan Sharq olimlari, vatandoshlari: al-Xorazmiy, al-Kindiy, ar-Roziy, Forobiy asarlari bilan birga, yunon olimlari: Galen, Gippokrat, Yevklid, Arximed, Pifagor, Porfiriy, Platon, Aristotelg' asarlarini ham chuqur o'rganadi. Ayniqsa, Forobiyning asarlari uning falsafiy va ijtimoiy qarashlariga katta tahsir ko'rsatadi. Natijada, Abu Ali Ibn Sino tibbiyot, falsafa, qator tabiiy-ilmiy fanlar, ijtimoiy-gumanitar bilimlar, sohalarida, falsafiy mazmundagi badiiy adabiyot sohalari bo'yicha ham ko'plab asarlar muallifi, mashhur qomusiy olim bo'lib yetishadi.

Ibn Sino o'zining bu asarlari bilan O'rta asr Sharqiy, xususan, Markaziy Osiyo xalqlari falsafiy, tabiiy-ilmiy, ijtimoiy-siyosiy va ahloqiy fikrlar tarixiga buyuk hissa qo'shadi. Natijada, u o'z davrida butun Sharqda «Shayx-ur-rais» («Olimlar boshlig'i») degan nom oladi.

Qancha rivoyat va afsonalar 'esh qilinmasin, urf etilgan usullar aslida musiqa ilmini o'ziga yaqin tutgan ulamolar ijodiga mansubligi jiddiy qayd etiladi. Xususan, Abu Nasr Ibn Muhammad al-Forobiy va Abu Ali Husayn Ibn Abdulloh Ibn Sino tomonidan yaratilgan "12- asl usul tizimida", "iyqoot nazariyasi" keltirilgan. Al-Forobiy usullarida matematik yechimlarda naqrlar davrasi o'zga xos ikki, ya'ni Xafif va Saqiyl deb yuritilsa, Ibn Sinoda inson yuragi bilan hamohang usullar tabiiy sadolanishdan o'ri olgan bo'lib "Nuqtahoi jolibiy" deb yuritilgan.

Buxoro va umuman, Zarafshon vodiysi anhanalarida qo'llaniladigan usullar genezisi va tarixiy evolyutsiyasini o'rganishda musiqiy risolalar va boshqa qadim qo'lyozma manbalarda keltirilgan mahlumotlar beqiyos ahamiyat kasb etadi. Bu o'rinda «oliy uslub» deb atalmish Forobiy tahlimotidagi mumtoz usul shakllarini. Sanhatshunoslik fanlari doktori, professor Abdumannon Nazarovda «Al-Forobiy va Ibn Sino usul tahlimotlari» Iyqooot nazariyasi o'tmishdan zamonaviylikka tarjima qilingan. Ammo ushbu olim ularni usul misolida nimaga ishora ekanligini va ularda qanday yechilganini anglab bilmagan edi. Bu ilmiy muammo hamma olimlarni hayratga qoldirganidek, qiziqarlisi ushbu masalani san'atshunoslik fanlari nomzodi, professor Said Bolta-Zoda Saidiy tomondan asoslab berildi va ushbu olim «Oliy uslub» - deb atalmish bu masalada Al-Forobiy va Ibn Sino qo'llagan ob'ektlari Sug'diyona davridan tortib, ushbu davrgacha bo'lgan Markaziy Osiyo va Yaqin Sharq davlatlari misolida yechilganining anglab bilgan holda XIX asrgacha Buxoro va Sharq hududlarigacha tegishli an'analarida keng qo'llanilgan usullar bilan qiyosiy o'rganib maqsadga erishadi, bular;

1. **Ramal** yoki saqilur-ramal. Ikki davr juft vusto azminalardan iborat. Bu usulni Buxoro amirligining Mirshab-daff usuliga yaqinligi mavjud. [Ogohlantiruvchi, shaxdam harakatli].



A.Nazarov.



S.Saidiy

2. Saqil-us -avval. Har bir davri uchta saqiqul-vusto naqrlaridan iborat.



Tavsiflanishi bo'yicha, Buxoro amirligining og'ir, chaqiriq uslubiy ijrosiga xos. Karnay. S.Saidiy Nog'oralarda



og’ir, diqqatsimon [faqat rez nog’oralarda chalingan].

3. Saqil-us-soniy. Har bir davri 4 saqiqul-vusto naqrlardan iborat iyqoh. Buxoro amirining harbiy, og’ir chaqiriq usuliga o’xshash. Do’l-nog’ora va sanj.

M:m = 70 [Ogohlantiruvchan, og’ir].



S.Saidiy

Xafif-us -saqil guruhi.



A.Nazarov

4. Hafif-ur-ramal. Har bir davri ikki hafif naqr va fosiladan iborat iyqoh. Buxoro amirligida nog’oralar ijrosining tantanali boshlanish tavsifli usuliga xos, diqqatni jalb etuvchan. M:m =100

5. Hafifu saqil-ul-avval. Har bir D-uchta hafif N-dan iborat iyqoh asli. Buxoro gushtingir ufari. [Zalvorli, tantanavor.] M:m= 100

6. Hafif-ul Saqil-us-soniy. Har bir D-to’rt hafif N-dan iborat I-asli [Muxuriy] Ko’lob falakxonlik usuli A.Nazarov . S.Saidiy



7. Hafif iyqohlar sinfi [avval]. Har bir davri hafif - ikki naqrdan iborat usul. [Tantanali – chaqiriqsimon]. M:m =120 Buxoro «zang-bandi» usuli. S.Saidiy

8. Hafif-us soniy. Har bir davri uchta hafif naqrdan iborat usul. Darvishlarning, qalandariya usuliga xos. M:m =120 [Sho’x, dahvatsimon, raqsona harakatda]



9. Hafif-us-sodis. Har bir davri to’rt hafif naqrdan iborat usul. Buxoro chor-zarb usuli, Shashmaqom va mavrigi Ko’lob fol’klor yo’nalishiga o’xshash. M:m=80 [Tantanali] A.Nazarov . S.Saidiy.

10. Hafif-ur-robih. Har bir davri 5-naqr hafifdan iborat usul. [Hazaj]; Buxoro mavrigixonligida tantanali chiqish usuliga o’xshash. M:m=80-100.[Tantanali,



raqsona].A.Nazarov,S.Saidiy.

11. Hafif-ul-homis. Har bir davri 6-hafif naqrdan iborat. Muzoreh lil hazaj, deb ham ataladi. A.Nazarov .



M:m=90.Raqsona, vazmin. Turkman.ufariga xos usul.S.Saidiy



12. Hafif-ul-sodis. Hafifus-vofir deb ham ataladi. Har bir davri yetti naqrdan iborat. A.Nazarov .



Pomir raqs ufariga yaqin Borbad usuli. M:m=100

Doyrada S.Saidiy

S.Saidiy tadqiqotida Forobiyning 12 asl usuli [negizga asoslangan iyqoh] ana shundan iborat. A.Erlanje asllarni kuy ohang tizimlariga ham xos bo'lgan har tomonlama bir qonuniyat sifatida idrok etadi. [Forobiy usullar targ'ibotida, ilmiy jihatdan chuqur sharq usullari hamda kuy ohanglarida yangi nazariy iyqohlarni tasnif etgan bo'lsa, Ibn Sino ayrim usullarning ruhiy holatga tahsirini isbotlaydi. Albatta Forobiyda bu uslublar matematik yechimlar hosilasidan kelib chiqqan bo'lsa, Ibn Sino tadqiqotida insonning tabiiy harakati bilan bog'liq. Buni bugun tibbiyotdagi ritmiya va aritmiya, ayniqsa, aritmiya vazifalaridan biri sifatida uchratish mumkin. Bu mumtoz ilmiy tilda "Mitral sistenoza" deb atalsa, bizda "bedananing sayrashi" tarzida, deb ataladi. Uning musiqaviy nomlanishi «suvoriycha», yahni otning chopishi yoki sekin yurishi maromiga taqqoslanadi. Demak, ibn Sino Ilk marotaba 20 asr Rossiya tibbiyot olimi S. Bogolyubovdan 1000 yil oldin jahonning tibbiyot fanidagi "KORDEOLOGIYA" tashhisi inson yurak zarblari va "KLAPANLAR" zarblarini alohida-alohida o'z zamonida yechib qoldirganligi bilan jahonshumul ahamiyatga egadir. Qiziqarlisi shundaki, ushbu yangilikdan biror bir jahon tibbiyot olimlarining xabari yo'q albatta !!!.....

Masalan, Forobiyning "Tarkibul-ajzoh" mahduloti asosida turli jinsdagi iyqohlardan tarkib topgan usuliy shakllar mavjud. Ular tarkibul-ajzoh deb ataladi.



Hafif-ul avval asl. S.Saidiy

Buxoro "Zang bandi" usuli.[i]SHashmaqom va Buxoro folg'klor uslublaridagi doyra zarblariga yaqinligi mavjud. Buxoro Mavrigi qismlari Hafif-ur robih usulidan M:m=80. S.Saidiy



1-bo'lak tarkibi.

2-bo'lak tarkibi. 

Kulob raqsiy usulida qo'llanilgan.



S.Saidiy



yoki

[Ash-shifo, 96] asl-ta-na-na-na-nan.

Farhi matviy 1-ta-nan-tan. 

Farhi matviy 2-tan-ta-nan.  A.Nazarov .

Birlik zarblarda bedananing sayrashi har ikkalasi qo'shilganda suvoriylar usuliga xos. Ushbu zamonaviy musiqa nazariyasida Modulyasiyaga teng misoldir.

a) Nuqsonus-naqorat-kamayuvchi. b) Ziyodotun-naqorat esa Ortiruvchi «Terapevtik» atamasi «anatomik», inson ichki organ ahzolari, musiqada sezish ahzolari, asab va yurakdagi zarbli usullar, bular: «ritmiya va aritmiya» hamda «klapan» usullaridir.

BUXOROYI SHARIF UDUMLARIDAN “OSHI SOFIY”, “PADAR OSHI”, “NAHOR OSHI”, “PAYG’AMBAR OSHI”, “OSHI JUMAGI”, “OSHI BIBI SESHANBE” SHOXONA NOMLANISHINI OLGAN BIR TAOMINING TO’YONA VA DINIY QO’LLANISHI

Muxammadieva Dilfuza Mamasodik qizi
Navoiy davlat pedagogika instituti, 1-bosqich Magistranti

San’atshunos olim S.Saidiyning ma’lumotlarida «Buxoroyi Sharifning 2300 ming yillik tarixiga ega va qadimda askarlarlarning bahodirona va bayramona taomi, (oshi) bilan mashhur bo’lib kelgan va asrlar davomida musulmon dunyosi kirib kelganidan boshlab tarkiban quvvatlanish jihatdan rivojlanib kelgan “Oshi Sofiy” beqiyos vitaminlarga boyligi va to’yimligi bilan, butun jahonni hayratga solmoqda. Tarixan qiyoslaganda Aleksandr Makedonskiy Buxoroni ishg’ol qilingandan so’ng, “Mening askarlarimni to’ydiradigan va ularni ko’p vaqtda och qolmaslikka olib keladigan, zararsiz va foydali taom masalasini qo’yganda, Buxoro aholisi katta qozonda birinchni (Guruch) yuvib, go’shtlar esa boshqa qozonlarda qaynatib olingach, unga turli oshbob massaliqlar qo’shilgan yog’li-parxezsimon Oshni damlab tarqatishadi. Bu taom Aleksadrga ma’qul bo’lganidan so’ng, askarlariga har kuni bir marotaba osh pishirilishini ma’qul ko’radi. Ushbu ta’minot ikki yil davom etgankim, hatto jangda yaralangan yo ko’p qon yo’qotgan askarlar sog’ayib ketgan va yana jangga kirishgan”ligini bayon etadi. Yana ushbu an’ana bugungi kungacha massa yo katta jamoa, to’yona va bayramlarda ko’p miqdorli mehmonlarga tortiq etiladi. Osh qadimda “Askarona”, “Toji-ta’to’l” yo “Sajdai ruhon” va qadimgi Buxoroning janubiy qismida Pomirning (Badaxshon)ida, aniqrog’i “Isro’shan” va “Xorug”da yer yuzining (koinotimizning) hamma payg’ambarlarini nazarga olgan holda **“Dandoni Payg’ambaron”** deb nomlannishi jahonda mashhur va ma’qul bo’lganligi bilan ham ahamiyatlidir.Ammo ushbu oshning massalig’i o’zgacha bo’lib, yaxudiylarning xalta oshiga yaqin . Ushbu Musulmon dunyosiga kelib “Buxoroyi Sharif”da jahonning eng soflangan, gigiyenik jihatdan har bir masallixida sinchkovlik bilan extiyodkorona ahamiyat berilgan holda tayyorlanadigan va keng tarqalgan “bir taom” bu **“OSHI SOFIY”, “PADAR OSHI”, “NAHOR OSHI”, “PAYG’AMBAR OSHI”, “OSHI JUMAGI”, “OSHI BIBI SESHANBE”**
shoxona nomlanishini olgan bir taomning ham qadimda va ham bugungi kunda 3 xil dinlardan evolyutsion asnoda o’tib, rivojlanib kelgan to’yona va diniy qo’llanishidir. Ushbuning tayyorlanish qoidalari murakkab va o’zga xos siru- asrorlari va masallixlaridan iboratdir. Ushbu taomni parxez (Diyeta) olgan yoki og’ir jarohatlangan bemorlar iste’mol qilsalar ham shifo topishlari va turli vitaminlarni a’zolariga qabul bo’lganligini sezadilar.

Buxoroda to’ydan oldin “Oshi sofi”, “Padar oshi”, “Payg’ambar oshi”, diniy a’zalarda esa “Oshi Jumagi”, “Oshi bibi seshanbe” va “Sunnati” deb tilga olinadi.

Oshi sofiga diqqatimizni jalb etsak, Sohibqiron davrida ham Buxoro oshpazlari tomonidan Sohibqironga va askarlariga katta mis qozonlarda pishirib berilgan va Amir Temurga ma’qul bo’lganligiga sabab, ham to’yimli va uzoq vaqtga ochlikdan saqlanishi, tom ma’noda Sohibqiron askarlarining janglarda ko’p qon yo’qotganlar, asab faoliyati yo ko’z asabi bilan chalinganlarga ham as qotganligidadir. Bundan tashqari va “Qobuli” deb nomlangan osh taomi ham to’yona va bayramona hisoblanib, ushbu Markaziy Osiyo va qo’shni davlatlarida, jumladan; O’zbekiston va Tojikiston, Turkmaniston va Sharqdan Afg’oniston, Ozarbaydjon, Eron , Arabiston va boshqa davlatlarni kamrab olganligi, musulmon dunyosida ma’naviy bayramlarda ta’dil etishi va odatiy tusiga aylanganligi bilan ammo u “Qobuli” deb nomlanishida hamma taraflama farqlanib boradi. Buxoroda tayyorlangan “Oshi sofi”, boshqa xududlardan ham aynan, o’zga xosligi bilan ajaralib turadi va o’xshamasdir. Buxoro tarixida aholi va mehmonlarga tongda osh taomi bilan kutib olishadi va katta davrada **maqomchilar ansambli** tarovati va qur’on sur’alari o’qiladi. Nahorgi osh goh paytlari namoshom ham o’tkaziladi va nog’orachilar ostida tantanavorlik bilan davra ochiladi va mehmonlarni kutib olishadi. Nog’orachilar ansamblida esa bir necha 2-6 gacha karnaychilar 1-2 tagacha Qo’shnaychi va Surnaychilar, do’l-baraban, baraban, qo’sh-nog’orachi va doyrachilardan iboratdir.Ikkinchi turida esa Diniy urf –odatida a’zada “Oshi sofi” tarqatiladi va ushbuga mullo yo Shayx, diniy-qozilar yo Hoji-kalonlarning duolari o’qiladi va **“Jumagi”** deb nomlanadi.

МАНУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СТИЛЕВЫЕ АСПЕКТЫ ТЕХНИКИ В ИГРЕ НА ФОРТЕПИАНО

Файзиева Талифа Озодовна
Магистрантка 1-курса НавГПИ.

Если интонирование, артикуляция, метроритм и агогика имеют отношение к тому чем, то есть какими инструментами, какими «орудиями» -исполнитель работает со звуковым материалом, то техника исполнения занята тем, каким образом, какими техническими приемами и способами он использует свои «орудия» для интонирования, произнесения и разворачивания во времени музыкальной ткани. В распоряжении пианиста имеется целый комплекс технических средств. Это приемы исполнения

гармонической вертикали и полифонической горизонтали, соединения тонов, штриховые членения музыкальной ткани и управление весом.

Организовать гармоническую вертикаль помогает правило, согласно которому верхний тон гармонической вертикали звучит светлее остальных. Он как бы сцепляет вертикальное построение в выразительно звучащее единство, «закольцовывает» разрозненные звуки в музыкальный аккорд, определяет звуковысотную иерархию внутри созвучия.

В исполнении линеарной структуры, какой является полифоническая горизонталь, важны как самостоятельность голосов (линий), так и их взаимозависимость. Для того чтобы каждый из голосов звучал самостоятельно, он должен быть максимально выразительным и интонационно достаточным, то есть гипотетически мог бы быть исполнен без поддержки других голосов и при этом производил бы цельное художественное впечатление. Это возможно при соблюдении правила мелодического рельефа: все что в горизонтали находится выше по тесситуре интонируется светлее, что ниже - темнее. Мелодический рельеф фортепианной горизонтали подобен рельефу в природе, где вершины обычно светлее низин.

Для того чтобы собрать по-своему выразительные голоса полифонического произведения в одну ткань необходимо их связать по вертикали. Особую роль в обнаружении вертикальных связей полифонической ткани играют задержания и относительно длинные ноты. Ориентация слуха на изменяющийся интервальный состав голосов по отношению к задержанному тону или длинной ноте делает полифоническую ткань объемной.

Поскольку музыка является процессом, разворачивается во времени, первой задачей для музыканта является создание горизонтальных связей. Можно, сформулировать несколько правил исполнения мелодических горизонталей:

1.Правило передачи звука или правило «legato»: при игре legato каждый следующий звук берется точно в тот момент, когда отпускается предыдущий.

2.Правило завершения мотива, обозначенного лигой: тон, совпадающий с концом мотивной или фразировочной лиги, всегда филируется.

3.Правило соединения длинных и коротких нот: после относительно длинной ноты последовательность коротких, следующих за ней нот исполняется «из-под» длинной ноты. Следующий непосредственно за длинной нотой звук играется тише.

4.Правило «переступания» пальцев: вес кисти или других частей руки переносится с пальца на палец, подобно тому, как при ходьбе вес тела переносится с одной ноги на другую.

5.Правило мягкой атаки и снятия звука: для преодоления ударной природы фортепианного звука необходимо включать «дыхание» кисти. «Дышащее», пластичное запястье способствует как протяженности, так и мягкой атаке звука.

6.Правило наполнения звуков: при связной игре мелодии два ближайших звука не могут звучать с одинаковой силой. Мелодия всегда динамически развивается, усиливается или ослабевает, движется к кульминации или сходит с нее.

7.Правило иерархичности голосов по вертикали: все, что наличествует в музыкальной ткани подчинено и служит мелодии, являясь гармоническими или контрапунктическими обстоятельствами интонационного «сюжета».

8.Правило весовой пропорции длительностей: чем меньше нота по длительности, тем меньше она весит. Для исполнения протяженных длительностей требуется использование большего веса, чем для коротких звуков, поскольку вес напрямую воздействует на долготу звучания ноты.

9.Правило преодоления интервалов: интервальное пространство между двумя звуками мелодии наполнено энергией, сопротивление которой необходимо преодолевать интонированием.

Особым техническим средством музыкальной выразительности на фортепиано являются штрихи. Различные способы произнесения звука, такие как поп legato, marcato, accentuate, staccato, множество разнообразных акцентов создают характеристические особенности музыкальной ткани. Штрихи, выставленные композитором в нотном тексте, могут быть интерпретированы по-разному. Их понимание связано со многими подробностями нотного текста и зависит от комплекса звуковых и образно-стилистических задач интерпретации.

Управление весом при игре на фортепиано является одним из главных технических средств. Решение той или иной технической, а подчас и художественной задачи приходит через обращение к технике управления весом. Использование веса в исполнении кантилены самым благотворным образом влияет на качество и полноту звука. Виртуозная игра также основана на управлении весом. Распределение веса в горизонтальных или линеарных построениях требует соблюдения определенных условий. Следование правилу «чем меньше длительность — тем меньше она весит» всегда способствует естественности звукоизвлечения в кантилене, помогает построить мотив, фразу или предложение. В полифонической музыке «неравновесное» исполнение различных длительностей помогает услышать все противосложения. Звуковая перспектива гомофонно-гармонического изложения также не может

обойтись без весовой игры. Управление весом всегда находится в зависимости от опоры и «дыхания» руки. Вес, опора и «дыхание» - «три кита» фортепианной игры. Только овладев в достаточной степени этими фундаментальными основами исполнительского мастерства, мы можем подойти к проблеме адекватной и убедительной интерпретации музыкальных текстов классической в широком смысле фортепианной литературы.

Литературы:

1. Яворский Б. Избранные труды. Том II, часть первая, М., «Советский композитор», 1987. С. 46
2. Назайкинский Е.В. Стиль и жанр в музыке: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Гумалит. изд. Центр ВЛАДОС, 2003. С. 33.

MUNDARIJA

ВАТАН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР
Навоий вилояти ҳокими, сенатор Турсунов Қ.Б. .....…….3

O‘ZBEK MA’RIFATPARVARLARINING TURKISTON XALQLARI TARAQQIYOTIGA QO‘SHGAN HISSASI
Sobirov B.B., texnika fanlari doktori, professor,
Navoiy davlat pedagogika instituti rektori.....4

1-SHO‘BA. TARIX FANI METODOLOGIYASINING MAZMUN-MOHIYATI

ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ФАНЛАРАРО ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ
М.Рахимов, ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази бўлим раҳбари,
тарих фанлари доктори, профессор……6

ABU RAYHON BERUNIYNING “QADIMGI XALQLARDAN QOLGAN YODGORLIKLAR” ASARINING AYRIM METDOLOGIK JIHATLARI
R.Rajabov, Falsafa fanlari nomzodi, NavDPI……12

ABU JA’FAR NARSHAXIYNING “BUXORO TARIXI” ASARIDA TADQIQOT METODLARI
R.Rajabov, Falsafa fanlari nomzodi, NavDPI…….20

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
О.Б.Абдимўминов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази……..23

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА НОИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР
Ж.Мавлонов – сиёсий фанлар доктори (DSc),
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими……27

КИШИЛИК ТАРИХИНИ ФОРМАЦИЯ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ДАВРЛАШТИРИШ
Ж.Я.Яхшиликов, Самарқанд давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори……29

ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР
(тарих фани мисолида)
Н.О.Сафарова, фалсафа фанлар доктори, профессор,
Навоий давлат педагогика институти…….33

ЎРТА ОСИЁ ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБЛАРИДА ОҒЗАКИ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ
З.А.Илҳомов, тарих фанлари номзоди, доцент Низомий номидаги ТДПУ……35

ИСТОРИЧЕСКОЕ ПОЗНАНИЕ И ПРОБЛЕМА ЕЁ ОБЪЕКТИВНОСТИ
А.Аминова, кандидат исторических наук,
Навоийский государственный педагогический институт…….38

2-SHO‘BA. ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MASALALARI:VAZIFALAR VA YECHIMLAR

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҲУКУМАТИ ҲАМДА ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МАЖЛИСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ЯНГИЧА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ
Қ.Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон ФА Тарих институти етакчи илмий ходими…….40

O‘ZBEKISTON O‘Z ISTIQLOL TARAQQIYOTINING NAZARIY-KONSEPTUAL ASOSLARI
Sh.Haitov, tarix fanlari doktori, professor, Buxoro davlat universiteti
A.Ahmadov, Buxoro davlat universiteti tayanch doktaranti……..42

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ
Г.Мўминова, тарих фанлари доктори, Қарши ДУ…….44

ЖАҲОН ЭТНОЛОГИЯСИ ФАНИ ВА УНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ
М.Б.Қурбонова, т.ф.н., доцент, БухДУ
М.Ш.Ярашова, БухДУ магистранти……47

MIFOLOGIYA INSONIYAT TARIXINING IBTIDOSI SIFATIDA
U.Narzullayev, t.f.f.d., PhD……48

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИДА ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ
Х. Хакназаров, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий техник институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)……50

TARIX FANINI O‘RGANISHNING METODOLOGIK MASALALARI.
R.Qarshiyev, dotsent, NavDPI
X.Boysariyev, NavDPI……52

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ИСТОРИИ ТРАДИЦИОННЫХ РЕМЕСЕЛ (НА ПРИМЕРЕ ЗЕРАФШАНСКИЙ ОАЗИСА)
О.Остонов, Кандидат исторических наук, доцент
Ташкентский государственный аграрный университет……54

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АНЪАНА ВА ТАРИХ ТУШУНЧАЛАРИ
Х.Қурбонов, тарих фанлари номзоди, доцент
Д.Саибов, НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси……..56

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИШДА В.БАРТОЛЬДНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ
Ш.Э.Тоштуров, НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси…….57

o‘RTA MAKTABDA TARIX TA’LIMINING AYRIM METODOLOGIK MUAMMOLARI
Sh.Ravshanov, NavDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi……60

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – МАКТАБ ОСТОНАСИДАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАН БОШЛАНАДИ” ҒОЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ
Д.Б.Муртазаев, Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси……..62

O‘ZBEKISTON TARIXINI O‘RGANISHDA ABDURAUF FITRATNING IJTIMOIY-SIYOSIY QARASHLARINING AYRIM METODOLOGIK JIHATLARI
F.Polvonova, NavDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi.....66

ШАХС ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ МАСАЛАЛАРИ
Ж.Останов, СамВМИ ўқитувчиси……..68

КИШИЛИК ТАРИХИНИНГ КОРРЕЛЯЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ҚОНУНЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ СИНЕРГЕТИК ХАРАКТЕРИ
Ў.Бердиев, НавДПИ Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси……70

МАФКУРАВИЙ ОНГ ТАРИХИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ОНГ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ
Ф.Р.Худжақулова, НавДПИ Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси…….73

ZAMONAVIY TADQIQOTLARDA BUXORO AMIRLIGI TARIXINI O‘RGANISHDAGI
NAZARIY KONSEPTUAL YONDASHUVLAR
R.Shukurov, Nizomiy nomidagi TDPU
“O‘zbekistonning eng yangi tarixi kafedrasi o‘qituvchisi……..76

TARIXIY BILIMLAR TASNIFI – TARIXIY TADQIQOTLAR OB’YEKTI SIFATIDA
G.B.To‘rayeva, Buxoro davlat universiteti……79

3-SHO‘BA. O‘ZBEKISTON TARIXI FANINI O‘QITISHNING ILMIY-NAZARIY METODOLOGIK JIHATLARI

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА «МУИЗЗ АЛ-АНСОБ» АСАРИ МУҲИМ МАНБА
Ш.С.Ғаффоров, тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд Давлат университети……..82

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАРИ – БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ РЕНЕССАНС
АЖДОДЛАРИГА МУНОСИБ ВОРИСЛАРДИР
Г.К.Машарипова, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори……..84

БУЮК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК
“ҚУРОЛСИЗ АСКАРЛАР” ҲАҚИДА (хориж тарихшунослигида)
Х.Қурбонов, тарих фанлари номзоди
Навоий давлат педагогика институти…….86

О ПЕРСПЕКТИВАХ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аминова Азиза Марксовна, к.и.н., доцент
Давронова Дилора, магистрант 2 курса 90

ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ ТАРИХИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Х.Кандахаров, Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, НавДПИ93

BADIIY TARIXIY ASARLAR O‘QUVCHILARNING MUSTAQIL ISHLASH
FAOLIYATINI O‘STIRISH OMILI
R.N.Tolibov, “Tarix o‘qitish metodikasi kafedrasi” dotsenti, NDPI…….94

“БУХОРЧА” ВА “МАВРИГИ” МУСИҚИЙ ТУРКУМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ, МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ
Б.И.Мустафоев, Бухоро вилоят Х.Т.Х.Қ.Т.У.М.О.Ҳ. маркази доценти,
педагогика фанлари номзоди……..97

САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ
Темиров Ф.У. т.ф.ф.д. (PhD), БухДУ
Носиров Ш. талаба, БухДУ…….98

SADRIDDIN AYNIY IJODINING JAHONIY AHAMIYATI
Temirov F.U. t.f.f.d. (PhD), - BuxDU……...99

БУХОРО УЛАМОЛАРИ АМИРЛИК ТАНАЗЗУЛИНИ ИСТАГАН ЭДИЛАРМИ?
Д.Жамолова, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бухоро давлат университети ўқитувчиси …….....101

ҚУЙИ ЗАРАФШОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАСИ
Ш.Б.Холиқулова,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD) НавДПИ…….104

TARIXIY VOQEALARNI O‘RGANISHDA TAHLIL VA DALIL
S.R.Tolibova, O‘zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo‘yicha
muvofiqlashtiruvchi metodik markazi ilmiy xodimi……...106

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА БХСР АҲОЛИСИНИНГ ЭТНО МИЛЛИЙ ТАРКИБИ ҲАҚИДА ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ
А.Б.Йўлдошев, Бухоро давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси таянч докторанти…….....109

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА ЁНДАШУВ МЕТОДЛАРИ
Д.М.Рўзиева, Навоий давлат педагогика институти мустақил изланувчиси……111

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР
Ҳусен Хайруллоевич Джураев,
Бухоро вилоят Х.Т.Х.Қ.Т.У.М.О. институти ўқитувчиси
Фируза Хайруллоевна Джураева,
Бухоро шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси.....112

BUXORO AMIRLIGIDA QO‘SHIN TUZILISHI VA HARBIY ISH (ABDURAUF FITRATNING “AMIR OLIMXONNING HUKMRONLIK DAVRI” ASARI ASOSIDA)
Islomov D.U. 1-kurs magistrant, BuxDU…….....115

ERKIN INDUSTRIAL IQTISODIY ZONA- TARAQQIYOT ASOSI
Sh.Hasanov, NavDPI katta o’qituvchisi…….....117

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР
Х.Рахмонов, ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ таянч докторанти 118

ЗАМОНАВИЙ ДАРС ЛОЙИҲАСИНИНГ АЙРИМ ДИДАКТИК МУАММОЛАРИ
Ҳ.Ўсаров, НавДПИ катта ўқитувчиси.....123

ҲУҚУҚ ФАНЛАРИ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМОТ УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
О.Ғ.Эшдавлатов, НавДПИ катта ўқитувчиси.....124

МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ
Р.М.Каримова, Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси.....126

YOSHLAR ONGIGA MILLIY G'OYANI SINGDIRISHDA TARIXIY XOTIRANI SHAKLLANTIRISH VOSITALARI
O'.Shonazarov, NavDPI o'qituvchisi.....128

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА (НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)
Ж.Ф.Савриев, мустақил тадқиқотчи 129

"ABU BAKR MUHAMMAD IBN JA'FAR AN-NARSHAXIYNING "BUXORO TARIXI" ASARIDA METODOLOGIK YONDASHUVLARNING QO'LLANILISHI
Abduraimova M.B, "Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi" kafedrasi o`qituvchisi, NavDPI 131

ТАРИХ ТАЪЛИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
М.И.Абдуллаева, "Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси" кафедраси, катта ўқитувчи Бухоро вилоят Х.Т.Х.Қ.Т.М.О.Ҳ.М. 134

ЗНАЧЕНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ СОХРАНЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ И РАЗВИТИЕ МЕТОДОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА
И.М.Отаназаров,Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Студент 2-курса Исторического факультета "История"
З.Б.Бахтиёров, Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Студент 2-курса Исторического факультета "История" 136

ЖАНУБИЙ СУҒД ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИ (Қарши шаҳри атрофидаги жойлар мисолида)
С.Сулайманова, Қарши Давлат университети мустақил тадқиқотчиси.....138

PREZIDENT SH.MIRZIYOYEVNING ILM-FAN RIVOJIDAGI O'RNI
P.Sharipova, NDPI 1-kurs magistranti 142

TA'LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI
O.Atamurodova, Navoiy shahar 8-maktab tarix fani o'qituvchisi.....143

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТНИНГ ГЛОБАЛ ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ СИФАТИДА
Ш.Э.Тоштуров, НавДПИ "Тарих ўқитиш методикаси" кафедраси катта ўқитувчиси.....144

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ МИНГ ЎЗБЕК УРУҒИ ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИЛИШИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ
Темирова М., С.Рахматуллаева, Қўқон ДПИ ўқитувчилари.....146

XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ
Н.Джураева, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети т.ф.н, доцент.....149

ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИ
Ш.Равшанов, НавДПИ «Тарих ўқитиш методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси……..151

XX АСР 50-ЙИЛЛАРИДАЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ
Ш.Рашидов, Ўзбекистон ФА Тарих институти таянч докторанти……153

БУХОРО ВА ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР
З.Жунаев, НавДПИ докторанти……157

ИСТОРИЧЕСКИЙ ПРОЦЕСС ПРИНЯТЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ПРОГРАММ
ПО ВОПРОСАМ МОЛОДЁЖИ В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА.
Ш.С.Норов, старший преподаватель кафедры
«Социально-гуманитарных дисциплин» НавГГИ……...159

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎРНИ ВА ЖАМИЯТ
РИВОЖИГА ТАЪСИРИ
Ф.Мавлонов, Томди тумани ХТВга қарашли 1-сонли мактаб тарих фани ўқитувчиси…….161

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МУЛКДОРЛАР
ФАОЛИЯТИ
Ф.Амонова, Тошкент кимё-технология институти таянч докторанти……..162

АМИР САЙИД АБДУЛАҲАДХОННИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИЁСАТИ
Д.Я.Ражабова, Бухоро давлат университети таянч докторанти…….164

ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК
МАДАНИЯТИ ТАРИХИДАН (Фарғона водийси мисолида)
А.Даминов,СамВМИ Гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси….165

АҚШ ҲАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА АГЕНТЛИГИНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ
ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ
М.Туропов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети тадқиқотчиси……168

ПРАВОВАЯ ОСНОВА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ МОЛОДЕЖНЫХ И ДЕТСКИХ
ОРГАНИЗАЦИИ, А ТАКЖЕ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
(с использованием материалов архива Навоийской области)
Ш.С.Норов, старший преподаватель кафедры
«Социально-гуманитарных дисциплин», НавГГИ…….169

БАРКАМОЛ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ТУРКИСТОН
МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ
О.Ражабов, Бухоро давлат университети ўқитувчиси……171

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА ТИББИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ИШИ ТАРИХИДАН
Б.Ш.Тошпўлатов, Қарши давлат университети таянч докторанти……172

ЎЗБЕКИСТОНДА БЛОГЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ
Н.М.Нуманов, Ўзбекистон Республикаси ДХХ олий мактаби 203-гуруҳ тингловчиси…….175

ҚИЗИЛҚУМ - ҚАДИМГИ ОДАМЛАРНИНГ МАНЗИЛ МАКОНИ СИФАТИДА
М.Жалилов, НавДПИ Магистратура бўлими 1-босқич талабаси,
Илмий раҳбар: У.Нарзуллаев, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)……177

MUSTAQIL O‘ZBEKISTONDA SIYOSIY PARTIYALARNING RIVOJLANISH TARIXIDAN
S.Iskandarova, NavDPI Magistratura bo‘limi 2-kurs talabasi,
Ilmiy rahbar: J.Mavlonov, siyosiy fanlar doktori…….180

ҚУЛОҚЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎЗИГА ТЎҚ ДЕҲҚОНЛАР ВА
РУҲОНИЙЛАРНИ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИДАН ЛАВҲАЛАР
(Самарқанд вилояти мисолида)
А.Даминов, СамВМИ, Гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси…183

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАРДАН...
Ж.Ё. Дедамирзаев, Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси……..185

ЖИЗЗАХ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИ ВА ШАҲАР АҲОЛИСИ
Д.Т.Абдурасулова, ЖДПИ тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси……188

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
А.Ҳ.Равшанов, ҚарДУ академик лицейи ўқитувчиси……192

ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
У.Ш.Аминов, независимый исследователь……..194

MILLIY MEROSIMIZ – BEBAHO TARIXIY MULK
H.Y.Hasanova, NavDPI Magistratura bo‘limi 2-talabasi
Ilmiy rahbar: dots. Z.U. Hayitov, NavDPI Tarix o‘qitish metodikasi kafedrasi dotsenti…….198

XXSR ICHKI ISHLAR IDORALARINING FAOLIYATI TARIXSHUNOSLIGIDAN
J.Arziqulov, NavDPI Tarix fakulteti o‘qituvchisi…….200

БУХОРОДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ: ҒАЗОВОТ ВА “ОҚСОЧ”ДАГИ ФОЖЕАЛАР
Ф.И.Ширинова, С.И.Ҳамроева
Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчилари…….202

YOSHLAR ONGIDA IQTISODIY TAFAKKURNING SHAKLLANISHIDA TARIX FANINING O‘RNI VA ROLI
A.A.Aslonov, O‘zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyat “Milliy banki” mutaxassisi……..208

O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGI - DEMOKRATIK O‘ZGARISHLAR DIALEKTIKASINING ASOSI
J.Quchqorov, “Ipak yo‘li” turizim xalqaro universiteti mustaqil izlanuvchisi…….210

ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТА ИШИ” ҚАТАҒОНЛАРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
Ж.А.Мустафоев, НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.....213

ZIYORATGOHLAR VA MUQADDAS QADAMJOLAR TARIX KO‘ZGUSI
S.I.Hamroyeva, NavDPI katta o‘qituvchisi……..216

4-SHO‘BA. IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNI O‘QITISHNING ZAMONAVIY METODOLOGIYASI VA METODIKASI

ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ (Кейс-стади технологияси мисолида)
Ғ. Темиров, тарих фанлари доктори,
А. Давлатов, НавДПИ Магистратура бўлими 2-курс талабаси…….218

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ
Д.У.Рўзиев, НавДПИ проректори…….220

O‘ZBEK DAVLATCHILIGI TARIXIDA “TEMUR TUZUKLARI”NING O‘RNI VA AHAMIYATI
R.M.Qarshiyev- NavDPI dotsenti…….222

“ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ФАНИНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР
К.Раҳмонов, Бухоро давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди…….224

FUQAROLIK JAMIYATINING POYDEVORI – IJTIMOIY ADOLAT VA IJTIMOIY HAMKORLIK
Navro‘zov I., Quljonov I., NavDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi o‘qituvchilari……..225

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА АМАЛИЙ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
А. Мамажанов, Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.,
Андижон давлат университети
А.Абдувоҳид,Андижон давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси……228

TARIX FANLARIDA MA'NAVIY - AXLOQIY TARBIYADA HADISLARDAN FOYDALANISH
S.Hamroyeva, F.Shirinova, NavDPI katta o'qituvchilari.....230

TARIX FANLARINI O'QITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN
FOYDALANISH TAJRIBASIDAN
S.I.Hamroyeva, NavDPI katta o'qituvchisi……..231

O'YINLI TEXNOLOGIYALAR – TARIX DARSLARI SAMARADORLIGINI
OSHIRISH VOSITASI SIFATIDA
J.Mustafoyev, NavDPI "Tarix o'qitish metodikasi" kafedrasi katta o'qituvchisi……..223

JAHON TARIXI DARSLARIDA FANLARARO ALOQADORLIK VA MUZEY
ASHYOLARIDAN FOYDALANISH
Polvonova F.O., NavDPI katta o'qituvchi……235

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ ҚАРАШЛАРИДА
СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ
М.Х.Норқобилов, Навоий давлат педагогика институти мустақил изланувчиси……238

ЖАҲОН МАНБАШУНОСЛИГИДА ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ
ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ
Н.К.Шамсутдинова, Навоий давлат педагогика институти докторанти.....240

O'ZBEKISTONDA MILLIY – MADANIY MARKAZLARNING HUQUQIY
HIMOYASI MASALASINI O'RGANISH
Sh.Z.Sharipov, SamDU o'qituvchisi……242

TARIX FANLARINI O'QITISHDA DEMOGRAFIK MA'LUMOTLARDAN
FOYDALANISH
I.B.Yusupova, Navoiy davlat pedagogika instituti o'qituvchisi.....243

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАРИХ ФАНЛАРИНИ МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ
Т.Т.Ҳалимов – Бухду, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси……..245

БХСРДАГИ МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИДА ФАЙЗУЛЛА
ХЎЖАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ
У.Ҳайитов, НавДПИ докторанти…….247

TARIX FANIGA QO'YILGAN TALABLAR: TARIXIY HUJJATLAR BILAN ISHLASH
F.I.Shirinova, NavDPI katta o' qituvchisi……248

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ ТАСАВВУР ВА ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
М.А. Эгамова, Андижон шаҳар ХТБ га қарашли
6-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси……..251

MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYANING TA'LIM TIZIMIDAGI O'RNI VA AHAMIYATI
B.U.Inoyatov, Innovatsion rivojlanish vazirligi yetakchi mutaxassisi…….253

O‘ZBEKISTON TARIXI FANINI O‘QITISHDA MUZEYLARNING O‘RNI VA ULARNING AXBOROTLASHTIRISH METODIKASIDAN…
Y.X.G‘afforov, T.f.n. dots. TVCHDPI “Tarix” kafedrasi.
A.X.Nigmatov Alisher Xayrulla o‘g‘li
TVCHDPI “Tarix o‘qitish metodikasi” yo‘nalishi talabasi.....255

TARIX DARSLARIDA OG‘ZAKI BAYON METODI – O‘QUVCHI BILISH FAOLIYATINI JONLANTIRUVCHI OMIL SIFATIDA
S.A.Isomov, O‘zbekiston Respublikasining Istanbul shahridagi Bosh konsulxonasi konsuli
F.I.Shirinova, “Tarix o‘qitish metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi……..258

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МУҲИТ АСОСИДА МАВЗУНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
К.М.Астанақулов,Навоий вилоят ХТХҚТМОҲМ “Педагогика ва психология таълим технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси……..….260

РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР
Ғ.Холмуратов, мустақил тадқиқотчи……262

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ
П.Сативалдиев – Навоий давлат педагогика институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси тадқиқотчиси……264

ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ
М.Б.Қурбонова –БухДУ Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.
Б.Б.Умаров - БухДУ Бухоро тарихи кафедраси магистранти……265

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ
Ж.А.Абдукаримов - т.ф.н., доцент
А.А.Ҳомидов - т.ф.н., доцент
Академик Б. Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети…….267

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ (РАДИО МИСОЛИДА)
М.М.Темирова, ҚДПИ ўқитувчиси
Ж.И.Охунов, ҚДПИ тарих факултети 1- босқич талабаси…….269

PEDAGOGIK TEXNOLIGIYALAR ASOSIDA TARBIYA TEXNOLOGIYALARINI TASHKIL ETISH
V.Ashirov, O‘.Shonazarov, mustaqil tadqiqotchilar, NavDPI……270

UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTABLARI O‘ZBEKISTON TARIXI FANINI O‘QITISHDA TARIXIY MAVZUDAGI MINIATYURA SAN’ATI MATERIALLARIDAN FOYDALANISH
A.S.Ahadov, NavDPI o‘qituvchisi……..272

МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИНЦИПОВ СИММЕТРИИ И ДИССИМЕТРИИ В МОЛЕКУЛЯРНОЙ ФИЗИКЕ
У.Р. Бекпулатов, доктор философии (PhD) по философским наукам, и.о. доцент кафедры “Методика преподавания физики и астраномии”, НавГПИ……..273

ФОРМИРОВАНИЕ СИНЕРГЕТИЧЕСКОГО СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЫ
У.Р. Бекпулатов, М.Б. Исламова
Навоийский государственный педагогический институт……..277

BUYUK OLIM UMAR HAYYOM VA UNING TARIXIY-ILMIY MEROSI
G.A.Yunusova, mustaqil tadqiqotchi Buxoro davlat tibbiyot instituti…….280

RAQAMLARNING MAVJUDLIGI: FALSAFIY NUQTAI NAZARDAN
M.A.Sadullayeva, mustaqil tadqiqotchi Buxoro davlat tibbiyot instituti…….281

AL-XORAZMIYNING MATEMATIKA FANI TARIXIDA TUTGAN O‘RNI VA ASARLARINING ILMIY AHAMIYATI
F.Qobilova - Navoiy shahar 16-AFCHO‘M matematika fani o‘qituvchisi……..283

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК МЕТОДИКАЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
Г.Р.Эшмуродова, Навоий вилояти Зарафшон шаҳар
11-АФЧЎИДУМ бошланғич синф ўқитувчиси……284

МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ И ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА
М.А.Мубинов– преподаватель, БГУ…….286

TARIXIY HAQIQATNI O‘RGANISH ZARURATI
NavDPI “Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi” yo‘nalishi talabasi Husanov A.
Ilmiy rahbar: NavDPI “Milliy g‘oya, ma’naviyat
asoslari va huquq ta’limi” kafedrasi o‘qituvchisi V.Ashirov 288

BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA “AVESTO”DAGI MA’NAVIY-AXLOQIY QARASHLARDAN FOYDALANISH
M.Nuriddinova, Navoiy shahridagi 5- umum ta’lim maktabi tarix fani o‘qituvchisi……..289

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЛҒОР ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ
М.М.Темирова, Қўқон,ҚДПИ ўқитувчиси……..291

TARIX DARSLARIDA MUTAFAKKIRLARNING MA’NAVIY MEROSLARIDAN FOYDALANISH
O‘tayeva F.X. –BuxDU, Buxoro tarixi kafedrasi katta o‘qituvchi
Qurbonov M.A.- BuxDU,Tarix va madaniy meros fakulteti iqtidorli talaba……294

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА САНЪАТ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ
С.А.Ҳайдаров, ТВЧПДИ Гуманитар фанлар факультети, PhD.
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси……..296

ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ
М.Бешимов, Бухду, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси……..298

O‘QUVCHILARINING HUQUQIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI
U.M.Utamuradov - Navoiy davlat pedagogika instituti katta o‘qituvchisi……..299

ТАЛАБАЛАРДА ТАЖОВУЗКОРЛИК ҲИССИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
Р.Бегматов - Навоий давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси.....302

ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ ДАРСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ
А.А.Ҳомидов - т.ф.н., доцент
Ж.А.Абдукаримов - т.ф.н., доцент
Академик Б. Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети……303

JAMIYAT RIVOJLANISHIDA INNOVATSIYANING O‘RNI
S.Q.Absobirov, NavDPI 1-bosqich tayanch doktoranti……304

МИР ТЕМУР ДАВРИДА КОНЧИЛИК ИШИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР
Хасанова Раъно Рустамовна
Навоий шаҳар 12-сонли ИДУМ тарих фани ўқитувчиси……307

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “CASE-STUDY”
ИНТЕРФАОЛ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ.
Базарова Нилуфар Нормуминовна
Навоий шаҳар 12-сонли ИДУМ кимё фани ўқитувчиси…….311

TA’LIMDA TARBIYANING UZVIY BOG’LIQLIGI MUTAFAKKIRLAR TALQINIDA
To`xtamishova Hilola Maxamatovna
Navoiy shahar 12-sonli IDUM tarix fani o`qituvchisi……313

BOSHLANG`ICH SINFLARDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH
Yunusova Fazilat Yusupovna
Navoiy shahar 12-sonli IDUM boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi…….314

BOSHLANG`ICH SINF IQTIDORLI O`QUVCHILARDA MURAKKAB MASALALAR YECHISH MALAKASINI RIVOJLANTIRISH
Mirzayeva Gulshod Barxanovna
Navoiy shahar 12-sonli IDUM boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi…….315

JISMONIY MADANIYAT NAZARIYASI VA METODIKASI FANINING RIVOJLANISH DAVRLARI
Sheraliyev Oybek Aliyevich-
NavDPI Jismoniy madaniyat fakulteti talabasi
Ilmiy rahbar: p.f.f.d., dotsent Musayev O.Q.....316

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОР САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
Мухамадиева Роза Уразовна
Термез Давлат Университети 1-босқич Магистранти……318

ШАШМАҚОМ ВА МАКОН
(5-7 синф ўқувчиларида анъанавий мусиқа меъросини ўргатиш интерфаол усуллари)
Болтаев Бехруз Хамидович
Навоий давлат педагогика институти 1-курс Магистранти……319

7-8 SINF O’QUVCHILARINI KASB-HUNARGA YO’NALTIRISHDA TAFAKKURNING O’RNI
Innatullaev Ma'rufjon Nodirjon o‘gli.
Navoiy Davlat Pedagogika Instituti 1-bosqich magistri……..320

“FORTEPIANO” VA “ROYAL” CHOLG’ULARINING PAYDO BO’LISH TARIXI
(Fortepianoning tug’ulish “ genezis” i misolida)
Nurmatova Firuza Mo'minovna.
Термез Давлат Университети 1-босқич Магистранти……322

ДУТОР ЧОЛҒУСИНИНГ ТАРИХИ ХУСУСИДА
Жумаева Фарангиз Истам қизи
Навоий давлат педагогика институти, 1-босқич Магистранти……..323

XOTIN-QIZLARNI SPORT MASHQLARI BILAN SHUG’ULLANISHINING FIZIOLOGIK ASOSLARI
Mirzayeva Feruza Nozimqulovna-
Navoiy shahar 12-IDUM jismoniy tarbiya fani o`qituvchisi……....324

O‘QUVCHI TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA ZAMONAVIY DARSLIKLARNING O‘RNI
Qurbonova Yulduz Qulmurot qizi,
NavDPI, doktoranti (O‘zbekiston).....326

ABU NASR AL-FOROBIY VA ABU ALI IBN SINO
SHARQ MUSIQIY NAZARIYA TA’LIMOTI

Al’muhamedova Shaxnoza Maxmudovna
Navoiy davlat pedagogika instituti, 1-bosqich Magistranti…….328

BUXOROYI SHARIF UDUMLARIDAN “OSHI SOFIY”, “PADAR OSHI”, “NAHOR OSHI”, “PAYG’AMBAR OSHI”, “OSHI JUMAGI”, “OSHI BIBI SESHANBE” SHOXONA NOMLANISHINI OLGAN BIR TAOMINING TO’YONA VA DINIY QO’LLANISHI
Muxammadieva Dilfuza Mamasodik qizi
Navoiy davlat pedagogika instituti, 1-bosqich Magistranti …….331

МАНУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СТИЛЕВЫЕ АСПЕКТЫ ТЕХНИКИ В ИГРЕ НА ФОРТЕПИАНО
Файзиева Талифа Озодовна
Магистрантка 1-курса НавГПИ…….331

ZAMONAVIY TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI
mavzusidagi
Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari
2021-yil 24-mart

© Navoiy davlat pedagogika instituti, 2021-y.

Bosishga ruxsat berildi: 23.03.2021-y. Qog‘oz bichimi 80x64 1/8
Hajmi 34,5 bosma taboq. Adadi 100 nusxa.
Bosmaxona manzili: Navoiy shahri, Ibn Sino ko‘chasi 45–uy,
NavDPI kichik bosmaxonasi